

*“Одалийлик муржи” га
доир суҳбатлар*

Тоҳир Малик

УМИДИМИЗ
ЮЛДУЗЛАРИГА




ЯНГИ АСР АВЛОДИ
ТОШКЕНТ
2016

УЎК: 821.512.133-3

КБК: 84(5Ў)6

Т – 22

Малик, Тоҳир

Умидимиз юлдузларига: «Одамийлик мулки»га доир суҳбатлар / Тоҳир Малик. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2016. – 784 б.

ISBN 978-9943-27-384-9

Ёзувчи Тоҳир Маликнинг ахлоқ-одобга доир рисоалари китобхонларга яхши таниш. Унинг уч фаслдан иборат «Одамийлик мулки» ахлоқ китоби кўпчилик диққатини тортди. Бу рисола асосида тартиб берилган «Келинлар дафтарига», «Куёв бола, сизга айтар сўзим бор» китоблари ҳам нашр этилган. Адиб китобхонлар, хусусан, ота-оналар, мактаб, лицей, коллеж устозларининг таклифларини инобатга олиб, «Одамийлик мулки» асарини қисқартириб, таҳрир қилиб, ўсмирларнинг талаби ва дидига, қизиқишига мослаган ҳолда қўшимчалар киритиб, «Умидимиз юлдузларига» тарзида нашрга тайёрлади. Китоб гарчи ўсмир-ёшларга мўлжалланган бўлса-да, ардоқли ота ва оналар, кадрли устозларнинг ҳам танишиб чиқишлари мақсадга мувофиқдир. Агар суюкли фарзандлари ва шогирдлари билан бирга мутолаа қилсалар, фикрлашсалар нур аланнурдир.

УЎК: 821.512.133-3

КБК: 84(5Ў)6

ISBN 978-9943-27-384-9

© Тоҳир Малик, «Умидимиз юлдузларига». «Янги аср авлоди», 2016 йил.

Биринчи қисм

Саодат саройининг калити



Дуоларимизда кўринга бахт ва саодат тилаймиз. Бахт нима? Саодат-чи? Уккаласи бир маънони аниқлатадими? Ўй: «Бахт» торроқ маънодаги тушунга. Ҳар бир одам бахтли бўла оlishи мумкин. Биров йўқотган минг сўмини топиб олса, ўзини бахтли ҳис қилади. Бошиқа биров набира кўрган кунни ўзини дунёдаги энг бахтли сўминсон деб ҳисоблайди. Одамлар ўзлари унун кутимлаганда бахтли бўладилар.

Саодат эса Аллоҳнинг раҳматига, марҳаматига этишимокликдир. Саодатта пул топиб олган каби этишимайди. Гўзал хулқ ва бошиқаларга яхшилик қилиши саодат саройининг калитидир.



БИРИНЧИ БЎЛИМ

ИШҚ-МУҲАББАТ

«Бандаларимнинг ибодатлари ичида менга суюмлироғи – менинг йўлимда яхши амалларга тарғиб ҳамда холис насиҳат қилишдир».
(Ҳадиси қудсийдан)

«Ё Аллоҳ, мени гўзал ахлоққа ҳидоят қил. Сендан ўзга мени чиройли хулққа ҳидоят қилолмас. Ё Аллоҳ, ёмон хулқни мендан узоқлаштир. Сендан ўзга буни қилолмас».

(Пайгамбаримиз алайҳиссаломнинг намозни бошлашларидан олдинги дуолари)

«Шундай банда бор, чиройли хулқи билан жаннатнинг баланд даражаларига етади, гарчи обид бўлмаса ҳам. Шундай банда бор, ёмон хулқи сабабли дўзахнинг энг қуйи қаватларидан жой олади, гарчи обид бўлса ҳам».

Анас ибн Молик

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

Бизларни яратган, бу кунларга етказган, фарзанду набиралар берган раббимиз Аллоҳга беҳисоб-беҳисоб равишда ҳамдларимиз бўлсин. Аллоҳ Таолони поклаб ёд этганимиз ҳолда бермиш энг улуғ неъматлари – фарзанду набираларимизни нопок назарлардан, қора ниятликларнинг қора ниятларидан, ёмонларнинг зулмидан ҳаммиша асрамоғини, яхшиларга яқин қилиб, соғлик ва омонлик, иймон ва диёнат билан вояга етмоқликларини насиб этмоғини сўраб дуолар қиламиз.

КЎНГИЛ САЛОМАТЛИГИ

Фарзандлар ҳақиға дуо қилиб сўз бошлашимиз бежиз эмас. Мазкур рисолаани қўлга олган сиз – азизларнинг бирингиз ўн тўрт – ўн беш ёки ўн олти – ўн саккиз, балки ундан кам ёки кўп ёшдадирсиз. Қутлуғ хонадоннинг суюкли ўғил-қизи ё набираси ёки эварасидирсиз. Ардоқли отангиз ва онангиз ёки табаррук бобо ёки бувингиз сиз туғилган кунингиз атрофидагиларга суюнчилар улашганлар. Худога шукр қилиб, сизларга бахт тилаганлар ва ҳануз ҳар онда сизга саодат тилайдиларки, биз бу дуоларга «омин!» деб қўшиламыз. Кичиклигингизда сизни «тойчоғим», «асалтойим» деб эркалаганлар. Бугун эса «Умидим юлдузи», «Орзуим чечаги», дадаларингиз ҳатто «Белимнинг қуввати» деб алқайдилар. Набираларим ёшида бўлганингиз учун, уларга қўшилиб, мен ҳам сизларга «Умидимиз юлдузлари» деб мурожаат қилишни маъқул топдим. Чунки сиз фақат биргина оиланинг фарзанди эмассиз. Сиз – Ватаннинг, миллатнинг умид юлдузларисиз.

Хонадонда фарзанднинг туғилиши – улуғ неъматга эга бўлиш беқиёс бахт ҳисобланади. Сиз туғилган онда отангиз билан онангизнинг, бобонгиз билан бувингизнинг ва бошқа қариндошларингизнинг қалбларида ширин бир умид ҳам туғилган. Сиз аста-аста улғайдингиз, атак-чечак қилдингиз, энди қаддингизни дадил тутиб юрувчи полвон йигитчаларга, гўзал қизчаларга айландингиз. Хонадонингиз эса сиз билан бирга туғилган, келажакда ушалажак умид билан яшайпти. Бу умид дуоларда дилдан тилга кўчади: «Фарзандимиз фалон-фалон мартабаларга эришсин...» каби ниятлар айтилади. Сиз улғая борганингиз сайин қалбдаги умид қанотларини кенг ёяверади.

Ана шунда... Худо кўрсатмасин-у, аммо кимларнингдир қалбларидаги умид қанотлари бехос синади. Кутилажак бахт қора тунга, шодлик эса қайғуга айланади.

Ана шунда... «Бу фожиага ким сабабчи?» «Фожиа қачон бошланган эди?» каби саволларга жавоб излаш бошланади.

Қалбда ширин умиднинг туғилгани яхши. Хайрли дуолар янада яхши. Бироқ, сиз – суюкли фарзандларимиз, умидимиз юлдузларининг бахтиёрлиги учун бу кифоя эмас.

Ҳеч ким боласи туғилганида «Болам ўғрилиқни касб этсин» ёки «Гиёҳвандларга қўшилсин», деб умидвор бўлмайди. Дуо ҳам қилмайди. Афсуски, айрим ҳолларда яхши умиди ушалмай, қутмагани бир фожиага йўлиқиб, доғда қолади.

Умидимиз юлдузларининг ҳозирги ҳолатларини илмий тилда «ўтиш даври» дейишади. Мен эса болаликдан ўсмирлик оламига ўтишлиқни – кишининг қайта туғилиши, дейман. Чунки энди фақат атрофни кўрадиган одамча эмас, бу борлиқда ўзини ҳам кўра оладиган, фикрлайдиган шахс туғилади. Биринчи туғилишда гўдак чинқириб гўё дейдики: «Мана, мен ёруғ дунёга келдим. Қувонинг ва бундан бу ёғига мен учун ташвишлар чекинг. Мен ҳозирча сизнинг ёрдамингизга муҳтожман. Бир дақиқа бўлсин, мени унутманг. Мени авайланг, ҳар бир нафасимни кузатиб, бешигим ёнидан жилманг. Сизларнинг меҳрингизга, шафқатингизга эҳтиёжим бор! Сал ўтмай мени атак-чечак қилиб юрғизинг, йиқилсам – турғизинг, бошимни силанг...» Одам иккинчи бор туғилишида бутунлай ўзгача оҳангда дейдики: «Энди мен қанотларингиз остидаги полапон эмасман, ҳадеб қўлимдан ушлаб етаклайверманг, ҳадеб изимдан юраверманг. Босган қадамларимга ишончсизлик билан қараманг. Йўрғакда тутишга интиланг, бешикдаги ҳолимни унутинг. Мен мустақил одамман. Қўлимдан етаклашга уринманг. Мен рўпарамда баланд тоғни кўриб турибман. Унинг юксак чўққилари бор. Бу тоғдан ўзим мустақил равишда ошиб ўтмоқчиман. Бу – менинг ҳаётдаги мақсадим. Мен чўққига кўтарилишни бошляпман. Ҳар бир қадамим билан мен юқорига кўтариляпман. Рўпарамдаги уфқ тобора кенгайяпти. Янада кўпроқ одамларни кўряпман. Уларни тушунишга ҳаракат қиляпман. Меҳр ўрнига адолатсизлик, илм ўрнига жоҳиллик, шафқат ўрнига зулмни кўрганимда кўрқиб кетяпман. Мен бу борлиқда таянчга муҳтожлигимни ҳам сезяпман. Мен ақли, доно, адолатли одамга зорман. Мен ёнимдаги кучли ва донишманд одамга суянсамгина чўққига чиқа оламан. Аммо мен буни ҳеч кимга айта олмайман. Муҳтожлигимни тан олишим – мен учун иснод. Ҳамма мени «мустақил қадам ташловчи одам бўлиб етилибди, чўққини ўзи забт эта олади», деб ҳисоблашини хоҳлайман».

Умидимиз юлдузлари, ўсмирлик оламига ўтганингизда, эҳтимол, сизнинг онгингизда ҳам шундай фикрлар уйғонгандир. Лекин дилдагини тилга кўчиришга уялгандирсиз. Турли учрашувларда катта ёшдагилар ўсмирлар ва ёшларни танқид қилиб улардан нолийдилар. Мен эсам ажабланиман: биз нима учун сизларни ёмонлашимиз керак? Агар сиз ёмон бўлсангиз, демак, аввал бошда биз

ёмон эканмиз. Чунки сиз бизнинг фарзандларимизсиз. Сизларни биз тарбия қилдик.

Тўғри, ўсмирлик оламига қадам қўйганингизда хатти-ҳаракатингизда жиддий ўзгаришлар кузатилади. Инжиқроқ, қайсарроқ бўлиб қоласиз. Дарс тайёрлагингиз ҳам келмай қолади. Зерикарли ишларни бажаришга тоқатингиз етмайди. Ҳатто асабийроқ бўлиб қоласиз. Баъзан уйда бақириб ҳам юборишингиз мумкин. Ота-онангизнинг бу ҳолатингизни тўғри тушунишларини истардим. Бу ҳолатингиз ёмон тарбиянинг бошланиши эмас, балки табиий жараёндир. Ўсмирликдаги иллат бўлиб кўринган ҳолатлар аста ўнгланади. Ота-онангиз бир масалани муҳокама қилаётганларида ўз фикрингизни билдирсангиз, «Сен ҳали ёш боласан, бунақага ақлинг етмайди, аралашма», деб қайириб ташлайдиларми? Агар бир ишни нотўғри бажарсангиз «Кап-катта бўлиб қолдинг-ку, шуни эпламайсанми?» деб танбеҳ берганларида «Қайси бири тўғри: ёш боламанми ё кап-каттаманми?» деб ажабланишингиз ўринли. Лекин ота-онангиздан қаттиқ ранжиманг, уларга ўчакишманг. Улар сизни ёмон йўлга кириб қолишингиздан чўчиганлари учун ҳам доимо назорат қиладилар, танбеҳ бераверадилар.

Одамнинг умр йўли узун. Бир одамнинг йўли иккинчисига ўхшамайди. Ҳатто ака-укалар, опа-сингилларникида ўхшашлик йўқ. Умр йўли, хоҳ узун, хоҳ қисқа бўлсин, силлиқ, атрофи гулзор, чиройли эмас. Тошли йўллар, тиконли йўллардан баъзан яланг оёқ юришга тўғри келади. Бу азобга кўпинча одамнинг ўзи сабабчи бўлади. Умр йўлида битта бурилиш нуқтаси мавжуддир. Қайси йўлга бурилишга ҳатто бир қувончли ёки нохуш воқеа туртки бўлиши мумкин. Билишингиз жоизки, ҳеч бир ота-она фарзандининг ёмон йўлларда санқишини истамайди. Диққат қилайлик-чи, ҳаёт йўлининг қайси нуқтасида нохуш бурилиш содир бўлди? Бу бурилишни ким биринчи бўлиб пайқашди, ким биринчи бўлиб чора кўрмоғи жоиз эди? Ота-онами, мактабми, милициями ё қўни-қўшниларми?

Тиббий жиҳатдан, аниқроғи, ирсият қонунлари доирасида кузатадиган бўлсак, ота-оналарда мавжуд хафақонлик, сил, қанд каби хасталиклар орадан йиллар ўтиб фарзандда бош кўтаради. Ота-онанинг ташқи кўринишлари, овози, ҳатто юриш йўсини ҳам фарзандга кўчади. Шундай экан, феъл-атвори ҳам ўтиши маълум. Айни шу ўринда баҳсли мулоҳаза уйғониши мумкин: демак, ўғрининг боласи ўғри, тўғрининг боласи тўғри бўларкан-да! Фарзанд ота-онасининг ёмон иллатларидан қутула олмас экан-да! Мен бу даъвони инкор этувчилар қаторидаман. Ҳиндларнинг «Дайди»

деган бир фильми бўларди. Раж Капурни илк марта танитган бу фильмни ўтган асрнинг эллагинчи йилларида одамлар йиғлаб-йиғлаб томоша қилишарди. Фильмда муҳим ижтимоий масалалар кун тартибига қўйилган эди. Жага исми ўғри судянинг «Ўғрининг боласи ўғри бўлади», деган шиорини йўққа чиқариш учун унинг ўғлини ўғирлаб кетиб, оқибатда ўзи каби ўғри қилиб тарбиялайди.

Шоирлар ҳаётни гулшанга қиёслашади. Чиндан ҳам ёмонлардан холи ҳаёт беқиёс даражада гўзалдир. Аммо афсус шуки, бу гулшан орасида тиканаклар ҳам бор. Диёнат олами билан ёнма-ён шайтанат олами ҳам яшайди. Улар орасида мустаҳкам девор йўқ. Адашган банда, айниқса, ёш чоғида шайтонлар етовидаги оламга ўтиб қолиши мумкин. Бу оламнинг фақат битта йўлаги бор. Бу йўлак ҳар қандай одамни хорлик даштидаги ўлим чангалига олиб боради. Гапимнинг исботи учун диққатингизни нохуш бир манзара баёнига қаратаман:

...Қуёш қаердадир тоғ ортидан, қаердадир чўл адоғидан, қаердадир асрий музлар орасидан бош кўтаради. Қаердадир дарахт кокиллари йўнаб, биллурий булоқ сувларига тўйиб олгач, хонадонларга мўралайди. Қаердадир қуриб-қақшаб ётган тиконларни, чанқоқ қум барханларни ялаб ўтиб, одамлар яшайдиган ерларга ошиқади. Қаердадир асрий музликлар орасида паноҳ тополмай, одамзодга дуч келишдан умидини узиб, тезроқ кўз юмишга ошиқади.

Баҳор ҳам шундай. У илиқ шабада нафасида, қалдирғоч қанотида, турналар солган арғимчоқда кириб келиб, ташна кўнгиларга тириклик сувини беради. Бироқ...

Қуёшнинг тонгдаги, айниқса, баҳор тонгидаги кўркини кўриш барчага ҳам насиб этавермайди.

«Қуёш барчага баравар нур сочади», дейдилар. Ҳақ гап. Бироқ...

Унинг нуридан ҳамма ҳам бир хилда баҳраманд бўлавермайди.

Тиканли сим, темир панжаралар, баланд деворлар ортидан мўралаган тонгги қуёш кўнгилга озод ҳаётдаги каби илиқликни бера олармикан? Тиканли симлар билан ўралган қамоқхона ҳовлисига ҳам баҳор киради, бу ердаги дарахтлар куртаги ҳам кўз очади, сурхчалар барг чиқаради. Аммо, баҳор гашти тиканли симларни ошиб бу ерга ўта олармикан?

Озодлик сўзини бу ерда нондай азиз кўришади. Бу ерда ойлар саналади, кунлар, соатлар саналади.

Ҳар бир лаҳза, соат, кун... уларни озодликка яқинлаштиради.

Ҳар бир лаҳза, соат, кун... уларни исканжага олади, улар ўйламай босилган қадамларини лаънатлаб яшашади.

Бу ер – болалар ахлоқ тузатиш меҳнат колонияси (халқ тилида оддийгина қилиб «болалар қамоқхонаси» дейилади). Ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган жиноятчилар жазо муддатларини шу ерда ўтайдилар. Бу ерга автомат тарзда очилиб-ёпиладиган темир эшиклардан кирилади. Бир хил кийим кийган, кўзларда мунг, баъзан алам яширинган болалар бу жойга бегона одамни дарров илғашади.

Мен бу колонияга бир неча маротаба борганман. Бу ердагиларнинг барчаси ҳам суҳбатдош бўлавермайди. Айримлари гаплашади, баъзилари эса нигоҳини бир нуқтага тикиб тураверади. Табиатан шундайми улар ё терговчиларнинг сўроқларидан кейин қўрқиб, шунақа бўлиб қолишганми? Балки терговда очилмай қолган сирларини бой бериб қўймаслик учун тиллари тиш ҳатламас? Билмадим. Билолмадим. Ҳар ҳолда улар менга жумбоқ бўлиб қолишган. Уларнинг айримларини сиртдан танийман. Крандан сув ичиб, аланглаб қўйган бола қўшни кампирни «тўполон қилма, чекма» деб тергагани учун ўроқ билан чопиб ташлаган. Ҳозир нимадан чўчиб аланглади: кўзига ўша кампир кўриндими ё? Кичкина бола эканида ўша аёл уни кўтариб суйган, эркалаган, боғидаги мевалар билан сийлаган. Оқибатда эса... бир гапи учун қонга беланган. Ҳозир бу бола ўроқ кўтариб кампирга ташланганини эсладими ё биринчи марта наша чекканиними?

Анави дарахтга суяниб турган бола катта ўғриларга қўшилган. Катта ўғриликлар бўлаётган дамда балки у шу ҳолда – дарахтга суяниб пойлоқчилик қилгандир? Балки ҳозир унинг кўз олдига орқа кураги остига пичоқ санчилган қоровул келгандир? Ахир қоровулни у гапга солиб, чалғитиб турган эди, унинг кўз олдида санчишди пичоқни! Бу даҳшат исканжасидан у узоқ йиллар қутула олмаса керак.

Навбатдаги учрашувда бир ўсмир адабиёт ҳақида менга кўп савол берди. Мен дедимки: «Саволларингга қараганда ақлли болага ўхшайсан, бу ерга қандай тушиб қолдинг?» У бир оз сукут сақлаб, кейин паст овозда «Ўртоғимни билмасдан ўлдириб қўйдим», деди. Бу ерда деярли ҳамма шундай жавоб беради. Уларнинг «билмасдан» дейиши тўлалигича ёлғон эмас. «Тўлалигича» дейишимнинг сабаби: улар шундай жиноятнинг оқибатини билишади-ю, зарур нуқтада ўзларини тўхтатиб қола олишмайди.

Адашган болалар билан ҳар учрашганимда ўйлайман: бутун тутқунликда ўтирганлар бундан ўн йилнинг нари берисида мактабнинг биринчи синфида ҳам ота-оналарнинг, ҳам устозларнинг кўзларини қувнатиб ўтиришарди. Уларнинг яқин келажаклари

нурсиз, қора бўлишини ким ҳам ўйлаган ўша дамда. Бугун мактаб остонасини илк бор босиб ўтган ширин-ширин болаларнинг ҳаммалари бахт кўчаларидан юриб кетадиларми? Бу саволга ҳеч ким аниқ жавоб бера олмайди. Лекин бир нарса аниқ: у ёки бу болани адаш йўлдан сақлаб қолиш мумкин.

Машҳур ёзувчи Мирзакалон Исмоилий олтмишинчи йилларда «Бизнинг роман» деган қисса ёзган эдилар. Унда ота-онаси эр-калатиб юборган, тарбияси бузила бошлаган боланинг ҳаёти акс эттирилган эди. Орадан йигирма йил ўтиб, қариган чоғларида шу асарни давом эттириш истаги туғилди. «Шўх Тўлавойни шумликка ўтиши даврида қолдирган эдим. Шўхлик шумликка айланса нима бўлишини ўсмирларга кўрсатиб қўйишим керак», дедилар. «Шумлик ўсмирни жиноятга бошлайди, жиноят оқибатида эса қамоққа тушади. Сиз маҳкумлар билан кўришсангиз яхши бўларди», дедим. Бу таклиф маъқул келиб, якшанба куни ахлоқ тузатиш колониясига учрашувга бордилар. Кечки пайт қайтганларида таассуротларини сўрадим. Бирдан кўзлари ёшланди: «Сен айтгин, ўша болалар қамоқда ўтиришлари керакми? Ота-онаси бағрида яйраб-яшнаб, мактабларда илм олиб, бахтли ҳаёт кечириш ўрнига нега бу жойга тушиб қолишди? Нега? Нега?!» деб йиғладилар. Қаранг, «халқ душмани» деган тухмат билан қамоқда ўтирган, тўрт йил урушда бўлиб, турли даҳшатларни гувоҳ бўлган ёзувчининг юраги колонияда ўтирган болаларни кўриб эзилиб кетди. Ўша кундан бошлаб янги асарни ёзишга киришдилар, номи – «Ўзингдан кўр». Менга берган саволларига шу китобда ўзлари жавоб қайтардилар. Вафотларидан сал олдин асарни ниҳоясига етказдилар. Бу асар ёшларга васиятнома бўлиб қолди, десам ҳам бўлади.

Кириш сўзларидан сўнг мақсадга ўтсам: юқорида ўсмирлик ва ёшликка хос айрим иллат ва камчиликни тилга олдим. Шулардан яна бири – кўпчилигингиз насиҳатни ёқтирмайсиз. Балки ҳар кимдан, ҳар томондан бетўхтов насиҳатлар эшитаверганингиз учун бешиб қоларсиз? Албатта, ҳаддан ошмоқлик акс таъсир беради. Одам ҳар куни палов емоққа мажбурланса, бу таом қанчалик ёқимли бўлмасин, икки-уч кунда меъдага тегади. Лекин насиҳатлар оқимининг сира тўхтамаслигига кўникиб яшашингиз керак. Ёшингиз саксонга етганда, илоҳим ота-онангиз умрига барака берсин, улар сизни тэргашни, танбеҳ беришни, насиҳат қилишни тўхтатишмайди. Чунки сиз минг ойнинг юзини кўрган бўлсангиз-да, ота-онангиз учун бола бўлиб қолаверасиз. Ўз ўрнида олтмиш ёшли ўғлингизга сиз ҳам насиҳат қилишдан тўхтамайсиз... Бир латифа бор: кўчада соқоли кўксига тушган қария йиғлаб бо-

раётган эмиш. «Сизни ким ранжитди?» деб сўрашибди. «Дадам», дебдилар қария. «Ия, неча ёшдасиз, дадангиз неча ёшдалар?» деб ажабланишибди. «Саксондан ошдим, дадам бир юз беш ёшдалар», деб жавоб берибдилар. Бир юз беш ёшли отага бориб «Ўғлингизни нега ранжитдингиз?» деб сўрашган экан, у табаррук отахон дебдиларки: «Кавушларини бесўроқ кийиб олгани учун мен дадамдан дакки едим, шунинг аламини олдим». «Дадангиз неча ёшдалар?» «Дадам бу йил қовун пишиғида бир юз ўттиз бешга кирдилар...»

Ўғитларга бўлган муносабатларингизни инобатга олиб, **азиз умидимиз юлдузлари**, мен сизларга панд-насиҳат ёзмоқчи эмасман. Шарафли ҳадисда айтиладики, «Болангиз беш ёшга тўлгунча у подшоҳ, сиз эса қул мақомидасиз, барча инжиқликларига чидайсиз. Ўн беш ёшга тўлгунча эса сиз подшоҳ, у эса қул кабидир, барча талабларингизни бажаришга мажбурдир. Болангиз ўн беш ёшга тўлганда у билан дўст мақомида муомала қилинг». Шунга асосланиб, мен сиз билан дўстона суҳбат қурмоқчиман. Сизнинг билимингизни, зеҳнингизни эҳтиром қилганим ҳолда айтаманки, ҳаётда ҳали яхши тушунмайдиган жумбоқларингиз бор. Масалан, бир либос сизга ёқади, шуни кийгингиз келади. Лекин ота-онангиз йўл бермайди. Сочингизни хўрознинг тожиси каби турмаклашни истайсиз, бунга ҳам ижозат йўқ. Билагингизга аждар суратини татуировка қилиш ҳақидаги истагингизни ҳатто эшитишни ишашмайди. Сиз эса ҳайронсиз: «Фалончи-фалончи шундай юрибди-ку, нега менга мумкин эмас?!» деб ғашланасиз. Ота-онангиздан, устозларингиздан норози бўласиз, ҳатто нафратланасиз. Сизга дастлабки маслаҳатим шуки, то умрингизнинг охиригача унутманг: сизга ёққан, маъқул келган нарса (масалан, кийим) уйингиздагиларга ва жамият аъзоларига ёқмаслиги мумкин. Агар уларни инкор этмоқчи бўлсангиз, кўп қийналасиз, шу боис жамият талабларига қулоқ солиб яшаган афзалроқ. Ҳар ҳолда жамият талаблари бирданига бир кишининг хоҳиши билан пайдо бўлмаган. Халқимизнинг минг йиллик урф-одатларида келиб чиққан. Шу боис ҳам жамият талаблари қадрлидир, эътиборлидир. Суҳбатимиз жараёнида шу масалаларга диққатингизни қаратиб, биргалашиб ечишга уриниб кўраман. Агар ҳаёт жумбоқлари тўғри ечилса, келажагингиз нурли бўлади. Барча жумбоқларни ечиб беришга ваъда бермайман. Донишмандликка ҳам даъво қилмайман. Чунки қай бирингизнинг отангиз, онангиз, бобонгиз, бувингиз, амакингиз ёки тофангиз мендан кўра билимлироқ, мендан донороқ эканини ҳис қилиб турибман. Бу китобда ўқиганингиз улардан эшитганларингизга бир илова бўлар, деган умиддаман.

Сиз бугун мактабнинг юқори синфларида ёки лицей-коллежларда билим оляпсиз. Дарсликларингизда, айниқса, она тили ва адабиёт дарслигида тарбияга доир мисоллар кўп. Қадим донишмандларнинг асарлари билан оз бўлса-да танишгансиз. Нима учун қадим-қадимдан тарбияга жиддий аҳамият берилган, нодир асарлар битилган?

Аслида ҳар бир одам биринчи гада ўз-ўзини тарбия қилиши керак, деб ўйлайман. Ҳар биримиз ўз-ўзимизни, хусусан, кўнгимизни идора қила билмоғимиз шарт. Ҳазрат Алишер Навоий таъбирлари билан айтилса, кўнгил – бадан мулкининг подшоҳидир. Кўнгилнинг саломатлиги – баданнинг ҳам саломатлиги, унинг нотоблиги – бунинг ҳам нотоблигидир.

Донолар демишларким: «Сен ўзингни кўрмоқ истайсанми? У ҳолда кўзгудаги ташқи қиёфанга эмас, ичингдаги кўзгуга боқ». Биз эса... кунда неча бор кўзгуга қараймиз. Қалбимизга-чи? Одам ёшидан қатъи назар, ҳамиша тарбияга, бошқаларнинг маслаҳатига муҳтожлик сезиб яшайди. Шунда унга донишмандларнинг асарлари йўлдош бўлади. Биз ҳам шундай улғайганмиз.

«Аниқки, Биз жин ва инсдан кўпларини жаҳаннам учун яратганмиз, – дейилади Қуръони Каримда. – Уларнинг диллари бор-у англай олмайдилар, кўзлари бор-у кўра олмайдилар, қулоқлари бор-у эшитмайдилар. Улар чорва кабудурлар, йўқ, улар беақл ва бефаҳмлиқда чорвалардан ҳам баттардирлар. Ана ўшалар гафлатда қолган кимсалардир». Одамзодни яратган ва тарбия этаётган Зотнинг бу сўзлари бизларни энг муҳим ишдан огоҳ этади. Яъниким, ҳар бир одам қалбига эътибор бермоғи, қалбини кузатмоғи, қалбини ўнгламоғи ва турли руҳий-маънавий касалликлардан сақламоғи жоиз. Кимки ўз қалбини маразлардан сақлашга эътиборсиз экан, унинг билган-билмаган дардлари янада кўпаяди. Зеро, солиҳ амалларнинг ажри ҳам қалбга боғлиқдир.

Ҳазрат Абу Ҳомид Ғаззолий «Мукошафат ул-қулуб» («Қалблар кашфиёти») китобларида дейдиларки: «Билки, Аллоҳ бир бандасига хайр ато этмоқчи бўлса, унга ўз нафсининг қусур ва айбларини кўра оладиган басират беради. Кимнингки басирати ўткир бўлса, қусур ва айблари ўзига, албатта, кўринажак. Киши ўз айбларини билганда эса уларни даволаш имконига эга бўлади. Лекин, афсуским, инсонларнинг кўпчилиги ўз қусур ва айбларини кўрмайди. Аҳвол шундайки, баъзан киши бир мўмин қардошининг кўзидаги тариқдай кирни кўради-ю, аммо ўз кўзидаги ёнғоқдай доғни кўрмайди. Кимки ўз нафсининг айбларини кўрмоқчи бўлса, бениҳоя тўғри, басиратли киши билан дўст тутинмоғи жоиз. Токи бу дўст

унинг аҳволини, ҳаракат ва атворларини кўз остида тутсин. Зоҳирий ёки ботиний хунук бир феълени кўрса, унга танбеҳ берсин».

Улуғ алломанинг фикрларига қўшимча қилиб дейишимиз мумкинки, «басиратли дўст» атамасини китобларга нисбатан ҳам қўлласак бўлади. Бу ўринда китобларнинг энг улуғи, бандаларга берилган улуғ неъматини – Қуръони Каримни, Ҳадиси қудсийни ва Расулуллоҳнинг (с.а.в.) саҳиҳ ҳадислари жамланган китобни ҳамда буларга асосланиб ёзилган ўтмиш доноларининг битикларини назарда тутяпман. Буларни ҳамиша ўқиб юрувчи, тушуниб, тўғри англовчи ва ўқиганларига амал қилувчи киши ҳеч қачон адашмайди.

Қадим-қадимдан одамийликнинг комиллик мартабасига етганлар шундай йўлни тутганлар, дўстларининг насиҳатларига кулоқ солганлар. Ҳаззолий ҳазратлари таъкид этмишларки: «Одам қанчалик ақлли ва даража жиҳатидан қанча юксак бўлса, кибр ва ҳаво жиҳатидан шу даража кичик бўлади. Нафсини энг катта шубҳа остида тутадиган инсон ҳам шудир».

«Лекин, очигини айтганда, бундай хислатларнинг баҳоси ошиб кетди. Жуда оз кишилар бундай феъл-атворларга эгадирлар. Дўсту улфат, ошна-огайнилар орасида бир-бирига лаганбардорлик қилмайдиганлар, бирининг айб ва қусурларини наридан бери ёймайдиганлар, ҳасад қилмайдиганлар жуда озайиб кетди. Дўсту улфат, ошна-огайнилар ичида, ҳеч шак-шубҳасиз, ҳасад-гўйлар, гаразгўйлик билан иш юритиб, айб ва қусур бўлмаган бир ҳаракатининг айб ва қусур деб гап тарқатувчилар ёхуд табиий лаганбардорлиги туфайли қусур ва айбларининг юзинга айтмайдиганлар бор. Мана шундай сабабларга кўра Довуд Тоий инсонлардан ажрашиб кетган эди. Ўзидан: «Нега инсонлар билан ош-қатиқ бўлмайсан?» деб сўралганида у шундай жавоб берганди:

– Менга айб ва қусурларимни айтмайдиган инсонлар билан яқин юриб нима қиламан? Эътиқодли кишилар учун энг севимли нарса – бошқаларнинг танбеҳи билан ўз қусур ва айбларидан воқиф бўлмоқдир.

Мана, буюкларимизнинг жавоби!.. Афсуски, бизнинг замонамизда иш терсига қараб кетди. Аҳвол шу даражага етдики, энди бизларга насиҳат қиладиган, айб ва қусурларимизни айтадиган кишиларни энг ёмон инсонлар ўрнида кўрадиган бўлиб қолдик. Бу – иймонимиз заифлашганининг аломати. Чунки ёмон феъл-атворлар – чақонгич илонлар ва чаёнлардир. Агар либосимиз этагига бир чаён ёпишиб, чақай деб турганда бизга биров бундан хабар берса, албатта, унга миннатдор сўзларимизни айтамыз, севинамиз ва

чаённи чертиб ташлаб, ўлдиришга чоғланамиз. Ҳолбуки, бу чаённинг зарари бадангадир, берадиган азоби эса бир кун, ярим кун давом этади. Ёмон ахлоқнинг қалб софлигига берадиган зарари эса қўрқинчироқдир, ўлимдан кейин эса абадий ва ё мингларча йил давом этадиган қўрққуликдир. Шунини биламизми? Билсак, нечун биров бизга қусур ва айбларимизни айтса, бундан севинмаймиз, бу қусур ва айбларни йўқотиши билан машгул бўлмаймиз. Аксинча, биз ҳам у кимсага насиҳат қилишга киришамиз ва шундай деймиз:

– Ўзинг ҳам шундай-шундай қиласан. Ўзингнинг ҳам шундай қусурларинг бор!

Унинг насиҳатини шу тариқа қабул этамиз ва тескарисини қилиб, орада душманчилик туғилишига сабабчи бўламиз. Бу ҳол – гуноҳлар кўплиги сабаб бўлган қалб қашшоқлигидан. Буларнинг асли эса иймоннинг заифлигидандир...»

Мазкур сатрларни ўқиб «Тўғри гаплар...» дегандирсиз? Ҳа, ба-ракалла! Лекин нима учун қўштирноқ орасида баён қилинганига аҳамият бердингизми? Сабаб шуки, бу ақлли гапларни мен тўқимадим, балки Абу Ҳомид Ғаззолийнинг китобларидан кўчирдим. Қаранг, бундан салкам минг йил муқаддам айтилган фикрлар бугунги кунга мос келиб турса-я?! Бу нима, асрлар давомида инсонлар яхшилик сари силжимадиларми? Ахлоқ заифлиги то ҳануз сақланиб қоляптими? Йўқ, бундай хулосага бормаслик керак. Бадбинликка берилмоқ ҳам ўринсиздир. Ҳар даврнинг ўзига яраша фазилатлари ва ўзига хос қусурлари мавжуд. Бу фоний дунё – имтиҳон дунёси экан, ҳар бир авлод бу имтиҳондан ўзига хос тарзда ўтади. Ҳар бир авлоднинг афзалликлари ва гуноҳлари ҳам бўлади. Шайтон алайҳилаъна то Қиёматга қадар одамзодга душманлик қилар экан, то Қиёматга қадар унга қарши жанг – руҳий жанг давом этажакдир. Агар бир биродаримизни безори ураётганини кўрсак, унга ёрдам беришга шошиламиз. Аммо не учун шайтон васвасасига тушиб қолган қариндошимизни, синфдошимизни, қўшнимиз ёки дўстимизни қутқаришга шошилмаймиз?

Ҳеч биримизга сир эмаски, адашган бандалар орасида ўзимиз учун энг ардоқли бўлмиш инсонлар ҳам учраб қолиши мумкин. Масалан, бир дўстингиз дарслардан қочиб юргандир ёки наша чекишга ўрганиб бораётгандир. Эҳтимол, у тўғри йўлдан адашганини билар, эҳтимолки, билмас. Лекин унинг адашаётгани сизга аниқ кўриниб турибди. Билмаганларга билдириб қўйиш вазифамиз эмасми? Эҳтимол, улар ёмонлик жаридан қутулмоқчилар-у, аммо тўғри йўлга чиқишга кучлари етмаётгандир. Уларга ёрдам қўлини узатиб, ёмонликдан қутулишга кўмаклашиш бурчимиз

эмасми? Ёмон қилиқларини ота-онасига бориб айтсангиз, дўстга хиёнат қилган бўласизми? Асло! У аввалига шундай ўйлаб, сиздан ранжиши мумкин, лекин ёмон қилиқлардан қутулиб яхшилик йўлига ўтгач, сиздан бир умр рози бўлиб яшайди.

Нима учун баъзи одамлар орасидан меҳр-оқибат, меҳр-муруват, меҳр-ҳурмат кўтарилади? Нима учун баъзи ерларда зулм тўфони авжига чиқади? Нима учун кўплар бузуқлик ботқоғига ботади? Сабаб: чўкаётган одам хасга тирмашиб умид қилганидай, заиф тарбияга ишонадилар. Айрим ота-оналарнинг, устозларнинг тарбия усуллари, насиҳатлари ҳидоят ва шифо булоғидан маҳрум бўлгани учун ҳам ширин мева бермайди.

Биз тилимизда «ахлоқ» деган сўзни тез-тез ишлатамиз. Аммо унга сифат бермаймиз. Одам зотига қандай ахлоқ зарур? Албатта, илоҳий ахлоқ, яъни Аллоҳ томонидан буюрилган ахлоқ. Буни «Расулаллоҳнинг ахлоқлари» деб атасак ҳам бўлади.

Донишмандлар ҳикоя қиладилар:

«Бир одам чўлда кетаётиб бадбашарани кўради ва ундан «Сен кимсан?» деб сўрайди. Бадбашара «Мен сенинг ёмон амалларингман», дейди. У одам: «Сендан қутулишнинг иложи борми?» деб сўраганида, у: «Бор, бунинг учун пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) нинг гўзал ахлоқига эга бўлишинг ва унга салоту салом йўллашинг керак!» деб жавоб берган экан.

Ана шундай гўзал илоҳий ахлоққа етишмоқлик барчамизга насиб этсин! Бу бахтга одамийлик мулкига эга бўлмоқлик ила эришиш мумкинлигини унутмасак бас. Юсуф Хос Ҳожиб ҳазратлари айтадиларки: «Қиз эрмас бу ялинчуқ, кишилиқ қиз ўл» («ялинчуқ» – одам демақдир, «кишилиқ» – одамийлик, «қиз» – «қадрли» деган маънони англатади. Ҳикматнинг мазмуни: «Одамнинг ўзи қадрли эмас, одамийлиги қадрлидир».) Ана шу қадрга етишмоқлик йўларини излаб кўрайлик.

ИККИ ЙЎЛНИНГ БИРИ

Кўчада нотаниш бир йигит мени бехос саволга тутиб қолди:

– Ҳамонки, инсон тақдири ҳали туғилмасидан илгариеқ белгилаб қўйилган экан, ёмоннинг яхши бўлишига ҳаракат қилмоғи беҳуда экан-да!

Масалани тушунтириб беришга зарур илм каминада этарли бўлмаса-да, савол берилган, жавоб қутилмоқда эди. Ақлим етганича дедимки:

– Ҳа, кишининг тақдири ҳали туғилмасидан илгариеқ белгилаб қўй илади. Аммо кишининг рўпарасида икки йўлни ҳам берган:

бири – ҳидоят, иккинчиси – залолат, бошқачароқ айтсак: яхшилик ва ёмонлик. Бу йўллардан қай бирини танлаш учун эса Яратган зот унга ақл, зеҳн ва фаросат ҳам берилган. Айни чоғда бу ақлни қувватлантирувчи каломини ҳам туширган ҳамда ҳидоят билан залолатни фарқлашларида тўғри йўлни кўрсатсин, деб бандалари орасидан ўзининг элчисини ҳам белгилаб қўйган. Кимки ақли ва қалби билан Каломуллоҳни англабди, Расулуллоҳга (с.а.в.) эргашибди – у ҳидоятга етибди. Кимки англамабди, англашга интилмабди ёки интилишни истамабди – шайтоннинг этагини тутибди ва залолат йўлини ўзига маъқул кўрибди. Демак, Аллоҳ бандага ихтиёр бериб қўйибди.

Болалик ва ёшлиги атеистларча тарбия («атеист» сўзининг маъноси «худосиз»дир) билан ўтгани сўзларидан сезилиб турган нотаниш суҳбатдош билан шу тарзда фикр алмашдик. Мен қисқа суҳбатда унинг фикрини ўзгартира олишга қодир эмас эдим. Ана шу учрашувдан кейин тарбия мезони ва асослари хусусида ўйлаб қолдим ва сиз азиз **умидимиз юлдузлари** билан ният қилганим суҳбатнинг дастлабки бобини шу мавзуга бағишлашни ихтиёр этдим.

Абдулла Авлоний ҳазратлари ёзган эканлар: «Боланинг саломати ва саодати учун яхши тарбия қилмак – танини пок тутмак, ёш вақтидан маслагини тузатмак, яхши хулқларни ўргатмак, ёмон хулқлардан сақлаб ўсдурмакдир. Тарбия қилувчилар табиб каби-дурки, табиб хастанинг баданидаги касалига даво қилгани каби тарбияни боланинг вужудидаги жаҳл маразига «яхши хулқ» деган давони ичидан, «поклик» деган давони устидан беруб, катта қилмак лозимдур. Зероки, «Ҳассин-у ахлоқакум» амри шарифи узра хулқимизни тузатмакка амр қилинганмиз. Лекин хулқимизнинг яхши бўлишининг асосий панжаси тарбиядур... Ҳукамолардан бири: «Ҳар бир миллатнинг саодати, давлатларнинг тинч ва роҳати ёшларнинг яхши тарбиясига боғлиқдур», демиш. Шариати исломияда ўз болаларини яхшилаб тарбия қилмак – оталарга фарзи айн, ўз миллатининг етим қолган болаларини тарбия қилмак фарзи кифоядир...» (Фарзи айн – бажарилиши шарт бўлган вазифа; фарзи кифоя – бир кишида етим болаларни тарбия қилиш имкони бўлмаса, унга айб эмас, бу вазифани унинг ўрнига бошқа бир одам бажариши ҳам мумкин).

Мазкур фикрларни яхшилаб англаш учун тарихга мурожаат қилайлик: ўтмишда диёримизда бир неча марта кучли-кучли давлатлар қад ростлаган ва кўп ўтмай нураб, яксон бўлган. Минг

афсуски, давлатларнинг йўқ бўлишига ташқи душманларнинг зарбаси эмас, кўпроқ ички низолар сабаб эди. Хусусан, Амир Темуру салтанатининг тарихини эслайлик. Бу ҳолатни тарихчилар қандай шарҳлашса шарҳлашсин, лекин биз деймизки, дунёни лол қолдирган салтанатнинг емирилишига шаҳзодаларнинг яхши тарбия кўрмаганлари сабабдир.

Энди бизларни бир масала кўп ўйлантиради: тарбиячи ким? Ота-онами, мактаб муаллимларими?

Умидимиз юлдузлари, айбситмайсиз, сал четга чиқсак-да, бу саволга жавоб излашда ота-оналарнинг бурчларига кўпроқ тўхталамиз. Бу масалани ўрганиш ҳозир сизга шарт эмасдай кўринса ҳам, яқин йилларда улғайиб, оила қурганингизда, фарзандлар кўрганингизда асқатади, деган фикрга келиб шу баёнга йўл беряпман. Яна бир изоҳки, ота-оналарнинг тарбия соҳасидаги айрим камчиликлари баён қилинганда уларга сиз маломат қила кўрманг. Аксинча, тарбиядаги камчилик нимадан иборат эканига эътибор бериб, келгусида ўзингиз қайтармаслигингиз учун ҳозирдан ўрганинг. Мазкур баённи ота-онангиз билан бирга ўқиб, таҳлил этсангиз, янада яхши.

Юқоридаги саволга жавоб беришда фақат бир нарсани таъкидлаймиз: бола «Сен тарбиялашинг керак», деб гоҳ у ёққа, гоҳ бу ёққа оширадиган копток эмас. Фарзанд тарбиясига ота-она масъул, мактаб эса бу соҳада кўмакчи. Ҳа, айнан шундай. Чунки фарзанднинг оилада олган тарбиясига қараб ота-онасига роҳат ёки жазо келтиришини ҳамма билади. Отанинг иш-амали фарзандига сингса, унинг хулқида жилвагар бўлади. Болани тергаб назорат қилиш ота-она юзининг ёруғлигини таъминлайди. Тарбиядан ташқаридаги бола бебош ва ярамаслик сари оғади. Эрка бўлиб ўсган ўғил-қизлар хатти-ҳаракати ота-онага мунг ва алам келтиради. Шу боис ҳам Абдулла Авлони таъкид этганларидек: «Тарбия бизлар учун **ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат** масаласидур», дейилмиш фикрни барчамиз бирдек шиор сифатида қабул қилмоғимиз лозим бўлади.

Афсусларки, айримларимизнинг кўнгилларимиз кўчага боғланган. Ишга, улфатга муҳаббат оилага бўлган муҳаббатдан ортиқ. Чойхоналарда, ресторанларда, турли зиёфатларда яйрашга умримизнинг ҳисобсиз соатларини беҳуда сарфлаймиз. Бола тарбиясига эса вақтни қизганамиз. Сарик чақага арзимас матоҳларимиз фарзандларимизга нисбатан қимматлироқ. Пиёлани синдириб қўйса аямай урамиз, гулдонни синдирса дўппослаймиз. Агар ака укасини урса яна жазолаймиз. Ҳолбуки, каттанинг кичик,

кучлининг кучсиз устидан ҳоким эканини ўзимизнинг айнан шу ҳаракатимиз билан ўргатяпмиз: гапга кирмаган кичикни ёки кучсизни уриш мумкин! Бола шўхлик қилса, онажонлар «ҳали қараб тур, даданга айтаман», деб кўрқитадилар. Ота келганда ўз фарзандини ёмонлаб «чақадилар-у», айни шу ҳолатда ота-бола орасига душманлик уруғи сочилганини фаҳм этмайдилар. Отани жазоловчи инсон сифатида кўрсатмай, ота келганда уни иззат-ҳурмат билан кутиб олишни ўргатиш афзалроқ эмасмикин?

«Одамнинг камоли фақат соғлиқ ва кучдан иборат бўлмай, балки жисмонан, ақдан ва ахлоқан юксалишдан иборат. Одамнинг жисми, ақли ва ахлоқи турли касаллик ва нуқсонлардан узоқ бўлиши лозим. Одам ҳам ўз манфаатини ўйлаб, ҳам яқинларини бахтиёр қилишга қодир бўлиб ўсиши лозим. Зотан, бу мантиқий олишувларга нима ҳожат бор?»

Устоз Абдурауф Фитрат бу фикрларни салкам юз йил муқаддам баён этганлар. Бугун бола тарбияси деганда ота ва она уни яхши кийинтиришни тушунади, катта пул сарфлаб ўқишга киритишни англайди... Агар автомашинаси бузилиб қолса, устахонада бир кун ёки бир ҳафта ўтириши мумкин, аммо фарзанди билан бир соат ёнма-ён ўтириб, дарс тайёрлашга тоқати етмайдиган оталар ва оналар ҳам борлиги афсусли ҳолдир.

Танишларимиздан бири мақтанди: «Синфдошларимиз билан дўстлигимизни ҳеч бузмаймиз. Ҳар куни ишдан кейин фалончи ўртоғимизникида учрашамиз, чой-пой ичиб, шахмат-нардни ўйнаб, телевизор томоша қилиб, кечқурун баъзан ўн бир – ўн иккигача ўтирамиз...» Албатта, дўстликни узмаслик яхши, бироқ оила бағрига барвақт бориш ундан аълороқ. Ҳар куни уйига кеч борса, болалари бу вақтда ухлаб қолган бўлади. Тарбия билан қачон шуғулланади? Назаримда, бу биродарларимиз дўстликни мустаҳкамлаш ҳақида нотўғри тушунчага эгалар, оила, фарзанд тарбияси, деган тушунчадан эса бутунлай маҳрумлар.

Ҳаёт – имтиҳон эканлиги кўп айтилади. Имтиҳон бор жойда бурч, жавобгарлик, масъулият бўлади. Инсон ана шу масъулият билан дунёга келади. Барчамиз зиммасига омонат юклатилган, имтиҳонда турган инсонлармиз. Бу дунё нашъали, аммо асл жойимиз эмас. Биз фарзандларимиз тақдири учун ҳужайраларнинг энг олис нуқтасигача, вужуднинг ҳар бир заррасига қадар жавобгар бўлган кишилармиз. Ўзимиз жаннатга кирсагу азоб фаришталари фарзандларимизни жаҳаннам ўтига отсалар, юрагимиз бардош берармикин? Агар бирон киши фарзандимизнинг қўлига чўғ босаман, деса хотиржам қараб тураимизми? Ўйлаб ҳам ўтирмасдан

ҳимояга ташланамиз! Хўш, нима учун жигарбандларимизни ёмон хулқи учун келажақда кутиладиган дўзах ўтларидан ҳимоя қилишни ўйламаймиз? Бу бир масала. Иккинчи масала – дўзахий фарзандларни «тарбиялаган» ота-онага жаннат насиб этармикин? Бу ўринда жумла тузишда хатога йўл қўйдик: эҳтимол, «дўзахий болаларни «тарбиялаш» эмас, «болаларни дўзахбоп қилиб тарбиялаш» десак тўғрироқ бўлар? Йўқ, энг тўғриси – «болаларни умуман тарбия қилмаган...»

Ўзларича дўстлик ришталарини мустаҳкамлаётган ўша ошна-оғайнилар ўйлаб кўрсинлар: Қиёматда «нега ўртоқларингникида чой ичмадинг, нега тун ярмигача ўтирмадинг?» деб сўралмайди. «Сен ўзингни қандай тарбия қилдинг ва фарзандларингга нега тарбия бермадинг?» деб сўралади. Қиёматдаги жазога анча вақт бор. Бу дунёдаги жазо кўп кутгирмайди. Агар фарзанди гиёҳвандларга қўшилиб кетса, бузуқликни касб этса дардини кимга айтади? Кимни айблади? Кимдан нажот сўрайди?

Гўзал хулқ ва тарбияли онанинг хислатлари, яхши феъл-атвори фарзандларида ҳам намоён бўлади. Улар ҳам оналарининг гўзал хислатларига эга бўладилар. «Онасини кўриб, қизини ол», деган мақол бежиз айтилмаган.

Ота ўз фарзандларига мерос етиб мол-у дунё эмас, одоб-ахлоқ қолдириши керак. Мол-дунё мероси кундан-кун камайиб, одоб-ахлоқ мероси эса ошиб боради. Қўйидаги ривоят фикримизнинг далили.

Ривоят. Миср ҳукмдори билан Рум ҳукмдори ўзаро келишиб, дўстлик аҳдини туздилар ва орадаги адоватга барҳам бердилар. Ҳатто Миср ҳукмдори Рум ҳукмдорининг қизини ўғлига никоҳлаб, қизини эса Рум шаҳзодасига узатди. Уларнинг дўстлик ва қариндошлик алоқалари узоқ давом этди. Бир куни Рум ҳукмдори қудасига бу мазмундаги мактубни йўллади:

– Кўзларимизнинг нурлари бўлмиш азиз фарзандларимизнинг бизлардан кейин ҳам фароғатда яшамоқликлари учун ҳозирдан чора-тадбир кўришимиз керак. Мен ўғлим учун жуда кўп олтин жамладим. Чиройли боғ ва сарой барпо эттирдим. Сиз ҳам шундай қилгандирсиз?

Миср ҳукмдори мактубни ўқиб табассум қилди ва бу жавобни йўллади:

– Азизим, мен сиздан кўра сал бошқачароқ йўл тутдим. Вафосиз мол-дунё ва матоҳларига илтифот этмаганим туфайли ўғлимга олтин жавҳарлар эмас, илм, ҳунар, одоб, ахлоқни мерос этиб қолдиришни истадим. Уни илмли, ҳунарли, хушахлоқли қилиб

тарбияладим. Уни яхши адаб либоси билан безадим. Мол-дунёга қачондир завол этади, аммо мен қолдираётган меросга ҳеч замон завол этмайди. Бу мерос фарзандимни ҳар қандай бало-офатлардан омон сақлагай...

Бирга ўйлайлик: тарбиясиз одам жонсиз жасад каби эмасми?

Даврага қўшилгувчи ҳар бир одам аввал ўзининг ташқи кўриниши, қиёфасига қараб қабул қилинади, сўнг эса тарбияси ва фазилатига қараб тақдир этилади. Кишидаги фазилат гўё фарзанд кабидир, уни авайлаб сақлаш ва янада баркамол этиш лозим. Ҳар бир одам, аввалроқ айтиб ўтганимдай, ўзини ўзи тарбия қилишга ўрганиши керак. Инсоннинг улуғлиги ўзини идора ва тарбия қилиш кучига эга бўлиши билан билинади. Киши ўзини ўзи тарбия қилишга ўрганиши лозим, деган фикрни қувватлаш учун Абу Ҳурайра (р.а.) ривоят қилган бир ҳадиси шарифнинг маъно таржимасини ўқиймиз.

Ҳадис. Расулulloҳ (с.а.в.) марҳамат қиладиларки: «Ҳар бир мўмин банда ўз биродарининг кўзгусидир. У биродарида бир айбни кўрса, ўзида кўрган шундай айбни тузатишга ҳаракат қилиши керак».

Яъниким, биз дўстимизда ҳасад ёки чақимчилик иллатини кўриб турибмиз. Уни тарбия қилишимиздан аввал биз ўзимиздаги ўша иллатни тузатишга киришмоғимиз керак экан.

Ўзини ўзи тарбия қилмоқ қандай бўлади?

Оғзаки насиҳатларни эшитамиз, китобларда ўқиймиз, масалан, қуйидаги ҳикмат каби.

Ҳикмат. Луқмони Ҳаким ўз ўғилларига дебдилар: «Қариндош уруғлардан алоқангни узма, ўйлаб иш тут. Одамларни ғийбат қилма, одамлар ёмон ишга бош қўшса, сен уларга қўшилма. Шошилиб иш тутма, бойлик деб ўзингни ғам-қайғуга ташлама. Ўз қадрини билмаган одамдан яхшилик умид қилма. Ўтиришлардан ўз жойингни бил, одамларнинг сўзларига қулоқ сол, одамлар сўраса, гапир, ўзингдан улуғлар олдига тушиб юрма, одамлар ичида бошингни қуйи солиб ўтирма, ўнгу чапга қарайверма, меҳмонлар олдида бировга ўшқирма, меҳмонга эса иш буюрма. Маст ва девона одамлар билан ҳамсуҳбат бўлма. Бекорчи одамлар билан кўчада ўтирма. Ўз фойдангни ўйлаб обрўйингни тўкма. Ўзига бино қўювчи такаббурлардан бўлма. Хусуматдан узоқ бўл, сенга иш буюрсалар бажар, ваъда қилсанг, албатта, уддасидан чиқ. Ҳеч кимни ранжитма...»

Яна бир ҳикмат. Ҳиндистонлик донишманд эса ўғлига бундай насиҳат қилибди: «Азиз ўғлим, қўлингга кирмаган ёки қўлингдан

кетган нарса учун қайғурма. Ҳар ерда куракда турмайдиган беҳуда сўзлар сўзлаб юришдан йироқ бўл. Нокас, курумсоқ кишидан қарздор бўлма. У билан асло муомала қилма, кейин пушаймон қиласан. Шарм-ҳаёсиз ва бахил киши билан суҳбатдош бўлма, шундай ярамас одамлар билан қўшни бўлмасликка ҳаракат қил. Ўз кучинг орқасида нон топиб эгил, текинхўрликка ўрганма, олижаноб мард одамлар билан суҳбатдош бўлсанг, яхшилик билан ном чиқарасан. Мақтанчоқ ва эзма одамлардан ҳазар қил...

Кейинги ҳикмат. Бошқа бир донишманднинг насиҳати будир: «Фалокатга дучор бўлишни истамасанг – мағрур ва мутакаббир бўлма. Роҳатда яшашни истасанг – дилингни ҳирсдан пок қил. Хору зорликни истамасанг – таъмагир бўлма, ўзингга яхшилик қилинишини истасанг – яхшилик қил, ҳеч кимга озор берма, яхшиликни улуғ иш деб бил. Қадр-қимматинг ошишини истасанг – баланд қимматли бўл. Ишинг пушаймонлик билан натижаланишини истамасанг – аввал яхшироқ ўйлаб, доно, тажрибакорлар билан кенгашиб, сўнгра ишга кириш. Ўзингни ҳаммага севдиришни истасанг – феъл-атворингни тузат, адабли, тарбияли бўл. Обрўга, иззат ва ҳурматга эга бўлишни хоҳласанг – ҳалол меҳнат қил. Ҳаммининг қошида ишончли, марғуб ва мақбул одам бўлишни истасанг – ёлғончиликдан сақлан, чақимчи, ифвогар бўлма, маънисиз, тутуруқсиз сўзларни айтиб юришдан ҳазар қил. Мабодо ўнғайсиз ҳолда қолсанг, ишингда муваффақиятсизликка учраб, қайғу-ҳасрат ичида қолсанг – дод-фарёд қилиб юрма, сабр қил. Ўнғайсиз ҳолдан қутулиш чорасига кириш...»

Бу каби насиҳатлар доноларнинг бизларга берган йўл-йўриқларидир. Таъбир жоиз бўлса, кишининг ўзини ўзи тарбиялашидаги бир режадир. Энди режани қандай тарзда амалга оширади – унинг ақлига боғлиқ.

Умидимиз юлдузлари, яширмай айтинг-чи: оилангиз даврасида шу каби ҳикматлар айтиладими? Билишимча, кўп оилаларда айтилмайди. Сизникида ҳам шундай бўлса, бу китобга жамланган ҳикматларни фурсат топиб ўқиб беринг. Ота-онангизнинг фурсатлари бўлмаса, ака-укаларингиз, опа-сингилларингизга ўқиб беринг. Шунчаки ўқиб қўя қолманг. Биргалашиб таҳлил қилинглари, хулосалар чиқаринглари ва амалда бажаришга интилинглари.

Юзаки қаралса, бу насиҳатларга амал қилиш унча оғир эмас. Айтайлик, одамлар орасида бошни қуйи солмаслик, меҳмонга иш буюрмаслик... Агар бу фазилат ўзимизда бўлмаса, тез кунда ўрганиб кетишимиз мумкин. Лекин айрим фазилатлар – ахлоқи ҳамидалар борким, унга эришиш кунлар, ойларни талаб этади. Яъниким, киши

ҳар дақиқа, ҳар соат, ҳар кун бу соҳада ўзини ўзи тарбия қилиб бормоғи талаб этилади. Дейлик, бир кун тарбия этмадимми, яхши фазилатни бир кун унутдимми – издан чиқиб кетиши ҳеч гапмас. Фазилатнинг ўрни узоқ вақт бўш турмайди, у бизни тарк этдимми, дарҳол ўрнини иллат, ёмон хулқ эгаллайди. Баъзан киши яхши хулққа эришишни истайди, аммо бунинг уддасидан чиқиш ёлғиз ўзига боғлиқ эмас. Ёмонлар билан ҳамсуҳбатлик масаласи бу фикрга мисол бўла олади. Бир кишининг зулмкорлигини ёки разиллигини биласиз, лекин ундан нари туришнинг иложи бўлмай қолади.

Ўзгага тарбия беришдан кўра ўзни тарбия этмоқ юз чандон оғирроқдир. Ўзгага тарбия бериш учун билимга ёки ҳаёт тажрибасига таяниб, тоқатингиз етганича насиҳат қиласиз. Тарбияланувчи насиҳатларингизни қулоққа олмаса, қўл силтаб қўя қоласиз. Киши ўзини тарбия қилиши учун эса жуда мустаҳкам иродага эга бўлиши керак. Чунки ўзни тарбия этмоқлик вужудингизга ҳукмронликни даъво этаётган нафс ва шайтон билан олишиб, енгмоқликдир.

Ақлингиз дейдики:

– Барвақт туриб, жисмоний бадантарбия билан шуғуллан, чиниққин.

Шайтон дейдики:

– Тўйиб овқат егин-у, ётиб, маза қилиб ухлаб ол. Терлаб-пишиб югуришдан сенга фойда борми?

Ақлингиз дейдики:

– Чақимчилик қилма, гуноҳга ботасан.

Шайтон дейдики:

– Ўртоғингнинг шу ишини директорга ёки отасига кириб айтсанг, жазолашади. Унинг жазоланганини кўрсанг, дилинг яйрайди.

Ақлингиз яна дейдики:

– Хизматчи подшоҳга бошқа хизматчини ёмонлади. Шунда подшоҳ: «Гапларингни текшираман, агар тўғри сўзлаган бўлсанг, чақимчилигинг учун сендан нафратланаман, сени душманам деб биламан. Ёлғон сўзлаган бўлсанг, тухматчилигинг учун жазолайман», деган экан, сен ўша хизматчи ҳолига тушиб қолмагин.

Шайтон яна дейдики:

– Бу сафсаталарга қулоқ солма, ҳозир унақа подшоҳлар йўқ...

Шу ўринда баҳсни **ирода** ҳал қилиб беради. Агар ирода чинакам ақл билан қувватланган бўлса – енгади. Ўзини ўзи тарбия қилишда яна бир муҳим қийинчилик борки, уни «муҳит» деб атаймиз. Кишининг атрофида қандай муҳит бор? Яхшилар кўп бўлса бу тарбия

жараёни енгилроқ кечади. Ёмонлар бўлса... оғир, жуда оғир... Шу боис киши атрофини ақл кўзи билан кузатиб, ёмон давраларни тарк этишга жазм этмоғи шарт. Ботқоқда туриб ювиниб, покланишга уринишдан наф йўқ.

Энди тарбиянинг асослари нималардан иборатлиги хусусида фикрлашиб олсак.

Фазилатни қўриқлайдиган гўзал ахлоқни ва ярамас йўлдан, ёмон аҳволга тушишдан сақлайдиган ҳушёрликни донолар муҳим асослардан ҳисоблаганлар. Яна: ваъдага – вафо, насибага – ризо, ҳар бир бахтсизликка қарши чидамли бўлиш, ҳақиқат ва тўғрилиқка риоя қилиш...

Инсонни инсон бўлишига боис тарбиядир ва уч нарсага эҳтиёж сезади: **истеъдодга, илмга ва машққа.**

Ҳазрат Навоий дебдиларки: «Қобилиятли одамни тарбия қилмаслик – зулмкорликдир. Ноқобил одамга эса тарбия хайфдир. Тарбиянгни аяб, унисини нобуд этма, бунисига тарбиянгни зое қилма.

*Қобилга тарбият эрур ул навъким, гуҳар,
Тушса нажосат ичра югай кимса они пок.
Гар ит узумига киши май бирла берса сув,
Бу тарбият била қила олгайму они ток».*

Маъноси: қобилиятли кишига берилган тарбия гавҳар каби қимматлидур. Гавҳар нажосатга тушса ҳам ювилса тозаланади, қимматини йўқотмайди. Итузум май билан суғорилса ҳам итузумлигича қолади, ҳеч замон тоққа айланмайди.

Умидимиз юлдузлари, сиз бу ёшга етгунингизча билим олдингиз, атрофни кузатиб, ҳаёт ҳақиқатларини тушунига ҳаракат қилдингиз. Кўп ишларингизга қараб, сўзларингизга эътибор бериб, сиз азизларни «ақлли» деб мақташга асосим бор. Лекин бир нарсани унутмангки, бош ақл ва илмга тўлиб тошса ҳам, ахлоқни сира унутмаслик керак: инсон ўзидаги маънавий жиҳатларни, виждон ва нафсни тарбиялаши, эҳтиросини бошқара олиши, хунук одатларни тарк этиши, илмий ютуқларини инсоният фойдасига йўналтириши керак. Йўқса, у тўғри йўлдан озиши мумкин. Яъни Ватан ва халқини мудофаа қилишга масъул ҳарбий одамнинг тарбияси дуруст бўлмаса, Ватанига хиёнат этишдан ҳам қайтмас. Беморларни ҳалол ва холис равишда даволашга қасам ичган шифокор қасамини бузар. Ҳатто порахўр ва судхўр мол-дунё эвазига юртини бошқалар қўлига мустахлак қилиб беришдан ҳам тап тортмас.

Тарбиялаш шахсий намуна, оғзаки ёки ёзма насиҳат йўли билан амалга оширилади. Ана шу насиҳатларни олмайдиган одам бахтли бўладими? Суҳбатимиз аввалида бу хусусда қисман сўз юритиб эдим, энди батафсилроқ гаплашиб олайлик. Ўзингизга маълум, баъзи тенгдошларингизга насиҳат қилсангиз малол олади, ҳатто газабланади. Нодонларга насиҳат бир ривоятни ёдга солади.

Ривоят. Қуёш ботиб, дунё юзини зулмат пардаси қоплаганда жиловсиз изгирин ҳар томонга югуриб, маймунлар тўдасига ҳужум қила бошлади. Бечора маймунлар совуқдан титрар ва исиниш учун чора ахтарар эдилар. Улар ногоҳ ялтироқ қуртни кўриб қолдилар. Уни чўғ деб ўйлаб, талай ўтин йиғиб, атрофига қаладилар ва ҳадеб пуфлайвердилар. Дарахт тепасидаги қуш уларнинг бу нодонликларидан кулиб: «Бу олов эмас, кечалари ялтираб кўринадиган қурт», деса ҳам эътибор бермадилар. Шу аснода ўткинчи бир одам аҳволни кўрди ва қушга қараб: «Ўзингни кўп койитма, улар сенинг сўзингга қулоқ соладиган, фойдасиз ишдан воз кечадиганлардан эмас. Уларга насиҳат қилиш – қилични тошга уриш ва шакарни сув остига беркитиш билан баробардир», деди. Қушнинг нодонлиги маймунларникидан қолишмас эди, у одамнинг насиҳатига қулоқ солмай, маймунларнинг хатосини тушунтириш учун дарахтдан тушиб, улар ёнига келди. Маймунлар эса... уни ўраб олиб, бошини узиб ташладилар...

Ҳазрат Навоий бежиз айтмаганлар: «Телба қулоғига панд – қуюн оёғига банд» – яъниким, нодонга насиҳат қилганинг – бўроннинг оёғини кишанлаб олишга уриниш кабидир...

Айримларнинг насиҳатга муносабатлари сал бошқачароқ. Улар насиҳатни кескин рад этмайдилар, аммо тўғри йўлдан юришни галга солаверадилар.

- Ўқишдан қочманг, дарсни ўз вақтида тайёрланг, – дейсиз.
- Хўп, қочмайман, ўқийман... – дейди. Қўлига китоб олади-ю, сал- сал узоқлашсангиз, боши ёстиқ сари оғади.
- Бу ёшингизда чекиш ғоят зарарли, ўрганманг...
- Хўп, тутатганимни чекиб олай, бошқа оғзимга олмайман...
- Ўртоқларингизга вафоли бўлинг, уларга ёрдам беринг....
- Хўп... хўп...

Ўнлаб, ҳатто юзлаб «хўп», «хўп»... аммо аҳдида турмайди. Насиҳатни давом эттирсангиз «иродам бўшлиқ қиляпти», каби баҳоналарни тахлаб ташлайди. Эҳтимол чинданам иродаси бўшдир. Насиҳатга қўнса-да, галга ташлаётган, амалга оширишни орқага сураётган бу йигит ёки қиз ҳали яхши йўлга ўтишга улгураман, деб ўйлайди. Эртага бўлмаса индинга, албатта, тузалишига умид

қилади. Аммо бу умид инсонни маҳв этувчи туйғу эканини англаб етолмайди. Ахир киши савобли ишни бир кун эмас, ҳатто бир дақиқа ҳам ортга суриши мумкин эмас-ку! Ҳар бир одам, ёшми-қарими – фарқи йўқ, «ҳозир ёки бир оздан сўнг ўлиб қолишим мумкин. Дарҳол тавба қилиб, яхши одам бўлай, ёмон ишларимни ташлай», дейиши зарур эмасми? Лоқайдлик, меҳнатдан қочиб фароғатни афзал билиш, келажаги ғамини эмаслик ёш кўнгилни тез ўлдиради, бора-бора инсонни маҳв этади. Ҳазрат Навоий таъкид этганларидек: «Шафқатли насиҳатгўй гапини тингламаганнинг жазоси – афсусланмоқ ва ўзини койимоқдир». Ҳазрат Ҳофиз Шерозий дейдиларким: «Доно қарияларнинг насиҳатига **бахтли ёшларгина** қулоқ соладилар». Абдурахмон Жомий эса бундай дейдилар:

*«Қулоқдан дилинга гар кирмаса нур
Сичқон қавагидан не фарқи бўлур?»*

Донолардан бири деган экан: «Эй, дўстим, агар сенда фазл дарёсининг дур-гавҳари бор бўлса, уларни насиҳатларингни қабул қилиб, шу насиҳатларга амал қилувчи яхшиларнинг оёқлари остига тўк. Насиҳатларинг зое кетмайди».

Халқимизда «Гапни гапир уққанга – жонни жонга суққанга» деган ибратли мақол бор. Маълумингизки, ҳазрати Сўфи Оллоҳёр «Саботул ожизийн» асарларини аввал форс тилида ёзиб, сўнг туркий тилда ҳам баён қилганлар:

*Ўзимдек хасталар бўлгайму деб шод,
Насойиҳдин ҳам андак айладим ёд.*

Демоқчиларки: «Бу китобни туркий билан ёзганимнинг яна бир сабаби шуки, ўзим каби хаста кўнгиллар уни ўқиб қувонсинлар. Бунинг учун бир оз насиҳат сўзлар ҳам айтдимки, ўқиганлар ўғитлансинлар. Зероки, эси бор киши оз насиҳатдан кўп ибрат олар. Аммо бир аҳмоқ учун ваъздан катта китоб ўқиб берсанг ҳам зарра фойда олмайди».

*Насиҳат тингламас дили сахт маҳжуб,
Кўкармас, тошга яғмур ёғса ҳам кўп.*

Демоқчиларки: «Тош устига қанчалик кўп ёмғир ёғиб сув тушса-да, ўт чиқиб кўкармагани каби кўнгли қотган кишиларга қанчалик ўғитлар қилсанг ҳам қулоқларига олмаслар. Ўзлари учун бирор фойда ола билмаслар».

Бу фикр «Бақара» сурасидаги: «Сўнгра шундай мўъжизаларни кўргандан кейин ҳам дилларингиз қотди. Бас, у диллар тош каби-дир», ояти каримаси билан қувватланади. Ёки «Ҳашр» сурасидаги «Дўзах эгалари билан жаннат эгалари баробар бўлмас», ояти каримасини «Хайрли насиҳатларни қулоққа олиб, итоат этувчилар, ўзларини ҳидоят йўлида тарбия қилувчилар – жаннат эгаларидир, залолатни танлаган, насиҳатларга терс қараганлар эса ўзларига ўзлари дўзахни танлагандирлар», деган маънода талқин қилса ҳам бўлар, валлоҳи аълам!

Муҳтарам ва ардоқли ота-оналар, азиз фарзандларингиз оғзаки насиҳатларни кунда кўп марталаб эшитадилар. Диққат қилинганки, аввало, насиҳатнинг таъсири насиҳатгўйнинг ақлига, билимига боғлиқ. Шунингдек, қандай вазиятда насиҳат қилиш ҳам муҳим. Маст одамга «ичма» деб насиҳат қилиш – шамолга қарши қичқириш каби-дир. Фазабга миниб бировни сўкаётган одамнинг қулоғига ҳам сўкишнинг гуноҳ экани ҳақидаги насиҳатлар кирмайди. Насиҳатгўй тарбиясидаги одамнинг ёши, ақл даражасини, айти дамдаги руҳий ҳолатини ҳам ҳисобга олиши шарт. Айнан бир мавзу, масалан, сўкиш ҳақида ўн ёшли ва йигирма ёшли болага бир хилда, бир хил услубда гапирилмайди. Тарбия жараёнида доноларнинг «ёшлик – бепарволик, йигитлик – бир мусобақа, қариллик эса таассуфдир», деган таъкидларини унутмасак дуруст бўлади. Насиҳат деганда биз каттанинг ёшга ўғитини тушунадиган бўлиб қолганмиз. Кексароқ одамга насиҳат қилиш бизга ғалати туюлади. Ҳолбуки, тарбия кексалар учун ҳам зарур. Тарбия маълум ёшга етгач тўхтамайди. Барчамиз яхши биладиган «Бешиқдан лаҳадга қадар илм эгалла», дейилгувчи шарафли ҳадис бизларни шунга даъват этади. Алҳол, илм олиш ҳам тарбиянинг муҳим асосидир.

Насиҳатнинг яна муҳим шартларидан бири – насиҳатгўй насиҳат қилиш учун маънавий ҳуқуққа эга бўлиши керак. Яъни у бирон фазилатни эгаллаш ҳақида насиҳат қиляптими, демак, бу фазилат унинг ўзида бўлиши керак. «Бировнинг ҳақиқага хиёнат қилма», деб ақд ўргатса-ю ўзи бозорда тарозидан уриб турса, унинг гапи бетаъсирдир! Ўзи ўқишда қолоқ йигитчанинг аълочи қизга илм эгаллашнинг фазилати ҳақида ваъз ўқиши ҳам кулгилдир.

Илм ўргатадиган даргоҳлар кўп: ўрта мактаблар, лицейлар, коллежлар, институтлар, университетлар, магистратуралар, докторантуралар... Ўрганиш, ўргатиш илм олиш бор, аммо яхши тарбия таълимини қаерда ўрганамиз? Яъни севгини, марҳаматни, ўз манфаатимиздан кечиб, бошқа бир инсонни қувонтиришни, холис, мухлис бўлишни қаерда ўрганишимиз керак? Бир-биримизни

севишни, бир-биримизга ҳурмат кўрсатишни қандай ўрганамиз? Бунга ҳам устоз лозим...

Мақтабларда одоб дарслари бор. Ҳафтасига бир соат... Саҳрода ҳафтасига бир томчи сув билан суғориб дарахт кўкартириш мумкинми? Яна... мактабда «сўкма» деб ўргатадилар, баъзи бирларингиз уйга борганларингизда отангиз ёки акангиз оғзидан сўкишдан бошқа нарсани эшитмайсиз, онангиз ҳам қарғишдан тийилмайдилар...

Умидимиз юдузлари, эллик-олтмиш йил муқаддам болалар ва ўсмирлар ўзлари яшайдиган қишлоқ ёки маҳалладан наридаги янгиликларни билмас эди. Ҳозир сизнинг ихтиёрингизда интернет бор, камига телевидение бор. Дунёнинг нариги чекасида содир бўлган воқеадан бир неча дақиқада хабардор бўласиз. Дунёни диққат билан кузатасиз. Айниқса, машҳур одамларнинг қилиқлари сизларни ўзига ром этади. Уларга тақлид қила бошлайсиз. Бу қилиқларингиз ота-онангиз ва устозларингизга ёқмайди, тўғрими?

Энди гап бошқалардан ўрганиш ҳақида. Тўғри, Америкаданми, Японияданми ёки Европаданми ўрганадиган жиҳатларимиз ҳам бор. Айтайлик, китобга бўлган қизиқиш каби. Аммо инкор этадиган томонларимиз кўпроқ. Уларнинг ўзларига хос одоб-ахлоқларини камситмаган ҳолда агар холис равишда таққосласак, кўп жиҳатдан ўзимизники афзал эканини кўрамиз. Масалан: уларнинг олижанобликлари бизнинг олижаноблигимиз каби эмас. Уларнинг меҳр-оқибатлари бизларнинг меҳр-оқибатларимиз сингари эмас.

Ўтган йигирманчи асрда жадидлар тарбия ҳақида фикр юритганларида Европадан кўп нарса олишга ундаганлар. Миллатнинг равнақини шу билан боғлаганлар. Европанинг илм-фанда, маданиятда илғор эканига маҳлиё бўлганлар. Уларнинг фикрига бугун тўғридан-тўғри эргаша олмаймиз. Чунки тарбия соҳасида Америка ҳам, Европа ҳам кейинги юз йил ичида таназулга юз тутган. Буни ўзлари ҳам баъзан тан оладилар ва ижтимоий соҳаларда турли тадқиқотлар ўтказадилар. Франциялик адиб Албер Камюнинг «Бегона» деган асарига Нобел мукофоти берилган. Асар қаҳрамони ҳатто ўзининг онаси ўлимига ҳам бефарқ, севги ҳам унинг қалбини юмшата олмайди, хуллас, у ҳар қандай меҳр-муруватдан бегона, руҳсиз бир тана. Асар қаҳрамони оддий бир йигит эмас, балки бугунги Европанинг рамзий тимсоли. Буни ўзлари ҳам тан олганликлари учун юқори мукофотга лойиқ кўришди.

Баъзи ёшлар маҳлиё бўлаётган Ғарб бугун жиноятчиликка қарши чора тополмаяпти. Кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ваҳшийликлар ўша томонларда туғилапти ва жаҳонга тарқаяпти. Кўз кўриб, қулоқ

эшитмаган аҳмоқликлар ҳам ўша ерларда туғилиб, юқумли касаллик каби тарқаяпти. Бунга биргина мисол: етти-саккиз ёшли қизчаларни, ўғил болаларни ўғирлаб, зўрлаб (педофил), сўнг ўлдириб юборишни қандай изоҳдаймиз? Ахир бу ваҳшийликлар оммавий тус оляпти-ку! Яхши, биз бу ҳаром ишларга ислом дини нуқтаи назаридан баҳо бермайлик, Рим папасининг ўзи ҳам булардан ташвишда-ку! У барча мамлакатлар бошлиқларига мактуб йўллаб, эркакнинг эркак билан, аёлнинг аёл билан никоҳланишини ман этувчи давлат қонунлари қабул қилинишини тавсия этди. Аммо бу тавсия инобатга олинмади. Масалан, Германия бундестаги бу масалани муҳокама этиб, бундай қонуннинг қабул қилиниши инсон ҳуқуқларига зиддир, деган қарорга келибди. Ана аҳмоқлик! Гап қандай ҳуқуқ ҳақида кетяпти? Бузуқлик қилиш учун уларга ким ҳуқуқ берган? Улар Лут алайҳиссалом қавмига Аллоҳ томонидан юборилган қаттиқ жазога нима сабаб бўлганини билмасмикинлар?

Сизни маҳлиё этаётган кимсаларнинг афти ангорида одамийлик нуруни кўрмаймиз. Худо одамни гўзал тарзда яратган, у кимсалар эса ҳайвонга ўхшашни ёқтирадилар. Қизлар сочларини қирдириб ташлайди. Таналарини татуировка билан чаплашади. Баданга турли суратлар чиздириш жиноят оламининг одати эди. Чизилган суратга қараб бу одамнинг жиноят оламидаги мавқеи билинарди. Бу касаллик аввал спортчиларга юқди. Уларни тушуниш мумкин, жисмоний кучга кўпроқ эътибор бериб, маънавий қашшоқлигига парво қилишмайди. Лекин санъат аҳли-чи? Улар халққа юксак маданият намуналарини кўрсатишлари керак-ку! Яқинда бир воқеа мени ғоят афсуслантирди: ўзбек санъати тарихида Зокировлар сулоласининг юқори мартабаси бор. Карим Зокиров, Ботир Зокиров, Жамшид Зокиров, Фарруҳ Зокиров. Шу оиланинг қизи Луиза Зокирова кўп йиллар муқаддам АҚШга кўчиб кетган эди. Унинг қизи Наргиз Зокирова саксонинчи йилларда Ўзбекистонга келиб бир-икки кўшиқ айтди. Кейин АҚШга қайтиб, унда бир италиялик йигит билан турмуш қурди. Мен уларнинг шахсий ҳаётларини таҳлил қилиб, муносабатимни билдирмайман. Лекин бир нарсани кўп қатори мен ҳам талаб қиламан: хориж юртларга бориб, «ўзбекман», деб яшаяпсанми, миллат шаънига доғ туширишдан ўзингни эҳтиёт қил. Аксинча, хориждагилар «шу одам ўзбек!» деб сенга қойил қолсинлар. Ўз ишинг, ҳаракатинг билан она ватанингда шараф келтирмас экансан, миллатингни тилга олмай қўя қол. Хуллас, Н.Зокировани яқинда Россия телевидениеси кўрсатди: сочлари қирилган, бадани татуировка билан тўлган... Яна ўзбек қизи эмиш! Ўзининг эътирофига кўра, ўзбек тилини

унутган эмиш. Бу гапи ёлғондир, туғилганидан бери ўзбек тилини билмагани эса ростдир.

Майли, мени айбситманг, шахсий кечинмаларни бас қилиб, яна мавзуга қайтай.

Хўш, энди айтайлик, бугунда Фарбдан нима олишимиз мумкин? Биз олмаймиз, деб рад этсак-да, бу ҳайвоний ахлоқларни тарғиб қилувчи омиллар турли китоблар, интернет тармоқлари, телевидение орқали айрим тенгдошларингизнинг қалбларига кириб келяпти-ку! Уларни қандай даф қиламиз? Бу ҳақда ҳеч ўйлаб кўрганмисиз? Айтайлик, хорижда «эротик тарбия» деган аҳмоқона йўналиш тарафдорлари бор. Улар ўсмирларнинг шахвоний ҳирсини уйғотувчи суратлар, фильмларни кўрсатиш билан болаларни тарбия қилишмоқчи. Қип-қизил аҳмоқлик-ку бу! Уларга қарши қандай чора-тадбир қўллашимиз мумкин? Бир одам уйидаги телевизорни беркитиб ташлабди. Шу билан мақсадга этамизми? Кўчалардаги интернет клублар, видеобарлар, дискотекалар-чи?.. Уйдан анча узоққа жойлашган лицей ёки коллежга «ўқишга кетдим», деган тенгдошингизнинг бу жойларга кирмай келишига ота ва онасининг ишончлари комилми? Катталарда ҳам бу борада айб бор: қўни-қўшни, қариндош-уруғ билан ош-овқатни баҳам кўрамиз. Зиёфатларда тинмаймиз, бир-биримизга гап бермаймиз. Ана шу суҳбатларга диққат қилайлик: тарбия ва унинг усуллари ҳақида ҳеч сўз юритамизми? Йўқ! Нар и борса бировимиз фарзандимизнинг қайсар бўлиб бораётганини айтиб шикоят қилиб қўямиз. Муҳтарам ота ва оналар, энди эсимизни йиғиб олайлик! Агар сел келса, якка-ёлғиз ҳолда жон сақлаш маҳол. Бир-биримизнинг ёрдамимизга муҳтож бўламиз. Қарайлик: ёмон тарбия сели ёпириляпти, ўзимизнинг руҳиятимизни, ёшларимизни, яқинларимизни бу бало селидан қутқариш учун қўлни қўлга бериш вақти етмадимикин? Қўлни қўлга бериш – шунчаки қуруқ гап эмас. Полшаликлар буни амалда исбот этишган. Бир кун, бир соат бутун мамлакат аҳолиси кўчага чиқиб, қўлни қўлга бериб, жонли занжир ҳосил қилишди ва гиёҳвандликка қарши курашиш йўлида якдил эканликларини ифода этишди. Шубҳасиз, бу сафда сизнинг тенгдошларингиз ҳам бор эди.

Кейинги йилларда илм даргоҳларида ислохотлар бўляпти. Қандайдир инглизча соҳаларни ўргатадиган муассасалар, жамиятшунослик, руҳиятшунослик, иқтисодиёт ва шу каби даргоҳлар мавжуд. Яна Фарбдаги турли фондларнинг бўлимлари катта-катта пуллар сарф қилиб, нималар биландир шуғулланишади. Булар яхшидир, булар жамият учун зарурдир, балки.

Лекин, такрор сўраймиз, инсонга қаерда ахлоқ ўргатилади? Инсон қаерда ахлоқ илми билан таъминланади? Гап ўргатиш, илм бериш ҳақида бораётгани йўқ. Ўргатмоқ – қайсидир соҳага оид маълумот бериш деганидир. Ўқув даргоҳларида илми, маълумотли бўлади, аммо одам бўлиш... Халқимиз бекорга «Олим бўлиш осон, одам бўлиш қийин», демаган. Шунинг учун тарбиянинг зарурлигини яна қайта-қайта таъкидлаймиз. Адабни, тарбияни олганидан сўнг киши ҳақиқий комил инсон даражасига етиши мумкин. Ўзимиздаги ёки четдаги университетда фақат илм олиш билан чекланган замонавий бир инсон комил одам бўла олармикин? Чинакам гўзаллик нима эканини ҳис эта олармикин?

Инсонда гўзаллик туйғуси, гўзал ахлоқ бўлиши шарт. Гўзалликка мафтунлик – ҳар бир ишни гўзал тарзда, яъни гўзал ахлоқ билан бажариш талаб этилади. Абу Райҳон Беруний ҳазратлари гўзалликни «ташқи ва ички» деб бўлиб, шундай фикр билдирган эканлар:

Ташқи гўзаллик, қиёфадаги жамол – булар иккови ҳам ёқимли бўлиши керак, одамлар ўзаро учрашганларида ушбу гўзал жамолни кўришга рағбат қиладилар. Лекин шакл чиройи она қорнида ато қилинади, уни ўзгартиришга ҳеч бир зот қодир эмас. Аммо хулқ-атворга келсак, уни Аллоҳнинг амрларига мувофиқ даволаб, тарбиялаб, гўзал – покиза тутиб, ёмон ҳолларга туширмаслик мумкин.

Умми Дардо (розияллоҳу анҳо) айтибдиларки: «Кечаларнинг бирида Абу Дардо намоз ўқиш учун ўринларидан турдилар-да, тонг отгунича: «Эй, Аллоҳ! Мени чиройли қилиб яратганингдек, ахлоқимни чиройли қил!» деб йиғлаб чиқдилар. Шунда мен у зотдан: «Эй, Абу Дардо! Нима учун тун бўйи қилган дуоингиз фақат ахлоқингизни чиройли ва яхши қилиш ҳақида бўлди?» деб сўрадим. Абу Дардо: «Бир мусулмон банда ўз ахлоқини яхшилашга ҳаракат қилаверса, охири шу яхши ахлоқи уни жаннатга киритади. Агар у ахлоқини ёмон қилаверса, шу ёмон ахлоқи уни дўзахга киритади» дедилар».

Бутун дунёда гўзал ахлоққа эҳтиёж бор. Турли динлар, гуруҳлар, жамоалар ҳар хил йўллар орқали бу гўзалликка эришиш учун ҳаракат қиладилар, йўллар ахтарадилар. Уларнинг аксари адаш йўлларда сарсари бўлиб ўтадилар бу дунёдан, айримлари эса ҳалокат жарига ҳам қулайдилар.

Тарбия йўлида сўздан – маънога, шаклдан руҳга, зоҳирдан ботинга кириб бориш афзал деб билинади. Чунки шакллар алалоқибат амалда гўзал маънавиятни юзага келтиради. Масалан, салом берилиб-берилиб ўзаро муҳаббат пайдо бўлади. Шу зайлда муҳаббатга, ўзаро дўстликка ташвиқ қилади. Муҳаббатнинг эса

буюк савоби бордир. Бир-бирлари билан хафалашганларнинг одатлари маълум: салом-алик қилмайдилар ва шу ҳаракатлари билан муҳаббатни бўғадилар. Оқибат эса бу муҳаббатни бутунлай ўлдириб қўйишлари ҳам мумкин. Ҳолбуки, бир инсон бошқа бир инсоннинг тўғри йўлга киришига васила бўлиши, уни ёмон йўллардан қайтариб, яхшилик йўлига бошлаши дунёдаги барча нарсага эга чиқишдан кўра хайрлироқдир.

Энди тарбияда шахс намунасининг ўрни ҳақида фикрлашсак. Сизга насиҳат қилинганда «Фалончига ўхшасанг бўлмайдими?» ёки «Фалончидан ўрнак олсанг-чи!» деган дашномни эшитиб қоласиз. Чиндан ҳам одамда бошқа бир одамнинг яхши фазилатларига интилиш мавжуд. Баъзан бунинг акси ҳам бўлиши мумкин, яъни ёмонликларини эгаллашга интилиш эҳтимоллари ҳам бор. Ҳар биримизнинг бошқаларга ва бошқаларнинг ҳар биримизга бўлаётган ва бўладиган таъсирини ҳам сира унутмаслигимиз керак. Шунга доир бир ривоят.

Ривоят. Абдураҳим исмли бир йигитнинг гўзал отига Маҳмуд исмли йигит ишқибоз эди, «сотгин», деб кўп ялинарди, аммо Абдураҳим унинг илтимосларини рад этарди. Охири Маҳмуд отга макр-ҳийла билан эга чиқишни ихтиёр қилди ва кекса, хаста одам қиёфасига кириб Абдураҳимнинг йўлини пойлади. Сўнг гўзал отга миниб ўтаётган йигит қаршисига чиқиб ялиндди:

– Эй, марҳаматли ўғлим, мен манзилимга етолмай қолдим, қарагин, эҳтимол яна озгина юрсам жон таслим қиларман, менга раҳм қилиб, отингга мингаштириб ол. Ҳақингга дуолар қилай.

Абдураҳим унинг макрини англамай, отига миндирди. Маҳмуд эса уни йиқитиб, отни чоптириб қочди. Сал нари боргач, тўхтаб, манманлик билан деди:

– Эй, нодон, сен мени танимадинг, мен – Маҳмудман! Отингни сот, деб қанча ялиндим, сотмадинг. Ана энди отингдан умидингни уз!

Абдураҳим унинг гапини эшитиб, дебди:

– Майли, отни сенга бердим, лекин бу қилган ишингни бировга айта кўрма. Чунки бу алдамчилигинг, ҳийла-найрангинг халқ орасида тарқалса, кўп кишилар сенинг ярамас йўлингга кириб кетишлари мумкин. У вақтда биров-биронинг ҳолига раҳм этмайди. Халқимиз орасида шафқат, марҳамат, мурувват каби гўзал хислатлар йўқолади. Алдамчилик, муғомбирлик ва инсофсизлик каби ярамас иллатлар авж олади. Ўтинаман, қилган ишингни ҳеч кимга айтма, мен ҳам яширин тутаман.

Бу хитоб Маҳмудга таъсир қилиб, изига қайтибди, узр айтибди. Абдураҳим эса отни унга сотишга рози бўлиб, ораларида дўстлик қарор топибди.

Қиссадан ҳисса: ҳар биримиз ёшмизми ё қаримизми, қандай ишни қилмайлик, кимгадир ўрнак бўлишимиз эҳтимоли борлигини унутмаслигимиз керак. Агар бир одам ёмонлик сари қадам ташладими, билсинким, фақат ўзи гуноҳлар олами сари кетмаяпти, қайси бир оми ҳам унга эргашияптики, унинг гуноҳи ҳам зиммасидадир. Сиз «Ёшман, бировга таъсирим йўқ», деган нотўғри фикрда юрманг. Сиздаги яхши ёки ёмон одат биринчи галда тенгдошларингизга «юқади», кейин укаларингизга, сингилларингизга... Яхши одобингиздан ҳатто катталар ҳам таъсирланишлари, сизда мавжуд одобнинг ўзларидан йўқлигини англаб, бу фазилатни тарбия қилишга киришишлари ҳам мумкин.

Ахлоқ тарбияси – ўзимизни ярамас майл-ҳаваслардан сақлаш, таъбимиздаги олий фикрларни тараққий эттириб, ҳаракатимизни тўғри бир нуқтага йўналтириш демакдир. Ахлоқ тарбиясининг ғояси – инсонларнинг комил ва гўзал бўлишларини таъмин этишдир. Хулоса қилиб айтсак: тарбия – инсон табиатининг бутун қобилиятларини мунтазам, мутаносиб ва келишган бир сувратда орттиради, инсонни хайрли мақсадларга етказди. Тарбия – ҳақиқий ҳаёт мактабида талабаларга илм беришдир. Тарбия – инсонларни фазилатли, жамиятга фойдали қилиб етиштириш учун энг қисқа йўлдир. Тарбиянинг мақсади – инсонларнинг авлоддан авлодга тараққий эттириб, инсониятнинг умумий юксалишига хизмат қилдиришдир.

«ҲАЁТ ТОЖИ ЭРУР ОЁҒИН ГАРДИ»

Одам зотининг энг гўзал ва ҳаёт учун энг зарур фазилатларидан бири – муҳаббатдир. Шу боис «Муҳаббатсиз қалб тош қалбдир», дейдилар.

Умидимиз юлдузлари, эҳтимол ўқиганингиз бордир, ишқ-муҳаббат хусусида кўп ва хўб ёзилган. Донолардан бири: «Муҳаббат ўзи эски нарса, аммо ҳар бир қалб уни қайтадан кашф этади», деган экан. Кишининг мижози ҳар хил бўлганидек, унинг ишқ-муҳаббатга доир ҳис ва туйғулари ҳам турличадир. Шунингдек, тоқатларининг даражаларида ҳам тенглик йўқ. Демокчиманки, киши ишқ ва муҳаббатни бир хилда англамайди ва қалби бир хилда ёна қолмайди. Бир куни Искандар Зулқарнайнга хабар берибдиларки:

- Фалончи қизингизни севиб қолибди!
- Севиб қолган бўлса, нима қилишим керак? – деб сўрабди подшоҳ.
- Уни ўлдириш керак, фармон беринг, – дейишибди.

– Биров севгани учун, бошқа биров эса ёмон кўргани учун ўлдирилаверилса, дунёда одамзоддан ном-нишон қолмайди-ку! – деган экан подшоҳ.

Ажабким, ишқ-муҳаббат дейилганда кўпроқ йигит ва қиз орасидаги туйғуни тушунамиз. Шуаронинг, айниқса, бугунги шоирларнинг сатрларидаги ишқ ва муҳаббат шундан ўзга нарса эмас. Ҳолбуки, ишқ ва муҳаббатнинг қамрови анча кенгдир. Авваллари «ишқ» дейилганда кўпроқ банданинг Яратганга муҳаббати тушунилган ва қадим адабиётда бу ўз аксини гўзал ҳолларда топган. Яна ота-онага муҳаббат, одамларнинг ўзаро муҳаббатлари (буни «ҳурмат» ҳам деб атаймиз), она заминга, она Ватанга муҳаббат, касб-корига муҳаббат, дўстларига, қариндошларига, ўз фарзандларига муҳаббат...

Ҳазрат Алишер Навоий ишқнинг баёнини бундай тасвирлайдилар:

«Ишқ порлоқ юлдуздир, башарият кўзининг нуру зиёси шундан. Ишқ товланиб турувчи гавҳардир, инсоният тожининг зийнати ва баҳоси шундан. Ишқ толе қуёшидир, қайғули диллар тиканзори ундан гулшан. Ишқ балқиб турган тўлин ойдир, қоронғи кўнгишлар кечаси ундан равшан. Ишқ кенг денгиздир, ҳар тўлқини юз ақлу хуш кемасини гарқ қилади. У баланд тоғдир, ҳар чўққиссининг ўткир қирраси минг зуҳд-тақво эгасининг бошини учиради. Ишқ куйдирувчи шугъладир, кўпгина жон ва кўнгишларни хашакдек ёқади. Ишқ алангали чақмоқдир, кўпгина жону дилларни ёлқини билан кул қилади. Ишқ аждаҳодир, оламни дамига тортмоқ унинг тилаги. Ишқ қаҳрли подшоҳдир, олам аҳлини ёппасига қирмоқ унинг мақсади, у ҳар қанча қон тўккани билан зерикмайди, у ҳар қанча одамни қон қилса ҳам қониқмайди. Ишқ ларнинг кулини кўкка совуради. Ишқ шунчалар қайсарки, унинг олдидан подшоҳ ҳам, гадо ҳам тенг, у шундай зулмкорки, унинг қошида ифлос-фосиқ ҳам, покдил ошиқ ҳам бир... Дунё бозорининг гавгоси ва дунёда бор ҳамма нарсаларнинг савдохонасидаги шовқин-сурони ишқ туйфайлидир...»

Улуғ шоирнинг бу баёнидаги маъно кенг қамровлидир. Қадим адабиётдаги сўфий шоирлар «ишқ» атамасини, асосан, Аллоҳга бўлган муҳаббат маъносида ишлатишгани бежиз эмас. Ҳақиқат нуқтаи назаридан қарасак, муҳаббатнинг энг аввали Яратган Раббимизгадир. Аллоҳни севмаган одам унинг буйруқларини бажармайди, яъни яхшилик йўлида юрмайди, демак, бошқа ҳеч кимни севмайди ва ҳеч кимга яхшилик қилмайди. Бу мавзу гоят кенг ва чуқурлиги сабабли, диний олимларимиз китобларидан

ўқиб, суҳбатларидан баҳраманд бўлиб ўрганасиз, деган умид билан ота-онага муҳаббат мавзуга ўтамиз.

Ота ва онани (бува ва бувини) ҳурмат қилиш барча учун, сиз учун ҳам тушунарли бўлган вазифадир. Математиклар тили билан айтилса – аксиома, яъни исбот талаб этилмайдиган ҳақиқатдир. Бу мавзуда кўп насиҳатлар эшитган бўлсангиз ҳам, кўп ҳикматлар билсангиз ҳам, тарбиянинг бу томонини четлаб ўтишни лозим топмадик.

Ота-онасини ҳурмат қилмаган фарзанд ўз фарзандларидан ҳурмат талаб қилиши ножоиздир, дейдилар. Сиз бу фикрга қўшиласизми? Унда «қайтар дунё» деган иборага қандай қарайсиз? «Оталарингизга меҳрибон бўлинглар, шунда сизлар ҳам фарзандларингиздан меҳр-мурувват кўрасиз», деган шарафли ҳадисни тушуниш қийин эмасдир?

Эндиги ривоятни кўп эшитган бўлсангиз ҳам, такрорлайлик.

Ривоят. Бир одам узоқ умр кўриб, ўғлининг жонига тегибди. Ўғил отадан қутулиш мақсадида уни тоғу тошга ташлаб келиш учун қопга солибди-ю, орқалаб йўлга тушибди. Чарчаб, бир дарахт остида тўхтаганда қопдаги отаси кулаверибди. Ўғил бундан ажабланиб, кулиш сабабини сўраганида, ота дебди: «Мен ҳам отамни қопга солиб тоғу тошга ташлаб келиш мақсадида орқалаган эдим. Тасодифни қарангинки, худди шу ерга келганимда мен ҳам дам олиш учун тўхтаган эдим...»

Яна бир ривоят. Ўғил кўзлари хиралашиб қолган, овқат еяётганида қўллари қалтирайдиган қари отасинининг иззат ва ҳурматини бажо келтирмас эди. Бир куни чол бечоранинг қўллари қалтираб, ош сузиб берилган чинни косани тушириб, синдириб қўйди. Бунини кўрган келини нордон гап айтиб, унинг кўнглини вайрон қилди. Ўғил эса отасини ҳовли этагидаги зах хонага кўчирди. Келин энди қайнотасига эски ёғоч косада таом берадиган бўлди. Бундан кўнгли озор топган қария вафот этиб кетган кампирини эслаб, зор-зор йиғларди. Унинг ёлғиз юпанчи ва суюнчиғи беш ёшли набираси эди. Бола бобосининг ёнига келиб ўтирарди, маъсумона сўзлари, ёқимли қилиқлари билан бобосининг кўнглини овлаб, унинг ғам ва аламларини бир оз бўлса-да, енгиллатарди.

Ўша беш ёшли бола қўлига пичоқ олиб бир ёғочни йўниб ўтирганида отаси: «Ўғлим, нима қилипсан?» деб сўрабди. Бола юмушидан бош кўтармаган ҳолда жавоб берибди:

– Дадажон, ойим эски ёғоч косада бувамга овқат берадилар. Мен ҳам ёғоч коса ясапман, катта бўлганимда ойим билан сизга шу косада овқат бераман.

Гўдакнинг бу ибратли гапи отага таъсир қилди. У дарҳол зах хонада ётган отаси ҳузурига кирди, тиз чўкди, кўз ёши тўкиб, узр сўради...

Бу барчага мактаб бўлгувчи воқеа баёни. Баённинг хотимасини бу каби ижобий тарзда яқунламай, «гўдакнинг гаплари отасига таъсир этмади, чол ўша зах хонада хорлик билан ўлим топди», десак ҳам бўлади. Чунки қалби тош фарзандлар ҳам бор ва уларни бир гап билан инсофга келишларига ишониш қийин. Начора, инсофга келмасалар ўзлари эккан бемехрлик дарахтининг аччиқ мевасини ўзлари ейдилар. Бу жазо узоқ куттирмайди. Бугун атрофларида эмакляб юрган ширин фарзандларининг ёғоч косада таом тутиш онлари ғоят тез келганини ўзлари ҳам билмай қоладилар.

Бунга ўхшаш ибратли воқеаларни кўп эшитганмиз. Энди бўлиб ўтган ҳақиқий воқеалардан айтай.

Воқеа. Москва телевидениесида бир кўрсатув намойиш этилди. Саксон уч ёшдаги соғлом онани элик етти ёшдаги ўғил жинни-хонага жўнатибди. Мақсад – уйга эга чиқиш. Шу кўрсатувда бир журналист аёл Чеченистон урушида кўрганларини сўзлаб берди. Грозний шаҳри вайрон этилгач, кўчаларда бошпанасиз қолган ҳимоясиз қариялар нажот умидида тентираб юришаркан. Улар, асосан, рус миллатига мансуб қариялар экан. Улар йўлда учраган журналистларга мурожаат этишиб, Россиянинг бошқа шаҳарларида яшаётган фарзандлари, қариндошлари манзилени беришиб, уларга хабар йўллашларини ўтиниб сўрашаркан. Журналист аёлнинг ўзи ўнлаб шаҳарларга қўнғироқ қилибди, хатлар ёзибди, аммо ҳеч ким келмабди, отаси ёки онасини ёки қариндошини олиб кетмабди. Саксон ёшдан ошган кўзи ожиз бир кампирни журналист аёлнинг ўзи ҳарбийлар ёрдамида Москвага келтирибди. Шунда ҳам у муштипарни ўғли оиласи бағрига олмабди...

Шу воқеаларни баён қилиб бўлгач, журналист аёл чеченларнинг қарияларини мисолга келтирди. Улар бирон қарияни эътиборсиз қолдиришмабди. Ўз жонларини хатарга қўйиб, қариларни опичиб бўлса ҳам хатарли ерлардан олиб чиқишаркан. Сўнгги тишлам нонни ёки сўнгги қултум сувни қарияларга беришаркан...

Қарияларни опичиб юришларини эшитиб, шарафли ҳадисларнинг бири ёдимга тушди.

Ҳадис. Бир одам зиёратда онасини кўтариб юриб тавоф қилдираётган экан. Пайғамбаримиз (с.а.в.)дан «Онамнинг ҳақини адо қилдимми?» деб сўрабди. Шунда Расулуллоҳ (с.а.в.): «Йўқ, бир оҳ тортишининг ҳақини ҳам адо қилганинг йўқ», деган эканлар.

Мазкурнинг яна бир гўзал давоми ҳам мавжуд: Абу Бурда ибн Аби Мусо Ашъарийнинг айтишларича, Абдуллоҳ ибн Умар бир

яманлик одамнинг ўз онасини опичлаб, хонайи Каъбани тавоф қилдириб юрганини кўрдилар. У одам бир байтни оҳанг билан ўқиркан:

*«Онаи зорим учун бўйнимни эгган теваман (туяман),
Тевага минган онам ҳорсалар-да, мен чарчамам.»*

У шуни ўқиб туриб, Абдуллоҳга қаради-да: «Эй, Абдуллоҳ ибн Умар! Мана шу хизматим билан мен онамнинг хизматини қила олдимми?» – деб сўради. «Йўқ, бу хизматинг сени туғиш вақтида онангни қийнаб тутган тўлғоқларининг биттасига ҳам баробар эмас», дедилар.

Бир киши Муҳаммад алайҳиссаломдан:

– Мен онамни кўтариб Маккани зиёрат қилдирдим, ҳақини адо қилдимми? – деб сўради.

Расулуллоҳ (с.а.в.) унга жавоб қилдилар:

– Йўқ, у сени қучоғида олиб юрганда фарзандим униб-ўссин, катта бўлсин, – деб ўйлаганди. Сен эса кўтариб юрган пайтингда онангнинг ўлими ҳақида ўйлардинг...

Сиз, эҳтимол, Чеченистондаги воқеани ўзга дин ва ўзга миллатга боғлаб хулоса чиқарарсиз? Асти ундай қилманг. Чунки оқибатсиз, ноқобил фарзандларни барча миллатларда учратамиз. Ота-онасига бемехр, ноқобил фарзандларнинг дини ҳам, миллати ҳам йўқ, десак адашмаймиз. Фикримизнинг далили учун ўзимиз гувоҳ бўлган бир воқеани баён қилиш ниятимиз бор. Аммо ундан аввал яна шарафли ҳадисларга мурожаат этайлик:

Бир йигит Расулуллоҳ (с.а.в.)га шикоят қилиб дедики:

– Отам қариб, жуда бебош бўлиб кетганлар. Ақдан озганларми, деб қўрқаман. Уйимга келиб, қўлларига нима илинса, шуни олиб чиқиб кетаверадилар.

Сарвари коинот (с.а.в.) отани чақиртирдилар. Ҳузурларига келган қари, бечораҳол, уст-бошлари хароб одамдан: «Ўғлингнинг гаплари тўғрими?» – деб сўрадилар.

– Ҳа, тўғри, – деди чол. – Мен ўғлимни ўзим тарбия этганман. Онаси барвақт вафот этган эди. Ўзим емай – ўғлимга едирдим, ўзим киймай – ўғлимга кийдирдим. Қариганимда боқар, деб умид қилдим. Аммо у бераҳм чиқди. Мендан хабар олмайди. Ўзим уйига келиб, қўлимга илинган нарсани олиб чиқиб сотаман-да пулига овқат олиб ейман. Ё Расулуллоҳ! Шу ишим дурустми ё дуруст эмасми?

Отанинг бу гапларини эшитиб Расулуллоҳ (с.а.в.) ўғилнинг елкасидан маҳкам ушладилар-да, дедилар: «Топган нарсаларинг,

ҳатто сенинг ўзинг ҳам отангнинг мулкидир. Агар топган мулкинг етмаса, отанг ўзингни сотиб пулини емоқликка ҳақи бор. Сен ўйламагинки, топган мулкларимга ўзим моликман-у отамнинг унга алоқаси йўқ, деб. Ҳаммасига отанг эгадир!»

Яна шу мавзуда бир ҳадис. Бир қиз онасидан шикоят қилди:

– Онамнинг ақллари ўзларида эмас. Уйимга келиб тўполон қиладилар, тинчлик бермайдилар.

Расулulloҳ (с.а.в.) онани чақиртирдилар. Ғоят қари, бечораҳол она дедик: «Ё Расулulloҳ! Сабр қилайин десам, қизим хабар олмайди. Ҳатто болаларини юбормайди. Ёлғиз ўзим пашшаларга ем бўлиб ётаман. На ўлиб қутуламан, на роҳат кўраман. Қизимнинг бепарволиги шунчалик.

Расулulloҳ (с.а.в.) дедилар:

– Тўққиз ой, тўққиз кун, тўққиз соат сени қорнида тарбия этган ким? Ўлим жари ёқасига келиб, сени туққан ким? Сени икки йил эмизган ким? Сени балоғатга етказиб узатган ким? Шу онанг! Агар шу онангни рози қилмасанг, жаннат сенга ҳаром! Тавба қилсанг – қилдинг, йўқса ярим мулкингни олиб бераман.

Қиз тавба қилди...

Бугун радиода эшиттириб туриладиган ашулалар орасида «Эй, ўғил, ҳаддингга тур, отанг сени сотганда ҳам», деган қўшиқ шу ҳадислардан илҳомланиб яратилган бўлса ажаб эмас.

Оқ бўлиш – ота-онага озор бериш, ранжитиш ва буйруқларини бажармасликдан иборатдир. Ота ёки онанинг ноқобил фарзандига қараб «сени оқ қилдим», деб эълон қилиши шарт эмас экан. Диллари офришининг ўзиёқ фарзанднинг оқ бўлиши, дейдилар. «Оқ бўлиш»нинг луғавий маъноси – ажралишдир. Яъни фарзанд ота-онасидан тириклайин ажраляпти, демак. Отаси ёки онасига яхши хизмат қилмаётганлар унутмасинларким, улар айни чоғда дўзахдан ўзларига ўтли жой тайёрляптилар. Зотан, дўзахнинг «ҳасрат қудуғи» деб номланган энг ёмон жойи ота-онасини хорлаганлар учун эканлиги мўътабар китобларда алоҳида зикр этилган. Дунёвий нуқтаи назардан қарасак, Ўзбекистоннинг Асосий қонунида ота ва онага меҳрибонлик қилиш бурчи алоҳида таъкид этилган. Бу бурчни бажармаслик эса жинойят ҳисобланади.

Воқеа. Муборак умра сафари чоғида кўнгилларни хира қилувчи воқеа юз берди: фарғоналик бир одам онасини қутлуғ зиёратга олиб борибди. Албатта, бу таҳсинга лойиқ иш. Кўпчилик ота-онасини шундай улуғ зиёратларга олиб бормоқликни ният қилади. Айримлар эса бу каби зиёрат ота-оналарига насиб этмай, вафот

этиб кетганларидан армонда юрадилар. Фарғоналик йигитнинг онасига бўлган қўпол, қўрс муомаласи барчани ранжитди. Она бечора умрида биринчи марта қишлоғидан четга бориши бўлса керак, самолётга ёки автобусга қандай чиқиш, ўтиришни билмай тараддудланади, баъзан шошиб қолади, баъзан нимагадир улгурмайди. Ўғил эса унга ёрдам бериш ўрнига дўқ уради: «Мени шарманда қиляпсиз!» – дейди. Билмайдики, унинг шармандалиги онасининг ҳаракатида эмас, балки ўзининг феълида, қўпол муомаласида. Кўпчилик «Онани бу ерга олиб келиб заҳарли муомала қилганидан кўра, ўз уйингда ширин муомала билан кўнглини олсанг савоблироқ бўлармиди! Онани кўпчилик ҳузурда беҳурмат қилишинг – Каъбани вайрон қилиш гуноҳи билан баробар эмасми?» деб тўғри танбеҳ бердилар. Эҳтимол, ўғилнинг асосий нияти онасини зиёратга олиб келиш бўлмагандир. Бундай дейишимга сабаб: уларнинг бу масканда қариндошлари кўп экан. Йигит улар берган совға-саломлар билан овора бўлиб қолди. Балки онани олиб келишни ўша қариндошлар талаб қилишгандир. Шу талаб бўлмаса, йигит онани олиб келишни хаёлига ҳам келтирмас...

Яна бир воқеа. Пойтахтнинг Шайхонтоҳур тумани судида бундан-да аянчлироқ воқеага шоҳид бўлган эдим: ота қизини судга мурожаат этиб, оғир жазо беришни талаб қиляпти. Ажабланыпсизми? Мен ҳам дастлаб ажабланган эдим, сўнг ғазабландим. Гувоҳликка келганлардан бири: «Агар одилман десангиз, бу қизни энг олий жазо – отишга ҳукм қилинг, ҳукмни халқ олдида ижро этинг. Ноқобил фарзандлар бундан ўртак олсин!» деди. Ўлим жазосига лойиқ кўриладиган қиз отанинг ёлғиз фарзанди экан. Онадан ёш етим қолибди. Қизининг бахтини ўйлаб, ота бошқа уйланмабди. Қизини орзу-ҳавас билан кўёвга узатибди. Хасталаниб, шифохонага ётганида нафсига банди қизи ота номидан қалбаки ҳужжатлар тайёрлаб, уйини сотиб юборибди. Ота шифохонадан қайтсаки, уй йўқ... Қолгани сизга маълум. Албатта, суд бу фарзандни ўлимга ҳукм қилмайди. Товламачилиги учун бир неча йилга қамар ёки аёллигини эътиборга олиб, озодликдан шартли равишда маҳрум қилар. Лекин Аллоҳнинг жазоси қаттиқ бўлади. У фарзандни суд ўлимга ҳукм қилмаса ҳам у аллақачон ўлган, тирик ўликка айланган. Ундан энди ер ҳам ҳазар қилади. Эсини йиғиб тавба қилса қилди, бўлмаса охирати тамоман куяди. У-ку, тавба қилар, аммо ота рози бўлармикин ундан?

Энди аввалги воқеага қайтсак: ривоят қиладиларким, бир киши Ҳажга бормоқчи бўлди. Аммо кекса онасини ёлғиз ташлаб кетишга

кўзи қиймади. «Устозга бораман, нима десалар шу», деб ҳазрати шайх Абу Ҳозими Маданий ҳузурларига келди. Шайх ҳазратлари ухлаётган эдилар. Уйғониб дедиларки: «Ушбу дам тушимда Пайғамбаримиз (алайҳиссалом)ни кўрдим. Дедиларки: «Ҳажга кетмоқдан кўра, она ҳақини сақламоқ сенга яхшироқдир». Сен онангнинг ризосини истаки, Аллоҳнинг ризоси шундадир».

«Жаннат оналар оёғи остидадир», мазмунли ҳадиси шарифни эшитмаган одам йўқдир. Аммо унинг маъносини ҳамма ҳам билавермаса керак. Онасини ёлғиз ташлаб, мушриклар билан урушга отланган йигитни Расулulloҳ (с.а.в.) қайтариб, шундай деганлар. Яъни, жаннатга тушиш учун жиҳодда жон бериб, шаҳидлик мартабасига етиш шарт эмас. Онангнинг хизматини қилиб, розилигини олсанг бас, шу топган савобинг сенга жаннат йўлини очади, дейилмоқчи. Онасини бир эмас, юз марта Ҳажга олиб бориб, бошқа пайт кўнглини ранжитувчилар шу ҳикматлар маъзини чақиб кўрсалар ёмон бўлмас.

Инсонга бахш этилган илк неъмат – ота-она муҳаббати бўлади. Шу сабабли ҳам барчадан ота-онага муҳаббатли бўлишни талаб этади. Киши миллати ёки динидан қатъи назар, одамийлик фазилатларидан баҳраманд бўлса, ўз ота-онасини хорлаб қўймайди.

Отанинг фарзандга меҳри-муҳаббати чексиздир, чунки у фарзандини ўз суратидан кўчирилган нусха, деб англайди. Зотан, отанинг тасавури тўғридир. Фарзанд отанинг бир жузви; суратда, хулқ-атворда унга ўхшайди. Шунинг учун ота фарзанди тарбиясига диққат қилади. Ўзи истаган фазлу камолни фарзандига беришга, уни ўзидан кўра ҳам мукамал қилиб етиштиришга ғайрат қилади. Шу мақсад йўлида ҳар қандай машаққатга бардош беради. Фарзанди ҳақида халқдан: «Тарбия қилган отасига раҳмат!» деган олқишни эшитса, севинади.

Фарзанднинг ҳаётига сабаб бўладиган биринчи қувват она жисмидаги қондир. Чақалоқ шу қондан озиқланиб, ҳаётини сақлайди. («Сут билан кирган жон билан чиқади», деган мақолни «Қон билан кирган жон билан чиқади», деганимиз тўғрироқ бўлади.) Бола биринчи сўзни онадан эшитади ва ундан ўрганади. Шунинг учун ҳам биз «ота тили» демай «она тили» деб сифатлаймиз. Болани ўстиришда, тарбия қилишда отага қараганда она кўпроқ ҳисса қўшади. Шунинг учун бўлса керак, ёш болалар отадан кўра онага кўпроқ майл этадилар. Улғайганларидан кейин ҳам сирларини, аввало, онага айтиб, маслаҳат сўрайдилар. Она фарзанди учун ўзини фидо қилишга тайёр туради. Шоирларнинг илҳомига ҳам

айнан шу ҳолатлар қувват берса керак. Қадимдан то шу кунгача она мадҳида ёзилган шеърларнинг адоғи йўқ. Шулардан битта байт эслаш вақти етди. Рудакий ҳазратлари ёзадилар:

*Онандан бош товлама, ошмасин дарди,
Ҳаёт тожи эрур оёгин гарди...*

Агар она қад-қоматини бир дарахтга ўхшатсак, фарзанд шу дарахтнинг ширин бир меваси. Бир йигит она қадрига етмас эди. Она кўз ёшлари унга таъсир этмас эди. Бир куни она бешикни олиб, ўғли қаршисига қўйиб деди:

– Эй, ёшлик, чақалоқлик пайтини унутган ноинсоф! Мана бу бешикни кўряпсанми? Чақалоқ чоғингда шу бешикка михланиб, тунги уйқуларни мен ўзимга ҳаром этдим. Бешикда ётганинда юзингга битта пашша ёки чивин қўнса, уни қувишга имконинг бўлмай йиғлар эдинг. Мен сени хира пашшалардан асраб, бешигингни тебратар эдим. Йиғидан тўхтамасанг, сени ечиб олиб, бағримга босардим. Сени деб барча машаққатларга чидадим. Куч-қувватимни сенинг камолинг учун сарф этдим. Мана энди катта бўлиб, куч-қувватга тўлдинг. Чақалоқлик, болалик, ёшлик пайтларингни унутиб қўйдинг. Энди эса мени ранжитяпсан. Лекин, бир куни келиб, албатта, бу дунёдан ўтасан. Қабрнинг тубига, қоронғилик қаърига кирасан. Ўшанда Аллоҳдан раҳмат нури ололмайсан...

Биз бешикларни кўп кўрамыз. Аммо қачондир шу каби бешикда ётганимизни, онамиз тунлари бедор алла айтиб чиққанларини ўйлаб кўрамызми? Агар ўйламасак, эсламасак, унда ноинсоф фарзанд эканмиз. У ҳолда уйимиз тўрига бешик суратини чиздириб, остига «Унутма!» деган хитобни ёзиб қўйганимиз лозимдир?

Баён қилинмиш ривоятда шарқнинг буюк мутафаккири Саъдий оналик ҳақининг нозик жиҳатларига эътиборни тортганлар. Оналарга хизмат қилиш инсонийлик йўлидаги энг яхши амаллардан дир. Шубҳасизки, она ҳақини тўлалигича, бекаму кўст адо қилмоқ бу дунёда мумкин эмас. Онанинг бешикдаги гўдагини минг турли ниёзлар билан ўстириши фарзанди устидаги энг катта ҳақидир.

Умидимиз юлдузлари! Сизлардан ўтинчимиз шуки, оналарингиз ҳузурларида турганингизда Саъдийнинг бешик ҳақидаги ривоятларини доимо ёдда тутинг.

«Биз инсонни ота-онасига яхшилик қилишга буюрдик» («Аҳқоф» сурасидан).

Сизда бир савол туғилиши мумкин: «Нега Қуръонда бот-бот ота-онага меҳр-мурувват кўрсатиш вожиб эканлиги уқтирилади-ю, фарзандларга меҳрибонлик қилишга буюрилган оятлар деярли учрамайди?» Аллоҳ Таоло мўмин-мусулмонларни комил инсон қилиб тарбиялаш учун қайси фармонини неча марта такрорлашни лозим деб билган бўлса, шунча марта нозил қилган. Негаки, Яратган ўз бандаларининг жисмоний жиҳатларидан ҳам, руҳоний хусусиятларидан ҳам жуда яхши огоҳдир. Масалан, у Зот ота-онага, хусусан, онага ўз фарзандларига нисбатан шундай меҳр ато этганки, она учун энг оғир, ҳатто таҳликали давр бўлган ҳомиладорлик ва кўз ёриш даври ҳамда чақалоқни эмизиб, тарбиялаш йиллари ота-она ҳаётидаги энг бахтли дамлардир. Бинобарин, ота-онани (албатта, улар агар инсоний маънавиятдан ажраб, ваҳшийлик даражасига тушиб кетмаган бўлсалар) фарзандига яхшилик қилишга буюраверишнинг ўзи ортиқча ишдир. Аммо фарзандлар эса ёшликларига бориб ёки ўзларининг олдиларидаги ўғил-қизлари билан овора бўлишиб, ортларидаги ота-оналарига бепарво бўлиб қолишлари мумкин. Шунинг учун Қуръон фарзандларни тез-тез ота-она олдидаги бурчларини адо этишга даъват қилади.

Ота-онанинг фарзандга меҳри фитратида – яралишида бор. Бундай меҳрни биз ҳатто жониворларда ҳам кўрамыз. Далада кузатган эдим: она совлиқ боғланган. Қўзичоқ ўйнаб юрибди. Бир маҳал ўзидан каттароқ қўзи билан сузишмоқчи бўлди. Бундан совлиқ безовта бўлиб маърайверди. Арқондан қутулишга уринди. Қўзиси биқинидан бир-икки зарба еб йиқилгач, совлиқ қаттиқ силтанди-да, арқонни узди. Бу ҳолатни «она меҳри арқонни узди», деб сифатласак ҳам бўлар. Сиз ювош кўринган мушукнинг боласини олишга уриниб кўринг-чи, таламасмикин?

Оналарга хос бўлган меҳр фақат ўз фарзандларига аталмаган. Улар бегоналарга, ҳатто дин ва миллатини фарқламай меҳр кўрсатадилар. Дейлик, бир мусофир сизникида қўноқ эканида хасталаниб қолди. Албатта, сиз унинг ҳолидан хабар оласиз. Аммо онангиз ёки бувингиз сиздан кўра кўпроқ ачинадилар. Даволаш учун зарур ҳамма чораларни бажарадилар. Мусофир миннатдорлик белгиси сифатида ҳадя берса олмайдилар, шундай эмасми? Бу ҳам она қалбидаги меҳрдан.

Ўтган асрнинг олтмишинчи йилларида бир шеър анча машҳур эди. Шарқ афсонаси асосида ёзилган бу шеър ҳатто тўйларда ҳам ўқиларди. Афсуски, кейин-кейин унутилди. Шеърнинг мазмуни билан қисқа тарзда бўлса-да, танишсак:

*Кўп наслдан наслга ўтган бир афсона бор,
Ёлғиз она ва ўғил яшар эди бахтиёр.*

Балоғат ёшига етган йигит кунлардан бир кун гўзалга ошиқ бўлиб ўзини йўқотади. Қиз йигитнинг севги изҳорини эшитиб:

*Қиз дедики йигитга:
Севгинг бўлса ҳақиқат,
шунини албат қилиб кел:
онангинг юрагини менга олиб кел!
...йигит бўлди сарсари, тўрт томонга югурди,
чўлдан топиб бир ҳайвон юрагини сугурди!
Шошиб, бўлиб умидвор, йўлларда оқизиб қон,
яна қиз қаршисида бўлган эди намоён.*

Қиз анойилардан эмас экан, йигитнинг найрангини фаҳмлабди:

*Қиз ўшқирда ва деди:
келтирмабсан менга керагини,
кет, кўринма кўзимга,
келтирмасанг менга онангинг юрагини!*

Йигит яна сарсари кезади. Охири онага бўлган муҳаббатидан қизга бўлган севгиси устун чиқади-да, она кўксига ханжар уради. Юракни суғуриб олади.

*...йўлда кетаркан, оёқлари чалишди
ва меҳрибон онанинг юраги ерга тушди.
Шунда шўрлик онанинг юраги кирди тилга
ва деди қаршисидаги ўғлига:
«Жоним болам, ёмон йиқилмадингми?
Қарагин, соғми танинг, эт-бетинг?..»
...Шунда йигит тахта бўлиб қотиб қолди,
Қанча юурса ҳам қизга етолмай ётиб қолди...*

Ота ва онанинг болага бўлган меҳри илоҳий тарзда қалбга сингдирилгандир.

Ҳадис. Анас ибн Молик (р.а.) айтадилар: «Ҳазрати Ойишага (р.а.) бир бечора хотин тиланиб келди. Ойиша унга учта хурмо берган эдилар, у ёнидаги икки боласига биттадан хурмо бер-

ди-да, биттасини ўзи учун олиб қолди. Болалар хурмоларини еб бўлишиб, яна оналарига умид билан қарашди. Она қўлида ушлаб турган хурмони иккига бўлди-да, болаларига узатди. Расулulloҳ (с.а.в.) келганларида Ойиша бу воқеани ул жанобга айтиб берган эдилар, Сарвари коинот (с.а.в.) дедилар: «Сен бунга нима учун ажабланасан? Икки боласига марҳамат, меҳр-шафқат қилгани учун Аллоҳ Таоло ҳам унга марҳамат қилади».

Мазкур ҳадиснинг мағзини чақсак, Аллоҳ Таолонинг марҳамати дейилганда Унинг ажри, яъни, ота-онанинг қариганида фарзандлари туфайли кўрадиган роҳати-фароғати назарда тутилган, деган маъно чиқади.

«Абаса» сурасида таъкид этилганки, айрим инсонлар Қиёматда ота-онасидан қочар экан. «Уларга муносиб хизмат қилмадим, энди ҳақларини талаб қиладилар», деб қўрқиб, изтиробга тушар экан. Ана шу изтиробнинг олдини олиш учун киши ҳаётлик даврида ҳаракатини қилиб қолиши керак. Уламоларимиз бу мавзуда суҳбат юритганларида «Исро» сурасидаги ояти каримани тилга оладилар. Биз ҳам бу анъанадан четда қолмайлик:

«Роббинг фақат Унинг ўзигагина ибодат қилишингни ва ота-онага яхшилик қилишни амр этди. Агар ҳузурингда уларнинг бирлари ёки икковлари ҳам кексаликка етсалар, бас, уларга «уфф» дема, уларга озор берма ва уларга яхши сўз айт. Икковларига меҳрибонлик ила хокисорлик қанотингни пастлат ва «Роббим, алар мени кичикликда тарбия қилганларидек, уларга раҳм қилгин», деб айт».

Бу амр Аллоҳнинг қатъий ва ўзгармас буйруғи. Бу буйруқни бажариш ихтиёрий эмас, балки ҳар бир банданинг бурчи. «Уфф» сўзига боғлиқ икки маъно бор:

Биринчидан, ота-онага ёмон сўз айтиб, беҳурмат қилмаслик. Мисол учун: ота-она иш буюрганда «уфф, тинч қўймас экансиз-да», ёки «уфф, шу гапларингиз ҳам жонимга тегди» ёки «уфф, сизга ҳеч тушунтириб бўлмас экан-да» каби норизоликни ифода этишни Тангри Таоло бизга ман этипти.

Иккинчидан, ўқишдан ёки ишдан чарчаб қайтдингиз ёки кўнглингиз бир нимадан ғаш. Ўзингизча «уфф» деб қўйдингиз. Билмайсизки, шу «уфф»ингиз билан ота-онангиз қалбини тилиб юбордингиз. Уларнинг «Орзуим чечаги – суюкли фарзандим касалга чалинибди» ёки «Болам оғир синовга тушибди», деб озорланганларини англамадингиз. Энди улар кунлаб, балки ойлаб кўзларингизга термилиб, паришонлик булутининг кўтарилишини кутадилар. Сиз ўзингизга учраган пашшадай ташвишни биргина

«уфф» билан фил ҳолатида катталаштириб, ота-онангизга узатдингиз. Демак, биз ота-онамизни ташвишимизга шерик қилмаслигимиз керак экан. Фарзанд ота-онанинг ҳузурида ўзини қанчалик хокисор тутса, шунча яхши.

Раббимиз буюрадики, «...ниманики хайр-эҳсон қилсангизлар ота-она, қариндошлар, етимлар, мискинлар ва мусофирларга қилингизлар». Эҳсонга лойиқлар орасида ота-она бекорга биринчи зикр қилинаётгани йўқ. Кишининг ўзидан кейинги ҳақдори ота-онаси бўлади. Ота-онасини муҳтож қўйиб, улардан бошқаларга эҳсон қилишдан нима фойда бор? Қишлоқлардан бирида бу воқеага гувоҳ бўлган эдик.

Воқеа. Қадрдонимизникида меҳмонда эдик. Қўшнисини эҳсонга таклиф этди. Чикдик. Жуда кўп меҳмон айтилган экан. Биз ҳовлида, тут дарахти соясидаги сўридан жой олдик. Рўпарамизда ошхона, унинг ёнида бир пастак ҳужра бор эди. Агар ўша ҳужрадан хаста овоз чиқмаса унда одам яшашига ишонмас эдим. Ўша ҳужрага кўп тикилаётганимни сезган дўстим «У ерда соҳиби эҳсоннинг волидалари яшайди, бир оз хасталар», деб изоҳ берди. Мен «Меҳмонларга жой ҳозирлаш учун каттароқ уйдан бу ҳужрага вақтинчалик олиб чиқилгандир», деган ўйда эдим. Аммо эҳсон яқунига етгунича ҳам биров у ҳужрадан хабар олмади. Бир пиёла иссиқ чой ёки бир бурда иссиқ нон олиб кирмади. Шундан сўнг дўстимдан «Доим шу уйда яшайдиларми?» деб сўрашга мажбур бўлдим. Дўстим қўшнисининг сирини очаётганидан хижолат бўлибми, аста «ҳа», деб қўя қолди, бошқа изоҳ бермади. Бошқачароқ изоҳга ҳожат ҳам йўқ эди. Бу тез-тез учрайдиган воқеа эмас. Мен ҳам ваҳима қилмоқчи эмасман. Лекин бу даҳшатдан (ҳа, айнан даҳшат, айнан ёвузлик дейман!) кўз юма олмайман. Ақлни лол қолдирадиган даражада эҳсон дастурхонларига меҳмонларни чорлаганлари ҳолда оталари ёки оналарига ўзларининг эски кийимларини кийинтириб қўядиганлар озми ё кўпми?

Яна бир воқеа. Бир танишим кўзида ёш билан айтиб эди: отаси хаста экан. Катта акаси ақиқа маросимига тайёрланаётган экан. Бизда бунақа одат кўп учрайди. «Отам (ёки онам) кўриб қолсинлар», деб тўй ёки бошқа маросимни тезлатамиз. Бу, албатта, яхши ният. Аммо бу ният ортида «отам (ёки онам) ўлса, тўйим қолиб кетади (ёки тўйга атаганларим азага ишлатилиб кетадими), деган ҳадик ҳам бўлади, бунини яширмайлик. Хуллас, танишимнинг акаси ақиқа дастурхонига олинажак неъматларни рўйхат қилиб ўтирганида хаста ота «Қуюлтирилган ширин сут ҳам олиб келгин», деб илтимос қилибди. Шунда нодон ўғил ўйламай-нетмай, «Бунақа сут

ҳозир отликқа йўқ, қаердан топаман», дебди. Хаста ота индамабди. Ўша пайтда бу нарсанинг топилиши чиндан ҳам қийин эди. Аммо ўғил отанинг кўнгли учун «Албатта топамиз», деса кифоя эди. «Худонинг марҳаматини қарангки, – дейди танишим, акамнинг бу гапларидан ранжиб турганимда бир дўстим дадамни йўқлаб, иккита нон билан ўша сўралган ширин сутдан олиб келди. «Мана, дада, сўраганингиз, очиб берайми?» деб сўрадим. Дадам банкани қўлларига олиб, худди гўдак бошини силагандай силардилар-да, «Кейин очасан», дедилар. Ақиқадан сўнг дадам ҳушларини йўқотдилар ва кўп ўтмай бу фоний дунёни тарк этдилар. Аёллар дадам истаган қуюлтирилган ширин сутни очиб, ширинликлар пишириб, маърака дастурхонига қўйдилар...»

Шунга ўхшаган воқеалар оз бўлса ҳам учраб турадики, ундан кўз юммоқлик одам боласига хос эмас. Ота-оналарини иззат қилувчиларни ҳаётда кўп учратамиз ва бундан кўнгиларимиз шодланади. «Менинг фарзандларим ҳам шундай солиҳ бўлсин», деб ният қиламиз. Ният қилишимиз яхши, аммо шунинг ўзи кифоя эмас. Фарзанднинг олижаноб, фазилатли бўлиши фақат унинг насл-насабига ҳам тааллуқли бўлиб қолмайди. Ҳазрат Навоий таъбирлари билан айтилса, «Ҳурмати волидайн – фарз айн». Ота-онани ҳурматлаш – бажарилиши ўта зарур амалдир.

Ривоят. Қадимда ўғриларнинг қўллари кесилганини эшитганмиз. Шундай ўғрилардан бири ушланиб, жазога ҳукм қилинганда бир қизча подшоҳ ҳузурига келиб, тиз чўкиб, йиғлаганича ўтиниб сўрабди:

– Отамни жиноятлари учун қўлларини кесишга буюргансиз. Биламан, ҳукмингиз адолатли. Лекин отамнинг мендан кичик яна тўрт фарзандлари бор. Онамиз касалмандлар, бизларни боқа олмайдилар. Агар отамизнинг қўлларини кестирсангиз, ҳаммамиз очдан ўламиз. Бизларга раҳм қилинг, отамизнинг қўлларини кестирманг. Агар қўл кесмасликнинг бошқа иложи бўлмаса, у ҳолда отамнинг қўллари ўрнига менинг қўлимни кеса қолинг.

Подшоҳ бу гапни эшитиб, кичкинагина қизнинг ота-онасига муҳаббати бу қадар улуғлигидан ҳайратда қолди. Қизни синамоқ мақсадида унга:

– Майли, отанг қўли ўрнига сенинг қўлингни кестираман. Қўлингни бугун эмас, эртага кесишади. Эртагача яхшилаб ўйлагин, кейин яна пушаймон еб юрмагин, – деди.

Эртаси куни жазо майдонида яна одам тўпланди. Қизнинг отасини келтирдилар. Қиз ҳам ҳозир бўлиб, отасига деди:

– Отажон, сира қўрқманг, мен подшога «Отамнинг қўллари ўрнига менинг қўлимни кестиринг», деб ялиндим. Илтимосим қабул бўлди. Ҳозир менинг қўлимни кесиб, сизни озод қилишади.

Қиз шундай деб, кундага қўлини қўйди. Бу ҳолатдан подшоҳ ҳам, тўпланганлар ҳам кўз ёши тўкдилар. Қизнинг отаси озод этилди. Ота-болага илтифотлар кўрсатилди. Подшонинг амри билан жазо майдонидаги кунда олиб ташланиб, унинг ўрнига бир мрамар тош тикланди-да, бу сўзлар ўйиб ёзилди:

«Бир ёшгина қиз отасининг қўли ўрнига ўз қўлини фидо этишни истади. Шу қиздек фарзандга эга бўлган ота-она қандай бахти-ёрдир...»

Бу мрамар тош фарзанд меҳрига қўйилган ўзига ҳос рамзий ҳайкалдир. Ҳаётда ҳеч ерда бундай ҳайкал йўқ. Аммо ота-она фарзандидан озгинагина меҳр кўрса ҳам унга ўз қалби тўридан битта ҳайкал тиклайди. Бу ҳайкалнинг номи – шукроналик.

Яна бир ривоят. Марвон ибн Ҳакам Мадинадан бир жойга сафарга кетганларида ўз ўрниларига Абу Ҳурайрани қолдириб кетардилар. Абу Ҳурайра Зул-Ҳулайфада туриб, ўзлари бир хонада, оналари эса бошқа хонада яшардилар. Абу Ҳурайра қачон ўз хоналаридан ташқарига чиқадиган бўлсалар, оналарининг эшиги олдига келиб салом берардилар-да: «Мени ёшлигимдан тарбият қилганингиз учун сизга Аллоҳ Таолонинг раҳмати бўлсин», дер эдилар. Оналари ҳам у кишининг саломларига жавоб қайтариб: «Катта бўлганингизда менга яхшилик қилаётганинг, розилигимни олаётганинг учун сенга ҳам Аллоҳ Таолонинг раҳмати бўлсин», дер эдилар. Абу Ҳурайра ташқаридан қайтиб келганларида ҳам она-бола ўртасида шу муомала такрорланарди.

Эй, умидимиз юлдузлари! Бу гўзал муомла сизларда ҳам борми? Бор бўлса, умрингиз армонсиз ўтажак. Йўқ бўлса-чи? Аввал айтинг: нима учун йўқ? Ўнтагина сўзни айтишга тилингиз нима учун айланмайди? Сизга нима тўсқинлик қилади? Онангизни қаймоқ билан боқишга пулингиз йўқдир. Қаймоқ сўзингиз-чи? Асал сотиб олишга пулингиз етмас, аммо асал каби тотли тилакларингиз учун нимангиз етишмайди?

Не шодки, бизнинг юртимизда ота-онасини ҳурмат қилувчилар кўп. Камина истиқомат қилувчи «Илғор» маҳалласида Япония мамлакатидан келган бир ёш олим ижтимоий тадқиқот олиб борди. У маҳалладаги барча маросимларда иштирок этишга ҳаракат қилди. Унинг зийрак фаҳми фарзандларнинг ота-оналарини беқиёс тарзда ҳурмат қилишларини англабди. Бир куни у билан суҳбат чоғида дунёга машҳур япон адибларининг асарларидан гап очдим.

– Ҳа, Япония улуғ ёзувчиларга бой мамлакат. Менинг юртим илм-фанда ҳам илгарилаб кетган, – деди у. – Аммо ҳар бир халқ илм-фанда ёки адабиётда худди шундай, балки бундан ҳам аъ-

лороқ ютуққа эртами-кечми эришиши мумкин. Лекин сизнинг халқингиз эришган бойликка ҳамма ҳам эриша олмайди. Айниқса, ҳозирги кунларда, ҳамма нарса илм-фан тараққиёти мезони билан ўлчаниб, маънавий оламдан узоқлашилаётган асрда қийин, ғоят қийин. Мен фарзандларнинг ота-оналарига меҳрибонлигини назарда тутяпман. Бу мен учун янги оламдай туюляпти. Чунки мен бу оламни йўқотганман. Ҳозир ота-онам хаста. Акам қўшни оролда яшайди. Лекин бир неча ойлаб келиб кўролмайди. Келса, ишдан қолади. Ишдан қолса, вазифасидан ҳайдалади...

Япониялик меҳмон шундай деб хўрсиниб, кўзига ёш олган эди...

Ота-онангиз билан сизнинг орангизда баъзан келишмовчиликлар ҳам бўлиб туради. Масалан, ота-онангиз бир вазифа буюришса, сиз бу ишни тўғри ҳисобламай бирон баҳона билан бажармаслигингиз ёки очикчасига рад мумкин. Бунда ҳам ота-онангизнинг кўнгли ранжийдики, бу ҳолдан эҳтиёт бўлмоғингиз шарт. Чунки ўтмишда шайхлар дебдиларки: «Волидука – роббука», яъни отанг – парвардигорингдир. Бу маънодан ширк кўрилмаслиги, аксинча, «тарбиячи Тангрига итоат этганинг каби ота-онага ҳам итоатда тургин», дейилмиш маънони уқмоқ жоиз. Тангрининг инсон тарбиясига оид амрини болага, энг аввало, ота-она етказди. Бу ўринда «роббука» – тарбиячи эканига ишора ҳамда масъулият юки ҳам англашилса дуруст бўлар. Халқда «Ҳаким ота» номи билан машҳур зотлардан Ҳаким Сулаймон «ота – қодири қайюм, она – розиқи марсум», деган эканлар. Яъни ота Аллоҳнинг абадий қудрат эгаси сифатига, она эса Аллоҳнинг барча жонзотга ризқ берувчи сифатига ўхшатиляпти.

*Атодин хато келса кўрма хато,
Савоб бил хато қилса доғи ато.
Атонинг хатосини билгил савоб,
Сени юз балодин қутқаргай Худо.*

Туркигўй шоирлардан Адиб Аҳмаднинг бу насиҳатини ёдлаб олсангиз-да, отангиз ёки онангизга бетгачопарлик билан гап қайтаришга чоғлаганингизда эсласангиз, балки уларнинг кўнглини оғритиб қўйишдан сақланарсиз.

Иброҳим Халилulloҳнинг оталари бут йўнувчи уста Озар эди. Иброҳим алайҳиссалом оталарини бутпарастликдан қайтариш учун насиҳат қилган вақтларида нидо келдиким, таъзим ва му-

лойимлик билан насиҳат қилғил. Ва Юсуф алайҳиссалом оталари Яъқубга (алайҳиссалом) хатолик билан одобсизлик қилганлари учун бошқа пайғамбарлардан етмиш йилдан кейин жаннатга киришга ҳукм этилдилар. Юсуф алайҳиссалом қандай одобсизлик қилибдилар экан? Оталари билан кўришаётганларида отдан тушмай сўрашган эканлар! Нуҳнинг (алайҳиссалом) ўғиллари Хом ҳам одобсизлиги туфайли отанинг дуоибадига учради: ранги қора бўлиб, унинг наслидан пайғамбарлик узилди. Хом қандай одобсизлик қилиб эди? Нуҳ алайҳиссалом кемада ухлаб ётганларида шамол кўтарилиб, уят жойлари очилиб қолганини кўриб кулган эди!

Пайғамбарларки ота-она ҳузурида итоат этар эканлар, сизу бизнинг итоатимиз хусусида ортиқча сўз бўлиши мумкин эмас. Ҳадиси шарифда таъкид этилганидек, агар улар биз – фарзандларга «дунёдан кеч», дейишса ҳам ҳурматлари учун буйруқларини ижро қилишга мажбурмиз. Одамийлик йўли шудир. Афсуски, орамизда бу йўлни кўрмайдиганлар ёки менсимайдиганлар ҳам топилади. Уларга деймизки, ота-она розилигини ололмасангиз шу дунёнинг ўзидаёқ жабр кўрасиз. Аввало, ота-онасини хорлаган одамни жамият иззат қилмайди. Бу одам жамият назаридан қолади ва бундан ортиқ хорлик бўлмас. Қолаверса, яна такрор айтамиз, ўзининг фарзандлари ҳам уни хорлайди. Хорланиб, азобланиб тезроқ ўлишни истайди. Лекин Аллоҳ унга ўлим бермайди. Ана шундай хорланган одамлар бизларга ўрнак бўлишлари керак.

Бу мавзуда айтаман десам, ҳикмат кўп. Бироқ, Алишер Навоий ҳазратларидан бир неча байт ўқимаса, кўнглим ўрнига тушмайдиган кўринади:

*Бири эрур макрумати волидайн,
Билки мунунг қилмогидур фарзи айн.
Бу икнинг хизматини бир бил,
Ҳар неча ифрот эса тақсир бил.*

Дейилмоқчики: Тарбиянинг яна бири ота-онани ҳурмат қилиш; буни бажариш унинг учун мажбуриятдир (шартдир). Бу иккисига хизматни бирдек қил, хизматинг қанча ортиқ бўлса ҳам, кам деб бил.

*Бошни фидо айла, ато қошига,
Жисмни қил садқа ано бошига.
Икки жаҳонингга тиларсен фазо –
Ҳосил эти ушбу икисидин ризо.*

Дейилмоқчики: Отанг олдида бошингни фидо қилиб, онанг боши учун бутун жисмингни садақа қилсанг арзийди! Икки дунёнг обод бўлишини истасанг, шу икки одамнинг розилигини ол!

*Тун-кунунгга айлагали нур фош,
Бирини ой англа, бирисин қуёш.
Сўзларидин чекма қалам ташқари,
Хатларидин қўйма қадам ташқари.
Бўлсун адаб бирла бори хизматинг,
Хам қил адаб «дол»и киби қоматинг.*

Дейилмоқчики: Туну кунингга нур бериб турган бирларини ой деб бил, иккинчиларини эса қуёш. Уларнинг сўзларидан ташқари бир нарса ёзма, улар чизган чизиқдан ташқарига бир қадам ҳам босма. Ҳамма хизматни сен адаб билан бажар, «адаб» сўзидаги «дол» ҳарфи каби қоматингни улар ҳузурида эг.

Минг йиллар мобайнида яратилган китобларда ота-онани иззатлашга доир насиҳатлар қилинган. Бу насиҳатларнинг муаллифлари кўп бўлгани билан маъноларида фарқ кам. Шу боис мазкур мавзудаги суҳбатимизни ўн биринчи асрда яшаган Амир Унсурулмаолий Кайковуснинг Муҳаммад Ризо Огаҳий томонидан таржима қилинган насиҳатлари билан яқунлашни маъқул топдим:

– Эй, фарзанд, билгилким, ақл юзасидан фарзандга ота-онани ҳурмат қилиш вожибдур, нединким унинг асли ота ва онадур. Ота ва онани нима учун ҳурмат қилурман деб кўнглингга келтурмагил, билгилки улар сенинг учун ўлимга ҳам тайёр турадурлар.

Ҳар фарзандки, оқил ва доно бўлса, ҳеч вақт ота ва онанинг меҳр ҳақини адо қилмоқдин холи бўлмагусидир. Ота-она фармонбардордур. Бу фармонбардорликда ҳам иш бўлгай ва ҳам фармон бўлгай. Ота-онанинг иши сени парвариш қилмоқдур ва фармони сенга яхшилик ўргатмоқдур. Эй, фарзанд, шул важдин ота-онангни сал ҳам ранжитмагил.

Ота-онанинг ҳақиға дин нуқтаи назаридан риоя қилмасанг ҳам, ақл юзидан, мурувват юзидан риоя қил ва кўргил: ота-она аслида сени жон ва дил била парвариш қилмишлар. Агар улар ҳақида камчиликлар қилсанг, тақсир кўргузсанг, сен ҳеч яхшиликка сазовор эмасдурсан, нединким ҳар киши аслнинг яхшилигин билмаса, ўзганинг ҳам яхшилигин билмагусидир. Ўз фарзандинг сенинг ҳақингда қандай бўлишин тиласанг, сен ҳам ота-онанг ҳақида шундай бўлгил, нединким сен ота-онангга нима иш қил-

санг, фарзандинг ҳам сенинг ҳақингда шундоқ иш қилур, чунки одам мевага, ота-она дарахтга ўхшайдур. Дарахтни ҳар қанча яхши тарбият қилсанг, меваси шунча яхшироқ ва ширинроқ бўлур. Ота-онага иззат ва ҳурматни қанча кўп қилсанг, уларнинг дуолари шунча тезроқ мустажоб бўлур.

Зинҳор мерос олмоқ ҳирси била ота-онанг ўлимини тиламагилки, уларнинг ризқи била сенинг ризқинг етишур. Ота-онанинг ўлимини тиламагил, чунки ота-она ўлмаи юрсалар ҳам ризқинг етишаверади, нединким, ризқ тақсимлангандур ва у ҳар йўл била восил бўлур. Рўзий насиба учун ўзингни кўп ранж-машаққатга қўймагил, бул насиба ранж ва азоб-уқубат била зиёда бўлмагусидир.

БЕМЕҲР ҚАРИНДОШДАН МЕҲР БИЛГАН ЁТ ЯХШИ

«Бир қоринга сиққан болаларим битта уйга сифмаса-я!»

Умидимиз юлдузлари, оналарнинг бундай фарёдлари биз, катталар учун янгилик эмас. Балки сиз ҳам, ёш бўлишингизга қарамай, қариндошлар ёки қўни-қўшнилар хонадониде эшитганингиз бордир бундай ноаларни. Оиладаги ота ёки она ёки бошқа ёши улуғлар вафоти олдидан «Мендан кейин юз кило гуруч дамлаб, ош тарқатинглар», дейишмайди. Мен бундай васиятни эшитмаганман. Бироқ, «Мендан кейин аҳил-иноқ яшанглар», дейишлари аниқ. Айниқса, оиланинг тўнғич фарзандига «Сен каттасан, укаларингнинг бошларини қовуштириб тур», деб сўнгги ўтинч билан тикилишларини кўз олдимизга келтирайлик. Сўнг эса... «йигирма оши» ёки «йил оши» дейилмиш дабдабадан сўнг ака-укалар, қариндошлар орасиде нифоқ чиқиши, меҳр ришталари узилиши ҳолларига каттаю кичик гувоҳ бўлади. Катталар афсусланадилар, сиз каби ўсмир-ёшлар эса жанжалкаш жигарларнинг бу қилиқларига тушунмай лол қоладилар.

Меросхўр жанжалкашлар унутмасинларки, марҳум оталари ёки оналари дошқозонларда дамланаётган бу ошларга муҳтож эмаслар. Уларнинг руҳлари бу зиёфатлардан шодланмаслар, балки, меҳрнинг узилишидан озорлар чекарлар.

Воқеа. Бир қоринга сиққан ака-ука бир ҳовли-жойга сифмай қолишди. Амакивачча саналмиш болаларнинг ўзаро жанжаллари учун уларни айблалш ноўрин. Чунки улар ёш, кўп нарсаларга ақллари етмайди. Зиддиятларининг асосиде айрим ҳолларда фарз ёки шумлик ётмайди, бу жанжаллар болаларча шўхликнинг оқибатиде юзага келади. Аммо, афсуски, айрим ҳолларда нафрат

ҳам учрайди. Болаларга бу нафратни ота-оналари ўзлари билмаган ҳолда сингдирадидлар. Қандай қилиб? Айтайлик, кечки овқат пайтида кундузги воқеалардан гап очилади. Хотин овсинининг ёмонлигидан сўзлайди. Нодон эр акасининг бирон қилиғидан нолийди. Шундай гаплари билан амакиваччалар орасига ўнганмас нифоқ солаётганларини билмайдилар. Отаси ва онасининг гапларини диққат билан эшитиб ўтирган бола учун битта нарса равшан бўлади: амакиси ёмон! Унинг оиласи – хуллас, ҳаммаси ёмон! Ёмон... ёмон... улардан нафратланиш керак. Шундай ғийбат шароби ичилаётганда айрим болалар отаси ва онасини қўллаш мақсадида амакиваччасининг бирон ёмонлигидан гапириб, оловга мой қуяди. Қалблардаги меҳр ўрнини эгаллаган яра шу тарзда мадда боғлайди. Вақт ўтган сайин у қалбларни азобга солади ва мудҳиш кунларнинг бирида ёрилади.

Ака-уканинг гап талашини сўкишга, ҳақоратлаш эса бирининг кетмон кўтариб ҳамла қилишига айланди. Ҳазабга минган ака-укани ажратишга ҳаракат қилаётган ўн олти ёшли ўғил отасининг қонга беланганини кўриб, ўзини йўқотади, қўлига чалғи олади. Узоқ давом этган нифоқ ака-уканинг фожиали ўлими ва ўсмирнинг қамоққа тушиши билан якунланади. Қонга беланиб ётган ака-уканинг кўзлари «Бу қанақаси бўлди?» дегандай очиқ қолди. Бу дунёга тўёлмаган кўзларни ёпа олишмади. Катта ҳовли-жойга сифмаган ака ва уканинг ҳар бирига икки қулочли икки лаҳад кифоя қилди. Бир ҳовлида ёнма-ён яшашни исташмаган эди, қабристонда ёнма-ён гўрлардан жой олишди. У дунёдаги аҳволлари бизга номаълум. Ота-оналари билан Қиёматда қай ҳолда кўришишлари ҳам номаълум. Фарзандларининг бу фожиаси туфайли ота-онанинг руҳи то Қиёматга қадар нечоғли азоб чекмоғи ҳам бандага аён эмас.

Бизнинг ажабланишдан ўзга иложимиз йўқ. Гап шундаки, ака-уканинг ўлими икки оила ўртасидаги нифоқни ўнгламади. Овсинларнинг ғафлат уйқусидаги кўзлари очилмади, қариндошлар эса ибрат олишмади. Ака-ука экиб кетган нифоқ уруғи униб чиқиб бемеҳрлик меваларини бераверди.

Умидимиз юлдузлари, ака-ука ёки опа-сингил орасидаги низолар ҳақида сизга сўзлашимизнинг жиддий сабаби бор. Сиртдан қарасак, бу низоларнинг сизларга алоқаси йўқдек. Аслида эса отангиз ёки онангиз амакингиз ё холангиз билан юзкўрмас бўлиб кетишса, сизнинг ҳам юрагингиз азоб чекади. Катталарнинг бу қилмишидан қалбингизга тиф санчилгандек бўлади. Уларни яраштириш қўлингиздан келмаганлиги учун ҳам руҳан қийнала-

сиз. Ота-онангизнинг бу иши учун маҳалла-қўйдан уяласиз. Лекин сиз амакиваччангиз ёки холаваччангиз билан муносабатингизни бузмасангиз, сиз шарафга лойиқсиз. Албатта, ота-онангиз улар билан муомала қилишингизга норози бўладилар, ҳатто қаттиқ уришадилар. Бу ҳолда улар билан жиддий зиддиятга бормай, қариндошлар билан яхши муомала қилиш йўлини излаш керак. Бу борада сизга аниқ йўл-йўриқ кўрсата олмайман. Чунки ҳар бир оиланинг ўз тартиби, ўз сирлари бор.

Бу ўриндаги сизга мурожаатимдан асосий мақсад бошқа: бугун юзкўрмас бўлиб кетган жигарлар ўн йилми ё йигирма йилми аввал сизнинг ёшингизда бўлишган. Ота-она бағрида бахтли ҳаёт кечиришган. Аҳвол нима учун бу қадар ёмонликка ўзгарди? Шу саволга ўзингиз жавоб топишга ҳаракат қилинг. Бугун сизнинг оилангизда ҳаловат бор. Йигирма йилдан кейин бузилиб кетмайдими бу ҳаловат? Бузилиш олдини қандай олиш керак? Бу саволга ҳам жавоб изланг. Балки суҳбатимиз жараёнида тилга олаётган ҳикматлар сизга тўғри йўл кўрсатишга хизмат қилар.

«Агар иймондан юз ўтирсангизлар, сизлар ер юзида бузғунчилик қилурсизлар. Ва қариндош-уруғларингиз билан ҳам алоқаларингизни, қариндошлик ришталарини узарсизлар. Ундай кимсаларни эса Аллоҳ Таоло лаънатлагандир. Бас, уларнинг қулоқларини панд-насихат эшитишдан қар, кўзларини тўғри йўлни кўролмайдиган кўр қилиб қўйгандир». «Муҳаммад» сурасидаги икки оятнинг маъно таржимаси билан танишгач, бу маънони ақлимизга сингдиришга уринайлик-да, сўнг яна аввалги воқеага қайтайлик: демак, ким бузғунчилик қиларкан, ким қариндошларидан узилиб кетаркан? Иймондан юз ўтирганлар. Агар бир-бирини ўлдирган ака ва укада иймон бўлса аҳил-иноқ яшамасмиди? Фарзандларини ҳам силайи раҳм руҳида тарбия этмасмиди? Албатта, марҳумлар ҳақида ёмон гапириш одобдан эмас. Уларни иймонсизликда айблаш эса шафқатсизлик бўлиб кўринар. Аммо, ноилож, бошқаларга ибрат бўлсин учун ҳақиқатни айтишга мажбурман. Бундай кимсаларга Аллоҳнинг лаънати тушгани – шу фожианинг юз берганида кўринмайдими? Лаънат фақатгина ўлим эмас, балки улар уй-жой таллашишни бошлаганларидаёқ Аллоҳнинг газабига учраганлар, бироқ иймондан холи онглари буни фаҳмлай олмаган. Ҳамонки бундай кимсалар лаънатга лойиқ эканлар, уларнинг охиратларини тахминан тасаввур қилиш мумкин. Бу икки оиланинг лаънатланиши ҳали тугагани йўқ. Кўр ва қар қилиши ҳам жисмоний эмас, маънавий томондан бўлади. Кўзи ҳамма нарсани соғ-саломат кўриб туради, лекин кўрган нарсаларидан ибрат олмайди. Қулоғи

ҳам соғ бўлади, лекин ўзи эшитган гапларидан ибрат олмайди. Чунки уларнинг қалб кўзлари кўр, қалблари қулфланган. Қалб қулф экан, унга ҳеч нарса, жумладан Қуръон нури ҳам кирмайди. Бошқачароқ айтсак, бундай қалблар Қуръон нури билан нурланишга рағбат кўрсатмаганлари учун ҳам оқибатда қулфланиб қоладилар. Ака-уканинг фожиасидан ибрат олмаган овсинларнинг, амаки-ваччаларнинг тақдирлари шундай эмасми?

Бу бахти қаро оилада ўзаро адолат бормиди? Адолат йўқ жойда бир-бирига чиройли амаллар (эҳсон) мавжуд бўлиши мумкинми? Уларга яхшилик қилиш буюрилган эди, улар-чи? Бузуқлик, ёмонлик, зўравонликдан қайтарилган эдилар, улар қайтдиларми? Кўпчилик бузуқлик (фаҳш) деганда, асосан, эр-хотин орасидаги номусга оид муомалани тушунади. Аслида бу сўзнинг луғавий маъноси «ҳаддан ошишлик»ни англатади. Демак, мазкур ҳолатда бу икки оиланинг бир-бирларига душманлик бобида ҳаддан ошганларини тушуниш мумкин. Яна афсуски, улар энг муҳим нарсани – Аллоҳнинг панд-насиҳатларини қулоққа илмадилар. Оқибати эса ўзингизга маълум.

Умидимиз юлдузлари, шу нохуш воқеалардан воқиф бўлгач, яна биргалашиб ўйлаб кўрайлик: хонадонлар аҳлининг қалб кўзи ожиз, виждон қуввати заифлиги оқибати эмасми бу фожиа? Қалб кўзлари очиқ, виждонлари эса тўлиқ қувватга эга бўлганида ёмонлик сари илк қадам қўйганларидаёқ уларни тўхтатмас эдими? Уйғоқ виждон мана бундай хитоб қилмасмиди:

– *Эй, Одам боласи! Фафлатдан уйгон! Сен юз ўгириб кетмоқчи бўлаётган кимсанинг кимлигини унутма! У аканг ёки укангдир, у опанг ёки синглингдир. У энг яқин қариндошингдир. Уларга нисбатан қалбингда нафрат уйгонса, улардан юз ўгириб кетишни ихтиёр қилганинг дамда бир дақиқа шошма. Ҳа, сени дўзах оловидан асраб қолиш учун шу бир дақиқа кифоя қилади. Шу бир дақиқа ичида Аллоҳнинг буюрганларини ақл кўзгусида кўриб олсанг бас. Шу бир дақиқа ичида жоҳиллик уйқусидан уйғонишга ўзингда куч топсанг бас. Эй, инсон, агар сен шайтоннинг йўлига адашиб кириб қолган бўлсанг – қариндошларингдан узоқлашган бўлсанг, эсингни йигиб олгину Раҳмон йўлига қайтишга шошил. Қариндошларинг билан сен талашаётган нарса аслида сеники эмас. Сен талашаётган нарса сенга ҳам, қариндошларингга ҳам вафо қилмайди. Сен талашаётган нарсангга эга чиқишинг ҳам мумкин, аммо кўп ўтмай уни бари бир ташлаб, боқий дунёга кетасан. Агар қариндошларингга силайи раҳм қилсанг, сен охиратга уларнинг дуолари билан боражаксан. Охират эшигини ўзингга ҳа-*

миша ҳамроҳ иймон нури билан очажаксан. Ҳисоб куни келганда қариндошларингга муносабатингдан ҳисоб бергайсан. Ёмонликка қадам қўйишдан аввал, бир дақиқагина шуларни ўйла. Шу бир дақиқа сенинг бошингга шараф тожини кийдирур.

Ҳадис. Анас ибн Моликдан ривоят қилишларича, уч тоифа одам Қиёмат куни Аршнинг соясида бўларкан. Шулардан дастлабкиси силайи раҳм қилувчи экан. Бундан маъно: унинг умри ва ризқи силайи раҳм билан зиёда бўлган деганидир. (Аршнинг соясидаги иккинчи тоифа – эри ўлиб, етим фарзандларини яхши тарбиялаган хотин, учинчи тоифа – таом тайёрлаб, етим мискинларга эдирган одам.)

Одам боласини Аршнинг соясига етказадиган силайи раҳм деганда биз нималарни тушунамиз? Қисқача таъриф берилса: қариндошлар билан яхши муомала қилиш тушунилади. Аслида унинг маъноси фоят кенг.

Улуғларимизнинг айтишларича, силайи раҳмда ўнта мақталган хислат бор экан:

* Силайи раҳмда Аллоҳнинг ризоси бор, чунки Аллоҳ Таоло шунга буюради.

* Қариндошларга хурсандчилик етказмоқлик бор. Чунки улар силайи раҳм билан қувонадилар.

* Силайи раҳмда малойикаларнинг ҳам хурсандчилиги бор. Чунки улар ҳам силайи раҳмга гувоҳ бўлган онларида қувонадилар.

* Силайи раҳмда одам болалари шаънига яхши мақтов бордир.

* Силайи раҳмда иблисга ғам етказмоқлик бордир.

* Умрнинг зиёда бўлишида силайи раҳмнинг ҳиссаси бор.

* Ризқнинг баракали бўлишини силайи раҳмсиз тасаввур этмоқ қийин. Бунга мисол тариқасида бир ривоятнинг қисқа баёнини берамиз.

Ривоят. Ота-онаси вафот этган ака-укага бир қопгина буғдой мерос қолади. Ака-ука мерос ҳақиға хиёнат қилмай, уни теп-па-тенг бўлиб оладилар. Шу куни аканинг кўнгли оғрийди: «Укам ҳали уйланмаган, ҳам ўзини боқиши керак, ҳам тўйга йиғиши керак. Болаларимнинг ризқини Аллоҳнинг ўзи берар», деган ўйда омборхонага кириб, ўзига ажратиб олган улушдан укасининг қопига тўқади. Шу куни уканинг ҳам кўнгли оғрийди: «Мен битта қорнимни эплаб тўйдириб юрардим. Акамнинг оиласи қийналиб қолиши мумкин», деган ўйда у ҳам омборхонага кириб ўзининг улушидан акасининг қопига тўқади. Бу ҳол ҳар куни такрорланаверади. Аммо иккала қопдаги буғдойдан бир мисқол ҳам камай-

майди. Шунда ака-укалар ажабланишиб, бир донога маслаҳатга борганларида у бор гапни яширмай айтишларини талаб қилади. Воқеадан хабар топгач эса «Бир-бирларингизга меҳр-оқибатли бўлганингиз учун Аллоҳ сизларнинг ризқингизга шундай барака берибди. Ораларингиздаги силайи раҳм барқарор экан, ризқингиз шундай мўл бўлаверади», дебди. Бу хусусда Расулуллоҳ (с.а.в.) марҳамат қилганларким: «Ким ризқи мўл бўлишини, ажали орқага сурилишини истаса, қариндошлик алоқаларини узмасин».

* Силайи раҳм туфайли вафот этиб кетганларга ҳам хурсандчилик этади. Фоний дунёни тарк этган аждодлар руҳи авлодларининг силайи раҳм билан боғланганларидан қувонади.

* Силайи раҳмда дўстликнинг зиёда бўлиши бор. Бир сабаб ўртага тушиб, хурсандчилик ва ғамдан тўпланишган дўстлар бир-бирларига ёрдам берадилар ва бу улардаги дўстликнинг зиёда бўлишига ёрдам беради (Бу хусусда навбатдаги суҳбатимизда батафсил фикрлашиш ниятимиз бор).

* Силайи раҳмда кишининг вафотидан кейин ҳам ажрнинг зиёда бўлиши бор. Чунки қариндошлар уни ўлганидан кейин ҳам дуо қиладилар, яхшиликларини доимо эслаб юрадилар. Бунинг акси бўлса, ривоятдаги ҳолат юзага келиши мумкин.

Яна бир ривоят. Яҳё ибн Салимдан ривоят қиладилар:

«Маккада биз билан бирга Хуросон аҳлидан бўлган бир киши бор эди. У солиҳ киши эди. Одамлар унга ўз омонатларини ишониб топширар эдилар. Бир киши унга ўн минг дирҳам пулини қолдириб, ўзи сафарга кетди. Омонат қўйган киши сафардан қайтганида у солиҳ одам вафот этган эди. Шу боис омонатчи у кишининг оиласидан молини сўради. Оила аҳли бундан беҳабар эдилар. Омонатчи олимларга мурожаат қилиб, маслаҳат сўради. Улар айтдиларки: «Бизлар у хуросонлик биродаримизни жаннат аҳлидан деб умид қиламиз. Кечанинг учдан бири ёки иккинчиси ўтган онда Замзам булоғи яқинига келгин ва бу сўзлар билан хабар бергин: «Эй, фалончининг ўғли фалончи! Мен омонат эгасиман!» шундай десанг, жавоб эшитгайсан». Ҳалиги одам келиб, бу сўзларни уч марта айтди. Ҳеч ким жавоб бермади. У одам олимларнинг ҳузурига қайтиб, воқеани баён қилди. Улар дедиларки: «Бизлар у биродаримизнинг дўзах аҳлидан бўлмоғидан қўрқяпмиз. Энди Яманга боргин, у ерда бир водий бор. Уни Бархут дейдилар. У ерда бир қудуқ бор, уни топ ва кечанинг учдан бири ёки учдан иккиси ўтганида: «Эй, фалончининг ўғли фалончи! Мен омонат эгасиман!» деб бақиргин». У киши Яманга бориб, водийдаги қу-

дуқни топди. Биринчи чақирувдаёқ жавоб эшитилди. Шунда мол эгаси афсусланиб: «Шўринг қурсин, сени бу ерга қайси амалларинг туширди? Ахир сен яхшилик эгаси эдинг-ку!» деди. Жавоб бўлди: «Хуросонда менинг аҳли байтларим, қариндошларим бор эди. Ўл-гунимга қадар улар билан борди-келди қилмай, узилишиб кетдим. Аллоҳ Таоло мени шу азоб билан ушлаб, бу манзилга ташлади. Аммо молингдан хавотир олма. Мен ўғлимга айтиб қўйишга улгурмаган эдим. Уйимнинг фалон ерига кўмилган, ўғлимга айтгин, молингни кавлаб олиб, ўзингга қайтаради». Омонат қўйган одам молини қайтариб олди. Шу мол баҳона силайи раҳмнинг куч-қудратини ҳам ҳис қилди.

Ўтмишдан бугунга қайтиб фикр қилайлик: у одам Хуросондаги қариндошларидан узилган экан. Орадаги масофа неча ойлик машаққатли йўл бўлса-да, кишига силайи раҳми узишга баҳона бўлолмас экан. Биз-чи? Бир шаҳарда, ҳатто бир маҳаллада, ҳатто бир ҳовлида турганимиз ҳолда жигарларимиздан узилиб кетганимиз учун қандай жазо оламиз? Хаста овозимиз қайси саҳронинг қайси қуриб қолган қудуғидан чиқар экан? Шу фикрнинг ўзиёқ киши вужудини қўрқувга солиб, қақшатиб юборади...

Юқорида саналган ўн хислатни жамлаб туриб, силайи раҳм фақат холис равишда бажарилувчи ибодатлардан бири, десак ҳам бўлади. Силайи раҳмда таъна, ҳасад, риё, тама, кибр каби иллатларга зинҳор ўрин бўлмайди. Кимда бундай иллатлардан биттаси бўлса ҳам силайи раҳмдан сўзламоғи қуруқ сафсата бўлиб қолади. «Аввал силайи раҳм қилган кишига кейин жавоб тариқасида силайи раҳм қилувчи ҳақиқий силайи раҳм қилувчи эмас. Чинакамига силайи раҳм қилиш деб силайи раҳм қилишдан бош тортган кишига силайи раҳм қилишни айтадилар». Катталар ҳаётда мазкур ҳадисга амал қилмайдиганларни учратиб турамиз. «Фалончи шифохонада экан, кўриб келайлик», десангиз: «У мен касал бўлганимда келиб кўрибмиди, бормайман», деган жавобни эшитамиз. Бир куни «Фалончи биродаримиз вафот этибдилар, фотиҳага бориб келайлик», деган таклифга: «У одам отам ўлганида йигирма ошига келмаган эди, менам фотиҳасига бормайман», деган жавобни эшитиб, ҳайратдан ёқа ушладик. Яқинда бир кишининг холаси вафот этганини эшитиб, таъзия билдирганимизда ундан: «Ҳаётлик пайтларида бизга фойда-зарарлари йўқ эди, ўлганларидан кейин ҳам ҳеч нарса йўқотмагандаймиз», деган аҳмоқона жавобни эшитдик. У одам қариндошчиликдан фойда кўзлаб яшар экан, комил инсон бўлишга интилиши йўқ экан. Унинг ўтмас ақли холасининг ўз онасидан ёдгор эканини ҳам фаҳм этмас

экан. Холасини зиёрат қилмай юргани учун онасининг руҳи азоб чекканини ҳам ўйлаб кўрмагани аниқ. Ўзининг яқин қариндошига шунчалик бемеҳр одамнинг бошқаларга бўлган ҳурматини сохта дейишга ҳақимиз борми?

Шифохонада даволанаётганимда ён хонадаги бадавлат ва амалдор беморни танишларимдан бири ҳар куни йўқларди. Амалдорнинг ҳеч нарсага муҳтожлиги бўлмаса-да, қоғоз халталарни тўлдириб, нималардир олиб келарди. Ҳатто баъзи кунлари икки марта йўқларди. Мен унинг бу серқатновлигидан гашланмадим. Агар ният холис бўлса, беморни йўқлаш ҳам савоб. Гашлигим бошқа томонда эди: унинг укаси, менинг танишим бедаво хасталикка чалиниб, икки йилдан бери тўшақда ҳаракатсиз ётарди. Унинг дори-дармонидан дўстлари хабар олиб туришарди. Ачинарлиси, шифохонадаги бой ва амалдор одамни тинмай йўқлаётган бу «серҳиммат» ўз укасидан хабар олмасди. Беморнинг хонадонидagi бирон маросимга айтилса, келарди. Шунда ҳам икки қўли қуп-қуруқ келарди. Атрофдагиларга сафсата сота-сота кетарди. «Эҳтимол ака-ука орасида гап қочгандир, келишмовчилик бордир?» дерсиз? Йўқ, талашиб-тортишиш бўлмаган. Фақат акада виждон йўқ. Укасидан фойда келмаслигини билиб, уни менсимайди. Афсусларки, бу дунёда «сендан угина, мендан бугина» деган шиор остида яшайдиганлар ҳам бор.

Ҳадис. Абдуллоҳ ибн Абу Авф (р.а.) айтадилар:

«Арофат кечасида Пайғамбар (с.а.в.) билан бирга ўтирган эдик. Айтиб қолдиларким: «Силайи раҳмни узган киши бу кеча мен билан бирга ўтирмасин, биздан кетсин». Мажлис аҳлининг пойгагида ўтирган кишидан бошқа ҳеч ким ўрнидан турмади. Бир оз вақт ўтганидан сўнг у киши қайтиб кириб, жойини эгаллади. Шунда Расулуллоҳ (с.а.в.): «Нима учун сендан бошқа ҳеч ким даврамиздан турмади?» деб сўрадилар. У киши айтдиким: «Эй, Расулуллоҳ, сиздан бояги танбеҳни эшитиб, холамникига бордим. У киши билан жанжаллашиб, орамиз бузилган эди. Борганимда холам менга «Нима учун келдинг, бунақа одатинг йўқ эди-ку», деб сўрадилар. Мен сиз айтган ҳадиснинг хабарини бердим. Мендан олдинроқ холам кечирим сўрадилар, мен ҳам узримни айтдим». Расулуллоҳ (с.а.в.) бу гапни эшитиб, дедилар: «Яхши қилибсан, бу кечани биз билан бирга ўтказ. Огоҳ бўлингларким, Аллоҳнинг раҳмати силайи раҳмни узган қавмга тушмайди». Тобароний ҳазратлари мазкур ҳадисни бундай шарҳ этганлар: «Миллат ичида қариндошлик алоқаларини узганлар бор бўлса, бу миллатга фаришталар тушмайди».

Яна Тобароний айтадилар: «Ибн Масъуд бомдод намозидан кейин бир жамоат ичида ўтирарди. Дедики:

– Худо ҳақи, қон-қариндошлик алоқаларини узганлар бор бўлса, орамиздан туриб кетсин! Биз Раббимизга дуо ўқимоқчимиз. Қон-қариндошлик алоқаларини узганлар бор жойда осмон эшикларини ёпиқ бўлади, дуолар қабул этилмайди.

Бу огоҳлантиришга эътибор берайлик: силайи раҳмни узган киши фақат ўзига жабр қилмай, унинг касри жамиятга урар экан. Демак, қариндошчиликни узган дўстларимизга вақтида танбеҳ бериб туришимиз зарур экан. «Гапирсам ранжийди, қариндошлар бугун бўлмаса эртага топишиб кетишар», деган истиҳолани йиғиштириб, орадаги силайи раҳмни тиклашга ўз ҳиссамизни қўшишимиз керак экан. «Бугун бўлмаса эртага...» Бугун силайи раҳм узилган бўлса, умид қилганимиз эртага ким бору, ким йўқ.

Яна бир ҳадис. Бир киши Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳузурларига келиб: «Мен қариндошлар билан силайи раҳм қилдим, улар мендан узилдилар. Уларни афв этдим, менга зулм қилдилар. Уларга яхшилик қилдим, менга ёмонлик қайтардилар. Уларга энди худди ўзларидек муомала қилаверайинми?» деди. Расулуллоҳ (с.а.в.) айтдилар: «Йўқ, бундай қилсанг, уларнинг гуноҳларига шерик бўлиб қоласан. Сен уларга яхшилик ва силайи раҳм қилишда давом этавер. Шунда сенга Аллоҳдан қувват давомли бўлади». (Бошқа бир ривоятда Расулуллоҳ (с.а.в.) арз қилган киши: «Улар жабру жафо қилсалар ҳам мен сабр этаман», деганида унга қараб бундай деганлар: «Агар гапинг тўғри бўлса, уларнинг оғзига қиздирилган кулни солгандай бўлибсан. Сен шу ишингни давом эттиравсанг, Аллоҳ Таоло сенга ёрдам беради ва уларнинг жабру жафосини даф қилади».)

Ҳадиси қудсийда дейиладики: «Эй, Одам фарзанди, қариндошларингга яхшилик қилиб, қўшилиб юр, умрингни узун қилай». Умринг узайтирилиши масаласида айрим олимларимиз: «Тақдир аввалдан белгилаб қўйилган бўлса, масалан, умри фалон йил бўлса, Аллоҳ уни ўчириб, узайтирадими?» деган саволни ўртага қўйишса, бошқалари далил сифатида мана бу ояти каримани келтирадилар: «Аллоҳ Ўзи хоҳлаган нарсани (яъни ҳукмни) ўчирур ва Ўзи хоҳлаган ҳукмни барқарор қилур. Она китоб (бошқача айтилса – Асл китоб, яъни Лавҳул-Маҳфуз) Унинг ҳузуридадир» («Раъд» сурасидан). Шунга кўра ҳадиси қудсийни биз аслан, тўғридан-тўғри тушунсак бундай маъно ўқиймиз: ким силайи раҳм қилса, умридан уч кун қолган бўлса ҳам, Аллоҳ Таоло унинг умрини ўттиз йил зиёда қилади. Агар силайи раҳмни узган пайтида умридан ўттиз йил қолган бўлса, Аллоҳ Таоло уни уч кунга тушириб қўяди. Бу тушунча бўйича

биз – омиларнинг адашишимиз табиий, лекин уламоларимиз ҳам ихтилоф қиладилар. «Танбеҳул гофилун»да бу масалага ойдинлик киритилган экан: баъзилар айтадиларки: «Ким силайи раҳм қилса, умри зиёда бўлади», деган хабар зоҳирийдир. Яна баъзилар айтадилар: «Тақдир ўзгармайди, чунки Аллоҳ Таоло «Бас, қачон уларга ажаллари этса, уни бирон соат кетга ҳам, илгарига ҳам сура олмайдилар» («Аъроф» сурасидан), деган. Лекин умрни зиёда қилишнинг маъноси ўлимдан кейин унинг савобларини ёзишда давом этмоқликдир. Ўлимидан кейин ҳам унга савоб ёзилаверилса, гўёки умри зиёда қилингандай бўлади. Бошқачароқ айтсак, яхши одамни ўлимидан кейин ҳам узоқ йиллар эслаб юрадилар, демак, у тириклар қалбида яшайверади.

Воқеа. Менинг Дилшод исмли дўстим бўларди (Аллоҳ уни раҳмат қилсин). Дўстимнинг одамийликка хос фазилатлари анчагина эди. Аммо биттаси ҳақида атрофдаги одамлар кўп гапирардилар. Бу фазилати унинг силайи раҳм одобини бекаму кўст бажаришида кўринарди. Унинг акаси, беш синглиси ва бир укаси бор эди. Дўстим бошқа ҳовли-жой қилиб чиқиб кетгандилар. Аммо мен уни кунда бўлмаса ҳам, кун ора ота ҳовлига, муҳтарама оналарининг зиёратига келишларига гувоҳ бўлардим. Баъзан хизматда ушланиб қолсалар ҳам, «эртага борарман», демасдан одатларини канда қилмай зиёратга келардилар. Беш сингилга бўлган меҳрибонликлари онага бўлган эҳтиромларидан кам эмасди. Сингилларини ҳам тез-тез йўқлашни канда қилмасдилар. Бир куни «Сингилларнинг кўнгли яримта бўлади. Улар ҳар куни уйларидан бир одам келишини кутиб яшайдилар. Менинг қадам босиб боришдаги заҳматим уларнинг мени кўрганларидаги қувончига арзимайди», деганлари эсимда.

У дамларда масаланинг диний моҳиятидан беҳабар эдим. Кейинроқ билсам, дўстим Аллоҳнинг фарзларидан бирларини адо этиш билан банд бўлиб, охират саройини тиклаб юрган эканлар.

Расулulloҳ (с.а.в.) «Қариндошчиликни боғланглар, агар салом билан бўлса ҳам», деб таъкид этганлар. Шу ўринда зиёрат одоби масаласида ҳам фикрлашиб олсак. Айрим одамлар қариндошларини йўқлашни ният қилишади-ю, лекин камхаржлик боисиданми ё бозорга тушишга эринибми, «қуруқ бораманми» деган баҳонада бу яхши амални бажаришни кейинга сураверадилар. Шаҳарларда новвойлар кўп, йўл-йўлакай тўртта нон олиб кириб йўқлаш одат тусига айланиб қолган. Қишлоқларда аёллар зиёрат мақсадида махсус нон ёпадилар ёки ўзларининг боғларидан насиба оладилар. Агар буларнинг ҳам иложи бўлмаса, салом бериб кириб боришнинг

ўзи ҳам уят саналмас экан. Бугунги кунда йўқлашнинг янгича турлари ҳам мавжуд. Мактуб ёзиб ёки телефонда ҳол-аҳвол сўраб туриш ҳам яхши. Халқимизда яхши мақол бор: «Борсанг – қариндош, бормасанг – бегона».

Мен умрнинг зиёда бўлишини шу дўстим мисолида кўраман. Ҳозир шукрим, акалари, укалари, бешала сингиллари ҳаётлар. Шубҳам йўқки, улар акаларини ҳар куни меҳр билан эслайдилар. Унинг ҳақиқа дуолар қиладилар. Оилада силайи раҳмдан сўз очилса, «Тоғанг шундай меҳрибон одам эди, унинг ҳаёти сенларга ибрат бўлсин», деб фарзандларига тарбия берадилар. Бу фарзандлар вақти келиб ўз фарзандларига «Менинг тоғам шундай мусулмоншева эдилар», деб ибрат қилиб эслашларига ҳам ишонаман.

Баъзилар қариндошларидан узоқлашадилар-да, бу хатоларини яшириш учун ўша қариндошларини айблайдилар. Бир одамнинг гапларидан ажабланган эдим. Аммалари ҳақида сўзлай туриб айтдики: «Мен аммамникига қадам босмай қўйдим, ўзи ҳам, болалари ҳам намоз ўқимайди». Ўзининг айбини яшириш учун мусулмончилиқни ниқоб қилиши, айниқса, ажабланарли эди. Агар у чин мусулмон бўлса, яхши одобларини намоён этиб, ўша бенамоз аммасини тез-тез зиёрат қилавермайдими, яхши фазилати билан ибрат бўлавермайдими? Бу киши каби янглишганларга Маймун ибн Маҳрон айтган ибратни эслатишни жоиз деб билдик:

«Уч нарасада кофир ва мусулмон баробардир: ким билан аҳдлашган бўлсанг, аҳдингга вафо қилгин – хоҳ кофир бўлсин, хоҳ мусулмон. Албатта, аҳд Аллоҳ учундир. **Орада қариндошчилик бўлса, силайи раҳм қилгин – хоҳ кофир бўлсин, хоҳ мусулмон.** Кимки сенга омонат берган бўлса, омонатини адо қилгин – хоҳ кофир бўлсин, хоҳ мусулмон».

Раббимиз Аллоҳ таборак ва таоло раҳмни яратиб, Ўзининг Раҳмон сифати билан марҳамат этдики: «Мен Раҳмонман, сен раҳмансан. Ким сени узса, узиламан; кимки сенга боғланса, боғланман». Аршдан ўрин олган Раҳм эса кеча ва кундуз дер эканки: «Ё Парвардигоро! Сенинг йўлингда кимки менга боғланса, боғлангин, кимки Сенинг йўлингда мени узса, узилгин».

Абу Ҳурайрадан (р.а.) ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ (с.а.в.) бу мавзуга янада аниқлик киритиб, айтадилар:

Абдуллоҳ ибн Амр (р.а.) эса айтадилар: «Расулуллоҳ (с.а.в.) битта бармоқларини эгиб: «Раҳм сўзи Аллоҳ Таолонинг Раҳмон номидан шу бармоғимдек униб чиққан бир шохчадир. Уни биров узмаса, Аллоҳ Таоло узмайди ва ким узиб қўйса, Аллоҳ ҳам уни узиб ташлайди. Қиёмат куни Аллоҳ Раҳмга фасоҳатли, ўткир ва очиқ сўзлайдиган тил беради», дедилар».

Бу ўринда жуда гўзал ташбеҳ бор: чиндан ҳам кишининг бармоғини биров узмайди. У фақат ўзининг эҳтиётсизлиги учун бирон нимада чопиб олиши мумкин. (Ўғирлиги учун чопилса ҳам ўзи айбдор.) Қариндошлик занжирини узгани туфайли Аллоҳнинг раҳм-шафқатидан бебаҳра қолгудай бўлса, киши ўзининг эҳтиётсизлиги ёки аҳмоқлигига даъво қилаверсин.

Қариндошлар қандай сабаблар билан узилиб кетадилар?

* кўп ҳолларда мерос талашиб оқибатида;

* ота-оналаридан мерос қолган бемехрлик, лоқайдлик, худбинлик каби иллатларига даво тополмаганлари туфайли;

* кибр хасталигига чалинганлари учун. Бу ҳолда бойроқ қариндош камбағалроқ жигарини менсимайди. Бундан унинг кўнгли ранжийди. Силайи раҳм қиламан, деган ниятда бу кибрли қариндошиникига борганида у нимани кўради? Фақат такаббурликни кўрса, эҳтимол, чидар. Аммо бадавлат қариндошининг кўзларида «Бу бир нимага муҳтож бўлиб, тиланиб келдимикин?» деган хавотирли саволни кўргач, чидаши қийиндир. Аммо бу ҳам бир синов, чидаб сабр қилгани маъқул;

* ҳасад касалига банди камбағалроқ қариндош бадавлатроқ жигарини кўра олмайди. Ҳатто «нима учун унга беради-ю менга бермайди?» деб Аллоҳ билан ҳақ талашиб ҳам қўяди. Ёки тинмай тамагирлик қилаверади. Ёки қариндоши ҳақида ғийбат ва ифволарни тарқатаверади. Бадавлат қариндош ундан безади. Аммо бу ҳам унинг учун бир синов, чидаб, сабр қилгани маъқул. Ҳасадчи қариндош бизга ёмонликни раво кўрса, биз унга инсоф тилаб, дуо қилайлик. Унинг инсоф ва ҳидоят сари бурилгани бу сабримиз учун бизга берилган мукофот бўлади;

* қариндошлар орасига совуқчилик тушишига маълум бир одамларнинг билиб-билмай айтиб юборган гаплари ҳам сабаб бўлиши мумкин. На иложки, орамизда гап ташувчилар кам эмас. Гапни шунчаки ташиб қўя қолса майли-я, қўшиб, кўпиртириб юрадиганлари кўп. Шундай номаъқул гапни эшитганда айримлар «Бу бир ғийбат-да», деб ортга ташлаб юборсалар – олам гулистон! Лекин ғийбатлигини била туриб ҳам ғазаблана бошлайди. Ҳолбуки, бирон киши қариндошини ёмонласа, сиз унга қўшилишиб ёмонламанг. Аксинча, унинг яхши томонларини эслаб бошланг. Шунда вужудингизда уйғонаётган нафрат чекинади. Нафратдан қутула олмасангиз, ўзингизни қийнаб юраверманг-да, ўша қариндошингиз ҳузурига боринг. «Менга қарши шундай дебсиз» ёки «Менга қарши шундай иш қилибсиз, сабабини тушунтиринг,

айбим бўлса мен узр сўрай, сиз эса кечиринг», денг. Балки сизга ёмонлик истаган қариндошнинг виждонида иллат бордир, у ҳолда кўп айтишманг, жанжалга яқинлашманг. Агар комил виждон ва инсоф эгаси бўлса, йўл қўйилган хатони бартараф этиш чоралари бўйича биргаликда фикрлашинг. Икки жигар орасида нифоқ қўзғовчилар орасида хотинларни кўп учратамиз. Овсинларнинг бир-бирига нафрати кундошникидан ёмонроқ бўлади. Қариндошлик занжирини узишга интилувчи хотинларни калтафаҳмлиқда айблаймиз. Лекин уларнинг гапларига лаққа тушиб жигарларидан юз ўгирувчи эрни-чи? Хотин «акангиз (ёки опангиз) ундай» деб гийбатни бошлаганида, эр: «Тўхта, сен айтаётган одам билан биз бир қориндан тушганмиз. Шу одам менга йигирма (ёки ўттиз) йилдан бери ака. У менинг бешигимни тебратган. Унинг кимлигини, яхши-ёмонлигини сендан кўра мен яхшироқ биламан», деб тўхтатса, ҳар қандай хотин иккинчи марта ўйлаброқ гапирадиган бўлади. Яна шундай аёллар борки, тил билан гийбат қилганлари етмагандай турли илму амал, жодулар билан қариндошлардан қутулиш чораларини излайдилар. Шукрки, бундай бузғунчилардан кўра оқила аёлларимиз кўпроқ. Бир дўстим аёллардан гап кетганида шундай деган эди:

– Худо менга оқила аёл неъматини берди. Мен акамдан ранжиб, борди-келдини ҳам йиғиштирмоқчи бўлган эдим. Аҳли аёлимга, фарзандларимга ҳам акамникига боришни тақиқлаб қўйган эдим. Бир куни аҳли аёлим акамни туғилган кунлари зиёрат қилиб келибди. Бориб келганини яширмай ўзи айтди. Ғазабланган эдим, босиқлик билан тушунтирди: «Агар акангиз билан юзкўрмас бўлиб кетсангиз билган-билмаган қариндошлар, танишлар биринчи навбатда мени айблашади. Чунки мен келинман. Жигарлар озгина хафалашиб юришиб кейин бари бир яқинлашиб кетасизлар. Жигарни жигардан узиб бўлмайди. Акангиз ёмон бўлсалар сиз яхши бўлаверинг». Шу гапига фаришталар омин дейишган эканми, орадаги нифоқ кўтарилди.

* Баъзи қариндошлар келажақда узилиб кетмаслик учун қуда бўладилар. Бироқ ёшларнинг оиласи бузилиши натижасида юзкўрмас бўлиб кетадилар. Айнан мана шу ҳолат кишини ўйга толдиради. Яқин қариндошлик занжирини мустаҳкамламоқчи бўлган ака-ука ёки опа-уканинг айблари тўйдан кейин кашф этила бошлайди. «Қизи ундай экан, яхши тарбия бермабди», деб бир томон иккинчи томонга мағзава ағдарса, иккинчи томон ҳам тек турмайди. Оқибат эса равшан. Оиласи бузилган йигит ва қиз бошқа турмуш қуриб кетади,

бироқ узилган қариндошлик тикланмайди. Баъзан эса аксинча ҳолат ҳам юз беради. Масалан, ука опасининг ёки акасининг ўғлини куёв қилиш ниятида. Очiq айтолмайди-ку, бироқ ташрифларини беҳад қуюқ қилади. Бу уйдаги ҳар бир маросимда хотини билан келиб хизмат қилади. Кейин бир куни орқаворатдан эшитиб қоладикки, у ният қилган йигитга қиз қидиришаётган эмиш. Шунда яқинлари орқали ниятини маълум қилганда «Қариндошдан келин қилмайман», деган жавобни эшитиб, ташрифларини буткул узмаса-да, аввалги меҳрибончиликларини тўхтатади.

Яна шунга ўхшаган турли катта-кичик сабаблар кўпки, буларнинг биронтаси Қиёматдаги ҳисоб чоғида узрли баҳона ўрнида қабул этилмаса керак.

Силайи раҳми мукаммал равишда бажаришда қариндошлик ҳақларини адо этиш ҳам бор. Бандаларга «Қариндошларингга, мискин ва мусофирларга ўз ҳақини бер!» деб буюрилган. «Исро» сурасидаги ояти кариманинг бу маъносини Абдуллоҳ ибн Аббос шундай тафсир қиладилар: «Бунда ҳақларнинг энг зарурини бериш буюрилган. Маблағи бўлса, қариндошларга, мискин ва йўлда қолган мусофирларга беришга даъват қилинади. Агар маблағи бўлмаса, ночор кишиларга қандай муомала қилиш лозимлигини ўргатилади: «Парвардигорингдан кутадиган раҳмат (ризқ) қўлингга муяссар бўлмай, уларга қарай олмасанг, уларга мулойим гапир». Яъни ўша ночор одамни ноумид қилмай, «ҳозирча йўқ, аммо яна мол келиб қолар, шуни кутиб турибман», каби умидбахш сўзлар билан яхши ваъда қилишга чорланяпти.

Имкони бор, ўзига тўқ кишида ночор, ёрдамга муҳтож қариндошларнинг ҳақи бор. Бой-бадавлат киши ўз қариндошларига ёрдам берганида миннат ёки фазлини кўрсатиш учун эмас, балки одамийлик бурчини адо этиш учун қилган бўлади. Шунингдек, ночор қариндош ўзининг бадавлат қариндошидан бирор нарса олганида унинг ҳузурида хору зор бўлиб эмас, Аллоҳ унга белгилаган ҳақни олаётганини тушуниб, ўзини эркин тутиб олади.

Баъзан ака-ука (ёки опа-сингил) тутинганларни учратамиз (яхши амаллардан ҳисобланмиш бу одоб хусусида дўстликка оид суҳбатимизда яна фикрлашамиз). Юсуф Хос Ҳожиб ҳазратлари ёзадиларки:

*Қодошлиқ киши куси чови бедук,
Одошлиқ киши оти сови бедук.
Қодошинг йўқ эрса юри тут одаш,
Одаш эзгу бўлса, бу – булди қодош.*

Дейилмоқчики: қариндошлари бор одамнинг шаъни шуҳрати улуғдир. Дўсти бор одамнинг эса сўзи улуғдир. Кел, қариндошинг бўлмаса, дўст тут. Яхши дўст қариндош ўрнида бўлур.

Чиндан ҳам шундай. Аммо қариндошидан узилган ҳолда бегона билан ака-ука тугинишни англаб етиш қийин. «Қўтадғу билиг»да яна шундай сатрлар бор:

*Ёғиз ер яшил сув ёрошти била,
Оро юз чечаклар ёзилди кула.
Ярашиқ юриса қодош ё одаш,
Улардин бўлур қо қодошқа била.*

Дейилмоқчики: бўз тупроқ билан сув иттифоқ бўлгани учун юз хил гул-чечаклар кулишиб очилди. Қариндош ёр-биродарлар иттифоқ бўлишса, ундан тарқалган гўзал жамоатлар вужудга келади.

Умидимиз юлдузлари, бу суҳбатимиз сизларга тушунарли бўлдими ё йўқми, билмайман. Ҳар ҳолда маъқул келишига умидим бор. Баён этилган масалаларнинг айримларига сиз келажакда дуч келасиз, лекин бу масаланинг ечимига ҳозирдан тайёргарлик кўришингиз керак. Шу боис батафсилроқ фикр юритишни маъқул кўрдим. Шундай бўлса-да, барча масалаларни тўла қамраб ололмадим. Ишонаманки, донолар суҳбатидан баҳраманд бўлганингизда ва донишмандлар китобларини ўқиганингизда бу билимларингизни янада бойитасиз, билимингиз бойигач, амалга ҳам эътибор берасиз. Шунда келажагингиз янада саодатли бўлади.

ДЎСТЛИК ЧАМАНИ

Дўст меҳри ўликни тирилтиради, дўстга хиёнат эса тирик қалбни вайрон қилади.

Бир ажиб қушни кўз олдингизга келтирингки, унинг қалби Аллоҳга ишқ бўлса, қанотларидан бири ота-онага, иккинчиси дўстга муҳаббат ва вафодир. Дўстлик ҳақида, дўстликдаги вафо ва хиёнатлар ҳақида шу қадар кўп ривоятлар тўқилган, ҳикматлар битилганки, барчасини тўплаб, нашр этилса, дунёнинг қоғозлари етмас, эҳтимол. Кишининг ҳаётида тиш ўтмас муаммолар кўп. Шулардан бири айнан дўст топиш, дўст танлаш муаммосидир. Киши умри давомида адаш йўлларда кўп қоқилади. Энг кўп қоқилиш дўст кўчасида бўлади. Киши ўлгунига қадар кўп дўст топмайди, аммо кўп дўст йўқотади. Нега шундай? Бунга ким айбдор? Кишининг ўзими ё дўстми?

Умидимиз юлдузлари, ҳаётда оддий ҳақиқат бор: одам ота-онани танлаш ҳуқуқига эга эмас. Лекин дўстлашиш учун одам танланади. Бунинг учун одамга ақл берилган. Яна бир ҳақиқат шуки, одам маълум ёшга етганида ота-онасиз яшаши мумкин, дўстсиз ҳаёт кечериши эса оғир, жуда оғир. Одам ота-онасининг вафотига аста-секин кўникади. «Дўстим» деб юрган одамнинг хиёлати туфайли ундан тириклайин айрилса, чидаши қийин.

Боғчада орттирган дўстингиз, мактабдаги, лицей ёки коллеждаги дўстингиз бор. Буларнинг бири иккинчисига ўхшамайди. Боғчадош, синфдош дўстларингиз билан қадрдонлашиб қолганингизда лицей ёки коллежга бориб янги дўстларни кашф қилишингиз керак бўлади. Сўнг институтда, кейин хизматда...

Кўнглимиз ҳамиша вафоли дўст тилайди. Айни дамда кимдир бизнинг дўстлигимизга, садоқатли дўстлигимизга муҳтож. Бирорта дўсти бўлмаган одам дунёда яшамаса ҳам бўлади. Биз дўст деб юрганимиз душманлик чопонига бурканиб олса, азиятлар чекамиз, аммо ўзимиз баъзан билиб, баъзан билмай бошқа бир одамга душманлик қилиб юрганимизни англаймизми? «У ёмон одам, шунинг учун менга душман», деймиз. Эҳтимол, ўзимиз ёмондирмиз, эҳтимол, дўстлик бурчи нима эканини яхши англамагандирмиз, эҳтимол, яхши дўст тарбиясини четлаб улғайгандирмиз?

Катталар сиз билан дўст ҳақида суҳбатлашишдан аввал ортларига бир қараб олсалар, шу ёшларига етгунча топган ва йўқотган дўстларини бир-бир кўз олдиларига келтирсалар, дуруст бўларди. Уларнинг фазилат ва иллатларини эсласалар-да, сўнг ўзларига савол берсалар: «Шу фазилат менда борми, бу иллатдан қутула олганманми?» Расулulloҳ (с.а.в.) «Аллоҳ наздида энг яхши дўст деб одамларга доимо хайрли ишларни қилиб юрувчи кишига айтилади», деб марҳамат қилганлар. Яъниким, дўстларнинг яхшироғи ҳамдамларини ўз шафқати соясида тутар ва карам эшигини улар юзига очиб қўяр, тилакларини ва ҳожатларини юзага чиқарар. «Биз шундаймизми? Ёки дўст деб юрганимиз бир гуруҳ кишиларгагина яхшилик қилиш билан чекланамизми?»

Саволлар кўп... Жавоб ўйлаш баробарида ҳикматлардан қувват олайлик-чи...

Дўстликнинг аввали – танишмоқлик. Таъбир жоиз бўлса, танишиш – дўстлик манзилига олиб борувчи бир йўл. Агар бу йўлдан тўғри борма, пойинтар-сойинтар, эгри-бугри қадам ташланса, ғийбат, ифво, ҳасад ариқларидан сув ичиб турилса, ўртада душманлик пайдо бўлиши шубҳасиздир. Бир киши билан танишиб,

уни дўстликка қабул қилишда ғоят эҳтиёткорона ҳаракат қилиш керак.

Дўст йўлидаги боғлардан бири – яхшилиқни эътироф этиш. Яъни дўстнинг дўстга қилган яхшилигини тан олишдир. Агар бу йўлда миннат дарахти соясида роҳат қилинса, дўст манзилидаги кўшкка умид қилмай ортга қайтаверган маъқул.

Табиийки, ҳар қандай аҳил дўст орасида тортишув бўлади. Шундай ҳолларда майда-чуйда нарсаларга ўралашиб, киши дўстдан ажраб қолиши ҳеч гапмас. Демак, икковдан бири йўл бериши шарт. Дўстлик оламида кибр қуёшидан баҳра олиш мукофоти – юлдузсиз тундир.

Хуш муомала – дўстлик боғидаги дарахтларга ҳаёт суви берувчи бир чашмадир. Ширинсўзлик, очиқ юзлик, гўзал ифода, тавозе, мулойимлик, тилни маъносиз беҳуда сўзлардан тийиш каби гўзал хулқлардан хушмуомала ҳосил бўладиги, бу душманлик саҳросидан ёпирилажак офатлар йўлини тўсмоқликка қодир бўлур.

Дўстга муҳаббатнинг ҳақиқий таржимони **ихлос** саналади. Дўстга хайрихоҳ бўлиш, керакли вақтда унинг манфаати йўлида хизмат қилиш бунинг исбот этади. Муҳаббат ихлосга тескари эмас, аксинча уни қувватлайди, чунки икки дўст орасидаги муҳаббатдан мақсад – бир-бирларига манфаат етказиб, ёрдамлашишдир. Агар икки дўстдан бирисининг кўнглидан бу чиқиб кетса, унинг муҳаббати чин эмас, балки муҳаббат ниқобидаги мунофиқлик, риёкорликдан иборат бўлиб қолади.

Ҳикоят. Бир киши пулга муҳтож бўлиб дўстининг уйига келди-да, муродини айтди. Хиждолатлиги туфайли дўстининг таклифини қабул қилмади, уйига кирмади. Дўст ичкари кириб айтилган пулни олиб чиқиб бериб, биродарининг кўнглини кўтарадиган, хиждолатликдан холи қиладиган оқил сўзларни айтди. Муддаоиси ҳосил бўлган киши изига қайтгач, дўст уйига кирди-ю йиғлай бошлади. Хотини «Эрим кўпроқ пул бериб юбориб, ачиниб йиғла-япти шекилли», деган хаёлда: «Бирор нарсани баҳона қилиб пул бермасдан қайтариб юборсангиз бўлмасмиди, энди пушаймонлигингиздан нима фойда?» деб таъна қилди. Шунда дўст дедикки:

– Йиғлаётганим сабаби сен ўйлаганча эмас, мени рафлат босибди, дўстим пулга муҳтож бўлиб қолганини билмабман. У келиб сўрама-сидан аввал ўзим бориб, мушкулени осон қилишим керак эди. Дўстнинг ҳожатидан беҳабар мендай ғофилнинг дўстлигидан Тангрим рози бўлармикин?

Қарз сўраш жараёни дўстлик кўчасидаги оғир ва нозик муаммолардан, айни пайтда жиддий синовлардан саналади. Пул гўё ўткир қилич, дўстлик занжирларини узишга, дўстликнинг бузил-

мас иморатини барбод этишга ҳам қодир. Қарз сўраш бошланса, заиф дўстлик иплари узилиб бораверади.

Ривоят. Бир одамнинг қадрдон уч дўсти тақдир тақозоси билан уч шаҳарда яшар эди. У дўстларининг садоқатини синамоқни хаёл қилди. Аввал бирига хизматкорини жўнатди. Хизматкор хожасининг иши юришмай, қарзга ботганини айтди. Дўст уни юпатиб, у айтган қарзни тўлашга етгулик миқдордаги пулни бериб, изига қайтарди. Синовчи дўст биродарининг бу карамидан қувониб, хизматкорини иккинчи шаҳарга жўнатди. Иккинчи шаҳардаги киши ҳам дўстининг қарзга ботганини эшитиб гоят қайғурди. Эртасига хизматкорнинг қўлига қарзни қолайдиган ва яна ўн йил давомида тирикчиликка асқатадиган маблағ бериб жўнатди. Синовчи дўст бундан ҳам қувонди, шундай дўстларни берганига Аллоҳга шукрлар қилди. Учинчи шаҳарга жўнатишдан олдин хизматкорига қаттиқ тайинлади:

– Бу дўстим бадавлат эмас, ўзи олим одам. Унда илмдан бошқа нарса йўқ. Шу сабабли «хўжайинимнинг аҳволи хароб, катта қарзга ботган», деб ваҳима қилма. «Ишлари ёмон эмас, фақат беш тангагина қарзлари бор, Худо хоҳласа, яқин кунларда қарздан қутулиб, ишлари авж олиб кетади», дегин.

Хизматкор олим дўст ҳузурига бориб хожасининг буюрганини билдирди. Олим дўст бу хабарни эшитиб, бошини эгди. Сўнг ўрnidан туриб, ташқарига чиқди. Хизматкор ўтирган уйига назар солди: йиртиқ гилам-у эски кўрпачадан бошқа нарса йўқ экан. «Ҳеч бўлмаса беш тангаси бордир», деб ўтирганида уйга нотаниш одам кирди-да:

– Хожаси беш танга қарз бўлиб қолган хизматкор сенмисан? – деб сўради.

– Ҳа, – деб жавоб берди хизматкор.

– Мана сенга беш танга, буни шу уй эгаси бериб юборди.

– Ўзлари қанилар?

– Ўзи меникида. У қул бозорида ўзини менга беш тангага сотди.

Бу гапдан хизматкор ҳам ажабланди, ҳам даҳшатга тушди. Қулдорга эргашиб унинг уйига борди ва олим дўст қаршисида тиз чўкиб:

– Ундай қилманг, пулни қайтариб берайлик, – деб ялинди.

– Мен бу одам билан шартлашиб, беш танга эвазига беш йил ишлаб беришга ваъда берганман. Ваъдамга хилоф қила олмайман. Дўстимни муҳтожликдан қутқариш учун беш йил ишлаб бериш мен учун ҳеч гап эмас, – деган экан олим дўст.

Мазкур ривоятни бир даврада ҳикоя қилиб берганимда кимдир дедики:

– Ўша синаётган одам бу биродарининг қашшоқлигини билар экан, ўзи унга ёрдам берса бўлмасмиди?

Бу саволда ўзимиз учун икки ибрат бор:

* олим ўзини қашшоқ санамайди, чунки унинг илми бор. У илми ҳар нарсадан устун қўяди, биродарининг ёрдамини қабул этмайди. Бадавлат биродарлари ҳисобига яшаса, у олим бўлмайди;

* бошқани синамоқчи бўлган одам аввал ўзини синаб кўриши керак.

Бу дунёнинг одамлари бир-бирларига дўст бўлишни истасалар, бу йўлда ўз азиз жонларини ҳам аямайдилар. Бундай одамлар садоқатли асл дўстлардирлар. Лекин бу дунёда шундай тоифа одамлар ҳам борки, улар ёлғиз ўз вазифаларини яхшиламоқ, қўлга бир нарса киритмоқ, яхши кун кечирмоқ учун дўст бўладилар. Бундай одамлар мол-давлат дўстларидир. Улар қушларни тўйдириш учун эмас, тутиш учун дон сепадиган овчига ўхшайдилар. Дўсти учун жонини фидо этадиган одамларнинг қадр-қиммати молини фидо этувчидан жуда ва жуда юксакдир. Ривоятдаги олим дўстни ана шу юксак мартабада кўрамиз.

Дўстлар икки хил бўладилар: биринчилари – ўз ихтиёрлари билан самимий дўст бўлганлар. Иккинчилари – мажбурият ва зарурият юзасидан аҳду паймон боғлаганлар. Буларнинг мақсади фойда кўрмоқ ва зарардан қочмоқдир. Лекин самимият ва садоқатга асосланган дўстлик ҳамини, ҳар ерда ва ҳар шароитда ишончли бўлади. Зарурият ва мажбурият натижасида пайдо бўлган дўстлик эса бундай қувватга эга эмас. У дарё каби гоҳ тошиб, атрофни босади, гоҳ қуриб, суви озайиб қолади. Зарурият юзасидан пайдо бўлган дўстликка ишониш дуруст эмас. Зарурият ўртадан кўтарилиши замон дўстлик адоватга айланиши, эҳтимол. Демокчимизки, олим агар зарурият туфайли дўст бўлганида ўзини беш тангага сотмас эди.

Масал. Қарға, оҳу, сичқон ва тошбақа дўст эдилар. Иттифоқо оҳу йўқолиб қолди. Қарға осмонга учиб, уни қидирди. Қарасаки, оҳу овчининг тўрига ўралиб, азоб чекиб нолалар қиляпти. Қарға сичқонни фожиа ерига бошлади. Сичқон тўр арқонларини қирқди, оҳу озод бўлди. Шунда оҳу дўсти тошбақага қараб, ажабланиб сўради:

– Сен нега келдинг? Овчи бу ерга қайтса, сичқон, тешикка кириб беркинади, қарға осмонга кўтарилади. Тўрдан қутулдим, энди мен ҳам қочиб қутула оламан. Сен-чи?

Тошбақа бу гапни эшитиб бошини чайқаганича дебдики:

– Биродар, қандай қилиб келмайин? Дўстлардан узоқда, фироқ ва ҳижронда кечган ҳаётнинг нима лаззати бор? Қандай ақлли

одам айрилмоқни афзал кўради? Бахтсизликка учраган одамга тасалли берадиган, оғир кунларингда дардингни енгил қиладиган дўстлар билан бирга бўлиш лозим. Ҳижрон ўтида ёнган, дўстлардан узоққа тушган одамнинг дили ҳамиша ғам ва алам билан тўла, сиҳатлик унинг вужудидан йироқ бўлади. Сабр ва қаноат уни тарк этади. Ақл ва камолот ўз кучини йўқотиб, фойдасиз бўлиб қолади... Дўстдан ажралишдан ҳам оғирроқ мусибат борми дунёда? Фироқ алангаси етти дарёни қуритади...

Масалдан олинажак фикр шуки, шижоатли ва кучли ботирлар урушда, хотин ва фарзандлар камбағалликда, дўстлар эса бошга кулфат тушганда таниладилар.

Ҳайвонлар дунёсини тарк этиб, ўзимизнинг ҳаётга назар ташлайлик-чи, нималарни кўраб эканмиз.

Воқеа. Бир йигитнинг бошига иш тушиб, бойлигидан ажралди, ўзи эса қамалди. Шунда унинг хотини ҳар ҳафтада ошхўрлик қилувчи улфат-дўстлардан ёрдам кутди. Дўст қамоқда, ошхўрлик ўша-ўша давом этарди. Ошхўр улфатлар болалиқдан бирга катта бўлган ўртоқларини эслаб қўйиш билан дўстлик бурчларини адо этардилар гўё. Тўғри, улар сичқон каби тўр арқонларини қирқиб, дўстларини тутқунликдан қутқара олмайдилар. Аммо фақат одам боласига хос фазилат – тутқунликдаги дўстнинг ота-онаси, оила-сидан хабар олиб туриш-чи? Қамоқдаги дўстнинг хотини эрини қутқариб олиш умидида елиб-югурарди. Иттифоқо автомашинаси бузилиб қолиб, эрининг энг яқин дўсти ҳисобланган одамникига бориб илтимос қилди:

– Кунда беш-ўн идорага учрашишга тўғри келяпти, машина-сиз улгура олмайдиганга ўхшайман. Темирни қизигида босмаса, армонда қоламиз шекилли. Машинангизни икки-уч кунга бериб турсангиз.

Дўст хотиннинг илтижосига жавобан шундай деди:

– Биров менинг хотинимни сўраса бериб туришим мумкин, аммо машинани бериб тура олмайман.

Тўғри, машинани бировга бериш қонунга зид, дерсиз. Лекин кўнгил тоза бўлса, шу машинани «ишонч қоғози» билан ҳам бериб туриш мумкин-ку! Ёки агар у чин дўст бўлса «Бир-икки кун эмас, қанча лозим бўлса ўзим машинам билан хизматингизда бўламан», демасмиди? «Улфат», «ошна» деган тушунчалар бор, шунинг баробарида «ош дўстлари», «улфатдаги дўстлар» деган иборалар ҳам мавжуд. «Ош дўстлари» билан бир товоқдан палов ейиш мумкин, лекин улар орасидан меҳр-оқибатни қидириб топиш мушкул.

Умидимиз юлдузлари, сиз балки биларсиз ё билмассиз, катта ёшдагилар чойхонадаги ошга ёки уйдаги «гап»га келмаганлардан гина қиладилар, бундай улфатга қўшилмаганлардан ҳатто нафратланадилар. Аммо қўполроқ бўлса ҳам бир ҳақиқат бор: от ва эшак бир охурда хашак есалар ҳам дўст бўлмайдилар.

Бир одамнинг афсус билан айтиб берган ҳикоясига сиз ҳам гувоҳ бўлинг.

Яна бир воқеа. Икки йигит. Иккови ҳам бадавлат отанинг эрка фарзанди. Бирига отаси «Мерседес» инъом этиб, улфатда «ювилди». Зиёфатдан қайтишда уларнинг бири ҳалокатга учради: машинаси пачоқ бўлди, ўзи оғир жароҳатланди. Унинг изидан келаётган дўст – янги «Мерседес» эгаси тўхтади. Дўстининг аҳволини кўриб, йўловчи машина тўхтата бошлади. Бу воқеани ҳикоя қилаётган одам машинасини тўхтатганда йигит: «Дўстимни шифохонага олиб боринг, мен изингиздан етиб бораман» деб пул тутқазди. У одам эса «Бу қонга беланиб ётган йигит дўстингиз экан, ўзингизнинг машинангиз бор экан, ҳар нафас ғанимат-ку, нега ўзингиз олиб бормай, машина тўхтатмоқчисиз?» деб сўраса «дўст» дебдики: «Ие, амаки, менинг машинам янги-ку, уни ўтқизсам қон бўлади-ку!»

Бу ҳолатга изоҳ шарт бўлмаса керак. Яна бир воқеа хусусида эса эҳтимол баҳслашишга ҳам тўғри келар. Аммо ундан аввал ибрат сифатида бир масал билан танишсак.

Масал. Бир хушманзара, ажойиб чаманзордаги баланд дарахт устида қарғанинг ини бор эди. Бир куни овчи шу дарахт атрофига дон сочиб, тўр ёйди. Қарға буни кўриб ўйланди:

– Бу одам бир балони бошляпти. Кимни тўрга солиш қасдида экан? Мени тутмоқчимми ё бошқаними? Ўз жойимда қимир этмай турай, қани нима бўлар экан?

Шу онда кабутарлар учиб келдилар. Уларнинг бошлиғини Чинкабутар дер эдилар. У ғоят зеҳнли, чаққон эди. Кабутарлар донни кўргач, эҳтиёткорликни унутдилар ва тўрга илиндилар. Кабутарлар патиллаб, жонларини халос қилиш учун бир-бирларига урилавердилар. Шунда Чинкабутар деди:

– Ваҳимага тушманглар ҳар бирингиз ўзингизни эмас, ҳам-манинг бараварига халос бўлишини ўйланглар. Биз бараварига парвоз қиламиз.

Кабутарлар унинг айтганини бажариб кўкка кўтарилдилар. Овчи уларнинг ортидан югурди. Қарға эса ўз-ўзига деди:

– Мен буларнинг ортидан бориб, иш нима билан тугашини кўрай, чунки шундай ташвиш эртами-кечми менинг бошимга ҳам тушиши, эҳтимол. Бошқаларнинг бошига тушган ҳодисадан ўзи учун ибрат олганни ҳушёр ва фаросатли дейдилар.

Овчининг изма-из югуриб келаётганини кўрган Чинкабутар ёронларига деди:

– Бу сурбет овчи биздан воз кечадиганга ўхшамайди. Агар кўзидан ғойиб бўлмасак, биздан кўнгил узмайди. Очиқ жойга эмас, дарахтзорларга бориб қўнайлик, шунда у бизларни топа олмай, изига қайтиб кетади. Шу яқин орада менинг бир сичқон дўстим бор, унга айтсам, бу тўрни қирқади ва биз озод бўламиз.

Кабутарлар у айтган томонга учдилар. Овчи уларни йўқотиб, изига қайтди. Қарға эса улар изидан учиб бораверди. Чинкабутар айтган дарахтзорга учиб келдилар. Сичқонни чақирдилар. Исми Зийрак бўлган бу сичқон жуда ақлли ва чаққон эди. Бирор фалокат юз берса қочиб чиқиб кетиш учун инидан анчагина тешикчалар очиб қўйган, бир неча кунга етарли озуқа ҳам ғамлаган эди. Дўстининг аҳволини кўриб, Зийракнинг кўзлари ёшланди. «Сени ким бу аҳволга солди?» деб сўради. Чинкабутар дўстига шундай деди:

– Яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам тақдирдан. Кимнинг пешонасига нима ёзилган бўлса, эртами-кечми, шу нарса унинг бошига келади, ундан қочиб қутулиб бўлмайди... Қисмат бизни бу бало гирдобига солди. У бизга дон кўрсатиб, кўзимизни боғлади ва ақлимизни қора пардага чулғади. Ҳаммамиз бало занжирига банди бўлиб, бахтсизлик чангалига тушдик. Мендан кўра қувватлироқ ва шаън-шавкатлироқ бўлганлар ҳам қисматдан қочиб қутула олмаганлар. Вақти-соати келганда кун ва ой тутилади, балиқ дарё тагидан юзага қалқиб чиқади, қуш осмон бағридан ерга тушади, нодонлар мақсадга етади, ақллилар ожиз қоладилар.

Зийрак бу сўзларни эшитгач, Чинкабутарни ўраб турган тўр ипларини қирқа бошлади.

– Аввал дўстларимни ўраб турган ипларни қирққин, – деди Чинкабутар. Зийрак унинг гапига эътибор қилмади. Шунда Чинкабутар унга ялинди: – Эй, азиз дўстим, сен биринчи гада ўртоқларимни банддан озод қил.

– Сен ўз жонингни халос этишни истамайсанми, яшашга сенинг ҳақинг йўқми? – деди Зийрак.

– Мен уларга раҳбар бўлишни ўз зиммамга олганман, – деди Чинкабутар. – Шунинг учун уларнинг менда ҳақлари бор. Уларни асраш менинг бурчимдир... Бунинг устига мен уларнинг ҳарақати ва ёрдами туфайли овчининг таъқибидан халос бўлдим. Энди мен ҳам ўз бурчимни адо этиб, ўзимдан аввал уларни қутқазим керак. Яна шуниси борки, сен мени ўраб турган ипларни қирқа бошласанг чарчаб қолишинг ва оқибатда дўстларим тўрдан қутула олмай ҳалок бўлишлари мумкин. Лекин мен тўрда эканман, сен

қанчалик чарчамагин, бари бир, мени бу тўрда қолдирмайсан. Тушунгин, ҳаммадан олдин ўзимни қутқарсам, умрим таъна ва маломат тамғаси остида ўтади. Мен бунга чидай олмайман.

– Бу мурувватли ва инсофли одамларнинг хосиятидир. Бу хосият дўстларнинг сенга бўлган ишончи ва муҳаббатини янада мустаҳкамлайди, – сичқон шундай деб бошқа кабутарларни ўраб турган ипларни қирқа бошлади. Шу тарзда кабутарлар озод бўлиб, Зийракка миннатдорлик сўзларини айтдилар-да, учиб кетдилар. Бу воқеани кузатиб турган қарға эса сичқоннинг маҳоратига қойил бўлиб, «кабутарлар бошига тушган ташвиш менинг бошимга ҳам тушиши мумкин, менга бундай дўст бугун бўлмаса, эртага керак бўлиб қолади», деган фикрда у билан дўстлашмоқни истади. Пастга тушиб сичқонни чақирди ва мақсадини айтди. Сичқон унга деди:

– Сен билан менинг ўртамда ҳеч умумийлик йўқ. Бинобарин, дўст бўлишимиз ҳам мумкин эмас. Нодонлар аҳволига тушмаслик ва ҳикмат аҳлига калтафаҳм бўлиб кўринмаслик учун ақл эгалари мумкин бўлмаган нарсаларни орзу қилмасликлари керак. Қуруқликда кемадан, денгизда эса отдан фойдаланишни истаганлар ўзларини кулгили ҳолга солган бўладилар. Сен билан менинг орамизда қандай муҳаббат бўлиши мумкин? Ахир мен сенинг таомингман, демак, сенинг ёнингда бир лаҳза бўлса-да, тинч ва бежавотир яшай олмайман. Кимки ўз тенги билан бўлмаса, охирда пушаймон ейди...

Энди ваъда қилганим, бугунги кунларда содир бўлган ҳодиса.

Яна бир воқеа. Болалиқдан бирга катта бўлган икки дўст тижорат билан шуғулланмоқчи бўлишди. Бири қаердандир арзон-гаровга шампан виноси олиб, харидор топиш мақсадида бозорга келишди. Машина эгаси бўлмиш дўст дўкандор билан савдолашмоқ мақсадида ичкари кирди. Иккинчиси кўчада қолди. Ўзича савдо қилиб кўрмоқчи бўлиб, машинадан уч-тўрт шиша вино олиб кўчанинг ўзида сотувга қўйганда милиция ходимларининг қўлига тушди. Дўкандан чиққан машина эгаси дўстининг бу аҳволини кўргач: «Мен бу одамни танимайман», деб жўнаб қолди. Уни қутқаришга ҳаракат ҳам қилмагани дўстга хиёнат эмасми? Виждонан қаралса шундай. Лекин масалага иқтисодий томондан ҳам қараш бор экан. Дўстлар даврасида, яъни «улфат гап»ида бу воқеадан хабар топганлардан бири биринчи дўстни айблади. Аммо у дўст айбига иқроор бўлмади. «Мен унга кўчада сот, дедимми? Ўзининг аҳмоқлиги учун ўзи жавоб бериши керак», – деди. Орада баҳс бошланганида тижорат илмидан яхши хабардор дўстларнинг бири орани очиқ қилди. «Бу дўстимиз кетиб қолиб тўғри қилган, –

деди у, – агар шу менинг дўстим деса, милиса уни ҳам ушларди. Қутулиш учун икки ҳисса пул тўлаш керак бўларди».

Сиз бу ҳукмга қандай қарайсиз?

Иқтисодий манфаат бор жойда дўстликка ўрин йўқми? Дўстлик ўрнини бевафолик эгаллайдими? Эҳтимол, саволимизга қуйидаги ривоят жавоб берад. Маълумки, бевафо дўстлар ҳақида кўп ривоятлар битилган. Қадим фозилларидан бирининг ҳикояси билан танишсак.

Ривоят. Хоразмга сафар қилганимда бир киши менга йўлдош бўлди. Уни едириб-ичириб юрдим. У эса менга нисбатан бўлган муҳаббатини, самимий дўстлигини тинмай сўзларди. Йўлда бизга бир ит ҳам ҳамроҳ эди. Овқат қолдиқларини мен итга бериб турардим.

Йўлда икки ўғри бизга ҳужум қилди. Йўлдошим ўғриларни кўрибоқ, мени ёлғиз ташлаб қочиб кетди. Ит эса мени ҳимоя қилди. Бир ўғрининг оёғидан тишлаб йиқитди, талади, оқибатда ўғри аранг қочиб қолди. Иккинчи ўғрини мен ўзим мағлуб этдим. Шундай қилиб, итинг ёрдамида ўғрилардан қутулдим. Ҳамроҳим ўғриларнинг қочганини кўриб ёнимга қайтди, риёкорлик қилиб, ҳолимни сўради. Мен эса «Сен каби дўстдан шу вафоли ит яхшироқ», деб уни ёнимдан нари қувдим.

Бизнингча, виждонга суюнмаган дўстликда яхшилик йўқдир. Бу отасининг мол-мулкани совурган шаҳзодани эслатади.

Яна бир ривоят. Бир шаҳзода отасининг вафотидан кейин юртни идора қилишни унутиб, дўстлари билан айшу ишратга берилибди ва тез муддатда хазинани кўкка созурибди. Бу ҳолдан хабар топган бир қариндоши вазиятдан фойдаланиб, мамлакатни босиб олибди. Подшоҳликка ҳаваси йўқ шаҳзода бунга парво қилмай тожу тахтни топширибди-да, ўзи ўша текинхўр дўстлари билан ялло қилиб юраверибди. Охир-оқибат бор-йўғидан ажраб, кафангадо бўлгач, эски ёр-дўстларидан бирортаси унинг ҳолидан хабар олмабди, аксинча барчаси ундан юз ўгирибди. Шаҳзода ҳар куни бозор бошига чиқиб ўтирар, отасининг содиқ ғуломларидан бири унинг қорнини тўйғизар экан. Бир куни собиқ дўстлари уни мазах қилиш мақсадида зиёфатга таклиф этишибди. Ҳаммалари кайфу сафога берилганларида ит келиб гўштни кўтариб кетибди. Дўстлар «Бу шаҳзоданинг иши, неча кунлардан бери гўштнинг афтини кўрмагани учун кўзи очлик қилиб яшириб қўйган», деб маломатлар қилишибди. Шаҳзода «Гўштни мен олганим йўқ», деб қанча онт ичмасин, ишонишмабди. Маломатдан эзилган шаҳзода паришон ҳолда дўстлари даврасидан чиқиб кетиб, қон-қон йиғлаб-

ди. Унинг бу ҳолини кўриб қолган энагаси «Болажоним, сенга нима бўлди?» деб сўрабди. Шаҳзода аҳволини баён қилибди. Шунда кампир подшоҳнинг васиятини етказиш вақти келганини англаб, шаҳзодага учта мактуб берибди. Биринчисида айтилишича, фалон ердаги каптархонага ўн минг тилла яширилган экан, иккинчи мактубдаги баёнга кўра, фалон шаҳардаги фалончи исмли кишига ўн минг тилла бериб қўйилган экан. Учинчи мактубда пистон шаҳардаги пистончи исмли кишига ўн минг тилла танга омонатга бериб қўйилгани билдирилган экан. Шаҳзода бу пулларни олиб, бировга муҳтож бўлмасдан яшай бошлабди. Унинг ишлари юришиб қолганидан хабар топган эски жўралари яна хира пашшадай пайдо бўлишибди. Шаҳзода бир куни уларни зиёфатга чорлабди. Улар келгунга қадар тоштарошни чақиртириб, катта бир тегирмон тошини илма-тешик қилдириб тешдириб, кўзга кўринарли жойга қўйибди. Зиёфатга келган жўралар бу тошни кўриб, «Унда қандай ҳикмат бор экан?» деб ажабланишибди. «Отам замонида, – дебди шаҳзода, – арабистонлик одам бир талай чумоли олиб келган экан. Ўша чумолилар шу тошни илма-тешик қилиб ташлашибди». «Шундай бўлгани аниқ, – дейишибди жўралар, – биз ҳам шунақа чумолилар борлигини эшитганмиз».

Бу сўзларни тинглаган шаҳзода ўзича шундай дебди:

«Ана холос, бир бурда гўшт учун ўша куни қанча қасам ичсам ҳам, буларнинг ҳеч қайсиси менга ишонмаган эди. Ҳозир ақл бовар қилмас ёлғонни айтсам, барчалари тасдиқлаб ўтиришибди. Демак, буларнинг барчаси яхши кунимдагина пайдо бўладиган дўстлар экан. Менга эса ёмон кунимга ярайдиган, ноним учун эмас, жоним учун дўст бўлувчилар керак...»

Одамнинг ҳаётда дўстлари кўпдай туюлади. Аммо ўзини дўст деб юрганларнинг юздан саксони **манфаат дўстлари**, десак фикримизга қўшиласизми? Биласиз, қоғоз пулларнинг, ҳатто дуру жавоҳирнинг сунъийлари, қалбакилари учраб туради. Уларни махсус мосламалар саралаб беришади. Ҳаётда сохта дўстларни саралайдиган мослама йўқ, ҳар ким ўз зеҳни, ҳаётий тажрибасига қараб ажратиб олади-ю, аммо ажратиб олгунича кўп азиятлар чекиши ҳам мумкин. Ҳаётда учраб турадиган таҳликали ва мусибатли кунларнинг фойдали томони шундаки, бир-бирларини танимаган одамларнинг танишиб, дўст бўлишларига йўл очиб беради. Айни чоғда дўстнинг садоқатини синайди. Дўстларга манфаат етказмасдан улардан манфаат кутиш, ерга уруғ сепмасдан туриб, дон олишни тама қилиш каби маъносиздир. Машойихлар «Киши ёндирмайин суҳбатда шамни, ёруғликнинг нишонин кўролмас», деб бежиз айтмаганлар.

Ўз нафсини ўйлаб қилинган дўстликка жуда тез соя тушади. Дейдиларки, дўстни фойда-зарар ичида синамоқ керак. Яъни, сен дўстинг учун оёқ қўйсанг, ўзингни маҳкам тут. Дўстнинг ҳақиқий дилини билмоқчи бўлсанг, синаш учун унга тилингда ғазаб қилиб ёки қовоғингни солиб кўр. Дўстнинг сенга қанчалик муҳаббати борлигини билмоқчи бўлсанг, унинг энг яхши кўрган нарсасини сўра. Шу иккаласидан сўнг ҳам у қовоғини солмаса, бундай дўстни бошга кўтариш, ширин жон билан баробар тутиш керак.

Бир донишманддан «Қанча дўстингиз бор?» деб сўрадилар. Жавобан дедик:

– Буни билмайман. Ҳозир туриш-турмишим яхши. Умрим фаровонлик билан кечиб турибди. Шунинг учун ҳамма менга хушомад қилиб, ўзларининг дўст эканликларини билдириб турибдилар. Мабодо давлатим қўлимдан кетса, у чоғда қанча самимий дўстим борлигини билиб оламан.

Хорун Рашид «Энг яқин дўстинг ким?» деб сўрадилар.

– Қорнимни тўйдирган киши, – деб жавоб берди Баҳлул.

– Қорнингни тўйдирсам, мени ҳам дўст деб биласанми? – деб сўрадилар Хорун Рашид.

– Дўстлик ҳам насия бўладими? – деди Баҳлул.

«Бу одамни танитайман», деган «дўст» ва унинг ҳаракатини оқлаган улфат бу ҳикматларни билса, мағзини чақса, эҳтимол, бошқача хулосага келармиди?

Дўндамас ва Амазак деган йигитларнинг дўстлиги ҳақида қадим афсона бор. Бу афсонани Александр Македонский тарихчилари юртимизда бўлганларида ёзиб олганлар ва бу тарих китоби ҳозир юнонлар диёри кутубхонасида сақланади. Иккинчи асрда яшаган Лукианнинг «Дўстлик» деб номланмиш асарида бу садоқатли дўстлик баёни берилган. Сиз ҳам танишинг-чи. Дўндамас ва Амазак қиёматли дўст бўлишга аҳд қилдилар. Қабила одатига кўра, билакларини тилиб, бир-бирларининг қонларини яладилар ва бу билан аҳдларини қатъийлаштирдилар. Улар шундай дўст эдиларки, гўё икки танда бир жон ва бир кўкракда икки юрак каби... Аҳднинг тўртинчи куни уларга душман хужум қилди. Қабиланинг маълум бир қисми Сирдарёни (у пайтларда дарё Танаис деб аталган) кечиб ўтиб, жон сақлади. Дўндамас ҳам дарёдан сузиб ўтди. Дўсти Амазак эса қоча олмай, душман қўлида қолди. У алам билан фарёд уриб, дўсти Дўндамасни ёрдамга чақирди. Дўстининг ноласини эшитган Дўндамас ўйлаб ҳам ўтирмай ўзини дарёга ташлаб, у қирғоққа сузиб ўтди. Душман уни найзага рўпара қилиб ўлдирмоқчи бўлганида «Олтин!» деб ҳайқирди. Бу сўз ўзига тегишли асирни

пул ҳисобига қутқариб олишни англагани учун уни ўлдирмай, лашкарбошига рўпара қилдилар. Дўндамас дўстини озод этишни сўради. Лашкарбоши эса бунинг эвазига кўп олтин талаб қилди. Шунда Дўндамас:

– Бойлигимизни талаб адо қилдинг. Энди менинг ҳеч вақом йўқ. Дўстимнинг ўрнига мени асир эт, истагингни бажарай, – деди.

– Нега бойлигим йўқ, дейсан? Сен бебаҳо бойлик эгасисан-ку! – деди лашкарбоши унга синовчан тикилиб. – Сенинг шу икки кўзинг – энг бебаҳо бойлигинг, шуни билмайсанми? Сен шу икки кўзингни дўстинг учун бера оласанми? Биз кўзларингни ўйиб олайлик-да, сен дўстингни олиб истаган томонингга жўна!

Дўндамас бу шартга кўнди. Кўзларини ўйиб олишаётганда дўстини қутқаришга эришгани учун шукр қилди. Сўнг икки кўзи ўйиб олингани ҳолида дўстига суяниб, қабиласига бориб қўшилди. Амазак дўстининг бу ҳолига чидамади. У ҳам ўзининг кўзларини ўйиб ташлади. Шундай қилиб икки дўст бир-бирига суяниб, дўст садоқати ҳақида дostonлар айтиб, ер юзи бўйлаб юрдилар... Асрлар ўтди, урушлар ўтди, қирғинлар ўтди... Аммо бу воқеа унутилмади. Афсус шуки, буни кам одам билади. Шу боис фарзандлар тарбиясида бу ибрат четлаб ўтилади.

Ўтган йили Қурбон ҳайити арафасида Тошкентдаги бир уйга ўт тушди. Ёнғин қўшниникига ҳам ўтди. Бу хонадон эгалари айни дамда Ҳаж ибодатида эдилар. Энди тасаввур қилинг: кексайиб қолган эр-хотин улуғ ибодатдан қайтсалару куйиб ётган уйларини кўрсалар! Хонадон соҳибларининг фарзандларига садоқатли дўстлар берилган экан. Дўстлар бу уйни бир неча кун ичида тиклаш аҳдини қилдилар. Ҳар ким имкониятидан зиёдароқ ҳисса қўшишга ҳаракат қилди. Гап бу ерда фақат маблағ тўплашда эмас. Дўстларнинг барчалари ёнғин соатидан бошлаб, то уй қайта қурилиб, ҳожи ота ва ҳожи она кутиб олингунига қадар шу ерда бўлдилар. Иш кечаю кундуз давом этди. Дўстлар усталар ва мардикорлар сафида хизмат қилдилар. «Битга кулчани иккига бўлиб, ярмини оч одамга берганни «сахий» деб, ўзи емай, ҳаммасини муҳтож одамга берганни «сахий дўст» деб бил», деганларидек, маҳалла аҳли шу кунлар ичи сахий ва беғараз дўстликнинг яхши намунасини кўрдилар. «Яхши либос – танга оройиш, яхши ўртоқ – жонга осойиш», деб бежиз айтмаганлар. Яна ҳазрати Алишер Навоий ёзганларким:

«Ҳар ким биров билан дўст-ёр бўлса, дўст-ёрлик даъвосини қилса, ўзига раво кўрмаганни унга ҳам раво кўрмаслиги керак. Баъзи нарсаларни ўзига раво кўрса ҳамки, ёрига раво кўрмаслиги лозим. Кўп машаққатлардан киши руҳига алам этади. Жисму

жони бунга тоқат қилади. Аммо бундай машаққат дўсти бошига тушишини хаёлига ҳам келтира олмайди. Мабодо хаёлига келтиргудек бўлса, даҳшатдан ҳаёти сўнади.

*Ёр улдурки, ҳар неким ўзига
Истамас, ёрига ҳам истамагай.
Ўзи истарки, ёр учун ўлгай,
Ани мундоқ шарик айламагай.*

Дейилмоқчики: ўзи дўсти-ёри учун ўлмоққа тайёр, аммо бу ишга дўстини шерик қилмайди.

Сўфи Оллоҳёр ҳазратларининг таъбири билан айтилса, «Сен Аллоҳ Таоло учун биров билан дўст тутинсанг, уни сут устидаги қаймоқдек кўргин. Уни азиз жонингча, балки ундан ҳам ортиқроқ кўргин:

*Тут ул дўстингни сут устинда қаймоқ,
Азиз жонингча кўргил, балки беҳроқ.*

Айтилганлардан мурад шуки, дўстининг куйган уйини тиклашда хизмат қилганларни чин дўстлик хусусидаги бурчларини аъло даражада бажарганлар, демоқлик мумкин.

Ҳаётда энг қадрдон дўст орасида ҳам келишмовчилик, туншунмовчилик ва бунинг оқибати ўлароқ аразлаш ҳам учраб туради. Аразлаш, яъни «пўм чиқиш» фақат болаларда ёки сизнинг ёшингиздагиларга хос эмас, балки катталарда ҳам тез-тез учрайди. Банда хато ва камчиликлардан холи эмас. Аммо йўл қўйилган хато икки дўстни бир-биридан ажратиб юбормаслиги керак. Ҳақиқий дўст биродарининг айбини дарров кечира олиши шарт. Бир оғиз хато гап учун ёки ноўрин ҳаракат учун ажралиб кетадиган дўстнинг дўстлиги ҳақиқий эмас экан. Расулуллоҳ (с.а.в.) шундай марҳамат қилганлар: «Ҳеч бир киши ўз биродаридан уч кечадан ортиқ аразлаб юрмоғи **ҳалол эмас**. Иккаласи тўқнашиб, бири у ёққа, иккинчиси бу ёққа юз ўгириб кетмасин. Уларнинг яхшироғи аввал салом берганидир».

Дўстларнинг уч кундан ошиқ аразлаб юришлари мумкин эмаслиги ҳақида яна бошқа ҳадисларда ҳам қайта-қайта таъкид этилади. Ҳатто Абу Харрош Сулабийдан ривоят қилинган ҳадисда ўз биродари билан бир йилгача аразлашиб юрса, гўё унинг қонини тўккан бўлади.

Донодан сўрабдилар: «Дўстларингдан қай бири барчадан кўра сенга кўпроқ ёқади? Қайси бирини чин биродарлик даражасига

етган, деб ўйлайсан? Қайси бирига сенинг муҳаббатинг кучлироқ?» Донишманд жавоб бердики: «Айб қилсам яширадиган ва узр сўрасам кечирадигани менга ёқиб тушади...»

Дўстнинг васли кўрар кўзларга роҳат беради. Уларнинг кўзлари бу роҳатдан бенасиб экан. «Ёмайсан, аммо тўясан, бу дўст меҳридир». Афсусларки, ҳаётда дўст меҳрига оч яшовчилар ҳам учраб туради. Ҳар ким айбсиз дўст қидираверса, дўсти камайиб бораверади, дўстларини ранжитаверса, душманлари кўпаяверади. Ҳар бир гулнинг тикони бўлгани каби, ҳар бир дўстнинг ҳам нуқсонни бўлиши табиий. Ўз дўстларининг хатоларини кечирмасликнинг, уларга етказган зарарни унутмасликнинг одам учун нима фойдаси бор? У қандай инсонки, ўз дўстининг тавба ва узрини қабул этмасин ва уни севинч билан қарши олмасин!? Олижаноб ва мард одам оғир кунларда ҳам ўз дўстини ташлаб кетмайди. Ҳар қандай шубҳа ва гумонга асосланиб, ўртоқлик алоқаларини узмайди, бориш-келиш, салом-аликни қанда қилмайди.

Араб фозилларидан Асмаий ёзадилар: «Бир кишини зиёрат қилиб кирдим. У зот кичик бўйра устида ўтирар эдилар. Сурилиб, ёнларидан жой кўрсатдилар. Мен бу илтифот учун раҳмат айтиб дедимки: «Бўйрангиз тор, мен ҳам ўтирсам сиз роҳатсизланасиз». У зот дедиларки: «Бир-бирига гапи тўғри келмаган икки кишига бутун жаҳон ҳам танглик қилади. Аммо дўстлар учун бир қарич ер ҳам бемалол етади».

Дўстларни бир-бирларига яқинлаштирадиган нарса, албатта, зиёратдир. Юрилмаган йўллар устини тикан ва буталар қоплагани сингари зиёратдан холи дўстлик йўллари ҳам беркилиб қолади. Биров сизга «Дўстимни бир-икки ойдан бери кўрганим йўқ», деса билингки, у муҳаббатли чин дўст эмас экан. Лекин бу соҳада ҳам биз баъзан чегарадан чиқиб кетамиз ёки меъёрга етказмаймиз. Расулуллоҳ «Дўстингни унга малол келадиган даражада эъзоз-икром қилма», деб таъкидлаганлар. «Гулистон»да бу ҳақда шундай баён этилади:

«Абу Ҳурайра (р.а.) Пайғамбаримизнинг (с.а.в.) хизматлариға келур эрди. Ул ҳазрат дедилар: «Эй, Абу Ҳурайра, ҳар кун келмагил, то ўртада муҳаббат зиёда бўлғай ва соҳиби диллар дебдурларким, агарчи офтобнинг мунча ҳусн ва хўблиғи бордир, аммо ҳеч киши ани дўст тутмоғусидур, онинг учунким, ҳар кунда кўрунодур ва лекин қишдаким аксари вақт маҳжубдур, бу жиҳатдин ҳаммага маҳбубдур».

Байт:

*Дўстни кўрмакка бормоқ айб эмас,
Лек безор ўлгудек кўб бормогил.
Қил муҳаббатни фузун кам-кам бориб,
Беҳуда ортуқсан, ранжи ахтармагил.*

Одамлар бир-бирларига муҳтождирлар. Ўзаро муносабат пайдо қилмасалар, ишлари нотамом қолади. Одамларга аралашмасдан ёлғизликни севиш, жамиятдан қочиб юриш ақлга мувофиқ иш эмас. Ёлғизликни севишни ножоиз дедик. Аммо ҳаётда яна бир ҳақиқат бор – нодон дўстдан кўра ёлғизлик яхшироқ. Нодон одам дўст бўла туриб шундайин кунларни бошингга соладики, кейин душманларинг чангалидан мутлақо қутулиб чиқа олмайсан. Биз дўстни нодон деймиз, ҳолбуки, сўраб-суриштирамай ҳар қандай одам билан дўстлашиб унга кўнглидаги борини очиб ташлайдиган одамнинг ўзи нодон эмасми? Низомий ҳазратлари ёзганлар:

*Жоннинг душмани ҳам гар бўлса доно,
Ақлсиз дўстдан у юз карра аъло.*

Тилимизда «сирдош дўст» деган атама бор. Ҳар кишининг юрагини қон қилувчи сири бўлганидек, бу сирни ошкор қилишга арзигулик дўсти ҳам бўлади. Дўст-ку, сирингизни эшитар, ошкор қилмасликка ваъда ҳам берар, аммо ваъдасига вафо қилишидан кўра хиёнат қилиши аниқроқдир. Дўстларни бир-биридан айириб юборадиган сабаб ҳам айнан шундадир. Дўстига сир айтиб сўнг пушаймон бўлганларнинг сони-саноғи йўқ. Ҳолбуки, жаноби Расулulloҳ (с.а.в.) «Бир одамни жуда яқин олмагинки, у вақти келиб душман бўлиб қолиши мумкин», деб огоҳлантирганлар. Яқин деб билинган дўст душманга айланмаса ҳам, айтилган сирга хиёнат қилиши кутилажак ҳолдир. Бир шогирд донишманд устозидан сўраган экан:

– Менинг жуда муҳим сирим бор. Шу сиримни дилимда сақлай-вериб, юрагим қон бўлиб кетди. Ишончли дўстимга сиримни айтиб, юрагимни бўшатиб олмоқчиман.

Бу гапни эшитиб устоз дедик:

– Сенинг сиринг фақат ўзинггагина керак, бошқа одамга сира ҳам керакмас. Модомики, ўз сирингни ўзинг сақдай олмасанг, бошқа киши ўзига мутлақо кераги бўлмаган бу сирни қандай сақлай олади? Агар у сирингни ошкор қилса, бунга таажжуб этишнинг ҳожати бўлмайди.

Табиатда ҳамма нарса ўз хили билан юради. Оққуш қорақушга қўшилмайди. Одамлар гарчи бир хилга ўхшасалар-да, бирининг қалби оққуш, иккинчисиники қорақуш кабидир. Ҳаттоки учар қушлар ҳам ўз шерикларини ажратишни урдасидан чиқар экан, инсоннинг бунга амал қилмоғи мутлақо шартдир. Шу боис шоир дейдики:

*Бўлмагил ҳар кимга жонинг бирла, иўлдош ўзгадир,
Айтмагил ҳар кимсага сирингни, сирдош ўзгадир.*

Масал. Кичкинагина, тажрибасиз сичқон боласи ҳеч қўрқмасдан ҳар жойларга кириб-чиқаверарди. Бир куни у хўроз билан мушукка дуч келди. Хўрознинг қичқирғидан қўрқиб кетган сичқонча югурганича уясига қочиб кирди-ю онасига деди:

– Онажон, бугун икки ҳайвонни кўрдим. Бириси шундай ақлли, ёқимли ҳайвон эканки, уни қучоқлаб олгим келди. Иккинчиси катта қанотли, ёқимсиз шовқин соладиган гердайган ҳайвон экан. Хушфёъл, ипакдай майин жунли, ҳатто бизникидай думи бор ҳайвон билан дўстлашмоқчиман.

Она боласининг гапини эшитиб дакки берди:

– Болагинам, ўша гўзал, хушфёъл кўринган ҳайвондан қўрқининг керак. Қичқирган хўроз бизга егулик ҳозирлайди. У бизга зиён етказмайди. Сенга майин кўринган ҳайвон эса ўта маккордир. Мушукнинг ичи билан сирти бир хил эмас.

Бу масалда кишилар учун зарур ибрат бор. Кўпгина содда одамлар сезмаганликлари туфайли душманларини дўст деб эъзозлайдилар. Уларнинг ташқи кўриниши – зоҳирига қараб ақлли ва одобли, тоза қалбли деб ҳисоблайдилар.

Хўрозларга ўхшаган бақироқ кишилар ҳам бордир. Аммо улардан жамиятга маккор, буқаламун кимсалар каби зиён этмайди. Айёрлик маккор кимсаларнинг яширин қуролидир. Дўст танлашда киши ўз ҳаётини таҳликага қўймаслиги керак.

Дўстлар орасидаги муҳаббат занжири қанчалик бақувват бўлмасин, уни уза оладиган куч топилади. Унутмаслик керакки, муҳаббатли, чин дўстларнинг биродарлигини кўролмайдиган ҳасадгўйлар кўп учрайди. Улар шунчаки ҳасад қилиб юра қолишмайди, дўстлик занжирини узишга обдан уринишади, уза олишса, роҳатланишади. Яна бир масалнинг ўрни келди.

Яна бир масал. Бир оролда маймунлар салтанати мавжуд эди. Подшоҳи ақлли ва доно эди. Бироқ умрининг баҳори ўтиб, қариллик исканжага ола бошлагач, ўрнини пешанасида саодат нури

порлаган ёшга бериб, ўзи денгиз қирғоғидаги ўрмонда ёлғиз яшай бошлади. У бир анжир дарахтига чиқиб, меваларидан тановул қилди. Шу онда бир анжир меваси узилиб, сувга шалолаб тушди. Бу овоз маймунга ёқиб қолиб, дам-бадам анжир узиб сувга ташлайверди. Шу сувда бир тошбақа сузиб юрган эди. У маймун ташлаган анжирларни тутиб маза қилиб егач: «Маймун буларни атайин мен учун ташлаяпти, таниш бўлмагани ҳолда шунчалар меҳрибонлик кўрсатаяптики, агар дўстлашиб олсам, муҳаббати бундан-да зиёда бўлар», деб ўйлади-да, қирғоққа чиқиб у билан саломлашди. Шу тарзда дўстлашиб қолдилар. Маймун подшоҳ бўлганини, энди кучдан қолиб шу ерларда ҳасрат билан яшаётганини сўзлаб берди. Тошбақа унга маҳлиё бўлиб қолдики, ҳатто уй-жойига, хотини ҳузурига қайтишни ҳам унутди. Тошбақанинг хотини эрининг узоқ муддат хабарсиз кетганидан хавотирланиб, қўшнисига арз қилди. Қўшниси: «Мен эшитдимки, эринг бир маймун билан дўстлашиб, унга мафтун бўлибди, унинг васлини сенинг ҳижронингдан устун тутиб, сенинг фироқинг оловини унинг висоли суви билан ўчириб юрибди. Энди ғам чекишнинг фойдаси йўқ. Бир тадбир кўриш керакки, токи эринг уйга қайтсин ва у дўстни унутсин», деб маслаҳат берди. Улар ўйлай-ўйлай «маймунни ўлдиришдан бошқа чора йўқ», деган қарорга келишди. Тошбақанинг хотини «оғир хастаман», деб эрига хабар жўнатди. Тошбақа маймунга узр айтиб, уйига келиб қарасаки, хотинининг аҳволи оғир. Тошбақа савол сўраса, жавоб бермайди. Шунда қўшниси:

– Беморнинг дарди оғир, маймуннинг юрагини пишириб емаса, ўлиши тайин, – деди.

Тошбақа «Маймуннинг юрагини қаердан топсам экан?» деган ташвишда ғамга ботди. Қанча ўйламасин бирон-бир чора топа олмади. Охири дўсти бўлмиш маймун ёдига тушиб, ўзига ўзи деди:

– Агар орамиздаги дўстлик ва садоқатга қарамай унга хиёнат қилсам, бу номардлик ва инсофсизлик бўлади; агар аҳдга вафо қиламан десам, уйимнинг таянчи, ҳаётимнинг безаги, фарзандларимнинг паноҳи бўлган хотинимдан ажралиб қоламан.

Тошбақа анчагина вақт бу ҳақда ўйлаб изтироб чекди, шубҳа ва тараддуд ичида қолиб, ниҳоят хотинининг ишқи ғалаба қилди. Оқибатда у вафодорликдан воз кечиш қарорига келди. Лекин яхши билардики, маймунни бу ерга келтирмагунича мақсадига эриша олмади. Шу боис у маймуннинг ҳузурига қайтди. Айрилиқ ўтида ёнаётган маймун уни зўр қувонч билан кутиб олиб, оиласининг ҳол-аҳволи, хотинининг сиҳат-саломатлиги билан қизиқди.

– Сенинг фироқинг ўти шундай ёндирдики, уларни кўришдан бирон ҳам лаззат ололмадим, – деди тошбақа. – Ёлғизлигинг эсимга тушганида тинчлигим бузилиб, дунё кўзимга қоронғи бўлиб кетди. Мен сени уйимга олиб кетгани келдим. Марҳамат қилиб, борсанг, фарзандларимни кўриб, хаста хотинимни ташрифинг билан севинтирсанг, қавм-қариндошларим, дўст-ошналарим олдида бошим осмонга етарди. Улар тайёрлаб қўйган овқатларини олдинга қўйиб, меҳмондўстлик бурчларини бажарсалар, шу билан менга кўрсатган меҳрингга яраша, оз бўлса-да, жавоб қайтара олганимдан қувонардим.

Бу гапларни эшитган маймуннинг қалбига ҳаяжон оралаб деди:

– Сен дўстлик ва аҳд-вафода мени ўзингдан устун қўйма, чунки орамиздаги дўстлик ипини сен бошлаб мустаҳкамладинг. Энди мен ўз кўнглимнинг хоқониман. Сен билан дўстлашганимдан бери бахт-саодат ичида яшаяпман. Агар бу дўстликнинг роҳатбахш шамоли менинг димоғимга аввал етганда эди, бундай тинч, бахтли яшашнинг шундай ширин эканлигини билсайдим, фойдаси оз, ғами эса кўп ҳукмдорликдан аллақачонлар воз кечиб юборган бўлардим. Саховат аҳли назарида дўстлик ғоят бебаҳо нарсадир. Ҳақиқий дўстларнинг бири машриқда, бошқаси мағрибда бўлса ҳам, бари бир, бир-бирларини эслаб ва шундан тасалли топиб яшайверадилар. Денгиз сафарига чиққан одам ўзига ҳамроҳ ахтаради, лекин дўстлари бундай сафарга бормасалар, буни душманлик деб ҳисобламаслик керак. Меҳмонга таклиф қиляпсан, майли борай, аммо сувдан сузиб ўта олмаслигимни биласанми?

– Хотиринг жам бўлсин, сени ўз орқамда кўтариб, манзилимга олиб бораман. Сен у ерда роҳат ва фароғатда яшайсан, – деди тошбақа.

Хуллас, маймун ўз тақдирини дўстига топширди. Тошбақа уни орқасига миндириб, сувда сузиб кетди. Ярим йўлга етганда ўйла-ниб қолди ва ўз-ўзига деди:

– Олимлар «вафосизлик ва хиёнат, айниқса, эътиборсиз хотинлар учун қилинган хиёнат энг катта гуноҳдир», дейдилар. Улуғларнинг яна бир ҳикмати бор: олтиннинг софлигини ўтда, ҳайвоннинг кучини оғир юк ортилганда, инсоннинг тўғрилигини омонатга хиёнат этмаслигида билса бўлади. Ҳар ҳолда донолар хотинларнинг макр-ҳийлаларига алданмасликни аъло кўрадилар.

Тошбақа бир-бирига зид шундай фикрларга банди бўлиб, сув ўртасида тўхтаб қолди. Унинг қалбида қандайдир ғалаён мавжудлигини сезган маймун шубҳаланиб, дўстидан сўради:

– Сенга нима бўлди, фикрлар уммони сени фарқ этиптими ё мени кўтариш сенга оғирлик қиляптими? Сезиб турибман, сени виждон азоби қийнаяпти. Сен шу дамда ўз нафсинг билан курашяпсан.

– Виждоним қийналаётгани рост. Сен бизникига биринчи марта боряпсан. Хотиним касал, уй ивирсиб ётгандир, сени кўнгилдагидек кутиб ололмасам-чи, деб кўнглим ғашланаяпти, – деди тошбақа сир бой бермасликка тиришиб.

– Сенинг номусли ва тўғри бўлганлигинг, мени дилдан дўст ҳисоблаб яхши ният билан уйингга олиб бораётганлигингни билиб турибман. Ўтиришимиз қанчалик содда, дастурхон қанчалик фақирона бўлса, суҳбатимиз шунчалик самимий ва ширин бўлади. Сен бу борада ташвиш тортма.

Тошбақага бу далда маъқул келгандай бўлиб, яна бир оз сузди-ю ўй-хаёлга берилиб, яна тўхтади. Бундан маймуннинг шубҳаси ортди ва ўзига-ўзи деди:

– Дўстидан шубҳа қилган одам ўша соат тадбир кўриб, унга нисбатан эҳтиётли муносабатда бўлиши, ўзини сақлаши керак. Агар шубҳалари тўғри чиқса, муқаррар бўлган фалокатдан ўз жонини сақлаб қолган бўлади. Гумони хато бўлиб чиқса, эҳтиёткорлик қилгани учун уни койимайдилар.

Юрак тез-тез ўзгариб тургани учун уни қалб деб атаганлар (*«Қалб» – араб тилида «айланувчи», «ўзгарувчи» деган маънони англатади*). Ҳар дақиқада у нима хаёлга тушади, нияти яхшими ё ёмонми – билиб бўлмаб қолди.

Маймун хаёлидан шуларни ўтказиб, дўстидан «Яна нима бўлди, яна хаёл дарёсига чўкдингми?» деб сўради.

– Нима қилай, хотинимнинг касаллиги, сиҳатининг ёмонлиги хаёлимни паришон қилмоқда.

– Дўстлик ҳурмати учун юрагингдаги ташвишни очиқ айтдинг. Хотинингнинг дардига нима даво экан, табиблар айтишибдими?

– Табиблар шундай дармон белгилашганки, уни топиш мумкин эмас.

– У қандай дармон экан?

– Маймуннинг юраги...

Буни эшитиб маймуннинг қути учиб кетди. Кўз олди қоронғилашди ва ўзига-ўзи деди:

«Мени бу даҳшатли фалокатга судраган нарса баднафслик ва очкўзлик бўлди; мени бу қўрқинчли гирдобга шуҳратпарастлик ва ҳарислик солди. Энди эса мени ҳийла ва тадбирдан бошқа ҳеч нарса халос эта олмайди. Агар оролга борсам, ўлишим муқаррар, ўзимни бу ерда сувга ташлаб қочмоқчи бўлсам, чўкиб кетишим тайин...»

Маймун шу фикрларни хаёлидан кечириб, дўсти тошбақага деди:

– Олимлар айтубдирларки, халққа зарур бўлган озуқани яширган шоҳ, биродарларининг бахтли бўлиши учун керак нарсани бермаган дўст «шоҳ» ва «дўст» деган номларга нолойиқдирлар. Мен хотинингни қанчалик севишингни биламан, унинг соғайиб кетиши учун зарур бўлган дармонни бермаслик, дўстликка хиёнат қилиш демакдир. Менга хотинингнинг дарди маълум, чунки бизнинг маймун хотинларда ҳам бунақа хасталик тез-тез учраб туради. Биз уларга юракларимизни бериб, даволардик. Ўзимиз эса юраксиз ҳам яшаб юравлардик. Агар сен буни соҳилда айтганигда, мен юрагимни ўзим билан бирга олиб чиқар эдим. Қариган вақтимда менга юракнинг сираям кераги йўқ. Қайтага уни кўтариб юриш мен учун ортиқча юк, ортиқча заҳмат. Чунки шу пайтгача юрагимга қўнган ғам-андуҳлар жуда ҳам кўп. Кеча юрагимнинг дарди бир оз камайсин, деб жойидан олиб қўйган эдим.

– Юрагингни нима учун уйда қолдирдинг? – деб сўради тошбақа ажабланиб.

– Маймунларда бир одат бор: яқин дўстларининг уйларига кетаётганларида меҳмондорчилик яхши ва ширин ўтсин деб, ғам ва алам маскани ҳисобланган юракларини ўзлари билан олиб бормайдилар. Ақлли ва ифбатли хотинингнинг хасталигини эшитгач, юрагимни олиб борсам, эзилиб кетади, деб ўйладим. Албатта, сен менинг дўстлигимни синагансан, шунинг учун сўзларимга ишонасан. Лекин сенинг қавму қариндошинг «қалин дўст бўлса ҳам ўзига унча зарур бўлган нарсани бизга беришни истамаяпти», деб бадгумон бўлишлари мумкин. Яхшиси, орқага қайтайлик-да, юрагимни ололайлик.

Тошбақага бу таклиф маъқул келиб, орқага қайтди. Қирғоққа етишгач, маймун бир-икки сакраб, дарахт устига чиқиб кетди...

Масалдан олинажак маъно шуки, дўстлик саройини тиклаш осон эмас, тикланган саройини турли офатлардан сақлаш ундан-да қийинроқ. Офатлардан бири айнан шу – фитна. Фитна бўронини ҳар томондан кутиш мумкин. Аввал айтганимдек, ўзини дўст деб танитган учинчи одам, фарзандига дўсти томонидан ёмонлик келишидан гумонсираган ота-она ёки масалда баён этилган – хотин. Дўст либосидаги фитначилар ҳаётда бошқаларга нисбатан кўпроқ учрайди. Уларнинг қўлларида ғараз қиличи бордир ва бу қилич аёвсиздир.

Фарзандини дўстидан айирмоқчи бўлган ота-онада ғараз йўқ.

Умидимиз юлдузлари, сизга аниқ аёнки, фарзанди танлаган дўст айрим ҳолларда ота-онага ёқмаслиги мумкин. Ота-она бу

дўстга баҳо беришда кўпроқ унинг ота-оналари нуфузига эътибор қаратадилар. «Яхши оиланинг фарзанди, демак, у билан, албатта, дўстлашиш керак». Уларнинг ҳукми шу! Бу ҳукм кўпинча алдамчи хулосаларга асослангани учун хато бўлади. Ота-оналар ўзларининг калтабинликлари ва ўжарликлари туфайли фарзандларини яхши дўстлардан ҳам айириб юборадилар. Аввал насиҳат билан, сўнг қатъий талаблар билан, агар булар таъсир этмаса, бирон-бир ифво билан бўлса-да, муддаоларига эришадилар. Фарзандларининг дўстдан айрилиши ота-она учун жиддий масала бўлиб туюлмайди. Фарзандлари бирон тугмача ёки рўмолча йўқотсалар ачинишлари мумкин, аммо дўстни йўқотсалар ачинмайдилар. Бу йўқотиш ўзларининг ҳаракатлари натижаси бўлса «шу боладан узоқлашганига шукр», деб қувонадилар. Катталар шунақа: қувонадилар. Сизлар эса... аҳволингизга тушуниб турибман.

Умидимиз юлдузлари, эҳтимол шу онда отангиз ёки онангизнинг, ҳатто устозингизнинг қўнглида ҳам бирон-бир дўстингизга нисбатан норозилик бордир. Истардимки, улар сизни дўстингиздан ажратиб юборишга киришишдан аввал ўйлаб кўрсалар: у йигит (ёки қиз) сизга дўст бўлишга нолойиқ экан. Хўш, ўзларининг фарзанду аржумандлари (яъни сиз) бошқаларга дўст бўлишга лойиқми? Отангиз ёки онангиз сизни дўстингиздан узоқлаштириш чораларини ўйлаб ўтирганларида қайсидир хонадон соҳиблари сизни ноқобил дўст ҳисоблаб, ўз фарзандларидан нари қилишни ўйлашаётгандир? Ота-она икки ёш дўстни ажратишдан аввал яна ўйласин: фарзанди бундан кейин яна шундай дўст топа олармикин? Эҳтимол, ёмон деб тамға босаётган дўст даражасидаги бошқа одамга умр бўйи муҳтож бўлиб яшар? Албатта, ота-она фарзандларининг дўст танлашларига эътиборсиз қарамаслиги керак. Ёшларнинг бу борада тажрибасиз эканини унутишга ҳақлари йўқ. Аммо ёш ўртасида йигирма-ўттиз йиллик фарқ борлигини ҳам унутмасин. Замонлар ўзгарувчан эканини ҳам ҳисобдан чиқарилмасин. «Менинг ёшлигимда дўстим шундай эди», деган гаплар бугунга тўғри келмай қолиши табиийдир.

Умидимиз юлдузлари, ота-онангизнинг ёки устозингизнинг талаблари ҳаддан ошиб кетса ҳам, улардан ранжиманг, уларнинг бу борадаги ташвишларини тушунишга ҳаракат қилинг. Атрофингизда ақлли, одоблилар билан бирга ёмонлар ҳам кўп. Ҳаёт тажрибаси етарли бўлмагани учун сиз уларни ажратишда янглишиб қолишингиз эҳтимоли бор. Сизга яхши бўлиб кўринган йигит ёки қиз гиёҳванд ёки ўғри бўлиши, жиноят ёки бузуқлик олами билан боғланган бўлиши мумкин. Сиз буни билмай яқинлашасиз-у, кейин

пушаймон бўласиз. Катгалар сизни шу пушаймонликдан асраш мақсадида ҳамиша кузатадилар, талабни кундан кунга ошира-верадилар. Бу ҳаракатларини уларнинг айби, камчилиги эмас, бурчи ва масъулияти деб қабул қилишимиз керак. Фақат... баъзан керагидан ошириб юборсалар, қаттиқ ранжиманг. Орадан йиллар ўтиб, ўзингиз ота ва она бўлганингизда уларнинг хавотирини англаб етасиз. Бугун эса... дўст масаласида ота-онангиздан танбеҳ эшитавериб, охири: «У ўртоғимни ёмон дедингиз, бунисини ялпоқ дедингиз, қанақа одам билан дўст бўлайин?» деб сўраб қолсангиз, жавоб олармикинсиз? Эҳтимол, ота-онангиз донишмандлар китобларидан хабардор бўлсалар, сизга бундай жавоб берарлар:

– Ким дўстларига нисбатан макру ҳийла билан иш тутса, дўстлари унга нисбатан ёлғонни «туҳфа» қиладилар. Душман билан яқинлашган кишидан унинг дўстлари қочадилар. Сўрасаларки: «Номуносиб дўстдан қандай қутулмоқ мумкин?» Жавоб будирки: «Зиёратига бормаслик ва бирон нарса сўрамаслик билан». Сўрасаларки: «Жондин ҳам ширинроқ нарса надир?» Жавоб будирки: «Беғараз дўст суҳбати». Сўрасаларки: «Кимлар билан дўстлашмоқ мумкин?» Жавоб бундайдир:

1. Қаноатли кишилар. 2. Ўз сўзидан қайтмайдиганлар. 3. Олим ва ҳунар соҳибларини қадрлайдиганлар. 4. Хиёнат ва номардликдан нафрат этадиганлар. 5. Яхши хулқли назокатли кишилар. 6. Ғазаб вақтида ўзини қўлга оладиганлар. 7. Сахийлар. 8. Бадахлоқ одамларнинг айшу ишрат мажлисларидан нафратланувчилар билан дўст бўлувчиларнинг йўли саодат йўлидир».

Сўрасаларки: «Кимлар билан дўстлашиб бўлмайди?» Жавоб бундайдир:

«Ақлдан маҳрум бўлганларнинг маслаҳатларига амал қилувчилар; ўз сўзида турмайдиганлар, сўзидан тонувчи ва ёлғончилар; буюк ишлардан сабри тез тугайдиганлар ва кам ҳафсалалилар; нонкўрлар; ёшининг катталигига қарамай одоб қонун-қоидаларига амал қилмайдиганлар; осонликча хиёнат йўлига тушиб кетадиганлар; пулни ҳаётдан афзал кўрувчи очкўзлар; пасткаш ва маишатпарастлар; ҳаёсизлар; одамлардан сабабсиз шубҳаланиб, уларни асоссиз гуноҳкор қилувчилар; ўзининг заиф эканини била туриб, узоқ сафарга чиқишни қасд қилганлар; ўз муаллимини ва бошлиғини танимаган худписандлар билан дўст тутинган кимсанинг йўли оқибат хорлик йўлидир».

Яна дейликки:

«Сенинг ранж-аламингни баробар тортадиган, шодлигингга шодланадиган дўстни изласанг, бундай дўст ноёбдир. Сенга ўзини дўст қилиб кўрсатадиган тасодифий дўстлар эса жуда кўп».

Сўрасаларки: «Агар ҳақиқий дўст топиш менга муяссар бўлса, у билан қандай муомала қилишим керак?» Жавоб бундайдир:

«Ҳақиқий дўст топсанг, унга содиқ бўл, хиёнат қилма. Ҳамма вақт дўст тутмоқни одат қилгил. Зероки, ҳар кишининг дўсти кўп бўлса, айблари шунча сир тутилур ва фазилати кўпаюр. Ҳар кишики дўстларини ёд қилмаса, дўстлари ҳам уни ёд қилмаслар ва оқибат бу киши дўстсиз қолғусидир. Кўнглингдаги дўстлик муҳаббатини сўзинг ва ишинг билан кўрсат, дўстинг сирин ошкор қилишдан сақлан, унинг ёнида бошқаларни ғийбат қилма. Дўстинг муҳтожликда қолса, дарҳол унга ёрдам бер. Унда бирор айб содир бўлса, **холи жойда (!)** айбини айтиб, юмшоқлик билан насиҳат қил. Агар дўстинг сенинг айбингни айтиб, насиҳат қилса, ундан миннатдор бўл. Ҳар дўстким, сендан ҳеч сабабсиз гинали бўлса, унинг дўстлигидан тама қилмагилки, жаҳонда ундан айблироқ ва ундан ёмонроғи бўлмагай. Билгилким, жаҳонда айбсиз одам бўлмас, аммо сен салоҳиятли, муруватли бўл, чунки бундайларнинг айби кам бўлуриги аён. Агар дўстингнинг кўнгли ҳеч гуноҳсиз сендин қолса, уни қайтаришга машғул бўлмагил, бундай тамагир ва кекчи дўстдан узоқроқ бўлганинг маъқулроқ. Бундайларнинг дўстлиги ҳақиқий саналмайди, балки тама учун бўлади. Ҳасадли кишилар билан яқинлашишдан ҳам парҳез қил, чунки ҳасадли киши дўстликка сира ҳам лойиқ эмас, чунки ҳосиднинг ҳасади ҳаргиз кетмас ва сендан гина қилишни сира канда қилмас. Муруватсиз, фазилатсиз кишини ҳам дўст тутмагилким, бундай кишининг хосияти бўлмас, уларни мол-дунё дўстлари сафида кўр, улар ор ва номус дўстлари қаторидан жой ололмаслар. Дўстингга ёлғон сўзлама. Унинг душмани билан дўстлашма. Дўстинг бошига бирор мушкул иш тушса, қайғули ҳодиса юз берса, уни шу мусибатдан қутқазिशга жону дилинг билан кириш, дўстингнинг ота-она ва оила аъзоларига меҳрибон ва шафқатли бўл. Ҳар вақт янги дўст топсанг, эски дўстларни тарк этма ва воз кечма. Дўстинг ҳамиша кўп бўлаверсин, чунки яхши дўст киши учун бебаҳо хазинадир, деганлар. Одамлар билан дўстлигинг ўртача бўлгани маъқул. Дўстим кўп деб барчасига умид билан кўнгили боғлайвермагин, орқа-олдинга қарагин. Дўстларингнинг эътиқодларидан ғофил бўлмагин. Уларни фароғатли ва ташвишли кунларингда имтиҳон қилгин. Агар ўзинг қашшоқ бўлсанг, бой дўст талаб қилмагин, чунки қашшоқни дўст тутувчилар кам бўлади. Абу Ҳамза Бағдодий дебдурларким: «Фақирларни дўст тутиш оғир, унга сиддиқлардан бошқалар чидай олмайдилар». Ҳаётда кўп учратамизки, молдорлар қашшоқларни хуш кўрмаслар. Шу боис киши ўзига тенг дўст

ахтаргани маъқул. Аммо киши молдор – бой бўлса-ю қашшоқдан дўсти бўлса, бу унинг аъло фазилатидир. Билмоқ жоизким, дўст уч хил бўлади:

- 1) дўст;
- 2) дўстнинг дўсти;
- 3) душманингнинг душмани.

Душман ҳам уч хил:

- 1) душман;
- 2) дўстингнинг душмани;
- 3) душманингнинг дўсти.

Энди билгилки, дўстларнинг дўстлари ҳам сенинг дўстларингдир. Эҳтимолки, унинг ўша одамга дўстлиги сенинг дўстлигингдан аълороқдир. Агар дўстинг сенинг душманингни севса, бундай дўстдан эҳтиёт бўл. Чунки бундай дўст душман тарафидан сенга ёмонлик қилишдан ҳам андиша қилмайди. Сенинг дўстингга душман бўлган дўстдан ҳам парҳез қилганинг яхши. Ҳар дўстки, сенинг душманингни душман тутмас, уни дўст демагил.

Яна сўрасаларки: «Тасодифий дўстлар билан қандай муносабатда бўлиш лозим?» Жавоб бундайдир:

«Тасодифий, юзаки дўстларга ҳам қўлингдан келганича яхшилик қил. Лекин сиру асрорингдан хабардор этма, улар ёнида ҳар хил сўзлар сўзлашдан тилингни тий. Уларни юзаки муомала билан қувонтириб, кўнгилларини ўз тарафингга мойил қил. Улардан бири кўринмай қолса, бошқа шундай ошна-оғайнилардан унинг аҳволини сўра, бироқ мол-ашёларингни уларга айтма, ўз аҳволингни яширин тут. Сенга ярим дўст бўлувчилар ҳам учрайди. Улар билан ҳам соз муносабатда бўл, улар сендан яхшиликлар кўравергач, яқдил дўст бўлишлари мумкин.

Искандардан сўрабдиларким: «Оз сармоя билан бунча кўп мулкни қандай қўлга киритдингиз?» Искандар дебдики: «Раҳмдиллик билан душманларимни қўлга олдим, аҳдга вафо билан дўстларимни йўлга солдим». Яхши ва ёмон одамни бир-биридан кўнгили кўзи ила ажрата олгил. Уларнинг икковига ҳам дўстлик қилгил. Яхшиларга кўнгили билан, ёмонларга тил билан дўстлик қилгилким, токи икки тоифанинг ҳам дўстлиги сенга нисбатан пайдо бўлсин. Чунки кишининг ҳожати бир дўст билангина раво бўлмас. Бир вақт бўлурким, кишининг ҳожати зарурат юзасидан ёмонларга ҳам тушиши мумкин. Демак, ҳар икки тоифанинг дўстлигига эътибор қил. Нохуш хабарни чин бўлса ҳам, дўстингга етказма. Қўявер, ўша чин хабарни душман етказсин ва сен сабр қил. У айб можаросини душман қилаверсин. Чунки адоват қилмоқлик – душман ҳунаридир.

– Ақсиз одамлар билан ҳаргиз дўст бўлмагил. Ақсиз дўст ақлли душмандан ёмонроқдир. Чунки ақсиз дўст шундоқ ишлар қилурки, ақлли душман уни қила олмас. Мурувватли, илми ва вафоли кишилар билан дўст бўлсанг, уларнинг фазилатлари туфайли сенинг ҳам шуҳратинг ортгай. Бемурувват, меҳр-шафқатсиз, илму ҳунарсиз кишилар билан бирга бўлгандан кўра танҳолик афзалроқдир. Дўстга лойиқ одамни икки нарсдан билса бўлур. Бири – дўстининг ҳоли танг бўлиб қолса ёки қашшоқликка юз тутса ундан юз ўтirmaйди, балки молини ундан дариф тутмайди. Яна бири – дўсти вафот этганидан сўнг ҳам дўстининг фарзандлари, қариндошларини ва дўстларини зиёрат қилиб тургай. Уларга яхшилиқ қилгай. Дўстининг мазорига бориб зиёрат қилгай, ҳасрат чекиб дуолар қилгай.

Талаб қилинаётган дўстга хос фазилатларнинг барчасини бир сўз билан «виждон» деб атасак адашмаймиз. Яъни виждонли кишидагина шу фазилатлар жам бўлади. Демокчиманки, дўстни виждонлилар сафидан қидиринг. Виждонсизлар сафида фақат душманни учратасиз.

Бу мавзудаги суҳбатимиз поёнида сиз – азиз умидимиз юлдузларига атрофингизда ҳамиша садоқатли дўстлар бўлиш бахтини тилайман.

ВАТАН ТУЙҒУСИ

Ватанга муҳаббат ҳаётдаги биринчи даражали вазифа сифатида тилга олинади. Бу муҳокама талаб этмайдиган ҳақиқат. Лекин ота-онаси, қариндошлари, дўстларига муҳаббати бўлмаган одамдан Ватанга муҳаббат фазилатини кутиш қийин. Шу боис мазкур мавзуни бу навбатда ўрганамиз.

Бир донишманд айтган экан: «Ватан бир боғдир, Ватаннинг содиқ фарзандлари бу боғни ўз юрак қонлари ила суғурмаклари даркордир...»

Ватан боғини юрак қони ила суғурмаклик мажозий маънода айтилган. Ўзини Ватан фарзанди деб ҳисобловчи одам бутун тану жони билан бу боғни яшнатиш учун хизмат қилиши керак, дейилмоқчи. Баҳорий озодликка аямажуз хуруж қилгудай бўлса, том маънодаги юрак қонини тўкмаклик билан ҳам ҳимоя этмоқ зарурати туғилади. Табиат баҳорининг қонунияти барча жойда бир бўлгани каби, Ватан боғини эҳтиётлаш, яшнатиш мажбурияти ҳам барча мамлакатларга хосдир. Яъниким, немислар Олмон диёрини, можорлар Можористонни, инглизлар Англияни қандай

авайласалар, биз – ўзбеклар Ўзбекистонимизни ўшалар каби, балки улардан-да юксакроқ мартабада севмоқлигимиз фарздир. Биз бугун тараққиёт бобида айрим мамлакатлардан ортда эканимиз айб эмас, бу ўтмиш жамиятнинг қолоқлиги таъсиридандир. Аммо Ватанга бўлган муҳаббат бобида ортда қолмоқлигимиз мутлақо мумкин эмас.

«Ватан» атамасига улуғлар, донолар турли сифатлар беришган. Улардан аълороқ тарзда сифатламоқни даъво қилмаганим ҳолда онгим қулочи етар даражада фикр билдирмоққа ҳаракат қилиб кўраман. «Ватан – одамнинг киндик қони тўкилган ердир», деган таърифга эътироз билдирмасам-да, айтмоқчиманки, бу шартли бир тушунчадир. Агар туғилган жой тўла маънода Ватан бўлганида эди, Ўзбекистон тупроғида туғилиб ўсган немислар, юнонлар, яҳудийлар, Қрим татарлари ва яна бошқа миллатларнинг вакиллари ота-боболари юртига кўчишмас эди. Хорижда туғилган ўзбеклар эса «Ватан!» дея Ўзбекистонга интилмас эдилар. Демак, Ватан, энг аввало, ота-боболарнинг покиза хоклари ила шарафланган жойдир. «Ватан остонадан бошланади», деган таърифга ҳам бир оз таҳрир киритмоққа эҳтиёж сезамиз: Ватан ҳар бир кишининг ўз қалбидан, виждонидан бошланади. Яъни, ҳар кишининг қалбида Ватаннинг жажжи қиёфаси яшайди. Ватан – биз нафас олаётган ҳаводир. Ватаннинг бир зарраси эканини англамоқ киши учун ифтихор ва шарафдир. Ватанга муҳаббатни жамлай олган юрак фақат Одам боласига хосдир.

Юрак, ўпка, жигар... барча жонзотларда мавжуд. Ҳатто кўзларимизга аранг илинадиган чумоли, чивинда ҳам юрак бордир. Бироқ ота ва онага муҳаббатлари чеклангандир – вақти келиб, ота-оналарини унутадилар. Ватан муҳаббати ҳам чеклангандир, туйғу эмас, илмда «шартли рефлекс» деб аталувчи одатдир. Жонзотлардаги «Ватан» тушунчаси ўз уяларини ҳимоя қилиш билангина чекланади. Даф қилаётган кучдан ожиз бўлсалар, бошқа уяга кўчиб яшайверадилар.

Ота-онага, Ватанга бўлган муҳаббат фазилати фақатгина Одам болаларига берилган. Шундай экан, Ватан қадрига етмасликни берилган неъматларга ношукрлик, беписандлик, деб баҳоламоқ ҳам мумкин.

Ватан равнақи – қудратли иқтисодий кучга айланишдир. Айни чоғда инсоннинг руҳият, маънавият жиҳатдан қудратли қалъага айланмоғидир. Ватан юксалишини ўйламак – бир пайтлар қўлдан кетган ҳуррият ва номусни ўз ўрнига келтиришга ҳаракат этмоқликдир. Энди ўйлаб кўрайлик: ҳуррият ва номусни нима

йўқотади? Ноаҳиллик. Энди уни нима ўз ўрнига тиклай олади? **Аҳиллик, яқдиллик!** Боболаримизнинг шарафли кунларини, одилонна даврларини нима тирилтиради? Иттифоқлик!

Бу иттифоқликнинг бир кушандаси бор. Уни «маҳаллийчилик» дейдилар. Маҳаллийчилик миллат равнақини бўғиб турувчи бўлма илондир. Ўз ҳамшаҳри ёки ҳамқишлоғини бошқалардан аъло кўриб, атрофига тўпловчи инсонни нодонликда айбласак адашмаймиз. Маҳаллийчиликнинг зарари миллатчиликдан кўпроқдир.

Бир гуруҳ одам қасида айтмоқ билан овора бўлса, яна бир гуруҳ «қани, нима бўларкин?» деб пайт пойласа-ю бошқалар эса зўр бериб ишлагани билан тараққиётга яқин йўланмайди. Бу ҳол машҳур масалдаги аравани уч ёнга тортаётган нодон жониворларни эслатади. Тараққий топмоқликнинг шарти – бир тан, бир жон бўлиб ишламоқлик.

Ривоят. Подшоҳ оқ мрамардан ажиб ҳовуз бунёд этибди-ю «Аҳди фуқаронинг ҳар бири эрта тонгда бир косадан сут келтириб ҳовузга тўксин», деб амр қилибди. Фармонни эшитган бир киши «шунча минг одам орасида битта мен сут ўрнига сув олиб бориб тўксам, ким билиб ўтирибди», деган қарорда сув кўтариб борибди-ю ҳайратга тушибди: ажабки, шаҳардаги бошқа одамлар ҳам айнан шу фикр, шу аҳд билан сув келтирган эканлар.

Ривоятдан ибрат шуки, Ватан билан ўзни бир бутунликда деб ҳис этган, виждони покиза одамда Ватан фойдаси, тараққиёти учун меҳнат қилиш иштиёқидан бошқа нарса бўлмаслиги керак. «Йилларнинг йиғини умр саналмас, Ватанга наф теккан кунинг умрдир», деган мақол бекорга айтилмаган. Донолар Ватан юксалиши йўлидаги хизмати билан шуҳрат топишини «иккинчи умр», деганлар. Киши ўзини Ватанга қанчалар яқин ҳис этса, уни шу қадар жонли вужуд каби аниқроқ ва севиброқ тасаввур қилади.

Ватан тараққиёти ҳавойи тушунча эмас, балки аниқ бир ҳаракатдир, бу ҳаракатнинг асоси ҳар бир одамнинг ташаббусидан бошланади. Сиз – умидимиз юлдузларининг мактабда битта ҳарф ўрганишингиз ҳам, қурувчининг янги иморатга қўйган битта гишти ҳам, олимнинг илмдаги оламшумул кашфиёти ҳам ана шу ташаббуснинг меваларидир. Эрталаб Ватандан бир нима олиб, шомда ўша битта миқдорда қайтарсак – ютқизамиз, бунда тараққиёт бўлмайди, аксинча, тушкунликка юз тутилади. Демак, олган нарсамизни бир-икки эмас, ўн, балки ундан-да кўп ҳисса қилиб қайтаришга интилоғимиз шарт экан. Биз Ватандан ниманидир талаб қиламиз, оламиз ҳам. Аммо буни юз ҳисса, балки

ундан-да кўп қилиб қайтармоқликни ўйламас эканмиз, бу бизнинг ақлимиз заифлигига, диёнатимиз ожизлигига далолат бўлади. Ватандан олганимиз – қарздор, қарзни эса қайтармоқлик фарздор.

Мамлакат тараққий йўлини белгиловчи омиллар кўп. Шулардан бири ва энг муҳими – Ватан мустақиллигига, шукрларким, эгамиз. Аҳамияти ва эътибори жиҳатидан иккинчи ўринда турувчи омил – аҳиллик ва иттифоқликни зикр этдик. Учинчиси – маориф, илм олмақликдир. Маърифатпарвар устоз Исмоил Ғаспирали: «Ватанни севмоқ, менинча, унинг маорифи учун қайғурмоқ, унга ёрдам этмоқдир», деганлар. Маърифатпарварлар фақат Ватан равнақинигина эмас, балки ўша дамдаги энг муҳим вазифа – истиқлолга эришмоқлик йўлини ҳам айнан шу маорифда кўрганлар. Илмсиз, жаҳолат ботқоғидаги миллатни озодлик курашига жалб этиб бўлмаслигини англаганлар. «Ўқишдан тўхтаган одам – фикрлашдан тўхтайди», дейдилар. Шундай экан, фикрламайдиган одамдан Ватанга қандай наф тегиши мумкин?

«Зиёли ўлмак гоят мушкул бир нарсадир, – деб ёзган эдилар Мунаввар қори. – Зиёли миллат, Ватан нима эдигини билур ва зиёли миллат учун жонини, молини фидо этар ва миллатнинг тараққийси учун доимо ҳаракат этар. Вақти келганда, миллат учун ўзини ҳалокат вартасина ташламакга муҳайё бўлур. Сизнинг билмагингиз лозимдирки, бизнинг миллатимизга садо ва сўз бирлан зиёли номини олгон инсонлар лозим эмас. Балки, хизмати, ҳаракати, ёрдами ва ҳиммати бирлан зиёли номини олгон инсонлар лозимдир. Йўқ эрса, «миллат», «Ватан», «маданият» – шунга ўхшаш сўзларни билмак билан инсон зиёли бўлмайди...»

Илм олмақ – ҳар бир муслим ва муслималарга фарз этилганини биласиз. Бизнинг миллатимиз шу фарздан чекинган даврлардан бошлаб таназзулга юз тутганини афсус билан бўлса-да, ёдда тутмоғимиз шарт. Аниқки, мусулмон мамлакатлар илм-фанга эътиборсизликлари туфайли тобора ҳолсизланиб бордилар. Бу масалага эътиборни кучайтирган Европа қудрати эса ошиб борди. Айниқса, XIX – XX аср уларнинг доруломон даврлари сифатида тарихга муҳрланди.

Менинг бир танишим бор, уни ўттиз йилнинг нари-берисида биладан. Шу вақт мобайнида бирон марта бўлсин, унинг эгнида хорижда ишлаб чиқарилган кийимни кўрмаганман. Сифатсизроқ бўлса ҳам, фақат ўзимизникини олиб кияди ва буни ватанпарварликнинг кичик бир зарраси деб билади. Саноатимиз юксалиш палласига кирган айни дамларда шундай зарралар ҳам зарурмикин, дейман.

Хорижда истиқомат қилувчи ватандошимиз бир ибратли воқеани айтиб берган эди: Берндаги ресторанда немис ва яҳудий дўстлари билан ўтиришган экан. Газета сотиб юрган йигитча яқинлашганида, яҳудий уни чақириб, Исроилда чиқадиган газетани сотиб олибди. «Сен ибрит тилини билмайсан-ку, газетани нега сотиб олдинг?» деб ажабланибди немис. «Ҳа, афсуски, она тилимни билмайман, бу менинг уятли томоним. Лекин бу газета она Ватанимда чиқади. Уни сотиб олиш билан у ердаги биродарларимга ёрдам берган бўламан», дебди яҳудий. Бу ҳам Ватанга хизмат қилишнинг ўзига хос бир зарраси.

Ўттиз йилча муқаддам Рига шаҳрида бўлганимда ҳақиқий Ватан туйғуси қандайлигига гувоҳ бўлган эдим. У дамларда худди биз каби «совет социалистик республикаси» бўлган Латвияда бир қонун бор экан: айрим саноат моллари фақат шу республика фуқароларига сотилар экан. Бунинг учун харидор паспортини кўрсатиши шарт экан. Бир ригаликдан болалар кўйлагидан олиб беришни илтимос қилган эдим, у менга норози қиёфада қараб: «Мен Ватанимни сотмайман», деди. Бу аввалига майда гапдай туюлган эди менга. Кейин ўйласам, ҳар қандай хиёнат мана шунақа «майда гаплар»дан бошланар экан. Кейинчалик бизда ҳам шунга ўхшаш тартиб белгиланди. Махсус талон жорий қилинди. Талон маошга қўшиб берилар эди. Бу талонсиз ҳеч нима сотиб олиш мумкин эмасди. Яъни четдан келган киши бизнинг республика тобеларига аталган молдан ололмасдилар. Лекин... катта дўконлар атрофида шу талонларни сотувчилар пайдо бўлишди. Бу ҳақда кўп ўйлайман: улар фақат тирикчилик важҳидан шу ишни қилишдимикин? Вақти келса, Ватанни шу тоифадаги одамлар сотмасмикинлар?

Баъзан божхона хабарларини эшитиб, кўриб ҳайратга тушаман. Ўзбекистонликларнинг ўзларига зарур бўлган маҳсулотларни кўшни республикаларга олиб ўтишга уринишади. Ёки у ёқлардаги арзон-гаров сифатсиз маҳсулотларни олиб келиб бизларга қиммат баҳоларда сотишади. Ёки қадимий ёдгорликларимизни четга пуллашади.

Нафс голиб юракда Ватан туйғуси бўлмайди. Маънавий дунёимизни бузишга хизмат қилувчи нарсаларни хориждан олиб келиб сотиш ҳам шунинг айнан ўзи. Бундайларда жонни фидо қилиш деган юксак туйғуни қўя турайлик, оддийгина «Ватанга меҳр» деган тушунча бормикин? Виктор Гюгонинг «Ватанга доғ тушириш – уни сотиш демак», деган гапи нақадар тўғри! Шоир

тили билан айтганда: **«Кимда ўз юртига бўлмаса меҳр, у қалбан шикаста, у қалбан мажруҳ».**

Жомий ҳазратларидан бир ибрат: қишлоқ этаги туташган тоғда бир гала каклик тонгдан бери чуғурлашишади. Улар учун кенглик, тоза ҳаво, эркинлик ҳар куни байрам эди. Қуёш кўтарилиши билан қишлоқдаги хўрозлар ҳам бошпаналаридан чиқиб, ахлатхоналарни титиб, ғурур билан қичқариб қўярдилар. Бу ҳолни кўрган бир каклик қаҳ-қаҳ уриб кулди ва гердайганича ахлат титаётган хўрозга деди:

– Эй, кеккайган аҳмоқ! Бир ҳовуч дон учун одамларга асир бўлиб ўтирибсан-а! Шу ахлатхонани ўзингга жаннат деб биласан. Ахлатхонадан қутулсанг-чи!

Шарқнинг улуғларидан ҳисобланган Жомий ҳазратлари бу масални баён қилиб демоқчиларки:

– Эй, инсон! Бу дунёда ўзинг учун энг азиз бўлган озодлигингни бир ҳовуч емишга сотма. Доим озод яша ва озодликни сев! Сен озод қилиб яратилгансан. Бир ҳовуч емишга алданиб, азиз ҳақингни сотма!

Илмдан йироқлашиш – жаҳолат, мамлакат тараққиётининг биринчи душмани бўлса, иккинчи душмани ана шу нафс, бойишга ва фақат бойишгагина интилишдир. «Ватан манфаати» ва «нафс» деган тушунчалар бир-бири билан келиша олмайди. Нафс ғолиб ерда хиёнат эшиклари очилади. Ингичка игна ҳам, йўғон мих ҳам кўзга кирса кўр қилиши мумкин бўлгани каби, Ватан манфаатининг бир заррасини сотиш ҳам хиёнатдир. Шу ўринда қўполроқ бўлса-да, «Ватан равнақини ўйламайдиган инсон озод мамлакатда яшашга ҳақлими?» деб сўрашга тўғри келади.

Темирми ё бирон маъданми етишмаса, бошқа ерлардан олиб келиш мумкин. Лекин қашшоқ юракда Ватанга муҳаббат, фидоилик ҳисси бўлмаса, бу туйғуларни ўзга юртлардан келтириб жойлаб бўлмайди. Шу боис ҳам ҳар биримиз қалбимизни тарбия этмоғимиз шарт ва демоғимиз керакки: «Ватан, биз сени севувчи фарзандлармиз, бизгина кўтаргумиз ҳар не дардинг бор!»

Ривоят. Яқинда бир дўстимизникига бордик. Ҳовлисига ертўладан қазилган тупроқни уюб қўйган экан. Ҳамроғимиз, Швецарияда яшайдиган ватандошимиз доктор Усмон Жондонга қараб ҳазиллашдим:

– Усмон ака, бунинг тозалигини қаранг, бунақа соттупроқ Швецарияда бўлмайди.

Шунда доктор Усмон тупроқ уюмига бир оз қараб турдилар-да, кейин жавоб бердилар:

– Сиз ҳазил оҳангида гапирдингиз, мен жиддий жавоб беражакман. Сиз дедингизки: «Бунақаси Швецарияда йўқ». Мен дейман-

ки: «Бу тупроқ дунёнинг ҳеч ерида йўқ. Чунки бу Ватан тупроғи. Биз мустақиллик кунига етишмай туриб Ватанга келиш бахтидан бебахра эдик ва унинг бир кафт тупроғига зор эдик. Ким илож қилиб Ватанга бориш бахтига эришса, биз ундан қимматбаҳо совға-салом олиб қайтишини сўрамасдик, бир ҳовуч тупроқ олиб келишини илтимос қилардик, сўнг бу тупроқни кўзларимизга суртардик, ўпардик, тўйиб-тўйиб ҳидлардик...

Усмон аканинг бу сўзлари барчамизни бир ажиб туйғуга чулғади. «Ватанни севмоқ – иймондандир» шарафли ҳадисини ёдга солди. Ватанга меҳр – иймондан, иймонсиз одам Ватанини сева олмайди. Кўп тилга олинадиган бу ҳадисни ўрганишга ҳаракат қилсак: уламоларимизнинг айрим шарҳларида дейиладики, Одам Ато ва Момо Ҳаввонинг яралмиш жойлари – жаннат. Демак, одамзоднинг асл Ватани – жаннат ва оқибатда унга қайтилгусидир. Яъни, дейилмоқчиким, унга фақат иймон эгалари қайтурлар. Демак, жаннатни севмоқликнинг маъноси бу дунёда тўғри, ҳалол яшаб, унга қайтмоқликнинг тадоригини кўришдир. Яъни, мукамал иймонга етишмоқликдир. Иймон талаблари эса оз эмас. Шулардан бири Ватанга меҳр-муҳаббат қўйиш.

Агар инсон ҳур бўлмаса, Ватан ичра беватан ҳисобланади. Ватан эркин ва озод инсонлар билан гўзалдир. Дейдиларки, доно ҳақим машриқдаги бир мамлакатга саёҳат қилибди. Бу мамлакат одамлари бағрикенг, диллари тоза, ниятлари пок экан. Табиат ҳам бу хокисор одамларнинг феълларига яраша она ерларини ҳосилдору, турли хазиналарга бой қилиб яратган экан. Доно ҳақим бу мамлакатни жаннатга қиёслабди-ю, аммо бир жумбоқ бўйича ўйланиб қолибди. Худо бу мамлакатга беҳисоб бойлик берганига қарамай, аҳоли қашшоқ яшар экан. Чунки уларни қўшни мамлакат истило қилиб олган экан. Аҳоли эса «тақдиримизга ёзилгани шу экан-да», деб сабр қилар, озодликка чиқишни ўйламас экан. Доно ҳақим юртига қайтаётганда бу мустамлака ўлка аҳлидан бири «Бизнинг юртимиз қандай экан?» деб сўрабди. «Мен дунё кезиб, сизлардай меҳнаткаш одамларни кўрмадим, – дебди доно ҳақим. Кейин истеҳзо билан қўшиб қўйибди: – Бахтли халқ экансизлар. Сизлар шундай жаннатмаконда яшаб, ҳақ-ҳуқуқларингизни ўзгаларга бериб қўйибсизлар. Сизларнинг бахтингиз шундаки, бахтсиз эканлигингизни билмас экансизлар...»

Ҳикоят. Бир куни бўри ҳўкизга деди:

– Ҳой қудратли ҳайвон! Сенга ҳеч тушунолмаيمان. Нега сен ўзингдан беҳад заиф жонзотга қулсан? Ахир сен одамдан кучлисан-ку! Нега уларга бўйсунасан? Жуссам кичик бўлгани билан мен

одам зотига бўйсунмайман. Ҳар увилаганимда уларнинг тинчини оламан.

Ҳўкиз деди:

– Эй, жуссаси кичик ҳайвон! Одам менинг емишимни, ичадиган сувимни беради. Эркалаб, пешонамни силайди. Мен бу яхшиликларини унута олмайман. Шу боис уларнинг хизматини бажараман.

– Эй, баҳайбат ҳайвон, – деди яна бўри, – шу катта каллангда менчалик ҳам ақлинг йўқ экан. Уларнинг эркалаб силашлари сени алдамасин. Улар ўз манфаатлари учун сени эркалаб силайдилар, сув, ем берадилар. Сен эса пешанангни силаганлари учун бўйинтуруқ остига кирасан. Мен эса ҳеч қачон уларга бўйин бермайман. Эркимни бергандан кўра ўлимни афзал кўраман!

Қиссадан ҳисса шуки, қорин тўқлиги инсонни алдаб қўймаслиги керак. Баъзида бу нарса инсон учун тузоқ бўлади. Қорин тўйиши инсонни бўйинтуруққа солиб, ўзи учун энг қимматли бўлган озодликдан маҳрум этади. Бўйинтуруқдаги инсон ҳам қачондир ўлади, лекин қулликда ўлишдан кўра озодликда ўлмоқлик минг марта афзалдир.

Яна бир ҳикоят. Ўтган замонда Андроклес исми хушхулқ бир асир Рим зодагонининг қўлидан қочиб, ваҳший ҳайвонлар яшайдиган ўрмонга яширинди. Озодликда яшашни истади. Машаққат ва азобларга чидади. Бир кеча яраланган арслоннинг овозидан ўрмон ларзага келди. Андроклес аввалига қўрқиб кетди. Кейин овоз келган томон юрди. Арслонни топиб, ярасини боғлади.

Кунлардан бир кун Адроклесни тутиб олдилар. Бу онда овчилар арслонни тутиб, ҳукмдорга тортиқ қилдилар. У замонда қочоқ асирларни оч арслонга ем қилдириш одати бор эди. Андроклесни ҳам шундай ўлимга ҳукм қилдилар. Одамлар бу томошадан завқланиш учун тўпландилар. Андроклес ўртага қўйилиб, оч арслон қафаси очилди. Баҳайбат арслон отилиб чиқди-ю, Андроклесга яқинлашганда шашти пасайиб, унинг оёқларига суйкалди. Бундан оломон ҳайратга тушди. Шунда Андроклес уларга қарата бундай деди:

– Эй, инсон қиёфасидаги ваҳшийлар! Мана шу ҳайвонга бир мартагина яхшилик қилган эдим. Яхшилигимни унутмабди. Сизларга йиллар бўйи хизмат қилган бўлсам-да, кичик бир айбим учун мени ўлимга ҳукм қилиб, томошага тўпландинглар. Мен озод яшашни истаган эдим, сизлар буни айб деб билдинглар.

Қиссадан ҳисса шуки, киши қанчалик озодликка, ҳурриятга эришса, раҳмдилликка дуч келса, у шу қадар **инсон**лигини ҳис қилади.

Меҳр тушунчаси ҳам ғоят кенг. Ҳаққа, ота-онага, Ватанга... Буларнинг барчалари ажралмас ҳалқалардир. Бир ҳалқа узилиб йўқ бўлса, қолганлари ҳам йўқ бўлади. Бир дарахтни тасаввур этайлик: ўқ илдиз, тана ва шохлар. Ўқ илдизни ёки шохларни кесиб ташланг-чи, дарахт яшармикан? Ўз ота-онаси ёки дўстига меҳри йўқ одам «Ватанни севаман!» деб ҳайқирса ҳам ишонмаслик керак. Ўз ота-онасига меҳрсиз одам бегоналарни ҳурмат қилмайди. Ҳақни севамаган одам Ватанга хиёнат қилишдан уялмайди. Жаҳон ардоқлаган машҳур шоир Байроннинг «Ўз юртига меҳри бўлмаган одам бошқа ҳеч нимани сева олмайди», деган гапида беназир ҳикмат мавжуд. Бизга ота-она, қариндошлар... барчалари қимматли ва аржуманд. Шунинг баробарида меҳр-муҳаббат ҳақидаги тасаввуримиз занжири ҳалқалари Ватан тушунчасига мужассамланган. Ватан учун нафи теккудек бўлса, қайси виждонли одам унинг учун жон бермоқ талаб этилганида иккиланар экан?

Ватанга муҳаббат тушунчасини икки равишда ўрганиш мумкин. Биринчиси – жисмоний тарзда. Яъни: туғилган жой. Аввалроқ айтганимиздай, бу ҳол барча жониворларга хос. Чумолидан тортиб, филгача ўзи туғилган, емиш ейдиган жойини авайлайди, лозим бўлганида жон-жаҳди билан ҳимоя қилади. Қани, чўп олиб арининг уясини бузишга уриниб кўринг-чи? Иккинчи тушунча – фақат юксак онг эгаси – инсонга хос, руҳий, янада аниқроқ айтсак, маънавий ҳолатдир. Бу ҳолат кўпроқ қалбга, онгга, туйғуга боғлиқ.

Биз Ватанни тинмай мадҳ этишни ватанпарварлик деб ўйлаймиз. Тўғри, мадҳ этмоқ ҳам лозим, аммо бу бир заррадир, холос. Уммонга томизилган биргина томчидир. Донолар айтадиларки: «Ватанпарварлик – номусли ва назокатли туйғудир. Муқаддас сўзларни эҳтиёт қил, шамолга совурма. Ватанга муҳаббат хусусида дуч келган ерда оғиз кўпиртирма, яхшиси унинг фаровонлиги ва қудрати йўлида индамайгина меҳнат қил». Баъзи биродарларга ҳайрон қоламан: кундузи бирон минбарга чиқиб олгудай бўлса баландпарвоз гапларни қалаштириб ташлайди, оқшомда эса чойхонага чиқса, ношукрлик дарвозаларини ланг очиб, майда гапларни кавлаштириб ўтиришдан уялмайди. Донолар таъкидлаган номусли ва назокатли туйғудан бебаҳра бундай кишиларнинг минбардаги гаплари шунинг учун тингловчилар қалбига етиб бормайди, шунинг учун ҳам ҳиссиз ва тузсиз бўлади.

Ватанга меҳр-муҳаббатли бўлиш – ғоят чидам, ғоят юксак онг талаб этувчи ўзига хос илм ва буни эгаллаш ҳам бешикдан бошланмоғи ва оқибат сўнгги нафасга қадар давом этмоғи лозим. Ватанпарварлик – Ватанни севамоқликни англатса, бу илмни эгалла-

ган киши Ватанга жонини атаган комил инсон мартабасига етган бўлади. Файласуф Гегел айтганидай, «Маърифатли халқларнинг ҳақиқий жасорати Ватан йўлида қурбон бўлишга тайёр эканликларидан акс этади». Мана шу нуқтадаги фарққа диққатни жалб этайлик: Ватанни севаман, деб юрувчилар кўп. Аммо ҳамма ҳам Ватанга жонини фидо қилишга тайёр турмайди. Ватанга меҳр ва муҳаббат мавҳум тушунча бўлмай, балки **ҳақиқий маънавий туйғудир**. Яъни, ватанпарварлик – Ватанга меҳр қўйишдангина иборат эмас, балки Ватан билан ўзни бир бутунликда кўришдир. Унинг яхши-ёмон кунларида асқатишдир.

Биз – ҳар биримиз Ватанни севамиз, чунки Ватан – биз нафас олаётган ҳаводир. Дунёда «Ватанни севмак» деган тушунчадан ташқари «Ватан билан ғурурланмак, фахрланмак» деган тушунча ҳам мавжуд. Зеро, бу икки тушунча бир-бирисиз яшай олмайди. «Киши ўзининг етти аслини (яъни ўтган етти аждодини) билиши керак», дейишади. Хоссатан шундай. Омматан эса киши ўз Ватанининг тарихи, улуғлари билан яхши таниш бўлиши, кимларнинг вориси эканини билиши керак. Шоир Ғафур Ғуломнинг 1949 йилда «бизларни «қабил» деб атаган» инглиз лордига жавоб тарзида ёзган ажиб шеъри бор:

*Қадим ўзбек халқисан, асл Одам авлоди,
Миср эҳромларидан тарихинг қарироқдир.
Хоразмнинг ҳар гиштида – боболарнинг ижоди,
Англо-саксонлардан анча юқорироқдир.
Бизда логарифманинг мушкул муаммолари,
Қўлдаги бармоқлардай оддий қилинганда ҳал,
«Олий ирқ» даъвогари, Черчилнинг боболари
Ҳатто санай олмасди ўн бармоқни мукамал...*

Ўзбекистоннинг фазилатларини бўрттириш шарт эмас. Бу халқ рўйи заминнинг тарихини бойитишга, маънавий оламининг ривожига беқиёс даражада улуғ ҳиссасини қўшиб келган ва бундан сўнг ҳам шундай бўлажак. Оталарнинг бугунги кундаги вазифаларидан бири – улуғларни таниб, улар билан фахрланиш ҳиссини фарзандлар қонига сингдирмоқликдир. Шу ўринда яна бир вазифани ҳал қилишимиз керак бўлади: ўтмиш билан фақат фахрланибгина қолмай, Ватан равнақи учун улуғлар анъанасини давом эттиришга масъул эканимизни унутмай, шунга яраша ҳаракат қилишимиз шарт. Ўзбекистон, яъни Ватан ҳар биримизсиз кунини кўравериши мумкин. Беш-олти ёки неча юз, ҳатто минг

кишисиз ҳам яшайди, келажаги пойдеворини қураверади. Аммо биз – биронтамиз Ўзбекистонсиз яшай олмаймиз. Ким Ватансиз яшаш мумкинлигига ишонса – у аҳмоқдир. У хору зордир. Ўз юртидан юз ўтирганлар, энг аввало, ўз виждонларидан юз ўтирган бўладилар. Ўз юртини севмаган, сева олмаган одам ҳатто ўзини ҳам сева олмайди, оқибатда эса ўзидан ўзи нафратланади. Бу кунларимизда бахтини чет мамлакатлардан излашга иштиёқмандлар кўриниб қоляпти. Хорижга бориб, азобланаётганлар ҳақида эшитиб турибмиз. Лекин чет элга бориб бойиб қайтган кишини ёки ақду фазли ила дунёга танилган одамни ҳали кўрганимизча йўқ. Ҳазрат Навоий айтганларидай, «Фурбатда ғариб шодумон бўлмас эмиш...» Мирзо Бобурнинг қалб яраси гўё ҳали ҳам битмагандай: «Ўз юртни қўйиб Ҳинд сори юзландим, ё Раб, бу не **юз қаролик** бўлди...»

Ривоят. Қадим замонда бағдодликлардан бири чўлда йўлдан адашди. Оч-наҳор, юпун қолди. Ниҳоят, бир қуни узоқдан қора жундан тўқилган бир чодир кўринди. Бағдодликнинг юраги севинчдан ҳапқирди. Ҳолдан тойганича чодирга етиб келди. Ундаги аёл ночор йўловчини очиқ чеҳра билан қаршилади, ҳордиқ чиқариши учун жой берди.

– Эй, меҳрибон аёл, жуда чанқадим, сув борми? – деб сўради йўловчи.

Аёл унга бир коса сув берди. Сув илиқ, бунинг устига шўр эди. Мусофирнинг оғзи куйгандек бўлиб, баттар қийналди. Шу аснода ўз шаҳрини эслади: «Оҳ, Бағдод, оҳ! Қандай диёр экансан, энди қадрингни билдим!»

– Эй, меҳрибон аёл, сен ҳеч Бағдодни кўрганмисан? – деб сўради у.

– Кўрмаганман. Туғилганимдан бери ҳаётим шу чўлларда ўтяпти. Биз доим шу сувни ичамиз. Эрим овга кетган, чўлдан каламушми, калтакесакми тутиб келтирса, қорнингизни тўйдириб оларсиз, – деди хотин.

Бағдодлик буни эшитди-ю, дили яна фарёд қилди: «Оҳ Бағдод! Қандай муборак шаҳар экансан, билмай юрган эканман мен нодон!» Хаёлидан шу фиғон ўтди-ю, ўзини овутиш мақсадида аёлга она шаҳрини мақтай кетди:

– Эй, меҳрибон аёл! Бу жойларинг жаҳаннам экан. Бу ерда қандай яшаяпсанлар, ҳайронман! Бағдоднинг ғоят латиф ҳавоси, боғлари, оқар сувлари... анвойи турли неъматлари бор. Бу ерда эса ҳатто майса ҳам ўсмайди. Жаҳаннам каби оловли бир қум дарёси ичида турасан. Агар истасангизлар, сизларни Бағдодга олиб кетайин, ўша ерда роҳатланиб яшанглар.

Бир оздан сўнг аёлнинг эри овдан қайтди. Аёл эри келтирган чўл каламуши билан калтакесакни сўйиб, иссиқ тошларнинг устига қўйиб пиширди. Мусофирни ҳам бу таомга таклиф этдилар. Бағдодликнинг кўз ўнгида шаҳрининг гўзал боғлари, қўй гўштидан пиширилган кабоблар, ширин сув гавдаланди, кўзлари алам ёшларига тўлди. Бўғзини қуйдирган шўр ва илиқ сувни ичаётганида, ёқимсиз емакларни чайнаётганида «Оҳ Бағдод, оҳ! Қандай гўзал диёр экансан!» деб ичида нола чекиб, афсусланарди.

Эр-хотин меҳмонга чодирдан жой қилиб, ўзлари ташқарида ётдилар. Шунда хотин эрига деди:

– Бу мусофир нуқул «Оҳ Бағдод, оҳ!» деб нола чекапти. Сиз Бағдодни кўрганмисиз? У ер жаннатга ўхшар эмиш. Бизни таклиф қиляпти, агар чинданам жаннат бўлса, ўша томонларга кета қолсакмикин?

Бу гапни эшитган эр аччиқланди:

– Эй, нодон хотин, сен унинг гапларига ишонма. Бизнинг жаннатимиз шу ернинг ўзида. Бу ердаги кўнгил эрки у ерда йўқ. Бу ерда вужуд жафоси бор, аммо ундан-да аълороқ бўлган ҳуррият ва кўнгил сафоси ҳам бор. Сен ўз аҳволингдан мамнун бўлмаганингча, жаннатга кирсанг ҳам роҳат топа олмайсан.

Қиссадан ҳисса шуки, ўзи яшаётган жойнинг қадр-қимматини тўла англаб етмайдиганлар ҳам бор. Бундайларни тақдир фалокатларга, фожиаларга дуч қилгандагина, яшаган жойларининг қадрини ҳис қила бошлайдилар. Деганларки: «Ўзга юртнинг подшоиси бўлгандан кўра ўз юртинг гадоси бўл».

Инсоннинг бахти тасалли топган еридадир. Кўнгил тасаллисиз қолган пайтда киши саройда турган бўлса ҳам, у таскинга муҳтож бўлади. Шу боис орифлар кўнгил сафосини вужуд жафосидан устун қўядилар. Мавлоно Румий дедиларки: «Қудуқ тубида вужуд жафоси, лекин кўнгил сафоси бор. Халқ орасида вужуд сафоси, лекин кўнгил жафоси бордир».

*Тавоф қилгин ўйнаб-ўсган ерингни,
Ўз халқингга тўккин манглай терингни.
Ҳар нарсадан мусофирлик ёмондир,
Ўзга элда дўстга айтма сирингни.*

Бир одам суҳбатда дедик: «Мабодо уруш бўлса-ю, мени аскарликка чақирсалар бормаيمان. Нега энди мен боришим керак? Мен жангга кетайин-у, бунда қолганлар айш-ишрат қилиб юраверсинларми? Мен анойи эмасман, урушга борадиган аҳмоқ йўқ...» Бу гапни бир дўстимга айтган эдим, у дедик: «Бундай фикр

бир кишининг қаноати эмас. Бу гап Ватан ва миллатга нисбатан ичида озми-кўпми хиёнат фикри бўлган кишиларнинг оғзидаги сақичдир. Сен буларнинг биттасига дуч келибсан...»

Тилимизда оҳангдош, аммо маъно жиҳатдан зид сўзлар кўп. Шулардан бири – «диёнат», яна бири эса «хиёнат». Қаранг, фарқи биттагина ҳарфда. Масофа жиҳатидан ҳам яқинлиги бор. Диёнат-сиз одам ёмон йўлга бир қадамгина қўйса, хиёнат оламига кириб қолганини ўзи ҳам сезмай қолади.

Ҳазрат Навоий айтмоқчи:

*Барча хиёнатни диёнат этиб,
Барча диёнатни хиёнат этиб...*

Шунисидан Худо асрасин!

Ҳар бир ватандошнинг энг асосли, энг муқаддас вазифаси Ватанни севиш ва унга ҳаётининг сўнгги дақиқаларигача хизмат этишдир. Ватанимизга бўлган муҳаббат ва ҳурматимиз ҳеч бир нарса билан ўлчана олмайди. Ватанга муҳаббат тарбиясини оила қучоғидан бошлаш лозимдир. Биласизки, кичик болаларда Ватан тасавури торроқ бўлади. Яъни, улар учун Ватан – она қучоғидир. Болалар ўз оилаларини сева-сева Ватанни севишни ўрганадилар. Чунки оила муҳити Ватан муҳитининг асосини ташкил этади. Ватан муҳити дастлабки озиғини, дастлабки қувватини оила қучоғидан олади. Силайи раҳм фазилати камол топган оиладан Ватанга хиёнат қилувчи чиқмайди. Оила аъзолари орасида нақадар қувватли боғланиш ва муҳаббат бўлса, Ватан муҳаббати ҳам шунчалар қувватли ва мустаҳкам бўлади. Ўз оила аъзоларига нисбатан хайрли туйғуга эга бўлмаган, уларга фидокорлик қилишни билмаган бир киши Ватанга ҳам фидокорлик туйғуси билан туйғулана олмайди. Шундай экан, оила муҳити Ватан муҳитининг бошланиши, биринчи босқичи эканини бир нафас ҳам унутмасак бас.

ИККИНЧИ БЎЛИМ

САОДАТ САРОЙИНИНГ КАЛИТИ

БАХТИЁРЛИК ИЧРА СЕН...

Инсон бахтиёр бўлиш учун яралган. Киши дунёда бой бўлиш учун эмас, балки бахтли бўлиш учун яшайди. Зотан, қуш парвоз учун, инсон эса бахтиёр бўлиш учун яралгандир. Шунинг учун ҳам катталар ёшларни дуо қилишганда, энг аввало, бахт тилайдилар.

Бахт нима ўзи? Унинг ўлчови, миқдори борми? Кимни бахтли, кимни эса бахтсиз деймиз?

Инсоният бу саволларга минг йиллардан бери жавоб излайди. Ягона жавоб эса йўқ. Дунёда неча миллиард одам яшаётган бўлса, бахт ҳақидаги тушунча ҳам шунчадир.

Умидимиз юлдузлари, сиз билан каминанинг бу масаладаги қарашларида фарқ бўлиши табиий. Шу боис мазкур боб шунчаки суҳбат бўлмай, баҳслашув даврасига айланмоғи ҳам эҳтимолдан холи эмас. Аввалги суҳбатларимизда кўрилган масалаларга амал қилмоқлик – бахтиёрликнинг пойдеворини, ўзгачароқ таъбир билан айтсак, ўқ илдизни ташкил қилади. Энди кўриладиган мавзулар эса бахтиёрлик дарахтининг жонбахш шохларидир. Дарахтни ўқ илдизсиз ёки шохларсиз тасаввур қилиш қийин. «Ўқ илдиз»дан «жонбахш шохлар»га ўтишдан аввал бахт ҳақидаги умумий тасаввуримизни жамлашни ният қилдим.

Соддароқ айтсам, инсон ўзини муҳофаза этишга ҳамда бахтиёр бўлишга интилувчи таъсирчан, сезгир, ақлли ва фикрловчи мавжудот саналади. Тўла-тўқис бахт одамзодга насиб бўлувчи юксак даражадаги ҳузур-ҳаловатдир, бахтсизлик эса юксак даражадаги мусибатдир.

Ҳузур-ҳаловат дейилганда фақат моддий маъно англашилмаслиги керак. Агар ҳузур-ҳаловат фақат нафсни қондиришдангина иборат бўлса, емиш топган жониворларнинг барчасини бахтли, оч қолганини бахтсиз, дейишимизга тўғри келади. Биз жониворларда шундай тушунча, туйғу бор ёки йўқлигини билмаймиз. Фақат бор-

дир, деб тахмин қиламиз ёки «йўқ» деб инкор этамиз. Бизнингча, жониворларга хос бўлган бахтлилик ҳам фақат қорин ғамига бориб тақалмайди. Масалан, уйда боқилаётган итга эгаси томонидан ташланган суяк бахтли ҳолат саналса, эркни ҳеч нарсага алмашмайдиган бўри учун (аввалроқ баён қилинганидай) бу бахт эмас, балки бир хорликдир. Эгаси ташлаган бир ҳовуч донга қаноат қилувчи хўроз катакда туғилиб, катакда жон беришни, эҳтимол, бахт деб ҳисоблар. Чўққида туғилиб, осмонда эркин парвоз қилишга ўрганган бургут учун эса бу тубанликдир. Аслида, Аллоҳ барча жониворларни эркин қилиб яратган. Фақат айримлари эрklarини емишга алмашганлар. Буларни биз «уй ҳайвонлари» деймиз. Эркин ҳар нарсадан аъло қўйганларини эса «ёввойи ҳайвонлар» деб атаймиз. Демокчиманки, бахт тушунчасининг моддий томонидан кўра, маънавий томони ортиқроқ. Агар фақат моддий томони билан чеклансак, барча камбағаллар бахтсиз, бойлар эса бахтли деган маъно келиб чиқади. У ҳолда «Мерседес» каби автомашиналарда юрувчи кимса дунёдаги энг бахтли инсону, тикин автобусда хизматига шошаётган одам бахтсизми? Балки аксинчадир? Автобусдаги одам кўнглида ҳаловат бор. Уни бойлигини йўқотиб қўйиш хавотири таъқиб қилмайди. Ўтмиш донишмандлар шу боис ҳам Аллоҳдан руҳ ҳаловатини истаб, бойлик бермагани учун шукрлар қилганлар. «Мерседес»да юрувчи биродарларимиз каминадан ранжимасинлар. Мен уларни айбламоқчи эмасман. Ҳалолдан топган бўлсалар, бахтли кунларида буюрсин. Лекин бунинг роҳати мавжудлиги баробаринда хавотири ҳам бор-да. Агар автомашина бузилиб қолса ёки ўғирланса ёки бирон фалокатга учраса, улов эгасининг кўзига дунё тор бўлиб кетиши аниқ-ку! Кимки пулни – бахт, бахтни эса – пул, деб ўйлаётган бўлса, демак, янглиш ҳаёт кечираётган экан. Аммо моддий бойликни бутунлай инкор этиш ҳам дуруст эмас. Тўғри, бойликсиз яшаш мумкин. Бироқ, фаровонлик – бахтиёр яшаш учун зарур шартлардан бири ҳисобланишини инкор ҳам этолмаймиз. Мен бу ўринда фақат ҳалоллик билан топилган бойликни назарда тутяпман. Ҳаром йўл билан топилган бойлик фаровонлик эмас, аксинча, ҳасрат бўлгани туфайли масъудликка бегонадир.

Дуоларимизда кўпинча бахт ва саодат тилаймиз. Бахт нима? Саодат-чи? Иккаласи бир маънони англатадими? Йўқ! Бахт – торроқ маънодаги тушунча. Ҳар бир одам бахтли бўла олиши мумкин. Биров йўқотган минг сўмини топиб олса, ўзини бахтли ҳис қилади. Бошқа биров набира кўрган кунни ўзини дунёдаги энг бахтиёр инсон деб ҳисоблайди. Одамлар ўзлари учун кутилмаганда бахтли бўладилар. Саодат эса Аллоҳнинг раҳматига, марҳаматига

етишмоқликдир. Саодатга пул топиб олган каби етишилмайди. Гўзал хулқ ва бошқаларга яхшилик қилиш саодат саройининг калитидир.

Бир одам ўзини ғоят бахтли ҳисобларди. Чунки унинг «суянган тоғи» бақувват эди. Бу «тоғ»ни умри боқий деб биларди. Тоғ жилғаларидан оқиб келаётган бойлик оқибатда денгизга айланади, деб умид қиларди. Чинакам тоғлар емирилиб кетадиган бу фоний дунёда ўзини тоғ фаҳмлаб юрган одам қуламайдими, емирилиб йўқ бўлмайдими? «Суянган тоғи» қулагач, ўзини бахтиёр санаб яшаётган одам гангиб қолди. Нима бўлди, бахт қуши учиб кетдими? Дунё – ажабтовур, бировнинг «суянган тоғи» қулагани ҳамон бошқа бировнинг шундай тоғи қад ростлайди. Аввалги «тоғ» паноҳидаги одамга «янги тоғ» яқинида ўрин йўқ. Энди у ўзини энг бахтсиз ҳисоблайди ва икки ўртада бахт учун кураш бошланади. Дунёвий фалсафада «Бахт – курашдан иборат», деган фикр бор. Аммо баён этилаётган ҳолатдаги курашнинг бахтга сира алоқаси йўқ. Бунда курашнинг номигина «бахт учун». Ҳақиқий номи эса: «нафс бандаларининг кўпроқ емоқ ва ичмоқ учун олишуви». Бу курашда кимдир енггандай бўлади. Ғалаба нашидасини сургандай ҳам туюлади. Бироқ ҳақиқат шуки, бу олишувда ҳеч ким, ҳеч қачон голиб бўлмайди. Ҳар икки томон ҳам мағлубдир, хордир, ҳақирдир.

Бахт – **фақат** бойликда, деб ҳисобловчи кимсада, албатта, кибр мавжуд, бахилик мавжуд, хиёнат, риё... мавжуд. Бу ёмон хулқлар эгаси ўзини бахтли санаши, саодатга етишмоқни умид қилиши ғоят кулгили, ҳатто ачинарли эмасми?

Бу дунёда ҳамма нарса бир-бири билан чамбарчас боғланган. Бу боғлиқликни баъзан кўрамиз, баъзан эшитамиз, баъзан эса сезамиз. Баъзан эса тасаввуримизга сиғдиrolмаймиз ёки бефарқ қараймиз. Шулардан бири – «бахтлиман!» деймиз-у, ёлғиз ўзимиз бахтли бўла олмаслигимизни англаб етмайдиган пайтлар ҳам бўлади. «Нақадар бахтсизман!» деб нола қиламиз-у, бахтсизлигимизга бошқаларнинг ҳам шерик эканини ўйлаб кўрмаймиз. Масалан, ўн кишидан иборат оилада бир одамга бахтсизлик ёпишса, қолган тўққизтасини четлаб ўтолмайди. Биттаси бахтиёр бўлса, қолган тўққизтаси ҳам бу масъудликдан озми-кўпми баҳраманд бўлади. Чунки бахтсизлик битта одамнинг айби билан келмайди, бу ташвишда қолган тўққизтасининг ҳам ўзи билган ёки билмаган ҳолда ҳиссаси бор. Бахтга эришишда ҳам шундай. Биз таомни ошпаз пиширганини кўрамиз ва унга раҳмат айтамыз. Ҳолбуки, пишган таом – ошпаз томонидан бажарилган энг сўнгги ҳаракат маҳсули. Дастлабкиси эса ерни шудгор қилган, уруғ қада-

ган деҳқоннинг заҳматидан бошланади. Лаганга сузиб берилган паловда юзлаб одамларнинг хизмати борлигини камдан-кам ҳолларда ўйлаб кўрамиз, янада камдан-кам ҳолларда уларни дуо қиламиз. Ҳаётда бирон ютуққа эришсак, дейлик, мансаб эгаси бўлсак ва буни бахт деб ҳисоблаб қувонсак, шу мансабни бизга раво кўрган акахонимиздан миннатдор бўламиз. Назаримизда бу бахтни бизга айнан шу акахон ўз хазиналаридан чиқариб бергандай туюлади. Шу мансабга эришишда бизга биринчи ҳарфни ўргатган муаллимнинг ҳиссаси борлигини ҳеч ўйлаб кўрамизми? Тижоратда омадимиз келган пайтда карра жадвалини ўргатган устозни эслаймизми? Агар шуларни ўйласак, биродаримизнинг бахтли бўлишига ҳисса қўшиш учун рағбат қилишимизга тўғри келади. Чунки бировнинг бахтимиз учун қўшган ҳиссаси биз учун қарздор ва бу қарзни ўзгаларга хизмат қилиш билан уза олишимиз мумкин. Уларга шунчаки миннатдорчилик билдириб қўйиш ёки дуо қилиш билан қарздан қутула олмаймиз. Бахтсизликда бошқаларнинг ҳиссаси мавжудлигини англагач, биз туфайли кимнингдир бахтсиз бўлиб қолишидан ўзимизни сақлашимиз керак. Бахтсизлик дарахти сув ичадиган булоқлар кўп атрофимизда. Хиёнат, туҳмат, ифво, чақимчилик, ғийбат... Бахтсизликка учраган кишига етти ёт бегона одам хиёнат қилмайди, нотаниш инсон туҳмат ботқоғига ботирмайди. Бу бадкирдорликлар яқин кишиларидан чиқади. Виждонсиз одамгина бировнинг бахтсиз бўлишини истайди ва бу иллатидан ўзи роҳатланади. Бир одамни кимдир бахтсизлик чодирига чирмаб, ўз йўлидан олиб ташлашга уринади. Муддаога етгач, ўзини бахтли санайди. Бу нодон билмайдики, бировнинг бахтсизлиги эвазига киши ҳеч қачон бахтли бўла олмайди. Бошлиғига туҳмат қилиб, уни жилдирган одам амал курсисига ўтиргани билан қанча вақт ўзини бахтли деб ҳисоблаб юради. Охир-оқибат ўзининг ҳам туҳматга учраб, амалдан ажрагунига қадарми? Эҳтимол, бахтсизлик унга илгарироқ бошқа бир сабаб билан даф қилар? Тижоратда шеригига хиёнат қилиш эвазига катта фойда олган одамнинг бахтли кунлари шу бойлиги тугагунча давом этармикин?

Бировнинг бахтга эришуви ёки бахтсизликка гирифтор бўлишига қўшадиган ҳиссамиз моддий ва маънавий томондандир. Моддий томони маълум. Маънавий томони эса бундай: агар адашган дўстимизни яхшиликка даъват этсак, бахт қасрига фақат виждон ва яхшилик йўли орқали борилажагини англата олсак, демак, бахтга эришувига ҳисса қўшибмиз. Яхшиликдан нари йўлларда

тентираётган кишига бепарқ қарабмизми, демак, унинг бахтсизлигига шерик бўлибмиз.

Одам боласи ўзгалар бахти учун хизмат қилсагина ўз бахтини топа олади. Бировнинг шодлиги ва бахти учун қанчалик хизмат қилса, ўзи ҳам шунчалик бахтга даъвогар бўлиши мумкин. Энг бахтиёр киши ким? Иложи борича кўпроқ одамларнинг бахтли бўлишлари учун хизмат қилган одам эмасми? «Мен бахтли инсон бўлишни истайман, қолганлар билан ишим йўқ», дейиш нодонликдир. «Ён-атрофимдагилар бахтли бўлмагунларича менга бахтиёрлик шоҳсупаси насиб этмагай», демоқлик эса доноликдандир. Билмоқлик шартдурки, бировнинг бахтсиз бўлишини истаган киши, олдинроқ бахтсизлик жарига ўзи қулайди. Бу жарда умр-бод қолиб кетмас, бир куни чиқар, аммо пешонасидаги лаънат тамғаси сира-сира ўчмагай. Инсон нима учун азизу мукаррам саналади? Ўзгаларнинг бахтсизлигини ўз бахтсизлиги деб санагани учун эмасми?

Устозимиз Асқад Мужтор ёзган эдилар:

*Мухбир келар: «Бахтлимисиз?» эмиш.
Қандай бахт? Ўзимга алоҳидами?
Алоҳида уй бор, алоҳида идиш...
Одам қайда яшар, овлоқ уйдади?
У қабрдагина одамзоддан гайри,
Тирикмизки, олам ҳаммамизга бир.
Ҳақиқат йўқ кимсага айри,
Алоҳида бахт ҳам дунёда йўқдир.*

Баъзилар зиммаларидаги ҳаж фарзини адо этадилар. Албатта, бу улуғ бахт. Баъзилар ҳар йили ҳаж қиладилар. Буни ҳам бахт деймиз. Уларга эътирозимиз йўқ. Лекин шундай саодатли кишилардан бирининг яқин қариндоши ёки қўшниси шундай бахтга муҳтождир. Бу ҳолга қандай қараймиз? Аслида мўмин учун фарз – бир марта ҳаж қилиш. Дейлик, саодатли биродаримиз икки мартами ё уч мартами боргач, кейинги сафарига мўлжаллаган маблағини муҳтож қариндоши ёки қўшнисига берса-чи? Ўз саодатини муҳтож биродари билан баҳам кўрган одам энг бахтли одам эмасми?

Бахтни баҳам кўришни ҳам баъзан нотўғри тушунамиз.

Воқеа. Бир одам тўй қилаётган экан. Дўсти беш минг доллар сарф этиб, номи чиққан ашулачини бошлаб борибди. Ашулачи

бир соатгина хизмат қилиб кетгач, тўй эгаси дўстига «Мени бағоят бахтиёр қилдинг», деб миннатдорлик билдирган.

Савол туғилади: киндигини очиб олиб, беҳаё қилиқлар билан қўшиқ айтган ашулачи шу тўйга келмаса, тўй эгаси бахтсиз бўлармиди? Дўст беш минг доллар эвазига чиндан ҳам бахт инъом этди-ми? Бемаънилик! Бахтни биз нақадар саёз тушунамиз! Тўй эгаси ўша ашулачини ўзи таклиф қилиш имконига эга бадавлатлардан эди. «Ҳотамтой» эса камбағал дўстининг тўйига бунчалик ҳиммат кўрсатмайди. «Бахт улашув» деб номланаётган бу ҳаракатда кибориё, ҳатто фисқу фужур каби иллатлар мавжуд. Савоб эса йўқ. Агар ўша ашулачига сарф қилинган пулнинг ҳаммасини эмас, ақалли бешдан бирини қайсидир камбағал оилага сарф қилганида ўзгаларни бахтиёр қилиш ҳақида гап юритсак арзирди. Қўшнисини ёки қариндошини тўй қилишга қурбон етмаслиги сабабли қизига келаятган совчиларни турли баҳоналар билан қайтариб, эзилиб юрган кезларда беш минг долларни ҳавога сочган одам Қиёматдаги ҳисоботини ўйлаганида охирада эришилажак чин ва боқий бахтга етишган бўлармиди. Ҳозир назарида шу тўйга келганларнинг барчаси унга тасанно айтишяпти, шу боис ўзини бахтли санаяпти. Аслида эса ундай эмас. Одамнинг бахти орзу ва тамаларига қараб бўлади. Энг тамагир одам – бахти энг оз одамдир.

Ғаззолий ҳазратлари дебдиларким: «Бир кишининг тижорати охирада тижоратига монелик қилса, бундай киши бадбахтдир. Бечорадир. Бу бир тандир учун бир хум олтин берган кабидир».

Нима учун айрим одамларга бадбахтлик саодат бўлиб кўринади? Катта ёшдагилар бу ўринда шайтон ҳийлаларини унутиб қўйяптилар. Шайтон хунук қиёфали бадбахтликни безаб, пардоз қилиб, банданинг кўзига гўзал ва мафтункор қилиб кўрсатмайдими? Кўрсатади! Иймони заиф банда пардоз ортидаги хунукликни кўра олмайди. Саробдан умид қилгани каби унга интилаверади. Шайтон кирдикорларини телевизорда кўрсатилаётган тўкин дастурхонга қиёслаш мумкин. Киши дастурхонга маҳлиё бўлади, кўзлари ўйнайди. Аммо оламан, деб қўл узатганда тасвир йўқолади. Шайтон иши айнан шундай эканлигини билмайдиганлар ҳам бор.

Бундай кишиларга Анас ибн Молик (р.а.)нинг бу сўзларини ўқиб, ёдлагач, ўқиб олишларини тавсия қилган бўлардик: «Бадбахтлик тўртта: кўзнинг қуруқлиги, қалбнинг қаттиқлиги, орзу-ҳаваснинг узунлиги ва дунёга ҳирс қўйиш». Ашулачининг бир соатлик хизматига беш минг доллар сарф қилган кишида шу тўрт иллат мужассам бўлгани учун ҳам уни «бадбахт» дедик.

Қалби соғлом одамгина бахтли бўла олишини биламиз. Қалб саломатлиги нима? Ишемик хасталиклардан холи бўлишми? Тўғри, бу жисмоний саломатлик ҳам зарур. Лекин руҳи хаста одамнинг жисмоний жиҳатдан саломат бўла олмаслиги ҳам ҳақиқат.

Бир обид йигит табибдан сўради:

– Табиб афандим, сизда гуноҳларни ювувчи ва қалбларнинг дардига даво берувчи дори борми?

Табиб дедики:

– Албатта бор. Аммо бу дорини мен эмас, ўзингиз тайёрлашингиз керак. Сиз энг аввал **«фақирлик»** ва **«тавозелик»** дарахтлари илдинини сиқиб сувини оласиз. Бу сувга **«тавба»** ҳалиласини қўшасиз. Сўнгра сувни **«ризолик»** ҳавончасига соласиз ва **«сабр-қаноат»** гурзиси билан оҳиста эзасиз. Сўнгра уни **«тақво»** қозонига солиб, устига **«ҳаё»** сувидан қуясиз. Сўнгра қозонни **«меҳр-муҳаббат»** оташи билан қиздирасиз ва ундаги нарсани **«тавба-шукр»** қадаҳига соласиз. Қадаҳни **«ражо-дуо»** шамоли билан совутганингиздан сўнг ажойиб дори ҳосил бўладики, уни **«ҳамду сано»** қошиғи билан ичгайсиз. Агар сиз бу амалиётни тўлиқ бажарсангиз, албатта, бу дунё ва охиратдаги барча дарду балолардан фориғ бўлиб, икки дунё саодатига етишасиз.

Шу ўринда бу дунёнинг имтиҳон дунёси эканини яна ёдга олиш керак. Бу имтиҳон бизни билиш учун эмас, бизни ўзимизга билдириш учундир. Чиндан ҳам шундай: имтиҳон қилувчи бизни яхши билади. Биз ўзимизни билмаймиз. Ўзни билиш имтиҳонидан ўтган одамни чинакамига масъуд десак арзийди. Бу имтиҳондан ўтганлар бошига қўнган бахт қуши учиб кетмайди.

Ҳаётда баъзи кишиларга нисбатан «бахтини қувиб юрибди», деймиз. Чиндан ҳам шундайми? Бахтни қувиб юриб, сўнг тутамизми? Тасаввур қилайликки, бахт билан сўзлашув имкониятимиз мавжуд. Унга хитобан десакки:

– Эй, бахт! Сени тутишнинг йўли борми?

Эҳтимол, бахт хитобимизга шундай жавоб берар:

– Мен кийикка ўхшайман. Ҳамма ҳам мени тута олмайди. Тутса ҳам узоқ ушлаб туrolмайди. Мени қўлга киритган одам қаттиқ ушласагина ундан қочолмаслигим мумкин. Аммо бунинг бир қатор шартлари бор: энг аввало, мени қўлга киритувчи кишининг қилиғи ўзгалар учун ёқимли, кўнгли юмшоқ, тили ширин бўлиши шарт. Ўзини иллатлардан эҳтиёт қилсин, гурурланмасин, ёвуз ва ярамас ишларга, хусусан, ҳасадга, исрофгарчиликка, ҳийла-ю алдовларга яқин турмасин. У катталарга ҳурматни, кичикларга

ширин сўзни раво билсин. Гердайиб, кишиларни оёқ ости қил-маса, ўзидан кичикларга менсимай қарамаса, феъл-атворини тўғрилиқда тутса яхши. Кимда-ким мана шуларга риоя қилса, мен у билан бирга қоламан. Бўлмаса, кийикдек қочиб кетаман. Унда менга ким ета олади?

Тасаввуримизда гавдаланган кийик қиёфасидаги бахтнинг сўзлари талқини бундай: бахт-саодатни изласангиз топа олмайсиз, қувсангиз тута олмайсиз. Зиммангиздаги инсоний вазифаларни адо этинг – бахтнинг ўзи сизни излаб топади. Инсоний вазифаларни адо этиш учун эса кучли ирода талаб этилади. Ҳа, бизнинг бахтимиз ўз ҳаётимизни идора қилувчи ўз иродамизга боғлиқ. Шу боис бахтиёр бўлишни истаган кимса иродасини тарбия қилиши шарт.

Кимда-ким бахтидан айрилиб қолса, бировлардан айб излама-син. «Оҳ, қанчалик бахти қароман-а!» деб бошини тошларга ур-масин-да, зикр этилган шартлардан қай бирини бажармаганини аниқласин. Ва ҳамиша ёдда тутсинким, ўз хоҳиш ва истакларининг чегарасини билмасликдан ортиқ бахтсизлик бўлмайди. Бахт кимгадир кулиб боққудай бўлса, барча орзу-истаклари ақлнинг бандасига айланади. Бахт ундан юз ўтургудай бўлса, ақл унинг орзу-истакларига муте бўлиб қолади. Инсон ҳаётидаги энг аянчли ҳолатлардан бири айнан шудир. Хитой донишманди Лао Сзининг «Оҳ, бахтсизлик! У бахтнинг таянчидир. Оҳ, бахтиёрлик! Унда бахтсизлик яширин», деб ёзиши бежиз эмас. Исталган бахтиёрлик дарахтининг соясида бахтсизлик мудраб ётади. У кутилмаганда уйғониши, талвасага тушиб, бу дарахтни қўпориб ташлаши мумкин. Арасту ҳаким айтмоқчи, бахт-иқбол секинлик билан, бахтсизлик эса тез суръат билан ҳаракат қилади. Чунки бахт пастликдан юқорига чиқишга, бахтсизлик эса чўққидан пастга тушишга ўхшайди. Шу сабабли ҳам «бахтиёрлик ичра сен бахтсизликка учрашдан қўрққин», дейдилар. Яна бир нарса аниқки, ортиқча бахтга интилавериш ҳақиқий бахтни қўлга киритишга тўсқинлик қилади. Бу фикрнинг ҳамда сал илгарироқ билдирилган «ҳар ким бахтни ўз қаричи билан ўлчади», деган қарашнинг исботи учун бир ҳикоятни ёдга оламиз.

Ҳикоят. Ададсиз мол-дунё эгаси бўлмиш Ҳалаб подшоҳи одилликда ном чиқарган эди. Аммо унинг ёлғиз ўғли енгилтабиат ва кизиққон эди. Подшоҳ қанчалик одил ва оқил бўлмасин, ўғлини чексиз муҳаббати билан эъзозлагани учун унинг раъйдан ташқари иш қилмасди.

Кунлардан бир кун Ҳалабга Мисрдан савдогар келди. Подшоҳ ундан ўғли учун турли матолар сотиб олди. Савдогар кўпни кўр-

ган, дунёнинг иссиқ-совуғини татиб кўрган киши бўлгани сабабли шаҳзода уни гапга тутди. Атрофдаги мамлакатларнинг аҳволи билан қизиқди. Савдогар ҳар бир мамлакат подшоҳининг ўзига хос аҳволдан ҳикоялар сўзлади. Гал Миср подшоҳига келганда унинг ғоятда гўзал қизи борлигини маълум қилди. Бундай соҳиб-жамол етти иқлимда ҳам топилмаслигини таърифлади. Чунончи маликанинг суратини чизиш учун барча Чин наққошлари ожизлик қилармишлар. «Унинг ҳусну жамоли васфи учун барча араб вассофларининг сиёҳдонларидаги сиёҳ етмайди», деб таърифига яқун ясади. Савдогар Миср маликаси васфида шундай муболағалар қилдики, қизнинг ишқи шаҳзоданинг қалбига ғулғула солди. Шаҳзоданинг шитобкор қалби, аввал яхшилаб ўйлаб кўрмасданоқ, меҳр-муҳаббат ғавғосига гирифтор бўлди. Бахтга эришмоқликнинг бирдан бир йўли шу маликага етишмоқдир, деб ўзи яратган ҳақиқатга ўзи қул бўлди. Отаси ҳузурига кириб: «Менинг бошимга мушкул савдо тушди. Миср маликасига ошиқ бўлдим. Агар ўша қизни менга олиб берсангиз жонимни бу тубсиз дарёдан соҳилга чиқаргумдир, йўқса, ҳаёт билан видолашурман», деди.

Ўғлининг қарори подшоҳни анча паришон қилди. У ўзини бевош дарё қаршида тургандек ҳис қилиб деди: «Жон ўғлим, Миср подшоҳи бизни ўзига тенг кўриб, қуда-андаликка ризо бўлармикан? Ахир бизнинг мулкимиз унинг мулки олдида бир қатра мисолидек-ку!»

Ўғил отанинг гапини эшитишни ҳам истамади. Ёлғиз ўғилнинг кўнглини чўктирмаслик учун ота ҳар нарсага тайёр эди. У Миср подшоҳига элчи юборишга қарор қилиб, қимматбаҳо ҳадялар тайёрлади. Қизини ўғлига сўраб, бениҳоя шикастаҳоллик билан мактуб ёзди. Мактубни «Агар бандани бу шарафга мушарраф тутсалар, бу банда ҳам ул зотнинг бандаларидан бирига айланурмен ва жоним сиз улуғ подшоҳнинг инон-ихтиёридадур», деб яқунлади.

Миср подшоси элчиларни қабул қилди. Тухфалардан мамнун бўлди ва дедик: «Мен Ҳалаб подшоҳининг ўғлини куёв қилмоқликдан орланмасмен. Аммо уни мол-мулкдан имтиҳон этишим мумкин. Агар уддасидан чиқолса, у ҳолда сидқидилдан жазм қилгани маълум бўлади. Аҳли аёлим «кимки менинг қизимга уйланмоқчи бўлса, олтмиш минг Миср динори баробарида кобин (маҳр) талаб қиламан», деган. Бу борада Ҳалаб подшоҳининг фикрини билсам мурод ҳосил бўлур».

Бу талабдан воқиф бўлган Ҳалаб подшоҳи хазинасидаги барча нақдларини тўплади – қирқ минг динор бўлди. «Ҳозирча хазинамда

мавжуд олтинларни юборяпман, ўртамизда аҳд-паймон боғланганидан сўнг қолганини ҳам етказаман», деган мактуб иловаси билан динорларни Мисрга жўнатди. Миср подшоҳи олтинларни қабул қилгач, никоҳга ризолик берди. Маликани Ҳалаб шаҳзодасига фотиҳа қилдилар. Хушхабар Ҳалабга етгач, қизиққон шаҳзода: «Узоқ кутишга, интизорликка тоқатим йўқ. Бугун барча вилоятларга қўшимча солиқ тайинланг, токи тўласинлар ва олтинларни Мисрга юборайлик», деди. Бу талаб подшоҳни яна паришон қилди ва дедик: «Жон ўғлим, зулмининг оқибати даҳшатлидир. Азбаройи сенинг тўйинг деб минглаб бева-бечораларнинг хонадонини ғам-мотамга қўя олмайман. Бир киши кўнглининг осойишталиги учун юз мингларча кишиларнинг кўнглини ғам-андуҳга тўлдиrolмайман. Сабр қил! Токи, одамлардан йиғиб олинадиган солиқ манбайи вужудга келиб, хирожни тўлаш ва молларни йиғиб олиш мавсуми келсин. Ана ундан сўнг, секин-аста мазкур маблағни тўплаб сўнг Мисрга жўнатурмиз».

Шаҳзода оқиллик ва вазминликдан йироқ эди. У ўзининг бахтга етишиш онларини бировларнинг азобланиши ҳисобига тезлаштирмақчи бўлди. Навқирон ёшлиги ва кучига мағрурланди-да, «Мендайин бақувват ва эпчил йигитга мол топиш қийин иш эканми?!» деб, отасига заҳарли ғазаб ўқларини сочди.

Шаҳзода мукаммал равишда отланиб, биёбон томон равона бўлди. Иттифоқо, биёбонда қимматбаҳо моллар ортилган бир карвон Миср сари кетиб борарди. Шаҳзода бу бойликни қўлга киритиш мақсадида карвоннинг дам у, дам бу томонларидан келиб ҳамла қила бошлади. Карвон аҳли орасида эъзоб Мағрибий исми шижоатли ва жасур бир киши бор эди. У ҳамла қилаётган шаҳзодани кўриб, якка ўзи карвондан чиқди ва у томон от солди. Биринчи ҳамласидаёқ шаҳзодани эгардан олиб, ерга урди. Сўнг шаҳзоданинг қўлларини боғлаб, арқон учини туя бўйнига илдилару йўлларига равона бўлдилар.

Мисрга етишгач, Мағрибий лойиқ туҳфаларини олиб, подшоҳ ҳузурига келди. Миср подшоҳининг саройида Мағрибийнинг эътибори анча баланд эди. Подшоҳ у билан суҳбат қуриб ўтирган пайтда Ҳалаб подшоҳининг чопарлари бир мактуб етказдилар. Мактубда: «Муддатидурки, бандазода ёлғиз ўзи банданинг ҳузуридан ғойиб бўлмиш. Ўша қолган молларни топиб, подшоҳнинг хизматларига олиб борган бўлса керак. Агар бахти ёр бўлиб, мол топиб, у даргоҳга шитоб қилган бўлса, бизга хабар қилгайлар. Токи, хотиримиз таскин топгай», дейилган эди. Мактуб ўқилгач,

Эъзоз Мағрибий англадики, йўлда асир олинган йигит шаҳзодадир. Мағрибий уйига келиб, шаҳзодани ҳузурига чорлади:

– Сенинг бундай журъат қилмоғингга сабаб нима эканлиги менга маълум бўлди. Йўл тўсиб, халойиқнинг молини олиб кетмоқ ҳар қандай яккабош ўтқинчининг иши эмас.

– Ёшлик ғурури ва шайтон васвасаси мени шу йўлга олиб кирди. Оқибат, энди сенинг асирингман, – деди шаҳзода афсус билан. – Агар лутф қилиб, молларингнинг омон қолгани шукронасига мени озод қилсанг, камоли хайрли бўлур эди. Агар пул бадалига озод қилишни истасанг, қанча баҳо қўйсанг ҳам майли, мен тилхат берайин. Қайси жойни тайинласанг, пулни ўша ерга ўзим етказайин.

Мағрибий шаҳзодани енгилтаклиги учун маломат қилгач, Ҳалаб шоҳининг адолат соҳиби эканлигини ғоят қадрлашини айтиб, подшоҳнинг ҳурмати юзасидан уни озод қилажагини билдирди.

– Агар сенинг ишинг йигирма минг динар билан битса, сенга мазкур миқдор маблағни бераман ва қарз хусусида сендан тилхат оламан. Ҳалабга қайтганингда менга қайтарурсан.

Шаҳзода Мағрибийнинг бу лутфига ҳадсиз миннатдорчилик билдириб, ҳадяларни қабул қилди-ю подшоҳ ҳузурига йўл олди. Шаҳзода Миср подшоҳига ёқди. Унга сарпо кийдирди-да, тўй ҳаракатларини бошлаб юборди.

Тўйдан аввал келин ва куёвни ясангириб, бир-бирларига кўрсатардилар. Ўша кунни шаҳзода шаробхўрликка машғул эди. У сархуш бўлгач, боғ сайрини ихтиёр қилди. Ногоҳ қарасаки, шоҳона ўтов тикилган, сўраб билдики, бунда малика ясангирилмоқда. Ўтовнинг боққа қараган даричаси бор эди. Унинг кўнглида дариладан ичкарига қараш ихтиёри туғилди. Ҳарамдаги қиз-жувонлар жамоасини таниб олиш мақсадида дариладан ичкари қаради. Бу онда маликанинг кўзи дариладан мўралаётган бегона кўзга тушди. Канизакларга икки шохли илгични келтиришни буюрди. Канизаклар буйруқни адо этиб, илгичнинг икки шохини шаҳзоданинг мўралаётган кўзларига санчдилар. Шаҳзода оҳ уриб йиқилди. Хизматчилар югуришиб келишиб, шаҳзодани минг машаққатлар билан бошқа жойга олиб бордилар. Табиблар муолажаси кор қилмади. Тўй бўлди, аммо шаҳзода орзусидаги бахтга етиша олмади.

Умидимиз юлдузлари, қиссадан ҳисса чиқариш, сиз азизларнинг ўзларингизга ҳавола. Ҳар ҳолда атрофингизда шаҳзодага ўхшаган енгилтабиат тенгдошларингиз йўқ эмас, бор. Уларнинг кўзларини очиш учун биргина ҳикоят етарли бўлармикин? Шу ҳақда ўйлаб кўрайлик. Агар дўстларингизда шундай камчилик сезилса, буни хасталик деб билиб, даволашга бетўхтов равишда

киришиш керак. Тўғри, ҳозирги эрка фарзандлар ёлғиз ўзлари карвонга ҳужум қилмайдилар, ўтов даричасидан ҳам мўраламайдилар. Балки бундан баттароқ, аянчлироқ ҳаракатлардан қайтмайдилар, оқибат эса илгич шохи кўзларига эмас, юракларига санчилади. Мозористонлардаги ёшларнинг қабрларини кўрганимда шулар хаёлимга келади. «Бахт қасрига интилганлари ҳолда нечун бу қора лаҳаддан макон топдилар?» деб ўйлайман. Сиз ҳам ўйланг азизларим, эҳтимол, биргаликда тўғри жавоб топармиз.

Кишининг бахт ҳақидаги тушунчаси ёшига қараб ўзгариб бораверади. Боғча ёшида отаси янги ўйинчоқ олиб берса, ўзини бахтли ҳисоблайди. Бу бахт унинг қувончида кўринади. Дўкон пештахтасидаги чиройли ўйинчоқни олиб бермасалар ўзини бахтсиз ҳисоблайди, бу ҳолат унинг хархашасида, йиғисида зоҳир бўлади. Сиз боғча ёшидан қарийб ўн йил ўтдингиз. Лекин сизда ҳам ўша тушунчанинг зарралари сақланиб қолган. Яъни бахтни моддий томонига кўпроқ аҳамият берасиз. Дадангиз янги телефон олиб берсалар, сиздан бахтлироқ одам йўқдай. Ўқишда тенгдошларингиздан ортда қолаётганингизга эса эътибор бермайсиз.

Баъзилар бахтни толе билан боғлайдилар. Бу фикрни инкор этиш мумкин эмас. Лекин унга қадар бўладиган бошқа ҳолатлар ҳам мавжуд.

Буюк орзуга етишни истаган икки кишидан қайси бирида муруват устун бўлса, орзуга ўшаниси етишади. Агар муруватда ўзаро тенглашсалар, иродаси кучли бўлганига орзуга етишмоқ бахти насиб этади. Иродада ҳам баробармилар? У ҳолда ёрдамчилари ва дўстлари кўп бўлгани енгиб чиқади. Агар бу жиҳатдан ҳам ораларида фарқ йўқ экан, у вақтда толеи (бахт иқболи) баланд бўлгани етишади.

Абу Али ибн Сино ўн гўзал хислатни барча саодатнинг манбаи ва маъданидир деб таъкидлаганлар: инсоф ва адолат; тилак ва орзуларга бўйин эгмай, унга ғолиб бўлишлик; олим ва фозиллар билан суҳбатлашиб, уларнинг насиҳатларини ҳаётга татбиқ этиш; ҳақиқат ва тўғриликка ҳамиша ва ҳар қандай ҳолатда содиқ бўлиш; ёши катталарни иззат ва ҳурмат қилиш; кичикларга шафқатли ва марҳаматли бўлиш; дўстликда самимият; душманларга ҳам мулоим муносабатда бўлиб, улар билан муроса-мадора қилиш; муҳтожларга ёрдам бериб, хайру эҳсон қилиш; жоҳил ва нодонларга насиҳат қилиб, уларни тўғри йўлга кўндиришдан эринмаслик.

Энди бу гўзал хислатларни диққат билан ўрганайлик: сиз ҳар бир ишда инсоф ва адолат чегарасидан чиқмадингизми, демак,

бошқалар ҳам сизга инсофсизлик ва адолатсизлик қилишдан тийиладилар. Аксинча бўлса, сизнинг бир ёмонлигингизга ўн, балки ундан-да ортиқ инсофсизлик ва адолатсизлик ёғилади. Боши устида шундай бало чақини чақин чақиб турганда ким ўзини бахтли ҳисоблаши мумкин?

Тилак ва орзуларга бандилик зарар экан, шайтоний ифвога қул бўлиб қолган кишини қандай бахтиқаролик кутаётганини тасаввур этиш мумкин. Шайтон «Аканг (ёки дўстинг) сарой қурди, сен ҳам қур, сенга, болаларингга ҳам шундай бахт насиб этсин», дейди. Ақл аввалига «Бунга менинг қурбим етмайди», деб бу ифвони қувади. Кейин эса бу ифво олдида енгилади. Ҳалолдан топаётгани етмагач, ҳаромдан ҳазар қилмайдиган бўлади. Бир куни пора олаётганида қўлга тушади. У қураётган сароймонанд иморатидан бахтини топмоқчи эди, адашди – бахтиқароликни қамоқхонадан топди. Фарзандларини бахтли қилмоқчи эди, улар бахтсизлик саҳросига ялангоёқ қувилдилар.

Ҳақиқат ва тўғрилиқ байроғини ҳаминиш баланд тутган одамга бахтиқаролик ҳамла қилишга журъат эта олмайди. Ким бир марта ҳақиқатдан чекинибди, ким тўғри гап турганда ёлғонни сўзлабди – ўзига ўзи инсофсизлик қилибди. Нима учун? Айтилган ёлғонга кимдир ишонди, дейлик. Лекин орадан кўп фурсат ўтмай бу ёлғон бари бир фош этилади. Бир марта ёлғончи бўлган одамнинг кўпчилиқ олдида ўзини оқлаб олиши қийин бўлади. Ёлғони фош бўлишдан чўчиб яшайдиган одамнинг бошига бахт қуши қўнганмикин?

Ёши катталарни ҳурмат қилган киши улардан хайрли дуо олади. Дуо – бахт саройининг эшигини очувчи калитдир. Кичикларга шафқатли бўлган киши орадан йиллар ўтгач, улардан марҳамат кўради. Айниқса, кучдан қолиб, бахтиқаролик кунларидан нола чекаётганида ана шу шафқат ва марҳамат эшик қоқиб келади.

Дўст ва бахт эгизакка ўхшайди. Дўсти йўқ одам бахтсиздир. Дўстига хиёнат қилган одам эса бадбахтдир. Агар дўстлик самимий ва холис бўлмаса, орада манфаат кўндаланг ётган бўлса, бахт уларнинг икковидан ҳам қочади.

«Чинакам бахтли бўлиш учун қандай фазилатларга эришиш лозим?» деб ўзингизга ўзингиз савол берганмисиз? Агар шу савол билан ўзингизни ўзингиз тез-тез тергаб турсангиз, сизни тарбия қилган устозингизга балли! Келинг, алҳол яна шу саволни ўртага қўяйлик-да, юқорида зикр этилган доноларнинг фикрлари асосида биргалашиб жавоб топайлик.

Чинакам бахтли бўлиш учун илмдан орттирилган фазилат керакми? Шубҳасиз, керак! Ақл туфайли ҳосил қилинган феъл-атвор

зарурми? Албатта зарур! Могу мулкдан зиёда саломатлик-чи? Бегумон шарт! Ҳаё-чи? Мурувват, садоқат, тавозе, меҳнат-чи? Сахийлик, номус, омонатга вафо, ҳилм ва шижоат-чи? Керак!!! Булар ва булар каби яна ўнлаб фазилатлар ададсиз равишда керак!

Адоват, ҳасад, бахиллик, такаббурилик, ёлғончилик, мунофиқлик, чақимчилик, хиёнат, жоҳиллик, ялқовлик ва булар каби яна ўнлаб иллатлар-чи? Улардан ҳеч бўлмаса бир ёки иккитаси лозимми? Алҳазар! Алҳазар! Буларнинг биттаси ҳам кўплик қилади, чунки булар – бадбахтликнинг ҳомийларидир!

Ҳамонки бадбахтликдан сўз очилди, бу зулумот салтанатига яна бир карра зийраклик билан қараб ўтайлик. Бахтга эриштирувчи фазилатларнинг зидди киши бахтини, албатта, қаро қилиши барчага маълум бўлса-да, бу иллатларни яна зикр этишдан эринмайлик, токи, бахтиқаролик булути сиз азиз умидимиз юлдузларига хавф солмасин.

Ҳикоят. Валий зот Тустарийдан сўрадилар:

– Бадбахтлик аломати қайсилар?

– Илми бўлатуриб амал қилмаслик. Амал қила туриб ихлосли бўлмаслик. Аллоҳ Таолонинг берганига рози бўлмасдан бошқа нарсалар ортидан қувмоқ. Ҳақ таоло дўстлари суҳбатига қўшилмаслик.

Ҳазрат айтган ҳикматнинг мағзини чақиш учун ўзимизни саволга тутиб, сўраб кўрайлик:

– *Эй, Одам фарзанди! Илм олишга рағбат қилганмисан ёки умринг бекорчи ҳой-у ҳаваслар шамолида тўзиб ўтяптими? Озми-кўпми илмга эриша олган бўлсанг, энди қандай амал қилиясан? Илмда «ғийбат қилинмасин», дейилгани ҳолда сен кунда неча мартаба ўзингни гийбатдан тўхтата олдинг? Бахилликдан-чи? Фазабдан-чи? Амалинг бўлса, дуруст, аммо нима ниятда қилиняпти бу амалларинг? Дўстингга нима мақсадда яхшилик қилдинг? Бу яхшилик ортида тама борми ё холислик? Сен умринг энг гўзал палласида турибсан, сенга ақл ва зеҳн, саломатлик берилган, ота-онанг оила дастурхонини тўкин қилиб қўйган. Қорнинг тўқ, устинг бут. Энди илми мукамал олмоқ ўрнига яна ниманинг ортидан қувяпсан? Санокли сониялар каби тез ўтиб кетувчи умринг давомида неча марта қўлингга китоб олдинг? Бу китобга ажратган вақтингни тарозининг бир палласига, телефон ёки компьютер ўйинига кетган вақтингни иккинчи палласига қўйиб кўр-чи?*

Бадбахтликнинг яна бир нишонаси бор: киши ўзини бахтли ҳис қилади-ю, айна чоқда бирон одамнинг бахтсизлигидан лаззатлана-

ди. Кимда шундай иллат бор экан, тавба қилсин-у бу хасталигини даволаш чорасини топсин. Чунки бахтсизликка учраш унинг қисматида ҳам бор. Бахтсизликка учраганида биров далда бермаса, аксинча, кулса, лаззатланса, нақадар аянчли ҳолга тушаркин!

Мазкур мавзудаги суҳбатимизга «бахтиёрлик – осойишта қалбга эга бўлиш билан вужудга келади», деган фикр билан якун яасасак бўлади. Қалб осойишталиги – илм олиш билан вужудга келади. Сиз ҳозир «бахт» деб ўйлаётган бойлик, мансаб, ҳатто оила қувончи – барчаси ўткинчидир. Ёшлик кунларини илм олишга сарф этаётган кишининг бахтигина боқийдир. Илм олиш бахтига етган одамнинг келгуси ишлари уни саодатга етаклайди. Эндиги суҳбатимиз шу ҳақда.

ИНСОНИЙЛИК ТОЖИ

Суқрот ҳаким «Ўқиб-ўрганмай туриб ҳам фойда ва зарарнинг фарқига ета оламан, деган одамни тентак деб билмоқ керак», деганлар. Қарайлик-чи, атрофимизда шундай тентаклар бормикин?

Илм хусусидаги суҳбат қилмасак ҳам бўларди. Чунки бу ҳақда кўп гапирилган, кўп ёзилган. Ҳар куни бирингиз шошилиб, бирингиз эриниб, ўқишга борасиз. Бирингиз хоҳишсиз, бирингиз кучли интилиш билан илм оласиз. Шунга қарамай, бу мавзуга кенгроқ тўхталишимиз керак. Зеро, бу мавзуда кўп гапирилгани билан тенгдошларингиз орасида мазкур фарзга амал қилиш лозимлигини ҳали ҳам тўла ҳис қила олмайдиганлар ҳам бор.

Ота-она олти ёки етти ёшга етган фарзандини мактабга беради, чунки ҳукумат белгилаган тартиб шундай. Мактабни битиргач, бировлари: «Шунча ўқиганинг етар, энди менга шаҳар олиб берармидинг», дейди (*Бу гап қизларга нисбатан кўпроқ айтилади, тўғрими? Бу ота-оналарга Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг «Илм истаиш ҳар бир муслим ва муслима учун фарздир», деб марҳамат қилганларини эслатамиз. Мазкур шарафли ҳадисда «муслим» ва «муслима» деб алоҳида таъкидланишига эътиборни тортамиз. Кўп масалаларда умумий тарзда «муслмонлар» ёки «Эй иймон келтирганлар!» дейилгани ҳолда аёлларнинг илм олишлари фарз экани алоҳида таъкидланиши «қизларнинг ўқиши шарт эмас», дегувчиларга сабоқ бўлишини истардим*). Яна бировлари: «Ҳамма олим бўлиб кетаверса, подани ким боқади?» деб ҳам қўяди. Афсусимиз шуки, бу бемаъни талаб айрим ёшларга ёқиб тушади. Поданинг боқувсиз қолиб кетишидан ташвишланишлари яхши.

Аммо бу ҳаракатимиз билан комил одамийлик талабларидан бирини инкор этаётганларини ўйлаб кўрадиларми? Уларга «подани боқиш учун ҳам илм керак», дейилса, эҳтимол заҳарханда қиларлар. Уларга балки Суқрот ҳақимнинг «Ўқиб ўрганмай туриб ҳам фойда ва зарарнинг фарқига ета оламан, деган одамни тентак деб билмоқ керак», деган ҳикматли гаплари жавоб бўла олар? Эҳтимол, Сўфи Оллоҳёр ҳазратлари бу сатрларни айнан шундай биродарларимизга атаб битгандирлар:

*Агар бўлмаса илминг, э, сабук сайр,
Билур болинг ву болинг барчасин хайр.*

Демоқчиларки, э, шошқалоқ инсон, илминг бўлмаса, сен учун фойда ҳам, зарар ҳам бирдир. Зеро, сенинг заиф фикрингча, гуноҳларингнинг барчаси ўзингга хайрлидай бўлиб кўринади.

Одам маймунсифат, ҳеч нарсани билмайдиган, маданиятсиз ҳолда яратилмаган. Аллоҳ одамни илми қилиб яратган. Аллоҳ таборак ва таоло элчиси Иброҳим алайҳиссаломга: «Эй, Иброҳим, Мен олимман ва олимларни яхши кўраман», деб марҳамат қилган. Жоҳиллик Одам болаларида кейинчалик пайдо бўлган. Одам кўз, тил ва қалб билан ҳайвонлардан фарқланади. Айрим ҳайвонларнинг кўзлари пиёладек келади, боши ҳам шунга яраша жуда катта бўлади. Аммо улар ўқиш ва илм олиш фазилатидан маҳрумлар. Яралмиш махлуқлардан инсонгагина илм раво кўрилган. Ҳеч қайси махлуққа берилмаган маърифат кийимлари Одам болаларига насиб этилган. Донишманд: «Хотинлар ипак кийимларини безанмоқ учун эмас, балки ўз гўзалликларини кўримоқ учун киядилар», деган экан. Одам ўз инсоний қиёфасини асраши учун ҳикмат ва маърифат либосини кийиши шарт. Баъзилар қилиб қўйган номаъқул ишлари учун нолиб, «Мени шайтон йўлдан урди», дейдилар. Шайтон йўлдан оздиргани рост. Аммо билмоқ лозим: шайтон алайҳилаъна илми одамни, айниқса, илмига тўла амал қилувчи одамни йўлдан оздира олмайди. Илмга интилган киши энг яхши инсондир. **Илмдан юз ўгириш – инсонийликдан юз ўгириш** демак. Чунки **илм – инсонийлик тожи** ҳисобланади. Инсон илм билан шараф топади. Мол-мулк эса жоҳилнинг ғурурланадиган матоҳидир. Илм одамни юксалтириб, ундан ёдгорлик қолдиради.

*Яна бир ҳикмат бор: ҳазрати Одам –
Билим, ақлу идрок сабаб муҳтарам.*

«Қутадғу билиг»даги бу байт бизнинг аждодимиз ким эканини эслатиб турмайдими? Тарихдан аёнким, Одам болалари ер юзида пайдо бўлган дастлабки пайтларданоқ илм сари, ўрганиш сари интилганлар. Ҳазрат Али (р.а) дебдиларким: «Жаннатга кириш ҳайратланарли муваффақият эмас, **маърифат – дунёнинг ўзи-да жаннатга эришиш** демакдир». Ўқув-идрок қоронғи тундаги машъалага ўхшайди. Билим эса машъаладан таралаётган нурга қиёс. У кишини ёритади, унга рўшнолик беради. Ҳар қандай ҳур-мат кишининг ўқув-идрокидан келади. Ўқув-идроксиз киши бир ҳовуч кепак билан тенг, дейдилар. Заковат – ўзаро онт ичишиб дўстлашган кишиларга ўхшаса, билим – яқин қариндошларга ўхшайди. Буни дилга тугиб олмоқ фойдалидир. Дўст-оғайнилар, қариндош-уруғлар даврасидаги киши ўзини дадил сезади. Шундай экан, билимсизлар-чи? «Сўзни билимдон кишига сўзлаш керак, билимсизнинг тилини тушуниш қийин», деб бекорга айтмаганлар.

Билим – мисоли бир жилов, у одамни барча ёмон, ярамас ишлардан тийиб туради. Илм эгаси ўз тилакларини топади, орзу-мақсадларига эришади. Ақл-идрок эгаларининг нафи ҳар доим кўпчиликка тегиб туради. Билимлилар элда азиз бўладилар. Ҳур-мат қозонадилар. Бутун ишлар ўқув-идрок билан амалга ошади. Барча мураккаб ишлар билим билан ҳал этилади. Билимсиз киши-лар – доноларнинг душмани. Билимсиз доимо доноларга хорлик тилайди. Бу улар кўнглининг туб-тубига чўкиб ётган ҳасад аломати. Илмсиз одам сўқирга ўхшайдики, уни камситиб, четга суриб ташлаш инсофдан эмас. Балки кўр кўзни очиш учун билимдон илм хазинасидан унга нур бериши лозим.

Бақувват одамнинг жисмоний кучи доимий эмас, бугун бўлмаса, эртага тугайди. Лекин илм мангу яшайди. Илм эгаси бадавлат бўлмаса-да, ўз иззат ва ҳурматини йўқотмайди. Аксинча, итнинг бўйнига тилла занжир боғланса-да, ҳамма жойда ҳаром ҳисоблангани каби, илмсиз ва саховатсиз давлатманд ҳам кишилар нафратига дучор бўлади.

Илмли одамлар давлатнинг кўплигидан қувониб, озлигидан ранжимайди. Чунки илм шундай битмас ва туганмас хазина ва давлатки, уни ҳеч ким инсондан тортиб ололмайди. Фалакнинг айланиши ҳам унга таъсир эта олмайди. **Ҳар нарса кўпайса, қиймати тушади. Аммо илм ва одоб бундан мустаснодир.**

Улуғларимиздан Абулқосим Замаҳшарий айтадилар:

«Хушсифат ва яхши хулқлар билан зийнатланмаган кимсани ипак кийимлар зийнатлай олмайди. Ернинг зийнати илм эгалари билан, кўкнинг зийнати юлдузлар биландир. Илм бир тоғ мисолидир. Бу тоғдан ошув кўп душвордир, тушув эса осондир. Билувчи

билан кўп текшириб янгилик кашф этган билимдон орасида фарқ каттадир. Капалак ҳам, қарчиғай ҳам қанот қоқиб учади, аммо икковининг учиши бирдай эмас. Байт:

*Чин олим ҳийладан узоқдир, узоқ,
Нурнинг ўз сояси бўлмайди ҳеч чоқ.*

Ҳадис. Жаноби Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг аҳли аёллари Умму Салама (р.а.) ривоят қиладилар: «Ҳасан ёш бола эди, ҳазрати Расулulloҳнинг косаларидаги сувни ичиб қўйди. Расули акрам савол қилдилар:

– Менинг косамдаги сувни ким ичди?

– Ҳасан ичди, – деб жавоб қилинди. Шунда рисолатпаноҳ жанобимиз:

– Ҳасан қанча сув ичган бўлса, барчаси илм бўлсин, – деб дуо қилдилар».

Киши эгаллаган илм ёки ҳунар ҳеч маҳал унга зарар келтирган эмас. «Билимдонга бало йўқ», деб бежиз айтмаганлар. Илмсизлик ва ҳунарсизликнинг хорлик келтириши ҳақида ҳаётда миллионларча мисоллар мавжуд.

Донишманд дебдики: «Мен илм топа олмаган одам нима топганини, илм топган одам эса нима йўқотганини билсам эди...» Илм олишда диққат қилиш лозим бўлган жиҳат: **бу дунёда билмасликдангина эмас, нотўғри билишдан ҳам ҳазар қилмоқ шарт.** Зотан, бу барча ёмонликларнинг аввал боши ҳисобланади.

Ота-оналар орасида бир тоифаси борки, улар фарзандлари то коллежни (ёки лицейни) тугатгунларича уларнинг илм олишга муносабатлари билан қизиқмайдилар. Ўқишни тугатиш арафасида уни бирон олий ўқув юртига киритиш ҳаракатини бошлайдилар. «Фарзанд азиздир», деган ҳикматга амал қилиб пулларини аямайдилар. Мазкур ҳикматнинг «одоби ундан-да азиз», деган иккинчи қисмини унутадилар. Одоб фақат илм орқали камолга етажagini ўйлаб кўрмайдилар. Фарзандни бирон жойга ўқишга беришдан аввал келажакда қанчалик моддий манфаат бўлишини ҳисоб қиладилар. Камдан-кам ота-оналар «Фарзандимни халққа, Ватанга яхши хизмат қилиши учун ўқитишим керак», деган аҳдда бўладилар. Бу ўринда мен шундай ота-оналарни эмас, балки ақл ва зеҳнга суянмай, пул эвазига олий ўқув юртига кириб ўқишдан қувонувчи фарзандларни маломат қиламан.

Сўфи Оллоҳёр ҳазратларининг бу ҳикматлари эҳтимол уларга ибрат бўлар:

*Замона аҳли аксар толиби қадр,
Бўлай деб садри мажлис, қон қилур садр.*

Дейилмоқчики, бу замондаги илм истагувчиларнинг илм ҳосил қилишдан (яъни илм олмоқликдан) мақсадлари халқ ичида ҳурмату обрў топишдир. Бундай мақсад билан охират мажлисининг тўрида ўтирмоққа улар қандай қилиб муяссар бўлсинлар?

Албатта, бундай ният билан охират мартабасини топиб бўлмайди. Дейдилар: «Фарзандимни шарқшунослик институтида ўқитмоқчиман». Сўрайсиз: «Нечун?» Жавоб берарларки: «Хориж мамлакатларига бориб ишласа, кўпроқ пул топиб келади». Дейдилар: «Фарзандимни ҳуқуқшуносликка ўқитмоқчиман». Сўрайсиз: «Нечун?» Жавоб берарларки: «Бу соҳада пул топиб, бойимоқ осондир». Демасларки: «Фарзандимни Ватанга яхши хизмат қилиши учун ўқитгум, фарзандим халққа яхши хизмат қилиш учун илм олсин, сўнг илмига амал қилиб элнинг дуосига етишсин...»

Навоий ҳазратлари бу хусусда шундай деганлар: «Илм ўрганмоқ – эътиқодни мустаҳкамламоқ учундир. Аммо бойлик орттириш учун эмас. Саховатсиз бой ёғинсиз булутга ўхшайди. Илмига амал қилмаган олим устига китоб ортилган эшакка ўхшайди.

*Ҳаммол нафис рахт ила гар урса қадам,
Йўқ нафъ анга гайри музд бир, икки дирам».*

Маъноси: ҳаммол қимматбаҳо юк ташиса ҳам, унга бир, икки дирҳамли иш ҳақидан бўлак фойда йўқ.

Илмли одамни олтинга, билимсизни эса сариқ чақага қиёслайдилар ва дейдиларки:

*Илм агар дилга урар – ёринг эрур,
Урса танга, шубҳасиз, моринг эрур.*

Агар илмни чин дил ва ихлос билан холисаниллоҳ эгалласанг, бутун ҳаётинг даврида оғирингни енгил қилиб юрувчи йўлдошинг бўлади. Агар дунё бойлигига етишмоқ мақсадида илм олсанг, эгаллаган илминг илон бўлиб, танангга чирмашади ва умринг бўйи сени азоблайди.

Юқорида зикр этилган бир неча салбий ҳолатларга учраб турганимиз учун ҳам, айтадиганларимиз такрор бўлса-да, мазкур мавзунини четлаб ўта олмаймиз.

Илм эгаллаш инсоний бурч, юксак масъулиятдир. Илм Аллоҳни таниш, ўзликни англаш, дунёни идрок этишнинг муҳим воситаси-

дир. Шунингдек, давлат қудрати ва мамлакат тараққиёти асосида ҳам илм ётади.

Суюкли пайғамбаримиз (с.а.в.) дейдилар: «Ким илм ўрганиш учун йўлга отланса, Аллоҳ Таоло унга жаннат йўлини осонлаштиради. Малаклар илм толибининг амалидан хушнуд бўлганларидан унга қанотларини ёзадилар. Ердаги ва самодаги барча мавжудотлар ва ҳатто балиқлар унинг гуноҳларини кечишини сўраб, Аллоҳдан унга афв тилайдилар. Олимнинг обиддан устунлиги мисоли тўлин Ой нурининг бошқа юлдузлар нуридан устунлиги кабидир. Шубҳасиз, олимлар – пайғамбарларнинг ворисларидир. Пайғамбарлар ўзларидан кейин на бир динор, на бир дирҳам қолдирдилар. Ким илм олса, ўзига жуда улуғ бир улуш олган бўлур».

Яна бир ўринда бу ҳадис ривоят қилинади: «Бир соат илм ўрганиш бир кечалик ибодатдан яхши, бир кунлик дарс эса уч ой тутилган нафл рўзадан афзалдир». Мазкур шарафли ҳадисни тўғри англамоқ лозим: бунда нафл ибодатлар инкор этилаётгани йўқ, балки улардан ҳосил бўлажак савоб билан илм олмоқдандан ҳосил бўлувчи савоблар миқдори қийёсланяпти.

Муҳтарам Пайғамбаримиз (с.а.в.) илм олаётиб ё илм бераётиб вафот этган кишини шаҳид, деганларким, бунинг ҳикматини англаб этсак, рўпарамиздаги кўп тўсиқларни енгиб ўта оламиз.

Илм – инсонийлик тожидир. Инсон илм билан шараф топади. Мол-мулк эса жоҳилнинг гурурланадиган матоҳидир. Илм одамни юксалтириб, ундан ёдгорлик қолдиради. «Садақат-ул жория» деб аталмиш гўзал амал мавжудким, илм ҳам шу доирага киради. Илм туфайли қолдирилган, одамларга манфаат берадиган ёдгорлик шу олимнинг вафотидан кейин ҳам номайи аъмолига ёзилиб турадиган савоб ёмғирини ёғдириб туради.

«Гулистон»да шайх Саъдий ҳазратлари бир ҳикоятни баён қиладилар.

Ҳикоят. «Миср вилоятида икки амирзода бор эди. Бири илм ўрганди ва бири мол жамъ этти. Охируламр, бири алломайи аср бўлди ва бири Азизи Миср бўлди. Сўнгроқ ул бириким, мол жамъ этмиш эрди, илм ўргангонга ҳақорат кўзи билан қараб, деди: «Мен салтанатга етушдим, сен ҳануз бурунги масконатда турмишсен». Бу деди: «Эй, биродар, Ҳақ Таолонинг бу неъматини шукрин ҳаргиз адо қила олмасменким, пайғамбарлар меросин топмишмен ва сен фираъвн ва Хомоннинг меросин топмишсен, яъни Миср мамлакатага подшоҳ бўлмишсен».

Маснавий:

*Эрурмен нотапон ул навъким мўр,
Эмасмен нишзан ондоки занбур.
Мунинг шукрин нечун қилгум мани зор,
Ки эрмасмен қавий-ю мардумозор.*

Маъноси: мен ниш санчиб озор берувчи арилардан эмасман, мен чумоли каби беозорманким, нечун бунинг шукронасин қилмай?

Мақсадлари фақат бойлик бўлганлар унутмасинларким, Сулаймон (алайҳиссалом)га илм, мол ва мулкдан биттасини танлаш таклиф қилинганда ул зот илмни танладилар. Сўнг унинг сабабидан молга ҳам, мулкка ҳам эга бўлдилар.

Шоирнинг бу сатрларига диққат қилайлик:

*Илм ҳам боқийдир, ҳам абадий у,
Илмдан бошқаси саватдаги сув.
Илмсиз киши нима? Ҳайвон эрур,
Жонсиз тана, бир нақшсиз айвон эрур.*

Исломнинг асосларидан бўлган намоз, рўза, ҳаж, закот одам балоғат ёшига етгандан сўнг фарзга айланади. Бироқ илм олиш муддати бешиқдан то лаҳадга қадар, деб белгиланган. Яъни, она қорнидан туғилганидан то лаҳадга қадар бўлган давр мобайнида бани Одам илм олмоққа мажбур. Қуръони Каримнинг 752-жойида «илм» калимасининг зикр этилиши бу мажбуриятни бажармоқ гоят зарур эканини таъкидлайди. Қудсий ҳадисда Аллоҳ таборак ва таоло марҳамат қиладики: «Эй, одам боласи! Билгилки, саломатлик – бирликда, ихлос – тақвода, художўйлик – тавбада, **ибодат – илмда** ва бойлик – қаноатдадир». Демак, илм олмоққа зеҳни етарли бўла туриб бу фарз амалига эътиборсиз юрган одам бурчини бажармаётган экан. Бу хусусда «Қутадғу билиг»да ажиб ҳикмат бор:

*«Билиг ўгран ашну топуғқа ўқуш,
Билигсиз топуғ осги булмоз улуш».*

Дейилмоқчики, ибодатдан бурун илм ўрган. Билмасдан ибодат қилган билан савоб тегмас.

*Билигсиз топуғ қилмишиндан кўрў,
Билиглиг уюмиш муёни ўрў.*

Дейилмоқчики, илмсизлик билан ибодат қилгандан кўра, илм билан ухлаганнинг савоби кўпдир.

Унутмайликки, ҳаётнинг чегараси бор, илмнинг эса чегараси йўқ.

Ривоят. Бадр урушида асирга олинган мушрикларни нима қилиш масаласи кўрилганда баъзилар уларни ўлдириб юборишни айтдилар. Аммо асирларни маълум маблағ тўлаш ҳисобига қариндошларига бериб юбориш таклифи маъқулланди. Айрим асирлар камбағал, уларни сотиб олувчи қариндошлари ҳам йўқ эди. Шунда Расулulloҳ (с.а.в.) болаларга илм ўргатишни озод бўлишларининг шарти этиб қўйдилар.

Одамлар икки тоифада: билувчилар, яъни илм олганлар ва билмовчилар, яъни илм олмай жоҳил бўлиб қолганлар. Билим олганларни илмларига қараб даражаларга ажратиш мумкин. Илмни ўрганишни бошлагану берилган зеҳн ва идрок неъматига хиёнат қилиб, дангасалиги, сабрсизлиги ёки лоқайдлиги туфайли давом эттирмаган. Буларни чала билимли десак, ранжишмасин. Идрок ва имконияти кўтарганича ўқиб ўрганган, аммо илмни тўла қамровда эгаллай олмаганларни ўртача билимли деймиз. Юқори даража, мукамал илмни олимларнинг мавқеи ҳар томонлама баланд. Бу ҳусусда Аллоҳ ўз каломида «Биладиган зотлар билан билмайдиган кимсалар баробар бўлурми?» («Зумар» сураси), деб марҳамат қилади. Албатта, улар тенг эмаслар. Ўзингиз мулоҳаза қилиб кўринг-чи: тилсиз ва қулоқсиз одам билан саломат одам тенгми? Тилсиз ва қулоқсиз одам имо ишоралар билан соғ одам вазифасини бажариши мумкин. Лекин илмсиз одам илмни кишининг вазифасини ҳеч қачон бажара олмайди.

Буқрот ҳаким айтганларидек: «Агар киши ўзи мукамал эгалламаган илм ҳақида гапирмаса, одамлар орасида тушунмовчилик ва тортишув юз бермайди. Жангу жадал олови сўнади».

Шу ўринда бир масалага ойдинлик киритишга ҳаракат қилиб кўрайлик: илм олишга даъват этувчи оятлар ёки ҳадисларни айрим биродарларимиз фақат диний илм олишга хос деб шарҳламоқчи бўладилар. Уларнинг бу фикрлари тўғри эмас. Чунки дунёвий илмларга эга бўлмаган миллат асоратда қолади. Шунинг учун ҳам Расулulloҳ (с.а.в.) «Илм олиш учун ҳатто Чин мамлакатига ҳам боринглар», деганлар. Хитойда ислом дини илми мутлақо йўқ эди-ку! Бутпарастрлар мамлакатига бориб фақат дунёвий илмларни ўрганиш мумкин бўлганлиги ҳақиқат эмасми?

Аслида илмни диний ва дунёвий деб иккига ажратиш тўғри эмас. Зеро, бу ажратиш насроний динининг меваси. Бу дин тарихида «инквизитсия» (лотинчада «таъқиб» маъносини англатади)

деган жаҳолат ва зулм даври бўлган. Католиклар оламида XIII асрда бошланиб, то XIX асрга қадар давом этган бу ҳаракатдан асл мақсад насроний эътиқодига зид бўлган таълимотларга қарши курашиш эди. Бу даврда неча ўн минглаб одамлар гулханда ёқилди. Булар орасида жодугарликда айбланган олимлар ҳам кўп эди. Ислом динида бундай жаҳолат бўлмаган, аксинча, барча илмларни олиш рағбатлантирилган. Дунё фанининг шарқда гуллаган, беқиёс даражада ривожланган даври айнан ислом тарихи билан боғлиқ. Хоразмий, Беруний, Фарғоний, Форобий, Ибн Сино каби илм даҳоларининг фаолиятларини ёдга олсак, фикримизга далил бўлар. Ҳам дунёвий, ҳам ухровий илмни биргаликда олиб борилганига Амир Темура ҳазратларининг ҳаётлари ҳам мисол бўла олади. Ул зот «ҳофизул Қуръон» бўлганлар. Қуръон, ҳадис, тавҳид, тафсир, фикҳ, тасаввуф илми билан бир қаторда тарих, фалсафа, жуғрофия, иқтисод, ҳарб, санъат, меъморликни яхши билганликлари тарихдан маълум. Ўзингиз айтинг: жуғрофияни билмай туриб жаҳонгир бўлмоқлик мумкинми эди?

Беҳбудий миллат келажаги ҳақида қайғуриб фикр юритар эканлар, «дунё турмоқ учун дунёвий фан ва илм лозимдир. Замона илми ва фанидан бебаҳра миллат бошқаларга поймол бўлур», деб таъкидлаган эдилар. Бу фикрнинг нақадар тўғри эканини англаш учун тарихга бир назар ташлаш кифоя. Шарқ мамлакатларининг қудрат топиши фақат илм билан бўлди. Бу мамлакатларнинг хорланиши, ўзга мамлакатларга қул бўлишлари эса илмнинг таназзулга юз тутиши, бошқачароқ айтсак, жаҳолат туфайли бўлди. Ҳа, ғоят кучли мамлакатларни илмсизлик барбод этган. Илмдан юз ўгирган мамлакатлар ўзга мамлакатларга қул бўлишдан аввал ўз жоҳилликларига қул бўлган эдилар. Зеро, Суқрот ҳаким демишларки, «фақат бир эзгулик бор – билим ва фақат бир ёмонлик бор – жаҳолат». Нажот эса бир – Бухорий ҳазратлари ёзганларидай, **«дунёда илмдан бошқа нажот йўқ ва бўлмагай»**. Қай миллат олам аро улуғликни истабди, Юсуф Хос Ҳожиб ҳазратларининг ўғитларига амал қилсин: **«Ўқув қайда бўлса, улуғлик бўлар, билим қайда бўлса, буюклик бўлар»**. Дунё неча минг йиллардан бери илмсиз одамнинг улуғланганини кўргани йўқ.

«Қутадағу билиг»да шундай ҳикматли сатрлар бор:

*Билиг бирла ёзлур қомуғ терс тугун,
Билиг бирла уқуш уқ тирилгил ўгун.
Билиг ишқа тутқил тақий тил кўпи,
Тақий ўгранутур усанма бу кун.*

Дейилмоқчики: ҳар бир қийин ишлар илм билан ҳал қилинур. Шунинг учун ақлли бўл, илмли бўл. Ақл билан яша. Илмни тўғри тил билан ишлат. Яна бир тарафдан ўрганишни қўйма.

Илмнинг ҳамма турини эгаллашга барча ҳам қодир эмас. Чунки одамлардаги зеҳн даражалари ҳар хил. Шунинг учун дунёвий илмларни эгаллаш фарзи кифоя саналади. Мисол учун, бир одам математиканинг ғоят оғир масалаларини осонгина ҳал қилиб бера олса, бошқа одам бу формулаларни идрок қила олмайди. Бошқа бир одамнинг лаёқати кимёда, яна бошқасиники табобатда...

Умидимиз юлдузлари, ўқиш жараёнида сизни бир нарса қийнайди. Барчанинг бир даражада илм ололмаслиги ҳақиқат. Лекин катталар бу ҳолатни кўпинча тан олмайдиларки, сизнинг парижонлигингиз шундан. Бу ҳолатдан менинг ҳам кўнглим оғрийди. Кўпгина оилаларда фарзанд бечора ўз зеҳнига муносибини эмас, балки ота-онаси истагига мос илмни эгаллашга мажбур. Шу илмга унинг иқтидори борми, йўқми ўйлаб ҳам кўрилмайди. «Фалончининг ўғли физик бўлибди, менинг ўғлимнинг ундан нима ками бор, у ҳам физик олим бўлади!» деб чиранадилар ёки «фалончининг қизи уч ойда инглизчани ўрганиб бийрон-бийрон гапирадиган бўлибди, сен дангасасан, ҳали тўртта гапни эплаб гапиролмайсан!» деб уришадилар. Оқибатда боланинг умрини совурадилар.

Ўрни келганда олдинги суҳбатимизда бошлаб қўйган гапимни давом эттирай.

Бу дунёда яшаб, илмга рағбат этмаган кишини ҳаммомга кириб, ювинмай чиққан нодонга ўхшатишади. Шукрким, илм истовчи ёшлар кўп. Аммо улар орасида ҳаммомга ғоят кўп миқдорда пул тўлаб кирганлари ҳолда, ювинмай юриш учун яна қўшимча ҳақ тўловчилар ҳам бор. Демокчиманки, ота ёки она, амаки ёки тоға фарзанди ёки жиянининг ўн икки йил ўқигани билан билимсиз эканини, илм олмоққа рағбати ёки идроки йўқ эканини билса-да, пул, ўз номи билан айтсак, пора эвазига юқори ўқув даргоҳига киритадилар. Бу билан кифояланишса, олам гулистон эди. Афсус шундаки, ўша бола, илмга чанқоқ, аммо пули бўлмагани туфайли ўқишга кира олмаган зеҳн эгасининг ўрнини эгаллаб турган ўша думбул, бари бир илм олмайди. Тўрт-беш йил мобайнида биттагина дафтарни дастмоя қилиб кўтаради-ю бориб-келаверади. Имтиҳон чоғларида эса отасининг чўнтаги яна кавланади. Бундан айрим муаллимлар ҳам манфаатдорлар. Ўша «айрим муаллимлар» илм истагидаги идрокли бола ўрнига дангаса ва нодоннинг ўқишга кириб қолганидан қайғурмайдилар. Жамият тақдири майли, ҳатто ўз фанларининг келажагини ўйламайдилар. Жамиятга хиёнат қила-

дилар, фанга хиёнат қиладилар. Илмсиз болага диплом берилиши туфайли жамиятнинг озор чекиши уларни ташвишга солмайди. Пора бериб ўқишга кирганларни икки тоифага ажратиш мумкин: биринчиси, юқорида айтганимиздек битта дафтарни кўтариб олиб ўқишга бориб келувчи такасалтанглар. Иккинчи тоифа булардан ҳам ўтиб тушади. Бу тоифа бирон виждонсиз муаллимни топиб, унга синов дафтарчасини бериб қўяди, вассалом! Ўзи ўқишхонага қадам босмайди. Синов дафтарчасига эса баҳолар қўйилаверилади. Оқибатда бу ноинсоф диплом ишини ҳам аъло баҳога «ҳимоя қилди». Бундайларга ёшларнинг ўзлари «зачеткаси ўқиди» (синов дафтарчаси ўқиди) деб, таъриф берадилар.

Умидимиз юлдузлари, сиз бу тенгдошларингизни яхши биласиз. Кўнглингиз ғашланади. Лекин бирон чора кўриш имконияти ҳозир сизда йўқ. Бу ҳолатларни кўриб, «ҳаётда адолат йўқ экан» деган бадбин хулосага ҳам келиб қоласиз. Сиз шу бадбинликдан эҳтиёт бўлинг. Тўғри, адолатсизликлар бор, лекин у узоқ йиллар давом этмаслиги керак. Сиз улғайганингизда бу адолатсизликларга барҳам бериш имконига эга бўласиз. Кўпроқ шу ҳақда ўйланг. Ота-оналарингиз замонидаги хатоларни қайтармаслик чорасини кўришга ҳозирдан тайёрланинг. Адолатсизликни кўрганда «менга нима!» деб қўл силтаб қўйиш, лоқайд бўлиш касаллигига ҳозирдан чалиниб қолманг.

Кейинги йилларда хорижга бориб ўқишга интилиш кучайди. Бу ҳаракатни бутунлай инкор этмаганимиз ҳолда деймизки, хорижда олинадиган илмни ўз юртимизда ҳам эгаллашимиз мумкин. Чунки ҳам ухровий, ҳам дунёвий илмларда етук олимларимиз борки, баъзи соҳаларни хорижликлар келиб биздан ўрганишса арзийди. Бу борада фақат бир масала ҳал қилинса бас: ўргатувчига ҳам, ўрганувчига ҳам хориждаги шарт-шароитларни муҳайё қилиб берилса кифоя. Олдимиздан оқувчи сувни қадрласак, ўзимизга фойдадир (Биласизки, кейинги йилларда жумҳуриятимизда дунёнинг йирик дорилфунунлари Вейсмейстер, Турин, Сингапур университетлари, Россиянинг иқтисод ва геология соҳасидаги олий ўқув юртлари ўз бўлимларини очганлар). Бизнингча, гап **қаерда** ўқишда эмас, **қандай** ўқишда! Илмни ўрганишга чин ихлос билан киришиш керак. Ишига ихлоссиз киришган уни охирига етказа олмайди. Кейинги йилларда хорижга борган **айрим** ёшларимизнинг асл мақсадлари илм олиш бўлмаганини кўрдик. Таъбир жоиз бўлса, ўша **айрим** ёшларимиз илм толиби сифатида эмас, томошаталаб сайёҳ мақомида ўйнаб-кулиб бориб келишди. Илмга эмас, сайру томошаларга ихлос қўйишди. Яъники, хориж ҳаммомига бориб,

ювинмай қайтиб келишди. Номлари улуғ: чет элда ўқиб келган! Аммо супраси қуруқ – бошда илм йўқ, бирон-бир ишни эплолмайди. Илм танбал ва ишёқмасларга насиб этмайдики, бу ҳам сизу бизни ўйлантириши лозим бўлган бир масаладир.

Айтишларича, бир одам арабча ўрганишни ҳавас қилиб, илмни дўстларидан биридин олтин тахта устига бир неча арабча сўзларни ёзиб беришни сўрайди. Дўст илтимосни бажаради. У одам эса араб сўзлари ёзилган олтин тахтани уйига олиб боради ва унга ҳар замон – ҳар замонда бир қараб қўйиб, ниҳоят «арабчани жуда яхши билиб олдим», деган қарорга келади-ю мажлисда арабча сўзламоқчи бўлиб, миси чиқади. Мажлис аҳлидан бири унинг илмсизлигини фош этиб, кўпчилик олдида уялтиради. У жоҳил одам эса: «Мендан хато топа олмайсан, сен ёғоч тахтага ёзиб ўргангансан. Мен ўрганган олтин тахтага шундай ёзилган», деб ғазабланади.

Илмни бўлиш инсонга ўз ҳурматини оширмақ ва иззатини сақламоқ учун ҳам керакдир. Илм бошқаларга ўргатиш учунгина қўлга киритилса, одамнинг ўзи ундан бирон наф кўрмаса, у сувидан барча фойдаланадиган, лекин ўзи бебаҳра булоққа ўхшаб қолади. Икки нарсадан: илм ва мол-дунёдан одам аввал ўзи фойдаланиб, сўнг бошқаларга улашиб бериши керак, дейдилар. Аммо мазкур фикрни бу шарафли ҳадис зидди деб тушунмаслик керак. Шарафли ҳадислардан бирида зикр этилишига кўра, агар ерни одамга қиёсласак, ёмғир илмдир. Ёмғирдан ернинг ўзи ҳам манфаат кўради, тўяди ва шунинг эвазига бағрида экинлар ўстиради, мева беради. Баъзи ерларда сув тўпланади, кўл бўлади. Бу сувдан одамлар, жониворлар ичадилар. Айрим ерларга ёмғир ёққанининг фойдаси йўқ, сингиб кетаверади, гиёҳ унмайди. Ернинг ёмғир сувига тўйиши, сўнг мева бериши, бағрида тўпланган сувдан бошқаларнинг баҳраманд бўлиши илмга амал қилмоқликка бир ишора. «Ер тўйса – эл тўяди», деган мақолга кўра, агар ер тўймаса, унинг бағрида униб-ўсувчи ўсимликлар мева ҳам бермайди.

Илмга интиланган киши энг яхши инсондир. Илмдан юз ўгиришни эса инсонийликдан юз ўгириш деб билмоқ керак. Киши «Эртага нима бўларкинман?» деб ғам чекмаслиги учун кунини илм билан нурлантириши зарур бўлади. Чунки илм уни адаштирмайди, хайрли оқибат келтиргувчи йўлларга етаклайди. Танлаган йўлининг тўғри эканини киши қандай англайди? Агар илм топгани сайин кимсанинг кибри ўла борса, демак, у тўғри йўлда. Қуёш зулматни қувгани каби илм нури одамдаги ботил ишончларни кетказдими, демак, унинг қаршисида шараф дарвозалари очилибди. Ботилдан юз ўтирган одам илмни илм денгизидан идишига сиққанича ола-

веради. Ҳамма нарсани йўқдан бор қилганни англаган ва билган одам оқибатда энг катта илмга эришган бўлади. Саҳрода адашган сайёҳга кўкдаги юлдузлар, ҳаётда адашганларга эса олимлар йўл кўрсатадилар. Илмни ўрганишга киришмоқдан аввал ҳидоят йўлидаги устозга ихлос билан боғланиш керак. Таъкид этамизки, илмга ва устозга ихлоссиз боғланган кимса ишни охирига етказа олмайди. Шунингдек, мағрур ва нопок олимлардан илм олганлар ҳам мақсадга етолмайди. Замонасининг энг аъло олими саналса-да, ахлоқан бузуқ, жамоатга, жамиятга қўшилмайдиган инсонлардан ҳар доим узоқроқ юриш ва сақланиш лозим. Зеро, бундай кишилардан кўп зарарлар келиши мумкин. Олимларда учрайдиган ҳар қандай иллат бошқаларникидан кўра зарарлироқдир. Олимлардаги ёмон хулқ юқумли хасталик сингари гоят хатарлидир. Унинг яхши инсонларга тез ўтиб қолиш хавфи мавжуд.

Илмига амал қилувчи олим – олам нуридир. Инсонлар шу нурга интиладилар. Тоғларга чиққанда киши роҳатлангани каби илмга рағбат қилган ақл эгаси олимларнинг ёнига борганда ажиб бир ҳузур топади. Илмига амал қилмаган уйқусираган одам кабидир. Агар илм тилда қолаверса, қалб тирилмайди. Илмни оғзида қолдириб, ёмон амаллар қилганлар Қуръони Каримда китоб юкланган эшакка ўхшатишган. Кимки илмига мувофиқ иш тутмабди, эшакликдан қутулмабди. Бошқача айтганда, бундай ҳолат берилган зеҳн, идрок, ақлни исроф этмоқликдир. Масалан, кибернетика илмини эгаллаган кимса, бозорда аёллар ичкўйлагини сотиб ўтирса, унга нима деймиз? Имом Ғаззолий ҳазратлари илмига амал қилмаган олимни бошқаларни кийинтиргани ҳолда ўзи яланғоч қолган игнага ўхшатганлар. Илмига амал қилмаган кишининг жоҳил ва нодондан фарқи йўқ, дейишади.

Чунки «Илм билан амал – лафз ва маъно жиҳатидан бир-бирига мулозим ва мувофиқдир. Чунки илмдан мақсад – амалдир.

*Илм, Навоий, сенга мақсуд бил,
Эмдики илм ўлди, амал айлагил».*

Ҳазрат Навоий яна таъкид этарларким: «Илм ўқиб, унга амал қилмаган – ерни ҳайдаб, уруғ сепмаган ёки уруғ сепиб, ҳосилдан баҳра олмаганга ўхшайди».

Имом Аъзам (р.а.) бу хусусда «Чўлда адашганда кўп озуқадан кўра, адашмай тўғри юрилганда озгина озуқа қанчалик фойдали бўлса, илмга асосланган озгина амал ҳам жаҳолат ила қилинган кўп амаллардан фойдалироқдир», деганлар.

Хожа Аҳмад Яссавий ҳазратларининг ҳикматларида ўқиймиз:

*Амал қилса олимлар дину ойин ёруқи,
Кўрса бўлур аларни ранги-рўйи кўркини.
Амал қилмай қол илмин, ўқуй билмай қолганлар,
Орқасига кўтарур қирқ эшакни юкини.
Хожамен деб лоф урма, ушбу дунё бепоён,
Биламен, деб айтма, сен, кўнгилдаги чиркини.*

Саҳл Тустарий ҳазратлари таъкид этмишларким: «Олимлардан ташқари ҳамма ўликдир. Илмига амал қилувчилардан бошқа барча олимлар сархушдир. Ихлослилардан бошқа барча амал қилувчилар алдангандир». (Илмсизлар ўлик каби, дейилганда жисмнинг эмас, руҳнинг жонсизлиги назарда тутилганини англаб турибсиз, деган умиддамиз.)

Имом Ғаззолий ҳазратларининг қуйида баён этилгувчи ибратларини ҳар биримиз ёдда сақласак чакки бўлмайди.

Ҳикоят. «Ақлий ва шаръий илмларни ишғол қилган эдим. Жуда кўп талабаларим бор эди. Қарасам, турли эҳтиромларга ўралиб қолибман. Шунда илм олишдан мақсадимни тушунгандай бўлдим. Амалим Аллоҳ ризоси учун эмас, мақом савдоси ва шуҳрат орзуси йўлида экан. Билдимки, ҳалок бўлишим муқаррар. Жарнинг ёқасига келиб қолибман. Ўз-ўзимга: «Қани, тезроқ ҳаракат қил. Умринг оз қолди. Ўрганган илмларинг ҳақиқатга айланмас экан, бу бир алданишдир. Энди вақтингни бўш ўтказишда давом этаверсанг, оқибатинг нима бўлади?» дедим.

Шу пайт ўзимда бир ўзгариш сездим. Дунё ва дунё савдоларидан қочиш билан дунё орзулари ва охират орзуси ўртасидаги ҳайрат водийсида олти ой жонсарак ҳолда қайғу ва кўз ёшлари ичида қолдим. Юрагим изтироб чекарди. Нақадар ожиз эканлигимни тушуниб етдим. Ихтиёримнинг қўлдан кетаётганига томошабин бўлиб турар эдим. Давосиз дардга, чорасиз хасталикка дучор бўлган киши каби Аллоҳга ёниб-ёлбордим, тазарру айтдим. Ниҳоят, «Намл» сурасида: «...ёки музтар-ночор одам дуо-илтижо қилган вақтида (дуосини) ижобат қиладиган ва (унинг) мушкулини осон қиладиган...» дейилгани каби, Аллоҳ Таоло дуоларимни қабул айлаб, қалбимни уйғотди. Ичимдаги мол ва мақом орзуси йўқ бўлди. Ҳаммасидан юз ўгирдим.

Зикр, узлат, хилват, нафсни тийиш, риёзат ва ахлоқимни мукаммаллаштириш билан машғул бўлдим. Илмал яқин билан билдимки, Аллоҳга етишганлар ва ҳидоят йўлида юрганлар тасаввуф

аҳли бўлган буюклар экан. Энг гўзал сийрат ва ахлоқ уларда экан. Зеро, уларнинг зоҳирий ва ботиний ҳоллари пайғамбарлик нуридан олингандир. Ер юзида эса пайғамбарлик нуридан ҳам порлоқроқ нур йўқдир».

Абдуллоҳ ибн Масъуд (р.а.) сўрадилар: «Эй, Расулуллоҳ, охиратда сизнинг умматингиздан ёмонларнинг ёмонроғи ва азобининг кўпроғи қайси одам бўлади?» Ул саййид бул сўроққа шу он жавоб бермадилар. Сўрагувчи киши уч марта такрор сўраганларидан сўнг Пайғамбаримиз (с.а.в.) дедилар: **«Охиратда ёмонларнинг ёмонроғи – илмларидан фойда олмай, амал қилмаган олимлардир. Халқ орасида нима ҳукм қилсалар пора учундир. Авомларнинг нафси ҳаволарига қараб юрган олимларга бериладиган азоблардан қаттиқроқ азоб ҳеч кимда бўлмас».**

Жавобнинг савол уч карра қайтарилганидан сўнг берилишига сабаб: Пайғамбаримизнинг (с.а.в.) олимлар ҳурматини сақлаб, уларни айблашга шошмаганларидадир. Аллоҳнинг ҳабиби он ҳазрат ўша мажлисда яна дедилар: **«Охиратда яхшиларнинг энг яхшироғи – яхши олимлардир. Улар билган илмлари билан халқ орасида амри маъруф ва наҳйи мункар қиладилар. Юмшоқ сўзлар сўзлаб, фосиқлардан йироқ қочгувчи бўлурлар. Бойлару амалдорларнинг мажлисларига яқин йўламаслар. Ва буларга бойликлари учун тавозе қилмаслар. Ҳукмлари учун пора олмайдилар. Масжид йўлидан қолмай, баҳслар қилмайдилар. Ҳар қандайин замима ишлар бўлса, яхши олимлар барисидан йироқ бўладилар».**

Олам аҳлини тўғри йўлга бошловчи Пайғамбаримиз (с.а.в.) яна дедилар: **«Дўзахда бир азобли қудуқ (чуқурлик) бор. Ўша қаттиқ азобли қудуқни Аллоҳ Таоло «Жуббул ҳузн» («қайғу қудуғи») деб атади. Ул қудуқ риёкор қорилар учундир. Булар шундайин олимларки, илм топиб, риёкорлик билан халқ орасида ниятлари фақат обрў-эътибор топиш бўлган».**

Уламоларнинг тушунтиришларича, у қудуқ жаҳаннам ўртасида жойлашган. У чуқурнинг ҳайбати-ю азоби кўплигидан жаҳаннамнинг ўзи Аллоҳ Таолога ҳар куни тўрт юз марта мадад сўраб сиғинар экан.

Шайх Саъдийдан ўқиймиз:

«Икки киши беҳуда ранж кўрдилар ва бефойда саъй зуҳурга еткурдилар. Бири улким, кўп мол йиғинди ва емади. Яна бири улким, кўп илм ўрганди ва амал қилмади. Маснавий:

*Илм аро гар ваҳиди давронсан,
Амалинг бўлмас эрса нодонсан.*

*Топмогунг дониш аҳли ичра ҳисоб,
Бир эшаксен, сенга юк ўлди китоб,
Бўлмагай ҳаргиз ул эшакга хабар,
Ўтун устида ё эрур дафтар.*

Илмни ўрганмак... дунё учун, неъматни емакга васила ва равеш қилмоқ учун эрмастурур. Байт:

*Илм сотмоқга кимки юз ўрди,
Жамъ этиб хирман ўтга куйдирди.*

Ҳикмат «Парҳезкор бўлмаган олим машъаладор бўлгон кўрдур. Ўзгани йўлга солур ва ўзи йўлдин қолур. Байт:

*Илмдин ҳар кишики олмади ком,
Бир мато олмай этди зарни тамом».*

Эрон шоҳининг вазири Бузургмеҳрдан: «Илм афзалми ёки мол?» деб сўрашди. «Илм», деди вазир. Яна сўрадилар: «У ҳолда нега олимларни бойларнинг эшигида кўрамизу, бойларни олимлар эшигида кўрмаймиз?» Жавоб бўлдики: «Чунки олимлар молнинг фойдасини билади. Бойлар эса илмнинг фазлини билмайди». Ажиб ва доно жавоб! Олим билади. Бой бутун бойлигини сарфлаганда ҳам сотиб ололмайдиган илмнинг фазлини билмайди. Мана шу жиҳати билан бой, гарчи олимни ўзининг эшигида хизмат қилдирса ҳам, даражада олимдан анча паст туради.

Адабиёт дарслигида ўқиган бўлсангиз керак: Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг «Падаркуш» сахна асарларида ўғлининг илм олишига рағбат кўрсатмаган бойнинг фожиаси кўрсатилган. Аммо уларда илм аҳли билан давлатмандлар бир-бирларига зид қўйилмаган. «Бойларнинг ҳаммаси илмсиз бўлади», деган хулоса эса нотўғридир. Чунки ҳалол йўл билан топиладиган бойликка илмсиз эришиб бўлмайди. Бундан ташқари истеъдодли ёшларнинг илм олишлари учун ҳиммат қилган бойлар ўтмишда каммиди? Бугунги кунда ҳам шундай ҳиммат эгалари бор. Улар илм учун сарфлаган маблағларига яраша эл ардоғига етишадилар.

Илм олмоқлик афзал, илмга амал қилмоқлик зарур экан. Илм ўргатувчи ҳақида нима деймиз?

Саййидимиз Муҳаммад алайҳиссалом бу хусусда: «Ким бировга бир нарса ўргатса, ундан ўрганиб, амал қилган одам савобича

савоб олади», деб марҳамат қилганлар. Яна таъкид этганларким: «Инсонларга яхшиликни ўргатиб, ўзини унутган киши инсонларга ёруғлик таратиб, ўзини эритган мум кабидир».

*Киши икки турлуг киши отанур
Бири ўргатигли, бири ўгранур.
Икидин нару борча йилқи сони,
Тиласа муни тут, тиласа они.*

«Қутадғу билиг»да таъкид этиляпти: инсонлар бири ўргатувчи яна бири ўрганувчи деб икки турли бўлур. Бу иккисидин қолганини йилқи санаб, истасанг бу йўлни, истасанг у йўлни тут. Бу фикр сизга ёки тенгдошларингизнинг баъзиларига қўпол туюлиши эҳтимоли бор. Лекин холис ўйлаб кўрайлик, киши бир нарсани бошқаларга ўргатмаса, ўзи ўзгалардан ўрганмаса, унинг ҳайвондан нима фарқи қолади? Инсоннинг бошқа жонзотлардан фарқи айнан шунда эмасми?

Умидимиз юлдузлари, сиз туғилиб, беш-олти кунлик бўлганингизда оналарингиз сизларни бешикка солдилар. Кеча ва кундуз тинмасдан ҳаракат қилиб, кўкрак сутлари ила парвариш қилдилар. Қачонки олти-етти ёшга етганингизда мактабга берадилар. Мактабда муаллимлар сизларни меҳрлари билан тарбия қилдилар. Шу боис мактабни «илм бешиги», деб ҳам атайдилар. Бу бешикда сиз илм ва одоб ўрганиб, ақл ва фикрларингизни ўстирдингиз. Бола чофингизда тан саломатлиги қанча зарур бўлса, ақлингиз ва фикрингизнинг саломатлиги ҳам муҳимдир. Чунки ақл ва фикрсиз тандан на ўзи учун, на бошқалар учун фойда бор. Шунга кўра, биринчи бешикка қараганда иккинчиси афзал кўринади. Биринчи бешикда сут ва таом бериб боққан она ва ота қанчалик азиз бўлса, иккинчисида илм ва одоб ўргатиб тарбия берган муаллим ундан ортиқ азиздир.

Тарихга шон-шараф берган буюк давлат арбоблари улуғ устозлар парваришида етишган эдилар. Бу устозлар ўз тарбиясидагилар қалбига масъулият ва марҳамат туйғулари жойлаштирганлар. Инсоният тарихида ўтган шоҳу султонларнинг сон-саноғи йўқ. Лекин уларнинг оз қисмигина кишилиқ хотирасида қолган. Тарих зарварақларида номлари нақш этилган шахслар ҳаётига разм солсак, уларнинг доно устозлардан сабоқ олганларига гувоҳ бўламиз. Доно устоздан сабоқ олмоқ бир масала, бу сабоққа амал қилмоқ янада муҳимроқ масала. Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Мирзо Бобур ҳазратларининг устозларга кўргазган меҳр-илтифотлари бизга маълум. Мирзо Улуғбек ёшлиқ чоғларида, гарчи шахзодаларга хос

одат бўлмаса-да, устозлари Қозизодайи Румий ҳазратларининг тўнлари этагини ўпган эканлар. Мирзо Бобур Самарқандга лашкар тортиб келганларида Хўжа Аҳрор валий ҳазратларининг беҳуда қон тўкмаслик хусусидаги ўғитларига амал қилиб, жанг қилмай изларига қайтганлар. Амир Темур ҳазратларининг хотираларида устозларнинг мартабаси хусусидаги ибратли гапларни ўқиймиз:

«Мени ёшлигимда ўқитган мулла Алибек деган кишинининг оғзида тиши йўқ бўлса ҳам, маҳалла болаларига Қуръон таълими бериб, хат ёзишни ўргатар эди. Мен етти ёшимда бу одамнинг мадрасасидан чиқиб, Шайх Шамсиддиннинг мактабхонасида ўқидим. Мен Кеш шаҳрини бино қилдираётган чоғимда у одамнинг вафот этиб кетганига хийла вақт ўтиб кетган эди. Устозларимдан Шайх Шамсиддиндан қолган фарзандларининг ҳаёт вазияти ёмон эмас бўлса ҳам, Мулло Алибекнинг фарзандларида қийинчилик борлиги кўринур эди. Бу аҳволни кўзда тутуб, устозим Мулло Алибекнинг фарзандларининг ҳар бирига бир донадан уй солиб бериш билан, уларни узилмас маош билан таъминлашни волийларимга таъкидлаб амр берган эдим.

Шу мавзу устида Шом шаҳрида кўрушганим Ибн Холдун деган зотнинг бир ҳикматлик сўзи ҳамон ёдимда эди. У одам бундоғ дер эди: «Аллоҳ Таоло инсонларга берган саломатлик неъматидан кейинги неъмат, улуғ одамлар билан дўст қилмоқ неъматидур. Чунки улуғ одамнинг дўстлиги орқасидаги кишилар, тилак ва орзуларига эришиб, халқ орасидаги ўрни ва ҳашамати ҳам юқорилайдур», деб эди. Бу ҳикматлик сўздан ташқари ўз идрокимда шундай бир ғоя ҳукмфармо эдики, менга нисбатан ҳар қандай жиҳатдан дўстлиги зоҳир бўлган, озу кўп хизматлари сабоқ айтган зотларнинг ўзларигина эмас, авлодлари ҳам маишат тўғрисида қийналар экан, бу менинг паст фитратлигимга далил бўлғай, деб тушунар эдим. Бу умумий кўз қараш орқасида ёлғиз Мулло Алибекнинг авлод афродларигина эмас, киндигим қони тўкилган, кўзим очилганда биринчи марта шу шаҳарни кўрган, мен билан бирга бу шаҳарда ҳаёт кечирган эркак-хотунларнинг барчасининг устозларим каби зиммамда ҳақлари бор эди. Буларнинг бир ҳам-шаҳарлари дунёга ҳоким бўла туриб, буларнинг қийинчилик ичида яшамоғлари муносиб бўлмағай, деган фикрда илгаридан Кеш шаҳрининг бўлиб келган ўз қуввату лоёмутига ҳожатманд қадим ерлик кишилардан бўлмоғи шарти билан туғулган шаҳримда бирор фақир одам бўлмаслиги учун доимий ойлик тайин қилдим. Бирор одам оила таъминотидан қийинчилик кўриб ғамлик бошини тиззасига қўймаслигининг тадбирини кўрдим».

Бу гапларни ўқиб ўйланиб қолдим: Амир Темурдан олдин ва кейинги йилларда оталаридан сўнг тахтга ўтириб, саройдаги илм аҳлининг қадрига етмай, хорлаганлар ва оқибатда ўзлари хорланганларга шундай васият қилинмаганмикин? Қилингандир. Илм аҳлининг қадрига етган подшоҳ уларнинг келажагини ўйлаши табиий ҳолдир. Кўзлари хазинадаги олтин жилосидан кўр бўлган тахт ворислари бу васиятни назар-писанд қилмаганлар. Натижада, тириклик чоғлари элнинг қарғишига қолдилар, ўлгач, номлари қора билан ёзилди...

Искандар Зулқарнайнинг (Александр Македонский) Арасту (Аристотел) исми устози бор эди. У билан бемаслаҳат иш қилмасди. Устози саройга кириб келса, ўрнидан туриб, иззат билан кутиб оларди. Ҳатто уни ўз отасидан ҳам ортиқроқ кўрарди. Бир куни Искандар Зулқарнайндан: «Нечун Арастуни отангиздан ортиқ иззат қиласиз?» деб сўрадилар. Ул дедики: «Отам гўёки мени осмондан ерга туширди. Аммо устозим Арасту мени ердан осмонга кўтарди» (Яъни, отам мени дунёга келмоғимга сабаб бўлди. Устозим илм ва одоб ўргатиб, мартаба ва иззатимнинг ортмоғига сабаб бўлди).

Ривоят. Яна ҳукмдорлардан бири Султон Салим Мисрни забт этиб, Истанбулга қайтаётган эди. У қўшин олдида устозлари, мулозимлари, шайхул-исломлар қуршовида эди. Зафар машқлари чалинганда ибн Камолнинг оти ҳуркиб, сакради-ю Султоннинг сут каби оппоқ либосига лой сачради. Буни кўрган ибн Камол кўрқиб кетди. Бошқалар ҳам подшоҳнинг ғазабланишини кутдилар. Аммо Султон Салим дедики:

– Бу либосимни олиб, сақлаб қўйинг. Бу либос шундайлигича, лойи билан сақлансин!

Вазирлар бу буйруқ ҳикматини, сабабини сўраганларида Султон Салим шундай жавоб берди:

– Муҳтарам зот отининг оёғидан сачраган лой бизнинг шарафимиздир, у охирада васиқаи баротимиз бўладир. Либосимизга теккан лойни кўриб, авлодимиз ҳам ибрат олсинлар, уламо отининг оёғидан сачраган лой бизнинг назаримизда қанчалик қадрли эканлигини дунё тургунча авлодимиз хотирласин.

Бу ҳикоятларга ҳазрат Навоийнинг бир ранж ила ҳарф ўргатган устознинг ҳақини дунё ганжи билан адо этиб бўлмайди, деган ҳикматлари илова этилса, узукка кўз қўйгандай бўлар.

Не афсуски, устозлар ҳақини адо этишни ўйламайдиганлар ҳам бор. Мактабларда устозларни ранжитувчи ўқувчиларни учратиб турамиз. Айрим ота-оналар фарзандлари олдида устозларни ҳақорат қилишдан ҳам тоймайдилар. Устозига меҳр ва ҳурмат кўрсатишни

билмайдиган ва ўрганишни истамайдиган бахтсиз талаба бир умр фақат ўзигагина меҳрибон ва фақат ўзинигина ҳурмат қилувчи худбин бўлиб қолади. Саҳро тиконини экиб, гул оламан, деган одам ақлли одам эмасдир. Ўзига илм-ирфон ўргатувчи устозининг қадрини билмаган одам Ватан, миллат учун фойдали бир одам бўла олмайди.

Шу ҳикоятлар баҳонасида икки мазмун англаувчи бир мақолга изоҳ бермоқ зарурати туғилди. Устозларнинг мавқеи ҳақида гап кетганда айримлар бу мақолни «Устоз **отангдан улуг**», тарзида, бошқалар эса «Устоз **отангдек улуг**» шаклида баён қиладилар. Бунга сиз нима дейсиз? Қайси бири тўғри? Фарзанд учун одамлар орасида отанинг мавқеидан баланд зот йўқ. Лекин ота ўрнида кўриб ҳурмат қилинадиганлар бор. Демак, устоз **отадек улуг** экан. Лекин масаланинг бошқа томони ҳам бор: ота фарзандини боқишга, тарбия қилишга мажбур. Лекин устоз айнан шу фарзандга илм беришга мажбур эмас. Агар «бу болани ўқитмайман», деса айбли саналмайди. Шу боис ҳам унинг отага нисбатан улуглиги мавжуд. Ҳазрат Али (р.а.) «Менга бир ҳарф ўргатган кишининг хизматкори бўлишга тайёрман», деганлар.

Умидимиз юлдузлари, бугун сиз шогирдсиз, орадан беш-ўн йил ўтиб сиз ҳам устозлик мартабасига етасиз. Шунда унутмангки, устознинг шогирдга биринчи гада ўргатадиган хулқи – камтарлик бўлиши шарт. Бу хулқни шогирдга сингдиришда ўз хулқи билан намуна бўлмоғи талаб этилади. Чунки манман, кибри устознинг шогирдини камтаринлик шоҳсупасига кўтарганини ҳали тарих кўрган эмас. Манман олимнинг ҳамкасбларга ёмонлик қилиши бир нохушлик, энг асосий нохушлик – у ўз кибри туфайли илмнинг керакли чўққисини забт этиб бўлдим, деб ўйлайди ва ўсишдан тўхтайдди. Манман олим юқорига қарамайди, ўз оёғи остидан кўз узмайди. Шунинг учун илмдаги юқори чўққиларни кўрмайди. Афсуски, бундайлар кам эмас. «Мадрасада ўқиганим кифоя, илмим битта масжидни тебратиб туришга етиб ортади», дейдиганлар ёки «диссертацияни бир амаллаб ёқлаб олдим, энди умримнинг охиригача дам оламан», деб адашувчилар ҳам бор. Буларга қуйидаги ҳикоятни эслатамиз.

Ҳикоят. Эрон шоҳи ҳузурига Румдан бир элчи келди. Шоҳ вазири Бузургмеҳрнинг донолигини элчига маълум қилиб қўйиш мақсадида:

«Эй, Бузургмеҳр, дунёда нимаики бўлса, сен ҳаммасини биласан, а?» деб сўради. Шоҳ вазирдан «Ҳа, биламан», деган жавоб кутган эди. Аммо вазири «Билмайман», деб жавоб қилди.

Элчининг олдида мулзам бўлган шоҳ ғазабланиб сўради:

«Ҳамма нарсани ким билади?»

«Ҳамма нарсани ҳамма билади, аммо ҳамма ҳали онасидан туғилган эмас», деб жавоб берди доно вазир.

Яна бир доно вазирдан савол сўрадилар. «Билмайман», деб жавоб берди у. Яна сўрадилар, яна шу жавоб: «Билмайман». Шунда ажабланиб дедилар: «Шоҳ сизни доно вазир деб катта миқдорда ҳақ тўлайдилару билмайман дейишга уялмайсизми?»

Доно вазир деди: «Подшоҳ менга билганларим учун ҳақ тўлайди. Агар билмаганларим учун ҳам тўласа, етти иқлимнинг хазинаси етмаган бўларди». Бу доно жавобларда камтарликнинг гўзал кўри-ниши мавжуд.

Устозлик ва шогирдлик бобида кишининг ёши аҳамиятли эмас. Илм олиш муддати умрини сўнггига қадар экан, фарзанди ҳатто набираси тенги устоздан ҳам илм олишга тўғри келади. Катталар аввалига болаларига илм ўргатадилар. Сўнгра ўзлари улардан ўрганишга ҳожат сезадилар. Кимки буни хоҳламас экан, ўз давридан орқада қолади. Чунки фан янгиликларини ёшлар кузатиб борадилар ва тез эгаллайдилар. Ўз ташвишларига ўралашиб юрувчи катталар эса бу янгиликларни вақтида сезмайдилар ёки сезсалар ҳам тан олгилари келмайди. Шу боис ҳам фанда ёш олимлар билан катталар орасида тез-тез зиддият ва ихтилофлар чиқиб туради. Илм олишдан тўхтаб, қотиб қолган, ёшлардан ўрганишни истамаган катта олимлар фан тараққиётига салбий таъсир кўрсатадилар.

Ҳазрати Умар (р.а.) илмни ёшлиқда эгаллаш керак деб билганлар. Чунки ёш улғайгач, киши ёшлар билан бирга илм олишга уяла бошлайди. Айниқса, бирон мансаб эгаси қўл остидаги ёшлар билан бирга ўтириб илм эгаллашдан ор қилади. Илм ёшлиқда эгалланса онгга муҳрланиб қолади. Ҳазрат Умар «ёшлар билан илм олишга уялсанг ўқимай қўя қол», демоқчи эмаслар, балки шундай ноўрин ҳолатлар учраб қолишидан огоҳлантирмоқчилар.

Бир донишманддан сўрабдилар:

– Қандай қилиб илмнинг энг юқори чўққисига чиқдингиз?

Донишманд деди:

– Билмаган, тушунмаган нарсамни олимдан ҳам, оддий кишидан ҳам, каттадан ҳам, кичикдан ҳам сўрадим. Бу тўғрида уялмадим, номус қилмадим. Ўзимни юқори тутиб, мутакаббир бўлмадим.

Шу олимнинг ҳаёти барчамиз учун ибратдир. Чунки илм сўрашдан истиҳола қилинмайди, балки илмсиз юришдан уялиш керак бўлади.

*Уялма маърифатни ўрганурдин,
Танур жойинг бўлур қолсанг танурдин.*

«Саботул ожизийн»даги бу байтнинг мазмуни будир: оқил киши илмни ўрганишдан уялиб ўтирмайди. Нақадар қари бўлса ҳам, ўзидан кичиклардан ва катталардан сўраб ўрганмоққа қасд қилади. Зеро, киши орланиб, илмни ўрганмай қолса, оқибатда дўзахга борур. (Байтда зикр этилган биринчи «танур»да «тандир», «ўчоқ», маъносида, яъни дўзах ўчоғи назарда тутилади. Иккинчи «танур» танимоқ, яъни билмоқ маъносида келади.)

Ҳазрат Навоий ёзганлар: «Билмаганни сўраб ўрганган олим, орланиб сўрамаган ўзига золим. Оз-оз ўрганиб доно бўлур, қатра-қатра йиғилиб, дарё бўлур. Ўрганишдан қочган – дангаса, ўрганишдан қочиш учун юзига важ-баҳона эшигини очган – ишёқмас. Заҳмат чекиб илм ўрганган – донишманд.

*Илмдин орий улуснинг жоҳили худномаси,
Ўрганурга жидду жаҳд этган жаҳон алломаси».*

Маъноси: Илмдан четда қолган одам халқ орасидаги қайсар, жоҳилдир. Ўрганишга қаттиқ киришган эса жаҳон алломасидир.

Илмни эгаллаш қай пайтда афзал, деган муаммога донишмандлар турлича жавоб берганлар. Абдуллоҳ ибн Масъуд илмни фурсат бўлганда ўрганавериш керак, чунки илм зарур бўлган пайтда фурсат топилмайди, деб таъкидлаганлар. Кўпгина манбаларда илмни ёшлиқда эгаллашга даъват этилади. Буни «илмнинг **асосларини** ёшлиқда эгаллаб олишга ҳаракат қилмоқлик даркор», маъносида англасак дуруст бўлади ва бу бизларни катта ёшга етганда илм олишдан тўхтаб қолиш касалидан қутқариб қолади.

Умар Ҳайёмда шундай рубоий бор:

*Акнун ки гул-и саъодатат пур бораст,
Даст-и ту зи жом-и май чиро бакораст.
Май хўр ки замона душмане гаддораст,
Дарёфтани рўз-и чунин душвораст.*

Рубоийнинг луғавий мазмуни: ҳозир саодатнинг гули серҳосил пайтда нега қўлинг май жоми билан машғул эмас. Май ичиб қол, чунки замона ўта бевафо душмандир. Бугунгидай кунни топиш қийиндир.

Мазкур рубоийни шарҳлашдан аввал бир эслатмага эҳтиёж сезилди. Шеърятда истиора, яъни бадий ўхшатма бўлади. Шунга кўра рубоийдаги, «май» сўзи ичимлик ароқ эмас, балки «ҳақиқат маърифати» маъносини англатади. Бадий адабиётдаги бу услубни яхши англаш сизларни адашишлардан асрагани туфайли мавзуга муурожаат қилишни лозим топдик.

Демак, мумтоз адабиётда учровчи «май» ва «жом» сўзларини тўғридан-тўғри тушунмаслик керак. Устоз Алибек Рустамий юқорида зикр этилмиш рубоийнинг асл маъносини бундай тушунтирадилар: куч-қувватга тўлган, саодат гулидан мўл ҳосил олишинг мумкин бўлган ҳозирги навқирон пайтингда ўзингни ўзинг ичкилик билан заҳарламасдан ва бошқа беҳуда ишлар билан машғул бўлмасдан ирода қўлини ишга солгин-у кўнгил жомини маърифат майи билан тўлдир, кишини бадбахт қиладиган ичкиликни эмас, саодатга мушарраф этадиган маърифат майини ҳозир имкон борида ичиб қол. Чунки замона ҳозирги ёшлигиндан, куч-қувватинг ва имкониятингдан ва охири жонингдан ҳам сени жудо қиладиган ғаддор душмандир. У сени қаритиб, турли дардларга мубтало қилганда бундай кунларни тополмайсан ва бу дунёдан ўкинчу надоматлар билан ўтасан.

Илмдан баҳраманд бўлиш кишига беадад ҳузур ва лаззат бағишлайди. Ҳақиқий маърифатга эришган одамдан нафақат дўстлари осойишта, балки душманлари ҳам тинч ҳаёт кечирадилар, дейдилар. Чунки маърифатли одамнинг ўй-хаёли илм билан банд бўлади, бировга душманлик қилишни ўйламайди. Мирзо Бедил ҳазратларининг «Кимки ҳаёт шамини илм нури билан ёқса, ҳаёти асрлар бўйи сўнмайди», деган ҳикматларини тарих улўғ алломалар ҳаёти мисолида тасдиқ этади. Мавзуни давом эттириш учун Ҳофиз Шерозийдан бир байт ўқиймиз:

*Аё айюҳа-с-соқий, адир каъсан ва новилҳо,
Ки ишқ аввал намуд осон, вале ўфтод мушқилҳо.*

Луғавий маъноси: қани эй Соқий, бир косани айлантириб уни менга ҳам етказ. Чунки ишқ аввал осон кўриниб, кейин қийинчиликлар юз берди.

Байтга яширинган маъно: соқийдан мурод – маърифат тарқатувчи. Косадан мақсад – маърифат. Ишқ эса маърифат ишқидир. Шунга кўра байтни бундай тушунамиз: эй маърифат ошиқларининг Устози! Менга маърифат идроки аввал осондек кўринган эди. Аммо бунинг кўпгина қийинчиликлари чиқиб, менинг унга

бўлган ишқимни сусайтира бошлади. Шунинг учун сен даврангга йиғилган шогирдларингни, жумладан, мени маърифат сирларидан бир озгина огоҳ қилиб, совиётган кўнглимни қиздир.

*Гул даврида ич боданиким, оқил эмастур,
Ҳар кимки, бу кун дунёда ҳушёр топилса.*

«Гул даври»дан мурод – умр баҳори. Яъни кишининг илм ўрғанадиган ёшлик даври. Бода, яъни майдан мурод маърифатдир. Бу байтни «баҳорни ичкиликбозлик қилиб, кўнглини айнитиб, бошингни оғритиб ўтказ», деб англамоқ нодонликдир. Байтнинг асл мазмуни будир: умрдан яхши ҳосил олиш учун унинг гул давридагидек гуллайдиган, ҳосилга замин тайёрлайдиган ёшлик даврида ҳаром ичкиликни эмас, маърифат бодасини ич. Кимки бу дунёда маст қилувчи ичкилик туфайли эс-ҳушини йўқотса, ҳунар ўрганиб, илм олиб, ҳақиқат сирларини билишга интилиб, камолот ҳосил этишга ҳаракат қилмаса, уни ақлли киши деб ҳисоблаб бўлмайди.

Бобур мирзода бир байт бор:

*Баҳор айёмидур доғи йигитликнинг авонидур,
Кетур соқий, шароби нобким, ишрат замонидур.*

Агар бузуқ шеърият нуқтаи назаридан тушунсак, йигитлик чоғида айш-ишрат қилиб ол, деган маънони уқамиз. Ҳолбуки, Бобур мирзо бундай ишратларга қарши бўлганлар ва ул зотнинг май ичишни тақиқлаш ҳақидаги фармонлари тарихдан маълумдир. Мазкур байтда шоир йигитликни баҳор айёмига қиёслаб, бу фаслда маърифатга даъват этяпти.

*Боши билан шўнгиб кирмаса ҳар дам,
Сув остидан дурни топарми одам?*

Ҳамма гап ана шу дурни топишда. Афсус шуки, биз дурни сева-миз, аммо уни топиш учун шўнғишдан эринамиз. «Тоққа чиқмасанг дўлона қайда, жон куйдирмасанг жонона қайда», деган мақол илм олишга ҳам тааллуқлидир.

Дунёда илм турлари кўп, барчасини бараварига эгаллаш мумкин эмас, дедик, ҳаммасини эгаллайман, деб интилувчи кимса оқибатда ҳаракатларини шамолга совуриши мумкин. Чунки ортиқча билагонликни фазилат деб ўйлаш хатодир. Билимнинг миқдори эмас, сифати зарурроқ деган нуқтаи назардан қарасак, фойдали

нарсаларни билганимизга нисбатан бефойда нарсаларни кўпроқ билишимиз аниқ бўлиб қолади. Одам эгани билан эмас, ҳазм бўлгани билан яшайди. Бу ақлга нисбатан ҳам тааллуқлидир. Хоҳламай ютилган таом, азобга айланганидек, иштиёқсиз илм билан шуғулланиш хотирани суст қилиб қўяди, нокерак нарсалар билан шу қадар тиқиштириб ташлайдики, оқибатда у қабул қилаётганларини сингдиrolмай қолади.

*Ёниб келганда меҳнат шамъи, э, ёр,
Ёниб, тутма ҳаво бодига зинҳор.*

«Қутадғу билиг»да айтилмоқчики, кўп машаққатлар билан ҳосил қилган илмингни нафс орзуларига сарф айлама, дўстим.

Ҳар нарсанинг зидди: оқнинг қораси, яхшининг ёмони бўлганидек, илминг муқобилида «жоҳиллик» деган иллат борки, у ёш ақлларни заҳарлашга ҳамиша шай бўлиб туради.

НЕ ЭРУР БУ ЖАҲОЛАТ?

Бировнинг айбини ёки қусурини айтадиган бўлсак, «ақлсиз», «тентак», «эси йўқ» ёки дабдурустдан «аҳмоқ» деб қўя қоламиз. «Жоҳил» деган иборани камдан-кам ҳолларда тилга оламиз. Орамизда жоҳил камми? Жоҳил ким ўзи? Жоҳилликдан бесаодатроқ яна нима бор?

Умидимиз юлдузлари, энди шу ҳақда гаплашиб олиш фурсати етди.

Инсонлар бошига тушадиган кулфат ва зулмнинг асосий боиси жаҳолатдир. Кулфат ва зулмдан халос бўлишнинг ягона давоси эса – илм. Жаҳолат ҳомийлари инсониятнинг энг ашаддий душманлари ҳисобланадилар.

Тилимиздаги «жаҳолат», «жоҳиллик» атамалари нодонликни ва бу нодонликни туғдирувчи билимсизликни англатади. Ёмонликнинг уч манбайи борлигини айтадилар: шайтон, нафс ва жоҳиллик. Ҳар қандай ёмон хулқнинг бошида нафс ва шайтон туради. Жаҳолатнинг турлари кўп, улардан учтасини алоҳида таъкид этиш керакки, қолганлари шу учтасидан баҳра олади:

- * умуман ҳеч нарса билмаслик;
- * ҳамма билган нарсаларни жуда ёмон билиш;
- * лозим бўлмаган нарсаларни билиш.

Жаҳолат – ҳақиқатдан беҳабарликдир. Жоҳилни таълим-тарбия кўрмаган, ҳеч ерда ўқимаган, дипломсиз одам, деган маънода тушунмаслик керак. Моҳиятни билмаслик – жоҳилликнинг асли

ҳисобланади. Шунинг учун олимликнинг юқори поғоналарига даъво қилувчилар орасида ҳам жоҳилликни учратиб қолиш мумкин. Бунга сабаб: илмнинг саёзлиги, ҳикматларни билмаслик ёки фаҳм этмаслик, ижтимоий, ахлоқий маданият танқислигидир. Жаҳолат одамни дунёга бефарқ қилиб қўяди, бепарволик эса секин-аста, аммо чекиниш билмай саратон (рак) ўсмасидек улғаяверади. Шунинг учун ақл эгаси жаҳолатга тўқнаш келгани ҳамон чарчоқ ва дам олиш нималигини билмай унга қарши ҳужум қилиши керак. Зарба кетидан зарба беришни тўхтатмаслиги зарур. Бу жараён умр бўйи давом этадики, буни эплай олмаган кимсанинг ҳаёти паришонликда ўтади.

Хожа Аҳмад Яссавий ҳазратлари илм ўрганиш билан шуғулланмайдиган, илмдан йироқ кишиларни «нодон» деб атайдилар. Жоҳилликлари аниқ бўлгани сабабли ҳам улар нодондирлар.

*Аввал-охир хўблар кетти, қолдим ёлғиз,
Нодонлардин эшитмадим бир яхши сўз.
Доно кетти, нодон қолди, эдим афсус,
Йўлни топмай, ҳайрон бўлуб қолдим ман.*

Инсон тарбиясида, аввало, жоҳилликни бартараф этишга алоҳида аҳамият берилади. Дунёга нима учун келганини билмаган, ҳатто сўрамаган, айниқса, бу хусусда тинглашни истамаган киши энг хавфли жоҳилдир. Аввалги суҳбатимиздан сизга маълум бўлдики, ҳаётда фақат билиш кифоя эмас, билганига амал қилиш лозим. Фақатгина билиб амал қилгани ҳам кифоя эмас, амалларни фақат холис тарзда қилиш зарур. Жоҳилнинг биламан, дегани кўрнинг кўраман, дейишига ўхшайди. Ўзининг илмига, мартабасига мағрур бўлиб, кеккайиб кетиш жоҳилликнинг бир хилдир. Ҳақиқатни инкор этиш жоҳилликдир.

Бирон амални яхши деб ҳисоблаб, бу йўлда бардавом бўлиши оқибатида инсонда ўша амалга мувофиқ хулқ шаклланади, мустаҳкамланади. Шунга кўра, Имом Ғаззолий ҳазратлари одамларни тўрт тоифага бўлганлар:

1. Ғофил инсонлар ҳақ билан ботилнинг, чиройли билан хунукнинг фарқига бормайдилар. Улар фитратан барча эътиқоддан холи. Лаззатларга ҳаддан ташқари тобе бўлиб қолганлари учун улар биронта истакларини ҳам тўла қондира олишмайди. (Яъни, бир лаззатни қўйиб, ундан яхшироғига чопади, кейин ундан ҳам яхшироғини истайди... Шу тарзда биронта истагини ҳам мукамал амалга оширолмайди). Бу тоифадаги инсон муолажани, яъни тар-

бияни тез қабул қилади. Фақатгина у бир муаллимга, бир муршидга муҳтож. Қалбида уйғониб, уни ғайратлантирадиган бир ҳимматга муҳтож. Шунда у тез орада хулқи гўзал инсонга айланади.

2. Жоҳил ва адашган инсонлар ёмоннинг нелигини биладилар, лекин яхши ишларга одатланмаганлари сабабли, қилаётган ёмон амаллари ўзларига чиройли бўлиб кўринади. Дунё истакларига қул бўлиш билан улар тўғрилиқдан юз ўгирган бўлсалар-да, амалларидаги қусурлардан хабардорлар. Бу тоифанинг тарбияси оғирроқ бўлгани учун уларга бир неча вазифалар юкланади. Аввало, улар бузуқликка одатланиш натижасида ичларида маҳкам ўрнашган жуда кўп иллатларни нафсларидан суғуриб олишлари шарт. Кейин яхшиликка ундайдиган сифатни қалбларига экмоқлари керак. Хуллас, энг шимариб, жидду жаҳд этилса, бу тоифа тарбияси риёзат учун кенг майдондир.

3. Жоҳил, адашган ва фосиқ кимсалар ёмон ахлоқни яхши ахлоқ деб эътиқод қиладилар. Уларнинг наздида бу ахлоқ ҳақ ва энг гўзал. Ундаги бу қараш борган сари такомиллашади. Шунинг учун бу тоифадаги кишининг муолажаси мушкул, соғайишига деярли умид йўқ. Камдан-кам ҳолда у дардига даво топиши мумкин. Бу жиҳатларнинг барчаси залолатга кетиш имкониятини оширади.

4. Жоҳил, адашган, фосиқ ва ёвуз кимсалар нафақат бузуқ қарашда такомиллашадилар, балки улар ёмонликларини кўпайтиришни фазилат деб биладилар, бу билан фахрланадилар ва «бу ишлар қадримни оширади», деб ўйлайдилар. Бу тоифадаги кишининг аҳволи оғир. Улар ҳақида шундай дейилган: «Кексани тарбияламоқ – машаққат, бўрини тарбияламоқ – уни азобламоқдир».

Жоҳиллар жамият ичидаги иллатдир. Улардан эҳтиёт бўлмоқ керак, уларга яқинлашган кишининг қалби хасталанади. Ўтмишда қанча жоҳиллар неча мамлакатларни ва юртларни фалокатга дучор қилмадилар. Сир эмаским, Наполеон ёки Гитлер каби жоҳиллар ҳозир ҳам ер юзида урчиб, кўпайиб ётибди. Турли мамлакатлардаги сайловларда улар миллионлаб овоз оладилар. Жоҳилнинг раҳбар бўлишини истовчиларнинг ўзлари жоҳилми ёки сайлаётган одамларининг жоҳил эканини билмайдиларми? Бу ҳам кишилиқ учун бир муаммодир. Ҳар ҳолда бир ариқдаги тоза сувни бошқа ариқдан оқиб келиб, унга қўшилган кир сувлар булғгани каби покиза инсонларни ҳам жоҳиллар тўғри йўлдан оздириб, кирлатадилар.

Жамиятнинг ярасини фақат олимлар тушунадилар. Аниқлаган ташхисларига қараб даволар топадилар. Жоҳиллар эса баттар яралаб қўядилар. «Қош қўяман, деб кўз чиқариш», «Дард устига

чипқон», дейилган мақоллар шундай жоҳилларнинг ҳаракатига қараб юзага келган.

«Нисо» сурасида марҳамат қилинади: «Жаҳолат-ла ёмонлик қилиб қўйиб, сўнгра тезда тавба қиладиганларнинг тавбаси Аллоҳнинг зиммасидадир. Аллоҳ ана ўшаларнинг тавбасини қабул қилади. Ва Аллоҳ билувчи ва ҳикматли зотдир». Демак, йўлдан адашиб, гуноҳ ишларни қилиб юрганлар «биз қиладиганимизни қилиб қўйдик, энди кеч бўлди, тавбамиздан фойда борми, тушар еримиз аниқ-ку!» деган тушкун ўйга бормасликлари керак экан. Улар хатоларини қанчалик тез тушунсалар, жоҳилликларидан қанчалик тезроқ қутулсалар, ўзларига шунчалик яхши бўлади.

Исломдан аввалги даврлар «жоҳилият замони» деб юритилади. Ҳолбуки, у замонларда илмилар, шоирлар кўп бўлган. Аммо улар Ҳақ билан ботилни ажрата олмаганлар. Пайғамбаримиз (с.а.в.) ўқиш ва ёзишни билмасдилар, аммо Аллоҳнинг суюкли ҳабиби мақомига етдилар. Дунёвий илмлар нуқтаи назаридан қарасак, Мирзо Улугбекнинг суюкли шогирди Али Қушчи ҳам хизматкорликдан олимлик шоҳсупасига кўтарилган эди.

Агар бир киши аниқ фанлар соҳасида олим даражасига этса-ю, аммо ўзининг инсоний вазибаларини билмаса, жоҳил бўлса, биринчи галда ўзига, кейин фанга ҳам зарар.

Мавлоно Румийда бир ҳикмат баёни бор.

Ҳикоят. Кўнгилни айнитувчи ёқимсиз исларга одатланган чўчқабоқар атторлик дўконига кириб, димоғига атирлар ҳиди уриди-ю ҳушини йўқотиб, ерга йиқилди. Атторлар шошиб қолиб, уни тезроқ ҳушига келтириш учун турли атирларни ҳидлата бошладилар. Чўчқабоқар бундан баттар ҳолга келаверди. Охири атторлар чорасиз қолдилар. Чўчқабоқар ўлар даражага келди. Уни таниганлардан бири уйига хабар бергани югурди. Чўчқабоқарнинг укаси воқеани дарров англади. Чўчқанинг тезагидан бир сиқим олди-ю нажот бергани шошилди. У: «Акамнинг димоғига ёмон ҳидлар сингиб кетган. Касалининг давоси ҳам шу ҳиддадир», деб чўчқа тезагини унинг бурнига тутди. Шунда ўлик каби ётган чўчқабоқар дарров ҳушига келди. Буни кўрганлар йигит акасига қандай афсун ўқиди экан, деб ажабландилар. Лекин сир чўчқа тезагида эканини билмадилар.

Мавлононинг ҳикматларида гўзал ибрат бор. Мол-дунёни севган киши бойлик тўғрисида бирор нарса айтилган пайтда ухлаётган бўлса ҳам дарров уйғонади. Ҳатто ухлаётган ит ҳам бир нарса тарақласа кўзини очиб қўяди-ю уйқусини давом эттираверади. Лекин эгаси секингина чаппилатиб овқат ейишни бошласа, уйқу-

дан уйғониб, сергак равишда унга тикилиб тураверади. Жоҳил ҳам чўчкабоқарга ўхшайди. Мушк ҳиди каби гўзал илмий мажлисларда ҳушидан кетиб, гафлат уйқусида ухлайверади. Жоҳиллар суҳбат бошласалар, кўзлари мошдай очилади. Чўчка тезагидан ҳушига келган чўчкабоқарнинг бошқаларга зарари йўқ. Жоҳиллар суҳбатидан уйғонган жоҳилдан эса қўрққулик.

Туяқушнинг ғалати одати бор: бирон хавфни сезса, бошини қумга тиқиб тураверади. Баъзи одамларда сал бошқачароқ одат мавжуд: туяқуш хавфдан қўрқаётган бўлса, булар ҳақиқатни кўрмаслик учун бошларини гўё қум орасига тиқиб яшайверадилар. Атрофга қарамайдилар, келажакни тасаввур қила олмайдилар. Донолар насиҳатининг ҳақиқатга эришиш йўли эканини, ундан баҳра олиш зарурлигини англашни истамайдилар. Энг ёмони – жоҳилликлари туфайли яқинлашаётган хатарни сезмайдилар.

Одам боласи яхши тарбия кўрмай ўсар экан, жаҳолат ботқоғига ботаётганини ўзи ҳам сезмай қолади: аввало, билмаган кишини камситади; бир киши билмагани учун исенда экан, жоҳил эса билиб туриб гуноҳ қилади, демак, билмаган киши узрлироқ. Олимларни тан олмайди. Ҳолбуки, олимлар у билмаган нарсаларни биладилар, у нимани билади?! Ёши улуғларни менсимайди. Ахир уларнинг ҳаёт тажрибаси кўп, уларга қандай тенг бўлсин?! Ёшларни ҳақир санайди. Ҳолбуки, ўзи ёшлардан олдинроқ гуноҳга шўнғиган, маъсиятга ботган.

Жоҳиллик аломатлари яна нималарда кўринади:

- * ўз нафсига қул бўлиш;
- * ҳуда-беҳудага сўзлайвериш;
- * бекорга аччиқланиш;
- * эҳсонни ўз жойида қилмаслик;
- * ҳаммага, айниқса синалмаган одамга ишонавериш;
- * дўстни душмандан фарқ қилмаслик;
- * сирини ҳар кимга айтавериш;
- * ақлсиз, иймонсиз одамларнинг маслаҳатларига қулоқ солиш;
- * бефойда сўзларни кўп сўзлаш ва лойиқ бўлмаган одамларга (айниқса, ношаръий ишларига) ёрдамлашиш.

«Агар жоҳиллигим намоён бўлмасин, десанг, ўзгаларни эътибор билан тингла» дейилган доно гапга мавлоно Сайфи Саройининг «Гулистони бит туркий» асарларидаги бу ҳикмат қувват беради: «Ҳақимлардан бири айтмиш эканки, ҳеч ким ўзича ўз жоҳиллигига иқроор бўлмайди. Аммо ул одамнинг жоҳиллиги шундан маълум бўлиб қоладики, агар бир киши сўз бошласа, унинг сўзи тамом бўлмасдан туриб, ўша жоҳил ўртага тушиб сўзлай бошлайди. Бу

эса жоҳиллик – жаҳд аломатидир. Ҳикматдан маълум бўладики, суҳбат чоғида сўзловчининг сўзларига диққат билан, сабр ва тоқатли бўлиб қулоқ солмоқ керак экан. Чунки ҳар кимнинг сўзида ҳам ўрнак олса бўладиган фикр бўлиб, ундан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Байт:

*Ҳар жоҳилдин халқ бўлса норизо,
Ул бўлур юз минг балога мубтало.*

Ҳар бир одам, ёшидан қатъи назар, юриш-туришига, гап-сўзларига, яхши-ёмон ишларига диққат қилсин-чи, саналган жоҳиллик белгиларидан ўзида ҳам бормикин? Давра суҳбатларида ўзини қандай тутуди? Кимдадир жоҳиллик белгиларининг ҳаммаси бордир. Кимдадир битта ёки иккитаси мавжуддир. Атрофдагиларнинг у ёки бу кишига «жоҳил» деган сифат беришлари учун шу битта ёки иккитаси кифоя қилади. Хонадонларимизга ҳам қараб қўяйлик: жоҳил ота-онанинг хонадони бамисоли уруш ўчоғи эмасми? Ёки инсонийлик ҳиссидан маҳрум ҳибс жойи эмасми? Бу ҳибсхонада туғилган, тарбия топган боланинг ҳаётдаги аҳволи не бўлар экан? Бугун дунёни разолатга, зулмга тортаётган жоҳиллар шундай уруш ўчоғида таваллуд топмадиларми экан?

Нуқсонли кишигина ўзини комил ҳисоблайди. Ўз нуқсонини исбот қила олган киши эса ҳақиқий комил саналади. Камолотга эришганлар ўз камолотлари ҳақида мақтанмайдилар, аксинча, бу ҳолат жоҳилларда мавжуд. Бундай кишилар ўзларини олим деб атаганлари билан аслида жоҳилдирлар. Ўз камолоти билан мақтаниш жаҳолатдан ўзга нарса эмас. Такрор айтаман: кимки ўзини комил деб ҳисоблар экан, у, албатта, нуқсонлидир. Ана шу нуқсон унга камолотга етишиш учун йўл бермайди. Зеро, қуёш ҳам туш пайтида ўзини баркамол кўриб, энг юксак нуқтага кўтарилдим, деб ўйлайди, аммо шу ондаёқ унга завола юзланади – у пастга қараб бота бошлайди. Негаки, унинг чиндан ҳам камолоти бор эди. Аммо уни кўрган заҳотиёқ завола юз тутди. Ўзини комил деб кўраётган киши гўё ёмон одамнинг ўзини яхши кишига нисбат этганидек бир гап. Бундайларни тузатиш осон эмас. Чунки уларнинг қасри кибр ва ғурурдан қад кўтаргандир. Бундайлар билан баҳслашишнинг фойдаси ҳам йўқ. Жоҳил билан тортишиб ўтирган олим ҳурмат кутмасин. **Бирор жоҳил одам сўзлайвериб, олимни сукут эттирса, таажжуб қилмаслик лозим, чунки тош гавҳарни синдира олади.** Жоҳил киши сукут билан жоҳиллигини яширсайди,

ўртача ақлли одам ҳисобланган бўларди. Лекин жоҳиллик билан сукут иккиси бир одамда жам бўлолмас экан.

Афлотунга дедилар:

– Кечаги зиёфатда Фалончи сизни мақтади.

Буни эшитган Афлотун бошларини қуйи солиб, фикру хаёл уммонига фарқ бўлибдилар.

– Эй, Ҳаким, мен нима дедимки, бунчалик фикру андишага берилдингиз?

Афлотун дедилар:

– Мени сен айтган сўзлар ўйга толдиргани йўқ. Мен қилган ишларимни ўйлаб ўтирибман: қанақа жоҳилона иш қилган эканманки, бу қилмишим у жоҳилга ёқиб тушибди ва у мени мақтаб юрибди? Бирор аҳмоқлик қилмасанг, ҳеч бир аҳмоқ сени мақтамайди ва кўкларга кўтармайди.

Луқмони ҳакимдан сўрадилар:

– Ҳикматли сўзларингиз, одоб-ахлоққа доир ваъз-насиҳатларингиз билан кўпларни яхши йўлга солдингиз, насиҳатларингиз кор қилмай ўзининг ёмон феъл-атворини ташлай олмаган киши ҳам борми?

Луқмони ҳаким жавоб бердилар:

– Бор. У – жоҳил, бадфеъл одам. Уни шу ярамас хулқдан қайтаришга ҳар қанча уринсам ҳам фойдасиз бўлиб чиқди, тузатишдан ожиз бўлдим.

Ривоят. Бир шаҳардаги олим, фозил қози вафот этиб, унинг ҳурмати юзасидан ўғли қозилик мансабига тайин қилинди. Ўғил бағоят жоҳил ва нодон эди. Янги қозининг жоҳиллигидан уялган қариндош-уруғлари унга илм ўргатиш, адабли, тарбияли қилиш учун бир муаллимни тайин этдилар. Бир куни тил қоидалари дарсида муаллим мисол келтирди:

– Ўғлим, мана бу гапга диққат қилинг: «Аҳмад Маҳмудни урди», деган жумладаги қайси сўз эга, қайси бири кесим?

Бу саволни эшитиб қози ғазабланиб кетибди:

– Вой, Аҳмад нима учун Маҳмудни уради? Нега шу пайтгача ҳеч ким менга хабар қилмайди? Бечора Маҳмуд калтак еб индамай кетаверадими?

Муаллим бу жоҳилнинг сўзларидан кулишни ҳам кулмасликни ҳам билолмай, ажабланганича тушунтирмоқчи бўлди:

– Масала сиз ўйлагандай эмас, бу ерда урган, урилган киши йўқ, фақат мазкур жумладан эга ва кесимни топиш учун келтирилган бир мисолдир.

– Бекор айтибсиз! Ҳозир одам юбориб, Аҳмадни топтириб келти-
раман-да, унга жазо бераман. Ўзингиз «Аҳмад Маҳмудни урди», деб
гувоҳлик бериб турибсиз-ку! Энди нега сўзингиздан қайтяпсиз?

– Тушунсангиз-чи, «урди» сўзи ҳақиқий эмас...

– Нима? Ҳақиқий эмас, дейсизми? Сиз Аҳмаддан пора олганга
ўхшайсиз, унинг томонини олиб, айбини беркитмоқчисиз. Мен
қозилигим вақтида бундай зулмга, бундай бевошликларга йўл
қўймайман! – деб муаллимни зиндонбанд қилишга, Аҳмад деган
кишини эса топтириб келишга буюрди.

Воқеадан хабардор бўлган жоҳил қозининг қариндош-уруғлари етиб
келиб, минг машаққат билан ҳақиқий ҳолатни англади, муаллимни
озод этдилар.

Байт:

*Жаҳлдан одамга кўп қайгу-алам етар,
Жоҳил одам суҳбатидан алҳазар, минг алҳазар.*

«Ақлли одамларнинг душманлиги жоҳил одамларнинг дўстли-
гидан кўра яхшироқдир. Жаҳолат башарият фикри учун қоронғи
бир кеча ва ҳар турли разилликларнинг онасидир», дейдилар.

Умидимиз юлдузлари, сиз бир маҳалла ёки қишлоқ ичида-
ги гап-сўзлар билангина ўралашиб қолмагансиз. Дунёда қандай
воқеалар содир бўлаётганини кузатяпсиз. Айрим воқеаларга
тушуняпсиз, баъзиларидан нафратланяпсиз, баъзиларига эса
тушунмай қийналяпсиз. Дунё аҳволига бефарқ бўлмаслигингиз
яхши фазилат. Бугунги кунда ХХI асрдаги мавжуд барча жами-
ятлар ҳақиқий жоҳилият даврини бошларидан кечирмоқдалар
деган фикрга қўшиласизми? Ҳа, фан-техника юксак даражада.
Аммо асримиз инсони умидсиз, изтиробли, ғамгин. Урушлар,
янги турдаги мустамлакачилик сиёсатлари, ваҳшийликлар, зул-
му зўравонликлар, фаҳшнинг кенг тарқалиши, жиноятларнинг
ва жиноят турларининг кўплиги ва шафқатсизлиги, ўз жонига
қасд қилишлар, давоси йўқ хасталиклар... Бу иллатлар қайси
мамлакатда йўқ. Қайси ривожланган мамлакат «бизда жаҳолат
йўқ», деб мақтана олади? Энди қарайлик-чи, инсоният азаддан
соғиниб келган ҳузур-ҳаловат, тенглик ва биродарлик, инсоф ва
тавфиқ, раҳму шафқат, ўзаро муҳаббат қаерда, қачон ва қандай
топилади? Жаҳолат, ақл ва туйғулар мажруҳлиги ҳозирги пайтда
ахлоқий иллатга айланмоқдаки, дунё оқиллари бундан ташвиш-
ланмоқдалар ва зулмат аро нур изламоқдалар.

Фан-техника ривожини тилга олдик. Бундай тараққиётга ети-
шиш ечими оғир масала эмас. Агар бир мамлакатда фан ва тех-

ника пароканда аҳволга тушиб қолган бўлса, бир неча юз ёки бир неча минг иқтидорли илм эгаларининг саъй-ҳаракатлари билан бу тубанликдан кўтарилиш мумкин. Лекин мамлакат маънавияти тубанликка юз тутган бўлса, жаҳолат ботқоғига бўғзига қадар ботган бўлса, бир неча минг олимнинг ҳаракати кифоя қилмайди. Бу ботқоқликдан якка ёлғиз чиқиш ҳам қийин. Барча бараварига ҳаракат қилиши шарт.

Жаҳолатни турли разилликлар онаси, дедик. Жаҳолатнинг суюмли фарзандларидан бири – мутаассиблик (фанатизм)дир. Мутаассиблик илмсизлик булоғидан сув ичади. Қаердаки аниқ илм бўлмаса, у жойда фаразлар ҳукм суради, ҳар ўн фаразнинг тўққизтаси эса хато бўлиши мумкин. Мутаассиблик аввало дин кушандасидир, сўнгра эса жамият жигаридаги қуртдир. Мутаассиблик фақат динга хос тушунча эмас. Дунёни ташвишга солиб турган футбол фанатлари, рок фанатлари каби бевошликлар шулар жумласидандир. Мутаассиблик деганда кўпчиликнинг кўз ўнгига фақат Ислом дини келади. Уруш майдонларида ўзини портлатаётганлар келади. Ҳолбуки, Фаластинда биринчи бўлиб ўзини портлатган араб қизи насоро динига мансуб бўлган. Бугунги кунда бошқа динларда ҳам мутаассиблик авж оляптики, Токио метросидаги заҳарланиш фожиаси фикримизга далил бўлади. Кенг миқёсдаги жаҳолатга қарши онгли равишда кураш мутаассиблик илдинини қирқа олади. Мутаассиблик ҳамма замонларда турли жамиятларни ларзага солиб келганини эътиборга олсак, бу курашнинг узлуксиз давом этиши шартлиги аён бўлади.

Жаҳолатнинг яна бошқа фарзандлари ҳам барча динларда туғилиб турибди. Барча динларни янгидан янги пайдо бўлаётган турли оқимлар силласини қуритяпти. Диндаги ҳар қандай оқим – жаҳолатдир. Чунки одамларнинг турли оқим ёки гуруҳларга бўлиниб олиб, низода юришларини Аллоҳ таъқиқлайди. Аллоҳ бандаларини иттифоқликда умр кечиришларини истайди. Диннинг асосий вазифаси одамларни Аллоҳнинг паноҳи остига жамлаш. Низо, зиддиятлар шайтон паноҳида гуллаб-яшнайд.

Отангиз узоқ сафарга кетса-да, у ердан туриб сизга хат ёзиб юборса, айрим ишларни буюрса, насиҳат қилса, ёмонликлардан қайтишни таъкидлаб турса. Сўнг сафардан қайтиб юзма-юз бўлганида буюрган вазифаларнинг бажарилган ёки бажарилмаганини сўраганда десангизки:

– Отажон, хатингизни ўқидим. Айрим жойларини (ёки ҳаммасини) ёдлаб ҳам олдим, лекин буюрган ишларингизни бажармадим.

Шундай дейишингиз отангизга ёқармикин? Шунга кўра Қуръони Каримни ёдлаш билан ҳам вазифа бажарилмайди. Унга ҳам

амал керак. Тўлиқ амал қилиш учун эса Қуръонни тушуниш шарт. Адашишлар ана шу тушунмасликдан ёки чала тушунишдан келиб чиқади.

Бу суҳбатимизни ўқиб, атрофимиз жоҳиллардан иборат экан, деган тушкун хаёлга борманг. Атрофимизда, шукрим, ақл эгалари – оқиллар кўп. Сизнинг вазифангиз оқилларга яқинлашиш, уларнинг илми, хулқидан баҳраманд бўлиш, улар бошлаган йўлдан юриш.

АҚЛ ВА ОҚИЛ

Донишманд дебдиким: «Ақлинг билан қара, кўз хоиндур, қалбинг билан эшит, қулоқ ёлғончидир! Фикр ақлнинг кўзгусидир».

Ақл билан иш кўрувчи одамни «ақлли» деб шарафлаймиз. Бунинг муқобилидагини баъзан «аҳмоқ», баъзан юмшоқроқ тарзда «ақлсиз» ёки «эси паст» ёки «эси йўқ» деб қўямиз. Аҳмоқ билан ақлсизнинг (эси паст, эси йўқнинг) мавқеи бирми? Йўқ. Ақлсиз, эси паст, эси йўқ – одамнинг табиий камчилиги. Айб ҳам, гуноҳ ҳам эмас. У табиатан ақлсиз яралган. Одамнинг жисмоний қуввати турлича бўлганидек, ақл қуввати ҳам ҳар хилдир. Агар бир одам ақлсизлиги туфайли бирон айб иш қилса, айтайлик бировни сўкса, унинг бу иши узрли. Агар ақли бутун бўла туриб айнан шу ишни қилса, уни «аҳмоқ» деймиз.

Қуръони Каримда икки хил аҳмоқлик хусусида сўз юритилган. Уларнинг биринчиси кофир ва мушриклар тоифаси бўлиб, Аллоҳ Таоло улар ҳақида «Бақара» сурасида: «Улар кар, соқов, кўрдирлар. Демак, тушунмайдилар», деб; «Ёсин»да эса «...улар иймон келтирмаслар. Дарҳақиқат, биз уларнинг бўйинларига то иякларигача етадиган кишанларни уриб қўйдик, бас, улар кўра олмаслар», деб марҳамат қилган. Улар аслида кар эмаслар, қулоқлари яхши эшитишди, аммо Ҳақ сўзларни эшитмагандай юрадилар. Соқов эмаслар, аслида тиллари бурро, аммо калимайи шаҳодатни айтмай яшайдилар. Кўзлари очиқ, аммо ҳидоят йўлини кўра туриб, ўзларини кўрмаганга оладилар. Булар жоҳилият замони вакиллари Абу Жаҳл, Абу Лаҳаб, Муғира ибн Валид каби кимсалар. Уларнинг қалблари муҳрли бўлгани учун ҳам ҳидоятга эта олмадилар. Улар ҳақиқатни кўра туриб, била туриб: «Ҳаққа ишонсак, хотинларимиз олдида масхара бўламиз» ёки «пайғамбарлик аслида бизларга берилиши керак эди, чунки бизларнинг мол-мулкимиз ва бола-чақамиз янада кўпдир», деган ақлсиз ва мантиқсиз сўзларни сўзлайвердилар. Улар ўз қабилаларидан чиққан Инсоннинг Ҳақ пайғамбар эканликларини билганлари ҳолда, аҳмоқликлари туфайли инкор этувчи ўжарликларидан қайтмаганлар.

Қуръони Каримда зикр қилинган иккинчи тоифа аҳмоқлар эса ўзларини ғоят ақлли деб биладиган кишилардир. Дунёвий орзулар уларни ғафлатга етаклагани учун кўзлари ҳақиқатни кўрмайди. Бундай кишиларнинг фақат айримлари бирон-бир фалокатга учраганларидагина кўзлари қисман очилиши мумкин.

Мавлоно Жалолиддин Румий аҳмоқлар ҳақида шундай деган эканлар: «Аҳмоқлардан қочингки, Исо алайҳиссалом улардан қочгани каби. Аҳмоқлар билан суҳбат қилиш натижасида неча марта қонлар тўкилгандир».

Ўрни келганда Исо алайҳиссаломнинг аҳмоқдан қочишлари баёни билан танишсак.

Марямнинг ўғли Исо худди арслон қувалаган каби тоғ томонга югуриб борар эдилар. Кўчадан ўтаётган одамлардан бири унинг орқасидан югурди ва деди:

– Нима бўлди сизга? Ҳуркитилган қуш каби учиб бормоқдасиз?

Исо алайҳиссалом шу қадар тез чопар эдиларки, шошилганларидан бу одамнинг саволига жавоб бера олмадилар. Ул зотнинг бу тарзда югуришларидан баттар ҳайратга тушган одам, ниҳоят яқинлашди ва яна сўради:

– Ё Рухуллоҳ! Аллоҳ ризоси учун бир он тўхтанг ва ҳолингиздан бизга хабар беринг? Кимдан ва нима учун қочмоқдасиз? Ахир орқангиздан қувлаётган арслон ҳам, душман ҳам, қўрқадиган бошқа бирон нарса ҳам йўқ-ку!

Бунга жавобан Исо алайҳиссалом дедилар:

– Бир аҳмоқдан қочмоқдаман, аҳмоқдан! Ўзимни у билан суҳбатлашишдан қутқаряпман. Мендан узоқроқ турки, ўзимни қутқарай.

Бояги киши яна сўради:

– Дуолари билан кўрларга ва карларга шифо берувчи Исо сиз эмасми?

– Ҳа, мен ўша масиҳман, – дедилар Рухуллоҳ.

– Маънавий сирларнинг тилсимини билган ва шунинг учун ҳам «Рухуллоҳ» номини олган маънавий зот Сиз эмасми? Ахир сиз дуо қилганда ўлганлар ҳам худди ўлжасини тутган арслон каби қабрдан сакраб чиқарди-ку!

Бунга жавобан Ҳазрати Исо дедилар:

– Ҳа, ўликларни тирилтирган менман.

– Эй, Исо! Лойдан қуш ясаб, уларга жон бағишлаган Сиз эмасми?

– Ҳа, менман, – дедилар Исойи Рухуллоҳ.

– Эй, тоза руҳ! Ўзингиз истаган нарсага қодир бўла туриб, яна кимдан кўрқиб қочмоқдасиз?

Исо алайҳиссалом яна жавоб қилдилар:

– Аввало руҳни ва сўнгра вужудни яратган Жаноби Ҳаққа ва унинг сифатларига қасам ичаманки, сен айтган бу дуони, яъни исми Аъзамни кар ва кўрларга қилган эдим. Улар тузалдилар. Сўнг бу дуони баланд чўққили тоққа қилган эдим, дуонинг кучидан ўртасидан ажралиб кетди. Сўнгра ўлик бир жасаднинг қаршида ўқиган эдим, майит тирилди. Ҳеч бир нарсаси бўлмаган фақирга ўқиган эдим, бой-бадавлат бўлди. Лекин бу дуони аҳмоқ бир қалбга минг дафъа шафқат ва марҳамат ила ўқисам ҳам ҳеч фойда бермади. Бу аҳмоқ қоратош каби қаттиқ туриб олди ва қора феълидан асло воз кечмади. Оҳақ тўкилган қум каби ундан бир ўт ҳам ўсиб чиқмади.

Бу сўзларни эшитган у одамнинг қизиқиши янада ортиб Ҳазрати Исодан сўради:

– Исми Аъзам бу қадар киши ва нарсаларга таъсир қилиб, фойда бергани ҳолда нега аҳмоқликка таъсир қилмади? Қолбуки, қолганлар ҳам хаста эдилар. Уларнинг даво топиб, аҳмоқнинг эса даво топмаслиги сабаби ва ҳикмати недир?

Саволга Руҳуллоҳ бундай жавоб бердилар:

– Эй, инсон! Билгилки, аҳмоқлик илати Худонинг қаҳридир. Қолганлари эса қаҳри илоҳийга дуч келмаган хасталиклардир. Бало ҳам хасталикдир, лекин у ҳам мубталосидан шифо топади. Аҳмоқликка келадиган бўлсак, бу «Хатамаллоҳу ала қулубиҳим ва ала самъиҳим ва ала абсориҳим фишаватун» ояти билан қаҳри Худодирки, аксарият ҳолларда бу хасталиқдан бошқалар зарар кўрадилар. Аҳмоқлик тамғаси Аллоҳнинг улар қалбига урган бир муҳридир. Уларнинг кўзларида ва қулоқларида пардалар бордир. Унга ҳеч кимса чора топа олмайди. Ягона чора – ундан қочмоқликдир.

Бу ҳикматни рамзий маънода тушунмоқ лозиммикин? Яъни: аҳмоқдан жисмонан эмас, руҳан қочмоқлик жоиз. Чунки жисмонан қочиб қутулиш мумкин эмас. Қайси даврага яқинлашманг, ақллилар орасида бир ёки бир неча аҳмоқ топилади. Аҳмоқлардан руҳан қочмоқлик – иймонни, виждонни, диёнатни уларнинг салбий таъсиридан эҳтиёт қилиш дегани бўлади. «Қозонга яқин юрсанг – қораси юқади», деганлари бежиз эмас. Қулоқлари ҳақиқатни тинглашдан, оғизлари ҳақиқатни сўзлашдан, қалблари ҳақиқатни севишдан завқ ололмайдиганлардан қочмоқ шарт экан. Чунки уларнинг руҳиятидаги касофат соғлом қалбга чўкиб, кишини абадий хасталикка дучор қилиши ҳеч гап эмас. Шу боис ҳам Исо алайҳиссалом ҳаворийларга: «Сизни қабул этмасалар ва сизни тингламасалар, кетингиз. Кетаётганингизда оёқларингиз чангини

қоқингиз», деганлар. Расудуллоҳ (с.а.в.) «**Оқил – дўстим, аҳмоқ – душманим**», деб марҳамат қилганлар. Аҳмоқларнинг суҳбати қарғалар сингари бир ўлакса атрофига тўпланиш кабидирким, мажлислари фасоддир, суҳбатлари ғийбат, бўҳтон, амалари эса қон тўкмоқликдир.

Умидимиз юлдузлари! Сизлар аҳли диллардан бўлишга интилинглар. Аҳли дилнинг мажлислари гул, суҳбатлари муҳаббатдир. Уларнинг амалари яхшиликка йўғрилгандир. Инсонийликнинг улўф фазилатини фақат шундайлар ёнидан топа оласиз. Оқилга йўлдош бўлиш, аҳмоқдан қочиш инсонни икки дунё саодатига эриштиражагини ҳеч қачон унутмасангиз бас.

Орифлардан бири ҳикматлар ва ибратлар кўргазмаси бўлган бу оламни ақллилар учун гўзаллик сайридан, ақлсизлар учун эса ейиш ва шаҳватдан иборатдир, деб таърифлаган. Мавлоно Румий «Маънавий маснавий» куллиётларида бундай ёзадилар (насрий маъноси):

«Қўнғиз гўнг титкилагани учун ҳам хушбўй ҳидлардан қочади. Унинг дориси кўнгил бузувчи ҳидлардир. Чунки шундай шароитга ўрганган, гўнг жону тани бўлиб қолган. Ақлли кишилар ҳам ақлсизларни тўғри йўлга солиш учун уларга ҳикматли сўзлар билан насиҳат қиладилар, хушбўй ҳидлар билан тарбия қилмоқчи бўладилар. Кимга хушбўй ҳидли нарсалар ёрдам бермаса, демак, бундай одам бадбўйга ўргангандир. Сен ҳам яхшиликдан, нурдан насибангни ол. Бурнингни гўнгга тиқиб, қўнғизга айланиб қолма.

Инсон бўл, инсон!»

«Ақл қувватининг мўътадиллиги тадбирнинг чиройли, зеҳннинг тиниқ, фикр-ўйларнинг тўғри ва ишончли бўлишини таъминлайди, амалларнинг нозик, нафс одатларининг махфий жиҳатларини англашни ўргатади, – дейдилар ҳазрат Имом Ғаззолий. – Ақлнинг ҳаддан ошиши макр-ҳийлага, фирибгарлигу айёрликка бошлайди. Агар ақл меъёрдан паст бўлса, бефаҳмлик, хом ғайрат, аҳмоқлик ва жунун пайдо қилади. «Хом ғайрат» деганда дунё ва охират ишларидаги тажрибасизлик, яъни фойда-зарарни фарқлаш қувватининг заифлиги, назарда тутиляпти. Дарҳақиқат, инсоннинг тасаввур ва хаёл қилиш қуввати нечоғли соғлом бўлмасин, тажрибасизлиги туфайли баъзан касалга ўхшаб қолади. Аҳмоқлик ва жиннилик ўртасидаги фарқ шундаки, аҳмоқнинг мақсади тўғри, лекин уни амалга ошириш йўли нотўғри. Чунки аҳмоқ мақсадга олиб борувчи йўл хусусида тўғри қарашга эга эмас. Жинни эса танлаш лозим бўлмаган нарсани танлайди. Аслида, жиннидаги танлов ихтиёрининг асоси бузуқ».

Ақлли, ақлсиз ва аҳмоқнинг фарқини билиб олгандай бўлдик. Энди ақл хусусида фаҳмимиз етганича ақллашайлик. Дастлаб «Калила ва Димна»га мурожаат қиламиз.

Инсонни бутун ҳайвонлардан юқори қўйган, уни дунёнинг бутун сирларидан воқиф этган тўрт нарса будир: ҳикмат, **ақл**, қаноат ва адолат. Илм таҳсил этмоқ, савод чиқармоқ ва ҳар нарсани атрофлича тушуна билмоқ – ҳикматга; тадбир, сабр, назокат, марҳамат – ақлга; ҳаё, олижаноблик, ўзини қўлга олмақ ва ўзининг ҳақ-ҳуқуқини билмоқ – қаноатга; тўғрилиқ, ваъдага вафо, эзгу ишлар қилмоқ ва яхши хосиятли бўлмоқ – адолатга тегишлидир. Бу сифатларнинг бариси бир одамда мужассам бўлса, дунёдаги энг буюк мавқе ҳам уни гангитиб қўймайди. Энг катта кулфат ҳам уни саросимага сола билмайди. Бундай одам атрофида ўзини қувонтирмайдиган нарсаларнинг борлигидан ғам емайди, ўзида мавжуд нарсалардан маҳрум бўлса, ранжимайди. Бошига фалокат келса, ўзини йўқотиб қўймайди. Ҳикмат – битмас, туганмас хазинадир. Харжлаганинг билан у камаймайди. Асраганинг билан унга нуқсон етмайди. Ҳикмат шундай либоски, кийганинг билан эскирмайди (Ниҳояси йўқ роҳат ҳисобланмиш ҳикмат хусусида суҳбатимиз сўнггида яна батафсилроқ сўз юритамиз).

Ақл эса саховат эшиклари ва саодат хазиналарининг калитидир. Фоний дунёнинг азобу уқубатларидан халос бўлиш, боқий дунёнинг ноз-неъматларига етишиш ақл ва идрокка боғлиқдир. Инсонга ҳамиша ақли ҳукмронлик қилиши керак. Ақлини йўқотган кунини ўзини фалокатга отган бўлади. Ақлсиз бошнинг азобини эса вужуд тортади. Истеъдод, ақл-идрок икки хилдир: бири – табиий, онадан туғма бўлади; иккинчиси – касбий, яъни тажриба воситасида эришилади. Инсонларда бўлган табиий истеъдод ёғочдаги ёниш хусусиятига ўхшайди. Ёғочга ўт қўйилмаса ёнмайди. Шунга ўхшаш, табиий истеъдод ва ақл ҳам тажриба бўлмаса, ўзини кўрсата олмайди. Олимлар тажриба инсон ақл-идрокини камолга етказди, деганлар.

Бир одамни Пайғамбар (с.а.в.)га жуда кўп мақтадилар. Уни ҳар мақташганида Расулulloҳ (с.а.в.) «Ўзи ақллими?» деб сўрар эдилар. Бошқа бир ҳадисда эса: «Ақлли киши нафсини ҳой-у ҳавасга бермаган, ўлимдан кейинги охират ҳаёти учун ҳозирланган кишидир», дейилади.

Инсон ақли турли кўринишларда намоён бўлади:

- * назокатли ва мулойим муомалада;
- * ўзи ким эканлигини билиб, шунга риоя қилишда;
- * ўз сирларини дўстга билдириш ёки билдирмасликни билишда, яъни ақлсизнинг сири бўлмайди, ҳар нарсаси тилида туради;

* ўзининг ва бошқаларнинг сирини сақлашда;
* тилини тийиб, ортиқча сўзламасликда;
* мажлисларда жим ўтиришни одат қилиб, сўралмаган нарсаларни айтмаслик, ва пушаймонлик келтирадиган сўзларни тилга олишдан сақланишда.

Ақлли одам қиладиган ишининг охири нима билан ва қандай тугагини олдиндан кўз ўнгига келтириши керак. Қаерга боражани йўлга чиқишдан аввал билиши шарт. Акс ҳолда у йўлнинг ярмида сарсон бўлиб қолади. Фалокатдан бошқасига йўлиқмайди.

Аждодларининг ҳаётидан ибрат олиб, уларнинг тажрибасидан фойдаланган одам ақлли ҳисобланади. Ақлли одам бошқаларнинг хатосидан ҳам ибрат оладики, «Аҳмоқдан ақл ўрган», деб бекорга айтмаганлар. Мақолни тўғридан-тўғри тушунишга уринсак, ажабланамиз, чунки аҳмоқдан аҳмоқликни ўрганиш мумкин. Мақолнинг чуқур маъноси шундайки, аҳмоқнинг гапларини эшитиб, аҳмоқона ҳаракатлари туфайли эл олдида шармандали ҳолга тушишини кўриб, мулоҳаза юритиш ва у қилган аҳмоқликларни такрорламаслик керак. Ақл эгаси кўрганидан ибрат, эшитганидан сабоқ оладики, оқибатда ўтган хатоликлари учун фақат ҳасрат ва надомат чекавермай, аксинча, бу ишларни такрорламаслик чораларини кўради. Ҳазрат Навоий деганлар: «Ақлли одам эл хатосини кўриб, хулоса чиқаради ва тўғри йўлни танлайди. Бунини у хатосини бошқалар сезишидан ва юзига солишидан олдинроқ қилади:

*Оқил чу кўрса элда хато ижтиноб этиб,
Андин савоб йўл сари мойил қилур ўзин.
Қўймас анинг хатосига эл айлаб эътироз,
Айтурга юзи ўтрусида саҳвининг сўзин.*

Маъноси: Оқил бошқаларда хато кўрса ўзини тортади. Ўзини тўғри йўл сари мойил қилади. Унинг хатосига эл эътироз билдириб, юзига қараб, айбини айтишга ўрин қолдирмайди.

Одам боласининг ўзбилармонлиги ақлнинг заиф, кучсизлигидан дарак беради. Ўзбилармон одам ҳамини машаққатда яшайди. Зиёнли ҳар нарсада бир фойда ҳам бор, деб айтадилар. Энг яхшиси, бошқаларнинг кўрган зиёнларини назарда тутиб, уларнинг фойдали тажрибаларидан истифода этишдир.

Афсуски, ҳаётда аксини кўриб турамыз. «Биров томдан ташласа, сен ҳам ташлайсанми?» деган нақл бор. Кўриб турибмизки, бир одам аҳмоқлик қилиб томдан ташлади. Ўлмаган тақдирда ҳам лат эди, азоб чекди. Бошқа бир одам ҳеч қачон ўзини аҳмоқ сана-

майди-ю, бироқ ўша томдан бир ташлаб кўришга интилаверади, баъзан ташлаб кўриб, сўнг афсусланиб юради.

Умидимиз юлдузлари, сизнинг айрим дўстларингизда ҳам шундай иллат кўриниб қолади. Масалан, чекишнинг зарарини ҳаммангиз биласиз. Аммо синфингизда бир йигитча танаффус чоғида бекитиқча чекиб туради. Бу ишнинг яхши эмаслигини билса-да, яна бир-икки йигитча уларга қўшилишга ҳаракат қилади. Баъзан қўшилади ҳам. Сигарет чекиш билан чекланишса бир нави, нашага ўтиб қолишса, ёмон, жуда ёмон! Гўё вақтинчалик ҳавас бўлган бу ҳаракат ёш умрни ҳалокатга олиб боришини ўзингиз ҳам, ёш бўлишингизга қарамай, ҳаётда кўп учратиб турибсиз. Кўра туриб ўзларини бу иллатлардан нари тутган умидимиз юлдузларни биз шарафлаймиз. Энди бу мисолни ўзингиз ҳам кузатаётганингиз катталарнинг ҳаётидан олсак.

Кўшнимиз ёки қариндошимиз дабдабали тўй қилди ва қулоғига қадар қарзга ботди. Тўйдан кейинги роҳат ўрнига азобли кунлар бошланганини ўзимиз ҳам кўриб, ундан-да дабдабали тўйга ҳаракат қиламиз. Ундан кўпроқ қарз кўтарамиз. Бу қилмишимиздан «сен бир қаватли уйнинг тоmidан ташласанг, мен тўққиз қаватли уй тоmidан ташлайман, абжағим чиққанини ҳамма кўрсин», деган маъно чиқмайдими? Кимлардир бизларни бу нодонликдан тўхтатмоқчи ҳам бўлади, «аҳмоқлик қилма», деб танбеҳ берса биз унга «ўзинг аҳмоқсан», деб катта кетамиз. Ўзининг ниҳоятда ақллигига астойдил ишонган одам деярли ҳамиша ақли паст ёки бутунлай беақл одамлар тоифасига киришини билсак, эҳтимол бундай жавоб қилмасдик. Ҳазрат Умар (р.а.): «Ақлли инсон яхшилиқни ёмонликдан ажрата оладиган одам эмас. Ҳақиқий ақл соҳиби иккита ёмон ишдан қайси бирининг зарари кўпроқ эканини билган одамдир», деган ҳикматларни унутмасак ўзимизга фойдалидир.

Айрим пайтларда бир аҳмоқнинг аҳмоқона ишини бошқа аҳмоқ «ақлли иш қилибсан», деб мақтаётганига ҳам гувоҳ бўламиз.

– Фалончи бир йилдан бери қарзини қистаб келавериб, жонимга тегди. Бергани бир ярим минг доллару даъвоси осмонда. Кеча келганида бир оз кайф қилиб ўтирган эканман, газабим кўзиб, орқасига иккита тепиб, жағига бир мушт урувдим, қораси ўчди.

– Ақлли иш қилибсан, бунақа нокаслардан қарз сўраш керакмас.

Икки аҳмоқ учрашганида яхшилиқ туғилишини умид қилиш – хўроздан ҳар куни тухум кутиш билан барабар. Бошқачароқ айтсак: икки аҳмоқнинг учрашувидан яхшилиқ ҳосил бўлишига

учинчи аҳмоқгина ишониши мумкин. Агар қарздорнинг зулмини эшитган ошнаси:

– Дўстим, бир гуноҳ устига иккинчи гуноҳни орттирибсан. Дарҳол жабрдийданинг ҳузурига узр сўраб бор. Тез кунлар ичи қарзингни ҳам қайтар-у биродарлик ришталарини тиклаб ол! – деб айтса, унинг ақли намоён бўлади. Бунақа ҳолатларда ақл покиза қалбга қўшилса фазилатга айланади. Акс ҳолда, ақл фазилат эмас.

Бирон бир ҳиссиёт, хусусан, бойишга майл уйғонганида ғоят эҳтиёт бўлмоқ даркор. Агар ақл бўлмаганида ҳиссиётлар одамнинг тинка мадорини қуритган бўларди. Бемаъни ҳиссиётларни жиловлаш учун ҳам одамга ақл берилган, шундай эмасми? Куч – ақлда. Ақлсиз бош – бамисоли шамсиз шамдон, дейдилар. Инсон жасадидаги ақл дарахтга ўхшаркан. Дарахт соғлом ва серҳосил бўлса, ундан самара умид қилиш мумкин. Унга пажмурдалик ва хазон этса, ўтин қилиб ёқишдан бошқа нарсага арзимади.

Умидимиз юлдузлари! Билурсизким, инсоннинг бошида кўз, қулоқ, оғиз, бурун каби қийматли аъзолар жойлашган. Лекин инсонийлик моҳияти гўзал кўз ёки бежирим қулоқ билан эмас, балки ақду заковат, маънавият ва қуввайи ҳофиза билан юзага чиқади. Бу эса миядан ўрин олган бир жавҳар бўлиб, инсонга тақдим этилган буюк неъматдир. Миядаги кичкина бир иллат туфайли киши телбага айланади, ҳайвонлар қилмаган ишларни қилади. Инсоният ҳануз бу сирнинг тагига етолгани йўқ.

Ҳазрат Навоий ақлни гавҳарга қиёслаганлар ва деганларки:

«Гавҳар балчиққа тушгани билан қиймати камаймас. Эшакмунчоқ тожга таққан билан феруза ўрнини тутмас ва ҳеч ким унинг баҳоси пастлигини унутмас.

*Зевар била шакли хўб бўлмас,
Ҳар қизки эрур ямон лиқолиг.
Ҳар неча қоронғу бўлса ҳужра,
Шамъ анда бўлулр фузун зиёлиг.*

Дейилмоқчики: агар қиз хунук бўлса, безак билан чирой топа олмайди. Ҳужра ҳар қанча қоронғи бўлса ҳам, шамнинг равшан нуруни бўға олмайди, аксинча, қоронғи ҳужрада шамнинг нури қадрлироқ бўлади.

Инсонлар ақл билан мумтоздирлар. Ақл туфайли яхшилик ва ёмонликни идрок эта оламиз. Шунинг учун ихтиёримизни хайрга сарф этиш – ақлимиз қўлидадир. Киши молсизликдан қашшоқ бўлса-да, ақлдан бой бўлишга тинмай интилиши керак. Чунки мол

билан бой бўлгандан ақлан бой бўлган афзалроқдир. Ақл билан мол тўпласа бўлади, мол билан ақл тўплаб бўлмайди.

Ҳадис. Расулуллоҳ (с.а.в.) бундай марҳамат қиладилар:

– Сизлардан аввалги умматлардан уч кимсанинг: абрас, кал ва кўрнинг аҳволидан ҳикоя қилиб бераман. Аллоҳ Таоло имтиҳон қилиш учун уларнинг олдига бир малак юборди. Малак абрас касаллигига мубтало бўлиб, баданига оқ тушган одамнинг олдига келди-да, сўради:

– Дунёда жону дилинг билан нимани истайсан?

– Бу хасталиқдан қутулиб, танамга гўзаллик қайтишини, одамлар мени кўрганларида ирганмай, қувонадиган чирой соҳиби бўлишни истайман. Фоний дунёда бундан бўлак хоҳишим йўқ.

Малак бу одамнинг баданини силади ва абрас хасталигидан халос этиб, уни гўзал бир вужуд соҳиби қилиб қўйди-да:

– Энди сенга давлат бераман. Қандай молни яхши кўрасан? – деб сўради.

– Туяни яхши кўраман, – деди абрас.

Малак унга ўн ойлик урғочи туяни берди-да: «Бу туяни Аллоҳ сен учун баракали этсин», деб дуо қилгач, калнинг олдига борди:

– Дунёда жону дилинг билан нимани истайсан?

– Бирдан бир умидим чиройли сочга эга бўлиш. Бунинг учун ҳеч нимама ни аямайман, – деди кал.

Малак уни ҳам сийлади. Калнинг бошидан чиройли соч ўсиб чиқди.

– Энди сенга давлат бераман, нимани хоҳлайсан? – деб сўради малак.

– Сигирни яхши кўраман, бир сигирим бўлишни аллақачондан бери орзу қиламан, – деди кал.

Унга бир сигир берилди. Малак: «Бу соғин сигирни Аллоҳ сен учун баракали этсин», – деб дуо қилгач, хайрлашди-да, кўрнинг олдига бориб сўради:

– Дунёда жону дилинг билан нимани истайсан?

– Энг орзу қилганим – кўзларимнинг кўришидир, – деди сўқир умид билан.

Малак уни ҳам даволади, кўзларини очгач:

– Сенга бойлик бераман, нимани яхши кўрасан? – деб сўради.

– Энг яхши кўрганим қўйдир. Қўй сурувларим бўлишини орзу қиламан.

Унга совлиқ берилди. Туя – бўғалоқ, сигир – бузоқ туғиб берди, қўй қўзилади. Бу уч одам шунчалик бойиб кетдиларки, кўп вақт

ўтмай учаласининг ҳам бир водийни тўлдирадиган туялари, сиргилари, қўйлари бўлди. Уларнинг ҳар бирлари бир водийга эга бўлиб, фароғатда яшаётган кезларда Малак яна ерга туширилди. Абрас хасталигидаги бемор қиёфасига кирди-да, бир пайтлар шу касалликдан азоб чеккан одамга рўпара бўлиб ўтинч билан деди:

– Эй, бадавлат инсон! Мен бир ғариб мусофирман. Кўп юрдим. Менга Аллоҳ ризолиги учун бир туя бер, манзилимга етиб олай. Сенинг рангинг ва баданингни чиройли қилгани ҳақи менга кўмаклаш.

– Сенга берадиган нарсам қолмаган, ҳамма нарсани бериб бўлганман, – деди абрас.

– Мен сени таниётганга ўхшайман. Сен ҳамма ҳазар қиладиган, одамлар ирганадиган абрас эмасмисан? Сен жуда камбағал эдинг. Аллоҳ сенга урғочи туя бериб, бадавлат қилмадими? – деди Малак.

– Йўқ, мен у одам эмасман. Бу мол менга отамдан, бобомдан қолган.

– Агар ёлғон сўзласанг, Аллоҳ сени аввалги ҳолингга келтириб қўяди. – Малак шундай деди-да, ундан нари кетиб, калнинг олдига борди. Абрасга айтган гапларни унга ҳам айтди, ёрдам сўради. Кал ҳам худди абрас каби рад жавобини берди. Малак унга ҳам «Агар ёлғон гапирсанг, Аллоҳ сени аввалги ҳолингга қайтарсин», деди-да, кўрнинг олдига борди. Унга сўқир ҳолида рўпара бўлиб, ёлборди:

– Мен фақир, йўқсил одамман, йўлдан қолдим. Юртимга қайтишга имконим йўқ. Менга Аллоҳ ризоси учун ёрдам бер. Сенинг кўзларингни очган, равшан қилган, сенга давлат берган Жаноби Ҳақнинг ризоси учун менга битта қўй бер.

Аввал сўқир бўлган, Аллоҳнинг марҳамати билан кўзи очилиб, бойиб кетган одам тиланиб келган кишига қараб ғоят ачиниб, дедики:

– Эй, ғариб йўлчи! Мен аввал худди сен каби кўр эдим. Аллоҳ кўзларимни равшан қилди. Мен фақир эдим, Аллоҳ менга бир совлиқ берди. Бундан давлат орттирдим. Аллоҳ ризоси учун битта эмас, истаганингча қўй ол.

Ақлини йўқотмаган бу одамга қараб Малак шундай хитоб қилди:

– Қўйларинг ҳам, барча давлатинг ҳам ўзингга буюрсин. Аллоҳ баракатини янада оширсин. Бу сизлар учун Аллоҳ томонидан бир имтиҳон эди. Танишларинг имтиҳонда панд еб, Аллоҳнинг ғазабига учрадилар...

Бу шарафли ҳадис ақл эгалари учун беқиёс ибрат дарсидир. Атрофимизга қарайлик-чи, қадим замонларда яшаган ўша абрас ва калга ўхшаганларни ҳозир учратармикинмиз? Афсуски, уч-

ратамиз. Кимки улардан ёрдам сўраса, ақл ўргата бошлайдилар, ёрдам ўрнига насиҳатларни қалаштириб ташлайдилар. Не ғамки, бундай аҳмоқлар дунё бунёд этилганидан бери бор. Ҳаёт ҳикмати кўринг: ёмон феъллиларнинг, яъни аҳмоқларнинг феъллари бир-бирига айнан ўхшайди.

Оқил киши ўз умрини озгина мол билан хуррам ва шодликда ўтказди. Нодон киши ҳисобсиз молу давлат билан доимо ғам-алам тортиб, саргардонлик билан кун кечиради. Барча нарсанинг кўнгилдагидек тугаши ақлга боғлиқ. Шунинг учун оқил киши барчадан улўғ ва муҳтарамдир. Ақл – нафснинг зиндони, ҳой-у ҳавас эса оромгоҳи ҳисобланади. Ҳой-у ҳавас турли хил иштиёқ ва орзуларни нафс олдига туҳфа қилиб олиб келади. Аммо бу беҳуда ҳавасларни **ақл** ман қилади. Демак, кишининг нафси ҳой-у ҳавасга мойил, ақлдан эса узоқдир. Шунинг учун оқил инсон нафс кўйига кирмай, ақл садосига қулоқ солади. Ишнинг оқибатини ўйлайди. Киши бахт-саодатга нафс орқали эмас, балки ақл орқали эришажагини тарих беҳисоб тарзда исбот этганки, бу ҳам бизлар учун ибратдир. Алломаларнинг бу гўзал фикрига қулоқ тутинг.

Бадан – нафс ўлкаси ва шаҳридир. Қалб шу ўлканинг қоқ марказидир, қолган аъзолар унинг хизматкорлари, ботиний қувват эса ўлканинг ёритувчи фонусидир. Ақл – уни тўғри йўлга бошловчи вазир. Истак ва орзу хизматкорларнинг ризқини мувофиқлаштирувчи восита. Жаҳл ва ғазаб шу ўлканинг миршабларидир. Ғазаб инсонга тўғри йўлни кўрсатаётгандек туюладиган, аслида эса ёмонлик ва тузоқ ҳозирлаб қўйган қулдир. У аввал насиҳат қилиб туради, кейин ўлдиради. Қалбни оқкўнгил вазирига қарши қайрайди. Ақлнинг олди қисмидаги ҳаё қўриқчи мисолдир. Ақл ўртасида эса фикрлаш қуввати мавжуд. Эслаб қолиш қуввати эса ақлнинг орқа қисмида жойлашган. Тил таржимон, беш сезги аъзолари эса унинг жосуси ва хабарчиларидир. Уларнинг ҳар бирига муайян вазифа топширилган. Кўз ранглар оламида, қулоқ овозлар оламида, бошқа аъзолар ҳам тегишли вазифаларни бажаришади. Уларнинг ҳар бири ўзига хос хабар манбайидир. Улар ўзлари билган нарсани нафсга етказадиган эшикбон сингаридирлар. Подшоҳ мартабасидаги **қалб** дуруст бўлса, қўл остидагилар ҳам дуруст, аксинча, бетавфиқ бўлса, қўл остидагилар ҳам шундай бўлади. Қалб кин, ғазаб, сабрсизлик, ҳирс, ортиқча орзу ва тақдирдан рози бўлмаслик каби ботиний хасталиклардан фориф бўлсагина нажот топиб, ҳаловатга эришади.

Ақл бизни эҳтиросларимиз ва нуқсонларимиздан баланд тутибгина қолмай, фазилатларимиз, истеъдод ва эзгуликларимиздан

мақсадга мувофиқ фойдаланишда ёрдам беради. Зеро, ақлли бўлишнинг ўзи кифоя эмас, муҳими – бор ақлни ишлата билиш керак. Донолар орасида: «Айримларда ақл зўриқиш туфайли барбод бўлади. Аксарият инсонларда эса ишлатилмаганидан моғорлаб кетади», деган гап ҳам бор. Ҳаётда чарчаш туфайли барбод бўлишни кам учратамиз, аксинча, ақлнинг моғорлаб кетгани кўп учрайди. Баъзи одамларда ақл бутун умри давомида ташландиқ ер каби қаровсиз қолаверади. Ҳолбуки, ақл мулоҳаза юритиш, англаш хусусиятига, яъни сабаб ва оқибатни узвий боғлаш, «нима учун?» деган саволга жавоб бериш, тасодифларни аниқлаш, қонуниятларни очиш, кутилмаган ҳолатларнинг янги шароитларга мослигини белгилаш, воқеалар занжирининг боши ва ниҳоясини топиш қудратига эга. Шу туфайли инсон танасидаги соғлом ақл энг кичик вужудда жамулжам бўлган бемиқёс буюклик саналади.

Ривоят. Қадим замонда бир шаҳарда Қосим исмли меҳнаткаш одам яшарди. Кеча-кундуз ишлаб, меҳнати орқасидан бойлик ҳосил қилди, орттирган пуллари «бирон кунимга асқатар», деган умидда кўзачага жойлаб, бегона кўздан нари, деган мақсадда жар ёқасидаги чилонжийда дарахтининг остига қўмиб қўйди.

Орадан бир неча кун ўтгач, пулга муҳтож бўлди-ю кўзачани олиш учун дарахт остини кавлади. Не мусибатки, кимдир кўзачани кавлаб олиб кетибди. Бундан Қосимнинг ёруғ куни тунга айланиб, боши гангиди. Унинг фозил бир биродари бор эди. Дарҳол унга учраб, арзи ҳол қилди. Фозил киши Қосим билан дарахт ёнига келди, ўйлади. Лекин, бирон тайин фикрга кела олмади. Бу онда уларга дарвишсифат бир одам, сўнг ёш бола яқинлашдилар. Воқеадан уларни ҳам бохабар этдилар.

– Чилонжийданинг илдизи турли хасталикларга дори бўлгани учун шифо истагидаги кимдир кавлаб олган, – деди у киши. Унинг фикрини бола қувватлади:

– Табиблардан сўраш керак, қайси табиб кимга чилонжийда илдизидан дори тайёрлаб берган бўлса, дарахтнинг тагини кавлаётиб кўзачани топган ҳам ўша киши бўлади.

Қосим ҳам, унинг фозил дўсти ҳам йўловчи одам ва нотаниш боланинг ақл-фаросатларига таҳсинлар айтиб, табиблар ҳузурига бирма-бир бориб суриштирдилар. Табиблардан бири уларнинг муаммоларини тинглагач, дедик:

– Ҳожи Ҳайдар исмли хаста одамни муолажа қилмоқ учун чилонжийда илдизини топиб келтиришни буюриб эдим. У киши келтирди, мен дори тайёрлаб бердим. Иншаоллоҳ, дардига шифо топгай.

Табиб айтган манзил бўйича бориб, Ҳожи Ҳайдарни топдилар.

– Шифо илинжида чилонжийда илдизини кавлаб олмоқчи эдим, бир кўзача чиқди. Дарахт бирон боғ ичида бўлсайди, боғ эгасидан суриштирдим. Эгасиз жар ёқасида бўлгани учун, кўзачани уйга келтириб қўйдим. Аслида кўзачага тегмаслигим жоиз эди. Бироқ, ҳалол-ҳаромнинг фарқига бормайдиган бирор одам қўлига тушиб қолса, эгаси чирқирамасин, деган мақсадда олдим. Омонатга хиёнат қилиш ниятим йўқ!

Қосим кўзачанинг ҳажми, ранги ва ичидаги тангаларнинг миқдорини айтгач, Ҳожи Ҳайдар бойликни эгасига қайтарди. Қиссадан ҳисса шуки, ҳар қандай муаммо ақл ила ҳал қилинур.

Ҳар бир одамнинг оз бўлса-да, ўз ақли бўлгани яхши. Чунки Фирдавсий ёзганларидек:

*Ақлдан гамгинлик, шодлик, ўктамлик,
Ақлдан борлиг-у йўқлиг-у камлик.*

Инсон дунёда ўз ақли билан яшамоқ учун туғилади. Ақл ўргатувчиси кўп бўлган ишдан фойда кам. Кимнингки ўз ақли йўқ экан, унга ҳамма одамларнинг бирваракай ақли ҳам наф беролмайди. Кўзи ожиз одам бу нуқсонини ёнидагилар ҳисобига тўлдиролмайди. Қаерда ақл етишмаса, у ерда ҳамма нарса етишмайди. Бу ўринда фақат ўз ақлига маҳлиё бўлиб, ўзбилармонлик билан кун кўришнинг ўз ақли билан яшашга интилишдан фарқлаб олиш керак. Яъни ҳар нарса меъёрида бўлиши афзал. Меъёрдан ошилса, биринчи ҳолатда мағрурлик ва кибр, иккинчисида эса танбаллик, лоқайдлик нишонлари кўринади.

«Кўр ҳассасини бир марта йўқотади», «Оғзи куйган қатикни ҳам пуфлаб ичади» каби деган мақоллар мағзини чақиш керак. Бу мақоллар ақли одамларга нисбатан айтилган. Ҳар қандай одам ҳаёт йўлида озми-кўпми, қоқилиб туради. Ақли одамлар тубан ва ярамас муҳитга тушиб қолсалар, тезда ундан қутулишга ҳаракат қилишлари зарур. Муайян вазиятда ақлини йўқотмаган одам умуман ҳеч нарсани йўқотмайди. Кимки кўр-кўрона номаълум йўлга чиқса, халқнинг тўғри кетаётган йўлидан узоқлашади ва қанча кўп йўл юрса, шунча кўп адашади. Агар бир одамнинг кўзига тикан кирса ва бу тиканни чиқариб олмасдан уни аҳамиятсиз бир нарса ҳисоблаб, кўзини ишқай бошласа, мутлақ кўр бўлади. Ақли одам кўпнинг раъйи билан ҳисоблашиб, унга ишониши лозим. Шу билан бирга, ақл ва тажрибанинг сўзларига ҳам қулоқ солиши зарур. Ақли одам ўзига раво кўрмаганини ўзгага ҳам раво кўрмаслиги шарт. Чунки ҳар бир ишнинг ўз мукофоти ва оқибати мавжуд.

Ақл билан фалокатнинг олдини олган, саросимага тушмаган одам бахтиёрдир. Ақл ва иродага таянмаган одам бундай пайтларда нажот топа олмайди. Бахтсизлик юз берганда одамга ақлдан бошқа ҳеч нарса ёрдам бера олмайди. Шу боис ҳам донолар: «Ақл барча эзгу ишларнинг асоси, саодат дарвозаларининг калитидир», дейдилар. Бу хислат кимда бўлса, унга илм ва ҳилм фазилати қўшилса, у одам шаън-шавкатга, иззат ва ҳурматга сазовор бўлади. Қадим файласуфларидан Демокритнинг «Тана гўзаллигини, агар унинг заминида ақл ётмаса, ҳўкиз гўзаллигига ўхшатиш мумкин», деган фикрини эътиборсиз қолдирмаганимиз дуруст. Бу фикрни давом эттириб айтиш мумкинки: жасоратсиз ақл – аёлга хос хислат. Ақлсиз жасорат эса – ҳайвонга хос хислат. Баён этилмиш фикрларнинг тасдиғини «Қутадғу билиг»да ҳам ўқиймиз:

*Билиглик уқушлуқ киши ул киши,
Онингда нору борча йилқи туши.*

Маъноси будир: инсон дегани – илмли, ақлли кишиларга берилган номдир. Қолганлари йилқи сифатдир (яъни, ақлли, илмидан бошқасини йилқига қўшиб қўй, дейилмоқчи).

Ер юзиде қанча инсон бўлса, ҳаммасида ўзига яраша ақл бор. Аммо барчанинг ҳаракати ҳам фақат инсонга хос гўзал ҳаракат эмас. Кимдир ўз ақли даражасида ҳўкизга, кимдир оловга, кимдир ёғоч санамларга топинади. Кимдир пайғамбарни Худонинг ўғли, бошқаси императорни қуёшнинг ўғли, деб сиғинади. Кимдир ақли туфайли шараф тожиге эришади, яна кимдир ақли ноқислиги туфайли ё гиёҳванд бўлади ёки зинокорлигининг мукофоти сифатида «ОИТС» каби хасталикка чалиниб, дунёни шармандалик либосида тарк этади.

Масал. Эчки билан туя ҳамроҳликда борар эдилар. Рўпараларидан дарё чиқиб, биринчи бўлиб туя сувга тушди.

– Дарё чуқур эмас экан, сув қорнимдан келяпти, сенам тушавер, – деди туя эчкига.

Эчки дарё томон юрмай, орқасига тисарилиб, дедики:

– Эй, дўстим, дарё сен учун чуқурмасдир. Ҳар ҳолда қорин билан қориннинг фарқи бор. Сенинг қорингдан келган сув мени кўмиб юборади-ку!

Ҳар ким ўз ақли ва қобилиятига қараб иш тутса, тўғри йўл танлаган бўлади. Акс ҳолда аввалроқ баён қилганим «сен ўзингни томдан ташлабсан, менинг сендан кам ерим борми, менам ташлайман!» деганлар каби ақл неъматидан йироқлашади.

Донолар ақнинг мақбулини «ақли салим» деганлар. Ҳар ақл мақбул дейилмайди, мақбул эмаси ҳам мавжуд. Мақбул бўлмаганларини аввал баён қилганимдек «ақлсизлик» ёки «аҳмоқлик» дейишга одатланганмиз. Биз бир инсоннинг ҳаракатига «ақлсизлик» деб баҳо берамиз, аммо унинг ўзича, бу иши ақлдандир. Инсон ўз ақли даражасида кўп нарсаларни ўйлаб топиши мумкин. Кўп ишларни амалга ошириши ҳам мумкин. Аммо гап у амалга оширган ишнинг жамият учун маъқул ёки маъқул эмаслигида. Бошқача айтилса, ҳақиқатга мослигида ёки мос эмаслигида. Ақлнинг маҳсулотлари ҳақиқат тарозусида ўлчанади. Ақлли одам билан аҳмоқнинг фарқи шуки, ақлли доимо фикрлагани фикрлаган, аммо кам гапиради. Аҳмоқ эса доимо гапириб, ҳеч вақт ўйламайди. Ақлнинг тили ҳамиша фикрининг измида. Аҳмоқда бўлса бунинг акси. Ақлнинг тили – тафаккурнинг тилмочи, аҳмоқнинг тили эса гап ташувчи ва ғийбатчидир.

Ўрни келганда кўп хонадонларнинг шўрини қуритаётган бир аҳмоқлик ҳақида ҳам гапириб ўтай.

Умидимиз юлдузлари, маст қилувчи ичимликларни ичиш ҳаром, яъни ман этилганини биласиз. Шукрим, бу иллатдан **ҳозирча** йироқсиз, илоҳим, «ёмонликлар онаси» деб сифатланган бу хасталиқдан ҳамиша йироқ бўлинг. «Ҳозирча» деганимнинг маъноси, бугунги ўсмирлар яқин йилларда йигит ёшига етгач, аввал ота-оналаридан яширинча, кейин ошкора майхўрлик қилаверадилар. Яна афсуски, катталарга ҳавас қилиб пивоми ё виноми ичувчи ўсмирлар ҳам учраб туради. Илоҳим уларнинг бу касаллиги сиз ақли расо ёшларимизга юқмасин. Майхўрликнинг ақлни кетказувчи ёмон иллат эканини ҳамма билади. Ажабки, бу иллатдан ўзини ихота этишни ўйламайди. Бу мавзу алоҳида мулоҳазага, таҳлил ва хулосага муҳтож бўлгани учун ҳозирча гапни мухтасар қилиб, асосий баҳсни «Ёмонликлар онаси» деб номланган суҳбатда биргаликда давом эттирамиз.

Аҳмоқ одам асли иродасиз одамдир. Кимки аҳмоқ бўлса, уни бошқалар алдайди, ихтиёрини олади, эзиб ишлатади. Фақат ақл соҳибигина чинакамига озод ва мустақилдир. Чунки ақл эрк-сизликка чидай олмайди. Зотан, қаерда ақл бўлса, қудрат ҳам ўша ердадир. Ақл ҳар қандай ёт таъсирлардан соҳибини ҳимоя қилади. Ақл ҳар қандай фитна устидан ғолиб бўлади. Ақлнинг кучига ишонмаслик – ақлсизлик белгиси. Ақл-идрокдан маҳрум бўлган бош сувсиз чашмага, адабсиз, тарбиясиз йигит эса эгар-жабдуқсиз отга, шарм-ҳаёсиз жувон тузсиз таомга, илмига амал қилмаган олим хушбўй гули йўқ бўстонга ўхшайди. Донишманддан сўрадилар:

– Кишининг ақлли одам эканини унинг қайси ишидан билиш мумкин?

Донишманд деди:

– Уч хислатнинг биридан билса бўлади: у юборган элчисига қараб, ё ёзган мактубига қараб ёки юборган совфасига қараб. Элчи – унинг ўзи демак; мактуби – унинг нутқи; совфаси эса – ҳимматидан дарак.

Комил ақлга эга бўлган киши ўзини паст мартабадан юқори мартабага кўтаради. Раъйи-ақли кучсиз бўлган киши эса ўзини баланд мартабадан қўйи ташлайди. Суқрот ҳаким вафотларидан олдин шогирдларига бундай насиҳат қилибдилар:

– Фароғат, шодлик кеч келиб, тез кетади, қайғу-алам тез келиб, анча узоққа чўзилади. Ҳар одамнинг иффат ва парҳезкорлиги бўлмаса, ҳар қанча зийрак ва доно кўринса ҳам, унинг ақли камолга етишган ҳисобланмайди. Шунга кўра, оқил ва камол иффатли, тавфиқли бўлмоғи шарт. Қилган ёмонликлари, фисқу фужурларини ҳар ерда мақтаб, гердайиб сўзлаб юрган одамдан узоқлашинг. Комил, ақлли одам бузуқ хаёлларни кўнглига келтирмайди, ақл-хуш қуввати билан уларни рад этади.

Ҳақимнинг бу ибратига қўшимча қилиб айтиш мумкинки, ақл ва ҳаё ажралмас дўстдир. Бири йўқолса, иккинчисини топиб бўлмайди. Дунё дунё бўлиб яралганидан бери ҳали комил ақл эгасининг беҳаёлик қилганини, ёки аксинча, беҳаё одамнинг комил ақл эгалари мартабасида эъзозланганини кўрган эмас.

Ривоят. Ҳазрати имом Абу Ҳанифа Куфий (қ.с.) тошлоқ йўлдан бораётган эдилар. Қаршиларидан бир хўкиз келаверди. Абу Ҳанифа йўлдан четландилар. Ҳамроҳлари дедиларки:

– Ё имом! Бу парҳез нимадандир?

Дедилар:

– Менинг ақлим бор, унинг эса шохи!

Луқмони Ҳақим дебдилар:

– Эй, ўғил, одамлар сўзга устамонликлари билан мақтансалар, сен сукутинг билан мақтан. Ҳар нарсанинг далили бор: ақлнинг далили – фикр. Фикрнинг далили – сукутдир.

Ақл фойдаланилмагунича соҳибига фойда бермайди ва киши лайлак ҳолига тушади.

Масал. Дарахт тепасига ин қурган кабутар тухум қўйиб, бола очган чоқда тулки келиб дағдаға қилди:

– Полапонларингни ташламасанг, дарахт тепасига чиқаман-да, ўзингни ҳам, болаларингни ҳам ейман.

Кабутар ўз жонидан қўрқиб, болаларини тулкига ташлади. Кейин яна тухум қўйиб, бола очди. Тулкининг ёмонлигидан қўрқиб ўтир-

ганда лайлак учиб келиб паришонлиги сабабини сўради. Кабутар тулкининг дағдағаларини айтиб берди. Лайлак унинг нодонлигидан кулди-да, ақд ўргатди:

– Тулки яна келса, «Болаларимни ташламайман. Истасанг ўзинг дарахтга чиқиб еявер, мен учиб кетаман, мени ея олмайсан», десаңг аҳмоқлигича қолаверади.

Кабутар лайлак айтгандай қилди.

– Бу гапларни сенга ким ўргатди? – деб сўради тулки.

Кабутар ақд ўргатувчиси ким эканини айтгач, тулки лайлакни излаб кетди. Уни дарё қирғоғидан топиб, сўради:

– Эй, лайлак, шамол ўнгдан эсса бошингни қандай сақлайсан?

– Бошимни чапга бураман, – деди лайлак донишмандлик билан.

– Шамол чапдан эсса нима қиласан? – деб сўради тулки ўзини гўлликка солиб.

– Бошимни ўнгга бураман ёки орқамни ўгираман, – деди лайлак унинг нодонлигидан кулиб.

– Шамол орқадан эсиб қолса нима қиласан?

– Бошимни қанотларим орасига оламан.

– Йўғ-е, мени лақиллатяпсанми? Бошни қанотлар орасига олиш мумкин эканини билмас эканман. Агар алдамаётган бўлсанг, бир кўрсат-чи!

Лайлак бошини қанотлари орасига олди. Тулки пайтдан фойдаланиб, унга ташланди. Бир ҳамлада ўлдириб, қорнини обдан тўйғазиб олди-да, ерда сочилиб ётган патларга қараб деди:

– Эй, лайлак! Кабутарга ақд ўргатишни билибсан-ку, нечун ўзингга ўргатмадинг?

Ақд эгалари олимлар, фозиллар ва тадбирли ҳунармандларнинг суҳбатларидан кўп-кўп баҳраманд бўлади. Донишмандлар суҳбати мушк-анбар демакдир. Шоир айтмоқчи:

*Ҳам тавозелик бўлиб, ҳам баодаб,
Яхишларнинг суҳбатин қилгил талаб!*

Ақд эгаси кўршапалак табиатли жоҳиллар билан улфатчиликдан қочади:

*Ёғ ичига тушса гар сув, нолалар қилгай чирог,
Суҳбати ножинс бўлгай боиси озор-у дог.*

Донолар мажлисида, улуғлар суҳбатида ўзига муносиб жойда ўтириш ҳам донишмандликдан дарак беради. Ақд-идрок эгаси бошқаларнинг мартабаларини иззат қилади. Девоналар каби

андишасиз сўзлаш шармандалиқдан нишон беради. Сабабсиз, ўринсиз кула бериш эса пушаймонлик билан натижаланади.

*Сухбатга лойиқ эмас ҳар кимса ўринсиз кулса,
Гар кавуш кулса, оёқдан бўладиш шаксиз узоқ.*

Сухбатимиз аввалида ҳикмат хусусида қисман тўхтаган эдик. Яқунида яна шу мавзуга қайтсак, чунки ақл ва ҳикматни айри-айри кўриш номаъқулдир.

Афлотун ҳаким дебдилар: «Баданнинг қуввати – овқат, ақлнинг қуввати эса ҳикматли сўзлар, донолик ва донишмандлиқдир. Агар ақл шулардан маҳрум бўлиб қолса, овқатсизлиқдан бадан ҳалок бўлгани каби ҳалок бўлади».

Донишмандлар ҳикматни бундай таъриф қилиб ўтганлар:

Ҳикмат – ҳар бир ишда тўғрини хатодан ажратиш ёки бир нарса ҳақида энг тўғри ҳукми топиб чиқаришдир. Ҳикматни яхшироқ англаш учун мана бу бир неча фазилатларни билиш лозимдир.

* Зеҳн поклиги – исталган нарсани ўйлаб чиқаришда нафснинг хуружига бўйин эгмаслиқдир. Қадим адабиётда бу «Зеҳн сафоси» дейилиб, бир масала, жумбоқнинг ечими ёки бир ишнинг натижасини қийналмай осон ва тез ўйлаб топиш тушунилади («Зеҳн» – идрок, тезфаҳмлиқ, «сафо» эса поклик, тиниқлик, равшанлик маъноларини англатади).

* Зийраклиқ – ишнинг аввалидан охирига қадар зеҳннинг чақмоқ янглиғ тез ҳаракатидир.

* Гўзал тасаввур – бир нарсани англаб чиқаришда, унга дахли бўлмаган бошқа нарсани қориштирмасдан яхши англаш қувватидир.

* Осонлик билан ўрганиш – ортиқ машаққатланмасдан исталган нарсани ўрганиш қувватидир.

* Ёдда сақлаш – ўқиб анланган нарсани эсдан чиқармасдан ёдга олишдир.

* Эсга тушириш – ёдга олинган нарсани исталган вақтда дарров эсга туширишдир.

Ахлоқ илми бўйича биз англайдиган ҳикмат шу саналган хулқ ва фазилатлар билан топилади. Ҳикмат эгаси бўлганлар «ҳаким» деб аталадилар.

Мисол тариқасида «Гулистон»да бу ҳикматни ўқиш мумкин:

«Бир киши Ануширвонга мундоқ хушхабар еткурдики, Худойи Таоло фалон душманингни жаҳондин кўтарди. Ануширвон анго деди: «Ҳеч эшитдингмуки, Худойи Таоло мени жаҳонда доимий қўюрму?»

Байт:

*Гар адув ўлса анго бўлмасмен асло шодмон,
Ким ўзим доғи жаҳонда қолмағумдир жавидон».*

Турли давра гурунглирида инсонга хос «тўрт фазилат» деган иборани эшитиб турамыз. Суҳбатимиз аввалида «Калила ва Димна»дан мисол келтирганимизда бу тўрт фазилат – ҳикмат, ақл, қаноат, адолат деб белгиланган эди. Қадим адабиётнинг бошқа манбаларида бу фазилат – ҳикмат, шижоат, иффат, адолат деб таҳлил қилинади. Одам боласига сув билан ҳаводай зарур бўлган бу тўрт фазилат баёнида қисман фарқ бўлса-да, мантиқан фикр ягонадир. Ҳикматга доир тушунчалар билан устоз Алибек Рустамий изоҳларидан фойдаланган тарзда танишсак.

Ҳикмат ҳам назарий, ҳам амалий қувватлардан иборат бўлиб, зако, зеҳн сафоси, ҳусни тааққул ва таҳаффуз деб аталган тўрт хислатни ўз ичига олади. Назарий қувватдан мурод – кишининг мавжудот ҳақиқатини англаб, ўз имконияти доирасида мутлақ борлиқни идрок этишидир. Ҳикматнинг амалий қуввати эса шахснинг ўз ахлоқини яхшилаши ва эзгу ишларга ўзини одатлантира олишидир.

«Зако» дейилганда ўткир ақллилик, зийраклик, синчковлик тушунилади. Синчков, сезгир, ақлли кишиларни «закий» дейдилар. «Зако хайли» дейилганда заковатли кишилар англашилади. Киши кўп ўқиши, билиши натижасида онги бойийди, сезгилар орқали билинадиган нарсалар ана шу билим ёрдамида мантиқан таҳлил этилиб, хулосалар чиқарилади. Бундай ҳолат илмда кўп учрайди. Масалан, Ибн Сино ҳазратлари ҳали заррабин (микроскоп) йўқ пайтида микроблар борлигини айнан зако туфайли кашф этганлар. У зот касалнинг тарқалиш жараёни ва хусусиятларини кузатиб, шу хулосага келганлар. Ёки лазер нурунинг кашф этилиши ҳам шундай. Олимлар нур бир ерга тўпланса, кучли қувват ҳосил қилишини англаб, сўнг шу илмий тахмин асосида тажрибалар ўтказганлар.

«Ҳусни тааққул» деб тўғри фикр юритиб, хато ва янглишишлардан сақланишга, ақлни яхши томонга ишлатишга айтилади. Чунки ният бузилса, киши ақлини суиистеъмол қилиши мумкин. Бу ҳолда киши онгида хато, янглиш фикрлар пайдо бўлади. Мафкура бузилади, натижада киши ҳикматдан узоқлашиб, йўлдан озади («Ҳусн» – гўзал, «тааққул» – идрок, фикр юргизиш, яъни ақл билан иш юритмоқ демакдир).

«Таҳаффуз» деганда кўрган, билиб олган ва ўрганган нарсаларни яхши эслаб қолиб, керак бўлган пайтда тезда эсга келтириш тушунилади.

«Ҳикмат» сўзининг асл маъноларидан бири – донишмандлик, доноликдир. Яна бир маъноси – яширин сабаб, сирдир. Яна бири – илм-маърифатдир. Яна бири – тадбирдир. Фалсафа илмини қадимда «Ҳикмат илми» деб ҳам атаганлар. Ҳикмати илоҳий – Аллоҳнинг хоҳиш-иродасини англатади. Ҳикмати шукуҳи – билим шухрати, машҳурлиги демак. Ҳикмату ақл – илм ва ақл деганидир. Ҳикмат суйи урмоқ – муолажа қилмоқдир.

Донишмандларни, илму ҳикмат соҳибларини қадимда «Ҳикматгард» ёки «Ҳикматжўй» деб атаганлар. Донишманд, файласуф, олим, ҳақимларни «Ҳикматмаоб», «Ҳикматпараст», «Ҳикматпеша», «Ҳикматсоз» деб ҳам шарафлаганлар. Билимдонларнинг суянчиғи, ҳомийси – «Ҳикматпаноҳ» билимдонларнинг сезгири – «Ҳикматқиёс», дейилган. «Ҳикматобод» ҳикматга тўла маконни англатган.

Булар «ҳикмат» атамасига доир тушунчалар. Дунёда ҳикмат эшитган, эшитганидан тўлқинланиб, бошқага айтиб юрган одамлар кўп. Бу ҳам яхши фазилат. Аммо ҳикматга амал қилувчилар озким, афсусимиз айнан шунда.

Суҳбатимиздан аён бўлаяптики, ақл-идрок ва ҳикмат эгалари – икки дунё саодати мукофоти билан тақдирланадиган бандалар экан. Мазкур суҳбатимиз поёнида сиз азиз умидимиз юлдузларининг саодатлилар сафларида бўлмоғингизни истаб, дуо қилиб қоламан.

ДОНОЛИК АМАЛ ЭРУР

Донишманд – ҳақиқатга ошиқ кишидир. Шунга кўра, ҳар бир ҳақиқатталаб одам маълум даражада донишманддир. Донолардан ўрганиш ва ўрганган нарсаларни бошқаларга ўргатиш хайрли амаллардан ҳисобланади. Одам боласи шу фазилат эгаси бўлишга интилиши керак.

Умидимиз юлдузлари, сизга ёки тенгдошингизга катталар танбеҳ бера туриб, «нодон» деб айблаб ҳам қўйишади. Ёшларда нодонлик бор, деган гапни катталар бажонидил маъқуллашади. Лекин ёшларда донишмандлик бор, дейилса, бу ҳақиқатдан кўз юмиб оладилар. Ҳолбуки, ҳар бир ёшнинг донишмандлиги ўзига хос. Агар биринчи синф ўқувчиси олий математикага доир масалани ишлаб беролмаса, уни нодонликда айбламаймиз, беш яшар бола палов дамлай олмаса «ношуд» демаймиз-ку! Худди

шунга ўхшаб бугунги ўсмирлардан Афлотуннинг донолигини талаб қилсак, ўзимиз кулгига қоламиз. Азиз фарзандларимизнинг ўзларига хос донишмандликлари ҳам борки, буни кўра олишимиз ва бу фазилатни бойитишларига шароит ва имкон яратиб беришимиз керак. Ўсмир-ёшларнинг донишмандлигига тарихдан мисоллар кўп. Суҳбатимиз аввалида баён этилажак воқеа Имом Шофиъий ҳазратларининг бола чоғларидаги доноликларини кўрсатади.

Ҳикоят. Бир кеча халифа аҳди аёли билан мунозара қилар эди. Хотин аччиқ устида эрига бехос: «Эй, дўзахи!» деб юборди. Шунда халифа: «Агар мен дўзахи бўлсам, сен талоқ бўлгувчисан», деди-ю икковлари бир-бирларидан ажралдилар.

Халифанинг жонига ўт тушиб, нидо қилди. Чунки у хотинини каттиқ севар эди. Халифа уламоларга буюрдики, масалага фатво чиқаргайлар. Фуқаро ҳам, уламо ҳам жавобдан ожиз бўлгани учун таажжубда қолдилар. Ҳеч кимдан садо чиқмади. Айтдиларки: «Буни фақат Аллоҳ билгайки, халифа жаннатимидир ё дўзахимидир». Саройда масалага жавоб излаб тўпланганларининг еттинчи куни ҳазрати Имом Шофиъий (қуддиса сирруҳу) келдилар. У дамда ҳали бола ёшида эдилар. Бироқ, шунга қарамай, жавоб беражакларини билдирдилар. Барча ҳайратда қолди. «Бола жинни шекилли, шундоқ кучли уламолар масала қаршисида ожиз бўлиб турганда бу нима дер эдики, халифа тингласа?» Халифа уларни лол қолдириб, Шофиъийга «Гапир!» деди. Бўлажак имом айтдилар:

- Мен сизга муҳтожманми ё сиз менга муҳтожмисиз?
- Алҳол, бу оламда мен сенга муҳтождирман, – деди халифа.
- Сиз менга муҳтож бўлсангиз, тахт поясини менга топширинг.

Халифа ўтирган еридан туриб, пастга тушди-да, Шофиъийни тахтга чиқарди.

– Аввал сиз менинг бир масаламга жавоб айтинг, – деди Шофиъий. – Сўнг мен сизнинг масалангизни ечаман.

– Сўрайвер, – деди халифа итоат билан.

– Сўрайман, аммо сиз фақат ва фақат тўғриси айтасиз. Сиз бирон бир маъсиятга (гуноҳ ишга) қодир ҳолингизда, Аллоҳдан қўрқиб, ўша маъсиятни тарк этган пайтингиз бўлганми?

Бу саволни эшитгач, халифанинг чеҳраси ёришди ва деди:

– Балли! Ёшлигимда бир аёлга бошим айланди. Хилватда учрашдим. Бироқ, Аллоҳдан қўрқиб, ўша гуноҳни тарк этдим. Аёлни қўйиб юбордим.

– Рост сўзладингизми?

– Валлоҳ, шундоқ!

– Мен ҳукм қилурманким, аёлингиз сиздан чиқмагайлар ва сиз ҳам жаннатидирсиз.

Олимларнинг барчалари бу ҳукмдан ажабланиб, фарёд қўтардилар. «Сен бу масалани қандай далил билан ҳукм қилдинг?» деб маломат ёғдирдилар.

Шофиъий: «Қуръони Каримга асосланиб ҳукм қилдим», дедилар-да, «Энди ким ҳаёти дунёдалик пайтида Қиёмат куни маҳшаргоҳда Парвардигорининг ҳузурида туриши ва у Зотга ҳисоб-китоб беришидан қўрққан ва нафсини ҳавойи хоҳишлардан қайтарган бўлса, у ҳолда фақат жаннатгина унинг учун жой бўлур», деган маънони англатувчи «Ван-Назиат» сурасидан икки ояти карима ўқидилар ва ҳукмни такрор этдилар:

– Энди халифа жаннатидир ва аҳли аёлларининг бошлари очиқ эмасдир.

Бу жавобни эшитган олимлар ҳайратларини яшира олмай: «Бу ёш бола бўла туриб, шунчалик мақомга етибди, улғайганида қанчалар бўлур!» дедилар. Халифа эса ёш олимни ғоят хуш кўриб, ўн минг қизил олтин берди. Доно бола эса бу олтинларнинг ҳаммасини мискинларга тарқатди.

Энди «Қутадғу билиг»нинг насрий баёнига назар ташлаймиз:
«Кунтуғди Элиг Ўгдулмишдан сўради:

– Киши онасидан доно бўлиб туғиладими ёки муайян бир ёшга етганидан кейин заковатли бўладими?

Ўгдулмиш унга жавоб айтди:

– Эй, Элиг! Бу санъатнинг номи – билим ва уқувдир. Одамзод онасидан билимсиз туғилади. Аммо у билиб, ўрганиб, тўрға чиқади. Уқув ва зеҳн эса киши табиатида бўлади. Билим – кўп ўқиш ва ўрганиш маҳсулидир... Уқув-идрок киши миясига жо этилган. Бошнинг азизлиги шундан.

*Болам тутсин десанг донолик йўлин,
Кичикликдан тегиз билимга қўлин.*

Агар бола кичикликдан билим ўрганса, унинг идроки ҳам яхши бўлади. Заковати ортади. Уқув-идрок киши учун кишандай гап. У ёмон ва ярамас ишларга яқин йўлатмайди. Уқувли тирикдир, уқувсиз – ўлик. Киши уйга, оддий эмас, қоронғи уйга ўхшайди. Уқув-идрок эса машъал каби унга нур сочади. Шу уйни ёритади. Яъни кишини равшанликка элтади. Тугун тутган ҳар бир иш у туфайли ечилади».

Ривоят. Муин ибн Зойид исмли ҳукмдор асирга олинган душманларидан уч юз кишининг барчасини қатл қилишга буюрди. Асирлар орасидаги ёш бола ҳукмдорга илтижо қилди:

– Улуғ ҳукмдор, мен ғоят чанқадим. Буюринг, бир пиёлагина сув беришсин. Ташна ҳолимда ўлиб кетмай, раҳм қилинг.

Ҳукмдор амри билан болага сув бердилар. Аммо бола сувни ичмай яна дедик:

– Ҳукмдорим, менгина эмас, барча асирлар ташнадирлар. Бу сувни ўзим ичиб, уларга бермасам, мурувватдан бўлмас. Агар берсам, ўзим ташналикда ўламан. Албатта, ҳаммамизни ўлдирасиз. Биздан марҳаматингизни аямай буюринг, барча асирларга сув берсинлар.

Ҳукмдор боланинг бу илтимосини ҳам қондирди. Асирлар сувларни ичиб бўлишгандан сўнг бола яна таъзим қилди:

– Марҳаматли ҳукмдорим, сувингизни ичгач, ҳаммамиз сизнинг меҳмонингизга айландик. Меҳмонни ўлдириш фазлу карам аҳлининг расми эмасдир, деганлар.

Муин ибн Зойид боланинг донолигига таҳсин айтиб, асирларга омонлик берган экан.

Яна бир ривоят. Подшоҳ ғазаб устида бир бегуноҳни ўлимга ҳукм қилди. Одил вазир ўртага тушиб, бечорани ҳимоясига сўз айтаман деганда подшоҳ унинг мақсадини англаб, гапини шарт бўлди-да:

– Қасам ичиб айтаманки, бу дамда сен нимани сўрасанг, сўраганингнинг аксини қилурман! – деб хитоб қилди.

Бу аҳдни эшитган вазир таъзим қилиб, подшоҳнинг адолатига ҳамду сано айтди:

– Подшоҳим, бу онда айни одил ҳукм чиқардингиз. Бу одамни албатта ўлдирдингиз.

Подшоҳ доно вазирининг бундай топқирлигидан қувониб, ўлим жазосини бекор қилган экан.

Демоқчимизки, кишидаги донолик бошқаларга хизмат қилсагина, донолик ҳисобланади. Чиройли сўзлар либосидаги сафсата донолик эмас!

Турли мавзулардаги суҳбатларимизда ҳазрат Навоий асарларидан мисоллар келтирдик, келгусида ҳам бу анъанани давом эттиражакмиз. Алҳол, донишманд шоирни дуо қилган ҳолда, ёшлик ҳаётларидан бир ҳикоятни баён қиламиз. «Аллоҳим, менга илм бердинг, энди амални ҳам бер!» деб Яратганга илтижолар қилган инсоннинг ёшлик кезлари амаллари қандай бўлгани билан танишайлик.

Ривоят. Самарқанддаги таҳсилни якунига етказиб Ҳиротга қайтаётган Алишер йўл азобида ҳориб-чарчаб бир тоққа етиб келди. Сурув оралаб юрган қари чўпон яқинлашаётган меҳмонни кўриб, унга пешвоз чиқди-ю ҳожасининг ўғлини таниб, қувониб кетди. Алишер ҳам отасининг чўпонини бир кўришдаёқ таниди. Чўпон совлиқларни соғиб, йигитни меҳмон қилди.

Атрофда ўтлаб юрган беҳисоб қўйларга қараб Алишер:

– Бу қўйлар кимники? – деб сўради.

– Ўғлим, бу қўйларнинг барчаси сизники, – деди чўпон. – Отангиз ҳаёт чоғларида икки юзта қўйни сизга атаб, боқиб беришни менга топширган эдилар. Ўша қўйлар ҳозир кўпайиб, етти юздан ошиб кетди. Отангизнинг омонатлари бўйнимда қарз бўлиб қолармикин, деган ташвишда эдим, шукрим, бу ташвишдан ҳам энди фориф бўлажакман.

Алишер бу кеча чўпонга меҳмон бўлди. Тонгда сурувнинг энг сара қўйларидан икки юзтасини ажратди-да, «Бу сизнинг хизмат ҳақингиз», деб унга берди. Қолганини шу яқин атрофдаги бозорга ҳайдатди. Жониворлар семиз бўлгани учун харидорлар ўраб олиб, нархини сўрашди. Алишер нархни айтди-ю барчани ажаблантириб, бир шарт қўйди:

– Ҳусайн Бойқаронинг подшоҳ бўлгани суюнчисига мен бу қўйларни насияга бераман. Қўйнинг пулини подшоҳ ўлган куни тўлайсизлар. Шу шартимга кўнган киши қўйларни етаклаб кетаверсин.

Қўйлар бир неча дақиқада талаш бўлиб кетди. Бу ҳодиса ўша куниёқ подшоҳга етказилди.

– Эй, олампаноҳ! Бугун бир телба йигит бозорга беш юз қўйни ҳайдаб келиб, халққа насияга тарқатди. «Ҳақини подшоҳ ўлган куни берасизлар», деб сизга ўлим тилади.

Бу хабардан дарғазаб бўлган подшоҳ телба йигитни ҳибсга олишни буюрди. Амр ижро этилиб, Алишерни саройга судраб келтирдилар. Шунда подшоҳ қарасаки, болаликдаги қадрдон дўсти занжирбанд қилинибди.

– Халққа беш юз қўй тарқатиш эвазига менга ўлим тилашдан мурод не эди? – деб сўради подшоҳ.

– Подшоҳим, мен сира чакки иш қилганим йўқ. Ниятим ҳам хайрлидир. Сизнинг тахтга ўтиришингизни муборакбод этиш мақсадида қўйларни насияга тарқатдим. Аслида бепул бериб юборишим лозим эди. Лекин раиятда текин молдан ҳазар қиладиганлар борким, ҳадяни рад этарлар. Шунинг учун қўйларнинг пулини подшоҳ ўлган куни берасизлар, деб шарт қўйдим. Энди қўйларни олиб кетганларнинг барчаси «Ишқилиб, подшоҳ ўлмасин,

узоқ умр кўрсин, ўлиб қолса қўйнинг пулини тўлашимиз керак бўлади», деб сизни туну кун дуо қилиб юрадилар.

Бу доноликдан қувонган Ҳусайн Бойқаро дўстини бағрига босди. Ана шу каби доноликлари учун ҳам орадан йиллар ўтиб шоир Алишер Навоий муршидлик мартабасига етади, подшоҳ Ҳусайн Бойқаро эса унга мурид бўлади.

Тилимиздаги айрим атамаларни маънодош сўзлар сифатида қўллашга ўрганиб қолганмиз. Шулардан бири – «ақлли» ва «доно» атамаси. Меҳримизни қозонган кишини баъзан «жуда ақлли-да!» деб алқаймиз, баъзида эса «жуда доно!» деб олқишлаймиз. «Жуда ақлли доно», дейдиган пайтимиз ҳам бўлади. Хўш, «ақллилик» ва «донолик» битта фазилатми? Бизнингча бундай эмас. Тўғри, ҳаётда ҳам ақлли, ҳам доно одамларни учратамиз. Лекин илми, ақлли одамларнинг ҳаммаси ҳам доно бўлавермайди. Донолик турли диплому ва унвонлар билан белгиланмайди. Ҳаётда бир доношмандга дуч келгунча атрофимизда юзларча, балки мингларча олимларни учратамиз. Ўзини доно ҳисобловчиларга эса ундан-да кўпроқ дуч келамиз. Бир маҳаллада гувоҳ бўлиб эдим: профессор мартабасига етишган кишининг олий мактаб кўрмаган қўшнисини бор. Бу кишининг болалиги ва ёшлиги оғир замонларга тўғри келиб, илм олиш орзусига етиша олмаган. Ота касбини эгаллаб, умри темирчилик билан ўтган. Бироқ илмга интилишлари бир зум ҳам сўнмаган. Ҳамиша аҳли илм даврасига, суҳбатига интилиб яшаганлар. Улардан эшитганларига амал қилишни зарур деб билганлар. Маҳаллада кимки доно маслаҳатга муҳтож бўлиб қолса, шу кўчага бурилади, бироқ профессорникига эмас, темирчиникига киради. Демокчиманки, донолик фақат илмга эмас, ҳаёт тажрибасига ҳам боғлиқ. Ҳаётда узоқ умр кўрганлар кўп, барчаларининг ўзларига хос ҳаёт тажрибалари бор. Бироқ атрофдагилар уларни не учундир доно санамайдилар. Нима учун, ўйлаб кўринг-чи? Инсон ҳаётда кўрган-кечирганларини фикр қилиши, яхши-ёмонга ажратиши, яхшисини кўпайтириб, ёмонидан қочиши зарур. Агар ҳаёт тажрибаси таҳлил ва хулосадан бебаҳра бўлса, бу одамнинг ўзи ҳам доноликдан бебаҳра қолибди. Профессор ва темирчи акамизнинг фарқлари айнан шунда.

Агар ақл эгаси ақлини, илм эгаси илмини зарур ишларга йўналтира олсагина уни «доно» деб аташ мумкин. Шу фикрга кўра, доноликни илм ва ақлнинг амалдаги кўриниши деб белгиласак ҳам бўлади. Илмийроқ қилиб айтсак, донолик – ақл билан қўлга киритилган, кузатиш ва тажриба билан ҳаётга татбиқ этилган ҳақиқатлар йиғиндиси, фикрларнинг турмушга уйғунлашувидир.

Донолик кўп билиш эмас. Одам боласининг онги ҳеч қачон жами нарсаларни қамраб ололмайди. Донолик иложи борича кўп билиш бўлмай, балки қандай билимлар энг зарур, қандайлари озроқ ва яна қандайлари бир мунча зарурлигини билишдадир. Яъни донолик сирларидан яна бири – нималарга эътибор бермасликни билишда. Одам нима эгани билан эмас, нимани ҳазм этса, ўша билан яшайди. Бу ҳолат тана сингари ақлга нисбатан ҳам ҳақли равишда бир хил тааллуқлидир. Ҳамма нарсани баравар билишга интилиш – ҳамма соҳада чаласавод бўлиб қолиш демакдир. Азим дарёни кўз олдингизга келтиринг: денгизга қўйиладиган жойда майда-майда ирмоқларга бўлингач сувнинг шиддати кетади ва қувватини йўқотади.

Афлотун ҳақимдан сўрадилар:

– Файласуф олимсиз. Айтинг-чи, шунча ўқиб, қандай натижага келдингиз?

– Фақат бир нарсани англадим, – деб жавоб қилдилар аллома, – ҳеч нарса билмас эканман.

Ғаззолий ҳазратлари демишларки: «Билганларим қаршисида билмаганларимни оёқ остига олсам эдим, бошим кўкларга етган бўлур эди». Азизлар, диққат қилингим, бу сўзлар шунчаки камтарлик ифодаси сифатида тилдан учмаган. Чинакам донишманд эгаллаган илмни атрофидагилар юксак, деб қадрласалар-да, унинг ўзига билими кам бўлиб туюлаверган ва илм олиш ҳаракатидан то сўнгги нафасига қадар тинмаган.

Шоир айтарки:

*Дононинг бир кунда қилган ишини,
Нодон қилолмайди яшаб ёшини.
Доно бир кунда минг йил яшайди,
Нодон минг кунда ҳам йиғмас ҳушини.*

Доно бирон нимани билмасликдан қўрқмайди. Иккиланиш, меҳнат заҳмати, изланишлардан чўчимайди. Фақат бир нарсадан – ўзи билмаган нарсани биламан, деб таъкидлашдан қўрқади. Қадим файласуфларидан Цицерон айтади: «Сократ (Сукрот ҳақим)нинг донолиги шунда эдики, билмаганини билдим, деб ўйламасди». Энг буюк олимлар ҳам ниҳоясиз илм қаршисида жуда ожиз экан, «барча нарсани биламан», деб даъво қилувчи ёки ўйловчи айрим дўстларимиз уялмоқликлари керак. Ёки «мактабда тўққиз йил ўқидинг, шу билим сенга етарли», деб фарзандининг илм олишдаги йўлини тўсмоқчи бўлган ота-оналар кейинчалик шарманда бўлиб қолишлари мумкин.

Зарур нарсаларни билмаслик иллатдир. Бундай одамни ё жоҳил, ё ношуд санайдилар. Лекин бирон бир нарсани билмаслик уят эмас. Чунки, айтганимиздай, ҳеч ким ҳамма нарсани билмайди. Масалан, тиббиёт олими қурилиш муҳандислигини яхши билмаслиги учун изза қилинмайди. Аммо билмаган нарсасини биламан, деб мунофиқлик қилса ҳам уят, ҳам зиён бўлади. Одамлар нимадир билмаганлари учун эмас, балки ўзларини билимдон ва доно ҳисоблаганлари сабабли янглишадилар, адашадилар. Атрофга зийрак разм солинса, аслида англаш мушкул бўлган нарса йўқ. Шунчаки одам боласи билмаган муаммолар қалашиб ётибди. Ёмон, пойма-пой, узуқ-юлуқ, ҳатто янглиш билган гаплари эса ундан ҳам кўпроқ. Айнан шу янглиш маълумотлар одамни бутунлай билмайдиган нарсаларига қараганда кўпроқ жиловлайди ва чалғитади. Биз мана шу жиловга риоя қилмайдиган, чалғимайдиганларни доно деймиз.

Бир ўқимишли одам ўзини доно санарди, давраларда бировга гап бермасди. Айниқса, қишлоққа сафарга чиққудай бўлса, ундаги давраларда гапиравериб, одамларнинг эсини тескари қилиб юборарди. Гурунгда унинг учун тайин бир мавзу бўлмас эди. Гап бир-бирига уланса-уланмаса, «ҳар соҳадан бир шингил», дегандай, мавзунини мунажжимлик билан бошлаб, гинекология билан яқунларди. «Даврадаги қарияларга гинекологиянинг нима дахли бор?» деган истиҳола миясига келмасди. Шундай давраларнинг бирига гувоҳ бўлиб эдим. Сафарга бирга чиққан олимлар «донолик»нинг бу намойишини сукут билан кузатдилар. Мезбонлар ҳам андиша юзасидан жим эдилар. Даврадагилардан бири «доно»нинг гапдан бўшагини кутмай, сўзини шарт бўлди-да:

– Ака, илмни ҳам сув қилиб ичиб юборган экансиз, омма, қойилмиз. Бизди қишлоққа шу пайтгача бунақа олимнинг оёғи тегмаганиди. Сўраганнинг айби йўқ, ака, сиз самолётни ҳам ҳайдайверасизми?

Савол киноя оҳангида берилганиди. Лекин жавоб жиддий бўлди:

– Бунинг ҳеч қийин жойи йўқ. Зарур бўлиб қолса ҳайдайверамиз...

Бу нодонликка нима деймиз? Агар «йўқ, бу иш қўлимдан келмайди», деса осмон узилиб, ерга тушармиди? Ёки мезбонлар «самолёт бошқаришни билмас экансиз, уйимиздан чиқинг», дейишармиди? Кишининг доно бўлиб кўринишида маъно йўқ. Асл маъно чинакам доно бўлишда эканини ҳамма ҳам билавермайди шекилли, а? Доноликка хос ҳар ишнинг ўз натижаси бўлажagini, яъни мулозимлик – улуғ мартаба, қаноат – роҳат, тавозе – эъзоз

келтиришини билган, ва амал қилган одамлар нақадар бахтлилар!
Донишмандликнинг чегараси мавжудлиги, калтабинликнинг эса чегараси йўқлиги мана шундай давраларда сезилиб қолади.

Афлотун ҳақимдан сўрадилар:

– Олиму донишманд одам оддий кишилардан нимаси билан фарқ қилади?

Жавоб бердилар:

– Донишманд очиқ юзли, юмшоқ сўзли, тавозели бўлади. Бирор одамдан ўзи ҳақида бўлмағур сўз эшитса, ранжимаydi. Мақташлар ва олқишларга учиб, ўзини юқори тутмаydi, камтар бўлади.

Ҳа, камтарлик улуг фазилатлардан бириким, ким уни менсимабди, одамлар назаридан тушибди, демак.

Бузургмеҳрдан сўрадилар:

– Инсон учун энг муҳим нарса нима?

– Туғма зеҳн, – деб жавоб бердилар.

– Туғма зеҳн бўлмаса-чи?

– У ҳолда одоб ва илм ўргансин.

– Ўрганолмаса-чи?

– Унда серилтифот ва сертавозе бўлсин. Бу ҳам одам боласининг зийнати.

– Бу ҳам қўлидан келмаса-чи?

– Унда бунақа тирикликдан ўлгани афзалроқ, ҳам одамлар ундан қутулади, ҳам ўзи ўзидан қутулади.

Бу ривоятни далил сифатида келтиришдан мурод «самолёт ҳайдашни биламан», деган биродаримизга «бу кунингдан ўлганинг яхшироқ», дейиш эмас. Кўп қатори унинг умрига ҳам барака берилсин ва донолик фазилатидан ҳам баҳраманд қилинсин. Бизларга эса бу каби ҳолатлардан ибрат олиб, донолик сари интилувчилар қаторида бўлиш насиб этсин.

Ривоят. Бир подшоҳнинг бош вазири ғоят доно, бироқ бошқа вазирларга нисбатан қорароқ ва хунукроқ эди. Бир куни доно вазир келсаки, подшоҳ бошқалар билан ҳазиллашиб, кулишиб ўтирибди.

– Бугун сарой аҳли ғоят хушчақчақ кўринадир, бу шодумонлик муборак бўлғай, – деди бош вазир тавозе билан. Подшоҳ уни ка-лака қилиб, роҳатланиб кулмоқчи бўлди-да:

– Булар қоп-қоралигинг ва хунуклигинг сабабини билмоқчилар, тушунтириб бера оласанми? – деди.

Бош вазир бу масхарадан ранжиса-да, сиртига чиқармади, ҳилмик ила сўз бошлади:

– Бу тушуниш унча мураккаб бўлмаган ҳолат-ку, шаҳриёрим. Маълумингизким, ўн саккиз минг оламни яратган Ҳақ Таоло одамларни дунёга келтириб, рўпарасига тўрт нарсани: донолик, қудрат, чирой ва бойлик неъматларини қўяркан. Одам булардан истаганини олиши мумкин. Менинг бирдан бир орзуим донолик неъматини қўлга киритиш эди. Аммо бу неъмат бошқаларига қараганда жуда узоққа, етиб бориш мушкул бўлган осмонўпар чўққига қўйилган экан. Мен чўққига етиб бормоқ учун ғоят машаққат чекдим. Донолик неъматини қўлга киритиб, Яратганга шукрлар айтиб, изимга қайтсамки, қолган уч неъматни бошқалар илиб кетишибди. Шундай қилиб каминага на чирой, на қудрат, на бойлик насиб этди. Хунуклигим хусусида билганларим шу, қолгани ўзингизга аёндир, ҳазрат шаҳриёрим.

Подшоҳўшанда бош вазирни калака қилганига пушаймон эган экан.

«Донолик ҳеч қачон табиатга зид нарсани тақозо этмайди. Тафаккур буюк фазилатлардан биридир. Одамнинг донолиги – ҳақиқатни айтишда ва табиатга қулоқ солган ҳолда унга мувофиқ ҳаракат қилишда», деб ҳисоблашади европалик олимлар. Бу фикрга қарши гап айтиш ниятимиз йўқ. Аммо европаликларнинг ўзида «Ҳамма нарса ўз номи билан аталиши керак» дейилгувчи нақл ҳам бор. Мулла Жомий ҳазратларининг «Оламда ягона нурдан бошқа нарса йўқ. Фақат нур турли шакл ва кўринишлар билан кўринади», дейилмиш ҳикматларини унутмаслик керак.

Ўтган асрларда инсоният доноликнинг шу кўринишида кўп адашди. «Одам маймундан пайдо бўлган», деган ғоя узоқ йиллар яшади ва ҳозир ҳам яшаб турибди («Менинг бобом ёки бувим маймун эди», деб ҳисобловчилар яшар экан, эртага яна бир «доно» чиқиб, «менинг аждодим тўнғиз эди», деган ғояни шиор қилса, бу шиор атрофида юзлаб, балки минг-ўн минглаб тўнғиззодалар бирлашсалар ажабланмаслик керакмикин). «Маймунзода»лардан кейин «Табиатни енгамиз!» «Табиатни измимизга бўйсундирамиз!» деганлар пайдо бўлишди. Кейин «Ирсият йўқ нарса» дейдиганлар илм аҳлини ғоят қийнадилар. Ажабким, уларда ҳам илм бор эди, ақл бор эди, ўзларини доно ҳисоблардилар. «Одамзоднинг яратувчиси Аллоҳдир», дейдиганларни «жоҳил», «бидъатчи», «хурофотчи» деб масхаралардилар. Булар битта ёки юзта бўлсалар ҳам, эътибор берилмаса бўларди. Улар жуда кўп эдилар, энг ачинарлиси, бу бемаъни ғоялар илмий давралар орасида қолиб кетмай, жамиятлар ва давлатларни бошқарувчи кучга айланган эди. Донолик кўринишидаги аҳмоқлик давлат даражасига чиққанда қандай фалокатлар юз беришини тарих аниқ кўрсатиб турибди. «Табиатни енгамиз!»

деб чиранганларга табиат офатлари инъом этилди. Афсус шуки, бу ғояни ўйлаб топган, жамиятлар онгини заҳарлаган «доно»лар бу оламдан ўтиб кетишди. Уларнинг аҳмоқона ғоялари туфайли юз бераётган табиат офатларидан, турли-туман касалликлардан бугунги авлод азоб чекмоқда. Тошқинлар, довуллар, зилзилалар, сунамилар қадим замонларда ҳам бўлган, аммо ҳозиргидай офатларни келтириб чиқармаган. Айниқса, кутилмаган касалликлар довули бу қадар бўлмаган. Аҳвол шундайки, заминнинг ҳаёти ёки мамоти масаласи энди чин донолар хулосасига муҳтождир. Бундай донолар кимлар? Бу донолар оломоннинг телба хоҳишига бўйин эгмайди, аксинча, унга ўзи йўл кўрсатади.

Юқоридаги фикрлар исботи ўлароқ қуйидаги ҳикоятни келтирамиз.

Ҳикоят. Кўрлар маҳалласига фил адашиб келиб қолди. Кўрлардан бири филнинг оёғини ушлаб кўриб: «Ие, фил терак каби ҳайвон экан», деб хулоса ясади. Бошқа сўқир келиб жониворнинг хартумини ушлади-да: «Бекор айтибсан, фил теракка ўхшамайди, у мўри кабидир», деди. Бу икков масала талашаётганида учинчиси келиб қўл узатган эди, филнинг қорнига тегди: «Икковинг ҳам тентаксанлар. Фил деворнинг айни ўзи!» деди. Яна бири келиб жониворнинг думини ушлагач уни супургига қиёс қилди, қулоғини ушлаган қалқонга ўхшатди. Бошқаси филнинг бесўнақай тишини ушлагач, шерикларидан кула бошлади: «Эй, кўрлар! Эй, аҳмоқлар! Ишонмасангиз кўринглар, фил қилич сингари бир ҳайвондир!»

Барча кўрлар ўзлари ушлаб кўрганларини ҳақиқат деб ҳисоблаганлари учун гап талашиб, бир-бирларини аҳмоққа чиқариб, ғавғо қила бошладилар. Уларни четдан кузатиб турган бир донишманд «Ҳеч бирларингиз ҳақиқатни тўлиқ топа олмадингиз», деса ҳам қулоқ солмадилар.

Қиссадан ҳисса шуки, дунёдаги барча хатоликлар асл моҳиятни кўра билмасликдадир. Ҳодисаларнинг асл моҳиятини билмаслик эса уларни ҳар ким ўз ақли ва тушунчаси билан ўлчашдан келиб чиқади. Бу дунёда кўп кишилар мазкур ҳикоятда бўлгани каби бир нарса ҳақида турлича тушунчада бўладилар ва шу тушунчалари асосида фикр айтадилар. Уларнинг ҳар бири «фақат менгина ҳақиқатни биламан», деб севиниб, мамнун бўладилар ва донишмандлик шоҳсупасини даъво қиладилар. Бир оз аввал зикр этганимиз – «маймунзода»лар ва «тўнғиззода»лар шулар жумласидандир.

Дунёда энг катта саодат ҳақиқатни кўриш билан бошланади. Шундай вақтлар бўладики, инсон фосиқ бир кимсани одил деб ҳисоблайди. Нотўғри назарияни тўғри назария деб қабул қила-

дики, оқибатда ё жоҳиллик ё нодонлик ботқоғига ботганини ўзи ҳам сезмай қолади.

Ҳар бир нарсанинг ҳақиқати унинг мазмунида эканини билмаган кимса маймун болалари ҳолига тушиб қолиши ҳеч гапмас.

Масал. Маймун энди пишаётган ёнғоқ меваларидан узиб чақди-да, мағзини болаларига келтирди. Маймунчалар ўзлари учун янгилик бўлган бу таомни маза қилиб еб олишгач, оналаридан сўрадилар:

– Бу ажойиб тотли емишнинг номи нима?

– Кузда пишадиган бу меванинг номи – ёнғоқ.

– Онажон, бизга у мева қаерда ўсишини кўрсатинг, ўзимиз бориб, тўйиб-тўйиб ейлик.

Маймун тоғ этагидаги ёнғоқзорни кўрсатиши билан болалари қувнашганича югуриб кетишди. Ёнғоқ дарахтларига осилиб чиқишиб, ҳали унчалик етилмаган, паққа бўлмаган меваларни узиб, пўстини ажратмай, қобиғини чақмай оғизларига солганларича чайнамоқчи бўлдилар. Пўстлоқнинг заҳарли аччиқ таъми оғизларини бемаза қилиб, меваларни ғазаб билан отдилар-да, изларига қайтиб, оналарига таъна қилдилар:

– Эй, она! Биз сизни ғоят ғамхўр ва меҳрибон деб ўйлардик. Бизга у заҳарли мевани едиришдан мақсадингиз нима эди? Бизга бўлган фаразингиз боисини тушунолмай қолдик?

– Болажонларим, сиз она қалбининг нечоғли меҳрга тўла эканини ҳис қила олмайсиз. Наҳот мен сизларга заҳарни раво кўрсам? Шундай демоқликдан уялмайсизларми? Энди менга айтинглари-чи, ҳов кўриниб турган дарахтга чиқдингларими?

– Ҳа.

– Яшил пўстлоғлик мевани узиб тишладингларими?

– Ҳа.

– Сизлар ёнғоқ мевасини эмас, ташлаб юбориладиган аччиқ пўстлоғини емоқчи бўлгансизлар. Мен сизларга мағзини чақиб бериб эдим. Сизлар гапимни охиригача эшитмай, бевошлик қилиб югуриб кетдинглари. Заҳар каби аччиқ пўстлоқ ичида ширин ва фойдали мағиз бўлишини айтишга улгурмадим. Энди мени фаразгўй душман, деб койияпсизлар. Диққат билан тингланглари: агар ишнинг ташқи кўринишга боқсангиз, мана шундай алданаверасиз. Нарсаларнинг ичида нима борлигига диққат қилсангиз, ҳақиқатни топиб, бол каби ейсизлар.

Мазкурдан уқиб олишимиз лозим бўлган маъно шуки, бу дунёда ғавғонинг боши кишиларнинг бир-бирини яхши тушунмасликларидан бошланади. Кўп киши ҳақиқатни шу қиссадаги маймун

болалари каби янглиш тушуниб, чин ҳақиқатни айтганларни маломат қиладилар. Уларни душман санайдилар. Болшевиклар замонида, айниқса, Сталин зулми даврларида тарих бундай мисолларга кўп дуч келди. Зулмкорлар бирон ишнинг моҳиятини чуқур билмасдан туриб, ҳақиқатга эришиш мумкин эмаслигини тан олмадилар. Доноларга қирон келтирилиши замирида ана шу жоҳиллик ётади.

Инсон бошига бир мушкулот тушса, атрофидагилардан нажот излайди. Унинг хатоси ҳам шу ерда. Кимса нажотнинг қаердан эканлигини билиши керак. Энг доно маслаҳатни қаердан олишини ҳам билиши шарт. Ўйлаб кўрайлик-чи, нима учун азон чақириғида «Нажотга келинлар!» деб хитоб қилинади? Фоний дунёдаги энг доно одамлар ҳам бирон масала ечишда фақат ўз онгларига, билимларига суянмайдилар. Уларнинг онглари ва билимлари масаланинг ечими қайда эканини тўғри кўрсатиб беради, холос. Асрлар оралаб бизга қадар етиб келган бу муқаддас битиклар файласуфликни ихтиёр қилганлар учун кенг бир фазо, ақл учун кенг машқ майдони ва унутилмас хотира, маъносига тушунадиганлар учун ажойиб бир ибрат хазинасидир.

Ҳикоят. Бир куни подшоҳ доно вазири билан суҳбатлаша туриб «Сенинг пири муршидинг борми?» деб сўради. Вазир пирга қўл бермаган эди. Подшоҳнинг нима мақсадда бу саволни беришидан ажабланди-да, «Устозим бор», деб жавоб қилди. «Устозинг ким? Нима учун у ҳақда сира гапирмайсан?» «Устозим тарки дунё қилган зоҳиддирлар. Тоғда яшайдилар. Яқин кунларда шаҳримизга келишлари хабари бор», деди вазир. «Устозинг келса, уни менинг ҳузуримга чорла», деб амр қилди подшоҳ.

Подшоҳдан вазифа олган вазир ўтин бозорига борди-да, дарвишхўй бир одамни учратиб, уйига олиб келди. Қорини тўйғизгач, муддаога кўчди:

– Сенга бир вазифа юклайман, айтганимдай бажарсанг, сўраганингни бераман.

Ўтинчи: «Вазири аъзам пул бермаган тақдирда ҳам амрини бажаришга мажбурман. Баҳонада ўн танга ишлаб ола қолмайманми», деб ўйлади. Вазир унга вазифани тушунтирди:

– Мен берган кийимларни кийиб, қўлингга тасбеҳни олиб, хонақоҳда қимир этмай ўтирасан. Сенинг ёнингга турли одамлар келади. Ҳатто подшоҳ ҳам келиши мумкин. Сени гапга солсалар ҳам чурқ этмайсан. Атрофга қарамайсан. Сенга ҳадялар беришлари мумкин. Ҳатто бўйинг баробар олтин берсалар ҳам, қарамайсан. Олтинни бир кесак деб билиб жим ўтираверасан. Агар айтганимни қилмасанг, бошинг кетади, шуни унутма.

Дарвиш либосидаги ўтинчини хонақоҳга кузатиб қўйган вазир саройга бориб, устозининг шаҳарга қадам ранжида қилганини айтди.

– Ҳозироқ ҳузуримга чорла, – деб буюрди подшоҳ.

– Давлатпаноҳ, зоҳид аҳли ҳеч қачон чорловга жавобан саройга келмаслар. Расм шулким, улар зиёрат қилинмоқлари даркор. Яна бир узр борким, менинг бирга бормоғим дуруст эмас. Сизнинг зиёратингиз хусусида сўзлаганимда, устоз менинг бирга бормоғимни ман этдилар. Агар истасангиз, сарой аҳли ҳамроҳлигида бормоғингиз мумкин.

Подшоҳ сарой аъёнлари ҳамроҳлигида хонақоҳга борди. Дарвиш либосидаги ўтинчи одамлар шарпасини эшитса ҳам тасбеҳ ўтирганича қимир этмай ўтираверди. Подшоҳ унинг ёнига яқинлашиб салом берди. Алик олинмади. «Зикр билан банд бўлиб эшитмади», деб ўйлаган подшоҳ унинг ёнига ўтириб, гапга солмоқчи бўлди:

– Сиз вазиримнинг устози экансиз, исмингизни айтинг.

Жавоб бўлмади. Дарвиш либосидаги ўтинчи киприк қоқмай ўтираверди.

– Мен подшоҳман. Тилагингиз бўлса, айтинг.

Яна жавоб бўлмади.

– Менга бир қаранг, дуо қилинг, – деб олтин тангалар тўкди.

Тангаларнинг овозидан ўтинчининг юраги хапприқиб кетса-да, қимирласа боши кесилажагини эслаб, киприк қоқмай ўтираверди. Илтимоси ҳам жавобсиз қолган подшоҳ эса аччиқланди. «Устози кип-қизил аҳмоқнинг ўзи-ку», деб изига қайтди-да, вазирни чорлади. Норозилигини бирданига ифода этмай вазирни донолик билан қармоққа илинтирмоқчи бўлди.

– Сенинг ҳар балога ақлинг етади. Қани айт-чи, бир аҳмоққа рўпара бўлиб қолсанг нима қилган бўлардинг?

– Доноларнинг ҳикматига амал қилардим.

– Донолар нима деганлар?

– Аҳмоққа дуч келсанг, сукут қил, деганлар.

Бу жавобдан сўнг подшоҳнинг қандай аҳволга тушганини тасаввур қилаверинг.

Энди узоқ мозийдан яқин ўтмишга қайтайлик.

Ўтган асрнинг саксонинчи йилларида Москва шаҳрида бўлиб ўтган фантаст адиблар анжуманида кўнгилисиз воқеага гувоҳ бўлиб эдим. Мажлисни фантастика соҳасида дунё таниган, ҳалол ва холислиги билан эъзоз топган ёзувчи бошқариб бораётган эди. Мажлис фантастика соҳасидаги китобларнинг савиясини муҳокама қилаётган эди. Сўз талаб қилиб минбарга чиққан адиблардан бири мавзу четда қолиб, мажлисни бошқараётган ҳурматли ёзув-

чининг йўқ айбларини санаб, номини балчиққа булай бошлади. Мажлис аҳли янграётган сўзларнинг туҳмат ва ифво эканини англаб турарди. Нотиқнинг саёз асарлар муаллифи, иқтидорсиз адиблардан эканлиги ҳам барчага аён эди. Мажлис раиси «Ит хурар – карвон ўтар», ҳикматига амал қилса, олам гулистон эди. Аммо у шу ўринда ўзининг донолигига хиёнат қилди – нодоннинг қармоғига илинди-ю у билан олиша бошлади. Ўзининг эътиборига яраша иш қилмади. Оқибатда юрак хасталиги хуруж қилиб, касалхонага олиб кетилди. Мажлисдаги мажбурий танаффусдан кейин яна ўша аблаҳ сўз талаб қилиб олиб, «Мен янглишибман, ҳурматли ёзувчидан узр сўрайман», деди. Мажлисда унинг ҳамфикрлари, истеъдодсиз адиблар ҳам бор эди. Мажлис раисини жойидан усталик билан олиб ташлагани учун унинг «донолигига» таҳсинлар ўқишди. Дарҳақиқат, усталик қилинган эди. Аммо замирида зулм мавжудлиги учун бу тадбир доноликка йўйилмайди. Мажлис раиси йўлдан олиб ташлангани билан атрофда бошқа ақл эгалари бор эди ва анжуман қобилиятсизлар йўриғида давом этмади, улар муддаоларига эта олмадилар, асарлари қаттиқ танқид остига олинди.

Бу воқеани эслашдан мақсад шуки, зиёлилар иштирокидаги кўпгина анжуманларда жоҳиллар шу тарзда доноларга ҳужум қиладилар, уларни обрўсизлантиришга уринадилар. Улар мажлисдаги асосий масала бўйича доноларга тўғридан-тўғри ҳужум қилмайдилар. Чалкаш йўллардан фойдаланадилар. Айтайлик, қуёш физикаси келажакка бағишланган анжуманда қуёшга ҳам, физикага ҳам алоқасиз гаплар билан фозилларга тош ота бошлайдилар. Мақсад – уларни чалғитиш, кераксиз баҳсга тортиш. Уларнинг иши бу латифани эслатади: боғ эгаси ўғрини тутиб сўрадики: «Нега ўғирлик қилдинг?» Узр сўраши лозим бўлган ўғри дағдаға қиладик: «Хотинингга нега атлас лозим олиб бермадинг?»

Доноларнинг жоҳиллар ҳужумига сукут билан жавоб бермоқликларини ҳар қандай ҳолатда ҳам чекинишлари шарт, деб тушунмаслик керак. Агар шундай қилинаверилса дунё янада баттар остин-устин бўлиб кетарди. Агар жоҳилнинг жоҳиллигига қарши тура олмаса, доно доно бўлармиди? Гап шундаки, маълум даврада жоҳил қўзғатган кераксиз масалага эътиборсиз қараш керак. Бошқа ҳолатларда ҳақиқат ҳимоясидан чарчамаслик талаб этилади. Москвадаги воқеада ҳурматли ёзувчи «сиз айтаётган масалалар мажлис мавзуйига алоқасиз, шу боис буни алоҳида гаплашсак», деса кифоя эди.

Жоҳил одам жоҳиллиги туфайли кўпинча ўзини ўзи фош қилиб қўяди. Худди қуйидаги ривоятдаги каби.

Ривоят. Акрам исми доно одам даладан шаҳардаги уйига қайтаётиб, булоқ бошида тўхтаб, отдан тушди. Отни дарахтга боғлагач, хуржунни очиб, тамадди қила бошлаган дамда бир киши булоқ яқинида тўхтади-да, байталини Акрамнинг оти ёнига боғламоқчи бўлди.

– Ҳой биродар, отимнинг феъли ёмон, отингизни бошқа дарахтга боғлай қолинг. Яна тепиб ўлдириб қўймасин, – деди Акрам.

У киши ўзини карликка солиб, байталини ўша дарахтга боғлади-да, индамай келиб, Акрамнинг ёнига ўтирди-ю таклифни ҳам кутмай дастурхонга қўл чўзди. Акрам:

– Мен билан саломлашмай туриб, ёнимга ўтирасиз, ижозат сўрамай таомга қўл узатсиз, бу нима қилганингиз? – деса ҳам индамай овқатни тушираверди. Акрам «Бу одам гунг-соқов экан, озгина телбалиги ҳам борга ўхшайди», деб ўйлаб, унга бошқа гапирмади.

Бир маҳал Акрамнинг оти безовталаниб байтални бир тепган эди, қорни ёрилиб ўлди. Ўзини гунг-соқов қилиб кўрсатаётган одам отининг ўлганини кўрди-ю дод-фарёд кўтарди. «Отимни тўлаб берасан», деб талаб қила бошлади. Акрам:

– Ҳой нобакор, ўзингни телбасифат қилиб кўрсатаётган эдинг, энди тилинг чиқдимми? Отингни бошқа дарахтга боғла, демаб-мидим сенга? Менга даъво қилма, ўзингдан кўр, – деди-ю отига миниб, уйига равона бўлди. У одам ғавғосини бас қилмай, эргашиб келаверди. Акрам шаҳарга етиб, уйига кириб кетгач, қозихонага югурди. Қози унинг арзини эшитиб, Акрамни чақиртириб келди-да, нима воқеа юз берганини сўради. Акрам ўзини кар ва соқовликка солиб, унинг саволига жавоб бермади. Қози «Бу одам кар ва соқов экан, уни айблай олмайман», деб ҳукм чиқаргач, даъвогар яна дод-фарёд солди.

– Бу мутгаҳам ёлғондан ўзини кар ва соқов қилиб кўрсатяпти, – деди у ғазаб билан. – Мен байталимини миниб, даладан қайтаётсам, бу одам булоқ ёнида ўтирган экан. Байталимини унинг оти ёнига боғлаётганимда «Отим тепонғич, сен бошқа ерга боғла», деган одам соқов бўладими? Мен атай ўзимни гунг-соқов кўрсатиб, овқатидан еяётганимда ҳам «Бу нима қилганинг?» деб танбеҳ берганини ҳам унутдимикин?

Бу гапдан кейин Акрам кулимсираб, тилга кирди:

– Қози жаноблари, ўзимни кар-соқов қилиб кўрсатишимдан мақсад – бу нобакорнинг ўзини ҳузурингизда айбига иқрор қилдириш эди. Агар шу ҳақиқатни мен айтсам, у шубҳасиз тонар эди.

Қози Акрамнинг донолигига тан бериб, тилидан илинган мут-таҳамни ҳайдаб чиқарди.

Яна бир ривоят. Сарой аҳлидан бири бегуноҳ бўлса-да, амир Лайс вазирининг дилгирлиги ва ғаразига қулоқ тутиб, уни ўлимга ҳукм қилди. Банда амирнинг ҳузурида бошини ерга қўйиб дедик: Байт:

*Сен раво кўрсанг ҳар ишниким, писанд ўлгай манга,
Хўжа не ҳукм этса йўқдур бандага чун-у чаро.*

– Аммо мен неча умрдин бери бу хонадоннинг неъматпарвардасидурмен. Ложарам, менинг қоним учун Қиёматда уқубат домиға гирифтор бўлмоғингизни раво кўрмасмен. Агар мени қатл этмак истасангиз, шариат ҳукми билан ўлтуринг.

Амир сўради:

– Бу маҳал шариат ҳукми била ўлтурмак нечук бўлур?

Банда жавоб қилди:

– Рухсат беринг, мен аввал вазирингизни ўлтурай, ондин сўнг буюрингким, мени онинг қасоси учун ўлтурсинлар. Токим мени ноҳақдик била ўлтурмамиш бўлмағайсиз.

Амир бу гапдан хандон бўлди ва вазирига қараб сўради:

– На маслаҳат берурсан?

Банданинг илтимосидан ҳуши учган вазир деди:

– Улуғ амирим, бу ҳаромзодани Худо учун озод қилинг, то мени бир балога гирифтор этмасин, нединким, гуноҳ мендадур ва ҳақимларнинг бу сўзига амал қилмадимким, дебдурлар:

Қитъа:

*Кулух андоз ила чун бошладинг жанг,
Бошингни жаҳл тоши бирла ёрдинг.
Чу ўқ отдинг боқиб душман юзига,
Ҳазар қилгилки, омоч узра бординг.*

Доно одамнинг жоҳил ёки маст киши билан олишувини қуйидаги воқеага ўхшатсак бўлар.

Воқеа. Бир одамнинг оёғини ит тишлаб олди. Шундай қаттиқ қопдики, оёқдан қон оқиб, азоб бера бошлади. Оғриқ кучайиб, бечора кечаси билан ухлай олмади. Отасининг дард чекаётганини кўрган қизча соддадиллик билан деди:

– Отажон ит қопганда нега индамай турдингиз? Сизнинг ҳам ўткир тишларингиз бор-ку! Сиз ҳам тишлаб-тишлаб, бурдалаб ташласангиз бўлмасмиди?

Отаси қизининг бу гапидан кулимсираб, унга шундай тушунтирди:

– Эй, кўзимнинг нури, орзуим чечаги, кўнглимнинг овунчоғи қизалоғим! Менинг ҳам ўткир тишларим бор. Лекин пок тишимни унинг нопок танасига уришим тўғри иш бўлмайди. Агар мен ҳам тишласам, мен билан ит орасида қандай фарқ қолади?

Одамларни икки тоифага: «Маъно аҳли» ва «суврат аҳли»га ажратиш мумкин. «Суврат аҳли» деб ҳар бир нарсанинг ташқи кўринишига қараб, унга юзаки муносабатда бўладиган кишиларга, «маъно аҳли» деб эса нарса ва ҳодисаларнинг сабаби, натижа ва оқибатларини ўйлаб, оқилона муносабатда бўладиган шахсларга айтилади. Масалан, нонга бўладиган муносабатни оладиган бўлсак, суврат аҳлига мансуб киши унинг бозордаги ёки дўкondaги нархига қараб бир неча сўмлик арзон нарса деб ўйлайди ва уни увол ҳамда исроф қилишдан тортинмайди. Агар шу бир неча сўмлик нон уч-тўрт кун топилмаса, қандай аҳволга тушишини, айна чоғда, дунё аро неча миллионлаб кишиларнинг қорни нонга тўймай нобуд бўлаётганини хаёлига ҳам келтирмайди. Маъно аҳлига мансуб киши эса ўша бир неча сўмлик нон вужудга келиши учун талаб этиладиган меҳнатни ҳис этади. Аввали деҳқонларнинг хизмати, буғдойни туйиб, унга айлантириб берувчи ишчилар меҳнати, янги навлар устида заҳмат чекаётган олимлар меҳнати, новвойлар меҳнатидан ташқари табиий омиллар – ер-сув, ҳавонинг ҳам иштироки борлигини ҳисобга олади. Энг муҳими – шу нон Аллоҳнинг неъматини эканини билади ва Унга шукроналар қилади.

Донолик фазилатини ёшлиқда эгаллаган дуруст. Бу фазилат умр ўтгани сайин тажриба ҳисобига бойиб бораверади. Жоҳиллик ва нодонликни афзал билганлар эса аксинча, янада баттар ёмонлашиб бораверадилар.

Бир донишманд ёшлигида жоҳиллиги билан танилган қора Яқуб исми одамни қидириб юрган эди. Излагани унга рўпара бўлиб:

– Қора Яқуб менман. Лекин ёшим улғайиб, соч-соқолим оқарди. Энди «оқ Яқуб» десангиз ҳам бўлаверади, – деди.

Донишманд кўлини қора Яқубнинг кўксига кўйиб:

– Биродар, қорани оққа айлантириш қалбнинг иши. Соч-соқол оқаришининг бунга сира даҳли йўқдур, – деди.

Бир кишининг донолиги туфайли энг оғир мушкулотлар ҳам ечилади. Ақл ва донолик кишининг ўзини ва атрофидагиларни турли балолардан асрайди. Тарихда Ҳажжож ибн Юсуф ас-Сақафий исми зот ўтган. Бу киши юқори мартабаларда хизмат қилган, хусусан, Ироқ волийси бўлган. Элик тўрт йил умр кўрган бу одам

тарихда «Ҳажжожии золим» номи билан қолган. У «Кескин иродали ҳукуматнинг жуда оз кишига зарари тегади, лекин заиф ҳукуматнинг зарари ҳаммага тегади», деган ақидани маъқул кўргани учун, айрим маълумотларга қараганда 120 минг одамни ўлимга ҳукм қилган, неча юз минг одамни, ҳатто аёлларни зиндонбанд этган. Бу одам ҳақида кўп ривоятлар мавжуд. Каминани ажаблантирган нарса шуки, мазкур ривоятларнинг аксариятида золимлиги зикр этилгани ҳолда унинг доноликни қадрлагани ҳам баён этилган. Яъни доноликнинг зулмни енга олиши таъкидланган. Шулардан бири билан танишсак.

Ривоят. Ҳажжожии золим бир аёлнинг акаси, эри ва ўғлини ҳибсга олиб, ўлимга ҳукм қилди. Аёл арзга келди.

– Бу уч кишидан фақат биттасини афв этаман. Яхшилаб ўйлаб кўриб, айт: қайси бирининг озод бўлишини истайсан? – деди Ҳажжож.

– Эримни ўлдирсангиз, кейин эр топилади, юртда эркаклар кўп. Ўғил ҳам туғилади. Аммо ака топилмайди, чунки онам менга бошқа ака туғиб бермайди, – деди аёл.

Аёлнинг бу доно жавоби Ҳажжожии золимга таъсир этди:

– Ҳаммасини афв этдим. Сен мендан биттасини кечиришимни сўрадинг. Донолигинг ва тўғри сўзлигинг учун учовлари ҳам озодлар!

Донолик ҳақида сўз юритиб, нодонлик иллатини кўрмагандан ўтиб кетсак, инсофдан эмас, фикримиз ҳам чала қолади.

НОДОНЛИГИН ТАН ОЛМАС НОДОН

– Денгизга ўт тушса, балиқлар нима қилишади?

– Дарахтга чиқиб жон сақлашади.

– Аҳмоқ, балиқ ҳўкизмидики, дарахтга чиқса?

Икки нодоннинг бу суҳбати тўқилган латифами ёки ҳаётда ҳам шунақаларга учраб турамизми? Ўрни келганда нодонлар ҳолига ибрат назари билан қараб қўйсак фойдадан холи бўлмас.

«Нодондан қанчалик узоқ бўлсанг, бошинг шунчалик саломат бўлади», дейдилар. Кўпчилик орасидан нодонни қандай ажратиб оламиз? Пешонасига ёзиб қўйилмаса, қулоқ-бурни барчаники каби бўлса, ҳатто зоҳирий гўзаллиги билан кишини мафтун этса? Энг қисқа жавоб – дононинг акси нодондир. Айтишга осон, бироқ, дўстлар, қариндошлар, ҳамкасблар орасида нодони ким эканини аниқлаш мушкул. Нодонларча гапириб юборишдан, нодонларча бир иш қилиб қўйишдан ҳеч биримиз муҳофазаланмаганмиз. Нодонларча қилигимиз учун биров танбеҳ бермаса-да, узоқ вақтга

қадар ўзимизни ўзимиз айблаймиз. «Наҳот шу ишнинг нодонликдан эканига ўзимнинг ақлим етмади?» деб ич-этимизни еб юрамиз. Агар бу нодонлигимиздан биров жабрланган бўлса, узр сўраймиз. Агар шундай қилсак, нодонлик ботқоғига ботиш бизга хавф солмайди. Бунинг акси бўлишдан Худо асрасин. Нодон одам ўзидаги айбларни кўра олмайди-ю бошқаларнинг камчиликларини кўради. Аввал ўзидаги айбларни кўриб, шуларни тузатишга киришса, нодон бўлмас эди.

*Айбини нодон бутунлай билмагай,
Ўзгаларнинг айбидан айрилмагай.*

Ҳеч қайси нодон нодонлигини тан олмайди. Ҳолбуки, хатоларни тузатмаслик – чинакам хатодир. Баъзан кўнглимизга ёқмаган одамни ҳам нодонлар тоифасига киритиб қўя қоламизким, бу асли ўзимизнинг нодонлигимизни кўрсатиб қўяди.

Билмаганни «билмадим», деб тан олишнинг доноликдан эканини айтдим. Бунинг акси – билмаган нарсасини «биламан», деб исбот қилишга тиришиши эса нодонликдир. Билмаслигини тан олган доно ўзини ҳам, бошқа бировни ҳам ҳалокатдан сақлаб қолади. Нодон эса... Нодон табибнинг аҳволдан хабар топганмисиз?

Ривоят. Бир шаҳарда тажрибали, беморга тўғри ва фойдали маслаҳат берадиган, ақли, хизрнафас табиб яшар эди. Ҳақимнинг ўзига ҳам бир дард илашиб, кўзи нурина йўқотди. Бундан фойдаланган лаёқатсиз бир нодон табиб ном чиқаришни умид қилди.

Шу мамлакат подшоҳи қизини акасининг ўғлига узатган эди. Ҳомиладор қизининг ой-куни яқинлашганда оғир бетоб бўлиб қолди. Подшоҳ тажрибали, аммо кўзи ожиз табибни чақиртириб келди. Табиб қизни кўриб, дарҳол ташхис қўйди. Унга «замахрон» дорисидан бир мисқолини тоза мушк ва долчинга қўшиб ичиришни тавсия қилди. Подшоҳ «Дорини ўзинг тайёрлаб, ўзинг ичир», деб буюрди. Табиб ожизлиги туфайли бу ишни қилолмаслигини айтиб, узр сўради. Шу атрофда турган нодон табибга жон кирди. Ўзини кўрсатиш, подшоҳ марҳаматига эришиши учун қулай фурсат келди, деб ўйлаб: «Бу менинг ишим, қизингизни мен даволайман», деди. Подшоҳ унга ишониб, дориворлар сақланадиган хонага йўллади. Илмсиз ва нодон одам бу соҳада ҳеч нима билмаса-да, ишга киришди: заҳар солинган идишдан заҳарни олди, бошқа идишлардан бошқа дориворларни таваккалга олиб, аралаштирди-ю олиб чиқиб, ҳомиладор маликага ичирди. Подшоҳнинг қизи дорини ичган заҳоти жон таслим қилди. Ҳазабланган подшоҳ

дорининг қолганини нодоннинг ўзига ичирди. Табибликни билмаман деб даъво қилган нодоннинг аъзои бадани кўкариб кетиб, қийнала-қийнала ўлди.

Ривоятдан мурод шуки: бирон масаладан хабардор бўлмаган ҳолда сўз айтганнинг, билмаган ишига киришганнинг аҳволи шундай бўлади. («Билдим», дедим – тутилдим, «билмадим», дедим – қутулдим», деган мақолни кўпчилик билса керак. Мақол аслан тушунилса, фазилатга эмас, илатга ундайди. Яъни «сиз бирон ишни билсангиз ҳам шу вазифани бажармаслик учун «билмайман», деб қўя қолинг», дейилмоқчи. Яъни бировнинг ҳожатини чиқариб, савоб олишдан қайтармоқчи. Бу ёлғонга киради. Ёлғон эса гуноҳдир. Лекин мақолни «биладиганимни «билдим», деб, шу ишга тутилиб қолдим, билмайдиганимни «билмайман», деб гуноҳдан қутулиб қолдим», деб ҳам тушунишимиз мумкин. Бироқ, шундай маъно қидириб, ўзимизни ўзимиз алдамай қўя қолайлик. Мақол ҳамини биринчи маънода қўлланилади).

Хожа Аҳмад Яссавий ҳазратлари «Дуо қилинг, нодонларнинг юзин кўрмай», деб хитоб қилганлар. Фосиқ – ахлоқсиз одам барча миллатда ҳам нодон саналади. Бундай одамлар, айниқса, дили пок кишилар даврасида янада нодонроқ кўринадилар. Фисқ аҳли доирасидаги нодон барча соҳада ёмон. Хусусан, тақводорликда – руҳоний қиёфасида жуда ҳам ёмон. Бойлар орасидаги нодоннинг нима дейиши, тилла пашшанинг эса нима ейиши ҳаммага маълум. Яссавий ҳазратлари шундай нодонлардан паноҳ тилаяптилар.

Қадим ҳукмдорлардан бири машҳур бир алломага қозилик мансабини бермоқчи бўлди. Аллома унинг бу таклифини қабул қилмади. Ҳукмдор бундан ғазабланиб, уни жазолашни ихтиёр этди. Адабини бериб қўйишнинг кўп турларини ўйлади. Тан жазоси бермоқликни раво кўрмай, зиндонбанд қилишни буюрди. Ўша куниёқ номи чиққан бир нодонни ҳам ҳибсга олдириб, аллома ўтирган зиндонга ташлади. Орадан уч кун ўтмай, аллома дод-фарёд қила бошлади. Ҳукмдор уни зиндондан чиқартириб, қандай ҳодиса юз берганини билиб турса ҳам «нима арзинг бор?» деб сўради. Аллома кўзларига ёш олиб ялинди:

– Ҳукмдорим, таклифингизни бажони дил қабул қилурменким, мени бу нодон суҳбатидан қутқарсангиз басдир.

Ҳукмдор ўзининг доно тадбиридан қувониб, алломани қозиликка тайин этди.

Алломанинг фарёдига нима сабаб бўлиб эди? Маълумки, ақлли одам кераксиз вақтда билганини сўзлашдан тортинади. Нодон эса нима сўзлаётганини ўзи ҳам тушунмайди. Яхшиликка йўйиш

мумкин бўлган сўзни ёмонликка йўйиб кишини гаранг қилади. Ўзи билмаган ёки тушунмаган нарсани ё муқаддас деб сифина бошлайди, ё куфр санаб, тиш-тирноғи билан рад этади.

Навоий ҳазратлари ривоятдаги алломани жонидан тўйдирган бу тоифа ҳақида бир оз аччиқ, аммо тўғри таъриф берганлар:

«Нодон – эшак, балки эшакдан ҳам баттар. Эшакка нимани юкласанг кўтаради. Қаёққа ҳайдасанг, ўша ёққа боради. Унда ақл-фаросат даъвоси йўқ. Бермасанг – оч, берсанг – тўқ. Бу бир бечорадир – юк ташувчи, ўтин-чўп ташувчи, балки галла ҳам ташувчи. Нодон бу сифатлардан холи, зоти билим либосидан маҳрум. Нодоннинг иши такаббурлик, кеккайиш, хаёлида юз хил беҳуда ташвиш. Нодоннинг барча бемаъни иши ўзига маъқул. Барча ёмон феъли ўзига маъбул. Унинг кўнглида одамларга юз хил озор бериш хаёли. У жоҳиллигидан халққа минг зарар етказишни ўйлайди. Эшак ҳанграшидан қулоққа озордир, бундан бўлак не айби бордир? Эшак тегирмондан уйингга ун келтиради; уни пишириш учун даладан ўтин келтиради. Эшакнинг меҳнатлари миннатсиз, унинг азоблари кулфатсиз. Нодонни эшак, десанг ранжийди, ғазабланади. Эшакка эса яхши-ёмон бари бир.

Байт:

*Бирида мунча ҳунар, ул бирида мунча уюб,
Қайсининг хўб эканин аҳли хирад билгай хўб».*

Яъни, эшак билан нодоннинг бирида ҳунар мавжуд, иккинчисининг айби кўп. Қайси бирининг яхшироқ эканини ақл эгаларининг ўзлари яхши биладилар.

Нодонликнинг дастлабки белгиларидан бири – ўзи тушунмаган гапга ҳам аралашавериши беҳуда ўқ узган овчига ўхшаб қолади. Нодонга «товуқмия» деб ҳам сифат берарларким, боиси: нодон қандай бемаъни гапларни айтмайди, товуқ қандай нажосатларни титмайди.

Ривоят. Подшоҳ доно вазири билан суҳбатлашиб ўлтирар эди.

– Кеча қариндошларингникига меҳмонга борибсан, қани, бир бошдан айт-чи, сени улар қандай иззат қилдилар? – деб сўради подшоҳ.

Вазир сўзни кутиб олиш маросимидан бошлади. Сўнг дастурхон устидаги неъматларни таърифлади. Сўнг таомларни. Ҳар таърифдан сўнг подшоҳ: «Кейин-чи, кейин нима ейилди?» деб сўрайверди. Вазирнинг ҳикояси якунланмай туриб, подшоҳни

зарур юмуш билан йўқлаб қолдилар. Орадан бир неча кун ўтгач, подшоҳ вазирининг хотирасини синамоқчи бўлиб тўсатдан:

– Кейин-чи, кейин нима ейилди? – деб сўраб қолди.

Вазир мутлақо эсанкирамай, хотиржам равишда ҳикоясини узилган жойидан давом этди:

– Кейин гал ясмиқ қайласига келди.

Подшоҳ вазирининг донолигидан қувониб, унга қимматбаҳо узук ҳадя этди. Буни кўриб турган бошқа аъёнларнинг юрагига ўт тушди. Ҳар бири «Подшоҳимиз ясмиқ қайласини эгилари келиб қолибди», деган хаёлда уйларига шошилиб, шу таомни тайёрлатдилар-да, эртасига саройга келтирдилар.

– Бу нима? – деб ажабланди подшоҳ ажабланиб.

– Сизнинг кўнглингиз тусаётган тансиқ таом – ясмиқ қайласи, – деб жавоб бердилар.

Подшоҳ ғазабланди, чунки у ясмиқ қайласини ёқтирмасди. Кейин уларнинг муддаоларини англаб, дедики:

– Доно вазиримга ўткир хотираси учун ҳадя бериб эдим, ясмиқ қайласи учун эмас!

Нодонликлари учун жазо тайин этилди: ҳар бирлари ўзлари келтирган қайлани бўкиб қолгунларича едилар ва йигирма беш даррадан ҳам бенасиб қолмадилар.

Луқмони Ҳаким ўз ўғилларига бундай насиҳат қилганлар:

– Ўғлим, нодон ва жоҳил киши сен билан бирор масала устида баҳслашиб қолса, сен унга мулоимлик билан жавоб бер. Агар у сенинг жавобингдан қаноатланмай, жаҳли чиқа бошласа, сўзингни яна қайтариб айтма. У билан олишиб ўтирма, сукут қил.

*Сўзинг наф этмаса, қилма иода,
Бўлу айтган саринг жаҳли зиёда.*

Яна бир ривоят. Бир нодон одам Ҳотам Тойга кўп жабру жафо етказди. Оғзига келган ҳар бир ярамас сўзни айтишдан тортинмади. Ақли кишининг нодон билан олишиб туриши дуруст бўлмагани учун Ҳотам Той ҳам у билан олишмасдан, сукут этиб турдилар. У киши чарчаб, сўздан тўхтагандан кейин Ҳотам Той дедиларки:

– Яна айтадиган ҳақоратли сўзларинг борми? Бўлса, менинг ёнимда айтиб битир. «Ақсиз, нодон одам адабсизлик қилса, у билан олишмай, адабсизлигини кечиришдан ўзга чора йўқдир», деганлар. Шунга кўра, мен ҳамма ҳақоратли сўзларингга жавоб қайтармай, сукут қилдим. Сени афв этдим. Менинг одамларим орасида ўзингга

ўхшаш паст табиатли, ақсиз, нодон одамлар ҳам бор. Агар улар ёнида мени ҳақорат қилгудай бўлсанг, сенинг худди ўзлари каби нодон эканингни билмаганлари сабабли ҳужум қилишиб, тақиқ этишимга қарамай, сенга озор етказарлар. Шунинг учун ҳам барча ҳақоратли сўзларингни ўзимга айтиб битира қол.

Шоир айтмоқчи:

*Ҳайвонни ҳайвон деб билмоқлик даркор,
Одамлар ичида ҳайвонсифат бор.
Ақли ҳеч бўлмаган нодон дўстингдан,
Қамчилаб урсанг-да, итинг вафодор.*

Ота-боболаримиз битикларида ўзини доно санаган нодондан сақланмоқлик кўп-кўп таъкид этилган. Мана шундай кишиларга қараб хирадманд аҳли деганки: «Нодон киши ўлса, ажабланмаслик керак, аслида унинг тириклик чоғи ҳам ўлимдан фарқланмайди».

Анушервони Одилнинг лочини боғичини узиб учди-ю, бир кампирнинг ҳовлисига қўнди. Кампир уни ушлаб олди-да, «бояқиш оч қолганга ўхшайди», деб ўйлаб, лочиннинг олдига бир ҳовуч дон сепди. Гўштхўр қуш донга қараб ҳам қўймади. Кампир:

– Бояқиш тумшуғини тош-пошга уриб қийшайтириб олибди. Шунинг учун дон ея олмаяпти. Эгри жойини кесиб тўғирлаб қўйшим керак экан, – деб ўйлаб, лочиннинг тумшуғини кесди. Кейин тирноқларига кўзи тушиб ачинди:

– Бечорагина, тирноқлари ўсиб кетгани учун юришга қийналаётган экан-да, – деб қушнинг тирноқларини битта-битта суғуриб ташлади. Лочиннинг ўлимига шу азобларнинг ўзи кифоя қилди.

Анушервоннинг одамлари лочинни қидира-қидира, уни кампирнинг уйдан ўлик ҳолда топдилар. Анушервон лочинининг ўлимидан қайғурди. Вазирларидан бири унинг дардини енгиллаштириш мақсадида «Кампирга жазо бериш керак. Шу нодонлиги учун унинг барча тирноқларини суғуриб ташлаш лозим», деб маслаҳат берди. Бошқа вазирлари томонидан ўзгачароқ жазо таклиф қилинди. Одил Анушервон вазирларининг сўзларига илтифот қилмай, айтди:

– Кампирга жазо бериш тўғри эмас. Жазоласак, зулм дарвозаларини очиб, адолатсизлик қилган бўламиз. Чунки кампирда ҳеч бир айб йўқ. Лочин ўз қадрини поймол қилиб, кампирдан гўё ёрдам талаб қилгандай унинг уйига учиб тушди. Нодон кампир лочиннинг қадр-қимматини қаердан билсин? У лочинга ачиниб, ўз ақд, тушунчасига мувофиқ ёрдам кўрсатмоқчи бўлди. Фақат унинг ёрдами «қош қўяман, деб кўз чиқарди» ҳикматига мувофиқ

қушнинг ҳалокатига сабаб бўлди. Бу воқеадан барчамиз ибрат олмоғимиз шарт. Ҳар бир киши ўз қадрдонини ташлаб, қадр-қиммати нима эканини тушунмаган одам олдига бориб, унга ўз ихтиёрини ташласа, ўзининг ҳалокатига сабабчи бўлади, лочиннинг ҳолига тушади.

Шукрки, дунёда нодонларнинг пайини қирқиб тура оладиган ақл эгалари бор.

«Нодонга ҳар гапни айтманг, у сўз ташувчидир, – дейдилар ҳазрат Навоий. – Кўп гаплари пойма-пойдир, ёлғондир. Оз гапи – гўё насиҳат; асли гапирмагани маслаҳат. Унинг мақсади одамларнинг айбини фош қилмоқ. Ўзига ишончни расво қилса, шу хилда ўзининг ҳам айбини ошкор қилган бўлади».

Яна дейдиларки: «Нодон дўстни дўст сонига киритма; ақл шамини унинг беҳуда афсонаси эли билан ўчирма... Ақлли душмандан фойда имконияти бор. Лекин нодон дўстдан зарар имкони кўпроқ».

Бир савдогар подшоҳга тўртта қорабайир от совға қилди. Совға подшоҳга маъқул келиб, «Бундай отлардан яна борми?» деб сўради. «Бор, фақат бу ерда эмас, ўз шаҳримдадир. Юз минг олтин берсангиз, ҳайдаб келаман», деди савдогар. Подшоҳ ўйлаб ҳам ўтирмай, пулни беришга амр қилди.

Орадан ўн кун ўтиб, вазирга «Пойтахтдаги нодонлар рўйхатини ёзиб чиқ», деб буюрди. Вазир ўша заҳоти ишга киришиб, рўйхатнинг бошига подшоҳнинг номини ёзди. Бундан подшоҳ газабланган эди, доно вазир тушунтирди:

– Давлатпаноҳ, ўзингиз ўйлаб кўринг: савдогарнинг ким эканлигини, қаердан келганини аниқ билмай туриб, ҳали йўқ отлар учун юз минг олтин бериб юбориш доноликданмидир?

– Хўп, яхши, – деди ночор қолган подшоҳ, – эрта-индин ўша савдогар отларни ҳайдаб келса, нима қиласан?

– Агар ўша савдогар отларни ҳайдаб келса, сизнинг номингизни ўчираману нодонлар рўйхатининг биринчи қаторига ўшанинг номини ёзиб қўяман.

Ҳаётда «Шу ошнамга ишонган эдим, оёғимдан чалди» ёки «шу биродаримнинг гапига кириб маломатга қолдим», деган шикоятларни эшитиб юрамиз. Унутмайликки, нодон ўгитида хато бўлиши муқаррар, душман насиҳатида алдов бўлиши шубҳасиздир. Одам боласи унисидан алданмаслик ва бунисига ўзини алдатмаслик чораларини кўриб юрса, кейин афсусланмайди. Ишнинг оқибатини, нима бўлишини билиш – оқилликдан, аммо келадиган фалокатга чора изламай, қайғу чекиб ўтириш – нодонликдан далолат берадики, қуйидаги ривоят шул ҳақдадир.

Ривоят. Кашмир вилоятида бир подшоҳ бўлиб, хазиначарини тоғлар кўтара олмас ва лашкарлари ҳисобини билиб бўлмас эди. У комронлик туғини зарнигор фалакка тикиб, адолат ва раият-парварлик овозасини маърифат мағрибга етказган эди.

Бу подшоҳнинг бир ажабтовур маймуни бор бўлиб, баъзи офатлар вақтида суяниб қолгани боис унга шоҳона парваришлар қилар эди. Маймун ҳам юксак ихлос билан шоҳга маҳрамлик қилар, кечалари қўлига қилич олиб, унинг бош томонида ўтириб чиқар, тонг отгунига қадар ухламай, ўз хизматлари риштасини узмай келар эди.

Иттифоқо, бир зийрак ўғри бул вилоятга ризқ излаб келиб қолди. Ўлжа илинжида маҳаллаларни айланиб, пайт пойлаб, вазиятни ўрганиб юрганида тажрибасиз ва нодон ўғри билан танишиб қолди. Мусофир ўғри янги дўстидан маслаҳат сўради:

– Қайси маҳаллага бориб, кимнинг уйини тешсак экан?

– Шу маҳалла раиснинг отхонасида бир семиз эшак бор, – деди нодон ўғри. – Раис уни жуда яхши кўриб парвариш қилади. Икки қули ҳамини шу эшак атрофида парвона. Аввал ана шу эшакни ўғирлайлик. Кейин Чорсудаги шишагарлик дўкони томини тешиб, шишаларни шу эшакка ортиб жўнаймиз.

Мусофир ўғри бу таклифнинг бемаънилигини фаҳмласа-да, ўйлаб кўришга ваъда қилди. Шу онда кутилмаганда қаршиларидан миршаб чиқиб қолди. Доно ўғри зийраклик қилиб, ўзини панага олди. Нодон ўғри эса ушланди.

– Сен кимсан, бемаҳалда бу ерда нима қилиб юрибсан, қаерга кетяпсан? – деб сўради миршаб ундан.

– Мен ўғриман. Раиснинг эшагини ўғирлаб, шишалар дўкони-нинг томини тешиб, шишаларини эшакка юклаб, уйимга олиб кетишга жазм қилиб эдим. Сиз халақит бердингиз.

Нодоннинг гапини эшитган миршаб кулди:

– Офарин! Ўғриларнинг шунақаси ҳам бўлар экан-а! Бир неча посбон қўриқлаб турадиган эшакни деб ўзини бало домига отган, бир тангага арзимайдиган шишаларни деб ўзини хатар йўлига солган ўғрини энди кўришим. Агар шунча ҳаракатни подшоҳ хазиначарини ўмариш учун сарфлаганингда оқибати бошқачароқ бўлармиди? Шу ишни эпласанг, ҳеч бўлмаганда замона аҳли қошида мағрур бўлиб қолардинг.

Миршаб шундай дегач, нодон ўғрининг қўлларини боғлаб, зиндон сари судраб кетди. Доно ўғри эса нодон дўстининг ишидан ибрат олиб, огоҳ бўлиб, миршаб сўзларидан хулоса ясаб ўзига дедик: «Бу ўғри менга нодон дўст эди. Миршаб эса – зийрак

душман. Нодон дўст мени аниқ ҳалокат сари солди, бу душман сўзларига кўра хазинага борилса, кўп йиллик умидим рўёбга чиқади». Шундай қилиб у подшоҳ қасри атрофини ўрганиб чиққач, лаҳм қазий бошлади. Тош кесиб, лаҳм заҳматини кесди. Ниҳоят, ўғри шоҳ ётоғидан бош кўтарди. Қараса, подшоҳ заррин ўринда ухлаб ётибди. Ҳамма ёққа гиламлару шойи атласлар тўшалган. Атроф жавоҳиру қимматбаҳо тошлар билан безалган. Қимматбаҳо шамдондаги шамлар равшан ёниб турибди. Парвоналар эса камбағаллар кўнглидек номуродлик шуъласига ўзни уриб ётибди. Қилич яланғочлаган бир маймун эса шоҳнинг бош томонида сергак турибди. Ўғри унга ажабланиб қараб, ўйланди: «Бу савил бундай даражага қандай тарзда эришди экан? Шаҳриёрнинг жонини қўриқлаш нечук унга топширилди экан? Шоҳу миллат тақдирига даҳлдор бу ўткир қилич унинг қўлига қаердан тушди экан?» Ўғри хаёл денгизига чўмиб, саросима билан атрофни наззора қилар эди. Ногоҳ бир неча чумоли шоҳ сийнасига ўрмалаб кела бошлади. Шоҳ безовталаниб, уйқусираб кафти билан кўкрагини силади. Маймун бу ҳаракатдан зийракланиб қарасаки, бир неча чумоли ҳукмдорини безовта қияпти. Фазабдан унинг кўзлари чақнаб кетди:

«Маҳобатидан юлдузлар ҳам бедор бўлган мендек зийрак посбон турганда, бу бир неча заиф чумолиларга мундоғ густоҳликни ким қўйибди?!»

Шундай қилиб, ҳамият жоҳилиятни ҳаракатга келтирди. У қиличини даст кўтариб, шоҳ сийнасида эркин ўрмалаётган чумолиларни чопиб ташламоқчи бўлди. Ана шунда ўғри наъра тортди:

– Эй, нобакор жавонмард, тўхта, ҳозир олам биноси устунини йиқитасан!

Шундай деди-ю югуриб келиб, маймуннинг қилич кўтарган қўлини ушлади. Бу наърадан шоҳ ҳам уйғонди. Икковининг ҳолатини кўриб, ажабланиб, ўғридан «Сен кимсан?» деб сўради.

– Сиз олийҳазратга душмани донодурман, – деб жавоб қилди ўғри. – Бу ерга мол талабида келиб эдим. Агар бир лаҳза ғафлатда қолсам, бу меҳрибон, лекин нодон дўстингиз ҳамма ёқни қонга тўлдирад эди.

Шоҳ воқеа тафсилотини эшитиб, беҳад ташаккурлар билан дедиким:

– Ҳа, азалий иноят сабаб, ўғри посбон ва душман меҳрибон бўлиши ҳеч гап эмас экан.

Шоҳ ўғрига навозишлар кўрсатиб, ўзининг яқин мулозими этиб тайинлади. Маймунни эса занжирбанд эттирди.

Қарангки, нияти ёмон ўғри донишмандлик либосини кийгани учун мол-давлат, шон-шавкат тожини бошига қўйдилар. Маҳрами

асрору, меҳрибон маймун нодон бўлгани учун ундан эъвоз либосини ечиб олдилар.

Байт:

*Хасми доноки, офати жондур,
Яхшироқ дўстдинки, нодондур.*

Ҳар бир инсон қудрати ва истеъдоди кўтарадиган ишга қўл урмоғи керак. Ўз ақл-идроки ва кучига қараб иш тутмаган киши эл орасида кулги бўлиб қолади. Бу ҳақдаги ҳикоятга диққат қилинг.

Ҳикоят. Бир бургут қўзичоққа ҳамла қилиб, чангаллади-ю уни даст кўтариб учиб кетди. Буни кузатиб турган қарғанинг ҳаваси жўш уриб, бургутга тақлид қилмоқчи бўлди ва ўтлаб юрган қўйга чанг солди. Бироқ панжалари қўйнинг юнгига илашиб қолиб, қанча уринмасин, чиқара олмади. Оқибатда чўпон етиб келди-ю уни тутиб олиб, болаларига ўйин қилиб берди. Болалар қарғани кўришиб: «Бу қушнинг оти нима?» деб сўрашди. Чўпон: «Бунинг оти «қарға» эди. Бироқ, бундан салгина олдин у ўзини бургут деб тасаввур қилди. Мана энди у ўзининг ким эканлигини билиб турган бўлса керак!» деб жавоб берди.

Мулойим ва тадбир билан қилиш мумкин бўлган бир юмушни кўполлик ва тадбирсизлик билан бажариш нодонлик эканини билмайдиганлар ҳам бор. Бундайларни, айниқса, кўпчилик иштирокидаги маросимларда тез-тез учратиш қоламиз. Қаттиқ-қаттиқ гапириб, кулаверадиган, хизмат қилиб юрган ёшларга ҳуда-беҳуда танбеҳ бераверадиган кимсалар борларки, шу одатлари билан кўпнинг назарига тушишни истайдилар. Улар чиндан ҳам эътиборда бўладилар, фақат ўзлари истаган мақомда эмас, балки нодонлик кўринишида бўладиларки, бундан сақланишларини истардик. Маросимда хизмат қилиб юрган ёшларнинг бири зийрак бўлса, иккинчиси табиатан эътиборсизроқ бўлиши, бири кўпчиликка тез аралашиб кетса, иккинчиси одамовироқ бўлиши, кўпчилик орасида хизмат қилиб юришдан тортиниши мумкин. Шундай пайтда баланд овозда «Ҳой, хода ютганмисан, қимирласанг-чи тезроқ!» ёки «Гап сотиб, ош эгани келганмисан ё хизмат қилганими?» деган гап ҳам, «Барака топинглар, яхши ҳам сизлар бор экансизлар, қани тезроқ бўла қолайлик» дегани ҳам бир оғиздан чиқади. Шу оғиздан қандай гап чиқиши тилни бошқарувчи ақлга боғлиқ.

Олдинги суҳбатимизда киши ҳамиша кимнингдир маслаҳатига муҳтож эканини айтиб эдим. Яна шу мавзуга қайтишни ихтиёр қилдим, чунки ҳаётда нодон маслаҳатчига дуч келиб, азобимиз

беш баттар бўладиган ҳолатлар ҳам учраб турадики, худди бу ривоятдаги оқибат каби.

Масал. Бир ўрмондаги каклик ризқ излаб узоқроқ кетиб эди, уясини ёввойи товуқ эгаллаб олди. Каклик келиб, уйни бўшатишни талаб қилди. Товуқ дедики:

– Ҳозир бу уй меники. Агар сеники бўлса, исбот қил.

– Менинг қозидан ҳужжатим бор, – деди каклик.

– Унда бир одилни топиб, унга мурожаат қилишимиз керак, – деди товуқ.

– Шу яқин атрофда кеча-ю кундуз ибодат билан бўлувчи бир мўмин мушук бор. Ундан зиёда одилроқ қозини топа олмаймиз. Фақат угина сўзимизни диққат билан тинглаб, одилона ҳукм чиқариб беради.

Таклиф маъқул бўлиб, мушук ҳузурига бордилар. Мушукнинг кўзи уларга тушди-ю, лабини иштаҳа билан ялаб қўйди. Лекин сир бой бермай, ибодат қилгандай тош каби қотиб бир оз ўтирди. «Ибодати» якун топгач, икки нодонга ўгирилди. Шунда каклик назокат билан сўз бошлаб, орадаги низонинг сабабини баён қилди. Мушук даъволарни эшитгач, шундай деди:

– Менга қарилик таъсир қилиб, танимда қувват қолмаган, кўзларим нурсизланиб, қулоқларим оғирлашган. Яқинроқ келингларида, баландроқ гапиринглари, токи сўзларингизни яхшироқ эшитиб, одилона ҳукм чиқарай. Лекин бундан олдин сизларга бир маслаҳат берай, диққат билан тинглаб, сўзларимга амал қилсангиз, икковингиз ҳам бахтга эришасизлар.

Мушук шу қадар тилёғламалик билан ширин сўзлар эдики, каклик билан товуқ унга маҳдиё бўлишиб, яқинлашиб қолганларини ҳам сезмай қолдилар.

Мушук эса... бир сапчишда икковини ҳам тутди-ю эди...

*Кўз очиб юмгунча ўтади даврон,
Ўтган кун қайтмайди бу шундай замон.
Нодонлар бир-бирин асло кўролмас,
Одамзод одамни йиқитар ҳамон...*

Умидимиз юлдузлари, шоирнинг шу тўртлиги билан бу мавзудаги суҳбатимиз ҳам охирлади. Мазкур суҳбатдан сўнг ўзингизда нодонликнинг бир учқунини сезиб қолсангиз-у дарров ўчира олсангиз, муддаомиз шудир. Суҳбатларимизни ўқиётганингизда айрим ҳикматлар, фикрлар, ҳатто мавзулар сизга такрорланаётгандай туюлиши мумкин. Бунинг учун каминани эзмаликда

айбламанг. Гап шундаки, одамдаги фазилатлар ва иллатлар алоҳида-алоҳида яшамайди. Бир-бирига чамбарчас боғланган, бу мавзудаги фикрлар эса бир-бирини давом эттиради, тўлдиради. Китобхон асарни ўқиётганида турли ҳолатларда бўлади. Баъзан ҳар бир сатрни диққат билан ўқийди. Ўқиганидан олган маънолари ўзининг тарбиясида асқатади. Баъзан эса паришонлик туфайлими, юзаки ўқиб, айрим фикрлар, ҳикматлар маъносига эътиборсиз ўтиб кетади. Сал туриб, паришонлиги тарқаганда, китобнинг кейинги саҳифаларида ўшандай фикр ва ҳикматга дуч келганда энди диққат билан ўқийди, маъно олади. Масалан, ақл ҳақида ўтмиш донишмандлари баён қилган юзлаб ҳикматлари бор. Мавзу бир, баён усули эса турлича. Шунга кўра, ўқувчининг қабул қилиши ҳам ҳар хил бўлади. Бизга мерос бўлиб келган ҳикматларнинг сизга осон тушунарли бўладиганларини танлаб олдик. Йиллар ўтиб, ёшингиз улғайгани сайин бошқа китоблардан баҳраманд бўлиб, ҳикмат хазинангизни бойитиб боришингизга умид қилиб, суҳбатимизни яна давом эттираемиз.

ЯЛҚОВЛИК МЕВАСИ

Бир ялқов иккинчисига дебди:

– Фил бўлгим келяпти: хартуми билан овқатни олиб, шошилмай ейди.

Хартумини қаёққа узатса ҳам етади.

– Бўлмайди, – деди иккинчи ялқов, – илон бўлган яхши. Илон ётганича овқат еяверади...

Биз – катталар сиз – азиз ёшлардан норози бўлганимизда сизларни кўпроқ дангасаликда айблаймиз, тўғримми? «Бунча ялқовсан!» деган гапни уйда ҳам, ўқишда ҳам эшитавериб, кўнглингиз оғриши ҳам ҳақиқат.

* Ўғлим (кам ҳолларда қиз тилга олинади, энг кўп норозилик келинларга нисбатан бўлади) ялқов, уйқучи, кун ёйилгунича ётади;

* Ўғлим эгилиб ишламайди;

* Келиним идишларни чала ювади...

Азизлар, бунақанги даъволарни ҳар биримиз деярли ҳар кун эштамиз, шундай эмасми? Айниқса, қайнона-келин можароларининг асосини шундай даъволар ташкил этади. Энг яхши қайнона ҳам энг яхши келинидан қусур қидирса, шу соҳада, албатта, топади. Келин шамоллаб ётиб қолса ҳам, қайнонага ялқовликни яширувчи ниқоб бўлиб туюлиши эҳтимоли бор. Фақат чаққон келингина қайнона кўнглига йўл топа олиши мумкин. Эринчоқ,

гайратсиз келинлар эса бу борада ўзларини қайта тарбиялашлари лозим бўлади. Гап фақат ота ва онага ёки қайнонага яхши кўринишда эмас. Оддий ҳақиқат шуки, ялқов қурувчи қандай бино қуриши мумкин? Ялқов ёшлар кўркам оила саройини қандай қурадилар? Таъбир жоиз бўлса, ялқов, ишёқмаслар икки фарзанд орттирадилар: зорлик ва бадбахтлик. Эринчоқлик дунёдаги мавжуд ҳамма нарсанинг душманидир. Танбаллик, гайратсизлик, журъатсизлик, камбағаллик каби балоларнинг ҳаммаси эринчоқликдан келиб чиқади. Кайковуснинг: «Ялқовлик – танни ишдан чиқаришдир. Мажбур этиш билан ўз танингни итоатли қилдир ва уни мақсадга мувофиқ қилиб бўйсунитиши ўргат» деган ҳикмати-ни Муҳаммад Заҳирий Самарқандийнинг бу фикри қувватлайди: «Модомики, беғамлик ва ношудлик кўрсатилар экан, қулай фурсат қўлдан бериб қўйилади. Вақт ўтганидан кейин афсусланиш бемаъни ва бефойдадир».

Латифа. Икки ялқов ётган жойга ўт тушди. Ўринларидан туриб қочилар ҳам эриндилар. Олов тили оёқларига етганида бири «Эй, Худо!» деб зорланиб қўйди. Иккинчиси шундай дейишга ҳам эриниб, шеригидан илтимос қилди: «Мен учун ҳам «Худо» деб қўйгин...»

Бу латифалардаги воқеаларни ҳаётда учратмаймизми? Бундан баттарларига ҳам дуч келамиз. Афсуски, айрим ардоқли ёшларимиз замон ялқов одамларнинг беомон душмани эканини етарли тушунмайдилар. Танбаллик ва фаоллик икки йўлдир, унинг бири эл нафратига дучор қилади, иккинчиси эл ҳурматига сазовор этади. Набий муҳтарам дедилар: «Танбаллик, дангасалик қалбни тош қотиради, қаттиқ қилади, қорайтиради». «Камбағаллик айб эмас», деган мақол бор. Агар бу камбағаллик дангасалик оқибатида бўлса, гоёт улуғ айбдир. Мирзо Бедил ҳазратлари ёзадилар: «Ишсизлик хирмонидан бошоқ териб юрганлар, яъни ялқовликлари, дангасаликлари туфайли тиланиб юрганлар, албатта, хўрлик чекдилар. Булар тиришмоқликдан кечгани, дангасаликлари кучайгани сайин хирслари ортиб, ҳасадлари тобора ўса борадир».

«Лисонут-тайр»дан бир ҳикоят. «Халқ орасида бир ишёқмас, танбал киши бор эди. Одамлар унинг бегайратлигидан ҳайрон қолар эдилар. У одамлардан туртки, шапалоқ ер, бунинг эвазига улардан бир бурда нон ёки таом олиб, кун кўрарди. Кишилар уни қувиб юборсалар ҳам у ҳеч қаерга кетмай, ўзининг ёмон қилиқларини тарк этмасди. У тортадиган жафоларига ўзича маълум бир нарх тўғрилаб қўйган ҳам эди. Қайси бир киши уни бир тепса ёки урса, у ўша кишидан бунинг ҳақини талаб қилиб олар, қўлига тушган нарсани дарҳол оғзига солар эди.

Кунлардан бир куни кимдир унинг қўлига озгина нон бериб, эвазига шундай мушт туширдик, натижада танбал ер тишлаб қолди. Гарчанд у шапалоқлар еб, қорнини тўйғазиб юрган бўлса-да, бир мушт билан энди қайта ўрнидан турмайдиган бўлди...»

Фақат ўз ҳузур-ҳаловатини ўйлаш, ялқовлик – муваффақият қувватини кесувчи бир касалликдир. Ҳа, бу касаллик танбалликнинг ҳосилдир. Хасталикнинг оқибати нима бўлиши эса маълум: агар ўхшатиш қўпол туюлмаса – танбаллик ўлимнинг бир туридир. Инсон бу ўлим туфайли ҳамма нарсани йўқотади. Ялқовлик – эрк-сизликдир. Киши инсонларга юк бўлган куни эркини йўқотади. Инсоннинг саодатдан маҳрум бўлиб, маънос яшаши шу ялқовлик, ғайратсизлик натижасидир. Ҳақиқат шуки, ҳали ҳеч ким муваффақият нарвонига қўлини чўнтагига суқиб чиқмаган. Танбаллик ҳеч бир одамга фазилат эмас, лекин олим ва илм толиби дангасалик қилса янада хунук.

Одамлари танбал, дангаса бўлган, илму фан ривожланмаган, қонун топталган юрт сира ривож топмайди. Халқи ўзгаларга қарам бўлади, душманлар бу юртни истаганларича талайдилар, топтайдилар. Натижада халқ улкан моддий ва маънавий зарар кўради. Фақат Ватани эмас, жонидан ҳам маҳрум бўлади. Роҳати, тинчлиги, эрки, ҳурмати, осойишталиги бир тийинга ҳам арзимас бўлади. Шу боис Мунаввар қори ҳазратлари юз йил муқаддам деганлар:

*Жаннат каби гўзал юртинг
йиглаб, сендан иш кутади.
Сенда кўргач ишсизликни,
ҳасрат чекиб, қон ютади.
Тур ўрнингдан, оч кўзингни,
Айт ёвингга сўнг сўзингни.
Ёвинг кимдир, биласанми –
нодонликдир, ялқовликдир,
Ёвга қарши курашмаслик –
кўрқоқликдир, анқовликдир.
Иш қиличин, тур, қўлга ол!
Ёвга қарши чиндан қўзғол!*

Англагандирсиз, киши энг аввал ўзининг вужуди руҳини бошқараётган душмани – ялқовлигини енгиши шарт экан. Жисмоний меҳнатдан қочиш кўп ёшларга хос одат бўлиб қолди. Баъзан ҳашарга чиқарилган ўсмирларни, ёшларни кўраман: қўл учида ишла-

шади, эгилгилари келмайди. Бирон соат ишлаб, муаллимларининг кўзларини шамғалат қилиб, қочиб қолиш пайида бўладилар. Мен «ҳашарга чиққан» эмас, «**чиқарилган**» деб ёздим. Ўзлари яшайдиган кўча, маҳалла, шаҳарни озода сақлашга ҳисса қўшишни онгли ва ихтиёрий равишда амалга оширмайдилар. Мен мана шунга афсусланаман. Бугунги кунда шаҳарлик ёшлар кўлларини совуқ сувга урмайдиган бўлиб ўсяптилар. Қишлоқда туғилиб ўсганлар орасида ҳам ялқовлар кўп учраяпти. Улар қишлоқдаги меҳнатдан қочиб, шаҳардаги енгил ҳаётга учяптилар. Учяптилару, лекин «қанотлари куйиб» яна изларига қайтыптилар. Бу ҳам афсусли ҳол.

Азизлар, мени тўғри тушунинг, мақсадим сиз – ёшларни ёмонлаш эмас. Замон одамларни ялқовлаштириб қўйяпти. Электр ва автоматлаштириш деган нарсалар жисмоний меҳнатни сиқиб чиқаряпти. Бугунги қизларимиз, келинларимиз кўлларини қавартириб ишлашлари шарт эмас. Ошпичоқда қийма чопмайдилар, кир ювадиган машина, чангюткич, музлаткичу микротўлқинли иситгич ва яна шунга ўхшаш ўнлаб мосламалар хизматларида. Ҳатто телевизорни (ҳатто чироқни!) ёқиб-ўчириш учун ўриндан туриш шартмас – диванда ёнбошлаб, тугмалар босилаверилади. Шунақа шароит бўлгач, одам дангасалик ҳовузига чўкмай, яна нима қилсин?

Жисмоний меҳнат бир масала, ақлий ялқовлик, яъни маънавий танбаллик янада оғирроқ масаладир. Ёшларнинг илм олишга эринишлари жамият учун ҳам зарарлидир. Агар дарё суви денгизга қуйилиб турилмаса, ҳар қандай катталиқдаги денгиз ҳам қурийдди. Бекорчи ва иш ёқмас – иродасиз одамдир. Агар одам фикрлашда дангаса бўлса, жаҳолатга ботиши, гуноҳи ортиши шубҳасиздир. Олимлар сафи ёшлар ҳисобига тўлиб турмаса, мамлакат инқирозга юз тутди. Айрим ёшларнинг билим олишга ялқовлик қилишларига сабаб – ота-оналарининг ҳамёнлари ёки юқори мартабали танишлари экани ҳақида қисман сўз айтган эдик. Пул эвазига ёки таниш ёрдамида имтиҳондан ўтишини билган йигит ёки қиз бошини оғритиб китоб ўқирканми, дарс тайёрлар эканми? Ўша пулдор ёки мартабали ота ва оналар фарзандларининг бу касалини биладилар. Касалликнинг олдини олиш ёки муолажа қилиш чорасини кўрмай, аксинча, рағбатлантириб турар эканлар, кимни айблашимиз керак бўлади? Ялқов фарзандними ё рағбатлантирувчи отани ва онаними? Эртага бу ялқовликнинг аччиқ ва заҳарли мевасидан қайси бирлари кўпроқ зарар кўрадилар?

Тилимизда «боқиманда» деган атама бор. Ўзи ишламай, ота-онасининг бошига ўтириб олиб яшовчи ялқовлар шундай аталади.

Болалар ва илм толиблари «боқиманда» доирасига кирмайдилар. Лекин бола ўсмир ёшига етгач, ўзини ўзи эплаш тадбирларини ўргана бориши шарт. Албатта, фарзандини боқиш ота-онага малол келмайди. Лекин ота ҳам, она ҳам бир куни дунёдан ўтади. Улар ўтгандан кейин боқиманда боланинг аҳволи не кечади?

Бир киши дўстига ҳасрат қилди: «Ўғлимнинг боласи яқинда иккита бўлади. Лекин ҳалигача оиласини боқишни ўйламайди, ҳатто ҳовлининг ишларига эгилмайди». Дўсти уни овутиди: «Ҳозир сизга эркалик қияпти. Ўғлингиз ақлли йигит, кейин эплаб кетади». Боқимандаликка ўрганиб қолган бу ўғил отаси вафот этганидан кейин ҳаётда ўз ўрнини топа олармикин? Рўзгорини эплаб кетиши осон бўлармикин?

Масал. Бир бойнинг икки кўппаги бор эди. Бирини уйни қўриқлашга, иккинчисини овга ўргатган эди. Бой уйга кириши билан уйни қўриқлашга ўргатган кўппаги думини ликиллашиб унга пешвоз чиқарди. Бой уни эркалатарди. Овдан олиб келган ўлжалари билан сийларди. Бунга овчи итнинг жаҳли чиқарди. Бир куни у уй кўппагига деди:

– Менга қара! Бу ўлжанинг кетидан югурган, сувдан олиб чиққан менман-ку! Сен эса мен тутган ўлжани уялмасдан еяпсан-а!

– Менга нима учун даъво қиласан, – деди уй кўппаги. – Сен бу арзингни хўжайинга айт. Мени тайёр овқатга ўргатган у эмасми?

Қиссадан ҳисса шуки, болаларни танбал қиладиган ҳам, ишчанликка ўргатадиган ҳам ота ва она! Шундай экан, уларнинг ўзлари фарзандларига ўрнак бўлишлари, танбалликдан қочиш хусусида бетўхтов равишда насиҳатлар қилишлари, ҳамиша яхшиликка, меҳнатсеварликка бошлашлари зарур. Болаларини ҳунар ўрганишга қизиқтириш, билимли бўлишга ундаш зиммаларидаги бурч эканини унутмасликлари керак. Танбалликнинг охири надомат эканини унутиб, болаларини дангаса, тайёр ейишга ўргатган оталар ва оналар, шубҳасиз, фарзандларига энг катта ёмонлик қилган, ҳатто уларни ўлимга маҳкум этган бўладилар.

Лаббай, «жуда-а оширвордингиз», демоқчимисиз? «Танбаллик орни ўлдиради», деган ҳикматга кўра, ялқов ва беор одамни тирик мурда деб аташ мумкиндир? Танбаллик ёмон ахлоқни вужудга келтиради. Ёшлар орасида учраб турган кўпгина жиноятлар айни танбаллик оқибатида юзага чиқяпти. Меҳнатсеварлик яхши хулқни юзага чиқаради. Интилган ёмонликдан қутулади, танбаллик ёмонликка яқинлаштиради.

Шундай тарбия қилиш лозимки, токи фарзанд тайёр ошдан эмас, меҳнат билан топилган луқмадан роҳатлансин. Фақат ўз

оиласигина эмас, балки мамлакатнинг порлоқ келажаги меҳнатсевар инсонларга боғлиқ эканини, текинтомоқнинг эса мамлакатга, халққа зараркунанда эканини тушуниб етсин. Файратли одам инсониятга хизмат қилишини, файратсиз танбал эса инсониятга юк эканини ҳам англасин. Меҳнатсевар инсон фақир бўлса ҳам доимо ҳурматда, танбал одам бой бўлса ҳам, доимо беобрў эканини билган фарзанд камол топади. «Наф келтирувчи киши ўғилдан ҳам яхши бўлиши мумкин. Беҳуда ишлар билан банд бўладиган ўғил эса ёвдан ҳам ёмон» деган ҳикмат бекорга айтилмагандир.

Ривоят. Бир одамнинг битта оти ва икки ити бор эди. Итлар оч қолишиб, зорланиб ўтиришганида от: «Нега бунча қайғули кўри-насиз?» деб улардан ҳол сўради. Итлар отга маъюс боққанларича ҳасратларини бошладилар:

– Аҳволимиз чатоқ, очлик туфайли ўлар ҳолга келдик. Хўжайинимиз бизга яхши илтифот қилмайди, берган сарқитига қорнимиз тўймайди. Овқат талабида ёнига яқинлашамиз десак, болалари тепиб ҳайдашади. Бундан алам қилиб, тоққа чиқиб кетган эдик. Йўлда ҳаво айниб, селга дуч келдик. Мана, титраб-қақшаб, аввалгидан ҳам баттар ҳолда жойимизга қайтдик. Бахтсиз эканмиз, энди зорланишдан бўлак иложимиз қолмади.

От уларнинг сўзларини тинглагач, деди:

– Эй, дўстларим! Иззат ва саодатни фақат бахт-толедан кутиб, ишламасдан ялқовланиб ётиш аҳмоқликдир. Сизлар кунда бир эринибгина ҳуриб қўйиш билан чекланмай, менга ўхшаб ишлаганингизда эди, хўжайинимиз мени яхши тўйдиргани каби сизларни ҳам сийлаган бўларди. Ҳеч ишламай, ялқов бўлиб ётиш ва ўтган-кетганга акиллашнинг фойдаси йўқ. Дунё иши – меҳнат уйидир.

Масаллар ва ривоятларда бекорга жониворлар ҳаётига мурожаат қилинмайди. Қаранг, уй ҳайвонларини одамлар боқадилар. Жониворлар инсон марҳаматига муҳтожлар, чунки улар офилхонада ёки катакда бандилар. Далага чиқарилсалар, барчалари ўз емишларини топиб еяверадиладар. Лекин юқорида тилга олганим «боқиманда»лар-чи?

Ҳайвонот боғида туғилиб, улғайган йўлбарс ўрмонга қўйиб юборилса, ов қилолмай оч қолиб, ўлиши мумкин экан. «Боқиманда»лар шундай аҳволга тушмасмикинлар? Тушадилар! Бунақаларни ҳаётда учратиб турибмиз. Улар баён қилинган ривоятларда оталарининг мулкани совурган нодонлар каби кун кечирадиладар. Ҳаётлари нолиш билан ўтади. Баъзилар ўзларини ўзлари имтиҳон қилиб: «Мен ҳеч нима қила олмайман, қўлимдан ҳеч нима келмайди», деган фикрда

ўзларига ишонмаган ҳолда юрадилар. Бу хато тушунчадир. Одам шундай яралганки, у бекор туролмайди. Одамнинг онги бекорчиликни қабул қила олмайди, туғён кўтаради. Одам айна бекорчиликдан ҳалок бўлади. «Ҳалок бўлишни» ҳам рамзий, ҳам айна маънода тушунавериш керак.

Ялқовларни «онадан шундай туғилган», деб айбласак инсофдан бўлмас. Бу туғма касаллик эмас, уни келтириб чиқарадиган турли омиллар бор. Шуларнинг энг асосийси – кишидаги ироданинг сустлиги. Ялқовликдан қутулмоқчи бўлган одам, аввало, иродасига ҳукм ўтказа оладиган бўлиши керак. «Мен керакли ишни қила оламан, менинг ишимни кутяптилар, мен фойда келтиряпман!» деб ўзини ўзи ишонтириши шарт. «Файрати бор одамни эр дегил, файрати йўқни қаро ер дегил». «Қаро ер» – дунёда хор бўлиш демак. Хор бўлмаслик учун ялқовликдан файрат сари ўтиш зарурлигини ҳар бир ёш йигит ва қиз тушуниб олишлари лозим.

Меҳнатни севмайдиган одам ҳар бузуқликни қилишга тайёрдир. Меҳнатнинг кишига бахт-саодат келтиришига ҳеч ким шубҳа қилмайди. Ялқовлик, бекорчиликнинг эса фалокат гирдобига ташлашини ҳамма ҳам ўйлаб кўравермайди. Шундайларга бу ривоят ибрат бўлар, деган умиддаман.

Яна бир ривоят. Балиқчи тутган балиқларини уйига олиб келар экан, бир золим йўлтўсар овини тортиб олди, балиқчининг инсоф ҳақидаги илтижоларига қулоқ солмай, уни дўппослади. Ночор қолган балиқчи Худога зорланди: «Эй, Раббим! Мени заиф, у ноинсофни эса кучли қилиб яратибсан, қара, у менга зулм қилди. Махлуқотингдан бирини энди унга рўпара қил, токи бутун олам ундан ибрат олсин. Эй, Раббим, Ўзингга сиғинаман ва Ўзингдан нажот кутаман, Сен ҳар нарсага қодирсан!»

Текинтомоқ йўлтўсар балиқларни пишириб еяётган пайтда томоғига қилтанок тикилди. Нафас ололмай қолди. Табибларга югуриб, даво топмади. Доно табиблардан бири уни тавба қилишга даъват этди. Золим Аллоҳ Таолога ёлбориб, қилган гуноҳларига тавба қилди. Кечаси тушида: «Балиқчининг ҳақини берасан, кейин хасталикдан қутуласан», деган нидони эшитди. Уйғонди-ю, балиқчини қидириб топди. Ҳақини берди, узр сўради. Ана шундан сўнг шифо топди.

Меҳнатсиз нон тишлайдиган одам бу ривоятни унутмаса яхши бўларди. Бугун бўлмаса эртага, эртага бўлмаса кунлар ёки ойлар ўтиб текинтомоқлиги учун жавоб беришига тўғри келиб қолади. Жазо муддати келишини кутмай, яхшилик томон ўзгаргани аълороқ эмасми? Саъй-ҳаракат инсонга шод-хуррамлик инъом

этади. Ялқовлик, ишёқмаслик эса маъюслик, умидсизликка туширади, жондан бездиради ва бир қанча кулфату машаққатларга гирифтор қилади. Шу сабабларга кўра, донолар ёшларга хитобан дедиларки: «Ғайрат ва матонат билан ишланг, меҳнатни севинг, саъй-ҳаракатни қўлдан берманг, ялқовлик, бекорчилик иллатидан ҳазар қилинг. Вужудингизнинг ҳузур-ҳаловатини меҳнат таъмин қилади». Асрлардан бери янграб келаётган бу хитобга қўшимча қилиш шартмикин?

Пайғамбаримиз алайҳиссалом: «Оламда энг ёмон нарса – бекорчиликдир», деганлар. Халқимизда «Бекорчидан Худо безор», «Бекор ўтиргунча бекор ишла», деган ҳикматлар ҳам бор. Ҳаракат қилмаган киши танбал бўлиб қолишини айтдим. Танбал киши эса бекорчи гаплар билан машғул бўлади. Чунки бекор юриш – иллатларнинг онаси, ғурбатларнинг маконидир. Бекорчи гаплардан эса турли миш-мишлар, ифволар туғилади. Миш-мишлар тарқалган жойда эса дўст – душманга, душман эса думи босиб олинган илонга айланади. Донолар дедиларки: «Эркакнинг бекорчилиги – гафлат, аёлнинг бекорчилиги – шаҳват».

Азиз умидимиз юлдузлари, сиз бу ҳикматларнинг мағзини чаққунингизча, мен катталар, айниқса, қайноналар қулоғига бир гапни секин айтиб қўяй:

Ардоқли қайнонажонлар, ҳаётда кўриб турибсиз, келинларнинг бири серғайрат бўлса, иккинчиси имиллаб ҳаракат қилади. Балки ғайратлисининг иши чалароқдир, имиллагани эса ишни пухта қилиши мумкин. Сизга униси ҳам, буниси ҳам ёқмайди, тўғрими? Лекин иккови ҳам касаллик эмас. Секин ҳаракат қиладиган келинни ялқовликда айблаб, турткилайверсангиз, ўчакишиб, ростданам дангасаликни касб қилиб олади. Шунинг учун ҳар икки ҳолда ҳам уларни ширин сўзларингиз билан йўлга солинг. Тез ҳаракат қиладиган келинни батартиб ишлашга ўргатиш осонроқ. Лекин имиллайдиганини тезлатишингиз қийинроқ бўлади. Демак, бу борада сиздан сабр талаб қилинади.

Баъзи хонадонлар икки ёки уч-тўрт келин тушириш бахтига муяссар бўлганлар. Келинлар ўзаро иттифоқликда яшаётган бўлсалар, бу қайнонанинг хизмати ва шу хайрли хизмати эвазига эришган саодати. Айрим қайноналар атайин эмас, ўзлари билмаган ҳолда келинлар орасидаги яхши муносабатни бузиб қўядилар. Бир келиннинг хизматини иккинчисига таққослаб: «Фалончи овсинингизга ўхшаб чаққон-чаққон ҳаракат қилсангиз бўлмайдими?» деб қўядилар. Бунақа гапни кўпчилик орасида ҳам

айтиб юборадилар. Фақат келинлар эмас, куёвлар ҳам бир-бирига таққосланса, камситилган томоннинг кўнгли оғрийди. «Хизматни чаққон келин қилаверсин», деб ўчакиша бошлайди. Келиннинг хизматига баҳо беришда, чаққонликка ўргатишда бировдан ўрнак олишга даъват этмай, «Жон қизим, дард кўрманг, онангиз барака топсинлар, ҳамма ишларингиз ажойиб, фақат тезроқ бажарсангиз, ўзингизга ҳам яхши...» деганга ўхшаш ширин гаплар билан тарбия қилсангиз, муддаога етишингиз шубҳасиз. Келинга хонадондаги барчанинг бири олиб, бири қўйиб иш ўргатавериши ҳам яхши эмас. Ақл ўргатувчиси кўп бўлган ишдан фойда чиқмайди.

Умидимиз юлдузлари, дангасалик иллатидан қутулишга даъват қилганим ҳолда яна бир масалага диққатингизни тортсам: ҳар қандай иш ўз вақтида ва ўз ўрнида қилиниши керак. Қишда тулука том бўялмайди, шундай эмасми? Фунча баҳорнинг илиқ нафасига алданиб бемаврид кулгани учун совуқ эл уни поралаб кетгани каби беҳуда ва бемаврид бошланган иш оқибати яхши бўлмайди. Ҳеч бир иш ғайрат ва шижоатсиз бўлмайди, аммо жойида ишлатилмаган ғайрат ва жасоратдан маъно йўқ. «Ақл ва тажрибаси ҳали етарли даражада ўсмаган ва жисмоний қуввати кам бўлган одам бир ишга киришиб, ҳаддидан ошса, натижада паришон ҳолга тушади», деган эдилар мавлоно Румий.

Ялқовлик иллатининг муқобилида «ғайрат» ва «шижоат» деб аталувчи гўзал фазилатлар бор. Бу фазилатнинг ярми назокатдан, ярми садоқатдан иборат, дейилса ҳам бўлади.

Шижоат хавфли вазиятларда кишини тўғри йўл ва асл мақсаддан чекинишга йўл қўймайдиган куч бўлиб, олти хислатни ўзига жамлайди:

1. «Кибр-и нафс». Яъни, руҳий улғуворлик бўлиб, бу хислат туфайли киши улғу ишларни амалга ошираётганда роҳат ёки машаққатларга парво қилмайди. Масалан, урушда икки йўл мавжуд: бири – қаҳрамонлик йўли, бунда жон хатари мавжуд; иккинчиси – хиёнат йўли, бунда жон ҳаловати бор. Руҳан заиф киши жон ҳузур-ҳаловатини танлайди. Аммо бу нарса вақтинчалиқдир ва бу йўлнинг охир-оқибати хорлиқдир. Тарихда бунга мисол кўп.

2. «Улувв-и ҳиммат» – кишининг инсонга хос камолот йўлида гов бўладиган ҳар қандай қийинчиликка эътибор бермай эзгуликка интилишидир («улув» – энг олий). Бунга илм олишда лозим бўлган шижоатни мисол қилиб олишимиз мумкин. Маълумки, шижоатсиз киши илм ололмайди.

3. «Ҳилм» – ҳар қанча ғазаб қўзғайдиган иш содир бўлганда ҳам ўзини босиб, мулойимлик кўрсатишдан иборат.

4. «Тавозуъ» – ўзгаларга, айниқса мартаба ва фазилатда ўзидан қуйи бўлганларга нисбатан ўзини улуғ ҳисобламасликдир.

5. «Ҳамият» – ўз халқининг ва ўзга элларнинг урфу одатларини ҳурмат қилиш, жамиятнинг қонун-қоидаларига риоя қилиш, оиласининг, дўстларининг шарафини сақлашдан иборат (яъни, ор-номус сақлаш ва уни ҳимоя қилиш).

6. «Риққат» – луғавий маъноси – нозиклик. Кишининг ўз жинсига, яъни жони бор ҳамма нарсага раҳмдил ва шафқатли бўлиши, ўзгаларнинг дарду аламларини, қийин аҳволини ҳисобга олиб, шунга яраша, лекин изтиробга тушмасдан амал қилишидир.

Йўқчилик ғайратли, шижоатли, ишчан одамнинг эшигидан мўралайди-ю, ичкарига кира олмайди. Киши бир ишга киришган чоғда оғирликлар юз берса, мақсади манзилига етишмоқ йўлида меҳнат ва машаққатлар чекса ноумидлик кўчасига қадам қўйишдан ўзини тийишга куч топа олиши керак. Бунинг учун талаб этиладиган шижоат ва матонатга эга бўлсагина оёғини тўғри ва қаттиқ қўйиш билан бу мушкул йўлни босиб ўта олади.

Англадикки, шижоат ва матонат инсонга ҳар ишда муваффақият бахш этади. Шижоат – ботирлик, мардлик билан ишга киришиш, матонат эса бардошлилик, мустаҳкам ва қатъий иродали, деган сўздир. Бу хислатларга эга бўлган киши бахту саодатга эришади. Имом Ғаззолий ҳазратлари бундай ёзганлар: «Шижоат билан хулқланган инсон олиҳиммат, мард, жасур, довюрак, мулоҳазали, нафси синиқ, сабр-тоқатли, ҳалим, босиқ, салобатли, мулойим бўлади. Аммо шижоатнинг ҳаддан ошиши ўзни тута билмаслик, ўйламасдан иш қилиш каби оқибатларга олиб келади. Натижада киши бир нафасда мақтанчоқ, димоғдор, ғазабнок, такаббур, иззатталаб, шуҳратпарастга айланиб қолади. Шижоат меъеридан кам бўлса, унинг ўрнини хорлик ва хўрлик, доимий безовталиқ, қўрқоқлик, ҳақни бой бериш, майдалашиш эгаллайди».

Меҳнатдан қочиш хору зорлик билан натижаланар экан, муроду мақсад хазиналари меҳнат кўприги устидадир. Кишини ҳаётдаги мушкулликлардан фақат тадбир ва меҳнат қутқаради.

Ривоят. Бир деҳқон ўлими олдидан болаларини йиғиб деди:

– Болаларим! Бу дунё фонийдир, ҳар бир тирик жон ўлади. Мен ҳам ўляпман. Сизга васиятим шуки, даламизга бир хазина кўмиб қўйганман, вафотимдан сўнг уни қидириб топинглар. Далани ҳеч қачон сотманглар.

Фарзандлар оталари жанозасини ўтказишгач, далага отландилар. Хазинани қидириб, далани кавлаб чиқдилар. Лекин ҳеч нарса топмадилар. Жуда маъюсландилар. Кейин далани текислаб,

буғдой уруғи сепдилар. Ер мўл ҳосил берди. Болалар буғдойни со-тишиб, олтинларни ўзаро бўлишдилар. Шундагина оталарининг васиятларидаги хазина ҳақидаги гапнинг маъносини англадилар. «Хазина кўмиб қўйдим» деган гапи замирига – далага яхшилаб ишлов берсангиз, барака топасиз, хазинага меҳнат орқали эри-шилади, деган ҳикмат яширинган экан. Худди донишманд шоир Фирдавсий айтганларидай:

*Меҳнат тагидадир, эй оқил, ҳар ганж,
Ганж топмас ҳеч кимса тортмас эрса ранж.*

Бу ҳикоят ҳар бир киши учун бир сабоқдир. Дунёда пешона тери билан ишлаб топилган нондай қадрли хазина йўқ. Меҳнат билан топилган луқма энг тотли луқмадир. Шундай экан, ҳар одамнинг ўзи бир хазина. Унинг меҳнат қилиб топган нони эса энг ширин, энг тотли луқмасидир. Дангаса бажараётган ишидан меҳнатсевар деҳқончалик роҳат топа олмайди, мамнун ҳам бўла олмайди. Зеро, ишчи ишлаб иштаҳаси очилади, луқмаси ҳам ширин бўлади. Та-бобат ходимлари берган маълумотларга кўра, ишчи ва деҳқонлар жамиятнинг жисмонан энг соғлом одамлари экан.

Ҳа, меҳнатга ўрганган одам саодатга эришади. Чунки меҳнат билан банд одамнинг ёмонлик қилишга вақти қолмайди. Меҳнатни севиш, ғайрат ва матонат билан ишлашнинг учта ширин меваси бор: тан саломатлиги, кўнгил роҳати, ақл ва зеҳннинг ортиши. Меҳнат инсонни уч балодан асрайди: юрак сиқилишидан, ахлоқий бузуқликдан, муҳтожликдан. Меҳнат меҳмон бўлмаган ер ҳеч қа-чон бахт-саодат ўрни бўла олмайди. Инсон меҳнатдан тўхтаса, камолотдан ҳам тўхтайдди. Чунки камолот саройининг пойдевори ҳам, девори ҳам меҳнатдир. Меҳнат ҳосили билан яшаган инсон ўз эркига ҳоким, юлғичлик билан бойлик тўплаган хасис эса ўз иқболига золим. Ҳикмат аҳли айтганидек, вужудимиз – ерники, шарафли ишларимиз – элники! «Инсоннинг тилак ва хоҳишлари меҳнат туфайлигина амалга оширилиши мумкин, – деб ёзганлар Беруний ҳазратлари. – Шон-шавкатга, мартабага меҳнатсиз эриш-ган киши ҳурматга лойиқми? Юқори мартабага меҳнатсиз эриш-ган киши маълум бир муддат ичида роҳат ва фароғатда яшайди, яхши кийинади. Аммо у улуғлик либосидан маҳрум, яланғоч ким-садир». Яхши номни меҳнат билан орттириш керак, яхши ном чиройли сўзлар учун, ваъдалар учун берилмайди. Балки меҳнат натижаси учун, меҳнатга астойдил қўйилган меҳр учун берилади.

Бир нарсага диққат қилиш керак: ҳаром луқма топаётган ҳам меҳнат қилади. Лекин унинг меҳнати жамиятга наф бермагани,

аксинча, бошқа бировларга зарар келтиргани учун савобдан маҳрумдир. Буни хайрли меҳнат доирасига киритиш ножоиздир. Асалари, қовоқари ҳам, итпашша ҳам меҳнат қилади. Лекин бу меҳнатларнинг натижаси қандай?

Қуввати ва тоқати етмаган ишга киришиб, ўзига заҳмат ва машаққатни юклаш ҳам тўғри эмас. Ўзига ва халққа манфаати тегмайдиган ишлар билан машғул бўлиб, умрни зое кетказишдан сақланиш керак. Ҳар бир ишга самимий дўстларнинг иттифоқи ва маслаҳатлари билан киришилгани маъқул. Киши кучи етадиган ишга майл қилмай, номуносиб ишга қадам қўйса, оқибатда уддасидан чиқа олмай, пушаймон ейди.

*Кимки енгиллик қилиб гар чекса тиз,
Тишлагай бармогин, айтгай: «Во, дариг!»*

Эътиқодли кишилар яхши-ёмон, осон-қийин, пулик-пулсиз ишларда ҳам бирдай ўз ишларини севиб-севиб бажарадилар ва истиқомат қилаётган жойлари-ю, ишларидан мамнун бўлаверадилар. Ҳатто иссиқ-совуқ муҳит, тоғ-адир бўлсин, турган жойларига рози бўлиб, қилаётган ишларида саботли бўладилар.

Биздаги «меҳнат» атамасини туркманлар «заҳмат» дейдилар. Бизда «заҳмат» «қийинчилик, машаққат» маъносида қўлланилади. «Меҳнат – заҳмат» деганимизда, тил қоидасига кўра, маънодош сўз – такрор отлар назарда тутилмайди. Балки меҳнат қилиш жараёнида дуч келинадиган қийинчиликлар назарда тутилади. Дунёда осон иш йўқ. «Осон» ёки «қийин» дейишимиз нисбий тушунча. Шаҳар шароитида улғайган келин учун тонгда туриб кафтдек ҳовлини супуриб қўйиш дунёдаги энг машаққатли иш бўлиб кўриниши мумкин. Лекин қуёшдан олдинроқ уйғониб сигир соған, самоворга ўт қалаган, қайнота-қайнонасининг таҳоратига илиқ сув тайёрлаб берган, тандирни қизитиб, нонуштага нон ёпган, кейин далага чиқиб, қуёш ботгунига қадар тинмаган, уйга қайтиб овқат пиширган, кир ювган жувон учун ҳовли супуриш арзимаган иш экани табиий. Кўп қаватли уйларда яшаб, жисмоний меҳнатга кўникмаган эрка қизларимиз каттароқ ҳовлига келин бўлиб тушишса, қийналадилар ва нолий бошлайдилар. Шундай эркатойларга айтадиганим: нолишдан фойда йўқ. Астойдил ишлашни ўрганишга киришинг. Бу масалада ўғил эркатойларнинг аҳволи ночорроқ бўлади. Йигит киши чиниққан, ғайратли бўлиши керак. Ғайратсиз, заиф йигитлар ҳаёт йўлининг ҳар қадамида қоқилаверадилар. Салгина қийинчиликка дуч келсалар қизлардан баттар йиғлаш ҳолига тушадилар. Бу – уят, шундай эмасми?

Фарзанд тарбияси ҳақида сўз кетганда кўпчилик бу борада асосий эътиборни меҳнатга қаратиш тарафдори. Менинча, энг маъқул йўл шудир. Меҳнат барча замонларда ва барча жамиятларда буюк ҳуқуқ, буюк зарурат ҳисобланган. Маданият юксаклиги меҳнатга бўлган муҳаббатга боғланади. Ўзгачароқ таъбир билан айтсам, маданият қанчалик юксак бўлса, меҳнат шунчалар юксак қадрланади. Чунки меҳнат ҳамиша инсон ҳаёти ва маданиятининг асосини ташкил этган. Донишманд айтмоқчи, агар ҳаёт кемаси меҳнат лангарига суянмаса, ҳамма шамоллари довулларга дош беролмайди.

Бундай таърифларни кўпчилик билади. Аммо бу ҳақиқатларни болалар онгига қандай сингдириш керак? Шиорлар биланми ё аниқ ҳаракатлар биланми?

Диққат қилайлик, дунёда тирик жон борки, ҳаммаси ҳаракатда, ҳаммаси меҳнат билан банд. Лекин инсон билан бошқа тирик жонлар меҳнати орасида «**ОНГ**», «**ВИЖДОН**», «**ҲАЛОЛЛИК**» деган тушунчалар бор. Шундай экан, биз инсонга хос тушунчалар асосидаги меҳнатни, фақат ўзига эмас, жамиятга ҳам наф келтирадиган меҳнатни назарда тутишимиз керак.

Ҳиндларнинг оламари машҳур адиби Рабиндранат Тҳакур меҳнатни маданиятнинг бир кўриниши ҳисоблайди. У 1935 йили ёзган эди: *«Бир куни талабалар билан сайр-ҳаво қилиб юрганимизда, йўлда бир жуфт ҳўкиз қўшилган аравага дуч келдик; арава лойга тикилиб қолган экан. Мен билан бирга кетаётган талабалар ёрдамлашиб, аравани қуруқ жойга чиқариб қўйишди. Шантиникетонга келган қандайдир бир киши юк кўтаришга хизматкор топа олмаган экан. Талабаларимиздан бири ўйлаб ўтирмасдан, унинг юкни елкасига олиб, айтган жойига элтиб берди. Талабалар шундай тарбия олган эдиларки, бирор жойдан келган одамга ёрдам кўрсатиш ва уларнинг хизматида бўлишни ўз вазифалари деб билардилар. Яқинда улар Шантиникетон йўлини қуришда ишладилар, ҳамма ўнқир-чўнқирларни тўлдириб текисладилар. Бу ишларнинг ҳаммасини улар ўзларидаги **ички рағбат** таъсири остида бажардилар. Улар китобга ҳам, адабиётга ҳам қарамасдан, **ҳақиқий маданият нимани талаб қилса**, шуни идрок қилиб олдилар. Бир вақтлар мен бу талабаларнинг барчасини, номларини ҳам яхши билардим. Орадан кўп йиллар ўтди, улар ҳар томонга тарқаб кетишди. Умид қиламанки, улар ҳали ҳам бошқа кишиларга шундай меҳр-муҳаббат билан қараётгандир, **ҳасад деган нарсани ва бошқаларнинг ютуғига кўз олайтиришни билмаслар** ва ҳаммиша заифларга ёрдам қўлини чўзарлар. Олижаноб кишининг қандай бўлишини билишларига ва*

олижаноб кишилар қандай бўлса, улар ҳам шундай иш тутушларига ишончим комил».

Адибнинг мақоласидаги «ички рағбат» ва «ҳақиқий маданият нимани талаб қилса», «ҳасад деган нарсани ва бошқаларнинг ютуғига кўз олайтиришни билмаслар» деган сўзларга алоҳида эътибор беришингизни истардим.

Ҳалол меҳнатга муҳаббати бўлмаган одам тўғри йўлни йўқотиб қўяди. Оқибатда барчаси ҳалокат жарига борувчи турли сўқмоқларга дуч келади: бири ҳамиша норозилик ҳиссига тўла бўлади ва шу ҳис билан яшайди. Бири зерикиш, қоникмаслик ботқоғи, яна бири ўз-ўзини аста-секинлик билан маҳв этишдан иборат бўлади. Бу йўллардаги боланинг онги, нафси молниқидан фарқланмай қолади. Агар «Ҳалол ва онгли меҳнат – ҳаёт асоси», деган шиордан келиб чиқсак, бошқа йўлларни танлаган ўсмир тириклайин ўлиб бораверади.

Ҳалол меҳнатнинг афзаллигини фарзанд онгига сингдиришда атроф-муҳитнинг салбий таъсирини ҳисобга олмасак бўлмас. Жамият «бой» ва «камбағал» деган тоифаларга бўлинган паллада боланинг дунёни англаши анча мураккаб кечади. Боланинг оиласи ҳалол меҳнат билан кун кўради. Ота-онаси ҳамиша иш билан банд. Шубҳасизки, фарзандининг ҳузурида баъзи-баъзида бўлса-да, нолиб қўйишади. Уларнинг қўшниси эса бадавлат. Ҳамиша иш билан эмас, маишат билан банд. Бола бу фарқни кўзи билан кўриб турибди. Унда «яхши яшаш учун ҳалол меҳнат қилиш шарт эмас», деган тушунча шаклланиб бораверади. Ҳалол меҳнат билан кун кўрувчи ота-онаси унинг кундан-кун ортиб бораётган талабларини қондира олмайди. Ҳалолликдан нарида юрувчи ота-она эса фарзандини ошириб-тошириб таъминлаб қўйган. Ана энди боладан сўраб кўрайлик-чи, қай бири афзал экан.

Бу ўринда бадавлат оиланинг фарзанди онгидаги тушунчани ҳам назардан соқит қилмаслик керак. У ҳам ҳалол меҳнат ҳақида кўп эшитади. Қўшниси мисолида бу ҳалол меҳнат туфайли қандай яшаш мумкинлигини кўради. Шу ўринда амалдаги кўриниш билан назария тўқнашади ва амалдаги кўриниш болалар онгига ҳукмронлик қилиб олади. Виждон, ҳалоллик – олий даражадаги фазилат экани ҳақидаги гапларни улар ҳазм қила олмайдилар. Шайх Саъдийнинг:

*«Есам арпа нонини меҳнат билан,
Шириндир бировларнинг оқ нонидан» –*

байтларини бу тоифа болаларга сингдириш осон кечмайди. Хаёлан бир тажриба қилиб кўрайлик: бир неча тенгдошларингизнинг рўпарасига иккита нон қўяйлик-да, биттасига оғирроқ меҳнат билан етишасиз, иккинчиси учун меҳнат шарт эмас, денг-чи, қанчаси меҳнат билан олинувчи нонни танлар экан?

Меҳнат тарбиясини боланинг суяги қотгач бошлаш керак, дегувчилар янглишадилар. Бола эмаклаганда ёки хонтахтани ушлаб юра бошлаганида билибми-билмайми, бу тарбия бошлаб юборилади. «Пиёлани олиб бер», «Қошиқни узатиб юбор», дейиш меҳнат тарбиясининг дебочасидир. Шу ўринда гўдакнинг ҳаракатини кузатайлик: у ҳали «меҳнат – ички эҳтиёж самараси», деган тушунчадан йироқ. Лекин сиз айтган пиёлани узатиб юборгач, уни мақтаб, эркалаб қўйсангиз, у шодланади ва иккинчи, учинчи пиёлани ҳам узата бошлайди.

Демак, меҳнат учун рағбатлантириш лозим экан. Ўша гўдак буйруқни бажармади – пиёлани узатмади, шунда ота ёки она уни меҳнатга ўргатиш учун зўрлай бошлайди. Пиёлани мажбурлаб ушлатади, узатишга ҳам зўрлайди. Йўқ, азизлар, буни меҳнат тарбияси доирасига киритишимиз қийин. Меҳнатга зўрлаш болада меҳнатга нисбатан нафрат уйғотиб қўйиши мумкин.

Меҳнат тарбияси шаҳарга нисбатан қишлоқда осонроқ ҳал этилади, деб ўйлайман. Айнан қишлоқда меҳнатга мажбурлаш усули кучлироқ. Бола истаса-истамаса отаси ёки онаси қанотида меҳнат қилишга мажбур. Айрим болаларда меҳнат мажбурияти мавжуд, меҳнатга севги эса заиф бўлади. Шундайлар шаҳар шароити билан танишгач, қишлоққа қайтишни истамай қолади. Россиядаги қишлоқларнинг бўшаб қолишини айнан шу билан изоҳлаш мумкин. Тўғри, бизда у даражада эмас, аммо шундай ҳоллар мавжудлигини инкор этмаслигимиз ҳам керак.

Ўзингизга маълум, шаҳарда, айниқса, кўп қаватли уйларда яшовчиларни меҳнатга жалб этиш анча қийин. Бу уйларда яшовчи тенгдошларингизнинг асосий иши, аввалроқ айтганимдай, кунда бир марта нон дўконига бориб келиш, ҳафтада бир марта икки челақ ахлатни олиб чиқиб тўкиш. Бу иш ҳам зўр машаққат билан бажарилади. Катта ака ўртанчага буюради, ўртанча эса кичигига. Униси «Ҳадеб мен қилавераманми...» деб нолийди, оқибатда ғавгодан безиган ота ёки она бу ишни ўзи бажариб қўя қолади.

Бу уйларда яшовчи болаларни атрофни тозалаш учун ҳашарга жалб этиш ҳам қийин. Ота-онаси зўрлаб чиқарса ҳам қўл учида ишлайди. Ҳовлини тозалашни ўзлари учун паст иш деб биладилар. Шунинг учун ҳам кўпгина уйларнинг атрофи ахлатхонани эслатади. Кўчани супуриб қўйишнинг улуг савоб эканини вақтида

фарзанди онгига сингдирмаган ота-она энди боласининг ишёқ-маслигидан нолимаса ҳам бўлади. Агар бола 16–18 ёшигача ҳалол меҳнатга ўргатилмас экан, демак, унда «интизом» деган фазилат шаклланмайди. Бу фарзанд иродасиз, танбал, ҳавои бўлиб қолади. Ҳаётга қизиқиши ҳам заиф бўлади. Айнан шу тоифа болалар ароқхўр ва гиёҳвандлар чангалига осон тушадилар.

Айрим ота-оналар фарзандларини биронта ҳунар эгасига шогирдликка берадилар. Тўғри, жамиятда болаларни офир меҳнатга жалб этиш мумкин эмас. Корхоналар бу талабга амал қилишни баъзан меъёридан ошириб юборишади. Ўсмир бажарадиган юмуш мавжудлигига қарамай, уларни яқинлаштиришмайди. Ҳунарманд усталар эса аксинча. Сувоқчими, кулолми, дурадгорми – болаларни ёнларига оладилар. Болаликдан устанинг ёнида юрганларнинг ҳам кўзи пишади, ҳам қўли ўрганади. Оқибатда улар моҳир уста бўлиб етишадилар. Энг муҳими – бекорчиликдан санғимайдилар. Меҳнатсеварликнинг хайрли экани ҳақида юзта насиҳатдан кўра шу усул дуруст эмасмикин?

Тўғри, усталар ҳам ҳар хил бўлади. Ҳаммаси ҳам бегона болага ҳунарини очиқ кўнгил ва қунт билан ўргатавермайди. Устанинг қанотига кирган ўсмирларнинг барчаси ҳам тўғри ва ҳалол йўлга киравермайди. Юқорида зикр этилган алдов ёки айёрлик билан ҳунардан бўйин товлашга интиладилар. Бу ўринда яна ота-она ва устанинг биргаликдаги тўғри муносабати муҳим. Афсуски, инсофли усталар кўп эмас, бекорчи болаларнинг барчасини қанотларига олавермайдилар.

Халқ маорифи тизимида «Қўшимча таълим марказ»лари мавжуд. Бу марказларда турли ҳунарлар ўргатилади. Санъатга жалб этилади. Нақш, ганчкорлик, ўймакорлик, дурадгорлик, чеварлик, тўқувчилик каби тўғарақларда болалар деярли тўла бўлади. Санъат турларига қизиқиш ҳам кучли. Лекин бу марказларга яқин атрофдаги мактаб ўқувчиларигина қатнайдилар. Узоқроқдаги мактабларнинг ўқувчиларини ота-оналари юборишмайди. Бориб-келишидан хавотирланишади. Ундан ташқари мазкур тўғарақларга асосан ўн уч – ўн тўрт ёшгача бўлган болалар қатнайдилар. Ўсмир ёшидагилар учун эса шуғулланадиган юмуш яна йўқ. Демак, ўсмирларнинг бўш вақтлари тўлалигича ўзларига топширилган, деб ўйласак ҳам бўлар. Бўйсунмаслар тарбиясининг энг нозик, айни дамда хатарли нуқтаси ҳам шу ерда. Бўш вақтига ўзи хўжаинлик қилувчи болалар кўп ҳолларда кўча ёки маҳалла зўравонлари таъсирига тушадилар ва бунинг оқибати нима бўлиши барчага маълум.

Ривоят. Бир темирчи тиним билмасдан кеча-ю кундуз ишлар эди. У баҳорнинг нафис гулларига бурканган водийларни, шаршараларни кўрмас эди. Бир куни дўсти келиб, баҳор гўзалликларини таъриф қила кетди. Шунда темирчи унга деди:

– Дўстим, гарчи бу дунёда жаннатдай гўзал жойлар кўп бўлса-да, лекин ишимни чала қўйиб кетсам, ўша жаннатмакон жойлар гўзаллиги менга татимайди.

Бу ҳикоятни ёшлар қулоққа қўйиб олсалар арзийди. Чунки ишлаш саодатдир. Инсон қанча ишласа, бу булоқдан шунча ичиб, шифо топаверади. Ҳикмат аҳлининг: «Пул йўқ, деб қайғурма, иш йўқ, деб қайғур», дейишлари бежиз эмас. Иш пайтида сайр қилмоқ эса ўзини ва жамиятни фалокатга тортиш демакдир. Иш вақти ва сайр вақтини белгилаб олган киши ҳаёт лаззатини тотади.

Дунёнинг тамали меҳнат асосига қурилган. Буни беҳуда деб билганлар залолатга, бу йўлдан юрганлар эса саодатга юз бурадилар. Меҳнат ҳаёт чироғига мой қуяди, тафаккур эса уни ёритади. Бу ҳикматни сиз азиз ёшларимиз унутмасангиз, ишларингиз ўнгидан келаверади: «Ишла болам, қарилик сендан «ёшлигинг қаерда эди?» деб сўрайди.

*Ўзингни меҳнат куни овутинг,
Не гам келса даврондин, осон тутинг.*

Ҳазрат Навоийнинг бу байтларига осетин халқининг «Кўп ишловчи кўп яшайди», деган мақолини илова қиламан. Мақол оддий гапга ўхшайди, а? Яъни, кўп ишловчи жисмонан бақувват бўлади, ҳар турли хасталик уни осонлик билан енга олмайди. Мақолга яна бир маъно яширинган: кўп ишловчи одам ўзидан кўп яхшиликлар мерос қолдиради ва унинг номи ўлимидан кейин ҳам яшаб қолади. «Бу кашфиётни фалончи олим қилган», «Бу кўприкни фалончи уста қурган», «Бу безакни фалончи заргар ясаган», «Бу бўз ерларни фалончи деҳқон обод қилган» каби. Оғир меҳнатнинг ширин мевалари мана шулар бўлади.

Ҳаётдан ҳамма лаззат топишни истайди. Лекин барча ҳам унга эриша олмайди. Нега? Ҳар қандай меҳнат ҳам ширин мева беравермайди. Нега? Русларда «Телба ақл оёққа дам бермайди», деган мақол бор. Ҳар бир иш ақл билан бажарилиши керак. Шошма-шошарлик, чалакам-чатгилик яхши натижа бермайди. Шунинг учун доно халқимиз «етти ўлчаб, бир кес», дейди.

Ривоят. Султон Маҳмуднинг қирқ вазири ва бир севимли қули бор эди. Подшоҳ бу қулни қирқ вазиридан кўра устунроқ қўярди.

Барча вазирларига тайин этган маошнинг тенг ярми миқдориди қули Аёзга ҳам ҳақ тўларди. Шу боис барча вазирлар қулни ёмон кўрардилар. Уни султон назаридан қолдиришга уринардилар. Бир куни ўнг қўл вазир:

– Олампаноҳ! Қулингиз Аёзни ҳаммамиздан устун кўришингизнинг боиси нима? – деб сўради.

Ақлли подшоҳ бу саволга сукут билан жавоб берди. «Унинг аъло фазилатини вақти келганда айтаман», деб қўйди ичида.

Кунларнинг бирида султон вазирлари ҳамроҳлигида овга чиқди. Узоқда бир қора нуқта кўринди. Подшоҳ вазирларидан бирига бу нуқтанинг нима эканини аниқлаб келишни буюрди. Вазир отини елдириб ўша жойга бориб келди-да: «Олампаноҳ, кўзингизга кўринган бу нуқта бир карвон экан», – деб ҳисоб берди.

– Бу карвон қаердан келаётган экан? – деб сўради подшоҳ. Вазир буни сўрамаган эди, афсусланиб, бош эгди.

Подшоҳ буни билиб келиш учун иккинчи вазирни жўнатди. Вазир тезлик билан бориб қайтди-да: «Олампаноҳ, бу карвон Ҳиндистондан келаётган экан», деди. Подшоҳ «Ҳиндистоннинг қайси шаҳридан келаётган экан?» деб сўраганда вазир жавоб беролмай уялди. Подшоҳ буни аниқлаш учун учинчи вазирни жўнатди. Вазир карвоннинг Деҳли шаҳридан келаётганини билиб келди, лекин подшоҳнинг «Қаерга кетаётган экан?» деган саволига жавоб бера олмади. Буни аниқлаш учун тўртинчи вазир юборилди. У карвоннинг Ҳамадон шаҳри томон йўл олганини билиб келди-ю карвонда қандай юк борлигини айтиб бера олмади. Шунда бешинчи вазир карвонга бориб дори-дармон ва ипак матолар олиб кетилаётганини аниқлаб қайтди. Подшоҳ: «Карвон Деҳлидан қачон йўлга чиққан экан, бу ерда яна неча кун бўларкан?» деб сўрагач, вазир ер чизиб қолди. Шунда подшоҳнинг жаҳли чиқиб «Аёз қаерда?» деб бақирди. Хизматчилар югуриб бориб Аёзни бошлаб келишди.

– Аёз, ўғлим, отга мингин-да, анави қора нуқта нималигини билиб кел, – деди подшоҳ.

Қул таъзим қилгач, отга минди. Шамол каби учиб бориб келди-да деди:

– Олампаноҳим! У кўрганингиз қора нуқта бир карвондир. Ипак матолар ва дори-дармонларни юклаган бу карвон фалон куни Ҳиндистоннинг Деҳли шаҳридан йўлга чиқиб, Ҳамадонга йўл олибди. Карвон уч кун бу ерда қолар экан. Фалончи сарбоннинг ҳимоясида уч кундан кейин Ҳамадон сари йўлини давом этар экан.

Шу тариқа қирқ вазир қирқ марта бориб билиб келган гапларни Аёзнинг бир ўзи бир марта боришида билиб қайтди. Шунда подшоҳ вазирларига қараб:

– Аёзни нима учун қадрлашимни энди билдиларингми? – деб танбеҳ берди.

Румий ҳазратларининг «Маснавий»ларида баён этилган бу қиссада жуда муҳим ибрат дарси бор. Ҳамма ҳам ишлайди. Лекин диққат билан ишлайдиганлар кам топилади. Инсон диққат қилсагина бирор масаланинг асл моҳиятидан хабардор бўлади. Мана шу қиссада Аёзнинг қирқ вазирдан устунлиги масаланинг руҳи ва моҳиятини тўла англаб олиши туфайлидир. Ҳаётда муваффақиятга эришишнинг энг муҳим сирларидан бири ҳам айнан шунда, яъни топширилган, бажариладиган ишнинг моҳиятини яхши тушуниб етишда. Бирон ишни бошлаб юбориш осон. Аммо ишни охиригача етказиб, натижа ҳосил этиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди.

*Чу деҳқон чекмаса жавру жафосин,
Емишларнинг киши кўрмас вафосин.*

Киши эгаллаган яхши фазилатлари учун ҳаётда оладиган мукофотлари кўп. Масалан, салом берса, ўша заҳоти алик олинади. Айрим яхши хулқлари учун бериладиган мукофотга маълум муддатдан кейин эришади. Лекин меҳнаткашлигининг мукофоти узоқ кутгирмайди.

Ҳар қандай меҳнатнинг зийнати ҳунар эканини барчамиз биламиз. «Ҳунар қўлингдаги тилла узукдан ҳам аъло эканини унутма», деганлар ҳикмат аҳли. Бир ҳаким ўғилларига бундай панд берур эдики: «Эй, жон фарзандларим, ҳунар ўрганинглар, нединки, мулк ва молга эътимод йўқдир. Сийм ва зар хатар маҳалидадир – ё ўғри барчасини бирдин олур ва ё ҳоким оз-оз олиб йўқ этар. Аммо ҳунар чашмайи равон ва давлати бепоёндурки, агар ҳунарманд одам давлатдин тушса, ҳеч ғам ва алами йўқдур. Нединки, ҳунар унинг зотида улўф давлатдир ва ҳар ергаки борса, соҳиби қадр бўлур ва мажлисининг юқорисида ўлтурур ва ҳунарсиз киши гадойлик қилур ва ҳар жойгаки борса, беқадр ва безътибор бўлур. Байт:

*Ота меросини гар истасанг, ўрган ота илмин,
Ки қолган мол отадин саҳл муддатда тамом ўлгай.*

Хорун ар-Рашидга тобе шаҳарлардан бирининг ҳукмдори шундай ҳикоя қилган:

– Отам ҳар вақт мени ҳунар ўрганишга тарғиб қилиб: «Ўғлим, ёшлигингни фанимат билиб, ҳунар ўрган, мансаб ва давлатингга

ишонма, бир кун буларинг қўлдан кетиши мумкин, бироқ ҳунар доимо сен билан бирга бўлади, сени ҳеч бир муҳтожликка туширмайди», деб насиҳат қилардилар. Мен отамнинг насиҳатларини жону дилим билан қабул қилиб, ҳунар ўрганишга бел боғладим. Ҳунарлар орасида гилам тўқиш менга хуш ёқди. Энг моҳир гилам тўқувчига шогирд тушиб, бу ҳунарнинг нозик сир-асрорини пухта эгалладим.

Отамнинг вафотларидан кейин Хорун ар-Рашид шаҳарга мени ҳукмдор қилди. Орадан кўп ўтмай, икки йўлдошим билан Бағдод сари йўлга чиқдик. Бир неча кун сафар ранжини тортиб пойтахтга доҳил бўлдик. Қорнимиз оч эди. Жуда зийнатланган ва озода бир емакхонага кирдик. Емакхона соҳиби бизни кўрган замони дарҳол ёнимизга келиб, ҳол-аҳвол сўрашиб, айтди:

– Сизлар бошқа шаҳардан келган обрўли кишиларга ўхшайсизлар, бозорда овқатланиш сизлар учун айбдир. Шу яқин орада бир озода жойимиз бор, сизларга ўша емакхонада таомланиш ярашади.

Биз унинг таклифини қабул қилдик. Хизматчиси бизни айтилган шинам уйга бошлаб борди-да: «Пича ўтира туринглар, ҳозир таом келтираман», деб эшикни беркитди. У кетиши билан биз ўтирган уй иккига ажралиб, барчамиз ертўлага тушиб кетдик. Ўзимизга келишга улгурмай туриб, уй яна асл ҳолига қайтди. Бир оздан кейин ертўла эшиги очилиб, пичоқ ушлаган икки хизматкор пайдо бўлди. Жонимиздан умидимизни уздик. Бизни йўлдан урган емакхона эгаси одамларни алдаб бу ерга келтираркан-да, сўйиб, гўштини таомга солар экан. Шу топда бошимга бир фикр келиб дедимки:

– Биз моҳир гилам тўқувчилармиз, бизларни ўлдиришдан фойда кам. Бошлигингизга чиқиб айтинг, керакли нарсаларни етказса, ажойиб гиламлар тўқиб беражакмиз.

Таклифим маъқул келиб, эртасигаёқ айтган нарсаларимни муҳайё қилишди. Шерикларим кичикроқ ҳажмдаги гилам тўқишди, мен подшоҳга аталганини тўқишга киришдим. Иш ниҳоясига етгач, хўжайинга дедимки:

– Буни бозорга олиб чиқманг, бу гилам подшоҳ саройини безаши керак. Хорун ар-Рашидга тортиқ қилсангиз, кўп фойда оласиз.

Хўжайинга бу таклиф хуш ёқди. Ўша куниёқ гиламни кўтартириб, саройга равона бўлди. Хорун ар-Рашид гиламни қизиқиш билан кузатиб, бурчагига тикилиб қолибди. Мен бу бурчакка гулларга мослаб, ўз муҳримни тўқиган эдим. Бизнинг Бағдод сари йўлга чиққанимиздан, сўнг изимиз йўқолганидан хабар топиб, нима қилишини билмаётган Хорун ар-Рашид бу муҳрни кўриб, бошимизга мусибат тушганини англабди-ю, емакхона хўжайинини ҳибсга олиб, сўроққа тутибди. Ҳунар шарофатидан ўзимнинг ва йўлдошларимнинг жони омон қолди...

*Бўлса ғариб айрилибон шахридин,
Чекмагуси хорлиг аҳли ҳунар.
Мамлакатидин агар ўлса жудо,
Ёнгуси оч подшоҳи баҳру бор.*

Ҳунар доно билимдан афзал, дейдилар. Яъни, ҳар кимнинг ҳунари бўлмаса, у қуруқ девор билан тенг. «Йигит кишига етмиш ҳунар оз», дейдилар. Бу мақол олимга ҳам, авомга ҳам тааллуқли. Биламизки, яхши олимларимиз орасида рўзғорга зарур ҳунарлардан ҳам беҳабарлари бор. Айтайлик, битта миҳни эплаб қоқа олмайдиганлар ҳам бор, десам балки ишонмасиз. Балки «Олим одамга шу ҳунар шартми?» дерсиз. Бизнингча, ҳар бир одам касби ва илми даражасидан қатъи назар, айрим ҳунарларни ўрганиб олгани дуруст. Ота-оналар ҳам «болам ўқияпти», деб уни жисмоний меҳнатдан, хусусан, ҳунар эгаллашдан четламаганлари яхши.

Арасту ҳаким ёшлари етмишга борганда чолғу чалишни ўрганибдилар. Шогирдлари: «Оппоқ сочингиз билан чолғу машқ қилгани уялмайсизми?» дейишса, жавоб қилибдиларки:

– Даврада ўтирган одамлар бу ҳунарни билганлари ҳолда, мен кўзимни мўлтиллашиб ўтирсам, ўшанда уят бўлур эди. Ҳар қандай илму ҳунардан хабардор бўлиш, уни ўзлаштириш йўлида тортиш мумкин бўлган барча азиятларни билиш одамнинг фазилатидир. Жоҳил кишигина бунинг маъносига тушунмайди ва фойдасини билмайди.

«Мулки Ажам тарихи» деган китобда бундай ҳикоя қилинади: «Эроннинг афсонавий подшоҳларидан Гуштасп Румга бориб, Қўстантанияда манзил қурганида кўлида ҳеч вақоси йўқ экан. Бировдан бирон нима сўрашга иззат-нафси йўл бермабди. Гўдаклик чоғларида отасининг саройида бир темирчи бўлган экан. Гуштасп ўша темирчининг пичоқ, тиг ва узанги ясашига ҳаваси келиб, ҳар гал унинг олдида борганида темирчининг ҳунарини завқ билан томоша қиларкан. Қўстантанияда пулсиз қолганида темирчиларнинг олдида бориб: «Менинг бу ҳунардан хабарим бор», дебди. Уни мардикор қилиб ёллашибди. Кунига қанча пул тушса, бир қисмини унга беришаркан. Шу тариқа муҳтож бўлмай, ўз тирикчилигини ўтказибди. Вақтики келиб, ватанига қайтиб, тахтга ўтирганида: «Ҳамма мол-дунёсининг кўп ёки кам бўлишидан қатъи назар, фарзандларига касбу ҳунар ўргатсин, ҳунарли одам ҳеч қачон бировга муҳтож бўлмайди», деб фармони олий берибди.

Ҳунар туганмас хазина эканини таъкид этиб, ҳунарсиз инсоннинг доимо қўрқув, таҳлика ичида яшашига диққатингизни тортаман. Ҳа, дунёнинг таназзули уни қўрқувга солади. Очлик

қўрқуви уни ҳар доим чўчитади. У доимо ҳаёт ташвишларига асир бўлиб юради. Фақат ҳунар соҳибигина ҳар чоғ эркин, озоддир. Шу боис, ҳар киши эркин озод яшаши учун аниқ бир ҳунар соҳиби бўлиши лозим. Юқорида зикр этилган ҳикоятда катта ибрат бор. Инсон олим бўлиши баробарида бир ҳунар соҳиби ҳам бўлса, у мустақил ва ҳур бўлади. Акс ҳолда, у ҳатто илмини асирликка маҳкум қилади.

Ҳазрати шайх Аҳмад Мағрибий (қ.с.)нинг тўрт ўғиллари бор эди. Тўрттовига ҳам ҳунар, касб-кор ўргатдилар ва сўраганларга айтдиларки: «Ҳунарни шунинг учун ўргатдимки, мендан кейин ўзларининг қўллари меҳнати нонини есинлар. Бориб: «Мен фалончининг ўғлиман!» деб сиддиқлар жигарини ёқмасинлар. Нечукким, Пайғамбаримиз (с.а.в.) марҳамат этганлар: «Қўлнинг меҳнати, пешонанг тери билан егин-у, динингни емагин» (Бу ерда «динни пулга сотмагин», деган маъно бор).

Айримлар илм ололмаганлар ҳунар эгаллашар, дейдилар. Бу хато фикр! Бу ҳунарни, ҳунар эгаларини камситишдир. Ҳунарга ҳам Худо берган қобилият зарур. Масалан, кибернетика профессорига ҳарчанд ўргатинг, заргарлик ҳунарини эгаллай олармикин?

Одамнинг баракали ва бадавлат бўлиши учун касбу ҳунардан қимматроқ мато йўқ ва улуглик ҳамда саодат осмони учун эса қобилиятдан ёрқинроқ юлдуз йўқдир. Ҳунар суви билан суғорилмаган киши гўеки мева ва сояси йўқ қуруқ дарахтга ўхшайди. Ёки ҳид ва рангдан холи гулга монанддир. Дарҳақиқат, бу фирдавсмонанд гулшаннинг райҳонлари ҳидидан димоғини муаттар қилган киши хилма-хил камёб, лаззатли неъматлардан баҳраманд бўлади. Бу неъматнинг ёқимли майидан бир журъа топмаган киши доимо бахтсизлик ва ожизлик билан боши оғриб, хумор бўлиб юради. Қўп азоб ва уқубатлар юкини елкасида кўтариб юришга мажбур бўлади. Билим ва ҳақиқат боғининг боғбонлари касбу ҳунарсиз кишиларни жамиятнинг разил ва пасткаш кишилари деб ҳисоблаганлар. Касбу камолсиз кишининг муҳаббати ҳеч бир дилдан жой топмайди ва ҳеч ким касбу ҳунарсиз кишига ёрдам қўлини чўзмайди.

Ким ўз қўлидан келадиган ишни ташлаб, қўлидан келмайдиган бир ишга ёпишса, албатта, муваффақиятсизликка учраб, расво бўлади. Кейинги пушаймони ёрдам бермайди. Дейдиларки, ҳунар ёддан чиқмаса-да, лекин нозик томонлари унутилади. Инсон ўз ишини яхшилаб ўрганиб, уни ҳеч қачон қўлдан бермаслиги керак. Бўлмағур хаёлларга берилиб, шохдан-шохга қўнмаслиги, ҳар қандай гулнинг гўзаллигига учавермаслиги керак.

Аввалги суҳбатларимизда илми кераксиз жойларга сарф қилишнинг зарари ҳақида сўз юритгандик. Файрат-шижоатни ноўрин ишлатиш хусусида ҳам фикрлашдик. Шунинг давоми сифатида ҳунарни исроф қилишга доир бир ҳикоят билан танишсак.

Ҳикоят. Одатдан ташқари ажойиб ҳунар кўрсатишга қодир эканини даъво қилган бир кишини подшоҳ ҳузурига олиб келишди. У киши ёнидан бир қутича игна олди. Бир жуводдизни бир устунга қадади. Кейин сал нарига тисарилиб, игналарни жуводдиз кўзидан отиб чиқара бошлади. Ҳунарини кўрсатиб бўлгач, таъзим қилди. Подшоҳ бу ҳунари эвазига юз олтин бериб, орқасига юз қамчи уришни буюрди. Сарой аҳли бундан ажабланган эди, подшоҳ тушунтирди:

– Бу одам жуда зўр истеъдод ва қобилиятга эга, лекин уни фойдасиз ўринларга сарф қилади. Ҳунарини тақдирлаб, юз олтин беришга, истеъдодини фойдасиз нарсаларга исроф қилгани учун юз қамчи уришга буюрдим, токи бундан кейин истеъдодини халқ, юрт манфаати йўлида сарф этсин.

Ҳунар эгаларининг халқ орасида бообрў экани айтилди. Лекин аҳли ҳунар орасида бир иллат борки, бундан кўз юмиб бўлмас. Ҳасад, ичқоралик, ифво... каби хасталиклар қобилиятли ҳунар аҳлини кўп нохуш этади. Биз ҳасад ва тухмат қурбонлари – қамалган, отилган олимлар, ёзувчиларни кўп тилга оламиз. Ҳолбуки, бундай қирғинлар ҳунар аҳли орасида ҳам бўлган. Қўли гул заргарлар, наққошлар, ганчкорлар, мисгарлар таъқиб қилиндилар, қамалдилар, сургун қилиндилар, отилдилар...

«Калила ва Димна»да бу баён бор: «Ҳунар эгаларини ҳамиша истеъдодсиз ва бахил одамлар оёқости қиладилар, улар олчоқ ва разил одамларнинг нафрат ва ғазабига сабаб бўладилар. Истеъдодсиз, бахил ва олчоқ одамлар истеъдодли ва олижаноб одамлардан кўпдир, шунинг учун ғийбат ва бўҳтон билан яхшиларни ҳалок этадилар. Хасис сахийни кўрса, жоҳил олим билан мажлисга тушса, аҳмоқ оқил билан суҳбат қурса, юраклари сиқилиб, қонлари қайнаб кетади. Истеъдодсиз одамлар ҳунар эгаларини ерга уриб, уларни гуноҳкор қилиб кўрсатишга ҳаракат этадилар. Диёнатни жиноят қилиб кўрсатадилар, бахт-саодат воситаси бўлган ҳунар ва истеъдодни бахтсизлик василасига айлантирадилар». Неча минг йил аввал баён этилган бу ҳикматнинг долзарблиги ўтмиш жамиятда, айниқса, Сталин зулми йилларида аниқ кўрилди. Бу масалага эътиборни қаратишимдан мақсад, ҳунар эгаллаётган ёшлар йўлларида шундай нохушликларга учрасалар, чекинмасликлари керак.

Кўпни кўрган устозлар шогирдларига бу ҳақда ҳам ўғит берсалар, ёшлар ҳасадгўйга дуч келганда довдираб қолмайдилар, туҳматчилардан қўрқиб ҳунарларини тарк этмайдилар. Эл-юрт миннатдорчилигига сазовор бўлиб, фароғатли умр кечирадилар.

Азиз умидимиз юлдузлари, сизнинг ҳам ҳар бир қилган ишингизга шундай таҳсину офаринлар ёғилишини тилаб, кейинги мавзу билан танишишга таклиф этаман.

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ТИЛИНГНИ АВАЙЛА – ОМОНДИР БОШИНГ

ИНСОНИЙЛИК ГАВҲАРИ

Умидимиз юлдузлари, «Тилингни сақла, бошинг омон қолади», «Тил бўлсайди ўз қалбининг сирдоши, кесилмасди тил эгасининг боши», деган мақолларни эшитган бўлсангиз керак? Бу мақолларни шунчаки эшитиб қўя қолганмисиз, ё мағзини чақишга уринганмисиз? Бу мақоллардаги ҳикматни тасдиқ этувчи воқеаларни ҳаётда кўрганмисиз ё эшитганмисиз?

Дарахтни кессалар унинг илдизидан бир шохча кўкариб, унинг ўрнини босади. Танадаги қилич ва ўқ яраси ҳам битиб кетади. Лекин тил яраси ҳеч вақт тузалмайди. Қалбга санчилган сўз ўқини чиқариб бўлмайди. Бадан заҳардан, қалб ёмон сўздан ўлади. Чунки сўз қиличи темир шамширдан ҳам ўткирроқдир.

Қиличдан етган жароҳат тилдан етган жароҳатга қараганда енгилроқдир. Чунки қилич баданни, тил эса қалбни жароҳатлайди. Вужуд яхши таом билан жонланганидек, қалб ҳам яхши сўзлардан ором олади.

*Синса кўнгил шишаси, тадбир билан бўлмас бутун,
Устихон эрмаски, они рост қилса мўмиё...*

Масал. Бир одам айиқ билан дўстлашиб, уни уйига бошлаб келди. Бу меҳмоннинг ташрифидан норози бўлган хотини: «Фу, шу сассиқ билан ошно тутиндингизми?» деб афтини бужмайтирди. Бунга эшитиб ранжиган айиқ болтани олиб, дўстига узатди-да, илтижо қилди:

– Шу болта билан пешонамга бир ур!

Айиқ илтимосини қайтаравергач, дўст унинг пешонасига болта урди. Жонивор оғриқ азобидан ўкириб, ўрмонга қараб югурди. Орадан ҳафталар ўтгач, у яна дўстига рўпара келиб, дедики:

– Қара, болтанинг изи битиб кетди, лекин хотининг тилидан учган сўз яралаган юрагимга даво тополмаяпман...

«Кимки кўнгилни қаттиқ сўз билан жароҳатлар экан, унга аччиқ тил заҳарли найзадек санчилади, – деганлар ҳазрат Навоий. – Кўнгилда тил найзасининг жароҳати битмас, у жароҳатга ҳеч нарса малҳамлик қилмас. Агар бир кўнгилда тил найзасининг жароҳати бордир, фақат яхши сўз ва ширин тил унга малҳам ва роҳатдир. Мулойим сўз – ваҳшийларни улфатга айлантиради. Сеҳргар – оҳанг билан афсун ўқиб, илонни инидан чиқаради... Сўзда ҳар қандай яхшиликнинг имкони бор. Шунинг учун айтадиларки, «нафаснинг жони бор».

Сўз – туя бурнига ўхшаш, унга жилов солса бўлади. Ёхуд у туянинг бўйни кабидир, етовга юраверади. Демак, масала – уни қай томон етаклашда! Кишининг сўзи жонга роҳат бергувчи бўлмаса, сўзламаслик керак.

*Қилур қаттиқ такаллум ўнг ишинг чап,
Сўзинг тиклаб кўнгул бузгунча тик лаб.*

Сўфи Оллоҳёр ҳазратлари мазкур байтда гўёким устоз Навоий фикрларини давом эттирадilar: қаттиқ сўз бўлар ишингни бўлмас қилар. Нина қўлни санчиб азоблаганидек, қаттиқ сўз ҳам кўнгилларни санчиб, яралайди. Аммо нина санчиғи битиб кетар, дил яраси битмас. Қаттиқ сўзинг дилни яраламаслиги учун ўша сўзни айтадиган лабингни ёпиқ тут, яъни кўнгилни бузғувчи сўзлар учмасидан олдин лабингни тикиб ташла.

Гўзал сўзлар фақат амалга оширилгандагина чиройли натижалар беради. Муолажа йўлини топган касал одам унга амал қилмаса, табобат илмини билгани мутлақо фойдасиздир. Ёмғир томчилари ерни жонлантиргани каби комил инсонларнинг сўзлари кўнгилларни жонлантиради. Қудсий ҳадисда марҳамат қилинадиким: «Эй, Одам боласи! Агар сўзинг ялтироқ – майин бўлиб, амалинг қабиҳ бўлса, унда сен мунофиқларнинг мунофиғисан». Кимки тилини яхшиликка ишлатса, қуролидан усталик билан фойдаланувчи овчи каби бўлади. Ўзи тушунмаган сўзга аралашаврадиган киши эса нуқул беҳуда ўқ узаверадиган ношуд овчига ўхшайди. Бир оғиз ширин сўз шундай қудратлики, у ўз жонига қасд қилмоқчи бўлиб турган кишини ҳаётга қайтарадики, «яхши гап билан илон инидан чиқар, ёмон гап билан пичоқ қинидан чиқар», деб бежиз айтмаганлар. Яхши сўзларни сўзлашга одат қилмаган киши фалокатга учрайди. Ақлли одам ўз сўзига ҳоким бўлади. Уқув ва билимнинг тилмочи (таржимони) – тилдир. Кишига рўш-

нолик, яхшилик ва эзгуликлар оқил сўзламаклик ила келади. Шу боис ҳам демишларким: «Тил – арслон, мисоли ётар қафасда, эй тил эгаси, бошингни асра!» Қадимдан қолган одобга доир қайси китобни варақламамиз, «Тилингни сақла, бошинг саломат бўлади», мазмунидаги насиҳатга дуч келасиз. Шундай бўлиши бежиз эмас, зотан, ўринсиз сўзламоқликнинг натижаси – пушаймонлик экани ҳақида тарихдан мисоллар излашга ҳожат йўқ. Ҳар биримиз ўз тилимиз туфайли неча-неча марта пушаймонлар еганмиз, шуни унутмасликнинг ўзи кифоя.

Ҳикоят. Подшоҳ тўрт олимни чорлаб, дебдики:

– Ҳар бирингиз биттадан шундай ҳикмат айтингизки, у тарбиянинг асоси бўлсин.

Биринчиси айтибди:

– Донишманд одамларга ярашадиган нарса – сўзламасликдир!
Иккинчиси дебди:

– Дунёда энг фойдали нарса шуки, инсон ўз ақли билан маслаҳатлашмасдан сўз бошламасин.

Учинчиси:

– Инсон учун энг хайрли нарса – ўйламасдан сўзламасликдир.

Тўртинчиси айтибди:

– Инсон учун энг тинчи шуки, у ўзини толе ихтиёрига топширсин.

Энди баён этилажак доно фикрлар ҳазрат Навоийданки, англаб, амал қилган киши барака топқусидир.

«Сувнинг мазаси – муз билан, ошнинг мазаси – туз билан, одам яхшилиги – сўз билан. Сиҳат тиласанг – кўп ема, иззат истасанг – кўп дема. Яхшиларнинг ҳунари – сўзида, бўзчиларнинг ҳунари – бўзида. Бефойда гапни кўп айтма, фойдали гапни эшитишдан ҳеч қайтма. Оз гапирган оз янглишади. Оз еган – оз касалланади. Очлик негизида ҳикмат бор, тўқлик тагида гафлат бор.

Ҳақнинг дўстлари – садоқат-покликнинг конидир, Ҳақ душманлари – ёлғончилардир. Тилнинг ихтиёрини қўлингда асрагил. Сўзингни эҳтиётлик билан сўзла. Вақтида айтиш керак бўлган сўзни асрама, айтиш керак бўлмаган гапнинг яқинига йўлама. Сўз борки, эшитувчининг танига жон кирғизади, сўз борки, гапирувчининг бошини элга учиради. Тилинг билан дилингни бир тут; тили ва дили бир кишининг айтган сўзи – бут (яъни, айтган сўзига ишонса бўлади). Сўзни кўнгида пишитмагунча тилга олма. Дилингда бор гапнинг ҳаммасини тилингга келтирма. Гарчи тили тийиш – дилга меҳнатдир, аммо сўзни ёйиш – бошга офатдир. Айтиш керак бўлган гапни унутма; айтмайдиган ерда ўзингни сўзамол тутма. Айтар сўзни айт, айтмас сўздан қайт.

*Киши чинда сўз деса зебо дурур,
Неча мухтасар бўлса, авло дурур».*

Сўзлар – ўзликнинг ифодаси. Катта дарахтлар кичик уруғларда яширинганидек, кишининг асл кўриниши сўзларига яширинган бўлади. Тили бошқа, дили бошқа мунофиқлар бир кунмас бир кун ўз сўзларидан илинадилар. Бугун уларнинг мунофиқликларини яширган ширин сўзлари эртага заҳарга айланиб, фош қилади. Чунки заҳарнинг устини ширин қобиқ билан қоплашнинг фойдаси йўқ. Қобиқ емирилади, заҳар эса заҳарлигича қолади.

«Олдин ўйла, кейин сўйла» дейдилар. Чунки, ўйламай айтилган сўзлар қалбларни ўлдиради. Осмондан қор ҳам, дўл ҳам, ёмғир ҳам ёғади. Бу ёғинлардан экинзорлар ё яшнайдими ёки фалокатга учрайди. Инсон оғзидан чиққан сўзлар ҳам бамисоли қор, ёмғир, дўл кабидир. Улар кишиларга ё ҳаёт бағишлайди, ё ўлдиради. Яъни, қор вақтида ёғса – ҳаёт манбаи бевақт ёғса талафот.

Фойдасиз сўз – фойдасиз дори кабидир. Бошқачароқ айтилса – дорининг ҳам, сўзнинг ҳам ортиқчаси зарарлидир. Сукут вақтида сукут сақлашни, суҳбат пайтида сўзлашни билган киши бахтиёр инсонлардан ҳисобланади. Маъносиз, пойма-пой сўзламоқдан кўра сукут қила билиш нодир фазилатдир. Зеро, сукут лозим бўлганда сукут сақлаган, суҳбат лозим бўлганда суҳбатлашишни билган инсонни буюклар сафига қўшарларки, вақтида сукут сақламак – оқил сўзламакнинг шартларидан биридир. Тушунмай, ўйламай гапирадиган киши сархуш кабидир. У нима деганини билмайди, ҳам ўзига, ҳам атрофидагиларга фалокат келтиради. Унутмаслигимиз шарт бўлган шарафли ҳадисларким: «Кимки омон юришни истаса, жим туришга ҳаракат қилсин». «Сукут сақламакликни ўзингга одат қилгил. Чунки сукут сақлашлик шайтонни ҳайдайди ва сени динингни сақлашингга ёрдам беради».

Ҳикоят. Хуросон ҳукмдори Ҳусайн Бойқаро илм толибларига сабоқ бераётган доно вазири Алишер Навоийга яқинлашиб, кўрсаткич бармоғи билан бошини кўрсатди. Навоий ҳазратлари ҳам кўрсаткич бармоқлари билан тилларини кўрсатдилар. Ҳукмдор бу ишорадан бош чайқади-ю илм толиблари даврасига яқинлашмай, изига қайтди. Бу ҳолатни кузатиб турган шогирдлар устоздан имо-ишоранинг маъносини сўрадилар. Устоз бу жумбоқни ечишни уларнинг ўзларига ҳавола этдилар. Улар қанча ўйлашмасин, тайинли жавоб топа олишмади. Шунда жавобни устознинг ўзлари бердилар:

– Имо-ишорада мураккаб маъно яширинмаган. Жавоб жуда оддий: дўстим Ҳусайн мендан «Бошга балони нима келтиради?» – деб сўрадилар. Мен эсам унга «Тил», деб жавоб қилдим.

*Ҳар кимки чучук сўз элга изҳор айлар,
Ҳар нечаки агёр дурур ёр айлар.
Сўз қаттиги эл кўнглига озор айлар,
Юмшоги кўнгилларни гирифтор айлар.*

Яна бир ҳикоят. Султон Маҳмуд ва унинг вазири хожа Аҳмад Ҳасан Маймандийнинг даврида Абу Аҳмад Саҳд исми баззоз бўларди. У молдор, бадавлат, ўғли эса беақл, каззоб эди. Шу ўғил султонга тегишли йигирма минг динорли бўёқни ўғирлаб, сотиб, маишат қилиб юрганида сири ошкор бўлди. Султон бўёқ пулини Абу Аҳмад Саҳдан ундириб олишга фармон берди. Вазир баззозни ҳузурига чақиртирди ва деди:

– Сен султоннинг молини ўғирлаган ўғлинг учун жавоб беришинг керак. Сен қандай қилиб бу жинойтга йўл қўйдинг? Ё ҳеч ким билмайди, деб ўйладингми? Бу қилмишинг учун барча мол-мулкингни тортиб оламан!

– Султонимнинг умрлари узоқ бўлсин, – деди баззоз таъзим билан. – Ўғлимнинг гуноҳини кечирсинлар. Маълумингизким, унинг исми Аҳмаддир. Кимнингки исми Аҳмад экан, у албатта, аҳмоқ бўлур. Нимаики ёмон иш қилган бўлса, аблаҳлиги ва бехирадлиги туфайли қилгандир. Бинобарин, уни жазолашдан кўра, гуноҳидан кечиш аълороқдир.

Вазир бу гапларни эшитиб, ғоятда дарғазаб бўлди:

– Сен ўғлингдан ҳам баттар диёнатсизроқ экансан. Сендек беандиша аҳмоққа лаънатлар бўлсин!

Баззоз вазирнинг ғазаблангани сабабини тушунмади. Ҳатто вазирнинг исми Аҳмад эканини ҳам фаҳм этмади. Бунинг ўрнига:

– Жаноб вазирнинг ғазабланишларидан маълум бўладирки, менинг ҳақимда бировдан ёмон сўз эшитган кўринадилар, – деди.

– Балли, сенинг **тилингдан** эшитдим, – деди вазир.

«Оғзига келганни демак – нодоннинг иши, олдига келганин емак – ҳайвоннинг иши», деган ҳикматга мувофиқ баззоз жазо-сини олди.

Мазкур ҳикоятга бу ибратни хулоса қилсак ўринли бўлар:

Азизлардан бири деди:

– Бир ҳадис эшитганманки, ўттиз йилдан бери ҳамон унга тўла амал қила олмайман.

– Ул қайси ҳадисдир? – деб сўрадилар. Жавоб бердилар:

– «Эрнинг мусулмонлигин кўркамлиги улдулки, фойдасиз нарсаларни сўзламагай», деган ҳадисдир.

Сўзлар мисоли ерга сочилган уруғ дони. Агар оғиздан чиққудай бўлса, уларни битталаб териб олиш мумкин эмас. Эл-юрт эшит-

ганидан кейин уларни пардалаб бўлмайди. Ширин ва эзгу сўзлар оқиб турган зилол сувга ўхшайди. Зилол сув қаерга оқиб борса, у ердан анвойи чечаклар униб чиқади.

Кўпчиликка маълум ривоятга кўра, подшоҳнинг тушида барча тишлари тўкилиб тушади. Аъёнлардан туш таъбирини сўраганида улар «Ҳамма қариндошларингиз ўлиб кетишар экан», деб балога қолишади. Доно вазир эса «Сиз барча қариндошларингиздан кўпроқ умр кўрар экансиз», деб ҳадя олади. Ҳолбуки, ҳар иккала таъбирнинг маъноси бирдир.

Фузайл ибн Йёз дебдиларким: «Сўзини амалдан деб билганларнинг гапи оздир. Ҳикматга фақат сукут ва тафаккур билан ворис бўладилар. Сўзлашдан тақво этиш луқма ва таомдаги тақводан ортиқдир». Фикрдаги «тақво» сўзига диққат қилайлик: таомдаги тақвога гўзал равишда амал қилганлари ҳолда, тил тақвосига бепарво кишиларнинг эл орасида беобрў юришларига гувоҳ бўлмаймизми? Мазҳабимиз раиси Имоми Аъзам ҳазратларининг муҳрларида мана бу сўзлар ёзилган экан: «Сўз айтсанг эзгу сўз айт, агар ундайин сўзни айтолмасанг, тек тур». Шайх Саъдий айтганларки: «Нодонга хомушлиғдин яхши нима йўқдур, агар мун билса эрди, нодон бўлмас эрди. Қитъа:

*Фазлинг гар йўқ эса они билгил,
Ки сўз айтурга очма ҳаргиз тил.
Одамини тил этгуси расво,
Очма оғзингни, бўлма бепарво.*

Аввалги суҳбатимизда Луқмони Ҳакимнинг насиҳатларини баён этиб эдик. Энди шу насиҳатнинг ўзгачароқ кўринишдаги баёни билан танишсак фойдадан холи бўлмас: «Эй, жоним ўғлим, бир нодон кимса олдинга келиб, сўз сўраб, баҳслашмоқ истагида бўлса, жавобини юмшоқ ва ширин сўзлар билан бергил. Шоядки, ўша нодон жаҳолат мастлигидан ўзига келса. Ул нодонга сучуклик билан жавоб берган сўзинг фойда қилмаса, сўзингни такрор қилма. Зероки, такрор қилганинг сайин нодоннинг ўпкаси қабариб, жаҳолати ошар. Агар у жоҳил юмшоқ сўзни ҳам англамаса, унда тек турмоғинг афзалдир». «Бир одам билан бир масала устида сўзлашар экансиз, сўзингизни жанжалга бош бўладиган даражасига олиб борманг. Тилингизни тийинг» – Суқрот ҳакимнинг бу ҳикматлари Луқмони ҳаким насиҳатларининг давоми ўлароқ ибратлидир.

«Сукут сақламоқ»ни халқда «тилни тиймоқ» деб ҳам атайдилар. Тилни тиймоқнинг маъноси фақатгина жим турмоқ эмас. Маъ-

но биз ўйлагандан кўра чуқурроқдир. Яъниким, тилни тиймоқ – хоинлик, туҳмат, ёлгон, гийбат, чақимчилик, истехзо, бировни масхара қилиш, ёлгон қасам ичишдан тийилишдир. Шунингдек, Қуръони Карим ўқиладиганда, иқомат ва хутба вақтида, ҳожатхонада сўрашмоқ ва суҳбатлашмоқдан тийилишдирки, биз ҳаётда кўпинча бунинг аксини кўрамыз.

Кимнинг сукутга тоқати етмаса, сўфийлар ҳаётидан ибрат олсин. Чунки сўфийликнинг гўзал ахлоқларидан бири айнан сукутда кўринади. Устоз Қушайрий дейишларича, сўфийлар гапиришда офат, яъники зарар борлигини билгач, сукутни афзал кўрганлар. Гапиришда нафснинг улуши, мақтанчоқлик иллатларини намоеън қилиш, чиройли гапириб, бошқалардан ўзини ажратиб кўрсатишга майл каби таҳдиқалар борлиги учун ҳам улар шундай йўл тутишган.

«Тил бўлса ҳам, бўлмаса ҳам бошга бало», дегувчилар йўқ эмас, бор. Аммо ҳақиқат шуки, керак сўзнинг сўзланмоғи шарт. Тўғри, ортиқча айтилган сўз киши кўнглига малолдир. Аммо сўзламаслик ҳам дуруст эмас. Бу ҳолда «соқов» деган маломат юзага чиқиши мумкин. Йўриқни ўртача тутган одам қут-иқболга эришади. Тилнинг зараридан қўрқиб юрилса, кўпгина фойдали фикрлар ҳам пинҳона қолиб кетиши мумкин. Ёмон ва яроқсиз сўзлар билимсиз одамнинг тилидангина чиқади. Шунинг учун ҳам билимсизларни ҳайвон қаторига қўшганларки, бу ҳақда аввалги суҳбатларимизда баён қилиб эдик.

Камгаплик – донолик йўлининг бошланиши. Сергап одам вайсақи бўлиб қолади. Унинг билим ўрганишга вақти етишмайди. Бироқ, киши сўзламас экан, унинг билимдон ёки билимсиз эканлиги ҳам маълум эмас-да. Киши учун жуда керакли бўлган икки аъзо бор: бири – **тил**, иккинчиси – **юрак**. Тил – сўз учун, юрак – кўнгил эса шу сўздан лаззатланиш учун берилган. Шу туфайли тўғри, рост сўзни сўзлаш учун тилни тебратмоқ, яъни ҳаракатлантирмоқ керак. Эгри, яроқсиз сўзларни ташқарига чиқаргандан кўра тилнинг ҳаракатсиз қолгани маъқул.

*Кишилар эзмаси ёвудан ёмон,
Ардоқли кишилар камгап ҳар қачон.*

Фаридиддин Аттор «Кўп гапирадиганларнинг қалби касалдир», деганлар. Сергап одамнинг ақли тилида бўлади. У нима гапираётганини ўзи ҳам билмайди. Бошқалар ҳам унинг сўзларига аҳамият

бермайдилар. Маҳмадана, валдировчи одам очиқ бир мактубга ўхшайди. Уни истаган одам ўқийверади. Қудсий ҳадисда марҳамат қилинадики: «Эй, Одам фарзанди! Агар дилингда қаролик ва баданингда дангасалик ва ризқингда танглик бўлса, бас, билгилки, буларнинг сабаби **беҳуда ва бемаъно** сўзларни кўп сўзлашингдандир, демак, бундан сақлан».

Баъзан даврадаги бир одамнинг гаплари маънили туюлиб, аввалига диққат билан эшитадилар. Агар нотик бу эътиборни суистеъмол қилса, гаплари қанчалик маънили бўлмасин, давра зерика бошлайди. «Сўзга усталик нима?» деб сўралса, донолар «Қисқа сўзлаш, аммо гапнинг маъносини бузмаслик», деб жавоб берадилар. Агар сўз қалбдан чиқиб келса, эшитгувчининг қалбига дарров таъсир қилади, аммо тилдан содир бўлса, қулоқдан нарига ўтмайди. Гарчи нотикнинг сўзини бўладиганлар бамисоли йўлтўсар, ҳаёсиз қароқчига қиёс этилса-да, сергап одамнинг ўзи давра аҳлини йўлтўсарга айланишларига мажбур қилиб қўяди. Ўзаро гап-сўз бошланади. Зийрак нотик даврадаги ўзгаришни сезиши, гапни дарҳол мухтасар қилиши шарт. Акс ҳолда давра аҳлидан бетоқатроғи «Бўлди-е!» деб нотикни беҳурмат қилиб қўйиши ҳам мумкин.

Шайх Абу Бакр ибн Айёш (р.а.) деганларки: «Тупроқ сувни тортиб қуритгани каби, кўп гапириш ҳам савобларни қуритади».

Камтар одамлар кўп гапиришдан қочадилар. Улар кўпроқ эшитмоқни истайдилар ва ёқтирадилар. Эшитмоқ – кишини бойитади, кўп гапирмоқ саёзлатади. Кўп гапирган кўп янглишади. Кўп эган – кўп йиқилади. Ҳақиқатким, кўп сўзга ёлгон, албатта, аралашади. Таъкидким, тан касалининг асоси кўп емоқдир, қалб касалининг сабаби – кўп демакдир. Кўп демак – сўзга мағрурлик, кўп емоқ – нафсга бандаликдир. Одам учун бу сифатлар кераксиз ва барчаси худпарастликка оиддир. «Кўп гапирувчи, кўп егувчи – дўзах ўтига ошиқиб кетувчи, – деб ёзадилар ҳазрат Навоий. – Сўзламоққа берилган, емоққа қул бўлган одам билим шарофатидан маҳрум бўлади.

*Кўп демак бирла бўлмагил нодон,
Кўп емак бирла бўлмагил ҳайвон».*

Одам боласи илми даражасидан қатъи назар, кўп гапни ёқтирмайди, аниқроғи, ҳазм қила олмайди. Лекин ўзи кўп гапиришни ёқтиради, гапира-гапира сира чарчамайди. Шуниси ажабланарли!

Маҳмадона ва сафсатабоз шоирлардан бири Абдурахмон Жомий ҳузурларига келиб мақтанди:

– Тушимда Хизр пайғамбар оғзимга муборак тупукларидан туфладилар.

Бу гапдан устоз бош чайқаб дедилар:

– Янглиш айтяпсан. Аслида Хизр пайғамбар сенинг бетингга тупурганлар, гапдан тинмай оғиз очиб турганинг учун тупуклари оғзингга ҳам тушган бўлиши эҳтимол.

Кайковус фарзандига хитобан шундай дейди:

«Киши суҳандон, суҳангўй (нотик) бўлиши керак. Эй, фарзанд, сен суҳангўй бўлғилу, аммо дуруғўй (ёлғончи) бўлмағил. Ҳар сўзни андиша била бошлағил, токи айтғон сўзингдин пушаймон бўлмағайсан. Андишани илгари тутмоқ ҳам бир нав кароматдир. Ҳеч сўзни эшитишдан дилтанг (ичи торлик) бўлмағил. Ул сўз ишингга хоҳ ярасун, хоҳ ярамасун уни эшитғил, то юзингга сўз эшиги беқланмасун ва фойдаси фавт (йўқотиш) бўлмасун. Совуқ сўзли бўлмағил. Совуқ сўз бир тухумдир. Ундан душманлиғ ҳосил бўлур.

Эй, фарзанд, агар ҳар нечаким суҳандон бўлсанг, ўзингни билғондан кам тутғил, то сўзлаш вақтида нодон ва бебурд бўлиб қолмағайсен. Кўп билиб, оз сўзлағил ва кам билиб, кўп сўз демағил. Нима учунки, ақсиз шундоқ киши бўладур – у кўп сўзлар. Деб-дурларки, хомушлик саломатлик сабабидур, чунки кўп сўзлағувчи оқил киши бўлса ҳам, авом уни ақсиз дерлар. Ақсиз киши хомуш бўлса, уни оқил ҳисоблайдилар. Кўшиш (ҳаракат) қилким, халойиқ сени таъриф қилсунлар ва шундоқ сўз дегилким, у ишга ярасун, бекор ва зое кетмасун».

Кайковуснинг бу ўғитига яна бир донишманднинг насиҳатини боғласак, узукка кўз қўйгандек бўлур: «Фарзандларим, эшитган сўзларингизнинг энг гўзалини ёзиб олинг. Ёзган сўзларингизнинг энг гўзалини ёдланг. Ёдлаган сўзларингизнинг энг гўзалини сўзланг». Абу Бакр Сиддиқ (р.а)дан насиҳат: «Нимани гапирганингни, кимга гапирганингни ва қачон гапирганингни унутма!»

«Сўз – ҳақиқатнинг сояси ва парчасидир, – демишлар мавлоно Румий, – модомики, соя ўзига тортар экан, у ҳолда ҳақиқат янада яхшироқ жазб этади. Сўз – баҳонадир. Бир инсонни бошқа бир инсонга тортган нарса сўз эмас, балки иккаловида мавжуд бўлган руҳий бирликдан бир парчадир».

Яъни, агар руҳий бирлик бўлса, суҳбат ширин бўлади. Ёки аксинча. Масалан, майхўрларни ҳам руҳий бирлик бирлаштиради. Уларнинг бемаъни суҳбатлари ҳам шу сабабли ўзларига ҳузурли

туюлади. Ҳидланган ўлимтиклар устидан эсган шамол ҳар тарафга ёқимсиз ҳидлар тарқатади. Нафасларни бўғади. Ҳикматлар лаззатидан маҳрум фосиқларнинг суҳбатидан худди шундай бадбўй ҳид тарқалади. Улар ўзларининг бузғунчилиги билан ичма-ич бўлиб кетганлар. Бузғунчиликларидан лаззат оладилар.

Оқил билан телба ўртасидаги бутун айирма шундаки, оқил одам доим фикрлагани фикрлаган, аммо кам гапиради. Телба-нодон одам эса доимо гапириб, ҳеч вақт ўйламайди. Оқил одамнинг тили ҳамиша фикрининг измида. Телба-нодонда эса бунинг акси. Оқил одамнинг тили тафаккурнинг тилмочи, телба-нодоннинг тили эса гап ташувчи ва ғийбатчидир. Шу боис ҳам «Тинглашда биринчи, гапиришда эса охиргиси бўл», демишлар.

«Бир сўз айтмоқчи бўлсанг, маъносини ўйлаб кўр. Сўзламайдиган тақдирда зиммангда масъулият қоладиган бўлсагина сўзла. Акс ҳолда овоз чиқарма», деб насиҳат қилганлар имом Ғаззолий ҳазратлари. Шайх Саъдий баён этишларича, ҳиндистонлик до-нишмандлар Бузургмеҳр камолоти ҳақида сўзлаб, ул зотнинг гапирганларида тўхтаб-тўхтаб, бир оз ўйлаб, сўнгра сўзда давом этишларини қусур ўрнида кўрдилар. Нединким, тингловчи кишининг мунтазир қилиб қўйишларини айбли деб билдилар. Бузургмеҳр уларга бундай изоҳ бердилар:

– Бир нарса ҳақида сўзлагандан кейин «Бу номақбул гапни нега айтдим?» деб пушаймон қилишдан кўра, ўйлаб, андиша қилиб сўзлаш афзалдир.

Мазкур жавобдан «ўйламасдан тилга келган сўз зарардир ва илмдан бебаҳра сўзнинг қадри йўқдир», деган ҳикматни уқиш мумкин. Шарафли ҳадиски: «Мўминнинг тилидан фаришта сўзлайди. Кофирнинг тилидан шайтон сўзлайди».

Бир киши донодан сўради:

– Фалон обид ҳақида на дея олурсанки, ўзгалар анинг изидан таъна қилиб, кўб сўз айтурлар.

Доно у обид билан сира суҳбат қурмаган эди, шу боис деди:

– Зоҳирида ҳеч айб кўрмасмен ва ботинида на айби борин билмасмен.

Яъни, ташқи кўринишида камчилик йўқ, аммо сўзларини тингламай туриб, унинг камоли ҳақида фикр билдириш амри маҳолдир.

Туғилган одам вақти-соати етгач, албатта, ўлади. Ундан ҳеч бир нишона қолмайди. Лекин унинг сўзлари оқил, эзгу бўлса, бошқалар юрагидан жой олиб улгурса, унинг номи мангу қолади.

Инсон икки нарса туфайли қариллик нималигини билмайди: бири – хуш қилиқ, яна бири оқил сўзламаклик. Одамдан қоладигани ҳам оқил сўздир. Ҳамиша очиқ, самимий сўзловчи одам мардона яшаб, мардона ўлади.

Халқимиз фитратида латиф сўзламоқликка интилиш бор. Латиф сўзлар барча давраларда қадрланади. Қўпол ифодадан барча нафратланади. Маълум бир ҳолатни ифодаловчи сўз қулоққа қўполроқ эшитилгани учун рамзлардан фойдаланилади. Масалан: «Фалончи ўлди» ёки «Фалончи ўлиб қолибди-да», дейилмайди. «Қайтиш қилди», «Омонатини топширди» ёки «Бандалик-да», дейилади. «Туғди» дейиш ҳам қўпол эшитилгани сабабли «кўзи ёриди» ёки эркалагансимон «қўзилади», деб ҳам қўйилади. Ҳар қандай хунук хабарни ҳам доно одам чиройли тарзда ифода этиб бериши мумкин. Бунинг учун одам айтадиган сўзининг маъносини яхши билиши керак. Сўзининг таъсирини аввал ўзи ҳис қилиши шарт. Кейинги йилларда бизда сўзни ҳис қилмаслик, сўзни тушунмай ишлатиш анча кучайганга ўхшаяпти. Бу ҳолат чойхонадаги суҳбатларда учраса ранжимасак ҳам бўлар. Аммо матбуот, радио ва телевидениедаги ёш ҳамкасбларимиз фаолиятида тилга эътиборсизлик тез-тез учраяптики, бу гоъта ачинарлидир. Бир куни телебошловчи кўрсатувлар режасини эълон қилгач, «маза қилиб ҳордиқ олинг», деса ажабланибман. Чунки «ҳордиқ» – «чарчоқ» демакдир ва ҳордиқ олинмайди, балки чиқарилади. Агар бошловчининг гапини «таржима қилсак», «кўрсатувларимизни томоша қилиб, маза қилиб чарчанг», деган маъно чиқади. Шунга ўхшаш «савод» ҳам олинмайди, савод чиқарилади. Чунки «савод» – «қора» демакдир, яъни «ҳажар ул-асвад» – «қора тош» демакдир. Мумтоз шеърятда «кўз қораси» «кўз саводи» тарзида ҳам қўлланилади: «Кўз саводин айлади кирпичларинг Парвезни, Не ажаб бўлса жамолинг шавқидин гулбез (гул ҳиди сочувчи) кўз». Қалби маърифатдан холи, қоронғилик асоратидаги одамни «саводхон» дейиш керак, биз эса нечундир билимдиларни назарда тутамиз. Аслида эса киши қалбидаги қоронғилик ҳайдаб чиқарилиб, илм нури билан ёритилади. Яъни, савод ҳайдалади, чиқарилади, зиё эса олинади.

Шу каби хатоликлар кўпки, уларни бартараф қилиш ҳар бир зиёлининг бурчи ҳисобланиши баробарида ёшлар ҳам бу масалани билишлари ва ечимига эътиборни қаратишлари жоиз. Катталар «лутфан» деган сўзни ишлатишни яхши кўрадилар. Таклифнома-ларга «тўйга лутфан таклиф этамиз», деб ёзилади. Ўзларича чиройли шаклда таклиф қилгандеклар. Сўзнинг маъносини билган одам эса бу таклифномадан ғашланиши мумкин. Чунки лутфан

таклиф қилишимиз, «Асли сиз тўйимизга айтишга арзийдиган одамлардан эмассиз-ку, лекин бизнинг марҳаматимиз кенглиги туфайли истисно сифатида таклиф қиляпмиз», деган маънони англатади. Агар шу чиройли сўзни ўз ўрнига қўйиб «Тўйимизга лутфан ташриф буюринг», десак, гўзал маънони баён қилган бўламиз. Яъни, «Марҳаматингизни аямай, тўйимизга ташриф буюриб, бизларни қувонтиринг», деган бўламиз. Одамийлик талабидан қаралганда, мурожаат қилинаётган одамнинг ҳурматини адо этиш, мартабасини баландроқ қўйиш одати бор. Сиз катталарнинг муомаласида «тақсир» деган сўзни эшитиб турасиз. Бу «дўстим, сизнинг мартабангиз меникидан баландроқдир», деган маънодадир ва бу камтарлик белгисидир.

Кишининг киши томонидан ҳурматланиши тил – ширин сўз орқали бўлади. «Сен» ҳам, «сиз» ҳам бир оғиздан чиқади», дейдилар. Халқимиз «сиз»га одатланган. Шу боис ҳам Расулуллоҳ (с.а.в.) номларини тилга олганимизда эҳтиром билан сизлаймиз. Русларда, арабларда, туркларда ҳатто ота-оналарини ҳам сенсираш одати борки, шу боис ҳам Пайғамбаримизга (алайҳиссалом) нисбатан ҳам «сен» шакли қўлланилади ва бу уларда айб саналмайди. Бизда эса ҳурматсизлик ҳисобланади.

Ҳаётда барчани сенсирайдиганлар ҳам учраб туради. Гўё сизласа амал отидан тушиб қолгандай туюлса керак-да. Сенсираш бизда манманликни намойиш қилади, холос. Водий томонларда гўзал одат бор – фарзандларини ҳам сизлайдилар. Тошкентда кишининг ўзи бўлмаса-да, сизлаб ҳурматланади. Масалан: «Аданг уйдаими?» деб эмас, «Аданг уйдадилар?» деб сўралади. Жавоб ҳам шунга яраша: «Адам ишда» эмас, «Адам ишдалар». Фарзандларни оқил сўзлашга ўргатмоқлик айнан шу ҳолатдан бошланади. «Мактабда ўқитувчинг нима деди?» деб эмас, «Ўқитувчинг нима дедилар?» десак фарзандимизни чиройли тарбия қилган бўламиз. Чиройли ва оқил сўзловчиларнинг «ота-онасига раҳмат!» деб дуо қилиниши бежиз эмасдир. Оқил сўзламакни бола кўчада ёки мактабда эмас, дастлаб уйда ўрганади.

Сафарда эканимизда бир одамни кўрсатиб, унга таъриф бердилар. Ўша одам ҳеч кимни сизламас экан. Маълумки, «лар» қўшимчаси фақат сизлашни эмас, кўплик маъносини билдиради. «Ҳорманглар», десак асосан кўплик маъноси назарда тутилади. Ўша одам ҳурмат маъноси англашилиб қолмасин учун «ҳорманглар», демай «ҳамманг ҳорма!» дер экан.

Истанбулда чорраҳадаги ҳаракат тартибини назорат қилаётган полисининг муомаласидан ғоят таъсирланган эдик. Биздагилардан фарқли ўлароқ, у ердаги полис автомашина ҳайдовчиларининг

кўча ҳаракати қоидасини бузишини пойлаб турмай, йўловчиларга хизмат қилар эканлар. Лозим бўлган онда автомашиналар ҳаракатини тўхтатиб, пиёдаларга йўл очар эканлар ва «ўтайлик» дер эканлар. Биз шу сўзга эътибор қилдик. «Ўтинглар!» ёки «ўтинг!» дейилса ҳам ҳурмат оҳанги сақланади. Лекин бу шаклда буйруқ оҳанги ҳам мавжуд. Шу оҳангдан қочиш учун лутфан «ўтайлик», дейишар экан.

Умидимиз юлдузлари, сиз атрофингизда бундан ўзгача ҳолатларга кўп гувоҳ бўлгансиз. Таққослаш дуруст бўлмаса-да, ибрат юзасидан ўзимиздаги аҳволга боқайлик: аввало милиционер биродаримизнинг пиёдаларга бундай хизмат қилганларини учратганимизча йўқ. Шундай хизмат қилган тақдирларида ҳам «Қани, тезроқ бўла қолларинг! Ҳой ота, намунча лалаясиз!» каби муомалаларга гувоҳ бўлармидик, валлоҳи аълам! Ҳар ҳолда автобус, троллейбусларда шунақа муомалаларга кўникиб қолганмиз. «Тушадиганлар олдинга ўтсин», «Кира ҳақини тўлаб қўйинглар...» Бунинг ўрнига «Барака топгурлар, кира ҳақини тўлашни унутиб яна гуноҳкор бўлиб қолмайлик», дейилса-чи? Ажаб! Ажаб! Йўловчи кира ҳақини тўлайди. Эҳтимол, ҳайдовчининг ширин сўзлиги учун қўшимча ҳақ тўлаши керакдир? Сўз шамол бўлса, ҳақоратли ёки қўпол сўз елвизак каби зарарли эканини билсак-да, «елвизакка чидаймиз», деб ўзимизни ўзимиз қийнаб юрамиз.

Умидимиз юлдузлари, тил ҳақида фикр юритилганда сизга айтадиган танбеҳларимиз ҳам бор. Кўпгина тенгдошларингиз оғизларидан қандай бемаъни сўзлар учаётганига эътибор бермайдилар. Мактабларда бўлганимизда ҳатто қизларнинг оғзидан «эй ҳариф», «козёл», «қулоққа лағмон илма», деган сўзларни эшитиб ранжиймиз. Бундан ташқари, чет сўзларни қўшиб гапириш касаллиги ҳам борки, айрим тенгдошларингиз бу касалликдан қутулишга ҳаракат қилмаётганга ўхшайди. Аслида бу касаллик сизларга биз – катталардан юққан. Улғайганингизда сиз ҳам бу касалликни болаларингизга юқтирмасангиз яхши бўларди. Сизнинг тилингиздан «короче», «вабше», «почти», «звонит қил», «очкилик бола», «шими утюгланмаган», «чистий ўзбекча» каби кўп-кўп сўзлар мустаҳкам ўрин олганлиги афсусли ҳолдир. Мен ёшлар билан ҳар учрашувда бу масалага уларнинг диққатини қаратаман. Ҳатто фелетон ҳам ёзган эдим. Оғзидан чиқаётган сўзларга эътибор бермайдиган нодон бола номидан ёзилган мактубни эътиборингизга ҳавола қиламан:

«Пажалиска»

Каминани йўқлаб онда-сонда бўлса-да, мактуб келиб турадур. Телевидение идорасидаги муҳтарам муҳаррирларнинг илтифоти

ва ҳиммати ила ўзбек тилига доир мумаммолар хусусида берилмиш бир кўрсатувда иштирок этиб эдим. Не бахтки, бул суҳбат томошабин ўртоққа маъқул тушиб, у зоти муҳтарамнинг кичкинагина мактубига арзибмиз. Ижозатлари ила мазкурни эътиборларига ҳавола этсам:

«Хўрматли окахонла, бугун байрам баҳонасида беш-олти огайни кампания бўлиб балдет қилиб ўтирувдук. Узбекский тил ҳақидаги передачани кўрдук. Ништяк гапларни этдийла. Нў, бир братан гапирганда қулоққа лапша осди. Ваабше қойил эмасмиза унга. Ҳозир ўзбек тили государственный тилга полный ўтган-ку! Ҳаммамиза чистий ўзбекча гаплашишимиза керакми, абезателний керак. Ман бунақа болтунларни савсем ёқтирмийман. Ўша болтун братан «трамвайга ўтирдук», дейди. Бизани предкаларимиза «трамвай» дейишмаган, ўзбекчасига «кўнка» дейишган. Ўзбекчани чересчур яхши билмасанг, нима қиласан гапириб, одамларни настроенясини бузиб. Пачти ҳаммамиза шу мнениядамиза. Ҳаммамиза патриот бўлишимиза керак. Эсли ҳаммамиза все как один чистий ўзбеча гапиришига ўтмасак, минг старатса қилайлуқ, ҳамма ишимиза капейка бўлиб қолади. Ман ўзбек тилига тўст этдим. Ҳамма ўзбек тили учун бир рядда бўлиши керак, орада биттаям места свободна қолмасин, дедим. Ҳамма до дна ичди. Силаям бизани паддержка қиласила, деб подписимни қўйдим. Ман Красний мост кварталдаги домда тураман. «Раджи золотой» десайла, ҳамма точна кўрсатиб беради. Оқ брюк билан позалоченний очки тақиб юраман. Билагимда сиганкалардан олган браслетим ҳам бор. Бошпурт бўйича Ражабтилла Каримтиллаевичман. Гапимни яна битта добавкаси бор: сила билан отделна ўтириб, отдуши гаплашмоқчиман. Согласно бўласила, силага неудобна бўлмайди, деган мнениядаман. О, кейми?»

Дилни ўртаб юборгувчи бу мактубга жавобимиз тайин:

– Нима ҳам дердик, пажалиска деймиз-да...

Умидимиз юлдузлари, бу сатрларни ўқиб кўз олдингизга балки бирор дўстингиз келгандир. Сиз бундай ноқисликлардан холидирсиз. Сизга баракалла, деб, ўртоғингизни бу касалликдан қутулишига ёрдам берасиз, деган умид ила мавзуни давом эттирамиз.

Ҳикоят. Икки шоир одил подшоҳ Нўширавоннинг зиёфатида ҳозир бўлдилар. Бири баланд овозда байт ўқиди:

*Яхшилигим қайтсин, десанг сен,
Яхшилик қил, яхши ўй ўйла!*

Навбат иккинчи шоирга келганда бу байтни ўқиди:

*Ёмонлигим қайтмасин, десанг,
Ёмон бўлма, ёмон ўй қилма!*

Бу байтларни эшитган Нўширавон хушҳол бўлиб, биринчи байтни ўқиган шоирга минг дирҳам, иккинчисига эса беш юз дирҳам ҳадя бермоқликни амр этди. Шунда вазирлардан бири ажабланиб сўради:

– Эй, одил амирим, уларнинг байтлари бир маънода бўлгани ҳолда не учун ҳар хил туҳфа бердингиз?

Нўширавон шундай жавоб қилди:

– Рост, маъно бир. Бироқ, сўзда тафовут бор. Биринчисининг сўзи бошдан-оёқ яхшилик ҳақида бўлди. Иккинчисиники эса кишига фақат ёмонликни эслатди.

Яна бир ривоят. Бошқа замонда ва бошқа мамлакатда шунга ўхшаш воқеа содир бўлган экан. Подшоҳ бир бегуноҳни ўлдирмакка амр этди. Ул бечора ноумидлик ҳолатида қабиҳ сўзлар айтиб, подшоҳга дашном берди, андоқким, дебдурлар: «Ҳар кишиким жонидин кечар, кўнглидан ҳар на сўз бўлса, они қўрқмай изҳор этар». Подшоҳ у одамнинг дашномига тушунмай, вазирларидан «Ул на сўз айтур?» деб сўради. Оқил вазир дедикки:

– Эй, подшоҳим, ул бечора айтурким: «Ҳар киши қаҳру ғазабин ютиб, халқнинг гуноҳин ўтиб, эҳсон қилса, Ҳақ Таоло уни дўст тутар ва жами гуноҳидан ўтар».

Подшоҳга бу гап хуш келиб, айбланувчининг гуноҳидан ўтди, ўлим ҳукми бекор бўлди. Алҳол, яна бир ғофил вазир бор эдиким, оқил вазирга қараб деди:

– Подшоҳнинг суҳбатида сандин ва мандин ёлғон сўз айтмоқ муносиб эмасдур. Бу киши подшоҳга дашном қилди. Сен бу сўзларингни ёлғон айтурсан!

Подшоҳга ғофилнинг сўзи нохуш келиб, ундан юз ўгириб деди:

– Сенинг бу рост сўзингдан унинг ул ёлғон сўзи манга хўб яхши кўринур, нединким, унинг бу сўзи амният ва маслаҳат биносига истехком берур ва сенинг сўзинг фасод ва шарорат турғузмоқни тақозо қилур. Андоқким, хирадмандлар айтубдурлар: «Маслаҳатомиз ёлғон сўз фитнангиз рост сўздин яхшироқдир».

Бу вазиятда подшоҳ «Ҳар бир сўзни ҳақиқат деб сўзлайвериш хато, аммо ҳақ сўзни тинглаш ва унга амал қилиш – фарздир», деган ҳикматга амал қилган эди.

Жўшон ҳазратларининг китобларида ажиб воқеа баёнини ўқиб хотирлаб қолган эдим.

Ўн саккизинчи асрда леда Монтегу деган хоним Инглистон элчиси бўлмиш эрига ҳамроҳ бўлиб Истанбулга келади. Бу ерда кўрганларини мактублар тарзида ёзиб, китоб ҳолида чоп эттиради. Шу китобда ёзишча, у Фотима Султон деган хушсурат ва хушхулқ аёл билан танишади, уни ёқтириб қолади, гўзаллигидан ҳайратланади ва инглизларга хос сўзамоллик билан ҳазиллашади:

– Хоним афанди, сиз жуда гўзалсиз, шу қадар чиройлисизки, бу ерга келган-кетган хотинлар ҳуснингиздан ҳайратда. Агар Англияда бўлсангиз эди, эркаклар атрофингизда гирдикапалак бўлишарди.

Хоним афанди бу инглизча лутфдан бир чўчиб тушади. Чунки инглиз завқи, хоҳиши, лутфи мусулмонникидан тамоман фарқ қилади. Хоним афанди газабланади-ю, аммо начора, у леда меҳмони... Шу боис ғоят этиёткорлик ва назокат билан шундай жавоб қайтаради:

– Сўзларингизга ишонмайман, инглиз эркаклари гўзаллик қадр-қимматини билганларида эди, сизни бу ерга зинҳор жўнатишмас эди.

Бу мулоқотдан қаттиқ таъсирланган инглиз хоним мактубида бундай ёзади:

«Азизим, бу нуктадонликка боқ! Бу зарофатга боқ! На қадар зарифлик! Нозиклик! На қадар зариф инсонлар!»

Ҳа, буни бир ўқ билан икки қуённи уриш деб атайдилар. Хоним афанди, аввало, меҳмоннинг гўзаллигини лутф билан эътироф этди ва инглиз эркакларининг аёлларга нисбатан муносабатлари аянчли ва шармандали эканини билдирди.

Ҳазрат Сўфи Оллоҳёрдан ўқиймиз:

*Мусулмон ўғлида бўлса сучук тил,
Олиб келса бўлур бир қий била фил.*

Маъноси: Мусулмон боласи ширинсўз бўлса, филни ип билан йўлга солса бўлур, дейилмоқчи.

Инсон боласи ҳатто душманига ҳам ёмон сўз айтмасликка ҳаракат қилиши керак. Душманни ислоҳ этувчи сўз айтиш уни кўп балолардан асрайди.

*Сучук лафзи билан мўри хирадманд,
Солур зўр аждаҳонинг оғзина банд.*

Дейилмоқчики, ширин сўз билан ақлли қумурсқа (чумоли) баҳай-бат аждаҳонинг оғзига банд солади. Бундан мурод: кимсанинг ўзи заиф бўлса-да, яхши гапи билан улуғ мартаба эгаларига ўғит тузоғини солиб, тўғри йўлга йўллай олади.

*Мулойим тил билан беҳарбу безарб,
Бировни келтурурлар шарқдин гарб.*

Дейилмоқчики, мулойим сўз билан ҳеч бир уруш-талашсиз бировни машриқдан мағрибга келтура олурлар.

*Бу эрлар олмайин бир игна қўлга,
Солурлар неча гумроҳларни йўлга.*

Сучук тилли эрлар ҳеч бир уруш қуролини қўлга олмай, биргина юмшоқлик билан қанча йўлдан озганларни тўғри йўлга соладилар («игна» сўзи уруш қуроли маъносида келади).

*Сучук тилдир ажаб ганжи муаззам,
Ато қилган билан ҳеч бўлмагай кам.*

Яъни: ширин сўз шундайин ажойиб хазинаки, сарф қилган билан камаймас, шу боис уни бошқалардан қизганиб юрма.

*Дема ҳарфеки, бўлса бемаоний,
Агар тил ҳарзе бўлса, сан тил они.*

Маъноси будир: агарчи гапирар экансан, сўзингнинг ақалли бир ҳарфи ҳам маъносиз бўлмасин. Мабодо тилинг ботил ва беҳуда сўзлар сўзлайверса, унда сен бундай тилни тишлаб ташласанг ҳам бўлади. («Ҳарза» – беҳуда, маъносиз вайсаш, демак. Китобнинг айрим нашрларида «агар **тил заҳарли** бўлса, тил они» деган шаклда ҳам ёзилган. Яъни, беҳуда вайсайверадиган тилни тилиб-тилиб ташла, дейилмоқчи.)

*Калиди ганжи маъноким, забондур,
Анга бир нуқта тушса, кўп зиёндур.*

Дейилмоқчики, маънолар хазинасининг очқичи – тил. Қулфнинг ичига бирор майда нарса – чўп тушса ҳам зиён бўлади. Ка-

лит ишламай қолиши мумкин. Байтдаги «нуқта»дан мурод – араб ҳарфларида «забон» сўзидаги «б» нуқтаси ёнига яна бир нуқта тушиб қолса, маъно ўзгариб, бу сўз «зиён» деб ўқилиши мумкин.

Ривоят. Хитой, Ҳинд, Эрон ва Рум подшоҳлари бир ерга йиғилиб: «Ҳар биримиз биттадан ҳикмат айттайликки, дунё тургунча турсин», дедилар.

Хитой шоҳи деди:

– Мен айтган сўзимни қайтариб олишдан кўра, сўзни оғиздан чиқармасликка ҳаракат қиламан.

Ҳинд шоҳи деди:

– Мен ўз фойдасини кўзлаб айтган сўзи зарар берган ва ўзини ҳалок қилган одамга ҳайрон қоламан.

Эрон шоҳи деди:

– Оғзимдан чиқмаган сўзим – қулимдир, айтганим эса – хоҷам.

Рум шоҳи деди:

– Мен айтмаган сўзимдан ҳеч вақт пушаймон бўлмаганман. Айтганимдан эса тез-тез пушаймон бўламан. Шоҳларнинг индамаслиги фойдасиз ва бемаъни суҳбатлардан кўра яхшидир. Инсон ҳар нарсадан кўпроқ ўз тили туфайли балого йўлиқади.

Ҳар киши Низомий Ганжавий ҳазратларининг бу насиҳатларига амал қилса кам бўлмас:

*Олдин билиб олиб, кейин сўзлагил,
Олтин топиб, сўнгра харжин кўзлагил.*

Оқил сўзламак фазилати ҳақида гапирганда суҳбатда ким аввал сўз бошлаши керак, сўрамоқ одоби қандай бўлиши керак, деган саволларни четлаб ўтиш мумкин эмас. Аввали шуки, катталар сўрамасдан туриб, ёшларнинг сўз бошлалари одобсизлик саналади. Ишончли бўлмаган кишининг олдида айтар сўзни ўйлаб гапириш икки карра муҳимдир. Кимки бошқаларни ўз ҳузурига чорлар экан, сўзни шу чорлаган киши бошламоғи жоиз. Сўрамасдан олдин сўз бошлаш инсоний одатларга зид бўлиб, оқиллар таърифига кўра, бу ҳайвонлар қаторидаги иш бўлур эди. Телба, тентак, ақди заиф бўлганларгина бошқаларнинг савол ва қизиқишларини кутиб турмасдан гап бошлаб юбораверадилар. Шунинг учун улар кўп дакки эшитишади. Байт:

*Қора бошга ёвуз ёвдир қизил тил,
Не-не бошни эди, яна эгай, бил!*

Латифа. Бир гадо овқатланиб ўтирган кишилардан: «Нима еяпсизлар?» деб сўради. «Заҳар» деб жавоб бердилар. Шунда гадо бетакаллуф равишда таомга қўл узатиб дедики: «Заҳардан менга ҳам беринглар, сизлар ўлсангизлар, менга ҳаётнинг қизиғи йўқ».

Ҳар куни ҳар биримиз ўнлаб, ҳатто ундан-да кўп савол-жавобларнинг гувоҳи бўламиз. Ўзимиз кимлардандир, ниманидир сўраймиз, кимларнингдир саволига эса жавоб қайтарамиз. Баъзан «Шунақа ҳам бемаъни савол бўладими?» деб ғашланамиз. Баъзан саволга яраша жавоб бўлганини ўзимиз ҳам сезмай қоламиз.

Ривоят. Бир одам вазири аъзамнинг уйини излаб юриб, унинг ўзига дуч келди. Танимагани учун:

– Вазири аъзамнинг уйлари қаерда? – деб сўради.

Вазири аъзам ўзининг уйини кўрсатиб қўйди-ю йўлида давом этаверди. Излаган одам унинг уйини топиб бориб, эшикни тақиллатди. «Хожамиз яқингинада чиқдилар», деган жавобни эшитиб, кечгача кутди. Кечки пайт вазири аъзам қайтгач, «Вазири аъзам сизмисиз? Ҳали ўз уйингизни менга кўрсатиб кетавердингизми? Ахир мен сизни излаб келувдим-ку! Бир бечорани куттириш адолатданми?» деб ранжиди. Шунда вазири аъзам дедики:

– Биродар, сиз мендан «вазири аъзамнинг уйлари қаерда?» деб сўрадингиз. Сўроғингизга муносиб равишда уйни кўрсатдим. Агар «Вазири аъзамни қаердан топаман?» деганингизда «Менман», деган бўлардим ва сиз кутиш азиятидан қутулар эдингиз. Сиз мендан эмас, тилингиздан шикоят қилганингиз дуруст.

Шу вазири аъзамга подшоҳ: «Пойтахтда нечта сўқир, нечта басир бор, аниқлаб беринг», деди. Шунда вазир уйига бориб йиғма сўрини (каравот) хизматкорига кўтартириб, бозорга олиб борадиган серқатнов кўчага келтирди-да, бир қисмини йиғиб, қолганини йиғмоқчи бўлаётгандай ҳаракат қилиб турди. Шу пайт подшоҳ аъёнлари билан шу кўчадан ўтиб қолди. Аввал аъёнлар, сўнг подшоҳнинг ўзи «Нима қияпсиз?» деб сўради. «Нима қилаётганимни ҳали кечки пайт айтаман», деди вазири аъзам. Улар кетгач, бошқалар ҳам қизиқиб сўрайверишди. Вазири аъзам хизматкорнинг қўлига бир дафтар бериб: «Нима қияпсиз?» деб сўраганларни кўзи ожизлар саҳифасига: «Бу ерга нима учун сўри қўймоқчисиз?» – деганларни кўзи очиклар рўйхатига ёзмоқни буюрди. Кеч киргач, рўйхатни подшоҳга тақдим этди. Подшоҳ кўзи ожизлар рўйхатида ўз номини кўриб, ғазабланди. Вазири аъзам изоҳ бердики:

– Давлатпаноҳим, ҳали кўчада сўрини йиғаётганимда «Нима қияпсиз?» деб сўрадингиз. Бошқалар ҳам шундай деб сўрашди. Кишининг нима қилаётганини кўрмаган одамгина «нима қил-

япсан?» деб сўраши мумкин. Шу боис сизни ҳам кўзи кўрмайдиганлар рўйхатига ёздирдим. Қаранг, бу рўйхат кўрадиганлар рўйхатига нисбатан анча узун.

Бу изоҳ подшоҳга маъқул келиб, вазирига ҳадея берди.

Суҳбатлашиб ўтирган одамнинг бири иккинчисидан баъзан «Мен боғдан келсам, сен тоғдан келасан-а!» деб ранжийди. Айрим суҳбатлар Мавлоно Румий ҳикматларидаги воқеани эслатади.

Ҳикоят. Анчадан бери хаста ётган одамнинг бир кар маҳалладоши бор эди. Дўстлари унга «Хаста биродарингни шу пайтгача ҳам йўқламабсан-а?» деб танбеҳ бердилар. Бу гап карга таъсир қилиб, дарҳол зиёратга отланди. Йўлда бора туриб ўйланди:

– Мен карман, у эса хаста – ғоят паст овозда гапиради. Ҳеч нарсани эшитмасам, қандай гаплашаман?

Ўйлай-ўйлай «Беморнинг гапларини юздаги ифодадан билиб оламан, – деб қарор қилди. – Уйга киргач «Қандайсан?» деб сўрайман. У хазин табассум қилади, шу жилмайиши «яхшиман», дегани бўлади. Шунда мен «Алҳамдулиллаҳ, жуда ҳам хурсандман», дейман. Кейин «Нима ичиб, нима еяпсан?» деб сўрайман. Албатта «Шўрва» ёки «сут», деб бирон таомнинг номини айтади. Шунда мен «Ош бўлсин», деб дуо қиламан-да, «Қайси табиб қараяпти?» деб сўрайман. «Фалончи табиб», деб биронтасининг номини билдиради. Мен «У табибнинг ғоятда қўли енгил, яхши даволайди», деб кўнглини кўтараман», деган тайёргарлик билан беморнинг уйига кириб борди. Режаси бўйича «Қалайсиз, қўшнижон», – деб сўради. Бемор шукр ва сабр қилувчилардан эмасди. Шу боис кар кутгандай «Худого шукр, яхшиман», дейиш ўрнига маҳзунлик билан:

– Касалим оғир, ўляпман, – деди. Кар бу гапни эшитмаса-да, юзидаги хазин табассумдан ўзича хулоса чиқариб, суҳбатини давом эттирди:

– Оҳ! Оҳ! Жуда хурсандман, Худого шукр!

Бемор бу одамнинг карлигини унутиб, гапидан ғазабланди. «Бу одам душманим экан-да, билмай юрган эканман», деб ўйланди. Кар эса давом этди:

– Нима еб, нима ичяпсиз?

– Заҳар еб, заҳар ичяпман, – деди бемор аччиқланиб.

– Ош бўлсин, – деди кар. – Қайси табиб келиб турибди?

– Азроил келиб-кетяпти.

– Оҳ, оҳ! Унинг қўли жуда енгил-да, яхши даволайди.

Шундай деб ўзича беморнинг кўнглини кўтарган бўлиб, ўрнидан турди. Унинг душман эканига қатъий ишонган бемор эса ғазаб ўтида қовурилиб қолаверди.

Мавлавийнинг бу қиссалари кишилар ўртасидаги баъзи англашилмовчиликларни яққол кўрсатиб беради. Салкам саккиз аср илгари баён қилинмиш бу каби воқеа бугун айнан эмас, рамзий маънода ҳаётда кўп учрайди. Айримлар бу дунёнинг машаққатлари остидаги касал одамга ўхшайдилар. Баъзи одамлар эса илмдан, одоб-ахлоқ ва фазилатдан жуда узоқ бўлганлари туфайли нозик туйғуларни англамайдиган, ҳақиқатни тушуниб етмайдиган карга ўхшайдилар. Уларнинг ўзаро суҳбатлари, ҳатто меҳрибончиликлари ҳам ҳақиқий эмас. Бундай кишилар ҳар қандай гапни ўз тушунчасига кўра англаб, шунга қараб, бошқалар билан дўст ёки душман бўладилар. Баён этилган воқеа сувратга эмас, сийратга қараб иш тутсанг тўғри бўлади, деган мазмундаги сабоқдир. Чунки яхши тушунмаган сўзлар ҳар икки томонни ранжитади. Гапини яхши тушунтира олмаган киши охирида надомат чекади.

Мавлавий ҳазратлари ташқи белгилар, сўзлар шаклига эътибор қилмаслик, балки сўзнинг маъносига ва самимийлигига эътибор бериш лозимлигини кўп таъкидлайдилар. Кимнингдир сизга айтган сўзлари содда, тўпори туюлиши ҳам мумкин. Лекин чиройли гапирган одамга нисбатан унинг муҳаббати сохта эмас, тама-ғаразга асосланмаган. У сизга садоқатли. Юракдан айтилган гаплар айтувчининг садоқатини ифодалайди. Шу боис ҳам қалби пок кишиларнинг суҳбати барча учун ёқимли бўлади. Зеро, инсон қалби қанча тоза, саришта бўлса, илму ҳикмат унда шунча акс этади. «Кўнгил – жавҳар, сўз эса – араз (ҳодиса)», – дейдилар Румий ҳазратлари. Агарчи киши фикрини сўз билан ифодаласа ҳам, лекин бу сўз кўнгилдан чиқдими ёки йўқми – муҳими шу! Сўз – қурол, мақсад эса кўнгил. Кўнгил ўрганмаса, эҳтиросларга тўлишмаса, сўзда таъсир бўлмайди. Айниқса, бир ғарибнинг кўнглини шод қиладиган сўз айтиш олтин хазинаси топишдан афзалроқдир. Чунки бу асл инсонийлик гавҳарини улашишдир.

Мухтасар сўз айтмоқнинг афзаллигини таъкидлаган ҳолда, бу мавзудаги суҳбатда қисқаликка эришолмаганим учун узр сўрайман. Донолардан ўқиб, ўрганганим анчагина эдики, уларнинг, баҳолиқудрат, барчасини сиз азиз умидимиз юлдузлари билан баҳам кўрмоқни истадим, бирини баён этиб, бошқасини четда қолдиришга кўнглим бўлмади. Узримни қабул қилишингизга умид билдириб, кейинги мавзуга ўтаман. Аслида бу алоҳида мавзу эмас, балки ҳозирги суҳбатимизнинг мантиқий давомидир.

САЛОМНИНГ ХОСИЯТИ

*Саҳроларда иш беради бўлса хум,
Соясидан баҳра олади гужум.
Салом бериш бўлар гапнинг калити,
Эй, яхшилар, ассалому алайкум.*

Пайғамбаримиз алайҳиссаломдан сўрадилар: «Қайси амал энг яхши амалдир?» Жавоб бердилар: «Таниган ва танимаган одамингга таом ва салом бермоғинг».

Салом бериш – суннат, алик олиш вожибдир. Салом ўзига хос дуо, ибодатдир.

Умидимиз юлдузлари, ёдингиздадир, эртақларда кўп ўқигансиз: даҳшатли аждаҳолар ёки алвастилар маконига келиб қолган қаҳрамонлар ёвузни кўриши ҳамон салом берадилар. Шунда аждаҳо нима дейди, эсингиздами? Ҳа, «Саломинг бўлмаганда икки ямлаб, бир ютардим», дейди. Бу нимани англатади? Салом дуоСИ ҳар қандай ёвузнинг кўнглини юмшатиш қудратига эга. Ёдингизда бўлса, силайи раҳмга доир суҳбатимизда «Қариндошларни салом билан бўлса ҳам йўқланг», деган мазмундаги шарафли ҳадисни тилга олган эдик. Демак, совға-саломлар ўз йўлига, саломнинг қадри эса ўзгача. Расулуллоҳ (с.а.в.) Анас ибн Моликка (р.а.) хитобан дедилар: «Эй, ўғлим, уйингга ва қариндош-уруғингникига борсанг, саломлаш, бу салом сенга ва оила аъзоларингга барака келтиради». Қариндошларимизнинг қутлуғ хонадонларига саломсиз кириб боргудай бўлсак, олиб борган қаймоқ-нонларимиз уларга татимайди. Ўша қаймоқ-нон ейилгач, адо бўлади. Салом туфайли қилинган дуо эса яшаб қолаверади. Хонадонга гўшт ёки қовун кўтариб кирмасак, «Нега гўштсиз қуруқ келдинг?» деб ранжишмайди. Остона ҳатлашимиз билан салом бермасак, оғринадилар. Эҳтимол, «Бу одобсизни, бу бесаломни ким тарбия қилган?» деб газабланишлари ҳам мумкин.

*Худойим берибди инсонга калом,
Бемаврид иш қилиб тортмагин алам.
Яхши ҳам, ёмон ҳам шундан билинар,
Ким бўлса олдидан ўтма бесалом...*

Буни ҳаммамиз биламиз, шунинг учун ҳам ота-она азиз фарзандининг ҳали тили чиқмаёқ, жажжи қўлчаларини кўксига қўйиб салом беришга ўргатади. Тилидан биринчи марта «ассалом!» деган тотли сўзни эшитганида беҳад қувонади.

Саломнинг шаклида, ташқи кўринишида ҳар бир миллатнинг ўзигагина хос томонлари бўлиши мумкин. Бизда ўнг қўлини чап кўксига қўйиб, тавозе билан саломлашишнинг гўзал одоби мавжуд. Шунга қарамай, айрим одамлар икки кафтларини киндиклари устига қўйиб, эгилиб салом берадилар. Уларнинг бу ҳолати саломга нисбатан рукуга ўхшаб кетади. Киноларда кўрганмиз, ҳукмдор ёки бошқа амалдорлар ҳузурида руку нима экан, саждага ҳам борадилар. Эмаклаб келиб, ҳукмдорнинг оёғи остига сажда қиладилар. Мана шундан сақланиш керак. Салом бировнинг устунлигини, ўзининг эса пастдалигини таъкидлаш учун эмас. Бу одат қадим подшоҳларнинг ўзларини буюк деб ҳисоблаган даврларидан мерос бўлиб ўтиб келган бўлса, эҳтимол.

Саломнинг шакли турлича бўлгани билан мазмун-моҳияти бир. Саломлашишни бизга Яратган роббимизнинг Ўзи буюради. «Нисо» сурасида айтадики: «Қачонки сизга бир саломлашиш ила салом берилса, сиз ундан кўра яхшироқ алиқ олинг ёки худди ўзидек жавоб беринг». Солмон Форсий (р.а.) дан мазкур оятнинг амалдаги ҳолатини акс эттирувчи шарафли ҳадиски: «Бир одам Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳузурларига келиб:

– Ассалому алайка, я Расулуллоҳ! – деди.

Расулуллоҳ (с.а.в.) у одамга:

– Ва алайкас-салому ва роҳматуллоҳи, – дедилар.

Кейин бошқа бир одам келиб:

– Ассалому алайка, я Расулуллоҳи ва роҳматуллоҳи, – деди.

Расулуллоҳ (с.а.в.) унга:

– Ва алайкас-салому ва роҳматуллоҳи ва барокатуҳу, – дедилар.

Сўнгра яна бир одам келиб салом берди:

– Ассалому алайка, я Расулуллоҳи ва роҳматуллоҳи ва барокатуҳу.

Расулуллоҳ (с.а.в.) унга худди ўзидай жавоб қайтардилар:

– Ва алайкас-салому ва роҳматуллоҳи ва барокатуҳу.

Шунда у одам мазкур жавобдан ажабланиб, деди:

– Эй, Аллоҳнинг расули! Ҳузурингизга мендан олдинроқ фалончи ва фалончилар келиб салом бердилар. Сиз мендан кўра уларга яхшироқ жавоб қайтардингиз?

Шунда Пайғамбаримиз (с.а.в.) дедилар:

– Сен менга салом берганигда ошириб айтишим учун ҳеч нарсани қўймадинг. Аллоҳ: «Қачонки сизга бир саломлашиш ила салом берилса, сиз ундан кўра яхшироқ алиқ олинг ёки ўзидек жавоб беринг», деган. Сенга ўзидек жавоб бердим.

Абу Хурайра (р.а.) Расулulloҳ (с.а.в.)дан сўрадилар: «Я Расулulloҳ! Менга бир иш ҳақида хабар берингки, мен ўша ишни қилиб, жаннатга кирайин». **«Саломни ошкора қил**, очларга таом бер, силайи раҳм қил, тунда одамлар ухлаган пайтда қоим бўл. Сўнг-ра саломат ҳолда жаннатга киравер», – дедилар Пайғамбаримиз алайҳиссалом.

Мазкур ҳадисдаги **«Саломни ошкора қил»**, деган амалга диққатимизни қаратайлик. Баъзан қайси бир биродаримизнинг имо-ишора билан салом бергани ёки бош ирғаб алик олганига гувоҳ бўламиз. Бу чиройли одоб эмас.

Кўпинча давраларда салом бериш одоби ҳақида сўз кетса «Аввал ким салом бериши керак?» деган савол кўтарилади. Эр ва аёл рўпара келганда биринчи бўлиб аёл салом бериши керак. Бу билан аёл камситилаётгани йўқ. Агар эр салом берса, гўё аёлни гапга тортишга баҳона излагандай бўлади. Ўрнида айтиш лозимки, айрим мамлакатларда шаҳар ёки қишлоқларда аёллар билан қўл бериб кўришилмайди. Салом ва аликнинг ўзи билан кифояланишади.

Кўчада пиёда билан суворий (ҳозир машинадаги одам) учрашиб қолса, пиёдага машинада ўтирган одам салом беради. Чунки пиёда олдин салом берса, бу саломдан мақсад замирида «Тўхтанг, мени ҳам ола кетинг», деган тама бўлиши мумкин. Бир киши кўпчилик орасига кирганда бир марта салом беради, ҳар бир одамга алоҳида-алоҳида салом бериши шарт эмас. Улардан бири алик олса кифоя. Агар ҳаммалари алик олишса савоб бўлади. Ўн киши ўтирган жойга тўрт киши кирса, бирлари салом берса бўлади, тўртовлари ҳам салом бериши афзалдир, ўтирганларнинг ҳар бирлари алоҳида-алоҳида тўрт марта эмас, бир марта алик олсалар кифоя. Ўтирган ёки тик турган одамга юриб келган киши салом беради. Таомланаётган киши эса, аксинча, яқинлашган одамга салом беради. Чунки дастурхонга яқинлашаётган одам аввал салом берса, «овқатингга шерик қиласанми?» деган тама яширинган бўлиши мумкин.

Ўтирган одамларга салом бериш масаласида яна бир баҳсли жой бор: айтайлик, чойхонада ўн одам шахматми ё нардами ўйнаб ўтирибди. Кириб келган одам одоб юзасидан уларга салом бериши керак. Лекин бу ҳолда салом бермагани маъқул. Чунки ўйинга банд одамлар алик олмасликлари ва бунинг оқибатида гуноҳкор бўлиб қолишлари мумкин. Кўпинча чойхонадаги ўйинчиларнинг бош ирғаб алик олганларини кўрамизки, бу ҳам кишининг гашини келтиради. Халқимиз одобига кўра каттами ё ёш болами салом бергач, алик олиниб, сиҳат-саломатлик, ҳол-аҳвол сўралади. Бош

ирғаб алик олувчиларда бундай одоб йўқ. Бугун чойхонага бир юмуш билан кириб қолган ўсмир саломига шундай алик олиними кўргач, эртага бош ирғаб алик олган беодобни кўчада кўрса, салом бермай ўтиб кетса, ким айбдор бўлади?

Кўчадаги ҳаракатни назорат қилувчи милиция ходимлари машинани тўхтатган онларида ўзларини таништирадилар, ҳужжатни талаб қиладилар-у ҳайдовчига салом беришни унутиб қўядилар. Эҳтимол, панжаларини чаккаларига олиб келишлари, русчасига айтганда «чест» беришларини салом ўрнига ўтади, деб ўйлашар. Йўқ, бу ҳаракатлари салом ўрнига ўтмайди. Одоб юзасидан аввал салом бериб, бунинг эвазига аликдан иборат хайрли дуо олганлари минг марта яхши. Агар кун давомида эллик одамни тўхтатиб салом берсалар, ўзлари эллик одамдан дуо олган бўладилар.

Савдо ходимлари ҳам бу ҳолатга эътибор беришлари шарт. Тижорат аҳли бошқа касб эгаларидан чиройли муомалалари билан ажралиб туришлари зарур. Баъзан дўконга кирсак, сотувчи (кўпроқ ёш сотувчи) шериги билан гаплашиб турган ёки кроссворд ечаётган бўлади. Кирган харидорга бир қараб қўяди-ю, «Сен келдингми ё ит келдимми?» дегандай ўз юмуши билан банд бўлаверади. Айниқса, қизларда бундай беодоблик кўп учрайди. Агар сотувчи савдо билан банд бўлса ҳам, кириб келган харидорга салом берса, нур аланнурдир.

Биз бир даврага кирганимизда салом беришга одатланганмиз. Хайрлашар маҳалида «ассалому алайкум» дейиш хулқидан узоқроқмиз. Бу хулқни ҳам эгаллаб, хайрлашув саломини берсак, гўзал ва ёқимли бўлади. Қабристон ёнида ўтилаётганда, ичкарига кирилмаса ҳам салом берилади. Ўз уйимизга кираётганимизда ҳам хонадон аҳлига салом беришимиз керак. Айрим оилаларда эрталаб бир-бирларига салом бериш одати йўқлиги яхши одобдан эмас.

Бир ёш оила бузилиш даражасига етиб, маҳаллага арз билан чиқдилар. Бунақа пайтларда қайноналар келиннинг кўп айбларини айтиб ташлашади. Менинг диққатимни қайнонанинг «келиним эрталаб салом бермайди. Қанча ўргатсам ҳам қулоғига олмади», дейиши ажаблантирди. Шунда келиннинг онаси «Бир ҳовлида яшаб турса ҳам салом бераверадими? Бизникида бунақа одат йўқ», деб изоҳ берди. Келинда саломлашиш одоби йўқлигига ким сабабчи экани шу изоҳдан кейин маълум бўлди.

Умидимиз юлдузлари, сиз уйда салом беришга ўргангансиз, ўқишга борганингизда устозларингизга ҳам салом берасизлар, баракалла! Лекин тенгдошларингизга салом бермайсиз. Бир-бирингиз билан қўл бериб кўришасизлару, «қалайсан?» деб қўясизлар.

Баъзиларнинг «салют!» ёки «привет!» деган одатлари ҳам борки, бу дуруст одоб эмас.

Ҳаммомда, ҳожатхонада салом берилмаслигини билсангиз керак. Кўп жойларда эрталаб уйфONGач, таҳорат қилинмагунча ёки то юз-қўл ювилмагунча салом берилмайди. Айрим жойларда эса бу одобга эътибор берилмайди. Уйқудан бош кўтарилиши билан кўринган одамга салом берилади. У одам эса ювуқсиз бўлса ҳам алик олаверади. Бу одатнинг қайси бири тўғри, деб баҳслашиш ортиқча. Албатта, салом дуоси покиза ҳолда қилингани маъқул. Лекин маҳалла ёки қишлоқ аҳли бунга одатланмаган бўлса-ю, сиз меҳмонга борганингизда ювиқсиз ҳолда салом бермаганингиздан ажабланишса, ўз одатингизни ҳилмик ила тушунтириб берганингиз яхши.

Қуръон ўқиладиганда, номаҳрам хотинларга, намоз ўқиб турган одамга ҳам салом берилмайди.

Бизнинг одобимизга кўра, кичиклар катталарга салом берадилар. Лекин кичиклар баъзан болаликларига бориб ё бирон нарсага чалғиб, салом беришни унутишлари мумкин. Шунда катталар уларни дарров урушмай, салом берсалар, шунинг ўзи дакки ўрнида ўтади. Қўл бериб кўришишда эса кичиклар аввал қўл узатишдан тийилишлари керак. Агар катта киши қўл узатса, эҳтиром юзасидан қўш қўллаб кўришмоқ афзал. Катта киши қўл узатмаса, салом беришнинг ўзи кифоя. Ҳол-аҳвол сўраш ҳам аввал каттадан лозим. Болалар, ёшлар салом беришганда биз – катта ёшлилар «Ваалайкум ассалом» дейишдан ташқари яна улар тушунадиган тилда «Баракалла!» ёки «Ота-онангга раҳмат!» ёки «Илоҳим бахтли бўл!» деб қўшимча дуо қилиб, мақтаб қўйсак, унинг келажақда янада гўзал ахлоқ эгаси бўлиб етишишига ҳисса қўшган бўламиз. Қани эди, барча шу одатни ўзлаштиради! Кўчага чиққан ўсмир-ёшлар уйга янада кўпроқ, олам-олам дуолар билан, таниган-танимаган ўнлаб одамларнинг хайрли тилаклари билан қайтган бўлардилар.

Салом бераётган одамнинг чеҳраси очиқ ва хурсанд бўлсин. Алик олувчининг қувончи юз-кўзларидан сезилиб туриши керак.

Телефон орқали саломлашиш ҳам ўзига яраша одобни талаб қилади. Телефон жиринглаганда гўшакни кўтарган одам «Ассалому алайкум, лаббай», деса гўзал хулқ соҳиби эканини намоеън этган бўлади. Ҳеч бўлмаса «лаббай» деса ҳам чиройли бўлади. Баъзан эшитиб, кўнгилни хира қиладиган жавобларга диққат қилайлик: «Ҳа, ким керак?» ёки «Алло, кимсиз, сизга ким керак?» Баъзилар эса русларга тақлид қилиб «Да!» деб қўйишади. Шундайлардан

бири гўшакни кўтариб «Да, да!» деса қўнғироқ қилган киши «Мен дадангиз эмас, поччангизман», деб пичинг қилган экан. Ҳар ҳолда, инглизча «алло», русча «да»нинг ўрнига ўзимизнинг «лаббай» яхшироқ эшитилади. Дейлик, гўшакни кўтарилиб «лаббай!» дейилди. Шунда қўнғироқ қилувчи албатта салом бериши, бу томон алик олгач, мулоқот бошланиши керак. Баъзан бунинг аксига гувоҳ бўламиз: «Алло, Гули борми?» ёки «Алло, Гулини чақириб беринг»... Баъзан эса ҳе йўқ, бе йўқ сўралади: «Бу ер қаердан?» ёки «Ким бу?» Шундай дейилгач, шубҳасиз «Сизга ким керак эди?» деган савол берилади. Ёки «Аввал қаерга қўнғироқ қилаётганингизни билиб, сўнг рақам теринг», деб жеркиб берилиши ҳам эҳтимол.

Телефон ҳақида гап кетганда, мавзудан салгина четга чиқсак-да, қўл телефонларидан фойдаланиш одобига тўхталиб ўтсак. Ҳозир каттаю кичикнинг қўлида телефон кўрамиз. Қаерда бўлса ҳам баралла овозда гаплашаверадилар. Бир куни хорижлик меҳмон билан ошхонада тамадди қилиб ўтирган эдик, ёнимиздаги сўрида ўтирган йигитлардан бири телефонда гаплаша бошлади. Меҳмон унга ажабланиб қараб-қараб қўйди. Йигит гапини мухтасар қилмади. Бундан ғашланган меҳмон ошхона ходимини чорлаб: «Бу укамизга айтинг, биз бунга таомланиб, ҳузурланиш учун келганмиз, гаплари бўлса, идораларида гаплашсинлар», деди. Ошхона ходими мижозини бездириб қўйишдан чўчиб, уни инсофга чақирмади. Шунда меҳмоннинг ўзи танбеҳ берди. Хайриятки, йигит инсофли экан, айбини тушуниб, дарров узр сўради.

Бир куни тонг саҳардаги тўй ошида телефон жиринглади. Йигит бемалол гаплашаверди. Ҳатто «Ҳозир ошдаман», деб кекириб ҳам қўйди. Таассуф шундаки, йигит ўша гапларини уч соат кейин, ҳатто кечки пайт ҳам гаплашса бўлаверарди... Ана шундай ҳолатларда беодоб укаларимизга қўнғироқ қилиб: «Алло, фаросат борми?» дегимиз келади.

Асосий мавзуга қайтсак: биринчи бўлиб салом беришга «Қутадғу билиг»да яхши бир мисол бор. Зоҳид ва донишманд Ўзғурмиш подшоҳ Кунтуғди Элиг ҳузурига келганида салом бермайди. Подшоҳ бундан ажабланади. Сабабини сўраганида донишманд дейди:

– Сенга атайлаб салом бермадим. Тўғри, салом бериш кишига соғлиқ, саломатлик тилашдир. Салом – соғлиққа асос. У кишига эминлик, омонликдир.

*Омон берди эрга салом қилувчи,
Саломатлик топди алик олувчи.*

*Салом бўлди одам тинчига гаров,
Соглик олар салом билан қолувчи.*

Саломлашиш қоидасида улуғлар кичикка салом беришса, етук иш бўлади. Кичиклар камтарлик йўлини тутиб, улуғлар сўзини олса, ўзини улуғлик сари элтади.

Тасаввур қилинганки, улғайган чоғингизда сиз бир идора раҳбари ҳузурига кирдингиз. Улуғлар одобидан ибрат олган раҳбар сизни салом бериб қарши олса, ишингиз битмаса ҳам бу хонадан кўнглингиз ёришиб чиқасиз. У билан қадрдонлардай сўрашасиз, ўртадаги суҳбат ҳам самимий бўлади. Агар тунд равишда, ўтирган жойида саломингизга истар-истамас бош ирғаб алик олса-чи? Бу хонага кирганингизга пушаймон ейсиз. Ишингиз битса ҳам, кўнглингиз хира бўлиб чиқасиз. Бу раҳбарга иккинчи учрашмасликка онт ичасиз ва бундай кишиларга бу шарафли ҳадисни эслатганингиз келади: «Одамларнинг энг ожизи – дуога ожизлик қилган одам. Одамларнинг энг бахили салом беришга бахиллик қилган одамдир».

Ҳикоят. Ўзини хокисор олиб юрувчи, бойликни менсимовчи, доимо илм кетидан қувган киши бир олимнинг шуҳратини эшитиб, зиёратига отланди. Қўлида ҳеч нарса бўлмагани учун йўл-йўлакай бир райҳон шохини олиб, туҳфа сифатида олимнинг олдига қўйди, ҳурматини баён қилиб, унинг қўлини ўпди. Олим унинг саломига алик олмади, лутфига эътибор ҳам бермади. Илм толибининг бундан дили оғриси-да, изига қайтмай, бир чеккага ўтиб, индамай ўтираверди. Олимнинг ҳаракатларини кузатиб ўзича деди: «Бу олим илмига мағрурланиб кетибди. Бир оз ўтирай-чи, қани, нима гап бўлар экан, шунга қараб иш тутарман». Бу орада эшик очилиб, башанг кийинган бир киши кириб келди. Орқасидан эса тугун кўтарган хизматкори кўринди. Меҳмонни кўрган олим дик этиб ўрнидан турди, саломга алик олди, икки қўллаб сўрашиб, уни тўрға таклиф қилди. Хизматкор тугунни олимнинг қўлига тутқазди. Олим: «Хуш келибсиз, сизни кўришдан бағоят хурсандман», деб меҳмондорчиликнинг қоидасини ўрнига келтириб, зиёфатни бошлади. Зиёфатдан сўнг барча шогирдлари китобларини кўтариб, унинг атрофидан жой олишди. Олим билан бой орасида суҳбатни қизиқиб кузатаётган хокисор киши: «Бу олим беадаб киши экан, адабини бериш пайти келди», деган қарорда, ўрнидан туриб, олимнинг рўпарасига ўтирди.

– Муҳтарам олим, бир мушкул масалани ечишга ёрдам берсангиз, – деди у одоб билан.

– Қандай масала, айт, – деди олим.

– Мавлоно, сиз бугун илму фазл даъво қилмоқдасиз. Айтинг-чи, сизнинг фикрингизча, салом неча хил бўлади?

– Салом бир хил бўлади. Салом-алик қилиш барча кишиларга вожибдир, – деди олим.

– Китоблардан мен ҳам шундай маъно топганман. Лекин сизнинг ҳузурингизда салом икки хил экан. Сиз ўз гапингизга ўзингиз қарши чиқяпсиз.

– Бу бемаъни даъвони қаердан олдинг? – деб газабланди олим.

– Сиз салом ва алиқда бой билан камбағал орасида фарқ бор, деб билар экансиз. Мен бир неча дақиқа илгари ҳузурингизга кириб, салом бердим. Қўлим бўшлигини кўриб, сиз алиқ олмадингиз. Кейин ёнингизда ўтирган бадавлат киши кириб келди. Хизматкорининг қўлидаги тугунни кўрдингизу, саломига алоҳида лутф билан алиқ олдингиз. Ўрнингиздан туриб, қаршиладингиз, ёнингиздан жой бердингиз. Шу ҳаракатингиз билан «Салом бир хил бўлади. Салом-алиқ қилиш барча кишиларга вожибдир», деган гапингизга ўзингиз қарши чиқдингиз. Муқаддас китобларда «Биров сизга салом берса, унинг саломидан кўра яхшироқ қилиб алиқ олинг», дейилмаганми ахир! Сиз илмни бойлик топиш учунгина ўқиган экансиз. Биздек бечораларни шунинг учун ҳам хор тутдингиз!

Ўтирганлар илм толибининг гаплари ҳақ эканини тасдиқлаб, бош қимирлатдилар. Илм толиби бундан руҳланиб, гапини давом эттирди:

– Инсон учун меҳмон азиз. Мен уйингизга меҳмон сифатида келдим. Сиз эса инсонлар одатини ҳам поймол қилдингиз. Меҳмонни ҳурматлаш ўрнига, саломига алиқ олишни ҳам лозим кўрмадингиз. Китобларда: «Кимки меҳмонни эъзозламаса, у одам эмас», дейилган. Яна бир ўринда: «Меҳмонга очиқ юз ва ширин сўз бўлиш савоби юз йиллик тоат-ибодат кабидир», дейилган. Сиз илмингизга мағрурланиб, ён-атрофингизга ҳар хил китобларни йиғиб, бойлик тўплаш йўлига кирибсиз. Тўплаган китобларингиздаги илмга амал қилмасангиз бундан нима наф?

Илм толибининг гапларини эшитганлар унга офарин айтдилар. Юзлари қизара бошлаган олим эса: «Эй, биродар, нега менга ёпишиб олдинг? Ахир мен нима гуноҳ қилдим?» – деб ғўдранди.

– Сизни илмига амал қилмовчи десам, гапга ҳам тушунмас экансиз, – деди илм толиби. – Шунча гапим ва келтирган далилларим ҳам сизга таъсир қилмабди. Барча китобларда «Фақир ва бечора кишиларга кўмаклашинг, толиби илмларни ҳурмат қилинг», дейилган. Сиз бунинг аксини қилдингиз. Ёнингизда ўтирган бойни

эъзозладингиз. Бизларни эса хор тутдингиз. Илм сиздек кишига ҳайфдир!

Бу гаплардан кейин олим хатосини тан олиб узр сўраган бўлса-да, илм толиби бундай кишидан илм ўрганишни номуносиб деб билиб изига қайтди...

Ҳар қандай ишқ-муҳаббат, меҳр-оқибат саломнинг тилла занжири билан боғланади. Суқрот ҳақимдан ибратки: «Дўстингга йўлиққан вақтингда кулиб, очиқ юз билан кўриш. Яхши сўз билан унинг кўнглини кўтар. Дўстликнинг бошланиши мадҳ-сано биландир». Ҳа, дўстлар бир-бирлари билан «ассалому алайкум» деб сўрашишмаса, саломнинг нима қиймати қолади? Ҳар бир одам, ёшми-каттами, фарқи йўқ, саломнинг аҳволлар эшигини очувчи сеҳрли калит эканини унутмаслиги шарт.

«Салом»нинг маъноси «тинчлик» демак. Миллатимизнинг саломлашиш одати «Ассалому алайкум», дейиш биландир. Салом узилган жойда одамийлик узилади. «Ёсин» сурасида жаннатга кирувчиларнинг Парвардигор томонидан салом билан кутиб олиниши хушxabари бор. Бизнинг «ассалому алайкум» дейишимиз билан айрим турк биродарларимизнинг «гун айдин» (қунингиз хайрли бўлсин), айрим озарбайжон дўстларимизнинг «сабоҳингиз хайр» (тонгингиз хайрли бўлсин), инглизларнинг «гўд монинг», русларнинг «доброе утро»си орасида катта фарқ бор. Буларнинг барчасига нисбатан «ассалому алайкум»нинг маъноси теранроқдир. Чунки салом эътиқод билан ҳам боғлиқ. Бу сўз: «Бу дунёда ҳам, охиратда ҳам саломат бўлинг! Дарду мусибатларга йўлиқманг. Сиз охиратда ҳам салим (саломат) бўлинг, жаннатга киринг, Аллоҳ сизни «Дорус салом» бўлган жаннат аҳлидан қилсин: азобдан, ғамдан, қадардан йироқ бўлинг!» каби хайрли тилакларнинг маъноларини ўзида жамлайди. Хайрлашар чоғида ғарбликларнинг «бай-бай», русларнинг «до свидание»си билан бизнинг «Аллоҳга топширдим!» ёки «Аллоҳ паноҳида асрасин!» орасида ҳам жуда катта фарқ бор. Биз Аллоҳга топширамыз. Бир киши билан ажралаётган пайтимизда у кишининг муҳофазаси-омонлигини Аллоҳдан сўраймыз. Яъни, «Сизни Аллоҳга топширдим, сизни Аллоҳ асрасин», деб дуо қиламыз.

Бу дуоларимиз эриниш ёки билмаслик оқибатида чала бўлиб қолади. Нима учун шундайлигини аниқ билмайман. Эҳтимол, айрим ҳолларда русчадан таржима таъсир қилгандир? Масалан, таом еб ўтирган кишига қараб улар «Приятного аппетита» деб тилак тилашади. Бу ўринда улар «желаю» («тилайман») сўзини тушириб қолдиришади. Биз бу тилакни айнан таржима қилиб «ёқимли иштаҳа» деб қўямиз. Диққат қилмаймизки, иштаҳанинг ёқимсизли

бўлмайди. Иштаҳа ё бўлади, ё бўлмайди. Шунинг учун ҳам ота-боболаримиз бу ҳолда «ош бўлсин», деб қўйишган. «С праздником!» табриги ҳам шундай. Унда «Поздравляю» («табриклайман») табриги тушиб қолган. Юқорида зикр этганимиз «Желаю Вам доброго утро» – «Сизга кунингизнинг хайрли бўлмоғини тилайман», бўлиши керак. Гапдаги сўзларни қисқартириб ишлатишни хуш кўрувчи руслар хайрли тилакларини ҳам «думи юлинган товуқ» ҳолига келтириб қўйганлар. Хусусан, «здравствуйте» – соғ бўлинг деганидир. Ҳарбийлар «здрaво желаю», деб тўлиқ айтадилар. Бу муаммони ҳал этиш рус тилшуносларининг ўзларига ҳавола. Биз қисқартиришни улардан ўрганмасак бас, деймизу ёмон одатларини такрорлаётганимизни сезмаймиз. Масалан, «раҳмат», «ташаккурлар» ёки «узр» деб қўйиш одатимиз бор. Булар ҳам «думи юлинган» тилаклардир. «Раҳмат» – Сизга «Аллоҳнинг раҳмати бўлсин!» (Русларнинг «спасибо»си ҳам «Спаси тебя Бог» – «Сени Худо асрасин», демакдир) «Ташаккуримни (ёки «узримни») қабул қилинг», деб тўлиқ айтишга эринамиз. «До свидание», «пока», деган тилакларни «Ҳозирча хайр», «Кўришгунча» ёки «Кўришгунча омон бўлинг», деймиз. Афсусли жойи шундаки, бундай чала тилакларни теле ёки радио бошловчилар тилидан кўп эшитамиз. Қизиқ-да, кўришгунча омон бўлсак, ундан кейин-чи? Бунинг ўрнига «Ҳамиша омон бўлинг» ёки «Сизни ҳамиша Аллоҳ паноҳида сақласин», десак дуо мукамал бўлади. Биз бировдан раҳмат эшитганимизда русларга тақлид қилибми «не за что» – «арзимаиди», дейишга ўрганиб қолганмиз. Бу сўзни икки хил маънода тушуниш мумкин. «Менинг қилган бу яхши ишим арзимаган бир иш» ёки «мен катта иш қилдим-у айтаётган раҳматингиз бу хизматим олдида ҳеч гап эмас, арзимаиди». Русларда бошқа жавоб ҳам бор: раҳмат айтилганда «пожалуйста» – «марҳамат», дейишади. Бировдан раҳмат эшитганимизда «Аллоҳ рози бўлсин!» дейишга тилимиз бормаса, «марҳамат», деб қўя қолайлик. Бу сўз маъзида «сиз менга яхшилиқ қилганингиз учун Аллоҳ сизга марҳамат қилсин», деган дуо маъноси жамлангандир.

Ёнимиздаги одам аксирганида «Соғ бўлинг!» дейишга одатланиб қолганмиз. Бу ҳам русча «Будте здорови!» дейилувчи тилакнинг ўзбекча таржимасидир. Албатта, бу хайрли тилак. Аммо мусулмонларда бундан ҳам аълороқ одат бор. Аксирган одам ёнидагиларга эшиттириб «Алҳамдулиллаҳ!» дейиши лозим. Чунки Одам алайҳиссаломга жон киргани ҳамон аксириб, Аллоҳ таборака ва таоло илҳомлантиргани сабабли шундай деганлар ва шу одоблари учун фаришталар ул зотни иззат қилганлар. Аксирган одам «Алҳамдулиллаҳ!» дегач, бу ҳамдни эшитганлар у

кишига «Ярҳамукаллоҳ!» деб тилак билдиришлари лозим бўлади. Бунинг маъноси Аллоҳнинг раҳматини тилашдир. Бизда тирик одамга Аллоҳнинг раҳмати тиланса, ғалати қараб қўйишади, чунки «Аллоҳ раҳмат қилсин», дуосини, асосан, марҳумларга нисбатан айтиб ўрганиб қолганмиз. Ҳолбуки, тириклар ҳам Аллоҳнинг раҳматига муҳтождирлар.

Баъзи бировлар «Ассалому алайкум», деб тўлиқ айтишга эришибми, «салом» ёки «саломалайкум» ёки «сомайкум» тарзида ифода этадиларки, бу гоят хунукдир ва товушларнинг бузилиши тескари маъно англатиб қўйиши мумкин. Масалан, «ас-сому алайкум» дейилса «сизга ўлим бўлсин!» деган маъно келиб чиқади.

Ҳазрати Ойиша онамиз (розияллоҳу анҳо) айтадилар: «Расулуллоҳ ҳузурларига яҳудийлар келиб: «Ас-сому алайкум», яъни «сизга ўлим бўлсин!» дейишди. Шунда мен: «Ўлим ўзларингга бўлсин ва Аллоҳ Таолонинг лаънати ва ғазаби ҳам сизларга бўлсин!» деб уларни қарғадим. Шунда Расулуллоҳ: «Ойиша! Қўй, ундай дема, оғир бўл, қаттиқ муомала қилишдан ва қарғашдан ўзингни сақла!» дедилар. Мен: «Ё Расулуллоҳ, буларнинг гапини эшитмадингизми?» дедим. Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар: «Сен ҳам менинг гапимни эшитмадингми? Мен уларга «ва алайкум», яъни «айтган гапларингиз ўзларингизга бўлсин!» дедим. Аллоҳ Таоло менинг уларга қилган дуои бадимни қабул қилади. Аммо уларнинг менга қилган ёмон тилакларини қабул қилмайди».

Одамзод бир-бирини ҳамиша дуо қилиб юришга буюрилган. Ёмон дуодан, ўзгага ёмонлик тилашдан қайтарилганмиз. Пайғамбаримиз (с.а.в.) дуони ибодат деб сифатлаганлар. Абу Зарр Фифорий (р.а.) «Таом туз билан мазали бўлганидек, яхшилик ҳам дуо билан ширин бўлади», деганлар. Хайрли дуо – бошқаларга ҳамиша яхшиликни раво кўриш. Кимнингдир дарддан фориф бўлиб, шифо топишини, кимнингдир фарзанд кўриб шодланишини, яна кимнингдир ҳожатлари раво бўлишини, сафардагиларнинг йўллари бехатар бўлишини исташ. Бу истакларни банданинг ўзи амалга оширолмайди ва шунинг учун Аллоҳ Таолога илтижо қилиб сўрайди. Дуо холис – ғараз ва риёдан, тама ва миннатдан холи бўлмоғи шарт.

Одамлар бир-бирларини фақат хайрли дуо қилмоққа буюрилганлари баробарида «дуои бад» – ёмон тилакдан қайтарилганлар. Дуоибад қилмоқ, яъни бировга Аллоҳ Таолодан ёмонлик соғиниш одам фарзандига хос эмас. Дуоибад кўпинча қарғиш кўринишида бўлади. Баъзан қарғишларни эшитиб қоламиз: банда кўзларининг

кўр ёки оёқ-қўлларининг шол бўлиб қолиши сўралади. Бу каби қарғишларда икки хил нодонлик мавжуд: агар банда айбдор бўлса, унга қандай жазо беришни Яратганнинг Ўзи билади. Жазо тури банда томонидан белгиланмайди. Фараз қилайликки, қарғиш тегиб, ўша одам кўр бўлди. Хўш, бундан дуоибад қилган кимсага бирон наф борми? Фақат кўнгил қувончи бордир. Бу кўнгил қувончининг эгаси эса иблисдир.

Баъзилар ўзлари ёмон деб фараз қилувчи кишиларнинг ўлимини ҳам истайдилар. Аввало, ўлим дуо билан келмайди. Бу тақдир ёзуғидир. Хўш, ўша одам дунёни тарк этса, дуоибад қилувчининг ҳаёти чиройлироқ бўлиб қоладими?

Ёмон ниятли дуодан кўра хайрли – яхши дуо қилмоқлик Одам фарзанди учун фойдалироқ эмасми? Ёмон деб ўйлаганимиз одамга инсоф, ҳидоят тиласак-да, дуоларимиз ижобат бўлиб у киши яхшилик йўлига ўтса, фақат бизга эмас, жамиятга фойда-ку!

Бу масалада яна бир мулоҳаза бор: кимнингдир кўр ёки шол бўлишини ёки тезроқ ўлишини истовчи банданинг қалби қандай экан? Кир ва қора эмасмикин? У ҳолда бошқа бир юраги қора уни дуоибад қилиб ўтирмаганмикин?

Не афсуски, айрим оилаларда доимий равишда дуоибадни эшитиб турамыз. Буни авом тилида «қарғиш» деймиз. Оналарнинг ўз фарзандларини қарғашлари янада ачинарли ҳолдир. «Жувонмарг бўлгур!» «Кўлгинанг синсин!» «Тилгинанг кесилсин!» «Қорнинг ёрилсин!» Албатта бу қарғишлар юрак қаъридан отилиб чиқмайди, тил учида, жаҳл натижаси ўлароқ айтилади. Бироқ, «яхши гапга ҳам, ёмонига ҳам фаришталар «омийн!» дейди». Дуоси ижобат бўлиб қолса, она додини кимга айтади? Агар «жувонмарг бўлгур» деган ибора «ёшлигингда ўлиб кет!» деган маънони англантишини билганларида эди, оналарнинг ҳеч бири бу сўзларни тилга олмаган бўлардилар.

Ташқи гўзалликни кўз ила кўриб, баҳо бермоқлик мумкин. Ички гўзаллик, хусусан, ҳусн чиройига тил ила ифода этилувчи салом ва дуо гувоҳлик беради. Шундай экан, тилимизни фақат салому ва ширин сўзлар қулига айлантириб қўя олсак, қандай яхши! Афсуски, тилни қул қилмоққа шайтон алайҳилаъна ҳам харидор. Шайтон тилни эгаллаб олса, қалбни маҳв этиши ҳам осон кечади. Тил мазах ва сўкишдан парҳез қилмадимиз, саломни қуруқ, дуоси ижобатсиз бўлиб қолиш эҳтимоли бор.

ҲАЗИЛНИНГ ТАГИ ЗИЛ

Тилимизда «ҳазил», «эрмак», «калака», «мазах», «масхара» деган сўзлар мавжуд. Булар шунчаки маънодош сўзлар эмас, балки инсон зотини хунуқлаштириб турадиган иллатларнинг номларидир. Яна «пичинг», «истехзо», «заҳарханда» деган тушунчалар мавжудки, булар ҳам чегарадан чиққан ҳолларда гуноҳга етакловчи иллатга айланади.

Бизнинг халқимиз хушчақчақ, ҳазил-мутойибани севади. Ҳатто маънодош сўзларни «ўйнатиб» ҳам кулги уйғотади. Самимий кулги одамшавандалик ва руҳий соғломликнинг белгиси. Беғараз кула олган одам яхши одам саналади. Атиргулга муаттар бўй қанчаллик зарур бўлса, одамга ҳазил-мутойиба шунчалик зарур. Фақат нодонларгина кулмай яшайдилар, разиллар камдан-кам ҳолларда қувноқ бўладилар, деган донишманд ҳақ гапни айтган. Ҳатто айрим ўтмиш донишмандлари «Фақат қувноқликкина нақд олтин бахт, қолганининг бари – насия қоғоз. Кулмай ўлгандан кўра, бебахт бўлсанг ҳам кулган яхши», деб ҳазилга ғоят юқори баҳо берганлар. Кулги яхшилиқдан бўлса дуруст. Безор кулги руҳни соғломлаштиради. Аммо бу масалада меъёр деган ўлчов бор. Агар самимий, беғараз ҳолатда бошланган ҳазил ҳаддан ошдими, яъни чегарасидан чиқдими, фалокатга асос бўлиши ҳеч гапмас. Ҳатто узоқ йиллик дўстлар даврасида ҳам баъзан хафагарчилик юзага келади, баъзан эса иш муштлашиш, ҳатто пичоқбозликкача бориб етади. Бу нохуш ҳолатнинг илдизига эътибор берсак, оддий ҳазилга бориб тақалади.

Бу ҳақда ҳазрат Алишер Навоий ҳам танбеҳ бериб ўтганлар: «Ҳазил қилаверишдан ҳурматсизлик ортади. Ҳазилнинг охири жанжалга олиб келади. Кўп ҳазиллашиш номус ва ҳаё пардасини чок этади. Адаб ва ҳурмат эгаларини бебурд ва беобрў қилади. Қўлингдан келганча таъзим ва адаб биносини йиқитма. Ҳаё ва ҳурмат пардасидан чиқма».

Гап шундаки, ҳамма ҳам дўстига эплаб ҳазил қила олмайди. Одам ўзининг ҳазил-мутойибага қай даражада усталигини белгилаб олиши керак. Бугунги бир ҳазилга дўстлари кулишса, эртага худди шу гапга ғашлари келиши мумкин. Сабаб: ҳазилнинг сингиши учун кишининг кайфияти ҳам муҳим. Киши яхши кайфиятда бўлса, «ўтмас тешада йўнилган»дай тўмтоқ ҳазилга ҳам кулаверади. Кўнгли ғашланиб турган бўлса, нозик қочиримдан ҳам ғазабланиб кетиши мумкин. Баъзилар раҳбарларининг беўхшов, тўмтоқ ҳазилларига ҳам мириқиб куладилар. Бу – лаганбардорликнинг бир кўриниши.

Дўстлар даврасида яна бир нарсага эътибор берилмайди: йигирма ёки ўттиз йиллик улфатнинг шу давр ичида тинмай такрорланиб келадиган ўзаро ҳазиллари бўлади. Бу даврада ҳазил чегарадан чиқса ҳам, кимдир дўстининг ҳазилини малол олса ҳам сир бой бермай жилмайиб қўявериши мумкин. Лекин даврада бегона меҳмон ўтирса, ўзаро самимий ҳазил ҳам оғир ботиб, ҳазил нишонига олинган дўст чидолмай қолиши мумкин. Қадрдон улфат кўпинча ёшликни эслаб, ёшликдаги қилиқларидан кулади. Кимдир, қачондир маст бўлиб ариққа думалаб қолган, кимдир ёқаси кир кўйлакда юрган, кимнингдир қорнига чипқон чиққанда ҳушидан кетиб қолган... Кулгига асос бўладиган воқеалар кўп. Лекин бу воқеалар фақат шу даврадагина кулги уйғотади, ташқаридан келган одам учун мутлақо қизиқарсиз, ҳатто бачкана туюлишини улфатдагилар фикр қилиб кўришлари керак. Ҳазиллашганда ҳам ақни ишлатиб ҳазиллашиш шартлиги, одобли ва оқил одамларга нисбатан энг арзимас ҳазилни ҳам қилиш дуруст эмаслиги, шунинг баробарида ожиз ақлга ҳам ҳазил ўринсизлиги, бемаъни кулгидан ҳам бемаънироқ нарса йўқлиги ёдда тутилса янада яхши. Баъзан даврада иштирок этмаётган бир одам эсланиб, унга ё хунукроқ бир лақаб тақайдилар ёки бирон жисмоний камчилиги мисолида сўз ўйини қилиб, куладилар. Аввало, бу қилиқ ғийбат ва масхара ҳисобланади. Ҳазил ниқобидаги шу масхарада кишининг чўлоқлигидан кулинса-ю ўша даврадаги кимнингдир яқин одами шундай жисмоний камчиликка эга бўлса, у қандай аҳволга тушаркин, тасаввур этиб кўрайлик-чи?

«Қобуснома»дан ҳикматки: «Ҳазил айб бўлмаса ҳам, ҳазилдан эҳтиёт бўл. Ҳазил қилиш мумкин, аммо ярамас сўз айтиш ёмон... Ҳазилни мастлик чоғида қилма, чунки ёмонлик ҳазилдан келиб чиқади. Эй, фарзанд, ўзингдан пастроқ одам билан ҳазиллаш, бўлмаса ҳазиллашма, чунки сенинг иззатинг кетмасин ёки тенгдошларинг билан ҳазил қил, чунки жавоб берсалар айб бўлмайди. Уят сўзларни айтма, ҳаддан ташқари ҳазил қилма, чунки одамни хор ва беқадр қилади. Халққа нима десанг шуни эшитасан, халққа нима қилсанг шуни кўрасан».

Ҳазил-мазахга ўрганган, оғизларидан беандаза сўзлар чиқаришга одатланган одамлар кейинроқ шу феълларидан дакки ейдилар. «Ҳазилнинг таги – зил», деган сўз бекорга айтилмаган. Ҳазилни ҳам туз каби меъёрида ишлатмоқ зарур. Ҳазиллашиш одобини эгаллаш осон эмас. Лекин ҳазилни тушуниш одобини ҳам мавжуд. Афсуски, ҳазилни барча бир хилда тушунавермайди, ҳатто беозор кулгини малол олади. Шунинг учун ҳам:

*Ҳазиллашганда сен сақла одобни,
Балки англамаслар сен айтган гапни.*

Кўпчиликнинг кулгиси иллатли нарсаларга кучли зарба бўлиб тушади. Танбеҳни ҳатто сўкишни кўтаришса кўтаришади-ю, аммо кулгига ҳамма ҳам чидайвермайди. Ҳеч бир кимса кулги бўлишни истамайди. Ҳатто бир улфатда ҳазилга нишон бўлаётган одамнинг ўғли тасодифан иштирок этаётган бўлса, отасига айтилаётган беозор ва беғараз бўлган гапларни масхара ўрнида қабул қилиб, ғазабланиши мумкин.

Ҳикмат аҳди ҳазилдан қочишни ҳақиқатдан қочиш каби баҳолаганлар. Ҳатто ҳазилни тушунмайдиган одамни нодон ҳисоблаб, гапларига жиноятчига ишонмагандай ишонмасликни тавсия этганлар. Беозор ҳазилни малол олиб, жанжал чиқарувчини халқда «жиззаки», деб атайдилар. Жиззакиликдан қутулиш қийин, шу боис бундай табиатли одамлар ҳазилкашлар даврасида узоқ ўтирмаганлари маъқул. Ҳазилга ҳазил билан жавоб қайтаришга лаёқати йўқ киши даврани «гуллантишга» ҳисса қўшиш мақсадида ё ёлғон тўқишга киришиб кетади ё эзмалик билан баҳслаша бошлайди.

Бу каби ҳолатни кузата туриб улуф адиб Балзакнинг «Майнавозчи ҳамиша енгилтабиат бўлади», деган ҳикмати тўғримикин, деб ўйлаб қоламан. Ахир Арасту ҳаким «истаган нарсадан кулгили жиҳат қидиравериш одати маънавий қашшоқлик аломатидир», деб бежиз огоҳлантормаганлар. Маънавий қашшоқликни минглаб одамлар ҳузурида кўз-кўз қилавериш доноликдан бўлмаса керак...

«Эрмак» – «ҳазил»дан кейинги босқич. Самимият чегарасидан чиқишда, таъбир жоиз бўлса, «эрмак эшаги»га минилади. Эшак бўлганда ҳам ажабтовур, бир доирада айланавериш кишининг асаб томирларини бир-бир узаверади. Сўнг бу «яғир» эшакда «калака» аталмиш бадбўй кўлмакка тушилади. Ўзгани калака қилғувчи нодонга бу кўлмак зилол сув каби туюлиб симираверади, роҳатланаверади. Заҳарланиши мумкинлигини ўйламайди. Ҳажв йўналишидаги асарлари билан дунёга танилган европалик Сервантес бу ҳақда дейдики: «Сен одамларга танбеҳ беришинг мумкину, аммо ҳақоратлашга, калака қилишга ҳақинг йўқ. Чунки кўпчиликни кулдирган бўҳтон, гарчи у ҳатто бир кишига чоҳ сифатида мўлжалланган тақдирда ҳам, бари бир ножўя ва бемаъниликдир». Калака кўпинча зеҳн етишмасликнинг аломати, у чинакам ҳазил етишмаган жойда пайдо бўлади.

«Калака» деган иллат кўлмагидан «мазах» балчиғига ўтилади-ю... Балчиқда эшакнинг ағанаганини кўрганмисиз? Бировни мазах қи-

лаётган одамни шу жониворга ўхшатсам, каминани айбситманг. Агар эшакнинг онги бўлганда эди, бу ўхшатишимдан у ҳам ранжирди: келиб-келиб мени шундай одамга ўхшатдингми, деб аразларди. На чора, ўзгаларни мазах қилишдан роҳатланувчи нодон бундан қўполроқ ўхшатишга лойиқ бўлса-да, бунақасини топишга ақлим етмади.

Кайковус ўғлига хитобан дейдики: «Эй, фарзанд, дебдирларки, мазах – ёмонликнинг муқаддимасидир. Мазах, яъни хонаки сўз билан кишига дахл этмоқликдан хазар қил». Оддий аксириш ва шамоллашдан бошланган енгил касаллик вақтида даволанмагани туфайли офир хасталикларга дучор қилгани каби, ҳазил чегарасини бузишга ўрганган одам охир-оқибат масхара ботқоғига ботдики, энди ундан қутулиш осон эмас. Аллоҳ Таоло бандаларини масхара қилмасликка буюргач, мазах ҳақида таъкид этади: «... ва ўзингизни ўзингиз мазах қилманг, бир-бирингизга лақаб қўйманг. Иймондан кейин фосиқлик билан номланиш (*яъни мўмин кишининг фосиқона ишлар билан ном чиқариши*) нақадар ёмон! Ва ким тавба қилмаса, бас, ўшалар золим кимсалардир» («Хужурот» сурасидан). Мазах бирон кишининг нуқсонларини тил билан зикр қилиб айблаш демақдир. Ким бировни мазах қилса, аслида ўзини мазах қилган бўлади. Лақаб қўйиш орқали инсонни камситиш ҳам гуноҳ ҳисобланади.

Кимдир жоҳил ва нодонлиги туфайли бирон танишига, ҳатто дўстига лақаб қўяди. Ҳазил тариқасида айтилган лақаб кейинчалик бошқа нодонлар томонидан «илиб» олиниб, тамғага айланади. Айрим лақаблар ҳатто отадан болаларга «мерос» бўлиб қолади. Лақаб қўйиш қишлоқларда кенг тарқалган. Айниқса, ҳайвонларнинг номи билан аташ нодонлиги борки, бундан ҳазар қилинса яхши бўларди. Чунки кимдир «мол» ёки «макиён» деб аташ ҳақоратнинг айни ўзидир. Қаранг-да, «лочин», «йўлбарс» ёки «бургут» деб лақаб қўйилмайди. Айнан кишини камситувчи номлар танланади. Ёки кишининг жисмоний камчилигини таъкид этувчи сифатлар қўйилади. Каминани соҳибқирон Амир Темурни баъзан ёзма адабиётларда ҳам «Темурланг» дейишлари ажаблантиради. «Ланг» – чўлоқ, оқсоқ деган маъно англатишини, «Темурланг» – «чўлоқ Темур» эканлигини кўпчилик билмайди, шекилли-а?

Масхара бировдан шунчаки кулиш эмас, унинг эл аро шармандасини чиқаришдир. Расволик чодирига ўраб ташлашдир. Масхара ҳақоратнинг бир туридир. Шу боис Ҳазрат Сўфи Оллоҳёр танбеҳ берурларки:

*Кел, эй нозир, мусулмон бўлса ҳар ёр,
Назар қилма, ҳақорат бирла зинҳор.*

Дейилмоқчики: инсонларнинг юриш-туришини кузатгувчи инсон, мусулмон биродарингга зинҳор масхара кўзи билан қарама. Мусулмон боласини ҳақорат қилма.

Одатда ёмон хулқдилар яхши хулқдиларни масхаралашни севадилар. Шу боис, ким сизни масхараласа, жавоб қайтарманг, хушхулқ бўлинг-да, ундан ғазабланганингизни сездирманг. Шайтон васвасаси олдида ожиз қолиб, сиз кимнидир масхара қилдингиз. Агар масхараланган одам сизга жавоб қилмаса, билингки, у инсонийликда сиздан устун экан. Ҳазил-масхаралар кулиб туриб жонни суғуриб олишдир. «Билса – ҳазил, билмаса – чин» ёки «Ярми ҳазил, ярми чин», деганларидай, кимса қалбидаги қораликни кулги билан пардалашга уринади. Буни биз пардаланган, яширин ҳақорат деб сифатласак, киши табиатида очиқ ҳақорат ҳам мавжуд. Кишига лаънат ўқимоқ, сўкмоқ ғазабнинг фарзандларидан ҳисобланиб, Одам боласининг ҳуснига доғ тушириб туради.

Расулulloҳ (с.а.в.): «Кишиларга лаънат этувчилар қиёмат куни шоҳид ҳам, шафоат қилувчи ҳам бўлолмайдилар», деганлар (*бундай кишилар Қиёмат куни қавм-қариндошлари ва дўст-биродарларига шафоат қила олмайдилар*). Ҳазрат Ойиша (р.а.) айтдилар: «Отам Абу Бакр Сиддиқ (р.а.) ўз қулларидан биттасига лаънат ўқидилар. Буни Расулulloҳ (с.а.в.) эшитиб: «Абу Бакр! Аллоҳ Таолога ишонувчилар билан бошқаларга лаънат ўқувчилар ҳақидаги гапларим қаерда қолди? Йўқ, бундай бўлмаслиги керак!» деб икки ё уч марта такрорладилар. Отам ўша куниёқ у қулни озод қилдилар-да, Расулulloҳ (с.а.в.)га бориб: «Мен иккинчи мартаба бундай қилмайман», деб узр айтдилар. Кўнгилни хира қилувчи воқеа содир бўлганида саҳобалар «Ё Расулulloҳ, мушриклар ҳақида дуоибад қилинг!» дейишганда, Аллоҳнинг элчиси (с.а.в.) **«Мен дуоибад қилувчи ёки лаънат этувчи эмас, балки марҳамат қилувчи бўлиб юборилганман»**, деганлари ҳар бир Одам боласи учун ибратдир. Чунки ҳар бир мусулмон фарзанди бир-бирига яхшилик қилиш учун яратилган. Бировни лаънатлаш дуоибаднинг бир тури ҳисоблангани сабабли бу борада ҳам тилни эҳтиёт қилиш шарт.

Ҳаётимизда баъзан билиб, кўпроқ ҳолларда эса билмай, ҳатто яқинларимизни ҳам лаънатлаб кўямиз. Масалан, бир оила бузилиш жари ёқасига келиб қолган. Эр томон хотин томонни, хотин томон эса эр томонни шунчаки айбламоқчи бўлади-ю, лекин тилига лаънат

сўзлари аралашиб қолаётганини фаҳлмамайди. «Менинг яхшилигимни билмасанг кўр бўласан», «Тирик етимлар кўзидан оққан ёшларнинг уволи тутади сени» каби гаплар гўё қалбларни овутгандай бўлади. Айблаш ва лаънат ўқиш билан оилани сақлаб қолиш сира мумкин эмас. Бунинг ўрнига юрак-юракдан: «Ё Аллоҳ, аввало ўзимга, сўнг хотинимга (ёки эримга ёки, куёвим ё келинимга) инсофу тавфиқ бер, орамиздаги меҳр-муҳаббатни зиёда қилиб бер...» деб хайрли дуо қилса ижобат бўлиши аниқ.

Ҳазабланган пайтда «Падарингга лаънат!» деб юбориш одати кенг тарқалган. Эҳтимол, кимсани ҳазаблантирган одамнинг отаси тақводор мўмин кишидир. Буни билмай туриб унга лаънат ўқишимиз қандай бўларкин? «Ўғлини ёмон тарбиялаган, шунинг учун лаънатга лойиқ», деймизми? Кимса ҳазабланган онда ҳали ким ҳақу ким ноҳақлиги аниқ бўлмаслиги ҳам мумкин. Унга ноҳақлик содир этилгандай туюлди ва отани ўртага қўшиб лаънатлади.

Лаънатлашни дуоибаднинг бир тури, дедик. Шу билан бирга, лаънатлаш – сўкишнинг пардали кўриниши ҳамдир. Баъзи ҳолларда «онангни...» деб сўкишдан уялган ҳазабнок одам «падарингга лаънат!» билан хуморидан чиқади. Киши дуоибаддан, лаънатлашдан ўзини тийиши қийин эмас, чунки ҳар кун ёки ҳар соатда бу иллатларга банди бўлмайди. Аммо ҳар кун, ҳар соатда эмас, ҳар дақиқада ҳам сўкувчилар бор. Бундайларни, айниқса, ўсмир-ёшлар орасида кўп учратамиз. Одам ёлғиз ҳолатида ҳам бировни дуоибад қилиб, лаънатлайверади. Лекин сўконғич одам ошкора сўкмаса хумори босилмайди. Сўкишни ҳар жойда – бозорда ҳам, автобусда ҳам, турли идораларда ҳам эшитишимиз мумкин. Бозорда харидор сўкади – сотувчи бўш келмайди, «қайтим» қайтаради. Автобусда биров бехос туртди ё оёғини босиб олди. Эшитадигани – сўкиш! Уйда эр хотинни, ота фарзандларини, ака ука-ю сингилларини сўкади. Не додки, ота боласини, ака укаларини, ҳатто ука ака-опаларини «онангни...» деб сўкиб турса?! Шундай оилалар борки, чой ичиб, нон ейиш қандай одатий ҳол бўлса, сўкиш ҳам улар учун худди шундай ҳол. Бундай хонадонда ярим кечада биров уйғониб чой ичса, «тинчликми, нега чой ичяпсан?» дейишлари мумкин. Лекин тун ярмида сўкинса, эътибор ҳам берилмайди.

Сўкиш эшитиладиган жойдан ҳаё қочади. Ҳаё қочган хонадондан файз кетади, барака кўтарилади. Сўкиш – кучли томондан айтилади, демак, ўзига яраша куч ва мартабанинг қай даражада эканини кўрсатувчи омилдир. Жисмоний жиҳатдан кучсиз одам мушаклари ўйнаб турган бақувват одамни сўкмайди, мартабаси пастроқ киши хўжайинини сўкиб кўрсин-чи! Хотин зулм ҳаддан

ошган маҳалда эрни қарғаб юбориши мумкин, ammo сўкмайди. Сўкиш беҳаёе, майпараст кўча хотинларига хос иллат.

Сўкишнинг ёмонлигини ҳамма билади, лекин ҳамма бу иллатдан қутулишни ўйламайди. Фарзандимиз ўн икки-ўн беш ёшларида бировни сўкаётганини эшитиб қолсак, ғазабланамиз, «бу ёмон одатни қаердан, кимдан ўрганди?» деб бош қотирамиз. Лекин шу фарзандимиз бир-икки ёшида, энди тили чиқаётган пайтида «онангни (ёки «акангни») сўкиб қўй», деб ўргатганимизни унутиб юборамиз. Уч ёшли ўғилчамиз ёки набирамиз ширин тилчалари билан онасини сўкаётганини эшитганимизда қувонамиз. Иллат кулбасининг пойдеворини ўзимиз тиклаб қўйиб, оқибатда «бу қора кулба қайдан пайдо бўлди?» деб гангиб юрамиз. Болага сўкишни оналар ўргатмайдилар. Боланинг тили чиқмай туриб ҳам саломни ўргатадилар. Гўдакка саломни ўргатувчи отани кам учратамиз. Сўкишни ўргатувчилар эса етиб-ортади.

Сўкиш ҳақида фикр юритилганда сўзнинг маъносига тушунмаслик оқибатида айтиладиган айрим ибораларни четлаб ўтолмайман ва бунинг учун аввалдан узр сўрайман. Турли жойларда, турли одамлар тилидан «вой баччағар!» «вой даюс!» ёки «энағар», «қизифар» деган сўзларни эшитиб қоламан. Ажабланарли томони шундаки, буларнинг барчаси эркалаш оҳангида айтилади. Ҳолбуки, тожик тилини биладиганлар учун бу оғир ҳақорат саналади. Агар шу сўзларни айтувчилар «баччағар» – боланг фоҳиша, «энағар» – онанг фоҳиша, «қизифар» – қизинг фоҳиша, деган маъно англатишини билсалар, тилларини тийган бўлармидилар? «Даюс» эса эр учун оғир ҳақорат, ўз аёлини бошқалардан қизганмайдиган одам шундай аталади. Баъзилар русча сўкишларни тилдан қўймайдилар.

Ҳаётда биров сўкканда иккинчи томоннинг жим туриши ҳоллари кам учрайди. Сўкишга сўкиш билан жавоб қайтарилади ва оқибатда катта жанжаллар келиб чиқади. Айёз ибн Ҳаммор (р.а.) айтдилар: «Мен Расулуллоҳдан: «Ё Расулуллоҳ! Бир киши мени сўкса нима қилай?» деб сўрадим. Расулуллоҳ (с.а.в.): «Бир-бирини сўкувчи икки кишининг иккаласи ҳам шайтондир. Улар ёмон гапни гапиради ва ёлғон сўзлайди», дедилар. Албатта, кимдир онадан сўкса индамай эшитиш анча оғир. Ҳарбий хизматда бўлган пайтимизда айнан шундан қийналардик. Рус аскарлар, ҳатто командирлар икки гапнинг бирида «онангни» деб туришарди. Бу сўкиш оҳанги ғазаб ва таҳдиддан холи эди. Яхши гапни гапираётганда ҳам шу сўкиш ишлатиларди. Лекин осиеликлар ва кавказликлар бунга чидай олишмасди. Кўп муштлашувлар «оналар эслаганидан»

кейин бошланиб кетарди. Оқибатда сўккан эмас, мушт кўтарган жазоланарди. Бир куни қисм командири осиелик аскар йигитларни йиғиб, узр сўраган, «онангни» дейилишида ғараз бўлмагани учун рус йигитлардан ранжимасликларини илтимос қилган эди. Бу сўкишни эшитиш ҳар қанча оғир бўлмасин, чидаган маъқул. Бу хусусда шарафли ҳадис:

– Кишининг ўз ота-онасини сўкиши катта гуноҳдир, – дедилар Расулulloҳ (с.а.в.).

– Ё Расулulloҳ, киши ўз ота-онасини ҳам сўкадимми? – деб сўрадилар саҳобалар.

Аллоҳнинг элчиси дедилар:

– Киши бир одамни сўкканида сўкиш эшитган одам сўкканининг отасини ҳам, онасини ҳам сўкади, – дедилар.

Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳузурларида бир киши иккинчисини сўкди. Иккинчиси жавоб қайтармади. Бу вақтда Расулulloҳ (с.а.в.) ўтирган эдилар. Иккинчиси ҳам сўка бошлагач, ўринларидан туриб кетдилар. Саҳобалар:

– Ё Расулulloҳ, нима учун туриб кетдингиз? – деб сўрашганида Расулulloҳ (с.а.в.) дедилар:

– Фаришталар тургани учун мен ҳам турдим. Бу киши жим турган вақтда фаришталар аввалги сўкаётган кишига рад қилиб турган эдилар. Бу ҳам сўка бошлагани учун ўша фаришталар ўринларидан туриб кетдилар.

«Қобуснома»дан ҳикмат: «Иттифоқо, бирор киши билан уришсанг, оғзингга келган бузуқ сўз ва ҳақоратлар билан сўкма, шундай уришгилки, ярашмоққа жой қолсин ва бирданига бешарм, беҳаёлик қилма, чунки бундай иш безориларнинг одатидир. Одатнинг яхшироғи тавозели, кибрсиз бўлишдир».

Бир-бирларига ғазаб қилувчилар ўзларини босиб олишгач, сўкиш борасида қайси бирлари айблуроқ эканини аниқлаштириш мақсадида масала талаша бошлайдилар. Бундайларга Пайғамбаримиз (с.а.в.) нинг (алайҳиссалом) ажримларини эслатамиз: «Бир-бири билан сўкишувчи кишиларнинг айби сўкишни аввал бошлагани устига тушади, башарти иккинчиси сўкишни ҳаддан ошириб юбормаса». «Қутадғу билиг»дан ҳикматким:

*Сени ким сўкар эрса ўгил они,
Утун ул бўлур сен тузунлар сони.*

Дейилмоқчики: ҳар ким сени сўкса, сен уни мақта. Натижада сен адаблик, ул қўпол, жоҳил бўлур.

Умидимиз юлдузлари, «Катгаларга ҳурмат, кичикларга иззат», деган мақол сиз учун оддий гапга ўхшайди, бироқ бу ҳикматнинг замирида улғуф бир ҳақиқат мавжуд: халқнинг фасодга берилиши буюкларга ҳурмат, кичикларга муҳаббат кўрсатмасликдан бошланади. Юқорида зикр этилган иллатлар зоҳир бўлган онда орадан ҳурмат ҳам, муҳаббат ҳам кўтарилади. Буни ҳамиша ёдда тутишингиз талаб этилади.

ТЎҒРИЛИК ҲАҚИДА

Тўғрилиқ Мусо алайҳиссаломнинг ҳассалари кабидир. Эгрилик эса сеҳргарларнинг сеҳрига ўхшайди. Тўғрилиқ ўртага чиқиши билан уларнинг ҳаммасини ютади.

Ҳикоят. Ҳазрати шайх Аҳмад Мағрибий (қ.с.) дедилар:

– Онамдан мерос қолган бир уйни сотдим. Бадалини Каъба мужовирларига улашмоқчи бўлдим. Баррияда кетаётган эдим, бир қароқчи араб рўпарамдан чиқди:

– Ниманг бор? – деб сўради.

– Эллиқ тиллам бор, – дедим-да қўлига бердим. Санади-да, ўзимга қайтариб берди ва туясини чўктирди.

– Бу туяга мин, кетамиз, – деди.

– Мени нима қиласан? – дедим.

– Тўғрилигингни кўриб, кўнглим сени севди, – деди.

Мен хоҳласам-хоҳламасам, туясига миндирди. Каъбага бордик. Биргалиқда тоат ва риёзатга машғул бўлдик. Ўша одам қароқчилигини ташлаб, оқибатда Аллоҳ Таолонинг валийларидан бўлди.

Мазкур ҳикоятга «Гулистон»дан бир байт илова қилинса, узукка кўз қўйгандай бўлар:

*Ҳақни билган кимса айлар ростлиқ,
Ростга йўқ камлиғу ҳам костлиқ.*

Тилимиздаги «ростлик» ва «тўғрилиқ» сўзлари айри-айри маъноларни англатмайди. Бу сўзларнинг зидди – «эгрилик» ва «ёлғон»дир. «Амин» сўзи ростгўйлиги учун ишончли кишига айланган фазилат эгаларига нисбатан айтилади. Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳали пайғамбар бўлмасларидан олдин шу ном билан иззатланганлар. Яна тўғри сўзли одамларга «Сиддиқ» деб сифат берадиларки, ҳазрат Абу Бакр (р.а.) бу ҳурматга эришганлар. «Эй, иймон келтирганлар! Аллоҳга тақво қилинганлар ва тўғри сўз сўзланганлар», деб буюрган Парвардигор, бу амрига итоат этган солиҳ бандаларини ана шун-

дай иззатлар билан шарафлантиради. Бу хусусда Қудсий ҳадисда Аллоҳ Таоло марҳамат қилади: «Эй, Одам фарзанди! Ғазабли ва хурсанд ҳолларингда ҳам тўғри сўзлашинг мартаба ва даражангни менинг наздимда юқори қилади». Набий муҳтарам (с.а.в.) дедилар: «Рост гапиринглар, чунки ростгўйлик яхшиликларга бошлайди ва бу яхшиликлар эса жаннатга йўллайди. Киши рост гапираверса, у Аллоҳ Таоло ҳузурида «жуда ростгўй», деб ёзилиб қолади». Яна дедилар: «Банданинг иймони мукамал бўлмайди, токи унинг қалби тўғри бўлмагунча. Қалби тўғри бўлмайди, токи унинг тили тўғри бўлмагунча».

Инсондаги ажойиб хулқлардан бири ростлик – тўғрилиқдир. Тўғрилиқ одамдаги барча ишларнинг тартиб ва маромда кетишини таъминлайди. Тўғрилиқ издан чиқдими, демак, ҳамма ишларнинг тартиби бузилади. Хоҳ катта ва улғу ишлар бўлсин, хоҳ кичкина ва арзимас амаллар бўлсин, агар диққат кўзи билан қаралса, уларда тўғрилиқ йўқ экан, ҳаммаси хароб бўлади. Барча турдаги ишларнинг бари тўғрилиқ билан барқарор, шу ишларни амалга оширувчилар эса тўғрилиқ билан бардам ва устувордирлар. Ҳаётда одамнинг узоқ яшаши эмас, **тўғри яшамоғи** муҳимроқ. Тўғрилиқка ишонмаган ақлнинг ўткир бўлганидан фойда йўқ. Соатнинг ҳам югуриб кетиши эмас, тўғри юриши муҳимроқ. «Сен то қувватинг бор экан, доимо ростлик ва тўғрилиқ йўлини тут, – дейди дониш аҳли. – Шунда сен саодат чаманидан муддао гулини терасан. Ўқни қара, тўғри бўлгани учун юзи доим гулгун. Камон эгри бўлгани учун каноп билан боғланиб, банди қилинган».

*Тўғри гапнинг ҳеч бўлмайди душмани,
Ёлгон сўзнинг кўп бўлади пушмони.
Тўғри гапнинг тўрт томони йўл бўлар,
Ёлгон сўзнинг айланаси кўл бўлар,
Бошга бало охир бориб – тил бўлар.*

Ҳазрат Навоидан ўғит: «Агар сўз гўзаллик зийнати билан бе-залмаган бўлса – унга чинлик безағи етарлидир. Ёлгончининг гапи қанчалик чиройли бўлса – шунчалик қабиҳдир. Чин сўз қанчалик бетакаллуф бўлмасин, сўзловчи учун таассуф йўқдир. Гул либоси йиртиқ бўлса ҳам зиёнсиз, садаф хунук бўлса ҳам инжу учун нуқсонсиз».

*Сўзда Навоий не десанг, чин дегил,
Рост наво нағмага таҳсин дегил.*

*Ростдур улким, назари тўғридур,
Ким илиги эғридур – ўғри эрур.*

Умидимиз юлдузлари, болалигингизда эшитганингиз, кейинчалик ўқиганингиз ҳикматларга бой эртақлар орасидаги «Эғри билан тўғри» чўпчаги ёдингиздадир? Шунга ўхшаган эртақлар, афсоналар фарзанд тарбиясида ғоят муҳим аҳамиятга эга. Ажабланарлиси шуки, биз – катталар тарбия соҳасидаги ишларимизда бу каби эртақларга аҳамият бермай қўйганмиз. Ўтган асрнинг эллигинчи йилларида «Эғри билан тўғри» эртаги болалар театри саҳнасида ўйналарди. Ҳар қандай мушкулликда ҳам нажот тўғрилиқда экани, тўғри одамнинг бахтга эришиб, эғри одамнинг ваҳший ҳайвонларга емиш бўлиши болаларнинг онгига таъсир қиларди. Нечундир бундай асарларга энди саҳнада ҳам, дарсликларда ҳам жой йўқ.

Ривоят. Халифа Хорун ар-Рашид янги сарой бино қилишни ихтиёр этди. Унинг истаги бўйича сарой ўртасига тўғри бир устун қўйиш зарурати туғилди. Халифанинг буйруғига кўра, шундай устунбоп ёғочни қидира-қидира Бағдодга яқин бир қишлоқдан топдилар. Устунбоп ёғоч Бағдодга келтирилганда Хорун ар-Рашид ёнига амалдорларини олиб, устун кўрмоқ мақсадида қурилиш майдонига келди. Амалдорлар орасида донишманд Баҳдул ҳам бор эди. У устунга яқин келиб, энгашди-да, нимадир деб пичирлади. Сўнг янада энгашиб, устунга қулоғини тутди.

Унинг бу қилиғидан барча таажжубланди. Халифа эса бу ҳаракатининг сабабини сўради. Донишманд бундай жавоб берди:

– Мен устундан: «Ўзинг бир ёғоч бўлсанг-да, халифа жаноблари сенга пешвоз чиқиб, кўргани келдилар. Бундай иззат ва ҳурматга лойиқ бўлишинг сабаби недир?» – деб сўраган эдим, бундай жавоб қайтарди: «Мен эғри бўлмадим, тўппа-тўғри ўсдим, тўғрилигим туфайли шундай иззатга муносиб кўрилдим. Эғри бўлсам эдим, майдалаб, ўтин қилиб ёқиб юборардилар. Тўғри ўсганим учун мени экиб, парваришлаган кишининг хонадонини ҳам бойитдим».

Байт:

*Эғрилиқдан бўл йироқ, қил тўғрилиқни ихтиёр,
Тўғри бўлсанг, эй ўғил, бахту саодат сенга ёр.*

Ҳазрати шайхул машойих Жунайд Бағдодий (қ.с.а.) дедилар: «Содиқ улдулки, ўзига зиён етадиган жойда ҳам тўғри сўзлагай».

Яна бир ривоят. Тарихда золимлиги билан ном чиқарган Ҳажжож қўлига асир бўлиб тушган асирларга оғир жазони маъқул кўрди. Шунда асирлар орасидаги бир киши унга:

– Эй, амир, менга жазо берманг, сизга хайрли хизмат бор, – деди.

Ҳажжож бу гапдан ажабланиб, қандай хайрли хизмат қилганини сўради. У киши:

– Бир душманингиз сизни ғийбат қилиб, «золим», деб таърифлай бошлаганида мен унга гапиришни ман этдим, – деди.

Ҳажжож бу гапнинг исботи учун гувоҳ талаб қилди. У кишининг рост гапини тасдиқлайдиган гувоҳ йўқ эди. Шунда у таваккалига асирлар орасидаги одамни гувоҳ деб кўрсатди. У одам бу кишининг жазодан қутулиб қолишини истагани учун гувоҳликка ўтди-ю Ҳажжожнинг қаҳрига йўлиқди:

– Ўша даврада сен ҳам бор экансан, душманимнинг ғийбатини тўхтатган бу кишига сен нима учун қўшилмадинг? – деди Ҳажжож.

– Мен сизни ашаддий душманим деб биламан. Шунинг учун у душманингизни сўздан тўхтатишни истамадим.

Бу гап Ҳажжожнинг газабини баттар қўзитган бўлса-да, рост сўзлагани туфайли уни жазодан озод қилди.

Байт:

*Қолмагай тўғрилар иши пинҳон,
Қилмагай тўғри сўз кишига зиён.*

Мазкур ҳикоятдаги бир ҳолат озгина баҳс уйғотиши мумкин. Яъни, гувоҳ ёлғон гапирди-ю, лекин жазодан озод этилди. Аввало, у одамнинг ёлғон гувоҳлигида бир жонни сақлаб қолиш хайрли нияти бор. Иккинчидан, у гувоҳлиги учун эмас, золимага бўлган муносабатини яширмагани учун афв этилди. Учинчидан, ҳар қандай ростни айтавериш ҳам фазилат саналмайди:

*Хирадманд чин сўздин ўзга демас,
Вале бори чин ҳам дегулик эмас.*

Ақба ибн Аби Муъитнинг қизи Умми Кулсум (розиаллоҳу анҳо) дан ҳадис: «Мен Расулulloҳдан (с.а.в.) уч ҳолатдан ташқари, яъни одамлар орасини ислоҳ қилиш учун ёлғон сўзлаш, эр ўз хотинининг кўнглини кўтариш учун унга ёлғондан ваъда қилиш ва хотин эрининг муҳаббатини ўзига жалб қилиш учун баъзан ёлғон гапларни сўзлашидан бошқа вақтда кишилар орасида бўладиган ёлғон гаплардан ҳеч бирига рухсат берганларини эшитмадим». Ўтмиш

донишмандлари бу ҳақда фикр юритганларида ёлгон ишлатишни уч ҳолатда жоиз эканини айтганлар: кофирлар билан тўқнашганда, икки кишини яраштираётганида ва эр-хотин муносабатига доир айрим ҳолатларда.

Шу ҳикматларга биноан ҳазрат Навоий ёзадилар:

«Ақлли одам ёлгон гапирмас. Аммо барча рост гапни айтавериш ҳам тўғри эмас. Бировнинг кўзи гилай – ногирондир, бироқ у бунга айбдор эмасдир. Бировни ноҳақ хижолатга солмоқ – ўз нодонлигини изҳор қилмоқ ва бир кўнгилни оғритмоқдир. Бу каби кишини хафа қиладиган чин сўздан кўра зарурат юзасидан ўрни билан гапирилган ёлгон яхшироқдир».

Байт:

*Ёлгон ўлса мулояматомиз
Ваҳшатангиз чиндан англа азиз.*

Дейилмоқчики: ёлгон агар тасалли, таскин берса, даҳшатли чиндан азизроқ бил.

Тўғрилиқ ва хиёнат, ёлгончилик ва диёнат бир-бири билан сира чиқиша олмайди.

Ривоят. Шоҳ Акбар замонида, Ҳиндистоннинг Деҳли шаҳрида бир кампир яшарди. Эри вафот этган, қариндошлари эса турли шаҳарларга тарқаб кетган эдилар. Кампир ҳаж ибодатини ният қилиб, уй-жойини сотди. Мулкини иккига бўлиб, бир қисмини сафар харажатларига атади. Минг тилла тангани эса яхшилаб туғиб, устидан тўрхалта тўқиб ўради-да, қозига элтди:

– Мен Каъбани зиёрат этишни ният қилиб йўлга отландим. Мана бу тўрхалтада тўплаган пулим бор. Сизни диёнатли одам, деб эшитганман. Бу пулни сизга омонатга қолдирмоқчиман, – деди. – Агар беш йил ичида эсон-омон қайтсам, ўзимга берасиз. Қайтмасам, хоҳишингизга кўра ишлатиб юбораверасиз.

Унинг илтимосини эшитган қози деди:

– Мен бир бечора одамман. Омонатга доир ишлардан қўрқаман. Лекин менга ишонган экансиз, на чора, пулингизни олиб қоламан. Сизни Аллоҳ Таоло паноҳида асрасин.

Кампир ибодатни адо этгач, Деҳлига соғ-омон қайтиб, қозидан омонатини талаб қилди.

– Ўзим билан олиб кетган пулларимни ишлатиб тамомладим, сизга қолдирган тангаларимдан бўлак маблағим йўқ, – деди.

Қози кампирнинг омонатини қайтарди. Кампир унга миннатдорчилик билдириб, ўзи тўқиган тўрхалтани қайчида кесиб

қарасаки, тилла тангалар ўрнида ранги ўчган мис чақалар турибди. Кампир оҳу воҳ билан қозининг ҳузурига қайтиб, пулларини қайтаришни илтижо қилди. Бу илтижоларни эшитиб, раҳм қилиш ўрнига қозининг ғазоби кўзиди.

– Ҳаж ибодатини қилиб қайтган сендак кампир учун диёнат соҳибига туҳмат тошлари отиш гуноҳи кабира ҳисобланади. Сен дарров эсингни йиғгину яхшилиқча изингга қайт. Бўлмаса ҳузуримдан қувиб чиқараман.

Иложсиз қолган кампир йиғлай-йиғлай шоҳ саройига бориб, дардини Акбарга баён қилди. Подшоҳ айбдорни чақиртириб, суриштирганда тўғрилиқка хиёнат қилган қози ёлғон гапиришдан уялмади:

– Бу кампир туҳмат қияпти, олампаноҳ! У пулларининг устидан тўрхалта тўқиган экан, битта ипига ҳам хиёнат қилмадим. Виждони бўлса, ўзи айтсин, тўрхалтанинг титилган жойи бор эканми?

– Тўрхалта ўзим тўқиганим ҳолида бус-бутун эди, – деди кампир, – лекин, ичидаги тилла тангаларнинг мис чақаларга айланиб қолишига ақлим етмаяпти.

Қози тониб туравергач, Акбар шоҳ уларнинг икковига ҳам ижозат бериб юборди. Подшоҳ эрталаб ўрnidан тургач, устига ёпадиган тўрчойшабнинг ўртасидан бир парчасини кесиб олди. Хизматкорларига ҳеч нима демай ўз иши билан машғул бўлди. Ҳобгоҳ ходими чойшабнинг кесилганини кўриб, дарров хизматкорларни йиғиб, айбдорни қидирди. Айбдор топилмагач, шаҳардаги энг яхши тўқувчини топтириб келди. Тўқувчи тўрчойшабни аслига келтириб, тўқиб, ямаб берди. Акбар шоҳ ётар олдидан чойшабни кўрди-да, ходимини чақириб, бу ишни ким бажарганини сўради. Ходим кўрқа-кўрқа воқеани баён қилди. Шундан сўнг подшоҳ тўқувчини олиб келишни буюрди.

– Сен кўрқиб титрама, қўли гул тўқувчи экансан. Чойшабимнинг ямалганини биров тикилиб қараса ҳам билолмайди. Кичкина халтачаларни ҳам шундай усталик билан ямай оласанми?

Подшоҳнинг мақтовидан ҳузурланган тўқувчи деди:

– Бунақа ишлар мен учун қийин эмас. Яқинда қози ҳазратнинг халтачалари титилиб қолган экан, ўзидан афзал қилиб тўқиб бердим. Маҳоратимга қойил қолиб, бешта тилла танга инъом этдилар.

– Бешта тилла танга бердимиз? – деб ишонмагандай сўради подшоҳ.

– Ҳа, беш тилла танга бердилар. Биттасини ишлатдим, тўрттаси уйда турибди.

– Ўша тўртта тилла тангани эрталаб саройга олиб кел, – деб буюрди Акбар шоҳ.

Подшоҳнинг амрига мувофиқ кампир ҳам эрталаб саройга етиб келди.

– Сиз тилла тангаларингизни бошқа тангалардан ажрата ола-сизми? – деб сўради подшоҳ.

– Ҳа, – деди кампир, – мен ҳар бир тангага билинар-билинемас чизиқ-белги тортиб қўйганман.

Тўқувчи олиб келган тўрт тангани бошқа ўн тангага аралашти-риб қўйишган эди, кампир белгиларига қараб, ўзиникини ажратиб берди. Шундан сўнг қозини олиб келдилар. Қози саройга кириб, тўқувчини кўрди-ю, саросимадан ўзини йўқотди...

Қадим адабиётимизда кўплаб учрайдиган бу каби ҳикматлар китоблар саҳифасидан кўчиб, хонадонларга кирса, уларга, аввало, катталар риоя қилсалар, сўнг фарзандларини шу руҳда тарбия эт-салар, икки дунё саодатига элтувчи йўлдан адашмаган бўладилар.

Алломаларидан бири Ризоуддин ибн Фахриддин «Жавомеъ ул калим» деб номланган асарларида тўғрилиқ ҳақида ибратли фикрларни баён қилганларки, ўрни келганда улардан баҳраманд бўлиш айни муддаодир.

«Тўғрилиқ эзгуликка, эзгулик эса жаннатга олиб боради. Одам боласи сўз ва амалда тўғрилиқни биринчи даражада тутиши са-бабли Аллоҳ қошида сиддиқлар (тўғрилар) сирасига киради. Ёлғон ёмонликка, ёмонлик эса дўзахга олиб келади. Одам боласи ёлғон гапира-гапира Аллоҳ қошида каззоблардан бўлиб қолади».

Мазкур шарафли ҳадисни Ризо ҳазрат бундай шарҳлайдилар:

Инсонларда яхши ва ёмон хулқлар жуда кўп бўлса ҳам, ахлоқ олимлари уларнинг ҳаммасини икки хилга – тўғрилиқ ва ёлғончи-ликка тақсимлашган. Қанча яхшилик (фазилат) бўлса, шуларнинг ҳар бири тўғрилиқ (сиддиқлик) остига ва қанча бузуқлик (разолат) бўлса, ҳаммаси ёлғончилик (каззоблик) остига киради.

Тўғрилиқни фикрда, сўзда, муомалада, ваъдада тўғри бўлиш каби турларга айириш мумкин.

1. Фикрда тўғри бўлиш ўзини ўзи алдамасликдан ҳамда йўқ нарсалар билан ҳақиқатни ўзидан пардаламасликдан иборатдир. Инсон бир нарсани фикрлайди ва шу нарсага эътиқод қилади-да, кейин тама ва бахиллик ёки ғазаб ва адоват сабабли ўзининг шу эътиқодига шубҳалана бошлайди. Ҳақиқатни ўзидан яширишга чоралар излайди ва топади ҳам. Агар бахиллик ва тамани, ғазаб ва адоватни бир четга ташласа, у вақтда аввалги эътиқоди очиқ

суратда майдонга чиқади ҳамда шу эътиқоднинг дурустлигига ва ҳақиқат эканига унда ҳеч бир шубҳа қолмайди.

Баъзи кишилар бир нарсанинг (фикр, иш, эътиқод) бузуқлик эканини билишади ва шунга кўнгиллари мойиллиги сабабли ўзларига уни тузук кўрсатишга тиришишади ва йўл излашади. Бу ишлари тўғрилиқ эмас, балки ёлғон ҳамда ўзини ўзи алдашдир.

2-3. Сўзда тўғри бўлиш ва муомалада тўғри бўлиш бутун ҳаёт ва маишатнинг тиргагидир. Яхши мол сотиш, қарзларни вақтида бериш, омонатни сақлаш, бировнинг ҳақини эмаслик ва олиб қолмаслик муомалада тўғри бўлишга киради.

4. Ваъдада тўғри бўлиш. Ваъда ҳам муомала ҳукми остига киради.

Аблаҳ кишиларда дўстлик, ёлғончиларда садоқат бўлмаслиги сир эмас. Шундай экан, нима учун айрим одамлар тўғрилиқни одат этмайди, ёлғондан ва ваъдага вафо қилмасликдан сақланмайди?

Сабаби маълум: болалиқ ва ёшлиқ вақтида яхши тарбия олмаганидан, рост сўзлашга ва ёлғон гапиришдан сақланишга одатланмаганидандир. Бу одат болалигида ота-она тарафидан ҳосил қилиниши зарур. Болалиқ вақтида тўғрилиқка ўрганмаган киши учун китобларда ёзилган, минбарларда айтилган ва мўътабар кишилар сўзлаган сўзларнинг самараси оз бўлади. «Қайсики она ёки ота боласига бир нима бераман, деса-ю бермаса, ёлғончи бўлиши учун шунинг ўзи кифоя» эканини Расулulloҳ (с.а.в.) таъкидлаганлар. Чиндан ҳам катталар болани овутиш учун қанча кўп ёлғон гапиришларини ўйлаб ҳам кўрмайдилар. Болага ёлғончиликни биров атайин ўргатмаса ҳам, бу иллатни ўз ота-онасидан ўрганади. Ҳатто, ҳали тили чиқмай туриб ҳам отаси ва онасининг ёлғонларига тақлид қила бошлайди. Агар бу гапларни ота-оналар малол олишса, хотиржам пайтларида фарзандлари ёки жиянларини кузатсинлар.

Имом Бухорий ҳазратларининг фаолиятлари ҳақидаги ҳикояларда баён этиладиги, ул зот бир ҳадисни ишончли манбадан ёзиб олиш учун узоқ кунлар давом этувчи сафар машаққатидан ҳам қайтмаганлар. Саҳро барханларини ошиб бир қишлоққа борганларида ишончли ҳадис сўзлаб бериши лозим бўлган киши тушови бўшаб кетган отни ушлаш учун бўш этагини очганича, гўё арпа бермоқчидай, жониворни алдаб чорлаётган экан. Ҳазрат Бухорий бу ҳолатни кўриб «Бу киши ёлғончи экан, айтадиган ҳадиси ишончли эмас», деб изларига қайтган эканлар.

Кема ва поезд машинистлари бир дақиқа ҳам бепарволик қилмай, машиналарига қараб боришга қай даражада мажбур

бўлишса, ота-оналар ҳам, устозлар ҳам ёш болаларига шу даражада қараб туришлари, тўғрилиқка ўргатиб, ёлғондан сақланишга кўникма ҳосил қилдиришлари лозим. Болаларга яхши тарбия шу равишда берилади. Тўғрилиқка малака ҳосил қилган болаларнинг бошқа бузуқликлардан сақланишига умид боғлаш мумкин, чунки дунёдаги бузуқликларнинг ҳеч бири тўғрилиқ билан бир ерда жам бўлмайди.

Ривоят. Бир киши амир Алининг олдига келиб:

– Ё амир, исломда ман қилинган нарсалар кўп. Мен ёлғон сўзлайман, ўғрилиқ қиламан, шароб ичаман, бошқа гуноҳларим ҳам бор. Лекин мен ана шу гуноҳ ишларнинг ҳаммасидан бирданига халос бўлолмаяпман. Бинобарин, яхши фазилатлардан бирини ўргатинг, токи гуноҳ қилмоқдан халос бўлай, – деди.

– Ёлғон сўзлашдан ўзингни сақлагин, – деб насиҳат қилди амир Али.

У киши Алининг ҳузуридан чиқиб, ўз йўлига кетди. Йўл устида майхона бор эди. Унинг дилида шароб ичишга майл туғилди ва шу ниятда майхона сари юрди. Юра туриб ўйлади: «Агар амир мендан «Шароб ичдингми?» деб сўраса, мен «ҳа», деб тўғрисини айтсам, у ҳолда жазога рўпара бўламан. Агар «йўқ» деб жавоб берсам, алҳол «ёлғон гапирмайман», деб аҳду паймон қилганман». У киши ўйлай-ўйлай нафсини енгди-ю, шароб ичмоқ фикридан қайтди.

Шунингдек, йўлда бир хотинни учратиб, шаҳвоний ҳирси қўзғаб, зино қилмоқ ҳаракатига тушди. Бироқ, аввалгидек қилган аҳду паймони ёдига келиб, бу бузуқликдан ҳам воз кечди. Натижада, қайси бир гуноҳ ишнинг устидан чиқса, эсига ёлғон гапирмаслик ҳақидаги қилган аҳду паймони тушиб, ўзини тўхтатаверди. Шундан сўнг у амир Алининг ҳузурига келиб деди:

– Ё амир! Бир гуноҳдан тўхташим туфайли қаршимда очилдиган барча тўғри йўлларни кўрсатдинг. Барча ёмонликларнинг бошланиши ёлғон гапиришдан вужудга келишини энди тушундим.

Умидимиз юлдузлари, эндиги баёнимни ота-онангиз ёки устозингиз билан бирга ўқиб, фикрлашсангиз, фойдалироқ бўларди: тўғрилиқка малака ҳосил қилдириш қасди билан болаларга буйруқ бериш, уришиш ва сўкиш фойдали эмас, балки зарарлидир. Бола нима учун ёлғон гапиради? Бирон жазодан қутулиб қолиш учун, шундай эмасми? Эндигина тўрт ёшга тўлган бола косани синдириб қўйди ёки мураббони тўкиб юборди. У онаси ёки отасининг бақиршидан ёки уришидан қўрқади. «Бу ишни мен қилмадим», деган ёлғон унинг учун нажот бўлиб кўринади. Таҳдид оҳанги билан «ким қилди?» деб сўралса, оддий ёлғон туҳматни чорлайди: айбсиз одамнинг номи айтилади. Бу одат оиладан боғчага, ундан мак-

табга кўчади. Уйга берилган вазифани бажармаганини яшириш учун айтиладиган «дафтарим уйда қолибди», деган баҳона неча ўн йиллардан бери авлоддан-авлодга ўтиб, то ҳозиргача ишлатилади. Болага тарбия беришнинг йўли ота-она ўзлари болалар олдида рост сўзлашлари, ёлғон гапирмасликлари, болаларга ўрнатилган бўлишлари ва фарзандларининг муҳаббатларини қозонишга эришишлари орқали бўлади. Одам болаларини эзгуликка ва жаннатга олиб борадиган тўғрилиқ ана шундай бўлиб, сиддиқлар худди шундай кишилар орасидан етишиб чиқдилар. Оталар ва оналар ўзлари қилмайдиган иш ҳақида болаларига, «ундай қиламиз, бундай қиламиз» дейишлари ёки юпатиш учун ваъда беришлари бола тарбияси учун жуда зарарлидир.

Ёлғончи одам таҳқир ва койишгагина сазовор эмас, у жуда ҳам мушкул, ноаниқ, мужмал ҳаёт кечиретишга мажбурдир. Чунки биринчи сўзлаган ёлғонини хаспўшлаб беркитиш учун иккинчи ёлғонга, буни ҳам беркитишга ҳаракат қилиб, учинчи ёлғонга эҳтиёж сезади. Шундай қилиб катта ва қўрқинчли хатоларга дучор бўлади. Ўзининг иззат ва обрўсини халқ орасида йўқотгани соясида доимо қайғу-алам билан умр ўтказади. Демак, ёлғончилик ва иккиюзламачилик жуда ҳам нафрат этиладиган иллатлардан саналади, ёлғон сўзлаш – ўзини камситиш ва таҳқир қилишдир. Бу ёмон иллатни тарк этиш лозимлигини билишнинг ўзи кифоя эмас. Афсусларки, орамизда буни яхши билганлари ҳолда ундан қутулишга бепарво одамлар ҳам топилади. Шундайлар борки, ёлғон топа олмаган ҳоллардагина рост сўзлашга мажбур бўладилар. Ёлғончи одамлар ўз ёлғонларига бошқаларни ишонтириш учунгина рост сўзлайдилар. Бу ёлғончиларнинг юзлари кулиб тургани билан қалблари қорадир. Кўринишлари одам шаклида бўлгани билан, ёлғон гапирганлари учун инсонийликдан узоқлашганлар.

Ибн Масъуд дедиларки: «Энг яхши озуқа тақводир, энг ёмон кўрлик қалб кўрлигидир. Хатоларнинг энг каттаси ёлғондир». Бу ҳикматдан келиб чиқадиган маъно: қалби кўр одам ёлғони оқибатида келувчи ҳасратни кўра олмайди. Ёлғончиларнинг бу иллатдан қутулишлари учун Арасту ҳақимнинг: «Тўғрилиқда ўлиш – ёлғончи бўлиб узоқ умр кўришдан кўра хайрлидир», деган ҳикматлари асқатармикин? Эҳтимол, ҳазрат Навоийнинг: «Бировким, эрур ростликдан йироқ, анингдек киши бўлмоғон яхшироқ», деган доно сўзлари таъсир қилар?

Бу гаплар-чи?

«Ҳар кимнингки сўзи ёлғон, ёлғонлиги билинганча, уятга қолғон. Ёлғонни чиндек гапирувчи сўз устамони – кумушга олтин қоплаб

сотувчи заргар... Ёлгон гапирувчи ғафлатдадир. Сўзнинг бир-биридан фарқи кўпдир, аммо ёлгондан ёмонроқ тури йўқдир... Ёлгон гапириш билан ўз вақтини ўтказувчи одам, бу қилиғи ёмон туюлиши ўрнига, кишиларни алдаганидан фахрланади ҳам. Ёлгончи ўз гапига гўллик билан қулоқ солувчини топса, уларга ёлгонини чин ўрнига ўтказса, муродига етган бўлади. Ёлгончи – Ҳақ қошида гуноҳкор. Халқ олдида эса шарманда. Бундай наҳснинг беор юзи ёмонликка ўгирилган бўлади. Бундай наҳсга ботган одам қутлуғ уйдан нари бўлмай («қутлуғ эв» – қутлуғ уй, яъни биз яшаётган дунё демак).

*Ул кишини қутлуғ эвдин ташқари сурмак керак,
Қутлуғ эв дунёдурур, яъники, ўлтурмак керак.*

...Озгина ёлгон ҳам улуғ гуноҳдир, озгина заҳар ҳам ҳалок қилувчидир.

*Заҳрнинг оз эса миқдори даги муҳликдур,
Игнанинг нўғи заиф эрса даги кўр қилур.*

Ёлгончи одам – унутувчи. У андиша ва эҳтиётдан четда турувчи. Ҳар кимнинг сўзи чин бўлмаса, ростгўйлар кўнглига у сўз қабул бўлмас. Ёлгончи ўзининг ёлгон сўзига бир-икки марта ишонтиради. Кейин нима қилади? Ёлгончилиги маълум бўлгач, у расво бўлади. Унинг сўзига халқ ишончи йўқолади. Кўнгил хазинасининг қулфи – тил. У хазинанинг калити – сўз бил.

Чин сўзни ёлгонга чулғама, чин гапира оладиган тилни ёлгонга булғама. Ёлгончи – киши эмас, ёлгон айтмоқ – яхшилар иши эмас. Ёлгон сўз – айтувчини беэътибор қилади. Чунки у гавҳарни оддий тошдек хор қилади. Кимки чин сўзни ёлгонга қотади, бебаҳо дурни нажосатга отади.

*Гавҳареким, шоҳларга зеби тожу тахт эрур,
Ташлагон они нажосатга ажаб бадбахт эрур».*

Шоҳларнинг тож ва тахтига безак бўлган гавҳарни нажосатга ташлаган ажаб бадбахт кишидир...

Ёлгончиликдан ҳазар қилмай яшаётганлар агар «Бу гапларни ўзимизга ўхшаган бир одам айтган-да», деб ўжарлик қилсалар, уларга Аллоҳ таборак ва таолонинг бу огоҳдантиришлари эслатмадир: «Албатта, Аллоҳ (иймонда) содиқ кишиларни билур ва, шунингдек, ёлгончиларни ҳам аниқ билур» («Анкабут»). «Қасамларингизни ўзаро алдов воситаси қилиб олмангиз» («Наҳл»).

Ҳазрат Сўфи Оллоҳёрдан байт:

*Қилич бошинга келса, айма ёлгон,
Ўлумдиндур батар чунки у ёлгон.*

Дейилмоқчики: биров бошинг узра қилич кўтариб чопмоққа шай турса-да, ёлгон гапирма. Чунки ёлгон, эртами-кечми, бари бир очилади. Шунда сен халқ орасида уятга қоларсан. Шунинг учун уят – ўлимдан ёмон, деб бекор айтмаганлар.

*Нажас мурдор эмас ёлгончиликдин,
Мусулмонега шарм эт бу қилиқдин.*

Дейилмоқчики: кўриб турибсан, нажасларнинг нажаслироғи ёлгончилик экан. Шунинг учун зинҳор-базинҳор бундайин ёлгончи кимсалардан, уларнинг қилиқларидан уялгин, ёлгон сўзни сўзламагил, дея мусулмонларга ўғит қилавер.

Ривоят. Бир фирибгар бегона шаҳарга келиб «Ҳаждан келаётибман», деб мақтанди сўнг бир китобдан қасида кўчириб, «Буни подшоҳга атаб ўзим ёздим», деб тортиқ қилди. Подшоҳ бундан қувониб унга кўп неъмат бериб, иззат ва икром қилди. Подшоҳ мажлисининг яқинларидан бири шу куни сафардан қайтиб, фирибгарни кўрди-ю «Мен бу кишини Қурбон ийдида Басра вилоятида кўрдим, бу нечук ҳожи бўлур?» деди. Яна бир киши айтдики: «Мен буни танирман, отаси насроний эди, ватани Малатиядир». Бундан сўнг билдиларки, бу одам ҳожи ҳам, саййид ҳам эмас экан. Подшоҳ шаънига ёздим дегани қасида Анварий девонидан кўчирилганлиги ҳам аён бўлди. Унинг ёлғони занжир ва таёқ билан тақдирланди.

Ҳикмат. Ёлғон сўз айтмоқ қилич зарбиға ўхшар, агарчи яраси бутса ҳам нишони қолур. Андоғким, Юсуф алайҳиссаломнинг биродарлари ёлғон сўз била машҳур бўлдилар ва аларнинг рост сўзлариға ҳам эътимод қолмади.

Ҳадис. Ҳазрати имом Абу Ҳанифайи Куфий (қ.с.) кечалари уч юз ракаат намоз ўқир эдилар. Бир куни кўчадан ўтиб борар эканлар, бир хотиннинг бошқа хотинга: «Бу киши беш юз ракаат намоз ўқийдилар», деганини эшитдилар. «Шу хотин ёлғончи бўлиб қолмасин», деб энди беш юз ракаатдан ўқий бошладилар. Бошқа бир кун шогирд боланинг «Бу киши кечалари минг ракаатдан намоз ўқийдилар», деганини эшитиб, «Бола ёлғончи бўлиб қолмасин», деб энди минг ракаатдан ўқидилар. Шогирдларидан бири айтди: «Халқ сизни кечалари ухламай намоз ўқиб чиқадир»,

дейди». Ҳазрати имом бу гапни эшитиб, «Энди кечалари ухламасман», дедилар. «Нечун?» деб ажабланди шогирд. «Халқ ёлфончи бўлмасин», дедилар. Шундан сўнг ўттиз йил ухламадилар. Бомдод намозини хуфтон таҳорати билан ўқир эдилар. Икки тиззалари гўё туя тиззасига айланган эди.

Ёлфон ва алданиш турларини ҳаётда ҳар куни кўплаб учратамиз. Оилада зарарсиз туюлган кичик ёлфонни тимсоҳ тухумига ўхшатиш мумкин. Тимсоҳ боласи тухумни ёриб чиқиб ваҳший махлуққа айланади. Хотинини ёлфон гап билан алдаётган эр (ёки эрини алдаётган хотин) бу иллатни қачон ва қаерда ўрганганини бир мулоҳаза қилиб кўрса ёмон бўлмас эди. Корхоналарда, идораларда ёлфон либосига ўралган баҳоналарнинг саноғи йўқ. Бозордаги ёлфон дўллари-чи?

– Олма неча пул?

– Минг сўм.

– Саккиз юздан беринг...

– Нима деяпсиз, ўзим саккиз юз эллиқдан олганман...

Аслида олти юз эллиқ сўмдан олган. Ёлфон ишлатмаса ҳам фойдасига сотади. Ким ҳаромга аралаштириб топилган фойдани нақадар афзал билса, унинг келажаги шунчалар аянчли! Набий муҳтарам (с.а.в.)дан: «Қандай даромад хайрлироқ ва яхшироқ, ё Расулуллоҳ?» деб сўрашди. Ул зот дедилар: «Меҳнат қилиб топилган ва алдовсиз тижорат орқали келган даромад».

Ёлфончилар орасида кўрс, тўнг феълли одамлар кам учрайди. Аксинча улар ширин муомалалари билан кишининг жонини суғуриб олишга қодир бўладилар.

Масал. Бир қарға пишлоқ парчасини олиб, дарахт шохига қўниб турарди. Оч тулки қарғанинг оғзидаги пишлоқни кўриб, шошилганича дарахт остига келди:

– Кунингиз хайрли бўлсин, қарға ҳазратлари! Бунчалар чиройлисиз-а! Гўзал ипак каби патларингиз кўзларимни қамаштиряпти. Майин патларингиз каби овозингиз ҳам ғоят ёқимли. Шубҳасиз, барча қушлар сизни булбулдан ҳам афзал деб биладилар, – деди.

Қарға бу сўзларни эшитиб, севинди. Севинганидан шохдан-шохга сакради. Сўнгра булбулдан афзал эканини намоён қилиш учун бутун қуввати билан «Қағ! Қағ!» деб қағиллаганида оғзидаги пишлоқ тушиб кетди. Тулкига худди шу керак эди. У пишлоқни илиб олиб, паққос туширди-да, қарғага қайрилиб ҳам қарамай кетворди. Қарға эса бу воқеадан лол қолди. Ҳайратланиб, ўйга толди. «Бундай тотли сўзларга энди алданмайман», деб қасам ичди.

Бу дунёда худди шу тулки каби айёр кимсалар бордирки, улар ширин сўз ва мадҳлари билан кишини алдаб, қўлидагини олиб қўйишга уринадилар. Кейин эса хайр-маъзурсиз қочиб қоладилар. Бундай одамларни «товламачи», деб ҳам атайдилар ва жамият қонунига кўра, уларга жиноий жазо ҳам белгиланади. Эсли одам учун бу дунёда энг зарур вазифалардан бири тулки феъли товламачиларнинг ёлғон сўз ва сохта хушомадларига алданмасликдир. Тулкифеъл айёр кимсалар қанча подшоҳлар ва бойларни гўзал сўз ва мадҳлари билан ҳалокатга етаклаганлар. Ҳар бир хушомадгўй мазкур масалдаги тулкига ўхшайди. Яқинлашган инсонни ҳалокатга етаклайди. Ёлғончининг ширин сўзи софдил кишиларга бир тузоқ эканини унутмаслик зарур.

Ер юзини ёлғон баҳоналар уммони босганга ўхшайди. Гўдакликда одат тусига кирган бу иллатдан айримлар қарилик ёшига етганларида ҳам айрилгилари келмайди. Баъзи қарияларнинг юзларига қарасангиз, «нуроний» деб иззатлашга арзигулик нур йўқ. «Ёлғон сўзламоқдан парҳез қилмагани сабабли шундаймикин?» деб ўйлаймиз.

Воқеа. Йигирма беш йил муқаддам бир воқеа содир бўлган эди. Мен мудирлик қилаётган бўлимда ишловчи ёш дўстимиз «Онам офир касаллар», деб барвақт кетишга ижозат сўради. Бундай ҳолда ким рухсат бермайди? Орадан тўрт соат ўтиб, иш вақти тугагач, кўчада кетаётиб уни бир қиз билан қўлтиқлашиб кетаётганини кўрдим. У эртасига ҳам ишга келмади. Индинига хафаҳол кўришида пайдо бўлди. Қизни кузатгач, қишлоғига бориб келгандир, деб ўйлаб, «Онангиз тузукмилар?» деб ҳол сўрадим. «Мазалари йўқ», деди. Бир соатдан сўнг унинг опаси қишлоқдан қўнғироқ қилиб, «Укамга насиҳат қилиб қўйинг, икки ойдан бери уйга келмайди», деди. Қисқаси, мен у йигитга танбеҳ бердим-у ариза ёзиб, бўшаб кетишини талаб қилдим. Мен унинг ёлғон гапиришини кечирсам бўларди. Лекин соғлом онасини «офир касал» дейишини кечириш мумкин эмасди...

Ёлғон сўзлаш ироданинг заифлигидан далолат беради. Одам истаса-истамаса, сергаплик уни ёлғон кўчасига бошлаб кетади. Таомланиш лозим бўлса, қозонга бошимизни тикмаймиз, керагини сузиб еймиз. Гап ҳам шундай бўлиши керак. Унни ёки қумни элаб ишлатганимиз каби тилимиздан учаётган сўзларга илашган ёлғонни ушлаб қолиш учун ақл ва тафаккур элагиде элаб олишимиз шарт.

Ривоят. Бир лофчи ёлғон сўзларни кўп сўзлар эди. Бир куни мажлисда денгизларнинг аҳволидан ва денгиз саёҳатида кўрган

томошаларидан ҳикоя қилди. Мажлисдаги кишиларнинг бири сўрадики: «Эй, биродар, сиз денгизда кўп саёҳат қилганга ўхшайсиз. Денгизларнинг балиқлари дарё балиқларидан ўзгачадир? Улар қандай бўлар экан?»

Саволдаги пичинг оҳангини англамаган лофчи у кишига боқиб, деди:

– Ҳалигача сиз денгиз балиқларини кўрганингиз йўқми? Денгиз балиқлари туяга ўхшаш икки узун шохли бўлурлар...

Мажлис аҳли билдиларки, ул бечора на туяни кўрган экан ва на денгиз балиғини. Барчалари кулиб юбордилар. Лофчи эса уялиб, мажлисни тарк этди.

Фитрат – яратилиш жиҳатидан олиб қарасак, одам боласи ахлоқнинг барча турлари, жумладан, ҳар хил ёмон хулқларга ҳам эга бўлиши мумкин. Аммо унинг табиатида ёлғон билан хиёнат бўлиши сира ҳам мумкин эмас. Бу икки иллат ҳар бир инсон учун катта қусур ва қабоҳатдир. Ҳар қандай киши учун бу икки ахлоқ қабоҳат экан, демак, комил инсон йўлини танлаган кишига асло ярашмайди. Чунки виждон эгалик қилган қалбга ёлғон ва хиёнат сифмайди. Шунинг учун ҳам яхши одам тўғрилиқ ва вафодорликни севади, бошқаларни ҳам шунга чақиради.

«ҚАРИНДОШ» ИЛЛАТЛАР

Ифвогар мисоли кўмир, куйдирмаса ҳам кишини қора қилади. Ифвогарни бошқалардан ажратиш қийин эмас, у бировларнинг кулфатидан шодланади. Ифвони касб қилган одам киши танасида юриб, фақат яра бор жойда тўхтайдиган пашшага ўхшайди.

Ёлғон иллатининг «фарзандлари» борасида батафсил суҳбатлашиш фурсати етди. Кишининг сақланиши зарур бўлган – чақимчилик, тухмат, ғийбат, ҳасад, ифво, фитна, ҳийла – бир оилага мансуб «қариндош» иллатлардан ҳисобланади. Агар ёмонликлар орасида кўрик-танлов ўтказилса, барчалари бир поғонада турган бўларди. Бу иллатларни бир онадан бир пайтда бирга туғилган эгизаклар, десак ҳам бўлади. Чунки бирининг иккинчисидан кам ери йўқ. Ҳаммаси оила бахт саройининг кушандаларидир ва уларни бир сўз билан «фисқу фужур» (ёмонлик, бузуқлик – ахлоқсизлик) деб, бу иллатлар эгасини эса «фосиқ» деб аташ мумкин. Яна тилимизда «фисқу муфрит» деган атама борки, унинг маъноси – ўтакетган бузуқликдир.

Ғийбатни руслар «сплетня», «злословие» дейдилар. Ғийбатнинг отаси – бекорчилик. Шунинг учун «Болалик уйда ғийбат йўқ», дей-

дилар. Болаларнинг ширин-ширин гаплари, қувноқ ўйинларига маҳлиё бўлганларнинг хаёлига бировни ғийбат қилиш келармиди?

«Тухмат» ва «бўхтон»ни «клевета», «ифво»ни «провокация», «фитна»ни «интрига», «заговор» дейдилар. Иллатларнинг русча маъносини беришдан мақсадим, ёшлар орасида бу иллатларни биргина «провокация» атамаси билан тилга олиш одати кўп учрайди.

Баъзилар бу тушунчаларни бир деб, маънодош сўзлар сифатида ишлатадилар. Масалан: «Фалончи тинмай ғийбат қиларди. Унинг ифвоси натижасида ҳалокат юз берди». Тўғри, ғийбат – ифво ва фитнанинг бошланиши. Ғийбат кишига зарарсиз, ўткинчи бир гапдай бўлиши мумкин. Лекин ифво давомли бўлади. Ёмон ният амалга ошмагунча тинчилмайди. «Ифво» ва «фитна»нинг нима эканини тасаввур қилиш учун яна Одам Ато ва Момо Ҳаввонинг тақдирларини эслайлик. Шайтон алайҳилаъна ёлғонни ишлатиб ифво ва фитна қилмадимми?! Шунинг учун ҳам дуога қўл очилганида Аллоҳ Таолодан шайтоннинг ҳийласидан, ифвосидан, фитнасидан сақлаш илтижо қилинади.

Қуръони Каримнинг «Шуаро» сурасида шайтон алайҳилаъна ифвосига учиб, йўлдан озганларга дўзахнинг кўндаланг қилиб қўйилгани ҳақида огоҳлантириш бор. Одам Ато яралганидан бери шайтон ифво ва фитна билан банд. Унинг мақсади аниқ – бандани ҳидоятдан четлатиш, бу дунё ҳаётида беобрў, бадном қилиш ва Қиёматда дўзах сари етаклаш. Ифво ва фитна шайтоннинг касби экан, одам боласининг бу касбга меҳр қўйиши, аввало, ўзи учун, қолаверса жамият учун фожиадир. Мени бу борада бир нарса кўп ўйлантиради: шайтон кибри учун Аллоҳ Таолонинг ғазабига учради. Шу туфайли Одам Ато ва унинг авлодига душман бўлди. Душманлиги боисидан ифво-фитнани бас қилмайди. Хўш, бизларнинг орамизда яшаб, биз билан бир ҳаводан нафас олиб, бир булоқдан сув ичувчи кимса нима учун ифво ва фитнадан ўзини тиймайди. Бу иллатларнинг гуноҳ эканини, кимгадир қилган ифвоси ёки фитнаси учун дўзах азобига дучор бўлишини билмайдими? Билади! Хўп, ифвоси ёки фитнаси орқали нимага эришади? Ҳеч нимага! Ёмон кўрган одами унинг ифвоси туфайли ишдан ҳайдалар, оиласи бузилар ёки бошига бошқа бир мусибат тушар. Хўш, ифвогарга бундан нима наф? Фақат кўнгли бир оз «роҳатланади». Шугинами? Ҳа, шугина! Ифвоси туфайли эришган «кўнгил роҳати»ни тарозининг бир палласига, дўзахдаги азобини иккинчи палласига хаёлан қўйиб кўрайлик-чи.

Масал. Бир арслон бетоб бўлиб қолди. Барча ҳайвонлар зиёратга келишди, фақат тулки келмади. Бўри бу қулай фурсатни қўлдан бермаслик учун ифво қилди:

– Тулкининг ярамаслигини энди билдингизми? У сизни мен-симайди, хасталанганингизни эшитиб, қувониб юрибди. Агар бу қилиғи учун жазоламасангиз, бошқа ҳайвонлар ҳам ундан ибрат олиб, сизни назар-писанд қилмай қўйишади.

Бўрининг ифвосини қуён эшитиб турган эди, ўша заҳоти тулкига етказди. Тулки вақтни бой бермай, бир хўрозни тутди-да, арслон ҳузурига таъзим билан келди. Арслон ғазаб билан наъра тортди. Тулки эса таъзимдан бош кўтармай, узрини баён қилди:

– Улуғим, сизнинг бетоблигингизни эшитганимдан бери ҳузур-ҳаловатимни йўқотганман. Сизнинг саломатлигингиз учун мен жонимни беришга ҳам тайёрман. Бошқа ҳайвонлар сизни кўргани келишганда мен дардингизга даво излаб юрган эдим. Бағоят тажрибали, қўли енгил табиб борлигини эшитиб, уни қидириб топдим. Ҳузурингизга даъват қилган эдим, боласи вафот қилгани учун кела олмай, узрини айтди. Аммо сизни шифолаш йўлини менга тушунтирди. Сиз хўроз гўштини еб, ўтини почаси билан аралаштириб оғриган ерингизга сурасиз, кейин бўрининг оёғини узиб олиб, қони қотмай туриб боғлайсиз.

Арслон тулкининг сўзига ишонди. Хўроз гўшtidан эган эди, ўзини бир оз енгил ҳис этди. Тулки кетгач, бўри унинг жазосиз чиққанидан ажабланиб, арслон ҳузурига кирди-ю, оёғидан ажралди...

Эътибор қилдингизми, бир иллат иккинчисини уйғотяпти: бўри ифвонинг уясини кавлади; қуён бўрини ёмон кўргани учун чақимчилик қилди. Тулки эса бўрининг ифвосини даф этиш учун ифвони ҳийла либосига ўраб, қасдини олди. Агар бўри қуённинг чақимчилигини билса, бу ёғи нима бўлишини билаверинг. Ўтмишнинг машҳур адибларидан Анатол Франснинг «Адоватчиликка қарши адоват уйғотинг» деган чақириғи бор. Агар бу чақириқни тўғридан-тўғри қабул қилсак, «ифвогарга қарши ифво уйғотинг», деб тушунамиз ва тулкининг ишини маъқуллаймиз. Ифвога ифво билан жавоб бериш инсонийликдан эмас. Адибнинг чақириғида бу маъно йўқ. Балки адоватни инкор этишга даъват мавжуд. Ифвогардан нафратланишимиз керак. Лекин нафрат чегарасидан чиқиб, ўч олишга киришсак, ўша ифвогардан ҳам баттарроқ тубанлашган бўламиз. «Аччиқни аччиқ кесади» деган мақолни «ифвони ифво кесади ёки тўхтатади» деб тушуниш ақл ожизлигидан далолатдир. Ифвога ифво билан жавоб бериш янада баттарроқ ифволарнинг туғилишига сабаб бўлади.

«Ифво – ожиз қалбнинг ёвуз мероси, мағрурлар қалбидан ҳайдалган бир ҳис», деб ёзган шоир ғоят тўғри фикрлаган экан. Ифвогар ҳамиша ўзининг асл башарасини ниқоблаб юради. Кўпинча у

ўзини куюнчак меҳрибон дўст қиёфасида кўрсатади. Агар шундай ниқоб остида ифво қилинмаганида эди, дунёда кўп ёвузликлар бўлмасди.

Ифвогарнинг ҳаётда уялиб қолишини кўп кузатганмиз. Дунёвий қонунларда Қиёмат жазоси кутиб ўтирилмайди. Ифвогарлиги исботланса, қамоқ жазоси бор. Лекин унга қадар ифвогар бир эмас, баъзан бир неча одамнинг шўрини қуритади. Худди қуйидаги ҳикоятдаги каби.

Ҳикоят. Қадим замонда бир одам қул сотиб олиш мақсадида бозорга борди. Бир қул кўнглига маъқул келган эди, савдогар унинг айбини ҳам баён қилди:

– Бу қул жуда уста, ҳунарманд, аммо ифвогарлик ва фитнада ҳам тенгсиз. Агар айбига эътибор қилмай, ҳунарига қизиқсангиз, олаверинг.

У одам айбига эътибор бермай қулни сотиб олди. Орадан ойлар ўтиб, бир куни қул хожасининг хотини ёнига бориб, деди:

– Сизнинг менга меҳру шафқатингиз ва ёрдамнингиз жуда кўп бўлгани учун махфий бир сирни айтишга мажбурман. Агар у сирни сизга айтсам-у эрингиз билиб қолса, мени аёвсиз жазолайди. Айтмасам, сизга хиёнат қилган бўламан. Шунинг учун сўзларимни ҳеч кимга айтмасликка ваъда беринг, – хотин ваъда бергач, қул ифвосини давом этди: – Эрингиз сизни қўйиб юбориб, бошқа хотин олмақчи. Бунинг чорасини кўришга шошилмасангиз, кейин «аттанг!» деб сочингизни юлишингиздан фойда йўқ.

Бу нохуш хабардан хотин шошиб қолди. Қандай чора кўришни билмай, қулдан маслаҳат сўради.

– Шу шаҳарда зўр азайимхон бор, деб эшитганман, ҳозир унга бориб, эрингизни сизга «иситиб» келаман.

Қул шундай деди-да, кўчага чиқиб, бир оз айлангач, изига қайтди.

– «Иситиш» учун эрингизнинг энгаги тагидан бир неча дона бўлса ҳам мўй олиб берар экансиз. Кечаси эрингиз ухлаган пайтда устара билан аста қириб олсангиз ҳам бўлади, – деб йўл-йўриқ ўргатди.

Хотин кеч киришини кутаётган маҳалда қул хожасига рўпара келиб, йиғламсираб деди:

– Эй, хожам, сиз мурувватда тенги йўқ улуф одамсиз. Менга қилган шафқатингизни билмасам, кўр бўламан. Сизнинг муборак ҳаётингизга хавф солувчи бир сирни сездим, айтмасам, жонингизга қасд қилгандай бўлиб қоламан.

Бу гапдан ажабланган хожа қулидан сирни ошкор қилишни талаб этди. Қул баттар йиғламсираб, гапини давом қилди:

– Хотинингиз бошқа бир одамга кўнгил қўйган экан. Сизни бу кеч ўлдириб, унга тегиб олмоқчи. Эҳтиёт бўлинг, сиздек шафқатли хожамдан айрилиш мен учун ҳам улуғ бир мусибат.

У киши малъуннинг гапига ишонди. Кечаси ўзини ухлаганга солиб, сергак ётди. Қаттиқ хуррак овозини эшитган хотин эса қўлига устара олиб унга яқинлашди. Устарани энгаги тагига олиб келганда эри унинг қўлидан маҳкам ушлади. Хотинининг оҳ-войига парво қилмай шу устара билан уни ўлдирди. Эртасига хотиннинг қариндошлари бу воқеадан хабар топиб, ғазабландилар ва келиб эрни ўлдирдилар. Шундан сўнг эрнинг қариндошлари ҳам ғазаб билан оёққа қалқдилар. Хун олиш учун қуроладилар. Оқибатда ҳар иккала томондан кўп одамлар қурбон бўлди...

Бугунги кунимизда бунақа воқеа учрамайдигандай туюлади бизга. Ҳа, учрамайди, лекин ифвогарлар-чи? Улар йўқ бўлиб кетишмаган-ку! Уларнинг «иш услублари» ўзгарди, холос. Шу боис донишмандлар бу каби ҳикоятларни мерос қолдириб, ифвогарлардан ҳаминша эҳтиёт бўлишга, уларнинг сўзлари билан пок кўнгиллари хира қилмасликка даъват этишган. Шарафли ҳадисда: «Ким мусулмон биродарини ифво қилса, Аллоҳ Қиёмат куни унинг юзини орқасига ўгириб қўяди», дейилиши ҳар бир киши учун ибратдир.

Ифво ва фитнани касб қилган шайтонга жаннат ҳаром, саодат ҳаром бўлганидек, ифвогар одам ҳам сира бахтли бўла олмайди. Бир марта ифво қилиб тўхтаса, ўзига яхши. Албатта, тавба яхши, лекин ифводан ўзини тўхтатиш янада яхшироқ. Лекин кимса тавба қилмаса ёки тавба қилиб бўлганидан кейин яна ифво устига ифвони қалаштириб ташлайверса, ҳаётдаги қўрқуви ҳам ошаверади. Аввалги баёнларда таъкид этилганидай, тавба бир марта қилинади ва бу гуноҳлардан тўхталади. Ахир киши заҳарни икки марта ичмайди-ку! Ифво ва фитна уруғини эккан кимса пушаймон мевасидан бошқа яна нима ундириб олиши мумкин?

Ҳиндларда «Фитнанинг олдини олмоқчи бўлсанг, фитна эшитувчи қулоқни кесиб ташла», деган мақол бор. Ҳузайфа (р.а.) бундай насиҳат қиладилар:

«Фитна қалбларда бош кўтаргай. Фитнадан озроқ озуқа олган қалбда бир доғ пайдо бўлади. Шундан сўнг унда фитнага нисбатан нафрат уйғонса, доғ кетади. Кимки қалби фитнага дучор бўлган-бўлмаганини билмоқчи экан, қалбини тафтиш қилсин. Агар аввал ҳаром деб билган нарсани ҳалол деса ёки асли ҳалол нарсани ҳаром дер экан, демак, қалби фитнага макон бўлибди.

Фитналардан эҳтиёт бўлинг. Ҳеч ким фитнага берилмасин. Ким фитнага юзланса, тошқин сел йўлдаги ифлос нарсаларни суриб

кетганидек, фитна ҳам у кимсани ана шундай судраб олиб кетгай. Фитна дастлаб ҳақ-рост қиёфасига ўраниб бошланади. Шу даражадаки, баъзилар уни ҳақ деб биладилар. Фақат ўртадан кўтарилганидан кейингина унинг фитнализини тушуниб етади.

Ҳатто сув қўшилмаган шароб ҳам фитна каби инсонлар қалбини алдаб, чалғита олмайди.

Шундай бир замон келадики, сувга чўкаётган одам каби астойдил дуо-ниёз қилган кишигина фитнадан омон қолади. Бошқа ҳеч ким қутула олмайди.

Дунё учун охиратни унутган, охират учун дунёни ташлаган кимсалар сизларнинг яхшиларингиз эмас. Яхшиларингиз ҳар иккаласидан ҳам тўғри фойдалана олганларингиздир».

Фитнани инсонларни ўлдирувчи маънавий қуролга қиёсласак ҳам бўлади. Бизда «Ким бировга чоҳ қазиса ўзи йиқилади», деган мақол бор. Мазкур мақолдаги ҳикматни қадим ҳинд афсонасидаги бу воқеа исбот этади.

Ривоят. Подшоҳнинг бош вазири ғоят доно эди. Бошқа вазирларга унинг мавқеи тинчлик бермасди. Охири барчалари тил бириктириб, фитна атрофида бирлашдилар. Вазирлардан бири подшоҳга таъзим қилиб, бу кеч тушида олампаҳоҳнинг марҳум оталарини кўрганини айтди. «Жаннатмакон дадангиз у дунёда ҳам подшоҳ эканлар. Лекин сиздан ранжидилар. Доно бош вазирга муҳтожликлари бор экан, ҳузурларига жўнатмасангиз сиздан рози бўлмасмишлар», деди. Подшоҳ бу гапни эшитиб ажабланди. Орадан ярим соат ўтмай, иккинчи вазир ҳам келиб бир туш кўрганини айтди. Кейин бошқалари ҳам тушларини баён қилдилар. Подшоҳ биринчи тушга ишонмагандай бўлган эди, қаторасига барча вазирларининг бир хилда туш кўриши унинг ақлини олди. Охири доно бош вазирини чақиртириб, ўзини оғир аҳволга солган муаммони баён қилди. Бош вазир фитнадан мақсадни дарров англади-да, «Ҳамонки жаннатмакон дадангиз мени чақиртираётган эканлар, дарҳол жўнатиш чораларини кўришингиз керак. Мен у дунёга бориб хизматларини адо этишга тайёрман. Фақат менга қирқ кун муҳлат беринг. Бу кунлар мобайнида ибодат билан банд бўлиб, руҳимни поклаб олай. Дадангиз ҳузурларига пок ҳолда бормоғим шарт», деди. Подшоҳ ижозат берди.

Бош вазир вақтни ғанимат билиб, уйдан то мурдани ёқиш майдонига қадар ер остидан йўл – лаҳм кавлатди. Қирқ кун ўтгач, оппоқ либосда подшоҳ ҳузурига келди-да, гулхан ўтини ҳам ўзи ёқажагини билдирди. Подшоҳ у билан йиғлаб хайрлашди. Фитначи вазирлар эса қувондилар. Бош вазир қалаб қўйилган ўтинлар устига чиқиб

оловни ёқди. Тутун кўтарилиши билан ўтинлар орасидан ер ости йўлига ўтди-да, уйига қайтиб келиб, беркинди. Уч йилгача кўчага чиқмади, бировга кўринмади. Уч йилдан сўнг яна оппоқ либосини кийиб подшоҳ саройига келди. Подшоҳ бу доно маслаҳатгўйини соғиниб, сиқилиб ўтирган эди, уни кўрди-ю чеҳраси ёришди. Фитначи вазирлар эса талвасага тушдилар.

– Жаннатмакон дадангиз сизга саломлар йўлладилар. У дунёдаги салтанатлари ғоят гуллаб-яшнапти. Мен у зотга уч йил хизмат қилдим. Бугун менга ижозат бердилар ва сизга амр этдиларки, токи бу вазирларингизни ҳам ҳузурларига юборгайсиз. Уларни бугун шомгача кутажакларини хоҳиш қилдилар.

Бу гапни эшитиб подшоҳ ўйланди:

«Бу вазирлар дадамни тушларида кўрган эдилар. Тушга инониб юбориб эдим, мана, хизматини қилиб қайтиб келди. Бу дадамнинг ўзларини кўрган, амрларини ҳам ўз қулоғи билан эшитган экан, нима учун ишонмайин?»

Фитначи вазирлар ўша соатдаёқ гулханда ёқилдилар...

Сергак, зеҳнли умидимиз юлдузлари, бу иллатларни сиз болалик пайтингизданоқ уйда ёки мактабингизда кузатгансиз. Иккита ўқитувчи бошқасини ғийбат қилиб ёмонлаётганини эшитиб, ажаблангансиз. Уйда эса... ғийбатсиз кун йўқ. Қўшнилари, қариндошлари, ҳатто сизнинг устозларингиз ғийбат қилинади. Бу гапларнинг ёмонлик белгиси – иллат эканига тушунмай, сиз ҳам шу томон оға бошлаган бўлсангиз, дарров тўхтанг. Акангиз уйланиб, уйга келин келгач, «ёлғоннинг фарзандлари» хонадонингиз ҳаловатини бузишга интилаверади. Сиз буни сезиб ё кўриб турасиз-у, лекин олдини олишга имконингиз бўлмай, кўнглингиз оғрийди. Айрим тенгдошларингиз эса (айниқса, қизлар – қайинсингиллар), янгаларининг камчилигини кўрганда қувониб, дарров акаларига ёки оналарига етказадилар, яъни чақимчилик қиладилар. Ҳатто ошириб-тошириб етказадилар. Яъни янгалари эҳтиётсизлик қилиб, иккита косани синдириб қўйган бўлса, уч ёки тўртта, деб етказилади. Чақимчиликка тўхмат қўшилиб, гуноҳ янада ортади. Оила ҳаловатини бузувчи иллатлар ҳақидаги бу гапларни ёлғиз ўзингиз эмас, ота-оналарингиз, акалар-янгаларингиз билан бирга ўқиб маъно олишларингизни истардим.

Оилада келиннинг чақимчилик, ғийбат қилиши ҳолларини тез-тез учратамиз. Лекин тўхмат, иғво, фитна бобида «улоқ қайноналарда кетган». Бу сатрларни ўқиган муҳтарама қайноналар мени айблашмасин. Келинларнинг ёнини олиб, уларни атайин айблаш фикридан узоқман. Келин чақимчилик ёки ғийбат қилиб бўлса-да

ҳасратини тўкиб, кўнглини бўшатиб олади. Тухмат, иғво, фитна замбараклари билан қуролаганиб нимага эришади? Бу қуролагани ишга солувчи қайнонанинг мақсади аниқ – кўзига балонинг ўқидай кўриниб қолган келиндан қутулиш. Ўғлини бошқага уйлантириш. Хўш, келинда қайнонасини кўйдириб, қайнонасини бошқага уйлантириш истаги бўладими? Қайнона «янги галстугингни хотининг хушторига совға қилиб юборган», деган тухматга ўғлини ишонтириб, фитна кўзгаши мумкин. Келин қайнонага қарши қандай фитна кўзгаркин, мен бунақасини эшитмаганман. Тўғри, келин қайнонага арз қилиши мумкин, лекин фитнага қасд қилмайди.

Муҳтарама қайнонажонларнинг барчаларини бу иллатда айбламоқчи эмасман. «Қайноналар» деганда мен ёппасига эмас, **айрим-ларини**, ўзларини иғводан тўхтата олишга куч тополмаётганларни назарда тутяпман. Лекин дунё бўйича биттагина қайнонада шундай иллат бўлса фақат оила эмас, жамият ҳам озор чекади. Бир иғво ва фитна туфайли бир қанча оилаларнинг барбод этилиши мумкинлигига ҳаётда гувоҳ бўлганмиз. Эҳтимол, бугунги қайнона келинлик чоғида тухмат, иғво ва фитна балоларидан азият чеккандир. Бу иллатларнинг қалбни қандай яралашини яхши билар. Шу боис ҳаёт тажрибаларини унутмай, ўзларини бу иллатлардан асрашлари керак. Лекин қўшни ёки бошқа қариндошида бу иллатлар мавжуддир ва у бундан хабардордир. Унда яқинларини бу гуноҳлардан қайтаришга уриниши лозим, томошабин бўлиб қолмаслиги керак. Балки бу ҳикоят айтиб берилса таъсир этар?

Ҳикоят. Қадим замонда подшоҳнинг Маҳбуд исмли доно вазири бор эди. Подшоҳ саройда фақат шу вазирига ишонарди. Ҳатто унинг таоми ҳам вазирнинг уйида пиширилди. Аммо доно вазир билан жасур лашкарбоши адоватда эдилар. Лашкарбоши қандай қилиб бўлса-да, вазирни саройдан четлатиш чорасини изларди. Кунлардан бир куни йўлда эски ошналаридан бири бадният сеҳргарни учратиб қолди. Уни уйига олиб келиб, зиёфат қилди. Зиёфат охирида вазирни йўқотиш чорасини сўради. Сўнг икковлашиб фитна режасини туздилар:

– Шоҳнинг олдига овқат олиб боришдан олдин менга хабар қил. Мен таомга афсун ўқиб сеҳр солай. Токи овқат заҳри қотилга айлангай. Сенинг мақсадинг шу йўл билан рўёбга чиққай, – деди.

Эртаси куни вазирнинг уйида шоҳ учун гуруч пиширилди ва таомни Маҳбуднинг ўғли кўтариб, саройга жўнади. Йўлда уни лашкарбоши билан сеҳргар пойлаб турардилар. Лашкарбоши вазир ўғлининг саломига алик олгач: «Қани, дастурхонни оч, кўрайин-чи, бугун шаҳаншоҳга бир ажиб таом тайёрлаганга ўхшайсизлар»,

деди. Бола ёшлигига бориб, товоқ юзини очди. Сеҳргар тезлик билан бир нарсаларни ўқиди-да, таомга куф-суф дейиш баробарида заҳар кукунини ҳам сочиб юборди. Шу даражада тез ҳаракат қилдики, заҳар сочганини ҳатто лашкарбоши ҳам сезмай қолди.

Подшоҳ таомга қўл узатган дамда лашкарбоши шошилиб келди-да, уни тўхтатди:

– Жонимни сўрасангиз бераман, аммо таомдан тановул қилишингизга йўл қўймайман! – деди-да, гумонини баён қилди. Подшоҳ Маҳбуд билан ўғлига таомни ейишни буюрди. Амр бажо этилиши билан ота-бола йиқилиб, жон бердилар.

Орадан йиллар ўтди. Бир қуни сарой аъёнлари орасида сеҳр ва афсун ҳақида баҳс чиқди. Бирлари сеҳрнинг кучи ҳақида ўзларича муболағалар айтдилар. Бошқалари эса «Сеҳр бекорчи гап, аслида бўлмаган нарса, яхшиликнинг ҳам, ёмонликнинг ҳам пайдо бўлиши сеҳрдан эмас», деб уларнинг фикрини рад этдилар. Шунда лашкарбоши баҳсга беихтиёр аралашиб деди:

– Сеҳр ва афсун бағоят кучли нарса, буни ҳеч ким инкор эта олмайди. Мен ўз кўзим билан кўрганман: бир киши таомга афсун ўқиди, таом ўша заҳоти заҳарга айланди. Ким бу таомдан эди, ўша заҳоти ўлди.

Подшоҳ бу гапни эшитгач, ақл тарозуси билан ўлчаб билдики, Маҳбуднинг ўлими сеҳрга ҳасаднинг қўшилишидан экан. Дарҳол лашкарбошини қийноққа солдирди. У айбини бўйнига олгач, жазога тортилди.

Ҳар бир инсоннинг фақат ўзига хос сири бўлганидек, ҳар бир оиланинг ўз сири бўлади. Хотин эрининг хонадони шарафини сақлаши лозим бўлгани каби сирини ҳам сақлаши керак. Баъзан кузатаман, кўчани супуришга чиққан келин қўшни қизларни кўриб, суҳбатини бошлайди. Суҳбат узоқ давом этади. Мен уларнинг нима ҳақда гаплашаётганларини билмайман (буни, эҳтимол, сиз биларсиз), лекин киши кўп гаплашганда, албатта, бирон сирини ошкор қилиб қўйиши аниқ. Қўшни қиз келиннинг гапларини қизиқиш билан эшитади ва онасига айтади. Сўнг бу гап қайнонанинг қулоғига қайтади. Тўғрими? Қўшни қизга ёки яқин дугонага айтилган оила сири қумга синган томчи сув каби йўқ бўлиб кетмайди. Ёлғон, ғийбат, туҳмат каби тиканақлар илдизига жон берувчи сув бўлиб сингади.

Келин айрим гапларни оила сири эканини фаҳмамаслиги мумкин. Лекин бу баҳона уни айбловдан қутқара олмайди. Дейлик, қайнсингилга келаётган совчилар келмай қўйишди. Келин бунинг сабабини билмайди. Буни оддий хабар сифатида қўшни қизга гап

орасида айтган. Оқибатда гап айланиб-айланиб, совчиларнинг айниб кетишларига келин сабабчи бўлиб қолади. Келин оиласидаги сирни ҳатто ўз онасига ҳам айтиши мумкин эмаслигини шу хонадонга келинсалом билан кириб келишидаёқ аниқ билиши керак.

Халқимизда «Хотинга сир айтма», деган мақол бор. Бу мақолга амал қилувчи эрлар ҳам бор. Улар хотинга умуман сир айтмайдилар. Лекин бу мақолни айнан, хотиннинг оғзи бўш, унга мутлақо ишонма, деган маънода тушунмаслик керак. Мақолда яширин маъно ҳам бор: эр ҳар қандай сирни айтавериб, хотиннинг ташвишига ташвиш қўшмаслиги керак. Айниқса, эр бошига тушган нохуш ташвишни хотинга айтмаслиги маъқул. Агар бу ташвишни кўтаришда хотиннинг иштироки зарур бўлса, айтиш мумкин. Бўлмаса, уни ташвишга шерик қилишнинг ҳожати йўқ.

Лут (алайҳиссалом)нинг хотини уйига келган меҳмонлар ва ўртадаги гап-сўзлар тўғрисида қавмига хабар етказиб турарди. Оиладаги сирни кўчага таширди. Оқибатда у Аллоҳ Таоло томонидан ўлимга ва дўзах азобига ҳукм қилинди. Аллоҳ Таоло Лут қавмига офат юбориш арафасида огоҳлантириб, иймон эгалари билан шаҳарни тарк этишни, аммо хотинини қолдиришни амр этди. Уйдаги сирни ташқарига ёйгани учун ҳатто пайғамбарнинг хотини ҳам кечирилмаган экан, ардоқли фарзандларимиз тилларидан учувчи ҳар бир сўзга эҳтиёт бўлганлари яхши.

Айрим кишилар ўз сирларини ўзлари асрай олмайдиларки, оқибатда ғийбат ўқларига ўзларини ўзлари нишон қиладилар. Худди ривоятдаги подшоҳ каби.

Ривоят. Подшоҳ вазирга сирини айтди ва бировга ошкор қилмасликни тайинлади. Вазир қасам ичди. Аммо кўп ўтмай подшоҳнинг сири оммага ёйилди. Подшоҳ бундан ғазабланди. Жаллодни чақириб, вазирнинг бошини кесишни буюрди. Шунда иккинчи вазир таъзим билан деди:

– Шафқат қилинг, подшоҳим! Бу қулни ўлдирманг, бир қошиқ қонидан кечинг. Олампаноҳим, аслида айб ўзингиздадир. Чунки сир сизда турган пайтида, бир булоқ кўзи каби эди. Олампаноҳимиз бу булоқ кўзини очгач, сув пишқириб сел бўлди, оламга ёйилди. Энди бунга қайтариб бўлмайди.

Феъли тор одам ўз сирини ҳам сақлай олмайди. Шунинг учун ҳаётда кенг феълли бўлишга интилиш керак. Кишининг сиқилган пайти кўп бўлади, шунақа дамда сирни бировга айтиб юборишдан тийилишга куч топа олсин. Сирини очса, кейин надомат чекади. Сир ўзида экан, бахтлидир. Ёйилгач, бахти учади-кетади: ғийбатлардан ўзини қутқара олмай қолади. Сир ўзида экан, унга ҳукмрон. Ёйилгач эса ғийбат кишини мағлуб қилади ва роҳатини бузади.

Ҳазрат Али (р.а.) дедиларки: «Сизлар бузуқ ишларни қилган кишини уялтириш учун унинг айбини ошкор қилувчи ва сирни очувчи бўлманг. Чунки орқаларингизда сизни машаққатга солувчи, ранжитувчи болалар ва узоқ вақт давом этадиган турли фитна ва қийинчиликлар бор». Яна дедиларки: «Ёмон сўзни айтувчи билан уни бошқаларга етказувчи – иккиси гуноҳкорликда баробардир».

Англагандирсиз, бировга, ҳатто синалган дугонасига ҳам оила сирини айтувчининг ўзига яраша жазоси бўлади.

Азиз ёшларимизнинг қулоқларига яна бир гапни айтиб қўяй: ҳар бир маҳалла, ҳар бир қишлоқда «сир олиб», «сир ташиш»га иштиёқмандлар бўлишади. Аслида уларнинг ёмон ниятлари йўқ. Гап ташишдан мақсадлари бировни биров билан уриштириб қўйиш эмас. Бировнинг сирини эшитиб, бошқаларга етказишнинг гуноҳ эканини балки билишмас. Уларнинг қилмишлари беозор кўринса-да, баъзан қўшнилар орасига совуқчилик солади. «Фалончининг келини нега туғмаяпти», «Фалончининг Америкада ишлаётган ўғли уйланиб олибди», «Фалончиникига келаётган совчилар айнаиб кетишибди»... Бунақа хабарлар оқимини сел оқимига ўхшатиш мумкин. Бундай хотинлар сизни ҳам гапга солишади. «Холам мени ўзларига яқин олиб суҳбатлашяптилар», деб лаққа тушманг. Бундай хотинларнинг муомалалари жуда ширин бўлади. «Айланай болам», «ўзим дардингизни олай, келинпошша», деб гап бошлаб, қўшнилар ҳақидаги янгиликларни айта бошлаганида сиз бу янгиликлар қўлмагига ўз оилангизга доир сирни сочманг. Зийрак бўлинг.

Баён қилган иллатларни бир-бирига «қариндош» дедим. Шу қариндошлар орасида «товламачи» дегани ҳам бўлади. Товламачи бирон нима ундириш мақсадида «қариндош»ларининг барчасидан фойдаланади. Ишни ёлғон балчиғидан бошлайди, кейин ҳийла ҳам ишлатади. Туҳматдан қайтмайди, найранглари иш бермаса ифво ва фитнага ёпишади. Бир оила доирасида товламачилик учрамайди. Лекин шу оила аъзоларидан ким бўлса бўлсин, бошқаларга нисбатан товламачилик қилишлари мумкин. Шу боис бу иллатнинг ҳам дунёвий қонунларга кўра, ҳам шариат ҳукмига кўра жазоланишини эслатиб қўйишимиз керак. Оилада бир киши товламачилик қилиб қўлга тушса, унинг ўзигина расвойи жаҳон бўлиб қолмайди, балки оиланинг барча аъзоларига, гарчи улар айбдор бўлмасалар-да, лаънат тамғаси ёпишади.

«Товламачининг хотини», «Товламачининг ўғли» (ёки «Ифвогарнинг келини»...) деган шармандали номни кўтариб юриш жуда қийин. Ҳамонки, лаънат тамғаси оиланинг ҳар бир аъзоси пешонасига ёпиштирилар экан, демак, оиланинг ҳар бир аъзоси оиланинг

пок номини асрашга масъул бўлади. Дейлик, оила бошлиғининг товламачилик йўлига ўтганини ўғил-қиз ёки келин сезиб қолди. Биламан, тўғридан-тўғри у кишини инсофга чақиритиб қолмайди. Шундай ҳолда, эҳтимол, қариндошлар орасидаги бирон бообрў кишига маълум қилиш мақсадга мувофиқ бўлар? Масалан, унинг акаси ёки опасига айтилса, улар эса укаларига ётиғи билан тушунтиришса... Бу борада фарзандларга аниқ бир йўналиш беришим қийин. Чунки ҳар бир оиланинг шароити, муаммоси ўзига яраша бўлади. Шунинг учун вазиятга қараб иш кўрилади. Энг муҳими бу иллатларга лоқайд қарамаслик керак. Шунда оиладаги бахтли ҳаёт чирой очиб бораверади!

«Ёлғон»нинг «фарзанд»лари орасида «ҳийла» алоҳида ўрин тутди. Бундай дейишимизнинг боиси, уни аниқлашда киши адашиб қолиши эҳтимоли ҳам бор. «Хийла» – макр ва алдов дегани. Лекин унинг «тадбир»ни англатадиган маъноси ҳам борки, «ҳийлайи тадбир» деймиз ва бу иллат эмас, ақл қувватини кўрсатадиган фазилат ҳисобланади. Баъзан «ҳийлайи шаръи» деган иборани ҳам эшитиб қоламиз. Буни зинҳор «шариатнинг алдови» маъносида тушунмаслик керак. Чунки шариатда алдов бўлмайди. «Шариат қоидаларига кўра қўлланилган тадбир» демоқчи бўлсангиз, майли, айтинг. Бироқ, халқ тилида бу ибора салбий, киноя оҳангида бўлгани сабабли тилга олинмагани маъқул. Ҳалокатга, бахтсизликка олиб келувчи ҳийлани «ҳийлайи шум» дейдилар. Алдоқчи, маккорни «ҳийлагар» (ҳийлакор) ҳам деб атайдилар. Учала атамани маънодош сўз сифатида ишлатиш мумкин. Лекин алдов билан ҳийла орасида озгина фарқ сезилади. Ҳийла – ақл билан алдаш. Бошқачароқ айтсак, ўйлаб, режа тузиб алдаш. Ёлғонга доир суҳбатимиздаги фикрлар ҳийла ва ҳийлагарларга ҳам тааллуқли.

Агар ҳийла ёмон мақсадни кўзласа, уни иллат қаторида кўрамиз. Агар яхшилиқни кўзласа, тадбир сифатида фазилат санаймиз. Қай бир халқ орасида иллат кўринишидаги, ёвузликка хизмат қилувчи ҳийлани ақлдан деб билса, у миллат ҳалок бўлади. Чунки ҳийлагар кимса инсон қиёфасидаги шайтон ҳисобланади. Ҳийла билан иш тутган кимса инсонлик туйғусидан маҳрум бўлади. Шу боис ҳам донолар: «Ҳийла қилган киши шайтонга эргашибди, унга яқин йўлама. Ҳийла билан иш кўрма, ҳалол ризқ топиш чорасини кўр», деб огоҳлантирганлар.

Масал. Бир қушнинг уясига илон ўрмалаб чиқиб, доимий равишда полапонларини ютарди. Қуш илондан қасос олиб, қутулмоқ чорасини излади. Шу атрофда изғиб юрган шоғолга маслаҳат солди. «Илондан қандай қилиб қутулмоқчисан?» деб сўради шоғол.

«Илон ухлаган пайтида кўзларини чўқиб оламан», деди қуш. Шоғол деди:

– Бу тўғри тадбир эмас. Душманга қарши шундай тадбир кўрки, ўзингга зарар келмасин. Сен ҳавога парвоз қилиб, уй ва кўчаларга назар сол. Агар кўзинг бирон қимматбаҳо нарсага тушса, тумшуғингга илгин-у парвоз қил. Шундай учгинки, одамлар сени кўриб турсинлар ва ўша қимматбаҳо нарсани қайтариб олиш учун изингдан югурсинлар. Сен эса учиб келиб, шу нарсани илон уяси устига ташла. Шунда одамлар илонни ўлдириб, нарсаларини олиб кетадилар. Сенинг жонинг эса омон қолади.

Ҳийланинг қамров миқёси торроқ бўлади, зарари ҳам шунга яраша. Тадбирнинг қамрови кенгроқ. Урушлардаги ҳийлаи тадбир шулар жумласига киради. Бу ҳийлада подшоҳ ва лашкарбошининг ақли, фикрлаш, таҳлил қилиш қобилияти намоён бўлади.

Амир Темур Боязидни енггандан кейин: «Шунча қудратинг бўла туриб нега шу вақтга қадар Қўстантанияни олмадинг?» деб сўрайди. Боязид Константинопол (ҳозирги Истанбул) қирғоқларига яқинлашганда денгиз ёниб кетаётганини айтади. Амир Темур юнонларнинг сувга нафт (нефт) тўкиб, ёқиб юбораётганларини фаҳмлайди-да: «Эндиги сафар ҳужум қилганингда кемангга кум ол. Денгиз ёна бошлаганда сепсанг, ўчади», дейди. Юнонийлар шоҳи Искандар Ҳиндистонга юриш қилиб, филларга қарши чорани кўп ўйлаб, охир топади. У мисдан ичи бўш от ва суворийларнинг ҳайкалларини ясатади. Ҳайкалчалар ичини нафт ва гугурт билан тўлдиради. Жанг бошланганда кўшин бу мис ҳайкалчаларга ўт кўяди. Бу ҳайкалларга ҳужум қилган филларнинг хартуми куйиб, қутуради ва ўз аскарларини топтай бошлайди. Бунга ўхшаган ҳолатларни «ҳарбий ҳийла» деб атайдилар.

Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар: «Мўмин киши содда, карамли-марҳаматли бўлади. Фожир киши эса ҳийлакор, паст, хасис ва нокас бўлади». Ҳадиснинг давомида «бир илонга икки марта чақтирмайди», деган ҳикмат ҳам мавжуд.

Яхши одамнинг сифатларидан бири – содда эканлиги ва содаллиги туфайли, алданганини билса ҳам билмагандек кўринмоғидир. Яхши киши фаросатсиз эмас, аслида у алданмайди, лекин зоҳиран шундай кўринади. Чунки ёмонлик қилишни билмайди, маккор ва айёр эмас. Чунки покиза, соғлом қалби, имони уни бундай қабоҳатга қўл уришга йўл қўймайди.

Ўтган замондаги бир шоҳ шунчалик ёвуз эканки, одамларни мол-дунёдан айириб завқланса, шаҳару қишлоқларнинг кулини

кўкка созуриб, гўдаклар қонини оқизиб лаззатланар экан. У қўшни мамлакатни эгаллаш мақсадида кўп жанглар қилибди, охири макр-ҳийлани ишга солиб, хоинлар хизматидан фойдаланиб, подшоҳни ўлдиртирибди-да, унинг гўзал хотинига совчи қўйибди.

Малика ориятли аёл экан. Номусини, юртини ширин жонидан афзал билиб, элга бош бўлиб, душмандан ўч олишга аҳд қилибди. Эрининг жанговор либосларини эгнига илиб, майдонга чиқибди-да, бир хат ёзиб, қонхўр шоҳга жўнатибди. Мактубда бу сўзлар битилган экан: «Эй, шоҳ, шунча мағрурлигинг, салоҳиятинг билан жангда енгилсанг, аҳли олам ўла ўлгунингча «бир хотиндан енгилган шоҳ», деб сендан кулиб юради. Агар омад сенга боқиб, фолиб келсанг, «Аёл билан тенглашган шоҳ» деб элнинг маломати ва лаънатига қоласан».

Бу мактубни ўқиган шоҳ изига қайтган экан...

Мана шуни тадбир дейдилар. «Хотин кишининг макри қирқ туяга юк бўлади» деган гапни (мақол эмас!) кўп эшитамиз. Бу гапнинг замирида салбий ҳолат бор. Ҳолбуки, аёллар ҳаракатида макрга нисбатан тадбирни кўп учратамиз. Ишонмайсизми? Унда қуйидаги ривоятга диққат қилинг.

Ривоят. Подшоҳ аҳли аёли билан гап таллашиб қолиб, аччиқ устида: «Тур, йўқол, отангникига жўна!» дебди. Малика эрини ғазабдан тушириш учун дарров узр сўрабди. Аммо шоҳ жаҳл отидан тушмабди. Малика йиғлай-йиғлай хос хонасига чиқиб, ўйлай-ўйлай чора излабди. Охири эри ҳузурига чиқиб:

– Майли, сиз айтганча бўлсин. Отамникига кетсам кета қолай. Фақат иккита илтимосим бор, йўқ деманг. Охирги марта илтимос қилаётганим учун марҳаматингизни аяманг.

«Охирги марта» дегани учун подшоҳ унинг кетишига ишониб, «айт», дебди.

– Мен хайрлашар олдидан кўнглингизга ёқадиган шарбатни сиз учун атай тайёрлаб эдим, шундан татиб кўрсангиз. Авваллари тайёрлаганимда доим мақтардингиз. Бу сафар мақтамасангиз ҳам майли. Иккинчи илтимосим, саройингиздан эсдалик учун ўзимга ёққан нарсани олиб кетсам майлими?

Подшоҳнинг тантилиги тутиб:

– Ўзинг ёқтирган энг қадрли, энг қимматбаҳо нарсани олиб кета қол, – дебди-да, малика тутган шарбатни ичибди. Малика шарбатга уйқу дориси қўшган эди, подшоҳ ўша заҳоти ухлаб қолибди. Малика хизматчиларини чақиртириб, подшоҳни гиламга

ўрабди-да, йўлга тушибди. У отасиникига етиб келганда подшоҳ уйғониб, ажабланибди.

– Мен қаердаман? – дебди атрофга аланглаб.

– Менинг отамникидасиз, – дебди малика кулимсираб.

– Отангникига қанақасига келиб қолдим?

– Ахир ёдингизда йўқми, мени «отангникига жўна!» деб ҳайдадингиз. Мен саройдан эсдалик учун бир нарса олишни илтимос қилдим. Сиз «Ўзинг ёқтирган энг қадрли, энг қимматбаҳо нарсани олиб кета қол», деб марҳамат қилдингиз. Саройда мен учун сиздан бўлак қадрлироқ, қимматлироқ ким бор?

Бу доно тадбирдан қувонган шоҳ хотинини олиб, саройига қайтган экан. «Ҳийла» эмас, «доно» деганимизга энди қўшиларсиз?

Яна мавзуга қайтсак, иллатлардан қочиб ҳақидаги гаплар кўпайиб кетаётгандай туюляптими? Асло кўп эмас, ишонинг. Фазилатларнинг ҳар бири умр саройини безаб турувчи бир инжу кабидир. Ахир уйингизни турли гиламу биллур қандиллар билан безашни истайсиз-ку! Гилам ҳам, қандил ҳам эскиради, оқибатда ташлаб юборасиз. Аммо эгалланган фазилатлар эскирмайди. Уларни ташлаб юбориш ҳам мумкин эмас. Уйингизни ҳар куни чангютгич билан тозалаб, жавонларни артиб турмасангиз ғубор қўнади. Киши ўзини иллатлардан ҳар кун, ҳар соат, ҳар дақиқа тозалаб туриши керак. Покиза уй киши кўнглини қанчалик яйратса, ғуборлардан пок хулқ барчанинг дилини шунчалик равшан қилади. «Элнинг назари тарозудир» деган ҳикмат бор. Эл назари кишининг хулқи, хатти-ҳаракатига нисбатан зийрак ва ўта талабчан бўлишини унутмасангиз, ўзингизга яхши. Агар бу фикримга қўшилсангиз, суҳбатимизни давом эттирамиз. Толиққан бўлсангиз, майли, бир оз дам олинг. Ўтинчим шуки, суҳбатдан бутунлай юз ўгирманг.

ТУҲМАТ ТОШ ЁРАДИ

Донишманддан сўралди:

– Осмонлардан каттароқ ва оғирроқ нарса борми, бўлса нима у?

Жавоб берилади:

– Ор-номусли кишига туҳмат қилмоқ осмондан ҳам катта ва оғирроқ.

«Ёлғон» деб аталувчи иллатнинг фарзандлари орасида «туҳмат» деб номлангани мавжудки, «ёлғон» шайтоннинг ардоқли ўғли бўлса, «туҳмат» суюмли набираси ҳисобланади. «Туҳмат» бобоси бўлмиш «ёлғон»сиз яшай олмайди. Туғилиши ҳам, қувватга кириши ҳам, талабаларга эришиши ҳам айнан ёлғон туфайлидир.

*Бир сўз билан бузилар шоҳ қалъаси,
Инграниб чиқади гўдак ноласи.
Ўт балоси, сув балоси ёмондир,
Ундан ёмон, билгин, туҳмат балоси.*

Умидимиз юлдузлари, сиз «Сув балоси, ўт балоси, қуруқ туҳмат балосидан асра!» деган дуони кўп эшитгансиз. «Туҳмат балоси барча балолардан ҳам баттар», деган гап ҳам сизга танишдир. Сув ва ўт балоси бехос келса-да, тўхтатиш чорасини қилиш мумкин. Туҳмат балоси бошланганида инсон кўпинча чорасиз қолади. Туҳмат сели ёпирилган Сталин замонида қанча қонлар тўкилди, етимлар ва тулларнинг кўздан оққан ёшлар дарё бўлди... Туҳмат туфайли одам ишдан ҳайдалади, қамалади, оиласи бузилади, ҳақиқат қарор топгунига қадар ёмон отлиқ бўлади... Бир номарднинг туҳмати бир одамга қаратилган бўлса-да, бундан жамият жабр кўради. Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат каби улуғларни «Сталин репрессияси қурбонлари» деган гапларни адабиёт дарсларида эшитгандирсиз? Аслида улар туҳмат қурбонларидир. Сталин туҳмат уруғидан зулм дарахти кўкариб чиқиши учун шароит яратиб берди. Туҳмат уруғини ўша қурбонлар билан бир дастурхонда нон еб, чой ичганлар экдилар. Зулм дарахти униб чиққанда қувондилар. Жамият ўзининг оқил фарзандларидан жудо бўлди. Бу тараққиётга салбий таъсир этди. Туҳмат уруғларининг кўкариб чиқишига шароит яратиб берган тузумнинг келажаги бўлмаслигини яқин тарихимиз исбот этиб берди.

Ҳикмат. «Ким инсонлар орасида ўз дўстига қарши гап тарқатса билингки, унинг ичида илонлари ва чаёнлари бор. У тарқатган гаплар кечаси босган сел каби, қаердан келиб, қаерга кетганини билиб бўлмайди. У сўзида ҳам турмайди. Аҳдини ҳам қайта-қайта бузаверади. Дўстлигига ҳам ишониб бўлмайди. Уни истаган чоғи бузади».

Ҳазрат Навоидан ҳикмат:

*Кўрмайин улким иши бўҳтон эрур,
Билки бу хислат била шайтон эрур.*

Доно халқимизнинг «Туҳмат тош ёради, тош ёрмаса бош ёради», деган мақоли бор. Тоғ ва тошларни шамол ва ёмғир вайрон қилади, одамни эса туҳмат. Дўстингга қилинган туҳмат сенга қилинган туҳматдир, дейдилар. Қадим файласуфларидан Лукиан таъбири билан айтганда: «Туҳмат билан аллақачон кўп авлодлар

қириб ташланган, шаҳарлар ер билан яксон этилган, ота ўғлига, ака жонажон укага, болалар ота-оналарга ва ошиқ-маъшуқлар бир-бирларига қарши девонавор қўзғалганлар. Тухматга ишониш билан кўпгина дўстлик алоқалари узилган, кўп уйлар харобага айланган». Бу ҳикмат айтилгандан кейин орадан яна неча минг йил ўтди. Минг йиллар давомида бу иллат йўқолмади, аксинча харобазорларни кўпайтирди. Бугунги кунда яна ўз ҳукмини ўтказаяпти.

Оғзаки туҳматни қуролдан отилган ўққа қиёслайдилар. Тухмат ўқи кишини ҳалок қилади. Аммо шовқинсиз қилинган жиноятнинг айбдори жазодан яшириниб қолади. Шундайми? Зоҳиран шундай. Бундайларга қонун йўли билан жазо бериш қийин. Тўғри, Жиноят кодексида бу иллатга тегишли жазо белгиланган. Лекин, биринчидан, туҳматчининг туҳматини исботлаш оғир масала. Иккинчидан, туҳмат натижасида юрак хуружидан ўлган одамнинг яқинлари туҳматчига жазо берилишини талаб қилмайдилар.

Мисол учун Сталин замонидан туҳмат туфайли қамалганларни яна бир тилга оламиз. Сталин ўлимидан кейин уларнинг айбсиз экани тан олинди. Суд уларни оқлади. Лекин туҳматчилар жазосиз қолавердилар. Ҳа, ҳаётда шундай бўлди. Улар охирабда дўзахнинг қандай оташига дуч келишларини фақат Аллоҳ Таоло билади. Бу дунёда туҳматчилар эл назаридан қолишининг ўзиёқ уларга жазо эмасмикин? Хотира ва виждон ҳеч қачон бўҳтонни кечирмаган ва кечирмайди ҳам.

Ўз даврида бўҳтончилар қилмишидан азият чеккан улуғ адиб Ойбек «Бўҳтончилар чиндан ҳам бахтсиз махлуқларки, ўз ғалабалари натижасида юзлари баттарроқ қорайганини, ичлари яна баттарроқ чиркинлашганини сезмайдилар», деганларида мутлақо ҳақиқатни баён қилган эдилар. Ажаб, ажабки, туҳмат баёни бир неча сатрга жо бўлади. Бироқ, уни йўқ қилиш учун ўнлаб, юзлаб саҳифалар талаб этилади. Бошқачароқ айтганда, бир неча сўз билан ҳамла қилган туҳматдан ҳимояланиш учун неча-неча юз минг сўз керак.

Донишманддан сўрадилар:

– Етимдан ҳам хорроқ зот борми, бўлса ким у?

Жавоб бердилар:

– Туҳматчи, чақимчилар фош бўлганда етимдан ҳам хорроқ бўладилар.

Абу Бакр (р.а.) айтдилар:

«Расудуллоҳ (с.а.в.): «Мен сизларга гуноҳларнинг энг каттасини айтиб берайинми?» деб уч марта сўрадилар. Саҳобалар: «Ё Расудуллоҳ, айтиб беринг», дейишди. «Аллоҳ Таолога ширк келтириш

ва ота-онага оқ бўлиш», дедилар. Расуллулоҳ шу вақтда ёнбошлаб ўтирган эдилар. Бу гапни айтганларидан сўнг ўнгланиб ўтириб олдилар-да: «Огоҳ бўлинглар! Катта гуноҳлардан яна бири – ёлгон гапирмоқ, туҳмат қилмоқдир», дедилар. Бу сўзларини шу қадар кўп такрорлардиларки, мен ичимда «Расуллулоҳ чарчадилар, энди гапларини тўхтатсалар бўларди», дедим».

*Туҳматдан дилларга бергувчи озор,
Ёвуз қилмишини қўймаса зинҳор.
Саждага қанчалик бошин қўйса ҳам,
Яратган эгамнинг қаҳрига дучор.*

Ривоят. Ҳазрати шайх Саммуни Ошиқ (қ.с.)нинг Бағдодда шуҳратлари баланд эди. Аҳли риёдан Фулом Халил дегани ул зотни кўп ранжитар ва бўҳтон қилар эди. Ҳазрати Саммун кўринишдан ғоят кўркам эдилар. Бир аёл ул зотга ошиқ бўлди. Шайх унга йўл бермадилар. Ўша аёл ҳазрати шайх Жунайднинг (қ.с.) ҳузурларига бориб: «Бизни турмушга беринг», деди. Жунайд ҳазратлари ҳам у аёлга йўл бермадилар. Сўнг у аёл «Саммун мен билан зино қилди», деган туҳмат билан Фулом Халилнинг ҳузурига борди. У эса бу туҳматни халифага билдирди. «Халифа уни ўлимга ҳукм этсин», деб туҳмат устига яна туҳмат қўшди. Халифа унинг сўзларини тинглади-ю, аммо сўз айтмоққа тили тугилди. Ўша кеча у туш кўрди. Тушида унга айтдиларки: «Сенинг давлатинг заволи Саммуннинг жони ичидадир. Уни ўлдиртирган вақтингда мулкинг қўлингдан кетгай...»

Халифа уйғонди. Воқеанинг Саммунга алоқадор эканини англади, уни зиёрат қилиб, улуғлади. Фулом Халил эса мохов касалига йўлиқиб, халқ орасидан чиқди.

Туҳматчи жисман бундай хасталикка чалинса-чалинмаса, аслида у руҳий-маънавий томондан моховдан баттардир. Туҳматчи муддаосига етиш учун баъзан ёлғиз ўзи ҳаракат қилади ва унинг ҳаракатини ғараз бошқаради. Бир ўзининг кучи етмаса, шерик излай бошлайди. Ажабки, икки ақлли одамнинг ўзаро тил топишиши қийин, туҳматчиларнинг бирлашиб олишлари эса ғоят осон. Туҳматчилар инсон зотига иснод келтирувчи ҳар қандай иллатдан ҳеч бир уятсиз фойдаланаверадилар. Фанимни йўлдан олиб ташлашганидан кейин эса бир-бирларига туҳмат тошларини отишдан ҳам тоймайдилар. Кўпинча уларни шу ҳаракатлари фош қилиб қўяди.

Туҳматчи муродига қисман етиши мумкин, ҳеч қачон мутлақ фолиб бўла олмайди. Туҳматчилиги фош бўлиб, шармандалик ёки

хорлик жандасини кияди. Аммо унгача кўп одамларни сарсон қилади, жабр майини ичишга мажбур этади... Ҳатто ўлимга ҳам олиб боради. Қасд қилган одамнинг ўлими – туҳматчининг ғалабаси эмас, балки мағлубиятининг бошланишидир. Бир одам туҳмат туфайли бирон жабрга йўлиқса – бу туҳматчининг бахтиёрлиги эмас. Бир неча кун ёки соат давом этадиган бахтиёрлик изидан азоб-уқубатдан иборат жазо келиши аниқ. Нуҳ (алайҳиссалом) нинг хотини, қавмига «Нуҳ жинни!» деб гап тарқатарди. Шу боис унга жаннат йўли тўсилди.

Ривоят. Қадимда машҳур ва маъруф ҳокимнинг Баҳория исмли ой юзли, гул ёноқли, номусли ва ифбатли хотини бор эди. Шу ҳокимнинг қушчиси эса ҳаёсиз ва нопок одам эди. Бир куни у беҳаёнинг кўзи Баҳорияга тушиб қолди-ю унга ошиқ бўлиб қолди. Қушчи ҳар қанча висол ҳалқасини қоқса ҳам, мулоқот эшиги очилмади, унинг афсун ва афсоналари ифбат ва номус эгасига таъсир қилмади. Ҳаракатлари зое кетиб, умиди узилай деганда пок, соф хотинни туҳмат тузоғига илинтирмоқчи бўлди. Бозорга борди-да, тўти сотиб олиб, унга «Мен ҳокимнинг хотинини тўшакда қоровул билан бирга ётганини кўрдим», деган гапни балх тилида ўргатди-да, сўнг уни ҳокимга тортиқ қилди.

Тўти гапни хуш овозда такрор қиларди. Ҳоким балх тилидан беҳабар бўлгани учун унинг нима деётганини англамади. Шунга қарамай, қушнинг чиройига, ёқимли овозига маҳлиё бўлди. Қуш Баҳорияга ҳам маъқул келиб, уни меҳр билан парвариш қилаверди.

Бир куни ҳокимникига балхлик биродарлари меҳмон бўлиб келишди. Тўти ўргатилган гапни такрор қилавергач, улар бир-бирларига саволомуз қарашиб, бош эгганларича жимиб қолдилар. Ҳоким уларнинг маъюсланиб қолганларини сезиб, бунинг сабабини сўради. Меҳмонлардан бири минг истиҳола билан бўлса-да, тўтининг гапини таржима қилиб берди. Ҳоким шу заҳоти таомдан қўл тортди-да:

– Бизнинг одатимизга кўра, ёмон хотин тайёрлаган таомдан ейилмайди, – деди.

Эшик яқинида уларнинг суҳбатига қулоқ тутиб ўтирган хизматкор қушчи «Хотинингизнинг қоровул билан бир тўшакда ётганини мен ҳам бир неча марта кўрганман», деб ёлғон гувоҳлик берди. Шундан сўнг ҳоким хотинини ўлдиришга буюрди. Бу ҳукмни эшитган ифбатли хотин эрига бир ишончли киши орқали: «Эй, муҳтарам хошам, мени ўлдиришга ошиқманг. Мени истаган вақтингизда ўлдиришингиз мумкин. Ақл ва тажриба эгалари ҳукм чиқаришга, айниқса, қон тўкишга шошилмасликлари, сабрли бўлишлари за-

рур. Аввал яхшилаб ўйланг, агар текшириш натижасида гуноҳим исбот этилса, ўлдирсангиз розиман. Далилсиз, исботсиз ҳолда ўлдиртирсангиз заволимга қоласиз», деб хабар юборди.

Ҳоким хотинини чақиртириб деди:

– Тўти одам жинсидан эмас, у ғараз билан сўзламайди. Бунинг устига қушчи хизматкоримиз ҳам гувоҳлик берди.

– Балхлик меҳмонлардан сўранг-чи, тўти бу гапдан бошқа сўзларни ҳам билармикин ё йўқми? – деди Баҳория, сўнг хизматкорнинг кирдикорини фош этди: – Бу нобакор хизматчи ифлос муроди ҳосил бўлмагани учун тўтига ярамас сўзларни ўргатиш орқали мендан ўч олмоқчи бўлса керак, деб ўйлайман. Агар тўти бошқа сўзларни ҳам сўзлай олса, мени ўлдиришингизга розиман.

Баҳориянинг сўзлари барчага маъқул бўлди. Ҳоким ҳам, меҳмонлар ҳам икки кун пойладилар, тўтидан бошқа гап эшитмадилар. Оқибатда Баҳориянинг поклиги аниқ бўлди. Ҳокимнинг амри билан туҳматчини ҳозир қилдилар. Баҳория у нобакорга хитоб қилиб:

– Эй, ярамас ситамкор, бу гуноҳ ишни қилганимни кўрдингми? – деб сўради. Хизматчи «кўрдим» деб яна ёлғон гувоҳлик бермоқчи эди, қўлига қўндириб кирган лочин тумшугини унинг кўзларига уриб, чўқилаб-чўқилаб кавлаб ташлади. Кўрмаган нарсани «кўрдим» дейишнинг жазоси шундай бўлди.

Ким туҳматчини қораламаса, уни қўллаган бўлади. «Бошқаларга туҳмат қилиб шивирлайдиган одамни уйингдан ҳайдаб чиқар», деганлар. Ўтмиш донишмандлари орасида «Бўхтонга энг яхши жавоб сукут билан унга жирканиб қарашдир» дегувчилар ҳам бўлишган.

Ҳа, туҳматчилиги билан барчага маълум одам билан олишиб ўтирмаса ҳам бўлади. Ўн саккизинчи асрда яшаган америкалик публицист Томас Пейн фикрича, ғалати хусусиятли иллат ҳисобланган бўхтонни йўқ қилишга ҳаётингизни бағишлаб хато қилар экансиз. «Уни ўз ҳолига қўйинг – ўзидан ўзи ўлиб кетади», дейди у. Бошқа бир донишманд эса: «Бўхтон гинғиллаб жонга тегадиган арига ўхшайди: уни жойида ўлдира олишингизга ишонмасангиз, яхшиси уни ҳайдашга ҳам уринманг, қайтага у сизга баттар ёпишади», деб маслаҳат беради. Бу фикрларни бир ёқламали, деб қабул қилиш керак.

Тўғри, ҳаётни бўхтонлар билан олишишга сарф қилишда маъно йўқ. Ҳатто, кўп олишаверсангиз, айбсиз эканингизни исботлашга уринаверсангиз, атрофдагиларда «туҳматчига қарши кўп ҳаракат қилиши бежиз эмас, туҳматлар замирида ҳақиқат борга ўхшайди», деган гумон уйғониши ҳам мумкин.

Тухматчилар фақат одамлар камчиликларини кўрадилар-у фазилатларига эътибор бермайдилар. Улар баданнинг нуқул газак олган аъсосига қўнмоқчи бўлаётган пашшага ўхшайдилар.

Бўхтон – ҳасадчиларнинг ўзига хос ички қонунидир. Бу дунёдаги таниқли зотлар орасида ёлғон ва бўхтон балчиғи чапланмаган биронта одам топилармикин? Одатда меванинг сарасини қурт эганидек, бўхтон ҳам яхшиларга ёпишади. Тирноқ остидан кир қидириш азалдан ўртамиёна ё салгина ошган ёки ошмаган одамларнинг хусусиятидир. Иқтидорли ақл эгалари эса яхлит ва жиддий ҳодисаларга қарши эътироз билдирадилар ёки индамай қўя қоладилар. Буюк алломалар эса ҳеч кимни айбламай, ўзлари кашфиёт билан машғул бўладилар. Калтафаҳмлар эса ақлларига сифмаган нарсаларнинг ҳаммасини қоралайверадилар.

Улуғ сиймоларни қўя турайлик, оилага қайтайлик: ёмон келинга бўхтон тошлари отиш шарт эмас. Тилидан учаётган беҳаё ва бемаъни гаплар, хунук қилиқлар унинг кимлигини кўрсатиб туради. Тухматчининг нишони яхши келинга қаратилган бўлади. Оилада овсинлар орасида бу касаллик кенг тарқалганига гувоҳмиз. Тўрт-беш оила яшаши мумкин бўлган ҳовлига юраклари тор икки овсин сифишмай қолса, бўхтон милтиқларини ишга сола бошлайдилар. Эшитар қулоқ учун тухмат тилга чиққан чипқондек гап. Дастлабки ўқлар отилганда айрим нодон эрлар хотинлари қўлидаги бу қуролни олиб, синдириб ташлаш ўрнига ё мириқиб томоша қиладилар ёки «ўқ» етказиб берадилар. Оқибатда ака-укалар ҳам душманга айланадилар. Бундайлар яхшилаб англаб олсинларки, тухмат – қиличдан ҳам баттардир. Қилич яраси тузалар, тухмат ярасининг тузалиши эса ғоят қийин. Қилич тегса, баданнинг устки қисми чандиқ бўлиб қолади. Тухмат тиғи текканда эса юракда чандиқ пайдо бўлади.

Ҳар қандай жиноят икки хил йўл билан: қасддан қилинади ва эҳтиётсизлик туфайли юз беради. Тухмат ва бўхтон тасодифан юз бермайди. Айрим ҳолларда киши нодонлиги туфайли тухмат кўчасига кириб қолиши мумкин. Бир қария йиғиб юрган пулларини йўқотиб қўйиб, фолбинга борибди. Аввало, фолбинга боришнинг ўзи гуноҳ. Фолбин «пулингизни келинингиз ўғирлабди» деган. Фолбинга ишонини яна бир гуноҳ. Шу икки гуноҳ бирлашиб, янада каттароқ гуноҳни туғдирди – оила бузилди. Орадан кўп ўтмай отахон пулларини топибдилар – беркитган жойларини унутган эканлар. Пул топилди, лекин тухмат замбараги ўқидан вайрон қилинган оила саройи тикланмади...

Кимдир «Иллатлар орасида гумоннинг бировга зарари йўқ», деб қолди. Зоҳиран шундай. Аммо ботинан қаралса, кўп ёмонликлар

гумон булоғидан сув ичиб, қувватланади. Киши гумонга бориб, бировни ғийбат қилади. Шубҳага бориб, йўқ офатнинг олдини олиш учун фитна ясайди... Аллоҳ Таолонинг расули (с.а.в.) дедилар: «Гумонсирашдан ўзингизни сақланг. Чунки гумон билан айтилган гап энг ёлғон гап бўлади». «Эй, иймон келтирганлар, кўп гумонлардан четланинглар, чунки баъзи гумонлар гуноҳдир. Жосуслик қилманглар...» («Хужурот» сурасидан). Гуноҳга олиб борувчи иллатлардан бири – бадгумонликдир. Бадгумонлик (ёмон гумон) кишилар ҳақида шубҳа қилиш, улардан ҳадик қилиш маъносидадир. Одатда бундай гумонларнинг кўпи асоссиз, беҳуда бўлади. Шу боисдан ҳам «кўп гумонлардан» четда бўлиш буюриляпти.

Ўйлаб кўрилса, ўзаро низолар ва келишмовчиликлар кўпроқ бир-биридан ёмон гумонда бўлишдан ҳам келиб чиқади. Ёмон гумондан четда бўлиш учун доимо кишилар ҳақида яхши фикрда бўлиш, улар ҳақида етган хабарларни яхшиликка йўйиш керак. Бу ҳақда ҳазрат Умар (р.а.) «Агар яхшиликка буришнинг бирорта йўли бўлса ҳам, мўмин биродарингдан чиққан сўз ҳақида фақат яхши ўй қил», деганлар. Набий муҳтарам (с.а.в.) дедилар: «Агар одамларнинг айбини ахтарадиган бўлсанг, уларни бузасан». Айниқса ишбоши раҳбарнинг бу нарсадан эҳтиёт бўлиши лозимлиги яна бир шарафли ҳадисда таъкидланади: «Агар амир айб ахтараверса, уларни бузади». Маълумки, кимнинг кўнглига бадгумонлик ўрнашса, у одам гумонини тасдиқлаш учун ҳужжат ва далил қидира бошлайди. Натижада гумон остидаги одамнинг ўзига билдирмасдан, айбини ахтаришга тушади. Буни «жосуслик» дейдилар.

Гумон, иккиланиш инсонни чекинтиради, ғамга ботиради. Иймон инсонни олға юришга ундайди, қувонч келтиради. Ёмон шубҳадан қочган киши ундан узоқлашгани қадар манфаат топади. Бир киши «Фалончи ишга таклиф қиляпти-ю, аммо ҳузурига боргим йўқ, фисқ аҳлидан бўлса керак», деди. Унга жавобан биродари: «Фосиқларданмасдир, мен уни намозхон, деб эшитганман», деди. Қаранг, бирида ёмон шубҳа, иккинчисида яхши гумон бор.

Муҳтарам опа-сингилларимиз ранжимасинлару, шубҳа масаласида, тахминим бўйича, улоқ уларда кетган бўлса керак. Овсинлар бир-бирларидан шубҳаланадилар, хотин «эримнинг ўйнаши бормикин?» деб ҳамиша гумонсирайди... Қайнона қаттиқроқ гапириб юборса, келин «овсиним гап чаққанга ўхшайди», деб ола қарайди. Бетобланиб қолса, «овсиним иссиқ-совуқ, илму амал қилгандир», деб фолбинга югуради. Қаранг-а, «арзимас» гумон қандай катта гуноҳларни туғдирапти.

Гумондан сақланиш керак, айна замонда барчага бирдай ишонавериш ҳам тўғри эмас. Дониш аҳлидан ҳикмат: «Ақлли одам тўрт тоифага ишонмайди: думи босилган илонга, оч қолган йиртқич ҳайвонга, раҳмсиз шоҳга, инсофсиз ҳукмдорга». Ўтган уламолардан Зажжож (раҳматуллоҳи алайҳи): «Бадгумонлик яхши кишилар ҳақида ёмон гумон қилишлиқдир. Аммо аҳли фисқ бўлса, ундан нима фосиқлик зоҳир бўлган эса, шуни гумон қилишга ҳаққимиз бор», деганлар.

Ҳикоят. Бир бўри сурув ортидан эргашиб келарди. Гўё қўйларга зарар етказишни ўйламасди ҳам. Чўпон аввалига сергакланиб, уни кузатди. Бўрининг ҳаракатида ёвузлик сезилмагач, хотиржам бўлди. Ҳатто бўрига нисбатан унда ишонч уйғонди-да, қўйларни қолдириб, қишлоғига қараб кетди. Чўпон кетиши билан бўридаги мулойимлик либоси йиртилиб, аслига – ваҳшийлигига қайтди. Сурувни қонга белади...

Қиссадан ҳисса шуки, дунёда беозор кўринган, фурсат келиши билан бўрига айланадиган бўри сийратли кимсалар ҳам бор. Уларга бирон нарсани ишониб, омонат топширсанг, бўрининг сурувга қилган ишини қиладилар. Ишонувчан одам эса чўпон ҳолига тушади. Шунинг учун ҳам донолар синалмаган отга яқинлашмасликни тавсия этадилар. Албатта, кишиларга ишонч билдириш керак, аммо бу борада сезгирликни унутмаслик ҳам зарурлигини таъкид этган ҳолда «туҳмат»нинг акаси «ғийбат» билан ҳам танишишни бошлайлик.

ҒИЙБАТНИНГ КАСОФАТИ

Умидимиз юлдузлари, азиз фарзандларимиз, сизлар фазилатлар ва иллатлар ҳақида маълум тушунчага эга бўлсангиз-да, ҳаёт тажрибангиз камлигиданми, баъзан иллатларга етарли баҳо бера олмай қоласизлар. Шу сабабли айрим иллатларни (масалан, ғийбат, ҳасад) юқорида тилга олган бўлсам-да, гап умумий тарзда бўлгани учун энди атрофлича мулоҳаза юритишни маъқул топдим.

Яқинда бир телекўрсатувда мухбир кўчадаги ёшларни тўхта-тиб: «Миш-миш ёмонми ё ғийбатми?» деб сўради. Аввало, савол сал беўхшов бўлди. Чунки бу иккала иллат бир-бирига яқин ва бири-биридан баттар. Саъдий Шерозий таъбирлари билан айтганда:

*Дедики: сенингча ҳасад-ку хунук,
Дегил: сенга ким айтди – ғийбат тузук?*

Мухбирнинг саволига жавоб берган ёшларнинг бири: «Ғийбатнинг гуноҳи камроқ, чунки ғийбат икки кишининг орасида бўлади», деди. Бу укамизнинг мазкур масалага доир тушунчалари сазроқ экан. Ғийбат фақат икки кишининг орасида бўлганида ҳаёт чиройига камроқ доғ тушарди. Даврада йўқ одамнинг орқасидан гапириш – ғийбат саналади. Демак, даврада фақат икки-уч эмас, йигирма-ўттиз одам ҳам бўлиши мумкин. Шундай экан, гарчи бир одам ҳақида гап кетса-да, ғийбат ўша йигирма ёки ўттиз одам орасида бўляпти. Ғийбат тўрт-беш одам оғзидан учяпти. Қолганлар жим тинглашяпти. Лекин ўша жим ўтирганлар ҳам гуноҳга шерикдирлар. «Сукут – ризолик аломати», деган ҳикмат бор. «Мен ғийбатга аралашмадим», деб ўзларини овутмасинлар. Ғийбатдан сақланишни истовчи одам ғийбатчиларни тўхтатиши ёки даврани тарк этиши лозим. Бироқ, тарк этувчи ғийбат қилинувчи кишига бориб «Сизни фалончилар ғийбат қилишаётган эди. Мен чиқиб кетдим», деса, биринчидан, чақимчилик қилган, иккинчидан, энди ўзи даврадагиларни ғийбат қилган бўлади.

Бир киши «даврада ғийбат бошланганда тўхтатмоқчи эдим, тўхтатолмадим. Тарк этишим лозимлигини билардим, лекин чиқиб кетсам давра бузилиши мумкинлигини билиб, индамай ўтиравердим. Менда айб йўқ», деб ўзини оқлади. Аввало, ғийбат қизиб турганда бир киши чиқиб кетгани билан давра бузилмайди. Аксинча, энди ғийбат нишони чиқиб кетган одамга қаратилади. Агар бир киши чиқиб кетиши билан давра бузилса, янада яхши. Ғийбатчилар даврасининг бузилгани ғоят яхши! Расулуллоҳ (с.а.в.) дедиларки: «Кимки бир мўминни ғийбатчи мунофиқдан ҳимоя қилса, Қиёмат куни Аллоҳ Таоло унинг гўштини дўзах ўтидан ҳимоя қилувчи фаришта юборади. Ким, бир мўминни сўкмоқчи бўлиб уни ғийбат қилса, Аллоҳ Таоло уни гапидан қайтмагунича жаҳаннам кўприги устида ушлаб туради».

«Миш-миш» ғийбатга нисбатан бўҳтонга яқин туради. Ғийбат – даврада йўқ одамнинг мавжуд иллатларини ёки баъзи ҳаракатларини гапириш. Бўҳтон ёки тухмат эса йўқ нарсани гапириш. Масалан, бир киши аслида саховатли. Лекин мен ёрдам сўраганимда беролмади. Мен бунга хасисликка йўйиб, бир даврада уни айбладим. Шу ишим бўҳтонга киради. Миш-миш орасида баъзан тўғри гап учраб қолса, у ғийбатга киради.

Қуръони Каримда одамзод сақланиши лозим бўлган иллатларга батафсил таъриф берилган. Ғийбат иллатига берилган таъриф ҳар қандай кишининг қалбини зириллатиб, уйқудаги мудроқ онгини уйғотиб юборади, деб ўйлайман. «Хужурот» сурасида ўқиймиз:

«Баъзиларингиз баъзиларингизни гийбат қилманглар. Сизлардан биронталарингиз ўзининг ўлган биродарининг гўштини ейишни яхши кўрадимиз? Ёмон кўрасизлар! Аллоҳдан қўрқинглар! Албатта, Аллоҳ тавбани қабул қилувчи ва раҳмлидир». Мазкур ояти каримада бировни гийбат қилишдаги гуноҳ уни ўлдириб гўштини ейиш гуноҳи билан баробар қўйилапти. Банда биродарининг гўштини ейишни ёмон кўрдими, демак, гуноҳи бундан-да ортиқ бўлган гийбатни ҳам ёмон кўришга буюриляпти. Мазкур оят нозил бўлгач, Расулulloҳ (с.а.в.) дедилар: «Ким дунёда мусулмон биродарининг гўштини эса (яъни гийбат қилса), Қиёмат куни у кишининг эти унга тақдим этилади ва: «Ё буни ўлик ҳолида, чунки сен уни дунёда тириклигида эган эдинг!» дейилади».

Пайғамбаримиз алайҳиссалом умматларини гийбатдан қайтариш борасида кўп даъватлар қилганлар. Шулардан бири: «Гийбатдан сақланинг! Гийбат зинодан ҳам ёмондир. Зеро, киши зино қилиб, охири тавба қилса, Аллоҳ Таоло афв этади. Гийбат қилганни эса фақат гийбат қилинган киши кечиргандан кейингина афв этади». Гийбат қилган одам, гийбати туфайли, гийбат қилинган одамга қарамдир. Авваламбор, Аллоҳ Таолонинг ҳақидан қутулиш учун тавба қилиши, кейин яна гийбат қилинган кишининг ҳақидан қутулиш учун ундан ҳам розилик тилаши керак.

Тавба қилиш – ўтган ишга қаттиқ афсус билан дилидан надомат чекиш, иккинчи бор бу ишни қилмасликка аҳд этиш ва аҳдига вафо эканини билиб олгансиз, бу ҳақда кўп гапирилса-да, эслатма бўлсин учун яна такрорлай: демак, тавба – ўзини бу гуноҳдан тўхтатишга сўз бериш. Агар бутун тавба қилиб, эртага гийбатини давом эттирса, бу тавба эмас, алдамчилик бўлади. Гийбатчи астойдил тавба қилган тақдирда ҳам гуноҳининг кечирилиши учун бу афсус, бу аҳднинг ўзи кифоя қилмайди. Уламолар унинг тавбаси тўлиқ бўлиши учун яна бир муҳим шарт қўйишган. У ҳам бўлса, ўша ерда, ўша мажлисда гийбат қилинган киши ҳақида яхши гапларни гапириши керак. Уламоларнинг таъкидлашларича, гийбат қилган кишининг зиммасига тушган юк шундан иборатки, у гийбат қилган даврасидан туриб кетмасидан бурун ва қилинган гийбати мазлумнинг қулоғига етмасидан олдин тавба-тазарру қилсин, шунда истифори қабул бўлади. Лекин гийбат мазлумнинг қулоғига етиб боргандан кейинги тавба қабул қилинмайди, гийбат қилинган киши билан розилашгандан кейингина гуноҳ кечирилади.

Шайхул машойих Жунайд Бағдодий (қоддасаллоҳу сирраҳу) кўрдиларки, бир киши жоме масжидига келиб, тиланди. Шайх ҳазратларининг **кўнгиллари**дан кечдики: «Бу йигит соғлом бўла

туриб, нечун меҳнат қилиб топмай, ўзини бундоқ хор тутар?» У зот ухлаган пайтларида туш кўрдиларки, бир киши қопқоғи ёпиқ бир товоқ келтириб, Жунайд ҳазратларининг олдига қўйди. Шайх ҳазратлари қопқоқни кўтардилар. Қарасалар, масжидда тиланган дарвишни пиширибдилар. «Буни эгил!» деган амр бўлди. Жунайд ҳазратлари: «Ўликни емайман», дедилар. «Кеча масжидда қандай еган эдинг, энди емайсанми?!» дейилди.

Жунайд ҳазратлари дедилар: «Билдимки, ғийбат қилган эканман. Ўша ҳайбатдан уйғондим. Таҳорат олиб, намоз ўқидим. Ўша дарвишни кўрмоқ фикрида ташқарига чиқдим. Кўрдимки, Дажла қирғоғида ўтириб, увоқларни териб ер эди. Ёнига бордим. Бошини кўтариб: «Эй, Жунайд, масжидда эканингда кўнглингдан ўтган фикрингга тавба қилдингми?» деб сўради. «Тавба қилдим», дедим. У: «Бор, ортиқ бу фикрни қилмагил», дегач, «Шўро» сурасидан бир ояти каримани ўқиди-да ғойиб бўлди». (Дарвиш ўқиган ояти кариманинг маъноси: «У (яъни Аллоҳ) бандаларидан тавба-тазарру қабул қилгувчи, ёмонликларни афв этувчи ва қиладиган ишларингизни билувчи Зотдир».)

Кишининг кишига қилган ғийбат ёки бўҳтони мазлумга етган ёки етмаган бўлади. Агар ғийбат қулоғига етган бўлса, у кишидан, албатта, розилик олиши шарт. Агар у киши ўзи ҳақидаги ғийбатни эшитмаган бўлса, етиб бориши янги бир озор-азиятни, кин-адоватни пайдо қилиши ва меҳр-муҳаббатнинг йўқолишига сабаб бўлиши эҳтимоли бор бўлгани учун унга ғийбат гапларни билдирмай қўя қолган маъқул. Лекин бу «Ўрага сичқон тушди – гулдир гуп!» «Ёпиқлик қозон ёпиқлигича қолди», дегани эмас. Гуноҳдан холи бўлишнинг йўли – ғийбат ёки бўҳтон мазлумга етиб бормаган тақдирда ғийбатчи ёки бўҳтончига истиффорни кўпайтиришини тавсия қиладилар. Шайх Абул Мавоҳибиш Шозалий (раҳматуллоҳи алайҳ): «Муриднинг камолотига тўсиқ бўлган нарсалардан бири – мусулмонни ғийбат қилишдир. Ким ғийбат қилиш балосига йўлиққан бўлса, «Фотиҳа», «Ихлос» ва муаввазатайн («Фалақ», «Нос») сураларини ўқисин, савобини ғийбат қилган биродарининг амал дафтарига ёзилишини Аллоҳ Таолодан сўрасин. Буни менга тушимда Расулуллоҳ (с.а.в.) ўргатдилар», деганлар.

Агар ғийбатчи бу дунёда жазосиз юрганини кўрсангиз, «Ана, юрибди-ку!» деб ажабланманг. Уни Қиёмат азоби кутиб турибди. Дўзах азобининг бу дунёдаги жазодан неча ҳисса даҳшатлироқ эканини сизга таъкидлаш ортиқча. Ўхшатиш учун бир мисол келтирай: кишининг бир бармоғига иссиқ чой тўкилиб, куйдирди. Албатта, бунинг ҳам азоби бор. Лекин аланга ўтида қовжираши-чи?

*Одамдан одамга келар хавф-хатар,
Сут билан кирган сўз жон билан кетар.
Ғийбатчи инсонни қўшма инсонга,
У мурдор заҳарли илондан баттар.*

Ғийбат қилган киши майдонга бир тўп қўйиб, ўнгу сўлни замбарак ўқидан совурган кимсага ўхшайди. Ғийбат қилаётганда ғийбатчининг гўзал амаллари ўннга-сўлга созурилган бўлади. Мавзуга доир суҳбатимизни Абу Ҳомид Ғаззолий ҳазратларининг фикрларига суянган ҳолда давом эттирсам:

«Набий муҳтарам «Ғийбат – биродарингнинг ортидан ўзи эшитиб қолса хафа бўладиган айб-нуқсонларини айтишингдир», дедилар. Бу ҳадис кўп қамровлидир. Кишининг жисмоний камчилигини, зоти, хатти-ҳаракатлари, сўзи, диний ва дунёвий жиҳатлари, ҳатто либоси ва уловининг қусурини айтмоқ, уни кавлаштирмоқ демакдир. Дастлаб соф мусулмонларнинг баъзи бирлари биров тўғрисида «Кийими калта» ёки «Кўйлаги узун» тарзида айтилган сўзни ҳам ғийбат деб ҳисоблашган. Шундай бўлгач, нега энди кишини хафа қиладиган сўз айтганда, бу ғийбат бўлмасин?!»

Умидимиз юлдузлари, тенгдошларингиз орасида ҳам ғийбатга берилиш ҳолати учрашиб туриши сизга сир эмас. Кичикликда ғийбатга ўрганган тил ёш улғайганда инсофга кела олармикин? Энди катталар ҳаётига биргаликда разм солиб, турли зиёфатлар, тўйлар ёки бошқа йиғинлардаги гап-сўзларга диққат билан қулоқ тутайлик-чи? Суҳбатларнинг ярмидан кўпи ғийбат эмасми? Кечаги тўйда еб-ичиб, ўйнаб-кулиб роҳатланган одам бугунги тўйда бошқа даврага қўшилиб, кеча оғиз-бурун ўпишган ҳамшишасини ғийбат қилмайдими? Бегоналарни қўя турайлик, акалар укаларни, опалар сингилларини, укалар тоғаларни кўпчилик орасида ғийбат қилишларига нима деймиз? Ҳидоятдан бегоналарни ҳам қўя турайлик, мана бу воқеага нима деймиз.

Воқеа. Ҳаж ибодатидан қайтганларидан сўнг дўстимизнинг аҳли аёллари сафар чоғида танишиб, қадрдонлашиб қолган «ҳожилар» билан давра қуришни ихтиёр этибдилар. Бир куни «ҳожилар» йиғилишибди. Биринчи таомдан кейин диний китоб ўқиб, маърифат олибдилар. Кейин эса бозорбоп ғийбат гаплар бошланибди. Ҳатто ҳаж ибодати даврида бўлиб ўтган гаплар ҳам кавлаштирилибди. Кимнинг қайси дўкондан нима олганига қадар эсланибди. Хуллас, давра суҳбати уч соат давом этган бўлса, шунинг ўттиз дақиқасигина маърифатга ажратилибди. Бунга

гувоҳ бўлган дўстимиз аҳли аёлларини бу даврага қўшилишини тақиқлабдилар. Менимча, тўғри қилганлар. Ўшандай давралар барҳам топса, қилинган яхши амаллар сочиб юборилмай, гуноҳлардан сақланилган бўларди. Бу мисолни келтиришимдан мақсад, ҳар қандай ҳожилар ёки ҳожи оналар сизларга ибрат бўла олишмайди.

Ҳикоя қилишларича, Абуллайс Бухорий ҳажга кетаётганларида чўнтақларига икки пулни солдилар-да, ўзларига ўзлари шундай шарт қўйдилар:

– Агар Маккага кетаётганимда ёки у ердан келаётганимда бировни ғийбат қилсам, шу икки пулни садақа қиламан.

Маккайи мукаррамага бориб келдилар, лекин ўша икки пул чўнтақларида қолаверди. Сўраганларга бу жавобни бердилар:

– Юз марта зино қилгандан кўра, бир марта ғийбат қилганнинг гуноҳи ёмонроқдир...

Ғийбатдан тийилмаганларга шу ҳикояни эслатсак, фойдадан холи бўлмас, деб ўйлайман.

«Мусулмон мусулмоннинг кўзгуси», дейилади. Тенгдошлар бир-бирларини, ёши катталар кичикларни ғийбатдан қайтариш учун бир гап айтса ҳеч ким ажабланмайди. Лекин афсуски, фарзанднинг ота, уканинг ака айбини кўрсатиши малол олинади. «Бир каттанинг, бир кичикнинг гапига кир», деган мақолга амал қилиш гоят офир кўринади. Ҳолбуки, холис равишда айтилган танқид тўғри қабул қилинса кишининг ўзига фойда. Шунга кўра, катталарни бу гуноҳлардан тортиб олиш мақсадида, танбеҳ беришга кичиклар ҳақли. Шу боис оила одатларига, шароитига қараб туриб, бари бир бу талабларни етказиб қўйиш чорасини кўриш керак бўлади.

Шарафли ҳадисда бу ибратли воқеа баён қилинади:

Бир куни пакана бир хотин баъзи бир масалаларни сўрамоқчи бўлиб, Пайғамбаримизни йўқлаб келди. Билолмай қийналиб юрган нарсаларини билиб олди. Чиқиб кетганидан кейин, ҳазрати Ойиша (р.а.):

– Мунча ҳам пакана хотин экан! – дедилар.

Шунда Пайғамбаримиз (с.а.в.):

– Ғийбат қилдинг, эй Ойиша! – деб танбеҳ бердилар.

Ғийбатчининг боши узра уч офат булути бор: ғийбатчининг дуоси қабул қилинмайди; қилган хайрли ишлари ҳам қабул қилинмайди; ғийбатчининг устида гуноҳлар бирлашади.

Энди бу сатрларга диққат билан эътибор беринг:

Жобир ибн Абдуллоҳ Пайғамбаримиз замонларида қилинган ҳар қандай ғийбат ҳидидан сезилганини айтганлар.

«Бу ўша замонларда ғийбат оз бўлгани учундир. Ҳолбуки, замонимизда ғийбат кўпайган, бурунлар ғийбат билан тўлган ва

ҳидини фарқлаб бўлмайди. Бу кўнчилар бозорига кирган одамнинг ҳолига ўхшайди: ифлос ҳиднинг ўткирлигидан у ерда бир дақиқа ҳам туриб бўлмайди. Ҳолбуки, кўнчилар у ерда бемалол овқатланишади, еб-ичишади, лекин асло жирканишмайди. Бу жирканч ҳид уларнинг димоғини безовта қилмайди. Чунки ёмон ҳид бурунларига яхшигина ўрнашиб бўлган. Мана, бизнинг кунларимизда ғийбат масаласи шундайдир».

Диққат қилдингизми? «Тўппа-тўғри топиб айтилган гап», демоқчимисиз? Тўғриликка тўғри! Лекин бу гапларни нима учун қўштирноқ ичида баён қилганимга эътибор бердингизми? Гап шундаки, бу ҳақиқат бундан салкам минг йил илгари Ғаззолий ҳазратлари томонидан баён қилинган. Ана энди ғийбат тўрларининг қанчалик тарқаганини тасаввур қилиб олаверинг.

Ҳар нарсанинг кири бўлганидек, тилнинг кири ғийбатдир. Ғийбат сўзлари бировга нисбатан бўлган ҳасад ўтидан пайдо бўлади. Бу эса мунофиқ кишилар одатидир.

Ҳикоят. Шогирд донишманд устодига бир кишини ғийбат қилиб сўзлади. Донишманд унинг сўзларини эшитгач, афсус билан бош чайқади-да, деди:

– Менинг ҳузуримда ҳеч кимни ғийбат қилиб сўзлама, ёмонлама. Бировнинг устидан ғийбат қилсанг, ғийбатчи эканингни билиб, сендан бадғумон бўламан, нафратланаман. Бировнинг обрўсини маҳаллангда ва менинг ёнимда тўкишни истасанг, обрўйинг бутун шаҳар халқи ёнида тўкилади. Сен ғийбат қилган одам чиндан ёмон бўлса, уни ўзингга душман қиласан, агар у мақбул ва марғуб киши бўлса, уни ғийбат қилишинг билан ўз номингни булғайсан, «ғийбатчи» деган ном орттирасан. Сенинг сўзинг, ғийбатинг билан у киши ёмон ҳолга тушмайди, лекин ярамас, ғийбатчи эканинг ҳаммага маълум бўлади. Фараз қилки, ғийбатинг туфайли унинг қадрига, мансабига нуқсон етди, лекин сен бундан нима фойда кўрасан? Бари бир унинг мансаби, мартабасига эга бўлмайсан. Ғийбатчимисан, шу ном билан қолаверасан!

Ғийбатлардан узоқ киши гуноҳлардан узоқ бўлади. Ғийбат гирдобии одамларни дарё гирдобии каби ўз домига тортиб, маҳв этади.

*Ғийбат кўп ёмондир – юракни доғлар,
Тўғрилик яхшидир – дилларни боглар.*

Расулulloҳ (с.а.в.) барчага бир кун рўза тутишни буюрдилар-да, «Ҳеч ким руҳсатимсиз рўзасини очмасин», деб таъкидладилар.

Тайин қилинган куни ҳамма рўза тутди. Шом бўлганда бир киши келиб: «Эй, Аллоҳнинг расули, куним рўза билан ўтди, ижозат беринг энди ифтор қилай», деб сўради. Набий муҳтарам рухсат этдилар. Кетма-кет келавердилар, Пайғабаримиз алайҳиссалом изн беравердилар. Шу аснода бир киши келиб деди:

– Эй, Расулуллоҳ! Уйимда оила аъзоларимдан яна икки йигит бор. Улар ҳам кунни рўза билан кеч қилдилар. Аммо мажбурия-тингиздан ижозат олгани ҳозир ҳузурингизга келолмадилар. Изн берсангиз улар рўзаларини очсалар.

Набий муҳтарам рухсат бермадилар. У киши илтимосини яна такрорлади. Расулуллоҳнинг изн беришга яна ҳушлари бўлмади. У киши учинчи марта сўрагач, дедиларки:

– Сен айтаётган икки йигит рўза тутгани йўқ. Кундузи инсонларнинг гўштини ейиш билан (*яъни гийбат қилиш билан*) вақт ўтказган кимса рўза тутган ҳисобланмайди. Бор, уларнинг олдиларига. Агар рўзадор бўлсалар, «Энди қусинглар!» деб айт.

У одам уйига бориб Аллоҳ элчисининг амрини уларга етказди. Қусдилар. Ҳар иккаласининг ичидан қуюлиб, лахта-лахта бўлиб қолган қон тушди. У одам Пайғамбар алайҳиссаломнинг ҳузурларига қайтиб бориб бўлган воқеани айтди. Шунда Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар:

– Аллоҳга қасам ичиб айтаманки, агар ичларида яна шундай қон қолган бўлса, уларни жаҳаннам олови еяжак.

Азизлар, Рамазон ойида уйларимизда ифторлик бўлади. Барака топгур қариндошларимиз, айниқса, аёллар, ёшлар рўзадор ҳолларида хизмат қиладилар. Эътибор берганмисиз: ўзаро гап-сўзлар орасида гийбат бўлганми ё йўқми?

Ҳа, бўлган! Қўллари ишда-ю, тиллари гап билан банд хотинлар билиб-билмай гийбат эшикларини ланг очиб юборадилар. Агар яна шундай ҳол такрорланса, шу шарафли ҳадисни сўзлаб беринг, зора қариндошларингизнинг гуноҳдан сақланишларига сабабчи бўлиб қолсангиз.

Ҳазрат Навоий гийбат ҳақида фикр юритиб: «Гийбатчига яқин турма. Гийбатчининг тилида ўт бор. Бу ўт доимо ёниб, ловуллаб туради. Унга яқинлашсанг, куйишинг яқин. Гийбатдан фасод ёйилади. Гийбатчининг тили кесилишга маҳкум», деб ёзганлар. Бу ўринда «яқин турма» дейилганда «гийбатчининг гийбатларига қўшилма», деган маъно бор. Тўғри, аввал айтилганидай, «гийбат бошланиши билан даврадан узоқлаш», деган маъно ҳам мавжуд. Лекин буниси шароитга ҳам боғлиқ. Масалан, ифторлик хизматида бўлган қариндош хотинлар гийбатни бошлаганларида улар-

дан безган келиннинг даврадан чиқиб кетиши қандай бўларкин? Бундай ҳолатларда ўрта йўл топишга тўғри келади.

«Қутадғу билиг»да бир ҳикмат бор: «Зоҳидликни, танҳоликни касб қилган, қаноат рамзи ҳисобланган Ўзгурмишга заковат ва ақл рамзи Ўгдулмиш дейди: «Ҳеч кимнинг пайини қирқмадим ёки ўзгалар ҳақида ғийбат сўзлар гапирмадим», дединг. Ахир атрофингда ҳеч ким бўлмаса, эл-юрт орасида яшамасанг, кимни сўзлайсан, ким ҳақида бир гап айтасан?» Чиндан ҳам эл-юрт орасида юрса-ю, тилини тия олса ўша одам чинакам мард бўла олади. Хотинлар орасида кўпроқ хизматда бўладиган ардоқли келинларимизга, қизларимизга бу борада осон эмас. Буни «ғийбатга беихтиёр қўшилиш», деб атасак, тенгдош дугоналари билан учрашишганда бошлаб юборадиган ғийбатлар ўз ихтиёрлари билан бўладики, бундан ўзларини тийишни ўрганишлари зарур.

Қизлар кўча-кўйда дугоналари билан юришни яхши кўрганларидек, ғийбат ҳам бошқа иллатлар билан апоқ-чапоқ равишда иш кўришни хушлайди. Ғийбатнинг кишига ёлғиз ҳолида даф қилиши кам учрайди.

«Мен елиб-югуриб, фалончининг битмаётган ишини битириб берувдим, яхшилигимни билмади» – бу ўринда ғийбатга миннат шерик бўлди.

«Эшитдингизми, фалончининг битмаётган ишини мен битириб бердим!» – ғийбат риё билан дўст тутинди.

«Мен турганда нима учун фалончи ўтирар экан бу ўринга?» – ғийбат билан ҳасад бир бири билан бирлашди.

«Фалончихонга эри гавҳар кўзли узук олиб берибди. Эрининг кўзини очиб қўйиш керак, иккинчи эркалатмасин уни» – ғийбат ифво билан ошно бўлиб, фитнани меҳмонга чорлади.

«Шундай қилиш керакки, эри гапимизга ишониб, фалончихон билан ажрашсин!» – ғийбат билан фитна тил бириктирганда қандай оқибат кутиш мумкин? Ҳа, ғийбатга ўрганган тил вужудни ёмонликларга тортаверади.

Ғийбатнинг улфат мажлисида тухмат раис бўлса-чи?

Ғийбат бахиллик, хоинлик, меҳрсизлик, дангасалик... қўйингки, барча иллатлар билан дўстлик ришталарини маҳкам боғлаган. Бу ёмонлик риштасини фақат яхши фазилатларни эгаллаш билангина узиш мумкин. Ўзингиз айтинг: вафода собит киши ғийбатнинг хоинлик билан биргаликда ҳамла қилишига йўл қўядими? Сахий одам ғийбатнинг бахиллик билан етаклашиб юришига бефарқ қарайдими? Ўзгаларга меҳр улашувчи покиза қалбли одамни ғийбат билан фитна бир ҳамлада йиқита олмайди.

Ҳар қандай одам ғийбатга нишон бўлган онларида сиқилади. Бу борада муҳтарама аёллар, айниқса, келинлар тўккан кўз ёшлар бир ерга жамланса бир денгиз бўлар, а? Ғийбат селига учраган киши ўзини идора қилишни ўрганиши керак. Ҳар бир ғийбат учун сиқилавериш дуруст эмас. Қалбини, иймонини муҳофаза этишни истаганлар душманларнинг ғийбатига аҳамият бермаганлар. Ҳудда-беҳудага сиқилавермаганлар. Ғийбатчининг сири ошкор бўлиб, шармандаси чиқишига ишониш лозим. Ғийбатчининг ғийбати ҳеч қачон пинҳон қолмайди. Бу ғийбат эртами-кечми ғийбат қилинган кишининг қулоғига етади ва сири очилган ғийбатчининг обрўи пастлайверади. Ғийбатчи ҳеч қачон мақсадига етмайди, яхшилик боғидан умид гулини теролмайди.

ДЎЗАХ ЎТИНИНГ ТУТАНТИРИҒИ

*Уруш икки тан ўртасида олов,
Чақимчи ўтин ташигувчи, мохов.*

«Гап ташиш»га қандай қарайсиз?» деб сўрасам ажаблансангиз керак. Ҳа, баракалла, бу иллатни деярли барча қоралайди. Айниқса, оналар тўйдан аввал қизларига бу ҳақда насиҳат ҳам қиладилар. Чунки «гап ташиш» оқибатида оиланинг бузилиб кетиши мумкинлигини яхши биладилар. Биладилар-у, аммо... қизлари келинлик уйларидаги гапларни қизлик уйларига таший бошлаганларида уларни тўхтатмайдилар. «Орқалаб келган гап халтангни кўтаргин-у изингга қайт», демайдилар. Аксинча, қизларига қўшилиб, қуда хонадон аҳлини ғийбат қила бошлайдилар. «Ташиб келтирилган гап» қиз ва она орасида қолса майли эди. Бундай гап «ҳомиладор» бўлади ва «болалаб» тарқайверади. Кўп ўтмай қуданинг қулоғига ҳам етиб боради. Қарабсизки, уйига «гап ташиб борган» келин боши узра қора булутлар тўпланади. «Йўл қувлаган – хазинага йўлиқар, гап қувлаган – балога йўлиқар», деб бежиз айтилмаган. «Гап қувлаш» – «гап ташиш»нинг айни ўзидир ва уни «чақимчилик» деб атасак тўғрироқ бўлади.

Тўғри, «гап ташиш»да ёмонликни қасд қилиш йўқдек туюлади. Гўё келин онасига кўрган, эшитган, билганларини маълум қилиш билан чеклангандай. Шу гапларни айтмаса ҳам бўлаверади. Айтилмай қолган гап учун кўнгли азият чекмайди. Чақимчиликда эса ёмон ниятни қасд қилиш бор. Чақимчи бир гапни етказмаса ичи қайнаб адо бўлади. Бировнинг бошига ташвиш ёғилишини истагани учун чақимчиликка аҳд қилади. «Гап ташиш» ва «чақимчилик»

орасида бундай тафовут бўлгани билан аслида иккала иллатнинг илдизи бир. Таъбир жоиз бўлса, бу боғбоннинг олча ниҳолига гилос пайванд қилганига ўхшайди. Афсус шундаки, бу иллат дарахти ҳар бир оилада мавжуд. Фақат баъзилар унинг шох отиб, мўл мева беришига йўл қўймаслик чораларини кўрадилар, баъзилар эса ҳар куни суғориб, озуқ бериб қувватлантирадилар. Ана шундай адашганлар учун айрим эслатмалар бор.

Пайғамбаримиз алайҳиссалом: «Энг ёмонларингизни айтсам, улар чақимчилик билан юриб дўстлар орасини бузувчи, бегуноҳ одамларнинг бузуқлик, ҳалокат ва машаққатга мубтало бўлишларини изловчи кишилардир» деганлар. Яна «Яширин равишда кишилар гапига қулоқ солиб, уни ёмон ниятда бошқаларга нақл қилувчи одам жаннатга кирмайди», деб таъкидлаганлар.

Ҳикмат. Бир донишманд шогирдларига насиҳат қилди: «Чақимчилик қилиб одамларни бир-бирларига душман этган одамлар энг ярамас, энг ёмон кишилардир. Бирингиз иккинчингиз сўзини менга етказманг. Мен саломат ва роҳатда бўлган қалб билан сизларга йўлиқишни истайман». Фикрига ойдинлик киритиб, яна дедик: «фалон киши сенинг ҳақингда бундай сўзлади», «фалончи сени ёмонлади», деб сўз юритишга «чақимчилик» дейилади. Чақимчиликни инсофли, одамгарчилиги бор киши қабул қилмайди. Чақимчилар ҳар хил бўлмағур сўзларни адоват ва ҳасадлари туфайли сўзлайдилар».

Оила муаммолари ҳақида сўз кетганда қайноналарни танқид қилмайин, дейман-у, аммо айрим қайноналарга хос камчиликдан кўз юмиб ўтолмайман. Шундайлар борки, келиннинг ҳар бир ҳаракати, ҳар бир босган қадамини зийраклик билан кузатади. Озгина камчилик кўрса, тузатишга уринмай, ўғлининг келишини орзиқиб кутади. Чақимчилик қилиш унга роҳат бағишлайди. Чақимчилиги оқибатида икки ёшнинг муҳаббат ришталарини бир-бир узаётганини, бахт саройи устунларига болта ураётганини фаҳм этмайди. Худди шунга ўхшаб, қайнона устидан шикоят қилиш учун эрининг ишдан қайтишини орзиқиб кутувчи хотинлар ҳам бор. Чақимчиликдан роҳатланувчи бу хотин ўғил ва она орасидаги меҳр занжири ҳалқаларини узишга ҳаракат қилаётганини англамикин? Халқимиз «Қизил оёқ келиб, қизил юздан жудо қилди», деганда ана шундай хотинларни назарда тутган. Ота ва ўғил, она ва ўғил орасидаги меҳр занжирини узишга уриниш хайрли оқибат бермаслигини ҳаётдаги кўп мисоллар тасдиқлайди.

Тўғри, тинимсиз чақимчилик ва ҳатто туҳматлар натижасида ўғил хотинига қўшилиб, ота уйини тарк этиши ҳоллари учрайди. Лекин ажралиб чиқиб кетишгандан кейин қай даражада бахтга эришар эканлар? Ота уйини тарк этиш барча масалаларни ҳал этиб бера олармикин?

Чақимчилик борасида яна бир муаммо мавжуд. Танишларимдан бири менга ҳасрат қилиб қолди. «Келинимни ёмонламайман-у, аммо ўғлимнинг айбини яширганини кечиролмайман. Ўғлимнинг чакки йўлга кираётганини гумон қилардим. Лекин у кеч келганда мен ухлаб қолган бўлардим. Ичган-ичмаганини назорат қила олмасдим. Ўғлимнинг ҳолати – ичганми-ичмаганми, чекканми-чекмаганми, биринчи гада келинимга маълум бўларди. Шу боис гумонимни унга бир неча марта айтдим. Лекин келиним бирон марта бўлсин: «Ўғлингиз ичиб келяпти, димоғларидан наша ҳиди ҳам келяпти», демади. Буни аниқлаганимда чора кўриш вақти бой берилганди. Ўғлим майхўрлик жарига ағанаб, гиёҳвандлик балчиғига ботиб бўлган эди. Келинимга даъво қилсам, «Мен чақимчилик қилишни истамовдим», дейди. Айтса чақимчилик бўлармиди?»

Савол ўринли. Зимдан қаралса, эрнинг айбини айтиш чақимчилик бўлиб туюлади. Лекин эрни гуноҳ жаридан асраб қолиш учун ота ва онасига маълум қилиб қўйиш чақимчилик эмас, балки савоб. Албатта, эр «Нега чақдинг?!» деб ғазабланади. Лекин хотин эрни ёмонликдан сақлаб қола олмаса, яна нима қилиши керак? «Эримга инсоф бер», деб йиғлаб ўтиравериши керакми? Дуо қилиш, у ижобат бўлиши учун ҳаракат ҳам қилиш лозим. Бу ҳаракатга ота ва она қўшилмаса ижобий натижа кутиш қийин. Демак, келиннинг эрга тааллуқли гапи чақимчилик эмас, чунки унда ёмонлик қасди йўқ, аксинча, яхшилиқ нияти мавжуд.

Набий муҳтарам «Туҳмат ва чақимчилик одамларнинг орасини бузиш учун гапни бир-бирларига нақд қилиб юришдир», дедилар. Масалага шу шарафли ҳадис нуқтаи назари билан боқсак, эрининг айбини қайнотага маълум қилувчи келин ҳаракатида бузғунчилик мақсади йўқ. Балки тузатишга бўлган интилиш бор. Агар эр «Отам мен ишлаб топган пулни еб юборяпти», деса-ю, келин бу гапни қайнотасига етказса, чақимчилик қилган бўлади. Чунки бу гап ота ва бола муносабатига путур етказди.

Виждонида ҳассослик бўлмаган одам ҳар қандай ёмон сўзни осонгина ошкора қилади. Атрофга ёяди. Ёмон сўзнинг тарқалиши кишиларни ва жамиятларни розолат ботқоғига ботирувчи ҳолдир. Ёмон гап-сўзларнинг тарқалиши кишилар ўртасидаги ўзаро ишончни йўқотади. Жамиятда ёмонлик голиб бўлгандек қилиб

кўрсатади. Одамлар қалбида ишончсизлик ва умидсизлик руҳини тарқатади. Ёмон гапни ошкор қилиш икки одамнинг бир-бирини сўкишидан, ёмонлашидан ва гийбат-бўхтон қилишидан бошланади. Сўнгра, аста-секин катталашиб жамиятни ҳалокат жари сари олиб келади. Ёмон сўзни ошкор қилишга мазлум, жабр чеккан одамгагина рухсат бор. Мақсад – золимнинг зулмидан жамиятни хабардор этиш.

Ҳазрат Навоийдан ҳикмат: «У ердан бу ерга гап ташувчилар элнинг гуноҳини ўз бўйнига олувчилардир. Чақимчилик ҳатто чин гап бўлса ҳам кўнгилсиздир. Ёлгон бўлса янада нафратлидир. Сўз етказувчининг хоҳ каттаси, хоҳ кичигини – дўзах ўтининг тутантириғи деб бил.

*Ким сўзни териб айтгувчи оғзига бергай,
Молик ани дўзах ўтининг дудига тергай».*

Мусо алайҳиссалом замонларида жуда қаттиқ қурфоқчилик бўлди. Мусо алайҳиссалом бани Исроил билан биргаликда ёмғир талабида дуолар қилдилар. Лекин ёмғир ёлмади. Шунда Аллоҳ азза ва жалла Мусога (алайҳиссалом) ваҳий юборди: «Мен сенинг ва сен билан бирга чиққан кишиларнинг дуосини қабул қилмайман. Чунки орангизда чақимчи бор». Мусо алайҳиссалом: «Эй, Раббим, ким экан у, айт, биз уни ўз орамиздан чиқариб юборайлик», дедилар. Аллоҳ азза ва жалла ваҳий қилиб деди: «Эй, Мусо, мен сизларни чақимчиликдан қайтариб, энди ўзим чақимчилик қилайинми?!» Бу танбеҳни эшитгач, Мусо алайҳиссалом бани Исроилга: «Барчангиз чақимчиликдан тавба қилинг!» деб буюрдилар. Улар тавба қилдилар ва Аллоҳ Таоло уларга ёмғир берди.

Ақд эгалари учун шу ҳикматларнинг ўзи кифоя қилар, дейман. Агар бу баёнлар камлик қилса, мавзуни бу ривоят билан давом эттирайлик.

Ривоят. Қадим замонда амир овга чиқди. Ялангликка қўнган маҳалларида амир жиловдорини ёнига чақирди-да, деди:

– Сен билан пойгада от чоптиришни истайман. Кўрайлик-чи, кимнинг тулпори учқур экан?

Жиловдор амирнинг истагига итоат этди. Отларни елдириб, шикор майдонидан узоқлашдилар. Бир маҳал амир отининг жиловидан тортиб, тўхтатди-да, деди:

– Эй, жиловдор, кўнглимга келган бир фикрни айтмоқчи бўлиб, сени атайин бу овлоққа бошлаб келдим. Ҳаммадан кўра кўпроқ сенга ишонганим учун сиримни ўзинга айтаман, эҳтиёт бўл, биров билмасин.

– Модомики, сиз менга ишонган экансиз, сирингизни ҳеч кимга ошкор қилмайман, ҳеч ким воқиф бўлмайди, – деб жиловдор онт ичди.

Амир қувониб, кўнглида яшириб юрган сирни унга айтди:

– Укамнинг шу кунларда қилаётган ҳаракатларидан шубҳа-даман. Назаримда, мени ўлдириб тахтга ўлтиришга уриняпти, шекилли. Шунинг учун менга тажовуз қилишини кутиб ўтирмай, уни маҳв қилмоқчиман. Сен шикор чоғи ёнимдан бир қарич ҳам узоқлашма, укамнинг ҳар бир ҳаракатини кузат.

Овдан қайтишгач, жиловдор қасамини унутди, бевафолик қилиб хиёнат кўчасига кирди. Амирдан эшитганларини унинг шубҳаси остидаги укасига баён қилди. Амирнинг укаси бу чақимчиликдан қувониб, унга суюнчи берди.

Амир укасини йўқ қилишга улгурмай, ўзи вафот этди. Ука тахтга ўлтириши ҳаманоқ жиловдорни ўлимга ҳукм қилди. Жиловдор зору тазарру қилавергач, мақсадини аён қилди:

– Бировнинг сирини фош қилишдан, чақимчиликдан ёмонроқ гуноҳ йўқдир. Акам сенга ишониб сирини айтди, сен хиёнат қилиб, сирини фош этдинг, менга келиб чақдинг. Акамга вафо қилмаган одам менга вафо қилармиди? Ана энди чақимчилигининг мукофотини олавер...

Нима учун «чақимчилик» ёки «чақмачақарлик» деймиз, ўйлаб кўрганмисиз? Менимча, бу сўз «чақиш» феълидан олинганга ўхшайди. Яъни, чақимчилик илоннинг чақишига ўхшатилаяптими? Ахир илон заҳар солиб, инсонни ўлдирса, чақимчи инсоннинг бахтини ўлдиради. Айрим ҳолларда чақимчилик орқасидан қотиллик ҳам рўй бериши мумкинлигини тарих кўп кўрган. Шу боис Саъдий Шерозий ҳазратлари бу иллатга «уруш икки тан ўртасида олов, чақимчи ўтин ташигувчи мохов» деб таъриф бериб ёзганларки:

*Эрур ҳаммадан ҳам чақимчи ёмон,
Унингдек разил кўрмадим ҳеч қачон.
Бузуқ фикру нодонлиги бирла ул
Бузар икки дўст ўртасини бўлиб жону-дил,
Уятга қолур ўртада ул разил.*

Яна ёзганларки:

*Чақимчи, яна эски кек қўзгатар,
Ювошган кўнгилни газаблантирар.
Сен унга яқинлашма мумкин қадар.
Ки ўлган илон бошини қўзгатар.*

Чақимчидан ҳамма ёшдаги одамлар ҳазар қиладилар. Ҳатто болалар ҳам бундай иллатли ўртоқларига «қулоқ» деб лақаб қўйиб оладилар. Болалигимизда ўқитувчига яхши кўринишга уринган чақимчини «Чақмачақар – олов ёқар, томга чиқиб битини боқар», деб калака қилардик.

Энди чақимчиликнинг оилаларимизда тутган ўрнига диққат билан разм солайлик: аслида, чақимчилик кўп ҳолларда яширин равишда амалга оширилади. Лекин муҳтарама оналар бу иллатга нечоғлик боғланганларини ошкора намойиш этиб, фарзандларига салбий томондан ўрнатқан бўладилар.

Эсланг-чи, болалигингизда шўхлигингиз авж олса онангиз сизни нима деб қўрқитардилар? «Ҳали қараб тур, аданг ишдан келсинлар, бир чақиб берайин, бир адабингни берсинлар...» Бундай пўписалар фақат сизникида эмас, деярли ҳар бир оилада янграб туради. Афсус шуки, пўписалигича қолмайди, чақмачақарлик амалга оширилади. Бу чақимчиликнинг икки айби бор: аввало, ота ва бола орасидаги меҳр ўрнида қўрқув кўз очади. Олдинги суҳбатлардан бирида айтганимиздек, бола отасининг ишдан қайтишини соғиниб эмас, қўрқув билан кута бошлайди. Иккинчидан: чақмачақарлик туфайли жазо олган бола онгида қандай ҳис уйғонади, ўйлаб кўрмаганмисиз? Эҳтимол, ёмон кўрган одамидан чақмачақарлик ёрдамида қасос олиши мумкинлигини шу жазодан кейин кашф этар? Бола икки ёки уч ёшлигида опаси ёки акасини ота-онасига чақади. Чақимчилиги учун жазо оладими ё мукофотми? Кўп ҳолларда мукофотланади. Болалар мана шундай тарбия билан улғаяр экан, вояга етганларида уларни чақимчиликдан қайтариш мумкин бўлармикин? Ватан хоинлари қаердан пайдо бўладилар? Балки хоиннинг бу йўлдаги биринчи қадами айнан чақимчилик бўлгандир? Бу иллатнинг оила доирасидан чиқиб, илдириб, жамият офатига айланишига мутлақо йўл қўймаслигимиз зарур.

Чақимчиликнинг яна бир мудҳиш тури бор: уни «иккиюзламачилик» дейдилар. Пайғамбаримиз алайҳиссалом бу тоифа одамларга таъриф бериб дедилар: «Қиёмат куни инсонларнинг энг ярамаси иккиюзламачилардир. Иккиюзламачилар унга келиб бошқача сўзлайди, унга бориб бошқача гапиради. Ким дунёда шундай иккиюзламачи бўлса, Қиёмат куни унинг оловдан икки тили бўлади». «Унга бориб бир турли, бунга келиб бошқа турли гапириб, бузғунчилик қилганлар жаннатга кирмайди».

Ривоят. Қадим замонда мўътабар бир кишининг миниб юрадиган гўзал оти нобуд бўлди. Хушомадгўйлар келиб, у одамга таъзия

билдирдилар. Шоирлар марсиялар битдилар. Отнинг қисматидан ғоят қайғуда эканини билдирдилар. Кўп вақт ўтмай ўша мўътабар одамнинг ўзи ҳам вафот этди. Отнинг ўлимидан қайғурганлар унинг таъзиясида кўринмадилар, марсиялар ҳам ёзилмади.

Ана шунақа! Риёкор ва мунофиқ одамлар ўз мақсадларига эришгунларича, бетларига иккиюзлаамачилик пардасини ёпиб, сўнгра олиб ташлайдилар... Риёкор, мунофиқлар арига ўхшайдилар. Уларнинг оғизларида асал ҳам, ниши ҳам бор.

«Мунофиқ эр кишилар ва мунофиқ аёллар ҳаммалари бирдилар, ёмонликка буюрадилар, яхшиликдан қайтарадилар ва қўлларини (садақадан) маҳкам юмадилар (яъни бахиллар). Аллоҳни унутадилар, бас, У ҳам уларни унутади. Албатта, мунофиқлар ҳақиқий фосиқдирлар» («Тавба» сурасидан).

«Мунофиқ», «риёкор»ни халқда оддийгина қилиб «иккиюзлаамачи», деб атайдилар. Яна «тили бошқа, дили бошқа» ҳам дейдиларки, бу иллат виждонга мутлақо ётдир. Ортиқча тавозелик ва ҳалим бўлиш одамни риёкорликка ва тилёғламаликка ўргатади ва оқибатда хорлик сари етаклайди.

Риё бировлар кўрсин, деб қилинадиган амалдир. Яъни бу холис ният билан қилинмаяпти. Расулulloҳ риёни «кичик ширк» деб атаганлар. Ҳаётимизда риёга кўп дуч келамиз-у, кўрсак ҳам кўрмагандек юраверамиз. Диний либосдаги, аммо динга алоқаси йўқ турли маросимлар замирида риё ётади.

Ўзини зоҳид фаҳмловчи бир киши подшоҳнинг зиёфатига борди. Зиёфатда таомни одатда ейдиган миқдордан оз эди ва намозни доим ўқийдиган тарзидан чўзиб ўқиди. Мақсади подшоҳ уни яхши киши гумон этиб, эътимоди зиёда бўлиши эди. Зоҳид уйига қайтгач, қорни очлигини айтиб, таом талаб қилди. Унинг бир фаросатли ўғли бор эди. У: «Отажон, подшоҳнинг зиёфатига бориб, ҳеч нима емадингизми?» деб сўради. «Тўйиб емадим», деди зоҳид. «Ундай бўлса, намозингизни ҳам қазо қилибсиз, чунки, қабул бўлгудек намоз ҳам ўқимабсиз», деди ўғил.

Бошқа бир зоҳидни подшоҳ йўқлатибди. Зоҳид ўзига ўзи: «Бир дори еб, ўзимни заиф ва ожиз қилиб борай, токим, подшоҳнинг менга эътимоди зиёда бўлгай», деб ўша дорини ичди. Айтурларки, ичган дориси заҳри қотил экан, билмайин ичиб қўйиб, подшоҳнинг марҳаматига етмай, ўликлар қаторига кирди.

*На қилдинг жаҳонда эрта-ю кеч,
Риё бирла ул ишни айладинг ҳеч.*

Ҳазрати Сўфи Оллоҳёр демоқчиларки, ёруғ дунёда кеча-кундуз нимаики тоат-ибодат қилган бўлсанг, барини риё билан йўқ қилиб, савобидан маҳрум бўлдинг.

*Тилингда халқ аро тасбеҳу таҳлил,
Ва лекин ботининг тазвир ила ҳийл.*

Дейилмоқчики, сен риё билан амал қилувчисан. Чунки халқ орасида «Алҳамд» билан «Лоҳавл»ни жуда кўп ўқийсан. Аммо шу ўқиб турганингда ичинг тўла ҳийлалар билан халқни алдаш пайдасан (тазвир – алдаш).

*Тилингда халқ ичинда ваъз ила дарс,
Ва лекин ботинингда онга йўқ тарс.*

Дейилмоқчики, халқ ичида юрганингда тилинг ваъзу дарс билан банд. Аммо ботинингда ваъзу насиҳатларингда айтганинг эзгу ишлар йўқолиб, такаббурлик билан, ўзинг ўғит қилган яхши амаллардан номус қилиб юрасан.

*Кийибсан халқ аро фақрона лабус,
Ва лекин ботинингда нангу номус.*

Халқ орасида бошингга салла-ю дастор ўраб, фақирона тўнлар кийиб юрасан. Аммо буларнинг барчаси ҳақиқий тақводорлик ва сўфийликдан эмас. Балки ўша такаббурлик ва «сўфий аҳли тақводор ва салоҳдир» деган ном чиқариш учундир. Ичинг ана шундайдир.

*Кўрар кўзга ажаб сўфийнамосан,
Ниҳонда нафси итга мубталосан.*

Кўзга сўфийнамо, яъни дасторли бошингни тубан солиб, одоб билан турарсан. Аммо ичингда бир ит нафсига мубтало бўлгансан.

Ҳикоят. Бир тегирмончининг эшаги йўлда ётган арслон терисини кўрди. Ўзига-ўзи: «Буни кийсам, ҳар кимни қул қилиб оламан» деб, дарҳол арслон терисини кийиб олди. Бу найрангни билмаган ҳайвонлар унга ҳурмат ва таъзимни канда қилмадилар. Тегирмончи буни билиб қолди. Эшакнинг қулоғи катта бўлганидан арслон терисидан чиқиб турарди. Тегирмончи қўлига бир таёқ олиб, эшакни дарҳол олдига солиб, уриб, бир қул каби айлантира бошлади...

Тушуниб турибсиз, бу найрангбоз ва риёкор кимсалар ҳақидаги ҳикоят. Эшак табиатли кимсалар ўзларини арслон кўрсатиб, кишиларни алдайдилар. Ҳолбуки, уларнинг бу ишлари риёкорликдан ўзга нарса эмас. Риёкорлар шу ҳикоятда баён этилган арслон терисидаги эшакка ўхшайдилар.

Ярамас, фосиқ, риёкор одамлар билан суҳбатдош бўлиш – илонни асрашга ўхшайди. Илон ҳар қанча асралса ҳам, заҳари ва зиёни камаймайди, балки кўпаяди. Донолар билан суҳбатдошлик эса аттор дўконини эслатади. Аттор дўкони доимо димоғни хушбўй қилади. Олимларимиз билан ё бевосита, ё билвосита қилинган суҳбат сиз билан биз учун шундай роҳатлидир. Ҳузурбахш дақиқаларимиз кўпаяверсин, деб дуо қилгач, навбатдаги суҳбатга ўтамыз.

ВИЖДОН УЙҒОНУР



Виждон – ҳақам. Виждон – одамни иймонсизлик жарима қўлашдан ақраб қолувчи ҳосил. Виждонга тоққари қўрмайдиган одам ҳаётида ўз олдига қўйган вазираларга тўғра эриша олади. Одамлар тўғрага жавобдор ёзувларга иқлос қўядилар, ҳолбуки, энг бебаҳо зийнат – соф виждондур. Виждонни улуғ ва ажиб бир кудрати бор: у аввало, ғуноҳсиз одамни ҳар қандай қўрқувдан қорғи этади. Тунноҳқорни эса тасаввуридани ўзи лойиқ бўлган жазо олдига талвасани солиш туради. Қалол одамдан виждонни буноранига иш туртишини талаб қилиши сўтқиға. Виждонга хилсиз иш туртишини талаб қилиши эса уни ҳақоратлаш демак. Дониш аҳли дейдики: «Қанга-қанга ҳам-аламларим бўла туриб, шундан мен тенгиз бир таскин топаманки, ҳеч қандай дурийманым ҳам виждонимни тортиб олишга ҳодир эмас. Мен эсам ҳеч қачон виждонимга раҳна қолувчи ўз дурийманымга айланмайман».

Агар барга яхши фазилатларни бир фазилатманлакаттақийсэтак, виждонбу манлакатнинг подшоҳи, инсоф ва адолат унинг «ўнг қўли» ва «chap қўли» вазиридур. Виждонли одам барга фазилатларни ўзида жамлаган бўлади. У ҳеч қачон бировга зуъм қилмайди ёки ҳақиқатдан ноз ўйрмайди. Қиши бировнинг қайғусидан шодландиши, билинки, у виждон эгаси эмас.



БИРИНЧИ БЎЛИМ

КАМАЛАККА ЎХШАГАН ДУНЁ

ИЗЗАТ ВА ШАРАФ ТАНТАНАСИ

Ризқ ўз соҳибини мудом таъқиб қилади. Одам боласи унга ҳалоллик эшикларини очиши керак. Ризқ инсонга азалий насибадир. Одам уни топмаса ҳам у одамни – ўз эгасини топади. Одам ичадиган сувини аниқ ичади, ейдиган неъматини, албатта, ейди. Инсон ризқи тугамагунича ўлмайди.

«Шўро» сурасида ўқиймиз: «Агар Аллоҳ бандаларига ризқни кенг қилиб қўйса, албатта улар ер юзида ҳаддан ошиб кетурлар (ёки бошқа таржимада: «ер юзида зулм – тажовузкорлик қилган бўлур эдилар»). Лекин у Ўзи хоҳлаган ўлчов билан туширади. Албатта, у Ўз бандаларидан ўта хабардор ва уларни ўта кўргувчидир». Яна таъкидланурким: «Албатта, Раббинг ризқни кимга хоҳласа кенг қилур ёки тор (танг) қилур. Албатта, у бандаларидан хабардор ва уларни кўргувчи зотдир» («Исро» сураси).

Ривоят. Бир тошкесар бор эди. Ризқига шукр қилиб, топган пулини ўзи ерди. Ортса гадоларга берарди. Улардан-да ортса – итларга ташларди. Эртанги куни учун ҳеч нарса олиб қўймас эди. Аллоҳнинг эртага яна ризқ беришига ишонарди. Унинг ҳаёти Қудсий ҳадисда баён этилган: «Эй, Одам фарзанди, мен сендан эртага қиладиган ибодатни бу кун талаб қилмайман. Бас, сен ҳам эртага керак бўладиган ризқни бугун талаб қилмагин!» деган хитобига ғоят мос эди. Кунларнинг бирида сафардаги тақводор одам унинг кулбасига қўнди. Тошкесарнинг қандай яшаётгани билан танишгач, Аллоҳга муножот қилди:

– Ё Раббим, бу қулингни бунчалик камбағалликда ушлама, ризқини кўпайтир, унга ҳам бойлик бер.

Унинг илтижосига жавобан фаришта маълум қилдики:

– Сен кимни дуо қилаётганингни фаҳмламадинг. Биз унинг феъл-атворини биламиз, бойлик берилса, у ўзини эплай олмасдан қолади.

– Бу одам ризқига **қаноат** қилиб яшашга ўрганган, бойлик олдида талвасага тушмайди, – деб яна илтижо қилаверди тақводор.

Хуллас, унинг дуоси ижобат бўлиб, тошкесар тоғда бир ғорга дуч келди. Ичкари кирди-ю беҳисоб бойликка эга бўлди. Унинг боши айланиб, хазинадан кўзлари тиниб, **қаноатни** унутди. Камтарликка қарши исён қилди. Бойликни кулбасига ташиб келди. Сўнг ёмон назарлардан чўчиб, бошқа мамлакатга кўчиб кетди. У ердан филлама сарой қурдирди. Эшиклари оғзига посбонлар қўйди. Хасислик балосига мубтало бўлиб, муҳтожларни ҳам унутди, ҳатто унга бойлик ато қилган Худони ҳам эсдан чиқарди. Шунда унинг бу туғенидан фаришта тақводорга хабар етказди. Тақводор тошкесарни инсофга чақирмоқ қасдида йўлга тушиб, унинг саройига рўпара бўлди. Посбонлар уни ичкарига киритмай, уриб-суриб ҳайдадилар. Шунда фаришта тақводорга дедик:

– Кимни дуо қилганингни энди фаҳмлаб етдингми?

– Айбдор менман, бу гуноҳим ҳар қандай жазога лойиқдир, – деди тақводор афсус билан бош эгиб.

– Бойликни ҳамма ҳам кўтара олмайди. У тошкесарлигини қилавергани маъқул, – деди фаришта.

Ўша кунлари бойлиги кўзига кам кўринаётган тошкесар мамлакат подшоҳлигини қўлга киритмоқ учун фитна тайёрлаётган эди. Фитна фош бўлиб, подшоҳ уни таъқиб остига олди. Одамларини зиндонбанд этди, саройининг кулини кўкка совурди. Тошкесар бу таъқибдан аранг қутулиб қолди-ю юртига қараб қочди. Бойлик топган кунини ғор оғзида чўкичи қолган эди. Занг босган чўкични тозалади-ю аслига қайтди...

*Ризқ топмоқда чумолидек кучингга йиғлагил,
Паишшадек хониш қилиб, ҳар суфрадан қувланмагил.*

Ҳозир тошкесарнинг ҳолига тушганларни тез-тез учратадиган бўлиб қолдик. «Кўрмаганнинг кўргани қурсин», деган мақол бежиз тўқилмаган экан, деган хулосага келяпмиз. Бир қарасак, кечагина камтарона ҳаёт кечираётган танишимизнинг тагида қўш машина, сароймонанд уй қурган. Биродарлари билан қўл учида сўрашади. Яна бир қарасак, машиналар ҳам, уйлар ҳам сотилган... Кечаги бой бугун қулоғига қадар қарзга ботган. «Эй, Худо, бошимга нега бу балоларни солдинг!» деб даъво ҳам қилади. Бундайларга халқнинг жавоби тайёр: «Кўрпангга қараб оёқ узатгин эди»...

Борига қаноат қилмай, мўл ризқ излаб кетаётганларни ҳам кўриб турибмиз. Хорижга бориб тузукроқ иш билан банд бўлсалар майли эди. Бирон йирик корхонада муҳандисми ё бирон универ-

ситетда профессорми... Қаёқда! Ўша юрт одамлари бажаришга ор қилган энг паст ишларни бажаришади ва энг паст даражада иш ҳақи олишади. Бу хўрлик, бу хорлик эмасми? Бир йигит ризқ излаб Россияга кетган экан. Ўша ерда ўлим топибди. Танишлари пул йиғиб, ўликни минг азоб билан юртга олиб келишган. Буни нима деймиз?

Сахро сичқони шаҳарни томоша қилай, деб келиб, шаҳар сичқонига йўлиқди. Шаҳар сичқони оч, ориқ ва камқувват қариндошига ачиниб, тўқ ва беғам яшаш имкони мўл бўлган маконда қолишга даъват этди. Сахро сичқони кўнди ва унга эргашиди. Шаҳар сичқони яшайдиган хонадон эгаси ундан безиб, шу куни қопқонга озгина гўшт қўйиб қўйган эди. Шаҳар сичқони бундан беҳабар, ини атрофи ноз-неъматга мўл эканини исбот этмоқ мақсадида кибр билан инидан чиқди, гўштни тишлади-ю қопқонга тушди. Бир оз типирчилаб, ўлди. Буни кўрган сахро сичқони «Ҳалокат келтирадиган бундай тўқликдан кўра, озига қаноат қилиб, тинчгина яшаганим яхшироқ», деб ўз маконига қайтиб кетди.

Қудсий ҳадисда: «Эй, Одам фарзанди, **сабрли** бўл ва ўзингни паст тут, Ўзим сени олий даражага кўтараман», деб марҳамат қилинган.

Фарзандларимизни, яқинларимизни дуо қилганимизда бахт-саодат тилаймиз-у, аммо сабр-тоқат, қаноат тилашни унутамиз. Сабр-қаноатсиз бахт-саодатга етиб бўлмаслигини биламизми? Биз фақат жанозага борганимиздагина марҳумнинг яқинларига сабр тилаймиз. Бу яхши одат. Бошига мусибат тушган ҳар бир бандани сабрга чақириб, ёнида дадда бўлиб туриш аъло фазилатлардан. Мусибат сабрли одамга бир, сабрсиз одамга икки ҳисса оғир туюлади.

Инсон жисмоний жиҳатдан бақувватлигига мағрурланиб юраверади, аслида тоқати етмайдиган юмушлари кўп. Сабрсизлиги учун йўл қўяётган гуноҳлари ундан-да кўпроқ. Сабрсиз, қаноатсиз кишиларни учратиб турамиз. Сабр доимо, ҳаммага керак: яхшилик етганида ҳам, ёмонлик етганида ҳам, зарар-камчилик пайтида ҳам, фойда-борчилик пайтида ҳам ғоятда зарур. Йўқчиликка сабр қилиш осон. Аммо борчилик-тўқчиликка ҳамма ҳам тоқат қила олмайди. Аслида банда оғир пайтда бардош билан, неъмат етганда шукр ва яхшилик билан сабр қилсагина саодатга етиша олади.

Ҳаёти давомида кишининг боши устидан қуёш чарақлаб туриши баробаринда турли хил ташвиш булутлари ҳам сузиб ўтади. Кенглик – танглик ҳам, тўқлик – очлик ҳам, ғалаба – мағлубият ҳам, шодлик – мусибат ҳам. Умри фақат шодлигу ғалаба билан

ўтган кимсани тарих билмайди. Одам боласидан машаққат ва мусибат пайтида сабр қилиши, умидсизланмаслиги, ҳақ устида сабот билан туриши талаб этилади. Дунё ғами келиб-кетувчи меҳмондир. Абадий қолади, деб ранжимаслик керак. Тонгни кутадиган одам сабр қилиши шарт. Тун қиёматга қадар давом этмайди. Неъматга сабр билан эришилади, шошқалоқ ва бесабр неъматдан маҳрум қолади. Неъматни кўриш билан шокир (шукр қилувчи), мусибатга дуч келганда эса собир (сабр қилувчи) бўлиш одамийлик жумласига киради.

*Одамга сабр гар кўрингай заҳар,
Чидам ниҳояси жонга бўлгай шакар.*

Ҳа, йўқчилик ва танг ҳолатларда сабр керак. Аммо бу машаққатлар кушойиш топганидан сўнг ҳам сабр лозим бўлади. Чунки мусибатга тоқат қилишдан кўра, аввал айтганимиздай, кенгчиликка сабр қилиш оғирроқ.

Умидимиз юлдузлари, киши умр бўйи кўп қийинчиликларга дуч келиши, бу қийинчиликларни фақат сабр билан енгиб ўта олиши мумкинлигини, сабрсизлик эса инсонни қайғудан қутқара олмаслигини, сабрсизликнинг ўзи куйдиргувчи зўр қайғу эканини болалигингизданоқ онгингизга сингдиришингиз керак. Ҳар қандай хасталикнинг энг биринчи давоси – сабр дорисидир. Сабр – дориларнинг энг ишонарлисидир. Дорихонадан харид қилган дорингиз шифо берадими ё йўқми, билмайсиз. Бу олган дорингиз бир дардингизга даво бериб иккинчисини уйғотиши эҳтимоли ҳам бор. Аммо сабр дорисида бундай хатар йўқ. Сабрни моддият ва маънавият устуниси десак ҳам янглишмаймиз. Уни асрамай, йиқилишига йўл қўйилса, моддият ҳам, маънавият ҳам йиқилади.

Буқрот ҳаким илму ҳикматда равнақ топгач, узлатни ихтиёр этдилар. Бир куни подшоҳ хасталаниб, ул зотни ҳузурига чақиртирди. Буқрот ҳаким подшоҳнинг даъватини қабул қилмадилар. Шунда ул зотнинг ҳузурига вазирнинг ўзи келди. Қарасаки, Буқрот ҳакимнинг емишлари турли гиёҳлар экан. Вазир подшоҳнинг амрини айтиб, ялинса ҳам, ҳаким кўнмадилар. Шунда вазир аччиқланиб дедики:

– Подшоҳларнинг хизматини қилишни ўрганганингда бунақа гиёҳ еб ўтирмас эдинг.

Бу дашномни эшитган ҳаким кулдилар ва дедиларки:

– Агар сен гиёҳ еб яшашга қаноат қилишни ўрганганингда жонингни хатарга қўйиб, подшоҳ хизматини қилмас эдинг.

Донолар деганларки: «Модомики, ер остида қабр азоби ҳақ экан, ер устида ўша азобнинг муқобили сифатида сабр азоби ҳам

мавжуд. Бандага ё униси, ё буниси». Ҳикмат аҳли барча нарсадан айнан шу сабр азобини аъло кўрганлари сабабли бу дунёдаги мартабалари гоят баланд бўлган, уларнинг муборак номлари юз йиллар давомида унутилмай келиняпти. Ҳазрат Навоий айтганларидек: «Сабр бор ерда айрилиқ ўтида куйганларга ғам йўқ, иштиёқ эгаларига ҳажр ўтида куйишдан алам йўқ». Чунки: «...уларнинг ҳузурларига ҳар эшикдан фаришталар кириб: «Сабр қилганингиз учун сизларга салом бўлсин! Бу оқибат диёри қандай яхши, дерлар» («Раъд» сураси).

Сабрга берилган гўзал таърифни яна ҳазрат Навоийдан ўқиймиз: «...Сабр – аччиқ, аммо фойда берувчи; у – қаттиқ, аммо зиён-заҳматни даф этувчи. Қайси бахтсиз сабр этагини тутган бўлса, у охири муродига етади; қайси бир гирифтор кўнгил сабр тутунини бўшатмаган бўлса, унинг бахт тугуни очилади. Сабр – шодликлар калитидир, бандларни ечувчидир. Сабр – ўртоқдир, суҳбати зериктирарли, аммо, мақсадга олиб борувчи; сабр – улфатдир, узоқни кўзлаган, аммо, охирда истакка етказувчи. Сабр – уловдир, секин юрадиган, аммо манзилга элтувчидир. Сабр – туядир, оғир қадам, лекин бекатга олиб борувчидир. Сабр – насиҳатгўй, ачитиб гапирадиган, киши табиати ундан озор чекади, лекин амал қилган охирда муродига етади. Сабр – табиб, бадхўр дори, бемор ундан азоб тортади, аммо сўнггида соғлиқка эришади.

Ишққа мубтало бўлган ошиқлар бу сўзни эшитганда чўчийдилар ва лекин сабр натижасида ёр васлига етишадилар. Ҳажр азобини тортаётган кишилар сабр сўзини эслашдан жирканадилар, лекин охирда сабр туфайли дийдор кўришадилар. Сабрнинг умидкорлик қафасида жон булбулига на хомушлик фойда берар, на куй ва на нола; сабр мажлисида руҳ тўтисига на сукут наф еткурар, на фарёд ва на фиғон.

Сабр саҳросида роҳат қилиш изтироб чекиш билан баравар; сабр даштида дам олиш – югуриш билан баробар. Сабр бор ерда, айрилиқ ўтида куйганларга ўлишдан ғам йўқ; иштиёқ эгаларига ҳажр ўтида куйишдан алам йўқ.

Сабр – ҳажр шомидек қоронғи ва узун, аммо унинг охири висол тонги; сабр – ҳаж йўлидек қийин ва йироқ, аммо ниҳояти – иқбол Каъбаси.

Балога гирифтор бўлиб, нобуд бўлиш хавфи остида қолган одамнинг ҳаёти сабр туфайли озод; ҳар бир ноумид шахснинг тушқун руҳи сабр туфайли тетик, обод...

Ҳикоят. Нақл қилишларича, бир бечора-нотавоннинг кўнглига бир гулюзнинг ишқи тушди. У туҳмат туфайли зиндонга гириф-

тор бўлди. Тухматни бўйнига қўйиш учун унга берилмаган азоб қолмади, аммо у махфий сирини тилига олмади. Оқибат – бир куни миршаблар боришиб, уни зиндондан тортиб чиқардилар ва бош-оёғидан тортиб, бир қучоқ ёғочни унинг баданига уриб, ушатдилар. Калтак зарбидан унинг бутун вужуди жароҳат бўлди; ҳамма аъзосининг териси шилинди. Унинг аъзойи бадани шундай ёмон аҳволда эдики, оққан қон у майдонни лолазор қилди. Шунда ҳам, у бечора мутлақо дам урмади ва иқрор сўзини тилига келтирмади. Ниҳоят, золимлар уни азоблашдан чарчадилар ва ўртадан судраб чиқариб, ноиложликлари туфайли қўйиб юбордиларким, инсофан тўғри иш қилдилар.

Азоб берувчилар йироқлашишгач, жафокаш одам оғзидан майдаланган танга парчаларини чиқарди. Тўпланган одамлар бу ҳол сабабини сўрадилар.

Жавобидан маълум бўлдики, золимлар калтаклаётган пайтида севгилиси келган ва бир бурчакда унинг аянчли ҳолига боқиб турган экан. Унга жабр-зулм қилинаётганида, тангани оғзига солиб, ҳар зарбда икки тиши орасига олиб, қаттиқ тишлар ва тишининг зарби билан у пулни майда-майда қилиб ушатар экан. Ошиқ ўз маъшуқаси қаршисида сабр-чидам кўрсатиб, унинг кузатиб турганини сезар экан.

Бу манзарани ўз кўзлари билан кўрган маъшуқаси меҳр-шафқат билан қошига келиб, юмшоқ сўзлар билан яраларига малҳам қўйди ва ширин тил билан мажруҳ танига жон бағишлади. Бу ошиқ йигит тасаввур қилиб бўлмас давлатга муяссар бўлди ва хаёл қилиб етмас саодатга эришди. Бу бахт – барча қийинчиликларни сабр-чидам билан енгиш намунасидир. Бунга азоб-уқубатга бардош кўрсатиш орқали эришилади.

*Кимки, бир шиддат аро сабру таҳаммул айлади,
Бахт анинг нишини нўшу хорини гул айлади».*

Хулосада дейилмоқчики, кимки бирор қийинчиликда сабру чидам кўрсатса, бахт унинг заҳарини асалга, тиканини эса нафис гулга айлантиради.

Мазкур баённинг икки жиҳатига тасаввуф адабиёти нуқтаи назаридан қараш маъқул кўринади: ишққа мубтало бўлган ошиқларнинг чўчишлари тилга олинган сатрда Аллоҳ ишқидагилар назарда тутилган. Улар сабрдан чўчишмайди, сабрларининг етарли даражага ета олмаслигидан хавотирда бўлишади. Чунки сабр уларга ёр васли,

яъни, Аллоҳнинг жамолини кўриш бахтини беради, яъни жаннат эшикларини очади. Ҳикоятдаги йигит сабри ҳам Аллоҳ ишқидаги ошиқнинг рамзий қиёфасидир. Банданинг ҳоли Аллоҳга аёндыр, У сабрлилар биландир. Сабрлининг мажруҳ танларига жон бағишлайди. Юсуф алайҳиссаломнинг акалари ул зотнинг кўйлақларини ёлғондан қонга бўяб, «укамизни бўри еб кетди», деб оталарини алдадилар ва «албатта бизлар рост сўзловчилармиз», деб онг ичдилар. Шунда Яъқуб алайҳиссалом уларга дедиларки: «Йўқ, сизларга ҳавойи нафсингиз бирон ёмон ишни чиройли қилиб кўрсатган. Энди менинг ишим – чиройли сабр қилмоқдир» («Юсуф» сураси). Шу чиройли сабрнинг мукофоти ўлароқ ўғиллари бағирларига қайтдилар.

Ҳазрати Иброҳим алайҳиссалом ўғилларини қурбон қилишга ҳозирланар эканлар, ҳазрати Исмоил алайҳиссалом дедиларки:

– Эй, отажон! Сизга амр қилинган нарсани бажаринг. Инша Аллоҳ, менинг сабр қилувчилардан эканлигимни кўрасиз. Пичоқни яхши қайранг, ҳамон бўғзимни кессинки, жон бериш қулай бўлсин. Пичоқни тортаётганда юзимга қараманг. Балки оталик шафқати билан ишни чўзиб юборишингиз мумкин.

Шу воқеада барчаларимизга ибрат бўларли ҳам ота, ҳам фарзандга хос сабрнинг улуғ намунасини кўрамиз.

Ҳазрати шайх Абу Ҳозими Маданий (қ.с.) қассобнинг дўкони ёнидан ўтар эдилар. Қассоб: «Гўшт олинг», деб таклиф қилди. Ҳазрат «пулим йўқ», дедилар. Қассоб: «Ҳозир гўштни олиб кетаверинг, пулини кейин берарсиз, сабр қиламан», деб илтифот этди. Шунда ҳазрат шайх дедиларки: «Менинг нафсимга сабр қилмоқлигим сенинг мендан пул кутиб сабр қилмоқлигингдан яхшироқдир».

Улуғлар сабридан баён этувчи ҳикоятларни ўқиганимда марҳум шоиримиз ҳожи Садриддин Салим Бухорийнинг бир байтларини ёдга оламан:

*Авлиёлик – сабрдыр,
Сабр нафсга жабрдыр.*

Ҳазрати шайх Сирри Сақоти (қ.с.) сабрдан сўзлаётган эдилар. Чаён ул зотнинг бир неча жойларидан чақди. Шайх чаённи ўлдирмадилар. «Нечун ўлдирмадингиз?» деб сўрашди. «Сабрдан сўзлаб турар эканман, Аллоҳдан уялиб, чаённи ўлдирмадим. Нединким, сабрдан гапира туриб, сабр қилмаган бўлардим», деб жавоб қилдилар.

Энди «сабр» ва «қаноат» атамаларига қисқа изоҳ бериб ўтсак: бу икки сўз кўпинча кетма-кет қўлланилади. Аммо иккаласи бир

маънони англатувчи маънодош сўзлар эмас. «Сабр» – иффатга хос хислатлардан бўлиб, нафсоний қувватларни жиловлашдир. «Бардош» ёки «чидам» дейилса ҳам «сабр» англашилади. «Сабр»ни мумтоз адабиётимизда «таҳаммул» (айрим ўринларда «тааммул») шаклида ҳам учратамиз:

*Ё марҳамат ул хайли ситамкорага бергил,
Ё сабру таҳаммул мени бечорага бергил.*

(«Маҳбуб ул-қулуб»дан)

«Муншаот»дан: *«...ва кўнгуллари таҳаммул қилмагандин арз қилгайлар».*

Демак, ҳавойи нафс хоҳлаб турган гуноҳларни қилмаслик сабр экан. Бало-ю офатлар ва мусибатларга таслим бўлақолмаслик ҳам сабр. Сабрнинг олий даражаси – мусибатнинг биринчи зарбаси вақтида билинади.

«Қаноат» эса еб-ичмак ва кийинмакнинг борига рози бўлиб, им-кон ва зарурат даражасидан ортиғини талаб қилмасликдир. Шу боис донолар қаноатни қушлардан ўрганишни тавсия қиладилар. Қуш эртанги озуқаси бўлмаса ҳам масъуд-бахтиёр учаверади. Одамнинг эса омбори донга тўла бўлса-да, кейинги йил ғамида, ташвишида паришондир.

Европанинг машҳур файласуфи, узлатга чекиниб, умрини бочкада ўтқазган Диогендан бир одамнинг бойми ёки камбағал эканлигини сўрадилар.

– Билмайман, – деб жавоб берди Диоген, – мен фақат унинг пули кўплигини биламан.

– Пули кўп бўлса, демак, бой экан-да?

– Кўп пулга эга бўлиш ва бой бўлиш – бир нарса эмас, – деб жавоб берди Диоген. – Борига қаноат қилган одамгина чинакам бойдир. Ўзида бор нарсадан кўпроқ бойлик орттиришга ҳаракат қилган одам, оз бўлса-да, борига қаноат қилган одамдан камбағалроқдир.

«Қаноат – эҳтиёжсизлик негизидир, иззат ва шараф тантанасидир, – деб ёзганлар ҳазрат Навоий. – Қаноатли камбағал – давлатманддир, унинг шоҳу гадога иши тушмайди:

*Хорлиглар боши тама билгил,
Доимо «азза ман қанаъ» билгил.*

Маъноси будир: хорликларнинг бошланиши тамадан эканини фаҳм этгин ва ҳамиша «қаноатли киши азиздир», деб билгил.

Қаноатли кишини ноёб донишманд деб ҳам иззат қиладиларким, қаноат бандага берилган туганмас неъматдир. Низомий ҳазратларидан байт:

*Ҳар кеча сўнгида нури зиё бор,
Ҳар бардош сўнгида завқи сафо бор.*

Қаноат тўғрисида кўп ҳикматлар айтилган, кўп таърифлар берилган. Шулар орасида «Маҳбуб ул-қулуб»даги ушбу таъриф ғоят аҳамиятлидир:

«Қаноат – бир чашмадирки, олган билан унинг суви қуримайди; у бир хазинадирки, ундаги бойлик сочилган билан камаймайди. У бир экинзорки, уруғи иззат ва шавкат ҳосилини беради; у бир дарахтдирки, унда қарам бўлмаслик ва ҳурмат меваси бордир.

Қаноат – киши кўнглига равшанлик етказади; кўз ундан ёруғлик касб этади. Қаноатли дарвишнинг қаттиқ нони таъмагир шоҳнинг ноз-неъмат тўла дастурхонидан яхшироқдир. Қаноатга одатланган фақирнинг ёвғон умочи – олғир бойнинг новвоту ҳолвасидан тотлироқдир.

Шоҳ улдирки – олмайди-ю беради, гадо улдирки – сочмайди-ю теради. Ҳар ким қаноатга одатланган бўлса, шоҳлик-гадолик ташвишини билмайди. Гарчи тирикчилик уйи доим тор, бу ҳақда қанча муболаға қилсанг, ўрни бор. Қаноат бир қўрғонки, унга кирсанг, нафснинг ғалвасидан қутуласан. Қаноат бир чўққиқи, унга чиқсанг, дўст-душманга муҳтожликдан халос бўласан. Қаноат – хокисорлиғдирки, натижаси – юксаклик; муҳтожликки, фойдаси – эҳтиёжсизлик. Қаноат – экиндир, уруғи – бойлик; дарахтдир, меваси – муҳтожсизлик; майдир, аччиқ, лекин нашъаси – шодлантирувчи; йўлдир қаттиқ, лекин борар манзили – севинтирувчидир».

Расулуллоҳнинг (с.а.в.) уйларида бир неча кунлаб қозон қайнамасди.

– Я Расулуллоҳ! Фақат хурмо еявериб, ичимиз куйди, – деб фақирлар нолишганда Расулуллоҳ (с.а.в.):

– Мен ҳам худди сизлар каби икки ойдирки, фақат мева ейман. Уйимда ейишга бошқа нарсам йўқ, – дедилар.

Бир киши очлик туфайли қорнига тош боғлаб олди. Исссиқ тош қоринга боғланганида ошқозондаги очлик азоби бир оз чекинди. У одам Пайғамбаримиз алайҳиссаломга қорнидаги тошни кўрсатиб, очликдан шикоят қилганида, Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳам муборак қоринларига боғлаб олган тошларни кўрсатдилар.

Умидимиз юлдузлари, баъзиларингизнинг оталарингиз хизматдан қайтганларида овқат тайёр бўлмаса, ғазабланиб, дунёни

ағдар-тўнтар қилишга ҳам тайёр бўлиб қоладилар. Таомни вақтида ҳозирлашга улгурмаган аҳли аёлини ҳақоратлашдан, ҳатто дўшпослашдан тоймайдилар. Қаноатсизликнинг энг олий даражаси шу ҳолда намоён бўлади. Чунки таом қозонда қайнаб турибди, узоғи билан ярим соатда пишиши аниқ. Ярим соатга қаноат қилолмайдиган кишининг арзимаган туртки билан одамийликдан чиқиб кетиши ҳеч гапмас. Дарвоқе, шундай деб ёзишга ёздиг-у бироқ, динда собит одам тоқатсиз бўлмайди, деган ҳақиқатни ёдга олдик. Сиз отангиздан кўп ибратли фазилатларни ўрганасиз. Камчиликларни ҳам кўрасиз, баъзан бу камчиликлардан ўзингизни нари оласиз, лекин баъзан қаноатсизликка боғланиб қолганингизни сезмай қоласиз. Масалан, ўқишдан келгунингизча қорнингиз очиб кетди, дейлик. Онангиз чой дамлаб, овқатни иситгунча қаноат қиласизми? Дадангизга ўхшаб бақириб, тўполон қилмасангиз ҳам, онангизга малол келадиган бир-икки гапни айтиб юбормайсизми?

Ақл мавзусида юритган суҳбатимизда «инсонларни ҳайвонлардан юқори қўювчи тўрт нарсанинг бири – қаноат», деб санаб ўтиб эдик. Бу фикрни инкор этмаган ҳолда баъзан ўйлаб қоламан: қаноат ҳайвонларда, масалан, итда ҳам бор-ку! Ҳайвонлардаги қаноат даражаси баъзан инсонникидан анча баланд бўлади-ку!

Ҳазрати шайх Шақиқи Балхий (қ.с.) Ҳижозга бориб, шайх Иброҳим Адҳамга учрадилар. Дедиларки:

– Ё Адҳам ўғли, тирикчилигинг қандай?

Иброҳим ҳазратлари айтдилар:

– Топсам шукр қиламан, топмасам – қаноат.

Шақиқ ҳазратлари дедиларки:

– Бизнинг Балх итлари сенинг шу қилганингни қилурлар.

– Сиз нима қилурсиз?

– Топсам – эҳсон қилурман, топмасам – шукр.

Бу жавобдан таъсирланган Иброҳим ҳазратлари ўринларидан туриб, Шақиқ ҳазратларини ўпдилар-да:

– Сиз менинг устозимсиз, – дедилар.

(Мазкур воқеа бошқа тарихий манбада ўзгачароқ тарзда баён этилади: «Ҳукамолардан Абу Зайд айтадилар: «Балхлик бир йигит менга: «Ўзларингизнинг зуҳди-тақволарингиз ҳақида гапириб беринг», деган эди, мен: топсак – еймиз, топмасак – қаноат қиламиз», дедим. Шунда у дедик: «Бизда Балхнинг итлари шундай қилишади. Биз топмасак – қаноат қиламиз, топсак ўзимиздан муҳтожроқларга берамиз». Бу ҳикматнинг икки манбада икки шаклда баён этилишига ажабланмаслик керак. Ровийлар қайси бир босқичда адашган бўлишлари мумкин. Ёки ҳар икки ҳолда

ҳам юз берган воқеадир. Бунинг илдизини топишга уриниш ҳам шарт эмас. Чунки муҳими – ҳикматнинг ўзи. Воқеа кимнинг иштирокида бўлгани иккинчи даражали масала).

*Қаноат маъданига оч кўзунг оч,
Тама бўйи кўринмай, бўйидан қоч.*

Мазкур байтда ҳазрат Сўфи Оллоҳёр бу маънони айтмоқчилар: «Ҳамиша қаноат ҳазинасига кўз тикиб юргин. Тўқликда ҳам, очликда ҳам қаноатли бўл. Фафлатда бўлма, кўзинг оч. Таманинг қиёфаси кўринмасдан олдин, унинг исини билгачоқ, ундан қоч.

Шарафли ҳадис. «Кимнинг Аллоҳдан савоб келишига қаноати бўлса, ўзига етаётган азиятни сезмас». Қаноат қилган кимса ҳамма нарсадан озод бўлади. Таажжубки, дунёпарастлар бойликни молдан қидирадилар. Ваҳоланки, у қаноатдадир. Роҳатни эса кўпдан қидирадилар. Аксинча, у оздадир. Ақлли одам фаҳм этмоғи шартки, қаноат унинг бошини юқори кўтаради, олий мақомга етказди, иззат ва шавкатга эга этади. Аммо тамакор одам дунёда хорлик ва ҳақоратдан холи бўлмайди. Қаноатли киши ўзининг ҳар бир сўзи ва ишида ҳалолдирки, шу боис ҳам Суқрот ҳаким: «Ҳой-у ҳавасни тарк айлаб, қаноатни ихтиёр этинг», деб васият қилганлар.

Барча хулқлар каби қаноат ҳам мунтазам тарбия орқали камолга етади. Лекин шайтон банданинг кўз олдига ўз пардасини тўсиб, ҳақиқатни кўрсатмасликка интилади. «Қаноат қилиб ўзингни қийнаб нима қиласан, ана, Фалончини қара, яйраб яшаяпти, сенинг ундан кам жойинг борми?» деб васваса қилади. Банда иродасини бошқара олмагач, қаноатдан юз ўтиради ва шунга яраша ажрини олади.

*Саодатли эрур моли йўқ гадоӣ,
Борга тоқат қилса, унинг кўнгли бой.*

Бир киши ҳазрати шайх Абу Бакр Абу Варроқ Термизийдан (қ.с.) ўғит истади. Унга дедиларки:

– Икки жаҳоннинг шарри (ёмонлиги) мол-дунё кўплигидадир. Хайри (яхшилиги) эса Аллоҳнинг берганига қаноат қилмоқликдадир. Боргил, бу ўғитни тутгил, нажот топгайсан.

Ҳа, нажот – қаноатда ҳамдир. Кимки қаноат қилмаса, етиша олмайдиган нарсасига интилаверса, ўзга киши қўлидаги нарсага очкўзлик билан қарайверса, қувонч олами унга бегона бўлади. Қаноати туфайли хурсандчилик оламида яшовчи кимсанинг ҳеч кимга эҳтиёжи ҳам тушмайди.

*Бир йўқликнинг бир кун тўқлиги бордир,
Бир гамликнинг бир кун шодлиги бордир.
Қаноат қилган роҳат кўрмаган эмас,
Гадоликнинг бир кун беклиги бордир.*

«Дунёда энг яхши лаззат нима?» деган саволга «қаноат лаззатидир», деб жавоб берадиганлар янглишмайдилар. Чинакамига қаноатли бўлиш худбинликни инкор этади, киши ўзи роҳатда яшаши билан бирга, бошқаларнинг ҳам шод яшамоғини истайди ва бу йўлда жон фидо қилмоққа ҳам тайёр бўлади.

Кунлардан бир куни Салмон Форсий (р.а.) уйларига яқин дўстларидан Абу Зарр Фифорий келдилар. Дастурхон устига бир кўза сув ва бир неча бўлак қотган нон қўйилди. Нонни сувга ботириб еяётган меҳмон «нон жуда мазали экан-у аммо тузи бир оз камроқ туюлди», дедилар. Шунда Салмон Форсий меҳмондан узр сўраб, кўзани олдилар-да, бозорга йўналдилар. Бозор яқин бўлгани сабабли, кўзани тузга алмаштириб, тезда уйларига қайтдилар. Энди сувга бўктирилган нонга туз сепиб эдилар. Шунда меҳмон: «Аллоҳга шукр, бизни шунчалар қаноатли қилиб яратибди», дедилар. Бу шукронани эшитиб, мезбон қўшимча қилдилар:

– Тўғри, Аллоҳга шукр қиламиз, лекин қаноатимиз янада кўпроқ бўлганида кўзани тузга алишмас эдик.

Қаноатсиз одам ҳеч маҳал ўзини ўзи идора эта олмайди. Қаноат – етишурлик миқдорига ёки хазинада топилганига ризо бўлмоқлик, демак экан, бу катта ё кичик, эр ёки хотин зоти учун ҳам энг гўзал бир сифатдир. Етишур миқдорига ризо бўлмаган кимса ертўла хазинаси бўлса-да, ҳаргиз қаноат қилмас. Масалким: бир қаноатсиз сайёд (овчи) тулкини кўриб қолди-ю унинг юнгига ҳаваси келди. Жониворни тутиб, терисини шилиб, қиммат баҳога сотишни орзу қилди ва унинг инини излаб топди. Инга яқин ерда чуқур қазиб, устини хашак билан беркитиб, тепасига бир бўлак гўшт ҳам ташлаб қўйди. Тулки инидан чиқиб гўштни кўрди. Чоҳга яқинлашди-ю аммо гўштга чанг солишга шошилмади.

– Бу гўшт димоғимни хушбўй қилса ҳам, лекин ундан бало иси келиб турибди. Донишмандлар хавф-хатарли ишни қилмайдилар, оқиллар фитнага сабаб бўладиган ишга киришмайдилар. Бу хашак устига бекорга гўшт қўйилмагандир, ҳар ҳолда шу гўшздан умид узганим афзал.

Тулки шу қарорга келиб, чоҳни четлаб ўтиб кетди.

Шамол гўшт исини шу атрофда юрган оч йўлбарс димоғига етказди. Йўлбарс гўштни тездагина, адашмай топди, ўйлаб ҳам

ўтирмай ҳашак устига оёқ қўйди-ю чоҳга қулади. Сайёд шовқинни эшитиб «чоҳга тулки тушди», деган гумон билан югуриб келди-ю пастга қарашга ҳам қаноат қилмай ўзини чуқурга ташлади.

Ким қайси фазилати туфайли омон қолди-ю ким қайси иллоти туфайли ҳалок бўлди?

Қадим замонда Кобул шаҳрида истиқомат қилувчи икки қаноатсиз одам маишатларини яхшироқ ўтказиш иложини тополмай Султон Маҳмуддан нажот истаб, Фазна шаҳрига қараб юрдилар. Йўлда бир киши уларга ҳамроҳ бўлди. Бу икки қаноатсиз бошкентга не мақсад ила бораётганларини айтиб, янги ҳамроҳнинг ҳам сафардан муддаосини билмоқ истадилар.

– Мен дурадгорман, ҳалол касбим билан топганимга қаноат қилиб яшайман, – деди янги ҳамроҳ. – Ҳеч кимдан бирор нарса тама қилмайман. Ҳатто султоннинг ҳам инъом-эҳсони менга керак эмас. Мақсадим – Фазна шаҳрини бир томоша қилиб келиш холос.

Фазнага етиб келишгач, икки қаноатсиз киши султон қароргоҳига йўл олди. Дурадгор эса бормади. Қаноатсиз кишилар султон ҳузурига кириб, муддаоларини изҳор қилиб бўлишгач, қаноатли дурадгорнинг бу зиёратга келишдан бош тортганини ҳам айтиб ўтдилар. Бундан ажабланган султон Фазнавий одам юбортириб, дурадгорни олиб келтирди. Қаноатсизлардан бири султондан бир халта олтин сўради, иккинчиси эса ҳали уйланмай юрганини, султоннинг саройдаги бирон чўри қизга уйлантириб қўйишидан умидвор эканини билдирди. Султон буларнинг тилаklarини қабул этиб, қаноатли дурадгордан сўради:

– Узоқ йўл босиб Фазнага келганинг ҳолда мени зиёрат қилишни нима учун истамадинг?

– Бу шаҳарнинг гўзаллиги ҳақида кўп ҳикоялар эшитиб эдим. Мақсадим – шу гўзалликларни ўз кўзим билан кўриш. Мен ҳалол касбим билан кун кечирини истайман. Бировдан бир бурда нон умид қилиб яшаб, номус-оримнинг ва обрўимнинг барбод бўлишини хоҳламайман. Шу боис менга сизнинг инъомингиз керак эмас. Ҳузурингизга ошиқмаганимнинг боиси фақат шудир.

Султон турли инъомларни таклиф қилса-да, қаноатли инсон буларнинг ҳеч бирини қабул этмади. Қаноатсизларнинг бирига халта тўла олтин берилиб, иккинчиси чўрига никоҳлангач, уларига қайтишга изн сўрадилар. Рухсат теккач, йўлга тушдилар. Султон учинчи кишининг қаноатини кибр ва нодонлик ўрнида қабул қилиб, ғоят ғазабланди-да:

– Халтаси ва чўриси бўлмаган кишини ўлдириб, калласини менга келтир, – деб буюриб, жаллодни уларнинг изидан жўнатди.

Юра-юра чарчаган қаноатсизлардан бири олтин тўла халтани дурадгорга бериб, бир оз кўтариб боришни илтимос қилган онда жаллод уларга етиб келди. Султоннинг «халтаси йўқ одамнинг калласини ол», деган амрига амал қилиб қаноатсизни ўлдирди. Султон жаллод олиб келган каллани кўриб: «Янглиш ўлдирибсан, энди бориб чўриси йўқ одамнинг бошини уз», деб буюрди. Жаллод уларга етиб келганда қаноатсиз киши зарурат юзасидан нарироқ кетиб, хотинига қараб туришни дурадгордан илтимос қилган эди. Жаллод уни нарида, ёлғиз ўзини кўриб, чўриси йўқ одам, деб гумон қилди ва султон амрини бажарди. Султон Ғазнавий у келтирган бошни кўриб яна дакки берди-да: «Халтаси ва чўриси бор одамни тириклайин олиб кел», деб буюрди. Қаноатли киши саройга келтирилгач, султон ундан «Ҳамроҳларингга нима бўлди?» деб сўради.

– Сиз кимга олтин ва чўри инъом этган бўлсангиз, уларнинг жонларини ҳам ўзингиз олдингиз, – деди дурадгор. – Мен сиздан ҳеч нима олмаганим учун саломат қолдим.

Султон унинг бу сўзидан таъсирланиб: «Мендан бирор нарсани тила!» деб илтимос қилди.

– Хўп, бу сафар сиздан уч нарсани сўрайман, – деди қаноатли киши. – Аввало, халтадаги олтинларга янада кўпроқ олтин қўшиб, ўлдирилган икки ҳамроҳимнинг оилаларига юбортиринг, уларни рози қилинг. Хонадонлари аҳлдан гуноҳингизни кечиришларини сўранг. Кейин ғазабланиб ва ифвогарларнинг сўзига кириб, ҳеч кимни ўлдиришга буюрманг, адолатли раҳбар бўлинг. Учинчиси, мен сиздан ўзим учун ҳеч нима тиламайман. Агар ижозат этсангиз, оиламни Ғазнага кўчириб келтириб, шу ерда ўз ҳалол касбим билан машғул бўлай.

Султон Маҳмуд Ғазнавий унинг тилакларини қабул қилгач, бундай деди:

– Менинг ҳам сендан уч тилагим бор: биринчиси – хатоларимни кечир. Иккинчиси – ишларимда менга маслаҳат бериб тур. Учинчиси – ҳар жума оқшомида ҳузуримга келиб, суҳбатингдан баҳраманд этасан.

Ҳикоятнинг хотимаси ўлароқ байт:

*Ғар қаноат бирла бўлсанг барқарор,
Бўлмагайсан дунёда ҳеч хору зор.*

Қаноат ҳақида сўз кетар экан, бу шарафли ҳадисни четлаб ўтолмаймиз: «Мўмин киши бир ичаги тўлгунча ейди, кофир етти ичаги тўлгунча ейди». Кўп овқат ейиши билан шуҳрат қозонган

бир киши мазкур ҳадиснинг айтилишига сабаб бўлган, деб ривоят қиладилар. Ҳадисдаги кўпликни билдирувчи «етти» сони орқали таъмакорлик, таъби бад, ҳасад, нафс, овқатдан лаззатланиш ва семириш, кўз, оғиз ҳирслари ва шаҳват каби ҳайвоний иллатлар назарда тутилганлиги эҳтимолдир.

Одамнинг қаноаткорлиги ва оз емак билан тўйиши барчага маълум фазилат. Бизда овқат ейишни «Бисмиллоҳ» билан – Аллоҳ Таолонинг исмини айтиш билан бошлаш одат қилинган. Ақл эгалари меъдаларини тўлдирмайдилар, кўп ейишга ҳирс қўймайдилар. Турфа хил емишларга ва шарбатларга ҳаддан зиёд илтифот этмайдилар. Зотан, одам боласига ярашадиган иш ҳам шудир. Нодон эса ҳирсининг шиддатидан еб тўймайди, тўйса-да, қўймайди. Чунки у нафсига банди. Мункир шаҳватининг асири бўлгани сабабли қанча емасин, бари бир тўймайди. Халқимизда «Нафси бузуқ ҳайитда ўлади» деган мақол бор. Нафсини тиёлмайдиган одамларни кўрганамизда «яхши ҳам ҳайит ҳар куни эмас, йилда икки марта», деб қўямиз.

Саййидимиз ҳазрати Муҳаммад Мустафо (с.а.в.) оз овқат билан қаноатланиш борасида бундай ўғит берганлар: «Меъданинг учдан бирини овқат, учдан бирини сув, қолган учдан бирини ҳаво учун (нафас олмоқнинг енгиллашиши учун) бўш қолдир».

Ривоят. Ажам подшоҳларидан бири ҳазрати мустафо (с.а.в.) хизматларига бир ҳозиқ табиб юборди. Ул табиб араб диёрида кўп муддат яшади, аммо ҳеч ким унинг олдига бориб, муолижа талаб этмади. Охири ул Пайғамбаримиз алайҳиссалом ҳузурига келиб гина еттиким:

– Мен бандани асъҳоб маризалари муолижаси учун юбормиш эрдилар. Бу муддатда ҳеч киши илтифот этиб, менинг қошимға келмадилар ва мен муқаррар хизматни бажо келтира олмадим.

Расулуллоҳ (с.а.в.) дедиларким:

– Бу тоифанинг одати улки, то иштаҳа тамом бўлмасдин бурун таомдин қўлларини тортарлар.

Ҳакими ҳозиқ дедими:

– Сихҳат ва тандурустлик сабаби ушбудир.

Шундан сўнг ул ижозат олиб, ўз юртига қайтди.

Сулаймон Дороний ҳазратлари баёнлариким: «Ҳар нарсанинг занги бор. Кўнгил занги кўп ёмондир. Кўп еганга олти бало ёпишади: 1. Ўқиган намозининг таъсирини билмайди. 2. Хотираси сусаяди. 3. Бераҳм бўлади, бинобарин, ўзи тўқ бўлгани сабабли ўзгаларни ҳам тўқ санайди. 4. Ибодатларга дангасалик қилади. 5. Шаҳвати устун келади. 6. Мусулмонлар масжидга бораётганларида у ҳожатга шошилади.

Бу борада кишининг яшашдан мақсади муҳим аҳамиятга эга. Биров яшамоқ учун таом ейди. Бошқа биров эса таом емоқ учунгина яшайди. Бундайларни «қорин бандалари» ҳам дерлар.

Бир ҳақимдан сўрадиларким: «Ҳар кун не миқдор таом емак керакдир? Ҳақим деди: «Юз танга оғирича емаклик кифоя қилур». Яна сўрадиларким: «Бу миқдор емак баданга қувват бера олурми?» Дедиларким: «Бу миқдор таом есанг, сени кўтарур ва мундин зиёда есанг, сен они кўтарурсан».

*Билким, тирик юрмакдурур, луқма емакликдин мурод,
Сан жаҳлу гафлатдин мунинг аксига қилдинг эътиқод.*

(Яъни: овқат емоқдан мурод – тирик юрмоқдир, сен эса овқат емоқ муродида тирик юрибсан).

Бир подшоҳ фазлу ҳикматда тенги йўқ бир ҳақимнинг доврўғини эшитиб, ҳузурига чорлади. Ҳар соҳада саволлар бериб, қоникарли жавоб олди ва «ўзимга вазир қилиб олсам бўлар экан», деган тўхтамга келди. Аммо яна бир бор синашни ихтиёр этиб, дастурхонга таклиф қилди. Ҳақим қовурилган бир товуқ гўшти-ни зўр иштаҳа билан еб тамом қилмай, иккинчисига қўл узатди. Унинг овқат ейишини кузатиб ўтирган подшоҳ ўйланди:

– Бу одамнинг назари ниҳоятда оч экан. Менинг ҳузуримдаки шу қадар овқат эса, йўғимда мол-мулкимни еб адо этаркан-да...

Ҳақимнинг илми бор эди, аммо нафсини идора қилмагани сабабли вазирликдан маҳрум бўлди.

Бу ривоят бир мақолни эслатди: «Ўлдирса ҳам ош ўлдирсин». Ажабки, ош ўлдирмоқ учун эмас, яшамоқ учун хизмат этмоғи керак. Кимки, ошдан бўкиб ўладиган бўлса, айб таомда эмасдир. Исломнинг улуғлиги шундаки, инсон зоти нимадан қайтарилган бўлса, бугунги табобат бунинг илмий исботини топиб турибди. Тиб олимлари рўзанинг фойдасини ҳам тан олдилар, ҳатто оч қолдириб даволаш усуллари кашф этилди. Табобат аҳли кечки пайт кўп таом емасликни тинмай таъкидлайди. Масалан, телевизорда врач шундай маслаҳат беряпти. Биз эса унинг маслаҳатини жимгина эшитиб, ош ошалайверамиз. «Гаплари тўғри», деб тан оламиз-у, бироқ, таомдан қўлимизни тортмаймиз.

Асалари нилуфар гулининг рангини кўриб, дарҳол унга қўнади. Ширасини сўриб, ҳидидан завқлана бошлайди. Бу ишга шунчалик берилиб кетадики, учиб кетиши лозимлигини ҳам унутиб қўяди. Бу орада нилуфар аста-секин япроқларини юмади ва асалари улар ичида қолиб, ҳалок бўлади. Ўз қисматига рози бўлмай, ортиқча

нарсалар талаб қилувчи қаноатсиз одам, гўзал чаманларда ранг-баранг чечакларнинг хушбўй ҳидига ва яшил япроқли дарахтларнинг меваларига қаноат қилмай, филнинг қулоғига кирган ва қулоқ супрасининг бир ҳаракати билан ҳалок бўлган пашшага ўхшайди.

Сабр ва қаноатга қувват берувчи, фақатгина инсонга хос бўлган фазилатлардан бири – умид эрур. Сабрли одам ҳеч маҳал умидсиз бўлмайди. Нединким, одамнинг одамлиги умид билан. Умидсиз одам – бир қоп эт. Умид – парвозга шайланган бир лочиндир. Умидсизлик эса оёққа боғланган тош. Инсонларда умид бўлмаса эди, ҳаёт лаззати йўқолар эди. Банда гуноҳдан холи эмас, агар у Аллоҳнинг раҳматидан умид қилмаса, бу дунёда яшашининг қизиғи қолмайди.

*Агар дўзах лабинда бўлса пойинг,
Умид узмаки, гофирдир Худойинг.*

Ҳазрат Сўфи Оллоҳёр демоқчиларким: фараз қилки, оёғинг сени дўзах лабига етказди. Шунда ҳам сен Аллоҳнинг раҳматидан умидни узма. Чунки Худойинг гуноҳларни ёрлақугувчидир. Хуллас, гуноҳларинг на қадар кўп ва катта бўлса-да, ҳамиша умидли бўл.

*Фараз узма умид, э толиби роҳ,
Деди: «ла тақнату мин раҳматиллаҳ».*

Дейилмоқчиким: Эй, Аллоҳ талабида юрган банда, Аллоҳ Таолонинг раҳматидан умид узма. Аллоҳ Таолонинг бу хусусда ўз сўзи бор: «Эй, бандаларим, раҳматимдан умидсиз бўлманглар».

Агар қалбимизда умид бўлмаса, дуолар ва муножотлар ҳам қилмаган бўлардик. Умид – шунчаки бир нарсани орзу қилиб кутиш эмас. Умид – иймон устунларидан бири, негаки, бирон нарсани Аллоҳдан умид қилдикми, демак, унинг борлигига иймон келтирдик. Одам умид ишончини то лаҳадга қадар бўлган ҳаёти давомида собит ҳолда ушлаши керак. Чунки умидини йўқотадиган одамнинг бошқа йўқотадиган нарсаси қолмайди.

Одам боласи жон оғритар воқеалар юз берганида телба-дево-налардек ҳаракат қилишдан, бошига оғир мусибат тушганида умидсизлик гирдобига чўкишдан сақланмоғи лозим бўлади. Чунки инсонларнинг энг фалокатдийдаси – фалокатга чидамсиз ва умидсиз одамдир.

Ҳикоят. Кекса ёшли бир отахон даштга чиқиб анор кўчатларини экаётган эдилар. Ўша ердан гижинглаган от минган шаҳзода ўтиб қолди. У отахоннинг ёшини сўраб дедики:

– Ёшингиз тўқсондан ошибди, бир оёғингиз тўрда, бир оёғингиз гўрда бўлса, жонингизни қийнаб нима қиласиз? Уйда тинчгина ўтирсангиз бўлмайдими?

Отахон боғ қилишнинг савоблигини, Расулуллоҳ (с.а.в.) қиёмат бошланган чоқда қўлингизда ниҳол тутиб турган бўлсангиз, экиб қўйишга урининг, деб марҳамат қилганларини тушунтириб ўтирмай, қисқагина қилиб: «Умидли дунё-да, шаҳзодам», дедилар. Отахоннинг бу гапларини қурумсоқлик, дунёга тўймаслик деб англаган шаҳзода ўйламасдан деди:

– Агар шу кўчатлар амал олиб, ҳосил берса-ю унинг мевасидан татиб кўриш сизга насиб этса, менинг хотиним талоқ бўлсин!

Отахон шаҳзоданинг енгилтаклигидан ранжисалар ҳам, индамай қолавердилар.

Орадан йиллар ўтди. Дашт анорзорга айланди. Шаҳзоданинг отаси вафот этиб, тахтга ўтирди. Куз кунларининг бирида шоҳ шу анорзор ёнидан ўта туриб чанқоғини босмоқни ихтиёр қилди, боғбонни чақириб, бир пиёла анор суви сўради. Ажабки, даштга ниҳол экаётган отахонни танимади. Отахон ичкари кириб, анорни сиқиб, шарбатни шоҳга тутди. Шарбат шоҳга тахир туюлиб, бошқа анорни сиқишни буюрди. Иккинчиси чучук туюлди. Кейингилари ҳам ёқмай газабланди-да: «Ҳой чол, қандай бефаросат одамсан, шарбатни аввал ўзинг татиб кўриб, кейин менга узатмайсанми?» деди.

– Узрлиман, шоҳим, мен татиб кўра олмайман, – дедилар отахон.

– Нега? – деб ажабланди шоҳ.

– Агар мен ҳатто бир томчисини татиб кўрсам ҳам, сизнинг хотинингиз талоқ бўлиб қолади.

Шунда шоҳ отахонни таниди, ёшлигида айтган гапини ҳам эслаб, отдан тушди. Умидсизлик билан яшашнинг нақадар ёмон эканлигидан хижолат бўлиб, узр сўради.

Банда баъзан орзу узунлигига банди бўлиб қолганини ўзи ҳам сезмайди. Бу ҳол ризққа қаноат қилмаслик деб баҳоланади. Шайх Саъдийда бундай сатрлар бор:

«Эшитдимким, бир бозоргоннинг юз эллик тева моли ва қирқ банда хизматкори бор эди. Бир кеча Кеш жазирасида мени қошига чақирди ва тонг отгунча тинмай паришон ва малолангиз сўзлар айтди, андоқким: «Туркистонда фалон миқдор амборим бордур ва Ҳиндистонда фалон чоғлиқ молим бордир. Бу хат фалон ернинг хатидур, фалон нимарсага фалон киши зоминдур». Ва гоҳ дер эрдиким: «Искандария ҳавоси кўнгулға тушубдур». Ва яна дер эрдиким: «Диёрнинг ҳавоси дилкаш эрмасдур». Яна деди: «Эй, Саъдий, олдимда яна бир сафарим бордур, агар ондин фориг

бўлсам, қолғон умримни бир гўшада ўтқарурмен». Мен дедим: «Ул на сафардур?» Ул деди: «Гугирдин Форсдин Чинга олиб борурмен, нединким, гугирднинг қиммати онда баланд эрмишдир. Ондин чиний косаларни Румга элтармен, ондин Рум дебеларин Ҳиндистонга етқарурмен, ондин ҳиндий фўлодларни Ҳалабга келтурурмен. Ондин ҳалабий шишаларни Яманга дохил элтармен, ондин Яманий Форсга восил қилурмен. Ондин сўнгра тижоратни тарк этиб, дўконда ўлтурурмен». Мундоқ молихулиё ҳарзалардин ул миқдор сўз айтдиким, менда эшитгудек тоқат қолмади. Сўнгра деди: «Эй, Саъдий, сен ҳам бир сўзни дегил, қачонғача бу сўзларга рози бўлуб ўлтурасен?» Мен дедим (қитъа):

*Бир кишининг тушти маҳмилдин юки,
Бир биёбондин қилур чоғда мурур.
Деди: дунёдорларнинг оч кўзин,
Ё қаноат тўлдурур ё хоки гўр».*

Бундан шундай маъно англаш мумкин: кимнингки кўзлари дунё молларига боқар экан, бу кўзни ё қаноат ёки гўрнинг тупроғи тўлдирди.

Шайх Саъдий баён қилган воқеани ҳозирги кунда ҳам тез-тез учратиб турамиз. Дунёдан умидвор биродарларимизнинг орзулари шу қадар узунки, унга етишга бир одамнинг умри камлик қилиб қолади. Улар бу умид йўлининг хатарли эканини ўзлари ҳам билдилар. Фақат «мана шу ишимни ўнглаб олай, кейин тўхтаيمان», деб ўзларини ўзлари алдайвердилар. Порахўрлиги учун қамалиб қолган бир одам афсус билан бундай деган эди:

– Шаҳарда уйим йўқ, ижарада турар эдим. Бир хоналик уйим бўлса эди, деган умид билан қалтис йўлга ўтдим. Шу уйни оламан-у, ҳаромдан тийиламан, деб ўзимга сўз бердим. Уйни олдим. Кейин уйланишни, дабдабали тўй қилишни орзу қилдим. Бу умид ҳаромдан тийилишимга йўл бермади. Кейин икки хонали, сўнг тўрт хонали уй умидида ўзимни чўққа урдим. Автомашинани орзу қилиб унга ҳам етишдим. Ундан кейин кўнгил ҳовли-жойни истади. Аммо... ҳовли-жой ўрнига қамоқ насиб этди...

Банда раҳмоний умид билан шайтоний орзуни ажратиб олиши керак. Раҳмоний умиддаги одам сабрлидир. Шайтоний орзу-истак билан яшовчи сабрсиздир.

Инсон умид қилган нарсасидан маҳрум бўлса, ранжийди, дунё кўзига қоронғи бўлиб кетади. Умид синса, инсон мағлубиятга учрайдики, қамоққа тушган одамнинг афсуси бунга мисолдир.

Одам ҳамма нарсасидан айрилиб қолиши мумкин, аммо умиддан айрилмайди. Умид билан истак бир-бирини ўзаро таъқиб этиб юради. Бири ёнса иккинчиси аланга олади ёки аксинча. Демак, шайтоний орзу шайтоний истак чўғини аланга олдирадиди, оқибатда одам куйиб кул бўлади. Умидни тунги осмонга ҳам ўхшатадилар Осмонга астойдил тикилган нигоҳ бирон бир юлдузни топмасдан қўймайди. Шоир айтмоқчи:

*Дилинг куймасин, ноумидлик билан,
Ёруғ кун тугилгай қаро кечадан.*

Беморлар Аллоҳдан шифо умидидалар, фарзанд умидида юрганлар ҳам бор... Ёшларнинг умиди ҳаётни бахтиёрлик билан ўтказиш, кексаларнинг умиди – иймон калимаси билан жон бериш.

Донолар деганларким, ҳеч қайси табиб толиққан вужуд ва азоб чеккан қалб учун умидчалик дорини топиб бера олмайди. Умидсиз қалб – эгасиз ҳувиллаб қолган ҳовлига ўхшайди. Умидсиз юрак тарс ёрилиб кетиши мумкин, дейдиларким, у юракнинг ёрилиб кетмаслиги учун қалқондир. Қалбимиз қалқонини мустаҳкам этишни Яратгандан сўраб, сабр ва қаноат ҳамда умиднинг душмани бўлмиш шошқалоқлик ҳақида ҳам бир неча сўз айтишга киришамиз. Чунки сиз азиз **умидимиз юлдузлари**да шошқалоқликни кўп учратамиз.

Масалким, ўргумчак ипак қуртини кўриб, масхаралаб кулиб дедики:

– Бунча имиллайсан, дўстим, ҳаракатингни кўрган одамнинг юраги ёрилиб кетай дейди. Мени қарагин, оз вақтда каттакон тўсиқни тўқиб ташлайман.

– Тўғри, сен ҳақсан, – деди ипак қурти. – Мен шошилмай иш қиламан. Лекин бир зумда қилинган бу уйингдан ночорроқ уй борми? Сенинг ингичка ипларинг жуда заифдир. Мен секин ишлайман, аммо пишиқ иш қиламан. Шу боис ипагимни ҳамма қадрлайди. Ипагим оз бўлса ҳам сеникидан устундир ва қимматдир.

Ўргумчак ипак қуртини нодонликда айблаб, кула-кула, қулф тешигига тўрини тўқиб, ўлжа пойлай бошлади. Шунда қулфга калит солинди-ю ўргумчакнинг тўқиган тўри ҳам ўзига қўшилиб барбод бўлди. Ипак қурти эса шошилмай ипакка ўралди. Сўнг сабр билан кутди. Сабр уни капалакка айлантирди, осмонга парвоз қилди...

Масалдан маъно буки, шошилишлари туфайли пала-партиш иш қиладиганларнинг оқибати хайрли эмасдир. Шошқалоқлик одамни ҳалокатга етаклайди. Шу боис шошилинч ишлардан сақлан-

моқ керак. Шошқалоқлик – пушаймонликнинг онаси. Иккаласи бир-биридан айрилмайди. Ишнинг яхшиси – пухта қилинганидир. Одамлар тезкорни эмас, пухта иш қилувчини ёқтирадилар. Пухта бажарилган иш оз бўлса ҳам қимматлироқ бўлади. Яхши иш оғир бўлса-да, пухтадир. Тезда бажарилган иш кўп бўлса-да, яроқсиздир. Шарафли ҳадис: «Ўйлаб иш қилиш Аллоҳдандир. Шошилиш эса шайтондандир».

Шайтонлар замони – советлар даврида шошилиб қурилган иморатларнинг вайрон бўлганларини кўрдик. Ҳозир хорижда шошма-шошарлик билан, демак, сифатсиз тайёрланаётган молларни арзонлигига учиб, сотиб олиб, юртимизга келтириб қиммат баҳоларда сотаётганларни ҳам кўриб турибмиз. Совет жамиятининг инқироzi сабаблари кўп. Шулардан бири – ҳамма ишлари шошқалоқлик билан бажариларди. Бундан уялишмас эди, балки барчани шунга даъват этишарди. «Беш йиллик режани уч йилда бажарамиз!» ёки «бир кунда уч кунлик вазифани бажарамиз!» деган шиорлар одатий ҳолга айланган эди. Мазкур шиорлар ёлғон ва қаллоблик асосида амалга ошириларди. Оқибат – ҳаммамизга маълум.

Сабрнинг зидди – шошқалоқликдир, демак, сабрсизлик десак ҳам бўлади. Атрофимизга зийраклик билан боқайлик: ҳамма соҳада шошқалоқликни кўрамиз. Ўқишда икки йилга мўлжалланган илмни бир йилда эгаллашга интилиш бор. Инсоннинг зеҳни қанчалик ўткир бўлмасин, оғирлик қилади. «Ортиқча кучаниш белни синдиради», деган мақолни шошқалоқликка нисбатан ҳам қўллаш мумкин. Аллоҳнинг мўъжизаларига диққат қилайлик: биронтасида шошқалоқлик аломатларини учратмаймиз. Аллоҳнинг Ўз Расулига хитобан «...мушрикларнинг озор-азиятларига сабр қилинг ва уларга тушадиган азобни шоштирманг» («Аҳқоф» сураси), деганини эслайлик. Яна такрорки, Қуръони Карим ҳам шошқич равишда бир ҳафта ёки бир ойда эмас, балки одамларнинг тоқати ҳисобга олинган ҳолда йигирма уч йил давомида нозил қилинган.

Одамзоднинг фитратида шошқалоқлик мавжуд: пиёда юришга тоқати етмади, уловларни минди, бунинг ҳаракатидан ҳам қониқмади: велосипеддан тортиб учоқларга қадар ихтиро қилди. Ана энди эътибор беринг: тезликни оширгани сайин жонга нисбатан хатар ортиб бораверди. Отдан йиқилиб майиб бўлишдан бошланган фалокатлар учоқлар ёки поездлар ёки автомобиллар ҳалокатидаги фожиаларга олиб келди. Бу фожиалар туфайли жон берганлар сони жанг майдонларида ўлганлар сонидан кам эмас. Қабристонларда ёш йигит-қизларнинг қабрларини кўрганда шуларни ўйлайман. Бу қабрда ётганларнинг аксари автомобил ҳалокати қурбонлари эка-

ни ачинарли. Ярим соатда шошилмай бориладиган манзилга беш дақиқа аввалроқ боришга интилишдан нима наф бор экан?

Шайх Саъдий ҳазратлари ёзадилар:

«Бир куни сафар асносида йигитлик ғурури била узоқ масофани пиёда қатъ этиб, бағоят бориб бир тўпанинг остига етиб, ётмиш эрдум. Бир ожиз қари киши карвоннинг изидин келур эрди. Менинг устимга етуб дедиким: «Бу ерда недин ётмишсанким, уйқу жой эрмастурур?» Мен дедим: «Нечук юрайким, оёқимда юргудек қувват қолмамишдир». Ул деди: «Сен эшитмадингмуким, улуғлар дебдурларким, югуриб эта олмай қолфондин, оҳиста юруб борғонлик яхшидур». Қитъа:

*Эйки, манзилга етмак истарсен,
Юрма таъжил бирла, сабр ила юр.
От на ерга шитоб ила борса,
Юруб оҳиста тева доғи борур».*

Бу оддий ҳақиқатни барча билади, аммо барча ҳам амал қилавермайди.

Шошқалоқлик фақат амалий ишлардагина ҳалокатга олиб келмайди. Бу иллат маънавият олами учун ҳам хатарлидир. Бир олим яхши ният ила дори кашф этди, аммо яхшилаб синаб кўрмай, шошилади, одамларга тавсия қила бошлади. Оқибат ёмонлик билан тугади. Икки ёш бир-бирини синашга улгурмай шошилиб тўй қиладилар. Оқибат – феъли чиқишмади, деб ажратадилар. Одамнинг қайсидир масалада маълум бир қарорга келишида шошилиши ҳам хатарлидир. Айниқса, раҳбарнинг шошқалоқлиги кўпнинг шўрини қуритиши мумкинким, тарих бундай ҳолларга гувоҳдир.

Ривоят. Ҳинд подшоҳларидан бири тўрт паҳлавон ака-укага катта ихлос ва зўр эътиқод қўйган эди. Уларни ўзи тарбия этиб, вояга етказди. Ака-укалар улғайишгач, жондор (подшоҳнинг шахсий кўриқчиси) вазифасига тайин этилдилар. Ака-укалар кечаси билан навбатма-навбат шоҳни кўриқлаб чиқишар эди.

Бир куни кечаси шоҳ ҳам малика ҳам ширин уйқуда ётар эдилар. Иттифоқо шифтдан бир илон тўшак устига тушиб, маликани чақишга чоғланди. Буни кўрган жондор аввалига нима қилишини билмай саросимага тушди, сабабки, индамай тураверса, илон маликани чақиб ўлдириши тайин. Илонни ўлдирай деса, шоҳ уйғониб кетиши мумкин. У кўп ўйламай, илоннинг бошини мажақлаб, тахти хоб остига ташлади. Кейин қараса, маликанинг кўкрагига илоннинг бир томчи заҳари томган экан. Заҳарни артиб

ташламаса, маликанинг ҳалок бўлиши муқаррар. Артиб ташлай деса, маликага яқин бориши мумкин эмас. Жондор этагидан бир парчасини йиртиб олиб, ханжари учига боғлади-да, сўнг шу латта билан малика кўкрагидаги заҳарни астагина артиб олди. Шу аснода шоҳ уйғониб қолди. Жондорнинг малика тахти хоби олдидан кетаётганини кўриб, кўнглига ғулғула тушди. Вужудини титроқ босса-да, кейинги жондор келишини кутди. Жондор келгач:

– Зудлик билан акангнинг калласини узиб, менга олиб кел, – деб буюрди.

Бу фармондан ажабланган ука, бориб қарасаки, акаси ҳузурланиб ухлаб ётибди. «Бирор гуноҳ қилганида бунчалик осойишта, бунчалик тинч ухламас эди», деб ўйлади ука ва фармонни ижро этмай, шоҳ олдига маъюсланиб қайтди.

– Калла қани? – деб ғазабланди шоҳ.

– Ололмадим, – деди жондор.

– Нима учун? Акангни аядингми?

– Эсимга бир ҳикоя тушиб қолди, ижозат берсангиз шу ҳикояни айтайин-да, сўнг фармонингизни бажарайин.

– Айт, – деди шоҳ.

– Қадимги замонда овга ишқибоз подшоҳнинг ҳатто семурғни ҳам ушлаб кела оладиган бургути бор экан. Подшоҳ бу бургутни ҳамма нарсадан афзал кўрар экан. Бир кун ов чоғи у оҳуни кўриб қолиб, мулозимлари-ю рикобдоридан ажралиб, жониворни қувиб кетибди. Қанча югурмасин, оҳуни ушлаб ололмай, ҳориб, чарчаб, ташналик азобида қийналибди. Юра-юра бир дарахтни кўриб, ўша томон шошилибди. Дарахт тепасида катта илон ўралиб ётган экан, одам қорасини кўриши билан заҳар пуркай бошлабди. Заҳар дарахт баргларида сизиб, пастга туша бошлабди. Подшоҳ уни сув деб гумон қилиб, кичик жомни қўйибди. Жом тўлишини сабр билан кутибди. Жом тўлиши билан лабига олиб бормоқчи бўлганида бургут қанот қоқиб, уни тўкиб юборибди. Подшоҳ бургутдан ранжиб, жомни яна заҳар томчилари остига қўйибди. Жом тўлгач, ичмоқчи бўлганида бургут яна тўкиб юборибди. Бу сафар подшоҳ ғазабдан ўзини тиёлмай, бургутни ерга уриб, ўлдирибди.

Шу чоқ рикобдор етиб келибди. Қараса, бургут ўлиб ётганмиш, подшоҳ эса ташналикдан беҳол ўтирганмиш. Рикобдор дарров мешдан сув қуйиб подшоҳга узатибди. Подшоҳ ўзига келгач: «Бургутни нега ўлдирдингиз?» деб сўрабди. Подшоҳ воқеани баён етгач, рикобдор тепага қараб, заҳар сочиб турган илонни кўрибди.

– Бургутни бекорга нобуд қилибсиз. Қаранг, бургут сизни қандай балодан асрабди. Сиз ичмоқчи бўлган сув эмас, илоннинг заҳари экан.

Подшоҳ илонни кўргач, вафодор қушни ўлдирганига пушаймон бўлибди. Аммо вақт ўтган, пушаймондан не наф?

Мен ҳам акамнинг бошини кесиб, олиб келсам-у эртага эса аф-суслансам, пушаймонликнинг фойдаси бўлармикин, деб ўйладим.

Шоҳ сукут қилди. Бу орада учинчи жондорнинг навбати келди. Шоҳ бунисига ҳам аввалгисига берган фармонни буюрди. Жондор итоат билан амрни бажармоқ учун акаси ётган хонага кирди. Қараса, акаси хотиржам ухлаб ётибди. Бошни узишга ҳарчанд ҳаракат қилса-да, қондошлик меҳри ғалаба қилиб, шоҳ истагини амалга оширолмай, қайтибди.

– Эй, шаҳриёри олам! Фармонингизга биноан акамнинг бошини узмоқчи эдим, лекин, бир ҳикоя ёдимга тушиб, ҳузурингизга қайтдим. Ижозат этинг, бу ҳикояни айтиб берай.

Подшоҳ изн бергач, жондор нақлни бошлади:

– Қадим Ҳиндистонда яшаган баджаҳл ва бадҳашам бир подшоҳнинг фарзанди йўқ экан. Вақти-соати келиб Парвардигор унга фарзанд ато этибди. Боланинг келажакда улуғ зот бўлиши қиёфасидан ҳам билиниб тураркан. Подшоҳ унинг тарбиясини улуғ донишмандларга топширибди. Подшоҳнинг «росу» аталмиш жонивори бор экан. Илон ва сичқонларга қирон келтирувчи бу кичик жониворни подшоҳ яхши кўраркан.

Бир куни энага юмуш билан ташқарига чиққанда, шифтдан илон тушиб, шаҳзода ётган бешик сари ўрмалабди. Росу унга ташланиб, узоқ олишувдан сўнг уни ўлдирибди. Бу онда энага қайтиб қарасаки, оғзи тўла қон росу бешик ёнида турганмиш. Энага буни кўрибди-ю «росу шаҳзодани еб қўйди», деб ўйлаб, дод сола бошлабди. «Росу шаҳзодани ўлдириб, эди» деган шум хабардан ўзини йўқотган подшоҳ югура келиб, гурзи билан бир уриб, ўзи севган жониворни ўлдирибди. Кейин, сал ҳовури босилиб, бешикка қарасаки, шаҳзода ширингина ухлаб ётибди. Бешикнинг нариги томонида эса боши ғажиб ташланган катта илон ўлиб ётганмиш. Нима воқеа юз берганини англаган подшоҳ росуга ачиниб, кўп қайғурибди-ку, аммо фойдаси бўлмабди. Мен ҳам ўша подшоҳга ўхшаб пушаймон бўлиб қолмайин, деб акамнинг бошларини узишдан ўзимни тийдим.

Бу ҳикояни эшитгач, шоҳ жондорнинг акасини чақириб келишни амр этди. Гумондаги ака келгач, подшоҳ унга ғазаб билан деди:

– Мен маликанинг тахти ёнидан ўтаётганини кўрдим. Наҳотки, подшоҳларнинг ғазаб ўти озгинагина шабададан ҳам аланга олишини ва бу алангани ҳеч қандай сув ўчира олмаслигини билмасанг?

Бунга жавобан йигит деди:

– Шаҳриёрим, иффат ва поклигим туфайли мен хатардан қутулдим. Муҳлис тобеларига нисбатан подшоҳларнинг шубҳа ва гумонлари ўринсиз, деганлар. Агар бунинг исботи лозим бўлса, тахти хоб остига қарасинлар, жондор қулларининг қай даражада содиқ эканига ўзлари гувоҳ бўлгайлар.

Подшоҳ тахти хоб остига қараб, илонни кўрди-ю мушфиқу меҳрибон жондорининг садоқатига қойил қолиб, ҳадялар берди.

Мазкур ҳикоятдан мурод шулки, ҳар ишга таҳаммул, сабру бардош керак. Сабрсизлик – шошқалоқликнинг оқибати ҳамиша аянчлидир. Шошқалоқлик фожиа билан тугамаган тақдирда ҳам кишини кўп ташвишлар ботқоғига ботиради, саргардон қилади.

Шошқалоқлик авжга минганда сабр-у таҳаммул чекинади. Сабру таҳаммул чекинганида эса ранжи алам сели ёпирилади. Ҳар биримизнинг ҳаётимизда ибрат бўлсин деб бу ҳикояни баён этдим. Албатта, ҳозир тахти хоб ёнида илонни ўлдирувчи жондорлар йўқ, аммо шошқалоқликларини жиловлай олмаганлар кўпким, уларга сабр тилаб, навбатдаги мавзуга ўтамыз.

«НАФСИМ МЕНИНГ БАЛОДИР...»

Одам атрофини ўраб турган танишлари орасида душманам бор, деган шубҳада юради. Ҳолбуки, одамнинг энг зўр душмани – ўз нафсидир. Киши тирик экан, нафси билан курашда мағлуб бўлмаслиги керак. Нафс шундай ғанимки, манманлик ва қайсарлик унинг шиоридир. Кибру ҳаво унинг доимий ҳамроҳидир. Шайтоннинг энг ишончли қуроли бўлган нафс ҳақида суҳбат қуриш фурсати етди.

Одам Ато ва Момо Ҳаввонинг жаннатдан ерга туширилишларига сабаб шайтон алайҳилаънанинг васвасаси экани барчамизга маълум. Васваса нафсни уйғотди ва Одам алайҳиссалом айтилган вазифани бажармай иродавий хатога йўл қўйдилар. «Нафси уни биродарини ўлдиришни яхши кўрсатди. Бас, уни ўлдирди. Шу сабабдан зиёнкорлардан бўлди» («Моида» сурасидан). Одам алайҳиссаломнинг катта ўфиллари Қобил ўз укаси Ҳобилни ўлдирди. Бу фоний дунёдаги дастлабки қотиллик акадаги нафс ғолиб келган дамда содир этилди.

Ерда Одам наслининг кўпайиб, имтиҳонларга солиниши ва бу имтиҳонлардан ўта олганларнинг қайтадан жаннатга тушишлари бандалар учун бир шараф йўли ҳисобланади. Бу зафар ва шарафга эришиш учун инсонлар «нафс» имтиҳонида синалади. «Нафс» зафар ва шарафга эришиш йўлидаги энг қийин ва оғир тўсиқдир.

Аллоҳ одам наслидан улуғроқ бўлган фаришталарни нурдан яратди. Уларга ақл ва илм берди. Бироқ, нафс бермади. Нафс лаззатини, яъни емоқ-ичмоқ, оила қурмоқ... кабиларни бермади. Аллоҳ Одам зотидан паст жониворларга ҳам худди инсондагидай кўз-қулоқ, оёқ-қўл, ўпка-жигар, юрак... берди. Бу жониворларга нафс ҳам берди. Аммо, ақл ва илм бермади. Нафс учун уларда жавобгарлик йўқ. Нафс улар учун фақат тириклик манбайи. Улардаги нафс ҳукмронлиги чегараланган: сигир қўйни бурдалаб ташлашга қодир кучга эга бўлса-да, бу ишни қилмайди, чунки унинг нафси гўшт талаб қилмайди. Инсоннинг нафс борасида ҳайвонлардан улуғлиги ўз нафсини идора ва тарбия қилиш кучига эга бўлиши билан белгиланади.

Муҳтарам Пайғамбаримиз, алайҳиссалом, душман билан жангдан сўнг қайтиб келаётган бир гуруҳ саҳобаларига айтдиларки:

– Марҳабо, сизларга! Кичик жиҳоддан катта жиҳодга келдингиз! Саҳобалардан бири сўради:

– Эй, Аллоҳнинг расули, катта жиҳод деганингиз нима?

– Нафс билан жанг қилиш, – деб марҳамат қилдилар Расулуллоҳ (с.а.в.).

Яна дедиларки: «Мужоҳид – Аллоҳга итоат йўлида нафси билан жиҳод қилган одамдир». «Нафсингдан келаётган азобни ташлаб кет. Аллоҳга исён борасида нафсингга қулоқ солма. Қиёмат куни нафс сенга душманлик қилганида баъзи бир аъзоларинг баъзиларига лаънат айтади. Фақат Аллоҳ афв этса ва ҳимоясига олса, бирон нарса бўлмайди».

Инсонлар орасидаги урушда танаффус бўлиши мумкин. Нафсга қарши жангда нафас ростлаш бўлмайди. Бир кунда энг камида беш марта қарши ҳужумга ўтилса, нафснинг зарбаларига дош бериш мумкин. Ҳужумга хоҳиши йўқ одамни нафс янчаверади, янчаверади... Оқибатда унинг кўзлари, қулоқлари, димоқлари нафсга сидқидилдан хизмат қилаверади. Қўл-оёқлари нафс кўрсатган томонга интилавергач, қалб бу аъзоларни бошқара олмай қолиши мумкин... Ҳолбуки, нафс фақат ақл йўли билан эмас, асосан, қалб йўли ила тарбия этилади. Шунинг учун «нафис ақлимизга на бўлдики, хасис нафс бизга голиб бўлубдур?» дейилганда қалб тарбиясининг заифлиги назарда тутилади. Агар одам ўз нафсига асир бўлиб қолса, инсонийликни қўлдан бой беради. Аллоҳ Довудга (алайҳиссалом) ваҳий йўли билан буюрган: «Эй, Довуд! Асъҳобингни нафсоний орзуларга эргашишдан эҳтиёт қил. Нафсоний орзуларидан қочсинлар. Зеро, нафсоний орзулар асири бўлган

қалбларнинг ақллари мени кўра олмайди. Ақлларини пардалаб қўяман».

Сўйиш учун келтирилган ҳайвонларнинг ҳеч нарсадан беҳабар ҳолда бир тутам кўкатни талашиб, уришишларини ҳеч кузатган-мисиз? Бу манзара ўлимга орқа ўгириб, ҳалол-ҳаромнинг фарқига бормай, нафс йўлида манфаат ғавғосини қилаётган инсонлар ҳолининг намоийшини эслатмайдими? Шарафли ҳадис: «Мўмин киши беш ёмонлик (ёки бало) ўртасидадир: мўмин биродари унга ҳасад қилади, мунофиқ уни ёмон кўради, кофир уни ўлдириш пайида бўлади, **нафс унга қарши туради**, шайтон уни йўлдан оздиради». Мўмин кишининг фаришталардан афзаллигининг сабабларидан бири унинг шу беш душман ўртасида ғолибона туриб, иймонини муҳофаза этишидир. Аввалги уч душман инсонга таҳдид қилмаслиги ҳам мумкин. Ҳасадгўй, мунофиқ, кофирлардан киши ўзини муҳофаза қилиши унча мушкул эмас. Ҳасадгўй ҳасадидан, мунофиқ ва кофир ёмон ниятларидан қайтишлари эҳтимол. Нафс ва шайтон эса одамдан ажралмайди, васвасасини тўхтатмайди. Яширин ва кўзга кўринмовчи нафс турли ўйин, ҳийлалар билан мўминни йўлдан адаштиришга ва гуноҳлар томон етаклашга, ҳатто пайт пойлаб, имкони туғилди дегунча иймонини ҳам олишга ҳаракат қилаверади. Аввалги уч душман билан сулҳ тузиб, тинч яшаш мумкин, аммо қолган иккиси билан ҳеч қандай сулҳ тузиб бўлмайди. Нафс ва шайтон худди ўлмас аждаҳога ўхшайди. Битта бошини узиб ташласангиз, ўрнидан янгиси ўсиб чиқаверади.

Аммо, ҳақиқат шуки, нафс ҳам, шайтон ҳам барчанинг устидан ғолиб кела олмайди. Киши ўз нафсини ислоҳ қила олиши мумкин. Бунинг учун нафсини тарбия қила олган зотларга яқин юрмоғи, илм олмоғи ва бу илмга амал қилмоғи шарт бўлади.

Нафсни енгиш осон эмаслиги кўп такрорланади. Аммо мушкулотни кўриб, чекиниш ёки нафсга қарши жиҳодни тўхтатиш ақл эгасининг иши эмас. Кимки нафсга қарши жиддий жанг бошлай олмаётган экан, масалан, мансаб ғамини бирданига тарк этолмаётган экан, Имом Ғаззолий тавсияларига кўра, ишни ундан кўра енгилроғини тарк этишдан бошласин. Кимдадир таомга очкўзлик бор, унга рўза ва таомни кам ейиш буюрилади. Кейин унга тотли таомларни тайёрлаш топширилади. Таомлар муҳайё бўлгач, шундай лазиз ноз-неъматни ўзи емасдан ўзгага тақдим қилади. Шу йўл билан нафсини тияди, уни сабрга ўргатади, очкўзлигини сўндиради. Яҳё ибн Муоз Розийнинг бу борадаги тавсиялари ибратлидир:

«Қачонки нафсингда дунё истакларига майл, гуноҳга рағбат уйғониб, кўп гапиришдан ширин таъм туйсанг, ичингда нимадир

жўш уриб, ҳаяжонлар оғушида ўзингдан кетсанг, бас, у ҳолда камтаомлик қиличини таҳажжуд ва камуйқулик қинидан суғуриб, яланғочла. Кейин вазминлик ва камгаплик қўлларидаги бу қилич-ни дунёга майл ва гуноҳга рағбат уйғотувчи шаҳватнинг бошига сол, токи зулм ва интиқомнинг бўйни узулсин. Шунда нафсинг дунёга меҳр туфайли туғиладиган кулфатлардан ва ўзга балолардан омонда бўлади. Нафсинг шаҳват зулматларидан покланади, офатлар кишанидан қутулади. Ана шунда у покиза, ёруғ, енгил, руҳоний нафсга айланади, учқур отдек яхшилик майдонларида, итоат йўлларида чопади, пок фариштадек боғу бўстонларда кезади. **Инсоннинг учта душмани бор: дунё, шайтон ва нафс.** Зухд билан дунёдан эҳтиёт бўлинади. Шайтонга қарши бўлиб, ёмонлигидан сақланилади. Шаҳватларни тарк этиш билан, нафсдан ҳимояланилади».

Нафс туфайли одам боласи кайфу сафони, завқни, ҳузур-ҳаловатни, сайру томошани яхши кўради. Бу нафс вужудни, инсоннинг моддий борлигини, манфаатларини таъминлашга ҳаракат қилади. Зеро, унинг вазифаси шундан иборатдир. Яратилиши ҳам ўз ўрнидадир, тўғридир, яхшидир, яхши яратилгандир. Чунки инсон нафси яратилмасайди, у оч қолганини, чарчаганини... билмас эди. Инсоннинг ўз вужудини идора қилувчи бир бошлиққа эҳтиёжи бордир. Нафс инсоннинг шу эҳтиёжини қондиради. Нафснинг вужудга фойдали, айнаи дамда зарарли истаклари ҳам бор. «**Ҳавойи нафс**» деганда ана шу ғоят кучли истаклар назарда тутиладики, одамнинг душмани ҳам айнан шудир.

«Бу дунёдаги энг йирик ёв, билгинки эй кўнгил, ўз нафсингдир, – дейилади «Қутадғу билиг»да. – Унинг тузоғи доимо ёйиқ. Нафсдан жон учун етишадиган нарса – машаққат. Нафси бузуқнинг давосини ўлимдан бошқа ҳеч нарса тополмайди. Шу нафс гоҳ югуртириб, гоҳ елдиради, гоҳ кулдириб, гоҳ йиғлатади. Кўзни суқ қиладиган ҳам шу нафс. У туфайли киши гоҳ тўқ, гоҳ оч бўлади. Бир орзун топса, бошқаси қолади. Нафс семирса, охир-оқибат эгасини йиқитади. Кишининг нафси овчи итга қиёс: агар у семириб кетса, эгасининг ҳақини ҳам танимади. Ёки киши нафси ёш болага ҳам ўхшайди. Қорни тўйса бас, чопиб кетаверади. Сен эса унинг орқасидан излаб юрасан».

Ҳазрати шайх Иброҳим бин Довуд Роққодан ҳикмат: «Одамларнинг заиф жиҳати улдурки, шаҳват ундан кучли бўлғай, нафснинг қўлида ожиз қолғай, сўнг уни «нафс эшаги» дегайлар. Одамларнинг зўри улдурки, нафс устидан ғолиб келғай, нафсини ўлдирса, бас, ул киши фариштадан афзалдир». Нафсни енгишдан вужуд

жафо тортади, аммо ундан кўнгил сафо топади. Отнинг тизгини суворийда бўлгани каби, нафс тизгини инсонда бўлса, у ҳақиқат йўлида бардавомдир. Нафсини жиловлай олмаган инсоннинг қалби эса қаровсиз боланинг кийими каби иркит юради.

Энди «нафс» сўзининг маъноси билан танишсак: «нафс» сўзи асосан инсонга нисбатан қўлланилади. Аммо ҳайвонга, ҳатто ўсимликка нисбатан ҳам қўлланиш ҳоллари учрайди. «Нафс» – устоз Алибек Рустамий баёнларига кўра, кишининг жисмоний ёки ҳиссий талабларини, ҳожатларини қондиришга бўлган интилишдир. Бу интилиш оқибатида ахлоқ доирасини босиб четга чиққан кишини «баднафс» (нафси ёмон) ёки «нафсини тиёлмаган одам» деб атайдилар ва бундайлар билан яқинлашмаслик чораларини кўрадилар. Чунки баднафсдан яхшилик кутиш нодонликдир. Бунинг муқобилидагиларни «некнафс» ёки «нафсини жиловлаган одам», деб шарафлайдилар. Диний тушунчада эса «нафсига зулм қила олувчи банда» дейилиши расм бўлган. Зеро, юқорида таъкид этилдики, жиҳод ҳам энг аввало киши нафсини енгишга қаратилган бўлади. Жисмоний рақиб – ёв қўшинига қарши жиҳод – жанг бир неча кун ёки ҳафта, ой, боринги, бир неча йилда у ёки бу томон фойдаси билан якунига етиши мумкин. Ўз нафсига қарши, яъни руҳий муҳолифга қарши жиҳод то қабрга киргунга қадар давом этади. Бу жиҳоднинг, таъбир жоиз бўлса, бош қўмондони инсондаги ақлдир. Аниқроғи пок қалбга, иймонга бўйсунувчи ақлдир. Ҳайвонда ақл бўлмагани сабабли унинг нафсини ғариза, яъни инстинкт идора қилади. Шу боис ҳайвон нафси талабларини турли йўллар билан, ҳатто тажовуз билан ҳам қондиради. «Нафси тия олиш» деган тушунча шу ўринда инсон билан ҳайвонни бир-биридан фарқлайди. Ким ўз нафсига ҳукмронлик қила олмаса, «бу одамда ҳайвоний иллатлар устун», деб таъриф беришади. Ҳеч ким ҳайвонни баднафсликда айбламайди. Йўлбарс томонидан бурдалаб ташланган оҳунинг бечора ҳолига ачинамиз, бироқ, йўлбарсдан нафратланмаймиз. У ризқини фақат шу йўл билан топади, бошқа чораси йўқ. Баднафс одамдан эса жамият нафратланади. Киши боши устига бало булутларини тўпловчи омил ҳам айнан шудир.

«Нафс» сўзининг бир қанча маънолари бор. Асосий луғавий маъноси – «ўз» («ўзлик»)дир. Бу маъно «иззати нафс» иборасида сақланган. «Менинг ҳам иззати нафсим бор», дейилганда «Мен ҳам ўзимни ўзим иззат қиламан, азиз деб биламан, бошқаларнинг беҳурмат ёки ҳақорат қилишларига йўл қўймайман» маъноси англашилади. «Фалончининг иззати нафсига тегма!» дейилганда «Фалончи ўзига

яраша ҳурматга эга, бу ҳурматга зид келувчи ёки даҳл қилувчи гап айтма (ёки ҳақорат қилма)», маъносини англамоқ керак.

Нафснинг турларидан бири – «нафси аммора» дейиладиким, кучли истак-хоҳишни, бошқача айтганда, баднафсликни англатади. Унинг иши фақат ёмонликка буюришдир. Яна бир маъно: «нафси бадкирдор» тарзида ишлатиладиким, буни «ёмон хулқли нафс» деб тушуниш мумкин. Яна «нафси даний»ким, ярамас, тубан нафс назарда тутилади. Яна «нафси даъби»дир, турли керакли-кераксиз орзу-ҳавасларга берилавериш, хусусан, худбинлик англашилади. Беҳуда айш-ишратга берилиш эса «нафси нишоти» деб аталади. «Нафс-ул амрда» – ҳақиқатда, деган маънони англатади. «Нафсул амрни айтганда» – «ҳақиқатни айтганда» демакдир. (Ҳозирги имло қоидамиз бўйича биз бу иборани бир сўз шаклда «нафсулаамр» деб қўллаймиз.) Ёмон йўлга бошловчи нафсга «нафси шум», манманлик, кибрга эса «нафс-у ҳаво» дейилади. «Нафсоният» – нафсга берилмоқдир. «Нафсга мағлуб бўлмоқ» эса ўз шахсиятига ўта берилмоқлик, «нафспараст» эса нафс қулидир.

Ҳайвоннинг ҳис ва ихтиёрий ҳаракатини ишга солувчи кучларнинг йиғиндиси – «нафси ҳайвоний»дир. «Ҳайвон» сўзининг луғавий маъноси «тирик» («тириклик»)дир. Шунга кўра, ҳаракатланувчи барча жонзот, кенг маънода – ҳайвондир. Демак, инсон ҳам шу ҳайвоннинг бир навъи бўлади. Аммо бизда «ҳайвон» сўзи тор маънода қўлланилади ва инсондан ўзга жонзотларни англатади.

«Нафси аммора»нинг луғавий маъноси доим буйруқ бериб турувчи нафсоний куч бўлиб, бу ибора фақат нафси буйруғи билан иш қилувчи, шахсий манфаат йўлида ҳеч нарсадан қайтмайдиган кишиларнинг нафсига нисбатан қўлланади. Бу нафс кишиларни ўғрилиқ, зўравонлик, бузуқликка ва майпарастликка олиб боради. Аччиқланиш, ўзини катта олиб, ўзгалардан устун келишга уриниш, ўчакишиш, кек сақлаш, бировни кўролмаслик, қурумсоқлик, жанжалкашлиқ, ғийбат, амални суиистеъмом қилиш, алдоқчилик – нафси амморанинг «суюкли фарзандлари»дир.

Ёши катта киши билиб ёки билмасдан нафс фармонида бўлиши мумкин. Бола эса эси киргунига қадар билмасдан нафсга бўйсунди. Унутмаслик керакки, болалиқ ва ёшлиқ кезлари нафсига ҳоким бўла олган одам солиҳ мартабасида саодатли кексалиқ даврига етиб боради. Ўз фарзандининг шундай оқибатини ўйлаган ва ўзлари яхши тарбия олган ота-оналар гўдақларининг йиғлаганликларига, қайсарликларига бўйсунмай, ундаги нафси аммора куртакларини йўқотишга ҳаракат қиладилар. Одамийлик тарбиясининг йўқлиги сабабидан бола ўз нафсига мағлуб ҳолда

ўсадиган бўлса, катта ёшга етганида ҳам нафс жиҳатдан гўдаклигича қолаверади. Тўғри, бирон нарсага эришиш шакли ўзгаради. Яъни энди ерга ётиб олиб «шунини олиб берасан», деб йиғламайди. Балки куч ёки турли макр-ҳийла ишлатади.

Ҳавойи нафс – яъни, нафс истаклари умр бўйи бир хилда бўлмайди. Бу истак болаликда бошқа, ўсмирликда янада бошқа, оила қурганда эса бутунлай ўзгача бўлади. Болаликда, айтайлик, зинога рағбат бўлмайди. Кўпроқ ўйинчоқ, ширинлик... каби истаклар чалғитади. Ўсмирликда мол-дунё, ҳашаматли уй қуриш истаги кучли бўлмайди. Тўғри, шундай ҳавас уйғонади, бироқ, бу орзу ўттиз-қирқ ёшлардаги одамдаги истак каби вужудни ларзага солувчи қудратга етмайди. Аниқроқ баён қилсак: болага хос илк орзу-истак «шаҳватул батн» («ошқозон истаги») дейилади. Бола сут истайди, ширинлик талаб қилиб вақтида нафси қондирилмаса, йиғлайди, жанжал қилади. Ўсмирлик чоғида «шаҳватул фарж» яъни ҳирсий туйғу бошланади. Сўнг «ҳуббул мол» ва «ҳуббул жамъил мол» – мол тўплаш орзусига гал келади. Ундан кейин «ҳуббул мақом», «ҳуббул жоҳ» – мавқе, мақом, мартаба севгиси билан банд бўлади. Ниҳоят, «ҳуббул риёсаҳ», яъни мансабдор бўлишга интилиш ҳаётининг мазмунига айланиб қолади. Бу худди «Олтин балиқча» эртагига ўхшайди. Шарқ эртагининг бу назмий баёни ғоят ибратлидир: эски кулба, тешик тоғорага кўникиб яшаётган кампир олтин балиқчадан аввал янги тоғора истайди, сўнг сарой, сўнг малика бўлишни... нафс истаклари шу қадар жўшадики, охири яна ўша эски тоғораси билан қолади. Фоний дунёда кўп одамлар умрининг поёни шундай тешик ва чириган тоғора билан яқунланяпти.

*Бу икки кўз одамзодга балодир,
Қўя берсанг тўйдим, демай оладир.
Охир бориб, тўпроқ билан тўладир,
Кел қўй, дебон нафсинг тийсанг бўлмасми?*

Шоир айтмоқчи, «кел, қўй», дейишга болаликда ўрганиладики, бунга ота-она, ака-опалар масъулдирлар. Эҳтимол, нафсига бўйси-ниб кўп гуноҳ қилганлар Қиёматда ота-оналарига бу борада даъво ҳам қиларлар.

Ичдан орзулар келади: гуноҳ қилади, ёмонлик қилади. Ичдан орзулар келади, нафси аммора бандаси – инсон жамиятни остин-устин қиладиган ишлардан ҳам ўзини тўхтатолмай қолади. Бу мақомда тавба-ю истиғфор билан тоат-ибодатда маҳкам турган инсон кейинги мақом – «лаввома» босқичига ўтади ва бунда бир

даража юксалади. Аммо нафснинг истаги «аммора»да бўлади, фурсат топди дегунча, «аммора»га қайтишга интилаверади. «Нафси лаввома» – «нафси аммора»нинг муқобилидир. «Лаввома» – «доимо койиб турувчи» деган маънони англатиб, нафсини жиловлай олган, нафсини қалби ва ақлига бўйсундирган, нафс жилови қўлдан чиққудай бўлса, ўзини ўзи койиб, яна нафс устидан ғолиб чиқувчи кишилар назарда тугилади. Бундай инсонлар яшаш учун зарур нафс талабларини ҳалол йўл билан, меъёрдан оширмай қидирадилар. Нафси аммора тизгинида юрувчига қаҳру ғазаб хос бўлса, нафси лаввома соҳибига меҳру шафқат хос. Бири уятсизлик, сурбетлик ботқоғида яшаса, бири ҳаё, адаб шоҳсупасида умргузаронлик қилади. Бирининг байроғи – ҳалоллик, бошқасининг шиори – ярамаслик. Нафси аммора қуллари эл-юртнинг лаънат тошлари остида яшаса, нафси лаввома соҳибларини Ватан бошига кўтаради.

Инсон «лаввома»да ғолиб қола олса, «мулҳима»га ўтади. Бу мақомда нафс яна бир даража юқорига кўтарилса-да, ҳали ҳам ишонч йўқ. Чунки бунда ҳам у эски ҳолига интилади. Бир оз тизгин бўш қўйилса, дарҳол «лаввома»га, ундан эса осонгина «аммора»га қайтаверади. «Нафс-и мулҳима»нинг луғавий маъноси «илҳомли»-дир. Илҳом деганда кишига бирор сирли ҳодисанинг тўсатдан аён бўлиши тушунилади. «Нафси мулҳима» деганда эса кишида турли жозибали истакларни уйғотувчи куч тушунилади. Бундай нафс кўпроқ илм, ҳикмат аҳлида бўлади. «Мулҳима»даги курашда инсон нафсининг жиловини тута билса, «нафс-и мутмаинна»га ўтади ва унда ҳаловат топади. Аммо бари бир уни тинч қўйишмайдики, инсон сўнгги нафасига қадар улар билан курашишга мажбур. Нафси бузуқлар, ҳақ-ҳуқуқни билмаганлар нафс асоратида жон берадилар. Ҳолбуки, нафснинг асоратида қолиш кофирлар асоратида қолишдан кўра хавфлироқдир. Европа ўлкаларида миллионлаб мўмин-мусулмонлар бор. У ерларда ҳар ким ибодатини ўзи хоҳлаганича қилаверади. Ҳолбуки, инсон нафсининг асири бўлиб қолса, хоҳ Қуддуси шарифда бўлсин, хоҳ мунаввар Мадинада бўлсин, кофир ҳолида қолаверади.

«Мутмаинна» сўзи «ишонч ҳосил қилган», «хотиржам бўлган», деган маъноларни англатади. «Нафси мутмаинна» соҳибларининг нафси батамом жиловланган бўлиб, булар нафснинг ғалаёнидан қутулиб, хотиржам бўлган кишилардир. Бошқача қилиб айтганда, булар нафс талабларини ҳаёлига ҳам келтирмайдиган азиз кимсалардир. Буларга энг юксак инсоний хислатлар хосдир.

Тарихда ўтган валийлар, муршидларнинг юқори мақомга эришишларининг асосий омили нафсга қарши бетиним жанг олиб борганларидир. Улар мазкур жангда ғолиб кела олганлари учун,

бу голибликнинг ажри ўлароқ, валийлик, муршидлик мартабаларига етганлар. Уларнинг айтиб ўтган сўзларига биргаликда қулоқ солиб, мағзини чақиб кўрайлик-чи.

Энг қутурган ҳайвон ҳам пишиқ қармоқ билан илинтиришга нафсингчалик лойиқ эмас.

Ҳасан Басрий

Нафсимнинг тарбияси ва уни даволашчалик ҳеч бир нарсанинг даволаниши менга оғир келмади. Чунки, у гоҳ мен тараф бўлар, гоҳ эса менга қарши чиқарди.

Суфён Саврий

Эй, нафс! На дунёда ҳукмдорлар билан бирга неъматланиб, кайфу сафо сура олдинг, на-да охират учун Аллоҳнинг обид бандалари билан бирга жиҳод қила билдинг. Уялмайсанми, эй нафсим!

Абу Аббос

Ўн икки йил нафсимни мужоҳада билан риёзат ўчоғига қўйиб, ёндирдим; мазаммат (хўрлик) сандони устига қўйиб, маломат болгаси билан урдим; тоат ва ибодат жилову билан жиловладим. Шундан сўнг бир қараб, нафсни яна гурурида кўрдим. Тагин беш йил жаҳд айладим. Ўз заъф ва гуноҳкорлигимни кўрдим». «Ўзимни Даргоҳига арз айладим (яъни: «Аллоҳим, Сенинг даргоҳингга не бирлан эришгайлар?») Нидо эшитдимки: «Нафсингни уч талоқ қўйиб, бўшат. Ундан сўнг Бизга сўйлагил».

Боязид Бистомий

Нафс бутун қирқ йил мендан бол истади, бермадим. Нафсимнинг шумлигидан кунда бир неча марта ойнага қарар эдимки, юзим қора бўлмадимикин, деб.

Сирри Сақоти

Агар сенда нафсингдан бирон нарса қолган бўлса, озодликка эриша олмайсан.

Жунайд Бағдодий

Шунча йиллар мужоҳада ва риёзат чексам-да, ҳеч бир нафсимнинг дастидан қутула олмадим. Нафсимга дедимки: «Кел, бу уйга кир. Сени ёмон ўғриллардек силтаб зиндонга солайин. Тирик қолсанг – давлат сеники, агар ўлсанг, Ҳақ йўлида ўлган бўлурсан», деб қирқ йил шундай қилдим.

Абул Ҳусайн Нурий

Ҳазрати шайх Саҳл бин Абдуллоҳ ат-Тустарийнинг оналаридан қолган кўп моллари бор эди. Бир куни халқни чорлаб, барча молни тарқатдилар. Ҳатто ўзларига ажратганларини ҳам бериб юбордилар-да, пиёда Каъбага қараб йўл олдилар. Борар эканлар: «Эй, нафс! Муфлис (камбағал) бўлдинг, ортиқ мендан истайдиган нарсанг қолмади. Агар тиласанг ҳам, бирон нима топа олмайсан», деб ҳеч нарсани хоҳамасликка аҳд қилдилар. Шу зайлда Куфа шаҳрига келдилар. Нафс у ерда балиқ ва нон емоқликни истаб қолди. Ун тортаётган от тегирмонини кўрдилар-да: «Бу отнинг кираси бир кунда нимадир?» деб сўрадилар. «Икки дирҳам нафақаси бор», деб жавоб қилдилар. «Бугун отни қўйиб, ўрнига мени боғланг, бир кунда бир дирҳам беринг», дедилар шайх ҳазрат. Отни ечиб, ўрнига Саҳл ҳазратларини боғладилар. Кечга қадар тегирмонни юргиздилар. Хизмат ҳақиғага бир дирҳам бердилар. Бу пулга ҳазрат шайх нон ва балиқ олдилар-да, нафсларига дедилар: «Ҳар қачон мендан бирор нарса тиласанг, сенга лойиқ шундоқ хизматни қилгайман ва тилагингни шу суратда бажо келтиргайман». Шайх ҳазратлари шу зайлда нафсларини хўрладилар.

Аллоҳнинг валий қулларидан бири Абу Туроб Тахсабий бундай ҳикоя қиладилар:

– Нафсим жуда тансиқ ва лаззатли таомлар талаб қилмас эди. Лекин бир куни гўшт, тухум ва асал ейишни хоҳлаб қолди. Нафсимга: «Булардан воз кеча қол», дедим. Бироқ, уни қайтара олмадим. Нафсим бу таомларни зўр иштаҳа билан ейишга орзуманд эди. Юриб-юриб бир нотаниш қишлоққа бориб қолдим. Шу пайт бир одам ёқамга ёпишиб, бақира кетди: «Ўғриларнинг ичида сен ҳам бор эдинг!» Елкамни яланғоч қилиб, етмиш қамчи уришди. Етмишинчи қамчи тушар-тушмас шу қишлоқлик бир одам мени таниб қолди:

– Ахир бу Абу Туроб-ку! – деб хитоб қилди.

Мендан кечирим сўрашди. Қишлоқдагилардан бири мени уйига олиб борди. Дастурхон ёзиб, олдимга гўшт, тухум ва асал қўйди. Мен эсам нафсимга хитоб қилиб, дедим:

– Етмиш қамчидан кейин ея қол энди!

Умидимиз юлдузлари! Атрофингиздаги катталарга зийрак боқинглар, улар қандайлар? Хушомаддан роҳатланадиларми? У ҳолда нафсларига итоаткор эканлар. Ўзларини мадҳ этилишларини истайдиларми? Демак, нафсларига қул эканлар. Пуллари кўпми? Нафси учун яшаётган одам қанчалар бадавлат бўлмасин, аслида ғариб ҳисобланади.

«Икки бармоғингнинг учини икки кўзингга қўй. Бу дунёдан бирор нарсани кўряпсанми? – дейдилар Румий ҳазратлари. – Агар

кўрмаётган бўлсанг, бу «олам йўқ» деган маънони билдирмайди. Кўрмаслик гуноҳ, унинг камчилиги эса нафснинг икки бармоғидан келмоқда... Сен, аввало, бармоқларингни кўзларингдан узоқлаштир. Ундан кейин истаган томонга қара. Инсон кўздан иборатдир. Қолгани жасоратдир. Фақат яхшиликни кўрганга «кўз» дейдилар».

Бу ҳикматни ўқигач, баъзан ўйланасан киши: адаш йўлдаги баъзи танишларимиз учун бармоқларни кўздан олмоқлик фурсати етмадими? Улуғлардан биридан «Бу мақомга қандай етишдингиз?» деб сўрашганларида «Илон пўстидан шилинганидек, мен ҳам ўз нафсимдан ажралганман», деганлар. Адаш йўлдагилар нафс пўстини қачон ташларкинлар? Нафсларини парвариш қилиш билангина овора бўлиб қаерга етишмоқ истайдилар?

Умидимиз юлдузлари, нафс ҳақида сўз кетганда кўпроқ катталар назарда тутилади. Аслида эса бу мавзу барча ёшдагиларга тааллуқли. Бу мавзуда алоҳида суҳбат қуришимиздан мақсад, аввало, нафс тарбияси гўдакликдан бошланишини яна бир эслатишдир. Асосий сабаб эса бошқа. Афсусимиз шундаки, сизнинг ёшингизда нафс қулига айланиб, ҳаётини барбод қилаётганлар учраб турибди. Ҳали ўсмирлик дунёсининг гўзалликларидан лаззат олишга улгурмай, ёмонлик ботқоқиға ботиб қолаётганлар бор. Мен ўсмир-ёшлар ҳаётига суқилиб кираётган гиёҳвандлик ва майхўрликни назарда тутяпман. Келинг, бу икки иллат ҳақида алоҳида суҳбатлашайлик, зора, жар ёқасида турган ёшларни ҳалокатдан асраб қолишга ҳиссамиз қўшилса.

ЗУЛМАТ САЛТАНАТИ

Бу салтанат бошқа сайёрада жойлашмаган, эртақлардаги хаёл маҳсули ҳам эмас. Бу салтанат сиз билан биз яшаётган она ер куррасида. Бу салтанатнинг ўз султонлари, ўз қироллари, ўз баронлари ва фуқаролари бор. Бу зулмат салтанати йигирманчи асрда кучга кириб, ер куррасини мўр-малахдай босди. Фашизм, коммунизм сингари тузумлар йўқ бўлди. Бу салтанат эса сиёсий зилзилалардан фойдаланиб, куч олаверди. Фуқаролари сони тобора ошаверди ва афсусларким, ҳануз ошиб бормоқда. Султонлари ва қироллари эса ер юзидаги энг бой одамларга айланишмоқда. Мазкур салтанат киши кўзига дастлаб зулмат бўлиб кўринмайди, аксинча, сеҳрли туюлган домига тобора кўплаб ёшларни тортаверади. Ҳа, бу лаънати салтанатнинг сирти кўзни олар даражада жилва қилади.

Салтанат чегараси босиб ўтилгани ҳамон эса одам ўзини зулмат кучоғида кўради, ўлим тўрлари оёқларига чирмаша бошласа-да, ўзини жилва ҳукмига топшириб, кулфат сари бораётганини англамайди. Бу зулмат тўрлари ёш вужудни шу даражада чирмаб ташлайдики, ундан қутулиш оғир, жуда-жуда машаққатли бўлади.

Биз мажозий маънода «зулмат салтанати» деб атадик. Халқ эса оддийгина қилиб буни «гиёҳвандлик» дейди (илмий-расмий адабиётда «наркотизм», «наркомания» дейишга одатланишган).

Фарзанд туғилганида нақадар қувонамиз. Тетапоя қилаётган гўдак йиқилса юрагимиз қинидан чиқиб кетай дейди. Фарзандимизнинг оёғига зирагча кириб, йиғласа, бу зирагча гўё қалбимизга санчилгандай бўлиб, зириллатади. Умид билан ўстирамыз фарзандларимизни. Кўзга кўринувчи барча фалокатлардан асрашга уринамыз. Аммо боши узра зулмат салтанатининг ўлим ёмғири ёғдирувчи аянчли булутлари сузиб юрганини ўйламаймиз. Бу булут лоқайд ота-оналарнинг фарзандларини таъқиб этади. Авваллари совчилар куёв боланинг маълумоти, ароқ ичиши ёки ичмаслиги билан қизиқардилар. Ҳозир «қуруғидан тортмайдими?» «нашаванд (ёки гиёҳванд) эмасми?» деган хавотир билан суриштирадилар. Ўғлининг бу иллатга чалиниб қолганини билган ота-оналар «уйланганидан кейин яхши бўлиб кетади», деган умидда ҳақиқатни яширадилар. Оқибатда эса... ёш оила кўп ўтмай бузилиб кетади.

Хўш, гиёҳвандлик нима ўзи? Тиббий касалликми ё ижтимоий хасталикми? Унинг чеку чегараси мавжудми, унга қарши восита борми? Ароқхўрлик билан гиёҳвандликнинг қандай фарқи бор?

Ёмонлик, гуноҳ нуқтаи назаридан иккови ҳам бир гўр. Икковининг оқибати ҳалокат билан яқунланади. Бошланиши ҳам ўхшайди, бири пиво хўплаш билан, иккинчиси бир марта наша тортиш ёки кукун ҳидлаш билан бошланади. Икковининг панжаси оқибатда ажал панжасига айланади. Фарқи шундаки, ароқхўр атрофидагилардан иллатини яшира олмайди. Ичимликни дўкондан сотиб олади, ҳамманинг кўз олдида ичади, мастлиги ҳам кўриниб туради. Ҳаммаси очиқ-равшан бўлгани учун бу хасталикнинг олдини олиш мумкин. Гиёҳвандлик эса аксинча – барча ишлар хуфиёна, яширинча. Афюн беркитиқча сотиб олинади. Одамлар кўринмайдиган жойда томирга игна санчилади. Миқдори ошиб кетиб ўлиб қолса ҳам биров билмай, жасад қаровсиз ётаверади. Бу иллатлар одамнинг ўзига зарар етказишидан ташқари жиноят эшикларини очади, жамиятни беҳаловат қилади.

Гиёҳвандликнинг бошланиши тиббий касаллик бўлмаса-да, уни тиббий жиҳатдан даволашга уринишлар бор. Гиёҳвандлик

маълум бир ижтимоий тузум келтириб чиқарган хасталик ҳам дея олмаймиз. Чунки бу хасталик эндиликда барча жамиятларда илдиз отган. Шу боис бу касалликни ижтимоий муаммолар қаторида даволашга интилиш бор. Бизнингча, хасталикни келтириб чиқарувчи омилларни маънавий тарбия соҳасидаги ожизликдан излаш керак. Бу жараёнда ёш йигит ёки қизнинг иродаси заифлигини ҳам эътибордан четда қолдирмаслик зарур.

Гиёҳвандлик – ўлим ва ҳаёт орасидаги кўз илғамас чегарадир. Яхши тарбия кўрмаган одамнинг бу чегарани бузиб ўтиши эса қийин эмас. Аммо... ортга қайтмоқ мушкул. Иродаси заиф одам учун ғоятда қийин.

Бу салтанат сари қўйилган биринчи қадам... Ёшлар давра қурганларида улар орасида бир-икки нашаванд бўлса кифоя. «Битта тортиб кўрсам ҳеч нима қилмайди», деган фикр ўлим жари сари дастлабки қадамни ташлашга ундайди. Баъзан «битта тортиб кўришдан» бўйин товлаган болани қўрқоқликда айблашади ва у мардлигини исбот қилиш учун ҳам нашани чекади. Боланинг умрини хазон қилиш учун ана шу «битта тортиб кўриш» кифоя. Эртага хумори тутади. Сўнг ўзи излай бошлайди. Давраларда ҳозир наша чекиш ўрнига афюн кукунини ҳидлаш одат бўлган. Ҳар ҳолда, нашанинг тутуни ва ҳиди ошкор қилиб қўйиши эҳтимоли бор, кукундан эса пинҳона равишда, истаган жойда ва истаган вақтда роҳатланавериши мумкин.

Аёллар қамоқхонасидаги учрашувимизда бир синглимизнинг ўтмишини афсус билан тилга олган эди: «Наша чекишни болаларча ҳавас деб ўйлардим. Бир-икки чекиш зарарсиз, деб ўйлардим. Бир-икки чеккандан сўнг эса ўзимни тўхтата олмай қолдим. Йигирма ёшимда нашанинг кайфи етарли бўлмай, афюнга ўтдим. Оқибатда болам туғилди-ю кўп яшамади. Эрим ҳам ўзимга ўхшаган гиёҳванд эди. Аввалига у дори топиш илинжида ўғирлик қилиб, қамалиб кетди. Мен ҳамма нарсадан жудо бўлдим. Дунё кўзимга қоронғи бўлиб кўринди. Дори топиш учун мен ҳам ўғирлик қилдим. Илгари мени сархуш қилган кайфдан энди нафратланаман».

Бу афсус, бу нафрат кучи қанча экан? Қамоқдан чиқиб келиб, остона ҳатлаши билан эридан «дори борми?» деб сўради. Дори бор эди. Нафрат ҳам, афсус ҳам чекинди. Кўп ўтмай у яна озодликдан маҳрум этилди. Яна афсус...

Унинг ёнидаги ёш жувон ҳам афсусини яширмайди. Нима учун қамалгани сўралса «дори ўғирлаётган эдим», дейди. Қандай дори? Бирон оғир хастанинг дардига даво излаган эдими? Ҳа, оғир

хастанинг... Оғир хаста – унинг ўзи! «Дори» эса – афюн. Унинг номлари ҳам, турлари ҳам кўп: марихуанна (каннабис), наша, опий, кўкнори, морфин, героин, кодеин...

Бу жувонни шундай пасткашликка нима даъват этди? Ўн саккиз ёшида Термиз шаҳридан пойтахтга келиб ўқишга кирганида орзулари бўлакча эди. Икки йил аъло ўқиди. Баҳорда дўсту дугоналари билан тоғ сайрига чиқди. Наша чекиш қандай бўлишини ўшанда билди. Ана шу бир неча дақиқалик қизиқиш, шу қизиқиш олдида ўзини жиловлай олмаслик, иродасизлик уни тубсиз жарга қулатди. Ўқишни ташлаб, турмушга чиқди. Ҳомиладор бўлди. Аммо тўққиз ойлик орзуси кафанга бурканди – боласи ўлик туғилди.

Кимдир ўлик бола туғади. Кимдир эса оналик ҳуқуқидан маҳрум этилади. «Оналик ҳуқуқи» деб аталмиш улуғ унвондан, бебаҳо шарафдан маҳрум этилмоқлик... нақадар даҳшат! Бу даҳшат балки ёшлик йиллари унча сезилмас, аммо эликни қоралаган аёлнинг фарзандларидан тирик ҳолда ажралиши оқибати тортаётган азобларига ўзим гувоҳ бўлдим. Тўрт марта қамалган бу аёл ҳам афсусланади. Наша чека бошлаган ўн олти ёшли дамларини лаънат билан эслайди. Ўзини оғир ва бедаво хаста деб ҳисоблайди. Суяклари зир-зир қақшайди. Устига-устак вос-вос касалига ҳам йўлиққан. Турли шарпалар уни ҳамиша таъқиб этади. Ҳукм адоғига етиб, қамоқдан чиққач уни ким бағрига олади? Ким унга меҳр кўргзади? «Онадан меҳр кўрмай ўсган, болалик чоғларидаёқ онадан тириклайин жудо бўлган фарзандлар унга меҳр беради», деб ким ишонч билан айта олади?

Тиббий кузатишлар шуни кўрсатадики, гиёҳвандлик чегарасини бузиб ўтиш фақат «ёшлик-бебошлик» оқибати эмас. Баъзан ён-атрофдаги одамларнинг нотўғри маслаҳатлари ҳам бу йўлга ундаб қўяди. Бир аёл фарзанд кўргач, икки оёғи шол бўлиб қолади. Қўшнисининг маслаҳати билан шифо умидида кўкнори эзиб ичаверади. Халқ орасида кўкнори шифо сифатида тилга олинади. Аммо бу ҳақда «Ози – тарёб, кўпи – захри мор» деган мақол ҳам мавжуд. Яъни, ҳар қандай дорининг ози шифо беради, аммо кўпи илон захри каби ўлимга рўбарў қилади. Шифонинг бундай тури ўзбошимчалик билан амалга оширилмайди, ўтмишда ҳам табиблар кузатувида меёрда берилган.

Қорақалпоғистонлик бир жувон қизлик маҳали хасталанганида онаси кўкнорини эзиб ичираверган. Бечора онаизор... омилик билан қилган иши оқибатида қизининг гиёҳванд бўлиб кетиши, бахтсизлик ботқоғига ботишини ўшанда ўйлабдими экан? Яна бир аёлнинг эри ва қизлари автомобил ҳалокатида нобуд бўлишгач, у

афюндан нажот топмоқчи бўлди. Орадан икки йил ўтиб, ҳожат-хонада билагига дори юбораётганда ўлим топди... Шифо марказидаги бир йигитни «ҳали ўттизга кирмаган», дейишса ишонмабман. Беш йил аввал тушган суратини кўрсатишди. Тоғни урса талқон қиладиган бақувват йигит... Энди эса қуруқ суяк қолган, десам муболаға бўлмас. Бармоқлар қалтирайди. Кўзларни ҳаёт қувончини ифодаловчи нур тарк этган. Беш йил аввал оила можароларидан нолиганида дўсти уни бу ҳасратдан қутқариш учун билак томирига афюн юборган. Можароларни унутган-у, аммо оилани бутунлай барбод этишни бошлаганини, ўзини эса хорликка ҳукм қилганини фаҳм этмаган. Бунга орадан йиллар ўтиб англаган. Англаган-у... Нима, энди кечми? Энди ортга йўл йўқми? Йўл бор. Умид ҳам бор. Бу йигитни шу умид ҳаётда ушлаб турибди.

Биз алкохол, яъни майхўрликка кўникиб қолганмиз. Кўчада маст-аласт думалаб ётган ёки чайқалиб юрган одамлар бизни айтарли ажаблантирмай қўйган. Уларни даволаш масканлари борлиги ҳам маълум. Лекин гиёҳвандлар-чи? Юқорида айтганимдек, улар кўчаларда ағанаб ётишмайди, чайқалиб, гандираклаб юришмайди. Уларнинг фаолияти барчанинг назаридан четда. Барча ишлари яширин. Ҳаёт ўз маромида давом этади. Ҳаётнинг лаззатини ҳар ким ҳар нарсада кўради. Биров китоб ўқиб, биров кўп пул топиб лаззатланади. Биров спортда, биров меҳнатда бахтини топиб, ҳузурланади. Яна биров эса ҳаётнинг маъносини эм игнасида билак томирига юбориладиган қорадориде, чекадиган нашада ёки ҳидлайдиган афюн кукунида деб билади.

Гиёҳвандлик кишини жиноятга бошлашидан ташқари турли касалликларга ҳам сабаб бўлади. XX аср вабоси ҳисобланган ОИТС-нинг пайдо бўлиши, олам аро тез тарқалишида гиёҳвандликнинг ҳиссаси катта экани сир эмас. Руҳий хасталиклар ва наслнинг бузилиши каби иллатлар назарга олинса, гиёҳвандликдан фақат битта шахс ёки оила жабр тортмайди, балки унинг касридан жамият озор чекишини яна таъкидлаймиз.

Баъзилар «гиёҳвандликнинг давоси йўқ», деб ўйлашади. Бу бадбин фикрга қўшилиш мумкин эмас. Шифога астойдил қасд қилинса, муддаога етилади. Бунда тиббий дорилардан ташқари беморнинг **ирода кучини** чиниқтиришга алоҳида эътибор бериш керак. Энг муҳими – беморнинг оила аъзолари, қариндошлари, қўшнилари, дўстлари унга алоҳида меҳр билан муносабатда бўлишлари шарт. Шифоланиш жараёнида бемор меҳрга ғоят ташна бўлади. Биз кўпинча тилимизда «гиёҳвандликка қарши кураш» деган иборани қўллаймиз. Умумий томондан тўғридир, аммо шифо умидидаги гиёҳвандга бу

«кураш» атамаси мутлақо ноўриндир. Энди у билан курашилмайди, балки гиёҳвандлик ботқоғидан қутулиб чиқишига ёрдам берилади. Боласининг гиёҳванд бўлиб қолганини билган отанинг ғазабланиши табиий, эҳтимол, дўппослаб урар ёки уйга қамаб ҳам қўяр. Хўш, бундан бирон наф борми? Йўқ. Болага яхши муомала қилиш керак. Тўғри, бола бундай яхши муомалани суиистеъмом қилар, қилиғини давом эттиришга уринар, ёлғон гапирар... Ота-она, қариндошлар бу ҳолда тушқунликка тушмай, тиббий шифо баробаринда маънавий томондан даволашни давом эттиришлари зарур.

Гиёҳвандлик йўлига тўсиқ қўйиш расмий идораларнинггина вазифаси эмас. Агар бирон ерни сел босиш эҳтимоли бўлса, «бу иш қурилиш ташкилотининг иши», деб қараб турилмайди. Бутун қишлоқ ёки шаҳар аҳди кўтарилади. Гиёҳвандлик сели табиий селдан ҳам хатарлироқ бўла туриб, нима учун жамиятда бу ҳолга лоқайд қарайдиганларни учратамиз? Жиноятчиликка доир рисолага маълумотлар тўплаш чоғида бир мактабда ва яна бир маҳаллада кичик тадқиқот ўтказган эдим. Маълум бўлдики, ёшлар гиёҳвандлик, унинг келиб чиқиши, зарари ҳақида етарли маълумотга эга эмаслар. Маҳалла гузарида ўтириб олиб карта ўйинидан бўшамайдиган ёши улуглар эса бундан-да баттарлар. Гиёҳвандликнинг пайдо бўлиш тарихидан деярли бехабарлар. Турларини умумий тарзда биладилар. Нархларини бутунлай билмайдилар. Неча грамм афюн боланинг қамоққа тушиб қолишига асос бўлишини ҳам билмайдилар. «Афюн моддаларининг жиноят иши қўзғатиш учун белгиланган миқдори» ҳақида қабул қилинган қарорга кўра, жиноят иши очиш учун боладан (ёки каттадан) 0,0001 грамм героин ёки 0,01 грамм морфин топилишининг ўзи кифоя қилинишини айтсак, «йўғ-е!» деб ажабланишади. Гиёҳванд хумори тутиб талвасага тушганида қандай ваҳшийликларга қодир эканини тасаввур қила олмайдилар. Содир этилаётган ҳар уч қотилликнинг бири гиёҳвандлик оқибатида экани, дунё бўйича гиёҳвандларнинг сони элик миллиондан ошиб кетгани уларни ташвишга солмайди. «Маҳаллада гиёҳвандлар борми? Бўлса, уларни қандай тарбия қилиш мумкин?» деган саволга маҳалла гузарида доимий равишда ўтирувчи қариялар елка қисиб қўя қолишди. Савол такрорлангач, «тарбия қиладиган ота-онаси бор», деб қўйишди.

Кечки пайт мактабнинг ҳожатхонасида наша чекиб ўтирган болаларни ушлаб, маҳалла идорасига олиб келишган. Икки боланинг ота-онаси келиб, узр айтиб, фарзандларини олиб кетишган. Учинчиси эса келмаган. Телефондаги қайта-қайта чорловга жавобан:

«Ўғлимнинг наша чекишини биламан. Бу йўлдан қайтара олмайман. Қамасаларинг қамаб юбораверинглар, менга бунақа боланинг кераги йўқ, оқ қилдим!» деган жавоб олинди. Болани оқ қилиш осон. Аммо бу билан ота ва онанинг жамият олдидаги масъулияти соқит қилинмайди. Диний томондан олиб қаралганда ҳам, ота-она боласининг жинояти учун жавобгардир.

Касални яширсанг, иситмаси ошкор қилади, деган нақл бор. Гиёҳвандлик фақат битта ёки беш-ўнта мамлакатлардаги хасталик эмас. Давлат чегараларини ҳам, ижтимоий тузумларни ҳам, маълум тузумларга доир гоёларни ҳам тан олмайди. Собиқ иттифоқ даврида гиёҳвандлик «капитализм меваси» деб қаралар эди. Коммунистлар тузумида бундай хасталик урчиб, кўпайиши мумкин эмас, деб дунёни ишонтирмақчи бўлишди. Ўша дамларда (яъни ўтган асрнинг саксонинчи йилларида) АҚШ аҳолисининг 30 фоизи гиёҳванд моддалардан фойдаланарди, Германия, Франция, Англияда бу хасталик авж олган кезларда «коммунизм қураётган ёш авлод» орасида гиёҳвандлик тез суръатлар билан тарқалаётгани яширилди. Оқибат шу бўлдики, гиёҳвандлик советларнинг Европа қисмидаги мактабларига қадар кириб келди. Мактабларнинг ертўлалари, томлари гиёҳвандларнинг махфий қароргоҳларига айланди. Бу хасталик хавфи ҳақида гапира бошланганида кўп нарсалар бой берилган эди. Детектив жанрида ижод қилувчи адибларнинг 1990 йилдаги йиғилишидан сўнг бизни Москва шаҳридаги шундай мактаблардан бирига олиб боришган эди. 13-14 ёшдаги болалар гиёҳвандга айланиб бўлишган. Улар «Уруш ва тинчлик» романини Толстой ёзганми ёки Пушкинми – билишмайди. Аммо афюн моддаларнинг турларини, таъсир кучини, кайфдаги фарқини, нархини аниқ билишади. Бу болалар ҳеч нима билан қизиқишмайди. Уларга китобнинг ҳам, кинонинг ҳам, спортнинг ҳам қизиги йўқ. Уларнинг асосий ташвиши – вақтида афюнни топиш. Хумор талвасаси бошланганида ўзларини қўйгани жой тополмай қолишади. Ҳатто ўзларининг томирларини кесиб ташлашади ёки тишлаб-тишлаб узишади...

Москва телевидениеси кўрсатувларидан маълумки, бундан 25 йил аввалги аянчли аҳвол яхши томонга ўзгармабди. Яқин ўтмишни, ўзга мамлакат пойтахтидаги аҳволни нима учун эслаяпмиз? Шукрки, бизнинг юртимизда гиёҳвандлик даражаси у томонлардагига нисбатан анча паст. Бизда гиёҳвандликка қарши кураш давлат миқёсида жиддий ва кескин олиб борилади. Ҳуқуқ идораларининг бу борадаги ишларини алоҳида таъкидлаш керак. Лекин гап шундаки, ён-атрофдаги мамлакатларда гиёҳвандлик

авжга чиқар экан, уларнинг хавфи ҳам ошади. Гиёҳвандлик юқумли касал кабидир. Кураш сал сусайдими, катта ҳудудларни тезлик билан қамраб олади. Ҳамдўстлик мамлакатлар қаторидаги Украина бутунги кунда ОИТСнинг тарқалиш тезлиги бўйича дунёда «илғорлар»дан саналади. ОИТС билан гиёҳвандликнинг ўсиш суръати эса ҳамиша тенг юради. Дунё бўйича қаралганда, ОИТСга чалинган ҳар икки одамнинг бири гиёҳванд экани гоё ташвишли ҳолдир. Шундай экан, Киевнинг қайси бир мактаби ертўласида болалар билан томирларига қорадори юборар эканлар, биз бунда хотиржам ва беташвиш яшай олмаймиз.

Ҳар бир гиёҳванд сиртдан ювош кўринса-да, ён-атрофдагиларни бу хасталикка даъват этувчи, бу оғуни тарқатиш билан шуғулланувчи жиноятчига айланиши ҳеч гап эмас. Шу сабабли ҳам гиёҳванднинг доимий назорат остида бўлиши жуда муҳимдир.

Ўсмирларни дунёга машҳур спортчилар ёки санъаткорлар ўзига мафтун қилади. Бундай ўсмир ўша машҳур кимсага кўр-кўрона тақлид қила бошлайди. Не гапки, ҳозир профессионал спортда «допинг»дан бошлаб, сўнг аргентиналик машҳур футболчи, эндиликда тренер Марадонага ўхшаб ашаддий гиёҳванд бўлиб кетганлар кўп. Спорт оламида-ку, бу ҳолга қарши кураш мавжуд. Аммо санъатда гиёҳвандларга тўсиқ йўқ. Бутун саҳнада бемаъни ҳаракатлари билан ёшларни ўзига жалб қилаётган гиёҳванд санъаткордан мухлислари бу иллатни ҳам олишлари мумкин эмасми? Гиёҳвандликдан ўлим топган Майкл Жексон каби санъаткорларнинг ҳалокати ёшларга таъсир этадими?

Зулмат салтанатининг султонлари, қироллари, баронлари бор, дедим. Ҳа, шундай. Лекин улар зулматда яшириниб яшамайдилар. Башанг кийиниб юрадилар. Базмларда хонимларга лутф кўрсатиб, юксак маданият намуналарини намойиш этадилар. Улар минглаб ёш жонларнинг ўлимига сабаб бўлсалар-да, қўлларида қон кўрмайсиз. Улар ўзларини қотил санамайдилар. Афсусли ери шундаки, дунё жиноят кодексларида ҳам уларга қотиллик айби қўйилмайди. «Афюнфуруш» айби билан қамоққа олинадилар. Афғонистон, Покистон, Колумбия каби мамлакатлар ҳамиша уларнинг диққат марказида.

Бу мамлакатлар деҳқонларининг асосий даромадлари айни шу афюн етиштиришда. Илм-фан ривожининг ижобий самаралари билан бирга салбий томонлари ҳам кўриняпти. Ҳозир афюнфурушлар кўкноризорлар билан кифояланмайдилар. Кимёгарлар уларга наркотик моддаларнинг турли-турли хилларини кашф этиб беришяпти. Яширин кимёвий лабораториялар дунёнинг кўп мам-

лаклатарида иш олиб боряпти. Энди германиялик афюнфурушлар Афғонистонга қараб қолишгани йўқ. Берлиндами ё Мюнхендами яширин ишлаётган лабораториялар уларга қанот бўляпти. Билиш жоизки, кимёвий афюн табиийсига нисбатан анча хавфли, унга ўрганиш, яъни домига тушиш ҳам осонроқ.

Эрон ва Покистон гиёҳвандликка, хусусан, афюн етиштиришга қарши қаттиқ кураш бошлагач, Европа афюнфурушларининг асосий эътиборлари энди нотинч Афғонистон ва Марказий Осиёга қаратилди. Уларнинг режасича, Марказий Осиё Афғонистондан оқиб келувчи афюн моддаларни Европага олиб ўтишда бир даҳлиз вазифасини ўташи керак эди. Ундан ташқари бу ерларда, хусусан, Қирғизистонда ёввойи тарзда ўсувчи нашазорлар катта бойлик манбайи эди. Ўзбекистонда бу ҳолга қарши жиддий кураш олиб борилмаганида, эҳтимол, улар муддаоларига осонгина эришар эдилар.

Афюнни Марказий Осиё орқали олиб ўтишга ҳали ҳам барҳам берилгани йўқ. Кўнгилни хира қиладиган жойи шуки, барча афюн тўлалигича олиб кетилмайди, маълум миқдори Марказий Осиё жумҳуриятларидаги гиёҳвандлар учун қолдирилади. Жаҳон кузатувчиларининг маълумотига қараганда, Марказий Осиёдаги гиёҳвандлар бир йилда ўн бир тонна (!) афюн истеъмол қилар эканлар. Бу даҳшатли рақам ҳар бир одамнинг юрагини ларзага келтириши табиий!

Гиёҳвандликнинг тиббий касалликка айланишини кўпчилик билмаслигини инобатга олиб, бу хусусда ҳам тўхталишни лозим топдим.

ИИВ Академияси олимларининг махсус адабиётларни ўрганишлари оқибатидаги хулослари шуни кўрсатадики, гиёҳвандликнинг касаллик сифатида вужудга келиши, шаклланиши ва ривожланиши уч асосий аломат: руҳий боғлиқлик, жисмоний боғлиқлик (бунинг асосий кўриниши илмий тилда «абстинентив синдром» деб ҳисобланади; «синдром» – келиб чиқиши умумий бўлган ва вужуднинг оғриқли ҳолатини ифодаловчи белгиларнинг мос келиши) ва ўзгарган толерантлик (реактивлик)нинг пайдо бўлиши («толерантлик» – атамаси «чидамлик» маъносини англатади), кучайиши ва мустаҳкамланиши билан тавсифланади.

Афюн истеъмол қилиш кўпгина ҳолларда ўзига хос бўлган руҳий ҳолат – эйфорияни келтириб чиқариш хусусиятига эгадир. Бунда гиёҳванд кайфиятининг яхшилангани, тетиклашгани, кучига куч қўшилганини ҳис қилади ва ўзини чексиз имкониятларга эга деб ҳисоблайди. Баъзан эйфория ҳолатида шахс енгиллик, ўзига хос

руҳий мувозанатни ҳам ҳис этади. Қатор ҳолларда эйфория субъектив, ёқимли соматик-вегетатив (жонланиш, ўсиш) ҳислар билан уйғунликда содир бўлади (яъни, танага ёқимли иссиқлик ёйилади). Эйфория ҳолатининг жадаллилиги гиёҳвандликнинг шаклланиш тезлигини белгилайди. Эйфориянинг хусусияти ва кучи бир хил эмас, балки афюн воситасининг тури ва сифатига, миқдори (дозаси) ва истеъмол қилиш усулига (чекиш, ҳидлаш, хапдори (таблетка) ютиш ёки эм игнасида томирга юборилиши), гиёҳванднинг «малакаси» ва ўзига хос хусусиятларига боғлиқ бўлади.

Афюн мунтазам равишда истеъмол қилинавергач, кўп ўтмай, эйфория ҳолати киши учун доимий эҳтиёжга айланади, унда руҳий боғлиқлик (маълум ёқимли туйғуни яна ва яна ҳис қилиш, шунингдек, руҳий азоблардан қутулиш ва ўзи учун қулай бўлган руҳий ҳолатга кириш мақсадида афюн воситасини истеъмол қилишга бўлган онгли ва онгсиз эҳтиёж) ривожланади. Руҳий боғлиқлик бутун руҳий фаолият соҳасини қамраб олади ва ҳар хил кўринишларда намоён бўлади.

Биринчидан, у афюн мунтазам истеъмол қилинган барча ҳолларда (гиёҳвандликнинг барча шаклларида) вужудга келади. Иккинчидан, гиёҳвандда афюнга ноёб нарсага бўлгани сингари ижобий муносабат мустаҳкамланиб боради. Яъни дунёнинг лаззати фақат шунда, деган ишончи кучаяди. Учунчидан, боғлиқлик дастлаб эпизодик равишда (доимий эмас, дам-бадам), кейинчалик эса мастлик (кайф) ҳолатини ҳис қилишга бўлган турғун истак хоҳишида ифодаланади. Тўртинчидан, гиёҳванднинг руҳий (психик) турмуши ва бошқа шахслар билан муносабатларини, шунингдек, ижтимоий йўналишини ўзгартиради. Бешинчидан, руҳий боғлиқлик узоқ вақт мобайнида сақланиб қолиб, у афюндан ўзини тийишга бўлган уринишлардан (ремиссия даврлари) сўнг гиёҳванднинг уларни яна истеъмол қилишга қайтишида ҳал қилувчи ўрин тутаяди.

Гиёҳванд афюнни мунтазам истеъмол қила бошлаганидан сўнг маълум вақт ўтгач, унинг миқдорини оширишга эҳтиёж сезади. Чунки аввалги миқдор олдингидек ҳузур бахш этмай кўяди. Унинг вужуди заҳарли воситанинг таъсирига мослашади ва кўникади, миядаги алоҳида қисмлар – «комфорт зоналари»нинг афюнни сезувчанлик даражаси пасайиб боради. Афюннинг тобора ошиб борувчи миқдорига вужуднинг (организм) бундай мослашиши «ўзгарган реактивлик синдроми» деб номланади. Жиддий эътибор бериш керакки, афюн воситаларидан бирини истеъмол қила бош-

лаган гиёҳванд «бу ишимга истаган вақтимда барҳам беришим, ўзим хоҳлаган пайтда истеъмолад қилишим мумкин», деб ўзини тинчлантиради. Бу ўзини ўзи алдашидан бошқа нарса эмас! Чунки вужудга – қон-қонига афюннинг сингиб кетиши ва таъсирининг тобора пасайиши (толерантликнинг ўсиши) оқибатида гиёҳванд аста-секинлик билан миқдорни ошириб бораётганини ўзи ҳам сезмай қолади. Оқибатда афюнга боғлиқликнинг янада оғирроқ шакли – жисмоний боғлиқлик вужудга келади. «Жисмоний боғлиқлик» деганда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг таърифига кўра, вужуднинг афюнга мослашуви (бошқача айтганда, вужуднинг афюнга қул бўлиши) тушунилади. Бундай ҳол у ёки бу турдаги афюннинг қабул қилиниши тўхтатилганида содир бўладиган интенсив (ортиқ даражада жадал) жисмоний касалликларда намоён бўлади. «Тўхтатиш синдроми» ёки «абстинентив синдром» деб аталадиган бу хасталиклар (кучли бош оғриши, безгак тутиши, қўл-оёқлар суюгини қақшатувчи оғриқ) афюннинг моддалар алмашинувида иштирок этиши ва ушбу восита вужудга киритилмаса, тана аъзоларининг бир меъёрга ишлай олмаслиги туфайли вужудга келади. Абстинентив синдром афюн охирги марта қабул қилинганидан сўнг маълум вақт ўтгач пайдо бўлади. Абстинентив синдром ривожланганида афюнга эҳтиёж йфория ҳолатига тушиш (яъни, ҳузурланиш) мақсадида эмас, балки оғриқ ва азоблардан қутулиш мақсадида вужудга келади. Шунинг учун ҳам гиёҳванд ўзини бу азоб-уқубатлардан халос этадиган афюни топиш учун ҳар қандай ишга, жумладан, жиноятга қўл уради. Азобдан титраётган пайтда афюни кўрсатиб, «онангни сўйсанг, шуни оласан», дейилса, бу шартни бажаришга ҳам тайёр руҳий ҳолатга келади.

Гиёҳвандликнинг сўнгги босқичи, одатда, шахснинг ахлоқий ва маънавий таназули (ижтимоий декомпенсация, оиладаги муносабатларнинг бузилиши, жамият ва қонунда белгиланган қоидаларга риоя қилмаслик) ҳисобланади. Гиёҳвандда бундай таназул алкоғоли ичимликларни суиистеъмолад қилишдан 15–20 баравар тезроқ вужудга келади.

Баён қилинган фикрлар гиёҳвандлик – касалликдир, деган ягона ҳулосага олиб келади. Зотан, гиёҳвандликнинг кўринишлари ҳамда унга дучор бўлган кишиларнинг ҳулқ-атворидаги биологик ўзгаришларни фақат мутахассислар, яъни нарқолог-врачларгина аниқлашлари мумкин. Шу сабабли жонли тилимизда ва матбуотда ёки ҳуқуқшуносликка доир адабиётларда «гиёҳвандликка қарши кураш» деган иборанинг қўлланилиши, юқорида зикр этганимиз-

дек, тўғри эмас. Модомики, гиёҳвандликни касаллик дедикми, унга қарши курашиш эмас, балки уни даволаш керак.

«Гиёҳванд» деган атамани кўп тилга оламиз, ёзамиз. Шу ўринда ҳам бир нуқтага эътибор қаратиш керак: афюнни бир марта истеъмол қилган, ора-сира оладиган, ҳали бу захри қотилга бутунлай боғланиб қолмаганлар «гиёҳванд», дейилса унча тўғри бўлмайди. «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида айтилганидек, тиббий текширишлар натижаларига кўра ташхис қўйилган шахсина «гиёҳванд» деб аталади. Гиёҳвандлик – эйфорик, тинчлантирувчи, оғриқ қолдирувчи, ухлатадиган, банги қилувчи ёки қўзғатувчи табиий ва синтетик моддаларга патологик (оғир хасталикка) мойил бўлишни англатади.

Ўсмирлар (вояга, яъни ўн саккиз ёшга етмаганлар) гиёҳвандлиги муаммоси алоҳида масаладир. Афюн моддаларини истеъмол қилишга бўлган ишқибозликнинг бошланиши, шаклланиши, унинг ижтимоий-руҳий механизмлари, руҳий ва жисмоний боғлиқлик динамикасида, «ўсмирлар» ва «катталар» гиёҳвандлигининг босқичларида ўхшашлик бор, аммо фарқлар ҳам мавжуд.

Вояга етмаганлар гиёҳвандлигининг ўзига хос хусусиятларига: биринчидан, афюнни эрта истеъмол қилиш ёш, ҳали чиниқмаган вужуд учун бир неча баробар хавфлироқ эканлигини, чунки ўсмирнинг ақлий ва жисмоний ривожланишида ҳар хил патологияларнинг вужудга келишига сабаб бўлиши мумкинлигини, бинобарин, киши гиёҳвандликка қанчалик ёш ружу қўйса, бунинг оқибатлари янада даҳшатли бўлишини; иккинчидан, ўсмир вужудининг қаршилиқ кўрсатиш даражаси пастроқ эканлигини, шунинг учун ҳам уларнинг афюнга тез кўникишини; учинчидан, афюнга берилиш сабабларининг турлича эканлигини; тўртинчидан, тозароқ бўлгани учун қимматроқ сотиладиган афюн воситаларини сотиб олишга пули етмаганлиги сабабли ҳаёти ва соғлиғи учун хатарли бўлган арзон ва сифатсиз моддаларни сотиб олишга мажбурлигини кiritиш мумкин. Бу эса ўз навбатида касалликнинг оғир кечиши ва рўй берган оқибатларнинг хусусиятларида намоён бўлади.

Ҳозирги вақтда турли соҳа мутахассислари (биринчи гада тиббиёт ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари) давр эпидемияси бўлмиш гиёҳвандликнинг тарқалишидаги асосий хусусиятлардан бири сифатида афюн истеъмол қиладиган ўсмирлар сонининг кескин ортгани, шунингдек, афюн истеъмол қилишнинг қуйи ёш чегараси (дунё бўйича) 10–12 ёшгача пасайганини қайд этмоқдалар. Наркотик мастлик ҳолати ўсмирлар учун жиной

хулқ-атвор детерминациясининг (умумий алоқадорлик ва сабабий боғланиш) муҳим омили эканлиги ҳисобга олинса, бу нафақат тиббий, балки криминологик (жиноятга доир) аҳамиятга ҳам эга бўлган муҳим муаммо экани ойдинлашади.

Афюн сингари одам вужудига ва руҳиятига салбий зарба берувчи, тафаккурни сусайтирувчи таъсирга эга бўлган кимёвий, биологик моддалар ва дори-дармонлар жуда кўп. Бироқ, улар турли сабабларга кўра (масалан, ижтимоий хавфлилик даражасининг пастиги, вужуднинг унга қаттиқ ўрганиб қолмаслиги) афюн воситалари жумласига ҳозирча киритилмаган. Ўша кимёвий дориларни истеъмол қилиш «заҳарвандлик» – «токсикомания» деб аталади. Афюн истеъмол қилиш натижасида юзага келадиган ҳолат – «наркотик мастлик», заҳарвандлик моддаларининг таъсири эса «заҳарли мастлик» деб номланади. Токсикомания ҳам зарарли ва хатарлидир. Унда ҳам гиёҳвандликдаги сингари боғланиб қолишлик ва ўзгарган реактивлик кўринишлари пастроқ даражада бўлса-да ўзини кўрсатади. Даража пастроқ бўлишига қарамай, бу моддаларнинг истеъмол қилиниши оқибатида гиёҳвандликдагидан кам бўлмаган руҳий ва жисмоний бузилишларга олиб келади. Шу сабабдан ҳам мутахассислар заҳарвандлик моддаларининг (токсикант) бир қисми афюн воситаларининг расмий рўйхатига киритилиши шарт, деб ҳисобламоқдалар.

XX аср тил бойлигида «наркобизнес» деган атама ҳам пайдо бўлди. Энг ваҳший жиноятлар айнан шу наркобизнес томонидан амалга ошириляпти. Жаҳоннинг кўп мамлакатлари, ҳуқуқ ва тартибот идоралари уларга қарши ҳамкорликда курашмоқдалар. Ўзбекистон бу ҳамкорлик занжирининг муҳим ҳалқаларидан бирига айланган. Бундан бир неча йил муқаддам Тошкентда ўтказилган Халқаро семинар-кенгаш бу фикрнинг ёрқин далили бўлган эди. БМТ экспертлари, Интерпол зобитлари, божхона ва хавфсизлик хизмати ходимлари, дипломатлардан иборат икки юзга яқин мутахассислар афюн моддаларни назорат қилиш бўйича фикр юритиб, бу соҳадаги Ўзбекистоннинг тажрибасини юқори баҳолаган эдилар.

Наркобизнесга қарши кураш ҳозир авж палласига кирган. Афсусли эри шундаки, бу соҳада мамлакатлар орасида яқдиллик йўқ. Турли мамлакатлар турлича йўл тутишни маъқул кўришяпти. Масалан, Европанинг бир неча давлатлари гиёҳвандларга қарши курашмай, уларга эркинлик яратиб бериш таклифини илгари суряптилар. Бу таклифга кўра, гиёҳвандлик жиноят эмас, гиёҳвандлар тиббий рўйхатда турадилар ва оғир хасталарга доир имтиёзлардан фойдаланадилар, яъни эм игнаси ва қорадори уларга дав-

лат томонидан арзон нархда эки текинга берилади. Билишимча, Швейцарияда бу соҳада амалий ишлар ҳам бошлаб юборилган. У ерлардаги истироҳат боғлари дам олиш кунги гиёҳвандлар ихтиёрига берилиб, қорадори ва эм игнаси билан таъминланадилар. Бу усул ўлимни бўйнига олган чорасиз одамнинг аҳволини эслатади ва ёмон оқибатларга олиб келади.

Айрим мамлакатлар афюн моддаларни ишлаб чиқарувчига, тарқатувчига ва истеъмол қилувчига қарши жазо чораларини кучайтирдилар. Айтиш мумкинки, аёвсиз чора кўрадиган бўлдилар. Хитой, Эрон ва Покистонда бу жиноятлар учун ўлим жазоси белгиланди. Шундай бўлишига қарамай, наркобизнеснинг чекингиси йўқ. Покистонда ўлим жазоси жорий қилинганидан кейин ҳам юзга яқин гиёҳвандлик лабораториялари аниқланиб, маҳв этилган. Мамлакатдан олинган маълумотларга қараганда, у ерда бир ярим миллион одам қорадори истеъмол қилади. Бу рақамлар кураш учун жазо чораларининг кучайиши ҳам кифоя этмаслигини кўрсатади.

Бизнингча, бу хасталикнинг давоси – маънавий тарбияда. Оиладаги тарбия қандай ва жамиятда бу борада қандай тарбиявий ишлар олиб бориляпти? Оила бошлиқлари – ота ва она маънавий жиҳатдан қандай даражада? Жамиятдаги маънавий ишлар хўжақўрсинга, юқори идораларга маълумот бериш учунгина қилинмаяптими? Очиғини айтсам, шундай ҳоллар ҳам учраб турибди. Бир тадбирни телевизорда мақташди. Тадбирни ўтказишда «Камолот», «Маҳалла» жамғармаси, Маънавият ва маърифат маркази, милиция бошқармаси... каби ўнга яқин ташкилот қатнашган. Йиғилган ёшлар сони эса ўттиздан ошмайди. Демак, камида ўн ташкилот юқори идорасига шундай тадбир ўтказдик, деб маълумот беради. Натижа эса...

Бошқа масалаларда шундай лоқайдлик қилиш узрлидир. Аммо гиёҳвандликка қарши курашни қоғозлардаги маълумотномаларда олиб бориш зинҳор мумкин эмас. Бу курашда бутун халқнинг биргаликдаги ҳаракати зарур. Ўзбекистонда гиёҳвандликка қарши кураш олиб боришнинг яхши намунаси мавжуд. Яъни маҳалла аҳлини тўлалигича жалб этиш. «Битта болага қўни-қўшнилар ҳам ота-онадир», деган ёзилмаган қонидани ҳамма жойда бир хилда жорий бўлиши бу соҳада айниқса қўл келади. Бир кунги эрта саҳарда қариялар билан бирга тўйга бораётган эдик. Кўчадага ариқ бўйида ўтирган тўрт йигитча дарров саросимага тушиб, ўринларидан турдилар. Билсак, тонгда наша чекиб ўтирган эканлар. Қарияларни кўриб, ўзгаришларининг

ўзиёқ уларни тарбиялаш мумкин, деган умидни туғдиради. Қайси маҳаллада гиёҳвандлар кўпроқ экан, демак, ўша маҳаллада қарияларнинг эътибори суст экан, муҳтарам оқсоқолларимиз буни ҳам ўйлаб кўрсалар чакки бўлмайди.

Гиёҳвандлик бир оиланинг ташвиши эмас. Бир маҳалла, бир шаҳар, бир мамлакатнинг ҳам ташвиши эмас. Бу бутунжаҳон ташвишидир. Полшанинг барча аҳолиси гиёҳвандликка қарши курашда яқдил эканликларини изҳор этиб, кўчаларга чиқиб қўлни қўлга берибдилар. Бутун Полша бўйлаб жонли ҳалқа ҳосил бўлибди. Бундай жонли ҳалқа бутун жаҳон бўйича қалбан ташкил этилиши керак. Шундагина гиёҳвандлик маҳв этилади. Шундагина зулмат салтанати чекинади.

ЁМОНЛИКЛАР ОНАСИ

Умидимиз юлдузлари, хатарли касалликка нисбатан арзимасдай туюлган яна бир иллат борки, буни унутмаслигимиз керак. Бу – кашандалик. Гиёҳвандлик ҳаётни тезлик билан қисқартирса, кашандалик аста-секинлик билан таъсир қиладиган заҳардир. Ўпка, нафас йўли, оғиз бўшлиғида уйғониб, оқибат ўлим билан яқунланадиган саратон касаллигига кашандалик сабаб эканини ҳамма билади. Аммо билса-да, ўзини тўхтата олмайди. Айниқса, бола чоғида ўрганиб қолганларнинг аҳволи оғир: ташлагиси келади, лекин иродаси заифлик қилади.

Сизнинг тенгдошларингиз орасида, афсуски, кашандалар кам эмас. Янада афсуски, қизлар орасида ҳам кашандалар бор. Кашандалар бу иллатни катталарга тақлид қилиб илаштириб оладилар. Дейлик, ўн икки ёшли бола ўзини зўр қилиб, катта қилиб кўрсатгиси келса, лабига сигарет қистиради. Назарида бу ҳолати уни салобатли қилиб кўрсатади. Аслида эса ундай эмас, сигарет тутатаётган ўсмир атрофдагиларнинг кўзига нодон бўлиб кўринади. Чекувчи ўсмир қанақасига зўр бўлсинки, уйида, мактаб ёки лицей-коллежда яширин чекса?! Ўттиз-қирқ ёшига қадар отасидан қўрқиб яширинча чекадиган кашандаларни ҳам кўрганман.

Гиёҳвандлик ва майхўрлик диний томондан тақиқланган – ҳаром қилинган. Кашандалик очиқ тақиқланмаган бўлса-да, берилган улуғ неъмат – саломатликка зарари борлиги учун ҳам ҳаромдир, десак бўлади. Сигарет, сигара, папирос, чилим – буларнинг барчаси сиз учун хатарлидир. Бу балолардан, аввало, ўзингиз қочинг, тенгдошларингизни ҳам огоҳлантиринг.

Орангизда кашандалар билан бирга пивомии ё мусалласми ичадиганлар учраб тургани учун бу мавзуда ҳам алоҳида суҳбат қиламиз.

Умидимиз юлдузлари, маст қилувчи ичимликларни ичиш ҳаром, яъни ман этилганини биласиз. Шукрким, бу иллатдан **ҳозирча** йироқсиз, илоҳим, «ёмонликлар онаси» деб сифатланган бу хасталиқдан ҳаммиша узоқ бўлинг. «Ҳозирча» деганимнинг маъноси, бугунги ўсмирлар яқин йилларда йигит ёшига етгач, аввал оналаридан яширинча, кейин ошкора майхўрлик қилаверадилар. Яна афсуски, катталарга ҳавас қилиб пивомии ё виноми ичувчи ўсмирлар ҳам учраб туради. Илоҳим, уларнинг бу касаллиги сиз ақли расо ёшларимизга юқмасин. Майхўрликнинг ақлни кетказувчи ёмон иллат эканини ҳамма билади. Ажабки, бу иллатдан ўзини ихота этишни ўйламайди.

Майхўр бир одам маст бўлиб олиб, сийдиги билан аввал қўлини, кейин юзини юва бошлади. Ундан: «Нима қиялпсан?» деб сўрадилар. «Покланяпман», деб жавоб берди у.

Бошқа бир майхўрнинг дудоқларини ит ялай бошлади. Маст одам итга: «Эй, жанобим, сен мени сийлаяпсан, Худо сени сийласин!» деб тумшуғидан ўпди. Ит мастнинг юзига қараб чоптирди. Маст итнинг бу иши учун ҳам ташаккур айтди.

Бу икки воқеага ишонмагандирсиз ёки латифа ўрнида қабул қилгандирсиз. Эҳтимол лофдир? Нима бўлганида ҳам, маст одамнинг ҳаракатларини диққат билан кузатсангиз, бундан баттар ҳолатларга гувоҳ бўлишингиз мумкин. «Мастлик – ростлик», деб бежиз айтмаганлар. Менингча, «Мастлик – аҳмоқлик!» Мастлик инсоннинг ақлини олиб қўяди ва уни ўзлигидан, яъни инсонликдан узоқлаштирадиган аянчли бир ҳолга келтиради. Ит мастнинг юзига «чоптираётганда» у аҳмоқ одам юзимни бир меҳрибон ювяпти, деб роҳатланди. Мастларнинг бадбўй оғизларидан қандай уят сўзлар чиқишини билмайдиган одам йўқ. Маст ака-укалар бир-бирларини «онангни...»лаб сўкишяпти. Ё, алҳазар! Ўз оналарини-я? Қайси аҳмоқдан бундан баттарроқ аҳмоқлик кутиш мумкин? Маст одам номус ва шарафини сақламайди, чунки ўша пайтда ақлидан айрилган бўлади. Мастлик қанча давом этса, аҳмоқлик ҳам шунча давом этади. Маст бундай пайтда нима қилаётганини билмайди. Номус, ор, шараф каби қадриятлар қушдек учиб кетади-ю, қайтиб келиб қўнмайди. Қанча номусли қиз-жувонларнинг номуси мастликда булғанди. Бундай чиркин хатарларни эшитиб-қўриб юраверамиз. Ичкилик заҳарли илон кабидир. Бир чақса – ўлдиради. Яхшиликка олиб келмайди. Шунинг учун ичкиликнинг

барча турлари ҳаром – ман қилинган. Майхўрларнинг аксари Қиёматда жаҳаннамга боражакларини, ёниб, кул бўлажакларини билсалар ҳам, ўзларини тийиб ололмайдилар. Бу қандай аҳмоқлик? Балки «касаллик» дерсиз. У ҳолда нима учун жигари оғриган инсон даволаниш чорасини излайди, ҳаракат қилади-ю, майхўр нафсини енгиш чорасини қидирмайди? Ажаб, ичкиликни чақиб ўлдирадиган илонга ўхшатдим-у, айти чоғда ўйланиб қолдим: илон аҳмоқлиги учун бировни чақмайди, жонини ҳимоя қилиш учун чақади. Майхўрликдан қайтмаётган аҳмоқ одам эса жонини авайлашни ўйламайди.

Жаброил алайҳиссалом Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳузурларига келиб: «Жаъфари Тайёрий тўрт фазилати туфайли Аллоҳнинг мақтовига сазовор бўлди», деди. Расулulloҳ (с.а.в.) Жаъфари Тайёрийдан бу мартабага қандай эришганлигини сўрадилар. У дедики:

– Қарасам, ичкилик ақлни йўқотади. Шунинг учун ичкиликни ичмадим. Бут-санамларга қарадим, фойдаси йўқ, шунинг учун уларга сиғинмадим. Оиламни рашк этганим сабабли бошқалар билан зино қилмадим. Ёмон оқибатга олиб келишини билганим учун ёлғон сўзламадим.

Этибор қилинг: сабабларнинг аввалида ичкиликдан юз ўгириш турибди. Агар инсон майхўрликни ташламаса, бут-санамларга ҳам сиғинаверади. Юзига «чоптирган» итга миннатдорлик билдирган мастнинг бутга сиғиниши қийин эканми? Ишонмасангиз, синаб кўринг: хумор тутиб азобланаётган майхўрга бир пиёла ароқни кўрсатинг-да, «шу бутга сиғинсанг, ароқ сеники», денг. Сиғиниш нима экан, шу бир пиёла ароқ учун ўша ёғоч бутни ялай-ялай адо қилиб беради. Майхўр одам зинодан ҳам, ёлғондан ҳам қайтмайди.

Пайғамбаримиз алайҳиссалом, «Хамр (яъни ақлни олғувчи ҳар бир нарса) ёмонликлар онасидир», деганлар. Яна марҳамат қилиб дедиларким: «Хамрдан сақлан. Унинг дарахти бошқа дарахтлардан ошиб ўтгани каби, гуноҳлари ҳам бошқа гуноҳлардан ошиб тушади». Майхўрликнинг Аллоҳ томонидан ҳаром қилингани (тақиқлангани)ни, бу ҳақда Қуръони Каримда оятлар мавжудлигини кўпчилик билади. Яна билишимиз жоизки, ҳатто Тавротнинг саҳифаларида ҳам «Шароб шарманда этади, мускир жанжалкашга айлантиради. Унга мубтало бўлган ақли эмасдир», дейилган.

Минг афсуслар бўлсинким, асли мусулмонобод бўлган юртимизда, асли мусулмоншева бўлган одамларнинг фарзандлари орасида ўз насабларини унутиб, ёмонликлар онасининг фарзандига айланиб қолаётганлар бор. Майхўрликка қарши гапириш,

майхўрларни инсофга чақириш – шамолга қарши ҳайқириш каби бесамар кетяпти. Яхши билан ёмоннинг фарқига борувчи кишилар гапиргудек бўлишса, «Сен майнинг қадрини қаердан билардинг?» деган маънода афтларини бужмайтирадилар.

Бир куни камина ҳам майхўрликка қарши сўз айтган эдим, «Ҳадеб ароқни ёмонлаб маломат қилаверасизми, биз унақа кўп ичмаймиз», деб таъна қилишди. Қизиқ баҳона! Кам ичдинг нима-ю, кўп ичдинг нима, фарқсиз – игна ҳам, йўғон қозикнинг учи ҳам кўзга кирар бўлса, бари бир кўр қилади. Менга таъна қилган жамоатга қараб дедимки: «Сиз бутун дунё бўйича бир одамни топинг. Агар у: «илгари касал эдим, шу ароқни ичиб тузалдим, илгари камбағал эдим, шу ароқни ичиб бойиб кетдим, илгари хор эдим, шу ароқни ичганимдан кейин обрў топдим, шарафландим», деса, сизларни ичкилик билан ўзим таъминлаб тураман. Шундай одамни топа олмайсиз. Чунки ароқ (ароқ деганда барча маст қилувчи ичимликларни назарда тутяпман, халқ орасида буни «шайтон суви» дегувчилар ҳам бор) соғлом одамни касал қилиши, бойни камбағалликка гирифтор этиши, шарафли одамни эса хорлик жарига судрашини барча билади. Аммо нафс олдида мағлуб ҳолда тураверадилар.

Мени бир нарса ажаблантиради: айтайлик, телевизор сотиб олдик. Дарров қўлланмасини ўқиймиз. Телевизорни кашф қилган олимлар, усталар бизларни огоҳлантиришади: 220 волтли токка уланг, иситиш ускунасидан нарироқда турсин... Буни билиб, биз ҳеч қачон телевизоримизни 380 волтли токка уламаймиз, телевизорнинг бузилишига йўл қўймаймиз. Қўлланмага амал қилмасак, пулга куямиз. Ҳолбуки, Инсонни яратган Аллоҳ Одам болаларига тўғри яшаш йўллариини ўргатувчи қўлланма – илоҳий китобларни туширди, тўғри йўлга бошловчи элчиларни юборди. «Қўлланма»-нинг энг улуғи, шубҳасиз, Қуръони Каримдир. Элчиларнинг энг шарафлиси, шубҳасиз, бизнинг Пайғамбаримиз алайҳиссаломдирлар. «Мўминлар учун насихат, кофирлар учун ҳасрат» бўлмиш Қуръони Карим одамларга қарата: ичма, бу дунёда хор бўласан, у дунёда азобга қоласан, деб турса-ю, кимдир-бировлар эшитмагандек, билмагандек ичаверса?! Бу дунё азобига дуч келганида, айтайлик, тузалмас хасталикка чалиниб, тўшакка михланганида ёки фарзандлари ёмон хулқлари билан куйдира бошлаганида «Эй, Худо, мен Сенга нима ёмонлик қилувдимки, менга шунча ғам-алам берасан», деб ноалар қилади, кўз ёшлар тўкади. Фиръавнинг иймон келтириши каби кечиккан бу ҳасратларидан фойда бўлармикин?

Кечагина «Ичманг, биродар», дегани учун кўзига ёмон кўринган имомни чақиртириб: «Бир ўқиб қўйинг», дейди. Мулла қирқ марта «Ёсин» сурасини ўқиса, нариги дунёга гўё гуноҳлардан холи бўлиб кетиладигандай туюлади. Кошки эди, буларнинг фойдасизлигини билса! Юқори кучланишли токка уланган телевизор куйгани каби охирати куйиб бўлганини англамайди. Телевизор куйса, пулига ачинади. Умрининг энг гўзал онлари куйиб адо бўлаётганини эса фаҳхламайди.

Ароқ одамнинг ўзигагина ёмон таъсир қилса, чидаш мумкин-дир балки. Ароқнинг зурриётга таъсири-чи? Мажруҳ туғилаётган болалар, туғилмаёқ ўлаётган болалар-чи?! Бирор кишини бехос уриб ёки туртиб юбориб, оёғини ёки қўлини майиб қилиб олган киши, қонун олдида жазоланади. Лекин қўл-оёқсиз ёки ақлсиз туғилаётган болаларнинг мажруҳлигига сабабчи майхўр ота ёки она жазоланмайди. Тўғри, бу дунё қонуни жазоламайди, аммо Қиёматдаги жазо тайин-ку, қўрқинмайдимми?

Биларсиз, ҳуқуқбузарлар ҳаминша милиция назоратида бўлишадди. Булар «профилактик ҳисобда турувчилар», деб номланади. Ана шу ҳисобда турувчиларнинг 46 фоизини ашаддий майхўрлар, 31 фоизини муқаддам судланганлар, 15 фоизини гиёҳвандлар, 8 фоизини руҳий хасталар ташкил этади. Муқаддам судланганларнинг кўпчилиги ичкиликка ружу қўйганини инобатга олсак, биринчи тоифанинг нақадар кўплиги аён бўлади.

Ароқхўрлик ҳақида гапирилса, европаликлар бузди бизларни, деймиз. Бу гапда жон бор. Лекин улар ҳар биримизни ётқизиб олиб, оғзимизга зўрлаб ароқ қўймадилар-ку! Европаликларнинг маданиятга оид дуруст одатларини олмаганимиз ҳолда нима учун фақат бузуқликларини маъқул кўриб қолдик? Яна ҳақиқат шуки, европаликлар келгунига қадар ҳам майхўрликлар, бўзахўрликлар, нашавандликлар... бўлган. Европаликларнинг келиши яширин гуноҳларни ошқора қилиш дарвозасини очиб берди. Олдин атрофдагилардан уялиб ёки қўрқиб ичишган, чекишган бўлишса, энди қўрқув ҳам, уят ҳам йўқ. Авваллари фақат эркаклар ичиб-чекишган бўлишса, энди у гуноҳкорлар сафида аёлларни ҳам кўрамиз. Тўйларда дастурхон тўрини эгаллаб, ичишади. Бундан ташқари ўзларининг «гап» деб аталмиш хос зиёфатлари ҳам бор. Майхўрлиги учун оналик ҳуқуқидан маҳрум этилаётганлар ҳам учраб турибди, тўғрими?

Бир йили Рамазон ойида хориж сафарига отландик. Ҳали учишга тайёргарлик кўрилаётган онда ифторликни учоқ ичида қилдик. Учоқ осмонга кўтарилгач, аввал мусаллас тарқатилди,

сўнг таом берилди. Олдинги ўриндиқларда аёллар ўтиришиб эди. Мусалласни ичиб, таомни еб олишгач, учоқ бекаси пулга сотиш учун олиб чиққан қимматбаҳо ароқдан бир шиша олдилар. Сўнг сумкаларидан пиширилган товуқ, нон ва яна аллақанча нарсалар олиб, зиёфатларини бошладилар. Зиёфат қарийб уч соат давом этди. Шунда ҳамроҳим ажабланиб, «Бу ердан қиммат ароқ олгандан кўра шаҳардан ола қолишса бўлмасмиди?» деб ажабланди. Шунда дедимки, «кузатувчилар орасида эрлари борлигига эътибор қилмабсиз-да, ахир эрлари учун улар боодоб, ҳаёли хотинлар-ку!» Хорижда уларни бир неча эркаклар кутиб олишди. «Ўйнашлари» дея олмаймиз, чунки бузуқликларини ўз кўзимиз билан кўрганимиз йўқ. Лекин йўл-йўлакай ичиб, маст ҳолда келган жувонларни одобли эркаклар кутиб олишмаса керак? Кейинроқ шунга ўхшаш воқеани Бишкек орқали Техронга учганимизда ҳам кузатдим. Ундаги ширакайф аёллар этаги калта, енгсиз кўйлақда ўтирган эдилар. Учоқ кўнишга шайланган дамда ҳожатхонага кириб, узун кўйлақ кийиб, бошларига рўмол ўраб «муслима»га айландилар. «Аёл кишининг макри қирқта туяга юк бўлади» дейилганда балки шу каби аёллар назарда тутилгандир?

Кузатгансиз, баъзилар ичганда ҳам гўё маданийча ичишга ўрганишган. Яъни «тамада» деганни сайлаб оладилар. (Бу сўзни ўзбекчага айнан таржима қила олмадим, рамзий маънода «Шайтоннинг бош ёрдамчиси», десам ранжимасинлар.) Чиройли сўзлар, яъни, «тост» айтадилар. Тилаклар тилайдилар. Соғлиқ, омад, бахт... Кимдан тилайдилар? Албатта, Худодан тилашади. Ўйлашмайдики, яратган Тангри «ичма, бу ҳаромдир», деб қўйибди. Шу ҳаромни ича туриб, Ундан яна бахт сўрасалар, берармикан шу бахтни!

Баъзан ичкилик қўйилган давраларда ўтиришга мажбур бўлман. Шунда айримлар сал истиҳола қилган бўлиб: «Чарчоқни кўтарди, ижозат берсангиз, озгина-озгина ичсак», дейишади. Шунда: «Рухсатни мендан сўраманг, чунки буни мен ҳаром қилган эмасман», деган мазмунда жавоб бераман. Баъзиларга шу гап таъсир қилади, бошқалар: «Худонинг ўзи кечиради», деб ичаверишади. Худди Худо уларга «Тўйиб ичиб олаверларинг, кейин сенларни кечираман», деб тилхат бергандай ёки ваҳий юборгандай ишонч билан гапиришади.

Бир неча йил бурун Туркистон шаҳрида, ҳазрат Аҳмад Яссавий мақбараларидан бир чақиримча нарида аянчли бир даврада ўтиришимга тўғри келган эди. Воқеа тўйнинг эртасига содир бўлди. Дастурхон атрофида турли ёшлардаги одамлар ўтирибмиз. Ай-

тишим жоизки, шундай муқаддас ва шарафли шаҳарда яшовчи, ўзини мусулмон деб атовчилар ароқхўрликда «чемпион» эканлар. Хуллас, мендан «тост» айтишимни илтимос қилишди. Дастлаб рад этдим. Талаблар такрорланавергач, дедимки: «Хўп, гапираман, аммо ранжимайсизлар. Ҳозир сизларга, «ичманг», деганим билан ёқмайман. Лекин бир нарсани ўйлаб кўринглар: мана бу йигит ўғлингиз экан, ота билан ўғил нима деган одам бўлдиларинг энди?! Мана бу йигит сизнинг куёвингиз экан, сиз билан ичиб, маст бўлиб, уйга боргач хотинини, яъни қизингизни урса, қизингиз додини кимга айтади? Сўнг эса сиз додингизни кимга айтасиз?»

Бу гапдан кейин ўғил ва куёв чиқиб кетишди. Бир-икки киши гапимни маъқуллаб, ароқ қуйилган пиёлани нари суриб қўйишди. Бошқалар эса «Худо кечиради», деб ичишни давом эттираверишди. Бундай одамларни «эшшакдай қайсар», дейишади. Йўқ, азизлар, эшакларни ранжитманг, эшаклар уларга ўхшамайди, чунки эшакни тарбия қилса бўлади: «иш-ш» десангиз тўхтайдди. Бундай одамлар эса тўхташмайди. Ҳазрат Навоийнинг бир байтларида (мазмун) «ичувчилар ўзларини шер деб тасаввур қилганлари билан нафс ити олдида забундирлар (мағлубдирлар)», дейилади. Яъниким, бадмаст одамлик доирасидан чиқади-ю ҳатто ота-онаси, ака-укалари, дўстларига қараб акиллайдди, ҳатто уларни қопишдан ҳам қайтмайди. У ҳатто ит ётишга ҳазар қиладиган ерларда ҳам ётиб қолаверади.

Ароқхўрлик қанча-қанча улуғларни хорлик ботқоғига ботирди. Жуда кўп истеъдод эгалари бу бало оқибатида умрларини ҳам, қобилиятларини ҳам бой бердилар.

Шу ўринда ҳазрат Бобур Мирзонинг бир фармонларини эсга олсак, фойдадан холи бўлмас. Милодий ҳисобда 1525 йили имзоланган мазкур фармонга биноан майқатағон (сухой закон) эълон қилинган эди. Унда шундай сўзлар бор:

«Башар нафси ёмонликка майл этишдан узоқ эмас, «нафсимни поклай олмадим, чунки нафс ёмонликка амр этувчидир». Ундан қайтиш бағишловчи Маликнинг лутф-марҳаматидан бошқа мумкин эмас. «Бу Аллоҳнинг эҳсонидир, кимга хоҳласа, бахш этади. Аллоҳ катта эҳсон эгасидир». Бу сўзларни ифодалашдан ва бу гапларни баён қилишдан ғараз шуки, инсонлик тақазоси, подшоҳлар расм-русуми, подшоҳлик лавозими, мансабдорлар одати бўйича шоҳдан тортиб сипоҳийгача гўзал ёшлик кунларида шарият ман қилган баъзи нарсаларга ва айрим ўйин-кулгиларга ружу қилинади. Бир қанча вақтдан кейин пушаймонлик кунла-

ри келиб, уларни битта-битта тарк қилинар ва чин тавба билан уларга қайтиш эшиги ёпилар эди. Аммо мақсад ва матлабларнинг муҳими ва буюги бўлган ичкиликдан қайтиш тавбаси «ҳар иш ўз вақтига боғлиқ» деган парда остига беркиниб, юзини кўрсатмас эди, токи бу яхши соатда зўр ғайрат билан уруш эҳромини боғлаб, шавкатли Ислоом аскарлари ёрдамида кофирларга қарши жангга киришганимизда ғайб Илҳомчиси ва ҳақиқат Жарчисидан «Иймон келтирганларга вақт келмадимики, қалбларини Аллоҳнинг зикри билан юмшатсалар?» мазмуни эшитилиб, гуноҳ ва саркашлик асбобини идизидан қўпориб ташлаб, тавба эшикларини тўлиқ жиддият билан қоқдик. Тавфиқ йўллоғчиси «Кимки астойдил эшик қоқса, киради», мазмунига мувофиқ иқбол эшигини очди ва бу урушни нафсга қаршилиқ кўрсатишдан иборат бўлган зўр уруш билан бошлашни буюрди. Алқисса, «Эй, Раббим, нафсларимизга зулм қилдик»ни ихлос тилига келтириб, «Сенинг олдинда тавба қилдим ва мен мусулмонларнинг биринчисиман», деган гапни дил лавҳига нақш қилдик. Кўнгил хазинасида махфий қолган ичкиликдан қайтиш тавбаси истагини юзага чиқардик...»

Тарихдан маълумки, Бобур Мирзо ҳазратларининг асосий ғалабалари айнан шу фармондан – майқатағондан сўнг қўлга киритилган. Яна тарихдан маълумки, Ҳусайн Бойқаро бошқарган мамлакатни айна шу ичкилик барбод қилган. Айна шу ичкилик (уни «чоғир» деб атаганлар) умидли ва суюмли набира Мўмин Мирзонинг бошини узган.

Ароқ инсонни жиноятга бошлайди. Ривоят бор: бир одамнинг йўлини тўсиб дедиларки, ё ароқни ичасан ё бу бузуқ аёл билан зино қиласан ёки мана бу гўдакнинг бошини узасан. У одам ўйлай-ўйлай бир қарорга келди: «Ароқ ичганим гуноҳ, лекин каттароқ икки гуноҳдан қутулгайман». Ароқни ичди... сўнг унинг кайфида зино ҳам қилди, гўдакни ҳам ўлдирди.

Қадимдан машҳур бўлган шайх Санъон воқеаси ибрат жиҳатидан жуда муҳимдир. Ўн биринчи ўн иккинчи асрларда яшаган шайх Санъон (ибн Саққо)нинг оташин севгиси ҳақидаги қисса дунёга машҳурдир. Бадиий адабиётда бу қиссани биринчи бўлиб Фаридиддин Аттор 1221 йилда «Мантқиқут-тайр» асарларида назмда берганлар. Биз ҳазрат Алишер Навоий ижод йўллариининг якуни ҳисобланмиш «Лисонут-тайр» дostonларининг бугунги тилга мослаштирилган насрий баёнидан қисқа тарзда, майга тегишли сатрларидангина фойдаланамиз.

«Шайх Санъон даргоҳга етишганлардан бўлиб, кўнгиллари ғайб сирларидан огоҳ эди. У зот Каъбада авлиё кишилар ва қавми етак-

ловчилар орасида худди пайғамбар алайҳиссалом ўз саҳобалари билан тургандек турардилар. Халойиққа тўғри йўл кўрсатувчилардан бири бўлиб, Каъбадаги барча шайхларнинг шайхи эдилар. Бирон бир ғамгин киши ҳақиға дуо қилмоқчи бўлсалар, малойикалар қўл очиб, «омин» дерди».

Аллоҳ бу зотни имтиҳонга тортди. Тушида бир тарсо (насроний) қизни кўриб, унга ошиқ бўлди. Бу қандай сир эканини аниқламоқ учун қиз яшайдиган шаҳарга йўл олди. Тарсо қизи унинг изҳори дилини эшитиб ғазабланди, масхара қилди. Шайх ишқини баён этавергач, охири, тўрт шарт қўйди. Шайх бу шартларга кўнди.

«Оламда ҳеч қачон бу янглиғ разил иш бўлган эмасди. Кашишлар (насроний динидаги таркидунё қилганлар) ҳар тарафдан саф тортиб ўтиришарди. Огоҳ муршиддан Қуръонни сўрадилар, оташгоҳдан ўт олиб келиб қўйдилар. Зуннор ва салиб (хоч, яъни насронийлар бўйинларига осиб юрадиган хоч) муҳайё этилгач, тарсо қизи юз афсун билан ўрнидан турди. Тахтдан тушиб, Шайх олдиға келди. Унинг ёниға ўтириб, қадаҳ тўла майни ичди. Сўнг қадаҳни лиммо-лим тўлдириб, Шайхга тутди-да, деди:

– Охиригача ич, эй, олижаноб киши! Билки, бир томчи қолса ҳам ҳисобға ўтмайди!

Ишққа берилиш оқибатида айни дамда ислом ва имондан чекинган Шайх беихтиёр равишда дилнавоз узатган қадаҳни олиб, майни ичар эканлар, кўзларидан ёш думаларди. Шундай ичдиларки, бошларидан дуд чиқиб, май ўтида бутун борлиқлари кул бўлди. Яна бир неча марта май тутганларидан сўнг ул зотнинг ишқлари ақллариға жабр эта бошлади. Бода ҳушларини янада ўтмас қилиб қўйгач, қизға васлдан муддао изҳор этдилар.

Тарсо қизи эса унга: «Шошилма, сен шартлардан биринигина бажардинг», – деб куфр элининг олий табақасиға ишора қилди. Куфр элининг ишлари соҳасида моҳир бўлмиш бу кишилар Шайх имонларини куфрга тақдим этдилар ва ул зотни ўз динларига киритдилар. Ул зотнинг хирқаларини ечиб, яланғочладилар, сўнг эса май ҳовузига солиб чўмилтирдилар... Кейин ўз кийимларини кийдирдилар. Шайх бут олдида сажда қилдилар, хирқаларини оловда куйдирдилар ва ниҳоят... Каломуллоҳни ҳам ўтға ташладилар. Гардун ул зотнинг бошиға солмаган ҳеч бир расволик қолмади. Улар Шайхға кеча-кундуз май ичириб, масхаралайвердилар. Ул зот бир саҳар афғон қилиб, фарёд уриб, қиздан васл талаб қилганларида у шўх шартни охиригача бажаришни, яъни бир йил давомида кундузлари чўчқа боқиб, тунлари оташхонада ўт ёқишни талаб қилди.

Шайх талабни бажара бошладилар. Тунлари куфр ўтини равшанроқ ёқиш билан вақт ўтказиб, тонгда тўнғизларга рўпара бўлардилар...»

Орадан ойлар ўтиб, Аллоҳ шайх шогирдларининг муножотни қабул этади, Шайх ҳидоятга қайтади, Тарсо қизи эса исломни қабул этади. Ҳикоятнинг Аллоҳ ишқига доир ҳикматлари бошқа мавзу, мен диққатингизни май тақво эгасини ҳам йиқиши мумкинлигига қаратмоқчи бўлдим.

Баъзилар айтадиларки: «Ароқ бировларники бўлгани учун ҳаром қилинган». Йўқ, азизлар, ароқ, чўчқа гўшти бошқалар истеъмол қилгани учун эмас, одамга зарар бергани учун ҳаром қилинганини яна таъкидлаймиз. Агар у биродарларимиз айтгандай бўлганида эди, бировлар ейдиган мол ёки қўй гўшти ҳам, бошқа неъматлар ҳам ҳаром қилинар эди. Яна ўйлайлик, нима учун айнан ароқ ва чўчқа гўшти ҳаром қилинди? Нега мураббо ёки қовун-тарвуз ҳаром қилинмади?

Ароққа қарши бутун насоро олами ҳам курашган. Урушдан аввал ҳатто АҚШда ҳам майқатағон эълон қилинган. Болшевиклар замонида ҳам бир-икки уруниш бўлди. Ўтган асрнинг саксонинчи йиллари иккинчи ярмида, «Қайта қуриш», деб аталган замонда ҳам ичкиликка қарши курашилди. Биз бу курашни жону дилимиз билан қувватлаш ўрнига норози бўлдик, ўзимизча найранглар ўйлаб топдик. «Тўйларда ичкилик қўйилмасин», дейилди. Хўп дедигу, баъзиларимиз битта самоварга сув қўйиб қайнатдик, иккинчисини ароқ билан тўлдириб, чойнакда тарқатдик ва бу «ихтиро» билан фахрландик. Бундан ортиқ нодонлик бўлармикин? Ана ўшалар бу шарафли ҳадисдан хабардормикинлар: «Аллоҳ шаробни, уни ичгани, қўйиб бергани, сотгани ва сотиб олгани, сиқиб тайёрлагани ва тайёрлатгани, олиб келгани ва олиб келтирганни ҳамда ундан келган даромадни эгани лаънатлайди».

Ёшлигидан ароққа берилган одамнинг кейин-кейин бу йўлдан қайтиши қийин бўлади. Чунки бу ҳам ҳаёт имтиҳонларидан бири. Кимки нафсини жиловлай олса, имтиҳондан ўтади. Кимга марҳамат қилинса, нафсни енга олади. Аммо одам деган Худонинг марҳаматига эришмоқ учун жон куйдириши ҳам керак. Нафсга қарши уруш очиш учун ўзида куч топа олмаган, иродасига қувват бера олмаган одам бу марҳаматга ета олармикин, валлоҳу аълам?

Бир тақводор дебдики: «Қудуқ ичига ичкиликдан (масалан, ароқ) бир томчи тушса, қудуқ сувини поклаш учун ташқарига чиқариб тўксалар, сув тўкилган ерда ўт-ўлан ўсиб чиқса, шу ўт-ўланларни еган қўй-сигирнинг гўштини емайман». Бу ерда муболаға, бўртти-

риш бор. Муболағадан мақсад – одамларни «арзимас ҳаром» деган тушунчадан эҳтиёт қилиш. Қабристонда ўсган ўт-ўланни молга бермаслик тавсия этилади. Чунки юқумли касаллик билан вафот этган одамнинг мурдасидан тарқалган микроблар ўт орқали сут ва гўштга ўтиши мумкин.

Бир кишига дедингизки: «Чўчқа гўшtidан э!» Шубҳасиз, у дерки: «емайман, бу гўшт ҳаром!» Баракалла, бу киши ҳаром-ҳалолнинг фарқига борар экан, деб қувонасиз. Аммо қарайсизки, у ароқнинг ҳаромлигини билса ҳам ичади, бузуқликдан ҳам қайтмайди, тарозидан ҳам уради... «Булар ҳам ҳаром-ку, билмайсизми?» деб ажабланасиз, ҳатто ғазабланасиз. У эса ишонч билан: «Билишга биламан, гуноҳимни Худонинг Ўзи кечиради», дейди. Ажабки, гўё Аллоҳ Таоло унга гуноҳини кечиришга ваъда берган. Чўчқа гўштини жуда зарур ҳолатда, дейлик, ўлиб қолмаслик учун маълум миқдорда истеъмол қилишга ижозат бор. Аммо ўлиб қолмаслик учун ароқ ичишга, зино қилишга, пора олишга... мутлақо ижозат йўқ! Яна бир гап: биров чўчқани етаклаб келиб, бир-икки кун ҳовлингизда тура турсин, деса унамайсиз, лекин тўйга атаб олинган беш-ўн қути ароқ уйингизда тура турсин, деса рад этолмайсиз. Бунга нима дейсиз?

Ресторан қоровули ичкарига кириб қолган итни ушлаб олиб, ураётган экан. Бечора итнинг вангиллашини эшитиб, кўчадан ўтаётган бир одам эшикни очибди. Ит қоровулнинг қўлидан чиқиб қочибди. Шунда кўчадаги у киши дебди:

– Эй, биродар, сен итдан ранжима. Жониворнинг ақли йўқ, ҳалол-ҳаромнинг фарқига бормай кириб қолган. Бизнинг эс-ҳушимиз жойида, шунинг учун бундай жойга кирмаймиз...

Худога шукр, атрофимизда эс-ҳуши жойида бўлганлар кўп. Сиз – азиз **умидимиз юлдузлари**, ана шундай ақлли одамлардан ибрат олинг, уларга эргашинг. Лекин бузуқ ошёнларнинг оҳанрабоси кучига нафси дош беролмаётганлар-чи? Қўшниларимиз орасида борми? Бор! Қариндошлар орасида борми? Бор! Ҳамкасблар орасида борми? Бор! Хонадонимизда борми?.. Сиз ана шундай нодонлардан қочинг, уларга зинҳор эргашманг. Қудсий ҳадисда айтилган: «Эй, Одам фарзанди! Дунёдаги жами нарсалар уч тоифага бўлинади: бири Менга хосдир, иккинчиси Мен билан сенинг ўртамиздадир ва яна бири – сендадир. Сендан бўладигани дуодир ва Мендан бўладигани ижобат қилмоқдир. Бас, ҳаром емасанг, дуоинг тўсилиб қолмас». Расулуллоҳ (с.а.в.) ароқ ичган одамнинг дуоси қирқ кунгача қабул бўлмаслигини таъкидлаган-

лар. Яқинларимизнинг дуолари қабул бўлмаслиги бизларни нечун қайғуга солмайди?

Ҳаром дунёсидаги энг қабиҳ иллат – ичкиликбозлик ҳақида, энди гиёҳвандлик ҳақида уламолар ҳам, дунёвий олимлар ҳам тинмай гапиришади. Раҳбарият томонидан чоралар белгиланади. Лекин, ижобий натижадан ҳали узоқмиз. Чунки бу иллатни ҳукумат қарорлари билангина тузатиб бўлмайди. Уламоларнинг насиҳатлари ҳам кифоя эмас. Қачонки, ҳар бир муслим биродарини ҳаромлик ботқоғидан суғуриб олишга киришмас экан, «ичкилик туфайли жиноятчилик кўпайиб кетди, ёшларимиз бузилиб кетишяпти», деб вой-войлаб юраверамиз. Ҳозир ресторанлар, дискотекалар... кўпайгандан кўпайди. Мени икки нарса ажаблантиради: биринчиси, ресторанда кечқурун ароқхўрлик, маишат қилинади, тонгда эса амри маъруф, наҳий мункар? Иккинчидан, ресторанларнинг номлари ҳам ғоят жозибали: «Улуғбек», «Ҳувайдо», «Беруний», «Меърож», «Кавсар»... Ҳаром ичимликка «Умар Хайём» номининг берилиши-чи? Менингча, ҳар нарсага ўзига муносиб ном берилгани яхши. Масалан, мен маст қилувчи ҳаром ичимликларга «Шайтонсув», «Иблис тупуги», «Шайтон муҳаббати», «Буюк алкаш» каби номларни, маишатхоналарга эса «Дўзахга йўл», «Дўзахнинг оташин боғи», «Вайл», «Самум» сингари номларни тавсия этган бўлардим. Шу маишатхоналарнинг хўжайинлари майхўр шоирларга илтимос қилишса, «Дўзахда бирга бўлурмиз то абад» деган яллама-ёримларни ёзиб беришади.

Бу кунларимизда айрим одамларнинг Европага интилишлари кучайди. Тўғри, Европадан ўрганадиган нарсаларимиз бор, масалан, илмга муносабат... Лекин маънавият ва маданият бобида бу ҳаракатдан сақланганимиз дуруст. Бу ҳақиқатни ўтган асрлардаёқ донишмандлар англаб етганлар. Ҳинд адиби Рабиндранат Тҳакур 1941 йилда ёзган эди: «Бир кун келарки, тақдир карвонининг бурилиш пайти инглизларни ўзларига қарашли Ҳиндистон империясини ташлаб кетишга мажбур қилар. Лекин уларнинг қолдириб кетадиган Ҳиндистони қандай Ҳиндистон бўларкин? Улар қандай мудҳиш қашшоқликни мерос қолдираркинлар? Уларнинг бир асрдан кўпроқ давом қилган ҳукмронлик тўлқинлари пасайганда қанча балчиғу қанча вайроналар қоларкин? Ёшлик чоғимда мен маданият бешиги бўлиш Европа пешонасига ёзилган, деб астойдил ишониб юрардим. Лекин бугун ҳаёт билан видолашаётган кунларимда бу ишончим йўқолди... Ҳозир мен сўнгги саёҳатимга тайёргарлик кўряпман. Мен ўзимдан кейин нималарни қолди-

раман? Кулбаи вайроналар, бир замонлар ғурур манбайи бўлган маданият қолдиқлариними? Лекин инсонга ишонмаслик жуда катта гуноҳ, бинобарин, бундай гуноҳ ишга қўлим бормади! Катаклизмдан кейин, муҳит тозалангандан кейин доғ тегмаган янги тарих саҳифаси бошланишига ва тонг Шарқдан, қуёш чиқадиган жойдан бошланишига имоним комил».

Ичкилик ва гиёҳвандлик вабоси дунёни еб адо қиляпти. Қаранг-а, бир йилда Европада 105 миллиард АҚШ доллари маст қилувчи ичимликларга сарфланар экан. Бу ер юзидаги барча аҳолининг тоза ичимлик сув билан таъминланиши учун сарфланаётган маблағдан ўн марта кўп демакдир. 2009 йилдаги иқтисодий бўҳрон чоғида Европадаги сармоядорлар пиво ичиш камайганидан ғоят ташвишланишди. У томонларнинг инсофга киришига кўзимиз етмайди. Мен бу ўринда энди катталарга ҳам мурожаат этаман: ўзимизга қараб, болаларни, ёшларни тўғри тарбиялашга кўпроқ аҳамият бермасак, Европа аҳволига тушиб қолишимиз ҳеч гап эмас. Маълумотларга қараганда, спиртли ичимлик ичиш бўйича Ўзбекистон Европадан анча орқада экан. Сиёсатчилар тили билан айтганда, Ўзбекистон ҳушёр мамлакат саналаркан. (Худога шукр!) Европада спиртли ичимлик бир кишига йилда 14 литр атрофида, Ўзбекистонда эса 2 литр атрофида тўғри келар экан. Бу рақамни янада пастга туширсак, юртимиз янада тараққий этади, янада обод бўлади.

Ичкилик ва қиморга мубтало бўлганлар ўзига ўзи қасд қилдилар. Маст ҳолда фалокатга учраб ўлган кишиларга жаноза ўқилмаслигига айрим уламоларимиз фатво берганлар. Ҳуқуқ идоралари содир этилган жиноятларни таҳлил қиладилар. Таҳлилларида «мастлик оқибатида содир этилган» деган алоҳида банд бор. Шунга кўра, офир жиноятларнинг кўпи айни маст ҳолда содир этилар экан.

Аҳли ҳикмат дейдики, шароб ичган – заҳар ичгандир, ким хамр (маст қилувчи барча ичимликлар) сотишни ўзига ҳалол қилиб олса, тўнғиз гўштини ейишни ўзига ҳалол қилибди. Қорин ҳаром ичкилик билан тўлса, дунё муҳаббати устун келиб, рофилликда яшайди.

Одамийликни бир муаззам сарой десак, унинг ичига кирмоқ учун юриб бориш керак, балки тиканзорни яланг оёқ кечиб ўтишга тўғри келар. Одамийлик саройига ҳам сизни биров кўтариб олиб кирмайди. Бобур Мирзо таъкид этганларидек, эшикни астойдил қоққан одамларгина кирадилар. Асалариларнинг қўриқчилари ёмон жойга қўнган асалариларни уяга қўймас эканлар. Шунга кўра, одамийлик саройига оғзидан ароқ ҳиди гупуриб турган-

лар қўйилмайдилар. Уларнинг жойлари комил инсонлар роҳатда яшайдиган саодат саройи эмас, шайтон кулбаси бўлиб қолади. Расулulloҳнинг ҳадисларида айтилишича: «Давомли хамр ичган киши бутга топингувчи кабидир. Ўлса, Аллоҳнинг ҳузурига бут-параст каби боради». Аллоҳ асрасин! Дуо қилайлик: барча майпарастларни бу йўлдан қайтариб, ҳидоят берсин! Азиз ёшларимизни бу балолардан асрасин!

Одамийликнинг саодат саройига кирмоқ мушкул, аммо ундан чиқиш осондир. «Ёмонликлар онаси»дан юз ўтириб, ҳидоят онасига фарзанд бўлмоқлик барчаларимизга насиб этсин.

Умидимиз юлдузлари, сизда ўз нафсингизга беклик қила олгувчи иродангиз бор экан, ёмонликлар онасига ҳеч қачон фарзанд бўлмайсиз, деб умид қиламан-да, кейинги гурунгимизни бошлайман.

ИСКАНДАРНИНГ ВАСИЯТИ

Бойлик йўл бошида ёқиб қўйилган оловга ўхшайди. Кимки ундан керагича бир оз олиб, ўз йўлини ёритишга сарф этса, фойда кўради. Кимки кўпроқ олишга интилса, куйиб қолиб, ўзига азоб беради.

Умидимиз юлдузлари, кўнглингизни беҳисоб орзу-ҳаваслар ўраб туради. Жуда кўп нарсаларни истайсиз, баъзи истакларингизга шу ёшингизда эришмоқни хоҳлайсиз, айрим истакларингиз келажак ҳаётингизга тааллуқли бўлади. Сароймонанд уйларда яшаб, дадалари олиб берган автомашиналарда керилиб юрган тенгдошларингизга ҳавас қиласиз. Бугун сиз бу даражага етиша олмаслигингизни ўзингиз ҳам биласиз. Лекин бойликка етишиш умиди сизни тинч қўймайди. Йиллар ўтиб, бу умид ушалиши ғоятда қийинлигини билгач, ҳафсалангиз пир бўла бошлайди. Донолар бойликдан қочиш пайида бўлганлар. Нима учун? Келинг, шу ҳақда биргаликда ақллашиб кўрайлик.

Аввалдан огоҳлантириб қўйишим лозим: суҳбатдан муддао – дунё-бойликни, хусусан, бойларни ёмонлаш ёки рад этиш эмас. Ислом дини охирзамон дини экан, мусулмонлар Аллоҳнинг севган бандалари эканлар, нима учун улар бошқалардан кўра қашшоқроқ ва ҳақирроқ яшашлари керак? «Фақирлигим – фахрим» деган муборак ҳадисни тўғри талқин қиляпмизмикин? Расулulloҳ (с.а.в.) умматларини ҳамиша бечораликда яшашга ундамаган бўлсалар керак? Бу ҳадисда рамзий маъно бордир? Ислом бойликни мутлақ инкор этмайди. Бойликни ҳалол топиш ва ҳалол нарсаларга

ишлатиш талаб этилади. «Эй, Одам фарзанди! Дунё йиғишни касб қилиб олар экансан, Қиёматда ҳисоб беришингни, мол-дунёни **қаердан** олиб, **қаерга** сарф қилганингдан сўроқ қилинишингни ҳам эслаб қўй» (Ҳадиси қудсийдан). Қайс ибн Осим ибн Синон (р.а.) ўлимлари олдидан бу васиятни қилганлар: «Молни топиш ва уни ишлата билиш ҳаракатида бўлинглар. Чунки мол сахийлар даражасини кўтаради ва бахилларга муҳтож қилмайди. Кишилардан бирон нарса сўрашдан ўзингизни сақланг. Чунки сўрашлик кишининг энг охирги ноиложлик ҳолатидир». Абу Бакр Сиддиқ (р.а.) айтдилар: «Ёшлиқни пардоз билан, соғлиқни фақат дори ичиш билан қўлга киритиб бўлмаганидай, бойликка қуруқ орзу-ҳавас билан эришиш мумкин эмас. Бунинг икки йўли бор: 1. Тинимсиз гайрат ва меҳнат. 2. Фирромлик йўли». Ислом ана шу фирромлик йўлида топилган бойликни ҳаром қилган. «Эй, Одам фарзанди, агар сенга бойлик келаётганини сезсанг, билгилки, азоб-уқубати нақд бўлган гуноҳ келаётир» (Ҳадиси қудсийдан).

Бизнингча, масаланинг моҳияти – **дунёни бутунлай рад этишда эмас, дунёга ружу қўймасликда! Яъни: мол-дунё – умр ва саодат учун, аммо умр молу дунё кўпайтириш учун эмас!** «Эй, Одам фарзанди, билгилки, қайси бир банданинг қалбини мол-дунё йиғиш сеҳри ишғол қилган бўлса, унинг дилини фақирлик хавфи билан банд қилиб қўяман. Ўлимни эсдан чиқариб қўяман ва яна уни мол-дунё йиғиш билан овораи сарсон қилиб, охиратини эсламайдиган, ғофил қилиб қўяман». «Эй, одамлар! Дунё – охиратда ҳовлиси йўқ одамнинг ҳовлисидир, дунёга ақли йўқ одамларгина шод бўлади ва иймон ишончи йўқ одамгина дунёга ҳирс қўяди» (Ҳадиси қудсийдан). «Эндиликда кимники кўрсанг фосиқ бўлиб, ўттиз минглаб ақча билан дўзах тагига шўнғиб бораётганини кўрасан, – дейдилар Ҳасан Басрий ҳазратлари. – У нега шундай қилади? Ахир у Аллоҳ Таоло берадиган насибасини арзимайдиган нарсага сотяпти-ку! Яна кимни истасанг, у ўз давлати, мол-мулкани ўринсиз ерга сарф қилаётган шайтон йўлига кирмоқчи бўлаётганини кўрасан. Унинг ўзи ҳам инсофга келмайди ва бошқалар насиҳатини қабул ҳам қилмайди». Бир минг уч юз йил муқаддам айтилган бу ҳикматнинг мағзини чақайлик-да, бир оздан сўнг бу мавзуга яна қайтайлик.

Бойлик – имтиҳон турларидан бири: ҳамма бараварига камбағал бўлса, ким кимга закот беради, ким кимга эҳсон қилади? Фақирлик ҳам ўзига хос имтиҳондир. Абдуллоҳ ибн Масъуд (р.а.) дейдилар: «Аллоҳга қасамки, бойлик ҳам, фақирлик ҳам бир неъматдир. Қайсиси билан имтиҳон қилинсам ҳам, хотиржамдирман.

Бой бўлган кезлар муҳтожларга ёрдам қилиш, фақирликда эса сабр қилиш фазилати бор». Яхши ҳаёт, фаровонлик, тўқчилик ва серобчилик синов ва имтиҳон учунлиги, неъматнинг синов мақсадида берилишини англаб етиш кишини ҳушёрликка, гуноҳлардан ҳазар қилишга ундайди. Фоний дунё имтиҳонининг мавжудлигини англамаган одам мол-дунёсининг сероб бўлиши натижасида манманлик ва ношукрлик тузоғига илинади-ю, ўз виждонини ҳам унутади, оқибатда эса шиддатли азобга дучор бўлади.

Донолардан бири айтган экан: «Фарзандларимга ҳеч нарса қолдирмагандан кўра бойлик қолдириб, Қиёматда унинг ҳисобини беришни афзал биламан». Бундан мақсад – ота вафотидан кейин фарзандлар, айниқса, сағирлар сарсон-саргардон бўлмасликлари керак. Рўзғор халтасини елкага ташлаб юриш ўрнига ёшлик чоғларида илм олганлари жамиятга фойдали эмасми? Саҳобалардан бири барча бойлигини бошқаларга тарқатмоқчи бўлганида Расулulloҳ (с.а.в.) «Бундай қилма», деганлар. У киши «Бойлигимнинг ярмини тарқатайинми?» деб сўраганида ҳам «Йўқ», деб бойликнинг учдан бирини тарқатиб, учдан икки қисмини фарзандларига қолдириши афзаллигини айтганлар.

Абу Заррдан (р.а.) ривоят: «Эй, абу Зарр, молнинг кўплигини бойлик нишонаси деб биласизми?» деб сўрадилар Расулulloҳ (с.а.в.). Мен «Худди шундай, ё Расулulloҳ!» (с.а.в.) дедим. «Молнинг камлигини камбағаллик нишонаси деб биласизми?» – дедилар. Мен: «Худди шундай, ё Расулulloҳ», дедим. Ул Зот шундай марҳамат қилдилар:

– Бойлик аслида қалб ва кўнгил бойлигидир. Камбағаллик эса қалб ва кўнгил камбағаллигидир. Ким қалбан бой бўлса, дунёда дуч келган нарсалари унга зарар етказа олмас. Ким қалбан камбағал бўлса, дунёдан ортиқ уни бой қиладиган нарса йўқдир ва дунёнинг хасислиги унинг нафсига зарар етказиши мумкин».

Энди суҳбатимиз шу йўналишда, яъни қалбни бойитиш учун дунёга ружу қўймаслик хусусида кечади.

«Дунё ҳаёти бир тушдан иборатдир. Дунёда мол-дунё соҳиби бўлмоқ, тушда хазина топиб олишга ўхшайди, – дейдилар мавлоно Румий. – Дунё моли наслдан-наслга ўтиб, шу дунёда қолади. Ўлим фариштаси ғофилнинг жонини олиш билан уни уйқудан уйғотади. У киши ҳақиқатан ҳам эга бўлмаган мол учун дунёда чеккан заҳматларидан ҳайратга тушади. Минг пушаймон бўлади. Лекин вақт ўтган, гишт қолипдан кўчган бўлади...

...Хотинлару ўғиллар, қоп-қоп олтинлару кумушлар, наслдор отлару сурув-сурув мол-қўйлар, экинлар... ва ҳоказо нарсалар одамлар ҳирсини қитиқлайди. Буларнинг ҳаммаси дунё завқидир.

Модомики, у безатилган бўлса, унда ҳақиқий гўзаллик ва яхшилик йўқдир, бу гўзаллик унда муваққатдир ва ўзга бир ердан келган, демакдир. Дунё – олтин қопламаси сохта пул кабидир. Яъни қийматсиз кўпик бўлган дунё сохта, ёлғончидир, аҳамиятсиз ва қадрсиздир. Унинг уст қисмини биз олтин билан сувадик. Мана шунинг учун ҳам инсонларни хотинлару ўғиллар, қоп-қоп олтинлару кумушлар, наслдор отлару сурув-сурув мол-қўйлар, экинлар ва бошқа нарсалар ўзига тортади».

Ҳикматни бугунги кун назари билан талқин қилсак: спортчиларга бериладиган мукофот – «олтин медал» деб аталади. Номин олтин, бироқ, бу нишонда зарра миқдориди ҳам олтин йўқ. Лекин айрим нодон ўғрилар буни англамай, медални ўғирлайди, жонини таҳликага қўяди ва... ҳеч нарсага эришмайди. Дунёга алданганлар ҳам ўша нодон ўғрилар аҳволига тушади.

Бойлик асли надири?

Бойлик – пўлат сандиқдаги минг ёки миллион доллардан тортиб, чўнтагимиздаги сўнги юз сўмгача бўлган маблағ ўзимизники эмаслигини, бизга омонат эканини биламизми?

Ҳазрати Иброҳим алайҳиссаломга ўғиллари ҳазрати Исмоил алайҳиссаломни қурбон қилиш амри бекор қилинган, Аллоҳ ул зотга сон-саноксиз қўй суруви эҳсон этди. Жаброил алайҳиссалом инсон қиёфасига кириб, ул зотдан сўрадилар:

– Бу қўй сурувлари кимники? Менга бир сурув қўй сотасизми?

– Бу қўйлар Раббимникидир, – дедилар Иброҳим алайҳиссалом. – Бу онда менинг қўлимда омонатдир. Агар бир марта зикр қилсанг, қўйларнинг учдан бирини, уч марта зикр қилсанг, ҳаммасини олиб кетишинг мумкин.

Жаброил алайҳиссалом зикр қилдилар:

– Суббуҳун, қуддусун, Роббуна ва Роббиул-маълоикати ваър-руҳ.

Шунда Иброҳим алайҳиссалом: «Бу қўйларнинг ҳаммасини олиб кетавер», дедилар.

– Мен инсон эмасман, фариштаман, бу қўйларни ололмайман, – дедилар Жаброил алайҳиссалом.

– Сен фаришта бўлсанг, мен – Халилман (Аллоҳнинг дўстиман). Берган нарсамни қайтариб ололмайман.

Бу воқеадан сўнг Иброҳим алайҳиссалом қўйларни сотиб мулк орттирдилар ва барчасини вақф қилдилар.

Дуоларимизда Аллоҳдан ҳамиша тани соғлик ва хотиржамлик тилаймиз. Ишларимизнинг ривожини сўраймиз... Бироқ, очиқ тарзда айтилган «менга бойлик бер!» деган илтижони эшитмаймиз. Эҳтимол, бойлик илнжида муножот қилувчилар бордир. Лекин

улар овоз чиқармай сўрасалар керак. Ажабки, одам боласи бойлик сўраб илтижо қилмайди-ю, лекин бутун вужуди билан бойликка интилаверади. Мулкдорларнинг баъзилари бойликларининг омонат эканини ҳам биладилар ва ундан ажраб қолишдан қўрқиб яшайдилар. Энг олий бойлик саломатлик эканини ҳамма билади. Саломатликни бойлик тўплаш учун сарфлаш керакми ё бойликни саломатликни асраш учун сарфлаш керакми? Ҳаётда иккала ҳолатни учратамиз. Баъзилар бойлик йўлида саломатлигини аямай қурбон қиладилар, бойлик тўплаш ишқида тиним билмайдилар. Бойликни тўплайдилар-у бироқ, муддаога етгунча бир мунча касалликни ҳам орттириб оладилар ва... тўплаган бойликларини даволаниш учун сарфлай бошлайдилар.

Саҳобалар бойлик ҳақида гапиришганда Расулulloҳ (с.а.в.): «Бойлик ёмонликлардан сақланадиган кишилар учун зарарсиздир. Мана шундай кишилар учун соғлик бойликдан ҳам яхшироқдир ва кўнгил шодлиги неъматлардан биридир», дедилар. Яна дедиларки: «Кимки ўз оиласи бағрида тинч, тани соғ бўлиб тонг оттирса ва бисотида шу кунига етарли таоми бўлса, у одамга гўё бутун дунё зийнати берилган ҳисобланади». Фикр қилайлик: пўлат сандиқда миллионлар турибди. Бироқ, оилада ҳаловат йўқ. Бу миллионлар, айниқса, ҳаром йўл билан топилган бўлса бир лаҳзалик ҳам ҳаловат бермайди, балки оилани хотиржамликдан бегона қилиб қўяди. Ҳозир ҳашаматли уйлар қуриб, дарвоза ёнига қоровулхона ҳам тиклаб қўйиш одат тусига айланыпти. Қоровулхоналарга қараб айтиш мумкинки, бу хонадоннинг бойлиги бор-у, ҳаловати йўқ. Қишлоқларда айрим хонадонларнинг деворлари ҳам, дарвоза-хоналари ҳам, демакки, қоровулхонаси ҳам йўқ. Лекин ҳаловати бор...

Бойлик кўланкага ўхшайди: қувласанг, олдингга тушиб қочиб кетаверади. Қочсанг – сенга ёпишади, изингдан эргашиб келади. Кимда-ким унга кўнгил бергудай бўлса, ҳаёти зое бўлади. Дунё лаззатларининг энг керакиси – тинч-омон ҳаёт кечириш. Емак-ичмак ҳам лаззат. Бу лаззат аслида томоқники. Аммо ош сингмай қолса, мижоз бузилади. Мижоз айниса – унинг иложи нима бўлади? Одамнинг қорни бир марта тўйса, икки кун юриши мумкин. Битта тўн кийса, камида икки йилга етади. Мана шу иккиси учун одамнинг ўзини нафсига қул қилиши ярашадими? Бугун дунёси тилагига мос бўлиб турган кимса, ақли бўлса унга ишонмасин, унинг учиб кетишини фаҳм этсин.

Аллоҳ Таоло Ўз ҳабибига хитоб қилиб дейдики: «Одамларга дунё ҳаёти мисолини келтиринг. У худди бир сув кабидирки, биз уни

осмондан ёғдиргач, баҳорда у сабабли ер ўсимликлари бир-бирига араллашиб, қалинлашиб кетур, сўнгра кузда шамоллар учириб кетадиган хашакка айланиб қолур» («Каҳф» сурасидан). Ояти каримада ёшлик баҳорга, кексалик куз фаслига ўхшатишмоқда ва шу билан бирга умрнинг, дунё ҳаётининг ниҳоятда қисқа, ўткинчи эканлиги уқтириляпти. Расулulloҳ (с.а.в.) дунёнинг вақтинчалик эканига ишора қилиб: «Менинг наздимда дунё гўё ёз иссиғида бир отлиқ йўловчи дарахтнинг соясида озгина дам олиб, сўнг яна кетгани кабидир», деганлар. Юқоридаги оятга кўплаб олимлар тафсир битганлар. Шулардан бири будир: «Мазкур ояти каримада дунё тириклиги ёмғир суви билан яшнаб ўсган ўт-ўланга ташбиҳ этилади. Чунончи, ўсимлик ўсиб, камолотга эришиб, ундан фойдаланадиган вақт етгач, ногоҳ ундан сув узилиб қолиши сабабли қуриб зое бўлур. Худди шунингдек, одам фарзанди ҳам дунёда ўсиб-улғайиб, орзуларини ҳосил этмоқчи бўлиб турганида қўққисдан ажали етиб, умр дарахти қуриб ва тириклик суви узилиб, орзу чечакларини ўлим эли ҳар тарафга учириб юборадир».

Байт:

*Ногаҳон тан боғига етса зимистони ажал,
Жон яғочидин сочилгой ҳар тараф япроғлар.*

Мазкур ҳикматга Аҳмад Рифоъийнинг бу хитоби шарҳ бўлур: «Эй, дўст! Кўрмасмисанки, чақалоқ дунёга келган вақтда ҳирси сабабли кўллари бир нарсани ушлагандай ёпиқ бўлади. Дунёдан кетаётганда эса кафтлари бўшлигидан очиқдир. Чунки ҳирс билан орзу қилинган нарса қўлдан чиққан. Ўлим етарли насихатчидир, ўлим етарли воиздир».

Бу дунёнинг неъматлари камалакка ўхшаб оз умрли ва ўткинчи эканини ҳикмат аҳли кўп таъкидлаган. Яна дунё шўр сувга ўхшаб, ичганинг сайин ташналигингни орттираверади. Бойлик заҳар аралаштирилган болга ҳам ўхшайди. У аввал ширин кўринади кейин эса ўлдиради. «Эй, Одам фарзанди! Сенинг дунёдаги мисолинг – дунёнинг ҳаловати-ю унинг сенга кўрсатадиган макр-ҳийласи – асалга пашша тушиши кабидир. Агар у асалга қўнса, ҳалок бўлади. Шундай экан, бошқа одамларнинг манфаати учун ўзини куйдирадиган ўтинга ўхшамагин» (Ҳадиси қудсийдан). Бойлик киши уйғонганидан кейин ачиниш ҳиссини уйғотадиган ширин тушга ҳам ўхшайди. Дунё мулкани илонга ҳам ўхшатадилар. Агар кимса мулкани янада кўпайтиришга тиришаверса, илонларни ҳам кўпайтирган бўлади. Илонлар уни кечаси-ю кундузи чақаве-

ради, чақаверади... Шу азобларда дунё дарди билан банд бўлиб, оқибатда Ҳақни унутади. Ҳа, айтдик: бойлик айб эмас, лекин бойликни бутун жон-у тани билан, яъни қалбдан севса, киши ҳақиқий роҳатга етолмайди.

Ҳикоят. Бир ҳақим чиройли товусни кўрди. Унинг гўзаллиги ҳақимни ҳайратга солди. Лекин товуснинг хунук қағиллаши, чиройли патларини юлиши ҳақимни ажаблантириб сўрадики:

– Эй, товус! Шундай гўзал патларингни нега юляпсан? Бундай чиройли патни ерга ташлашга қандай қилиб кўзинг қийди? Бу ишинг берилган неъматга ношукрлик эмасми?

Товус ҳақимнинг бу гапини эшитиб, фарёд қилиб йиғлади ва ҳақимга дедики:

– Эй, ҳақим! Сен сувратнинг жозибасига қараб ҳукм қиляпсан. Менинг бу гўзал патим, бу гўзал қанотларим бошимга минг турли балолар келтирди. Барча чеккан заҳматларим, мана шу гўзал патларим туфайлидир. Бу патлар менда экан, ўзимни ҳимоя қилишга ожизман. Кошки кўримсиз бир қуш бўлсам. Халқнинг назарида бўлмасам, ана ўшанда озод яшардим. Хоҳлаган жойимда эркин кезардим. Эй, ҳақим! Бу зийнат, бу сифатлар менда бўлгани учун душманларим жуда кўп.

Мазкур ҳикоятда кишилар буюк ибрат оладиган сабоқ мавжуд. Зоҳири чиройли зийнатлар, мол ва мансаб кишилар ҳаловатини бузадиган нарсалардир. Инсоннинг мансаби, моли қанчалик ортса, хавотири ҳам шунчалик ортади.

Инсонларнинг бахтли яшашларига монелик қиладиган нарса – уларнинг мол тўплаш касалига мубтало бўлиб қолишларидир. Мол тўплашни инсон татиб кўриш, ҳидлаш, сезиш каби эҳтиёжларини қондириш учун қилади. Лекин бу сезгиларнинг ҳеч бири мақсадга етиш учун кифоя қилмайди. Инсонга мол-дунё насиб бўлса-да, у дунёда ҳам, охиратда ҳам зиёндан бошқа бир нарса келтирмайди. Бу эса туядан қочиб қутулмоқчи бўлган одамнинг ҳолига ўхшайди.

Ривоят. Бир одам қутурган туядан халос бўлмоқ учун жар устига эгилган икки шохга осилиб, жар ёқасига оёқ қўяди-ю оёғи остидаги индан тўрт илон бош чиқариб турганини кўради. Жарнинг тубига назар ташласа, у ерда бир аждаҳо оғзини катта очиб, унинг тушишини кутиб турибди. Юқорига қараса, оқ ва қора сичқон у осилиб турган шохларни тўхтовсиз кемирмоқда. Бу аҳволдан қутулиш йўлини ўйлаётган онда сал нарироқдаги асалари уясига кўзи тушади-ю, боши узра тўпланаётган бало булутини ҳам унутиб, бармоғини болга ботириб, ялай бошлайди. Асалнинг ширинлиги унинг бошини шу даражада айлантирадики, натижада, у ўзининг қандай аҳволдали-

гини унутади. Оёқларини тўрт илон боши устига қўйганлиги ва бу илонлар ҳар онда чақиб олишлари мумкинлиги, сичқонлар шохларни кемира-кемира синдиришгач, аждаҳо комига тушиши муқаррарлиги хаёлидан кўтарилади. Жаҳолат пардаси ақл нуруни тўсиб қўйгани туфайли оз фурсат ўтмай, жарга қулаб, ҳалок бўлади.

Ривоятдан англашиладиган маъно: даҳшатли ва чуқур жарлик – дунё. Қора ва оқ сичқон – кеча ва кундуз. Улар инсонлар умрини озайтириш, ҳалок этиш учун узлуксиз бир-бирини алмаштириб туради. Тўрт илон – борлиқнинг моҳиятини ташкил этган тўрт унсур: ҳаво, тупроқ, ўт, сув. Булардан биронтаси ўз мувозанатини йўқотса, инсон ўша заҳоти маҳв бўлиб кетади. Асал – азоби кўп, фойдаси кам бўлган, одамларни тўғри йўлдан оздириб, уларга нажот дарвозаларини беркитган фоний дунёдир. Аждаҳо – ҳеч ким қочиб қутула олмайдиган ўлимдир. Ажал шарбатини ичишга тўғри келганида, ажал фариштаси тепангга келиб турганида ўлимдан қутулиб бўлмайди. Пушаймонлик ҳам фойда бермайди. На тавбага вақт қолади, на дуо ўқимоққа мажол.

Низомий ҳазратларидан:

*Бир кун Яман шоҳин гўри устига борсам,
Қўл чўзди-ю тутди кафан, кўрсатиб карам.
Ва деди: «Бу саховатим айб айламагил,
Бу дунёда бундан бошқа йўқ бирор нарсам».*

Аллоҳ Таоло «Инсон ўзини бой-беҳожат кўрса, бас, тугёнга тушади, ҳаддидан ошади», деб огоҳ этган. Атрофимизга зийрак боқайлик: чиндан ҳам киши бойлик, мансаб ортгирса, дарров тугёнга кетади, ҳовлиқади, ҳаддидан ошади.

Кимса олтин ва кумушни кўрмаса ҳеч гап эмас. Бироқ уларни кўргандан кейин жуда кўп нолойиқ ишларни қилиб юбориши мумкин, шуниси чатоқ!

*Киши фақирликда яшаса қашшоқ,
Эзгу феълни ташлар бойигани чоқ.
Гадой тўқ бўлиб, у бойиса агар,
Тўғрилиқ йўли тез уни тарк этар.
Бу қут кўрмаган эр агар топса қут,
Қилиги бузилар, қилар элга ют.
Эл ичра узаяр қўли ҳам тили.*

Дунёда гўзал ва жозибали нарсалар ғоят кўп: уюм-уюм пуллар, турли русумли машиналар, тилла-жавҳар безаклар, қиз-жувонлар,

фарзандлар... Булар ҳар бир кишининг истагида оз ёки кўп даражада мавжуд. Бироқ, буларнинг барчаси ҳаёт учун аҳамиятли нарса эмас.

Ривоят. Бир девона киши бор эди. Унинг маскани кеча-кундуз вайрона эди. Ҳар дам ўша вайронанинг бир ёнини қазиб, ўз умрини хазинага эришиш умиди билан ўтказар эди. Иттифоқо, шунча машаққат чеккандан сўнг бахти чошиб, хазинани топиб олди. У қазиётган чуқурда бир эшик кўринди. Эшикни очиб, ичкари киргач, катта бир саройни кўрди. У ерда тилла-ю жавҳарларга тўла қирқта хум турар эди. Девона бу бойликни кўрди-ю, ҳушидан кетди. Шу онда бу ерга бир аблаҳ киши етиб келди. Хазина остонасида беҳуш ётган девонани кўрди ва ҳеч бир иккиланмай унинг кўксига ханжар санчиб, бечоранинг қонини шу хазина устига тўкди ва барча бойликка эга чиқди. Яшашдан бирдан-бир мақсади хазинага эришмоқлик бўлган девона эса бору йўқ сармоясидан – ҳаётидан ажралди.

Дунё охиратнинг зироат майдонидир. Барча эътиборини дунё молига қаратиб, унга муҳаббат қўйиш жамият қонун ва низомларининг бузилишга сабаб бўлади. Ҳар қандай илғор жамиятнинг пойдевори адолатдир. Золимнинг зулм қилишига имкон бермасликдир. Қонунларни тўғри қўллашдир. Бу шартлар бажарилмаса, жамиятга зарар этади. Шунинг учун инсонларнинг кўнгли тўқ бўлиши, дунёга ҳирс қўймаслиги лозим. Шу туйғу инсонни ҳаромдан, ўғрилиқдан, зулмдан сақлайди. Инсон дунёга манманлик учун келмайди. У севги учун, бошқаларнинг меҳрини қозониш, махлуқотни яхши кўриш, яратилган нарсаларга шафқат, муҳаббат кўрсатиш учун келади. Кўнглига эътибор қаратади: одамларнинг кўнглини кўтаришга, хайрли дуосини олишга интилади. Акси бўлса-чи? Дунёга алданган одам охиратга қўллари бўш кетади-ким, Искандар Зулқарнайннинг васияти мисолдир. У «тобутимдан қўлларимни чиқариб қўйинглар, одамлар у дунёга ҳеч нарса олиб кетмаётганимни кўришсин», деган экан. Киши бойлик эмас, ҳақиқат изловчиси бўлса, уни қаерда топса, олишга интилса, ҳақиқий бойликка эришган бўлади. Пулнинг фойдаси савдогарни қувонтирганидек, обиднинг ибодати ҳам обидни севинтиради. Пул севгисига мубтало бўлганлардан бир нарса сўрамаслик тавсия этиладиким, улардан нимадир сўраш – қутурган ит олдидан таомини олиш кабидир. Олмонларда «Пул бераман, десанг, шайтон ҳам рақсга тушади», деган мақол бор. Лев Толстой пулни қуллиқнинг бир кўриниши деб таърифлаган. Чиндан ҳам ҳаёли ҳамиша пул билан банд бўлган одам пулнинг қули ҳисобланади. Одамзод

орасидаги қулдорлик йўқолган, аммо пул қулдорлиги мавжуд ва у Қиёматга қадар ҳам йўқолмайдиким, бу қулликдан ғоят эҳтиёт бўлмоқ жоиз. Қулдорлик замонларида сахий бойлар қулларига эрк берганлар. Бироқ пул қулдорлигида бундай марҳамат йўқ. Шу боис ҳам файласуф Софокл: «Пул – инсоният гарданидаги энг катта тавқи лаънатдир», деган. Ажаб! Ажаб! Биз ана шу тавқи лаънатни севамиз-а! Кишини юксалтирадиган пули, мансаби эмас, балки иймони ва илмидир. Чунки пулни ишлата-ишлата адо қилади, иймон билан илм эса тугамайди. Пулни ўғирлатса, хонавайрон бўлади, иймони ва илмини эса ҳеч ким ўғирлай олмайди. Шунга кўра, ақлига, виждонига суянган кимса йиқилмайди, мол ва мансабга суянган киши эртами, кечми суянчиқсиз қолгандаги аҳволини ўйлаб қўйсин.

«Лисонут-тайр»да бир савол ва қалбимиз ҳамда онгимизни бойитиши мумкин бўлган жавоб баёни бор. Бугунги тилимизга мосланган насрий баёнда Худҳуддан бундай деб сўрайдилар:

– Эй, қутлуғ жамол эгаси! Молу дунё менинг кўнглимга чексиз муҳаббат солди. Унга эришмоқ хаёли жонимга қувонч бағишлайди, унинг жаранглаган товушини эшитсам, кўнглим ҳузур топади. Қўлимда агар бир нафас олтин-кумуш бўлмаса, мени ўша заҳотиёқ ўлди, деб ҳисоблайвер.

Худҳуд бу саволдан ранжиб жавоб беради:

– Эй, ҳақиқатдан йироқ! Жонингга пул фиरोқ доғини қўйибди. Ҳирс жоми кўнглингни маст айлабди, сен бу мастликдан эр билан бирга бўлибсан. Киши ҳам шундай сўзларни айтадимми?! Ахир бу ҳақиқий инсонларнинг иши эмас-ку! Асл инсонлар бу ишдан ор қиладилар.

Бу хил тубан иш билан шуғулланиш фақат сичқонга ярашади. У ниҳоятда тиришиб, ерни қазиб билан доимо тупроқ ичра хору зор умр ўтказади. Шу ҳирси туфайли ер тагидан турли тешиклар кавлаб, бу ёмон иллатидан ниҳоят кўп машаққат чекади. Шу тариқа доимо уй сари кавлаб бораверади. Ниҳоят, тешик очиб юзага чиққач, пусиб, пайт пойлаб ётган мушук унинг этини еб, қонини симиради.

Ёки сен йиллар туфроқ остида хазинани пойлаб ётган илонга ҳам ўхшайсан. Чарх бунинг эвазига унга лойиқ жазо беради, яъни у кишилар кўзига кўрингани заҳотиёқ, бошини янчиб ташлайдилар.

Сенинг зотингда ҳам шундай иллат борки, эй, ифлос, бу билан сен илон ва сичқонни эсга келтирасан. Уларнинг оқибати нима бўлгани ўзингга маълум. Билгилки, сендаги бу иллат яхшиликка олиб бормади.

Сийму зарни севган одам унга кул бўлиб, унинг шавқидан ажойиб маст ҳолга тушади. Ёки фараз қилки, фақат жоҳил ва нодон, маст кишигина сийму зарни ўзига бут ҳисоблаб, унга сиғинади. Бундай кишини жаҳолати туфайли одамийликни тарк этиб, дўзахга равона бўлган деб айтиш мумкин. У бу жаҳон боғида токи тирик экан, ўз умрини шу янглиғ машаққат билан ўтказади. Олтин-кумуш учун юз хил ҳирс ва шайдолик кўрсатади, аммо охирида расволик билан ўлиб кетади.

Майли, мен сени сичқон деб атамай, балки Қорунга тенг деб ҳисоблай; илон демасдан, Фаридун деб ҳам атай. Аммо оқибати нима билан тугайди? Улар нима қилдилар-у сен нима қила олардинг?! Бари бир улар каби бутун бойлигингни қолдириб, нариги дунёга равона бўласан! Шунинг учун бу беҳуда хаёлни бошингдан чиқариб ташла! Миянгни эзиб ётган бу қаттиқ тошдан қутқар! Ҳақиқий эр бўлсанг, асл мақсадни кўзлагил, нимаики сўзласанг, ўшандан сўзлагил. Бу номуносиб иш билан шуғуланма, чунки ундан сенга зарар етиб, охири жонингнинг уволи бўлади. (Изоҳ: Қорун ўта хасис бўлгани сабабли бадий адабиётда давлатмандлик ва хасислик рамзи сифатида тилга олинади. Фаридун (ёки Афридун) қадимги Эроннинг ғоят бадавлат подшоҳларидан.)

Дунёдаги яралмиш ҳар бир нарса, фақат буюмлар эмас, ҳатто туйғулар ҳам аҳамиятли ва аҳамиятсиз деб икки турга бўлинади. Аллоҳга ишқни, ота-она, оила, дўстларга муҳаббатни аҳамиятсиз деб ҳисоблаган кишини аҳмоқ дейдилар. Бойликка муҳаббатни аҳамиятли деган кимса янада аҳмоқроқдир.

«Қутадғу билиг»дан бир ҳикоят. Донишманд Ойтўлдини подшоҳ Кунтуғди Элиг ёнига чорлайди. Йигит эса ёнидан копток чиқариб, ўшанга ўлтиради. Элиг унга кўп саволлар беради. Йигитнинг жавобидан шодланади. Шунда Ойтўлди кўзларини юмиб олади. Элиг бундан ажабланганида Ойтўлди изоҳ беради:

– Эй, Элиг! Сен менинг қиёфамда давлат ва бойликни кўрмоқчи эдинг. Мен уларни аниқроқ тасаввур эта олгин, деб шу ҳаракатларимни қилдим. Копток давлат, яъни бойликка жуда ўхшайди. Уларнинг иккови ҳам жойида тўхтаб турмайди. Юмалаб кетаверади. Менга кулиб боққанингда, кўзларимни юмиб олишимга сабаб – давлатнинг кўзи кўр эканини сенга уқтириш эди. Бойлик билан давлат кўзи кўр одамларга ўхшайди. Ким бойлик ва давлатнинг қўлидан тутса, ўшанга эргашиб кетаверади: бу яхши, мана буниси ёмон, деб ажратиб ўтирмайди. Оқар сув, йўриқ тил ва қут бир жойда тўхтаб турмайди. Олам кезувчилар йўл юриб тинмайди. Бахт, давлат ҳам бир жойда қўним билмайди...

Ривоятким, басир ва сўқир ҳамроҳ эдилар. Иттифоқо кўрнинг қўлидаги қамчиси тушиб кетди. У отидан пастга тушиб, ерни пайпаслаганича қамчисини қидирди. Бу онда бир заҳарли илон тун совуғи таъсирида карахт бўлиб, қотиб ётарди. Кўр одам уни қамчи деб ўйлаб, қўлига олди-да, отига минди. Кўзи очиқ одам унинг қўлидаги илонни кўриб, қичқириб юборди:

– Дўстим! Қамчи деб хаёл қилиб қўлга олганинг заҳарли илон-ку! Ташла!

Сўқир: «Қамчин ниҳоятда гўзал бўлса керакки, ҳамроҳим унга ишқибоз бўлиб, алдов йўли билан мендан тортиб олмоқчи», деб ўйлаб, аччиқланди:

– Сен қандай ҳасадгўй дўстсан ўзинг! Аллоҳ менга янги қамчинни раво кўрганда, бир алдов билан тортиб олмоқчимисан?

– Эй, азиз дўстим, сендан қамчин тама қилаётганим йўқ, – деди басир. – Ҳамроҳликнинг шартларидан бири – йўлдоши хатарда бўлса, уни хабардор қилишдир. Мен шу бурчимни адо этяпман, холос.

Кўзи очиқ одам ҳақ гапини сўқирга маъқуллата олмади. Йўлда давом этдилар. Бир оздан кейин қуёш кўтарилиб, кун қизиди. Илон жонланди-ю кўрнинг қўлини чақди ва уни ҳалок қилди.

Дунё молига алданувчилар шу кўзи кўр нодонга ўхшайдилар. Аслида манзилга бехатар етиб бормоқ учун отга чиройли қамчи уриш шарт эмас. Оддий хипчин ҳам кифоя қилади. Лекин кўнги чиройли отни ва чиройли қамчинни талаб қилаверади. Ҳаётимиз ҳам шундай. Яшаш учун унча зарур бўлмаган нарсаларни деб ҳатто жонимизни хатарга қўямиз. Биз ўғриларни «жиноятчи» деб айблаймиз. Ҳолбуки, ўғирлик унинг касби. Жонини хатарга қўй-маса, тирикчилиги ўтмайди. Лекин биз, тўғрилар-чи?

Бир сайёҳ саҳрода адашиб қолди. Ейишга таоми, ичишга суви қолмай, «энди ўладиган бўлдим», деб тушкунликка берилган пайтда кўзига узоқдаги хум кўринди. Умид унга куч бериб югурди. Шунчалар югурдики, жони ҳалқумига келиб қолди. Бироқ, етиб бориб қарасаки, хум сувга эмас, олтинга тўла экан! Буни кўриб шунчалар изтиробга тушдики...

Ҳаётда шундай бойлик топиб олишни орзу қилиб яшайдиганлар топилади. Лекин инсонни хушнуд қиладиган нарса олтину жа-воҳир эмаслигини ҳамма ҳам ўйлаб кўрмайди. Бойлик, кам-қўп миқдоридан қатъи назар, ҳаёт кечириш учун бир восита холос-ку! Агар одам саҳродаги адашган сайёҳ ҳолига тушса, бир пиёла сув учун бир қоп олтини бўлса-да, бериб юбормайдими? Инсонни бир қоп олтин эмас, томоғидан ўтган бир қултум сув ва бир тишлам нон севинтиради.

Бу ҳикоятни билсангиз ҳам, яна қайтараман. Хорун ар-Рашиддан сўрадилар:

- Эй, подшоҳим, тасаввур қилингим, саҳрода ёлғиз қолиб, ташналиқдан азобланыпсиз. Бир қултум сув эвазига нима берасиз?
- Ҳазинамнинг ярмини бераман, – деди ҳукмдор. Яна сўрадилар:
- Ичга кирган бир қултум сувнинг чиқиб кетмоғи ҳам бор. Бунинг учун нимани бағишлар эдингиз?
- Ҳазинамнинг қолган ярмини бахш этгум.
- Ҳукмдорим, у ҳолда барча бойлигингизнинг қадри бир қултум сув қадрига тенг эканда, а?

Одам боласининг бир хавотири борким, бойлик орттиришга даъват этаверади. Бу – эртами, индинми, кутилмаганда бор-йўғидан ажраб, қашшоқланиб қолиш хавотири. Ҳолбуки, Одам фарзанди ўзига фақирлик этаётганини билса, Қудсий ҳадисдаги амрга риоя этмоғи, яъни фақирликни «солиҳ бандалар каби «хуш келдингиз!» дея қарши олиши» даркор. Инсон табиати ғалати: у бойлигини йўқотса қайғуради, аммо ҳаётининг кунлари мангуга йўқолаётганлиги билан иши йўқ. Билмайдик, қашшоқлик – ожизликдан келиб чиқади. Мавлоно Румий айтдилар: «Улар бу дунёга шунчалар алданганларки, барча нарсаларнинг тарк бўлишини билганлари ҳолда, талон-торождан жуда қўрқадилар. Ҳолбуки, яланғоч кишининг ўзини ўғрилар талон-торож қилишидан қўрқиши ажаб ғалати ишдир. Инсон бу дунёга яланғоч ҳолда келиб, яланғоч ҳолда кетади. Аҳвол шундай бўла туриб, улар ўғриларнинг номини ҳатто эшитмай туриб, юраклари така-пука бўлади. Ўлим онлари етганда бойликлари ўзлариники эмаслигини тушунадилар. Афсуски, вақт бой берилган бу пайтда надоматлардан заррача наф йўқ. Кўзлари очиқлигида уларнинг бойликларидан ажраб қолиш ваҳимаси этагига тошчалар тўплаб ўзини бой ҳисоблаётган ва бу «бойлигини» йўқотиб қўйишдан чўчиётган болаларнинг нодонларча қўрқуви кабидир. Агар шу тошчалардан бир нечтасини боладан олиб қўйсангиз, у алам билан йиғлай бошлайди. Қайтариб берсангиз, бағоят севинади. Болани бу қилиғи учун ҳеч ким айбламайди. Бироқ, уларга ўхшаган аҳмоқлар эса дунёнинг ўткинчи сарватини ўзининг мол-мулки деб билгани учун бу ёлғончи бойликдан ажралиб қолишдан ўлгудек қўрқадилар».

Қадим замонларда турли мамлакатларда бадавлат одам вафот этганида бойлигидан бир қисмини ҳам қўшиб кўмганлар. Лекин лаҳад қуртлари бу тилла ва жавҳарларга тегмаганлар, балки ҳаётлик пайтида бойликка тўймаган шу бойлик эгасининг кўзларини еганлар.

Подшоҳнинг тантилиги тутиб бир одамга: «Тила, тилагингни», деганда у одам бир косача узатиб: «шуни тиллага тўлдириб беринг», деб сўради. Подшоҳ озгинагина нарса сўраганидан уни нодон фаҳмлаб кулди. Косача ўн-ўн беш тилла танга билан тўлади, деб ўйлади. Аммо мўъжиза юз бериб, хазинадаги барча олтину жавоҳир солинса-да, косача тўлмади. Охири подшоҳнинг ҳеч нарсаси қолмагач, мўъжизанинг сирини сўради. «Бунда ҳеч мўъжиза йўқ», деди у одам ва косачанинг тубидаги **кўз**нинг суратини кўрсатди. Кейин шу кўз устига ярим сиқим тупроқ ташлаган эди, косача ўн танга билан тўлди. Қиссадан ҳисса шуки, бойликка тўймаган кўзни тупроқ тўлдиради.

Жунайд Бағдодий (қ.с.) ҳазратларига муз сотувчи рўпара келиб: «Сармояси эриб бораётган инсонга ёрдам беринг», деб нидо қилди. Ҳазрат бу нидони эшитиб, маъносини англадилару ҳушдан кетдилар. Нединким, аслида ҳар бир одам бу дунёда сармояси эриб бораётган бир бечорадир.

Умидимиз юлдузлари, бир латифа борким, сизнинг ҳам бошқаларнинг кўнгилларига оғир ботмасин.

Бир одам фарзанд кўрган эди. «Хотининг нима туғди?» деб сўрадилар. «Камбағалники нима бўларди ё ўғил ё қиз-да», деб жавоб берди у. Бу гапдан ажабланиб сўрадилар: «И-я, бойлардан нима туғилади?» «Бойлардан бевош, бемаъни, бефаросат туғилади», деб жавоб қилди у. Ҳа, кишига малол келадиган гап бу. Аммо начора, латифанинг замирида оз бўлса-да, ҳақиқат ҳам бор. Фақат изоҳким, бойнинг боласи бевош, бемаъни, бефаросат бўлиб туғилмайди. Балки бойлигидан ғурурланувчи ота-онанинг айби туфайли бемаъни, бефаросат, бевош қилиб тарбияланади. Ўтган аср бошларида Маҳмудхўжа Беҳбудий ҳазратлари «Падаркуш» деган сахна асарларида фарзандига илм ва тарбия беришни истамаган бойнинг фожиасини ёзган эдилар. Сиз бу асарни адабиёт дарслигида ўқигансиз. Не ажаб ва не афсуски, ўшанга ўхшаш ҳодисалар ҳозир ҳам учраб турибди. Бузуқлар, гиёҳвандлар орасида бойваччаларнинг кўплигидан фақат жамият озор чекмайди, энг аввало ўша ота-оналар азобланишади.

Бойлик ҳаммага ҳам ярашади, аммо уқув-идрокли донишманд кишига у кўпроқ мос бўлади. Бойлик нодон билан фақат ёнма-ён туради, холос. Бироқ, у доно билан ҳақиқий гўзаллик касб этади. Жоҳилларнинг дунёга берилишлари ёмон. Олиму донолар берилсалар, янада ёмонроқ. Бой одам фарзанд тарбиясида шу ҳақиқатларни унутмагани дуруст.

Мол-дунёси кўп одамнинг дўстлари, оғайнилари ҳам кўп бўлиши барчага маълум. Айрим бойлар бу билан фахрландилар, аммо

билмайдиларки, буларнинг ярмидан кўпи «манфаат дўстлари» дирлар. Киши дўстга зор бўлган куни хор айлайдиганлар ҳам айнан шу «манфаат дўстлари» дирлар. Агар қўлимиздаги танганинг бир томонига «Дунёга берилганнинг дўстлигига ишонма», деб ёзилса, иккинчи томонига «Бой бўлганинг учунгина сенга интилувчилардан эҳтиёт бўл», деб ёзиб қўйиш керакмикин? Бу ҳақдаги ҳикмат. «Мол дунё баъзи кишининг маҳбубаси ва маъшуқасидир. Маъшуқа қаерда бўлса, ошиқлар унга бош эгадилар. Маъшуқа, яъни мол-дунё кишининг қўлидан кетса, ошиқлар у кишининг яқинига йўламайдилар. Кўрмайсизми, гул ўз этагига зар тўлатиб ишва-карамлар билан булбулга кўринса, булбул гулга шайдо бўлиб, минг оҳанг билан унинг мадҳини сўзлайди. Гул кесилиб, фақат шохи ва барги қолса, булбул унинг отини ҳам атамайди».

Юқорида баён этилган фикрлар айрим шахсларга оиддир. «Бойликка ружу қўйиш» дейилганда фақат шахсни назарда тутмаслик керак. Бу мамлакатларга хос касаллик ҳамдир. Мамлакатлар орасидаги ўзаро урушларнинг сабабчиси ҳам айнан шудир.

Агар бир одам бойликка ҳирс қўйса ва бу йўлда бошқа кишига зулм қилишдан қайтмаса, у бир ёки бир неча кишига зарар келтириши мумкин. Лекин, афсуски, биз буни давлатлар орасида ҳам кўрамиз. Минг йиллардан бери бир қабила бошқа бир қабила ҳисобига бойишга ҳаракат қилади. Бугун, яъни Ийсо алайҳиссалом туғилганларидан эътиборан йил ҳисобидаги йигирма биринчи асрда ўзларини тараққий этган, комил маданиятли, инсофли ҳисоблаётган, оламга ўзларини фаришта мисол кўрсатишга уринаётган давлатлар кимлар ва нималар ҳисобига бойлар? Нима учун урушлар тинмай давом этяпти? Чунки уларнинг қурол савдосидан оладиган фойдаси ақл бовар қилмас даражада кўп. Нима учун нефтга бой мамлакатларга тинмай фитналар қилишади? Европанинг бой мамлакатлари Африка ва бошқа қитъадаги камбағал давлатларнинг қарзларидан воз кечиб, тангилик ҳам қилиб қўйишади. Айёрликни қаранг: уларни қулоғига қадар қарзга ботирган ким? Ўзлари-ку! Нима учун миллионлаб одамлар бир бурда нонга муҳтожлар? Нима учун миллионлаб одамлар турли касалликлардан қирилиб кетяптилар? Ҳар йили Европа аҳолиси ўн бир миллиард доллар пулини морожна (музқаймоқ) ейишга сарф этади. АҚШ ва европаликлар ҳар йили ўн етти миллиард доллар пулларини ит-мушукларини боқиш учун сарфлайдилар.

АҚШ аҳолиси дунёнинг беш фоизини ташкил этади. Мана шу беш фоиз одам дунёдаги неъматларнинг йигирма беш фоизини истеъмол қилади. Европанинг кучли мамлакатлари ҳам улардан кам эмаслар. Улар ҳеч қачон дастурхонларидаги ҳатто битта ушоқнинг

ҳам камайишига рози бўлмайдилар. Шу боис ҳам дунёни фитнага булғаб, кун кечирадилар. Бойлик ишқи ер юзини ана шундай таҳликада ушлаб турибди. Тарихда энг офатли ҳисобланган Иккинчи жаҳон уруши тугаганидан бери катта урушлар йўқ. Лекин шу вақт мобайнида Иккинчи жаҳон урушидаги талофатдан кўра кўпроқ одам қурбон бўлди ва ҳар дақиқада уруш қурбонларининг сони ошиб бормоқда. Такрор айтаманки, бу офатнинг асосий сабаби бойлик талвасаси. Бу сатрларга диққат билан эътибор беринг:

Америка узоқ замон мобайнида бойлик васвасасига тушиб қолган эди. Бу бойлик васвасаси жуда қўпол шаклларга кириб, жуда зўр очкўзликни вужудга келтирди. Бу нарса ҳозир тобора кучайиб бормоқда. Бу васвасада инсон характерининг гўзаллиги оёқ ости қилинди ва одамнинг бойлик орттиришига интилиши биринчи ўринга қўйилди. Шундай очкўзлик балосига гирифтор бўлган бу азим мамлакат мақсади томон елиб бораётганида, ярим йўлда арава-паравасининг каттакон гилдираги синиб қолди ва арава-параваси билан чанг йўлга ағдарилиб тушди. Бугун мана шу ҳалокатга яқин ясаб, одамнинг ана шу ҳалокатдан бошқа энди нимаси қолди, деган савол беришимиз мумкин. Катта-катта харажатлар, ҳамма ҳаракатлар – барчаси зоҳирий нарса. Шу зоҳирий нарса барбод бўлса, ичимизда алиф ҳам йўқ эканлиги дарҳол маълум бўлиб қолади. Агар бу зоҳирий нарсани, хўжакўрсинга ишлатиладиган нарсани, моддий негизни улоқтириб ташлайдиган бўлсак, у тақдирда инсоннинг ўзи қани? «Унинг моҳияти қаерда?» деб савол бериш мумкин. Натижада ана шу ҳалокатидан боши гангиб қолган одам қандайдир ички дунём бор, деб айтишдан ожиз қолади. Бугунги инсоннинг ўзи ҳеч қандай қадр-қимматга эга эмас. У бутунлай бозор кишиси бўлиб қолган. Бугун эса бозор кунни эмас!

Хўш, бу фикрларга нима дейсиз? Бугунги куннинг гаплари, дейсизми? Ҳа, бугунги кун нафаси келиб турибди. Бироқ бу гаплар Ҳиндистоннинг улуғ фарзанди, дунёнинг бебаҳо адиби Рабиндранат Тҳакур томонидан 1935 йилда ёзилган. Афсус шуки, бойлик васвасаси ҳамон давом этмоқда. Бойлик васвасасида тўлғанаётган жаҳон бойлари яна ижтимоий тенглик ҳақида тинмай гапирадилар. Бир шахснинг камбағаллик домида нонга зор яшагани ҳолда, иккинчи шахснинг ғоят бойиб кетишини ижтимоий тенглик дейиш мумкинми? Асло! Улар мингоёқ – медузага ўхшаб жаҳондаги камбағал мамлакатларга чанг солганларича уларнинг қонларини сўриб ётибдилар. Ҳар нарсанинг охири бўлгани каби бу адолатсизликнинг ҳам ниҳояси мавжуд. «Дунёни биз тебратяпмиз», деб бойликларига мағрур бўлган кимсаларнинг динлари йўқ. Чунки

будда ҳам ўз тобеларини бу гуноҳлардан қайтишларини буюради. Таврот, Инжил ҳам шундай. Лекин бойликларини бут қилиб сиғинувчи бу одамлар дунёга мутлақ ҳоким бўлиш сира-сира мумкин эмаслигини унутиб қўйганлар.

Умидимиз юлдузлари, жаҳоннинг бу аҳволини ўзингиз ҳам кўриб, билиб турибсиз. Шундай бўлса-да, бу хусусда баёнга ўрин беришимнинг боиси, ҳадемай улғайиб, турли юқори мансабларда хизмат қиласиз. Дипломат сифатида халқаро масалаларни ҳал этишда ҳам иштирокингиз бўлади. Халқаро аҳволга доир бутунги билимингизни чуқурлаштириб, кенгайтириб борсангиз, бу масалаларни ҳал этишингиз осонроқ кечади, деган умиддаман.

ИККИНЧИ БЎЛИМ

«ЭЗГУЛИКНИНГ МУКОФОТИ ФАҚАТ ЭЗГУЛИКДИР»

ЭНГ ОДИЛ ҲАКАМ

Бурч туйғуси ҳамда пушаймон билан боғлиқ виждон изтироби одам билан ҳайвон орасидаги муҳим тафовутдир. Ақл ва виждонни ўз ҳуқуқларидан маҳрум этиб бўлмайди. Уларга ёлғонлаш мумкин-у аммо уларни алдаш қийин. Соф виждон энг одил ҳакамдир. Алдамчилик, безбетлик, номуссизлик жандасини кийган кимсагина ўз виждони ҳукмидан қўрқмайди. Виждон эгасини ўлдириш мумкин, бироқ енгиб бўлмайди.

Тилимиздаги «виждон», «инсоф» ва «иймон» сўзлари бир маъно англатадимми? Юзакироқ қаралса, шунақага ўхшайди. Аслида ундай эмас. Иймон фақат мўминга хос фазилат. Виждон ва инсоф ғайридинда, ҳатто динсизда ҳам маълум миқдорда бўлиши мумкин. «Маълум миқдорда» дейишимизнинг сабаби – динсиздаги бу фазилатлар комил ва собит бўлмайди. Бугун савдода инсоф ва виждонга итоат этган одам эртага нафс бандасига айланиб, инсофсизлик ва виждонсизликнинг олий намунасини кўрсатиб қўйиши ҳеч гап эмас. Кимдаки иймон йўқ экан, шайтон ҳузурида ғоят ожиз ва ҳақир бўлиб қолади.

Ҳикоят. Савдогар қозига арз қилиб келди:

– Адолат қилинг, яқинда ёнимдаги растада савдо қилувчи биродарим пулга муҳтож бўлиб қолиб, мендан юз тилла танга қарз олди. Қар қуни кўз-кўзга тушиб тургани учун, гувоҳлар чақирмадим, тилхат ҳам талаб қилмадим. Бугун омонатни қайтаришдан сўз очсам, «сендан қарз олмаганман», деб тоняпти.

Қози қарздорни чақиртириб, савдогарнинг даъвосини айтди.

– Бу ёлғончи, олчоқ бир одам, гапига ишонманг, тижоратим гуллаб-яшнаётгани учун ҳасади келиб, ифво тарқатиб юрибди. Мен ундан сариқ чақа ҳам олмаганман, – деди қарздор.

Қози «Сен нима дейсан, бу гапга?» деб даъвогарга қаради.

– Сариқ чақа олмагани рост, бу виждонсиз одам мендан юз тилла танга олган, – деди даъво қилаётган савдогар.

Унинг умидли қарашига эътибор бермаган қози қарздорнинг гапини ҳақиқат деб топиб, озод қилиб юборди. Даъвогар адолат-сизликдан куйиб-ўртана бошлаган пайтда қози уни ёнига чақириб: «Сен бир оз сабр қил. Ҳеч нарса бўлмагандай қўшнинг билан яхши муомалангни давом эттиравер. Мен адолат билан ҳукм чиқаришга ваъда бераман», деди.

Даъвогар қозининг амрини бажарди. Қарздор бўлиб ўтган нохуш воқеани унута бошлади, бир ёлгон гапи билан жазодан қутулиб қолганига хурсанд юраверди. Орадан кунлар ўтгач, қози тўртта хумга ёғ солдириб, иккитасининг ичига битгадан тилла танга ташлаб қўйди-да, даъвогар билан қарздорга қўшиб яна икки савдогарни чақиртириб деди:

– Хизматкорим очкўзлик қилиб, ёғни кўпроқ ғамлаб қўйган экан, иттифоқо кўзим тушиб қарасам, айний бошлабди. Тезроқ сотиб юборилмаса увол бўлади. Сизлардан илтимосим шуки, ҳар бирингиз бир хумдан ёғни олинг-да, ўзингиз инсоф билан нарх қўйиб сотинг. Сотиб бўлганингиздан сўнг хизмат ҳақингизни чегириб, олиб қоласиз.

Бу кунларда ёғнинг бозори чаққон эди. Қозининг таклифини эшитган қарздорнинг очкўзлиги хуруж қилиб, кўзлари чақнаб кетди:

– Буларни уринтириб нима қиласиз, вазифангизни бир ўзим уддалаб бераман, – деди у шошилиб.

– Йўқ, тўрттовингиз бўлиб олсангиз тезроқ сотилади, – қози шундай деди-да, танга ташланган бир хумни даъвогарга, иккинчисини қарздорга берди.

Савдогарлар уйга келгач, хумдаги ёғни тозалаш мақсадида бошқа идишга солди. Даъвогар хумдан чиққан тилла тангани кўриб ажабланди. Сўнг уни олди-да, қозига элтиб берди. Қози унинг ҳалол одам эканига ишонч ҳосил қилди. Қарздор эса хум тагидаги тилла тангани кўриб, шошиб қолди. Ўғлини чақириб: «Бу тилла тангани яшириб қўй, ўзим сўрасамгина берасан», деб тайинлади.

Орадан беш кун ўтгач, савдогарлар келиб ёғнинг пулини қозига топширдилар. Қози учтаси узатган пулни санаб ҳам ўтирмади. Қарздор берган пулни санаб кўриб, унга синовчан тикилди-да: «Сенинг хумингдаги ёғ кўпроқ эди-ку!» деди.

– Кўпроқ эмасди, уйга бориб тортиб кўрганман, – деди қарздор.

– Балки адашаётгандирсан?

– Адашганим йўқ, ёнимда ўғлим ҳам бор эди, ишонмасангиз сўранг...

Қози унга индамади-ю, қўшни хонага чиқиб хизматкорига: «Бу савдогарнинг уйига боргин-да ўғлидан тилла тангани сўра», деб

тайинлади. Хизматкор тилла тангани олиш билан кифояланмай, боланинг ўзини ҳам бошлаб келди.

– Хумдан чиққан тилла тангалар сендами? – деб сўради қози ундан.

– Ҳа, қози жаноблари, – деди бола.

– Қани, менга бер-чи? – қози бола узатган тангани олиб, ажабланди: – Даданг хумдан тўртта тилла танга чиқди, девди, сен менга биттасини беряпсан. Қолганлари қани?

– Дадажон, сиз хумдан тўртта тилла танга топган экансиз, менга биттасини бердингиз, қолганлари қаерда? – деди бола соддалик билан.

– Қанақа тилла танга? Эсинг жойидами, сен боланинг! – деб бақирди қарздор.

– Дадажон, хумни бўшатганимизда тагидан чиқди-ку! Мен биттасини кўрдим, қолган учтасини кўрмадим...

– Эш-шак! Сенга қачон ақл битаркин! – деб газабланди қарздор ота.

Бу манзарадан ажабланган савдогарлар ҳайрон бўлиб тураверишди. Шунда қози қарздорга қараб деди:

– Ҳали ҳам қарзим йўқ, деб тонасанми ё қайтарасанми?

Қарздор жавоб бермай бошини эгди. Қози эса давом этди:

– Битта тилла тангага мутгаҳамлик қилган одам юз тилла танга эвазига виждонини ҳам сотиши мумкин, шундай эмасми? Сен виждонингни худди ошқозонингни тўлдиравериб касал қилганинг каби ишдан чиқарибсан. Пасткашлигинг туфайли виждонинг сийқалашиб кетибди.

Қарздор яна индамай туравергач, қози хизматкорларига буюрди:

– Виждонсизлигини тушуниб етмаган инсонга дарра уриш адолатдандир. Эсини таниб, тавба-тазарру қилиши учун қирқ дарра уринглар!

Бу ҳукмни эшитиб, бола чидай олмасдан йиғлаб юборди-да, отасини қучоқлаб олиб ялинди:

– Дадажон, юз тангани ўн кун ичида қайтаришга ваъда қилган эдингиз-ку! Нима учун ваъдангизга хилоф қилдингиз? Ёнингизда пул бор-ку, дарров беринг, бу шармандаликдан қутулинг!

Катталарга нисбатан болаларда виждон покроқ ва қувватлироқ бўлади. Катталар қайсарлик қилган онларида болалар виждон азобларига чидай олмайдилар. Қозихонадаги бола алҳол фақат отасининг калтакланишидан эмас, хонадонлари шаънига ёғилажак шармандалик балосидан қайғураётган эди. Ота эса баданига тушадиган калтак зарбларидан кўрқиб, талвасага туша бошлаганди. Ота ва боланинг ҳолатига икки хил куч ҳукмронлик қилаётган эди.

Агар кимгадир виждон тарбияси берилиши лозим бўлса, эҳтимол мисолни болалардан олганимиз маъқулдир? Биз – катталар, виждонимизга қарши юриб, бирон ножўя ишга қасд қилган чоғимизда «шу ишим учун боламнинг виждони қандай нола чекар экан?» деган савол қаршисида бир нафасгина тўхтаб олсак қандай гўзал бўлар эди!

Иймон гавҳари инсоф ва виждон қўрғонлари билан асралади. Бошқачароқ таъбир билан айтсак, иймон бир дарахт бўлса, виждон ва инсоф унинг жон томирларидандир. Инсоф ва виждон иймоннинг муаззам саройи қўрғонларидир. Шундай экан, бу уч тушунча мустақил маъноларни англатгани ҳолда, ўзаро занжир ҳалқалари каби мустаҳкам бирлашгандир. Иймонсиз одамда чин виждон ҳам, инсоф ҳам бўлмайди.

Турли суҳбатларда «виждони азоб чекди» деган гапларни эшитамиз. Виждон азоби деярли ҳар бир одамни озми-кўпми қийнаб ўтади. Виждонни дониш аҳли қалбни тирнайдиган тирноғи ўткир ҳайвонга ҳам ўхшатганлар. Виждон азоби бахтсизликдан ўзга нарса эмас. Виждоннинг яраланишига одамнинг ўзи айбдор. Ўз иродасига ҳокиму ўз виждонига қул бўлган, виждони қайтарган нарсалардан ўзини тия олган одамга бу бахтсизлик раҳна сололмайди. Ҳар қандай яра тузалиши мумкин, бироқ виждон яраси бутунлай битиб кетмайди. «Мени ҳеч қачон виждоним қийнамайди», деб катта кетиш дуруст эмас. Чунки банда баъзан билиб, кўп ҳолларда билмай гуноҳлар қилади. Виждон азоби қўлдан кетган фазилатларнинг акс садосидир. Ўз айбини унутиш эса ориятсизликка олиб келади. Кимки ўзининг нобоп қилмишидан уялмас экан, у икки карра айб иш қилади, дейиш мумкин. «Одамлар ҳукмини назарга илмасанг-да, ўз ҳукмингдан қочолмайсан», деб тўғри айтадилар.

Немисларнинг оламга машҳур файласуфи Иммануил Кант: «Дилимизда яшайдиган қонун «виждон» дея аталади. Виждон аслида хатти-ҳаракатларимизнинг шу қонунга мувофиқ келишидир», деб ёзган эди. Дунёда мамлакатлар кўп, уларнинг ўзларига яраша қонунлари кўп. Лекин **«олам аро қонунларнинг қонуни – виждондир!»** десак янглишмаймиз. Ҳақиқат ва тўғрилиқни севадиган одам доим виждони фармонига итоат қилади ва унинг виждонига ҳеч ким ҳоким бўла олмайди. Виждон – ақлнинг қон томири, унинг уриши бизни доим яхши ва ёмондан воқиф этиб туради. Виждонли одам хавфдан холи, хиёнат қилгувчи эса ҳалокат ботқоғида яшайди.

Ўзаро муомалаларда «виждоним қийналиб кетди» ёки «виждоним йўл бермади», деган ибораларни эшитиб тураемиз. «У одамнинг ёмон-

лигини прокуратурага ёзиб бермоқчи эдим, виждоним қўймади»... «Ота-онасига қарамай қўйибди, виждонсиз»... «Виждонинг борми? Инсоф қилсанг-чи!»

Ҳа, виждон – ҳакам. Ҳа, виждон – одамни иймонсизлик жарига қулашидан асраб қола олувчи посбон. Виждонига тескари юрмайдиган одам ҳаётида ўз олдига қўйган вазифаларга тўла эриша олади. Одамлар тилла-ю жавоҳир безакларга ихлос қўядилар, ҳолбуки, энг бебаҳо зийнат – соф виждондир. Виждонни улув ва ажиб бир қудрати бор: у аввало гуноҳсиз одамни ҳар қандай қўрқувдан фориф этади. Гуноҳкорни эса тасаввуридаги ўзи лойиқ бўлган жазо олдида талвасага солиб туради. Ҳалол одамдан виждони буюрганича иш тутишни талаб қилиш ортиқча. Виждонига хилоф иш тутишни талаб қилиш эса – уни ҳақоратлаш демак. Дониш аҳли дейдики: «Қанча-қанча ғам-аламларим бўла туриб, шундан мен тенгсиз бир таскин топаманки, ҳеч қандай душманним ҳам виждонимни тортиб олишга қодир эмас. Мен эсам ҳеч қачон виждонимга раҳна солувчи ўз душманнимга айланмайман».

Агар барча яхши фазилатларни бир фозил мамлакатга қиёс этсак, виждон бу мамлакатнинг подшоси, инсоф ва адолат эса унинг «ўнг қўл» ва «чап қўл» вазиридир. Виждонли одам барча фазилатларни ўзида жамлаган бўлади. У ҳеч қачон бировга зулм қилмайди ёки ҳақиқатдан юз ўтирмайди. Киши бировнинг қайғусидан шодландими, билингки, у виждон эгаси эмас.

Ҳазрати Умар (р.а.) кеча қоронғусида Мадинайи мунаввара кўчаларидан юриб бораётганларида бир уйдан аёлнинг қизига қараб бақиргани эшитилди:

– Сутга озроқ сув қўшиб юбор, дедим сенга! Айтганимни қил! Сўнг қизнинг зорланган овози келди:

– Ойижон, ахир халифамиз бугун жар солдириб, «сутларингизга сув қўшманглар!» деб буюрдилар-ку!

Қизининг ақл ўргатиши малол келгани сабабли энди аёлнинг бақирғи авжга чиқди:

– Айтганимни қил, деяпман сенга! Сутга озгина сув қўшганингни халифа қаердан билиб ўтирибди?

Онасига ҳақиқатни тушунтиролмаганидан сиқилган қиз йиғламосираб деди:

– Ойижон, халифа билмасликлари мумкин. Аммо Аллоҳ Таоло кўриб турибди-ку! Аллоҳдан қўрқмаймизми?

Ҳазрати Умар (р.а.) эртасигаёқ бу уйга совчи юбориб шу қизни ўғилларига олиб бердилар. Уммавийларнинг энг адолатли хали-

фаси Умар ибн Абдулазизнинг бир ён насаби ана шу виждонли қизга бориб тақалади.

Дунё жанжал, уруш бўлаётган жойга ўхшайди. Мушти кучли, моли, пули кўп бўлганнинг овози чиқиб, атрофидагиларидан ҳурмат истайди. Аҳли дониш бу хусусда дейдики, «сен мол-дунёси бор бўлгани учунгина уларга иззат кўрсатиб, бир бурда нон илинжида думини ликиллатадиган итларга ўхшаб қолма. Сенга инсон эканингни англашиб, Ҳақни билдирганларнинг ҳурматларини жойига қўй. Виждонга хилоф иш қилмаслик шундай бўлади».

Сулаймоннинг (алайҳиссалом) вазирлари узукларига «Инсофли одамни Худо раҳмат қилсин», деб ёздириб қўйган эканлар.

*Нафсингдан келади ваҳми қиёмат,
Еёлмай кетганлар кимга қилар дод?
Тупроқдан бошқага тўймас бу кўзлар,
Инсоф ҳам одамга катта бир зийнат.*

Искандар Румийдан сўрадилар: «Машриқ ва мағриб диёрин на тариқа билан олдингим, ўтган подшоҳларнинг ганж ва лашкарлари сендин зиёда эрди, ҳеч бирига мундоқ фатҳ муяссар бўлмади». Искандар деди: «Худонинг мадади била ҳар мамлакатниким олдим, раиятга озор бермадим ва яхшининг отин ямонга чиқармадим».

«Лисонут – тайр»да гўзал бир савол-жавоб ва ҳикоят бор: қушлардан бирининг инсоф хусусидаги саволига Худхуднинг жавоби: – Яхши савол сўрадинг. Бундай одам ҳамма кишилар олдида эъзозланади. Одам учун яхши сифатлар кўп, аммо улар ичида энг шарафлиси – инсофдир. Кимнингки инсофи йўқ экан, у инсон саналмайди. Кишининг феъл-атворида инсофсизликдан ортиқ нуқсон бўлмайди. Бу сифат ҳақиқий мардларнинг ишидир, ҳар қандай киши ҳам унга етавермайди. Ноинсоф киши – одам эмас. Одам инсоф истамайди, аммо беради. Ҳақиқат аҳли кишилардан инсоф талаб қилмайди, чунки уларнинг ўзлари инсоф эгасидир. Агар кимки ўзи инсофли бўлмасдан, ўзгадан инсоф талаб қилса, у ҳақиқий ноинсофнинг ўзгинасидир.

Инсон учун инсофдан яхшироқ сифат бўлмайди. Буни фақат маърифатсиз кишиларгина англамайди.

Киши бир нолайиқ ишга киришаётиб тўхтаसा, бу ҳолатини «виждоним уйғониб қолди», деб изоҳлайди. Кимдир арзимас сабаб билан хотинидан ажрашмоқчи-ю, тирик етим бўлиб қолаётган болаларини ўйлаб, бу йўлдан қайтади. Яна кимдир фитнадан

тўхтайдди. Бошқа бир киши ўзганинг ҳақиға хиёнат қилишдан ўзини тияди. Ҳа, виждон уйғонади! Одамға нисбатан «унинг мутлақо инсофи (ёки виждони) йўқ», дейиш тўғри эмас. Ҳар бир одамда маълум миқдорда бу фазилатлар мавжуд. Фақат, таъбир жоиз бўлса, бу фазилатлар киши қалбида «ухлаб қолган» бўлади. Бу мудроқ фазилатни иймон эгаларидан бири ўзининг чиройли амали билан уйғотиб юбориши мумкин. Хотини билан ажрашмоқчи бўлиб юрган кимса оиласига ғоятда меҳрибон бир одамнинг суҳбатидан баҳраманд бўлса ҳам виждони уйғониб қолиши ҳеч гап эмас. Виждон уйғонади, бунинг учун одамнинг ўзида ишонч ва интилиш бўлиши шарт.

Виждонсиз одамдан бир ёки бир неча кишигина жабр чекса, бунинг азобини кўп гапирмасак ҳам бўларди. Афсус шундаки, виждонсиз ёки ноинсоф кимса ўзининг бу иллоти билан жамиятга катта зарар келтиради.

Виждон ва инсоф ҳақида сўз кетганда адолат мавзусини четлаб ўтиш мумкин эмас. Бу фазилатлар мустаҳкам занжир ҳалқалари каби ўзаро бирлашган. «Тўрт фазилат» (ҳикмат, шижоат, иффат, адолат) деган ахлоқий таълимотнинг тўртинчиси «адолат» деб тилга олинган. Адолат **садоқат, вафо, хизмат, таслим ва таваккул** деб аталган хислатларни ўз ичига олади. Мумтоз адабиётда «адола» шаклида ҳам келади. Масалан: «жоми адола» «одиллик қадаҳи» маъносини беради. Адолат – ҳаққоният, инсоф, шафқат, одиллик демак. «Ҳақ бўлсанг кўрқма. Курашни давом эттир. Ноҳақ бўлсанг, курашма, таслим бўл. Бу энг яхши адолат саналади», дейдилар. «Адолат авжи» – одиллик осмони; «Мажолисун нафоис»да: «... бу адолат авжининг тўлун ойига камлик юзланмасун», деган жумлани ўқиймиз. «Садди Искандарий»да эса бу байт бор:

*Асолат сипеҳрида рахшанда меҳр,
Адолат жаҳонига олий сипеҳр.*

Дейилмоқчики, улуғлик осмонида меҳр жилваланиб турибди-ким, одиллик дунёсининг олий осмонига бир безак кабидир.

«Адолат олами» – инсоф, раҳмдиллик дунёсидир. Байт:

*Ошкор айлаб адолат оламин
Еб сувда мавжуд қурту қуш гамин.*

Шулар каби «адолат партави» – адолат нурини, «адолат сипеҳри» – адолат осмонини, «адолат тариқи» – одиллик йўл-йўриғи, қону-

нини, «адолат чамани» – адолатнинг барқ урган пайтини, «адолат ҳавоси» – инсоф йўл-йўриғини, «адолат уйин садди Искандар эт» эса ҳаққонийлик тузумини мустаҳкамламоқни англатади. Байт:

*Мулозимларини скандарфар эт,
Адолат уйин садди Искандар эт.*

Дейилмоқчики, атрофдагиларни Искандарга доимо содиқ эт, искандарпараст қил ва ҳаққонийлик тузумини мустаҳкамла.

Адолат мажмуасига кирувчи **садоқат** чин дўстлик бўлиб, бунда киши ўзига раво кўрганини ўзгага раво кўриб, ўзига раво кўрмаганини ўзгага ҳам раво кўрмайди, ўзини қандай кўрса, бошқаларни ҳам шундай кўради («Садақа» тушунчаси ҳам шундан келиб чиқади). **Вафо** – кишининг ўз навъига, хусусан, яқинларига мардона муносабатда бўлишидир (Бу хусусда ҳам алоҳида сўз юритиш ниятимиз бор). **Хизмат** – бир кишининг ўз вазифаларини ва бурчларини яхшилаб адо этишидир. **Таслим** – мавжуд қонун-қоидаларни ва кўпчиликка маъқул бўлган нарсаларни ўзига ёқмаса ҳам, мамнуният ила қабул қилишдир. **Таваккул** – ҳар бир ҳаракатнинг охири фақат ўзимга ёки ўзга ишончли шахсларга боғлиқ деб ўйламасдан, борлиқ қонунларига ҳам боғлиқлигини ҳисобга олиб иш кўришдир. Кишининг бажармоқчи бўлган иши натижаси фақат ўзига боғлиқ эмас. Файласуфлар тили билан айтилса, «объектив қонун ва ҳодисаларга», диний маънода айтилса, Аллоҳга боғлиқ. Шунинг учун шахснинг ҳаракати «табиат қонуни»га мос бўлган тақдирдагина яхши натижа беради. Таваккал (таваккул) – Аллоҳга ишониб, суяниб бир ишни бошлаш, жазм қилиш. Байт:

*Мақсудга етмагинг таваккулдин бил,
Хасминга зафар ҳилму таҳаммулдин бил.*

Дейилмоқчики, мақсадга етмоқ учун Аллоҳга таваккул эт, душман устидан зафар қозонмоқчи бўлсанг, юмшоқлик билан сабр эт.

Суҳбатимизнинг шу нуқтасида бир изоҳ шартки, баён этган атамаларимиз ахлоқий таълимот нуқтаи назаридандир. «Адолат» атамаси урфий маънода ёки адлия атамаси сифатида қўлланилса, «садоқат», «вафо», «таслим»... тушунчаларини қамрамайди.

Обиднинг ибодати нафсини, одилнинг адолати оламни ислоҳ этади, дейдилар. Адолат тантанаси учун курашдан кўрқиб, муросасозлик кайфияти билан яшаш – ҳам уят, ҳам жиноят ҳисобланади. Адолатни қуёшга ўхшатадилар. Ҳаммага бирдай нур сочади,

аммо камаймайди. Адолат сувга, зулм ўтга ўхшайди. Зилол сув ҳар доим бало-офатларни келтирувчи оловни ўчиради.

*Адолат фарзанди – зафардир, зафар!
Зулмнинг меваси – зарардир, зарар!*

Низомий ҳазратларининг бу байтларини ўқиганда «Адолатнинг фақат битта сурати бор, зулмники эса мингта», деган ҳикмат ёдга тушади.

«Ал адлу асосул мулк» – «мулк» данғиллама иморат эмас. Боғу роғ эмас. Мустақил ҳукмронлик демакдир, ҳокимият демакдир. «Ҳоким бўлмоқнинг, давлат бўлмоқнинг, раҳбар бўлмоқнинг тамали – адолатдир», дейди ислом. Замонавий, дунёвий тилдаги демократиянинг талаби ҳам шундай.

Одил бўлмоқ...

Ким учун?

Истанбулдаги газламалар чорсусида кадигўйлик Хизир Чалабийнинг қабрлари бор. Бу киши Истанбулга қози эканларида адолат юзасидан ҳукм чиқариб, салтанат ҳукмдори, Истанбулни фатҳ этган фотиҳ Султон Муҳаммаднинг қўлини кесишга фатво берганлар. Во ажаб! Подшоҳни бу жазога лойиқ кўриш?! Сабаб: Фотиҳ Султон Рум меъморининг ишдаги арзимас хатоси учун қўлини кестирган экан. Меъмор қозига арз қилганида у ҳақ бўлиб чиқади ва қози шунга биноан ҳукм қилади. Унинг қаршисида подшоҳнинг обрўйи ва адолат турган эди. Қози адолатни танлади ва Ислом обрўйини кўтарди. Шу адолатни кўрган меъмор адолатга тан бериб, подшоҳдан жарима олиш билан кифояланган экан.

Адолат истовчи бирон-бир фалончидан кўрқмайди. Икки даъвогарнинг сўзларини яхшилаб тингламасдан ҳукм чиқариб бўлмайди. Шошилиш ҳукм чиқарганлар адолат билан ҳукм қилмайдилар. Амир Темур ҳазратлари бу борада хатога йўл қўйганларини афсус билан қайд этганлар: «Яқинларимдан баъзилари ёлғиз қолганимизда ва одамлар олдида улуғ ва эътиборли амирларимдан бўлган амир Аббосга ҳасад ва душманлик қилиб, унинг ҳақида бўлмағур гапларни айтдилар. Ёлғон сўзлари шамоли билан ғазабим ўтини алангалатдилар. Натижада, гапларини текшириб кўрмасдан ғазаб устида амир Аббосни ўлимга буюрдим. Охир-оқибатда уларнинг амир Аббос ҳақида хиёнат қилганларини англадим ва қилган ишимдан ўкиниб, жуда пушаймон бўлдим».

«Валав ало анфусикум вал волидайни вал ақрабин» («Нисо» сурасидан). Ўзларингизнинг зарарингизга бўлса ҳам, ота-она,

қариндош-уруғларнинг зарарига бўлса ҳам, тўғри гувоҳлик беринг. Адолат билан ҳукм этинг, адолатдан айрилманг», дейди Ислоом. Виждонли одам ўз зарарига гувоҳлик бериб, «Мен хато қилдим, айб менда, ёмонликни мен қилдим, мен жазоланишим керак», дея олиши керак.

Ҳазрати Умар (р.а.) халифа бўлганларидан кейин сўрадилар:

– Халойиқ, мен адолатдан узоқлашсам, нима қиласизлар?

– Агар адолатдан узоқлашсангиз, қиличимиз билан сизни тўғри йўлга соламиз, – дедилар.

– Алҳамдулиллаҳ! – дедилар ҳазрати Умар. – Янглиш йўлга кирсам, мени қиличлари билан тўғри йўлга бошлайдиган мусулмонлар бор экан!

Машҳур Ислоом қозиларидан бири Қози Шурайҳ ҳузурларига икки киши адолат истаб келди. Қози қарасаларки, бири зуннор боғлаган ғайридин, иккинчиси эса мусулмон. Қози: «Оҳ, қанийди, мусулмон ҳақ бўлса», деб кўнглидан бир умидворлик ўтказибди. Аммо муҳокама қилса, ғайридин ҳақ, мусулмон эса ноҳақ чиқибди. Ғайридиннинг ҳақлигини айтиб, унинг фойдасига ҳукм чиқарибди. Кейин эса қози: «Нега энди менинг қалбим муҳокамадан олдин бир томонга оғди, мен қандай кўринишдаги қозиман?!» деб умрининг охиригача кўз ёши тўкиб, тавба ва истиғфор қилган экан.

Адолатни англаш, ҳис қилиш ана шундай. Бу адолатга кўра, ҳар бир шахс, жамоат ва ҳар бир қавмга одилona муомалада бўлинади. Унда ҳавойи нафсга, дўстлик ёки душманликка, насабга, қудачилик ёки қариндошликка, бойлик ёки камбағалликка, кучлилиқ ёки заифликка қараб муомала қилинмайди. Ҳамма учун бир адолат ўлчови бор. Амир Темур ҳазратлари мамлакатдаги адолат саройини тиклашда бунга катта аҳамият берганлар. «Агарда набиралар ёки қавм-қариндошлар душманлик қилишса, уларни маошларидан маҳрум қилиб, дарвиш ҳолатига солсинлар», деб амр этганлар.

Адолат – тўғрилиқ, Ҳақдан озмаслик эканини англадик.

Ҳикоят. Вазир ҳузурига мулалар келишиб: «Фалон амалдор ўлар олдида васиятнома ёзиб, бойлигидан бизларга ҳам маблағ ажратган экан. Фарзандлари васиятномага амал қилмаётирлар. Бор бойликка ўзлари эга чиқиб, бизларни маҳрум қолдирдилар. Бизларнинг ҳаққимизни ундириб беринг», деб арз қилдилар.

Вазир амалдорнинг ўғлини чақирди. Васиятномани барчанинг ҳузурда овоз чиқариб ўқиди:

«Ўн минг тилла пулимни фарзандларим ва мулаларга беришни васият қилиб қолдираман. Вафотимдан кейин мулалар истаганларини фарзандларимга, қолгани эса мулаларга берилсин».

Вазир муллаларга қараб: «Сизлар қанчасини истайсиз?» – деб сўради.

– Тўққиз минг беш юз тиллани истаймиз, – дейишди.

– Мен шариат бўйича адолатли ҳукм қилсам, рози бўласизларми? – деб сўради вазир улардан.

– Албатта рози бўламиз, биз шариатнинг буйруқларини ижро қилувчилармиз, шариат нимани буюрса, ўша бўлади, – дейишди.

Вазир шундай ҳукм қилди:

– Васиятномада: «**муллалар истаганини**» фарзандларимга берилсин, дейилган. Сизлар тўққиз минг беш юз тилла истайсизлар. Васиятномага амал қилиб, сизлар **истаган** маблағни, яъни тўққиз минг беш юз тиллани амалдорнинг фарзандларига бераман. Қолган беш юз тилла сизларнинг ҳақингиз. Мана, кўриб турибсизлар, амалдорнинг фарзандлари ҳам кичик, сағир болалар. Сағирнинг ҳақини ейиш шариат бўйича ҳаромдир. Албатта, сизлар ҳаром нарсани емайсизлар. Шунинг учун сизларга қолаётган беш юз тилла ҳам уларга берилади. Шариат бўйича тўғри, адолатли ҳукм қилдимми, тақсирлар?

Муллалар нима ҳам дея олишарди...

Инсон аввало ўзига адолатли бўлиши, сўнг бошқаларга адолат кўрсатиши лозим. Зеро, ўзига адолатли бўлмаган киши бошқаларга адолат кўрсата олмайди. Киши ўзини яхшиликларга ундаса, ёмонликлардан қайтарса, барча ҳолларда ҳаддан ошмаса ва камчиликларга йўл қўймаса (яъни, мўътадил сифатли бўлса), ўзига нисбатан адолатли бўлади, дейишган.

Кишининг ўзгаларга нисбатан адолатли ҳисобланишини ҳукамолар мана бундай тартибда баён қилишган: кишилар бир-бирига нисбатан мавқе жиҳатидан юқори, паст ё тенг бўладилар. Шахснинг ўзидан пастдагиларга осонлик туғдиришга ҳаракат қилиши, қийинчиликларни кетказиши, зўравонлик қилмаслиги ва ҳақни исташи уларга адолат қилгани бўлади. Унутманг, бошлиқ адолат қилишни истамаса, қўл остидагилари бўйсунини истамайди. «Қайси мамлакатнинг аҳолиси ўз ҳокими ёки валийсидан озор чеккан ва ўша диёр аҳдининг кўнгли ўз валийсидан қолган бўлса, – дейдилар Амир Темур ҳазратлари, – мамлакатларни забт этувчи чинакам подшоҳ у ерларни ўз тасарруфига олсин. Одил подшоҳ у ерга қадам қўйиши билан фатҳу зафар ҳам унга ёр бўлиб, бирга киради. Бунга мисол, мен Хуросон вилоятини карт султонларидан ажратиб олдим. Хуросон пойтахти Ҳиротга қараб юзланишим билан Султон Фиёсиддин бутун мамлакатни, хазина-дафиналари билан, пешкаш қилиб менга топширди».

Шахснинг ўзидан юқоридаги кишига адолати – унга чин кўнгилдан итоат қилиши, ёрдамани аямаслиги, садоқат кўрсатиши билан бўлади. Димоғдор, одобсиз бўлмаслик ва озор етказмаслик – шахснинг ўзига тенг кишиларга адолатидир.

«Қутадғу билиг»да Кунтуғди Элиг – адолат тимсоли. Бир куни Кунтуғди Элиг Ойтўлдини ҳузурига чорлайди. Ойтўлди унинг ҳузурига кириб, ҳайратдан ёқа ушлайди: уч оёқли курсида ўтирган Элигнинг қўлида ўткир ханжар, ўнг томонида шакар, сўл томонида эса заҳар турган эди. Унинг қошлари тугилган, юзи тўмирилган. Ойтўлди бу ҳолатнинг сабабини сўради. Кунтуғди айтди:

– Мен подшоҳ сифатида адолат тимсолиман. Қўлимда кескин ханжар. Бу менинг кимлигимга ишора. Мен ҳар қандай ишни шу ханжар каби қирқаман, ҳал қиламан.

*Кимга етса хорлик, қилурман ҳиммат,
Менинг ҳузуримда топгай адолат.
Шакар ичганидек шод бўлар ул киши,
Севинчга тўлади, тарқар таишиши.
Менинг заҳаримдин кимда ким ичар,
Ўзи золим бўлса, ростликдан қочар.
Ҳузуримга келса бирор бемаъни,
Заҳар ичган мисол қақшайди тани.*

Ўғлим ёки яқинларим ёхуд чақмоқ каби ўткинчи меҳмон бўлсин, адолат борасида улар мен учун бир хилдир. Мен учун мезон ва асос – тўғрилиқ. Бошлиқ элига тўғрилиқ ва адолат кўрсатса, у барча тилак ва орзуларига етади.

Авлодларга ибрат бўлсин, деган мақсадда подшоҳлар ёки ҳокимлар мисолида кўп ривоятлар қолдирилган. Тарихда адолатли ҳукмдорлар ҳам кўп бўлган. Уларнинг исмига халқ «одил» сифатини қўшиб эслайди: Умарул одил, Нўширавони одил...

Подшоҳ ҳар Наврўзда халққа зиёфат берарди. Шундай зиёфатларнинг бирига келганлар орасида ғоят камбағал бир киши бор эди. У қорни тўйгач: «Бу идишлардан бирини олиб кетиб сотсам, муҳтожликдан қутулар эдим, чорасизликдан қилган бу гуноҳимни Аллоҳ Таоло ҳам, подшоҳ ҳам кечирар», деб ўйлаб, қимматбаҳо идишлардан бирини кийими орасига беркитди. Подшоҳ унинг бу ҳаракатини кўриб турган бўлса-да, индамади. Зиёфат тугагач, хизматчилар қимматбаҳо идиш йўқолганини аниқлаб, подшоҳга арз этдилар, барчани тинтиб чиқишга изн сўрадилар.

– Текшириб, одамларни хижолат қилманглар, – деди подшоҳ. – Идишни бирон муҳтож киши ғоят эзилганидан олгандир. Унинг олганини кўрган киши эса чақимчилик қилмайди.

Идишни олган киши уни сотиб, пулини турмушига яратди. Ўзига янги уст-бош олди. Кейинги Наврўз зиёфатига янги либосини кийиб келди. Зиёфатдан кейин подшоҳ уни имлаб, ёнига чақирди:

– Устингдаги янги кийим ўша идишнинг пулига келмаганми? – деб кулиб сўради.

– Сизнинг шафқат соянгизда шу кийимларга эга бўлдим, – деди у киши уятдан қизариб. – Муҳтожлик мени шу гуноҳ ишга мажбур қилди. Мени кечиринг. Қилган ишимдан виждоним қийналиб юрибди.

– Бундан сўнг эгасидан сўрамасдан бировнинг нарсасига қўл тегизмай, эҳтиёжингни менга келиб айт, ёрдам қиламан, – деб одил подшоҳ инъом-эҳсон қилиб, уни шодлангирди.

Амир Темур ҳазратларининг адолатлари ҳақида ҳам ибратли ҳикоялар кўп. Ул зотнинг: «Куч – бирликда, қудрат – адолатдадир», деган ҳикматларининг ўзиёқ қай даражада одил бўлганларига бир далолатдир. «Темур тузуклари»да ўқиймиз: «Қайси мамлакатни забт этган бўлсам, ўша ернинг обрў-эътиборли кишиларини азиз тутдим, саййидлари, уламолари, фузало ва машойихига таъзим бажо келтирдим ва ҳурматладим, уларга суюрғол, вазифалар бериб, маошларини белгиладим; ўша вилоятнинг улуғларини оғаниларимдек, ёшлари ва болаларини бўлса, ўз фарзандларимдек кўрдим... Ҳар мамлакатнинг яхши кишиларига мен ҳам яхшилик қилдим. Нафси ёмонлар, бузуқлар ва ахлоқсиз одамларни мамлакатимдан қувиб чиқардим... **Ҳар мамлакатда адолат эшигини очдим, зулму ситам йўлини тўсдим...**»

Бутун мавжудотлар инсоннинг амрига берилган. Яъни, инсонга бошқа мавжудотларга қараганда устунлик берилган, у шарафли этилган. Шунинг учун инсон барча мавжудотларга нисбатан адолатли ва марҳаматли бўлиш мажбуриятидадир. Қиёмат қойим бўлгач, ҳайвонларга савол-жавобдан кейин «тупроққа айланинглар!» деб амр қилинади. Инсонлар эса, агар улар ҳайвонлар ҳақида хиёнат қилган бўлсалар, бунинг учун жавоб берадилар.

Ҳақиқатга кўра, барча инсонлар бир-бирлари билан тенг ҳуқуқлидирлар. Подшоҳ билан қул, бой билан камбағал бир сафда туради. Ҳатто мусулмон билан ғайри дин инсон сифатида адолат ҳузурида тенгдирлар. Юқорида тилга олганимиз Фотиҳ Султон жоме масжидининг қуббасини ноқис қуриб қўйган меъморни жазолагани учун маҳкамага чақирилганда Истанбул қозисининг

ҳузурида юқорига ўтирмоқчи бўлди. Шунда қози: «Подшоҳим, бу ер адолат маконидир! Айбдор, жойингизда ўтираверинг», деб танбеҳ берди.

Виждон ва инсоф, адолат ва тенглик хусусидаги суҳбатимиз бу бобда яқун топмайди. Чунки инсонга хос ҳар бир фазилат асосида виждон ва инсоф, адолат ва тенглик ётади. Шу боис кейинги суҳбатларда ҳам бу мавзуга қайта-қайта мурожаат этилади.

НАЖОТ ПОЙДЕВОРИ

Яхши кишилар бировдан ёмонлик кўрса ҳам яхшиликдан айрилмайдилар. Умри яхшилик қилиш билан ўтган киши вафот этса ҳам, яхшилиги яшайверади. Тарихда номлари зарҳал ҳарфлар билан ёзилган улуғлар ҳаётига боқайлик: доимо яхшилик билан инсонларга хизмат қилдилар. Асло ёмонлик қилмадилар. Ҳақиқий инсонийлик шундадир. Ёмонликка ёмонлик билан жавоб бериш – ҳаққимиздан, яхшилик билан жавоб бериш эса инсонийлигимиздан.

Бир чумоли сувга тушиб, чўкиб кетаётган эди. Уни кўрган кабутар дарҳол тумшуғига бир сомон чўпини олиб, унга узатди. Чумоли сўнгги қувватини тўплаб, чўпга осилди. Кабутар чумолини қутқариб қолди. Чумоли миннатдорчилигини қандай изҳор этишни билмай, унга меҳр билан қаради. Кабутар учиб кетди. Эртасига чумоли овчининг кабутарни нишонга олиб турганини кўрди. Чумоли бор қуввати билан югуриб, овчининг ёнига борди. Оёғидан ўрмалаб, бошига чиқиб олди ва кўзини шундай чақдики, овчи жон аччиғида милтиғини қўлидан тушириб юборди. Кабутар ҳам овчини кўриб қолиб, учиб кетди.

Бу ҳикоятдан мақсадни тушуниб етиш унча қийин эмас: яхшилик унутилмас эканлиги шундай аниқ кўриниб турибди. Бу ҳикояга инсонларнинг бир-бирига яхшилик қилиши ҳақидаги ҳикмат сингдирилган. Шундай вақтлар бўладикки, энг бечора киши ҳам баъзан казо-казолар қила олмаган ишларни қилиб, кўпчилик инсонларни ҳалокатдан қутқаради. Кабутар осмонда учиб юргани билан ер томондан бўладиган офатдан озод эмас. Шундай вақт келадикки, киши ожиз ва ночор деб ҳисоблаган одам унга энг катта ёрдамни беради. Бу дунёда ҳар кимга ҳар хил ҳунар ва қудрат берилган. Бунда инсонлар бир-бирларига муҳтож бўлсинлар ва бир-бирларига ҳурмат билан боғлансинлар, деган ҳикмат бор.

Инсонийлик яхшилик асосига қурилгандир ва одам болаларига «Вафъалул хойро лааллакум туфлихун» яъни, «Яхшилик қилингиз-

ларки, нажот топасизлар», деб буюрилган. Яъни, бир-биримизга **доимо** яхшилик қилишимиз кераклиги, фақат шу йўл билан гўзал саодат қасрига етиб боришимиз мумкинлиги таъкидланяпти.

Демак, нажотнинг пойдевори яхшилик экан. Инсон бу дунёда қилган яхшилиги учун жаннат саодатига эришади, яъни дунё майдонига яхшилик уруғини экса, охиратда унинг савоб ҳосилини йиғиб олади. Ёмонлик қилган кимса эса охиратда ҳам яхшилик кўрмайди. Зеро, яхши инсон ҳеч қачон яхшиликни унутмайди.

Шайх Саъдийдан мазкур фикрни тасдиқ этувчи бир **ривоят**.

Фақир улуғлардин бир тоифа била кемага минмуш эрдик. Кеманинг изида бир қайиқ келур эрди. Ҳақ таоло тақдири била фарқ бўлди. Онинг аҳлидин икки биродар гирдобга тушдилар. Улуғлардин бири кемачига деди: «Бу икки биродарни тутғил, то ҳар бири учун сенга эллик тилло берурман». Кемачи ўзин сувга ташлаб, юзиб бориб бирин тутуб ўлимдин қутқарди ва ул бири фалокат қаърига борди. Фақир дедим: «Ул бирининг умри тугонмиш эркан, ул жиҳатдин они тутмоқда таъхир воқеъ бўлди ва мунинг умри боқий эркон, ложарам, муни тутмоқда таъжил кўргузилди». Кемачи деди: «Бали, сўзунг ростдур ва лекин менинг кўнглум муни ҳалокатдин қутқармоққа кўброқ майл этди, нединким, бир кун биёбонда пиёда келур эрдим. Бу мени тевасига миндурди ва ул бири бир вақтда менга бир тозёна урди, иккови ҳам қилгон амалининг жазосин кўрди».

Ҳа, яхшилик инсонни омонликка ва фароғатга олиб келади. Чўкаётганлардан бири қачондир кемачини туясига мингаштириб олган экан. У яхшилик қилиш учун сира заҳмат чекмаган. Қалбида яхшилик нури бор бўлгани учун ҳиммат қилган холос. Иккинчиси эса урган. Кемачининг унинг ёмонлигига ёмонлик қайтариш нияти йўқ. Унинг чўкиб ўлишини ҳам истамайди. Лекин иккидан бирини танлашга мажбур бўлганда, шубҳасизки, яхшилик кўрсатган одам томон кўнгли чопди. Кемачи ёмонлик қилган одамни қутқариш учун ҳам сувга тушди. Лекин вақт ўтган эди. Кемачида айб йўқ. Ёмонлик қилган одам ўз амалига яраша жазо олди. Ар-Раҳмон сура-расидан таъкидки: **«Эзгуликнинг мукофоти фақат эзгуликдир»**.

«Танбеҳул ғофилун»дан ҳикмат: «Учта иш жаннат аҳлининг ахлоқларидан, улар фақат яхши кишилардагина топилади: ёмонлик қилувчига яхшилик қилиш; зулм қилган кишини кечириш; бирон нарсадан маҳрум этган кишига яхшилик қилиш».

«Қутадғу билиг»да Ўзгурмишнинг Элига ёзган мактубида бу байт бор:

*Ғофил бўлма Элиг, ухлама, кўз оч,
Сендан кейин қолсин, эзгу уруғ соч!*

Абдураҳмон Жомий айтдилар:

– Анушервон мажлисида румлик, ҳиндистонлик ва эронлик донишманд Бузургмеҳр ҳозир эдилар. Суҳбатлашиб ўтирар эканлар, сўз «Ҳамма нарсадан оғирроқ, қаттиқроқ нарса нима?» деган саволга этди. Румлик донишманд:

– Қарилик, танглик, йўқчилик, – деди.

– Касаллик ва ғам-андух, – деди ҳиндистонлик.

– Ҳамма нарсадан оғирроқ ва қаттиқроқ нарса – ажалнинг яқинлашиб қолиши ва ҳаётда яхшилик қилмай, ёмон номга эга бўлиб вафот қилиш, – деди Бузургмеҳр. Мажлис аҳди бу фикрга қўшилди.

Саййидимиз Муҳаммад алайҳиссалом деганлар:

«Яхшиликни раҳмдил, меҳрибон умматларимдан кутинглар. Шунда сизлар улардан умид қилган марҳаматларга эришасизлар. Тошбағир, қаттиққўл, бераҳм умматларимдан зинҳор яхшилик кутманглар, зеро, уларга Аллоҳ Таолонинг лаънати ёғилиб туради. Эй, Али! Аллоҳ Таоло яхшиликни яратганда унинг ўз аҳлини ҳам алоҳида яратган ва уларга яхшилик ва хайрли ишларни яхши кўрсатиб қўйган. Шунинг учун улардан ким яхшилик кутса, албатта мақсадга эришаверади. Бунинг мисоли чанқоқ бўз ерга сув қўйиб юборилса, у ер қанчалик яшнаб эгаларини сероб қилгани каби яхшилик аҳли ҳам одамларга шунчалик манфаат ва баҳра етказур. Бу дунёдаги энг яхши кишилар охиратда ҳам яхшилар қаторида тургайлар».

«Улар энгилликда ҳам, оғирликда ҳам нафақа қиладиганлар, ғазабини ютадиганлар ва одамларни афв қиладиганлар. Аллоҳ яхшилик қиладиганларни ёқтиради» («Оли Имрон» сурасидан). У одамлар яхшилик қилишда собитқадамдирлар. Ҳаётлари энгиллашиб, ҳамма нарсалари сероб бўлиб кетса ҳам, ҳовлиқиб, ҳаддиларидан ошиб, фисқу фасодга берилиб кетмайдилар. Балки ўзларини босиб, хайр-эҳсон, нафақа қилишда бардавом бўладилар. Шунингдек, бошларига оғирлик кунлари тушса ҳам, сиқилиб, ўзларини ноқулай сезиб, бахиллик йўлига ўтиб олмайдилар. Балки нафақа қилишда бардавом бўлаверадилар.

Ҳар бир одам ўз яхшиликларидан ўзи сарой қуриши керак, бунини «охират саройи» деб атасак ҳам бўлади. Бу борада отаси қуриб қўйган саройда яшай олмайди. Ундаги қулайликлар ва имтиёзлардан фойдалана олмайди. Қиёматда кимсанинг «Отам намозхон эди,

ҳимматли эди», деган даъвосига қулоқ солинмайди. «Ўзинг қандай яхшиликлар қилгансан?» деб сўралади. Бу дунёда кўркам яхшилик саройи бунёд этган бўлса, фоний дунёда ҳам жаннат саройларида яшар, инша Аллоҳ! Агар қилган яхшиликлари ғарибгина кулба каби бўлса... Шунисидан Аллоҳ асрасин!

Мазкур фикрни ўзгачароқ тарзда баёни: бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам одам боласининг бошига саодат соябони бўлувчи фазилат – яхшиликдир. Бу соябонни сотиб олиш мумкин эмас. Бошқа одам ҳам ясаб бера олмайди. Ҳар бир киши уни ўз амаллари билан ўзи ясайди. Саодат соябонининг ҳажми ва гўзаллиги қилинган яхши амалларнинг даражасига боғлиқ. Одам кишиларга қилган яхшилиги қадар яхши одамдир. Саодат ва фароғатга ёмонлик аталмиш ботқоқдик орқали етаман, деган инсон нодондир, бадбахтдир.

Тўғри, яхшилик туфайли бунёд бўлувчи бу соябонни ясашни кимсага ўзгалар ўргатиши мумкин. Демак, яхшиликнинг миқдори ва миқёси, ҳолислиги устознинг таълимига ҳам боғлиқ экан. Риё ва миннат кўлмагидан сув ичувчи яхшилик яхши соябон бўла олмайди. Бировга қилинган яхшилик учун сира надомат чекмаслик керак. Ҳолислик ила яхшилик қилиб қўйиб, сал фурсат ўтмай надоматга берилса, бу иллати кишини ёмонликка элтиб, яхшиликдаги савобнинг йўқолишига сабаб бўлади. Кимгадир хизмат қилиш лозим бўлиб қолган бир пайтда нафл (қўшимча ихтиёрий) ибодатлари, яъни: нафл намози, нафл рўзаси, нафл зикри... тарк этилиши мумкин. Чунки нафл ибодати инсоннинг ўзигагина фойда етказди. Бироқ, бошқа бир кишига хизмат қилиш – жамиятга хизмат қилишдир. Бунинг савоби кўпроқдир. Иброҳим алайҳиссалом Каъбани қайта бунёд қилганларида тўрт бурчагининг ҳар бир бурчагида минг ракаатдан намоз ўқиб: «Раббим, шундай ибодат қилдим, сенга маъқулми, мақбулми? Сенга янада яхшироқ, мақбулроқ ибодат борми?» деб сўрадилар. Ваҳий келдики: «Ҳа, ё Иброҳим, бир фақир камбағалга бир луқма нон бериш...»

Бирон бир кимсага яхшилик қилинса, шуни билиш жоизки, сизнинг саховатингиздан у одам беҳад шод бўлиши баробаринда ўзингиз ҳам бу ҳимматингиздан шунчалик завқ ола билишингиз керак. Бундай завқ фақат беминнат ва ҳолислик ила яхшилик қилувчиларга насиб этади. «Яхшилик қил – дарёга сол, балиқ билур. Балиқ билмаса – Холиқ билур», деб бежиз айтилмаган. Ҳазрати шайх Суфёни Саврий дедилар: «Кимки ихлос билан бир амални қилса-ю кейин ўша амалга мақтаниб, «мен фалон ишни қилдим», деса, қабул бўлган ўша амали яхшилик рўйхатидан ўчирилиб, риё рўйхатига ёзилур».

Низомий ҳазратларидан байт:

*Умримиз-ку шому хуфтон ораси
Яхшилик қилади одам сараси.*

Ривоят. Бағдод шаҳрига ёнғин тушди. Бир хожанинг икки ўғли олов ичида қолди. Ота-онаси фарёд уриб, чора топа олмадилар. Ҳазрати шайх Абул Ҳусайн Нурий (қ.с.) у ердан ўтаётган эдилар. Дарҳол ўт ичига кирдилар-да, болакайларни олиб чиқдилар. Олов у кишини куйдирмади, балки ул муборак зот учун гулистон бўлди. Болаларнинг отаси ҳазратга миннатдорлик билдириб, бир коса тўла тилла тутди.

– Нурий тилла олса, оловдан болаларни чиқара олмас! – деб жавоб бердилар.

Ривоятдан мурод шулки, фақатгина холис яхшиликнинггина оқибати хайрли бўлади.

Абдуллоҳ ибн Масъуддан ҳикмат: «Яхши одам бўлиш учун ибодат қилишнинг ўзи кифоя эмас. Балки яхши қалбли ва ёмонларни ёмон кўрувчи бўлиш керак». Ёмонларни ёмон кўриш – уларга ғазаб ва нафрат ўқларини отишдан иборат эмас. Ҳатто улардан юз ўгириб кетиш ҳам эмас. Аввалги суҳбатимизда айтганимиздай, баъзилар ёмон одамни дуои бад қилади, ҳатто ўлим тилайди. Ёмон одам ўлгани билан дунё бирдан гўзаллашиб кетмайди. Бировдан ёмонлик кўрган одам, дарров ғазабланмасдан унга инсонийлик йўлини кўрсатишга интилиши керак. Балки бу сўзлари уни ислоҳ қилар. Шифобахш дори каби бўлар. Ҳазрат Румий дедиларки: «Дўстингдан бир жафо келганда унинг минг марта вафо қилганини унутма. Чунки яхшилик гуноҳ олдида шафоатчи кабидир».

Юқоридаги сатрларда яхшиликни **доимо** қилиш зарурати ҳақида фикр билдирилди. «Доимо» сўзига урғу беришим бежиз эмас. Орол денгизига дарё суви етарли қўйилмаётгани оқибатида қуриб бораётгани каби баъзи-баъзида қилинган яхшиликлардан савоб денгизи лиммо-лим бўла олмайди. Ҳар бир нарсада исроф бор, **яхшиликда исроф йўқ**. Баъзан «Фалончига шунча яхшилик қилдим, бўлди етар», деган гапларни эшитиб қоламиз. Яхшиликда «бўлди, етар!» деган тўхтама ҳам йўқ. Бошқачароқ айтилса, яхшиликни етарли деб, ёмонликни эса оз, деб билмаслик шарт. Суқрот ҳаким дедилар: «Кўнглингизда яхши бир иш қилиш ҳаваси уйғонса, у ишни бажаришга дарҳол ошиқинг, бир бадгумонлик яхши ишдан сизларни қайтариб қўймасин. Бир ёмон иш қилиш кўнглингизга келса уни ижро қилишга ошиқ-

манг, ўйлаб кўринг, шояд хотирангиз у ёмон ишдан нафрат қилиб, яхшилик тарафига айланса».

Шошилиш ҳақидаги даъватга эътиборсиз бўлмаслик керак. Тўғри, кўп ҳолларда шошилиш фазилат саналмайди. Лекин яхшилик қилишга тааллуқли ишларда шошилиш зарур. Чунки яхшилик қилиш имконияти қўлдан кетиб қолиши мумкин. Фараз қилинг, бир ожиз одам катта кўчани кесиб ўтмоқчи. Сиз муқобил томондан келяпсиз. Сиз «орқамга қайтиб, бу одамга ёрдам берсаммикин?» деб ўйлаб, бир қарорга келгунингизча у кишини бошқа бир йигитча етаклаб олиши мумкин. Ёки Худо кўрсатмасин-у, бирон фалокат юз бериши эҳтимоли ҳам бор. Шошилмаслик оқибатида савоб қўлдан кетди. Йўлда юриб бораётганимизда турли тош ёки бошқа нарсаларни кўрамиз. Бироқ, эгилишга эринамиз. Машина йўли ўртасида нимадир ётган бўлса, маркабимизни тўхтатиб, тушиш малол келади. Маркабни четлатиб ўтиб кетаверамиз.

Абу Барада ал-Асламий Расулulloҳга (с.а.в.) «Ё Расулulloҳ! Менга бир амал буюрингки, ўшани қилгач, жаннатга киришга сазовор бўлай», деб мурожаат қилдилар. Аллоҳ Таолонинг элчиси марҳамат қилдилар: «Кишилар юрадиган йўлдан уларга озор берадиган нарсаларни олиб ташласанг, жаннатга кирасан». Бошқа бир ҳолатда дедиларки: «Бир киши кўчада ётган тиканни кўрди-да, бу тикан бирорга мусулмоннинг оёғига кириб, озор бермасин, деб четга олиб ташлади. Мана шу иши туфайли унинг гуноҳи кечирилади». Эътибор бердингизми: «жаннатга киришни хоҳласанг, камбағалга сарой қуриб бер ёки кўприк бунёд эт», деб буюрмадилар. Ҳа, бу ишлар ҳам катта савоб. Лекин бу ишларга барча ҳам қодир эмас. Ким бадавлат бўлса йўл қурсин, кўприк бунёд этсин, садақатул жориянинг гўзал амалини бажарсин. Бундай ишларга кучи етмаганларга эса битта тиканни олиб ташлаш ҳам кифоя. Шу ўринда яна бир гапки, масжид ёки кўприк қурдирган кимса савобнинг каттасига эришдим, деб керилиб юравермай, ўша тиканга дуч келса, у ҳам эгилиши керак бўлади.

Бир воқеа каминага сира тинчлик бермайди. Бир неча йил аввал тоғ йўлида автобус ҳалокатга учради. Бурилиш жойида ағдарилиб, тезлик катта бўлгани сабабли қабристон деворини бузиб, дарахтларни синдириб ўтди. Автобустаги болаларнинг кўпи ўлди. Яраланганлари эса тез ёрдамга муҳтож эди. Шу атрофдаги одамлар ёрдамга шошилишди. Аммо бу яқин ўртада сув йўқ эди. Бир йигит катта йўлдан ўтаётган автомашиналарга қўл кўтариб тўхтатмоқчи бўлди. Айримлар тўхташди, «Сув борми?» деган саволга «Йўқ» деб жавоб бергач, йўлларида давом этаверишди. Ай-

римлар эса маркабларини секинлатишди, даҳшатли манзарани кузатишди-ю, яна тезликларини ошириб кетаверишди. Уларнинг хаёлига «шу бечоралар орасида бирон қариндошимнинг ёки танишимнинг фарзанди бордир», деган ўй келмади. Илтижо билан ёрдам сўровчининг ҳимоячиси бўлишдан яхшироқ эзгулик йўқлигини ҳам фаҳм этмадилар. Бу воқеани эслаганимда яна бир ўй қалбимни тирнайди: улардан қай бирларидир эртасига ҳалок бўлганлар орасида танишлари борлигини билиб, жанозага ёки фотиҳага боргандирлар. Қайси виждон билан бордилар экан? «Эҳтимол, кеча мен сув топиб келганимда шу бола ўлмай тирик қолармиди?» деган ўй юракларини эзмадимикин?

Бу орада хорижликларнинг машинаси тўхтади. Уларда ҳам сув йўқ эди. Японлар фожиага ачиниш билан қараб, иложсизликларидан афсусда эканликларини ишора билан маълум қилиб кетишди. Аммо орадан беш дақиқа ўтмай қайтишди. Фожиа содир бўлган жойдан икки чақирим нарида дўконлар, ошхоналар тизими бор эди. Японлар у ердан кўп миқдорда ичимлик суви сотиб олиб, изларига қайтишибди. Японларнинг қайси динга мансуб эканликлари бизга маълум эмас.

Қаранг, баъзи бировлар обрў-мартабаларни даъво қиладилар-у, аммо одабийликнинг талабларига риоя қилмай ўтиб кетаверадилар. Сув сўралган маркаб эгалари ҳам дўконлар ёнидан ўтишган. Эҳтимол, сув олиб қайтишга, бечораларга ёрдам беришга фаросатлари етмагандир, эҳтимол орқага қайтишга эрингандирлар. Бизни янада таажжубга соладигани – маркабда ҳайдовчидан ташқари яна тўрттадан одам бор эди. Тўхтамай ўтиб кетганларга улар танбеҳ бермадилар. Тўхтаса-да, «сув йўқ» деб кетувчилар орасида «шу яқин орадан сув излаб кўрайлик», дегувчи инсоф эгаси топилмади.

Яхшилик қилувчиларнинг икки тури мавжуд: бири – туғилганидан бошлаб яхши тарбия олгани сабабли, умрининг охиригача эзгулик йўлидан оғишмайди. Фақат тўғрилиқ йўлини адо этаверганлари сабабли уларни тарбия қилган ота-оналари ҳамда устозлари олқишланади. Афсуски, биз кузатган кишилар бу тоифадан эмас экан. Иккинчи гуруҳ ўз қарашларида собит туролмайди. Улар ёмон ва ярамас кишилар орасига тушиб қолса, ўзлари танлаган йўлдан чиқишлари, хато ва адашишлар сари кетишлари ҳам ҳеч гап эмас.

Фожиага бепарқ бандалар орасида шу иккинчи тоифага мансуб кишилар бўлган. Афсуски, йўлдошларини яхшилик сари буриша олмаган. Шубҳасиз, улар шаҳарга қайтиб келишгач, кўрганларини

ошириб-тошириб, ваҳима билан сўзлаб беришган. Лекин «Нега мен уларга ёрдам бермадим?» деган саволни хаёлларига келтирмаганлар.

Ҳазрат Алишер Навоий ёздилар: «Яхши ё ёмон бўл; иккаласи бўламан, деганнинг ўзи ёмон. Ёмон билан яхшининг орасида фарқ кўпдир. Икки кеманинг бошини ушлаган – фарқдир. Кимлар билан бўлсанг – шулардексан. Улар ёмон бўлса – сен ҳам ёмон, улар яхши бўлса – сен ҳам яхшисан. Демак, яхшилар этагини тутган яхшироқдир. Кўпгина қобилиятли кишилар яхшилардан айрилдилар, оқибатда ёмонлар суҳбати уларни нобуд қилди. Ёмондан яхшилик кутмоқ – беҳуда хаёлдир, итдан кийикка, мушукдан кабутарга раҳм-шафқат бўлиши маҳолдир».

Одамлар фоний дунёда ё яхши кишиларга ёки ёмонларга тобе бўладилар. Шу сурат билан яхшилар ёки ёмонлар дафтариغا ёзиладилар. Байт:

*Яхшилар кетидан агар чопарсан,
Истагинг – бахтингни шундан топарсан.*

Дониш аҳлидан ҳикмат: **«Кимнинг қалби яхшиликка интилмаса – у онасининг ёшлигини ўғирлаб, дунёга беҳуда келибди»**. Яна таъкид қиладиларки: «Икки хил тоифа одамнинг боши ғамдан чиқмайди: бири – ҳаётини ёмон ишларга сарф қиладиган, иккинчиси – имкони бўлса ҳам яхшилик қилмайдиган одамлар. Уларнинг ҳаётида хурсандчиликдан кўра хафагарчилик кўп». «Золим» деганда биз бировни урган ёки ўлдирган одамни тушунамиз. Баён этилган воқеада «сув йўқ» деб йўлида кетаверганларни ҳам золим десак бўлади. Бировнинг фожиасига бефарқлик ҳам зулмининг бир тури ҳисобланади.

Ёрдам бермай ўтиб кетганларнинг касб-корини билмайман. Эҳтимол, улар тижорат аҳлидандир. Эҳтимол, орадан вақт ўтиб, тижоратлари орқага кетгандир. Балки бошқа бирон зарарга рўпара бўлгандирлар. Ана ўшанда ҳалокат туфайли азоб чекаётган бечораларга ёрдам бермай ўтиб кетганлари хаёлларига келди-микин? Гуноҳкор бўлганларини англаб, тавба қилдилармикин? «Ким бирон яхши амал қилса, **ўзи учундир**. Ким ёмонлик қилса, ўз зиёнига қилур. Парвардигорингиз бандаларига зулм қилувчи эмасдир» («Фуссилат» сурасидан).

Японларнинг касби кори ҳам бизга номаълум. Эҳтимол, дипломатдирлар. Балки шу воқеадан сўнг уларнинг мартабалари янада

баланд бўлгандир. «Эру аёл, ким мўмин ҳолида яхши амал қилса, биз унга яхши ҳаёт кечиртирамиз ва албатта уларни қилиб юрган амалларининг энг гўзалига бериладиган ажр ила мукофотлаймиз» («Наҳл» сурасидан). Инсоннинг жинсига қараб мукофотланмайди. Насабига, мансаби ёки терисининг рангига қараб ҳам ажр берилмайди. Балки, мукофотнинг сабаби яхши ишларидир.

Кўз ўнгимизда содир бўлаётган ҳар бир воқеада ҳикмат бор. Баён этилган фожиада қандай ҳикмат бор? Албатта, ҳар ким ҳикматни ўзича англайди. Каминанинг ожиз фикрича, Аллоҳ Таоло бандаларини синади. Ўша ҳиссиз одамлар фожиа содир бўлган ердан бир-икки дақиқа олдин ўтишлари ёки бошқа йўлдан кетишлари ҳам мумкин эди. Ҳатто ўша куни бир юмуш баҳонасида шаҳардан ташқарига чиқмасликлари ҳам мумкин эди. Лекин чиқдилар, айнан шу йўлдан, айнан фожиа юз бергандан кейин ўтдилар. Аммо синовдан ўта олмадилар. Афсус...

Қудсий ҳадисда айтилишича, қайси бир банда яхшилик амал қилишга қасд этса-ю, лекин уни амалга ошира олмаса, Аллоҳ Таоло унга ўша яхшиликни ният қилгани учун Ўзининг ҳузурида тўлиқ бир яхшиликнинг савобини ёзиб қўяди, агар қасд қилган яхшилигини вақти келиб амалга ошира олса, Аллоҳ Таоло унга ҳузурида ўнтадан етти юзтагача, ҳатто ундан-да кўпроқ ҳасанот – савоб ёзади. Агар бир ёмонликка қасд қилиб, уни амалда бажо келтирмаса, унга у ёмонликни ёзмайди, балки ёмонлик қилмагани учун яхшилик ёзади.

ЯХШИЛИК НИМА?

Ташвишларимиздан ортиб, бир инсон кўнглини шод қила олганимизми? Ёки бир кичик чумолига раҳм қилиб, босмай ўтганимизми? Ёки ғуссаларга кўмилган дил ғуборини аритиш учун бир офизгина айтган тасалли сўзимизми? Ёхуд ҳеч кимга ёмонлик қилмаганимизнинг ўзи бизнинг яхшилигимизмикин? Балки бировларни ёмонламай, улар ҳақида яхши гапириб, эзгулик йўлини тутганимизнинг ўзи энг катта яхшиликдир?

Ажаб, одам боласи ҳамма нарсани ўргана олади-ю аммо айрим кимсаларда нечундир яхшиликни ўрганишга рағбат етишмайди. «Яхшилардан ўрнак олган кунинг энг бахтиёр инсон бўласан», деган ҳақиқатни четлаб юраверади. Инсон борки, яхшиликка, яхши сўзга муҳтож. Бировнинг яхшилигисиз яшай оламан, дейишнинг ўзи калтабинлик. Инсон олиши ва бериши мумкин бўлган ягона бебаҳо совға яхшиликдир. Ҳамонки, гўзал ахлоқ кишининг қим-

матбаҳо кийими экан, бу либосни яхшилик амалисиз тасаввур этиб бўлмайди. Бировга яхшилик қилмай яшаётган кимсани жулдур кийимли бедавога қиёсласак жоиз.

Киши бировдан яхшилик кутар экан, унга ўзи аввал яхшилик қилиши керак. Ҳаёт бир можародир. Бу можарода яхшилик ёки ёмонлик нишонлари мўлжалланиб ўқ отилади. Одам боласи яхшилик ўқи отилган жойга нишон бўлишга интилиши лозим.

Умидимиз юлдузлари, тенгдошларингиз орасида «Аброр» исми дўстларингиз ҳам бор. Бу исмнинг маъносини биласизми? Аллоҳ Таоло яхшилик қилувчи бандаларини «Аброр» деб мақтаган. Ҳаётда қандай кишиларни «аброр – яхши одам» деб иззат ва икромга лойиқ кўрамыз? Донишманд бу хусусда шогирдларининг фикрини сўраб бу жавобларни олди:

– Киши бировга катта неъмат инъом қилса-ю бу неъматни кичик деб ҳисобласа, неъмат олган киши эса неъмат кичик бўлишига қарамай уни катта деб билиб қувонса, шукрона айтса, иккови ҳам таҳсинга лойиқдир, – деди биринчи шогирд.

– Давлатига мағрур бўлмаган ва камбағаллигига ғамгин бўлмаган эр ҳақиқий эрдир! – деди иккинчиси.

– Биров сўрамай туриб нарса берган, ўзгалар обрўйини тўкилишидан асраган, кишини хижолатликдан чиқарган киши мақтовга лойиқ кишидир, – деди учинчиси.

– Ҳар бирингиз рост гапларни айтдингиз, – деди устоз. – Булардан ташқари яна қудрати етишига қарамай ўч олишдан ўзини тийган, қўполлик қилишдан сақланган ва гуноҳкорларни кечиритиш ва уларга яхшилик қилишга қодир бўлган одам ҳақиқий иззат ва икромга лойиқдир!

Ҳазрат Навоийдан ҳикмат: «Одамнинг яхшиси – ёмон нарсалардан сақланувчи. Пок бўлмай ва ҳақ сўзни айтишда ҳеч нарсадан қўрқмамай. Хавфга тушмамай. Ўзи пок, кўзи покни Инсон деса бўлур. Яхши одамдан ёмонлар ҳам ёмонлик кутмас. Яхши одам ёмонлардан ҳам яхшиликни аямас. Яхшилик қила олмасанг – ёмонлик ҳам қилма. Яхшилик қилишни билмасанг, яхшиларга қўшил. Яхшилик атрофида айлана олмасанг, яхшилар атрофида айлан. Шум ахлоқсизликка берилиб, ўзингни яхшилар сафидан чиқарма ва ёмонлар орасига қўшилма. Бу шум ақлга хилоф бўлса ҳам, нафс учун севимлидир. Агарчи у Ҳақ йўлида ғамли бўлса ҳам, шайтон йўлида марғубдир».

Бировни бошқалар олдида оқлаш ё қоралаш учун қилинган саъй-ҳаракат ва гап-сўз шафоат ҳисобланади. Бир киши гарчанд ўзи яхшилик қила олмаса-да, яхшилик қилувчилар тарафида турса,

унга ўшаларнинг яхшилигидан ҳосил бўлувчи савобдан бир улуш тегади. Ёмонлик – гуноҳ тарафида турган кимсага эса гарчи ўша гуноҳни қилмаса-да, унинг ёмонлигидан бир ҳисса тегади. Бу хусусда Қуръони Каримда марҳамат қилинади: «Кимда ким яхши шафоат ила бировни ҳимоя қилса, унга ҳам ўша ҳимоясидан насиба – савоб бўлур. Кимда ким ёмон шафоат ила бировни ҳимоя қилса, унга ҳам ўша ҳимоясидан насиба – гуноҳ бўлур» («Нисо» сурасидан).

(Жиноятларга доир қонунларга назар солсак, ояти кариманинг ҳаётдаги кўринишига гувоҳ бўламиз. Яъни, ўзи ўғирлик қилмаган, лекин жиноятчиларни қайтариш ўрнига улар билан бирга борган кимса айбдор саналади ва айрим ҳолларда ўғрининг шериги сифатида жазога тортилади).

Искандар Румийга қалъа гумбази ичида ётган ажиб бир тошни келтирдилар. Тошга бу сўзлар нақш этилганди:

«Эй, бу тошни қўлга олган киши! Ҳаётинг жараёнида бу ҳикматларни эътиборга ол:

– Қўлингдан келганича ҳаммага яхшилик қил – дунёнинг обрўси яхшилик билан барпо бўлади. Дарахт парвариш билан, одам яхшилик билан камолга етади.

– Агар сенга биров ёмонлик қилса, сен яхшилик қилиб уни уялтир. Ёмонликка ёмонлик қилсанг, сен билан унинг орасида фарқ қолмайди. Ҳар иккинги ҳам ёмонлардан саналасиз».

Ўзи қилган эзгу амаллари билан мақтаниб, ҳаволаниш, ўзини комил инсонлардан деб ҳисоблаб ёки ичида бўлса ҳам «Энди мен яхши амаллар қилдим», деган хаёл билан юриш дуруст эмас, балки одобсизликдир. Бундан сира-сира ғафлатда қолмаслик керак. Муоз ибн Жабал (р.а.) дедиларки: «Мўмин киши бири бажармаган ва бири ортда қолган икки яхшилик ўртасида бўлади».

Яхшилик тушунчаси ҳар бир халқда ўз талқинига эга. Бизнинг халқимизга хос бўлган яхшилик кўринишлари бошқа халқ вакиллари баъзан таажжублантиради, баъзан ҳайратга солади. Япониялик бир тадқиқотчи олим маҳаллаларимиз ҳаёти билан қизиқиб юрган эди. Кечаси тўлғоқ тутган хотинни қўшнисини ўз маркабида туғруқхонага олиб бориб қўйганини эшитиб, лол қолди. Ярим тунда, яна ўз шахсий машинасида! Тўй-ҳашамларда қўшниларининг холис хизмат қилиб юришлари-чи? Мана шундай гўзал одатларни «қадрият» деймиз. Яъни, оталаримиздан мерос қолган, қадрланиши ва амал қилиниши зарур бўлган одатлар.

Тил ва кўнгилини фақат яхшиликка ишлатиш зарур. Бунга амал қилган киши вақти келиб тил ҳам, кўнгил ҳам кучдан қолганида афсусланмайди. Эзгу ниятли одам ўз дунёқарашига, зехнига,

қобилиятига, энг муҳими – имкониятига қараб бировга яхшилик қилади. Бировнинг яхшилиги бошқаларга дарров кўринади. Айттайлик, бадавлат одам Ҳаж ибодатини орзу қилиб юрган, аммо кўли калталигидан ниятига етолмаётган дўстининг мушкулини осон қилди. Ўзи мақтанмаса-да, атрофдагилар уни олқишладиди. Ёки ўқиш ҳақини тўлашга қийналаётган илм толибининг бир йиллик харажатини кўтарди. Бу ҳимматни эшитган одам борки, унинг ўзини танимаса ҳам дуо қилади. Лекин шу талабага бир кунлик йўлкира ҳақини берган одам-чи? У моддий жиҳатдан фақат шу яхшиликка қодир. Бой қалбига яраша моддий томондан ҳам бадавлат бўлганида унинг ҳиммати бундан-да юқори даражада кўринарди. Бу ўринда яхшилик қилган икки одамнинг бириникини аъло деб, иккинчисиникини арзимас деб камситишга ҳаққимиз йўқ. Ниятлари ва холисликларига қараб икковларини ҳам бирдек олқишлашимиз лозим бўлади. Пайғамбаримиз алайҳиссалом дедиларки: «Яхши нарсани ҳеч қачон арзимас санама. Гарчи биродарингнинг юзига табассум билан қараш бўлса-да». Ёдингизда бўлса, рисоламизнинг силайи раҳмга доир бобида қариндошларни салом билан бўлса-да зиёрат қилиш ҳақидаги шарафли ҳадисни баён этиб эдик. Демак, моддий яхшиликнинг миқдорига қаралмас экан. Кишининг уйида ҳатто совуқ чойи бўлмаса-да, йўқлаб келувчини очиқ чеҳра билан қарши олишининг ўзиёқ яхшилик экан. Расулulloҳ (с.а.в.) яна дедилар: «Кишиларга қилинадиган ҳар бир яхшилик садақа ҳисобланади. Ҳатто бир биродарингга очиқ юз билан рўбаро келишинг ва челагингдан унинг идишига сув солиб беришинг ҳам садақа бўлади».

Бир кишининг яхшилигини ҳар бир одам ўз қаричи билан баҳорлайди. Кичик бир яхшилик кимгадир улўф, кимгадир эса арзимас ҳиммат бўлиб туюлиши мумкин. Шунга кўра, кимсани ҳам яхши, ҳам ёмон дейишлари мумкин. Биринчи ҳолда кимса бағоят шодланмаслиги, иккинчисида эса ҳаддан ташқари қайғурмаслиги керак. Аниқроқ айтилса, одамларнинг ҳуда-беҳуда, кўр-кўрона гапларига ишонавермагани дуруст.

Ҳикоят. Бир киши саҳрода кетатуриб қудуқ ёнига етиб келди. Қудуқдан сал нарига қозиқ қоқиб отини боғлади. Ўзи қудуқдан сув тортиб ичди ва отига ҳам ичирди. Хуржунидан таом олиб эди. Бир оз дам олгач, отига миниб, йўлида давом этди, қозиқни суғуриб ташлашни эса унутди. Кейин қудуққа келган ҳар бир отлиқ йўловчи бу қозиқдан фойдаланди. Қозиқ қоқиб кетган кишининг бу иши кўпчиликка манфаат етказди. Демак, у хайрли иш қилган ҳисобланди.

Орадан маълум вақт ўтиб, бир пиёда одам ғоят ташналикдан қийналиб қудуқ сари ошиқди ва кўзи тиниб, қозикни кўрмай қолди-ю қоқилиб йиқилди. Сўнг бошқа йўловчилар ҳам қоқилиб йиқилмасинлар, деб қозикни суғуриб ташлади. Ўша атрофда турувчи бир доно буни кузата туриб деди: «Қилган ишлари бир-бирига зид бўлса ҳам, ҳар икки йўловчининг ниятлари хайрли эди. Халқ манфаатини кўзлаб қилинган иш мақбул ва марғубдир».

Яхшиликни ёмон хулқларга қориштириб юбориш яхши натижа бермайди. Шундай тоифалар борки, уларнинг яхшиликлари зое кетади. Булар кимлар?

- бировга эҳсон қилгандан сўнг унга миннат қилганлар;
- бировни кечирганидан сўнг унга азият берганлар;
- тузалмас дангаса ва ёлғончи одамларни тарбияламоқчи бўлган ҳукмдорлар;
- кўрслиги мулойимлигидан, зулми раҳматидан устун бўлган раҳбарлар;
- нонкўр фарзандларига ҳаддан ташқари умид боғлаган меҳрибон оналар;
- бировнинг ҳақидан қўрқмайдиган одамларни мўътабар ҳисоблаб, уларга омонат берган сахий олижаноблар;
- ўртоқларининг бемаъни суҳбатлари билан фахрланадиганлар, тўғри ва мўмин одамларга ишонмаганлар.

Ҳаётда яна бир тоифани учратиб турамиз: улар одамлардан яхшилик кўраверишлари натижасида бировнинг ҳимматига муҳтож бўлмасалар ҳам ўзлари учун «ҳамма менга яхшилик қилиши керак», деган қоидани яратиб оладилар. Яхшилик қилувчиларга «Нега менга яхшилик қилмай қўйдинг?» деб даъво қилишдан ҳам тоймайдилар. Булар тиланчи кабидирлар. Аммо «Яхшиликни тиланиб оладими?» десангиз ранжийдилар. Кимга яхшилик қилишни ҳам билиш керак. Энг аввало муҳтожларга яхшилик қилинса айни муддаодир.

Дониш аҳли «Биров сенга ситам қилган бўлса ёки сен бировга яхшилик қилган бўлсанг, ҳар икковини ҳам унут», деб тарбия қилади. «Қилган яхшилигингни унут», деб яхшилар миннатдан огоҳдантириляптилар. Лекин бу қилинган яхшилик саҳро қумига сингган ёмғир томчиси каби бутунлай унутилиши керак, дегани эмас. Яхшилик қилган киши бу хизматини унутгани яхши, миннатдан холи бўлади, лекин яхшилик қўрган киши бу эзгуликни унутиши мумкин эмас. Унутган куни киши инсонийликдан чиқади. Унутмаслик баробарида яхшилик қилганларга албатта яхшилик

қилиш билан жавоб беришга интилиш керак. Яхшиликнинг қадрига етмаслик ҳам гуноҳ ва бундай одамлар кейинчалик афсус чекиб қолишлари ҳам мумкин.

Ҳикоят. Овчилар ҳайвонларни тутиш учун бир чуқурлик қазиб, устини шох-шабба билан беркитиб қўйган эдилар. Аввал барс, маймун, илон ва улардан кейин бир заргар шу чуқурга тушиб қолдилар. Ҳайвонлар ўзлари билан овора бўлиб, заргарга зарар етказмадилар.

Бу ҳодисадан бир неча кун ўтгандан сўнг у ердан сайёҳ ўтиб қолди. Заргарнинг аҳволини кўриб, «бу кишини чоҳдан қутқаришдан ҳам савоблироқ иш бўлмаса керак», деб арқон келтириб, чуқурга солди. Биринчи бўлиб маймун, сўнг илон, кейин барс юқорига чиқдилар. Уларнинг учовлари сайёҳга қараб дедилар:

– Ҳар биримизнинг бўйнимизда қарзинг бор. Сен бизларга жуда катта яхшилик қилдинг. Лекин афсуски, бизлар ҳозир яхшилигингга яхшилик билан жавоб қайтара олмаймиз.

– Менинг маконим шаҳар этагидаги тоғдадир, – деди маймун.

– Мен тоғ ортидаги ўрмонда яшайман, – деди барс.

– Менинг уям шаҳар қўрғонининг остидадир. Ёрдамга муҳтож бўлсанг, дарҳол бизларга хабар қил. Балки бизга қилган яхшилигинг эвазига яхшилик билан жавоб қайтариб, бўйнимиздаги қарзни адо этармиз. Энди эса сенга бир маслаҳатимиз бор: пастдаги кишини юқорига чиқарма. У ёлғончи, яхшиликка ёмонлик қайтарувчи вафосиз одам. Важоҳатига алданма, хулқ-атвори жуда-жуда ёмон. Чоҳда бирга бўлиб, унинг иллатларини билиб олдик. У ҳеч кимнинг қадрига етмайди. Айтганимизни қилмасанг, охирида пушаймон бўласан...

Сайёҳ уларнинг сўзларини эътиборга олмай, арқон тушириб, заргарни чуқурликдан тортиб олди. Заргар унга миннатдорчилик билдира туриб, деди:

– Агар йўлингиз мен яшайдиган шаҳарга тушса, ҳамиша хизматингизга тайёрман.

Сўнгра видолашиб, ҳар бирлари ўз йўлларига кетдилар.

Орадан кунлар ўтгач, сайёҳнинг йўли айтилган шаҳарга тушди. Маймун уни узоқдан кўрибоқ, югурганича пешвоз чиқиб: «Маймунларда сени хурсанд қиладиган ҳеч нарса йўқ, бир нафас кутиб ўтиргин, мева келтираман», деди.

Сайёҳ маймун келтирган меваларни еб, қорнини тўйдирди-да, унга раҳмат айтиб, йўлига равона бўлди. Узоқдан кузатиб турган барс унга пешвоз чиқди. Сайёҳ уни танимай қўрқиб кетди. «Қўрқма, – деди барс унга салом бергач, – мен сенинг яхшилигингни ҳали унутганим йўқ. Бирпас сабр қилгин, ҳозир қайтаман».

Барс сарой боғига кириб, амирнинг қизини ўлдирди ва унинг бўйнидаги маржонни юлиб олиб, сайёҳга келтириб берди. Сайёҳ ташаккур билдириб, шаҳарга йўл олди. Ёдига заргарнинг таклифи тушиб ўз-ўзига деди: «Ҳайвонлар аҳдларига вафо қилиб, мени шунчалик иззат билан кутиб олдилар. Заргар қандай ҳурмат билан меҳмон қилар экан? Ҳар ҳолда менга ажойиб ҳадялар бериб кузатса керак. Ахир у ҳайвон эмас, одам-ку! Яхшиликка жавоб ҳам шунга яраша бўлади-да».

Сайёҳ заргарнинг уйини ахтариб топди. Заргар қутқарувчисини кўриши билан ўзини ғоят севинган қилиб кўрсатди, аммо хаёлидан «ҳар ҳолда бир нима тама қилиб келгандир», деган фикр ўтиб, кўнгли хиралашди. Бирон соат гаплашиб ўтиргач, сайёҳ маржон ҳақида сўз очди. Уни сотиш фикрида эканлигини, бу ишда заргарнинг ёрдамига муҳтож эканлигини айтди-да, маржонни ёнидан чиқариб, унга кўрсатди. Заргар меҳмонига тасалли бериб, деди:

– Ҳеч ташвиш тортма. Буни сотмоқ менга сув ичишдек осон гап. Бир нафас сабр қил, ҳозир келаман.

Заргар шундай дегач, шошилганича чиқиб кетди. У маржонни кўриши биланоқ таниди – уни амирнинг қизига ўзи сотган эди. Заргар бозорга эмас, амир саройига қараб югурди. «Қўлимга нозик нарса тушди, агар фурсатдан фойдаланмасам, мени одамлар аҳмоқ дейдилар. Зўр давлат, сарупо ва инъому эътибордан маҳрум бўламан», деб ўйлади у хиёнат қилиш қарорига келиб. Заргар амирга рўпара бўлиб, маликани ўлдирган ва маржонни ўғирлаган қотилни ушлаганини маълум қилди. Амир унинг уйига миршаб юбориб, сайёҳни банди қилди. Қотилни эшакка тескари миндириб сазойи қилгач, зиндонга ташлашни, эртасига эрталаб эса дорга ошишни буюрди. Сайёҳни сазойи қилаётганларида илон уни кўрди. Шаҳар девори ёнидан ўтаётганларида унга деди:

– Вафосизга яхшилик қилсанг, эвазига ёмонлик оласан, демабмидим? Кимки разил, пасткаш ва нонқўр одамдан мардлик кутса, унинг оқибати мана шундай хорлик бўлади. Мен сени бу аҳволдан қутқармоқ учун бир тадбир кўрайин. Бориб, амирнинг ўғлини чақиб олай. Шаҳардаги барча табиблар муолажа қила омай, оқибатда сени маслаҳатга чақирсинлар. Сен аввал амирга бошингдан ўтганларни гапириб бер. Сўнгра мен айтадиган гиёҳдан дори тайёрлаб беморга ичир. Ўша онда шифо топади. Сен шу йўл билангина нажот топажаксан.

Сайёҳ унга ташаккур айтиб, афсус билан деди:

– Мен ўз сирымни номардга айтиб, катта хато қилибман.

Илон: «Пушаймон еб ўтиришнинг вақти эмас», деб сарой томон судралиб кетди. Бориб, амирнинг ўғлини чақди-да сўнг ҳаммага

эшиттириб: «Шаҳзодани илон чақди. Давосини фақатгина зиндонбанд этилган сайёҳ билади!» деб чинқирди.

Сайёҳни зиндондан чиқариб, амир ҳузурига олиб бордилар. Сайёҳ бошидан ўтганларни баён этди. Кейин шаҳзодани муолажа қилди. Шаҳзода соғайди. Сайёҳнинг гуноҳсиз ва тўғри одам экани амирга аён бўлди. Унга лутф кўрсатилиб, инъомлар берилди, заргар эса дорга осилди.

Қиссадан ҳисса: яхшилик унутилмайди, ёмонлик эса жазосиз қолмайди. «Кимки бировга чоҳ қазиса, унга ўзи йиқилади», деб бекорга айтилмаган. Ақлли одамлар бировга жабр қилишдан қочиб, яхшилик қиладилар. Шу билан ҳам бу дунёнинг, ҳам у дунёнинг неъматларини қўлга киритадилар.

Ҳаётда учратиб қоламиз: баъзилар кимдандир яхшилик кўришадими-ю ҳатто раҳмат айтишга оғринишади ёки миннатдорчилик билдириб қўйишга фаросатлари етмайди. Болалигида яхши тарбия кўрмаган кимса шундай бўлади. Одатда тарбияли оилаларда кичкинтойга «ассалом»дан сўнг раҳмат айтиш ўргатилади. Буни унутганлар орадан йиллар ўтиб шу тарбиясиз фарзандларининг хулқи туфайли одамлардан лаънат эшитсалар бировдан гина қилмасинлар. «Одамларнинг қилган яхшилиги учун ташаккур айтмайдиган киши Аллоҳ Таолога ҳам ташаккур айтмайди», мазмунидаги шарафли ҳадисдан огоҳ бўлсалар ва унинг мағзини чақа олсалар, бундай тарбиянинг нақадар муҳимлигини тушуниб етган бўлардилар. Ҳа, яхшилик ташаккур билан янада зийнатланади ва навбатдаги яхшиликнинг туғилишига сабаб бўлади.

Пайғамбаримиз (с.а.в.) дедилар: «Ким моддий жиҳатдан бировга яхшилик қилса, унга ҳам яхшилик қайтарилсин. Яхшилик қайтаришга қурби келмаса, у кишини ғойибона мақтасин. Чунки мақташ ташаккур ўрнида ўтади. Аммо у кишининг яхшилигини яширса, ундан тонган, яхшиликни билмагандек бўлади».

Яхшиликни билмаслик – гуноҳ сари бошловчи бир илат. Яхшиликка ёмонлик эса бир балодир. «Яхшиликка – ёмонлик» деган нолишларни эшитиб турамыз. Ҳатто баъзи бировлар «Яхшиликка – ёмонлик»ни ҳаёт ҳақиқати каби қабул қилиб, «бировга зинҳор яхшилик қилмаслик керак», деган қоида асосида яшай бошлайдилар. Бу қоидаларни асословчи ўнлаб мақол ва ҳикоятларни мисол тариқасида келтиришлари ҳам мумкин. Шундай ҳикоятлардан бири билан танишиб, ўқиш жараёнида фикр қилиб, тўғри хулоса чиқаришингизга умид қиламан.

Карвон аҳли ёқиб кетган гулхан учқунини шамол учуриб, даштга ўт тушиб кетган эди. Туя минган бир киши иттифоқо ўша ердан

ўта туриб, олов ўртасида бир илоннинг тўлғаниб ётганини кўрди. У ёпирилиб келаётган ўт балосидан қутула олмай, заҳарли кўзларидан қон ёш тўкканича, сувориға қараб: «Марҳамат қилиб, мени бу дўзахдан қутқар, савоб бўлади», деб илтижо қилди. Сувори раҳмдил киши эди. У илоннинг зорини эшитиб, бечораға юраги ачиди, илон гарчи инсон зотига душман бўлса ҳам, ҳозир қийин аҳволда қолибди, уни бу балодан қутқарсам, савоб бўлар, деб ўйлади. У тўрвасини найза учига боғлаб, илон томонға узатди. Илон севишиб, тўрваға кирди. Оловдан узоқлашгач, сувори тўрвани очиб илонға деди:

– Бор, эсон-омон қутулганингга шукр қилиб уйингға кет, бундан буён ҳеч кимға озор берма.

Бу гапни эшитиб, илон деди:

– Эй, йигит, сен бу сўзларингни қўй. Мен сени ва туянгни чақиб, заҳримни солмай кетолмайман.

– Ахир сенға яхшилик қилдим. Сени куйиб ўлишдан асраб қолдим-ку!

– Ҳа, сен яхшилик қилдинг, аммо **ўринсиз** яхшилик қилдинг, – деди илон. – Биласанки, мен газандалар авлодиданман, мендан заҳар сочишдан ўзга нарсани кутиш мумкин эмас. Сен нима учун мени қутқардинг? Газандани ўлдирмоқ лозим эди, сен эса одамзод душманиға раҳм қилдинг. Яхшиликка – ёмонлик менинг касбимдир. Ёмонларға яхшилик қилиш – яхшиларға ёмонлик қилиш демак. Энди мен сени заҳарласам, бу ишим сенға танбеҳ, ўзгаларға эса ибрат бўлади.

– Эй, ноинсоф, яхшиликка ёмонлик билан жавоб қайтариш қайси мазҳабда бор? – деди сувори.

– Одамзод мазҳабида бор, – деди илон. – Мен ижозатинг билан ўз матоларингизни ўзларингизға сотмоқчи ва ўз косангизда ўзингизға заҳар ичирмоқчиман. Тезроқ жавоб қил: аввал ўзингни чақайми ё туянгними?

– Мени ҳам чақма, туямни ҳам чақма.

– Нега энди? Ўзларингиз ҳам яхшиликка ёмонлик ила жавоб қайтарасизлар-ку!

Сувори илоннинг даъвосини инкор этди ва бу гапнинг исботи учун гувоҳ талаб қилди. Шу орада бир сигир кўриниб қолди. Илон уни чақириб деди:

– Эй, сигир, яхшиликнинг жазоси нимадир?

– Одамзод мазҳабида яхшиликнинг жазоси ёмонликдир, – деди сигир. – Мен кўп йилдан бери бир одамникида яшардим. Ҳар йили бола туғиб, уларнинг уйларини сут билан қаймоққа тўлдирардим.

Ҳозир қаридим, боладан ҳам, сутдан ҳам қолдим. Шунинг учун мени «семирсин», деб далага ҳайдаб қўйишди. Кеча эгам келиб, у ёқ бу ёғимни ушлаб кўриб, семирганимдан мамнун бўлди-ю, мени қассобга сотди. Мана, энди сўйишга олиб кетадилар. Кўп йиллик яхшилигимнинг жазоси шу бўлди.

Сигирнинг ҳасратини эшитган илон сувориغا хитоб қилди:

– Эй, йигит, ҳақиқатни эшитдингми?

– Эшитдим, – деди сувори маъюсланиб, – аммо бу масалада бир гувоҳнинг шоҳидлиги етишмайди. Яна бир гувоҳ керак.

Илон атрофга аланглаб, бир дарахтни кўрди-ю, ёнига судралиб келди:

– Эй, дарахт, яхшиликнинг жазоси не бўлур? – деб сўради.

– Одамзод мазҳабда яхшиликнинг мукофоти ёмонлик, фойданинг жазоси зиёнدير. Далил шуки, мен бу даштда кўкарган бирдан-бир дарахтман. Одамлар иссиқдан ҳориб-чарчаб келиб, соямда дам олишади. Нафасларини ростлаб олгач эса юқорига қараб, «анави шохи аррага даста бўлади, буниси тешабоп экан», деб шохларимни синдириб кетишади. Фойда кўра туриб менга азоб берадилар.

Дарахтнинг гапидан қувонган илон:

– Икки гувоҳ бўлди. Энди тан бергин-у, чақишимга монелик қилма, – деди.

– Жон жуда ширин нарса, – деди сувори. – Яна бир гувоҳ бўлса, узрга ўрин қолмайди.

Иттифоқо, ўша ердан тулки ўтиб қолди. Буларни кўриб тўхтади-да, сўзларига қулоқ солди, кейин саволни кутмасданоқ: «Яхшиликнинг жазоси ёмонликдир, – деди-да, кейин суворидан: – Сен бу илонга қандай яхшилик қилиб эдинг?» деб сўраб қолди. Сувори бўлган гапни айтиб берди.

– Сен ўзинг ақлли одамга ўхшайсан-ку, лекин нега ёлғон гапирасан? – деди тулки ранжиган бўлиб.

Суворининг ўрнига илон жавоб берди:

– Ёлғон гапирмади, ростини айтяпти, бу одам мени шу тўрва-сига солиб, олов қаъридан чиқариб олди.

Тулки ажабланган бўлиб, сўради:

– Бу лофга қанақасига ишониш мумкин? Шу кичкинагина тўрвага катта илон сиғишига ким ишонади?

– Агар ишонмасанг, тўрвага кириб сиғишимни кўрсатайми? Бўпти, шубҳангга ўрин қолмасин, – деб илон тўрвага ўрмалаб кириб, кулча бўлиб олди.

– Эй, йигит, душманинг бандга тушди, энди пайтни қўлдан берма, – деди тулки.

Сувори тўрва оғзини дарҳол маҳкам боғлади-ю, ерга бир урди...

Қиссадан ҳисса шуки, ақлли одам эҳтиётни қўлдан бермайди, душман ялиниб-ёлворганда гурурланиб кетмайди ва унинг сўзларига ишонмайди.

Ҳикоятни ўқиган чоғингизда сигир билан дарахтнинг гапларини ҳам тўғри деб ўйлагансиз. Чиндан ҳам сиртдан қараганда сигирнинг сўйилиши, дарахт шохларидан фойдаланиш инсофсизлик каби кўринади. Лекин уларнинг вазифаси тириклигида ҳам, ўлимидан кейин ҳам одамзодга хизмат қилиш-ку! Сигир ҳаром ўлиб ётмайди, дарахт чиримайди. Улар тириклигида ҳам, ўлимидан кейин ҳам одамзодга хизмат қилади. Улар инсон манфаати учун яралган. Илон уларнинг ношукрчилигидан ўзининг қора нияти учун фойдаланмоқчи бўляпти. Ҳикоятдан ҳаётга кўчсак, ким илон ёки чаён тоифа одамга раҳм қилиб қутқарса, ўзи ҳалок бўлиши мумкин. Газандаларнинг чақиши онгсизликлари оқибатидир. Улар ўзларини ҳимоя қилиш учун шундай қиладилар. Одамга ўзларича ҳужум қилмайдилар. Лекин одам одамни онгли равишда чақади. Бировнинг яхшилигидан фойдалана туриб, унга ёмонлик қилишни ўйлайди.

Ҳатто ҳайвонлар ҳам яхшиликни билгани ҳолда ақл неъматига эга инсонлар орасида яхшиликни билмайдиганларнинг учраб туриши гоят ажабланарли ва афсусланарли эмасми?

Яхшиликни биладиган гўзал феъли кишиларга яхшилик қилган одам бахтли саналади. Лекин афсуски, илон феъли кишиларнинг пешонасига «золим» деб ёзиб қўйилмаган. Киши то ёмонлик кўрмагунича уларнинг кимлигини билмай ғафлатда яшаши мумкин. Ана шунда ёмоннинг феълини биладиган кимса яхшини огоҳлантириб қўйса, фойдадан холи бўлмайди. Бироқ, аввал айтганимиздек, ёмонлардан бутунлай юз ўгириш ҳам инсофдан эмас.

Ривоят қиладиларки, Имом Аъзамнинг (р.а.) қўшнилари бадахлоқ бир йигит эди. Ҳар оқшом ичиб, маст бўлиб олиб, бақириб, қўшиқ айтиб, ҳаммани безор қиларди. Кунларнинг бирида унинг овози эшитилмади. Эртасига, индинига ҳам овози чиқмади. Имом Аъзам (р.а.) бу ҳолга қизиқиб эдилар, йигит жиноят устида ушланиб зиндонбанд қилингани айтилди. Шунда Имом Аъзам (р.а.) ҳазратлари миршабхонага бориб: «Бу йигит менинг қўшним, қўшничилик ҳаққи-ҳурмати уни кечиринглар», деб илтимос қилдилар. Йигитни қўйиб юбордилар. Маҳаллада «ёмон» деб ном олган бадахлоқ йигит бундан тўғри хулоса чиқарди, тавба қилди

ва оқибатда Имом ҳазратларининг солиҳ шогирдларидан бирига айланди, ўз илми билан одамларга яхши хизматлар қилди. «Бу ёмон эди, зиндонга тушгани яхши бўлди, қулоғимиз тинчиди», дейилганда нима бўларди? Жамият наф кўрармиди? Бу ўринда ёмонлик яхшилик билан даф этилди.

«Яхшилик билан ёмонлик баробар бўлмас. Сиз ҳар қандай ёмонликни яхшилик бўлган нарса ила даф қилинг (ёки энг гўзал сўзлар билан даф этинг). Шунда баногоҳ сиз билан ўрталарингизда адоват бўлган кимса қайноқ-содиқ дўст каби бўлиб қолур. Унга, ёмонликни яхшилик билан дафъ қилиш хислатига, фақат сабр-тоқатли зотларгина эришурлар, унга фақат улуғ насиба эгасигина эришур» («Фуссилат сурасидан»). «...ва ёмонликни яхшилик ила қайтарадилар. Ана ўшаларга оқибат диёри бордир» («Раъд» сурасидан).

Яхшилик ва яхшиликка – ёмонлик мавзуига якун ясашдан олдин яхшилик қилувчининг савобини созуриб, гуноҳ ботқоғига ботиришга уринувчи бир илат ҳақида сўз юритмасак бўлмас. Расулulloҳ (с.а.в.) Қиёмат куни Аллоҳ Таоло назар қилмайдиган уч тоифани санаб, улар ичида кибр эгалари ва миннат қилганларни тилга олганлар.

Бир кабобпазнинг серсуяк гўштан пиширган кабоби ўтмай қолибди. Кабобнинг эрталабгача ачиб қолишидан кўрқиб, ғассолнинг уйига бориб, дебди:

– Ажал бирдан гирибонимдан ушлаб қолса, ҳолимни сўрагувчи топилмай қоладими, деб кўрқаман. Мен сенга барра кўзининг гўштидан пиширган кабоб келтирдим. Бола-чақанг билан е. Ажалим етса, ўзинг ювиб, кафанлайсан.

Ғассол бу шартга кўнибди. Бир ҳафтадан кейин кабобпаз келибди-да, дебди:

– Мен бошқа шаҳарга кетяпман, тез кийиниб чиқ, бирга борасан.

– Нега? – деб ажабланибди кабобпаз.

– Сен у кунги кабобни текинга еб кетарга, деб ўйладингми? Бошқа шаҳарда ўлиб қолсам мени ким кафанлайди?

Бу даъводан кейин ғассол ўша кабобнинг пулини тўлаб, кабобпазнинг миннатидан қутулган экан.

Миннат – қилинган яхшиликни юзига гапириш, пеш, таъна қилиш. Миннат қилувчини «маннон» дейдилар. Миннатнинг ижобий маъноси ҳам бор, яъни, бир кишига қувонадиган даражада яхшилик қилишдир. Шу маънога кўра, «маннон» кишига уни қувонтирадиган даражада яхшилик қилувчини англатади. «Маннона» эса махсус маънода қўлланганда бойлик, амал ёки зодагонлик нуқтаи

назаридан ўзининг турмуш ўртоғига зулм ёки тазйиқ қиладиган хотин ёки шундай қилиши мумкин бўлган қиз тушунилади.

*Худоинг ҳар на берса, қил қаноат,
Юракни қилма миннатдин жароҳат.*

Сўфи Оллоҳёр ҳазратлари демоқчиларки, Аллоҳ Таоло сенга бойликдан ёки фақирликдан ҳар нимаки берса, шунга қаноат қил. Мен фалончига фалон нарса қилдим, мен бировга бунча садақа қилдим, уни бердим, буни бердим, деб миннат билан кўнглини жароҳатлама. Чунки қилганларингни санаб миннат қилишинг – бари ҳаром!

«Гулистон»да бир ҳикоят бор. Унга кўра, Саъдий саёҳат қилиб юрган пайтларида Дамашқда бир неча муддат дўстларининг суҳбатларида бўлгач, Қуддусга қараб йўл оладилар. Тараблусга келганларида фаранглар қўлига асир тушадилар. Бир куни яҳудийлар билан бирга лой ишида ишлаётганларида ҳалаблик амалдор у кишини таниб қолиб, ўн динор эвазига асирликдан қутқаради-да, уйига олиб кетади. Кейин юз динорлик сеп бериб, қизига никоҳлаб қўяди. Қиз ниҳоятда ёмон феълли ва заҳар тилли бўлиб, Саъдийни менсимасдан кўп ранжитади. Навбатдаги жанжалларнинг бирида Саъдийга қараб: «Ўзинг ким бўлибсан, отам ўн динорга сотиб олган одамсан-да!» дейди. Шунда Саъдий: «Тўғри, отанг мени ўн динор эвазига қутқариб, юз динорга сенинг қўлингга банди қилиб топширди», дейдилар.

Номарднинг иши миннатдир. Тилимизда «миннат юки» деган ибора ҳам бор. Чиндан ҳам миннат деган иллат ғоят оғир юк. Миннатни кўтариш сабр этишдан ҳам оғирроқдир. Ҳикмат аҳди дейдики, агар бир одам боши билан қудуқ қазиса-ю, оқибатда бир кўз ёшича томчи сув топса, агар киши пичоқча билан ариқ очиб, сув оқизиб бир бошоқ келадиган арпа етиштирган бўлса, шу машаққатлар билан топилган бир парча нон бировнинг миннатидан яхшироқдир.

Бир донишманддан сўрадилар:

– Фоний дунёда яхшилар кўпми ё ёмонларми?

Донишманд жавоб айтди:

– Дунёда яхшилар кўп, ёмонлар оз. Тасаввур қилинг: бир челақ тоза сувга бир томчи қора сиёҳ тушса, ҳаммасини булғайди. Аллоҳ Таоло сувни ҳаволатиб, оқизиб, думалатиб, бари бир қора сиёҳ доғидан тозалайди. Одамлар ҳам шундай, тозалик, поклик, софдиллик инсон табиатида олам охиригача туради. Яхшилар борки, бу дунё гуллаб-яшнаб омон яшайпти...

Энди ёмонлик пуштикамаридан бўлган иллат – адоват (душманлик) ҳақида ҳам фикр юритайлик. «Адоват» ва «душманлик» ўзаро зиддиятни англатувчи маънодош сўзлардир. Ўзгага адоват ва хусумат қилиш «душманлик» дейилади. Сўзлашувимизда «кин», «ғаним», «муҳолиф», «ёв», «ёвлашиш» тарзида ҳам қўллаймиз. «Рақиб» ва «рақобат»да ҳам қарама-қаршилик мавжуд, лекин бу сўзлар ижобий маънони беради. Яъни, спортчиларни ўзаро рақиб, тижоратдаги айрим ишларни рақобат, деймизки, бунда ёмонлик уруғи йўқдир. Аммо рақобат ҳаддидан ошса, душманликка айланади. «Инсон билан шайтон ораси адоватдир ва табиий муҳолифат: бири ўтдин яратилди ва бири туфроғдин. Бу адоват ораларидадир, ул чоғдин: ўт ғолиб бўлса, туфроғни кул қилур ва туфроғ ғолиб бўлса, ўтни ўчирур» («Маҳбуб ул-қулуб»дан).

Адоват ва душманликнинг байроғи ҳам, ёпинчиғи, қалқони ҳам виждонсизликдир. Шу боис одам кўнгли лавҳида адоват нақшлари ўрин олмаслиги чораларини кўриши керак. Дилда сақланган адоват темир зангига ўхшайди. Занг темирни эгани каби, адоват ҳақни кемиради, қалбни азоб ва изтироб билан емиради. Суқрот ҳаким дедиларки: «Мен душманим бўлган бир одамга адоват қилмайман, адоват қилсам, душманимнинг хусумати яна ҳам зиёда бўлади. Мен яхшилик билан муомала қилиб душманимнинг адоватини муҳаббатга айлантираман, уни ўзимга дўст қиламан».

*Абадий турмайди одамнинг жони,
Фаразгўй бўлмоқлик ўзи бемаъни.
Подшолар подшога қадимдан душман,
Душманни дўст қилар ақл султони.*

Ҳа, айтишга осон, аммо бажариш қийин бўлган амал бу. Лекин бажариш қийин, деб ортга чекинилса, адоват кучга киради, тотли ҳаёт заҳарга айланади.

Ёви бор одамнинг ҳаёти тотли бўлармиди? Адоватнинг бўлиши чирой эмас. «Душманинг қанчалик кичик ёки кам сонли бўлса ҳам, сен уни улуг деб билгин, эй кўнгли ўктам инсон!» дейдилар донолар. Ҳатто чивин ҳам фил учун арзимас душман эмас! У чақадиган бўлса, филдек жонивор ҳам сакраб кетади. Ёви бўлган, ёви билан уруша-уруша қариган кишининг деганлари:

*Душманим кичик деб гафлатда қолма,
Нега қўрқайин деб сен шов-шув солма.*

*Ёвнинг бўлса, асло гофил бўлмагин,
Ёвга ёв, яхшига яхши бўл, толма.*

Билиндики, ёви бор кишида севинч бўлмайди. Ёвнинг сони кам бўлса ҳам, зарари кўп. Душман ҳар қанча кичик бўлса ҳам, кўнгили нотинч қилади. Хас ҳар қанча майда бўлса ҳам кўзга азоб беради. Дунёда тўрт нарса борки, уларнинг камини ҳам кўп деб ҳисоблайдилар:

1. Олов – ози ҳам, кўпи ҳам куйдиради, ози бирпасда кўпга айланади.

2. Қарз – қарзини қистаб келувчи ҳузуридаги хижолатлик бир танга учун ҳам, минг тилла учун ҳам бир хил.

3. Беморлик – ҳар қандай кишини беҳузур ва заиф қилади.

4. Душман – ҳар қанча хор ва заиф бўлмасин, ахир бир кун ўз ишини қилади.

«Ҳар душанба ва пайшанба кунлари жаннатнинг дарвозалари очилади, – дедилар набий муҳтарам (с.а.в.). – Аллоҳ Таолога ширк келтирган кишилардан бўлак ҳамманинг гуноҳи мағфират қилинади. Лекин ораларида қаттиқ адовати бўлган икки киши ярашиб олмагунича «гуноҳларини ўчиришни тўхтатиб туринглар», дейилади». Яъни, Аллоҳ Таоло томонидан гуноҳларни ёзадиган ва ўчирадиган фаришталарга: «Булар ярашмагунича «гуноҳлари кечирилди» деб ёзиб қўйишдан тўхтаб туринглар», дейилади.

Ажаб-ажабки, Ғаззолий ҳазратлари айтганларидек, қабрда ётганлар пушаймон қилаётган ишлари устида тириклар бир-бири билан қир-пичоқ бўлмоқдалар. Бўри билан қуённинг, мушук билан сичқоннинг, лочин билан какликнинг, бойқуш билан қарғанинг адоватини тушуниш мумкин. Одамлар орасидаги, айниқса, бир халқ ёки бир дин вакиллари орасидаги адоватни қандай изоҳлаймиз? Бу борада «Ўткан кунлар» асаридаги Юсуфбек ҳожининг қипчоқ қирғинига доир гаплари ғоят ибратлидир. Ёдингизда бўлса, Тошкент беклари ўз манфаатлари йўлида қипчоқларга қарши фитна ясайдилар. Юсуфбек ҳожи ўғли Отабекка бу хусусда тунтириш берганда: «Хон эрса Мусулмонқулга бўлган адоватини қипчоқни қириб аламдан чиқмоқчи», дейди. Ундан илгарироқ, бекларни бу машғум душманликдан қайтариш мақсадида айтган гапларини эслайлик: «Маним ҳамма мулоҳазам юрт, эл манфаати нуқтасидан туриб айтиладир. Мен ҳеч вақт инкор қилолмайман-ким, ёлғиз ўз ғарази йўлида иш қилғувчи палид кишилар қипчоқлар орасида бор бўлганидек, бизда ҳам йўқ эмас... Буродарлар! Ўрус ўз ичимиздан чиқадиранг фитна-фасодни кутиб, дарбозамиз

тегида қўр тўкиб ётибдир. Шундай маҳшар каби бир кунда биз чин ёвға берадирган кучимизни ўз қўлимиз билан ўлдирсак, сен фалон деб қирилишсақ ҳолимиз нима бўладир. Бу тўғрида ҳам фикр қилғувчимиз борми? Кунимизнинг кофир қўлиға қолиши тўғрисида ҳам ўйлаймизми ёки бунга қарши ҳозирлик кўриб қўйганмизми?.. Сиз ўз қипчоғингиз учун қабр қазиган фурсатда, сизга иккинчилар тобут чопадир. Биз қипчоққа қилич кўтарганда, ўрус бизга тўп ўқлайдир. Сиз дунёда ўзингизнинг ягона душманингиз қилиб қипчоқни кўрсангиз, мен бошқа ёвни ҳар замон ўз яқинимға еткан кўраман...» Ҳамонки, адоват икки ёки беш-ўн киши орасидаги офатгина эмас, миллат фожиаси экан, бу иллатнинг оқибати ҳақида яна нималар дейиш мумкин?

– Зўр душман мағлуб бўлса, шодланма, – деганлар ҳазрат Навоий. – Унинг ишидан ғофил бўлма. Уни жазолашда сабрли бўлиш, муомалада эҳтиёткорлик лозимдир.

*Душман ражову хавфи десангким, фан ўлмагай,
Андоқ тирилки, кимса сенга душман ўлмагай.*

Душманнинг шум нияти хавф солмасин, десанг, шундай ҳаракат қилки, ҳеч ким сенга душман бўлмасин, дейилмоқчи бу байтда. Дунё шундай ғалатки, киши бировни ўзига душман деб билади. Аммо бошқа кимдир унинг ўзини душман деб билади. Гўё одамлар бир-бирларига адоват занжирлари билан боғланганга ўхшайдилар. Ҳамонки, душман ва душманлик бор экан, қандай яшаш керак? Душмандан қочиш керакми ёки уларга яқинлашиб, дўстлашиб чорасини излаш маъқулми? «Ёв билан ёндошма», деган мақолга амал қилиш шартми? Қадим файласуфлардан бири Плу-тарх: «Душманларинг сўзида ҳақиқат эҳтимоли бўлса ҳам ишонма, дўстларинг сўзларида ноҳақлик эҳтимоли бўлса ҳам ишон», деган экан. Бундай дейилишига сабаб, ҳамма ўз душманини бемаъни аҳмоқ, деб ҳисоблайди. Ҳолбуки, киши ўзига душман деб билган одам ақл ва илм жиҳатидан ундан устунроқдир. Ҳикмат аҳлининг айрим китобларида «душманнинг тилғламалигидан ҳазар этинг, рақибнинг ширин сўзларига, юмшоқ муомаласига учманг», деб ёзилган. Душман ҳамиша қасос олишга, ўз ниятига етишга фурсат ахтаради. Агар куч билан енга олмаса, ҳийла ишлатади. Кўз оғриғига дучор бўлган одам қуёшга қараса ё шамолга тутса, кўздан ажралиши мумкин бўлгани каби, одам ўз душманига яқин келса, ҳалок бўлади. Шу сабабли душмандан қочмоқ – табиий ва қонунийдир. Ким душманнинг айтганига ишониб иш кўрса, эъти-

борсиз одамнинг сўзига кириб ҳаракат қилса, уни донишмандлар беақл ва жоҳил ҳисоблайдилар.

Бошқа бир китобларда: «Ўз мақсадинга эришмоқ учун маълум даражада душманга яқинлаш-у, аммо уни ўзингга хавф туғдирадиган даражада яқинлаштирма», дейилади. Қуёшга қаратиб тик қўйилган таёқ бунга мисол тариқасида келтирилади: таёқ жудаям эгилса, сояси камаяди, озгина эгсанг сояси катталашади.

Душманга яқинлашайми ё узоқлашайми, деган саволга жавоб топишдан олдин «Шу одамнинг чиндан ҳам менга душманлиги борми? Адоватининг сабаби нима? Душманлик хатари қай даражада?» деган саволга жавоб излаган маъқул. Чунки, юқорида айтилганидек, ўзимизга душман деб гумон қилаётган одамни бизга нисбатан адовати йўқдир. Гумон туфайли ундан узоқлашсак, уялиб қоламиз. Баъзан «мен уни қаттиқ ранжитганман, шунинг учун энди душманлик қилади», деб ўйлаймиз. Ранжигани аниқ. Лекин одамийлик фазилати ила кечириб юборгандир. Ахир ранжиганларнинг барчалари душманлик йўлига ўтмайди-ку! Расулulloҳнинг (с.а.в.) «араз уч кун» деб белгилаган қоидаларига риоя қилувчилар кўп-ку! Демак, душман билан муносабатни узишда ёки яқинлашишда шошилмаслик керак. Донолар «ёв билан яқинлашиш йўлини қидириш – саломат яшашнинг тўғри усули», дейишган. «Мен ҳамма вақт газабимни босишга ва жанжалкаш душманимга ён беришга ҳаракат қиламан, – деган эди русларнинг улуғ адиби Лев Толстой. – Натижада адоватга барҳам беришга эришаман, кейин эса осойишта ҳолатда ҳаммаси жой-жойига тушиб кетади. Деярли ҳамиша адоват бошидаёқ тўхтатилмаганига афсусланишга тўғри келади».

Душманлик нимадан келиб чиқади? Икки томоннинг бир-бири билан қайсидир масалада келиша олмаганидан, амал ёки обрў таллашишдан, чақимчиларнинг ўртага ғийбат ўтини ёқишларидан... Олдинги жамиятда «синфий душман», «халқ душмани» деган иборалар тўқилди. Бу иборалар ортида неча минглаб одамларнинг беғуноҳ тўкилган қонлари бор...

Умидимиз юлдузлари, ўзингизга маълум, тенгдошларингиз орасида ҳам ўзаро адоват учраб туради. Сизлардаги адоват катталар орасидаги душманлик олдида арзимаган гап. Сизларда адоват туғилади-ю, баъзан кўп яшамайди. Лекин афсуски, ёшликдаги арзимас адоват туфайли дўстликка бутунлай барҳам бериш ҳолларини ҳам кузатамиз. Айтайлик, икки йигитча бир гўзални севиб қолди-ю, ораларига адоват уруғи сепилди. Қиз ўзига ёққанганини танлади. Ишқи рад этилган йигитча қиздан эмас, рақибидан нафратланади. Йиллар ўтаверади. У бошқа қизга кўнгил қўйиб

уйланади. Ҳаётдан рози бўлади. Лекин ўша «қиз талаш»даги адоватни унутмайди. Қалбида кек сақлаб юраверади. Ўрни келиб қолганда унга ёмонлик қилишдан қайтмайди. Дейлик, ўша «қиз талаш»дан кейин у ошиқи бечора йигирма йил кек сақлаб юрди. Ахир шунча йил кек сақлаш ўзининг юрагига ортиқча юк-ку! Адоват, араз юкини уч кундан ортиқ кўтариб юрганлар ўзларига жабр қилган бўладир.

Барча адоватларнинг ўзига хос хусусияти – иккала томоннинг заифлигидир. Мард кишига нисбатан қўрқоқ одам кўпроқ адоват майдонини маъқул кўради. Адоватдаги икки кишидан ақллироғи бу душманликнинг айбдори, десак хато қилмаймиз. Чунки у ақлни ишга солиб, адоват оловини ўчира олмаган. Мен сиз азизларни адоват оловини ўчира оладиган мардлардан деб биламан.

ҚАЛБЛАРНИНГ РАҲМАТИ

Бир донишманддан: «Мурувват нима?» деб сўрадилар. У: «Қариндош-уруғ, дўсту ёрлардан етган жафоларни кечиринг», деб жавоб берди. Агар бир дарахт шохлари кесилса, ўрнига янги навдалар кўкариб чиқади. Аммо меҳру муҳаббат, раҳм-шафқат ниҳоли жафо арраси билан арраланса, асло кўкармайди.

«Раҳмим келди», «Бешафқат экан» ёки «бераҳмларча урди», каби ибораларни эшитиб тураемиз. «Раҳмдил, шафқатли бўл», деган насихатларни ҳам кўп эшитгансиз. «Раҳм» – бировнинг ҳолига ачиниш, биров учун жон куйдириш, «шафқат» эса аяш демакдир. Бу икки сўз маънодош сингари бир-бирига яқин туради. «Раҳм аҳли» дейилганда қариндошлар ҳам назарда тугилади. «Раҳим» – Аллоҳ Таолонинг сифати, марҳаматли, раҳм қилувчи дегани. «Меҳрибон Аллоҳ» маъносини беради. «Тенгридан раҳм агар тама қилсанг, аввал ўлмоқ кераксен элга раҳим», «Ҳар кишиким улусқа раҳм этмас, анга раҳм айламас Раҳиму карим». Ҳазрат Навоийнинг «Арбаин»ларидаги бу байт шарафли ҳадис маъносидир. Расулulloҳ (с.а.в.) дедилар: «Раҳм қилувчиларга Раҳмон раҳм қилади. Ердаги кишиларга раҳм қилинганлар, Осмондаги Зот сизларга раҳм этади» (Мазкур ҳадисни мавлоно Румий: «Сен ерда бўлганларга марҳамат қилгинки, кўкда бўлган (яъни Аллоҳ) сенга марҳамат қилсин. Сендан қуйида бўлганга жонинг ачинсинки, сендан юқори бўлганнинг ҳам сенга жони ачисин», деб шарҳлаганлар. Бу шарафли ҳадисдан Аллоҳ Таоло осмонда экан, деб тушунмаслик керак. Зеро, Аллоҳ маконга муҳтож эмас). Расулulloҳ (с.а.в.) яна дедилар: «Ким одамларга раҳм этмаса, Аллоҳ ҳам унга раҳм қилмайди». (Буни

«Ким атрофидагиларга жонкуярлик қилмаса, ҳолига бекфарқ бўлса, Қиёматда унинг аянчли ҳолига Аллоҳ ачинмайди, дўзах оловидан қутқармайди», деб тушунишимиз мумкин). Яна дедилар: «Умматимнинг кейингилари намози ва рўзасининг кўплиги учун эмас, балки қалбларининг раҳмати, кўнгилларининг саломатлиги, нафсларининг саховати ва барча мусулмонларга раҳмдиллиги боис жаннатга кирадилар». Мазкурнинг мағзини чақишда «Жаннатга кириш учун намоз ва рўза шарт эмас экан», деган хато фикрга бориб қолмаслик керак. Бунда «жаннатга кириш учун намоз ва рўзанинг кўплиги кифоя қилмайди, мўминда яна бошқа фазилатлар ҳам бўлиши шарт», дейилмоқчи.

«Раҳм»нинг «бачадон» маъноси борки, «Силайи раҳм» дейилганда қариндошларга яхшилик қилиш назарда тутилишини биласиз. Кўп тилга оладиганимиз «Раҳмат» сўзи ташаккурни англатишдан ташқари «марҳамат, мурувват» маъноларини беради. «Аллоҳ Таоло, бу бандангни раҳмат қил», деган дуо «шу бандангга азоб берма» маъносини англатади. Аввал айтганимиздек, бу дуони фақат марҳумларга атаймиз, ҳолбуки, тириклар ҳам Аллоҳнинг раҳмати, шафқатига доимо муҳтождирлар. «Аллоҳ Таоло раҳматига восил бўлди», дейилганда дунёдан ўтди, қазо қилди, маъноси тушунилади. «Раҳмоний» сўзи «Худонинг иши» ёки «Худога тегишли» демакдир. «Руҳ раҳмоний эрур, нафс эрур шайтоний, иккисин бир-бирига қўшмоқ эмастур маршрут (*қўшмаслик шарт*)», деганлар ҳазрат Навоий. Абдуллоҳ ибн Масъуд (р.а.) айтдилар: «Агар биродарингизга бир жазо етган бўлса, уни лаънатламангиз, унинг устида шайтонга ёрдам бермангиз, балки: «Ё Парвардигор, унга раҳм қил. Ё Парвардигор, унинг тавбасини қабул қил», деб айтингиз».

Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар: «Мусулмонлар бир-бирларига насиҳат қилиб юрмоғи ва ўзаро раҳмли бўлмоғи лозим. Улар бир жону бир тан кабидирлар. Агар аъзолардан бирортаси дард чекса, қолган бутун жасади унга бедорлик билан ҳамдард бўлади. Мўмин кишилар ҳам битта вужуд кабидирлар. Агар унинг боши оғриси, ҳамма ёғи оғрийди ва агар кўзи оғриси ҳам унинг ҳамма ёғи дард чекади».

Инсоннинг бошида кўз, қулоқ, оғиз, бурун каби қийматли аъзолар жойлашган. Лекин инсонийлик моҳияти кўз ёки қулоқ билан эмас, балки ақлу заковат, маънавият ва ҳофиза билан юзага чиқади. Бу эса миядан ўрин олган бир жавҳар бўлиб, инсонга тақдим этилган буюк неъматдир. Инсоният ҳануз бунинг ҳақиқатига етолгани йўқ. Миядаги кичкинагина бир иллат туфайли инсон телбага айланади, ҳайвонлар ҳам қилмаган ишларни қилади.

Одамийликни касб қилган инсон бошқа бир дўсти учун қайғуради, унинг ғамига шерик бўлади, дардига даво топишга уринади. Тунларни уйқусиз ўтказди, то биродари қайғудан халос бўлгунига қадар бир тану бир жон бўлиб, бир оила аъзоси каби ёнида чарх уради. Уни ҳар қандай моддий ва маънавий машаққатлардан қутқаришга ҳаракат қилади. Вужуддаги бир хасталик туфайли инсоннинг ороми қочади, бутун жасад касаллик ва алам ичида азобланади. Одамлар бир танадаги аъзолар кабидирлар. Шунинг учун ҳам дўстга бирор озор етганда бошқалари ҳамдардлик билдиришлари, ёрдам беришлари лозим. Солиҳларнинг нишони – марҳаматдир. Шақийларнинг (*гуноҳкор бахтсизлар*) нишони – марҳаматсизликдир. Холиқни севган махлуққа шафқатли бўлади. Нафрат ва ғазаби оловланиб учқунлар сачратар экан, у киши инсон эмас. Меҳр-шафқат билан оламга қарасинки, шунда у инсон бўлади.

Бошқалар учун азият чекмайдиган, қайғурмайдиган, ўзини ўйлаб, қорни учун меҳнат қиладиган ва атрофидагиларга лоқайдлик билан қарайдиган киши дунёқараши, савияси ҳаминқадар даражадаги инсондир. Виждонли киши танасининг ҳаққи ва эҳтиёжларини адо этгани каби бошқаларнинг ҳам ҳақ-ҳуқуқларига риоя қилиши керак.

Саъдий Шерозийда ўқиймиз: «Юсуф алайҳиссалом Мисрда қаҳат хангомида тўйгунча таом емадилар, токим, очларни ёдларидан чиқармағайлар.

Маснавий:

*Кимки роҳатда ўткарур ҳолни,
На билур очларнинг аҳволин.
Очлар ҳолин ул киши билгай,
Бошига очлик ғами келгай.*

Қитъа:

*Эйки миндинг югурук от уза, огоҳ бўлгил,
Ки юк остида эшаки ожиз банди гилдур.
Оч қўшнунгнинг уйига борубон ўт тилама,
Ки уйи тунглюкдин чиқғони дуди дилдур.*

Очлик хангомида ожиз дарвишдин ҳолинг нечукдир, деб сўраганиндин сўрмағилким, ҳолинг нечукдир, магарким бир нимарсани бергил ва сийнасининг захмига марҳам еткургил».

Яхшиликлар ҳақида сўз кетганда «мўмин-мусулмонлар» деб таъкидлаяпмиз-у, лекин аслида бу талаб барча бани башарга тааллуқди. Барча инсонлар Одам Ато авлоди бўлгач, дини ва ирқидан қатъи назар, бир-бирларига меҳр-муҳаббатли бўлишлари керак. Афсус шундаки, одамзод бу талабга риоя қилмайди. Ўзида бу фазилатни тарбия этмайди. Оқибатда минг-минг йиллардан бери кун йўқки, инсон қони дарё бўлиб оқмаса. Катта-кичик урушларда оқизилган инсон қонлари тўпланса, ер юзида қуруқлик қолмаса керак.

Барча динда раҳм-шафқатга чақирилади. Масалан, «Инжил»да: «Эй, Одам фарзанди, қанчалик раҳм қилсанг, шунчалик раҳм кўрасан. Қандай қилиб бандаларга раҳм қилмасдан туриб, Худо сенга раҳм этишини умид қиласан?!» дейилади. Тарихга қарасак, кейинги асрлардаги энг ваҳшатли урушларни айнан насоролар бошлаганлар. Бир-бирларини қирганлар. Мусулмон мусулмоннинг юзига уриши мумкин бўлмагани ҳолда мусулмонлар ҳам ўзаро урушдилар, ҳозирда ҳам турли нифоқлар давом этиб турибди. Раҳм-шафқат туйғуси мусулмонлар орасидагина тарғиб этилиб, бу фазилатга тўла эришилган тақдирда ҳам, бошқалар бу хислатдан маҳрум эканлар, дунёда бераҳмлиқ, шафқатсизлик ҳукм суриб қолаверади. Шу боисдан ҳам, одамийликка ёқимсиз бўлган иллатларга даво топиш ҳақида гапирилганда бир дин ёки ирқ вакиллари эмас, инсоният назарда тутилиши керак.

Америка Ветнам билан ёвлашаётган йилларда бир фожиа юз бериб эди. Урушдан қайтаётган йигит Американинг Сан Франциско шаҳридан уйига қўнғироқ қилиб, хушxabарни ота-онасига етказди-да:

– Онажон, отажон, сизлардан илтимос қилмоқчиман, ўзим билан дўстимни ҳам уйимизга бирга олиб борсам майлими? – деб сўради.

– Майли, ўғлим, меҳмонингни бошлаб келавер, – дейишди.

– Аммо бир нарсани билишингиз керак-да. Дўстим урушда офир яраланди. Минани босиб олиб, бир қўли билан оёғини йўқотди. Унинг борадиган жойи йўқ, биз билан яшашини истаяпман.

– Бу гапинг ноўрин, ўғлим, – деди отаси.

– Балки дўстингга бошқа қулайроқ жой топишга ёрдам берармиз, – деди онаси.

– Йўқ, у фақат бизникида, биз билан яшаши керак, – деди ўғил ўжарлик билан.

– Ўғлим, – деди дадаси, – биздан нимани талаб қилаётганингни ўзинг тушунмаяпсан. Ногирон дўстинг бизга ортиқча юк бўлади.

Бунақа даҳмазалар осойишта ҳаётимизга тўсиқ бўлишига йўл қўя олмаймиз. Сен ногирон дўстингни унутгин-у, ёлғиз ўзинг уйга қайтавер.

Ўғли гапни кўпайтирмай, телефонни узди. Ота-онаси унинг қаердалигини билмай, бир неча кун хавотирда юрди. Ниҳоят, Сан Франциско полициясидан қўнғироқ қилиб, урушдан қайтган ўғилнинг юксак иморатдан қулаб, ҳалок бўлганини билдиришди. «Бу бахтсиз ҳодиса ёки қотиллик эмас, ўз жонига қасд қилиш эканлиги аниқланди», деб изоҳ ҳам беришди. Юрак-бағри эзилган ота ва она дарҳол Сан Францискога етиб келди. Жасадни таниб олиш маросимини ўтказиш учун уларни ўликхонага бошлашди. Ота ва она жасадни кўришди-ю, даҳшатларига даҳшат қўшилди... Чунки... ўғилларининг бир қўл ва оёғи йўқ эди...

Бу воқеа изоҳга муҳтож эмас. Буниси-чи? Бир жарроҳга ярим кечаси қўнғироқ қилиб автоҳалокатда оғир жароҳат олган йигит шошилиш амалиётга (операцияга) муҳтож эканлиги айтилди. Уйқудан аранг кўз очган жарроҳ хизмат ҳақи қанча бўлишини айтди. Унга йигитнинг ҳужжати йўқлиги, шахси номаълумлиги айтилди. «Ота-онасини топинглар, ҳақини тўлашса, боласи омон қолади», деб гапни калта қилди. Йигит эрталабга яқин ўлди. Кейин ота-онаси ҳам топилди. У ўша жарроҳнинг ўз ўғли экан...

Расулulloҳ (с.а.в.) дедилар: «Сизлардан бурун ўтган пайғамбарлар умматидан биттаси ҳисоб-китоб қилинганда ундан ҳеч бир яхши иш топилмаган. Лекин у ўзига тўқ киши бўлиб, халқ билан аралшиб юрар ва камбағал кишилардан оладиган маблағи бўлса: «У камбағал бечорадан шу маблағни кечиб юборинглар», деб ходимларига буюрарди. Шунда Аллоҳ Таоло: «Бу банда камбағалга меҳрибонлик қилиб, ундан оладиган маблағни кечган экан, унинг гуноҳларини ҳам мен кечаман», деб гуноҳларини кечириб юборади».

Хожа Абдуҳолиқ Ғиждувоний дедилар: «Ёмон иллатлардан агар тозаланган бўлсанг, барча жаҳон халқига нисбатан хайрихоҳ бўласан. Жаҳонда яхши-ёмонларга нисбатан меҳрибон бўлгил, ўшанда Худоба яқин банда бўла оласан».

Ҳазрат Жаъфар Холидий бир куни ҳазрат шайх Абул Ҳусайн Нурийнинг (қ.с.) хилватда муножот қилишларига баногоҳ гувоҳ бўлдилар. Ҳазрат шайх бу онда бутун вужудлари ила Аллоҳ Таолога илтижо қилар эдилар:

– Илоҳи! Шул дўзахга мустаҳиқ бўлган қулларингни Сен яратдинг. Буларни эртага дўзахга ташлаб, азоб бергайсен. Буларнинг ўрнига мени дўзахга ташла ва буларга қиладиган азобингни менга қил!

Бу муножотни эшитиб, ҳазрати Жаъфар Холидий ҳайратга тушдилар. Ўша кеча тушларида нидо келдики: «Ё Жаъфар! Нурийга боргил, «Шул шафқатинг баракотига эришдинг», дегил!» Ҳазрати Жаъфар Холидий уйқудан уйғониб, бориб Нурийга бу сўзларни сўзлаган эдилар, ул ҳазрат наъра тортиб, шодлик ҳаяжонидан беҳуш бўлдилар.

Албатта, бировнинг гуноҳи учун дўзах оташида куйишга ҳамма ҳам рози бўлавермайди. Бу мардликка асос бўлувчи иймон қувватига барча ҳам эришавермайди. Лекин кимдир кичик бир шафқатга муҳтож бўлганида унга ёрдам бериш ҳамманинг қўлидан келади.

Бурсавий таъкид этадиларки, бир-бирларига раҳму шафқат, марҳамат қилишлари, ёрдам беришлари, одамларнинг муштарақ вазифаларидан бўлиб, бу ёрдам гуноҳ ишларда эмас, балки яхшилик йўлида бўлиши шарт. Касалларни зиёрат қилиш, жанозаларда қатнашиш, муҳтожларга имкон қадар ҳиммат қўлини узатиш, хизматчисидан тортиб қўни-қўшни, қавму қариндош, ёру биродарлар, ҳатто ҳайвон ва паррандаларнинг ҳам ҳақларига риоя қилиш – одам боласи тўла-тўкис бажариши зарур бўлган амаллардандир. Чунончи, танамиздаги ҳар бир аъзонинг ўз вазифаси бор. Агар бир аъзо ишдан чиқса, вужуд салкам яроқсиз ҳолга келади. Бир нечтаси ишдан чиқса-чи? Масалан, кўз кўрмаса, қулоқ эшитмаса, қўл-оёқ ишламай қолса, бу вужуднинг не қиймати бор?

Ҳар бир аъзонинг ўзига яраша вазифаси бўлганлиги сабабли бир-бирининг ўрнини боса олмайди. Биз бу аъзоларнинг қадрига етиб, ҳақларини адо этмоғимиз, шукрини келтирмоғимиз лозим. Кишининг кўзи оғриганида малҳам қўйишга зарурат туғилгани каби, бошқа одамларнинг ҳам ҳаққини адо этиш вазифаси бор. Ҳар бир инсон ўзи масъул бўлган вазифасини бекаму кўст бажариши билан жамиятда уйғунлик пайдо бўлади. Акс ҳолда, биргина аъзонинг шикастланиши билан тана заифлашгани каби, жамият ҳам мутаносибликни йўқотади, заифлашади. Инсоннинг ўз ҳамжинсларига нисбатан қиладиган вазифаларининг хулосаси: адолат, биродарлик, садоқат, тўғрилиқ, ёрдам, раҳм-шафқат ва муҳаббатдан иборатдир. Булар гўзал ахлоқнинг биринчи гоё ва мақсадларидан саналади. Бу ҳикоят шу ҳақда.

Ривоят. Абдулла исми хайр-саховатли, марҳамат-шафқатли адолатпарвар ва мўътабар бир киши эҳтиёжини арз этиб, ёрдам сўраб келган одамни қуруқ қайтармасдан унга мурувват қўлини чўзарди. Унинг уч ўғли ва уларга аталган икки ҳовли билан гўзал боғи бор эди. Бир куни ўғилларини ҳузурига чақириб, деди:

– Боғ ва ҳовлилар тўғрисида келиша олмаётганингизни сезиб турибман. Масалани адолат билан ҳал этамиз: учовингиз сафарга чиқинг. Қай бирингиз менга қимматбаҳо тош келтирсангиз, боғ ўшаники бўлади.

Боққа эга чиқиш умидида уч ўғил уч томонга қараб кетди. Каттаси юра-юра бир қабила ерига етди. Қабила бошлиғининг тожидаги қимматбаҳо ёқутни кўриб, арзини баён этди. Қабила бошлиғи унинг ҳадялари эвазига ёқутни берди. Тўнғич ўғил боғни қўлга киритишига ишонгани ҳолда, севина-севина отаси ҳузурига қайтди.

– Чиндан ҳам қимматбаҳо тош келтирибсан, энди сабр қила тур, кўрайлик-чи, укаларинг нима келтиришаркин? – деди Абдулла.

Ўртанча ўғил юра-юра денгиз бўйига келиб қолди. Ғаввосларга арзини баён этиб, совғаларини берган эди, улар денгиз тубидан қимматбаҳо тош чиқариб бердилар. Тош сирти ғадир-будир эди. Ўртанча ўғил устага шогирд тушиб, тош силлиқлашни ўрганди, сўнг отаси ҳузурига қайтди. Унинг олиб келгани ҳам Абдуллага ёқди, аммо кенжа ўғилни кутишга қарор қилди.

Кенжа ўғил олти ой саргардон юриб, отасини қувонтиришга арзийдиган қимматбаҳо тош топа олмади. Ноумид бўлиб уйига қайтаётганида бир ҳовлидан нола эшитиб тўхтади. У хавотирланиб, эшик тирқишидан ичкарига мўралади.

Қараса, ҳовли ўртасида бир сигир ўлиб ётибди. Уч гўдак эса уни қучоқлаб йиғлаяпти. Болаларнинг ота-оналари кўзларида ҳам ёш... Кичик ўғил гўдакларнинг фарёдига тоқат қила олмай, эшикни очиб, ичкарига кирди. Ҳовли эгасини чақириб, бу йиғи сабабини сўради.

– Қишлоқдаги энг камбағал одам кимлигини сўрасангиз, бизни кўрсатишади, – деди уй соҳиби. – Шу биттагина сигиримиз бор эди. Сут сотиб кун кўрардик. Сигир ўлди, энди нима қилишни билмай йиғлаяпмиз.

Кенжа ўғил гўдакларни юпатгач, уй соҳибини бозорга бошлади. Йўл харжи ва қимматбаҳо тош учун берилган маблағни сарфлаб, унинг рўзгорини бутлади. Кейин мол бозорига бориб, соғин сигир сотиб олиб берди. Бечора оиланинг аъзолари бу яхшиликлари учун унга миннатдорлик билдириб яна йиғлай бошлашди. Болалар йигитнинг пинжиги кириб йиғладилар, уй соҳиби унинг ўнг елкасига, соҳибаси чап елкасига бошларини қўйиб кўз ёши тўқдилар.

Олижаноб, мурувватли йигит уйга қайтиб, отаси ва ҳовли-боғ ташвишида ўтирган акалари билан кўришди. Абдулла ўғли елкала-

ридаги кўз ёшларининг қуёшда ялтиллаб, жилолаётганига аҳамият бериб, сўради:

– Сен ҳам қимматбаҳо тош келтирдингми? Елкаларингда нима ялтиллаб турибди?

Кенжа ўғил дардманд оиланинг кўз ёшлари елкаларига томганини айтиб, воқеани бирма-бир баён этди. Бу тафсилотни эшитган отанинг кўзлари ёшланди, ўғлини бағрига босиб, деди:

– Олижаноб, мурувватли ўғлим, сен ҳақиқий инсон бўлиб етишганингни билдирдинг. Мен у оилани билардим, аммо бечораларнинг ҳолидан вақтида хабар ололмай қолибман, бунга афсусланаман. Сен уларга ёрдам қилиб, одамийлик бурчингни бажардинг. Инсонлар бир-бирларига биродар эканликларини, адолатпарвар бўлишлари лозимлигини шу ишларинг билан кўрсатгансан, мен сендан розиман. Менга бир бечора, нотавоннинг миннатдорлик кўз ёши мингларча қимматбаҳо тошлардан афзалдир. Белимнинг қуввати, севимли ўғлим, боғимни сенга бердим, бу боққа эга бўлишга фақат сенгина ҳақлисан...

Инсонлар устида вазифани тўғри бажаришга ҳаракат қилиш одамийликнинг талабидир. Кексаларни, айниқса, ота-онани алоҳида эътибор билан ҳурмат қилиш, кичикларга шафқат, марҳаматини аямаслик, мубоҳ ва гуноҳ бўлмаган хусусларда кексаларга бўйсуниб, ўзаро бирликни сақлаш – одамийлик талаблари. Агар жамиятнинг ўзагини ташкил этувчи аъзоларнинг иттифоқи мустаҳкам бўлса, ҳамма бир-бирига инсоний ва биродарлик ёрдам қўлини чўзади, бир-биридан ҳол-аҳвол сўрайди.

Одамийлик фазилатлари қарор топган қариндошлар орасида яшаётган фарзандлар ота ёки оналари вафот этганда мусибатнинг офир тоши остида қолиб кетмайдилар. Чунки атрофидаги инсоф ва виждон эгалари дарҳол уларга ёрдам қўлларини чўзадилар, лутф-эҳсонлар қиладилар. Мана шу нарса ҳам одамийликдаги ўзаро ҳамжиҳатликнинг ёрқин намунасидир. Бугун жамиятимизда бу фазилатни кўп учратамиз. Аммо, афсуски, акси ҳам учрайди. Агар ота ёки она кенжа фарзанди билан яшаб, шу уйда вафот этса, катта фарзандлари укаларига ёрдам қўлини чўзиш ўрнига мерос можаросини бошлаб юборадилар. Жанжал кўтармаган тақдирларида ҳам, ота ёки оналари жони узилган уйда бир-икки кеча ётиб қолишга ё тоқатлари ё фаросатлари етишмайди.

Ўзаро меҳру муҳаббат, марҳамат, лутфу эҳсон ва ёрдамлашувнинг ноқислиги жамият ҳамжиҳатлигининг заифлиги ёки умуман мавжуд эмаслигининг белгисидир. Чунончи, бир бинодаги тош, темир, тахта, қум, цемент ва бошқа моддалар бир-бири билан

маҳкам чирмашиб турар экан, бино ҳам мустаҳкам демакдир. Қачонки, уларнинг боғлиқлигига путур етгудай бўлса, тош, темир, қум бир-биридан ажрала бошласа, у мустаҳкам бино емирилишга юз тутади. Шунга ўхшаб, яхши кишилар ҳам бир-бирларидан узоқлашсалар, пароканда бўлсалар, барча ўзи билан ўзи овора бўлса, ўша бино ҳолига тушадилар.

Агар инсоннинг бир аъзосини қандайдир сабабдан кесмоқчи бўлсалар, хасталанган аъзо оғриқни сездирмайдиган дори билан эмланади. Шундан кейин у аъзо танадаги бошқа аъзолардан бутунлай ажралади, ҳеч бир аъзо унга ҳамдардик билдирмайди ва ниҳоят кесилади. Бу аъзолардаги асаб ҳужайралари ўлдирилгани сабабли оғриқ сезилмайди. Сезги ҳиссининг ўлдирилиши билан маънавиятнинг ўлдирилиши орасида ҳеч бир фарқ йўқ. Бири модда билан ўлдирилади, иккинчиси руҳий туйғулар орқали.

Катталарнинг бу борадаги эътиборсизликлари каминани кўп ажаблантиради. Бугун бир ёмон хулқ эгасига: «Кел, сен ҳам яхши одам бўл!» деб айта оламизми? Одамийликнинг маъзи, моҳиятига ўзимиз етмай туриб, бошқаларга сўз айтишга журъат қила оламизми? Албатта, биз ҳаракат қилмасак ҳам, одамийликнинг нурлари атрофга ёйилаверади. Аммо виждонининг заифлиги учун гўзал ҳаётини бой бераётганлар йўқми орамизда? Қийналиб қолган дўстининг ёрдамига нечта одам интилади? Кимдир биров фақат гап-сўздагина одам. Шундайларнинг қилаётган амалларига қараб кўрайлик-чи, қай бири одамийликка мувофиқ келаётган экан.

Ёнма-ён қурилган икки ошхонадан бирининг иши ортга кетса ёки солиқ идораси беркитиб, муҳраб қўйса, бунисидагилар афсусланадиларми ё қувонадиларми? Тан олайлик: қувонадиганлари кўпроқ.

Бефарқлик – иллат. Одам қанчалар бефарқ бўлса, жамиятга шунча зарар етади. Унинг омадсизлигидан қувонса, янада баттароқ иллат. Ахир бундай бўлиши мумкин эмас-ку! Бундайларнинг ё виждони йўқ ё бошқаларнинг ёрдамига муҳтож бир бемордай. Бошқача бўлиши ҳақиқатдан узоқ нарсаси! Виждоннинг илк меваси – марҳаматдир. Марҳаматдан узоқ бўлганлар ҳақиқий маънода ҳаёт эгаси эмаслар. Одамийликка хос ахлоқ билан ахлоқланишнинг энг табиий натижаси марҳаматли қалбга эга бўлишдир. Аҳли ҳикмат: «Қалбида шафқат бўлмаганлар эшигидан узоқлаш, яқинлашсанг, кўнглингни яралайдилар», деб огоҳлантирганлар. Мурувват, марҳамат – инсонийлик туйғусидир. Меҳр-оқибат фақат бегоналар учун эмас. Бу фазилатнинг амалдаги кўриниши кишининг ўз уйидан бошланади. Эр-хотин ўртасида меҳр-оқибат, раҳм-шафқат бўлса – уй жаннатдир! Акс

ҳолда, бу хонадон жаҳаннамга айланади. Аҳли донишнинг: «Сенга меҳр билан қараганга сен ҳам ундан кам кўз билан қарама. Меҳр билан боққан кишига паст назар билан боққан энг расво инсондир», деб бежиз айтишмаган. Бузургмеҳрдан: «Қандай ишингиздан шодланасиз?» деб сўрадилар. Жавоб бердилар: «Муҳтожларга ёрдам беришдан, хайрли ишлар қилишдан жуда шодланаман. Менда булардан ортиқ севинчлироқ иш йўқдир».

Ҳазрат Умар (р.а.) зиммийлардан бир қари чолнинг одамлар эшиги олдида тиланчилик қилиб юрганини кўрдилар. Ҳазрат Умар (р.а.): «Биз сенга инсоф қилмадик. Ёшлигингда сендан жизя олдик, бугун эса ташлаб қўйибмиз», дедилар ва у кишига мусулмонларнинг байтул молидан овқат бериб туришни буюрдилар. Бугунги жамиятимизда камбағалларга ғамхўрлик қилувчи ташкилотлар, жамғармалар мавжуд. Лекин «киши бу соҳадаги бурчига эътиборсиз бўлиши мумкин, бечораларнинг ғамига ўша жамғармалар даво топади», деган хато фикрга бормаслик керак. Тўғри, тиланчиликнинг икки тури бор: бири – турли сабабларга кўра чинданам муҳтож бўлиб қолганлар. Иккинчи тоифа – ялқов ва дангасалар, тиланчиликни ўзига касб қилиб олганлар. Бу тоифага моддий ёрдам бериш керакми ё меҳнат орқасидан тирикчилик қилиш кераклигини тушунтириб қўйиш лозимми? Тушунтириш қийин бўлса керак... Айримлари болаликдан шу йўлда тарбия топадилар...

Чинданам муҳтож бўлиб қолганларни ўз ҳолига ташлаб қўйишимиз, меҳр-мурувват кўрсатмаслигимиз биз учун айб бўлмайдимиз? «Қорни тўқнинг қорни оч билан нима иши бор?» деган мақолга нима дейсиз? «Хоҳласа, тиланчилик қилсин, хоҳласа ўлсин, нима ишим бор?» дейдиган ноинсофлар йўқми орамизда? Мана шу бефарқлигимиз, лоқайдлигимиз сабабидан ақду фикрга, хаёлга ҳам келмайдиган ҳодисалар рўй бeryпти. Бу ҳодисаларнинг чораси осон эмас. Жуда мушкул. Ҳолбуки, бу ҳодисаларнинг нима учун, нима сабабдан юзага келганини аниқлайдиган бўлсак, бу ҳақда ўйлаб кўрсак, қабоҳат, айб ва қусурнинг уларда эмаслиги, бу ҳолга жамият аъзоларининг барчалари сабаб бўлгани ойдинлашади. Чунки ҳадиси шарифда: «Биродарининг, қўшнисининг оч эканлигини билиб туриб, ўзи эса тўқ ҳолда ётиб тонг оттирган одам ҳақиқий мусулмон эмас», дейилади. Бир оз фикр юритайлик. Бу нима дегани? Тўғри, сабрли бўлиш керак, қаноаткор бўлиш лозим, аммо бой ва ўзига тўқлар ҳам инсоф қилиб, исрофдан тийилишлари лозим. Гуноҳ ишларга беҳисоб пуллар сарфлагунча, заифу бечораларга, фақиру мискинларга ёрдамга шошилиш яхши эмасми? Шубҳасизки, одамларнинг кўзлари бой кишининг

тўкин-сочин, исроф қилаётган сарф-харажатларида, хатти-ҳаракатларида бўлади. Фақирларнинг назаридан бу нарсалар махфий қолмайди. Ана ўшанда ғийбат, ҳасад, ифво, кин, ўғрилиқ каби ярамас ҳоллар рўй беради. Уларни жазолаш билан бу ишларнинг олдини олиб бўлмаслигини неча йиллардан бери олиб борилаётган тажрибалар кўрсатиб турибди.

Шариат ҳукмида ўғрининг қўлини кесиш буюрилган. Бу ғоят шармандали жазо – ҳам қўлсиз қолади, ҳам то ўлгунича жамият ичида «ўғри» деган дашном остида яшайди. Бу билан ўғрилиқнинг олди олинишига ҳаракат қилинади. Лекин асрлар мобайнида қўллар кесилаверилган, ўғрилиқ эса давом этаверган. Бу ҳам ҳақиқат. Ўғрилиқка қўл урган одамни гуноҳ қилишга мажбур этган ва бу ҳолга келтирган жамиятнинг бу борада бирор айби йўқмиди? У бечоранинг қўли нима учун кесилган? Болалигида яхши тарбия кўрмаганми? Энди айб фақат ўғрининг ўзидами? Ёки унинг шу ҳолга келишига сабаб бўлган жамият аъзоларидами? Болалар қамоқхонасида ўтирганларни кўрганимда катталар орасидаги лоқайд кишиларга шундай хитоб қилгим келган эди:

– Ёш чоғида жиноят йўлига қараб бурилганларни тўхтатиш, уларга илм, одоб, касб-кор ўргатиш, бирор иш билан таъминлаш керак экан, сиз буларни хаёлингизга ҳам келтирмай, завқу сафодан, кайф қилиб юришдан, исрофгарчилик кўчаларида тентираб юришдан тўхтамайсиз-а! Иссиқ кунларда ёзлоқ далаҳовли, курорт, алламбало пляжларда, қишда эса дабдабали, қулай уй-жойингизда яшаб, хилма-хил автомобилларда сайру саёҳат қилиб юрган кезларингизда бечора фақирлар қамалар экан, баттар бўлсин, десангиз, шу ишингиз одамгарчиликданми? Ахир сиз одамийлик вазифангизни бажарганингизда ёш ҳаётнинг гул фасли қамоқда ўтмас эди. Бурчингизни адо этмаганингиздан кейин у жиноятга қўл урса, «Унинг қўлини ҳам кес, оёғини ҳам кес, оламга ибрат бўлсин!» деб рози бўласизми? Бироқ сиз ўз вазифангизни адо этмаганингиз учун ўзингизга қандай жазо берилишини ҳам бир ўйлаб кўринг. Ўзингизга ўзингиз ҳукм қилинг...

Умидимиз юлдузлари, бу ҳолатларга сиз ҳозирдан жиддий эътибор беришни ўрганинг. Токи, эртами-индин лоқайдлик касалига чалиниб қолманг ва улғайганингизда одамлар сизга таъна қилишмасин.

Яна бир ҳикоят. Икки бадавлат дўст бор эди. Уларнинг ўзаро меҳр-оқибати ва мурувватига барча ҳавас қиларди. Вақти келиб, бировининг омади кетди, камбағаллашди. Сўнгги молини сотиб

ҳеч вақосиз қолди. Фақирликни оловли кўйлакка ўхшатганлар. Бу бечора кутилмаганда «оловли кўйлак»ни кийиб телба бўлаёзди. Ниҳоят, бой дўстидан ёрдам сўрашга қарор қилди. Унинг эшигини тақиллатди. Бой ичкаридан туриб хизматчиларига: «Бу одамни қувинглар, даф қилинглар!» деб бақирди. Хизматчилар бечорани хорлаб, ҳайдадилар. Фақир довдираб, мажнун каби ақлини йўқотди. Дунё унинг кўзига сўнгсиз азоблар берадиган зиндондай кўриниб кетди. Уйига шуурсиз, худди ўлик каби қайтди. Ўз-ўзига: «Ҳа, демак, дунё аёвсиз зиндон, одамлар эса шу қадар ваҳшийлашган экан, энг сўнгги умид ўлимдадир», дея қарор қилди. Бир варақ қоғоз олди-да: «Оҳ, ҳаёт! Қанчалар аччиқ экансан! Уни фақат бошимга тушганда англадим. Ҳозир ҳар тарафим таҳқир олови ичида ёняпти. Бошқа умидларим қолмади», деб васиятнома ёзди. Чопқини қўлига олиши билан унинг эшиги қаттиқ тақиллади. Бирданига эшикнинг бемаҳал тақиллаши уни ҳайратлангирди.

У бой дўстининг ҳайдаб бақирганини эшитган, аммо кейинги гаплардан хабари йўқ эди. Фақирлашган дўсти надомат чекиб узоқлашгач, бой кекса хизматчисини чақириб шундай деган эди:

– Унинг изидан бор. Мана у ҳамёндаги олтинни унга бер. «Бобонгиздан қарз эдим, қайтаришга энди имкон топдим», деб узр айт. Озгина кўз ёши ҳам қилиб, уни гапингга ишонтир. Менинг номини эса асло тилга олма.

Эшикни тақиллатган киши бойнинг буйруғи бўйича олтин олиб келган қария эди. Ўлишга чоғланиб турган фақир эшикни очди. Қария камоли таъзим билан салом бериб хожаси ўргатган сўзларни айтди.

Фақир олтин тўла ҳамённи қўлига олиши билан унда яшашга яна умид уйғонди. «Аллоҳ Таоло раҳмат этсин! Бобожоним муборак зот эдилар. Ўлганларидан кейин ҳам мени фақирлик чоҳидан қутқардилар. Энди пулни бекорга сарфламайман, тижорат билан шуғулланиб, ҳаётимни қайта изга соламан», деб аҳд қилди. Эртаси кун бозорга чиқиб, тижоратини бошлади.

Бой эса унинг изидан бир хуфяни қўйиб: «Бу одамнинг ҳар бир қадамини кузатасан, тижорати юришмай, иши орқага кетиб, фақирлик жарига қулай деганда менга хабар қиласан», деб буюрди.

Тижоратдан тажрибаси бўлмаган йигитни алдадилар. Иши юришмади. Охири сўнгги тангасини ҳам бой берди. Яна ўшандай паришон ва аламли ҳолида уйига қайтди. Хуфя ўша заҳоти бойга

хабар етказди. Бой бошқа бир қарияга минг олтин бериб, «отангиздан қарз олган эдим», деб беришни тайинлади.

Ўлимига рози бўлиб ўтирган фақир изтироб оташида ёниб ўтирганда эшик тақиллади. Қариянинг қўлидаги олтинни олгач, унда яна ҳаётга умид уйғонди. Олтинларни бу сафар ақл билан сарфлади. Оқибатда яна бой-бадавлат бўлди. Хуфя бу ҳолни ҳам бойга етказди. Бу хушxabардан мамнун бўлган бой: «Энди дўстимнинг зиёратига борсам бўлади», деб йўлга отланди.

Фақирликдан қутулган йигит бой дўстини нохуш қаршилади. Уни қувиб юборишни ҳам ўйлади. Бой: «Биз сен билан қадрдон дўстмиз», дейиши билан чидай олмай «Ёлғон!» деб ҳайқириб, яна анча аччиқ сўзларни сўзлади. Бой унга жаҳл қилмай тушунтирди:

– Билсанг, сен учун кўп изтироблар чекдим. Сенинг габли онларингда фалон қариядан олтин жўнатган мен эдим. Яна фалон куни, фалон соатда минг олтин юборган ҳам мен эдим.

– Эй, дўстим, нега ундай қилдинг? Ўзинг ҳақингда ёмон фикрга боришимга нега мени мажбур қилдинг?

– Сен пулнинг қийматини унутган эдинг. Қанча пул берсам ҳам совурардинг. Сен тижоратни билмас эдинг. Қанча пул берсам ҳам тижоратда қийналар эдинг. Агар пулни мен берганимни билганингда менга асир бўлар эдинг. Ҳолбуки, мен сени жуда яхши кўраман. Ҳаётга қайтариш орзусида эдим. Аллоҳ Таолога ҳамдлар бўлсинки, бутун сени ҳаётда ўз ўрнинини топган ҳолда кўриб турибман.

Ҳикоятдан олинадиган маъно шу: кишига энг катта ёрдам уни ҳаётга ҳозирламоқ, мустақил яшашга тайёрламоқдир. Энг катта сармоя ҳам шудир. Шундай пайтлар бўладики, инсон ҳамма нарсасини йўқотади. Бундай пайтда зарар кўришдай фожиа йўқ. Зарар инсон учун энг катта ботқоқликдир.

*Зиён шундай ботқоқликки, тушсанг бўғиласан,
Умидга ўран, ишонч билан интил, қайта тугиласан.*

Мавлоно Румий дедиларки, ҳаяжон, қўрқув, қайғу ва аламга гирифтор бўлганларга марҳамат, шафқат қилиш ва уларга тасалли бериб, кўнгилларини кўтариш инсониятнинг энг олий вазифаси ва энг буюк лаззатидир. Аммо бу лаззатни кераклигича топиш учун марҳаматли, сезгир ва олий қалбга эга бўлиш лозим. Зеро, шарафли ҳадисда таъкид этилганки, «рахм-шафқат бадбахт кишидан бўлак ҳеч кимдан тортиб олинмайди». Чарчоқни уйқу, ҳасрат

чеккан қалбни меҳр дам олдиргани каби, муҳтожлик жароҳатини раҳм-шафқат дори-дармони тузатади.

Кишига энг яхши ёрдам ўз ўрнида қилинган ёрдамдир. Шу боис бу қиссадаги каби кишиларни юксалтириш учун уларнинг энг муқаддас ҳаққи бўлган эркинлигини ўзида қолдириш энг яхши ёрдамдир. Кишилар мана шундай ёрдам туфайлигина улғаядилар. Демак, энг катта шафқат, ёрдам инсонни ҳаётга ҳозирлаш, унинг эркинлигини тўла ўзида қолдиришдир. Демак, меҳр-мурувват ақл билан кўрсатилиши, беҳуда сочиб юборилмаслиги керак экан.

Мазкур ҳикоятдаги яна бир нуқтага диққатни қаратиш керак: бой фақирлашди ва бу фақирлик юкини кўтара олмай қолди. Бундай одамларни ҳаётда кўп учратамиз. Кимки бойлик пайтида фақирнинг аҳволини билса, унга раҳм қилса, мурувватли бўлса, ўзи фақирлашиб қолганда азоб чекмайди. Шу боис аҳли дониш дедик: «Бошига бирор оғирлик тушган, турмушдан қийналган вақтда бошқаларнинг ёрдам беришини истаган кишига айтинг: соғ-саломат бўлиб, роҳат ва фароғатда умр кечириб турган вақтида ҳеч кимдан ёрдамини аямасин. Яхшилик қилишга ғайрат қилсин».

Ҳазрат Сўфи Оллоҳёр: «Агар киши олим бўла туриб бандаларни эзгу йўлга буюрмаса, ёмон йўллардан қайтармаса, бундаин олимни хиёнат аҳлидан бил. Бундан улуғ хиёнат бўлмас», дедилар. Яна таъкид этдилар:

*Биров йўл билмайин юзланса чўлга,
Билиб гар солмасанг, сан яхши йўлга,
Қай-у инсоф эрур, қай-у диёнат,
Эрур андог улуг бухл-у хиёнат.*

Шарҳ. Биров адашиб, чўлга кириб қолса, сен эсанг, кўра туриб уни яхши йўлга солмасанг, унда бу қандайин инсофу қандайин диёнатдир? Ахир мусулмон биродарлар бир-бирларига тўғри йўл ўргатадилар. Чунки уларнинг дини шуни тақозо қилади. Шундай экан, бундан ортиқ ичи қоралик ва хиёнат бўлмас.

*Агар олдингда тифле бўлса ногоҳ,
Ёнар ўтқа тушарин билсанг огоҳ.
Узатмас бўлсанг анга дасти илтоф,
Начук бўлгай биродарликда инсоф.
Жамиъи бандайи мўмин саросар.
Эрурмиз бир-биримизга биродар.*

Шарҳ. Агар қаршингда бир гўдак кўришиб, унинг ёниб турган ўтга тушиб кетишини билиб турсанг ва бу болага раҳму шафқат қўлингни чўзмасанг, сендаин киши дин биродари эмасдир. Шунга ўхшаб бир нодон билмайин ҳаром ишларга қадам қўя бошласа-ю, сен кўра-била туриб унинг йўли бузуқ йўл эканидан хабар бермасанг, бу қилганинг улуғ хиёнат бўлади. Ҳолбуки, барча мусулмонлар бир-бирларига биродардурлар. Биродар эканлар, демак, бир-бирлариги шафқат қилмоқлари лозим. Олимлар очиқ кўнгил билан билганларини билмаганларга сарф қилсалар, бойлар фақиру мискинларга жўмардлик билан садақа бериб турсалар, шафқат дегани шу бўлади.

Гўдакнинг ёниб турган ўтга тушиб кетаётганини рамзий маънога кўчириб, болани гиёҳванликдан қутқариб олишни англасак ҳам бўлади. Болага шафқат қилиш фақат чиройли либос ёки ширинлик ёки сақич билан сийлаш эмас. Етимларга меҳрибонлик қилишда ҳам моддий ёрдам билан чекланмай, уларнинг тарбияси, билим олишга муносабати билан ҳам қизиқиб туриш лозим. Кўчада уч-тўрт бола наша чекиб ўтирганини ёки бошқа бузуқ ишлар билан банд эканини кўрган ёши катта киши «Булар менинг болам эмас», деб кўз юмиб ўтиб кетса, уни жинойтда айблай олмаймиз. Бузуқликдан тўхтатилмаган болалар орадан бир неча соат ўтгач, бузуқликни тўхтатмаган кишининг қизи ёки синглисига зулм қилсалар, у бечора бу жинойтда ўзининг иштироки борлигини ўйлаб кўрармикин? Ёки, ўзининг ўсмир ёшидаги ўғли эрта-индин шу тўдага қўшилиб қолса-чи? Шунда ҳам индамай ўтиб кетаверадими? Йўқ! Аммо бу ҳолда ҳам у фарзандини тўдадан чиқариб олишнигина ўйлайди. Тўдадаги барча номаъқул болаларни тўғри йўлга бошлашга ҳаракат қилмайди.

«Одам болаларига лозим бўлган яхши ишларнинг бири – муҳтожларга шафқат ва марҳамат қилмоқдур, – деб ёзганлар Мунаввар қори. – Шафқат ва марҳамат эса биров бир нарсани сўраган вақтида бор бўлса, аямасдан бермоқ, агар йўқ бўлса, ширин сўз ила узр этмоқ ва қўлдан келганича бошқаларга ёрдамда бўлмоқдур. Жаноби Ҳақ таоло ҳамма махлуқларни бир-бирига муҳтож ва бир-бирига сабаб қилиб яратмишдур. Подшоҳ гадога, гадо подшоҳга, бой фақирга, кофир мўминга, мўмин кофирга, ҳамма бир-бирига муҳтождир.

Бу муҳтожлик ёлғиз инсонлар орасида бўлмай, инсонлар ила дунёдаги жонли ва жонсизларнинг барчасини орасида ҳамма вақт кўрилмакдадир. Инсонлар минмоқ, юкларини ортмоқ, ерларига экин сочмоқ, сутларини ичмоқ ва гўшларини емоқ учун от, туя,

эшак, қўй, сигир, ҳўкиз, балиқ, товуқ каби ҳар хил ҳайвонларга муҳтож бўлурлар. Ҳайвонлар эса ризқларини ўтказмоқ ва болаларини тарбия қилмоқ учун кўп вақтларда инсонлар тарафидан экилган ўт, пичан ва ғаллаларга ва солинган иморатларга муҳтож бўлурлар. Шу сабабли шафқат ва марҳамат тўғрисида инсонлик, ҳайвонлик, кофирлик, мўминлик, яқинлик ва узоқлик, бойлик ва фақирлик каби фарқларни эътибор қилмай, барчани баробар кўрмоқ лозимдир».

Ногиронларнинг спорт мусобақасида жисмонан ва ақлан ногирон тўққиз ёш иштирокчи юз метрли югуриш майдончасига тўпланди. Ишорат берилгач, югуриш бошланди. Тўққиз иштирокчининг ҳар бири голиб бўлиш орзусида эди. Аммо дастлабки қадамлардаёқ бир бола қоқилиб, йиқилди ва йиғлай бошлади. Олдинга интилаётган саккиз ногирон спортчи боланинг йиғисини эшитиб, секинлашдилар ва орқаларига қарадилар. Сўнг, барчани ҳайратда қолдириб, бараварига ортга қайтдилар. Бир қиз эгилиб, боланинг пешонасидан ўпди-да: «Энди оғриқ тўхтайтиди, ўзини яхши ҳис қилади», деди. Мусобақа майдонига тушган тўққиз иштирокчи биргаликда қўлни-қўлга бериб маррага етиб боришди. Томошабинлар оёққа туриб, уларни узоқ вақт олқишладилар. Жисмонан бақувват инсонлар учун бу воқеада гўзал ибрат бор.

Дили қора, зулмкорларга нисбатан раҳм-шафқат қилинмайди. Чунки уларга шафқат қилиниши натижасида, уларнинг ёмонлиги орқали бошқаларга зулм этиши мумкин. Аввалги суҳбатда баён этилган гулхан оташидан қутқариб олинган илон воқеаси ёдингиздадир. Мазкур масаланинг муҳимлигини инобатга олиб, мавзуга яна тўхталяпман. Руслар Крилов деган масалчилари билан фахрланадилар. Аслида у масалчи эмас, таржимон, французларнинг Ла Фонте деган масалчисининг асарларини русчага ўгирган. Ла Фонте эса асарларига шарқ ҳикматларини асос қилиб олган. Шу боис ҳам то ҳануз кўпнинг диққатини тортади. Масалларнинг бирида бу ҳикмат бор.

Ҳикмат. Художўй бир деҳқон қиш чоғи даласидан қайтаётган эди. Ер музлаган, совуқдан ҳамма ёқ қақшаган. Деҳқон йўл бўйида музлаб ётган илонни кўрди ва унга раҳми келиб, уйига олиб келди. Ўчоқнинг ёнида танасига иссиқ ўтган илон жонланди-да, вишиллаб, халоскорига ҳужум қилишга шайланди. Бундан раҳмдил деҳқоннинг ғазаби қўзиди. «Нонкўр! Сенга энди ўлим!» деди-да, қиличини суғуриб, илонни уч бўлакка бўлиб ташлади. Газанданинг боши, думи ва гавдаси бирлашмоқ учун беҳуда ҳаракат қиларди...

Ақд эгалари учун бу масалда катта сабоқ бор. Албатта, раҳмдиллик инсоннинг энг улуғ фазилатидир. Лекин раҳмдилликни яхшиликни биладиган кишиларга қилиш фойдалидир. Бу дунёда илон сифатли кишиларга раҳмдиллик қилинса, улар қувватга тўлиши билан дастлаб уларга яхшилик қилганларга озор етказадилар. Илон сийратли кимсалар жамият учун катта офат бўлади. Инсонларга хизмат қилишни истаган одам ҳеч қачон илон сийратли кимсаларга раҳмдиллик қилмасин.

Бу ўринда тўғри англамоқ керакки, ёмонга ёрдам бериб, унга турли имкониятлар яратиб берилса, масалан, юқори мансабга кўтарилишга ёрдам берилса ёки ёмон одамнинг жинояти беркирилса, суд ҳукмидан озод этиш чоралари ўйлаб топилса ва амалга оширилса, бошқаларга ёмонлик қилинган бўлади. Шарафли ҳадис: «Золимларга ёрдам берган кишига Аллоҳ ўша золимни бало қилиб қўяди».

Нақд қилурларки, ҳазрати шайх Ҳаким Термизий замонларида бир киши бор эди. Доим Термизий ҳазратлари билан муораза қилиб, тортишиб, ул зотни инжитар эди. У кишининг дунёлиғи (бойлиги) кўп эди. Шайх ҳазратларининг ёлғиз бир капалари бор эди, холос. Кечалари шу қапада ётар эдилар. Бир гал келиб қарасалар, қапа ичида бир ит ётибди. Итни қувишга қўнғиллари бўлмади. Саксон марта капани тебратдилар, токи ит ўзи чиқиб кетсин (*Мусулмонликда гуноҳдан чекинишининг шундай йўли бор*). Итни қувиб чиқармадилар-да, бир қоя тагини паноҳ тутдилар. Шайх ҳазратларига жафо қилиб юрган киши ўша кеча тушида пайғамбарлар султони Муҳаммад Мустафони (с.а.в.) кўрди. Ул зот: «Эй, ғофил, сен шундай бир киши билан даъволашмоқдасенким, у бир ит учун бўлиб уйини саксон марта тебратди. Итни қувиб чиқармади. Охири ўзи кетиб, уйи итга қолди. Ул бир қоя тагидан паноҳ топди. Сенинг шунча молинг бор, Аллоҳ Таоло ҳузурида сен шулар билан саодати абадия топмоқчимисан? Боргил, унинг хизмат камарини белингга боғлагил ва узр сўрагил», деб марҳамат этдилар. У киши уйғониб, шайх ҳазратларининг ҳузурларига борди. Қолган умрини унинг саодатли хизматида ўтказди.

Расулуллоҳ (с.а.в.): «Бир киши йўлда кетаётиб, қаттиқ ташна бўлди. Йўлида бир қудуқ кўриниб қолди-да, унинг ичига тушиб, сувидан ичди. Қудуқдан қайтиб чиққан вақтида бир ит ташналигидан ҳансираб, хўл тупроқни ялаётганини кўрди-ю, «бу бечора менга ўхшаган ташна экан», деди-да, қайта қудуққа тушиб, маҳсисига сувдан тўлдириб чиқиб, итга ичирди. У кишининг қилган иши Аллоҳ Таолога мақбул бўлиб, гуноҳини кечирди», дедилар. Шунда

саҳобалар: «Ё Расулуллоҳ! Ҳайвонларга қилган яхшилигимиз учун ҳам бизларга савоб борми?» деб сўрашди. Расулуллоҳ: «Ҳар бир юмшоқ жигарга қилинган яхшилик учун савоб бордир», дедилар.

«Юмшоқ жигарга» дейилганда барча тирик жонзотлар назарда тутилади. Бу шарафли ҳадис мазмунидан ўлдиришга буюрилган илон, чаён кабилардан бўлак ҳамма жониворларга яхшилик қилиш ва озор бермаслик кераклиги англашилади.

Шарафли ҳадис. «Бир хотин урғочи мушукни очликда сақлаб ўлдирганлиги учун дўзахга ҳукм бўлди». Худо билсин, хотин «бу мушукни қамаб қўйганинда на таом ва на сув бердинг ёки ердаги ҳашаротларни тутиб емоғи учун ўз қолига қўймадинг», деб азобланса керак». Бошқа бир ҳолатда яна дедилар: «Ким раҳмдил бўлиб, ҳатто сўйиладиган ҳайвонга ҳам раҳми келадиган бўлса, Қиёмат куни Аллоҳ Таоло унга марҳамат қилади».

Расулуллоҳ (с.а.в.) бир жойга борган эдилар. Шу ерда бир киши ҳуммаранинг (чумчуққа ўхшаган қуш) тухумини олди. Расулуллоҳ (с.а.в.) у қушнинг ўз устларида қанот қоқиб турганини кўриб: «Бу қушни ким ранжитди?» деб сўрадилар. Шунда у киши: «Ё Расулуллоҳ, мен унинг тухумини олган эдим», деди. Расулуллоҳ (с.а.в.): «У жониворга раҳм қил, тухумини ўз жойига қайтариб қўй», дедилар.

Навой ҳазратлари чодирларига каптар ин қўйганини билиб, чодирни йиғдирмай, бир хизматчиларини пойлоқчи қилиб кетган эканлар. Хизматчи то каптар бола очиб, уни учирма қилгунига қадар кутган экан.

Аллоҳнинг расули: «Қайси пайғамбар ўтган бўлса, подачилик қилгандир», дедилар. «Сиз ҳам қўй боққанмисиз?» деб сўрашди. «Ҳа, боққанман», дедилар ул зот.

«Танбеҳул ғофилун»да таъкид этилишича, пайғамбарларнинг қўй боқишларидаги ҳикмат шуки, Аллоҳ Таоло уларни аввало ҳайвонлар билан имтиҳон қилди. Ҳатто уларда махлуқотларга нисбатан меҳр-шафқат зоҳир бўлди. Ҳолбуки, Аллоҳ Таоло уларни яхши билгувчидир. Уларни ҳайвонларга нисбатан меҳр-шафқатли топди, кейин одам фарзандларига набий ва дин ишларига эга қилиб қўйди.

Ривоят қилишларича, Мусо алайҳиссалом: «Ё Аллоҳ, қайси нарса учун мени танлаб олдинг?» дедилар. «Яратган нарсаларимга раҳмдиллигинг учун. Сен Шуайбнинг (алайҳиссалом) қўйларини боқардинг. Қўйларинг ичидан бир қўй қочди, орқасидан югуриб, ушлагунча кўп ҳаракат қилдинг. Ушлаганингдан кейин, уни қучоғингга олиб, маҳкам босиб айтдингки: «Эй, бечора нимага мени бунчалик чарчатдинг? Ўзингни ҳам чарчатдинг». Сен махлуқимга раҳм қилдинг,

шу учун Мен сени танлаб олдим ва пайғамбарлик билан икром қилдим», дейилди.

Абу Дардо (р.а.) болаларнинг орқасидан юриб, улар тутиб олган паррандаларни сотиб оларканлар-да «бор, яйраб яшайвер», деб қўйиб юборар эканлар. Бу кўп оилалар учун ибрат бўлиши керак. Шундай оталар борки, ўғилларига қушларни отиб ўлдириш учун чўзма (рогатка) ясаб берадилар. Яхши пойлаб отгани учун мақтайдилар. Табиатга, хусусан, жониворларга раҳм-шафқат руҳида тарбиялаш бобида камчиликларимиз кўплигининг асосий сабаби, бундай тарбия аввало ўзимизда, катталарда етишмайди. Ўзимизда бўлмаган тарбия фарзандларимизда қаердан бўлсин?!

Раҳм шафқат ҳақида сўз юритиб, беморларни зиёрат қилиш одобига тўхтамасак, дуруст бўлмас. Аслида бу борада кўп гапга ҳожат йўқ. Чунки халқимизда беморларни зиёрат қилишнинг гўзал намуналари бор. Шу даражадаки, баъзан меъеридан ҳам ошириб юборилади. Беморнинг даволанишга вақти етишмай ҳам қолади. Бир куни дўстимизни йўқлаб бориб, врачнинг: «Илтимос, беморимизга қараб қўйишга бизга ҳам ижозат беринг», деган кинояли гапини эшитган эдик. Биз – катталар шифохона тартибига қарамаймиз, ўзимизнинг вақтимизга қараб бораверамиз. Ёшлар эса биздан ўрганишади. Беморнинг парҳезига эътибор бермаймиз, ноёб таомларни кўтариб боришга уринамиз. Бемор биз олиб борган кабобни ейдими ё йўқми, биз учун фарқи йўқ, муҳими – қуруқ кириб бормасак бас! («Беморларингизни еб-ичишга зўрламанг, Аллоҳ Таоло уларни едириб-ичиради» дейилган шарафли ҳадисдан хабаримиз борми?) Беморнинг ҳолига қарамаймиз, вақтимизга қараймиз, шопилмаётган бўлсак, бемалол валақлашиб ёки у томонга аланглаб, бу томонни кузатиб ўтираверамиз, вақтимиз зиқ бўлса, бемор суҳбатимизга муҳтож бўлса ҳам жўнаб қоламиз...

Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар: «Бир киши бетоб одамни бориб зиёрат қилса, Аллоҳ Таолонинг раҳматида юради. Агар у бемор ёнида ўтирса, раҳмат илоҳияда жой олган бўлади». Шарафли ҳадисда баён этиладики, Аллоҳ Таоло Қиёмат Куни бир бандага: «Эй, Одам фарзанди! Бетоб бўлдим, сен мени келиб кўрмадинг», дейди. У киши: «Ё Аллоҳ! Сен бетоб бўлмайсан, Ўзинг Раббил оламийнсан. Мен Сенинг бетоблигингни қандай сўрайман?» дейди. Аллоҳ шунда дейдики: «Сен билмадингми! Фалончи бандам бетоб бўлганида бориб сўрамадинг. Агар бориб сўраган бўлганинда, албатта унинг олдида Мени топар эдинг».

Беморнинг ҳузурида нималарни гапириш кераклиги аввалдан ўйлаб олинса яхши. Беморни толиқтирадиган масалалардан гап

очмаслик, кўнглини офритадиган воқеаларни сўзламаслик, турли хасталиклардан ўлим топаётганлар ҳақида сўзламаслик керак. Балки, кўнглини хушлайдиган, некбин ҳислар уйғотадиган гапларни айтиш лозим.

Зиёратчининг одоби бўлгани каби, беморнинг ҳам ўзига хос одоби мавжуд. Бемор йўқлаб келган одамлар ҳузурида кўп зорланмаслиги, меҳмонларни хижолатга қўймаслиги лозим. Шукр билан ётиши керак. Чунки ҳар бир дардга нисбатан офирроқ бошқа дард ҳам бор.

Беморнинг сабр этишини индамай ётиш, деб тушунмаслик керак. Беморнинг яқинлари, шубҳасиз, шифо ҳаракатида бўлишади. Бундай ҳаракат биринчи гада беморнинг ўзида бўлиши керак. Агар ҳаракат қилмаса, демак, шифога умиди, яъни тиб аҳлига ихлоси йўқ экан. Шифога ўзида умид бўлмаса, дориларнинг кор қилиши қийин.

Машҳур фақиҳ ва муҳаддис Ибн Ато дейдилар: «Кишининг тўғри ё эгрилиги ва мўмин ё осийлиги соғлик чоғида ва мусибат онида маълум бўлади. Агар соғ-саломат кунларида шукр қилса-ю, мусибатга дучор бўлганида Аллоҳ Таолога қарши зорланаверса, у фирт ёлғончилардандир».

Биз – ўзимиз қандаймиз? Атрофимиздагилар, яқинларимиз қандайлар?

Умидимиз юлдузлари, бу ҳақда ҳам биргалашиб ўйлайлик.

ИНСОНИЯТ БОҒИНИНГ ҲОСИЛДОР ДАРАХТИ

Бир ҳақимдан сўрадиларким: «Саховат яхшироқму ва ё шижоат?» Ҳақим деди: «Саховат бўлса, шижоатга ҳожат йўқтур». Одам боласи ўзини саховат ва карам эгаси деб билмагунича шижоатли деб тушунмагани маъқул. Агар шижоатли бўлса, ўзини саховат ва карам эгаси бўлишга мажбур қилар эди. Ўзигаки кучи етмаса, ўзгага қандай таъсир қила олсин?

«Саховат бўлса, шижоатга ўрин йўқ», дегани шижоатни бутунлай инкор этиш эмас. Ҳақимнинг фикрини «саховат чўққисига етган одамга бу чўққига чиқишига ёрдам берган шижоатнинг зарурати қолмайди», деб англаш тўғрироқ бўлар. Чунки саховат бор ўринда шижоат ҳам мавжуд. Киши саховат қилиши учун бир қанча ёмон хулқларни, энг аввало, нафсни енгиб ўтиши керак. Саховат риё, миннат, бахиллик каби иллатлар билан сира-сира муроса қила олмайди.

Умидимиз юлдузлари, келинг, энди бу хусусда ҳам фикр юритиб кўрайлик. Тўғри, бугун сизнинг қўлингизда катта бойлик йўқ. Шу нуқтаи назардан қаралса, сиздан саховатни талаб қилиш ўринсиздай туюлади. Лекин мен бундай фикрда эмасман. Саховат тарбияси гўдаклик чоғидан бошланар экан, демак, сизнинг ёшингизда ҳам катта бўлмаса-да, ўзига яраша саховатга ўрин топилади. Суҳбатимизга диққат қилсангиз, бунга ўзингиз ҳам амин бўласиз.

Арабларнинг Той қабиласига ҳукмдорлик қилган, тарихда «Ҳотами Той» номи билан машҳур бўлган саховат эгаси ҳақида эшитгансиз, суҳбатларимиз жараёнида ҳам Ҳотам Той саховатига доир бир неча ривоятларни тилга олдик. Саховатга доир суҳбатимизда янги ривоятлар билан танишишимиз табиий. Чунки Ҳотам Той шунчаки тарихий шахс эмас, балки саховат рамзига айланган. Халқда қўли очик кишини мақташса «Ҳотамитой-да, бу инсон!» деб қўйишади, шундай эмасми?

Бир кекса киши Ҳотам Тойдан шакар сўраб келди. «Фақир сенга қўл очиб сўраса, мумкин бўлганини бер, очилган қўлни бўш қайтарма», ҳикматига амал қилувчи Ҳотам унинг сўраганидан ўн ҳисса кўпроқ бердилар. Буни кузатиб ўтирган хотини: «Бир ҳовуч сўраганга ўн ҳовуч берганингиз нимаси?» – деб ранжиди.

– Тўғри, у ўз эҳтиёжига яраша сўради, мен эсам имконимга яраша бердим. Қария ортиқроқ миқдорда сўрамоққа шарм қилди, ўзига эп билмади, – дедилар Ҳотам Той. – Агар мен унга сўраган миқдорда шакар берсам, сахийлигимга, шон-шарафимга тўғри келмасди. Шунга кўра, сўраганидан зиёда шакар бердим, оз беришни ўзимга эп билмадим.

Бу воқеа юқорида зикр этганимизга ўхшаб кетади: Ҳассон ибн Абу Синонинг уйларига бир хотин келиб, тиланди. У киши хотинга қарадилар – ғоятда гўзал эди. Хотинга тўрт юз дирҳам беришни буюрдилар. Унга: «Эй, Аллоҳнинг бандаси, бу хотин сиздан бир дирҳам сўраган эди, нечун тўрт юз дирҳам бердингиз?» деб сўрадилар. Ул зот дедилар: «Чиройини кўриб шу қарорга келдим. Бу гўзалнинг қийналиб қолганда гуноҳга кириб кетишидан қўрқдим ва унинг узоқроқ муддат беҳожат бўлмоғини хоҳладим. Шояд шунда бирор киши унга рағбат қилиб, никоҳига олса».

«Саховат қилур неки бахт ихтиёр, ки бўлгай саходан киши бахтиёр», дейдилар.

Модомики, киши молу дунёга, қувват ва қудратга эга экан, йўқчил, ғариб ва етимларга шафқат, марҳамат қилишдан, моддий ва маънавий ёрдам беришдан чекинмаслиги, шу билан бирга ўзининг давлат, мартаба ва мансабига мағрур бўлиб, қилган яхши-

лиги билан мақтаниб юрмаслиги шарт. Агар киши мағрурликдан тийилмаса, қилган хайр-эҳсонининг фазилати бўлмайди.

Ҳикоят. Хайр-эҳсон соҳиби, саховатли кишининг ҳузурига бир одам келиб, ўзининг танг аҳволдан шикоят қилди:

– Мен қарздорлик балосига мубтало бўлган бир нотавонман. Бир одамдан пул олган эдим, йўқчилигим сабабли шу чоққача қарздан қутулмадим. У нокас ҳар куни эрталаб ва кечқурун келиб, қарзини қистайди, қаттиқ-қаттиқ сўзлар айтиб, юрак-бағримни эзади. Сизнинг лутф-карамингизга умид қилиб, бош эгиб келдим.

Саховатли киши унинг сўраган пулини берди. Қарздорман, деб эзилиб турган киши севина-севина чиқиб кетгач, саховатли кишининг ёнида ўтирган яқинларидан бири айтди:

– Бу одамнинг ким эканлигини билмасмидингиз? Бу киши жуда ҳийлакор, фирибгар гадо-ку! Турли ҳийла-найранглар билан одамлардан пул ундириб юради. Сиз унга бекорга пул бердингиз.

Саховатли одам кулимсираб қўйиб, деди:

– Мен унинг кимлигини билмайман. У ким бўлса-бўлсин, ишим йўқ. Мендан ёрдам сўрадими, қуруқ қайтаришим яхши эмас. Шаънимга мувофиқ келмайди. Агар рост сўзлаган бўлса, қарздорлик хижолатидан уни қутқардим. Агар ёлғон сўзлаган бўлса, мени алдаган бўлиб чиқмайди. Чунки ким ёрдам сўраса, унга кўмак бериш менинг одатимдир. Унинг ростми, ёлғонми сўзлаганига эътибор бермайман. Шу билан виждоним буйруғига итоат этдим.

Саховатни ўтган асрлар адабиётида кўпроқ «сахо» шаклида қўллашган. Карам эгаси, қўли очиқ, марҳаматли, дейилганда ҳам сахо аҳли назарда тугилади. Бу сўзлар маънодош ҳисобланмайди. Ҳар бирининг ўз маъно доираси бор. Масалан, «садақа»нинг луғавий маъноси тасдиқ этиш, мантиқий маъноси эса бир яхши амал билан иймонини тасдиқ этиб қўйиш. «Садоқат» ҳам шундай. «Эҳсон» – сочиш... Бу сўзларни ният ва мақсад нуқтаи назаридан маънодош десак ҳам бўлар. Саховат, ҳиммат, эҳсон, садақа каби фазилатлар ҳам, таъбир жоиз бўлса, «яхшилиқ» деб аталмиш файзли оиланинг фарзандлари ҳисобланади.

Саховат – иффатга хос етти фазилатдан бири бўлиб, ачинмасдан, аямасдан, лекин ҳаддан оширмасдан, молни керак бўлган ўринларда ўзига, яқинларига, муҳтожларга сарф этишдир. Аҳли дониш дедик: «Саховат – инсоният боғининг ҳосилдор дарахти, шунинг баробаринда у дарахтнинг фойдали мевасидир. Саховат – одамийлик мулкининг мавж уриб турган денгизидир, шунинг баробаринда у тўлқинли денгизнинг бебаҳо гавҳаридир. Саховатсиз одам – ёғинсиз баҳор булутига ва ҳиди йўқ мушк-анбарга

ўхшайди. Мевасиз дарахт ҳам биру, ўтин ҳам бир; ёғинсиз булут ҳам биру, тутун ҳам бир. Саховатсиз одамдан ичида гавҳари бўлмаган садафнинг фарқи йўқ. Дурсиз садаф билан қуриб қолган тошбақа чаноғининг фарқи йўқ.

Сахий – булутдир, хирмон-хирмон дон ҳосили, балки хазина беради.

Бахил – чумолидир – дон, дун, машоқ теради.

Ҳиммат аҳлининг ихтисоси – саховатдир. Бу улуғ сифат покиза кишиларга хосдир. Одам бир бадан бўлса, ҳиммат унинг жонидир. Ҳимматлилардан олам аҳли учун юз минг шараф ва шукуҳ этишади. Ҳимматсиз киши – ер сониди эмас, жонсиз баданни ҳеч ким тирик демас. Олийҳиммат одам – баландпарвоз лочиндир. Беҳиммат – сичқон оловчи калхатдир. Шунқорнинг маскани – шоҳнинг билагидир, калхатнинг жойи ўлимтикнинг сассиқ бадани ва сўнгагидир».

Ҳиммати баланд ерлар ҳақида сўз кетганда ҳикмат аҳли «Фотиҳ вақфияси»ни тилга олади. Ўтмишда вақфлар кўп бўлган. Ҳар бир вақф бирор тоифа кишилар манфаати учун йўналтирилган. Ҳар бир вақфнинг ўз мақсади, иш тартиби бор. Булар орасида Турк султони ташкил этган вақф алоҳида ибратлидир. Фикрим исботи учун султоннинг амри баёни билан таништираман: «Менким, Истанбул фотиҳи Аллоҳ Таолонинг ожиз бандаси Фотиҳ Султон Маҳмад биззатиҳи, пешона терим билан топган пулларимга сотиб олган ва Истанбул ҳудудида жойлашган ва ҳудудлари маълум бўлган бир юз ўттиз олти дон дўконимни қуйидаги шартлар асосида вақфга тайин қиламан:

– Бу бойликлардан келадиган даромад ҳисобига Истанбул кўчаларида икки кишидан иборат хизматчи тайинлайман.

– Бу кишилар қўлларида оҳак ва кўмир кули билан куннинг маълум соатларида кўчаларни айланиб чиқсинлар. Кўчаларнинг кишилар тупурган жойларига бу куллардан тўксинлар ва хизматлари учун ҳар бири йигирма ақчадан пул олсинлар.

– Шунингдек, шаҳар аҳолисига хизмат қилиш учун ўн жарроҳ, ўн табиб ва уч яра боғловчини тайинладим. Бу кишилар ойнинг маълум кунларида Истанбул кўчаларига чиқиб, истисносиз ҳар бир уйга кирсинлар ва бу уйларда хаста бор-йўқлигини сўрасинлар. Топилган хасталарни даволасинлар. Уйда даволашнинг иложи бўлмаса, хастахонага ётқизиб, даволанишига ёрдамчи бўлсинлар.

– Озиқ-овқат танқислигини кўзда тутиб, менга оид юз дон қурола аҳли арбобга берилсин. Бу кишилар ҳайвонлар тухум қўймайдиган ва болаламайдиган вақтларда уларни овласинларки, хасталар озиқ-овқатсиз қолмасинлар.

– Шунингдек, саройимда иншоат қилинган емакхонада шаҳидларнинг яқинлари ва Мадинаи Истанбул фуқароси емак есинлар. Емак ейишга кела олмайдиган кишиларга қуёш ботгандан кейин кимса кўрмайдиган ҳолда озиқ-овқат етказиб берилсин...»

Мазкур фармон изоҳталаб бўлмаса-да, айрим нуқталарга диққатингизни тортмоқчиман:

Фармонда кўрсатилган ишларга аслида давлат хазинасидан маблағ ажратилиши керак. Барча мамлакатларда, барча замонларда шундай бўлиб келган, ҳозир ҳам шундай. Лекин Султон Фотиҳ ҳиммат юзасидан бу харажатларни ўз зиммасига олган. У жамиятдаги ҳар бир ёрдамга муҳтож фуқаро учун одоб доирасида қоидалар қўйган. Ўз замонасида жуда кам учрайдиган ерга тупуриш каби ножўя ҳаракатларга қарши ҳам тадбир қилган. Хасталарнинг овланган ҳайвонлар гўшти билан озиқлантирилишини амр қилар экан, бошқа томондан табиатда мувозанатни қўриш учун жониворлар тухум қўядиган ва болалайдиган пайтда ов қилишни тақиқлайди.

Шаҳидларнинг оилаларига ёпиқ эшиклар орқасида ва кеча қоронғилигида таом тарқатилиши уларнинг иззат-икромини қўришнинг кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ўрнагидир. Бу айни пайтда келажак насларга берилган назокат ва одоб дарсидир.

«Лисонут-тайр»да баён этилишича, агар камбағал кишиларнинг ҳиммати баланд бўлса, феъллари ҳам шунга яраша иззат ва мартабали бўлади. Агар ҳиммат бир гавҳар бўлса, инсонни бир садаф деб ҳисобла. Бу садафга асл шараф ўша гавҳар туфайлидир. Агар кишида ҳиммат бор бўлса, унга тахт ва амалнинг кераги йўқдир. Мулк ва мол-дунё ҳам унинг кўнглига ёқимли туюлмайди. Кимнинг нақд мол-мулки бўлмаса ҳам, ҳиммати бўлса бас, шунинг ўзи унга катта давлатдир. Зеро, ҳиммати баланд киши ҳар қандай ишни бажара олади. Ҳиммат эр кишини эътиборли қилади, бунга мансаб, мулк ва хазинанинг ҳеч бир дахли йўқ. Агар инсонда мол-дунё бўлса-ю, ҳиммат бўлмаса, у ақлли кишилар наздида ҳеч қандай обрў-эътибор топа олмайди. Кимки олийҳиммат эгаси бўлса, бу хислати унга иқбол ато этади. Агар шоҳга Худо паст ҳиммат ато қилган бўлса, ундай шоҳдан олийҳимматли гадо яхшироқдир. Агар шоҳ ҳиммат бобида паст бўлса, у ҳимматли гадодан мағлуб бўлади.

Инсонлардаги гўзаллик ҳиммат туфайлидир, ёмон нафснинг жазоси ҳам ҳимматдандир. Паст ҳимматли баланд бахт топса ҳам, у тоғлиқ толеи паст кишидек қадрли бўла олмайди. Ёлланма чўпон мингта қўйни боққани учун маълум ҳақ олиб, қўйларга посбонлик қилади. Агар бўридан бу қўйларга хавф-хатар етиш-

са, бундай ҳолда у чўпондан бир ит яхшироқдир! Хазинаси бору ҳиммати йўқ кишига ана шу чўпон ва қўй ҳодисаси мисол бўла олади. Чўпон қўйларни асрай олмагани каби, бундай киши ҳам бойликка қоровуллик қила олмайди. Оқибатда ринд (майпараст) табиатли ҳимматли киши бу бойликни қўлга киритиб, уларни бир гадога ҳадя қилиб юборади. Агар ринд ҳақиқий ҳиммат ва карам эгаси бўлса, унинг учун бутун бир хазинани ҳадя этиш бир пулни харж этишдек оддий бир ишдир.

Арслоннинг мақсади – ов қилиб, оч йиртқичларни тўйғазмоқ. Сичқоннинг ҳаракати – дон ўғирлаб, тугун ахтармоқ. Ҳиммат эгаси қаттиқ бўлса ҳам, тубанлик қилмас. Ҳимматсиз одам – хазина топса ҳам, буюкларга тенг бўлмас. Чинор дарахти бўш қўлли бўлса-да, унинг юксаклигига нуқсон этмайди. Ер тагида яшириниб ётган хазинанинг тупроққа фойдаси тегмайди. Ҳимматли кишиларнинг даражаси юксакдир, аммо сахийликнинг даражаси бир неча баробар юксакдир.

Ғаззолий ҳазратлари баён этган ибратга кўра, кимдир ўзида саховат хулқини ҳосил қилмоқчи бўлса, бунинг учун у сахийлар ҳаётини ўзлаштирмоғи, яъни молни яхшилик йўлида холис сарфлашни ўрганмоғи лозим. Нафсга юкланган бу меҳнат то табиатга сингиб, хулққа айланиб кетгунча улкан сабр керак бўлади... Қачонки киши қилган саховатидан лаззат олса, бу саховатнинг юксак даражасидир. Ҳақиқий сахий молини сарфлар экан, лаззатланади. Оғриниш, қийналиш унга бегона. Абдурахмон Жомий ҳазратлари дедиларки:

*Сахий дема саховатига
Бирор талаб қўйса гар одам.
Сахийликмас, бу савдогарлик,
Бунда йўқдир шараф ва карам.*

Мол-дунё бамисоли сув. Бирон ташнанинг чанқоғини қондириш учун киши уни ушлаб туради, бирон муҳтожнинг ҳожатини раво қилиш учун уни сарфлайди, бераётганидан заррача қийналмайди. Аксинча, лаззатланади. Қайси қалб шу даражага етибди, демак, унинг виждони саломат сақланибди.

Ҳазрати Абу Бакрнинг (р.а.) халифалик даврида мамлакатда очарчилик юз берди. Ана шундай ночор кунларнинг бирида ҳазрати Усмон (р.а.) Шомдан (Ҳозир Сурия деб номланади) кўп миқдорда буғдой ортилган карвон билан қайтдилар. Бундан хабар топган бадавлат савдогарлар катта фойда эвазига буғдойга

харидор бўлдилар. Бироқ, ҳазрати Усмон уларнинг таклифларини рад этдилар – буғдойни сотмадилар. Шунда савдогарлар халифага арз қилишди. Халифа ҳазрати Усмонни чақиртириб: «Юртда қаҳатчиликни кўра-била туриб нега буғдойни сотмаяпсиз?» деб сўрадилар.

– Улар таклиф қилаётган баҳо жуда оз. Мен буғдойнинг ҳар бир донасига минг олтин берадиган харидор топдим. Буғдойнинг ҳаммасини фақат Унга сотаман.

Ҳазрат Усмон шундай деб буғдойни йўқсилларга улашдилар. Ул зотнинг мақсадларини англаган бўлсангиз керак? Ҳа, савоб учун текинга тарқатдилар. «Ҳар бир донасига минг олтин берадиган харидор топдим», дейишлари эса ояти каримага ишора эди: «Аллоҳ йўлида молларини эҳсон қилувчилар савобининг мисоли гўё бир донга ўхшайдик, у ҳар бир бошоғида юзтадан дони бўлган бошоқни ундириб чиқаради. Аллоҳ хоҳлаган кишиларга янада кўпайтириб савоб беради» («Бақара» сурасидан). «Аллоҳга қарзи ҳасана қиладиган ким бор? Бас, у Зот ўша кишига бир неча ҳисса қилиб қайтарур ва унинг учун улўф ажр-мукофот бўлур» («Ҳадид» сурасидан). Ояти каримада зикр этилган «қарзи ҳасана» – яхши (ёки ихтиёрий) қарз, яъни Унинг йўлида қилинган хайру саховатдир. «Қарз» сўзининг луғавий маъноси «кесмоқ»дир. Қарз берувчи киши ўз молидан кесиб, сўровчига беради. Аллоҳ Таоло йўлида сарф қилинган мулк судхўрлик ёки бошқа гараз қўшилмаган яхши қарзга ўхшатиляпти. Қарзни муҳтожлар олади, Аллоҳ Таоло муҳтож эмасдир. Ҳазрати Усмондан ҳам ҳеч ким буғдой сўрамади. Қалбдаги иймон қуввати даъвати ила бу саховатни қилдилар.

Ҳазрати шайх Абдуллоҳ ибн Муборакнинг (қ.с.) саховатлари ҳам шундай. Ул зот Ҳаж ибодатини ният қилиб йўлга чиқиб қарасаларки, ахлат уюми атрофида бир кампир юрибди. У ахлат орасидан ҳаром ўлган товўқ оёғини олиб кетаётганда, ул зот: «Онахон, бу нима қилганингиз? Ахлат орасидан олганингиз ҳаром-ку!» дедилар. Шунда кампир Қуръони Карим ояти маъносига кўра: «очдан ўлиб қолмаслигингиз учун ўлган жониворларнинг гўштини ейишингиз мумкин», деб жавоб қилди. Сўнг маълум бўлдики, аёлнинг уч фарзанди уйда оч-яланғоч, ўлар ҳолда ётган экан. Шунда Абдуллоҳ ибн Муборак Ҳаж сафари учун сарфланажак пулларини шу оила учун сарф этдилар. Таом келтирдилар, кийим-бош олиб бердилар. Орадан анча фурсат ўтиб, Ҳаж сафари якунлангач, ҳожилар келишиб, «зиёратлари қабул», деб ул зотни табриқладилар. «Ахир мен Ҳажга бормадим-ку!» деб ажабландилар. Ҳожилар эса ул зотни Каъбатулоҳда, Сафо ва Марва тоғлари

орасида кўрганларини айтдилар. Ўша тун Абдуллоҳ ибн Муборак тушларида Расулуллоҳни (с.а.в.) кўрдилар. «Ҳаж ибодатинг муборак бўлсин», дедилар Набий муҳтарам. «Эй, Аллоҳнинг расули, мен Ҳаж ибодатига бора олмадим-ку!» дедилар ажабланиб. «Бора олмаган бўлсанг-да, кампирнинг оиласига кўрсатган саховатинг учун Аллоҳ сенга Ҳаж ибодати савобини берди. Етмиш малойика Аллоҳнинг амри билан сенинг қиёфангда Маккайи Мукаррамага тушиб, етмиш жойда ҳожиларга кўринди. Шунинг учун ҳам улар сени муборакбод этишди», дедилар Расулуллоҳ.

Яна бир ривоят мазмун ва мақсад жиҳати билан аввалгисини қувватлайди.

Ривоят. Ҳазрати шайх Абдуллоҳ ибн Муборак бир йил Ҳажга бордилар. Ҳаж ибодати ниҳояланган куни уйқуларида осмондан икки фаришта тушганини кўрдилар. Бир-бири билан: «Бу йил Ҳажда уч юз минг киши бор эди. Аммо ҳеч бирининг ҳажи қабул бўлмади», деб сўзлашар эди. Ҳазрати шайх Абдуллоҳ уйқу ҳолатида сўрадилар: «Шу қадар узоқ ерлардан келган бунча кишининг ибодатлари зое бўлдимиз?» Фаришталар саволга жавоб айтдилар: «Шом шаҳрида бир ямоқчи бор, уни Али бин Муваффақ дейдилар. Бу йил Ҳажга келмоқчи эди, кела олмади. Фақат мужаррад ниятининг ўзи билан ҳажи қабул қилинди».

Ҳазрат шайх айтадилар: «Уйғонганимдан кейин «бу зотни бориб, кўраман», дедим. Шомга келиб, уни қидириб топдим.

– Отинг нима? – деб сўрадим.

– Али бин Муваффақ, – деди.

Ишини сўрадим, «ямоқчиман», деди. Тушимни айтиб берган эдим, у наъра тортиб юборди. Йиқилиб, ҳушидан кетди. Ақлини йўқотди. Ўзига келгач:

– Бу не ҳолдир? – деб сўрадим. Айтдики:

– Ё шайх! Уч йилдирки, Ҳажни ният қиламан. Аммо пулим этмаганидан бора олмайман. Бу йил беш юз танга йиғдим. Ҳажга ҳаракат қила бошлаган пайтимда менинг ҳомиладор рафиқам кўшни уйидан келаётган гўшт ҳидини туйиб, кўнгли кетиб, «менга озгина берсин», деб қайта-қайта ёзғирди. Чиқиб, гўшт пишираётган кўшнимдан озгина сўрадим. Бермади. Сабабини изоҳлаб, уч кундан бери болалари оч ётганини, ҳаром ўлган ҳайвоннинг гўшtidан кўрқа-кўрқа кесиб келтирганини, қозонда пишаётган гўшт ўша эканини айтди. «Зарурат ҳолида биз еймиз, аммо сизга ҳаромдир, қандай бераман?» деди ва йиғлади. Буни кўриб, юрагим ачишди. Беш юз тангамни олиб чиқиб, садақа қилиб бердим. «Бу йил менинг ҳажим шу бўлсин», дедим.

Эҳсон қилувчининг қалби беғубор бўлиши, нияти мусаффо, самимий бўлиши жуда муҳим. Ихлосли инсоннинг саховати мукофотланади.

Ҳаж ибодатига тааллуқли учинчи ривоят олдингиларини янги маъно ва ҳикмат билан тўлдиради. Бу кунларимизда айрим биродарларимиз ҳар йили Ҳаж ёки умра ибодатига боргилари келади. Уларга эътирозларимиз йўқ, уларнинг ибодатлари қабул ва мақбул бўлсин. Баён этилаётган ривоятлар уларнинг ҳаракатларини рад этиш учун эмас, балки ибрат учундир.

Абдуллоҳ ибн Муборак Ҳаж сафарига отланганларини эшитиб, бир қанча одамлар «Биз ҳам сиз билан бирга борайлик», деб илтимос қилишибди. У замонларда навбатда туриш ёки махсус рухсатнома олиш деган гаплар бўлмаган. Ким сафарни ният қилса, қандай истаса, қайси карвонга қўшилса, кетаверган. Аммо табаррук инсонлар билан бирга боришнинг савоби бўлакча. Шайх ҳазратлари уларга: «Майли, лекин ҳаммангиз ҳамёнларингизни менга топширасизлар. Барча харажатларнинг ҳисоб-китобини мен олиб бораман», дебдилар. Улар рози бўлишибди. Сандиқ келтирибдилар. Ҳар бир одам ҳамёнига номини ёзиб, жойлабди. Йўл харажатлари, отларнинг емидан тортиб, ҳожиларнинг озиқ-овқатига шайх ҳазратлари тўлабдилар. Ҳатто олинган совға-саломлар ҳақини ҳам тўлабдилар. Хуросонга қайтишганда ҳамроҳларига зиёфат берибдилар-да, кейин ўртага сандиқни қўйиб, ҳамёнларни бир-бир олиб, эгаларига қайтарибдилар. Аслида бу сандиқни шу ерга ташлаб кетган эканлар. Ҳам бой, ҳам олим, ҳам сўфий, ҳам шоир одам ана шундай саховат кўрсатган эканлар.

Бизнинг кунларда ҳам шунга ўхшаган ибратли воқеалар учраб туради. Шулардан бирини эшитиб, тўлқинланган эдим, баён қилай. Бир замондошимиз иссиқхона (теплитса) очиб, икки кишини ишлатар эканлар. Ишлари юришиб кетиб, бойибдилар ва Ҳаж ибодатига борибдилар. Кейинги йили яна отланибдилар. Шунда халларига бир фикр келибди: «Тинмай меҳнат қилиб сени бойитган ана шу икки ишчи эмасми? Улар эрта-ю кеч ишлашади. Сен Ҳажга бориб келганигда худди ўзлари бориб келишгандай қувонишди. Сени кўзларидаги қувонч ёшлари билан кутиб олишди. Улар «бизнинг маошимизни оширинг, биз ҳам пул тўплаб Ҳажга борайлик», дейишмади. Аксинча, бу йил ҳам Ҳажга отланаётганингни эшитиб, яна қувонишди. Энди сен ҳам инсоф қил-да, уларни қувонтир!» Замондошимиз қалбининг бу хитобига қулоқ тутиб, ўзлари қолиб, икки хизматчини Ҳажга юборибдилар. Бу саховатли кишига бе-

рилажак ажр-савобларнинг не қадар бўлажagini банда тасаввур қила олмайди. Биз шундай саховат эгаси билан замондош қилиб яратган Раббимизга шукрлар қилиб, бундай ибратли ҳолатларнинг янада кўпаймоғини тилаймизда: «Эй, кўнгил, сен булардан ибрат ол!» деб хитоб қиламиз. Айна дамда бошқа воқеани афсус билан баён этаман, танишинг, сизнинг ҳам афсусланишингиз тайин. Танишим ҳикоя қилиб эди:

– Қишнинг совуқ кунларида кўчада писта-қурт сотиб ўтирган одам диққатимни тортди. Унинг яқин қариндошларини танир эдим. Улар ҳар йили оилалари билан биргаликда ё Ҳаж, ё умра ибодатига бориб келишар эди. Сафардан қайтишгач, камида юз кило гуруч дамлатиб, «ҳожини оши» берардилар. Камбағал қариндошининг ҳолидан хабар олишмаган беҳиммат «ҳожини»ларнинг ибодати қай мартабада қабул қилинар экан? Бадавлат ака (ёки ука) жигарбандининг ночор аҳволини била туриб ёрдам берса, ажри қандай бўларкин? Ҳуда-беҳудага эҳсон ёки бошқа номда зиёфат берувчи ака (ёки ука)нинг тўкин дастурхонлари камхарж-лиги туфайли тўй қилишга қийналаётган жигарбандига саховат қилмагани айбини Қиёмат куни ёпа олармикин?

Ҳар бир одам боласи, ёшидан қатъи назар, билиши шартки, ҳимматли одам илтифот ва марҳамат қўлини кўпчилик манфаати томон очади. Агар рўзғор ҳодисалари унинг ҳиммат отини бу йўлда тойдирса, сабру бардош жиловини қўлдан чиқармайди. Эл манфаати йўлида қилган хизмати учун бирор нарса тама қилмайди. Қуёш ерга нурини ҳар қанча сочса ҳам, ердан бунинг эвазига ҳеч нарса талаб қилмайди. Гул ўз хушбўйлиги билан барчанинг димоғини муаттар қилса ҳам, ҳеч кимдан мадад орзусини хотирига келтирмайди.

*Кимсага ҳаргиз суянмас, ҳиммат аҳли доимо,
Осмоннинг чодирини тургай танобу чўпсиз...*

Кимнинг ҳиммати баланд бўлса, қадр-қиммати ҳам баланд бўлади. Баланд ҳимматли киши, агар умри дарахт гулидек қисқа бўлса ҳам халқ олдида мақбулдир. Уни ҳеч ким дилдан чиқармайди. Паст ҳимматли киши узоқ яшаса ҳам, уни ҳеч ким ёдламайди.

*Ҳимматингни тут баланд эл олдида,
Ҳимматингча мартабанг бўлгай баланд...*

Ҳазрат Навоийдан рубоий:

*Ҳар кимсаки, иқбол анинг ёваридур,
Ҳар ёнки юз урса, ҳиммати раҳбаридур.
Ҳиммат дури фахр тожининг гавҳаридур,
Чун ҳиммати Одам ўғлининг сарваридур.*

«Сарвар» – йўлбошловчи демак. Одам Ато авлоди – инсонларни яхшиликка йўл бошловчиси ҳиммат экан. Юқорида зикр этилган ҳикматга тўла воқеалардан етарли ибрат олган бўлсангиз-да, мавлоно Румийнинг сўзларини қўшимча изоҳ сифатида баён қилишни лозим топдим:

Бир муслим Ҳаж йўлида пирга дуч келди.

– Эй, йўловчи, қаерга кетяпсан? Гурбат борлигини қаёққа олиб боряпсан? – деб сўради пир.

– Ҳажга кетяпман, икки юз дирҳам пулим бор, – деди муслим.

– Эй, йўловчи, пулларингнинг бир қисмини муҳтожларга, ғарибларга, бечораларга бўлиб бер. Уларнинг кўнгилларини ол, руҳларининг уфқи очилсин! Шу йўл билан илк дафъа кўнглингга Ҳаж қилдирган бўлурсан. Шундан кейин тоза кўнгили билан Ҳаж сафарингда давом эт, – деди пир. Яна дедик: – Агар сенинг қалб кўзинг очиқ бўлса, кўнгили Каъбасини тавоф қил. Сен тупроқдан деб ўйлаган Каъбанинг асл маъноси кўнгилидир. Жаноби Ҳақ кўзга кўринадиган сурат Каъбасини тавоф қилишни кўнгили Каъбасини кирлардан тозалаш учун фарз қилгандир. Шунини яхши билки, агар Аллоҳ Таолонинг назаргоҳи бўлган бир кўнгилини инжитсанг, кейин Каъбага пиёда борсанг ҳам, ундан олган савобинг ранжида бўлган кўнгили гуноҳини юва олмайди... Аллоҳ Таолонинг ҳузурига олтин тўла мингларча коса олиб борсанг ҳам Жаноби Ҳақ: «Бизга бирор нарса келтирмоқчи бўлсанг, **рози қилинган кўнгили келтир**. Чунки олтин ва кумуш биз учун маъносиз нарсалардир. Агар Бизни ва розилигимизни истасанг, буни кўнгилиларни ишғол қилиш билан амалга ошишини унутма», дея марҳамат қилади, валлоҳи аълам!

Пайғамбаримиз (с.а.в.) саҳобалардан бирига қўйнинг калласини ҳадя қилдилар. У саҳобий «фалончи биродарим мендан кўра фақирроқ», деб қўй калласини унга юбортирди. Бу саҳобий ҳам ҳадяни олиб қолмай, бошқа биродарига юбортирди. Оқибат шу бўлдики, етти уй айланиб, Расулulloҳ (с.а.в.)нинг ҳадялари яна ўша биринчи саҳобийга қайтди. Ўшанда «Ҳашр» сурасидаги бу оят

тушган экан: «Гарчи ўзларида эҳтиёж бўлса-да, ўзларини қўйиб, ўзгаларни ийсор-ихтиёр қилурлар».

Яна айтишларича, бу оятнинг тушиши ансорлардан бирининг иши билан боғлиқ экан. Ҳасан ривоят қилади:

Пайғамбар (с.а.в.) даврларида бир киши рўза тутди. Шомда ифторлик учун ҳеч нима топа олмади. Кейин сув билан оғзини очди. Сўнг келаси кун яна рўза тутди. Шу зайлда уч кун рўза тутиб, ҳолдан тойди. Бу ҳолни кўрган ансорлардан бири уни уйига олиб келди. Хотинига: «Бугун уйимизга меҳмон келди, овқат борми?» деб сўради. Хотини: «Бир киши тўядиган овқат бор», деди. Иккаласи ҳам рўзадор эди. Шунингдек, бир гўдаклари ҳам бор эди. Ансорий хотинига: «Биз меҳмонимизни овқатлантирайлик, ўзимиз бу кеча сабр қиламиз, ўғлимизни эса хуфтондан олдинроқ ухлатамиз. Овқатни келтиргач, чироқни ўчириб қўй. Меҳмон мен билан бирга овқатланаётгандек бўлади», деб тайинлади. Хотин товоқда овқат келтириб, меҳмонга яқинроқ қўйди. Кейин гўё чироқни яхшиламоқчи бўлгандек, ўчириб қўйди. Мезбон қоронғида қўлини товоқ четига қўйди-ю, овқатланмади. Меҳмон таомнинг ҳаммасини еб, тўйди. Эрталаб ансорий мезбоннинг саломига алик олгач, Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар: «Аллоҳ эр-хотин икковларингизнинг қилганингиздан кўп ажабланди» (яъни бу ишларингиздан рози бўлди).

Хурсандчилик – барча учун саховат эшиги ҳамиша очиқ одамларга насиб бўлади.

Саховат ва ҳимматнинг гўзал кўринишлари байрамларда жилонланади. Дунё азал ва абад орасида руҳнинг бир ғурбат диёридир. Байрам сурур ва изтиробларга тўла бу ғурбат оламида одамларга эҳсон қилинган қувонч кунидир. Одамийлик тўла намоён бўлган кунлар ҳақиқий сурур, байрам кунларидир. Ҳазрати Иброҳим алайҳиссалом ўғиллари Исмоилни буюк бир таслимият билан қурбонлик қилишга ҳозирланар эканлар, Аллоҳ Таоло жаннатдан бир қўчқор юбориб, Исмоилга (алайҳиссалом) жон бағишлади ва бу кун Қиёматга қадар давом этадиган байрамга айланди. Иброҳим алайҳиссалом Аллоҳ Таоло ризолиги учун ўғилларини қурбонлик қилишга тайёр бўлганлари ҳолда, бугун майиз нархида фитр рўза бериши мумкин бўлган банданинг икки кило буғдой нархида фитр садақа бериб хотиржам бўлиши таассуфли ҳол. Минглаб доллар ўрнига бир неча минг сўм закот бериб, жаннатдан умид қилиб юришлари эса ачинарли ҳол.

Байрамлар инсондаги шафқат, марҳамат, вафо ва шунга ўхшаш туйғуларни жўштиради, инсонларга ўзларини, ҳамда бошқаларни севинтиришнинг йўли ҳисобланади. Байрамлар фақат

шахсларнинг эмас, жамоатнинг маънавий севинчи, ҳаяжони, кўнгили иқлимнинг баҳори ҳамдир. Байрам куни маҳзунларнинг, кимсасизларнинг ва изтироб чекувчиларнинг кўнглини олиш билан бошланади.

*Ҳиммат агар бўлса Навоий сенга,
Бандадурур Ҳотами Тойи сенга...*

«Ўзинг ҳимматли бўл, ота-бобонг ҳимматини сўзлаб, мағрур бўлиб юрма», деганлар. Шунинг баробаринда мақтаниш учун мол бермоқ – ўзини кўз-кўз қилмоқ ва шундай қилиб ўзини «сахий» демоқ – беҳаёлик ҳисобланади. Кимки халққа кўрсатиб эҳсон берса, у сахий эмас, балки пасткашдир. Бу хусусда Аллоҳ Таоло бандаларини огоҳлантиради: «Эй, иймон келтирганлар! Молини одамлар кўрсин учун берадиган, Аллоҳга ва Охират кунига ишонмайдиган кимсага ўхшаб, берган садақаларингизни миннат ва озор билан йўққа чиқарманг! У (риёкор) устини юпқа тупроқ қоплаган силлиқ қояга ўхшайди; устига жала ёққанда тупроқ ювилиб, сип-силлиқ тошнинг ўзини қолдиради. Улар топган ва сарфлаган бойликларидан ҳеч нарсага эга бўла олмайдилар» («Бақара» сурасидан).

Саховат қандай қилинади? Бу саволга ҳикмат аҳли шундай жавобни беради: Яхшиликларни топмоқ – едирмоқдир. Айбларни яширмақ – кийдирмоқдир. Зарур пайтда берилган эски чопон ва бўз тўн – саховат, бемаҳал ҳадея этилган зарбоф чопон – ярамасликдир. Овқатим увол бўлмасин, десанг – едир, либосим эскирмасин, десанг – кийдир. (Бу ҳикматни ҳар эслаганимда тўйларда кийдирилаётган зарчопонлар кўз олдимга келади. Аслида ҳурмат белгиси сифатида кийдирилувчи бу зартўнларни ўша ҳурмат эгалари бир дақиқа ҳам киймайдилар, уларга бу чопоннинг кераги ҳам йўқ. Тўн кийдириш маросими риёдан, кибрдан ўзга нарса эмас).

Бу ҳикматни ҳазрат Навоий бундай изоҳлайдилар: «Қорин тўйғизиш – ҳирсни кўнгиладан йўқ қил, ўзинг оч қолсанг ҳам, бир очни тўқ қил. Ўзингни ясатишни хаёлингдан чиқар. Гўзал либос кийишни истасанг – бир яланғочнинг эгини бутқар. Либос ҳар қанча зебодир, кийинганингдан кийдирганинг яхшидир.

*Нечаким тўнни риоят бирла кийсанг эскирур,
Чунки кийдурдунг ялангга уфрамас тўн ул эрур».*

(Тўнни ҳар қанча авайлаб кийсанг ҳам эскиради. Агар камбағал-муҳтожга кийдирсанг – тўзимас тўн ўша бўлади).

«Ўзингиздан ҳам сахийроқ одамни учратдингизми?» деб сўрадилар Ҳотам Тойдан.

– Ҳа, учратдим, – дедилар. – Чўлда кетаётганимда бир кулбага учрадим. Кулба ёнида бир эчки боғланган экан. Ичкаридан мўйсафид чиқиб, отдан тушишимга ёрдам қилди. Шу замон ўғли келиб, очиқ чеҳра билан салом берди.

– Болам, эчкини Аллоҳ Таоло номи билан сўйиб, таом ҳозирла, меҳмонни зиёфат қилиш керак, – деди қария.

Ўғли: «Ижозат беринг, аввал ўтин териб келай», деди.

– Сен чўлдан ўтин териб келгунигча вақт кетади. Меҳмонни оч олиб ўтириш одобдан эмас.

Мўйсафид шундай деб бисотидаги икки найзани синдириб, ўтин қилиб берди. Ўғли эчкини сўйиб, таом пиширди. Ўтирган еримда унинг у ер-бу ерига назар ташладим. Унинг бутун бисоти ўтинга ташланган шу икки найза экан. Шунини ҳам меҳмоннинг пойқадамига нисор қилди. Чолдан: «Мени танийсизми?» деб сўрадим. Чол: «Танимайман», деди. Мен: «Той қабиласининг подшоҳи Ҳотам бўламан. Саройимга келинг, бу яхшилигингизнинг ҳиссасини чиқарай», дедим. Бунга жавобан қария:

– Биз меҳмондан зиёфат пули олмаймиз, – деди ва қанча зўрламайин, ялинмайин, мендан ҳадя олмади. Ўша қарияни ўзимдан сахийроқ деб биламан.

«Ўзингиздан баланд ҳимматлироқ кишини ҳеч кўрдингизми ва ё эшитдингизми?» деган саволга бошқа вақтда шундай дедилар: «Бир куни халойиқни меҳмон қилмоқ учун қирқ туя қурбон қилган эрдим. Шу чоқда саҳрога чиқиб кўрдимки, бир киши бир боғлам тиканни кўтариб келяпти. Мен унга дедим: «Ҳотамнинг уйига не учун бормадинг, ахир кўп халойиқ унинг эҳсонига йиғилди?» Ул деди:

*Кимки нон ер чекиб ўзи меҳнат,
Чекмагай Ҳотам илқидин миннат.*

Жавобни эшитиб, шу одамни ўзимдан баландҳиммат ва жувонмард кўрдим».

Дунёвий орзуларимизнинг сўнгги йўқдир. Қўлимизда бўлган барча нарсани ўзимизники, деб биламиз. Биздан саховат талаб қилинганда худди ўз бойлигимизни сарфлаётган каби мақомда бўламиз. «Ўзимнинг бойлигим» деган мулкда бир ёки бир неча фақирнинг ризқи мавжудлигини ўйлаб кўрмаймиз. Натижада,

омонатнинг ва саховатнинг порлоқ ва зариф кўзгусига доғ тушади. Ҳолбуки, етимга қаҳр қилмаслик, фақирнинг қўлини бўш қайтармаслик буюрилган.

Мурувватли, сахий бир одамнинг жуда кўп дони бор эди. У турган шаҳарда озиқ-овқат танглиги бошланди. Сахий одам барча донларини бева-бечораларга улашиб тугатди. Танглик кучайгач, ўзи ҳам донга муҳтож бўлиб қолди. Кишилар уни маломат қилишди:

– Қизиқ одам экансан, ўзинг муҳтожликка тушиб қолишингни била туриб, нега донларингни ҳаммага улашиб бериб юбординг?

Сахий киши қилмишидан мутлақо афсусланмай деди:

– Халқ оч бўла туриб, мен роҳатда яшасам, инсофсизлик қилган бўламан. Очлик азобини халқ билан баробар тортишни, халқ қайғусида иштирок этишни виждоним буюрди. Мен виждоним буйруғига итоат қилдим.

Бизнинг юртларда ҳам ўтган асрда қаҳатчилик ва бошқа тангликлар бўлган. Ота-боболаримиз орасида сахийликлари билан савоб топганлар кўп бўлган. Сўнгги майизни қўшнисига илинганлар ҳақида эшитганмиз. Аммо, афсуски, халқ бошига тушган кулфатдан ўз манфаати учун фойдаланувчилар ҳам бўлган. Ҳозир у тоифа ҳам, буниси ҳам фоний дунёни тарк этган. Боқий дунёга униси нима билан борди-ю, буниси нима билан – бизларга ибрат бўлиши керак.

*Нафъинг агар халққа бешак дурур,
Билки бу нафъ ўзунга кўпрак дурур.*

Мазкур байтда ҳазрат Навоий демоқчиларки, агар сендан халққа ҳимматинг туфайли бирон фойда тегадиган бўлса, билки, бу ишингдан, аввало, ўзингга кўпроқ наф тегади. Чунки бошқаларга фойдаси теккан мўминнинг гуноҳлари кечирилиб, унга кўп савоб ёзилади. Яна муҳими, шу ҳиммат учун халқ – кўпчилик уни дуо қилади.

От ўтлоқда эмин-эркин ўтлаб юрарди. Ўтлоқ яқинида кичик жарлик бор эди. Шаҳарга қатновчи одамлар шу жарликдан ўтардилар. От баъзан эркаланиб уларга яқинлашарди. Бир куни яхши қалбли киши жардан ўтаётганида от кишнаб унга яқинлашди. Яхши қалбли киши уни силаб, эркалади, тўрвасидан битта олма олиб сийлади. Бир оздан кейин худди шу йўлдан қаттиқ қалбли киши ўта бошлади. Унга ҳам эркалангиси келган от кишнаб, яқинлашди. Ёмон қалбли кишининг гаши келиб, ердан тош олиб, жониворга отди. Тош отнинг бошига тегиб яралади.

Бу иккала одам шаҳардан қайтаётганда жала қуйиб, жарлик сувга тўлди, йўл тўсилди. Яхши қалбли киши қарасаки, сув белга қадар чиқади, сел оқими ҳам тез, суриб кетиши мумкин. Нима қилишини билмай турганида от кишнаб, гўё «устимга миниб ол», дегандай унга яқинлашди. Яхши қалбли киши жониворга минди. От уни жардан ўтқазиб қўйди. Дам ўтмай ёмон қалбли киши жарга яқинлашди. У ҳам иккиланиб турди. Кейин ўз кучига ишониб, жардан ўтмоқчи бўлди. Сел оқими кучайиб, уни суриб кетди. От бу манзарани жар ёқасида кузатиб туриб, нимагадир кишнаб қўйди...

Мавлоно Румий дедиларки:

*Шафқат ва марҳаматда қуёш каби бўл.
Бошқаларнинг айбини яширишда кеча каби бўл.
Саховат ва жўмардликда оқар сув каби бўл.
Шиддат ва асабийликда ўлик каби бўл.
Тавозуъ ва маҳвиятда тупроқ каби бўл.*

Мавлоно Румий ҳазратларига бир камбағал ёрдам сўраб келибди. Мавлоно вазир номига мактуб ёзиб, бу бечорага ёрдам беришни илтимос қилибдилар. Вазир илтимосни инobatга олмай, мавлонога жавоб ёзиб, «сизнинг талабингиз девон қонунларига мувофиқ эмас», деб баҳона қилибди. Мавлоно вазирнинг мактуби остига форсчалаб: «Вазир ҳазратлари девоннинг соҳибидур, девон вазирни бошқарувчи эмас», деб ёзиб, ўзига қайтарибдилар. Форс тилида ёзилишининг сабаби, «девон» сўзининг бу тилда икки маъноси мавжуд: биринчиси – давлат маҳкамаси, идораси. Иккинчиси «дев» сўзининг кўплик шакли, яъни «девлар» дегани. «Дев» атамаси туркигўйлардаги каби баҳайбат одам маъносида эмас, форсийларда шайтон маъносида қўлланилади. Шоири замон биргина жумлада сўз ўйини қилганлар. Яъни, вазирга деганларким: «Вазир ҳазратлари девонни – давлат идорасини бошқарувчиси, эгасидир. У истаган нарсасини қила олиши мумкин. Лекин шайтонлар вазирни бошқармасинлар. Унга тескари нарсаларни, терс йўлларни кўрсатмасинлар». Мавлоно камбағалнинг, мискиннинг ҳожатини чиқармаганларни шайтонга ўхшатганлар. Бу нуктадонлик вазирга маъқул тушиб, камбағалга ёрдам берган экан.

Эҳсон қилувчи саховатга даъват қилиниши баробаринда молни ҳалол топиши шартлиги уқтирилади. Тасаввур қилинг: гиёҳвандлик моддалари савдоси билан шуғулланиб, кўп ёшларнинг ўлимига сабаб бўлиш эвазига бойиган кимсанинг эҳсонини нима деб баҳолаш мум-

кин? Ёки бировларнинг кўз ёшлари эвазига бойиган порахўрнинг закоти нима бўлади?

Садақа – сув оловни ўчиргани каби, хатоларни ўчиради. «Садақа балони қайтаради», деган ҳикматни ҳар биримиз кўп такрорлаймиз. Ёмон туш кўрсак, дарров садақа қиламиз. Бошимизга бирон ташвиш тушса, садақа бериш учун тиланчини қидириб қоламиз. Масъуд кунларимиз садақа ҳақида деярли ўйламаймиз. Биз худди эҳсон каби садақанинг ҳам фақат моддий кўринишига одатланиб қолганмиз. Гадога беш-ўн сўм садақа бериш билан кифояланамиз. Ҳолбуки, садақанинг маънавий кўринишлари борки, уни унутиш фалокатга олиб келади. Пайғамбаримиз алайҳиссалом дедилар: «...яхшиликка буюрмоқ – бир садақадир, ёмонликдан қайтармоқ – бир садақадир».

«Ҳар бир мусулмон киши садақа қилиши керак», дедилар Расулulloҳ (с.а.в.). Саҳобалар: «Садақа қилишга қодир бўлмаса-чи?» деб сўрадилар. Расулulloҳ (с.а.в.) дедилар: «Садақа қилишга қодир бўлмаса ишлайди-да, ўзига ҳам фойда ва ундан бошқа фақир мискинларга ҳам садақа бўлади». Саҳобалар яна сўрадилар: «Ишлашга ҳам қурби етмаса-чи?» Набий муҳтарам (с.а.в.) дедилар: «У вақтда муҳтож ва мазлум кишига қўли ёки тили билан ёрдам қилади». Саҳобалар: «Буни ҳам қила олмаса-чи?» деганларида, Расулulloҳ (с.а.в.): «Яхшиликка буюради», дедилар. Улар: «Амри маъруфни қилишни ҳам билмаса-чи?» дейишди. Аллоҳнинг расули (с.а.в.): «Кишиларга ёмонлик қилишдан ўзини сақлайди. Бу ҳам киши учун садақа бўлади», дедилар.

Абдуллоҳ ибн Аббосдан (р.а.) ривоят қилинади: «Имом Лайс «Бу ҳадис Расулulloҳнинг (с.а.в.) сўзлари бўлса керак», деб ўйлайман», дедилар: «Ҳар бир одам боласининг баданида уч юз олтмишта майда сўнгат ва бўғинлар бор. Улар шу ҳар сўнгат ва бўғинлар учун ҳар куни садақа қилмоқлари лозим. Ҳар бир ширин сўз – бир садақа, кишининг биродарига ёрдами ҳам бир садақа, унга бир қултум сув ичириш ҳам бир садақа ва кишиларга озор берадиган йўлдаги бир нарсани четга олиб ташлаш ҳам бир садақа ҳисобланади». Яна бир шарафли ҳадисда Аллоҳнинг расули (с.а.в.) дедилар: «Одамларга хайрихоҳлигинг – сенинг садақанг. Адашган кишиларга тўғри йўл кўрсатишинг ҳам садақа. Ҳатто камбағалларга хушмуомала бўлиш ҳам садақа. Ерда халойиққа озор бериб ётган бирор тош, тиканак ёки суякни бир чеккага олиб қўйишинг ҳам садақа... Кимда-ким бир кўчат ўтқазса ё бўлмаса экин экса-ю, улар ҳосилидан одамлар, қушлар ва ҳайвонлар баҳра олса – бу ҳам ўша одам учун садақа ҳисобланади». «Садақатул жория» – киши вафотидан кейин ҳам савоб ёзилиб турувчи амалларидан

бири тириклигидан экиб кетган дарахти ҳисобланади. Шу боис ҳам Набий муҳтарам: «Бирортангиз экиш учун қўлингизда бир кўчатни ушлаб турган вақтингизда Қиёмат қойим бўлиб қолса-ю, қоим бўлишдан илгарироқ уни экиб олишга кўзингиз етса, албатта экиб қўйинг», дедилар. Яна Абдуллоҳ ибн Саломга (р.а.) дедилар: «Сен бир кўчатни экаётган вақтингда «дажжол чиқиб қолибди», деб эшитсанг ҳам, уни тузатиб экишга ҳаракат қил, чунки ундан кейин ҳам одамлар яшайди».

Аллоҳнинг расули (с.а.в.) бир замон дедиларки:

– Бир тилла садақа юз тилла садақадан ўтади.

– Бу қандай бўлди? – деб ажабландилар. Жавоб бердилар:

– Бир одамнинг кўп давлати бўлади. Бир четидан минг тилла олиб, уни садақага беради. Бошқа бир одамнинг икки тилласи бўлади, шундан биттасини садақага беради.

Яна дедилар: «Сендан бир нарса тилаганни қуруқ қайтарма. Тирноқ қадар бўлса ҳам, бирон нима бер».

Муҳаммад ибн Усмон ривоят қилдилар. Ҳориса ибн Нўмоннинг кўзлари кўрмас эди. Шунинг учун намоз ўқийдган ҳужраларидан эшик олдиғача каноф тортиб қўйилган эди. Бирон тиланчи келса, шу канофни ушлаганларича эшиккача бориб садақа берардилар. Фарзандлари: «Отажон, нега ўзингизни бунча овора қиласиз, садақани биз ҳам бериб қўйишимиз мумкин-ку», дейишганда Ҳориса ибн Нўмон дедилар:

– Набийнинг (с.а.в.) «Кишининг ўз қўли билан **камбағалга** садақа бериши уни ёмон ҳолларга тушиб қолишдан сақлайди», дея марҳамат қилганларини эшитганман.

Бир хотин боласи билан кетаётган эди, бўри боласини олиб қочди. Хотин бўрининг орқасидан югураётганда бир гадо тиланди. Хотин сўнгги нонини унга берди. Шунда қочаётган бўри орқасига қайтиб, болани онасига топширди. Фойибдан овоз келди: «Бир луқмага – бир луқма!»

Пайғамбаримиз (с.а.в.): «Кишининг ҳаётлик чоғида берган бир дирҳам садақаси ўлаётиб берадиган юз дирҳам садақасидан яхшироқдир», дедилар. Юқорида айтганимиздек, биз битта нонга ҳам етмайдиган арзимас пулни гадога бериб кўнглимизни овутамиз. Ҳолбуки, барча фазилатларда бўлгани каби садақанинг ҳам шартлари мавжуд:

– садақа қилувчининг нияти соф бўлсин;

– садақа чин кўнгилдан, риёсиз берилсин;

– мукофотини йўқотишдан қўрқиб, миннатдан узоқ бўлсин («Садақаларингизни миннат ва азият билан ботил қилмангизлар» («Бақара» сурасидан));

- ҳалол молдан бўлсин;
- сифатсиз бўлмасин (яъни, кийилиб адо бўлаёзган кийим-бош берилмасин);
- энг зарур жойга сарфлансин;
- кўп бўлса ҳам оз саналсин;
- ўзининг яхши кўрган молдан берсин;
- вақт ўтиб кетишдан қўрқиб, шошилиб берсин;
- ўзини бой санаб, олувчини камбағал деб таҳқирламасин...
- эртага ўзига келадиган кун ҳақида кўп фикрласин;
- бойликлари охиратни эслашига халақит берадиган бойлар даврасига кам аралашсин;
- садақа яширин ҳолда қилинсин.

Ийсо алайҳиссалом замонларидан бизгача етиб келган бир ривоят бор:

Шаҳар аҳли кир ювучидан безиб, Ийсо алайҳиссаломга арз қилдилар:

– Эй, Ийсо ибн Марям, бу кир ювучи кийимларимизни йиртади ва кўп вақт ушлаб қолади. Уни дуоибад қилинг, Парвардигор уни кийим ювишдан саломат қайтармасин!

Ҳазрат Ийсо уларнинг раъйига қараб, дуоибад қилдилар.

Ўша куни кир ювучи кўйлақларни бўяб келиш учун йўлга чиқди. У ўзи билан учта нон олволган эди. Йўлда бир обидга учради. Умри ибодат билан ўтаётган обид унга деди:

– Менга берадиган нонинг борми? Кўп кунлардан бери очман. Нонингни бермасанг ҳам майли, бир кўрсатсанг бас, ҳидини ҳидласам ҳам майли.

Кир ювучи ўйлаб ҳам ўтирмай, битта нонни тўрвасидан олиб, унга узатди. Обид: «Эй, кир ювучи, Аллоҳ сенинг гуноҳингни кечирсин, қалбингни покласин», деди. Бу дуодан сўнг кир ювучи иккинчи нонни ҳам олиб узатди. Обид: «Эй, кийим ювучи, Аллоҳ сенинг олдинги ва кейинги гуноҳларингни кечирсин!» деб дуо қилди. Кир ювучи учинчи нонни ҳам унга берди. Обид: «Эй, кийим ювучи, сенга Аллоҳ жаннатдан бир уй бино қилсин», деди.

Кечки пайт кир ювучининг соғ-омон уйига қайтганини кўрган шаҳар аҳли Ийсо алайҳиссаломга юзланиб, таажжубларини баён қилдилар. Ҳазрати Ийсо кир ювучини ҳузурларига чақиртирдилар-да, бугун қандай ишлар билан машғул бўлганини сўрадилар. Кир ювучи уч дона нон воқеасини ҳам айтиб берди. Ийсо алайҳиссалом: «Эй, кир ювучи, халтангни очгин, мен ичига бир қарай», дедилар. У киши амрни бажарди. Халта ичида оғзига ки-

шан урилган қоп-қора илон ётарди. Ийсо алайҳиссалом айтдилар: «Эй, қора илон, сен бу кишига юборилганмидинг?» Илон деди: «Ҳа, лекин, бир йўловчи тоғдан тушиб, ундан таом сўради. Узатилган ҳар бир нонни олаётганда дуо қилди. Унинг ёнида бир фаришта «омийн!» деб турди. Сўнг Аллоҳ бир фариштани юборди, у мени кишан билан юганлаб ташлади». Бу гапни эшитиб, Ийсо алайҳиссалом кир ювувчига дедилар: «Амалингни қайтадан бошла, Аллоҳ Таоло садақангни баракотидан гуноҳларингни кечирди».

Умидимиз юлдузлари, мавзуга доир ҳикматларнинг баёнини яна кўп давом эттиришим мумкин эди. Ҳозирги ёшингизда ўрганиб амал қилишингиз учун кифоя қилиб турар, сиз бошқа ҳикмат китоблари билан танишиб, илм олишни давом эттирасиз, деган умидда ҳазрат Навоидан кичик бир ҳикматни илова қилиш билан бу мавзудаги суҳбатимизни ҳозирча яқунлайман: «Қариялар муҳтожликка тушиб қолса, касб-ҳунар қила олмаса ва тилашга тили бормаса, уларга раҳм-шафқат қилишга шошил ва қўлингдан келган эҳсонни қил. Лекин, камбағал йигит кетмон чопа олса, ўтин ташимоқни удаласа, унга эҳсон қилмоқ – исроф қилмоқдир».

Саховат нима эканини ўрганиш баҳонасида кўп ҳикматлар билан танишганингиз бир фазилат, бу ҳикматларга амал қилиб яшаш эса янада улуғроқ фазилатдир. Сиз ана шу улуғ фазилатлар эгаси бўлишга қодир эканингизга ишонч билдириб, саховатнинг зидди бўлган бахиллик ҳақида ҳам сўз очишни лозим топдим.

ЗАҲАРЛИ ТИКАН

Бахиллик – бир заҳарли тикандир. Агар у кимга ботса, ўлдирмай қўймайди. Бахил бугун топганини асраб қўйса, эртага унинг қабри бугунги рўзғоридек қоронғи бўлади. Бахиллик ва шафқат бир ариқдан сув ича олмайди. Бир вужудда иккиси яшай олмайди.

Дунёга мафтун бўлма ва очкўзлик қилмагинки, тириклик мавсуми жуда қисқадир...

Яҳёга (алайҳиссалом) шайтон алайҳилаъна рўпара бўлганда «Сен кимдан қўрқасан-у, кимдан қўрқмайсан?» деб сўрадилар. Шунда иблис жавоб берди: «Мен сахий фосиқдан қўрқаман, бахил зоҳиддан қўрқмайман».

Шайтон нечун шундай деди? Ўйлаб кўрайлик.

Ёғоч теша билан йўнилса – теша пайраҳани фақат ўз томонига тўплайди. Рандаланса – ранда қириндиларнинг барчасини ташқарига чиқариб юборади. Арраланса – арра ҳар икки томонга қипиқ

тўкади. Турмушда киши теша каби бахил бўлиб, фақат ўз манфаатини ўйламай, бошқаларга ёрдам беришни ўйлаши керак. Агар бор-йўғини бошқаларга сарф қилиб, натижада ўзи муҳтожликда қолса, ранда ишини қилган бўлади. Энг яхшиси – арра каби иш тутмоқликдир. Ўзига ҳам бўлсин, бошқаларга ҳам нафи тегсин.

Одамлар табиати тўрт хил бўлади: лаин (лаънатланган) одам ўзи ҳам емайди, бошқаларга ҳам едирмайди. Бахил ўзи ейди, бошқаларга ҳеч нарса бермайди. Сахий ўзи ҳам ейди, бошқа кишиларга ҳам едиради. Карим (марҳаматли, олижаноб) ўзи емай, бошқаларга едиради.

Пасткаш ва қурумсоқ кишилардан дўстлик, ошналикни орзу қилиш, тошюрак ҳамда қаттиқ кўнгилли одамлардан марҳамат ва шафқат кутиш – қуриб қолган дарахтдан мева кутишга ўхшайди. Қоронғи кечадан қуёш нурини талаб қилиш – девоналикни англатади.

*Кутма дардинга даво пасткаш, қурумсоқ кимсадан,
Ким чаён ниши билан олгай оёқлардан тикан?*

Бир хасис бойга дедилар:

– Хасислик ҳам эви билан-да, бир танга учун юз думаламасанг нима қиларди?

– Нега энди мен бир кун, бир ҳафта, бир ой, бир йил, бир умрга етадиган молимдан воз кечишим керак экан?

– Бу нима деганинг?

– Агар бир тангани нонга берсам, бир кунга етади. Ҳаммомчига берсам, бир ҳафтага етади, кир ювувчига берсам – бир ойга, сурпургига берсам – бир йилга, миҳ сотиб олиб деворга қоқсам – бир умрга етади. Шунча кунимга ярайдиган нарсани нега энди асрамас эканман?

Бошқа бир бахил ўлар олдида болаларига васият қилди:

– Эй, болажонларим! Мол-дунё орттириш, бирим икки бўлиши учун не-не заҳматлар чекдим. Қанчадан-қанча узоқ сафарларда бўлиб, жуда кўп йўл азобларини тортдим. Энди сизлар буни эҳтиёт қилинглар. Биров: «Дадаларингни тушимда кўрдим, қийма билан ҳолвага ҳаваси келибди», деса, унинг алдовига зинҳор учманглар. Биринчидан, мен ундай гапни айтмайман. Иккинчидан, ўлик ҳеч нарса емайди. Агар менинг ўзим тушларингга кириб, шу илтимосни қилсам ҳам, ҳеч қандай илтифот кўрсатманглар. Чунки туш деган нарса пала-партиш бўлади. Ундан кейин тириклигимда емаган нарсамни ўлганимда ҳавас қилмайман.

Азизлар, бу сизларга латифадай туюлиб, кулимсирагандирсиз. На илож, бахилнинг кўп қилиғига ачиниш билан кулиб қўямиз. Бир

бахилнинг ўғли хаста эди, «хатми қуръон қилдир, ё бир қўйни назр қил», деб маслаҳат бердилар. У ўйлай-ўйлай бир қарорга келди: «Хатми қуръон қилганим аълодур, чунки қўйларим яйловда...» Бунга ҳам куламмизми? Биз куламмиз. Аммо шайх Саъдий ҳазратлари бошқача муносабатда бўлганлар:

*Даригоки, тоатга ўймоқ бўюн,
Бахил олдида яхши бўлмуш ўюн.
Эшакдек чекар юкни бир фалс учун,
Юз алҳамд ўқур бир десанг, тортиб ун.*

Ҳаётда ким иллат билан яшаган бўлса, ўлимга ҳам шу илллати билан юзма-юз бўлади.

Бир хасис киши нодонлик билан олтин-кумуш йиғишга муккасидан кетган эди. Ҳотам Той саховат ва карам кўрсатишда қанча ном қозонган бўлса, хасис киши динор ва дирҳам йиғишда ундан машҳурроқ эди. Бу хасис ва пасткаш киши кўп машаққат чекиб, битта-битталаб олтин йиғар эди. Катта хазина тўплагач, уларни ерга қўмди. Бу очкўз яна шунга тенг келадиган бойликни тўнига гир айлантириб тикиб олган эди. Яширган беҳисоб олтинлари ўша шум ҳирсли кишининг кўзига ҳатто кундуз кунлари ҳам осмонда ярақлаган юлдузлар каби кўринар эди. У ўзича, танимга қувват, танимга қувватгина эмас, балки жонимга сиҳат ҳам ана шу олтинларим туфайли, деб ўйларди. Иттифоқо, бир куни у савдо-сотик қилиш учун дарё соҳилига келди. У ерда савдо қилган молидан тушган ҳаром пулларга таом олиб эди. Шундан сўнг, қўлини ювмоқчи бўлиб дарёга энгашди. Шунда тўнига тикилган олтинлар оғирлик қилиб, уни сувга тортиб кетди. Хасис киши ўзининг ёмон феъли туфайли сувга чўка бошлади. У сувдан чиқмоқчи бўлиб, изтироб билан чунон талпинар, биров қутқарар, деган умидда бақириб-чақирар эди. Одамлар ёрдамга етиб келгунларига қадар у дарё тубига чўкиб бўлди. Чунки унинг олтиндан бўлган лангари беҳад оғир эдики, шу сабабли у сув тубида садаф ичидаги гавҳардек мангу тик туриб қолди.

Унинг жонига офат етказган нарса, албатта, ўзи йиққан сийму зар эди. Инсоф эгаси бундай жирканч ишлардан қўлини тортмоғи керак. Уларга мутлақо майл кўрсатмаслиги шарт. Чунки бу фано денгизи – дунё доимо даҳшатли тўлқин ичидадир.

Ривоятдаги рамзларга кўпроқ диққат қилайлик: қатига тилла тикилган тўн – хасислик оқибатида тўпланган гуноҳлардир. Тўн ўзига хос гуноҳлар лангарига айланди ва гуноҳқорни ҳалокат дарёсига чўктирди.

Кўфа шаҳрида хасислиги туфайли тилларда дoston бўлган бир бой бор эди. Бир киши унга: «Басрада мол-дунёси беҳисоб бир бой бор, ammo хасисликда сен унга шогирд ҳам бўлолмайсан», деди. Бу таъриф кўфалик хасиснинг иззат-нафсига тегиб, уни кўриш иштиёқида Басрага йўл олди. Басралик хасис уни очиқ чеҳра билан кутиб олди-да: «Сиз бафуржа дам олиб ўтира туринг, мен бозорга тушиб чиқай-да, кейин сизни меҳмон қилай», деди. Новвойга бориб: «Яхши нонинг борми?» деб сўради.

– Бугун шунақанги мазали нон ёпдимки, мол ёғидан қолишмайди, – деди новвой мақтаниб.

«Молнинг ёғи нондан мазалироқ бўлса, ёғ ола қоламан», деб ўйлади хасис. Баққолга бориб: «Аъло мойинг борми?» деб сўради. Баққол:

– Шунақанги бир ажойиб мол ёғи олдимки, кўрсанг, худди зайтун ёғи дейсан, – деб мақтанди.

«Зайтун ёғи яхши бўлса, қиммат мол ёғини олишим ақлданми?» – деб ўйлади хасис. Сўнг ёғфурушнинг дўконига ўтиб: «Зайтун ёғинг борми?» деб сўради.

– Шундай бир зайтун ёғим борки, тиниқликда сувдан қолишмайди, – деб мақтанди ёғфуруш.

«Сув зайтун ёғидан афзалроқ бўлса, пулни бекорга сарф қилишим ақлданми? Уйда икки хумни сувга тўлдириб қўйибман-ку!» деган фикрда изига қайтди-да, бир косани сувга тўлдириб, меҳмонга узатди:

– Эй, биродар, шу сувдан ўтадиган лаззатли таом йўқ экан, – деб, фикрининг исботи учун новвой, баққол, ёғфурушларнинг гапларини бир-бир айтиб берди.

Ана шундан сўнг кўфалик хасис унга тан бериб, «сен дунёдаги барча хасисларга устоз бўлишга арзир экансан», деган экан.

Бахилликнинг нечоғлик гуноҳ эканидан беҳабар бу нодонлар тириклик чоғларида керилиб юраверадилар. Буларнинг тақдирини Бедил ҳазратлари ажиб тарзда сатрларга тизганлар:

*Мумсик бой олдида ўлим нақд бўлди,
Заридан бир табиб сиқими тўлди.
Олтини сарф бўлиб кетганидан бой,
Сиҳат топган чоғда қайтадан ўлди.*

Кишини таажжубга соладигани ҳам шу: баъзи бировлар ўзларига сарф қилса ҳам юрак ўйноғи бўлиб қолади. Бахил – қўлидан

келган яхшиликни вақтида қилмаган, кўр бахил эса ўзи яхшилик қилмагани устига бошқанинг ҳам бировга яхшилик қилмоғини истамайдиган кимса экан. Ўзига ўзи яхшилик истамаганини нима деб атаймиз, шундай нокасларга ҳам боп бир таърифни биргалашиб топсакмикин?

Бир фозил турмушда қийналиб, бахил бойнинг ҳузурига боришга мажбур бўлди.

– Сиз муҳтож кишиларга ёрдам қилиш учун молу дунёингиздан бир қисмини ажратганингизни эшитдим. Мен ёрдамга муҳтож одамман, шунинг учун ёрдам сўраб ҳузурингизга келдим, – деган эди, бахил бой ёрдам бермасликка баҳона қидириб:

– Мен фақат кўр одамларга ёрдам қилмоқчиман, – деди.

Олим унинг мақсадини англади-ю, ўрнидан турди:

– Ҳақиқий кўр одам менман. Агар кўр бўлмасам эди, сиздек бахилдан ёрдам сўраб келармидим.

Олим кетди. Бахил пушаймон бўлиб, унинг изидан хизматчисини юборди. Олим унинг бир чақасини ҳам олмади. Байт:

*Кишиким йўқ эрур меҳру вафоси,
Агар хуришд эрур андин не ҳосил?*

«Хасис табиатли одамнинг дўсти тиланчи ва нокасдир, – деб ёзганлар ҳазрати Навоий. – Разолат уларнинг феъл-атвориغا мосдир. Улар муносабатига камситишлик ва енгилтаклик хосдир. Ҳар кимда бу сифатлар мавжуд бўлса, бундай одамни халқ ёмон кўради. Ана шу туфайли нокаслик, разиллик ривожланади, одамгарчилик ва инсонийлик эса завола топади. Булар ор-номус уйини куйдирувчи бир ўтдир; иззат-ҳурмат хирмонини совирувчи ва улуғворлик шамини ўчирувчи бир элдир. Тамагирнинг бирор нима олишга ўчлиги, худди еб-тўймаснинг таомга очкўзлигига ўхшайди. У бири тубанлар ҳаракати бўлса, бу бири ҳайвонлар одати. Қаноат шундай бир жавҳарким, эли бу икки балодан халос қилади ва халқни бундай офатдан қутқаради. Тамагирлик ва нокаслик шундай ёмон феълки, булар гўё икки ёқимсиз эгизакдир. Униси бундан ёмон – буниси ундан ёмон; иккаласи ёмондан ёмон. Буларнинг бири нокас ва бирининг иқболи паст; иккаласининг моҳияти бирдир».

Бир бахил киши қўлига тушган тангани ўз олдига қўйиб бундай дер экан:

– Эй, танга! Сен кўп ерларни кўрдинг, кўп чўнтакларни йиртдинг. Бир неча нокасларни бадавлат қилдинг ва бир неча давлатмандларни ер билан яксон қилдинг. Мана энди шундай манзилга

келдингки, ҳатто офтоб шуъласи ҳам сенга соя сола олмайди. Кел, энди сен менинг чўнтагимда ором ол! Зероки, бундан буён бу ердан ўзга ерга бормагайсан!

Хасисликда бу бахилга ҳам дарс бера оладиган бошқа бир қурумсоқ масжидга намоз ўқигани келди. Намознинг суннатини ўқигач, «уйдаги чироқни ўчирганмидим ё ўчирмаганмидим?» деб ўйланиб қолди. Ҳамма туриб, фарз намозини ўқишга сафланаётганда у уйига шошилди. Етиб бориб, эшикни тақиллатди. Хизматчи ичкаридан туриб «Ким у?» деб овоз берганда қурумсоқ:

– Тўхта, эшикни очма! Хонамдаги чироқ ёниқ қолган бўлса, ўчириб қўй, мойи тугаб қолмасин тагин, – деди. Хизматчи ажабланиб сўради:

– Хўжайин чироқни ўчириш кераклигини англадим. Лекин «эшикни очма», деганингизга тушунмадим?

– Эшикни очсанг, ошиқ-машуғи эдирилади-ку, аҳмоқ! – деди қурумсоқ.

– Қойилман, хўжайин, шунга ақлим етмабди. Лекин масжиддан уйга келгунингизча кавушингиз эдирилишини сиз ҳам ўйламабсиз-да?

– Ҳаммани ўзингга ўхшаган аҳмоқ деб ўйлайсанми? Мен кавушимни эскитиб қўярканманми! Кавушимни ечиб, қўлтиққа қисиб, ялангоёқ келдим.

*Сахий дема, саховатига
Бирор талаб қўйса бир одам.
Сахийликмас бу, очкўз – бахиллик,
Бунда йўқдир шараф ва карам.*

«Бахил», «хасис», «қурумсоқ», «паст», «пасткаш», «нокас» каби сўзларни деярли ҳар куни эшитамиз. «Хасис таъб»ни ҳам эшитиб қоларсиз, бу «пасткаш табиатли» деган маънони англатади. Санаган сўзларимнинг барчаси бир маънони – «хайрсиз киши», яъни бировга яхшилик қилмайдиган одамни англатади. Бундайларга сифат бера туриб, баъзан «қишда қор сўрасанг ҳам бермайди», деб қўямиз. «Хасис» сўзи «хассос» шаклида ҳам келиб, ижобий маънода ҳам қўлланилади. Масалан, «хассос шоир» дейилганда сўзга хасислик қилувчи, сўз дурларини танлаб-танлаб сатрларга терувчи ижодкор назарда тугилади. Хасисликнинг яна бир ижобий маъноси вақтга нисбатан айтилади. Вақтини беҳуда сарф қилмайдиган одамни яхши маънода хасис десак бўлади. Лекин сўз кўпроқ салбий маънода ишлатилгани учун бу ўринларда тилга олиш расм бўлмаган.

«Сахий» деб танилган қанча кишилар бор, боридан ажраб қолишдан қўрқиб ёки бошқа монеликлар сабабли молини сарфлайди. Ёки юз минглик молини асраш умидида бир мирилик эҳсон қилиб, «сахий»лигини намоён этади. Дунёда қанча бахиллар бор – молини бекорга ёки риё учун сарфлайди. Қуръони Каримда Раббимиз амрларни баён этиш баробаринда ибратли ривоятларни ҳам мисол сифатида келтиради. Шундай ибратлардан бирини «Қалам» сура-сида ўқиймиз. Муҳтарам уламолар тафсири асосида оятларнинг мазмуни билан танишайлик.

Яманнинг Сана шаҳри яқинида бир кишининг узум, хурмо боғи ва турли экинларга тўла ери бор эди. Ҳосилларни йиғиштириш пайтида бу киши фақирларга саховат қилиб, ушур – ўндан бирини берарди. Бу киши вафот этганидан кейин ўғилларининг бахиллик-лари тутиб: «Оиламиз катта, мол-мулкимиз эса оз. Шунинг учун ҳам энди фақирларга улуш бериб ўтирмайлик», деб тонгда одамлар келиб қолмасдан олдин ҳосилни йиғиштириб олишга қарор қилишди. «Боққа тезроқ борайлик, фақирлардан биронтаси келиб, аҳдимизни билиб қолмасин», деб бир-бирларига бузуқ тавсияда бўлдилар. Улар «ҳаммасини териб оламиз», дедилар, «камбағалларнинг ҳақини ажратиб қўямиз», демадилар. Аллоҳ Таоло бандаларини икки хил йўл билан синаб кўради: баъзида синов мусибат етказиш йўли билан бўлса, баъзида нозу неъматни беҳисоб бериш билан бўлади. Ривоятдаги боғ меросхўрларига Аллоҳ Таоло катта неъмат берган эди. Улар шукр қилиб, оталари қилган ишни давом эттириш ўрнига, бечораларнинг ризқини қирқишга уриндилар. Гурурга кетдилар. Ниятлари бузилгани учун Аллоҳ Таоло уларга жазони ҳаяллатмади. Кечаси боққа офат келиб, ҳамма мевалар нобуд бўлди. Бева-бечораларни маҳрум қилмоқчи бўлганларнинг ўзлари ризқдан маҳрум бўлишди. Боғларига етиб келганларида эса харобага айланган қуруқ ерни кўриб, тонг қоронғисида адашиб, бошқа ерга келиб қолдикмикин, деб ўйлашди. Ниҳоят, улар бошларига ўзлари офат чақирганларини англаб, надоматлар чекишди. Аммо, афсусдан не фойда... Аллоҳ Таоло мазкур ояти каримада бу дунёда бева-бечора, мискин-муҳтожларнинг ризқини узганларгина эмас, ҳатто уларнинг насибаларини қирқмоқ ниятидагилар ҳам тирикликларида боғ меросхўрларига аталган офат азобини кўришларини баён қилади. Халқимиздаги «Бахилнинг боғи кўкармас», деган мақол балки шу ривоят таъсирида юзага келгандир?

Расулulloҳ (с.а.в.) дедилар: «Қиёматда тарозига қўйиладиган нарсаларнинг энг аввалгиси гўзал хулқ ва саховатдир. Аллоҳ Таоло

иймонни яратди. Шунда иймон: «Эй, Аллоҳим, мени қувватлан-тир», деди. Аллоҳ Таоло уни **ғўзал хулқ** ва **саховат** билан қувватлантирди. Аллоҳ Таоло **куфрни** яратди. Шунда куфр: «Эй, Аллоҳ, мени қувватлантир», деди. Аллоҳ Таоло уни **бахиллик** ва **ёмон хулқ** билан қувватлантирди». «Аллоҳ Таоло йўлида қилинган ғазот вақтида кўтарилган чанг билан дўзахнинг тутуни ҳеч бир банданинг ичида жам бўлмайди ва ўтакетган бахиллик билан иймон ҳам бир банданинг кўнглида жам бўла олмайди». Ғазот пайтида кўтарилган чанг жангчиларга таъсир қилмаганидек, дўзах тутуни ҳам уларга даф қилолмайди. Шунга ўхшаш сахийлик ва бахиллик бир ахлоқда муштарак бўла олмаслигини Аллоҳнинг расули (с.а.в.) тушунтиряптилар. Умматларни огоҳлантириб, яна дедилар: «Бахилликдан тийилинг, зеро, бахиллик сиздан олдингиларни ҳалок этган ва уларни қон тўкишга, ҳаромларни ҳалол деб билишга етаклаган». «Ўта бахиллик ва мол-мулкка ҳирс қўйишдан сақланинг. Чунки бахиллик сиздан илгари ўтган кишиларни ҳалок қилган. Шу бахилликлари туфайли улар бир-бирларининг қонини тўккан ва қариндошликни узиб қўйишган. Бировга зулм қилиш Қиёмат куни золимни қоронғиликка туширади». «Бу уммат аввалининг салоҳияти зуҳд ва ишонч биландир, унинг охирини эса бахиллик ва хаёлпарастлик ҳалок қилади».

Бугунги кунда нефт-газ савдоси мамлакатлар бойлигини белгилаётгани маълум. Бекорга «қора олтин» деб шарафламайдилар. Шу бойликни деб урушлар-у, фитналар юз бераётгани ҳам сир эмас. Қадимда «нафт» деб аталган бу суюқлик эвазига бойиганлар кўп бўлган. Шулардан бири нафт сотиб олаётганида хизматкорига бармоғини тарозига теккизиб туришни тайинларди. Шу билан озгина бўлса-да, фойда олишни кўзларкан-да. Бундан ранжиган иймонли хизматкори бир куни унга деди:

– Хўжайин, бу ишимиз бировнинг ризқига хиёнат-ку! Бу йўл билан орттирилган мол ҳаром бўлади, ҳаммаси бир йўла йўқ бўлган онда афсус фойда бермайди.

– Эй, нодон, озгина нарсанинг ҳам баҳридан ўтмаслик керак. «Қатра-қатра йиғилиб кўл бўлур», деган мақолни эшитмаганмисан?

– «Қисимлаб олсанг, ҳовучлаб тўкасан», деган нақл ҳам борда, хўжайин. Ҳаром йўл билан топилган мол бир куни денгизда оққандек оқиб кетади.

– Мен молимни денгизга олиб бормайман, денгиз ҳам менинг уйимга келмайди. Беҳуда гапларни гапириб, бошимни оғритмагин-у, айтганимни бажар!

Бу воқеадан сўнг маълум муддат ўтди. Хасис бой бошқа мамлакатда нафтнинг баҳоси уч-тўрт баравар ошганини эшитиб

қолиб, денгиз сафарига отланди. Мингта мешга нафт жойлаб, кемага ўтирди. Алқисса, кема денгизнинг ўртасига етганда довул кўтарилди. Кема билан бирга бойнинг ҳам кўнгли туғёнга келди. Дарға: «Эй, бой, ҳамма нарсадан жон азизроқ. Агар уйга соғ-омон қайтай десанг, кемани енгиллатишимиз керак», деди.

Бой кўрққанидан барча мешларини ўзи денгизга ташлади. Кема юкдан енгиллашгач, чўкиш хавфи камайди. Бир оздан сўнг довул ҳам тинди. Уйга қайтган бой денгизга улоқтирилган бойликларини эслаб оҳ-фарёд чекди, ўз бошига ўзи муштлади...

Маҳмуд Қошғарий: «Қиз киши сави йўриғли бўлмас, хасис кишининг донғи чиқмас», деганлар. Бахилга қийин. Чунки бахил молини асраш учун қаттиқ руҳий азоб чекади. Ўзига ўзи раво кўрган бу азобдан қутулиш чорасини кўрмайди. Айниқса, бойга қийинки, бу хусусда ҳазрат Али (р.а.): «Бойнинг хасис бўлиши – унга берилган жазодир», деганлар. Ҳикмат аҳли дедикки, киши ўз молидан қанча фойдаланса – **ўзиники**, қанча асраса – **ўзганикидир**. Захмат билан топганингни ўзидан аямаган, дўстлар билан меҳнат қилиб топганини душманлар учун асрамаган киши донодир. Бахилнинг омонат асраши ҳам, сахийдан хиёнат кутиш ҳам ажабланарлидир.

Бахилларнинг оқибат ҳалокати ҳақида айтилди. Ҳалокат ўлимдан иборат бўлганида улар осон қутулган бўлардилар. Уларнинг ҳалокати балки бу ҳикоятда акс этгандир.

Бир бой эр-хотин қовурилган товуқ гўштини роҳатланиб еб ўтирар эди. Тиланчининг овози келди. Бой тиланчини қувиб юборди. Орадан кўп ўтмай, унинг иши юришмай, бор будидан ажралди. Уйда ейишга нон ҳам қолмагач, хотинини талоқ қилди. Хотин бошқа киши билан турмуш қурди. Бир куни эри билан қовурилган товуқ гўшти еб ўтирган эди, тиланчининг овози келди. Эри иккита нон орасига товуқ гўшtidан қўйиб, «олиб чиқиб бер», деб хотинига тутқазди. Хотини чиқди-ю, таомни бериб, изига йиғлаб қайтди. Эри сабабини сўраган эди: «Тиланчи аввалги эрим экан», деб куйинди. Шунда эри: «Шу биринчи эринг билан овқатланиб ўтирганингда тиланиб келган гадо мен эдим. Эринг бахиллиги учун бу мукофотни ўзи тилаб олди», деди.

Бағдод бойларидан бирининг иши орқага кетиб қашшоқлашиб қолди. Тижоратини йўлга қўйиш мақсадида у Басрага келди. Иши юришмай, баттар қийналди. Лекин оч-наҳор юрса ҳам, аҳволини бировга баён қилишга уялди. Ниҳоят, бағдодлик дўстига хат ёзиб, ёрдам сўрашга қарор қилди. Бир баққолнинг дўконига кирди-да, пичоғини гаровга қўйиб, қоғоз ва қалам сўради. Баққол унинг ҳаёти билан қизиқди. Йигит аҳволини маълум қилгач, баққол: «Би-

рор кишининг хизматига кирсанг, машаққатларингдан қутулган бўлардинг», деди. Йигит: «Бирор киши хизматига олса, мен унинг мушуқларини осон қилардим», деди.

– Бу шаҳарда Абу Собир деган давлатманд бор. Бойлиги беҳисоб, аммо жуда ҳам бахил. Мендан хизматчиликка бир киши тавсия этишни сўраган эди. Даромади ва харажатларини ёзиб, барча икир-чикир ишларида унга ақлли ёрдамчи керак. Кўпчилик ишга ёлланяпти-ю, бахиллигига чидолмай кетиб қоляпти. Хизмат ҳақини ҳам жуда оз тўлайди-да.

Йигит: «Нимаики берса, розиман», деб хизматга ёлланди. Абу Собир унга бир ойда ўн кумуш дирам тўлайдиган бўлди. Йигит ишга киришиб, хўжайиннинг кирим-чиқимини дафтарга ёзиб бораверди. Шу зайлда олти ой хизмат қилди. Бу муддат мобайнида унинг оила аъзоларини ҳам кўрмади. Уй ичкарасида аҳвол қандайлигини ҳам билмади. Уйга келганида, қачон бўлмасин, ямоқ тўнли йигитча чиқиб келарди. Бир куни у Абу Собирдан: «Бу бола кимингиз бўлади?» деб сўради.

– Ўғлим бўлади, мен исроф бўлмасин, деб унга янги кийим-бош олиб бермайман, – деди бой.

Йигит ўзича: «Бадбахтлик бундан ортиқча бўлмаса керак. Зеро, ўз ўғлига фойдаси тегмаган одамнинг бошқалар учун қандай нафи тегсин!» деб ўйлади-да, хизматдан бўшашга қарор қилди. Ўша кечаси тушида бир мўйсафид: «Сен Абу Собирнинг хизматидан кетмай тур, чунки ундан сенга кўп фойдалар вужудга келгусидир», деди. Шундан сўнг у яна қурумсоқ бой хизматида қолди. Бир куни бойнинг уйига бориб, касал ётганидан хабар топди. Бой беш-олти кун кўринмагач, яна уйига борди. Уни ичкарига таклиф қилишди. Уй катта, аммо унда на гилам, на намат бор эди. Ўртага бўйра солиниб, устида бой ётарди. Йигит ҳол-аҳвол сўрагач:

– Эй, хожа, кўнглимда сизга пиширилган калла гўштини инъом қилиш орзуим бор эди, таклифимни қабул қилсангиз, мени қувонтирардингиз, – деди-да, изига қайтиб, бозорга борди. Бир дирамга кўзининг калласи билан тўртта нон сотиб олиб хожасига тортиқ қилди. Ўша куни у Абу Собирнинг олтинларини ҳисоблаб чиққан эди. Ўн саккиз минг динор қизил олтин нақдинаси ва яна одамлар кўлида шунча миқдордаги насиеси ҳам бор эди. Орадан ҳафта ўтиб, Абу Собир касалдан турди ва йигитнинг марҳамати учун ташаккур айтди.

– Мен ўша калла гўштидан шифо топдим, – деди у. – Биринчи куни калланинг кўзларини эдим. Иккинчи куни гўшгларини, учинчи куни тилини, тўртинчи куни қулоқларини ва бешинчи куни миясини эдим. Бош мия косасини туздон қилдим. Калла суякларидан ёғлоғи ясадим.

Йигит унга тил учуда офарин деди. Аммо ичида: «Бу бадбахт шунча олтинлари бўлатуриб, бир калла гўштини беш кун давомида тамадди қилиб, яна суякларидан асбоблар ясабди-я!» деб ўйлаб, ундан нафратланди.

Орадан кўп ўтмай қурумсоқ бой вафот этди. Унинг молидан йигитга минг олтин фойда тегди. У Бағдодга қайтиб, ишларини яна жонлантириб юборди. Уч-тўрт йилдан кейин бир юмуш билан Басрага борди. Ўша куни Абу Собирнинг ўғли зиёфат бераётган экан. Борди. Дастурхон усти турли-туман таомлар ва мевалар билан ҳаддан зиёд безатилган эди. Анвойи таомлардан бири – калла гўштининг ўзидан юзларчаси қўйилганди...

Масал. Овчи овга чиқиб оҳуни отди. Орқалаб, уйига кетаётганида унга ёввойи тўнғиз ҳужум қилди. Овчи унга бир ўқ узишга улгурди. Кейингисини отаман, деганда ярадор тўнғиз унинг қорнини ёриб ташлади ва ўзи ҳам ўлди. Шу вақтда оч бўри келиб қарасаки, бир одам, бир тўнғиз ва бир оҳу ўлиб ётибди. У омади келганидан қувонди, аммо очкўзлиги тутиб, аввал қай бирини еб адо қилишни билмай гангиди. Ўйлай-ўйлай ўзига ўзи: «Бу таомларни емай, эҳтиёт қилиб сақлаб қўйиш керак. Бу яхши гўшталарни яширсам, бирор кунимга ярайди», деб бугунча камоннинг тиркиши билан кифояланмоқчи бўлди. Камонни тортиб турган тиркишни ғажий бошлагач, камон очилиб кетиб, бир учи бўрининг бўғзига санчилди...

Азиз **умидимиз юлдузлари**, бу ва бу каби ҳикоятлар кўп замонлар давомида одамларга ибрат мактаби бўлиб келган. Нечун сизга ибрат бўлмасин? Бахиллик нафсингизга эга чиқиш учун ғимирлаб қолса, шу ибратларни эсланг, зора иймонингизга қувват бўлса!

Одамлар бахилликка оид ояти карималарни, шарафли ҳадисларни, ибратли ҳикоятларни билмаганлари учун бу иллатга чалиниб қолишган деб ўйлайсизми? Бахилликнинг гуноҳ амаллардан эканини барча бахиллар озми-кўпми даражада билишади. Лекин билмагандай кўзларини юмиб юраверишади. Олимлар орасида бахиллар йўқми? Уларга нима деймиз? Пулларга хасислик қилсалар, кечириш мумкиндир, аммо тўплаган илмларини ёшларга беришни истамайдиганлар-чи? «Фосиқ олим – ўзига золим донишманддир, давлатманд бахил – ўз зиёнини кўзловчи нодондир, – дейдилар ҳазрат Навоий. – Бу икки тоифа – умрни бекорга ўтказди ва гўрга ҳасрату армон олиб кетади. Ахир буларнинг бири – илм ўрганиш учун қанча машаққат тортди, лекин илмига амал қилмади; иккинчиси – мол-дунёни йиғиш учун кўп овора бўлди-ю, нимага сарфлашни билмади.

*Олимеким, илми эрди беамал,
Ё ганийким, молига бухл эрди ёр.
Ўлдилар юз ҳасрату армон била,
Элга бўлди ишларидин эътибор.*

Мавзуни ўзгачароқ йўсинда давом эттиришдан аввал яна бир ҳикматга диққатингизни тортаман: «Икки киши ўлуб, адам сарманзилига озим бўлуб, иккаласи ҳам кўб-кўб ҳасрат ва надоматни олиб кетдилар. Аларнинг бириси улдурким, моли ҳаддин афзун кўб бўлуб, ондин емади ва яна бириси улдурким, билиб амал қилмади. Байт:

*Кўрса ҳар ким бахил фозилни,
Айбини олам ичра айлар аён.
Минг гунаҳ гар каримда бўлса,
Карамии барчасин қилур пинҳон».*

Бир ҳовлида яшаётган ака-укаларни алоҳида-алоҳида зиёрат қилмай, бир борганда барчаларининг кўнгилларини олиш афзалроқ. Гарчи, ўхшатишимиз кўполроқ туюлса-да, бир кулбага жойлашиб яшайдиган иллатлар ҳақида айри-айри суҳбат қилмай, шу мавзу доирасида гаплашиб қўя қоламиз. Бу ўринда «тама», «ҳирс», «очкўзлик», «худбинлик»ни назарда тутяпман. Буларнинг ҳар бири ўз-ўзича мустақил иллат бўлса-да, бир оилага жамланиб яшайди. Бири бор жойда иккинчиси ҳам тиржайиб тураверади. Буларни балки кўп бошли аждаҳога ўхшатиш тўғрироқдир? У ҳолда аждаҳони ўлдириш учун барча бошларни кесиб ташлаш керак.

Ҳар балонинг боши тамадир, дейдилар. Куш донга тама қилмасайди, тузоққа илинмасди. Одам очкўзлик камарини белига боғламаса, иззатининг либоси хорлик палосига алмашинмасди. Тама тоши кишиларнинг эътибор тарозисини енгил қилади.

Ҳар кишининг бахт-саодати унинг тамаларига боғлиқ. Энг кўп тама қилувчи – бахти энг оз одамдир.

Баён қилинаётган жумланинг мақсадига қараб «тама» сўзи ҳирсни, очкўзликни, тиланчиликни, ҳатто умидни ҳам ифода этиши мумкин. Масалан, «тамаий хом», дейилганда «ушалмайдиган орзу, хом умид», «тама қил» дейилса, «кутгин, умид қилгин» назарда тугилади. «Жаҳонға чу йўқтур бақо, эй кўнгул, тама қилма андин вафо, эй кўнгул», дейилганда «Бу дунё абадий эмас, шундай экан, ундан вафо кутмагин», дейилмоқчи.

*Тенгридин раҳм агар тама қилсанг,
Аввал ўлмоқ керак сен элга раҳим.*

Ҳазрат Навоий бу байтда «Агар Аллоҳ Таолонинг раҳмига умид қилаётган бўлсанг, аввал элга ўзинг раҳм-шафқатли бўл», демоқчилар. Гапда «тамакор» сўзи учраса, умидвор одам назарда тутилган бўлади. Бизнинг бугунги ҳаётимизда кўпроқ «тамагир» сўзи учрайди ва бу тиланувчи суллаҳ маъносини берувчи иллатни англатади. «Тама» сўзини ҳам биз кўпроқ салбий маънода, иллатни англатувчи атама сифатида қўллаймиз. «Биродар, мен сизникига бир тама билан келдим», деганга ўхшаш гапларни деярли эшитмаймиз, «умид билан келдим», дейилишини биламиз.

*Кел, э, озода, бўл ҳиммат билан, ёр,
Тама зиндонига бўлма гирифтор.*

Ҳазрат Сўфи Оллоҳёр демоқчиларки, э пок инсон, кел энди, сен ҳамиша ҳимматинг билан бўл. Зинҳор тама зиндонига гирифтор бўлмагин. «Тама қандай бўлади?» десанг, эшит: агар биров тижорат қилиб ёки экин экиб, фойда олишни умид қилса, бунга «тама қилиш» дейилмайди. Аммо ўзини халқ орасида олиму ёки сўфий кўрсатиб, бироқ, унинг олимлиги холисалиллоҳ бўлмай, балки «халқ менга назру ниёз, эҳсону ҳадя берсин», деб қилган ишидир. Тама қилиш ана шудир. Демак, бу ҳаромнинг ўзгинасидир.

*Берарга бўлмаса дунё ишидин,
Ул истигно тама қилма кишидин.*

Дейилмоқчики, агар халққа берадиган молу дунёинг бўлмаса, яъни нақадар фақир бўлсанг-да, ҳолингни бировга билдирма ва бирор нарса тама қилма.

*Ола бўлган ола юргандин ортиқ,
Кўмулган телмириб тургандин ортиқ.*

Байтдан бу маънони оламиз: эски кийим билан турмоқ тама билан мол олиб юрмоқдан афзалдир. Ўлиб туфроққа кўмилиш одамларнинг қўлига термилиб, тама қилмоқдан ортиқдир.

*Тамалик сийладин беҳдур сийланган,
Тилангандин эрур ортиқ – тиланган.*

Дейилмоқчики, тама билан бир сурув қўй олгандан кўра, елкага мушт урганлари афзалдир. Тиланчи бўлиб юргандан эски кийимларда тиланиб юрган яхши.

*Эмаклаб кетса, тушса эт била нўст,
Тама қилма кишидин тўша, эй дўст.*

Дейилмоқчики, эмаклаб, тери-ю этинг тушиб не машаққатлар ичида юрган бўлсанг-да, одамлардан гарчи бир луқма бўлса ҳам тама кутма, э дўст.

Одамларга ҳирс ва тама билан қараш юракка ханжар санчган душманнинг қилмишига ўхшайди. Ҳақнинг неъматини тамагирнинг қўлига тушса, чирийди, иймони бутунларнинг қўлига тушса – кўпаяди. Чунки иймон эгалари саховатпеша бўладилар. Аллоҳ Таоло сахийларни сийлайди. Саъдий Шерозий ҳазратлари ёздилар:

*Тамага бўйинсунмаса ҳар киши,
У қул эрмас, озод ўтар турмуши.
Тама жамиятдан чиқаргай сени,
Уни ҳайдагил, у чиқармай сени.*

Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар: «Қиёмат куни келиб, одамлар қабрларидан турган вақтларида тама аҳдининг юзларидаги тери шилиниб тушади ва халқ орасида юзлари хунуклашиб, шармисор бўлишади».

Бировнинг бир кеча-кундузга етарли озиғи бўлса-ю, у яна тамагирлик (ёки тиланчилик) қилса, ҳаромдир. Афсусларки, мана шу ҳикматга кам аҳамият берувчилар бор.

Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳузурларига бир киши келиб сўради: «Ё Расулуллоҳ! Менга бир тавсия беринг, лекин оз ва соз бўлсин». Аллоҳнинг расули (с.а.в.) бундай марҳамат қилдилар: «Инсонларнинг қўлларидаги нарсаларга умид қилманг. Тамадан тийилинг. Зеро, тама айни пайтда фақирликдир. Маъзур кўрилган нарсалардан ҳам тийилинг». Ҳазрати шайх Абу Бакр Абу Варроқ Термизий дедиларки: «Тамага «отанг кимдир?» десалар, айтар эканки, «Отам тақдир қилинган ризққа шак келтирмоқликдир».

«Гулистон»даги бир ҳикоятга диққат қилайлик.

– Шоирлардан бири ўғрилар амирининг қошига бориб, анга сано айтди. Амир буюрди: то онинг либосин эгнидан олиб, ўзини ташқари чиқориб қувуб йибордилар. Шоир ҳам яланғоч бўлуб совуқ еб борур эрди, итлар изига тушуб, ҳужум этиб, қопмоқ бош-

ладилар. Ул итларни урмоқ учун тош ахтариб, қўлини ерга урди, ерда муз тўнгмиш эрди. Ожиз бўлуб деди: «Бу нечук ҳаромзода одамларким, итни бўш йибориб, тошни боғламишлар». Ўғриларнинг амири даричадин қараб ўлтуруб эрди, онинг бу сўзин эшитиб кулди ва ҳолига раҳм этиб, деди: «Эй, ҳаким, мандин бир нимарса тилагил!» Шоир деди: «Агар тараҳҳум қилсанг, ўзумнинг либосимни тиларман». Байт:

*Одам умидвор бўлур халқ молига,
Сандин умид айламон, озор бермагил.*

Амир бу сўздин хушҳол бўлди ва либосига бир пўстин ва бир неча тангани қўшуб берди.

Тама билан кечган умр зое кетган вақтдир. Донолар дейишадики, бундай ҳаёт амалсиз ҳаёт бўлиб, охиратда бундай кимсалар ҳасрат аҳлидан бўлурлар. «Тама – хорликка сабаб, – дейдилар ҳазрат Навоий. – Тамагир бой – хор ва тубан. Кимки тама билан бирор нарсани олиши мумкин бўлса-ю, лекин олмаса, бу тама йўқлиги бўлиб, ҳар қандай саховатдан қолишмайди. Бу хил сахийлар – олижаноб-утама аҳли эса – хасису нокаслардир». «Тамагирдан яхшилик кутма, гадойдан чақа тилама».

«Қутадғу билиг»да бу ҳикмат бор: «Тамагир – ёв. Унинг тама дарди тутса, сени «ака» ҳам, «ука» ҳам деяверар. Тамаси қонмаса-чи? У сендан юз ўгиради. Сени илгари сира ҳам кўрмагандек тутади. Яқинларинг тама қилмаса, сендан ғам-қайғулар ҳам йироқ кетади».

Кичкинагина бола кучли бир туянинг бошига нўхта уриб, уни ис-таган ерга олиб боргани каби, тама ва очкўзлик ҳам инсонларнинг бўйнига арқон солиб, уларни хоҳлаган жойга судрайди. Асл бойлик – кўзи тўқлик ва қаноатдир. Бахт-саодатнинг негизи ҳам шудир.

Очкўзлик тамагирликдан баттар иллатдир. Бу икки иллат шу қадар қадрдонки, бири бор жойда иккинчиси ҳам шай туради. Очкўз киши ҳеч қачон рост йўлдан юрмайди, ҳамиша кўнгли бемор бўлади. Ҳирс ва очкўзлик занжирига боғланган бўйин пушаймонлик тиғи билан кесилади. Очкўзлик фақат таомга нисбатан эмас, бунга ҳам эътибор беришимиз керак.

«Очкўз»ни «очофат» ҳам дейдилар. Диққат қилинг: **оч офат!** Оч ваҳший ҳайвон билан тўқининг ҳолатида фарқ бор. Оч-тўқлиги ваҳшийлик даражасини белгилайди. Шунга ўхшаш, агар офатни ҳам даражага ажратсак, очкўзлик энг ваҳший даражадаги офат экан. Очкўзлик нафснинг севган фарзандидир ва у киши бўйнига қуллик сиртмоғини солади. Худди айғир каби... Тоғ ёнбағридаги

ўтлоқда айғир от ёлғиз ўзи ўтлаб юрар эди. Кўм-кўк ўтларнинг энг яхшисини толалаб-толалаб ер эди. Қорни тўйгач, кишнаб, ўйноқилаб юрарди. Ёнига ҳеч кимни йўлатмас эди. Чарчаса, даланинг ҳар хил хуш исли чечаклар очган текис ерларига бориб ағанарди. Иттифоқо, бу ерда бир ҳўкиз пайдо бўлди. «Ўт сероб экан, отга ҳам, менга ҳам етади», деган қарорга келди. Бундан айғирнинг аччиғи чиқиб, уни қувламоқчи эди, ҳўкиз уни сузиб, яқинига йўлатмади. Бу ҳолдан алами келган от одамнинг олдига бориб, ҳўкизни ҳайдашда ёрдам сўради. Одам унинг илтимосини қабул қилди, аммо бир шарт қўйди: «Ҳўкизни тезроқ қувиш учун сенга эгар уриб, оғзингга юган солиб, устингга минишим керак бўлади».

От бу шартга унади. Одам отга миниб далага чиқди. Ҳўкиз уни кўрибоқ, қочиб кетди. Ҳўкиздан қутулиб қувонган от одамга: «Қани, энди устимдан туш, эгар-юганингни ол, ёрдам берганинг учун раҳмат», деди. Одам отдан тушди, лекин отнинг оғзидан юганни олмади. Устига-устак оёғига ҳам кишан солди – тушовлаб қўйди. Айғир очофатлиги туфайли одамга қул бўлиб қолди. От-ку, қулик балосига йўлиқди, мушукнинг очофатлиги эса...

Бир бой мушугини ардоқлаб, тансиқ таомлар билан боқарди. Мушук бу емакларга қаноат қилмай, қўшнининг кабутарларини тутиб ейишни истарди. Ниҳоят, пайт пойлаб туриб кабутарларга ҳужум қилди ва бир нечасини тутиб еди. Кабутарларнинг эгаси мушукни таёқ билан уриб ўлдирди-да, бошқа мушукларга ибрат бўлсин деб, унинг қорнини ёриб сомон тикди ва қушларнинг ини ёнига осиб қўйди. Бу ҳолни кўрган мушукнинг эгаси: «Очофатлик қилмаганингда терингга сомон тикилмас эди», деб қўя қолди.

Кўзи тўймайдиган кишининг ўлими яқиндир. Бу дунёда қорни тўйса ҳам, кўзи тўймайдиган мушук табиатли кўп кишилар борки, уларнинг ўлими сабабчиси ўзининг ҳирси, томоғидир. Улар зоҳиран мушук каби севимли, итоатгўй кўринса-да, аслида қалбларида яшаётган ҳирс сабабли, ўзларига ўзлари фожиа келтиради. Уларнинг суратлари чиройли, аммо, сийратлари чиркин. Улар маккор сийратлари билан кишиларга кулфат келтирадилар. Бу каби кимсаларнинг қоринлари тўйса-да, кўзлари тўймайди. Инсоният нима ёмонликлар кўрган бўлса, кўзи тўйишни билмаган, шундай мушук феълли кимсалар туфайлидир. Жамият бундай кимсалардан қутулмагунча ҳеч қачон ривожланмайди. Бу кимсалар қанча кўп неъмат тўпласа, кўзи яна шунча оч бўлади.

Расулulloҳ (с.а.в.) дедиларки: «Инсоннинг икки водий тўла олтини бўлса, учинчисини ҳам истайди. Унинг қорнини фақат тупроқ тўлдиради».

Айғир ва мушук ҳақидаги масални бу ҳикоят билан тўлдирайлик.

Уч ака-ука сафар қилдилар. Чўлу биёбонлардан ўтиб борар эканлар, йўлда олтин тўла бир кўзани топиб олдилар. Кутилмаган бу бахтдан уларнинг эслари оғиб қолаёзди. Бу хазинани учга баробар тақсим қилайлик, ҳар ким ўз ҳиссасига рози бўлсин, деган қарорга келдилар. Тақсим қилишдан олдин овқатланиб, дам олмоқни истадилар. Кенжа ўғил овқат олиб келиш учун яқин атрофдаги қишлоққа қараб кетди. Бу онда икки ака-уканинг нияти бузилди. Тўнғич ўғил укасига: «Кенжамизни ўлдирайлик-да, олтинни иккимиз теппа-тенг тақсим қилиб олайлик», деди. Шунга аҳдлашдилар. Овқат олиб келгани кетган кенжатоғининг ҳам нияти бузилди. «Олтинларни учга бўлиб ўтирмай, бир ўзим эга чиқишим керак!» деган қарорга келиб, таомга заҳар солди. Изига қайтиши ҳамон акалари унинг бошини кесдилар. Сўнг олтинни иккига бўлиб, хотиржам равишда овқатландилар. Уч очкўзнинг жасади қузғунларга ем бўлди.

Масал ва ҳикоятларга ишонмайдиган ёшлар атрофларидаги яқинларининг ҳаётларига зийраклик билан разм солсинлар. Бойлик, мерос, амал талашиб фитна қилаётганларнинг аянчли тақдирлари ҳам уларга ўрнак бўлмайдими?

Искандардан сўрадилар: «Дунёда тинч ва роҳатда ёки қайғу-ҳасратда умр кечиришга нималар сабаб бўлади?» Жавоб берилди: «Дунёда тинч ва роҳатда яшашга қўлда бор нарсага қаноат қилиш, қайғу ва ҳасратга эса ҳасислик, очкўзлик сабабдир». Пулга ўчлик, агар кўз оч бўлса, муҳтожликдан ҳам оғирроқдир, чунки хоҳиш қанча ортгани сайин эҳтиёж ҳам шунча ортаверади. Очкўз одамлар восвос касалига йўлиққандек, улар ҳамма нарсадан ҳадиксираб, нимагадир тегиб кетишдан қўрқаётганга ўхшайверадилар.

Очкўзлик билан мақсадга интилувчиларнинг иши ҳамиша фарзли бўлади. Фақат ўзларини ўйлашади. Шу жиҳатдан худбинлик ва очкўзликни қондош эгизак, десак-да, янглишмаймиз. Зеро, худбинлик гуноҳи ҳам ғоят оғирдир. Худбин киши ҳеч қачон улуғлик даражасига етолмайди. Дейдиларки, «Ойни қара, жамолин кўрсатур, икки ҳафта худбинлик қилгани учун чоҳга қулаб, кўринмай қолур». «Худбин»нинг маъноси – ўз манфаати чегарасидан ташқарини кўрмасликдир, бировга яхшиликни раво кўрмасликдир. Биз нечундир бу иллатнинг русча атамаси – «егоист»га ўрганиб қолганмиз. «Худбинлик»ни «манфаатпарастлик» десак ҳам бўлаверади. Бу иллатни қалб касаллиги, разилликнинг боши деб ҳисоблаганлар. Агар одам фақат ўзини севса, машаққатли ҳаёт синовларига дуч келганида ўзини лаънатлайди, мислсиз азоб ўтида

қолади. Фақат ўзини биладиган, юрагидаги бор ниятларини нуқул ўзига қаратадиган одамни донолар аҳмоқ санаганлар. Ўз худбинлиги устидан қозонилган ғалабани эса ҳаётдаги энг шарафли ғалаба деб билганлар. Чунки фақат ўзига яраган одамнинг бошқа ҳеч нарсага ярамаслиги барчага маълум. Шунинг учун ҳам фақат ўзи учун яшашни, фақат ўз фароғатини ўйлашни шармандали ҳаёт десак янглишмаймиз. Бу хусусда ўтмиш донолари кўп ибратли фикрларни баён этганлар, биргаликда танишсак фойдадан холи бўлмас:

** Манфаатпарастлик умумийликни чиқиштирмайди, у одамни инсониятдан ажратади, уни қийин аҳволга солиб қўяди; ундайлар учун ўз манфаатидан бўлак нарса ёт.*

А.Герсен

** Манфаатпарастнинг уч тоифаси бўлади: ўзи яшаб, бошқаларнинг яшашига халақит бермайдиган манфаатпараст; ўзи яшаб, бошқаларга кун бермайдиган манфаатпараст; ўзи ҳам яшмай, бошқаларнинг яшашига ҳам кун бермайдиган манфаатпараст.*

И.Тургенев

** Манфаатпарастлар бурч олдида инжиқ ва қўрқоқдирлар: улар доимо ўзларини қандайдир бурч билан боғлаб қўйишидан қўрқоқларча ҳазар қиладилар.*

Ф. Достоевский

** Манфаатпарастнинг ўтмиши бўшлиқ, ҳозир қакроқ чўл, келажаги йўқликдан иборатдир.*

С.Сегюр

Алишер Навоий ҳазратлари худбинлик ҳақида сўз кетганда «худпарастликдан бутпарастлик яхшироқдир», деганлар. Худбинлик, яъни ўзига бино қўйишлик бахтсизликдир. Худбиннинг ҳар бир қилган иши ўзига яхши кўринади. Худбин шайтоннинг барча буйруқларини бажо келтиришдан чарчамайди. Ўз олдида ўзи доно ва чечан, ҳар бир қиладиган номаъқул иши ўзига маъқул ва равшан... Кимки зиёфатда у хосиятсиз билан бирга ўтирса, унинг ўринсиз ҳаракатлари туфайли жондан безор бўлади, бундан қутулиш учун ўлимни кўзига тўтиё қилади. Агар шунда биров: «Сени ўлдириб, шу балодан қутқараман», деса, унга жонини

фидо қилади. Манманликка берилган ахлоқсизнинг мажлисидан зиндон яхшироқ. Унинг бадбўй, жирканч базмидан ҳожатхона покизароқ. Бу айтилган феъллар худбиннинг кўпчиликка нисбатан ўзини устун ва қилиқларини ёқимли деб билганидан ҳамда ўз жиловини шайтоний нафснинг қўлига бериб, нафсига қурбон бўлиб қолганининг касофатидандирки, қанчадан-қанча ёмон феъллар шунинг натижасидир...

Инсоннинг табиати уч жойда маълум бўлади: сафарда, овқатланиш пайтида, пул ва молга тегишли олди-бердиларда. Оғир пайтда инсон ҳамроҳига қандай муомала қилади? Фақат ўзининг ғамини ейдими ёки бошқаларга ҳам ёрдам берадими? Ана шу масалаларда ҳақиқий инсоннинг камолоти намоён бўлади. Агар бир чеккада ўтириб, қодир бўлса-да, ҳеч кимга ёрдам бермаса, аксинча, ўзгалардан ёрдам сўраса, ундай одамга афсуслар бўлсин. Бу ҳол ҳам танбаллик, ҳам иймон заифлигидан далолатдир.

Тановул пайтида ҳам фақат қорнини ўйлашлик иймондаги нуқсоннинг аломатидир. Савдо-сотикда ҳам шундай. Биринчи навбатда ўз манфаатини ўйлайдиган инсонлар ҳеч қачон комил инсон бўла олмайдилар. Дунёга ҳирс қўйган, худбин, мухолиф, мағрур, мутакаббир, зиқна, дарғазаб, риёкор, шуҳратпараст инсонлар ҳам шу жумладандирлар.

Инсон яшаш учун ейди, емоқ учун яшамайди. Мева-сабзавотларни ювиб ейди, таомларни дид ва озодалик билан пиширади. Гўштни ҳам турли усулларда пишириб истеъмол қилади. Мумкин бўлмаган нарсалар ейилмайди. Ҳайвонлар эса бундай эмас. Таомнинг сифати ва озодалиги уларни қизиқтирмайди. Демакки, ҳайвонлар учун ҳалол-ҳаром йўқ, инсонлар учун бор. Шунинг учун ҳам аҳли дониш: «Ўз жиғидони пайида бўлган одам қоринни тўйғазиб олган молга ўхшайди», деганлар. Биз «худбинлик» сўзини ижобий маънода сира қўлламаймиз. Бу атама бизда фақат иллатни англатади.

Зикр этилган иллатларни биз шахсга нисбатан оламиз. Ҳолбуки, халқаро миқёсдаги тама, халқаро миқёсдаги очкўзлик, халқаро миқёсдаги худбинлик ҳам мавжуд. Шахслар орасидаги иллатлар бир ёки бир неча шахсни беҳузур қилса, шу иллат эгасини оқибат хор этса, халқаро миқёсдаги иллатлар катта можароларни, урушларни келтириб чиқаради. Тарихдаги барча фожиалар, бугун содир бўлаётган фалокатлар замирида айнан шундай иллатлар ётади.

Умидимиз юлдузлари, баён қилинган масалалар бир ўқиб чиқиш билан тушунилмайди. Бу иллатлардан қутулиш чорасини

қилишимиз керак. Иллатлардан ҳоли бўлиш – саодат дарвозаларининг очилиши экан, не учун бу дарвозаларни очишга ўзимиз ҳаракат қилмайлик? Яқинларимизга ёрдам бермайлик? Биров бир-икки ҳикмат билан танишиб, ўзини ўзи тарбия қила бошлайди. Бошқа бировга кўп кунлик ёки ойлик, ҳатто йиллик тарбия лозим бўлади. Тарбиядан чарчамайлик. Ахир барча яқинларимиз билан саодатли ҳаёт кечирсак қандай яхши!

«У ИСРОФ ҚИЛУВЧИЛАРНИ СЕВМАС»

Саховат мақтовга сазовор хулқ. Саховат исрофгарчилик ва хасислик ўртасида турган бир фазилатдир. Аллоҳ Таоло бундай фазилатли кишиларни мақтаб дейди: «Улар инфоқ-эҳсон қилган вақтларида исроф ҳам, хасислик ҳам қилмаслар, балки эҳсонлари ана ўша хасислик билан исрофнинг ўртасида мўътадил бўлур» («Фурқон» сурасидан).

Умидимиз юлдузлари, хафа бўлманг-у, кўп учрайдиган бир ёмон одат сизнинг хонадонингизда ҳам бор. Аслида буни шунчаки «ёмон одат» эмас, «гуноҳ» дейилса тўғрироқ бўларди. Афсуски, неча минглаб одамлар каби хонадонингиз аъзолари ҳам бу одатларингизни гуноҳ деб билмайсиз. Бу гуноҳ баъзан лоқайдлик, баъзан эса эринчоқликдан келиб чиқади. Майли, гапни кўпайтирмай, гуноҳга олиб борувчи ярамас одатларимизни баён қилай.

Уйларимизда электр чироқни ёқиб-ўчирувчи мослама бор. Уни «ёққич» деб номлаганмиз. Бу мосламани кўпроқ чироқни ёқиш учун ишга соламиз. Уни кераксиз пайтида ўчириб қўйишни ё нутамамиз, ё эринамиз. Айниқса, ошхона ва ҳожатхона чироқлари бекордан-бекорга ёниб тураверади. Телевизорни биров кўрма-са-да, ишлаб туради. Чин дилдан айтинг-чи, баъзан чироқ ўчиб қолса, юрагингиз сиқилиб кетадими? Оналарингиз, опаларингиз ёки янгаларингиз дазмолни вақтида қилолмайди, кир ҳам юволмай қийналишади, тўғрими? Ана шунда электр қувватини бекорга исроф қилганингизга ачинасизларми ё йўқми? Сувни ҳам бекордан-бекорга оқизиб қўясиз, а? Сув тўхтаб қолган кунни челақ кўтариб кўчага чиққанларингизда ўша гуноҳларингизни ёдга оласизларми ё йўқми? Ярим литрлик чойнакка чой дамлаш учун уч литрлик човгумни сувга тўлдириб газга қўясиз. Икки ярим литр сув бекорга қайнайди. Демак, уни қайнатишга ортиқча газ исроф бўлдимми? Ундан ташқари, газни ўчириб-ёқишга эриниб, пастлатиб қўя қоласиз. Газ соатлаб ёниб ётади. Баъзан човгум эриб ҳам кетади, а? Газ келмай қолса, уйингиз исимаса, қозондаги

овқатингиз чала пишганича қолса, буни газни исроф қилганингиз учун берилган кичик жазо ўрнида қабул қиласизларми ё йўқми?

Бу масалаларда оиладаги дадангиз ёки бобонгиз танбеҳ беришса, аянгиз, бувингиз ёки янгангизнинг балки ғашлари келар? «Битта лампочканинг ёниб туришига шунчаликми?» деб дадангизни хасисликда айблашар? Бу ҳолда уларга билдириб қўйиш керакки, гап неъматлардан фойдаланганлик учун тўланадиган пулдагина эмас. «Бели оғримаганнинг нон ейишига боқ», деган мақолни эшитишгандир? Буни маломат ёки миннат ўрнида қабул қилишмасин. Фикр қилсинларки, шу битта лампочканинг бекорга ёниб тургани учун юз сўм тўланди. Бу исроф бир соат ёки бир кун билан чекланса, кечириб мумкин. Лекин ўн кунда, бир йилда... қанча бўлади? Шу пулни ҳавога совурмасдан керакли нарсага ишлатган яхши эмасми? Моддий исрофдан ташқари масаланинг яна бошқа муҳим томони бор: хонадонингиз аҳли учун «арзимаган» ҳисобланган исрофдан табиат заҳарланишини ўйлаб қўрмаганмисиз? Ошхонангизда ёниб турган газ қанча кислородни исроф қилади? Электр қуввати ишлаб чиқариш учун газ ёки бошқа ёқилғилар ёқилади. Атроф-муҳитга салбий таъсир этиш эвазига ишлаб чиқарилган электр қувватини сиз ва сизга ўхшаганлар исроф қилиб туришини ҳам кам ўйлайсиз. Бу танбеҳдан ранжиманг. Ҳа, ёш бўлсангиз ҳам исрофда иштирокингиз бор. Опангиз ёки аянгиз ёқиб қўйган лампочкани ёки газни ўчириб қўйиш қўлингиздан келмайдими? Мактабингиз ёки лицей, коллежингизда ҳам шунга ўхшаш исрофга дуч келасиз-у, аҳамият бермайсиз.

Ёшлик кезларимизда ўтмишдаги бойларни ёмонлашга қаратилган ҳикояларни кўп эшитганмиз. Бой албатта хасис ва золим бўлади, деган ҳақиқатни омма онгига сингдиришга уринишарди. Тўғри, бахил ва золим бойлар бўлгандир, бунақалари ҳозир ҳам учрайди. Лекин ўшанда мисол тариқасида келтириладиган воқеада бахиллик унсури йўқ эди. Айтилардики, бир хасис бойнинг уч хотини ва ўн келини бор экан. Шом пайти ҳаммалари қорачироқларини кўтариб келарканлар ва бой битта гугурт чўпи билан барча чироқларни ёқиб бераркан. Бу ҳол ҳозирги ёшларга ҳам хасислик бўлиб туюлса, эҳтимол. Билмадим, бой балки гугуртга сарфланадиган пулини ўйлагандир, ҳар ҳолда, у дамларда гугурт ноёб ва қиммат бўлган. Айрим хонадонларда гугурт йўқлиги учун ҳокандоз кўтариб қўшнини кига чиқишган, ўчоқдаги чўғдан олиб чиқиб, ўт ёққанлар. Шошиб турган одамларга қараб «Нима, оловга келганмидинг?» деган ибора шундан келиб чиққан. Хуллас, ўша бойнинг нияти бошқа бўлса ҳам, ҳаракатида, амалида исрофдан қочиш бор эди, шу боис уни бахилликда айбламаганимиз яхши.

Аллоҳ ўзининг расулига хитобан дейди: «Қавми қариндошга, мискин ва йўловчига хайру эҳсон билан уларнинг ҳақларини адо этинг ва **исрофгарчиликка мутлақо йўл қўйманг! Чунки исроф қилгувчилар шайтонларнинг дўстлари бўлган кимсалардир.** Шайтон эса Раббига ўта ношукр бўлгандир» («Исро» сурасидан). Уламоларимиз бу оятларни шундай тафсир қиладилар: исрофчилар неъматнинг қадрига етмайди. Агар шукр этса, ўшани исроф этмасди, балки яхшилик йўлида сарф этган бўларди. Исрофчи ношукр бўлгани сабабли ўзига берилган неъматни ботилга, ноҳаққа, ҳаром-ҳаришга, маъсият ва ёмонликка сарф қилади ва бу борада шайтонга биродар бўлади. Шайтоннинг эса ношукрлик бобида тенги йўқ. Шундай экан, исрофчининг бошига ҳам ўз биродари шайтони лаъиннинг бошига тушган бало-офатлар тушиши турган гап. Бундайлар тарихда кўп учраганларки, Шайх Саъдий ҳазратлари бежиз ёзмаганлар:

Бир тақводор одамнинг ўғли отасининг фазилатларидан маҳрум эди. У бой меросга эга бўлгач, мол-дунё ақлини олди-ю, босар-тусарини билмай қолди. Бу бойликни тежаб сарф қилмай, исрофгарчилик йўлини тутди, унинг қилмаган фиску фужури қолмади. Бир дафъа мен унга насиҳат қилиб айтдим:

– Эй, ўғил, кирган бойлик оққан сувдай бўлса, харж тегирмон тоши айланишига ўхшаш бўлади. Даромади кўп бўлган кишигина кўп сарф этиши мумкин. Сен ҳой-у ҳавасни қўй, ақл-адаб йўлига кир, молу дунёнинг тамом бўлганидан кейин кўп машаққатларга дучор бўласан. Пушаймон фойда қилмайди.

Йигит сўзимга кирмади. Иккинчи марта танбеҳ берганимда ҳам парво қилмай, ўзининг тутган йўлидан қайтмади. Шундан кейин насиҳат қилишни тарк этдим.

Орадан бир оз вақт ўтгач, унинг тиланчилик қилиб юрганини кўрдим. Шундай ҳолида ярасига туз сепиб, бир нарса дейишни ўзимга эп кўрмадим, ҳолига ачиниб, ўз-ўзимга хитобан дедим:

– Нодон одам ниҳоятда гурур мастлиги туфайли бир кун муҳтожликка тушиб қолишини ўйламайди. Дарахтлар баҳор фаслида гулларини сочиб юборадилар, қишда ҳатто барглари ҳам қолмайди...

Бу ҳикматдан оладиган маъномиз шуки, «ёмғир ёғиб турмаса катта дарёлар ҳам қуриб қолар экан, даромадингни совурма. Муҳтожликка тушиб қолишни истамасанг, қўлингдаги мол-давлатингни беҳудага сарф қилма, исрофгарчиликдан сақлан, шундай қилсанг, бошқаларнинг мол-мулкига кўз олайтирмай, роҳатда яшайсан».

Ҳазрат Навоий «Ўт иши – қовурмоқ, эл иши – совурмоқ», дейдилар. Яна дейдиларки: «Исроф сахо эмас ва итлофни (йўқотиш, барбод қилишни) маъно аҳли сахо демас». Яъни, исроф қилиш – сахийлик эмас, ўринсиз совуришни ақлли одамлар сахийлик демаслар. Ҳалол молни куйдирганни девона дерлар. Ёруғ жойда шам ёққанни ақлдан бегона дерлар.

*Худо молига қилмоқ исроф не?
Жунун аҳлидек мунча итлоф не?*

Одамийликда мол-ашё ҳам ҳимояланган. Молни исроф қилган, талофат берган жазосини олади. Бунга эътибор берайлик: «Бир одам ўз товоғини бекордан бекорга синдирди». Ўзининг товоғини синдирди. Ўзгага зарари тегмади. Бунинг учун ҳам жазо борми? Бор! Нима учун? Эрга ё қайнонага жаҳл қилиб идиш-товоқ синдирадиган келинларимиз ҳам бор. Албатта, оила шароитида бу иш учун дарров жазо берилмайди. Лекин тасодифий синдирилган пиёла ёки коса учун ҳам қайнона ёки эрнинг норози бўлиши табиий. Баъзилар норозиликлари билан чекланадилар, баъзилар танбеҳ берадилар, баъзилар сўкадилар. Агар пиёла бировга аччиқ қилиб синдирилган бўлса, эр томонидан муштнинг ишга тушиб кетиши ҳоллари ҳам учрайди, шундайми? Биз оиладаги жазо эмас, шариатга кўра белгиланган жазо ҳақида сўз юритайлик. Азиз ёшларимиз бу масалага ҳам кўпроқ эътибор берсинлар.

Шариатда молга тажовуз қилиш ҳаромдир. Молни асраш буюрилган. «Ла зарара вала зирора фил ислам» – Исломда зарар кўриш ва зарар етказиш йўқ, деган ҳукми унутмаслик керак.

Оилада келин қайнонага аччиқ қилиб пиёла синдиради. Қўшнилари орасида низо чиқиб, бири иккинчисининг молига чанг солади. Мақсад – молини тортиб олиш эмас, балки йўқ қилиш. Масалага диққат қилайлик: мен қўшнимдан ранжисам-да унинг хирмонини ёқишга ҳаққим йўқ. Одамийлик нуқтаи назаридан ҳам бундай қилиш мумкин эмас. Гуноҳ бўлади. Бунинг оғир жазоси бор. Десамки: «У менинг хирмонимни ёққан эди, мен ҳам унинг хирмонини ёқаман». Бундай қилишга ҳам ҳаққим йўқ. Зарарга зарар билан жавоб қайтаришга ҳам ҳаққим йўқ. Лекин қозига (ҳакамга) мурожаат қилиб, зиён ўрнини қоплаб беришни талаб этишга ҳақдиман. Молига эса талофат беролмасман. Дунёвий қонунларда ҳам бу ҳол зикр этилган.

Бир бола муаллимнинг олдида куйган лампочкани деворга отиб синдирди. Бунинг учун муаллим уни жазолади. Муаллимга: «Нега

жазо бердингиз, ахир лампочка куйган эди-ку!» деганларида, у киши: «Куйган бўлса-да, эҳтимол бирор нарсага ярарди, тайёр нарсани бузиш, синдириш тўғри эмас», дедилар.

Азизлар, бу сизга ҳам ғалати туюлди, а? Ҳа, биз шунақа бўлиб қолганмиз. Кўп нарсаларни кераксиз, деб ташлаб юбораверамиз. Бир келинни эшитган эдим, идишларни ювишга эриниб «дарз кетибди» деган баҳонада ахлатга ташлаб юборар экан. Кийимнинг йиртилган ё титилган жойларига ямоқ солиб, йиртилган пойабзални ямаб кийиб юриш менга ғалати туюлмагани учун бутунги ёшларнинг оҳори тўкилмаган кийимларни ташлаб юборишларига бефарқ қараб туролмайман. Тўғри, ҳозир бирон киши ямоқ шим кийса дарров калака қиламиз, уни бахилликда айблаймиз. Лекин дунёнинг қайси бир жойида шу ямоқ шимга ҳам зор одамлар борлигини ўйлаб кўрамизми? Ямоқ кийиб юриш тарафдори эмасман. Ҳамманинг ораста юриши ғоят яхши! Лекин орасталик билан кибрни аралаштириб юбормаслик ҳам керак. Бутун аксар ҳолларда кибрга берилиб исрофга йўл қўйиляпти. Шундайлар борки, битта қўйлакни икки ё уч мартадан ортиқ киймайди. Бир эмас, бир неча жавон кийимга лиқ тўла бўлади. Шунақалар билиб қўйишсинки, кийилмай турган кийимлари учун ҳам ҳисоб беришга тўғри келади.

Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар: «Аллоҳ Таоло учта ишингизга ғазаб қилади: бўлар-бўлмас гапни нақл қилиб юрмоғингизга; кўп суриштиравериш ва кўп тиланишга; молни ноўрин ерларга сарф қилиб зое қилмоғингизга». Набий муҳтарам «Сабаъ» сурасидаги «Айтинг, «албатта, Раббим бандаларидан Ўзи хоҳлаганига ризқни кенг қилур ва Ўзи хоҳлаганига ризқни танг қилур. Бирор нарсани эҳсон қилсангизлар, бас, Аллоҳ унинг ўрнини тўлдирур», калимасини айта туриб «исроф ҳам, танглик ҳам қилмасдан сарфлангиз», деб изоҳ берган эдилар.

Турклар ҳаётидан ибратли воқеа. Бир одам қариндошиникига бориб, уйланмоқчи эканини айтди. Қариндош аёл ўртада туриб, уни уйлантириб қўйди. Эр тўйнинг эртасига бир халтачада қаҳва олиб келиб хотинига берди. Хоним халтачани эҳтиёткорлик билан очиб, қаҳвадан ичимлик тайёрлай бошлади. Халтачани эса деразадан ташқарига отиб юборди. Эр унинг ҳаракатларини диққат билан кузатиб турган эди. У дарҳол ўртада турган қариндош аёлни чақирди-да: «Мен бу хотиндан ажрайман», деди.

Қариндош аёл орадан фурсат ўтиб йигитни яна уйлантирди. Йигит бу хотинига ҳам бир халтачада қаҳва келтирди. Янги келин ҳам худди аввалгисидай иш тутди: қаҳвани финжонга солди-да, халтачани ташқарига улоқтирди. Йигит бу хотинни ҳам талоқ қилди.

Ўртада турган аёл унинг бу қилиғидан ранжиб, бир танишига ҳасрат қилиб: «Энди қиз қидирмайман, бўйдоқлигича юраверсин», деди алам билан. Буни эшитган таниш аёлнинг қизи: «Қариндошингизга мен тегаман», деб қолди. Қариндош хотин: «Сени ҳам ҳайдайдим», деб огоҳлантирса ҳам аҳдида қаттиқ турди-да, ўша йигитга турмушга чиқди.

Эр эски одатини яна такрорлади. Келин эри олиб келган халтачани шошилмай, авайлаб очди, қаҳвани финжонга солди. Сўнг халтачани ташлаб юбормай, тахлади-да, ипи билан олиб қўйди. Хотинининг ҳаракатларини зийраклик билан кузатиб турган эр:

– Хоним, нега бу халтачани олиб қўйдингиз, ташлаб юборавермайсизми? – деб сўради.

– Нега ташлайман? – деди келин. – Ота-боболаримиз «Сақла сомонни – келар замони», деганлар. «Бир куни бу халтача керак бўлиб қолар», – деди.

Эр: «Ипини нега олиб қўйдингиз? Бир қарич ип нимага яради?» деб сўради.

– Рўзғорда ҳамма нарса керак. Бир кун бирор нарсани боғлашга яраб қолар. Ҳозир бу ип биздан бирор нарса сўраётгани йўқ. Ортиқча нарсанинг зарари бўлмайди, – деди келин.

– Албатта, хоним, – деди эр. – Мана энди рўзғор тебратадиган, тадбирли, оқила аёлга уйланибман, Худога шукр!

Дунёда ҳузур истаган бутунги келинпошшаларимиз, эртага келинлик бахтига етувчи суюкли қизларимиз бу баённи ўқиб ғашлари келмасин-да, аксинча, ундан ибрат олсинлар ва дунёда саодатли бўлиб яшасинлар. Яна «бу қанақа хасис одам ўзи, бир парча қоғоз, бир қарич ип учун хотини билан ажрашса», деб энсалари ҳам қотмасин. Яхшилаб тушуниб олсинлар. Агар бу одам хасис бўлганида рўзғор юритишни биладиган оқила аёлни излаб олдинги тўйларига пул сарфлаган бўлармиди?

Уйланишдан олдин оқил эр қизни синаб, тарбиясини билиб, лозим топса уйланади. Шундай ақлли одамлар кейин ҳузур топадилар. Аксинча, «менга хотин бўлса бўлди-да», деб учраганига уйланаверадиганлар жаҳаннам ҳаётида яшайдилар. Уларнинг ўзлари исрофдан қўрқмайдилар ва аҳли аёлларини ҳам бу гуноҳдан тўхтатмайдилар. Оқибатда ўзларига ўзлари жаҳаннам ҳаётини яратадилар.

«Эй, Одам фарзандлари! – деб хитоб қилинади Қуръони Каримнинг «Аъроф» сурасида. – Ҳар бир ибодат чоғида ўз зийнатиңизни олинг. **Еб-ичинг ва исроф қилманг. Чунки У исроф қилувчиларни севмас.**

Еб-ичиш – гуноҳ эмас. Исроф қилиш гуноҳ. Афсуски, баъзи кишилар еб-ичишнинг хилма-хил ва кўп бўлишини ҳаётнинг асосий мезони деб биладилар. Бизда «озиқ-овқатни исроф қилиш» деганда емай, ташлаб юборишни тушунадилар. Бу аслида тўғри, аммо керагидан ортиқ ейиш ҳам исрофдир. Еб-ичиш керак экан, деб қорин бандаси бўлиш ҳам одам боласига муносиб эмас. Ҳозирги кўп касалликларнинг келиб чиқишига ана шу исрофгарчилик сабаб бўлмоқда. Саҳобалардан бирлари яҳудийга: «Қуръоннинг ярим оятига бутун тиб илми жойлашган», деб айтишди шу оятни ўқиган эканлар. (Кўп ейишнинг зарари ҳақида сўз юритиб эдик, ёдингиздами?)

Ўрни келганда яна бир нарсага диққатингизни қаратай. Бутун ҳаётимизни қоғозсиз тасаввур эта олмаймиз. Ҳар бир хонадонга жуда кўплаб қоғоз турли кўринишларда кириб келади. Қоғоз вазифасини ўтаб бўлгач, кўпчилик уни рижимлаб, ахлатга ташлайди. Сиз бир ўйлаб кўринг-а, биринчи синфдан бери қанча дафтарларни охиригача тўлдирмай ташлаб юбордингиз, қанча оппоқ саҳифаларни исроф қилдингиз. «Дафтарим тугаб қолди», деганингизда дадангиз ёки аянги дафтарингизни варақлаб ҳам кўрмай, янги оғиз олиб келиб бераверишди, сиз эса исроф қилавердингиз. Шундай батартиб оилалар борки, улар кераксиз қоғозларни ҳам ташлаб юборишмайди, балки тахлаб, тўплаб, қоғоз парчаларини сотиб олувчиларга топширишади. Кераксиз қоғозларни тўплаш ортиқча заҳмат талаб этмайди. Жиндай ҳафсала бўлса, бас. Ким савоб талабида бўлса, шу ишни қилади. Баъзиларга шу қоғоз парчаси учун тўланадиган пулнинг миқдори кам туюлиб, худди ўзларини пастга ураётгандай бўладилар. Лекин гап пулда эмас, исрофдан сақланишда. Сиз тўплаб топширган кераксиз қоғоз парчалари қайта ишланиб, ўзингизга яна хизмат қилади. Масалани яна табиат ҳимоясига қаратсак, шу қилган ишингиз эвазига бир неча дарахт кесилмай қолиши мумкин. Ҳар ҳолда қоғознинг дарахтдан ишланишини билсангиз керак. Бир-икки ой мобайнида тўплаб топширган қоғозларингиз эвазига битта дарахт кесилмай қолса, шунинг савобига эришасиз-ку!

Дарахтни бутасак, шохчаларни ташлаб юборамиз. Европада эса эҳтиётлаб, тўплаб оладилар, қуритиб сўнг майдалайдилар ва мебел sanoатида ишлатадилар. Уларда биздагидан кўра дарахт кўп, ўрмондан кесиб келса бўлаверади. Лекин ахлатга ташлаб юбориладиган шохчалардан фойдаланиш эвазига бир қанча дарахтларни сақлаб қолишади. Биз нима учун шундай қила олмаймиз? Янги йилда минг-

ларча оилаларда арча ясатадилар. Ўн кундан кейин эса ташлаб юбордилар. Олмонияда эса бундай исрофга йўл қўйилмайди. Одамлар арчани кўчага чиқариб қўйишади. Махсус машина йиғиштириб олиб, уни қайта ишлайди.

Бу исрофлар кўпчилик учун арзимаган бир гапдай туюлади. Хўп, унда ноннинг исроф қилинишига нима деймиз? Ноннинг исрофига нисбатан муносабатда оилаларимиз орасида фарқ борми? Бир оилада суви қочган нон пўчоққа ташлаб юбориладими? Иккинчисида бунинг катта гуноҳ эканини билиб, исрофга йўл қўйишмайдими? Тўқинлик замонида яшаётганимиз учун нонни исроф қилишдан уялмайдиган, гуноҳидан қўрқмайдиган бўлиб қолганмиз. Бу гуноҳ ишларга қишлоққа нисбатан шаҳарда кўп дуч келамиз. Оиладаги гўдак ҳам, ўсмир ёки эрта-индин узатиладиган қиз ёки уйланадиган йигит ҳам дастурхон устидаги нонни ушлаб кўради (Сизда бундай одат йўқми, ишқилиб?). Салгина суви қочган бўлса, «янгиси йўқми?» деб сўрайди. Баъзан нон бўлаклари, баъзан бутун-бутун нонлар моғорлаб кетади. Пўчоққа ташланади. Маҳаллаларда чорваси бор хонадонлар мол-қўйга берадилар. Кўп қаватли уйларда эса ахлатга ташланади. Мана шу «нонкўрлик» дейилади. Ким нонни хор қилибди, эртами ё индин бир тишлам нонга зор бўлиб қолишидан қўрқсин.

Бугун нонни қадрламаётганимизнинг икки сабаби бор: биринчиси – дастурхонимиз тўқин. «Тўқликка – шўхлик», деганларидай, дастурхонимиз ҳаминша шундай бўлишига ишониб қолганмиз. Иккинчиси – фарзанд тарбиясида нонни қадрлаш, уни исроф қилмаслик масалалари тушиб қолган. Мен болалигимни кўп эсламан. Ноннинг ҳатто ушоғини ҳам қадрлаш лозимлигини уйда ота ва онамиздан ҳам, кўчада бегоналардан ҳам эшитардик. Фақат уйда эмас, ҳатто кўчада кимдир тушириб кетган ушоқни кўрсак, олиб, чангини пуфлаб, кўзга суртиб сўнг ейишни тайинлашарди. Ҳозир уйдаги дастурхондан бир бўлак нон пастга, гилам устига тушиб кетса, олиб ейилмайди, аксинча, пўчоққа ёки ахлат челаққа ташланади. «Нон ушоғини олмай босиб ўтсанг кўр бўласан», деб таъкидлашарди. Кўрлик жисмонан эмас, маънавий жиҳатдан эканини кейинроқ тушуниб етдик.

Фақат нон эмас, овқатлар ҳам исроф бўляпти. Кимдир «қотган нон, ачиган овқат исроф бўлмайди, молга берилади», дейди. Ҳа, шундай ҳоллар бор. Бироқ, биринчидан, молга берилмай, ахлатга ташланаётган нон ва таомлар озми? Иккинчидан, нон ва овқат инсон учун берилган неъмат! Молу қўйнинг насибаси, емиши бошқа. Шундай экан, унутмаслик керакки, ким исрофдан тийила

олса, бошқаларга муҳтож бўлмай яшайди. Исрофнинг энг ҳурматли оилаларни бузганига, энг бой уйларни вайрон қилганига, энг юқори мансаблардан тубан туширганига, энг шуҳратли ному насабга эга бўлганларни хор-зор қилганига тарих гувоҳ. Шу сабабли исрофдан сақланиш, ҳар бир ишда тежам ва иқтисодга риоя қилиш борасида кўп даъватлар қилинади.

Нон қадри, нон исрофи ҳақида кўп гапирилади. Мавзу муҳим бўлгани сабабли гапим сал чўзилса ҳам яна бир оз фикр юритишга ҳожат сезяпман. Агар мақсадни яхши англаб етдим, десангиз, уч юлдузчалар орасидаги сатрларни ўқимасангиз ҳам майли. Ҳафсала билан ўқишда давом этсангиз, кам бўлмайсиз. Хаёлни ёритиб ўтган бир воқеа каминани суҳбатни чўзишга ундади. Бундай воқеани сиз ҳам учратгандирсиз. Ошхонада таомланиб ўтирганимизда иттифоқо рўпарадаги стол атрофида давра қурган қизларга кўзим тушиб қолди. Даврадаги тўрт қиз овқатларини еб бўлишгач, бир тўғрамдан нон олишиб, бўёқлари чапланган лабларини артишди. Ниҳоятда хунук қилиқ, ниҳоятда хунук манзара, тўғрими?

* * *

Инсон учун яратилган энг улугъ неъматлардан бири нондир. Айрим неъматларни бир ҳафта, бир ой ёки йил истеъмол қилмай юриш ҳам мумкин. Лекин нонсиз яшашни тасаввур этиш қийин. Энг тотли неъматларни ҳам икки кун кетма-кет истеъмол қилсангиз, учинчи кун унга қарагингиз ҳам келмайди. Лекин нон ҳеч қачон меъдага тегмайди. Инсон барча махлуқот орасида азиз ва муқаррам қилиб яратилгани учун ҳам унга шундай неъматлар насиб этилган.

Мен қизлар даврасидаги хунук манзарани тилга олдим. Аслида атрофимизга назар ташласак, катталар орасида ҳам нон қадрини унутаётганлар, нонни исроф қилаётганларни кўрамиз. Агар ёшлар нон қадрини билмаётган бўлсалар, демак, бунга катталар айблдирлар. Масалага мантиқан қарайлик: нон қадрини билмаган катта одам фарзандига бу борада қандай насиҳат қилиши мумкин? Нонни исроф қилаётган одам ерни шудгор қилиб, буғдой қадаган, етиштирган, ўриб олган деҳқоннинг, тегирмонда тер тўккан ишчининг, тандирнинг оловли оғзи олдида заҳмат чеккан новвойнинг меҳнатини қадрлармиди?

Нон учун хизмат қилаётганларнинг манглай тери иқтисодий жиҳатдан ҳукумат томонидан тақдирланади. Маънавий қадри эса сиз билан биз томонимиздан бўлади. Аввало қорин тўйиб, шукроналик дуоси қилинаётганда уларнинг ҳақиға ҳам хайрли

тилаклар билдирилса савоб устига савоб бўлади. Энг муҳими – уларнинг меҳнатларини қадрлаш бизларнинг нонни исроф қилмаслигимизда намоён бўлади. Тасаввур қилинг: бир шоир янги шеъри ёзилган қоғозни сизга инъом этди. Сиз шеърнинг ярмини ўқиб, сўнг қоғозни фижимлаб ташладингиз...

Нон исрофи – ношукрликдан келиб чиқади. Олдинги суҳбатимиздаги фикрни такрорлайман: ҳозир дунёда миллион-миллион одамлар бир бурда нонга зор бўлиб яшайпти. Биз шунга ўйлаймизми? Ёки уйи нон ва бошқа неъматлар билан тўкин оиладаги хаста одам бир тишлам нонни чайнаб юта олмайди. Буни-чи, буни кўз олдимизга келтира оламизми? Худо дастурхонимизни тўкин қилиб берди, неъматларни истеъмол қилишимиз учун саломатлик берди. Бунга шукр қилиш ўрнига бу неъматларни нима учун исроф қиламиз?

Шоир Анвар Эшонов ёзган эдилар:

*Ўзбекистон қузидай бугун дастурхон тўкин,
Турналардай тизилиб, юраклари эзилиб,
Қора нон навбатида турганларнинг ҳаққи ҳам,
Улуғ жанг йўлларида кўксидан қон сизилиб,
Европада ўт кечиб юрганларнинг ҳаққи ҳам
Насибанга қўшилиб турар дастурхонингда.*

Ёши улуғ отахонлар, онахонлар бир бурда нон учун қишнинг совуғи, ёзнинг жазирамаси демай туну кун навбатда турганларини унутишмагандир. Бу азобларни эслаб туришнинг фойдаси бор. Албатта, биз ёшларга бу азобни раво кўрмаймиз, Худо сақласин! Лекин ўтмиш инсон учун ҳамиша сабоқ бўлиб хизмат қилиши керак.

*Бу йўллар
кўп қадим йўллар,
Беш миллион,
ўн миллион
юз миллион нафар
қуллар ва туллар,
Гарданда чўяндан қуйилган занжир,
ерларда ҳашарот каби
Очликдан,
зорликдан гезариб лаби,
Ожиз,
махжум,
хор ва бетадбир:*

– Нон! – дея,
– Нон! – дея
суриниб кечмишидир.

Ғафур Ғуломнинг бу сатрларини катта авлод унутмагандир? Ёш авлод ҳам бу каби сатрлар замирида ётган маъноларни уқса ёмон бўлмас эди.

Тўйлардаги исрофгарчиликлар ҳақида тинмай гапирилади, лекин амал қилинмайди. Одамлар тўй ёки маърака қилиб савоб топиш ўрнига гуноҳга ботаётганларини тушунишлари шунчалар қийинми?

Боғча ва мактаб, касалхона ва ҳарбий ҳамда ҳарбийлашган қисм, шунингдек, ўқув юртлари ошхоналаридан челақлаб қолдиқ овқат ва нонни кўтариб чиқаётганларни кўрган мудиралар, директорлар, бош врачлар ва бошлиқлар лоқайдлик қилмасалар қандай яхши! Биз бир-биримизга ғоят меҳрибонмиз. Шифохонадаги биродаримиз зиёратига боришда камида иккита ёки тўртта нон оламиз. Ҳолбуки, беморга битта нон кифоя (Ҳатто нон олиб боришнинг мутлақо зарурати йўқ. Чунки шифохонада беморларга етарли миқдорда нон берилади). Лекин биз битта нон кўтариб киришга хижолат бўламиз. Нонни исроф қилишдан эса уялмаймиз.

Ресторанлар, ошхоналарни, тўйхоналарни кузатсангиз керак. Сув бўйларида жойлашган ошхоналардан ахлат ва пўчоққа аралаш ташланаётган нон қолдиқларига қаранг! Тўйга борганимизда дастурхон устида синиқ нон бўлаклари бўлса-да, яна нон синдирамиз: «Бизни ҳам тўйга етказсин», деган ниятда синдирилармиш. Бундай бемаъниликни ким ўйлаб топди экан, ҳайронмиз! Яқиндагина, совет давридаги тўй ташвишлари ва машаққатларини унутдикми? Тўй қилишдаги энг оғир масала нима эди? Икки-уч қоп ун топиш эди. Советларнинг раҳбарияти «сиз пахта бераверинг, биз нон билан таъминлаймиз», дегани билан ваъдасини бажара олмасди. Дўконга ун келганда икки кило ун олиш учун соатлаб навбатда туришларни унутмагандирмиз? Нонни исроф қилаётгани учун гуноҳга ботаётган кимсанинг нияти Яратган ҳузурида қандай қабул бўлар экан? Шоир айтмоқчи: «Бўғиб ўлдиргим келар, сербўёқ лабларини нон билан артаётган сатанг хонимни кўрсам... Адлия министри! Сиздан қатъий илтимос, исроф қилса ким нонни, қаттиқ жазо берилса...» Шоирнинг бу таклифига қўшилувчилар кўп. Лекин гап жазода эмас. Гап инсофда, виждонда! Олий мажлис ва Сенат шундай қонун қабул қилган тақдирда ҳам исроф қилувчиларнинг онгида ўзгариш бўлмас экан, нон исрофи бирданига тўхтаб қолмайди.

Замонлар бўлган – ноннинг ҳар бир қадоғи олтин билан ўлчанган. Олтини бор одамлар бир тишлам нон топа олмай хор бўлганлар. Биз баъзан «нон неча пул?» деб сўраймиз. Нархини билиб, пулини тўлаймиз. Аслида биз нон учун эмас, нонга хизмат қилганларнинг ҳақини тўладик. Ноннинг ўзи эса бебаҳо неъматдир.

* * *

Нон исрофига доир гапларни яқунлаб, мавзунинг бошқа томонларига ўтайлик.

Агар нон бўлмаса, одам бошқа нарсаларни еб ҳаёт кечиравериши мумкин. Лекин ҳаво билан сув бўлмаса-чи? Бу икки неъматнинг ўрнини ҳеч нарса боса олмайди. Олаётган нафасимизнинг қадрига етмаймиз. Ҳавонинг қандай неъмат эканини нафас қишиш хасталигига йўлиққан беморлардан сўраш керак. Ҳавонинг тозалигини асраш дунё муаммоси ҳисобланади. Дунёнинг айрим катта шаҳарларида тоза ҳаво етишмай қоляпти. Кўчаларда тоза ҳаво берувчи мосламалар ўрнатилган. Димиқа бошлаган одамлар пул тўлаб нафас оладилар. Ҳавони ифлослаш дунё бўйича оммавий тус олган. Саноат корхоналаридан чиқаётган заҳарли газлар, автоуловларнинг заҳари, самодаги учоқларнинг заҳари... Одамлар ўзларини ўзлари заҳарлаш билан банд. Ўзларинигина заҳарласалар майли эди, авлодларга заҳарланган сайёрани ташлаб кетишдан уялмайдилар.

Азизлар, бу дунё муаммосининг оилага алоқаси йўқ, деманг. Оилага ҳам тааллуқли жойлари бор. Аввало, ҳар бир одам ўзи яшаётган сайёра тақдирига бефарқ қарамаслиги керак. «Она сайёра», «Она ер» деб ардоқлаганимиз ҳолда унинг хасталиги билан ишимиз бўлмаса, шифолаш чорасини кўрмасак, биз қандай фарзанд бўлдик? Энди хонадонимизга қайтайлик: суҳбатимиз аввалида айтганимиз газ ёки чироқлар бекорга ёқиб қўйилишига қўшимча яна қандай айбимиз бор? Айниқса, ҳовлида яшайдиган хонадонларда ортиқча қоғозларни, кузда ва баҳорда эса хазонларни ёқиб юборадилар. Майли, қоғоз ёки хазон бир тутамгина бўлсин, лекин у ёниб адо бўлгунича нафас олишимиз учун берилган ҳаво неъматини исроф бўляпти-ку! Сиз бир тутам ёқинг, мен ҳам бир тутам ёқай, беш-олти қўшни ҳам ёқсин... Яна бир гап: бугун автоуловлар жуда кўпайди. Шунинг баробарида кўпчилик уловга боғланиб қолди. Айниқса, ёшлар беш-олти юз қадам жойга ҳам пиёда юришга эриниб, машинасига ўтиради. Бунинг нимаси ёмон, дерсиз? Биринчидан, жисмоний ҳаракатнинг чекланиши оқибатида киши заифлашиб бораверади. Иккинчидан, уловдан

чиққан ис гази ҳавони ифлослайди. Сиз билан биз шу ҳаводан нафас оламиз. Турли-турли, оғир-оғир хасталиклар шу заҳарланиш оқибатида юзага чиқяпти. Японияда хизматга велосипедда келганларга машинада қатнайдиغانларга нисбатан кўпроқ ҳақ тўлашар экан. Пиёда келувчилар эса улардан ҳам кўпроқ иш ҳақи олар экан. Чунки пиёда юрувчилар уларга нисбатан камроқ хасталанар экан-да!

Сувга бўлган ҳурматсизлигимиз ҳаддидан ошди. Қишлоқларда ҳам, шаҳарларда ҳам анҳор, сой, ариқ сувлари тўлиб оқяпти. Лекин ҳеч ким эгилиб, бир ҳовуч сув олиб ичмайди. Қўлини, юзини ҳам ювмайди. Нега? Неғалигини ҳамма билади – сув ифлосланган. Бу ариқ-сойларда сув ўтлари йўқ ҳозир, ҳатто зулуклар ҳам қирилиб кетган. Бу сувнинг ифлослигига фақат каламуш чидаяпти. Қишлоқларда далага сепилган заҳарли дорилар сувга тушгани учун ҳам ичиш хатарли. Шаҳарларда эса ҳожатхоналарини анҳорга чиқариб қўювчи ноинсофлар ҳам бор. Айниқса, «дача» деб номланмиш далабоғларда шаҳарникидай шароит яратиш учун ҳаммом, ҳатто ҳожатхоналарнинг қувурларини сойга қараб буришади.

Ҳовлиларда эса қолган овқатдан тортиб ахлатгача ариққа ташланади. Бу ишни қилувчи аёллар қилмишларининг уят ва гуноҳ эканини биладилар, шунинг учун кун ёруғида эмас, биров кўрмасин, деб кеч қоронғилигида ташлайдилар. Авваллари совчилар қизларнинг ҳовли супуришини кузатишаркан. Агар ҳовлини ариқ томонга супурса, айб ҳисоблаб, айниб кетишаркан. Шунинг учун оналар қизларини тарбия қилганларида ишни ариқ лабидан бошлаб, юқорига қараб супуришни ўргатишган.

Ҳар бир одам чанқайди ва чанқоғини тез орада қондиради. Бир соатлик ташналикка чидаш оғир. Бир кунлик ташналик азобини тасаввур қилиш ҳам қийин. Шундай экан, нега ҳаёт манбаи бўлган сувнинг қадрига етмаймиз?

Бу саволни ҳар биримиз ҳар куни ўзимизга бериб, жавоб топишга уринайлик. Бу неъматга нисбатан ҳар биримизда озми-кўпми ношукрлик борлиги ва бунинг жазоси ҳам мавжудлигини унутмасак ва шунга қараб яшасак, ўзимизга фойда. Ислом дини сувни ифлос қилмасликни ўргатади ва талаб ҳам қилади. Олмонияликларнинг яхши одати бор: тиш ювадиган бўлсалар, сувни оқизиб қўймай, бир стаканга қуйиб оладилар. Бу одат аслида бизларга хос. Бизда ҳатто таҳорат сувини ҳам тежаш буюрилади.

Болалигимизда бизларга: «Сувга тупурма, тупурсанг – пес бўласан!» деб тарбия беришарди. Биз ариқ сувига нон оқизиб ейишни,

қирғоққа ётиб олиб ариқдан сув симириб ичишни яхши кўрардик. Ариқ суви шу даражада тоза ва мусаффо эди. Ҳар бир маҳаллада ҳовуз ҳам бўларди. Қишда ҳамма шу ҳовуздан сув ичарди. Ҳовуздаги сув булоқники каби зилол бўларди...

Ривоят. Бир парҳезкор кишининг умри охираб, ажали яқинлашди. Унинг ёлғиз ўғли ҳали ёш, ҳаёт тажрибаси йўқ эди. У ўлими яқинлашганда ўғлини ҳузурига чақириб васият қилди: «Аллоҳ Таоло менга жон бериб, мол ва неъмат ато қилибди. Мен бу мол ва неъматни ранж ва машаққатлар билан қўлга киритганман. Аммо эндиликда бу моллар осонликча сенинг қўлингга ўтгуси. Лекин сен бунинг қадрига етмасдан, ноаҳиллар билан дўст бўлиб элга совурмаслигинг лозим. Исрофгарчиликдан ўзингни сақлашга ҳаракат қил! Балки мен ўлганимдан кейин сен ноаҳиллар билан дўстлашарсан ва улар сени фасод йўлига бошлаб, барча мол-мулкнингдан жудо бўларсан. Шуни эсингда тутки, мендан сенга қолладиган мол-мулкнинг ҳаммасини сотсанг ҳам, аммо уйни сота кўрма! Агар овқатинг тугаб, пулинг охирига етиб тирикчилигинг ўтмай қолса, дўстинг душманга айланади. Мабодо шундай аҳвол содир бўлиб қолса, зинҳор сен ўзингни ёмонотлиқ қилма. Кичик уйнинг шифтига арқон осиб, тагига курси қўйиб қўйганман. Сен ўша уйга кириб, курсига чиқиб, арқонни бўйнингга солгач, курсини тепиб юборишинг лозим. Зотан, душмандан эҳсон сўраб яшамоқдан кўра ўлим минг карра афзалроқдир!..»

Ота шу васиятни қилгач, охират сафарига равона бўлди. Отасининг таъзиясини тугатгач, у мол-мулкни сотиб, совира бошлади. Оз муддат ичида барча мол-мулкдан ажралди. Ҳатто энг охирида эски теша-болтагача сотди. Унинг аҳволи шу даражага етдики, бир неча кеча-кундуз давомида ейишга бир нарса тополмай, оч қолди. Ҳеч ким унга бирор нарса бермади. Шундан сўнг отасининг васияти ёдига тушди. Бечора йигит ниҳоят, иложсизлик туфайли ўзига қасд қилмоқчи бўлди.

Отаси васият қилган уйга кириб курси устига чиқди ва ўз бўйнига арқон солиб, ҳаёт билан видолашгач, курсини оёғи остидан туртиб юборди. Гавдасининг оғирлигидан арқон солинган хари синиб кетди ва синган хари орасидан ўн минг динар олтин Ерга тушди. Йигит бойликни кўриб, ниҳоятда шод бўлди. Билдики, отаси «Ўғлим мендан кейин ранж-алам ва машаққат жомларидан татиб кўриб, энг сўнггида олтинларни топиб олса, унинг қадрига етади ва жойини билиб сарфлайди», деган мақсадда дор тикиб қўйган экан.

Шундан сўнг йигит ғафлат уйқусидан уйғонди ва ҳушёр тортиб, замона билимдони бўлди.

Бу ривоятдан мақсад шуки, исрофгар киши барча мол-мулки қўлдан кетганидан сўнг ғафлат уйқусидан уйғонади.

Мен бу ривоятни ҳар эслаганимда ўйлайман: ғафлат уйқусидан уйғониш учун барча нарсалардан ажралиш шартми? Ақлни ишлатиб, аввалроқ уйғонилса бўлмайдими? Неча асрларни оралаб замонамизга етиб келган ҳикматлар нега бизларни уйғота олмаяпти? Жаҳолат шунчалик бўғиб ташлаганми? Азизлар, сиз ҳам бу саволларга жавоб топишга ҳаракат қилинг, хўпми?

Яна бир нарсага эътибор қилинг: исрофгарчилик борасида майда ёки катта талаблар бўлмайди. Демокчиманки, бутун нонни моғорлатиб ташлаб юборсангиз ҳам, бурда нонни ёки ушоқларни оёқости қилсангиз ҳам гуноҳкор бўласиз. Мана, сиз учун арзимас туюлган исрофнинг бир тури: дарсдами ё бошқа жойдами зерикканингизда ёки бирон кўнгилсизликдан юрагингиз сиқилган пайт қўлингизда қалам-қоғоз бўлса, маъносиз чизгиларни чизаверасиз. Гўё шу билан ташвишлантираётган нарсадан чалғиб, ўзингизни овутган бўласиз. Назарингизда қоғоз ва қаламнинг исрофи ҳатто айтишга ҳам арзимайдиган миқдорда кам. Биз шундай ўйлаймиз, бироқ, аслида шундаймикин?

Баъзиларни «қўли очиқ» деб шарафлаймиз. Аммо «қўли очиқлик» исрофдан иборат бўлса-чи? Масалан, турли сабаблар билан улфатларига тез-тез ресторанда зиёфат бериш – сахийлик, «қўли очиқлик» ҳисобланадими ё исрофми? Бу «қўли очиқлар»нинг қариндошлари, қўшнилари билан танишсак, улар орасида камбағалларни ҳам учратамиз. Ҳатто тўй қилишга қийналиб, қизини узата олмаётганларни ҳам кўришимиз мумкин. Бундай «қўли очиқ»лар, риёкор «танти»лар аёллар орасида ҳам учрайди. Исроф билан сахийлик чегарасини билмайдиган бундай «қўли очиқ»лар юқоридаги ривоятлардан ибрат олишса яхши бўларди.

Одамийликдан узоқлаштирувчи, ҳалокатга олиб борувчи бахиллик дардининг давоси молни сарф унфоқ қилишдир. Лекин баъзида бу сарф исроф даражасига ўтиб кетади. Натижада бахиллик маразидан халос бўлман, деб киши исроф дардини орттиради. Масалан, тананинг совиб кетиши ҳароратни кўтариш билан муолажа қилинади. Аммо, ҳароратни кўтариш ҳаддан ошса, бу ҳам касаллик. Аслида ҳарорат ва совуқлик ўртасида тенглик бўлиши керак. Шунингдек, исроф ва бахиллик орасида ҳам мўътадилликни сақлаш керак. Токи бизга керак нуқта икки тарафдан бир хил узоқликда жой олсин.

Саховат исрофгарчилик томон ҳам, хасислик томон ҳам оғмаган, балки иккиси ўртасида турган фазилат эканини яна таъкидлаймиз.

Исроф – ўринсиз ва заруратсиз ерларга молни сарф этмоқдир. Бу борада нон ва озиқ-овқатнинг ортиб қолишинигина назарда тутмаслик керак. Бир нуқтада баъзан исроф, бахиллик ва саховат тўқнаш келиб қолади. Бахилликни қадимда «бухл» деб номлаганлар. Яъни, «бухл» – энг зарурий ерлардан ҳам молни қизғанмоқ ва аямоқдир. Саховат эса бу иккисининг ўртасида бўлиб, молни зарур ва фойдали ўринларга сарф қилиб, зарурсиз, фойдасиз ўринлардан сақламоқдир. Исроф билан бухл ақл юзасидан энг ёмон ва мардуд (номаъқул) саналган ишлардан ҳисобланади. Саховат эса хулқларнинг энг яхшисидир. Исроф қилувчини «мусриф» дейдилар. Мол-мулкни беҳудага сарф қилувчини «сафийх» (эси паст) деб ҳам атаганлар. Ким сафийх бўлса, маҳкаманинг ҳукми ила мол-мулкни тасарруф қилиш ҳуқуқи тўхтатиб қўйилган. Ҳозирги ҳуқуқ тили билан айтилганда, «ҳибсга олинган». Яъни эгасига зарур бўлганда керакли миқдорда бериб турилган.

Мол ақсизнинг қўлига тушса, уни исроф қилади. На ўзи, на бошқалар фойдаланади. Буни русларнинг мақоли билан «Ит ўзи ҳам эмас, бировга ҳам бермас» («Собака на сене») деб таърифлашимиз мумкин. Пичан яқинига боғланган ит хашак чириб кетса ҳам қўриқлайверади.

Азизлар, тушунгандирсиз, атрофимиздаги қайси неъматга қарамайлик, исроф этилаётганини кўрасиз. Буларни моддий бойлик исрофи десак, биз унутишимиз мумкин бўлмаган яна бир исроф бор. Бу – **вақт исрофи**.

Эндиги суҳбатимиз мавзусини шу томон бурсак.

...У СЕНИ КЕСАДИ

Олтиндан қадрли, жавҳардан қимматли бир нарса бор бўлса, у ҳам – вақтдир. Вақт бизнинг ҳар турли ишни қилишга кучимиз етадиган фурсатдир. Бир соатнинг бекор ўтгани – ихтиёримизда бўлган фурсатнинг зое бўлгани демак. Ҳолбуки, шу фурсат ичида фойдали ишларга ихтиёримиз бор эди. Фурсатни ганимат билган одам вақтдан унумли фойдалана олади. Вақт қадрини билган одам ҳавойи нафсдан тийила олади. Вақт қадрини билган одам буюк бўлишга ҳақлидир. Ақсизларнинг энг ярамас кўриниши – вақтни бекорга ўтказишдир. Шоир айтганидек:

*Гарчи пиёдамиз, гарчи отлиқмиз,
Ким яхши, ким эса ёмонотлиқмиз.
Қанчалар фурсатни ўтказдик зое,
Худонинг олдидан кўп уётлиқмиз.*

Миқдори кўп нарса қадр-қимматини тез йўқотади. Аммо ақл эгалари учун вақт сира қадрсизланмайди. Юз йил қанча қимматга эга бўлса, соат ёки дақиқанинг қадри ҳам шу кабидир. Вақт одамига қараб энг қиммат ёки энг арзон матоҳдир. Пайғамбаримиз алайҳиссалом дедилар: «Икки нарса борки, кўпчилик уларнинг қадрига етмайди: бири – соғлик, иккинчиси – бўш вақт». Киши умрининг ҳамма соатларини, ҳатто дақиқаларини фойдали ва соғлиққа мувофиқ машғулот билан тўлдириши керак, токи қайғу-алам бош суқадиган бўш жой қолмасин.

Одамларнинг ўзаро муомалаларида «бўш вақт» деган ибора тез-тез тилга олинади. Мана бу узрхоҳликларни сиз ҳам эшитгандирсиз?

«Узр, биродар, сизни йўқлаш кўнглимда бор-у, аммо сира бўш вақтим бўлмади».

«Сиз айтган ишни бажариб қўйишга ҳеч бўш вақтим бўлмади, айбга буюрмайсиз».

«Тонг отади... бирпасда кеч ҳам киради. Китобга қарай десам, бўш вақт йўқ...»

Бир кеча-кундузда одам ихтиёрида йигирма тўрт соат вақт бор. Шундан саккиз соати уйқуга ажратилса, демак, ўн олти соатга ўзимиз ҳукмронмиз. Бу вақтни қандай **совуриш** ўз ихтиёримизда. «Совуриш» сўзига атайин урғу бердим. Чунки айрим одамлар кўп вақтларини айнан совурадилар. Битта ноннинг ярмини еб, ярмини ташлаб юборсангиз – исроф. Бу қилиғингизни кўрган баъзи одамлар танбеҳ беради, баъзилари эса сиздан нафратланади, тўғрими? Хўш, вақт-чи? Вақтнинг исрофи борми? Сиз ўзингизга шу саволни бериб кўрганмисиз?

Менимча, вақтнинг ҳам исрофи бор. Вақтнинг исрофи – умрининг исрофи, демак. Умр беҳуда сарф бўлдими, демак, одам яхши ишларни амалга ошира олмабди. Одамлар учун, жамият учун фойда бермабди. Вақтнинг исрофи – мевасиз дарахт каби умр кечиришдир.

Вақтдан фойдаланишни ҳамма ўзича белгилайди. Биров китоб ўқишни яхши кўрса, биров чойхонада шахмат ўйнашни хушлайди. Яна бошқаси спортдан баҳра олади. Шундай аёллар борки, кунда

беш маҳал бешик тўйи бўлса, ҳаммасида иштирок этишга шошилади. Шундай эрлар борки, ҳар ярим соатда бир тўй оши бўлса, барчасига боришга улгуради. Бугунни тўйларга сарфлаб, эртани тўй таассуротларини баён қилишга бағишлайди. Шубҳасизки, бу таассуротлар холис эмас, ғийбат, ҳасад, ҳатто ифво билан тўйинтирилган бўлади. «Элакка чиққан хотиннинг элик оғиз гапи бор», деганларидай, кўчада қўшнилари билан соатлаб валақлашадиганларни ҳам кўп учратамиз.

Мени бир нарса кўп маънос қилади. Ўн уч йил илгариги расмий тадқиқот натижаларига кўра, европалик бир одамнинг кунлик иш унумдорлиги етти соатдан кам бўлмас экан. Аммо Осиёдаги айрим мамлакатларда аҳолининг иш унумдорлиги бор-йўғи ўттиз дақиқа атрофида экан. Азизлар, инсоф билан айтайлик, ўтмишда илм соҳасида дунёда пешқадам бўлган осиеликларнинг бугунги ҳаёти шундай бўлиши ва шундай ўтиши уятли эмасми?! Ўзини улуғлар авлоди ҳисоблаган киши мана шундай мазмунсиз ва самарасиз яшаши мумкинми?

Бугун кучлилар (АҚШ ва Европа давлатлари каби) уммону фазоларга ҳар дақиқада эгалик қилишга ошиқаётган бир даврда осиеликларнинг ҳозирги даражаларига қониқиш қилиб яшаши дуруст эмас. Вақт дини ва миллатидан қатъи назар, барчанинг ҳаётида энг аҳамиятли масалалардан биридир. У инсонларга берилган буюк неъматлардан ҳисобланади. Бинобарин, вақт – ҳаёт демак. Ўтаётган ҳар дақиқа-ю сония, кун инсон умрининг хатосиз ўлчовидир. Бироқ, афсусларки, Ислом динининг вақт исрофига нисбатан талаби билан бугунги мусулмонлар ҳаётида тутган ўрни ўртасида жуда катта фарқ бор. Ислом дини вақтга жуда катта аҳамият беради, унга бир неъмат сифатида қарашга даъват этади ва ундан унумли фойдаланишни уқтиради. Айримлар эса бу талабларга аҳамият бермайдилар, вақтни кўпинча фойдасиз совурадилар. Пайғамбаримиз алайҳиссалом дедилар: «Банда Қиёмат куни тўрт хислатидан сўралмагунча, бир қадам ҳам олдинга силжий олмайди: бу саволлардан биринчиси – умрини нима билан ўтказгани; иккинчиси – **ёшлик даврида нима билан машғул бўлгани**; учинчиси – мол-дунёни қай йўсинда (қай касб орқали) топгани ва нималарга сарфлагани; тўртинчиси – ўрганган илмига қандай амал қилгани сўралади».

Азиз **умидимиз юлдузлари**, эътибор бердингизми, инсон умрининг ҳар бир давридан умумий равишда, ёшлик давридан эса ўзига хос шаклда сўралиши айтиляпти. Ёшлик – умрнинг бир бўлаги, лекин унинг бошқа даврлардан ажратиб турувчи ўзига хос қийматдор

тарафи ҳам бор. Ёшлик ғайрату шижоатга, ўткинчи мақсадларга тўлган даврдир. Ҳамда икки заифлик – гўдаклик ва кексалик орасидаги қувватга тўлган йиллардир.

Болаликни ўйин, ёшликни шаҳват, балогат ёшини ғафлат билан ўтказиш ва кексаликда қўлдан кетганлар учун ҳасрат чекиш, ўзини ҳар томон уриб, надомат кўз ёшларини тўкиш – ғофиллик билан умр ўтказишнинг аломатларидир.

Вақтдан тўғри фойдаланишни ўрганиш болаликдан бошланади. Чунки вақтни тўғри тақсимлай олиш ҳам яхши хулқлар сирасига киради. Болаликнинг маълум йилларига қадар ота-оналар ва мактаб муаллимлари боланинг бўш вақтига «эғалик қиладилар». Яъни улар «дарс тайёрла», дейишса, бола тайёрлаши керак, «ухла» дейишса ухлаши шарт. «Телевизор кўрма» деб буюришса бажариши лозим. Бундай ҳолат сизнинг ҳам бошингиздан ўтган, унутмагандирсиз. Катталарнинг бола ҳаётига аралашуви доим ҳам тўғри бўлавермайди ва доим ҳам болага хуш ёқавермайди. Бола кун тартибини ўзича белгилашни истайди. Дейлик, телевизорда мультфильм берилаётганда уни дарс тайёрлашга мажбурлаш яхши натижа бермаслиги мумкин. Бола ўсмир ёшига етганда бу зиддият анча кескинлашади. Бола ўз вақтига ўзи эғалик қилишни хоҳайди. Катталар эса унинг бу ҳуқуққа эга бўлишига вақт эрта, деб ўйлашади. Тенгдошларингиз орасида вақт қадрига етадиганлари ҳам кўп. Уларнинг асосий вақти ўқиш ва ўрганишга сарф бўлади. Лекин шундай болалар ҳам борки, улар вақтдан фойдаланишни билмайдилар.

Айрим ота-оналар фарзандларини мақтай туриб: «Компьютерга жуда қизиқади, компьютерхонадан бери келмайди, бошқа ишларга сираям вақти йўқ», дейишади. Боланинг бу соҳага қизиқиши яхши. Лекин у компьютерда бир неча соат давомида нима иш билан банд бўлади? Уларнинг бу севимли юмушларига разм солиб, турли бекорчи ўйинлар билан банд эканларига гувоҳ бўламиз. Хўш, энди айтинг-чи, бу болалар вақтларини бекорга совуряптиларми? Агар улар ярим соат ёки бир соат ўйнашса, айблаш нотўғри бўларди. Аммо бошқа фойдали ишлар ўрнига, масалан, дарс тайёрлаш, уй ишларига қарашиш ёки ҳунар ўрганиш ўрнига бекорчи ўйин билан бандлар-ку!

Кўчадан ўтаётганингизда сизнинг ҳам кўзингиз тушгандир, беш-ўн бола ариқ бўйигами ё дарахт соясигами тўпланиб олишиб, соатлаб гапдан бўшашмайди. Гапларига қулоқ солсангиз, бири тоғдан, бири боғдан. Гапириб зерикишмайди ҳам. Қоронғи тушса, бирон столба (симёғоч) атрофида давра қурадилар, шунинг учун бундай сергап болаларни «столба қоровуллари» деб,

уларнинг бу қилиқларидан қулиш одат тусига кирган. Бир куни шундай болалар даврасига яқинлашиб: «Шунинг ўрнига бирон китоб ўқиб, муҳокама қилсаларинг яхшимасми?» десам, улар дангалига «Э, китоб ўқиб бошимизни оғритиб нима қиламиз», деб жавоб беришди. Қаранг, беҳуда гаплардан бошлари оғримай, фойдали юмушдан оғриркан. Бу қандай бош бўлди, ўзингиз баҳо бераверинг. Бу тоифадаги болалар бўш вақтдан фойдаланишни ўзлари билмайдилар, катталарнинг тавсияларини эса буткул рад этадилар. Бунинг оқибатида улар келажакда маънавий комиллик деган улўф фазилатдан бебаҳра қоладилар.

«Кўча тарбияси» дейилганда кўз олдимизга фақат безори, жиноятчи болаларни келтирамиз. Кечки пайт кўчада тўпланиб турган болаларни кўрсак, хаёлимизга фақат йўлтўсарлар келади. Ҳолбуки, кўча таъсирида барча жиноятчига айланиб қолмайди. Айни чоғда ҳунар ёки санъат тўғарақларига қатновчи болаларнинг ҳаммаси ҳам яхши бўлиб қолмайди. Бу ҳам ҳақиқат. «Столба қоровуллари» деб таърифланган болаларнинг кўпчилиги шунчаки гаплашиб ўтирадилар, уйда ота-онаси ёки ака-опаси билан суҳбатлашишнинг уларга қизиғи йўқ. Бошқа шуғулланадиган ишлари ҳам йўқ. Ўртоқлари билан гаплашиб ўтирадиган жой ҳам йўқ. Айрим ота-оналар болаларни уйга таклиф этадилар. Лекин улар таклифни қабул қилмайдилар. Чунки ота-оналар ҳузурида улар истаган мавзуларида суҳбатлаша олмайдилар. Ёки катталардан истиҳола қоладилар. Айрим ерларда «ўсмирлар клублари» ташкил этишга ҳаракат ҳам бўлган. Лекин ўсмирлар бу клубларга ҳам боришмайди. Чунки клубларда ўзлари истаган мавзуда суҳбат қура олмайдилар, тарбиячилар тавсия этган мавзуда эса гаплашишни ёқтирмайдилар. Демак, бу ўринда «Ўсмирлар клублари ташкил қилиш керакми? Бу клублар ташкил қилинган тақдирда қандай йўналишда иш олиб бориши керак? Улар ўсмирларни, айниқса, бўйсунмасларни жалб қила оладиларми?» деган саволларга жавоб топиш шарт бўлади.

«Столба қоровуллари»нинг ишлари – **вақтни ўлдириш**. Улар суҳбатлашадиган аниқ мавзу йўқ. Каллага нима гап келса, ўша томон оғаверадилар. Шу боис уларнинг суҳбатини маъносиз, дейишга ҳақлимиз. «Болалар шунчаки гаплашиб ўтиришибди, уларнинг орасида безорилар йўқ», деб хотиржам бўлишга эса ҳаққимиз йўқ. Уларнинг орасида бугун безори йўқдир, бироқ эртага қўшилиб қолар. Қўшилиб қолганини, нашага ўргатишни бошлаганини вақтида пайқаймизми?

«Беозор» «симёғоч қоровуллари» наша чекиб ўтиришганида, бир одам уларни тартибга чақиради. «Отанг бообрў одам, бу ишинг

чакки», дейди. «Беозор» йигитча унга жавобан: «Мияни ачитманг, братан, биз билан битта тортинг», деб таклиф қилади. Натижада жанжал чиқади ва тартибга чақирган одам калтакланиб ўлдирилади. Қаранг, болалар бу ерга бекорчилик оқибатида тўпланишган, бировга ёмонлик қилиш фикрлари бўлмаган. Ҳуқуқ тили билан айтилганда, бу «қасддан одам ўлдириш»га кирмайди. Кечки пайт тўпланган болаларнинг беозор суҳбатлари жар ёқасида туришни эслатади. Жарга қулаш учун салгина туртки кифоя.

Яхши тарбия кўрган болалар уйқудан ташқаридаги вақтининг ярмини, эҳтимол, ундан кўпроғини илм олишга бағишлайди. Бу хислатлари таҳсинга лойиқ. Шундай болалар орасида илм олишдан бошқасини тан олмайдиганлари ҳам бор. Аммо уларнинг бу ҳаракатларини аъло фазилат дея олмаймиз. Чунки илм олишдан ташқари дам олишга, жисмоний тарбияга, уй ишларига, бошқаларга ёрдам беришга ҳам вақт ажратиш зарур.

Оилаларимизда кун тартибини белгилаш одати деярли йўқ. Ҳар биримизнинг кун тартибимиз тахминий бўлади. Яъни, эрталаб туриш, нонушта қилиш, ўқиш, ўқишдан кейинги машғулот ва шу кабилар. Ўқиш ва айрим машғулотларнинг вақти аниқ. Бошқа юмушларники мавҳум. Айтайлик, бир бадий китоб ўқияпсиз. Уни ҳар куни ўқимаслигингиз мумкин. Мактабда ёки машғулотда кўпроқ вазифа беришса, сиз албатта бошқа юмушлар эвазига, айни дамда бадий китоб ўқиш ўрнига бу топшириқни бажарасиз. Баъзан уй ишларидан бўйин товлаш ҳисобига бошқа ишлар амалга оширилади. Ҳўш, аниқ кун тартиби асосида яшаш мумкинми? Агар ўз тажрибамга асослансам, қисман мумкин, деб жавоб бераман. «Қисман» дейишимнинг боиси: эртанги кун режалаштирилганда одам фақат ўз имкониятларини чамалайди. Кутилмаган воқеалар инobatга олинмайди. Масалан, эрталабда уйга меҳмон келиб қолиши мумкин ёки бола мактабга борганда фан муаллими уни бошқа юмушга жалб этиши мумкин. Шунда кун тартибига мажбурий ўзгартиш киритишга тўғри келади.

Ҳар куни эрталаб ўзимизга бир ишни тайин этиб, бу ишларни қандай бажаришимизни фикр қилайлик. Жаҳоннинг ҳозирги ободлиги, инсоният ва маданиятнинг бу қадар тараққийси албатта маърифат эгаларининг битмас-туганмас ғайратлари соясида вужудга келган. Шу боис бир дақиқа вақтни ўринсиз ва фойдасиз ерга сарф этиш – исрофдир. Ҳар куни кечқурун бугун вақтимизни нималарга сарф этганимизни ўзимизча ёки бирон яқин одамимиз билан бирга муҳокама этишимиз, кейинги ишларимизнинг ҳар бирига вақт тайин этиб, шу вақтлардан кечиктирмай бажариш

учун бир тартиб-интизом остига олишимиз лозим бўлади. Оилага доир ишларимизга ажратадиган вақтимизнинг асосини тирикчилик ва рўзгор масалалари ташкил этиши табиий. Лекин бу борада биринчи ўринга фарзанд тарбиясини қўйган бўлардим. Чунки бугун олишимиз керак бўлган пиёзни эртага олсак ҳам бўлаверади. Лекин бугун берилиши лозим тарбияни эртага қолдириш яхши эмас. Халқимиз «Уй ёнса сув ўчиради, вақт ёнса нима ўчиради?» деб бежиз айтмаган.

Бугун ҳаётимизни телевизорсиз тасаввур эта олмаймиз-а? Ҳамма шундай ўйлайди. Мен ҳам бутунлай инкор эта олмайман. Вақт исрофига фақат телевизор айбли эмас. Телевизор йўқ пайтида ҳам одамлар вақтларини исроф қилишдан қайтмаганлар. Вақтни созуришни истаган одам баҳона топа олмас эканми?! Телевизорга ҳаётимиздан ўрин бердик. Лекин бутун ўй-хаёлимизни, вақтимизни унга бахш этиб қўймаслигимиз шартлигини унутмаётганимиз ёмон.

Кейинги йилларда болаларнинг бўш вақтлари кўпроқ телевидение ва видео томошалари билан банд бўлаётгани афсусли ҳол. Ҳатто ҳазил аралаш «телебола» деган атама ҳам пайдо бўлди. Бу «телебола»лар атрофдаги барча гўзалликларни рад эта бошлайдилар. Францияда қизиқарли тадқиқот ўтказишибди. Уч мингта болага «телевизор яхшими ё отангми?» деган саволни бериб, қарийб икки мингтасидан «телевизор яхши» деган жавобни олишибди. Буни бир неча давраларда айтиб, эшитганлар юзида ташвиш кўрмадим. Деярли барча латифа эшитгандай кулимсираб қўйди. Аслида бундай хабар барчани жиддий ўйлантириши керак. Францияда бу тадқиқотни шунчаки бекорчиликдан ўтказишмагандир. Тарбияга доир ишларида нималарга эътибор қаратиш лозимлигини аниқлаш учун қилишгандир. Шунга яраша чоралар кўришар. Хўш, бу ҳолатнинг бизга алоқаси йўқми?

Шу ўринда катталарга мурожаат қилмоқчиман: азизлар, сиз ўз фарзандингизнинг ёки жиянингизнинг «отамдан телевизор яхши» дейишини тасаввур қилиб кўринг. Агар ундай деса, қандай аҳволга тушган бўлардингиз? Тўғри, бизда икки мингта бола «отамдан телевизор яхшироқ», деб жавоб бермас. Агар уч мингта боладан учтаси шундай жавоб қайтарса ҳам, ташвишланишимиз зарур эмасмикин? Бугун учта бола шундай деб турса, эрта-индин уларнинг сони ошмасмикин? Орадан кўп вақт ўтмай ўша Франциядаги натижа бизда ҳам қайд этилмасмикин? Бу муаммо хусусида қачон бош қотирамиз? Уч мингта боланинг ҳаммаси бир овоздан отадан кўра телевизор афзаллигини таъкид этгандами?

Телевизорга михланиб кино кўрувчи «телебола»ларга эса маслаҳатим шу: бир кунда битта кинофильм кўриш онгимиз учун кифоя қилади. Икки кунда бир кўрилса яна яхши. Чунки кинофильм фақат вақт ўтказиш учун кўрилмайди. Ундаги воқеаларни, қаҳрамонларнинг гап-сўзларини ўйлаш, таҳлил қилиш, хулоса чиқаришга уриниш керак. Бунинг учун эса вақт талаб этилади. Кинолар шунчаки кетма-кет кўрилаверилса фикр чалғийди, кишининг маъно хазинаси бойимайди, аксинча, зеҳнининг ўтмаслашувига олиб келади. Одамнинг мияси чексиз ахборот оқимларини қабул қилиш қудратига эга эмас. Бир челақ ҳажмдаги чуқурчага ўн челақ сув қуйсангиз тошиб кетади, атрофни балчиққа айлантиради.

Россиядаги бир даҳшатли қотиллик тафсилоти билан танишган эдим. Ўн етти ёшли йигитча онасини, акаси ва опасини болтада чошиб ташлаган. Маълум бўлишича, ваҳшатга тўла бир фильмни у қарийб юз марта кўрган экан. Бу баъзи-баъзида бўлиб турадиган воқеа эмас. Европа мамлакатларида оғир жиноятларнинг йигирма фоизи, АҚШда эса олтимиш бир фоизи телевизорда кўрилган ваҳшатли томошалар таъсирида содир этилиши аниқланган. Россия телеканалларининг бир соатлик кўрсатувларида тўртдан зиёд зўравонлик саҳналари намойиш этиларкан. Бола ўн саккиз ёшга етгунига қадар ўн саккиз минг қотиллик, икки юз минг зўравонликни томоша қиларкан. АҚШ мультфильмларида бир соатда йигирма олти зўравонлик кўрсатилар экан... Бу рақамлар бизга тааллуқли бўлмаса-да, эътиборсиз бўлмаслигимиз керак.

Қайси мактабда ёки маҳаллада ёки уйда зерикиш касали мавжуд бўлса, ўша ерда ўғричаларнинг, ёлғончиларнинг, зулм сари оғаётган ўзга шумликларнинг туғилишини кутмоқ керак.

Айрим болалар китоб ўқишни яхши кўрадилар. Бу ҳам аъло фазилат. Аммо бунда икки камчиликдан эҳтиёт бўлиш керак: биринчиси – эрта-ю кеч китобдан бош кўтармай ўқиш яхши эмас. Куннинг фақат маълум бўлагини китобга ажратиш керак. Иккинчиси – қўлга тушган, бошқача айтилса, дуч келган китобни ўқийвериш ҳам ярамайди. Китобни танлаб-танлаб ўқиш керак. Бунинг учун катталарнинг маслаҳатига қулоқ солинса, савияси паст асарларни ўқишга вақт сарф бўлмайди. Бунинг учун эса... ота-онанинг ўзи ҳам китоб ўқиб туриши шартлигини яна таъкидлайман.

Тарбиянинг барча кўринишларида, хусусан, китоб ўқишга даъватда шахсий намунанинг фойдаси кўп. Тарбиянинг барча турлари каби китоб ўқишга ўргатиш ҳам болаликдан бошланади. Европа мамлакатларидаги нашриётларда «Ойижон, ўқиб беринг»,

туркумида китоблар кўп чиқарилади. Номидан кўриниб турибдики, бу китоблар мактаб ёшигача бўлган болаларга аталган. Бу ёшдаги болаларда «китобни кўрсам, бошим оғриydi», деган гаплар бўлмайди. Барчаси қизиқиш билан китобни варақлайди. Баъзилари расмлардан завқ олади, унда нима акс этганини билишни истайди. Баъзилари китобни йиртиб завқ олади. Ота ёки онанинг китобни ўқиб бериши ёки расмлар мазмунини тушунтириши боласининг келажакдаги учун жуда-жуда зарурдир. Бола учун ажратилган беш-ўн дақиқа вақт келажакда ойлаб-йиллаб давом этадиган қайғу-аламлар олдини олишини англаб етган ота-она нақадар бахтли!

Ота ёки она боласига атаб китоб олсалар уларга офарин айтмоқ жоиз. Чунки боласига китоб олмайдиганларнинг сон-саногини йўқ. Бозорга бориб боласига қуртми, сақичми ёки бирон қимматбаҳо ўйинчоқми олишни унутмайди. Лекин китоб растаси ёнидан ўтаётганида «Боламга мос китоб бормикин?» деб қайрилиб ҳам қарамайди. Эҳтимол бу гаплар баъзилар учун малол келар. «Ошириб юбордингиз», деб маломат қилишар. Сиз ҳам, азизлар, каминани айбламанг. Чунки бу тиканли гапларни айтиб, барча ота-оналар диққатини болаларининг бўш вақтига қаратгим келди. Болалар қамоқхонасида ўтказилган сўровларимдан маълум бўлдики, у ерга тушганларнинг қарийб тўқсон фоизи битта ҳам бадиий китоб ўқимаган. Етмиш фоизи театр остонасини босиб ўтмаган. Юз фоизи рассомлар кўрғазмаси нима эканини билмайди. Бўш вақтдан тўғри фойдаланиш ҳақидаги фикримни қувватлаш учун яна қандай далил керак?

Бир куни болалар қамоқхонасида адабий учрашувга бордик. Бу ерга биринчи марта кирган шоир биродаримиз болаларнинг жиноятлари ҳақидаги ҳикояни эшитиб гангиб қолди. Ҳаяжонга берилиб, ҳатто бир оз кўрқиб: «Мен бу ерда шеър ўқий олмайман», деди. Мен ундан Усмон Носирнинг «Муҳаббат» шеърини ўқиб беришини илтимос қилиб, аранг кўндирдим. Бир хил кийинган, сочлари бир хилда қиртишланган, кўзлари бир хилда маъносиз боқувчи бир неча юз бола тўпланган жойга кирганимизда шоир биродаримиз бу нигоҳларга қарай олмай кўзларини юмиб олди. Шу ҳолда шеърни ўқиди. Бу шеърни ўқитишдан мақсад – кичкина ижтимоий тадқиқот ўтказиш эди. Йиғилганларнинг барчаси севги ёшидаги ўсмирлар. Кўпчилиги аёл билан бўлишга улгурган. Севги туйғуси бегона эмасдир, деган фикрни синаб кўрмоқчи эдим. «Севги! Сенинг ширин тилингдан, Ким ўпмаган, ким тишламаган!» деб бошланувчи шеър ҳар қандай ёшнинг дилини қитиқлаши тайин. Аммо жиноятчи ўсмирларга бу таъсир этмади. Уларнинг юзларида, қарашларида ўзгариш сезилмади. Оддий гапни эшитгандай ўти-

раверишди. Шеърда «Уфқда ботар қуёшни шарт кесилган бошга ўхшатдим», деган сатр бор. Шу сатр ўқилганда, не ажабки, ўтирганларда жонланиш сезилди. Бундагиларнинг оз қисми қотиллиги туфайли қамалган, лекин бошқа жинойтлар билан ўтирганларга ҳам «шарт кесилган бош» таъсири бўлди.

Уч ўсмир кечқурун ҳомиладор аёлга дуч келиб, хотиннинг туғишини кўрамиз, деб қийнашган. Эси бутун одам бундай қилмайди, улар жиннидир, дерсиз? Йўқ, уларнинг кўриниши ҳам бинойи, эслари ҳам жойида. Улар билан суҳбатлашганимизда: «Нега бундай қилдинглар?» деб саволга тутмадик. Ўқиган китоблари, кўрган театр томошалари, кинофильмлари билан қизиқдик. Жангари, бадахлоқ кинотомошаларини кўришда камчиликлари йўқ. Учтадан иккитаси болалигида синфдошлари билан ёш томошабинлар театрига неча мартадир борган, лекин нимани кўрганини эслолмайди. Биттаси театрга умуман қадам босмаган. Учаласи ҳам бадий китобни кўлига олмаган. Биттаси мактабдаги адабиёт дарсида ўқиганларини сал-пал эслайди. Улар билан суҳбатлаша туриб ўйладим: «Агар бадий китоб ёки саҳна санъати орқали фақат инсонга хос севги-муҳаббатни қалбларига сингдиришганда эди, жинойт кўчаларида тентирамасмидилар...» Жинойт кўчасига кириб қолган болаларнинг келажакда нурли ҳаёт кечиришлари осон бўлмайди. Хўш, уларнинг ота-оналарини нима кутади? Фарзанд ўн беш ёшида жинойтчига айланган экан, демак, ота ва она ўн беш йиллик умрларини исроф қилишибди. Фарзандлари дунёга келган онда туғилган орзулари ўн беш ёшида ўлим топган экан, ўзгалардан ўпкаламасинлар.

Китоб ўқишни ўргатишдаги ота-онанинг масъулияти театрга, музейга ёки рассомлар кўрғазмасига... олиб боришда ҳам керак бўлади. Жуда оз ота-оналар фарзандлари билан бу жойларга борадилар. Театр-музейларга олиб бориш асосан мактабларнинг зиммасида. Ота ёки она «Бутун театрга борибсан, нимани кўрдинг, нимани тушундинг?» деб беш дақиқагина суҳбатлашармикин? Агар суҳбатлашсалар – шарафлар бўлсин бу зотларга! Фарзанди билан гаплашишга вақти йўқ ота-онага-чи?

Кузатувлардан аниқки, болалар ва ўсмирлар феъл-атворининг шаклланишида бўш вақтдан тўғри фойдаланиш ғоят муҳим экани тан олингани ҳолда бу зарур масала ечимига эътиборсиз қаралади. Бошқачароқ айтсак, бўш вақтдан фойдаланишга доир мавжуд тадбирлар етарли самара бермай қўйган. Бунинг акси ўлароқ, кўчанинг таъсири кучлироқ бўляпти. Айтайлик, кўчанинг бир бетида

шахмат-шашка тўгараги ташкил этилган. Иккинчи бетида бебош ўспиринлар қарта ўйнаб ўтиришибди. Кўчанинг ўртасида эса биз тарбияламоқчи бўлган юзта бола турибди. «Ихтиёр ўзингизда, бўш вақтингизни ким билан ўтказасиз?» деб кўрайлик-чи? Ишонаманки, шу юз боладан кўпи билан ўн-ўн бештаси шахмат-шашка томон юради.

Энди яна «бўш вақтим йўқ» дейдиганларга келсак, бундайлар шу баҳона билан ўзларини ўзлари алдайдилар. Ҳар бир одамнинг вақти ўз қўлида. Агар ақл билан иш юритилса, ҳар қандай юмушга улгуриш мумкин. Фарзандларимизнинг айнан шундай фазилат эгалари бўлишларидан умидвормиз.

Бўш вақт масаласини ҳамма ўзича ҳал этади. Кўпчилик тарбиянинг бу соҳасида асосий эътиборни меҳнатга қаратиш тарафдори. Ёзувчилар адабиётга, санъаткорлар театрга, рассомлар тасвирий санъатга... тортишни истайдилар. Барчаларининг талаблари тўғри. Аммо барчаси ўз ўрнида қўлланилсагина яхши самара беради.

Демак, ота-она аввало ўз онгини, энг муҳими фарзанди онгини ортиқча юкдан эҳтиёт қилиши баробарида вақтнинг хусусиятларини аввало ўзи англаб етиши керак. Хўш, вақтнинг қандай хусусиятлари бор экан? Бу саволга жавобни «Вақтнинг қиймати» рисоласидаги фикрлардан фойдаланган ҳолда топамиз.

Вақтнинг ажралиб турадиган ўзига хос хусусиятлари ҳам бор. Биз уни тўғри маънода тушунишимиз ва унинг нури билан иш кўришимиз лозим.

«Вақт тез ўтади» деймиз кўп ҳолларда. Хоҳ шод-хуррамлик ва қувонч билан ўтсин, хоҳ қийин, машаққатли бўлсин, у булут тезлигида юриб, шамол тезлигида ўтаверади. Бизга хурсандчилигимиз кунлари бирмунча тезроқ, қайғули кунларимиз секин ва офир ўтаётгандек туюлади. Лекин инсоннинг ўзига шундай туюлади, холос. Шоир айтган экан:

*Бахту саодатга тўла ойларим,
Гўё давом этди кундан ҳам қисқа.
Ва лекин ҳижронга тўла кунларим,
Йиллардек кўринди менинг кўзимга.
Наҳот, энди ўтди йиллар, дўстларим,
Ҳайрат-ла боқаман бу кун ўзимга.*

Бу ёруғ дунёда инсон умри қанчалик узун бўлмасин, модомики, ўлим ҳар тирикликнинг ниҳояси экан, бас, у қисқадир.

Ўлим пайтида ўзи яшаб ўтган йиллар ва бир-бирига боғлиқ воқеалар лаҳзада тез ёниб-сўнувчи чақмоқ каби қисқа туюлади инсонга. Ҳазрати Нуҳ алайҳиссалом ҳақларида ривоят қилишлари-ча, минг йилдан ортиқроқ умр кўрганларидан кейин, у кишининг жонларини олиш учун ўлим фариштаси келиб: «Эй, пайғамбарларнинг энг узун умр кўргани, сиз дунёни қандай тушундингиз?» деб сўради. Шунда Нуҳ алайҳиссалом дедилар: «Дунё гўё бир ҳовлининг икки эшиги бўлиб, уларнинг биридан кириб, бошқасидан чиқиб кетдим!»

Бу ривоят ҳаётий ҳақиқат учун бир ибратдир. Ундаги ҳақиқат инсон умрининг ўлим вақтигача аста-аста сўниб боришидир. Шунингдек, Қиёмат бўлганида ҳам инсонга йўқотган ва бой берган нарсаси билдирилганида, у вақтнинг қанчалик тез ва қисқа ўтганини тушуниб етади. Туғилмоқ ва ўлмоқ дея аталмиш икки манзилнинг ўртасида сарсон қолган инсон идроки, дунёга тааллуқли ҳақиқий қонун-қоидалар билан бошқарилмаса, бу нисбий оламдан ҳақиқий Ватанга маънавий йўл топиб бўлмайди. Кишининг ҳар бир дақиқаси, ҳатто ҳар бир нафаси фазилатли амалларга бағишланиши керак. Таъбир жоиз бўлса, вақт намланган совунга ўхшайди. Уни қўлда тутиб туриш жуда қийин. Сирғалиб, тушиб кетаверади.

Ўтган вақтнинг ортга қайтмаслиги ва ўрнига алмашмаслигини англамайдиган одам йўқ. Ҳар бир кун ўз якунини, ҳар бир соат ҳам ўз ниҳоясини топади. Кунни, соатни ҳатто, лаҳзани қайтариш ёки бошқаси билан алмаштиришга ҳеч ким уриниб ҳам кўрмаган. Отилган ўқ изига қайтмаганидек, умр ҳам изига қайтмайди. Ўтган вақтнинг ўрнини келаётгани босмайди. Бой берилган вақт ўрнини тўлдириб, хотиржам яшаётган инсонни ким кўрган? Ортга қайтиш, вақт чизигидан илгарилаш ёки ўтмишга саёҳат қилиш фақат фантастик асарлардагина учрайди. Аслида эса бу ақлга сиғадиган нарса эмас. Ҳасан Басрийнинг ажойиб ҳикматлари бор: «Ҳар бир тонг ёришадиган кун борки, инсон боласига нидо қилади: «Мен янги яратилдим. Ишларингга шоҳидман, мендан фойдаланиб қол. Кетар эканман, Қиёматга қадар қайтмайман». Кўп кексаларни учратамиз, улар ёшлик даврларининг яна бир бора қайтишини орзу қиладилар. Лекин бу амалга ошмайдиган орзу, холос. Бунақанги орзуларнинг ози-ю кўпи ҳеч нарсани ўзгартирмайди. Шоир айтадики:

*Кошки қайтсайди ортга агар бир кунга ёшлик,
Унга айтардим бошга нелар солди кексалик.*

Бошқа бир шоир умрининг қай тарзда ўтишини тасвирлаб, унинг кеча-ю кундузлари ортга қайтмасдан кетади ва бунга умид йўқ, деб ёзади:

*Киши кетар умрининг жоловин тутиб,
Ой-у кунлар оралаб фонийлик сари,
Туну кунлаб тонглару тунларини кутиб,
Дунёдан кўчар мудом қабрга сари.*

Вақт инсон эга бўлган нарсаларнинг энг нафиси эканини ўтмиш донишмандлари кўп таъкидлашган. Модомики, вақт тез ўтувчи ва ортга қайтмас экан ва уни бирон нима билан алмаштириб бўлмас экан, у инсон эга бўлган нарсаларнинг энг нафиси ва қийматлисидир. Вақтнинг нафислиги ҳар бир амал ва ишлаб чиқариш учун манба, асос бўлишидир. У ҳаётда хоҳ шахс, хоҳ жамият бўлсин, инсон учун асл сармоя ҳисобланади.

Донолардан бири айтганидек: «У ҳаётдир. Инсон ҳаёти эса унинг туғилган онидан токи вафот онигача яшаб ўтадиган вақтидир». Бу хусусда Ҳасан Басрий ҳазратлари яна дедиларки: «Эй, Одам боласи, сен ташкил топган кунлардан иборатсан. Сен учун бу куннинг кетиши умринингнинг бир қисми кетиши демакдир».

Биз туғилган кунларимизни имкон борича дабдаба билан ўтказишга ҳаракат қиладиган бўлиб қолдик. Албатта, маълум бир ёшга етганимиз учун Яратганга шукр қилишимиз керак. Шукр қилиш учун йилда бир марта туғилган кун келишини кутишимиз шарт эмас. Ҳар нафасимиз, ҳар кунимиз учун шукр қилишимиз лозим эканини аввал айтдик. Назаримда, туғилган кун фақат шодийнадан иборат эмас. Бу кун инсон умрининг бир йили ўтганига далилдир. Бошқачароқ айтсак, бу дунёдаги ҳаётимиз бир йилга қисқариб, боқий дунёга ўтишимиз яна бир йилга яқинлашди, демак. Абу Али Даққоқ айтганларидай: «Ҳар бир кун менинг бир қисмимни олиб, ўтиб кетади. Қалбда ҳасрат қолдириб, ўзи бедор кетади...» Шодликка, тантанага ажратилган соатларнинг озгина қисмини фикрлашга ажратсак ёмон бўлмас эди. Фикрлаш чоғида Абдуллоҳ ибн Масъуд (р.а.) ҳазратларининг бу гапларига диққат қилишни тавсия этамиз: «Мен бир куннинг қуёши ботиб, ажалим билан орамиздаги масофа қисқариб, ўша кунлик яхши ишларим кўпаймаганига қилган пушаймонимдек қаттиқ пушаймон қилмадим!.. Агар кун ўтган ва мен ўзимни Аллоҳ Таолога яқин қиладиган илмимни зиёда қилмаган бўлсам, шу куннинг чиққан қуёши мен учун баракали бўлмагандир».

Аҳли дониш: «Манфурликнинг аломати вақтни зое кетказишдир», деб таъкидлашган. Ва яна: «Вақт бир қиличдир, гар сен уни кесмасанг, у сени кесади!» дейишган. Демак, бу қиличга ҳоким бўлиш учун моҳирлик талаб этилади. Бу қилични яхши ишлата билиш, аҳамиятли нарсаларни олиб, аҳамиятсизларини четда қолдириш лозим. Бу эса ҳақиқатни англаб етган ақл билан бўлади. Вақтни қадрлашнинг энг синалган йўли – яхши ишларни бажаришга интилиш ва шошилишдир.

Биз бу фазилатни эгаллашда вақтнинг қадрига ета олган олимлар ҳаётидан ўрнак олсак арзийди. Бундай олимлар ўзлари турган мавқедан яна ҳам гўзалроқ даражага интилганлар. Шу жиҳатдан уларнинг бугуни кечасидан, эртаси бугунидан афзалроқ бўлар эди. Бу хусусда улардан бири: «Кимнинг бугуни кечаги каби бўлса, у алдангандир ва кимнинг бугуни кечагисидан ёмон бўлса, у лаънатлангандир», деган эди. Улар вақтларини манфаатли илм таҳсил қилишга, фойдали ишларга ё нафс тарбияси ёки бошқаларга фойда келтиришга ишлатишларидан ташқари, бирор кунни ёки ярим кунни ва ё қисқа муддатни бўлсин, беҳуда сарф этишдан қизганишар эди. Токи ўзлари сезмай қолиб, умрлари бўш ишларга сарф бўлиб, гарду ғуборга, кўпикка айланиб кетмасин. Ўтаётган ҳар бир кунни ҳам ўзи учун ва ҳам атрофидагилар учун илм, маърифат, иймон ҳамда эзгуликларни юксалтиришда фойдаланмасликни улар берилган неъматга ношукрлик ва вақтга ҳурматсизлик бўлади, деб ҳисоблашар эди. Хорижга сафар қилганимда шундай бир аллома билан учрашиш бахти менга насиб қилган эди.

Азизлар, эҳтимол «Ўгай она», «Қайнона» романларини, «Саодат асри қиссалари» китобини ўқигандирсиз. Бу асарлар муаллифи Аҳмад Лутфи билан кўришмоқ умидида Туркиянинг Бурса шаҳрига бордик. Университетнинг илоҳиёт факультети декани ниятимизни билиб, алломага қўнғироқ қилдилар-да, «Хўжам ҳозир келадилар», дедилар. Биз «у киши уйда эканлар-у бирор соатларда келиб қолар эканлар», деб ўйлаб, кутдик. Тахминан икки соат кутдик. Декан яна бир қўнғироқ қилдилар-да, «Хўжам ғоят банд эканлар, ҳузурларига чиқа қолайлик», дедилар. Аҳмад Лутфи биз кутаётган хонадан икки қават юқорида, ўз кутубхоналарида иш билан банд эканлар. Суҳбатимиз охирида ўзбек китобхонлари номидан у кишини шаҳримизга таклиф қилдик. «У ерга бориб нима қиламан, мен қиладиган зарур иш борми?» дедилар. Декан эса кулимсираганча деди: «Хўжам сафарда юриб вақт сарфлаш-

ни ёқтирмайдилар. Вақтни гоятда қадрлайдилар. Ўтган йили хориждаги илмий кенгашга юборган эдик, мажлисдаги сафсатабозлик ёқмай, эртасигаёқ қайтиб келдилар...»

Фалак ва ер тинмай айланар экан, инсонлар ҳолати ҳам енгилик ва қийинчилик, бойлик ва камбағаллик, саломатлик ва хасталик, хурсандчилик ва маҳзунлик, машаққат ва роҳат орасида айланаверади. Булар ақли бор кимсаларга бир дарс, қалби борларга панду насиҳат, басират эгаларига ибратдир. Аммо ақл эгалари тафаккурдан, қалб эгалари шуурдан, басират эгалари ибрат назаридан маҳрум бўлсалар, улар учун кеча ва кундузнинг алмашинуви ҳеч қандай маъно касб этмайди. Вақт – олий муаллимдир. Аммо, не кўргиликки, у барча ўқувчиларини ҳалок қилади. Ҳа, вақт чиндан ҳам кескир қиличдир, у ҳеч нарсага қарамай ўтади-кетади. Инсон эса вой-войлаганича қолаверади. Бизнинг «вақт ўтмоқда» деган ўйимизда андак хатолик бор, вақт эмас, ўзимиз ўтиб боряпмиз.

Азизлар, агар бир одам вақтнинг шариф ва азиз бир нарса эканини ҳис эта олса, ишонингки, у одам умрини роҳат ва фароғатда кечиради. Вақт нақд олтиндир, уни зое этганларнинг бозор айланиб, бўш қўл билан қайтганлардан фарқлари йўқдир, бунга диққат қилиш шарт. «Молу пулинг кетса кетсин, бироқ, вақтинг зое кетмасин», дейдилар. Вақтни фойдали ишларга сарф этишни билган киши молу дунёсини ҳам керакли жойларга сарфлашни билади ва саодат йўлида унга тўсиқлар бўлмайди.

Мазкур мавзуга илова равишда ақл исрофи мавжудлигини айтиб ўтмоқчиман. Кишининг бир илми ёки ҳунарни эгаллаб, сўнг бошқа ишлар билан шуғулланиб юриши ана шу исрофга кирадики, бу ҳақда аввалроқ ҳам тўхталган эдим.

Ҳар биримизни исроф васвасаси ҳар он, ҳар дақиқа, ҳар қадамда таъқиб қилади. Демак, исрофдан сақланиш лозимлигини бир нафас ҳам унутмаслигимиз шарт экан. Бу йўлда ҳамиша зийрак бўлиш фазилатига эга бўлишингизни тилаган ҳолда кейинги мавзуга таклиф этаман.

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЮРАКНИНГ ҲАҚИҚИЙ КЎЗГУСИ

ҚИММАТБАҲО ГАВҲАР

Ҳаё дилни равшан қиладиган бир нурдирки, инсон ҳар вақт шу маънавий нур зиёсига муҳтождир. Иффатнинг пардаси, виждоннинг ниқоби – ҳаёдир. Ҳаё пардаси ила ўралмиш инсонларнинг иффат пардаси йиртилмас. Бу чодир шундай муборақдирки, анча-мунча хатоларни беркитиб йўқ қилур. Агар дурга садаф парда-ю либос бўлмаса эди, сувга қўшилиб йўқ бўлиб кетмасмиди?

Бир ҳукмдор хизматчисининг хотинига хуштор бўлди. Хизматчини бир баҳона билан сафарга жўнатди. Шомдан сўнг хотинни хобхонасига чорлади ва барча эшикларни ёпишни амр қилди. Хотин амрни бажарди. Ҳукмдор «Эшикларни беркитдингми?» деб сўради. «Уй эшикларини маҳкамлаб ёпдим, лекин ҳарчанд уринмай, бир эшикни беркита олмадим», деди хотин. «Қайси эшикни айтяпсан?» деб ажабланди ҳукмдор. «Ҳаё ва иффат эшикларини», деб жавоб берди хотин. Ҳукмдор бу жавобдан уялди. Ундаги ҳаё ҳам уйғониб, хотиндан узр сўради.

Ҳа, дунёвий қонун тақиқламаганни иффату ҳаё тақиқлайди.

Бу ривоят Қудсий ҳадисни ёдга солади: «Эй, Одам фарзанди! – дейди Аллоҳ Таоло биз бандаларга хитобан. – Албатта, соч ва соқолнинг оқи Менинг нурумдандир. Мен нурумни ўз дўзахим оловида куйдиргани ҳаё қиламан. Шундай экан, сен ҳам Мендан ҳаё қилгин».

Пайғамбаримиз алайҳиссалом «Ҳаё иймон шохчаларидан биридир», деганлар. Зийраклик билан кузатсак, ҳар бир одамда ўзига яраша уят бўлади. Ўғри ҳам, фоҳиша ҳам уятни ўзича тушунади. Лекин ҳаё фақат виждонли қалбда бўлади. Шунини фарқламоқ лозим. «Ақл ва ҳаё ажралмас дўстдир, – дейилади «Калила ва Димна» асарига. – Бири йўқолса, иккинчисини ҳам топиб бўлмайди». Зеро, уятдан қизарган юз қора қалбдан яхшироқдир. Шарму ҳаё ниқо-бидаги чеҳра қутида сақланган қимматбаҳо гавҳарга ўхшайди.

Умидимиз юлдузлари, «ҳали ёшман, ҳаё фазилатини сал улғайганимдан кейин эгалласам ҳам бўлади», деб ўйлаётган бўл-

сангиз, янглишибсиз. Агар 15-16 ёшга кириб ҳали бу фазилатга эга чиқмаган бўлсангиз, анча кечикибсиз. Бу камчилигингизга барҳам беришга шошилинг. Чунки эртанинг ота-онаси, келажак наслнинг суянчиғи ва муаллими бўлмиш эр-хотиннинг зиммасида кўп масъулият мавжуд. Шулардан бири иффат ва ҳаё фазилатига эга бўлиш ҳамда уни қадрлаш, эҳтиётлаш бурчидир. Ким табиатан хунук бўлса, уни ҳеч ким айбламайди. Аммо иффати ва ҳаёси хунук бўлса, жамият ундан юз ўтиради. Фақат ўзигина лаънатланмайди, ўтган насаби-ю туғилажак наслига ҳам нафрат ёғилади. Бугун «бу беҳаё фалончининг қизи», деб маломат қилсалар, эртага «бу иффатсиз хотин фалончининг онаси», деб фарзандини ҳам хижолат қилаверадилар. Демак, ҳаёли бўлиш ё бўлмаслик билан ҳар бир инсон насабу наслига ё шараф келтиради ё лаънат. Шу боис фарзанд тарбияси айнан ҳаё тарбиясидан бошлангани мақсадга мувофиқдир.

Тилимизда «иффат», «шарм», «ҳаё» каби атамалар бор. Булар маънодош сўзларга ўхшаса-да, ҳар бирининг ўзига хос маъноси мавжуд бўлгани ҳолда **«уят»** дейилмиш сўз тушунчасига боғланди. Масалан, «шарм» уятни англатади, «фалончи шарманда бўлди» деганимизда эл аро уятга қолди, деб тушунамиз.

Ривоят. Бир ҳасадчи хотин ён қўшниси бўлмиш ҳаёли хотинни кўрарга кўзи йўқ эди. У ҳасад ва адоватнинг зўрлигидан бир кеча ўзининг кенжатой ўғлини ўлдириб, ҳаёли хотиннинг ҳовлисига ташлади. Эрта тонгда ҳукмдор ҳузурига бориб: «Ўғлимни қўшним ўлдирди!» деб дод-фарёд қила бошлади. Ҳукмдор фаросатли одам эди. Ҳаёли аёлни чақириб сўроқ қилди. Ҳаёли хотин бундай ярамас ишдан беҳабар эканини, ўзининг мутлақо бегуноҳлигини сўзлади. Шунда ҳукмдор унга дедики:

– Агар алдамаётган бўлсанг, ҳузуримизда либосларингни ечиб, қип-яланғоч турасан. Шундагина сўзларингга ишонажакмиз.

Ҳукмдор бу шартни айтиш билан унинг ҳаёли хотинми ё йўқ эканини аниқламоқчи эди.

Ҳаёли хотин ҳукмдорнинг талабини эшитиб, бошини қуйи эгди-да, деди:

– Бу ҳолга тушганимдан кўра ўлганим афзал. Мен бу шармандаликни сира қабул қила олмайман. Буюринг, айбим бўлмаса-да, мени қатл этсинлар...

Ҳаё – юракнинг ҳақиқий кўзгуси, деб бежиз айтмаганлар. Аёлнинг сўзлари ҳаёсини, ҳаёси эса юрагининг пок эканини кўрсатди. Ҳукмдор бу бокира аёлга дилида офаринлар айтиб, уни чиқариб юборди-да, ҳасадчини чақиртириб:

– Агар ҳузуримизда ечиниб, қип-яланғоч бўлсанг, даъвоинг тўғри эканига ишонармиз ва қўшнингни қатл этажакмиз, – деди. Тухматчи хотин ҳукмдорнинг бу талабини фикр ҳам қилиб ўтирмай, ечинмоқни бошлади. Шунда ҳукмдор уни тўхтатиб:

– Сен туҳматчи экансан. Бу қабиҳ ишни ўзинг қилиб, номусли аёлни айблагансан. Ҳаёсиз ва номуссизлигингни ўзинг исбот этдинг, – деб уни жазога ҳукм қилди.

Ҳаёсизлик инсонга бало эшигини очади, деганлари шу-да!

«Иффат» атамасининг маъноси бир оз кенгроқ. Аҳли донишнинг баёнига кўра, иффат – поклик ва маъсумликни англатади. У комил инсон учун талаб этилувчи тўрт фазилатнинг учинчисидир, яъни ҳикмат, шижоат, иффат, адолат. «Иффат» дейилганда шаҳват, яъни лаззат ва манфаатга бўлган интилишнинг ақлга бўйсундирилиши тушунилади ва у **етти** нарсани ўз ичига олади.

1. Ҳаё – уят ва енгилтаклик ҳисобланган ишлардан тийилиш.

2. Ҳусни ибтидо – яхши хислатларни эгаллаш ва имкон борича ўз яқинларининг оғирини енгил қилишга ҳаракат қилиш.

3. Сабр – нафсоний қувватларни жиловлаш.

4. Қаноат – еб-ичмак ва кийинмакнинг бориға рози бўлиб, имкон ва зарурат даражасидан ортиғини талаб қилмаслик.

5. Виқор – талаб қилинган нарсаларға эришишга бўлган ишонч ва бу йўлга шошма-шошарлик қилмасликдир. Виқор – вазминлик, улғуворлик, матонат. «Виқор шамин ўчир» дейилганда мағрурликни емирмоқ назарда тутилади.

6. Хайрият – маишатни ҳалол кечиритиш, молни яхшилик билан топиб, яхшиликка сарф қилиш. Хайрият – эзгулик демак.

7. Саховат – ачинмасдан, қизғанмасдан, ҳаддан ошмасдан, молни керакли ўринларда ўзига, яқинларига ва муҳтожларға сарф қилиш малакаси.

Имом Ғаззолий ёзадилар: «Ким иффат билан хулқланса, саховатли, ҳаёли, сабрили, кечиримли, қаноатли, парҳезкор, латиф, зариф, барчаға кўмакчи, бетамаъ бўлади. Агар иффат меъёридан ошса ёки кам бўлса, ҳирс ва очкўзлик, қўполлик ва беҳаёлик, исрофгарчилик ва хасислик, риёкорлик ва шармсизлик, ҳасад, ичқоралик, бойларға ялтоқланиб, камбағални камситиш каби иллатлар юзаға чиқади».

Мухтасар тарзда айтилса, иффат – ёмон нарсалардан ўзини пок сақлаш, демак. Бизда уят маъносида қўллаш расм бўлган. Масалан, баъзан «пул сўрашдан уялди», демай, «пул сўрашға иффати йўл қўймади», деймиз. Бу ўринда иффатнинг фақат бир шохчаси назарда тутилади.

Биз ҳаётда иффат ва ҳаё фазилатини кўпроқ аёлларга хос деб биламиз ва талабимиз ҳам шунга қараб бўлади. «Иффатли ёки ҳаёли йигит» деган сифатни кам эшитамиз. Ҳолбуки, бу баёнимиздан аниқ кўриниб турибдики, «иффат» фазилати қиз учун қанчалар ҳусн бўлса, йигит учун ҳам шундайдир. Бу борада талаб бир, жавоб ҳам бирдир. Қадимда иффатли кишини «иффатмаоб», деб, покдомонликни эса «иффатпаноҳ» деб атаганлар.

Дунёда шундай одамлар учрайдики, ҳаёнинг нима эканини яхши билади, аммо ҳаёсизликдан ўзни тиймайди. Ҳазрати шайх Абдуллоҳ Манозил (қ.с.) бундай кишилар ҳақида дедиларки: «Мен ул кишидин таажжуб этарманки, ҳаёдан сўз айтиб, ўзи Аллоҳ Таолодан ҳаё қилмағай».

Ким фарзандини кичиклигидаёқ ҳаёсизликка ўргатса, уларни, катта бўлишгач, ҳаёга ўргата олмайди. Ота-она болага ҳаё ҳақида ўғит қилади. Агар бола бу фазилатни эгаллаб олмаса – инсонийликдан маҳрум бўлади. Ҳаёсизларнинг ёмон ўлим топишини тарих кўп марта тасдиқ этган. Болага бир ёки юз мартаба «ҳаёли бўлиш керак», дейишнинг ўзи кифоя қилмайди. Аввало, ота-онанинг ўзи ҳар бир ҳаракати ва сўзлари билан боласига ибрат бўлиши керак. Бола кўчада ёки телевизорда кўрган ҳаёсизликларини тарозининг бир палласига қўйсақ, ота-она иккинчи палласига қандай тарбияни қўяди?

Умидимиз юлдузлари, айбга буюрманг-у, айрим тенгдошларингизни баъзан тушунмай қоламан. Радио ёки телевизорда берилаётган беҳаё қўшиқларни маъносига эътибор бермай, дарров ёдлаб олишади-ю хиргойи қилиб юраверишади. Қани айтинг-чи, бизнинг қизлар йигитга тик қараб туриб: «Мен сизни севаман! Мени қучоғингизга олинг!» дейдими? Демайди! Табиатан шундай яралганки, қушларнинг модаси эмас, эркаги сайрайди. Ашулачи қизлар эса аксинча. «Бировнинг ёрини олдим омонат», дейди, «қачон келасан, юрагим кутмоқда», дейди, ҳатто «келсанг, тиззамга ўтқазиб новвот чой қилиб бераман», дейди. Беҳаёликни биз санъат ўрнида кўрмаймиз. Бу санъатни булғашдир. Шунинг учун азизларим, қўшиқ эшитганда ёки кинофильм кўрганда зийрак бўлинг, беҳаё қўшиқ ва томошаларга маҳдиё бўла кўрманг.

Ўзингиз айтинг-чи: кейинги йилларда пайдо бўлган «клип» деб номланувчи беҳаёлик томошасида санъатнинг ҳеч бўлмаса зарраси борми? Унда ярим яланғоч ҳолда рақсга тушаётган қизлар беҳаё қилиқлари билан санъат асари яратяпмиз, деб ўйлашса хато қилишади. Ёш қизларимиз эса уларни томоша қилаверади-лар. Жоҳилликлари туфайли уларга эргашаверади-лар. Тўйларда

шундай беҳаё ашулаларга қиз-жувонлар рақсга тушадилар. Ҳозир куёвнинг келин белидан ушлаб Европача рақсга тушиши ҳам одат тусига кириб бораётганмиш. Биз нима ҳам дердик, уялмасангиз ундан баттар қилиқларни ҳам қилаверинг. Аммо эртами-индин ҳаёсизлик оқибатида оила бузилса, бировлардан ўпкалаб юрмасангиз бас. Бизнингча, куёв тўранинг, айниқса, келинпошшанинг тўйдаги энг гўзал ҳолати – ҳаё билан ўтиришидир.

«Калила ва Димна»да ибратли фикр бор: «Ҳаёни қўлдан берган одам кек сақлайдиган ва сўкинадиган бўлади. Ғам пардаси унинг ақлини қоплайди, фаросати, зеҳни-заковати озаяди. Бундай бахтсизликка мубтало бўлган одамнинг бутун қилган иши, сўзи ҳаммага ёмон кўринади. Берадиган маслаҳатлари ўзига зиён етказади. Илгари уни яхши, деб юрган дўстлари энди уни ёмон деб ҳисоблайдилар. Бошқаларнинг гуноҳини ҳам унинг бўйнига тўнкайдилар».

Дунёда чиройли нарсалар кўп, аммо улардан-да чиройлироқлари ҳам мавжуд: эрларнинг ҳаёли бўлишлари ғоят гўзалдир... Ҳаёсиз эрни «сурбет» деб ҳам маломат қиладилар. Нақдирки, ҳазрати имом Абу Ҳанифа (қуддиса сирруҳу) ҳаммомга кирдилар. Кўрдиларки, биров лунгисиз ўлтирибди. Кўзларини юмдилар. У киши айтдики, «Эй, имом! Кўзингнинг нурини қачон олдилар?» Дедиларки: «Сенинг парданг ва ҳаёингни олгандан бери».

Ҳазрати шайх Ҳотами Асомнинг муборак қулоқлари аслида кар эмас эди. «Ҳотами Асом» дейишларининг сабаби шулки, бир куни у зотнинг ҳузурларига масала сўраш учун бир хотин келди. Гаплашар экан, ғафлат босиб, у аёлдан ел чиқди. Ҳотам ҳазратлари ўзларини эшитмаганга олиб: «Баландроқ гапиринг, қулоғим оғир, эшитмайман», дедилар. Токи у хотин уялмасин, хижил бўлмасин учун шундай дедилар. Хотин саволини баланд овозда сўради. Ҳотам ҳазратлари жавоб қайтардилар. Ўша хотин билиб қолиб маълул бўлмасин, деб ўн беш йил давомида ўзларини карликка солиб юрдилар. Хотин охиратга равона бўлганидан кейингина буни давом эттиришни лозим кўрмадилар. Буни ҳам эрларга хос иффат кучи дерлар.

Ҳаёсини йўқотган одам ҳар қандай пасткашликка ҳам рози бўлиши мумкин. Агар у бир кетган ҳаёнинг қайтиб келиши мушкул эканини англай олса, балки ўзини ўзи тарбия эта олармиди? «Ўзингдан ҳам худди бошқа одамлардан орлангандек орланишинг ва бир ўзинг бўлиб туриб ҳам бошқалар билса-билмаса, бундан қатъи назар, бари бир ёмон ишдан тортилишинг керак. Аммо ҳаммасидан ҳам ўз виждонингдан уял», деб ўтит берган Демокрит ҳақли эди. Одамлар ҳузурида уялиш ҳам яхши фазилат, лекин бундан ҳам афзали ки-

шининг ўз-ўзидан уялишидир. Уятдан қизариш – яхшилик либоси ҳисобланади. Чунки, одамнинг маънавий камолотда қай поғонага кўтарилганини нимадан уялиши ва уялмаслигидек аниқ кўрсатиб берадиган нарса йўқ. Яна бир ҳақиқатки, ҳаё ва иффат ҳайвонларда йўқ. Уларнинг юзлари уятдан қизармайди. Буни тушуниб етиш ҳам фазилат. Иффат ва ҳаё барча иллатлар йўлидаги ишончли тўғондир. Агар бу тўғон бўлмаса, кишининг ҳаёт йўлига иллатлар сели ёпирилади. Уялмасанг – ғийбатдан бўшама, уялмасанг – пора ол, уялмасанг – бузуқлик балчиғига бошинг билан шўнғи, уялмасанг – зулм қилавер, уялмасанг – бахил бўл...

Умидимиз юлдузларининг оз қисмида бу соҳада камчиликлар кўринади. Шукрларким, кўп қисми ўзларида иффат ва ҳаё фазилатини тарбия қиляптилар. Бу тарбиянинг оқибати уларнинг порлоқ келажакларидир.

ВАФО ГУЛИ

«Одамий бўлса вафо андин йироқ, ит вафо бобида андин яхшироқ», деб ёзганлар ҳазрат Алишер Навоий.

Инсон табиатига хос шундай фазилатлар борки, бирини иккинчисидан айирган ҳолда тарбия этиб бўлмайди. Иффат ва ҳаё, садоқат ва вафо шулар жумласидандир.

Вафо ва садоқат солиҳ бандага хос алоҳида гўзал фазилат ҳисобланади.

Садоқат адолатга хос хислатлардан бўлиб, чин дўстлик демакдир. Яъни, киши ўзига раво кўрганни ўзгага раво кўриб, ўзига раво кўрмаганни ўзгага ҳам раво кўрмаслигини айтиб ўтиб эдим.

Вафо кишининг ўз навъига, хусусан, яқинларига мардона муносабатда бўлишидир. Вафони биз кўпроқ эр ва хотин орасидаги ишқий муносабатга нисбатан қўллашга ўрганиб қолганмиз. Ҳолбуки, бу атаманинг қамрови кенгроқдир. Вафо қайси муносабатда бўлмасин, аҳдда, ваъдада туриш демак.

Ҳазрат Навоийдан байт:

*Бу даҳр ажузекки, вафоси йўқ анинг
Бир фоҳишаедекдурки, ҳаёси йўқ анинг.*

Мазкур байтда «вафо» сўзи «маккора замонанинг вафоси йўқ» деган маънода қўлланилган. Оламда абадий ҳеч нарса бўлмагани учун мумтоз адабиётда дунёга, хусусан, инсон ҳаётига «вафосиз»,

деб сифат берадилар. Ҳолбуки, дунёни яратган Холиқ абадийликни ваъда этмаган, аксинча, бу дунёнинг ўткинчилигини қайта-қайта таъкидлаган. Шу нуқтаи назардан дунёни бевафоликда айблаш галати туюлади.

«Вафо» баъзи ўринларда «доимийлик» ёки «абадийлик» маъносини ҳам беради:

*Ангаким жаҳондин вафо этмади,
Жаҳон ичра тинмади, то кетмади.*

Мумтоз адабиётда «вафо» сўзининг «ишонч» маъносида қўлланганига ҳам гувоҳ бўламиз:

*Ки билса жаҳонга вафо йўқ турур,
Жаҳон аҳлига ҳам бақо йўқ турур.*

«Вафо аҳли» дейилганда вафодорлар, аҳдида турувчилар назарда тутилади. Бу хушхулқ эгаларини «қавлимаҳкамлар» ҳам деб атайдилар.

«Вафо гули» – аҳдида туришлик. Бу атама сафо-покликни ҳам англатади.

«Вафо жоми» – ёридан вафо кўришлик:

*Ҳар киши ҳам қилса вафо жоми нўш,
Кўнгли муҳаббат майидин урса жўш.*

Вафо хусусида ҳазрат Алишер Навоий гўзал ва мукамал таърифлар берганларки, ўзимдан бир сўз қўшмоқ ҳам одобсизлик бўлур, деган мулоҳазада баённи айнан келтираман: «Карам ва мурувват – халқни вафодек бир яхши сифатдан маҳрум кўрибдилар ва уни топиш учун йўқлик дунёси томон кетибдилар.

Жаҳон гулшани вафо гули зийнатидан бўшаб қолган, башарият гули вафонинг муаттар ҳидларидан айрилган. Дунёнинг қоронғи тупроқхонасини вафо шамъи ёритмаяпти ва замон бевафолар кўнгли билан улфатлашяпти. Вафонинг нарғис гули давр чаманига кўз солмайди ва кишиларнинг кўнғил ғунчасида кўролмаслик ва ҳасаддан ўзга нарса топилмайди.

Вафо – шундай бир покиза кўнгулли маҳбубаки, у табиати ва кўнгли пок бўлмаган кимсага ром ва улфат бўлмайди; вафо шундай покзот бир матлубаки, у зоти тоза, табиати пок бўлмаган одамга

яқинлашмайди ва унга рағбат кўрсатмайди. Вафо – шундай асл гавҳарки, у инсоният тожиги зийнатдир. Лекин дунёда вафога лойиқ инсон йўқдирки, бу унинг бошидаги жиғада порлаб турса. Аммо олам элида одамийлик йўқдир. Шунини ҳам унутмаслик керакки, вафо – ҳаё билан пайваста, ҳаё ҳам вафо билан боғлиқдир.

Карам ва мурувват ота ва онадирлар; вафо билан ҳаё эса буларнинг икки эгизак фарзандларидир. У икковида қанча равшанлик ва софлик бўлса, бу икковида ҳам шунчалик жипслик ва бирлик бор. Ҳар бир юракда вафо бўлса, у ерда ҳаё ҳам бор ва ҳар масканда у топилса, бу ҳам барқарор. **Вафосизда ҳаё йўқ; ҳаёсизда вафо йўқ. Агар, кимда бу икки сифат бўлмаса – унда иймон ҳам йўқ. Ва агар кимда иймон бўлмаса, унда одамийлик ҳам йўқ...**

Камолга етган одамлар – ҳаёли; камол топмаганлар – нуқсонли ва ҳаёсиз.

Вафо билан ҳаё оламнинг қоронғи жойидан ўтиб, йўқлик (ломакон) оламидан ўрин олганлар. Шундай қилиб, улар ўзларини бир-бирлари билан овутибдилар. Қолган вафосиз беҳаёлар эса уларни унутибдилар.

Ҳар кимга бир вафо кўрсатдим, ундан юз бевафолик кўрмагунча қутулмадим; ҳар ким билан бир меҳр-муҳаббат муомаласида бўлдим, минг жабру жафо тортмагунча халос бўлмадим. Байт:

*Кимга қилдим бир вафоким – юз жафосин кўрмадим?
Кўргузиб юз меҳр, минг дарду балосин кўрмадим.*

Давр бевафоларининг жабридан дод! Ва замон беҳаёлари зулмидан фиғон ва фарёд! То олам пайдо бўлганидан бери бу ўтда ҳеч ким менчалик ўртанмаган; то бевафолик бошланганидан бери ҳеч ким мен каби бу алангада ёнмаган. Замон кишилари бевафолигидан бағримда тиконлар бор ва давр халқи беҳаёлигидан кўксимда яралар бор. Булар ҳақида ёзай десам, катта чидам менга вафо қилмайди ва барчасини қаламга олай десам, узоқ умр давомида ҳам тугатиб бўлмайди.

Ҳақ уларга инсоф ва раҳм бергай ва ёки бу маҳрум жафокашга сабру чидам ато қилгай!»

Шоир ҳазратларининг нолишларини айнан англаб, тушкунликка тушмаслик, «дунёни бевафолар босиб кетибди» деб ваҳима ҳам қилмаслик керак. Фоний дунёда иймон эгалари бор экан, вафодорлар ҳам бор. Иллат эгалари, хусусан, аҳдига вафо қилмайдиганлар қай ерда озроқ, қай ерда кўпроқдир. Буни ҳеч ким санаб кўрмаган. Бундайлар оз бўлган тақдирда ҳам жамият учун нохушдир. Олимлару

шоирлар мазкур ҳолатни назарда тутиб, бошқаларни шу зайлда огоҳлантириб турадилар.

Тўғри, дунёда беҳаёллар, бевафолар кўпга ўхшаб кўринади. Аммо вафоли ва ҳаёлилар улардан жабр чексалар-да ҳеч қачон тиз чўкмаганлар. Биз ўша бевафо ва беҳаёлларга қараб, вафо ва ҳаё қадрини белгиламаймизми? Бевафонинг бевафолигини, беҳаёнинг беҳаёлигини аниқлаш учун сизу бизга ақл берилган. Бевафо билан беҳаёнинг аянчли охиратини бизларга ибрат учун шу дунёнинг ўзидаёқ кўрсатиб қўйилган. Ёшлигини бевафолик ва беҳаёлик билан ўтқазиб, қариганида хорланганларни кўриб турибмиз-ку! Бизга яна қандай ибрат керак?

Яна бир ибратки, ҳаёт йўлида бевафо ва беҳаёга дуч келинса, фарёд чекиб қочмаслик лозим. Ҳар биримиздаги ҳаё ва вафо куч-қудрати уларга қарши қурол вазифасини ўтайди. Одам боласи бевафо ва беҳаё бўлиб туғилмайди. Адашиш оқибатида ёки нотўғри тарбия туфайли бу руҳий-маънавий хасталикка чалиниб қолади. Шундай экан, уларни муолажа қилишга уриниш ифбат эгасининг бурчи.

«Ваъдага вафо – марднинг иши» деган мақолни эшитгансиз. Ҳа, вафо фақат ерга нисбатан эмас, ўз сўзига нисбатан ҳам бўлиши керак.

Суюкли **умидимиз юлдузлари**, ўзингизга яхшироқ бир қаранг-а: сизда ёки тенгдошингизда баъзан ана шундай вафо етишмай қолади, тўғрими? Бунинг сабаблари: баъзан бир жойга боришга ваъда берадилар-у оила катталаридан рухсат тегмагани учун бажаролмайдилар. Бу ҳолда ваъдалашган кишини дарров огоҳлантириб, узр сўраш керак бўладикки, шундай қилинса ваъдани бажармаслик бевафоликка йўйилмайди. Баъзан эса лоқайдлик ёки эриниш туфайли ваъда бажарилмайди. Масалан, қор ёғаётгани учун кўчага чиқишга эриниб, ваъдалашган жойга борилмайди. Огоҳлантирилмайди, узр ҳам сўралмайди. Буни бевафолик деймиз, гуноҳ эканини ҳам эслатамиз. «Боролмайман», деган ёлғон баҳона билан огоҳлантирилган тақдирда ҳам гуноҳ соқит бўлмайди.

Ваъдада туриш, ваъдага хилоф иш қилиш, ваъдасизлик маънолари лозим маънода ўлчанмайди. Бизда ваъдабозлик кенг тарқалган ва ваъдага вафо қилмаслик оддий ҳол бўлиб қолган. Ҳолбуки, «Арбаин»да таъкид этилганидек:

*Кимки ҳар кимга ваъдае қилди –
Шарт эрур ваъдага вафо қилмоқ.*

Ҳазрат Сўфи Оллоҳёрдан байт:

*Кел, эй содиқки қилдинг сидқ лофин,
Ўланча қилмагил ваъда хилофин.*

Дейилмоқчики, эй Аллоҳ Таолони ва Унинг пайғамбарини ҳақ деб билувчи содиқ банда, энди сен ростлик даъвосини қилсанг, ўлар кунгача ваъдангга хилоф қилмасдан тур. Чунки ваъдада тўғри турмоқ яхши ахлоқнинг юқори мартабасидир.

Юқорида айтганимдай, бир кишининг чақириғига ваъда қилинади-ю, борилмайди ёки кечикиб борилади. У киши ўз ишларини ташлаб, кутиб туради ва хавотирланади. Ваъдасига вафо қилмаган одам унинг ишдан қолганини ва хавотир олганини бир чақага ҳам олмайди. «Ваъда – қарз» эканини, ваъдага хилоф эса мунофиқлик эканини хаёлига ҳам келтирмайди. Ҳатто айрим тенгдошларингиз бажариш ниятида эмас, балки шунчаки суҳбатдошнинг сўзини қайтаришдан уялиб ваъда бериб юбораверади. Бу ҳол ваъдада турмаслик эмас, балки ваъдабозлик нияти билан бўлгани сабабли икки карра қабоҳатдир.

Кишининг лафзида турмоқлиги «вафо гулини очди» тарзида ҳам баён этилади: «Абнойи замонғаким, бир вафо гули очтиким, алардин юз жафо тикани бағрига санчилмади».

Иброҳим Халилulloҳнинг ўғиллари Исмоил алайҳиссалом Маккадан Фаластин ерига бориш учун чиққанларида Абдурахмон исми кимсага йўлиқдилар. Бу кимса дедик:

– Эй, Аллоҳнинг Расули, агар сизлар мени йўлдошликка олсангиз эди, мен ҳам сизлар билан борур эдим.

Исмоил алайҳиссалом кўндилар. У киши яна дедик:

– Уйимда баъзи ишларим бор, бир оз кутсангизлар, уларни бажариб келсам, сўнг бирга борур эдик.

Исмоил алайҳиссалом «Яхши, кутамиз», деб ваъда қилдилар. «Келурман», деб кетган Абдурахмон ваъдасини унутиб, қайтиб келмади. Исмоил алайҳиссалом ваъдаларига хилоф қилмай, ваъда берган ерларида уни олти йил кутдилар. Абдурахмон еттинчи йили шу йўлдан тасодифан ўтиб, Исмоил алайҳиссаломга дуч келди-ю, ваъдасини эслади. Уят эли билан тутдек тўкилиб, йиқилди. Исмоил алайҳиссаломга узрлар дафтарини очиб, оёқлари остига кўз ёш дурларини сочди. Исмоил алайҳиссалом эса лутф билан: «Хуш келдинг, сафо келдинг, айтган сўзингда турдинг», деб тавозе қилдилар.

Жангларнинг бирида Абдуллоҳ ибн Муборак Рум элининг жуда кучли, ҳайбатли аскарлари билан тўқнаш келдилар. Яккама-якка олишдилар, қилич солдилар, гурзи билан урдилар, хуллас, ҳарчанд уринишмасин, бир-бирларини енга олмадилар. Шунда Абдуллоҳ ибн Муборак: «Танаффус қилайлик, жангни тўхтатиб турайлик, мен намозимни ўқиб олай», деб рақибдан озгина муҳлат сўрадилар. Рақибга бу илтимос маъқул келиб: «Яхши, мен ҳам ибодатимни қилиб олай», деб нари кетди. Абдуллоҳ отни соҳилга боғлаб, оқаётган сувда таҳорат олдилар. У одам ҳам ўз эътиқодига кўра нима-лардир қилди. Абдуллоҳ намозни ўқиб бўлиб, дуо қилар чоғларида ўзларича: «Шу одамни отдан ҳеч ағдара олмадим, ҳозир отидан тушган, ҳимоясиз ҳолда ўтирибди. Фурсатдан фойдалансам-у бостириб бориб, ўлдирсам-чи?» деб ўйладилар. Аммо бир қарорга келмай туриб Қуръони Каримдаги: «Аҳдга вафо қилинглари, зеро, аҳд-паймон Қиёмат кунинда сўраладиган ишдир», мазмунли оят эсларига тушди.

Ҳа! Инсон сўз бердими, аҳдлашдими, аҳдида туриши керак! Бунинг ҳисоби бор! Нима учун дуо чоғи, фикр ёмонлик томонга ўзгарганда айнан шу оятни карима **беихтиёр** ёдга тушди? Биз бундай ҳолларда «беихтиёр» дейишга ўрганиб қолганмиз. Ҳа, бу инсоннинг ихтиёридан ташқари. Аммо Аллоҳ Таоло хоҳлагани учун шундай бўлган. Бу ўринда ҳам Аллоҳ Таоло ўз оятини эслатди ва гўё бундай танбеҳ бердики: «Эй, бандам, сен Менинг яхши бандаларимдансан, аҳдга вафо қилиш ҳақидаги оятни унутдингми? Аҳдинга вафо қил!» Оятни хотирлатиш замирида шу маъно яширинган эди. Абдуллоҳ ибн Муборак буни яхши ангадилар ва йиғлай бошладилар. Жангни бошламоқ қасдида яқинлашган рақиб у зотни бу аҳволда кўриб ажабланди:

– Эй, одам, нега йиғлаяпсан? Ўлимнинг яқинлигини сезиб, кўрққанингдан йиғлаяпсанми? – деб сўради.

– Раббим мени сен туфайли йиғлатди, – дедилар Абдуллоҳ.

– Нега? Қандай қилиб? – деб баттар ажабланди рақиб.

– Дуо қилаётган пайтимда сенинг устинга бехос ҳужум қилиб, ўлдириш истаги туғилди. Шу нафаснинг ўзида Аллоҳ Таоло менга аҳдга вафо қилиш ҳақидаги оятини эслатди. Мен бу жангга Раббимнинг розилигини истаб келсам-у, қилмоқчи бўлган ишимни қара! Шунини ўйлаб йиғлаяпман, тўғри йўлимни йўқотганимдан йиғлаяпман...

Бу гапни эшитиб, рақиб ҳам йиғлади ва «Сизнинг динингиз ҳақ дин экан», деб калима келтирди-да, мусулмон бўлди. Инсон қалби қилич билан эмас, шу тарзда гўзал ахлоқ билан эгалланди.

Келин ва куёв никоҳ ўқиладиган пайтда Аллоҳ Таолога: «Сенга муносиб бандалик қиламан», деб аҳд беради. Аҳдга кўра, оила мустақамлигига, бахтига доир қандай талаб бўлса бажариши шарт бўлади. Бунга риоя қилмаса, аҳдини бузган, сўзида турмаган бўлади.

Ривоят. Қадимги араб подшоҳларидан Нўмон ибн Мунзирнинг бири ярамас ва бири яхши икки одати бор эди. У йилда бир кунни «Ғазаб куни» деб белгилаб, кўчага чиқарди-да, биринчи дуч келган одамни ҳибсга олдириб, ўлимга ҳукм қиларди. Яна бир кунни «Марҳамат куни» деб белгилаб, биринчи учраган одамга совғалар берарди.

Тоий лақабли камбағал бир киши «Ғазаб куни»да Нўмон ибн Мунзирга дуч келди. Золим подшоҳ у бечорани ўлдириш қасдида жаллодни чақирди. Шунда Тоий ёлвориб деди:

– Менинг хотиним ва фарзандларим бор. Қунимни ўтказишдан жуда-жуда қийналдим. Оилам оч-яланғоч яшайди. Гадойлик қилиб оиламни зўрға боқиб турибман. Бутун эҳтиётсизлик қилиб, «Ғазаб кунингиз»да сизга дуч келиб қолдим. Биламан, мени ўлдирасиз, лекин ҳозирнинг ўзида ўлдириш ёки кечки пайт жонимни олиш сиз учун фарқсиз бир иш. Мен шаҳардан унча узоқ бўлмаган бир қишлоқда яшайман. Менга рухсат беринг, тиланчиликдан топган озиқ-овқатларимни оиламга олиб бориб берай. Сўнгра оилам ва ёру дўстларим билан хайрлашиб, кунботарда қайтиб келаман. Ваъдамга хилоф қилмайман, бунга ишонинг.

Подшоҳ унга раҳм қилмади, бир кафил топилмагунча рухсат бермаслигини айтди. Нўмон ибн Мунзирнинг суҳбатдоши Шурайк ибн Адий Тоийнинг қабиласидан эди. Тоий унга қараб мурожаат қилди:

– Эй, Шурайк ибн Адий! Мен ўлимдан қўрқмайман. Фақат оч-яланғоч қолаётган оиламга ачинаман. Менга кафил бўл. Уйимга бориб, топганларимни оиламга ташлаб, хайрлашиб олай. Кун ботгунча шу ерга етиб келаман.

Шурайк илтимосни қабул қилди. Подшоҳдан рухсат теккач, Тоий қишлоғига йўл олди. Кун ўтиб, қуёш уфққа бош қўйса ҳам Тоийдан дарак бўлмади. Подшоҳ жаллодни чақириб, кафилликка ўтган Шурайкни қатл этишни буюрди. Шу чоғда узоқдан бир одамнинг югуриб келаётгани кўринди. Шурайк:

– Шошиб келаётган киши Тоий бўлса керак, озгина сабр қилинг, – деб ўтинди.

У адашмаган эди. Тоий терлаб-пишиб, ҳолдан тойганича, ҳансираб кириб келди ва подшоҳга деди:

– Ваъдамга вафо қилдим. Шомга етиб келолмасам, кафилим Шурайк менинг ўрнимга қатл бўлади, деб жуда-жуда кўрқдим. Аллоҳ Таолога шукрки, вақтида етиб келдим. Олижаноб Шурайкдан миннатдорман, энди эса подшоҳим, ихтиёр ўзингизда, «Ғазаб куни»да жон бериш қисматимда бор экан, мен ўлимга тайёрман.

Подшоҳ бу ҳолни кўриб, ҳайрат дарёсига чўмди. Сўнг Тоий ва Шурайкка қараб айтди:

– Сизлардан ажойиброқ кишини кўрмадим. Эй, Тоий, дунёда ҳеч ким учун ваъдага вафо қилиш майдонида турадиган жой қолдирмадинг. Эй, Шурайк, карам, шафқат ва марҳаматинг билан ҳаммани ҳайратга солдинг. Мен сизларнинг учинчингиз бўлолмасам ҳам, олижаноблигингизга қойил бўлиб, бугундан эътиборан «Ғазаб куни»ни бекор қилишга аҳд этдим.

Подшоҳ Тоий билан Шурайкка инъом-эҳсон қилиб, ҳурматлаб, уйларига қайтишга рухсат берди.

Қўлдан келмайдиган, вафо қилиб бўлмайдиган нарса ҳақида ҳеч вақт ваъда бермаслик ва «бу иш менинг қўлимдан келмайди», деб очиқ айтиш зарур. Сўзида турмайдиганни халқда «бебурд» деб ҳам атайдилар. Сўз берган сўзида турсин, сўзидан қайтган кишидан ёмонроқ киши йўқ. Чунки ваъдага вафо қилишни инсонийлик фазилати деб шарафладик. Қўлдан келмаган ишга ваъда бериш яхши хислатлардан саналмайди.

*Бировга ваъда бергил, уддасидан гар чиқар бўлсанг,
Вафо қилмай аҳдинга, бўлма юз қаролардин.*

Қўлидан келмайдиган ишга ваъда берувчиларнинг турли тоифалари бор. Биринчи тоифанинг нияти яхши, кимнингдир мушқулини осон қилишни истайди ва бу ишни зиммасига олади. Сўнг эса ё ҳафсаласизлик қилади ё кучи етмайди-ю бевафолик ботқоғига ботиб қолганини ўзи ҳам билмайди. Афсус шундаки, бундай кимсалар аҳдга вафосиз одамнинг гуноҳга ботишини тасаввур қилмайдилар. Бу тоифанинг ҳам аслида юзи қора, лекин нияти яхши бўлгани сабабли кучли нафрат ўқиға дуч қилмасак ҳам бўлади. Уларга ишонмаслик билан ўзимизни четга олиш кифоя.

Иккинчи тоифанинг вафосизлиги виждонсизлик ва гараз кўлмақларидан сув ичади. Улар ўзларининг бирон ишларини битириб олгунларича олам-олам ваъдаларни бераверадилар. Агар ваъдаларини эслатгудай бўлсангиз, ўзларини йўқотиб қўймайдилар, аксинча «Ҳозир шу масалани ҳал қилаётгандим» ёки «Ҳозир шу масалада ўзингизга учрашмоқчи эдим», деб ёлғон устига ёлғон тўқийдилар.

Яна бир тоифа вазифанинг мушкуллигини ҳис этмай ёки бирор яқин одамнинг марҳамати, ҳиммати ёинки кучига, амалига ишониб ваъда бериб юборади. Ваъдасини бажариш учун ҳаракат қилади. Уддасидан чиқолмагач, уялади, узр сўрайди. Бундай одамлар хатоларини англаб, кейинчалик қуруқ ваъдадан ўзларини тийганлари яхши. Агар хатоларини такрорлайверсалар, одамлар уларни бебурдлар сафига қўшиб иззат қилмай қўядилар. Ҳа, сўзига вафо қилмайдиганларнинг бу дунёдаги биринчи жазоси шундай – одамлар орасида беобрў ва қадрсиз бўладилар.

Болалар ота-оналари, устозлари, дўстларига кўп ваъдалар берадилар-у, бажаришни унутадилар. Болаликда ваъдасини бузаверганлар улғайганда юқорида тилга олинган қайси тоифага тушиб қоладилар, ўзингиз бир мулоҳаза қилиб кўринг-чи? Бевафолар бу иллатни ўзларига йигирма ё ўттиз ёшда юқтирмаганлар-ку!

Одам дунёларга тенг шараф эгасидир. Ит эса жирканч махлуқдир. Аммо яхшилиқни билмайдиган бевафо одам – яхшилиқни унутмайдиган, вафодор итдан пастдир. Вафодор қўтир ит – вафосиз гўзал, барно йигитдан яхшироқдир:

*Бевафо ҳақношунос элдин йироғлиг истаким,
Келмади ҳаргиз алардин гайри бедоду жафо.
Итга итлик айламак жону кўнгул бирла бўлур,
Ҳақшунос ўлса у бўлса анда ойини вафо.*

Дейилмоқчики, яхшилигингга вафо ила жавоб қайтармайдиган одамдан йироқ бўлишга интил. Чунки улардан ҳеч қачон жабру жафодан бошқа нарса келмайди. Итга жону кўнгил билан боғлашиш мумкин, агар яхшилиқни билувчи вафодор бўлса.

Биз гулларни севамиз. Ҳовлимиздаги мўъжаз боғчага (ёки тўрт хонали уйимиздаги тувакларга) турфа гулларни экиб, парвариш қиламиз. Қилган ишимиздан ўзимиз ҳам роҳатланамиз, анвойи гуллар гўзаллигидан меҳмонларимиз ҳам завқ оладилар. Инсоний фазилатлар ҳам гулзор чаманига ўхшайди. Вафо гули бу чаманда алоҳида чиройга эга. Бу чирой барчамизга жуда-жуда ярашишини таъкидлаб, кейинги мавзуга ўтамыз.

СЕВГИНИНГ ЖОНИ

Вақти келганда баъзи нарсалар учун жонни фидо қилиш мумкин. Аммо номусни ҳеч нарсага фидо қилиш мумкин эмас. Чунки номус жондан ҳам қимматлидир. Сувнинг софлиги унга қиймат бергани каби, инсоннинг номуси ҳам унга қадр келтиради.

Сиз Россия телевидениесини кўрасизми ё йўқми, билмайман, лекин уларда кўп бемаъни, ҳатто аҳмоқона суҳбатлар бўлиб туради. Шулардан бирида («Пуст, говорят» – «Майли, гапиришсин») «қиз боланинг турмушга чиқишидан олдин номусли ҳолда бўлиши шартми?» деган мавзуда баҳс юритилди. Эътибор беряпсизми, баҳс юритилди. Чунки студияга тўпланганларнинг ярми «шарт эмас», деган аҳмоқона тўхтама тарафдорлари эдилар. «Аҳмоқона» деб қўполик қилишим боиси – агар қиз боланинг турмушга чиқишидан олдин номусли ҳолда бўлиши шарт бўлмаса, Аллоҳ уни бокира қилиб яратмас эди.

Яна бошқа бир кўрсатувда хотинларни уриш масаласи кўрилатганда «хотинлар номус билан яшасалар эрлар урмайдилар», деган фикр ўртага ташланди. Кўрсатувни олиб бораётган хоним бу фикрга қарши чиққанида иштирокчилардан бири ундан: «Қизингизни бокира ҳолида узатиш бахтидан қувонмайсизми?» деб сўради. Хоним: «Мен учун бу шарт эмас, мен учун қизим йигитни севса бас», деди. Шунда баҳслашаётган йигит «бу кўрсатувда иштирок этишдан ҳазар қиламан», деб чиқиб кетди. Қолганлар эса уни маломат қилишди.

Одобни номусдан, номусни эса одобдан ажратиб бўлмайди. Башарти, униси ҳам, буниси ҳам нурай бошласа ва емирилса, кўркама оила биноти йиқилади, қадрсизланади ва энди нафратдан бўлак ҳеч бир туйғу уйғонмайди.

Умидимиз юлдузлари, мени маъзур тутинг, нафратга лойиқ бу воқеани эслаш, айниқса, баён қилишдан ўзим ҳам гашланяпман. Худога шукр, бизда бундай муаммо йўқ, бундай бемаъни баҳслар йўқ. Лекин афсуски, шу фикрдаги айрим одамлар топилади. Вақти келганда улар ҳам вайсаб қолишлари эҳтимоли борлиги учун огоҳлантириш мақсадида мавзуни шундан бошладим. Шоир Маъруф Жалил айтмоқчи:

*Ота-она меҳрисиз ҳам яшамоқ мумкин,
Аммо мумкин эмас, номуссиз яшаи.*

Номус инсон қалбидаги буткул эҳтиросларнинг энг кўрками бўлиши севгининг жонидир. Ҳа, энг асл гўзаллик – номусда. Инсон ақлининг пойдевори ҳам номус. Номус туйғуси туғма бўлади. Шу учун халқда «номусингни болалигиндан бошлаб асра», деган ҳикмат бор. «Қон билан кирган – жон билан чиқади», деганларидек, номус ота-онадан ўтувчи фазилат. Ота-она покиза бўлса, фарзанд ҳам номусли ҳаёт йўлидан боради. Ота ёки она этагига

номуссизлик балчиғи сачраган бўлса, унинг доғи фарзанд ҳаётида ҳам акс этади.

Номусни ўзига фан қилган одам баъзан қийналиши мумкин, лекин ҳеч қачон хор бўлмайди. Бунга мисол тариқасида бир ривоятни эслаймиз.

Ривоят. Бир тақводор кишининг иффатли ва ҳаёли хотини бор эди. Унинг исми Маъсума эди. Иттифоқо, у киши ҳаж ибодатига отланди. Ўз укасига: «Уйимдан хабардор бўл!» деб васият қилгач, сафарга жўнаб кетди. Бир неча муддат ўтгач, хотин ҳузурига эрининг укаси – қайниси келди ва эшик тирқишидан ичкарига мўралаб, унинг чиройини кўргач, кўнгли шайтоний йўлга мойил бўлди-ю ака-укалар орасидаги шарм-ҳаё ҳам ёдидан кўтарилди. Ичкарига кирди ва янгасига ўз ишқини изҳор қилди. *(Шу ўринда хотин эрининг дўсти у ёқда турсин, қайин оғаси ёки қайин укаси ёки бошқа яқин қариндоши, хусусан, эрининг тоғаси ва амакиси билан ҳам уйда ёлғиз қолиши мумкин эмаслигини эслатиб қўйишни лозим топдик.)* Хотин номусли ва покдомон эди. Қайнисининг сўзларини эшитгач: «Эй, беҳаё, уялмайсанми? Эй, беномус, ор қилмайсанми? Бу сўзларингдан қайт, ҳожатингга мендан раво истама ва муродинг мендан ҳосил бўлмайди. Ҳаргиз зино қилиб номусимни барбод этмагайман ва ҳаётимнинг соф чашмасини бу жинойтнинг андуҳи билан ифлос қилмагайман», деди. «Мен билан бирга бўл ва муродимни ҳосил қил! Агар рози бўлмасанг, жонингга қасд қилурман», деди йигит. «Жондан кечсам-кечаман, аммо бундай гуноҳ йўлга қадам қўймайман», деб жавоб берди хотин.

Йигит тўрт нафар ёлғон гувоҳни топиб, хотинни қози маҳкама-сига олиб борди. Улар хотинни зино қилишда айблаб, ёлғон гувоҳлик бердилар. Қози уларга ишониб, хотинни ўлимга ҳукм қилди. Гуноҳсиз хотинни биёбонга олиб бориб, тошбўрон қилдилар. Аммо Аллоҳ Таоло унинг жонини омон сақлади. Хотин ҳушидан кетиб йиқилди. Одамлар «ўлди» деб гумон қилишиб, хотинни ташлаб, изларига қайтдилар.

Хотин ҳушига келиб, оҳ чекиб, нола қилди. Шу яқиндан ўтиб кетаётган араб тошлар орасидан келаётган юракни эзувчи нолани эшитди. Хотиннинг ноласига тошлар ҳам эрирди. Араб хотиннинг аҳволига ачинди. Уни тошлар орасидан четга олиб чиқди-да ўзи билан олиб кетди. Маъсума тузалгач, унинг қадди-камоли аслига қайтди. Буни кўрган араб Маъсумани ўз никоҳига киритишга ҳаракат қилди. Маъсума арабга ўз эри борлигини айтиб, бошидан кечирганларни ҳикоя қилди.

Араб художўй ва раҳмдил киши эди. Маъсумани «синглим» деб атаб, уни ўз ҳимоясига олди. Арабнинг бир хизматкори бор эди.

Ниҳоятда бадкирдор ва ҳаёсиз эди. У Маъсумага ошиқ бўлди ва ўз аҳволини унга изҳор қилиб, ҳожатини раво қилишини Маъсумадан талаб этар экан, «агар рози бўлмасанг, сендан ўч олурман», деб кўрқитди.

Маъсума рад жавобини берди. Арабнинг ҳали ёшига етмаган ўғли бор эди. Араб фарзандини ниҳоятда ардоқлар ва севарди. Хизматкор шум ниятини амалга оширди: боланинг бошини кесиб, унинг қонидан Маъсуманинг кўйлаги этагига суртди ва қонли пичоқни унинг ёстиғи остига қўйди. Эртаси куни болани ўлик ҳолда кўрдилар. Маъсуманинг этагидаги қонга кўзлари тушди. Қонли пичоқни унинг ёстиғи остидан топдилар. Фарзанд доғига куйган араб ва ўзини қайғули қилиб кўрсатган хизматкор Маъсумани аёвсиз калтакладилар. Аёл ўлар ҳолга яқинлашганда Аллоҳ Таолога муножот қилди: «Эй, Худойим! Кўриб турибсан, гуноҳим йўқ, Ўзинг қўлла! Ўзинг билиб турибсан, додимга ет!»

– Эй, Маъсума, – деди араб, – кўзимнинг оқу қорасини нима учун ўлдирдинг?

Маъсума «Мен ўлдирганим йўқ», деб қасам ичди-да, хизматкор билан бўлган можарони сўзлаб берди. Араб унинг рост гапираётганига ишонди. Маъсумага тўрт юз дирҳам олтин бериб, «ўғлимнинг онаси фарзанди фироқида сенинг жонингга қасд қилмоғи муқаррар, уйимдан чиқиб кетганинг маъқул», деди.

Маъсума тўрт юз дирҳамни олиб уйдан чиқди-да, боши оққан томонга қараб кетди. Шаҳар четига етганда йўл устида қурилган дорга кўзи тушди. Дор атрофига оломон йиғилган эди. Маъсума улардан тўпланиш сабабини сўради.

– Шаҳар амирининг бир одати бор: агар кимда ким хирож тўла-маса, уни дорга остиради. Дор остидаги йигит хирожни вақтида тўламабди, шунинг учун ҳозир жони олинади, – деб жавоб бердилар.

– Унинг қарзи қанча экан? – деб сўради Маъсума.

– Тўрт юз дирҳам, – дедилар.

«Менинг тўрт юз дирҳамим бор. Муслмончилик йўлида бу йигитнинг қарзини бериб, уни ўлимдан халос қилай. Менинг ризқимни Худонинг ўзи етказар», деб олтинни бериб, йигитни дордан қутқазди.

Йигит жазодан қутулгач, ташаккур айтиш учун Маъсуманинг олдига келиб, унинг ҳусну жамолини кўрди-ю қалби ишқ дорига осилди. Маъсумадан висол талаб қилди. Маъсума рад жавобини берди. Аммо йигит унинг изидан эргашиб кетаверди. Ниҳоят, дарё лабига етдилар. Маъсума кемага тушмоқчи бўлди. Бироқ, номард

йигит: «Бу хотин канизагим эди, мендан қочиб бу ерга келибди», деб туҳмат қилди. Кеманинг эгаси савдогар эди. Йигитга ўн минг дирҳам санаб бериб, Маъсумани сотиб олди. Кейин унга яқинлашмоқчи бўлди. Маъсума фарёд чекиб: «Мен чўри эмасман, озод кишиман, эрим бордир», деди. Маъсуманинг фарёдини эшитган кемадагилар уни савдогар қўлидан қутқариб олдилар. Аммо унинг жамолини кўришгач, барчалари унга ошифта бўлиб, унинг билан бирга бўлишга қасд қилдилар. Маъсума нола қилиб Худога ёлборди. Марҳамат ва қудрат эгаси Аллоҳ Таоло кемага ўт юборди. Шум ниятчиларнинг барчалари ҳалок бўлдилар. Кемада Маъсуманинг якка ўзи қолди. Қаттиқ шамол туриб, кемани дарё қирғоғига олиб борди. Маъсума яна бир балога гирифтор бўлмаслик учун эркакча кийиниб кемадан тушди-да шаҳар амирининг ҳузурига борди.

– Сизга бир ҳожатим бор, – деб унга мурожаат қилди. – Кемани сизга тортиқ қилурман. Ундаги барча мол ҳам сизгадир. Эвазига шу шаҳарнинг чеккасидан мен учун бир ҳужра бино қилдирсангиз, токи бу ҳужрада Аллоҳ Таолонинг зикри билан машғул бўлгайман.

Амир Маъсуманинг илтимосини бажо қилдирди. Маъсума ҳужрага жойлашиб, тоат-ибодатга берилди. Аллоҳ Таолонинг бу суюкли бандасини дуоталаблар зиёрат қила бошладилар. Покдомон, номусли хотиннинг дуолари ижобат бўла бошлади. Унинг дуолари туфайли Аллоҳ Таоло дардмандларга шифо берди, ҳожатмандларнинг ҳожатини раво қилди.

Бу орада Маъсуманинг эри ҳаж ибодатидан эсон-омон қайтиб келди. Укаси унга хотини зинокорлиги учун қатл этилганини маълум қилди.

Шундан кейин туҳматчи ва беномус уканинг кўзи кўр бўлиб қолди. Табибларнинг муолажаси таъсир этмади. Шунда акаси шаҳар чеккасида дуоси ўтқир зоҳид ҳақидаги хабарни эшитди. Укасини опичиб олди-да, ўша томон юрди. Уларнинг йўли бир маҳаллар Маъсумага яхшилик қилган арабнинг уйи ёнидан ўтарди. Бу кунга келиб арабнинг туҳматчи ва нопок хизматкори ҳам кўр бўлиб қолган эди. Ака-уканинг мақсадини билиб, шифо илинжида уларга эргашди. Энди уларнинг йўли Маъсума дордан озод қилган йигитнинг қишлоғидан ўтарди. Йигит ҳам кўр бўлган, қари онаси эса қаровсиз қолганди. Уларнинг мақсадини билиб, йигит ҳам эргашди.

Дуоталаблар шаҳар чеккасида макон тутган зоҳиднинг ҳужрасига яқинлашганларидаёқ Маъсума уларни таниди. «Эртага бомдоддан кейин шаҳар амира билан бирга келинлар, токи сизларни унинг ҳузурида дуо қилай», деди Маъсума. Эргаси куни ҳамма йиғилгач, Маъсума деди:

– Агар бу дард балосидан халос бўлишни истасанглар, ҳар ким қандай ёмон иш қилган бўлса ростини сўзласин, гуноҳига иқрор бўлсин.

Эрининг укаси аввалига гапни чалғитди. Бу ҳолатида шифога умид йўқлигини билгач, гуноҳига иқрор бўлди. Хизматкор билан йигит ҳам жинойатларини бўйинларига олдилар. Бу бадбахтларнинг иқрорини амир ҳам, тўпланган аҳоли ҳам эшитди. Кек сақлаш ифбат эгаси учун ҳусн эмас, шу боис Маъсума уларни дуо қилди. Астойдил қилинган тавбани Раҳмон ва Роҳийм Аллоҳ Таоло қабул этди, уларга сиҳатлик берди. Шундан сўнг Маъсума ўзини танитди:

– Билинглarki, бу ҳожим менинг эримдир. Мен эса тухмат туфайли қатл қилинган Маъсумадирман. Мен кўп синовларга дуч келдим. Аллоҳ Таоло тўғрилигим ва поклигим туфайли ҳамма балолардан асради.

Номус тушунчаси ғоят кенг, таъбир жоиз бўлса, «шохлаб» кетган. Лекин барчаси бир ўзак атрофида бирлашади. Бу ўзакнинг номи – нафс. Нафснинг балолик қудрати бор. Нафс – шайтоннинг энг ишончли қуроли экан, у алайҳилаъна одамнинг ёшига қарамайди, болага ҳам, ўсмирга ҳам, ёшу қарига ҳам тўхтовсиз ҳужум қилаверади. Ҳа, унинг ҳужуми тўхтовсиз давом этади. Демак, инсоннинг номус поклиги учун нафс балоси билан олишувчи сўнгги нафасигача давом этади. Ҳеч ким «Мен комил ифбат ёки номус эгасиман!» деб мақтана олмайди. Мақтангудай бўлса, номуси комил эмас экан, чунки мақтаниш – шайтоннинг фолиблигидан бир дарақдир. Номусга доир тушунчаларнинг барчаси бир ўзак атрофига бирлашади, дедим. Барча тушунчаларнинг душмани ҳам бир – нафс қуроли билан ҳамма қилувчи шайтон. Айни чоғда номуснинг соқчиси ҳам бир – ақл!

Бир гапни афсус билан айтишим шарт: кейинги пайтда одам савдоси ҳақида, фоҳишалар ҳақида гапириляпти. Баъзилар буни иқтисодий қийинчилик билан боғлашга уринишяпти. Бузуқликка иқтисодий камчилик сабаб эмас, балки маънавий қашшоқлик сабаб. Бу ривоятни ўқиганлар, фикримга қўшилишса керак, деб умид қиламан.

Ривоят. Бир обид ниҳоятда фақир яшар эди. Шундай бўлдики, уйда ейишга бир тишлам ҳам нон қолмади. Болалари очлик азобига чидаёлмай йиғлайвердилар. Очликдан обиднинг ҳам силласи қуриган эди. Ҳатто кўчага чиқиб тиланишга қурби етмай қолди. Унинг ўрнига хотини чиқди. Бир кишидан нон тилаган эди, у ноинсоф: «Эй, нозанин, агар танингни менга бахш этсанг, сенга сўраганингни

берурман», деди. Бу талабдан ғазабга келган хотин вужуди титраган ҳолда уйига қайтди. Онанинг қуруқ қўл билан қайтганини кўрган болалар яна нола қила бошладилар. Фарзандларининг ўлар ҳолга келганига чидолмаган хотин яна кўчага чиқди. Яна тиланди. Унинг хуснига маҳдиё бўлган киши нафси талабини айтди. Хотин ундан юз ўгириб, яна бир одамга бориб тиланган эди, яна ўша беҳаё талабни эшитди. Бас, ночор хотин рози бўлди. Хилват жойга борганларида аъзойи бадани титроқдан ларзага келди. У одам: «Эй, нозанин, нега титраяпсан?» деб сўради. «Бу гуноҳни қилмакка Худодан қўрқиб вужудим ларзага кирди», деди хотин. Бу гапни эшитиб, у одамнинг виждони уйғонди. «Эй, хотин, шунчалар фақир бўлсанг ҳам сен Аллоҳ Таолодан қўрқаяпсан. Бас, менга бу қадар неъматлар берган Аллоҳ Таолодан менинг ҳам қўрқишим зарурдир», деб гуноҳдан қайтди ва хотинга кўп неъматлар ҳадя этди.

Бу ривоятнинг бир неча хулосаси мавжуд. Бирида «у киши Худодан қўрқиб нафсини тийгани учун барча гуноҳлари кечирилган», дейилади. Яна бир хулосага кўра, бечора хотин унинг ҳаққига дуо қилиб: «Ё Аллоҳ, бу банданг нафсини тийиб қўлини баданимга етказмагани учун гуноҳларини кечир ва унинг қўлларини икки дунё оловларидан асра!» деб илтижо қилган экан. Дуо ижобат бўлиши натижасида у киши чўғни кафтига олса ҳам куймас экан...

Киши ўз номусини асрашга масъул бўлгани ҳолда ўзгалар номусига даҳл қилишга ҳақсиздир. Ўзгалар номусига даҳл ёки тажовуз қилиш дейилганда фақат қизларни зўрлашгина назарда тутилмайди. Гийбат ёки туҳмат қилиш ҳам номусга тажовуз ҳисобланади. Пайғамбар (с.а.в. – Аллоҳнинг саломи ёғилсин) бу хусусда марҳамат қилдилар: «Мусулмонга мусулмоннинг қони, моли ва номуси ҳаромдир». Яъни: Мусулмон учун мусулмоннинг қонини тўкиши ёки молини ўзлаштириб олиши ҳаром бўлганидай (Аллоҳ Таоло томонидан қатъий равишда тақиқланганидай), унинг номусига тегиш ҳам ҳаромдир. Гийбат тўри номусни ҳам ўз ичига олади. Номус жон ва молга қасд этиш қаторида зикр этилиши бежиз эмас. Анас (р.а.) ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар: «Меърож кечаси бир тўда кишиларга дуч келдим. Тирноқлари билан юзларини тимдалардилар. «Эй, Жаброил, кимлар булар?» деб сўрадим. Жаброил: «Булар – инсонларни гийбат қилганлар, инсонларнинг ор-номусларига тил теккизганлар», деди».

Номуснинг ор (уят) ва қадр тушунчаларига ҳам маънодошлиги бор. Шунинг учун «ор-номус» атамасини учратиб турамиз. «Ор-номус» кўпинча эр-йигитларга нисбатан қўлланилади. Оилани, Ватанни, дўстни... ҳимоя қилиш – эр-йигит учун ор-номус санала-

ди. «Эр йигитга икки номус – бир ўлим», деган мақол бор. Бунинг маъноси – йигит ўз жони ҳузури учун номусини парчалайдиган бўлса, унинг учун ўлим афзалроқ.

*Бедов от туёғидан тойиларми?
Мард йигит тўғри йўлдан қайриларми?
Номуси, орияти бор йигитлар
Ақча деб туққанидан айриларми?*

Бу халқ қўшиғига изоҳнинг ҳожати йўқдир.

Ривоятда баён қилинишича, бир танбал илон овга чиқишга эришиб, тирикчиликнинг осон йўлини излади. Макр-ҳийла йўли билан бўлса-да, қорин тўйғазишни ўйлади. Қурбақалари кўп бўлган кўл қирғоғига судралиб келиб, чўзилиб ётиб олди. Унинг бу аҳволдан ажаблаган бир қурбақа яқин келиб:

– Сенга нима бўлди? Нега шаштинг паст? – деб сўради.

– Дунёда мендан ҳам бахтсизроқ бир махлуқ бормикин? – деди илон афсус билан вишиллаб. – Шундай бир касалликка йўлиқдимки, энди қурбақаларнинг ўзлари оғзимга кирсалар ҳам юта олмайман.

Қурбақа бу янгиликни ўз подшоҳига етказди. Подшоҳ ҳам тааж-жубланиб, илонга яқин келди-да касаллиги сабабини сўради.

– Бир куни қурбақани тутмоқчи бўлиб қувладим. Қурбақа бир зоҳиднинг уйига кириб кетди. Изидан кирдим. Уй зимистон қоронғи эди. Зоҳиднинг ўғли ухлаб ётганини сезмабман. Қурбақани ютаман, деб унинг бармоғини тишлаб узиб олибман. Бола ўша заҳоти ўлди. Зоҳид эса мени лаънатлади: «Илоё, сен шундай бир касалликка йўлиққинки, қурбақалар подшоси устинга миниб, гаштини сурадиган бўлсин. Қурбақалар подшосининг ўзи инъом қилмагунича қурбақа ютолмагин!» энди бу ерга зора подшоҳ устимга минармикин, деган умидда келдим.

Қурбақалар подшоҳига бу гап маъқул келди. Ўзининг шундай бир шаън-шавкатга, шараф ва ҳурматга лойиқ бўлганлигидан шод бўлди ва илоннинг устига миниб олиб, керилганича сайрга жўнади. Бир оздан кейин илон тўхтади:

– Подшоҳим, омон бўлсинлар, сизни роҳатбахш сайр қилдиришим учун менга куч керак. Кучга киришим учун эса таом керак.

– Тўғри айтасан, ҳар куни сенга иккитадан қурбақа инъом этаман, – деди подшоҳ.

Илон ҳар куни иккитадан қурбақа еб, кунини ўтказаверди. У иккита қурбақани ўзининг ор-номуси эвазига ютаётганини ўйлаб ҳам кўрмас эди...

Бирор кишининг камчилигидан сўз очилса, уни ҳимоя қилиш мақсадида: «Ҳа энди, Ойда ҳам доғ бор», деб қўйилади. Ойнинг бизга кўринадиган томонида доғларни кўрамыз. Орқа томонида нималар бор, билмаймиз. Одамларнинг гуноҳлари ҳам шундай. Айрим гуноҳлари барчага равшан – кўриниб туради, айримлари эса пинҳоний. Икки киши орасидаги гуноҳларини ўзгалар билмайди, деб ўйлаб янглишадилар. Бу ўринда, англагандирсиз, номуснинг зидди бўлган номуссизлик, бошқачароқ айтилганда, бузуқликни назарда тутяпман.

Бугунги кунда жамиятдаги жуда кўп гуноҳларнинг бошланиши, хусусан, бу гуноҳлар оқибатида бола-чақаларнинг хор-зор бўлиши фаҳш ишларнинг кенг тарғиб этилиши ва зинонинг – ношаръий жинсий муносабатларнинг кенг авж олгани оқибатидадир. Зино дунё ва охиратда инсонни беномус, хору расво, аламли азобларга мубтало қилади. Ояту ҳадисларда бу ҳақда банда қатъий огоҳлантирилган: «Зинога яқинлашманглар! Чунки у бузуқликдир – энг ёмон йўлдир» («Исро» сурасидан). Диққат қилдингизми, оятда шунчаки «зино қилманглар» эмас, «зинога яқинлашманглар», деб буюриляпти. Буйруқдаги қатъийлик бекорга эмас. Виждонли, номусли одам зинонинг кўчасига яқинлашмаслиги ҳам керак. Демак, зинога олиб борувчи барча нарсалардан узоқда бўлиши шарт.

Европада, хусусан, Россиядаги ёш оилалар орасида бузуқликка доир аҳмоқликнинг янги бир кўриниши пайдо бўлган. Дам олгани чиққан икки «оила» хотинларини ўзаро алмаштириб, маишат қиладилар. Буни «ўйин» деб атаб, унга «свинка» деб ном берганлар. Шундай ном берилиши бежиз эмас. Жониворлар ичида фақат чўчкагина урғочисини рашк қилмайди...

«Эр кишининг ўз никоҳида бўлмаган аёл билан жинсий алоқа қилиши», деб таърифланган зинонинг гуноҳи кўпчиликка маълум бўлса-да, «Худо кечиради», деган аҳмоқона умид билан баъзилар бу гуноҳдан ўзини тиёлмайди. Кундузи «зарур ишларим бор», деган баҳонада кўчага чиққан эр кун бўйи бузуқ маишатини қилиб шом (ёки хуфтон) чоғи, хизматида ҳориб-чарчаган кўринишда уйига кириб келади. Алҳазар! Маишатхонадаги ювиниши билан ўз назарида гўё поклангандай бўлади. Уйига бир арава ифлос ахлат кўтариб кирганини, наҳс босганини эса ўйламайди, қўрқмайди. Аксинча, болаларини қучиб, ўпиб, эркалайди. Хотини билан бир тўшакда ётади. Янада афсуслар бўлсинки, айрим аёллар ҳам шу ишни қилишади. Тирикчилик важҳидан танасини сотувчини «фоҳиша» деймиз, улардан нафратланамиз, улар эса бу ишларини касб ўрнида кўриб, уялишмайди ҳам, яширишмайди ҳам. Аммо

эрли зинокор аёлларни нима деймиз? Улар қандай лаънатга лойиқлар? Фаҳшга шўнғиган эр «хотиним билмасин», деб эҳтиётини қилар. Фаҳшга шўнғиган хотин эса «эрим билиб қолмасин», деб чўчийди. Аммо бу гофил бандалар «Худо кўриб-билиб турибди-ку!» деб ўйлашмайди, қўрқишмайди-я! Кейинчалик, қариган чоғларида фарзандлари бемехрлик қилишганда эса нолиб юришади. Фарзанднинг бемехрлиги – жазонинг бошланиши. Жазо уларни дўзахда кутиб турибди.

«Зинокор аёл ва зинокор эркак – икковларидан ҳар бирини юз даррадан уринглар. Агар сизлар Аллоҳга ва Охират кунига иймон келтиргувчи бўлсангизлар, Аллоҳнинг бу ҳукмида (*яъни зинокорларни дарралашда*) сизларни уларга нисбатан раҳм-шафқат туйғулари тутмасин! Уларнинг азобланишига бир тоифа мўминлар гувоҳ бўлсинлар!» «Нур» сурасидаги мазкур оят «Тафсири ҳилол»да муҳтарам шайхимиз томонидан гўзал тарзда илмий асослар билан тушунтирилганки, уни олиб ўқисангиз кўп ибрат топажаксиз. Бизнинг суҳбатимизда илмийликка кўра оммабоплик устун тургани сабабли, тафсирни тўла келтирмай, қисқа баёнидан фойдаланаман.

Ояти каримада зикр қилинган юз дарра уриш жазоси ҳали оила қурмаганлар учун тайин этилган. Яъни, никоҳда бўлмай, эр-хотинлик муносабатида бўлмаган кишилар зино қилсалар, юз дарра урилади.

Зино барча замонларда, барча жамиятларда ахлоқий жиҳатдан разолат, диний жиҳатдан гуноҳ, ижтимоий жиҳатдан номуссизлик саналган. Инсонийлигини йўқотган жамиятларгина бу умумий қоидадан четга чиққанлар. Соф инсоний табиат ҳеч қачон зинони яхшилик сифатида қабул қила олмайди. Чунки инсониятнинг боқий қолиши, камол топиши учун эр ва аёлнинг ўртасидаги алоқа доимий ва мустаҳкам аҳду вафо, жамият шоҳид бўлган аҳду паймон асосида бўлиши керак. Шундай бўлмаса, наслу насаб поклиги ҳам, ота-болалик туйғуси ҳам, оила ҳам, жамият ҳам қолмайди. Инсоният таназзулга юз тутлади. Зино поклик ва олимақомликни йўққа чиқарадиган амалдир. Шунинг учун ҳам ҳамма халқлар, ҳамма динлар, ҳамма жамиятлар зинони қоралаган. Инсоний табиати бузилмаган жамиятлар зинони ҳеч иккиланмай, жазога лойиқ иш деб ҳисоблаган. Масалан, қадимги мисрликлар эркакни таёқ билан қаттиқ калтаклашган, хотиннинг эса бурнини кесишган. Ҳиндлар аёлни итларга едиришган, эркакни қиздирилган темир сўрига ётқизиб, атрофидан олов ёқишган. Рим қонунлари бўйича қадимда зинокорларнинг мол-мулки мусодара қилинган, сўнгра умрбод қамоқ жазоси билан алмаштирилган. Яҳудийларда эса ўлимга ҳукм этилган...

Табиати бузуқ, маънавий покликдан кўра шаҳватга кўпроқ интиладиган жамиятларда эса зинони икки тоифага бўлиб қарашган: биринчиси – оддий зино, яъни эрсиз аёл билан жинсий алоқада бўлиш. Бу зинога эътиборсиз қарашган, жуда борса, жарима солиш билан чекланганлар. Бугун «эрсиз хотинни қувонтириш савоб», дейдиган аҳмоқлар «фатво»ни ўша бузуқ жамиятлардан олган бўлсалар ажаб эмас. Иккинчиси – эри бор хотин билан алоқа қилиш. Бу хилдаги зинони «турмуш ўртоғига хиёнат қилиш» деб аташади. «Хиёнат қилганларга» турли жазолар ҳам тайин этилган.

Масиҳийларда биринчи тоифа – «оддий зино»га жазо йўқ. Ҳозирги кундаги зинога оид қонунлар шу қоидаларга асосланган. Бу фалсафадаги мантиқсизликни, бемаъниликни қарангки, икки тарафнинг розилиги билан бўлган зино жиноят ҳисобланмас эмиш. Бугунги кунда зинонинг кенг тарқалиб, унинг касофати ҳамма ёқни босиб кетгани ҳам шундан.

Исломда зино улкан жиноят ҳисобланади. Шу сабабли ҳам бу жиноят оила қурган кишилар томонидан содир этилса, Пайғамбаримизнинг (с.а.в.) суннатларига асосан тошбўрон қилиб ўлдирилган.

Йигитларнинг қизлар билан маишат қилишлари одат тусига кириб бораётганини афсус билан таъкидлаймиз. Ёз чилласида шундай «дўстлар давра»си «дам олиш учун» тоққа чиқди. Улфатдагилардан бири машинасига ўтириб, қимиз олиб келгани кетди. Ҳадеганда қайтавермагач, хавотирланиб, изидан боришди. Қарашса, машина ағдарилган, ёниб ётибди. Йигитнинг қарийб ярми кўмирга айланиб бўлган. Ҳали ҳаёт аломати сезилиб турган танани ўтдан олиб, ерга ётқизишди. Жон талвасасидаги йигит «Олов! Олов!» деганича алаҳсирай бошлади. Кейин «Энди нима дейман унга? Нима дейман унга?» деб ҳайқирди. «Кимга?» деб ажабланиб сўрашди. Йигит: «Аллоҳга! Аллоҳга!» деди-ю жон берди.

Бу воқеа баёнини эшитганда «Қани эди, бошқалар ҳам «Унга нима дейман?!» деб яшасалар. Фаҳш сари қадам босганларида ўша машинада ёнаётган йигитни кўз олдиларига келтирсалар. Машинада ёниш – ҳолва, ҳали дўзахда ёниш бор...» деган фикр хаёлимизни ёритиб ўтди.

Агар шу йигитнинг ёки ОИТСдан ўлим топган бошқа бир бузуқнинг яқинлари орасида энди у дўзах азобларига гирифтор бўлишини айтсангиз, десангиз, баалога қоласиз. «Нега ёмон ният қиласиз?» деб, сизга маломат тошларини отишади. Тўғри, марҳум ҳақида ёмон сўз айтилмайди, ёмон тилак ҳам тиланмайди. Дўзах

азобини бериш ҳам Аллоҳ Таолонинг ихтиёрида, бизнинг тахминимиз ўринсиз. Лекин Аллоҳ Таоло айтадики: «Эй, Одам фарзанди, бирор гуноҳ ишга қўл урмасдан бурун ҳамиша бўлғувси жазо ва азобларимни эсла». «Қачонки сенга бирор мусибат ёки офат этса, қара: агар ўша мусибат сенга нопок ҳолда турганинда етган бўлса, демак, билгилки, бу офатнинг сабабчиси ўзингсан!» (Ҳадиси қудсийдан).

Бир одам ОИТСга чалиниб ўлди. Оиласи уялиб, ўлимга бошқа хасталик сабаб, деб гап тарқатдилар. Одамлар ишонгандай бўлишди. Барча ишонди, ҳам дейлик. Бундан нима наф? Ахир уларнинг ўзлари то ўзларининг ўлимларига қадар бу иснод билан яшайдилар-ку! У одам бир неча дақиқалик роҳати учун оиласига шармандалик юкини мерос қилиб кетди... «Рўзфориға файз кирмоқни ақли расо ёр келтирар, ёрнинг ори бўлмаганда оилага зор келтирар», деб шунга айтадилар-да.

Агар одамларга шаҳватларини тартибсиз равишда, хоҳлаган йўл билан қондираверишларига ижозат берилса, тезда инсоният ва унинг маданияти, маънавияти ҳалокатга учрайди. Агар инсон оилавий ҳаётнинг масъулияти, оғирликлари ва машаққатларини бўйнига олмасдан, фақат шаҳватини қондиришга ҳаракат қиладиган бўлса, ундан ҳеч қачон бола тарбиялашда, оила ва жамиятда бирор фойдали ишни кутиб бўлмайди.

«Киши номаҳрам аёл билан ёлғиз қолмасин, агар қолса, учинчиси шайтон бўлади», дедилар Расулulloҳ (с.а.в.). Исломда ҳатто номаҳрамга қараб қўйиш ҳам ман этилганки, буни «кўз зиноси» дейдилар. Кўчадаги аёлга тасодифан қаралса, айби йўқ. Аммо иккинчи дафъа қаралса, айниқса, бу қарашда шаҳват ҳисси бўлса, гуноҳ ёзилади. Кўзлар ҳам зино қилади, қўллар ҳам. Кўз зиноси – номаҳрамга қараш билан. Қўл зиноси эса номаҳрам билан қўл бериб саломлашиш орқали ҳам юзага келади. Пайғамбаримиз алайҳиссалом аёллар билан қўл ушлаб кўришмаганлар, қўлларини тутмаганлар. Байъат қилган аёллар ҳам қўлларини ушламаганлар.

Бир иймон эгаси вафот этганда яқин таниши «Раҳматли бизникига келганларида эшикни тақиллатардилар-у то ичкаридан эр овозини эшитмагунларича тутқични тортиб турардилар. Мабодо аёл киши «Ким?» деб овоз берса, тутқични қўйиб юбормай, гапларини айтиб кетардилар», деди. Бу баъзиларга оддий гап бўлиб туюлиши мумкин. Лекин, бизнингча, бу одобда иймон қудрати бор.

Ҳазрати шайх Самадоний Боязид Бистомий (қ.с.а.) дедилар: «Ҳар кимнинг кўнглида шаҳват кўп бўлса, ложарам уни лаънат кафанига

ўрагайлар-у надомат туфроғига дафн қилгайлар. Ҳар ким шаҳват нафсини ўлдирса, ложарам уни раҳмат кафанига ўраб, саломат туфроғига дафн айлагайлар».

Жинсият мавзусида «Бақара» сурасидаги бир ояти карима ғоят ибратлидир: «Улар (*аёлларингиз*) сизлар учун бир либосдир, сиз ҳам улар учун бир либосдирсизлар».

Либос, яъни кийим... Эр ва хотин бир-бирини ҳимоя қилувчи либос. Бир-бирини ёмон йўллардан асрайдиган тўсиқ... Бу қисқа дунё ҳаётида номус имтиҳонини топширишлари учун ҳар икки тараф бир-бирига неъматдир. Бошқаларнинг номусига кўз олай-тирмаслик учун катта бир боғланиш... Таъкидки, никоҳ – номус хусусида ҳар икки тарафнинг бир-бирига қилган аҳду паймонидир. Яъни оилавий масалада хотинни эрга омонат қилган ва рўзғорни бошқариш юкини эрнинг зиммасига юклаган бир шартномадир. Ҳозир эса ёшларнинг онгига бу ҳақиқатларни «қолоқлик» деб сингдиришга ҳаракат қилаётган, манбаи ташқарида бўлган баъзи мафкура, жамият ва гуруҳлар бор. Уларнинг тузоғига тушмаслик, ногорасига ўйнамаслик учун ғоят диққатли ва сергак бўлиш керак. Акс ҳолда, ҳаётнинг асл ғояси икки жинс ўртасидаги ношаръий муносабатлардан иборат, деб тушунувчи ёшларнинг сони янада кўпайиб кетиши хавфи бор. Бу эса уларнинг охират ҳаётларини барбод қилиши билан бирга мамлакат тараққиётига ҳам катта зарар етказиши шубҳасиздир.

Кўз зиносини яхши тушунмаганлар Сўфи Оллоҳёрнинг бу байтларига эътибор берсинлар:

*Кел, эй мўмин агар тарсанда бўлсанг,
Кўзингни сақлагил ҳар қанда бўлсанг.*

Дейилмоқчики, эй мусулмон, кўнгиб бериб ваъзу насиҳатни эшит. Қаерда бўлсанг ҳам, Аллоҳдан қўрқсанг, кўзингни бегона хотинлардан сақлаб, уларга қарамагил.

*Қавий бўлсин ҳамиша нуқтаи чашм,
Мабодо қолмагай боло тушиб хашм.*

Дейилмоқчики, кўзингнинг нуқтаси маҳкам бўлмай, тушиб хашм бўлиб қолмасин. Бу ўринда «чашм» ва «хашм» сўзларида ўйин бор. Байтнинг маъноси эса бундай: кўз қорачиғинг кучли бўлсин, яъни номахрам аёлга қарамасин. Йўқса, Аллоҳ Таолонинг газаби келур.

*Назар қилгунча, э, нафси маъюб,
Тушуб кўз нуқтаси кўр бўлгани хўб.*

Бу байтда ҳам «кўз» ва «кўр» сўзларининг арабий ҳарфларга доир ўйини бор. Маъноси – номаҳрам хотинга қараган кўзнинг кўр бўлгани яхши.

Ҳазрати Сўфи бу масалага кўп ўрин ажратганлар. Биз «Саботул ожизин»га шарҳ ёзган Тожуддин Ёлчиқулнинг насрий баёнидан фойдаланишни маъқул кўрдик. «Назаринг ҳамиша оёқ остида бўлса, саодатли бўларсан. Аммо номаҳрам аёлларга кўз қаратсанг, Қиёмат кунида ўкинчда қоларсан. Кўз қонли бўлса ҳам, номаҳрамларга қарамаса, бу кўз ҳақиқий кўздир. Бундай кўз хатарли ерга, яъни номаҳрамларга қараган соғ кўздан яхшидир. Аллоҳ Таолонинг азобидан қўрқиб номаҳрамларга боқмайдиган кўз қандай яхшидир! Аммо шундай бўлмаса, кўзнинг косасидан чиққани дуруст. Шундай экан, номаҳрамлардан кўзингни юм, эй Аллоҳ Таолодан қўрқувчи инсоннинг фарзанди! Имоми Аъзам ҳазратлари (раҳматуллоҳи алайҳ) юмганлари каби юм. Абу Ҳанифа (р.а.) ҳазратлари кўркам йигитларга кўзлари тушмаслиги учун уларни орқаларига ўтирғизиб сабоқ берар эмишлар. Сен юрагим тоза бўлгани учун номаҳрамларга қарасам зиёни йўқ, деб лоф урма. Чунки имоми Аъзам (р.а.) каби эмассан. Зеро, ул зот шундайин сўфийликлари билан йигитларга суқланиб қарашдан сақланганлар. Инсоф юзасидан айтганда, сен қанчалар собир ва сўфий бўлсанг-да, унингдек эмассан. Сен номаҳрамлар юзига қарамогингни қўймас экансан ва қарашда давом этаркансан, билгилки, шайтон сабрингни узиб, ихтиёринг жиловини қўлига олиб, ўзингни зинога бошлар.

Бас, шундай экан, эй инсонлар, наҳот гуноҳ нарсаларга қарайсиз? Зероки, номаҳрамларнинг юзлари нақадар гўзал бўлса-да, улардан қанчалар лаззат олинса-да, буларнинг бари фонийдир. Шундай экан, нима учун жонингизга зулм қилиб, ўзингизни ўзингиз жаҳаннам ўтига соласизлар?

Аллоҳ Таоло Пайғамбаримиз алайҳиссалом орқали биз, мўминларни номаҳрам аёлларга назар солишдан қайтариб, дейди: «(Эй, Муҳаммад), мўминларга айтинг, кўзларини (номаҳрам аёллардан тикишдан) тўссинлар ва авратларини ҳаромдан сақласинлар! Мана шу улар учун энг пок йўлдир» («Нур» сурасидан). Бу амр аёллар учун алоҳида таъкид этилади: «Мўминаларга ҳам айтинг, кўзларини номаҳрам ерларга тикишдан тўссинлар ва авратларини ҳаромдан сақласинлар». Маълумингизки, кўп ҳолларда Аллоҳ Таоло бандаларига умумий тарзда «Эй, иймон келтирганлар», тарзида

хитоб қилади. Бу ўринда аёлларга алоҳида амр этилиши бу масаланинг нақадар муҳимлигига далолатдир. Бу қайтариқда қалб тозаллиги, нафс софлиги, ният холислиги, амал мақбуллиги мавжуд.

Кўзни ҳаромдан тийиш дегани эр киши аёлнинг қорасини, аёл эрнинг қорасини кўрмасин, дегани эмас. Балки ҳожатдан ташқари назар ташламасин, бир номаҳрамга кўзи тушса, назарини дарҳол бошқа томонга олсин, тикилиб қолмасин, деганидир. Чунки бегона аёлга назарнинг давомий бўлиши шаҳвоний ҳисларни уйғотади.

Набий алайҳиссалом: «Одамлар ўтадиган йўлда ўтирманглар», дедилар. «Ё Расулulloҳ, ахир биз у ерда суҳбатлашиб ўтираммиз-ку!» дейишди. «Унда йўлнинг ҳақини бериб ўтиринглар», дедилар. «Йўлнинг ҳақи нима?» деб сўрашганида: «Кўзни бегона аёлларга қарашдан тийиш, бировга озор бермаслик, саломга алик олиш ва яхшилиққа буюриб, ёмонликдан қайтаришдир», дедилар.

Демак, йўлда ўтирган одам энг аввал югурик кўзини номаҳрамларга тикишдан тиймоғи лозим. Энди, агар кўз беихтиёр ҳаром нарсага тушиб қолса-чи? Бу ҳақда шарафли ҳадисда дейиладики: «Эй, Али, бир қарашга иккинчи қарашни эргаштирма! Зеро, биринчиси сенга фойда, иккинчиси сенга зиён (яъни гуноҳ)». Беихтиёр кўзингга номаҳрамнинг юзи тушса, зинҳор, унинг юзига иккинчи бор қарама. Биринчи қараганинг ихтиёрсиз бўлгани учун гуноҳдан эмас. Агар яна билиб қарасанг, унда гуноҳга ботарсан. Чунки иккинчи қарамоқда шаҳват хатари бордир. Мўътабар китоб «Ниҳоя»да дейилмишки, кимки бир номаҳрам хотиннинг юзига шаҳват тариқи билан қараса, қарагувчининг кўзига эриган қўрғошин қуярлар. «Ширъат ул-ислом» китобининг соҳиби ёзмишки, ҳар кишики, номаҳрам хотин билан сўз ўйнашса, у киши айтган ҳар сўзи учун минг йилгача дўзахда қолади. Яна ўша китобда битилдики, номаҳрам билан зино қилинса, зинокорлар Қиёмат кунини одил ҳукм қилиниб шайтон билан занжирбанд этилиб, дўзахга ташланарлар. Шайтони лаъинки, ўта душмандир. Бояги зиночи ўша шайтон билан бирга дўзахга кирар».

Сўфи Оллоҳёрнинг бу ҳикматларини бир ўқигач, фикр қилиб, яна қайта-қайта ўқилса фойдалидир. Ўқиб, амал қилинса оқибат янада хайрли бўлар.

Кейинги йилларда «Одам савдоси» деб аталган жиноят тури юзга келди. Яъни, қулликнинг янги кўриниши яратилди. Бунда эрлар қул каби ишлатилса, қиз-жувонлар фоҳишалikka тортиладилар. Хорижга бориб фоҳишалик қилиб келганлар афсусланиб «мени алдаб олиб кетишди», дейишяпти, ўзларини оқлашяпти. Бунга кўпам ишонмайман. Ахир улар конфет бериб қўлларидан етакласа,

индамай кетаверадиган кичкина қизалоқ эмас-ку! Миллат номини булғаётганлари учун мен бундайлардан нафратланаман! Шунақа фоҳишалардан бири Москва телевидениесига Инжилдан мисол қилиб гапириб: «Сен ўзингни ўзинг кечира олсанг, Парвардигор ҳам кечиради», дейди. Во, ажаб! Булар Инжилни ҳам билишади-я!

Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти маълумотига кўра, МДХ, Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларидан Фарбий Европа ва АҚШга бир йилда бир миллионга яқин қиз-жувонлар «экспорт» қилинар экан. Италиялик эксперт Гианпиеро Кофано ўз мамлакатадаги фоҳишабозлик муаммосини таҳлил қила туриб, дейди: «Мен бир сиёсатчидан нега мамлакатдаги ноқонуний инсон савдоларига қарши дастур билан чиқмайсиз?» деб сўрадим. У эса: «Ҳозир Италияда ўн миллионга яқин эр хорижлик фоҳишалар хизматидан фойдаланади. Мен сайловларда ўн миллион овозни ўзимга қарши қўйишни истамайман», деб жавоб берди. Бу ҳолатга изоҳнинг ҳожати йўқдир?

Бир йигит фоҳиша билан савдолаша туриб: «Яқинда уйланаман, шунгача ўзимни синаб олай (аниқроғи: «Практика» қилиб олай), дебди. Қаранг, никоҳнинг муқаддас чимилдигига пок ҳолда кирмай, бузуқлик балчиғига беланиб киришни унга ким ўргатди экан? Эҳтимол, кўп ёшларимиз «Нур» сурасидаги бу ояти каримани билмаслар: «Зинокор эр фақат зинокор ёки мушрика аёлга никоҳланур. Зинокор аёлга фақат зинокор ёки мушрик эр никоҳланур. Бу мўминларга ҳаром қилинмишдир». Азизлар, бунини билмаган тенгдошларингизга албатта билдириб қўйинг. Мазкур оятга кўра, «практика» қилган йигит зинокордир ва унга ўзи каби бузуқ аёл мосдир. Агар Европага қарасак, мазкур оятнинг амалдаги кўринишига гувоҳ бўламиз. У томонларда бокира қиз билан покиза йигитнинг никоҳи камёб ҳодиса бўлиб қолган. Куёв ва келин никоҳга қадар зино қилганлар ва бу жиҳатдан бир-бирларига мос.

Саодат асрида Расулulloҳ (с.а.в.) асҳоб ила суҳбатда эдилар. Бир йигит кириб келиб, одобсизлик билан:

– Ё Расулulloҳ, мен фалончи аёл билан яқинлашмоқчиман, у билан зино қилмоқ истайман, – деди.

Асҳоби киром бу муомаладан ранжидилар. Улар орасида ғазабланганлар, ҳаёсиз йигитни уриб-суриб Пайғамбаримиз ҳузурларидан чиқариб ташлашни қасд қилганлар ҳам бўлди. Баъзилари эса дўқ қилдилар. Суюкли Пайғамбаримиз (с.а.в.) ғазабдагиларни тийдилар, «Йигитга тегманг, бери келсин», дедилар. Йигит яқин

келиб, тиз чўкиб ўтирди. Пайғамбаримиз унинг тиззасига ўзларининг муборак тиззаларини теккизиб ўтирдилар ва дедилар:

– Йигит, бировнинг онанг ила бундай ёмон иш қилишини истайсанми? Бу жирканч ҳаракат сенга хуш келадими?

Йигит шиддат билан: «Йўқ, Расулуллоҳ!» деб хитоб қилди.

Яна дедилар:

– Ундай бўлса, бу жирканч ишни қилганинг аёлнинг авлодлари, яқинлари ҳам бундан қувонмайдилар. Агар бу хунук ишни сенинг онанг, синглингга қилсалар яхшими? Ёки холанг, амманг ёки қариндошларингдан бири ила шу ишни истасалар яхши кўрасанми?

Бу саволдан сўнг йигит ўрнидан сапчиб туриб кетиб: «Йўқ!» – деб бақириб юборди.

Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар:

– Бошқа одамлар ҳам бу ишдан хурсанд бўлмайдилар ва ҳеч бири буни яхши кўрмайди. Айт, синглингга шундай қилсалар суюнасанми?

– Йўқ, асло!

Шундан кейин ҳазрат Пайғамбаримиз (с.а.в.) муборак қўлларини йигитнинг кўкрагига қўйиб, бундай дуо қилдилар:

– Аллоҳим! Сен бу йигитнинг қалбини покиза қил. Номуси ва шарафини муҳофаза айла ва гуноҳларини кечир.

Йигит Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳузурларидан қувонган ҳолда чиқди.

Қаранг, азизлар, Расулуллоҳнинг бу иршодларида бизлар учун қандай гўзал мисол бор! Расулуллоҳ яна: «Хотинларингизнинг номусли бўлишини истасангиз, бошқаларнинг хотинларига ёмон кўз билан боқмангиз», деб амр этганлар. Бировнинг номусини қадрламаган кимсада номус йўқдир. Номусли одам бошқаларнинг номусини ҳам муқаддас деб билади. Ҳеч кимсанинг номусига ёмон кўз билан олайиб қарамаслик керак. Ақлли одам бўлмоқ лозим. Номуссизлик инсон ақлини йўқотади. Инсонни тўғри йўлдан адаштиради.

Иброҳим Хавос бундай ҳикоя қиладилар.

– Бир куни Луком тоғида ҳосилга кирган анорларни кўриб қолдим. Егим келиб, биттасини уздим. Ёриб қарасам, анор ҳали хом экан, ташлаб юбордим. Шунда чеккароқда оч ва юпун ҳолда ётган, устида пашша-ю арилар ғужғон ўйнаётган бир одамга кўзим тушиб, салом бердим.

– Ва алайкум ассалом, эй Иброҳим, – деди у.

– Мени қаердан танийсан? – деб сўрадим.

– Улуғ ва қудратли Зотни таниган одамга ҳеч нарсадан хавф йўқ, – деб жавоб берди.

– Сенда улуғ ва қудратли Зотга суюкли бир ҳолни кўряпман. Аллоҳ Таоло сени арилардан ҳимоя қилишини нега сўрамаяпсан?

– Мен ҳам сенда Аллоҳ Таолога суюкли бир ҳолни кўряпман. Нега Аллоҳ Таолодан анорга бўлган шаҳватдан сени тийишни сўрамадинг? Ахир, анорнинг «чақиши» арининг нишидан шиддатлироқ-ку! Негаки, арининг чақишидан етган оғриқ бу дунёда тугайди, анорники эса охиратда ҳам давом этади, – деди у.

«Шаҳват» дейилганда фақат жинсий муносабатга алоқадор тушунчалар эмас, балки дунёга боғлиқ барча истак ва иштаҳалар назарда тутилади. Сўз кўпроқ кадхудолик (уйланганлик, уй-рўзгор эгаси) рағбати, жинсий алоқага рағбат маъносида ишлатилади. «Шаҳвати нафсоний» – «нафс шаҳвати» демакдир. «Шаҳватпараст – нафсга зердаст», дейдилар Навоий ҳазратлари. Байт:

*Ғазабда саб-уъ (ваҳший), шаҳват ичра баҳим (ҳайвон),
Агар-чи эрур одамизода шайх.*

Кўзлар фақат гўзал нарсаларга назар ташлашга қанчалик одатланмасин, нигоҳни ҳалол бўлмаган нарсаларга қарашдан тиёлмайди. Бошқа шаҳватлар ҳам шунга ўхшайди. Ҳалолни исташи мумкин бўлган аъзонинг айни ўзи ҳаромни ҳам хоҳлаши мумкин. Шаҳват, яъни истак бир хилдир. Банданинг вазифаси шаҳватни ҳаромдан тийиш. Кимки шаҳватни зарурат чегарасида юришга ўргатмаса, шаҳват ундан ғолиб келади. Бу мубоҳот (яъни, рухсат бор, деб ҳар қандай амални қилавериш) офатларидан бири бўлиб, унинг ортида бундан ҳам каттароқ балолар бор. Бу балолардан бири – нафснинг дунёдан лаззат олиб, хурсанд бўлиши, дунёга суяниб қолиши, дунё билан гердайиб, ўзини хотиржам тутиши. Бундай одам гўё кайфи тарқамаётган мастга ўхшайди. Мол-дунёга қувониш шундай ҳалокатли заҳарки, унинг йўли томирларда. Бундай «қувонч» билан заҳарланган қалбни Аллоҳ Таоло ғазабидан қўрқиш ҳисси, охират ғами, ўлим қайғуси, Қиёматнинг даҳшатли манзаралари тарк этади. Бу эса қалбнинг ҳалокатидан далолат.

Ғаззодий ҳазратлари дедиларки, шаҳват – табиий зарурат. Унинг яратилишидан муайян фойда кўзланган. Агар таомга бўлган иштаҳа бутунлай сўнса, инсон ҳалокатга юз тутайди. Агар шаҳвоний истак кесилса, насл қирқилади.

Модомики, инсон табиатида шаҳват мавжуд экан, албатта, мол-дунёга муҳаббат йўқолмайди. Бу муҳаббат ўз навбатида инсонни янада кўпроқ шаҳватга етаклайди. Ҳатто мол-дунё тўплашга ундайди. Мақсад – бу туйғуларни батамом йўқ қилиш эмас, балки

уларни мўътадил бир ўзанга буриш. Шаҳват бамисоли овга миниладиган от. Баъзан тарбия кўрган – ювош, баъзан асов ва қайсар... Агар шаҳват мўътадил ҳолатдан ошса – очкўзлик, пасайса – фаолиятсизлик бошланади.

Шаҳват қувватининг гўзал ва муносиб шаклда бўлиши ҳикмат тақазоси остида, яъни виждон ақл кўрсатмаси доирасида бўлиши билан белгиланади.

Ёввойи, ваҳший лочин қўлга қандай ўргатилса, шаҳватлар ҳам шу йўсинда тарбия қилинади. Аввало лочин қоронғи уйга қамалади. Ҳавода учиб юрган қушларга ташланиш истаги босилгунча кўзлари беркитиб қўйилади. Шу тарзда лочин ўзининг ёввойи табиатини унутиб, қўлга ўргана боради. Эгасини танийдиган бўлади, чақирса келади.

Шунингдек, нафс ҳам то хилват ва узлат билан ўзининг ёввойи одатларидан озод бўлмагунча эгасига дўст бўлолмайди. Бунинг учун қулоқ ва кўзни ғийбат, кўз зиноти каби ёмон одатлардан сақламоқ лозим. Аста-секин нафснинг дунё ва бошқа шаҳватлар билан улфат тутиниши сўниб, бунинг ўрнини ишқ-у зикр эгаллайди. Бошланишида бу ҳолат кишига оғир келгандай туюлади. Кейинроққа бориб бамисоли она кўкрагидан ажратилган гўдак каби лаззат ола бошлайди. Биласиз, болани кўкракдан ажратиш қийин. Кўкракни қўмсайди, талпинади, йиғлайди. Энг тотли таомдан ҳам юз ўтиради. Лекин бу ҳол уни чарчатади, очлик ғолиб келади ва таомни мажбуран ейди. Бора-бора таом ейиш унинг табиатига айланади. Шундан сўнг болага кўкрак тутилса, юз буради.

Миниладиган ҳайвон ҳам бошида эгардан, жиловдан қочади. Мажбуран боғлаб қўйиб, эгар-жабдуққа ўргатилади. Ўргангандан кейин эса жилов ва арқонсиз ҳам жойида тураверадиган бўлади. Нафс ҳам қуш ва ҳайвон каби тарбияланади. Нафс тарбияси, аввалги суҳбатларда фикрлашганимиздек, дунё неъматига, умуман, ўлим келиши билан йўқ бўлиб кетадиган ҳар қандай нарсага назар қилиш, уни дўст тутиш, ундан шодланиш каби иллатлардан сақланиш билан амалга оширилади.

Мавзуни ақлимиз етганича якунлаб, дуога қўл очишдан олдин сизга, азиз **умидимиз юлдузлари**, айтадиган яна бир гапимиз бор: ярамас, бузуқ ишларнинг эшиклари саноқсиздир. Ҳушёрлик, сезгирликни сира ҳам қўлдан берманг. Эҳтиёткорлик билан ҳаракат қилмасангиз, бузуқ йўлларга кириб кетганингизни ўзингиз ҳам сезмай қоласиз. Эҳтиётсизлик – шайтонга асир бўлишдир!

МАРДЛИК ВА ОЛИЖАНОБЛИК

Дедиларки: мардлик одамларни хатарли дақиқалардан ажойиб ишларга ундовчи фазилатдир. Давлатингдан айрилсанг – кўп нарсани йўқотмайсан. Номусингдан айрилсанг – кўп нарсани йўқотасан. Мардлингдан айрилсанг – ҳамма нарсангни йўқотасан.

Одам боласининг қудрат ва шавкатидан далолат берувчи хулқ беозорлик ва доноликдир. Сахийлик билан бирор тоифани рози қилиш мумкин, шижоат эса ҳар доим керак бўлавермайди. Сахийлиги билан бутун дунёни олтинга тўлдирган, шижоат билан урушларда ғолиб чиққан киши беозорлик хислатидан маҳрум бўлса, бир ножўя ҳаракат билан буларнинг ҳаммасини йўққа чиқариб юбориши мумкин. Лекин сахийлиги ва жасурлиги бўлмаса ҳам, мулойим ва доно бўлса, шу билан ҳамманинг кўнглини олиши, ҳатто душманни ҳам бартараф этиши мумкин. Шуниси ҳам борки, кишига биргина беозорликнинг ўзи етарли эмас. Беозорлик ирода ва қатъият билан бирга бўлса яхши, бу хислатлар бўлмаса беозорликнинг якка ўзи нуқсон ҳисобланади.

*«Шижоат бирла зўру мардликдин ҳеч лоф урма,
Ки то нафс олдида ожиз бўлуб, хотундек ўлтургунг.
Агар мард эрсанг этгил талхком оғзини сен ширин,
Эмасдур мардлик улким, биров оғзига тош ургунг»*,

– дейилади «Гулистон»да.

Жуда кучли бир одам ғазабланиб, бошқа бир кишини урмоқчи бўлганда донолардан бири бунинг сабабини сўради. Унга: «Фалон одам уни сўқди, шунга чидолмай уни урмоқчи», дедилар. Доно: «Бу полвоннинг энг оғир тошларни кўтаришга куч-қуввати етса ҳам, бир оғиз сўзни кўтаришга тоқати етмабди-да», деди.

Бир нодон одам Ҳотами Тойга кўп жабру жафо етказди. Оғзига келган ярамас сўзларни айтишдан тоймади. Ақлли кишининг нодон билан айтишиб туриши дуруст бўлмагани сабабли Ҳотам ҳам у билан олишмасдан, сукут этиб турдилар. У киши чарчаб, сўздан тўхтагандан кейин Ҳотам айтдилар:

– Яна айтадиган ҳақоратли сўзларинг борми? Ёлғизлигимда менинг ёнимда айтиб битир. «Ақлсиз, нодон одам одобсизлик қилса, у билан олишмай, адабсизлигини кечиришдан ўзга чора йўқдир», деганлар. Шунга кўра, мен ҳамма ҳақоратли сўзларингга жавоб қайтармай, сукут қилдим. Сени афв этдим. Менинг одамларим орасида сенга ўхшаш паст табиатли, ақлсиз, нодонлари ҳам бор.

Улар ёнида ҳақорат қилсанг, сенинг ўзлари каби нодон эканингни билмай, ҳужум қилиб, ман этишимга қарамасдан сенга озор етказадилар. Шунинг учун ҳамма ҳақоратли сўзларингни ўзимга айтиб битира қол.

Умидимиз юлдузлари, англагандирсиз, бу ҳолатда донолик мардлик либосини кийди. Ҳақиқий мардлик инсонларни шафқат кўзи билан кўришдир. Яхши сўзлари билан кишилар қалбини иймонга чулғашдир. Нодонлик мардлик билан дўст бўла олмайди, нодонликнинг дўсти – номардликдир. Шунинг баробарида мардлик билан ўжарликнинг ҳам фарқига бориш керак. Ўжарликда қисман мардлик учқунлари сезилса-да, аслида унинг илдизи кибрдан сув ичади. Иродали одам билан қайсар одам орасида ҳам фарқ мавжуд. Ирода – ақл маҳсули, ўжарлик эса нодонлик меваси.

Кўпчиликка мактаб дарслигидан маълум бир масални эслайлик.

Торгина бир кўприкдан бир эчки ўтаётган экан. Унинг рўпарасида бошқа бир эчки пайдо бўлди. Бир-бирига яқинлашгач, бири иккинчисига «Йўлимдан қоч!» деди. Иккинчиси газабланиб, деди:

– Сен кимсанки, менга буюрасан? Бор-йўғи бир эчкисан, арслон бўлганигда ҳам сенга йўл бермасдим.

Улар талашиб-тортишдилар, сўнг бир-бирларига калла урдилар-да, кўприкдан қулаб, оқиб кетдилар.

Бу дуёда шу ўжар эчкилар каби қайсар одамлар борки, улар ўзларини ўзлари ҳалокат сари бошлаб, айбни бошқалардан қидирадилар. Аввалроқ айтганим, болалар ва ўсмирлар қамоқхонасидагилар тақдири билан танишсак, жиноят кўчасига кириб қолганларига айнан ўжарликлари сабаб бўлганини кўрамыз.

Жасур, ботир, диловар, содиқ кишиларни «мард» атайдилар. Луғавий маъноси – эр. «Мардон» кўплик – «эрлар» маъносини беради. «Мардак» – пасткаш одам, нодон, ақсиз демакдир. «Мардаки хар» – тентак маъносида айтилади. «Мард», «мардларча», «мардонавор» фақат жангдаги ботирликни, жисмоний ва иродавий кучни англамайди. Бу сўз кўпроқ маънавияти, руҳи соғломлик маъносини беради. «Фалончининг қарзини кечириб юборибди, мард экан» – бу ўринда танглик маъноси бор. «Мардлик қилиб, дўстининг барча айбларини кечирибди» ёки «мардлик қилиб айбини бўйнига олибди» – бунда қалб поклиги бор. Хусрав Деҳлавий ёзганларки:

*Олтин-кумуш ҳадя этувчи мардлар кўп,
Жонни фидо этувчилар марддир, мард!*

Тарихда мардликни «футувват» ёки «жавонмард» (жўмард) деб аташ расм бўлган. «Футувват»нинг луғавий маъноси «ёшлик»дир. Ёш йигитни «фатий» деганлар. Футувват – жавонмардлик омма орасида яхши сифатлар ва намунали ахлоқ билан машҳур бўлишни англатган. Бу сифат билан аталган киши ҳамиша ахлоқи билан ўз касбдошлари, тоифа-табақаси орасида мумтоз бўлган. Жавонмард – нафсоний зулматни ёриб ўта олган кишидир. Гарчи бу сўз ёшликни англатса-да, фақат ёшларга хос хислат, деб тушунмаслик керак. Бу сўз мажозий (кўчма) тушунчани ўзига қамраган. «Киши нафс ҳаваси тузоғида табиий эҳтиёжлар бандида экан, у гўё гўдакка ўхшайди, – деб таъриф берганлар Ҳусайн Воиз Кошифий ҳазратлари. – Нафс мартабасида тараққий этиб, дил мақомига етишса, балоғат остонасидаги ёш ўспирин қабилида бўлади. Ёш йигитда эса қон қайноқ, бадан қуввати, яъни жисмоний қувват етарли бўлганидек, жавонмардларда ҳам инсоний камолот билан бирга маънавий қувватлар мавжуддир ва бу мартабадагига «фатий» дерлар».

Ўтган замонда, бир кеча Миср жоме масжидига ўт тушиб, ёниб кетди. Мусулмонлар буни насоролардан гумон қилиб, уларнинг уйларига ўт қўйдилар. Миср султони ўт қўйишда айбланганларни ҳибсга олдирди. Унинг буйруғи билан қанча одам ҳибсга олинган бўлса, шунча қоғозчалар тайёрланиб, уларга жазо турлари ёзиб чиқилди. Худди чек ташлангандай, айбланувчилар бу қоғозчаларни битта-битта олишди. Қоғозчада қандай жазо тури бўлса, шу уларга ҳукм бўлди.

Бир йигитга ўлим жазоси чиқди. У афсусланиб:

– Мен ўлимдан қўрқмайман, аммо онамга ачинаман, унинг мендан бошқа ҳеч кими йўқ. Мендан кейин қандай ҳолга тушишини ўйлаб, қайғураман, – деди. Унинг ёнида турган бир йигитга дарра уриш жазоси ёзилган қоғозча тушган эди. У ўз қоғозчасини ўлим ҳукмини олган йигитга узатди-да ҳукм ижрочиларига деди:

– Менинг онам йўқ, ёлғиз ўзимман. Бу йигитга бериладиган ўлим жазосини менга беринг. Менинг ҳиссамга тушган дарра уриш жазоси билан эса уни жазоланг.

Унинг тилагича иш қилдилар. Сийму зар сочиш билан мардлик кўрсатишга кўп гувоҳ бўламиз. Аммо жонни тикмоқ каби аъло мардлик барчага ҳам насиб этавермайди. Ана шундай аъло мардликка етган кишини «комил инсон» деб аташ ўринлидир?

Византиянинг машҳур бир элчиси Мадинаи мунавварага келиб, халифа ҳазрати Умар (р.а.) билан учрашмоқчи бўлди. Унга:

– Халифа бир оз аввал шаҳар ташқарисига чиққан эди, ўша ердан қидиринг, – дедилар.

Гарчи бу жавоб элчини ажаблантирган бўлса-да, сир бой бермади ва айтилган жойга борди. У ерда бир уйча қурилаётган эди. Қум ва тош ташиётган киши: «Сизга ким керак?» деб сўради.

– Менга халифа Умар керак, – деди элчи.

– Мен Умарман, қандай юмуш билан келдингиз?

Элчи унга ҳайрат билан қараб дедики:

– Наҳотки сиздай бир улуғ зот шундай ишлар билан машғул бўлса?!

– Бева, бечора бир аёл бошпанасиз қийин аҳволда экан. Унга бир уйча қуриб беришга аҳд қилдим...

Элчи мамлакатига қайтиб боргач, императорига ҳисобот бера туриб: «Исломнинг қудрати шу қадар буюк экан», деб таъриф берибди.

«Гўзаллар соф ва тиниқ кўзгу истаганлари каби, жўмардлик ҳам фақир ва заиф кимсаларни истайди. Гўзалларнинг юзи кўзгуда кўринади, инъом ва эҳсоннинг гўзаллиги фақир ва ғарибларни шод қилиш билан намоён бўлади, – дейдилар мавлоно Румий. – Шундай экан, фақирлар марҳамати илоҳийнинг, карами Раббонийнинг кўзгусидирлар. Ҳақ билан бирга бўлганлар доимо жўмардлик қиладилар». Модомики, фақир жўмардлик карамининг кўзгуси экан, кўзгуга тупурмоқ нодонликдир. Яъни, фақир ва ғарибни озорлаш учун оғиздан чиққан ҳар бир сўз унинг қалбини яралайди. Худди ойнага тупурилганда унинг юзи булгангандек, қалб хиралашади. Унинг порлоқ ва мусаффо юзи зарар кўради. Жўмардликнинг карами кўринмай қолади. Амалларимиз, инфоқларимиз доимо кўз ўнгимизда буюк бўлиб кўрина бошлайди. Бизни чалғитиб, адаштиради. Бизга ёлғон роҳат бағишлайди. Қатрадек яхшилигимиз ўзимизга денгиз каби кўринади.

Мардлиги билан ном чиқарган ҳукмдорлардан Баҳромгўр кунлардан бир кун овда кийикни отмоқчи бўлди. Кийик чап бериб, қочди. Сайёд уни қувди. Кийик қоча-қоча Қабийса деган одамнинг уйига кириб қолди. Ҳол тили билан ундан паноҳ сўради. Қабийса унга сув берди. Бу онда Баҳромгўр кириб келиб: «Эй, бадавий, менинг овим қочиб, сеникига кирди. Уни менга топшир!» деб буюрди.

– Эй, отлиқ яхши йигит, мендан паноҳ истаб чодиримга кирган жониворни ўлдириш учун сенга топширишим мурувватдан эмас, – деб жавоб берди Қабийса.

Баҳромгўр унга қаттиқ гапириб, ҳатто таҳдид қилди. Қабийса унинг бу сиёсатидан қўрқмай, айтдики:

– Эй, йигит, беҳуда сўзларни сўзлама. Мендан паноҳ истаб келган бечора жониворни нечун сенинг қўлингга топширай? Қў-

лингдаги ўқ-ёй билан мени ўлдирсанг, ўшандагина кийикни олишинг мумкин бўлади. Агар мени ўлдирсанг, қабилам халқи сени тирик қўймайди. Яхшиси, ўз жонингга раҳм қилгин-у бу бечора жониворни қўлга олиб, ўлдириш савдосидан кеч. Агар ҳирсинг томири тинч турмаса, ана, гўзал ва чопқир отимни эгар-у югани билан ола қол. Менинг отимни миниб, ўзингникини эргаштириб кетавер.

Баҳромгўр Қабийсанинг бу мардлигига таҳсин айтди, унинг отига илтифот қилмай, саройига қайтди.

Инсонлар ҳамиша бир-бирларига муҳтождирлар. Аммо бошқаларнинг ҳожати учун чошиб, ўз эҳтиёжини унутмоқ амалларнинг афзалидир. Чин инсон дўстларига доимо ва кўп-кўп ёрдам беради. Жўмардлиги туфайли чарчаш ва ранжиш нималигини билмайди. Бунинг баробарида дунёнинг фонийлигини, бутун чиркинликларнинг нима эканини яхши билгани учун дунёвий эҳтиёжларини иложи борича камайтиради. Бировга оғирлигини туширмасликка интилади. Зеро, дунё роҳатига эришмоқчи бўлса, ҳаром ва шубҳали нарсаларга ўралашиб қолиш эҳтимоли бор. Шунинг учун олди-сотдиларда ҳийла, ёлғон, қасамхўрлик, аҳдга вафосизлик, омонатга хиёнат сингари одам боласига ярашмайдиган нопок хислатлардан халос бўлади.

«Олижаноблик», «карам» сўзлари «мардлик»ка маънодошдир. Бу сўзларнинг бири ўрнига иккинчисини ишлатсак, маъно ўзгармайди. Баъзан уларни кетма-кет ёзамиз ёки тилга оламиз. «У мард ва олижаноб инсон», дейилса, алоҳида-алоҳида хислат англашилмайди, балки, таъкид бўлади. «Олиҳимматли, мард одам бир лаҳзада дўст орттиради. Пасткаш эса неча йиллик ошналигини бир лаҳзада барбод этади» жумласидаги «олиҳимматли»ни «олижаноб», «мард»ни «жўмард» деб ўзгартирсак ҳам маъно ўзгармайди. Ёки: «Сендан юз ўтирган кишининг суҳбатига интилиш жоннинг қадрини ерга уришдир. Суҳбатингни тилаган кишини қайтариш эса олижанобликка нуқсон етказишдир» жумласидаги «олижаноблик» сўзини «мардлик» ё «жўмардлик», деб ўзгартирсак ҳам асл маъно сақланиб қолади. Ҳазрат Навоий ва бошқа улуғларнинг асарларида бу хислат «карам» шаклида келади. Муножотларда ҳам «Карам қилғил» деган илтижолар мавжуд.

«Карам – бир жафокашнинг оғир юкини кўтармоқ ва ўша юкнинг машаққатидан уни қутқармоқдир, – деганлар ҳазрат Навоий. – Карам – бировнинг тиканли машаққат юкини кўтармоқ ва тикан санчилишидан гулдек очилмоқ ва шу қилган иши ҳақида қайта

оғиз очмаслик, ҳеч миннат қилмаслик, асло юзига солмасликдир». «Бизнинг замонда карам жавҳарини **олам аҳлидан тилаш** – заррадан қуёшни талаб қилмоқ, энг кичик Сахо юлдузидан осмони фалакни талаб қилмоқ билан баробардир». Бу таърифни ўқиб, у замонларда олижаноблар жуда оз бўлган эканлар-да, деган хулоса чиқармаслик керак. Улуғ шоир бу ўринда «олам аҳлидан тилаш» деяптилар. Шубҳасизки, дунёдаги барча одам бир хилда мард, бир хилда олижаноб бўлмайди ва бўлолмайди ҳам. Бу масаладаги даражалар ҳеч қачон бир хилда – олий мақомда бўлмаган, бўлмайди ҳам. Гап ҳар бир одамнинг шу мартабага интилишида! Инсонга олижаноб бўлиш тақдир этилган, десак тўғри бўлар. Олижаноб бўлган ҳар бир табиб боқаётган беморини ҳиммат давоси билан даволайди. Жаҳоннинг ободлиги олиҳимматли кишилар соясида бунёдга келади. Кимки ҳеч кимсага озор бермаса, ҳеч кимни ранжитмаса, унга ҳеч кимдан хавф этмайди. «Одам нима билан одам бўла олади?» деб сўрадилар. Жавоб берилди: «Олижаноблиги («одамгарчилиги» ҳам деймиз) билан. Агар одамда шу хислат бўлмаса, унинг ҳайвондан фарқи йўқ».

Машҳур уламо Шаъбийдан «Олижанобликнинг нишонлари нима?» деб сўралганида ул зот дедиларки:

– Бундай пок-соф одамлар бир кишини дарров ўзларига дўст қилиб олмайдилар, аввал яхшилаб текшириб, имтиҳондан ўтказганларидан кейингина дўстликка қабул қиладилар. Шу билан бирга, уларнинг бировга бўлган гина ва адоватлари ҳам тезда бўлмайди, узоқ вақт ўйлаб, фикр қилганларидан кейингина вужудга келади. Ғаразгўйларнинг сўзига ишониб дарров ғазабланмайдилар, чунки кумуш кўза узоқ вақт тургандан кейин мабодо синиб қолса, дарҳол тузатиб, ундан яна фойдаланиш мумкин. Аммо бахил, нокас ва пасткаш кишилар биров билан дўст бўлсалар, уларнинг дўстликларининг биноси тезда бузилиб, хароб бўлади. Чунки уларнинг дўстлиги сопол кўзага ўхшайди. Сопол кўза синса, уни тузатиб, ишлатиш мумкин бўлмайди.

Ўзбек адабиётининг беназир намояндаларидан бири устоз Ойбекнинг олижанобликлари ҳақида кўп ҳикоялар эшитганмиз. Шулардан бири. Ойбек домла уруш йиллари бир палто олиш учун бозорга тушибдилар. Бир палтони танлаб, савдолашиб, пулини тўлаганларида сотувчи аёл йиғлаб юборибди. Ёзувчи йиғининг сабабини сўраганларида, аёл: «Бу палто эримники эди. Эрим урушда ҳалок бўлдилар. Болалар билан қийналиб қолиб, ноиложликдан бу палтони сотишга олиб чиққан эдим...» дебди. Шунда Ойбек домла

палтони эгасига қайтариб бериб: «Буни ҳечам сотманг, ўғлингиз катта бўлганда кияди», деб, тўлаган пулларини қайтариб олмаган эканлар.

Расулulloҳ (с.а.в.) дедилар: «Мўминнинг елкаси юмшоқ бўлади, биродарига **кенглик** қилади, мунофиқ эса тўнгдир, биродарига **танглик** қилади. Мўмин аввал салом беради, мунофиқ эса «менга салом берсин», деб тураверади». Мўмин доимо юмшоқ табиатли, киришимли, бағри кенг кишидир. Шунинг учун биз «мўмин» деганда яхши, виждонли одамни, «мунофиқ» деганда эса аксини тушунамиз. Яхши одам бирон йиғинда ўтирар экан, янги келган одамга жой бериш учун ҳаракатга тушади, унга жой беради. Ўзи безовта бўлса-да, биродари тик турмаслиги учун ҳаракат қилади. Мўмин билан мунофиқ ана шу зайлда маълум бўлади. Қаранг, сиз ёнидан жой берган биродарингизни яхши кўрасиз, ташвишингизга бефарқларга эса меҳр қўя олмайсиз. Шу ҳол мўмин киму мунофиқ кимлигини кўрсатади.

Ҳотам Той ҳақидаги ҳикоятларнинг бирида бундай баён қилинади:

– Яман подшоҳи ўзини олижаноб ҳисоблаб, барчанинг олдида мақтанишни яхши кўрарди. Ўзини олижаноб деб ҳисобларди-ю, бироқ, Той қабиласининг подшоҳи Ҳотамнинг саховати ва мардлиги ҳақидаги гапларга тоқат қила олмасди. «Катта салтанатга эга бўлмаган бир саҳройи қанақасига мақтовга лойиқ бўлсин?!» деб ҳатто газабланарди. Бир куни у оламга татигулик зиёфат берди. Зиёфатда ҳозир бўлган хориж меҳмонларидан бири Ҳотам ҳақида гап очиб, унинг мардлигини кўкларга кўтариб мақтади. Бу Яман подшоҳининг нурли кунини зимистон кечага айлантирди, газаб ўтини аланга олди. Меҳмонлар тарқагач, ҳузурига жаллодни чақирди-да, амр қилди:

– Модомики, Ҳотам менинг подшоҳлигим вақтида ҳаёт экан, мен олижаноб деган номга эга бўла олмайман, сен бориб, Ҳотамни ўлдиргин-да, калласини менга олиб келиб, кўнглимни тинчит.

Жаллод Той қабиласига етганда унга бир йигит пешвоз чиқиб, нотаниш бўлишига қарамай, салом берди, ҳол-аҳвол сўради. Унинг хушмуомаласи жаллодни ҳайратга солди. Йигит ҳол-аҳвол сўраш билан кифояланмай, йўлда ҳориб-чарчаб келган жаллодни уйига бошлади, зиёфат қилиб, иззат-икромини бажо келтирди. Унинг танимаган бир кишига лутф кўрғазиши жаллодни янада таажжубга солиб, қалбида мезбонга нисбатан меҳр уйғотди, муҳаббат боғлади. Эртаси куни жаллод кетишга рухсат сўраганида йигит: «Сизга кўнглингиз тўладиган даражада хизмат эта олмадим. Яна бир неча кун

азиз меҳмоним бўлинг», деб ҳар қанча илтифот қилса-да, жаллод Той қабиласида бажарадиган муҳим юмуши борлигини айтиб, илтифотни рад этди. Шунда йигит яна лутф ила дедики:

– Азиз меҳмоним, менинг қабиламга қандай муҳим иш билан келганингизни айтинг, ишингизни рўёбга чиқишига қўлимдан келганича ёрдам бераман.

– Бу қабилада Ҳотам исмли олижаноб бир киши бор экан, – деди жаллод. – Нима учун менинг подшоҳим унга адоват боғлаган экан, билмайман. Ҳар ҳолда, Ҳотамнинг бошини кесиб келтиришимни амр этган. Агар амрни бажарсам, подшоҳнинг лутф-карамига етишаман, умрим роҳатда ўтади. Сиз Ҳотамнинг уйини кўрсатиб қўйсангиз бас, қолган ишни ўзим бажараман.

Мезбон йигит жаллоднинг сўзларини эшитиб, кулимсиради:

– Қадрли меҳмоним, сиз қидираётган Ҳотам – менман. Модомики, менинг бошим туфайли подшоҳнинг лутф-карамига эга бўлар экансиз, жону дилим билан розиман, мана қилич, бошимни кесиб, подшоҳингизга элтинг.

Жаллод кимга рўпара бўлганини билиб, даҳшат ва ҳайратдан йиғлаб юборди, сакраб туриб, уни қучоқлаб олди.

– Э, олижаноб одам, сен нақадар улуғ одамсан, сенинг бир тукингга зарар етказсам, бу мурдор қўлим синсин!

Жаллод яна бир неча кун Ҳотамнинг меҳмони бўлди...

Набий муҳтарам (с.а.в.): «Яхши сифатли, салоҳиятли кишилар қоқилиб кетсалар, уларни турғизиб қўйинглар», дедилар. Бунда рамзийлик бор. Яъни, адашса, тўғриланглар, йиқитиб олиб тепманглар, дейилмоқчи. Айрим ҳолларда бирон салоҳиятли киши хатога йўл қўйса, йиқитиб, тепиш нима экан, атрофида карнай-сурнай чалиниб, оламга жар солинади.

Умидимиз юлдузлари, бундай нохуш ҳолат тенгдошларингиз орасида ҳам учраб туради. Лицейнинг фахри бўлган аълочи ва хушахлоқ йигитчанинг ўқишлари пасайиб, бадахлоқлик учқунлари кўрина бошласа, қувонадиган «дўстлар» ҳам бор, тўғрими? Сиз шундай нохушликка дуч келсангиз нима қиласиз? Биринчи қиладиган ишингиз: – Адашган дўстингизни ёмон йўлдан қайтариш чорасини излаш, иккинчиси бу ҳолатдан қувонаётган «дўст»га танбеҳ бериб, уни ҳам тўғри йўлга йўллаш.

Саҳрода яшайдиган одам бир чуқурликда тўпланиб қолган кўлмак сувга дуч келди. Кўлмак сувнинг ранги ўзгариб, бадбўй бўлиб қолган эди. Шунга қарамай, саҳройи одам чанқоғини қондириш мақсадида ҳовучига сув олиб, ичди. Шўр сувга ўрганган саҳройига бу сув ширин туюлиб, севиниб кетди.

– Дунё суви бунақа ширин бўлмайди, бу жаннат суви бўлса керак, – деб ўйлади у. – Бу жаннат сувидан халифага совға қилсам, у қувониб, менга ҳадя беради. Шу баҳонада муҳтожликдан қутуламан.

Шу қарорга келиб, хуржунидан идишча чиқарди-да, кўлмак сувга тўлдириб олиб, Бағдод шаҳрига қараб кетди.

Ўша куни халифа Хорун ар-Рашид шаҳар атрофида ов қилиб юрган эди. Саҳройи унга дуч келиб, ҳадясини «жаннат суви» деб мақтаб, узатди. Халифа идишдаги ранги ўзгарган, бадбўй сувни кўриб масалага дарҳол тушунди-да, саҳройига қараб:

– Баракалла, биродар, менга жуда қимматли ҳадя келтирибсан. Бу чинданам жаннат суви. Бу муборак жаннат сувини ҳеч кимга бермай, фақат ўзим ичажакман, – деди. Кейин хизматчисига юзланиб, деди: – Биродарим келтирган мана бу муқаддас ва муборак жаннат сувини менинг хос идишимга қуйиб қўй, эҳтиёт қилиб сақла.

Халифа шундай деб саҳройига минг тилла ҳадя бериб, шаҳарга бормасдан, шу ерданоқ изига қайтишни буюрди. Саҳройи инъомдан қувониб, халифани дуо қилиб, уйига қайтди.

Атрофда турган аёнлар бу ҳолатдан ажабланиб, «Нима учун у одамга шаҳарга бормай, шу ернинг ўзидан уйига қайтишни буюрдингиз?» деб сўрадилар. Халифа жавоб берди:

– Умрида ширин сувни ичиб кўрмаган у саҳройи кўлмакнинг бадбўй сувини жаннат суви деб ўйлаб, менга олиб келибди. Агар мен унга ҳақиқатни айтсам, кўнгли вайрон бўларди. Шунинг учун сувни мақтаб, олиб қолдим. Агар изига қайтармасам, обод шаҳарга борса, оқар сувлардан татиб кўрса, бузилган сув ҳадя қилганидан уяларди. Мен умид билан ҳадя келтирган, яхши ниятли кишининг изза бўлишини, кўнгли озор топишини истамадим. Бир кишини маъюс ва ноумид қилишдан, дилини озорлашдан ёмонроқ иш йўқдир...

Интиқом олиш ва жазо беришга қодир бўла туриб, афв билан муомала қилиш ажойиб олижанобликка киради. Ҳикмат аҳли дедиларки: «Интиқом оладиган пайтингда афв қил. Бундай қилолмасанг, ҳайвоний ҳисдан қутула олмайсан». Устозлар подшоҳларга ҳамиша ўғит берганларки: «Агар Парвардигор сенга ғалаба беришини хоҳласанг, кечирувчи бўл, чунки у кечиришни яхши кўради». Ўнинчи асрда Бағдодда қатл этилган сўфий Мансур Ҳалложнинг аввал панжалари, сўнг қўллари кесилган, кўзлари ўйилган. Навбат тилга келганда сўнгги сўзлари: «Аллоҳим, Сенинг розилигинг учун менга бу уқубатларни раво кўрганлардан

раҳматингни аяма. Сенинг муҳаббатингга эришиш йўлида мени қўлларимдан, оёқларимдан жудо қилган бу қўлларингни афв эт! Аллоҳим, уларни кечир, муҳаббатинг ҳурмати кечир...»

Ўзингиз ўйлаб кўринг, кимдир сизга ёмонлик қилади, дилингни ранжитади. Унга жавоб қайтаришга қодир бўла туриб, бу имкониятдан воз кечиш осонми? Йўқ, бу ўта оғир, мушкул иш. Бундай машаққатга фақат улуғ қалб эгаларигина бардош бериши, нафсини енга олиши мумкин. Ҳамонки, бу фазилатга етишиш оғир экан, машаққатдан чўчиб, тисланиш керакми? Асло! Ҳамиша шу фазилат сари интилиш керак. Зарра-зарра миқдорида бўлса ҳам, бу фазилат дурларини йиғиш лозим.

ШУҲРАТ – ОФАТ

Бир донишманд насиҳат китобида бундай ёзган экан: «Эй, одам! Сен ҳеч қачон улуғлик кетидан қувма! Улуғликни излаш, барчадан устун бўлишни хоҳлаш чин инсон хислати эмас. Кийиниш ва ясан-тусан билан ўзингни кўрсатишга уринма. Чунки бундай қилиш ясама обрў талаб қилишдир. Ўтаётган умрингдан беҳабар бўлма, уни ўқиш ва ўрганишга сарф қил! Бахтиёрлик ва саодатлик асосини қўлга киритишга урин! Билгинки, ҳаёт доимо зийрак бўлиб киши ўзидан огоҳ бўлиши учундир. Уни ейиш ва ичиш, ухлаш учун деб ўйлама!»

Умидимиз юлдузлари, мазкур мавзунини ўрганишга киришишдан олдин сизга бир савол бераман: киши қилган яхшилиги туфайли гуноҳ орттириши мумкинми? Яхшилиги учун жамоат ундан юз ўгириши мумкинми?

Ғалати, ҳатто бемаънироқ савол, а? Агар шундай ўйласангиз, жавобга сал шошилибсиз.

Албатта, яхшилик туфайли гуноҳ орттирмайди, балки кейинроқ, шу яхшилиги туфайли мақтала бошланганида шуҳратга берилиб, гурур отига минганида гуноҳ кулбаси эшигини очади. Ана шунда жамоа ундан юз ўгиради.

Дунёнинг ишлари шунақа ажабтовур: кишини яхшилиги учун мақтаб, кўқларга кўтарадиган, кибр балосига гирифтор қиладиган ҳам жамоа, шу хасталиги учун ундан юз ўгирадиган ҳам шу жамоанинг ўзи.

Ҳа, қилинган ҳар қандай яхшилик ортидан шуҳрат келади. Пайғамбаримиз алайҳиссалом умматларини «шуҳрат – офатдир», деб огоҳантирганлар.

Шуҳрат сизга ҳам келади. Аъло ўқисангиз, сизни устозларингиз мақтайверишади. Бундан керилсангиз, тенгдошларингиз олдида

хурматингиз йўқолади. Тенгдошларингиз орасида санъатда ёки спортда пешқадамлар бор. Улар санъат кўрикларида қатнашадилар, спорт мусобақаларида совринлар оладилар. Бу ютуқлар уларни гангитиб қўяди. Ўзларини дўстларидан баланд ола бошлайдилар. Бундан сиз «бунча кериласан, сал пастроқ туш», деб ранжийсиз. Болалик ва ўсмирликдаги ютуқдан ҳаволанишнинг оқибати жуда-жуда хатарли. Кичик ютуқни катта ғалаба каби англаб, ўсишдан тўхтаб қолади. Келажакдаги юқори ғалабаларга етиша олмайди.

Маҳжон Асламий (р.а.) айтдилар: «Расулulloҳ (с.а.в.) масжидда рукуъ, сужудларини яхшилаб намоз ўқиётган бир кишига кўзлари тушди-да: «Бу одам ким?» деб мендан сўрадилар. Мен: «Бу фалончи», деб уни мақтай бошладим. Расулulloҳ (с.а.в.): «Бўлди, бундай мақтовингни ўзига эшиттирма, уни ҳалок қиласан», дедилар». Абу Бакра Нуфайийъ ибн Ҳорис (р.а.) айтдилар: «Расули амин ҳузурларида бир киши устида гап бўлди ва уни кимдир мақтади. Шунда Расулulloҳ «Уни шундай мақташлик билан бўйнини узиб қўйдинг», дедилар».

Ривоятки, бир киши тик туриб, амирлардан биттасини мақтади. Шунда Миқдом ибн ал Асвод унинг юзига тупроқ сочиладилар-да, «Расулulloҳ (с.а.в.) ортиқча мақтовчилар юзига шундай тупроқ сочишимизга буюрганлар», дедилар. Шуҳратнинг офатга олиб бормаслиги учун киши иймони ғоят мустаҳкам бўлиши керак. Чунки кўп ҳолларда шуҳратли киши шайтонга тобе бўлиб қолганини ўзи ҳам сезмайди. Атрофидагиларнинг мақтовини, ихлосини бора-бора талаб даражасига етказди. Яъни «ҳамма мени мақташи шарт, барча менгагина ихлос қилишга мажбур», деб ўзини ўзи ишонтира бошлайди. Камчилигини айтганни хусуматчи, танқид қилганни душман деб ҳисоблайди. Билмайдик, шуҳрат маънавий мукофотдир. Бу мукофотга ҳамиша лойиқ бўлиши шартдир. Яхши номга эга бўлиш учун бир-икки яхши иши кифоя эмас, яхши хулқларнинг барчасини эгаллаши керак. Одамлар орасида «шуҳратпарастлик» деган иллат бор. Бундайлар шуҳрат учун югураётиб йиқиладилар. Йиқила-йиқила бир амаллаб ниятларига етганлари эса шуҳрат йўлида маънавиятларини ўлдирдилар.

Бошқалардан эшитган мақтовлар туфайли шуҳрат шоҳсупасига ўтириб олувчиларни тарбиялаш мумкиндир. Аммо, ўзлари тўқиган ёлғонларга асосланиб шуҳрат даъво қилувчиларни-чи? «Аҳмоқ ўзини мақтар», деган мақол бекорга тўқилмагандир. Аҳмоқнинг давоси эса ўзингизга маълум. Бир масал бор.

Тулки билан маймун ҳамроҳ эдилар. Йўлда бир-бирларига мақтаниб бораверишди. Тулки ўзини ғоятда кибор оилага ман-

сублигини ва ҳайвонлар ичида энг олий насаб ҳисобланишини айтди. Буни эшитган маймун: «Биродар, менинг қанчалик олий насаб эканлигимни фақат Аллоҳ Таоло ва ўзим биламан», деди. Шу орада қабристонга яқинлашдилар. Маймун чаққонлик билан сакраб, дабдаба билан безатилган бир қабртош ёнига ўтди-ю, ҳўнграб йиғлай бошлади. Тулки: «Нега йиғлаяпсан?» деб ажабланди. «Мен йиғламай ким йиғласин? – деди маймун. – Шу қабрда ётган киши отамнинг саройидаги энг содиқ хизматкор эди». Бу гапни эшитган тулки кулди: «Эй, оғайни! Оғзингга сиққанича ёлғонни тўқийвер. Бу ердагиларнинг биронтаси туриб, ёлғонингни ошкор қилолмайди, шундайми?»

Қиссадан ҳисса шуки, бу дунёда маймун билан тулки сингари ўзларини мақташ билан шуҳрат топишга интилувчи қанчадан-қанча ёлғончилар бор. Ақлли, виждонли инсон аввало мақтанишга, қолаверса, ёлғон шуҳратга эҳтиёж сезмайди. Чунки олтинни кўрган киши унинг олтин эканини дарҳол билади. Фақат, мис бўла туриб, олтиндай кўринишни хоҳлаганлар маймун билан тулки каби мақтанчоқлик қиладилар.

Бир ҳамёнда олтин, кумуш ва мис тангалар бор эди. Улар доимо шовқин қилишиб: «Олтин нима бўлибдики, исми жуда машҳурдир? Ҳақиқатда эса биз ундан аълороқмиз», деб, ўзларини олтиндан устун қўйишарди. Олтин эса уларга жавоб бермасдан, сукут сақларди. Кумуш тангалар бу ҳолга чидай олмай олтинга: «Мақтанчоқ мис тангаларга муносиб жавоб берсангиз-чи!» дейишди. Шунда олтин деди: «Эй, дўстлар, ғамгин бўлманг, эртага соҳибимиз бозорда ҳамёнини очганда ҳар кимнинг қадр-қиймати намоён бўлади». Бу қиссадан маъно шуки, ўз қадрини билмаганлар ўзларини мақтаб тасалли топадилар. Ўзига ишончи бўлганлар эса сукут сақлайдилар. Уларнинг бу сукутлари қадр-қийматларига бўлган ишонч туфайлидир. Мис бўлганлар эса сарроф бўлмаганларнинг ёнида ўзларининг олтиндан юқори эканликларини айтиб мақтаниб юрадилар.

Одам боласи чиркин одатга яқинлашмаслиги шарт! Донишмандлар «Олтин бўлсанг сени ҳеч ким мис қилолмайди. Душманинг сени ёмонласа ҳам маънос бўлма», деб марҳамат қилишган. Устоз Саъдий бу ҳақда деганларки:

*Бир аҳли ҳунар, кўрса жафо, шахси дунёдан,
Титратмасин асло қирилган қалбини бир он.
Бир тошки агар олтин косани синдирса,
Олтин яна олтиндир, қийматига етмас ҳеч нуқсон.*

Олтинни таҳқирлаш учун ахлатга ташласалар-да, унинг қиймати асло пасаймайди. Олтин олтинлигича қолаверади. Чанг осмонга чиқса ҳам, унинг қиймати ҳеч қачон ошмайди. У чанглигича қолаверади. Кибрланиб мақганишдан лаззатланганлар шароб ичган сархуш каби ўзларини маҳв этадилар. Инсон ё кўрингани каби бўлади, ё бўлгани каби кўринади.

Шуҳратпарастлик – кишининг ўзи лойиқ бўлмаган шон-шуҳратга бевақт уринишидан бошқа нарса эмас. Бу кунларимизда шуҳратпарастликнинг турли кўринишларига дуч келяпмиз. Шулардан бири ёш санъаткорлар ҳаётида учраяпти. Саҳнага бир-икки чиқиб олқиш олган, айниқса беш-ўн тўйга бориб, чўнтаги пулга тўла бошлаган санъаткор дарров «юлдуз»га айланиб қоляпти. Албатта, унинг ўзи «Мен – юлдузман!» деб ҳайқириб майдонга чиқмайди. Уни атрофидагилари, хусусан, мухбирлар мақтаб кўкларга кўтара бошлайдилар. «Юлдуз» деган «унвонни» ҳам улар берадилар. Ёш санъаткор эса бу мақтовларга ишонади, ўзини шу шуҳрат шоҳсупасига лойиқ деб ҳисоблай бошлайди. Аслида, бу уларнинг шуҳрати эмас, фожиаларининг бошланишидир. Дастлаб пули кўплигидан, олқишларнинг мўллигидан гердая бошлайди. Ҳаёт – бешафқат. Шуҳратни беришга беради-ю, ширин туюлган бу дамлар умрини узоқ қилмайди. Санъатдаги, айниқса, спортдаги омад, дабдаба тез ўтиб кетади. Олқишлар камайиб, ўзига бўлган эътиборнинг сусая бошлаганини сезган санъаткор энди атрофидагилардан ранжийди, ҳатто нафратланади. Тагидаги хориж маркаби, сароймонанд уйи ҳам кўнглига таскин бера олмайди. Шуҳратпарастлик хасталиги уни шундай азобга мубтало қилиб қўяди. Афсус шундаки, ёшлар бу оддий ҳақиқатни англашни, бу хасталикдан сақланишни исташмайди.

Шон, ном, доврўқ ортига тушганлар шайтон йўлида югурадилар. «Шараф қидирсанг уни бойликдан излама, иймондан қидир», деган ҳикматни унутадилар. Шуҳрат инсон учун энг катта нафсоний орзудир. Кимсанинг орзуси баъзан ақлидан зўр келади. Шуҳрат савдосига тушган киши жуда кўп зулмларга қўл уради-ю, лекин ўзи бунинг фарқига бормади. Бу орқали ўзини пастга уриб, золимлар сафига қўшилиб қолади. Уламолар дерларки, биров кимнингдир молини зулм йўли билан олса-ю мол эгасининг вафотидан сўнг қилган ишидан пушаймон бўлиб, марҳумнинг ворисларига ва бутун ер юзи аҳолисига ўша молни келтириб рози-ризалик учун ҳаракат қилса-да, улар рози бўлишса ҳам, ўша кишининг шарафига етган хафагарчиликини кетказолмайди. Зеро, бир мўминнинг шарафи молдан аҳамиятлироқдир. Шуҳратпараст одам буни фарқдай олиши қийин.

Ақлли одамлар бошларига шуҳрат тожи кийдирилаётганини сезсалар эҳтиёт чораларини кўра бошлайдилар.

Абдуллоҳ ибн Муборак айтадилар:

– Бир йили Маккада қурфоқчилик бўлди. Халқ уч кун истисқо намозини ўқиди. Аммо ёмғир ёғмади. Шунда ёлғиз ўзим дуо қилай деб халқдан четланиб, ғорга кирдим. Бир пайт ҳабаш қул келди-да, мени кўрмади, икки ракаат намоз ўқишга киришди. Бошини саждага қўйгач: «Илоҳим! Бу бандаларинг уч кун Сендан ёмғир сўрашди. Бермадинг. Иззатинг ҳаққи, ёмғир юбормагунингча бошимни ердан кўтармайман», деб дуо қилди. Шунда у ҳали бошини кўтармасидан ёмғир ёға бошлади. У тургач, ортидан эргашдим. Бир ҳовлига кирди. Мен эшикнинг олдига ўтирдим. У ердан бир киши чиқди. Мен қул сотиб олмоқчи эканимни айтдим. Уй эгаси менга бир ғулумни кўрсатди. Бошқасини сўрадим. «Яна биттаси бору дангасароқ, сизга тўғри келмайди», деди. Уй эгаси ғорда дуо қилган қулни назарда тутган эди. Мен ўшани йигирма динорга сотиб олдим. Шунда ғулум менга: «Эй, ибн Муборак! Нима учун айнан мени сотиб олдингиз? Мен сизга яхши хизмат қила олмайман», деди. Уни уйимга олиб келдим. У таҳорат қилишни истади. Сўнг таҳорат қилиб, намоз ўқиди. Саждада бир нималарни гапирди. Сўзларини эшитмоқ мақсадида унга яқинлашдим. У «Эй, сирларнинг соҳиби! Сир зоҳир бўлди. Мен эсам машҳур бўлганимдан кейин яшашни хоҳламайман», дер эди. Сўнг бир муддат жим бўлиб қолди. Қарасам, ўлиб қолган экан...»

Бу каби воқеаларга ибрат кўзи билан қарасак, комиллик йўлида юқорилаб бормоқлик учун шуҳрат аталмиш кўчалардан нари бўлиш шартлигини англаймиз. Тоғ йўлида чорраҳалар кўп бўлади. Ҳар бир чорраҳада шуҳрат саройи жилваланиб кўринади, ўзига тортади. Юқорига эмас, ўнг ёки чапда кўринган ўша шуҳрат саройига кирилса, тамом, киши комиллик йўлидан узилади. Бу саройнинг ёқимли ва роҳатбахш тўшакларидан, дастурхонидан қутулиб чиқиб яна юқорилаш қийин, жуда қийин!

Шуҳратдан сақланишга доир ибратли мисоллар ҳам мавжуд. Малайзия сафаридан қайтган дўстим шундай ҳикоя қилди:

– Кечаси таҳажжуд намозини ўқиш ниятида туриб, таҳоратхонага ўтдим. Оппоқ соқоли кўксига тушган нуроний отахон таҳоратхонани тозалаётган эканлар. У киши кўзимга иссиқ кўриндилар. Қаердадир учратгандай эдим. Бу аҳвол кейинги тунда ҳам такрорланди. Учинчи кеча отахонни қаерда кўрганимни эсладим: жума куни жоме масжидида минбарда кўрган эдим. Энг катта

масжиднинг имом-хатиби қилаётган бу иш менга ажабтовур туюлиб, салом бердим-да араб лисонида ўзимни танитдим. Кейин бу юмушларининг сабабини сўрадим. У киши юртимга қачон қайтмоқчи эканим билан қизиқдилар, сўнг саволимга жавобни қайтар куним айтажакларини маълум қилдилар. Сафаримнинг сўнгги тунида яна таҳоратхонада учрашдим. Шунда саволимни эслатмасам ҳам, жавоб бердилар:

– Кундузлари атрофимдаги одамларнинг мени нечоғлик ҳурмат қилишларини кўргандирсиз. Мен билан бир мартагина бўлсин кўришишга маҳтал одамлар бор. Кишининг шуҳрат дардига йўлиқиб, кибр хасталигини орттириши ва гуноҳкор бўлиб қолиши учун шунинг ўзи кифоя. Мен кечалари ўрнимдан туриб бу ерга келаман-да, таҳажжуд намозини ўқишдан олдин бу шуҳрат, бу кибрга қарши жанг қиламан. Сиз таҳоратхонани шунчаки тозалаб юрибди, деб ажаблангансиз. Аслида бу менинг шуҳратпарастликка қарши жиҳодим...

Бу воқеа баёнини эшитиб, бир ибратли ҳикоятни эсладим.

Ҳикоят. Подшоҳ жума намозини ўқиш учун саройдан чиқар экан, бир жарчи: «Подшоҳим, кўп яшанг, бахтингиз кулсин», деб халқнинг дуолари ва муҳаббатларини изҳор қилар экан. Подшоҳ масжидга халқнинг олқишлари ичида, икки қатор қўриқчилари орасидан ўтиб кирарди. Подшоҳ нафсоний туйғуларга, халқнинг илтифот ва олқишларига учмаслиги учун яна бир жарчи унинг ёнида юриб, «Мағрур бўлманг, подшоҳим, сиздан буюк Аллоҳ бор!» деб такрорлаб турар экан.

Таниқли одам билан шуҳратли одам бир хил эмас. Айримлар қайси бир иши билан элга танилгач, шуҳратга эришдим, деб ўйлайди. Таниқли бўлишнинг, шуҳратга эришишнинг одамга фойдаси борми? Таниқли одамни кўча-кўйда танийдилар, «ана, фалончи!» деб бир-бирларига кўрсатадилар. Қизиқувчи ёшлар келиб, дастхат оладилар. Мана шу нарса таниқли кишига завқ бағишлайди. Вақт ўтиб, бу эътибордан қолгач, руҳан эзила бошлайди.

Шуҳрат юки оғир бўлади. Кўпчилик кўтара олмайди. Кўтара олмаслигининг сабаби – ҳаётининг кучини шуҳратни қўлга киритиш учун сарфлаб адо қилиб қўяди. Бозордан сотиб олинган қўй қўлдан чиқиб, қочиб кетса, янги эгаси қувлайди. Қўйни ушлашга-ушлайди-ю, аммо югура-югура ҳолдан тояди. Киши шуҳратни қуваётганида шуҳрат шайтони унинг гарданига ўтириб олган бўлади. Агар ақлли киши шуҳратни қувмаса, балки яхши фазилатлари, зеҳни, идроки туфайли шуҳрат ўзи келса, шайтон миниш у ёқда турсин, ҳатто унга яқинлаша олмайди. Нар и борса, яқинроғида пайт

пойлаб яшайди. Камтар одам бунга ҳам йўл бермайди. Камтарга насиб этган шуҳрат унинг фазилатини янада гўзаллаштиради. Шуҳрат бундай одам ортидан худди соя каби эргашиб юради. Агар шуҳрат олдинга ўтиб олса-ю кимса уни қувлашга тушса, оқибатда ё бузуқлик ботқоғига ботади, ё кибр тўрига ўралиб бўғилади. Шу кимсани кеча эъзозлаган жамоа бугун лаънатлайди. У қувиб етган, эга бўлдим, деган шуҳрат ўзидан аввалроқ ўлади. Шуҳратга бўйин бермаган, унинг жилваларига маҳдиё бўлмаган кишилар эса эл наздида табаррук инсон мартабасига кўтариладилар. Оқибат шундай бўладики, бу одамнинг ўзи вафот этади, шуҳрат эса яшаб қолаверади.

Ҳикмат. Яхши ном олиб ўлган киши ёмон ном олиб тирик юрган кишидан афзалдир. Улуғликка эришиш гоят қийин, бироқ, пасткашликка тушиш жуда осондир.

Шуҳратнинг битта фойдаси бор: агар шуҳратга етишган инсон комил одамийликка хос гўзал хулқи билан юқори мартабаларга эришган бўлса, уни бозорда кўрган кишилар «ана, фалончи», деб қўя қолишмайди, балки «Шу жуда яхши одам-да», деб ҳақиқа дуолар қилишади. Шундай дуога лойиқ одамнинг шуҳрати сира ўлмайди. «Қутадғу билиг»да бундай сатрлар бор:

*Недан бўлди Заҳҳок сўкишга дучор,
Фаридунга нечун омад сазовор.
Бири – эзгу (яхши) эрди – олди у дуо,
Эсиз (ёмон) бўлгани-чи, сўкиш беадо.*

Сўкишга, халқнинг лаънатига сазовор бўлган Заҳҳок ситамкорлиги билан шуҳрат топган зулмпарвар ҳукмдор. Афсоналарга кўра, унинг елкасига жойлашиб олган икки аждар одамнинг мияси билан озиқланган. Дуога етишган Фаридун эса Жамшид шоҳнинг авлоди ҳисобланади, у Заҳҳокни енгиб, ғорга тиқиб қўяди. Инсониятни зулмдан озод қилади.

Дунёда ҳамма нарса сўнади. Бугун кўзни қувонтириб турган юлдузлар, ҳатто вақти етганда қуёш ҳам сўнади. Шуҳрат сўнмасинми? Шундай экан, шуҳратга маҳдиё бўлганларнинг керилишларига, кеккайишларига нима деймиз? Сўнган юлдуз, эҳтимол, фазода парча-парча бўлиб йўқ бўлиб кетар. Шуҳрати сўнган кибр эгасининг холи не экан? Охирати не экан? Аслини олганда, бутун дунёдаги шону шуҳратни тўпласангиз, биттагина буғдой бошоғи каби қадрли эмас. Буғдойнинг нафи бор, бироқ, шону шуҳратнинг, ҳатто ўз эгасига ҳам фойдаси йўқ. Эҳтимол, топган шуҳратидан

фойдаланиб, турмушини бир оз яхшилаб олар ёки зиёфатларда тўрда талтайиб ўтирар, лекин, фикримга қўшилиб, азизлар, бу ҳам ўткинчи, ватқинчалик кераксиз бир дабдаба!

Машхур қонуншунос олим шайх Абу Бакр Нишопурий маъно мулки сари йўл топганлардан эди. Бир куни у ўзининг обод маскани бўлган Нишопур шаҳридан саёҳат қилиш учун йўлга чиқди.

Унинг шайхлик мартабаси ниҳоятда баланд бўлиб, мухлис ва хизматкорлари ғоят кўп эди. Кажава ва туғ кўтариб юрувчилар ва олий насаб ходимлари беҳисоб эди. Шайх уларга шукуҳ билан назар солди. Қараса, олди ҳам, орқаси ҳам – бутун теварак атрофи сон-саноксиз кишилар билан ўралган. Бу хаёл унинг кўнглидан ўтиб, бир зум ширин ўйга берилди. Худди шу маҳал бир эшак ҳанграб, ногаҳон орқасидан қаттиқ эл чиқиб кетди.

Бу ҳолатда шайх ёқимли бир рамз кўриб, жазбга тушиб айлана бошлади. Сўнг ўзидан кетиб йиқилди. Унда содир бўлган бу ҳолатни кўрган яқин кишилари ва муридлари унинг бошига йиғилишди. У ўзига келгач, шайхнинг бир маҳрами густоҳлик билан «Бу не ҳол эди?» деб кайфият сўради. Шайх жавоб қилди:

– Эй, сирдош ўртоқ! Менга шум нафсим ҳужум қилиб, атрофимдаги халқни ўзимга тобе деб ўйладим. Кўнглимга келдики, тўғри йўл кўрсатувчилардан, толиблар ва соликларга мадад берувчилардан на Жунайд, на Шиблий, на Боязид, на Убайд, на Нурий ва на Абу Саид – улардан қайси бири бу хил обрў-эътибор топиб, фақр йўлида бунчалик кўп одамлар гуруҳига эга бўлган экан?! Нафс менинг кўнглимга шу хаёлни солган маҳалда ўша эшак тўғри жавоб берди. Мен ундан керакли жавобни топдим. Завқ-шавққа берилиб, ўзимдан кетишимнинг боиси ҳам ана шу эшак эди.

Қизиғи шундаки, шайхга эшак ҳанграб, бу хил танбеҳ билан унга тўғри йўл кўрсатди-ю, у бундан жазавага тушиб, беҳуда хаёллари бошидан эл каби чиқиб кетса! Бу иш фақат инсофли кишилар қўлидан келади. Кимки инсоф эгаси бўлса, бу ишнинг маъносига тушунади. Бироқ, ҳар қандай шуҳратпараст, пасткаш ва разил кишилар бундай улуғ давлатга ета олмайдилар.

Ўзидан яхши ном қолдириш билан шуҳрат топишга интилиш бошқа-бошқа нарса. Буларнинг биринчиси фазилат, иккинчиси эса иллатдир. Донишмандлар яхши ном қолдиришни алоҳида бир умр, деганлар. Нафас олувчи тирик жон борки, охир-оқибат ўлади. Одамнинг бири озроқ, иккинчиси кўпроқ яшайди. Сўнг бари бир вафот этади. Лекин подшоҳнинг ҳам, оддий одамнинг ҳам вафотидан қоладиган нарсаси – номи бор. Ҳазрат Навоий таъбирлари

билан айтганда, бу дунёни гулшанга қиёс қилсак, бу гулшанда тирик қолувчи гул йўқ – ҳаммаси қурийди, чирийди. Ҳамонки, одам ҳам мангу яшамас экан, ундан яхши номнинг қолиши буюк ва ажойиб бир саодатдир.

Ҳикоят. Султон Маҳмуднинг жуда гўзал боғи бор эди. Бир куни боғда отаси Носируддавла Сабуктакин шарафига зиёфат берди. Зиёфатдан кейин ўғли отасидан сўради:

– Азиз отам, менинг бу боғим ҳақида нима дейсиз, сизга маъқул бўлдимми?

Ота жавоб берди:

– Эй, кўзимнинг нури ўғлим, боғинг бағоят зебо ва дилкушо боғдир, аммо давлати, бойлиги бор ҳар бир киши бундай боғни бунёдга келтира олади, лекин сен кўпларга муяссар бўлмаган бир боғни вужудга келтирки, унинг мевасидек мева ҳеч ерда топилмасин.

– Сизнинг таъриф қилганингизча, бунёдга келтириш ҳар кимга ҳам муяссар бўлмаган у боғ қандай боғ экан? – деб эди, ота жавоб берди:

– У боғ олиму фозиллар, адибу шоирлар, донишмандлару ва бошқа ахлоқли, тарбияли улуғ зотлар суҳбатидир. Шу улуғ зотлардан тарбия топиб яхши ишлар зуҳурга келтириш унинг дарахти бўлиб, меваси эса яхши номга эга бўлишдир.

Куни мақтовчилар даврасида ўтган одам сохта шуҳрат топади, донишмандлар даврасидан жой олгани эса яхши номга сазовор бўлади. Биринчиси тез гуркираб ўса бошлаган, лекин илдизи тошга тегиб қурий бошлаган ниҳол тақдирини эслатади. Иккинчиси эса узоқ йиллар давомида ширин-ширин мевалар билан кишилар дилига роҳат берувчи дарахт кабидир.

Айтишларича, мўътабар бир одамнинг эътиборли мажлисида олим ва фозил кишини кўп-таъриф тавсиф қилдилар. Мўътабар одам бу кишини кўриб, суҳбатидан баҳраманд бўлишни орзу қилиб, уни шу мажлисга даъват этиш учун қариндошини юборди. Олим мажлисга келгач, салом бериб, барча билан сўрашди. Кейин мўътабар одамга таъзим қилиб:

– Мажлисингизга даъват қилганингиз учун ташаккур этаман, минг йил роҳат ва фароғатда умр кечиринг, – деди.

Мўътабар одам олимнинг тилагига таажжуб қилиб айтди:

– Мажлисимизда ҳали ўтирмай туриб, мумкин бўлмаган сўзни офзингиздан чиқардингиз. Бир одамнинг минг йил умр кўришига ақл бовар қиладими? Бундай сўзни айтиш сиздек олим ва фозил кишига муносибмикин?

– Инсоннинг тириклиги фақат жисмнинг боқийлиги билангина эмас. Одамнинг минг йил умр кўрмаслигини ҳамма билади.

Лекин ўлгандан кейин қолган яхши ном яна бўлак умрдир. Сизнинг олижаноб, марҳаматли, шафқатли эканлигингизни биламан. Қилган яхши ишларингизни халқ унутмай, номингизни доимо ҳурмат билан ёд этиб туради. Вафотингиздан кейин ҳам қилган яхшилигингизни халқ унутмайди. Номингизни кўнглида абадий сақлайди, деган маънода «минг йил умр кўринг», дедим, – деб жавоб берди олим.

Назм:

*Кишиким бўлди яхши номи машҳур,
Вафотидан кейин они «зинда» дерлар.
Ёмон номга эга бўлган одамни,
Агар чанди тирикдир «мурда» дерлар.*

(
Мазкур тўртликда шоир форс тилидаги «зинда» (яъни «тирик»), «мурда» (яъни «ўлик») сўзларидан нуктадонлик ила фойдаланган).

Бу ҳикоятни ўқиғач, тарихий далилларга мурожаат этиб, Хоразмий, Беруний, Форобий, Фарғоний, Қошғарий каби улуғларнинг номлари минг йилдан бери яшаб келаётганини эсласак, бу номларнинг Ўзбекистон ҳудудидан чиқиб оламаро машҳур эканига диққатимизни тортсак, яхши номнинг қадрини англаган бўламиз. Фиръавн, Чингизхон, Наполеон, Гитлер... каби шуҳратпарастларнинг номлари лаънатланиши ҳам барчага ўртак бўлиши керак.

Бировлар зеҳни, ҳаракати, қилган яхшилиги туфайли яхши номга эришади. Айримлар эса отасининг ёки онасининг ёки яқин қариндошининг шуҳрати соясида яшашни маъқул кўради. Ўзи ҳеч нима қилмайди, бироқ, ўзгалар шуҳрати имтиёзларидан фойдаланади. Бундайлар шуҳратпарастлардан ҳам баттардирлар. Шараф наслу насаб билан эмас, фазлу адаб билан топилади. Ҳазрат Сўфи Оллоҳёр дедиларки:

*Агар қилсанг сафар дорул ҳаёта,
Хўб ота бор, дема, тармаш хўб ота.*

(Маъноси: сен охираат уйига сафар қилмоқ қасдида бўлсанг, яхши отам бор, дема. Ва мен унинг наслданман, деб алданмагил. Яхши ота ва онага алданмоқ аҳмоқликдир. Аммо яхши ном орттиришга интил).

Пайғамбаримиз алайҳиссалом қизлари Фотима онамизни «сенга Қиёматда алоҳида имтиёз берилмайди», деган маънода огоҳдан-тириб, яхши амалларга даъват қилганларини унутмаслигимиз

керак. Ажабки, узоқ йиллардан бери одамлар аждодаларининг шуҳратидан фойдаланишга уринадилар, жамиятда ўзлари учун алоҳида имтиёзлар талаб қиладилар. «Биз эшонзодамиз!» дейишади бирлари, «Биз пайғамбар авлодиданмиз!» дейишади бошқалари. Яна баъзилар «шоҳ» ёки «мир» (асли амир) авлодидан эканини даъво қилади. Исботи учун шажараларини кўрсатишади. Албатта, аждодалари ким эканини билиш, улар билан фахрланиш яхши фазилат. Лекин жамиятда алоҳида имтиёз даъво қилиш бемаънилик. Аждодалар билан фахрланишнинг ўзи етарли эмас. Кимнинг аждодидида улуғлар ўтган бўлса, демак, унинг ўзи ҳам улар каби бўлишга интилиши шарт. Кимнингдир бобоси машҳур ҳофизи қуръон бўлган бўлса-ю ўзи бир-икки кичик сурани ёд олишдан нарига ўтмаса, фахрланишида маъно борми? Бир киши менга шажара битилган ҳужжатни кўрсатиб, «мен пайғамбар авлодиданман», деди. Оғзидан ароқ ҳиди анқиб турган бу «авлод»га нима дейиш мумкин?!

Биз тарихимиз билан ғурурланамиз. Ўтган алломаларни кўп тилга оламиз. «Биз Фарғоний (ёки Беруний) авлодларимиз!» деган хитобларни кўп ўқиймиз, эштамиз. Айниқса, ёшларнинг маънавиятга оид тадбирларида бу хитоблар кўп янграйди. Аммо тилдан учган бу сўзлар амалга кўчмайди. Илм чўққилари ҳақида гап кетганда чинорнинг барги эмас, чинорнинг ўзи бўлишга интилиши шартлигини унутмаслигимиз керак. Ўзини Фарғоний авлоди, деб хитоб қилаётган ёш йигитдан «Фарғоний бобонгиз Мисрда Нил дарёсига доир қандай илмий кашфиётни яратган?» деб сўралса, мулзам бўлиб қолиши табиий. «Хоразмий авлодиман» деб керилаётгандан «Кибернетика илмининг ривожини учун сен қандай ҳисса қўшяпсан?» деб сўралса-чи? Қайнатма шўрва пиширишни ҳам билмаган кимсанинг «Отам машҳур ошпаз эди!» деб мақтанишидан нима наф бор?

Ўтмиш аждодалар шуҳрати ҳақида гап кетганда уларни миллатга ажратиб фахрланиш одати ҳам бор. Миллатга ажратишда бугунги чегаралар инобатга олинади. Минг йил олдин бундай чегаралар бўлмагани назардан четда қолади. Улуғларни миллатга ажратиб фахрланиш тўғри эмас. Чунки бу миллатлар орасига нифоқ солиши ҳам мумкин. Мана шундай даъво қилувчилар билан суҳбат қилинса, уларнинг тарих илмидан оқсашлари сезилади. «Фалончи бизнинг бобомиз!» деб кўкракка ургани ҳолда ўша аллома ҳақида деярли ҳеч нарса билмаслиги афсусли ҳолдир. Номлари илм, адабиёт ва санъат тарихининг олтин саҳифаларига битилган улуғлар бир миллат доирасидан чиққан бўладилар. Уларнинг мерослари

бир миллатнинг эмас, бутун жаҳоннинг мулкига айлангандир. Ҳазрат Билолдан «Сенинг отанг ким?» деб сўрашганида, «Менинг отамга малойикалар таъзим қилишган», деган эканлар. Барчамиз Одам Ато ва Момо Ҳаво фарзандлари эканмиз, кимларнингдир шуҳратларини талашиб ётишимиз ақлдан бўладими? Кембриж ёки Оксфорд дорилфунунларидаги талабалар «Зижжи Кўрагоний»ни ёки Хоразмий илмий меросини ўрганиш чоғида миллатига аҳамият ҳам бермасалар керак. Бизда ҳам Архимед ёки Нютон қонуни, Менделеев ёки Рентген кашфиёти ўрганилса, уларнинг миллати ё тилга олинади ё олинмайди. Бу табиий. Илм толиби учун аллоمانинг илмий меросини билиш муҳимроқ.

Қадимги юнон файласуфи Аристотел – Арасту ҳақимнинг ўғлига қилган васияти назаримда, бугунги авлодга ҳам тегишлидай туюлди:

– Болажоним! Ўз умримни илму ҳикматнинг сирларидан воқиф бўлиш йўлида сарф қилдим. Илму ҳикмат нури билан жуда кўп тугунларни ечдим. Аммо ўлимга келганда чора топа олмадим. Сенга қиладиган васиятим шуки, ўғлим, мол-давлат орқасида ортирилган иззат-обрўда бақо йўқ. Иззат-ҳурмат, шон-шараф – илмда. Илм туфайли қўлга киритилган шон-шараф фано ва заволни билмайди. Давлат ва сиёсатнинг ўзгариши унга таъсир этмайди. Ўғлим, шоҳлар сенинг отангни илм туфайли улуғлашди, бўлмаса отанг ҳам улар қарамоғидаги бир одам эди. Шоҳлар тобелигидаги одамлар шоҳларга таъзим қилишади ва сифинишади. Обидлар ва маъбудлар орасида ер билан осмонча фарқ бор. Отангнинг илми бўлмаганда унинг подшоҳлар учун китоб юкланган эшакдан фарқи қолмасди. Уларга сифинадиган ва хизматини бажо келтирадиган бир гулом бўлар эди холос. Иззат-эҳтиромга лойиқ бўлай, номим абадий қолсин, десанг – илм орттир!

Тарихга қарасак, бугун биз эҳтиром билан тилга олаётган улуғлар тириклик чоғлари шуҳрат шоҳсупасида ўтирмаганлар. Айримлари қувфинга учраганлар, айримлари қатл этилганлар, айримлар қашшоқлик балосида азоб чекканлар... Шуҳрат вафотларидан кейин келди. Ўтмишда яшаган овруполик рассом Рембранд оғир хасталикка учраб, даволанишга пул топа олмаган экан. Ҳозир унинг биттагина асари неча миллион долларга ким ошди савдосига қўйилляпти. Улуғлар шуҳрат учун яшамаганлар. Уларни, эртами-кечми шуҳратнинг ўзи топган. Бу ҳам ҳаётнинг имтиҳонларидан бири эканини таъкидлаш ортиқчадир.

Кўп одамлар ёшлик кезлари адашадилар: шуҳрат ва бойликка эришишнинг энг осон ва тўғри йўли деб мансабга интилишни танлай-

дилар. Тўғри, каттами ё кичикми, бундан қатъи назар, ҳар қандай мансабда турли имтиёзлар бор. Лекин, бу имтиёзлар, мансаб туфайли эришиладиган шуҳрат ёки бойлик – ҳаммаси ўткинчи. Киши мансабдан тушиши билан шуҳратдан айрилади, дўстларнинг кўпи уни «унугади», тўплаган бойлиги ҳам бир кунмас бир кун тугайди. Шу боис донишмандлар мансабга интилишдан қайтарганлар. Шу ўринда аниқлик киритиб олайлик: аҳли дониш мансабдан эмас, **мансабга берилишдан**, маҳлиё бўлишдан, мансаби туфайли керилишдан ёки ҳаромга берилиб кетишдан қайтарганлар. Аниқки, жамият мансабсиз яшай олмайди. Каттами кичикми мансаб ўринларини кимдир эгаллаши шарт. Агар барча мансабдан қайтарилса, жамиятни ким бошқаради? Мансаб бор экан, мансабдор ҳам бўлади. Ҳар бир одам мансабдор бўлишни орзу қилиши, ҳатто интилиши мумкин. Лекин мансабдорликни ҳамма ҳам эплайвермайди, гап мана шунда! Мансаб шунчаки ҳавас эмас, масъулият эканини англаган кишигина ўз вазифасини сидқидилдан бажара олади. Каттами-кичикми вазифага кишининг лойиқ ёки лойиқ эмаслиги масаласи ғоят муҳим. Киши шу хислатига қараб масъулият юкини кўтара олади. Муаммоларни адолатли ҳал этиши ҳам шунга боғлиқ.

«Муфтийлик вазифасини зиммангизга олинг», деб азизлардан бирига мурожаат этдилар. Ҳазрат бу таклиф учун раҳмат айтиб, дедиларки:

– Сиз менга ниҳоятда улуғ мартабани таклиф этяпсиз, мен бунга лойиқ ҳам, тайёр ҳам эмасман.

Шундай деб бир гала қушларга яқинлашдилар. Қушлар ҳуркиб, учиб кетишди.

– Ана, кўрдингларми, ҳатто қушларнинг менга ишончлари йўқ. Менга муҳлат беринглар, – дедилар ҳазрат.

Муҳлат берилди. Муддат етгач, яна таклифни такрорладилар. Ҳазрат яна қушлар галасига яқинлашдилар. Қушлар бу сафар чўчишмади, аммо қўлларига олмоқчи бўлганларида учиб кетишди.

Яна муҳлат сўрадилар ва ўзларини яна тақво йўлида тарбия қилавердилар. Таклиф учинчи сафар айтилганда, қушлар ҳуркишмади, қўл чўзсалар, кафтларига қўнишди...

Киши бирон мансабни орзу қилса, ўзини бу амалга руҳий томондан шундай тайёрлаши керакки, токи атрофидаги одамлар унга тўла ишонсинлар.

Ҳар қандай мансабни рад этиб, ҳар қандай мансабдорни танқид қиличи билан чопавериш тўғри эмас. Бизда бундай нотўғри одат бор: дейлик, бир раққоса енгилеёқ бўлса, барча раққосаларни бузуқликда гумон қила бошлаймиз, бир сотувчи тарозидан урса,

барча бозорчиларни инсофсизликда айблай бошлаймиз, бир амалдор пора олса, барча амалдорларни порахўр, дея бошлаймиз. Аслида ундай эмас. Ҳар бир ишда, соҳада яхши ва ёмон борки, бир ёмонроқ одам учун умумни айблашга ҳаққимиз йўқ.

Бир подшоҳнинг меросхўр фарзанди йўқ эди. Ўлар олдида дедик: «Жоним чиққан заҳоти шаҳар дарвозасидан биринчи бўлиб ким кирса, тожни унинг бошига кийдилинг, мамлакатни унинг қўлига топширинг». Иттифоқо, ўша онда дарвозадан бир дарвиш кирди. Васиятга биноан, унга подшоҳлик топширилди. Вақт ўтиб, айрим умаро итоатдан бош тортди, лашкар тўплаб, унга қарши уруш очдилар. Баъзи шаҳарлар улар қўлига ўтиб, дарвиш фиғон чекаётган пайтда унинг бир жаҳонгашта дўсти узоқ сафардан қайтиб, бошкентга кирди-ю, биродарини подшоҳлик тахтида кўрди. Шунда собиқ дарвиш афсус билан бош чайқаб дедик: «Э, ёр, менинг ҳолимга таъзия қил ва таҳния қилмағил, нединким, бурун сен кўрганингда менда бир ноннинг ғами бор эди, эмди бошимда бир жаҳоннинг ғами бордир».

Туркларнинг тарихдаги султонларидан бири Ёвуз Султон бу хусусда дедик:

*Подшоҳи олам бўлиш бир қуруқ гавго эмиш,
Бир валийга мурид бўлиш жумладан аъло эмиш.*

Шунинг учун ҳам Иброҳим Адҳам ҳазратлари подшоҳлик тахтидан воз кечганлар. Шунинг учун ҳам Мирзо Бобур «подшоҳман, лек элга қулдурмен», деб ёзиб кетдилар. Ҳа, шундай! Агар киши уч-тўрт ёки уч-тўрт юз одамга раҳбар бўлса, зиммасидаги ташвиши ҳам шунга ярашадир. Буларга адолат билан муносабатда бўлдимиз ё йўқми, Қиёматда ҳисоб беради. Ишдан кетадиган пайтда қўл остидагилар ачинадиларми ё «қутулганимизга шукр!» деб қарсак чаладиларми, бу ёғи ҳам бор...

Ривоят қилишларича, Абу Ҳанифа (р.а.) қозилик мансабига таклиф қилинганларида: «Мен бу вазифага лойиқ эмасман, эплай олмайман», дедилар. «Ёлғон айтяпсиз, нега эплай олмас экансиз?» дейишди. Дедиларки: «Агар ростгўй бўлсам, ҳақиқатан қозиликка ярамайман. Агар сизлар айтганингиздек, ёлғон сўзлаётган бўлсам, ёлғончи одам қозиликка ярамайди». Бу ҳолатда охиратни ўйлаш, замонавий тил билан айтганда, масъулиятни ҳис қилиш каби ибратлар мавжуд.

Аслида мансабнинг ҳавас қиладиган иш эмаслиги барчага маълум. Мансабдорга кимдир таъзим қилиши, совға-салом олиб

келиши мумкин. Таъзимдаги одам кечагина бу ўринда ўтирган бошқа одамга қуллуқ қилган эди. Эртага бошқасига... Ажабки, инсоният тарихида мансаб талашини баъзан ошкора, гоҳида зимдан юз беришини биров инкор қилмаса керак. Амал талашинида бир-икки одам жабр чекишини, ҳатто фожиалар юз беришини биламиз, лекин жамиятнинг зарар кўришини-чи? Расулulloҳ (с.а.в.) Абу Дардога (р.а.) буюрган тўққиз амалнинг бирида: «...гарчанд ишбоши бўлган одамдан кўра ўзингни шу амалга муносиброқ деб билсанг ҳам, улар билан амал талашма (итоат эт)», деб марҳамат қилганлар.

Бошлиқ хизматчисига қонундан ташқари бир ишни буюра олмайди. Буюрса, мансабини суиистеъмол қилгани учун жазога тортилади.

Умидимиз юлдузлари, шубҳасизки, яна бир неча йиллардан сўнг сизлар ҳам каттами кичикми мансабларни эгаллайсиз. Илоҳим, мартабангиз улўф бўлаверсин! Бугун бирингиз юқори мансабларни кўп ҳам ўйламайсиз, билим олиш билан бандсиз. Қайси бирингизнинг қалбингизни эса катта мансабларни эгаллаш орзуси ҳозирдан кўйдиряпти. Шу ҳолдаги тенгдошларингизга яна бир-икки ҳикматни эслатиб қўйсам: аввали шуки, ҳамонки осмонга учишни ният қилаётган экансиз, қўниш машаққатини ҳам унутманг. Оғир тош ердан минг азоб билан кўтариб олинади. Уни ташлаб юбориш эса жуда осон. Ўсиб, мартабага эришиш худди тош кўтаришга ўхшайди. Мартабадан тушиш эса тошни ташлаб юборишдек бир ҳолдир.

*Бедовга миндингми, тушасан шундай,
Эл билан бир бўлсин кечанг ҳам кундай.
Амалга миндингми, чиқма осмонга,
Осмондан тушгунча бўласан қумдай.*

Айрим кичик амалдорлар ўзларини катта мансабдордан ҳам баландроқ ҳис қилиб, пастдагилар билан беписанд гаплашадилар. Бирон катта идорага кирсангиз, яқиндагина кичик мансабга етишган киши ўзини вазирдан ҳам баландроқда кўраётганига гувоҳ бўласиз. Сизга керилиб турганида вазир келиб қолса, аҳволини кўраверасиз: унинг атрофида эмаклаб юришга ҳам тайёр бўлиб қолади.

Бундай иллатлардан холи бўлишни, бирон бир мансабга ўтириб, одамларга кўпроқ яхшилик қилишни мақсад қилаётганлар ниятларига етсинлар, деб дуо қилгач, суҳбатимизни давом эттирамиз.

КАМТАРГА – КАМОЛ

Камтарлик – кишига зебу зийнатдир. Кимки соддаликда, ўзини тута билишда, кишиларга ҳурмат ва иззат кўрсатишда, покизалик ва қаноат бобида юксак ахлоқийлик кўрсатса, у одам камтариндир. Бундай фазилатли кишиларга ҳамма эргашади ва Тавозуъ қилади. Мартабаси баланд бўлишини тилаганнинг йўли бир – камтаринликдир. Барчани ўз ҳимматидан баҳраманд эта олиши шарт. Билсинки, уруғ олдин тупроққа аралашиб, сўнг осмонга бўй чўзади.

Кимгаки Аллоҳ Таоло яхши номни, шуҳратни, шону шарафни берибди, шукр қилган ҳолда, бу неъматни бир имтиҳон сифатида қабул қилса адашмайди. Бу имтиҳон денгизидан **Тавозуъ (камтарлик)** кемасида сузиб ўтиб, муродга етмоқлик мумкин. Зеро, шоир айтмоқчи:

*Кимки покдир, кимки камтардир азал,
Умр маҳзанига шоҳ эрур ўшал.*

Шайх Муслиҳиддин Саъдий насиҳат қилдилар:

– Сенга улуглик керак бўлса, тавозуъни ихтиёр қил. Улуглик томининг нарвони бундан бошқа нарса эмасдир. Тавозуъ сенинг мақом ва мартабангни оширади. Такаббурлик эса хорликка туширади. Мутакаббир ва мағрур бўлган киши бир кун фалокат ва ҳалокатга учрайди. Сенга мартаба, мансаб, иззат ва шараф керак бўлса, бошқаларни камситма, уларга ҳақорат кўзи билан қарама. Ким билан суҳбатдош бўлсанг, очиқ юзли, мулойим ва ширин сўзли бўл. Хулқ-атвори, феъли ёмон бўлган киши бахт-саодатга эришмайди, боши қайғу-аламдан чиқмайди.

Абдулқодир Жилоний камтарлик хусусида сўз юритиб дедилар:

– Камтар одамнинг даражаси ва қадр-қиммати ҳар доим баланд бўлади. Бу фазилат барча яхшиликларнинг асоси ҳисобланади. Камтарлик – ҳар бир инсонни ўзидан устун деб билиш, у инсоннинг даражаси Аллоҳ Таоло ҳузурида ўзиникидан устун бўлиши мумкин деб ҳисоблашдир... Ёш кишига: «Аллоҳ Таолога у камроқ осий бўлган, мен эса Аллоҳга кўп исён қилдим, шубҳасиз, у мендан яхши», дейиш, кексага эса, «Мендан кўп ибодат қилган, у мендан яхши», дейиш керак. Жоҳилга йўлиқса: «У Аллоҳ Таолога жоҳиллиги туфайли қарши чиқди, мен эса била туриб қарши чиқдим, унинг оқибати ва ўлими қандай бўлади-ю, меники қандай бўлади», дейиши керак. Кофирга учраса: «Балки бир кун мусулмон

бўлар-да, хайрли амаллар қилар, мен эса ёмонлик, куфр билан кетишим мумкин», деб ҳушёр тортиши керак. Бундай камтарин инсон қайғуга тушмайди ва қийинчиликка учрамайди. Кибрни тарк этиб, ужб (*манманлик*) ипини кесган бўлади.

Ҳикоят. Кунлардан бир кун денгиз остида бир қора тош гавҳар билан мунозара қилишга киришди ва мақтаниб деди:

– Денгиз мен билан ҳаёт, Ўзим чиройлиман, қора қошга ўхшайман. Гўзаллар ёноғидаги хол ҳам мен каби қора. Кўзларнинг қорачиғи эса рангим каби сара, ҳинд паризодларига кўз қисаман, яшил либосларига қора нуқта бўламан. Сен эса оқ рангисан, менинг олдимда рангинг бир пулдир!

Шу пайт уларнинг олдига сузиб келган балиқ тошнинг барча даъволарини эшитди, унинг гавҳарга юраги эзилди, ҳасрат тиканига оёғи қадалиб деди:

– Эй, гавҳар, шунчалик қадр қийматинг бўла туриб, нега тошга жавоб айтмайсан, уни лол қилмайсан?

Гавҳар деди:

– Эй, балиқ, қўявер, ҳакимлар сўзини эшитмаганмисан, улар бундай дейишади:

*Бор эканки қуёш нури оламда,
Қуёшга мақтовдир, у нур ҳар дамда.
Кимки ёмон деса қуёшни агар,
Ўзи ўзи учун ёмонлик тилар.*

Агар бу қора юзли худбинлик лофини урса ҳам, уни ҳеч ким қадрламайди, мен гарчи мақтанмасам ҳам, барча менинг яхшилигимни билади. Нуқта агар қуёшга доғ бўламан, деса ўзини саргардон қилади, қатра агар дарёга тенг келаман деса, бу унинг нодонлигидандир. Бир улуг кишидан: «Одам қачон ёмон бўла бошлайди?» деб сўрадилар. У: «Ўзини яхши деб тасаввур қила бошлаганда», деб жавоб берди.

Шу пайт тепадан гавҳар қидирувчи гаввос тушиб қолди. Гавҳар билан тошни олиб, юқорига кўтарилди. Оқ-қорани яхши ажрата олувчи саррофлар дурдона гавҳарни эҳтиётлаб ўраб қўйдилар, тошни эса ерга урдилар. Шунда гавҳар тошга деди:

– Эй, тош, қани боягина ураётган лоф-қофинг?

– Гавҳари пок билан ифлос хок қачон тенг бўлсин?! – деди тош афсус билан.

Биз тилимизда «камтарлик» сўзини кўпроқ ишлатамиз. Қадим адабиётимизда бу фазилат «Тавозуъ» шаклида қўлланилган (бу-гунги имлода «тавозе» деб олинган бўлса-да, мен аслидай ёзишни

маъқул кўраман). Тавозуъ – ўзни паст тутиш, хоксорлик, демак. Шижоатга хос хислатлардан бўлиб, ўзгаларга, айниқса, мартаба ва фазилатда ўзидан қуйи бўлганларга нисбатан ўзини улуғ деб ҳисобламасликдир. Пайғамбаримиз алайҳиссалом бу хусусда: «Мискин бўлмагани ҳолда ўзини хокисор тутувчи, маъсиятсиз йиққан (яъни ҳалол) молдан инфоқ қилувчи, мискину фақирларга раҳм қилувчи, фиқҳ ва ҳикмат аҳлига аралашиб юрувчи кишилар қандай яхши!» деб марҳамат қилганлар.

«Ҳазойин ул-маоний»дан байт:

*Тавозуъ яхши, аммо яхшироқдур
Агар даъб (одат) этса ани аҳли давлат.*

Ҳазрат Навоий яна таъкид этдиларки, «Тавозуъ ва адаб аҳлига таъзим ва ҳурмат этар ва ул донани эккан бу маҳсулни жамъ этар».

Муомалада ўзни кичик олиш бўлган Тавозуъ – камтаринликнинг зидди «такаббур»дир. Бу ўзни катта олиш, ўзни улуғ ҳисоблашдир. Тавозуъли кишини «мутаवозиъ», такаббурни эса «мутакаббир» дейдилар. Жонли тилимизда бугун кўпроқ «такаббур» қўлланилади. Ҳолбуки, бу икки атамада озгина фарқ бор. «Такаббур» – ўзни катта **тушуниш**, «мутакаббир» эса ўзини **катта тутувчи киши** маъносига. Масалан, «такаббур» – ёмон иллат, «мутакаббир» – ёмон одам. Тавозуънинг офати айнан шу – кибр. Инсон Тавозуъдан узоқлашгани сари шу офат уни ўз бағрига чорлайди. «Модомики, банда «анаки кишининг ахлоқи меникидан ёмонроқ», деган гумонда бўлар экан, у мутакаббирдир», дейдилар Абу Язид. У ҳазратдан «Банда қачон тавозуъли бўлади?» деб сўрашди. «Қачонки у нафси учун алоҳида даража ва ҳолни талаб этмаса. Ҳар бир инсоннинг тавозуъси ўзини ва буюк Раббини қанчалик танишига қараб белгиланади», деб жавоб бердилар.

«Раҳмоннинг суюкли бандалари ер юзида Тавозуъ ила юрадиган ва жоҳиллар бемаъни хитоб қилганида «салом», деб жавоб қиладиган кишилардир» («Фурқон» сурасидан). Муҳтарам устозлар мазкурни бу тарзда тафсир қиладилар:

Сифатларидан бири Раҳмон бўлган Аллоҳ Таолонинг суюкли бандаси даражасига етишиши учун инсон бир неча сифатга эга бўлиши лозим. Бу шарафга эришган инсон ер юзида камтарлик, содда ва мулойимлик билан юради. Унда такаббурлик, манманлик, ваҳшату даҳшат, турли сохта кўринишлардан асар ҳам бўлмайди. Шу билан бирга бўшанглик, иродасизлик, беҳуда қисиниб-қимти-ниш, ўзини ортиқча пастга уришлик ҳам бўлмайди. Ояти кари-

мадаги «*жоҳиллар бемаъни хитоб қилганида «салом», деб жавоб қиладиган кишилардир*»дан олинадиган маъно: жоҳиллар ҳамиша Раҳмоннинг суюкли бандаларига гап отиб, турли машмашалар чиқаришга ҳаракат қиладилар. Аммо суюкли бандалар ўчакишмай, ади-бади айтишмай, «салом» («омон бўл») деб кетаверадилар.

Аллоҳ Таоло Тавозуъ аҳлини мақтади ва Пайғамбар (с.а.в.) ҳам тавозуъли бўлишликка амр қилиндилар: «Мўминлар учун қанотингизни паст тутинг» (Ҳижр) ва яна: «Ўзингизга эргашган мўмин бўлган кишилар учун қанотингизни паст тутинг (*яъни, уларга хушхулқ билан камтарона муомалада бўлинг*)» (Шуаро) ва яна Аллоҳ Таоло расулининг хулқларини мақтади: «Албатта, Сиз улўф хулқ эгасидирсиз» (Қалам). У кишининг хулқлари камтаринлик эди.

Расулуллоҳнинг (с.а.в.) набиралари Ҳусайн ибн Али (Аллоҳ ундан рози бўлсин) мискинлар яшайдиган жойдан ўтдилар. Мискинлар ушатишган нонни ердилар, нон бурдалари кийим устида эди. Улар: «Э, Абу Абдуллоҳ! Келгин, овқатланамиз», дейишди. Ҳусайн ибн Али «Албатта, У зот мутакаббир кимсаларни севмас» (Наҳл) оятини эслаб, уларга яқинлашдилар. Нондан едилар ва дедиларки: «Сизларнинг таклифларингизга жавоб бердим, энди менга ҳам жавоб берингизлар». Мискинлар у кишининг таклифларига биноан уларига боришди. Манзилга етишгач, чўрига: «Нима ғамлаб қўйган бўлсанг, чиқаргин», деб амр қилдилар. Чўри ҳамма нарсалардан чиқарди. Мискинлар эдилар. Ҳазрати Ҳусайн ҳам улар билан бирга таомландилар. Қолган нарсаларни дастурхонга ўраб, уларга бериб юбордилар.

Мазкур ҳикматни ўқиганимда бир холанинг ҳикоялари ёдимга тушган эди. Хола уруш йиллари жамоа хўжалигига раиса бўлган эканлар. Бир куни пешин пайти далага борсалар, хотинлар қотган нон еб, сув ичиб ўтиришган экан. Бир тишлам нон ҳам ўлчовли бўлган офир замонда ота-оналаримиз меҳр-ҳурматни йўқотишмаган. Ўзлари оч қолсалар ҳам, ҳурмат юзасидан нонга таклиф қилганлар. Даладагилар раисани ғарибгина дастурхонларига таклиф қилишган. Раиса «шу бир тишлам нонни ўзлари есинлар», деган хижолатда нонга қўл узатмаганлар. Шунда даврадаги хотинлардан бирига бу кибр аломати бўлиб кўриниб: «Ҳа, бу киши ночор дастурхонимизни менсирмидилар, катта дастурхонларда оппоқ патир еб ўрганганлар», деб кесатган экан. Хола Ҳусайн ибн Али ҳазратларининг одоблари баёнини билганларида, нон ушоқни олиб бўлса ҳам хижолатдан қутулардилар. Бу каби ҳикматлар бекорга авлоддан-авлодга ўтиб келмаган.

*Тавозуълиқ бўлуб тутқил ўзинг кам,
Шажарким, мевалик бўлса, бўлур хам.*

Ҳазрати Сўфи Оллоҳёр демоқчиларки, тавозуъли бўлиб ўзингни паст тутсанг Тангри қошида ҳурматли бўлурсан. Ахир биласан-ку, мевали дарахтнинг ҳосили кўп бўлса, боши эгик бўлади.

*Агар чандеки бўлсанг қутби аброр
Дегил, не донишим бор, не-да ишим бор.*

Дейилмоқчики, агар сен эзгуликларнинг қутби, яъни бошлиғи бўлсанг ҳам, менда не билим ва на бир кўзга кўринадиган иш бор, яъни, униси ҳам, буниси ҳам йўқ, дегил.

*Кишиким, ҳоки раҳд-ур, бериёдур,
Қадам тупроғи кўзга тўтиёдир.*

(Маъноси: Киши тупроқ каби тавозуъли бўлиб, амалида риёси бўлмаса, бундай кишининг оёқ остидаги тупроқни кўзга сурма каби сурса бўлади. Яъни, бундай киши Тангри қошида кароматли ва яқиндир. Одамларга ҳам қуш каби яқин бўлиб, фойдаси кўпдир).

*Кетар дамда тулайдин паст ўтар кун,
Сабо чиқса бўлур оламдин устун.*

Байтдан англашилмиш маъно: Қуёш ботар чоғида барча нарсалардан паст бўлиб, тонг ёришгач эса бутун дунё устида турур. Бунни кўргансан-ку! Шунга ўхшаб бирор киши ўзини паст тутиб юрса, Аллоҳ Таоло қошида барча халойиқдан ҳурматли ва даражали бўлади.

*На бўлгай қатрадек тутсанг ўзинг кам,
Гуҳар бўлсанг-да, қилсанг тожи мардум.*

Дейилмоқчики, ўзингни нисон (баҳор) ёмғирларидек кам тутсанг эди, шоядки, гавҳар бўлиб эранларнинг бошидаги тожида бўлсанг. Ривоят қиладиларки, Савр юлдузининг ўн бешинчи нисонида ёмғир ёғади. Ўша ёққан ёмғир Форс денгизи билан Рум денгизи тубига бориб, садаф оғзига тушса, инжу бўлур. Айтурки: «Ё Раббим, мен – қулинг, заифларнинг заифиман. Шундай денгиз

ичида мен нима қилайин?» Ана шундай тавозуълари учун Аллоҳ Таоло унга подшоҳларнинг тожидан жой берди. Шунга ўхшаб, бирор киши ўзини кам кўриб турар бўлса, Аллоҳ Таоло уни азиз қилиб, одамлардан устун қўяди. Ҳазрати шайх Усмон Хайрий таъбирлари билан айтилганда, тавозуънинг асли учтадир: киши ўз ожизлигини, муҳтожлигини ва гуноҳларини билмоқдир.

Ҳазрати шайх Юсуф Асбатдан «Тавозуънинг ва хокисорликнинг асли нимадир?» деб сўрадилар. Жавоб бердилар:

– Тонг чоғи уйингдан ташқарига чиққайсан. Кимни учратсанг, уни ўзингдан яхшироқ деб билгайсан. Тавозуънинг ҳадди улдуруки, ҳар ким сенга ҳақ гапни сўзласа қабул этгайсан, сендан паст бўлса ҳам, уни ўзингдан улуғ деб билгайсан ва элимдек юмшоқ бўлгайсан, туя каби бўйсунгайсан. Ҳар ким сени сўкса, уни мақтов ўрнида кўргаёсан ва ҳар ишда Аллоҳ Таолога ружу айлаёсан. Ҳар қачон сенга яхшилиқдан ёки ёмонликдан бир нарса етса, шукр қилгайсан.

Шайх Абу Муҳаммадин Муртоиш ҳазратларининг ўлим вақтида: «Мени бирон кимсадан яхшироқ деб ўйламанг», деб васият қилишлари барча тириклар учун ибратдир.

«Тавозуъ» сўзини мумтоз шеърятда кўп учратамиз. Сўз байтларга кўчганда рамзий маъно олади. Масалан, Огаҳийдан байт:

*Ўзинг очким, қуёш садқанг бўлуб бошингдин айлансун,
Янги ой юз Тавозуъ кўргузуб қошингдин айлансун!*

Шоир бу ўринда янги кўринган ойга нисбатан «Тавозуъ» сўзини ишлатган. Дикқат қилиб қаралса, чиндан ҳам ҳилол шакли Тавозуъ қилиб турган кишига, яна унинг қошига ҳам ўхшайди. Шоир ўз манзурининг қошини мақтаяпти. Айтмоқчики, «Эй, маҳбубам, ой сенинг қошингчалик гўзал эгма шаклга ва қадрга эга эмас. Шунинг учун унинг эгиглиги сенинг қошингга тан бериб Тавозуъ қилганлигидан ва унинг осмонда айланиб юриши, сенинг қошингдан айлангани ва ўзини унга қурбон қилишга ҳозирлигидир».

«Эгилганга эгилгин бошинг ерга теккунча, кеккайганга кеккайгин бошинг кўкка етгунча» мақолини биласиз (эгилиш – мутавозиъ, кеккайиш – мутакаббир). Мақолнинг биринчи қисмини, айниқса, иккинчи қисмини айнан англамаслик керак. «Бошинг ерга теккунча» – ўша одамга сажда қилсанг ҳам арзийди, дегани эмас. «Эгилиш» – рукуъга айланиб қолмаслиги керак. Эгилиш жисмоний ҳаракатда эмас, балки маънавий кўринишда, одоб доирасида бўлади. Яъни «Кимки ҳузурингда такаббурлик қилмай, камтарликни

фан қилибдими, сенинг камтарлигинг ундан-да ошиб тушсин», демакдир. «Кеккайганга кеккайгин...»ни айнан бажарсак, гуноҳкор бўлиб қоламиз. Такаббурга такаббурларча муомала қилинмайди. Чунки Тавозуъ билан қўполлик қўшни бўла олмайди. Мутавозиъ, аксинча, ўзининг ҳилми ва камтаринлиги билан ўрнак бўлади. Кеккайганга кеккайиб қаралса, орада меҳр-ҳурмат пайдо бўлмайди, балки нифоқ бош кўтаради.

«Тавозуъ халқни киши маҳаббатига шефта (*мубтало*) қилур ва улусни фоили маваддатиға (*дўстлик ва меҳрибонлигига*) фирифта (*мафтун*) қилур», деганлар ҳазрат Навоий. Демак, Тавозуъ (камтарлик) кишига халқнинг муҳаббатини жалб қилади. Одамларни у билан дўстлаштиради. Тавозуъ дўстлик гулшанида тоза гуллар очади ва гулшандан ошналик ва улфатчилик базмига хилма-хил гуллар сочади. Тавозуъ такаббур ва мухолифга мулойимлик ва камтарлик йўлини кўрсатиб, гердайган душман кўнглида инсонийлик завқини уйғотади. Қайта-қайта кўрсатилган Тавозуъ ҳаёсиз такаббурни уят чегараси томон йўллайди ва ҳаддан ташқари инсофсиз душманни ёмонлик қилишдан қайтаради. Бундай одам ҳеч қанақа ҳадя бермай ҳам кишилар ғамини тарқатади. Одоб уруғини эккан одамнинг ҳосили жавоҳир бўлади.

Ривоят. Шикор пайтида отини элдек учирган Хусрав Парвезнинг шоҳлик тожидан порлоқ гавҳар тушиб қолди. Бу тожнинг зийнати мамлакат хирожига тенг эканлиги кўпга маълум эди. Унинг йўқолгани аён бўлгач, жарчилар жар солиб, топганга катта инъом ваъда қилдилар. Иттифоқо, бири ғофил, бири огоҳ икки киши гавҳар изланаётган жойдан ўтдилар. Ғофили мудбир жоҳиллиги сабабли гердайган, огоҳи муқбил эса Тавозуъ ва одоби туфайли улуғвор эди. Улар инжу излаётганларнинг бошлиғига рўпара келдилар. Мудбир (*айнан: «иши орқага кетувчи», «бахтсиз» дегани*) такаббурлиги туфайли у одам билан салом-алик қилмай гердайиб ўтиб кетди. Муқбил (*айнан: «бахтли», «иқболли» дегани*) эса инсонийлик юзасидан у одамга одоб ва Тавозуъ билан эгилиб, салом берди ва шу онда оёғи остида тушиб ётган гавҳарни кўрди. Уни дарҳол олиб, ўпиб, бошлиққа ҳурмат билан тақдим этди. Ваъда қилинган мукофотнинг мутасаддиси Муқбилни олиб, шаҳарга қайтди ва Хусрав ҳузурда воқеани баён этди. Подшоҳ Муқбилни ҳаддан зиёда эҳсон билан мукофотлади. Мудбир такаббурлиги учун шаҳар ҳаммомига гўлаҳ бўлди. Муқбил эса одоб ва Тавозуъ шарофатидан мақсад гавҳарини топди, шоҳ гулзоридан ўрин олди.

*Мутакаббир кезибон шаҳрда хору мардуд,
Мутавозийни ганий айлади дурри мақсуд.*

Дейилмоқчики, такаббур ва ғофил одам шаҳарда хор-зор кезади, тавозуъли кишини эса мақсад гавҳари бадавлат қилади.

Одамдаги такаббурликни атрофдагилар тез сезадилар, камтар экани эса дарров билинмайди. Мутавозиъ (камтар) хокисор, оддий, сипо, камсуқум, ювош бўлади. Одатда, тавозуъли кишилар кўп гапиришдан қочадилар, улар кўп эшитмоқни истайдилар ва ёқтирадилар. Бундай одоб эгаларини баъзилар одамови деб биладилар. Ҳолбуки, оламни кезиб, яхши-ёмонни кўриб, илм-фанни билиб олгандан кейин ҳам мутавозиъ: «Мен илмда зўрман!» деб керилмайди, чунки мақтанчоқлик нодонларга хосдир. Дононинг зийнати – камтарлик, нодоннинг иллоти – манманлик. Зағизфон қуш ҳар қанча баланд учгани билан лочин бўлолмайди, зеро, олтиндан ясалган коса сингани билан баҳоси камаймайди. Тасаввур қилайлик, камтаринликни касб қилган бир олим зарурат туфайли чойхонага кириб қолди. Унда беш-ўн киши маишат қилиб ўтирибди. Олимни иззат қилиб, дастурхонга таклиф қилдилар. Олим дастурхон устидаги ҳаром ичимликларни кўриб, даврага қўшилишни истамайди, бирон баҳона билан изига қайтади. У чиқиб кетиши билан ғийбат бошланади. Ғийбат гаплар маълум: «Димоғига қурт тушган, бизлар ўқимаганмиз-да, назарга илмайди...» Бунга ўхшаш мисолларни ҳаётда учратиб турамыз. Шу ўринда таъкид жоизки, ортиқча тавозуъли ва ҳалим бўлиш одамни риёкорликка, тилёғламаликка ўргатади ва хорлик сари етаклайди.

Сой қирғоғида тик ўсаётган қамиш олтин буғдойзорга қараб, гап қотди:

– Ҳой, бошоқ, ўзинг тилладек ялтироқсан-у, нега ҳамиша бош эгиб турасан?

– Хизматдаман, – деди олтин бошоқ. – Бошимда эл ризқи бор.

Одамлар келиб, бошоқдаги буғдойдан нон ёпиб, кўзларига суртдилар. Қаққайган қамишни эса кесиб, янчиб, оёқ остига бўйра ясадилар.

*Димоғингни кўтарма, бўлмайин десанг оёқ ости,
Қамиш кеккайгани учун бўйра бўлди-ю, ҳамма босди...*

Кимки ўз нафсини бирор қийматга эга, деб ҳисоблар экан, демак, у тавозуъдан бенасибдир. Барча тавозуъли бўлса, нақадар яхши! Агар бой тавозуъли бўлса янада аъло! Барча мутакаббир бўлса, нақадар ёмон. Агар қашшоқ кибр қилса, ундан ҳам ёмон...

Абдуллоҳ ибн Шухайр айтадилар: «Мен Бани Омир қабиласининг вакиллари билан Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳузурларига келдим. Шунда

ҳамроҳларим Расулуллоҳга: «Сиз бизнинг саййидимиз, хўжамиз-сиз», дедилар. Расулуллоҳ (с.а.в.) «Ҳақиқий саййид Аллоҳ Таолодир», дедилар. Улар яна: «Сиз ортиқликда ҳаммамиздан афзалроқсиз ва эҳсон қилишда ҳам ҳаммамизнинг улуғроғимизсиз», дейишди. Шунда Расулуллоҳ (с.а.в.): «Сизлар менга ўзларингизнинг оддий гапингизни гапираверинг. Шайтон сизларни ўз йўлига юргизиб кетмасин», дедилар. Мазкур шарафли ҳадисни уламоларимиз бундай шарҳлайдилар:

Расулуллоҳ (с.а.в.) гапда тавозуъли бўлганлари учун арабларнинг «Саййидина ва Мавлана» дейдиган ва Ўрта Осиё халқларининг «тақсир», «жаноблари» каби ҳурмат тариқасида айтадиган гапларини ўзларига айтилишини истамас ва шундай муомала қилмасликни умматларига ҳам ўргатар эдилар.

Азизлар, бундан сиз ажабланманг. Ҳа, аҳли муслим Расулуллоҳ (с.а.в.) муборак номлари тилга олинганда, дуоларда «саййидина ва мавлана»ни қўшиб айтишни одат қилганлар. Юқорида зикр этилмиш ҳадисда Расулуллоҳнинг (с.а.в.) ҳузурларида юзларига қараб улуғлашнинг ножоизлиги айтиляпти. Пайғамбаримиз алайҳиссалом кибрдан холи, муТавозуъ бўлганлари сабабли умматларининг улуғлашларини истамаганлар. Бир ҳадиси шариф: Онҳазрат (с.а.в.) ўзларининг инсониятнинг энг шарафлиси, саййиди ва улуғи эканликлари ҳақида гап кетганда дедиларки: «Мен бани Одам, бани башарнинг саййиди, пешвоси, улуғиман, лекин бу билан фахрланмайман. Бу – Аллоҳ Таолонинг амри». Яна дедилар: «Менга эр калитлари берилди. Қул – пайғамбарликка ёки подшоҳ-пайғамбарликка ихтиёр қилиндим. Жаброил менга камтар бўлмоққа ишорат қилди, «қул бўл», деди. Шундан сўнг қул – пайғамбар бўлишни ихтиёр этдим ва менга ўша берилди. Албатта, мен ердан биринчи чиқадиган бандаман, биринчи шафоат қилувчиман».

Инсонда баъзи нарсалар учун мақтаниш, фахрланиш ҳисси бўлади. Лекин Расулуллоҳ (с.а.в.) бу нарсалардан йироқ бўлганлар. Камтарликнинг энг юксак намунасини ул Зотда кўрамиз. Расулуллоҳ (с.а.в.) жуда оддий кийимлар, юнг матодан либослар киярдилар. «Кийим кийишда камтарин бўлиш иймондандир», деганларини саҳобайи киромлар ривоят қилганлар. Оёқ кийимлари йиртилса, ўзлари ямардилар. Таом танламасдилар. Таом келтирилса, уни ерга қўйишни буюрардилар ва: «Мен бир бандаман, банда эгани каби ейман ва банда ўтиргани каби ўтираман», дер эдилар. Узоқроқ йўлга отлансалар, туя ёки от талаб қилмай, эшакда ҳам кетаверардилар. Ҳатто орқаларига биронта кишини

мингаштириб ҳам олардилар. Ўзлари қўй соғардилар. Хизматкор қуллар билан бирга ўтириб овқатланар, уларга яхши қараб, яхши муомала қилар эдилар. Қуллар билан бирга овқатланиш, уларни озод қилиш хусусида улуғ тавсиялари бор. Бой, камбағал ҳаммага бир хил муомалада бўлар, ҳаммаси билан қўл бериб саломлашардилар. Одамларга биринчи бўлиб салом берардилар.

Сулаймон ибн Довуд алайҳиссалом тонг ёришганда бойвачча-ю аслзодалар давраси томон юрмай, мискин бечоралар даврасига қўшилар эдилар. Улар билан ҳамсухбат бўлиб дердиларки: «Мискин мискинлар билан биргадир».

Ҳазрати Али (р.а.) бозорга кириб, икки хил кийим олиб хизматчиларига: «Ё Асвад, хоҳлаганингни танлагин», дедилар. Хизматчи либоснинг яхшисини танлади. Ҳазрат Али (р.а.) ундан қолганини кийдилар. Енги узун экан, қайчи олиб, кесиб ташладилар. «Сен бунни кийсанг ҳам бўлади», деб хизматчидан яхши либосни тортиб олмадилар.

Ҳазрати Умар (р.а.) халифа бўлган пайтларида ҳам маишатдан, ортиқча дабдабадан ҳазар қилар эдилар.

Шундай ҳикоя бор. Бир бой савдогар молларини туялардан туширтиргач, ҳаммол излаб атрофга қаради. Нарироқда одми кийимли бақувват бир одам турган эди. Уни ҳаммол гумон қилиб, «Менга қара, бери кел!» деб чақирди. Бой одамнинг юриш-туриши ҳам, амри ҳам ўзига хос дабдабали бўлади. Бой одам дўконга кириб келса, дўкондор унинг савлатига қарабоқ, саломга шошилади. Камбағалнинг кириб келиши маълум... Молларга қараши, нархни сўрашиданок кимлиги билинади. Гап оҳанги кишининг чўнтагидаги пулга қараб ўзгаради.

Хуллас, бой бақувват ҳаммол учраганидан қувониб: «Қани, қопларни елкангга олиб, изимдан юр», деб буюрди. Одми кийимли бақувват киши унга итоат этди. Шаҳар томон бир оз юришгач, рўпарадан келаётган одамлар ҳаммолни кўриб, саросима билан шошиб қолдилар. Унга йўл бериб, «Ассалому алайкум, ё амирал мўминин!» деб салом бердилар. Бой кимни ҳаммолликка ёллаганини англаб, шошиб қолди. «Ассалому алайкум, ё мўминларнинг амри!» деб тиз чўкди. «Ҳазратим, мен сизни танимабман, кечиринг, қопларни ташланг», деб илтижо қилди. Ҳазрат Умар қопларни ташламадилар: «Қопларингни айтган жойингга олиб бораман, деб елкамга ортганман», дедилар.

Бу воқеадан биз қандай хулоса чиқарамиз? Улуғ аждодларимиз, яъни саҳобайи киромлар дунёга аҳамият бермаганлар, мол-мансаб

қўлларида бўлган пайтда ҳам уни кўз-кўз қилмаганлар. Хокисорлик фозил кишилар хислати ва камтарлик доно кишилар фазилатидир, деган ҳикмат кўп такрорланади. Тупроқда шундай хислат бор: унга дон ташласалар бошоқ беради. Бошоқлар йиғилиб, хирмон ҳосил бўлади.

Эй, азиз, сен тупроқ бўлки, токи сендан гул униб чиқсин!

Аҳди донишдан ҳикоя. Қайси бир замонда подшоҳ чўпонни ҳузурига чорлабди. Чўпон қараса, подшоҳ тахтда, бошқалар эса пастда ўтиришибди.

– Ассалому алайкум, э, Худо! – дебди чўпон.

– Мен Худо эмасман, – деб ажабланибди подшоҳ.

– Э, Жаброил! – дебди чўпон.

– Мен Жаброил ҳам эмасман, – дебди подшоҳ.

– Аллоҳ бўлмасанг, Жаброил бўлмасанг, нега юқорида ёлғиз ўзинг ўтирибсан? Одам бўлсанг, сен ҳам пастга тушиб, одам қаторида ўтиргин-да...

Ҳазрат Умарнинг (р.а.) Қуддуси Шарифга кириб боришлари ҳам ғоят ибратли воқеадир. Шаҳар қамал қилинган, қуддусликлар «Халифангизнинг ўзи келса, топширамиз», дейишибди. Ҳазрат Умар (р.а.) бу хабарни эшитиб, бир хизматкорлари ҳамроҳлигида битта туяда Мадинайи Мунавварадан Қуддуси Шарифга қараб йўлга чиқадилар. Атрофларида аскар йўқ, аъёнлар йўқ. Асъаса-ю дабдаба йўқ. Туяни хизматкор билан галма-гал минадилар. Ҳазрат Умар (р.а.) туяга минсалар, хизматкорлари югандан ушлаб, туяни етакларди. Бир фарсах масофа юрилган, тушардилар ва туяни хизматкор миниб, ўзлари юганни ушлаб, туяни етаклардилар. Қуддуси Шарифга яқинлашганларида туяга миниб навбати хизматкорга келади. Шаҳар аҳолиси «Халифа келяпти», деб дарвоза калитларини топшириш учун пешвоз чиқадилар. Туяда халифа эмас, хизматкор ўтирганини тасаввур ҳам қилмаган аҳоли хизматкорга таъзим бажо қилади. Халифа шаҳар дарвозаларига яқинлашганларида туяга ўзлари миниб олишлари мумкин эди. Халқнинг ана шундай шон-шавкатга эътибори борлигини билардилар. Лекин хизматкорнинг ҳаққига хиёнат қилмадилар. Ҳатто бир жойда сувдан кечишда почаларини шимарганларида шаҳарни қамал қилиб турган қўмондон «Ундай қилманг, биз уяламиз», деди. Бу танбеҳдан мўминларнинг амири ғабландилар ва дедиларки: «Агар илгарироқ шу гапни айтганингда вазифангдан озод қилардим. Иззат – исломдодир, қилиқ-қиёфада эмас! Аллоҳ Таоло бизларни Ислом билан азиз қилди. Одамларнинг гапларига парво қилмаймиз».

Бу муборак зотнинг эваралари Умар ибн Абдулазизнинг уйларига бир куни меҳмон келди. Хуфтон намозини ўқигандан кейин, ул киши бир нима ёза бошладилар. Вақт ўтиб, чироқ хиралашди. Меҳмон ёнларида экан, «Эй, амирал мўминин, мен туриб чироққа мой тўлдирайинми?» деб сўради. Умар: «Меҳмонига бир иш қилдирмоғи кишининг одамгарчилигидан эмас», дедилар. Меҳмон: «Хизматчини уйғотайинми?» деб сўради. Умар: «Йўқ, у чарчаган, ҳозиргина уйқуга кетди», дедилар-да, ўзлари туриб, чироққа мой қуйиб келдилар. Меҳмон: «Ўзингиз тўлдирдингиз-ку!» деб хижолат бўлди. Шунда Умар ибн Абдулазиз: «Мен турганимда ҳам Умар эдим, қайтиб келиб ўтирганимда ҳам ўша Умарман. Одамларнинг яхшиси Аллоҳ Таоло наздидаги камтарин кишидир», дедилар.

Умидимиз юлдузлари, муборак зотлар бизларга қандай ажиб фазилатларни мерос қилиб кетишган-а! Шуларни бир нафас ҳам ёддан чиқармасликни таъкид этганим ҳолда, сизларга бир-икки савол билан мурожаат қилмоқчиман:

– Улуғларнинг сифатлари билан танишдингиз, энди айтинг-чи, сиз уларнинг ишини бажара оласизми? Улар каби бўла оласизми? Очликда ҳам, тўқликда ҳам улар каби қаноат қила оласизми? Нафсингизни тийиб, камтарлик билан ҳаёт кечира оласизми? Билингки, бизларга ўрнатилган бўлувчи шахслар ўша аجدодларимиздирлар.

Имом Раббоний «Мактубот» асарларида ёзганлар: «Атрофимдаги кишиларга боқдим, улар орасида ўзимнинг энг пасткаш эканимни кўрдим. Ҳатто фаранг кофирларидан ҳам тубанроқ эканман». Раббоний ҳазратлари уларга, албатта, ибрат назари билан боқиб, шу хулосага келганлар. Исломга кўра, иймон нуқтаи назаридан, мусулмон кофирдан устундир. Аммо ул ҳазрат уларнинг ўз динларига бўлган садоқатларини кўриб шундай дегандирлар. Аммо у зотда камтаринлик, хокисорлик, ўзини ҳеч санаш, йўқлик деб ҳис қилиш хислати мавжуд бўлган. Бунинг ўрнига кибр, риё, зулм, суи-истеъмол бўлганида бу сатрларни ёзмас эдилар.

Азизларим, сиз ҳам атрофингизга зийраклик билан назар солинг, сиз тубан деб ҳисоблаётган одамда балки сизга нисбатан фазилат кўпроқдир? Сиз менсимаётган одам балки ота-онасига сиздан кўра аълороқ хизмат қилиб, кўпроқ дуо олаётгандир? Дўстига бўлган садоқати сизникидан дурустроқдир? Шундай экан, кеккайманг ва эгилинг, бу устунликларни тан олинг. Шунда сиз комиллик сари бир қадам ташлаган бўласиз. Сизни ҳуда-беҳуда мақтовчилардан эса қочинг. Чунки уларнинг мадҳлари қалбин-

гизни ўлдириши мумкин. Сизга ширин сўзлаганларнинг гапини тинглаганингиз каби, аччиқ сўзлаганларни ҳам эшитинг. Чунки аччиқ сўз инсоннинг нафсига тўсиқ бўлади.

Мавлоно Жалолиддин Румий йўлда бир насоро руҳонийси билан юзма-юз келдилар. Насоро қарасаки, қаршисидан нурли, муборақ бир зот келяпти. У беихтиёр бош эгиб, таъзим қилди. Мавлоно ҳам бош эгиб таъзим қилдилар. Насоро бошини кўтариб қараса, мусулмонларнинг эътиборли одами унга таъзим қилиб турибди. Насоро камбағал, шаҳарнинг бир четида яшар эди. У мавлонога қайтадан таъзим қилди. Мавлоно ҳам такрор таъзим қилдилар. Насоро бошини кўтариб, ардоқли кишини яна таъзимда кўрди. Бу ҳол такрорлана-верди. Насоро қанча таъзим қилса, мавлоно ҳам ортда қолмадилар. Оқибат шуки, бу камтаринлик одобидан таъсирланган насоро иймон келтириб, мусулмон бўлди. Кейинчалик мавлоно Румий бу воқеани шогирдларига баён қила туриб, изоҳладилар: «Бир насоро руҳонийси Тавозуъ хусусида биз билан мусобақага киришди ва бизнинг қўлимиздан Тавозуъ вазифасини олмоқчи бўлди. Тавозуъни биз унга топшириб қўямизми? Йўқ, ҳеч қачон бермаймиз!»

Турк султонларидан бири Ёвуз Салим Мисрга келган пайтда халқ ҳукмдорни кўриш учун пешвоз чиқди. *(Айрим туркча исмлардан ажабланманг. Баъзи сўзлар уларда биздаги маънонинг тескарсини англатади. «Ёвуз» – жасур ва довюрак, «ёмон» – энг яхши, энг ажойиб, демакдир.)* Подшоҳ ҳаммадан олдинда эмас, аскарлар орасида Тавозуъ билан келарди. Салласи ва кийими бошқаларникидан фарқ қилмасди. Мисрдан қайтишда, Шомдаги *(ҳозир «Сурия» деб аталади)* жума хутбасида ўзи ҳақида «Макка ва Мадинанинг ҳокими» *(ҳокимиул – ҳарамайни)* деб хитоб қилинганда «Йўқ, йўқ! Хизматчиси!» *(ходимул – ҳарамайни)* деб кўз ёшларини тўқди *(Ҳозирга қадар ҳам Саудия мамлакати қироллари шу сифат билан номланадилар)*. Истанбулга қайтишда Ускударга яқинлашдилар. Бошкент аҳолисининг подшоҳни буюк олқишлар билан кутиб олишга ҳозирланаётганини эшитган Султон Ёвуз Салим тарбиячиси ва дўсти Ҳасан Жонга деди:

– Қош қорайиб, барча уй-уйларига кириб, кўчалар бўшагач, шаҳарга кираман. Фонийларнинг олқишлари, зафар ҳайқириқлари ва илтифотлари бизни мағлуб қилиб, ерга урмасин.

Султон Ёвуз Салимнинг подшоҳлиги унча кўп давом этмаган бўлса-да, турк олами унинг шарафли номини неча асарлардан бери олқиш билан тилга олади. Сабаби, у подшоҳлиги даврида қўлга киритган улўф зафарлари, дунё бўлиб таралган шон-шухратлари, фоний дунёдаги бандаларнинг илтифотлари уни манманликка, кибрга етаклай олмади.

Чин одамийлик одобида билимли, бой бўлган бир инсон устунман, деб даъво қилишга, ўзини катта тутишга ҳеч ҳаққи йўқ. Зеро, у ҳолда жамиятда бўлиниш бошланади, бирлик, биродарлик иплари узилади. Масалан, қўмондон ҳар қанча моҳир бўлса ҳам, унинг режасини амалда татбиқ қилувчи қўл остидаги аскарларидир. Бирининг билими, заковати бор бўлса, қолганларининг ғайрату шижоати, мардлиги бор. Агар қўмондон: «Шунчалик билим ва қувват эгасиманки, менинг юз минг кишилик қудратим бор», деса, ҳеч ким унинг гапига қулоқ солмайди. Сўзи эътиборсиз қолади. Унга: «Сиз ҳам бошқалар каби бир инсон қувватига эгасиз», дейишади, холос.

Ҳамонки, оқибатнинг қандайлиги ҳаммамизга қоронғи, номаълум экан, бошқа кимсани ҳақорат қилиш у ёқда турсин, унга паст назар билан қарамаслигимиз шарт. Киши маишатининг ҳозирча яхши ўтиб турганига мағрурланмасин. Оқибатини ўйлаб, шунга қараб ишини олиб борсин. Тавозуъни ўзига шиор қилиб, манманликдан қочсин. Дедиларки:

*Улуғлик айлама зинҳор, ўзингни камтар тут,
Кимдаки бўлса бу хислат, ажаб саодатдир.*

Дунёвий бойлик ёки билимга алданиб, бошқа фақир ва авом инсонларни менсимасликдай нодонларча хатти-ҳаракат одамийликда йўқ. Қай бир одам бой, қай бири фақир, қай бири олим, қай бири эса жоҳил қилиб яралган. Барчаларининг алоҳида-алоҳида хизматлари бор. Дунёга бир қарасак: кўп қисми сув, оз қисми қуруқлик; бир қисми тоғу тош, бир қисми жарлик, чуқурлик, ўпқон; бошқа бир қисми эса тақир чўл – ҳеч нима битмайди, кўкармайди. Ернинг ости эса алоҳида олам. Баъзи ерида кўмир, баъзи ерида газ, баъзисида олтин, платина, кумуш ва ҳоказо. Буларнинг ҳаммаси бир хил нарса бўлганида қандай ҳол юз берарди?

Камтарлик билан умр кечириш ҳаётнинг энг гўзал ва тўғри йўлидир. Бу йўл инсонни самимий, ҳақиқатгўй, номусли ва матонатли бўлишга олиб боради. Ҳар ишнинг ўз натижаси бор: мулойимлик – улуғ мартаба, қаноат – роҳат бахш этгани каби Тавозуъ кишига эъвоз келтиради. Яхшилик ва камтарлик – шу икки фазилатдан киши ҳеч чарчамаслиги керак. Камтарликдан лаззат ололган киши ҳақиқий камтардир.

Тез-тез тилга олинадиган мақолнинг биринчи қисмига доир ҳикматлар билан танишдик. Энди иккинчи қисмининг маъносини англашга биргаликда уриниб кўрайлик.

МАНМАНГА – ЗАВОЛ

Қўлга кирган муваффақиятдан ғурурланиб кетиб, кўз тиниши май кайфидан қўрқинчлироқдир. Чунки ароқ кайфи бир ухлаб турилса, тарқайди. Кайфдаги айби учун одам изза чекади. Мағрурлик кайфининг тарқашаи эса қийин. У оқибат бошга бало ёғдириши мумкин.

Ўзининг насл-насаби билан мақтаниб, кеккайиб юрган мутакаббир бир киши адиблардан Ахнаф ибн Қайсга дедик: «Сенинг насл-насабинг улуғ бўлмаса, юзинг чиройли бўлмаса ҳам, юқори даражадаги ҳурмат ва эътиборга эгасан. Бунинг сабаби нима?» Унга жавобан адиб деди:

– Менинг қадр-қимматим ва шарофатимга сабабчи бўлган нарса сендаги ярамас ахлоқнинг менда йўқлигидир. Сенинг ахлоқинг қандай экани менга сўзлаган сўзларингдан маълум бўлиб турибди.

Якан деган ўсимлик бўлади. Нима учундир санъаткорлар, аниқроғи, отарчилар пулни «якан» дейишади. Аслида эса якан – қамишзорда ўсувчи ўсимлик. Яканни ўриб олиб, қуриштиб, узум осадилар ёки сават қалпоқ тўқийдилар. Маълумки, қамиш узун, якан эса, аксинча, пастак ўсимлик. Шундай бўлибдики, бир куни якан қамишга қараб:

– Ў, биродар, ҳадеб ғўддаяверма, салгина эгил. Қуёш нуридан биз ҳам баҳраманд бўлайлик, – дебди.

Қамиш унга қарагиси ҳам келмабди, жавоб ҳам бермай бурнини жийириб қўя қолибди. Вақти-соати келиб аввал қамишни, сўнг яканни ўрибдилар. Тасодифни қарангки, ўша қамишдан ясалган бўйрани бир уйга тўшабдилар, якандан тўқилган сават қалпоқларни эса девордаги қозиқларга илибдилар. Орадани кунлар ўтаверибди. Қамиш пастда, оёқ остида, якан эса тепада экан. Оёқости бўлавериб хорланган қамиш охири яканга қараб зорланибди:

– Мени ўриб олиб қуришдилар, тепкилаб, қовурғаларимни синдирдилар, сўнг сувга бўкдилар. Сўнг, қайириб, букиб мана шу бўйра ҳолига келтирдилар. Энди эса тинимсиз, ҳар куни тепкилайдилар. Бу ҳам етмагандай сал қайириб, остимга носларини тупурадилар.

Бу зорланишни эшитиб, якан дебдиким:

– Сиз бекорга ғўддайдигиз. Ғўддайиб ўсавердингиз. Ичингиз говак эканини эса унутдингиз. Говак бўлганингиз учун ҳам тепкилашдан бўлак нарсага ярамадингиз. Ҳали ҳам кеч эмас, сиз ўсган ерда илдизингиз қолган. Сиз ўсажак қамишларга етказинг, сизнинг ҳолингизга тушмасинлар.

Қамишни баъзан томга ҳам тўшайдилар. Лекин бари бир унинг башарасига лой чапланади...

Юзаки қаралса, такаббурлик иллатининг нима эканини англаб олиш осондек туюлади. Такаббур – камтарнинг зидди, вассалом! Бизга шундай туюлса ҳам, ояти карима, ҳадиси шариф, донолар ҳикматлари билан танишиб, ақллашиб олсак зарар қилмас. Мавзу бир-бирига яқин, бир-бирини тўлдиргани учун аввалги суҳбатдаги баъзи фикрлар такрор баён қилинганда малол олманг. Керакли гап такрорланса, фойдадан холи эмас, тўғрими?

Инсон учун энг зўр фазилат ўз даражасини билишдир. Бу фазилат кишининг илми, зийраклиги каби ақлий қуввати ва жисмоний қуввати, жамиятда тутган ўрни, обрўи, хуллас, барча сифат ва фазилатларини кўзгу каби кўрсатиб туради.

Фурур ва такаббурлик ўз даражасини билишнинг зиддидир. Ўз даражасини билувчи кишининг феъл-атвори билан мағрур ва мутакаббир кишининг феъл-атворини таққослаб кўрсак, биринчи кишининг фазилати барқ уриб туради. Иккинчиси, яъни ўз даражасини билмаган мағрур ва мутакаббир киши тоқатидан ортиқ юришга ҳаракат қилиб, йўлда қолиб кетади. Биринчиси билиб, англаган, йўл юргани учун мақсадига эришади. Иккинчиси юрган йўлини билмай кўр-кўрона ҳаракат қилгани сабабли мақсадига, орзусига етмайди.

«Шунинг учун зинҳор мағрур ва мутакаббир бўлма, саъй-ҳаракатларинг шамолга учмасин, ҳар вақт сўзларингни ўйлаб сўзла, бир ишга киришишдан олдин ўйлаб кўр, у ишни бажара оласанми ё йўқми? – деб ўғит берган дониш аҳлининг ҳар бир сўзига диққат қилганимиз яхши: – Дўстларинг ва душманларинг сенинг тўғрингда нима сўзлайдилар, ҳаммасини билиб тур. Бошқалар сенинг тўғрингда қандай фикрда эканликларини ўрган, шуни ўрганиб, ўзинг ҳақингдаги ҳар хил фикрларнинг ўртасини ол, сен – ўшасан. Ишларингни танқид этганларини эшитсанг, зинҳор аччиқланма, чунки танқид фойда келтиради. Танқид соясида хатоларингни тузатасан, бундан кейин қилинадиган ишингни хатога йўл қўймаслик учун ғайрат қиласан, ўз даражангни билиб ишлайсан».

Бир куни дарахт билан унинг сояси ўртасида баҳс бошланди. Дарахт соясига деди:

– Эй, қора юзли соя, жигар бағри садпора, сен менинг борлигим учун борсан, мен туфайли барҳаётсан. Шундай экан, такаббурлик қилишинг ва керилишинг нимаси?

Соя деди:

– Эй, лақма, бемаъни сўзларни айтишдан бир дам тийил, ҳушингни йиғ ва мендан юз ўгира кўрма. Ҳовлиқиб, бўйнингни чўзмагинки, уни узиб олмасинлар. Мен доимо хокисор бўлиб, ерга ястанганим учун кун тифидан одамларни озод қилиб, роҳат бағишлаганим учун обрўйим баланд. Катта ҳам, кичик ҳам менинг инсонпарварлигимдан баҳраманд бўлади. Беқарорлигингдан гоҳ яланғоч бўлиб олсанг, гоҳ яшил либос билан ўзингни безайсан.

Бу гаплар дарахтга малол келиб бундай деди:

– Эй, соя, ҳаддингдан ошма, паст ҳиммат кишилар каби лоф-қоф урма. Эшитмаганмисан, кўршапалак офтоб билан ўчакишса, ўзини ҳалок қилади. Шиша тош билан тўқнашса, ўзини синдиради.

Бу баҳсни эшитиб турган булбул сояга хитоб қилди:

– Эй, соя, эй туз ҳақини билмаган ношукр, бу бемаъни сўзларни кўнглинг ойнасидан юлиб ташла, кимки ўз пойига болта урса, ўзи қулайди. Сенинг ҳаётинг дарахтга боғлиқ...

«Пасткаш мақтангани билан буюк бўлолмас, эчки югургани билан кийик бўлолмас... Такаббурлик – шайтон иши ва манманлик – нодон иши. Такаббур одам – барчага ёқимсиз», деб ёзганлар ҳазрати Навоий.

*Такаббур хотирингга келса филҳол,
Азозил қиссасини ёдингга ол.*

Ҳазрати Сўфи Оллоҳёр демоқчиларки, такаббурлик қилган иблис ўзининг «Азозил» исмидан айрилиб, «малъун» номини олди. Бу ҳикоя машҳурдир. Сен ҳам уни билурсан. Шунинг учун такаббурлик хотирингга келган заҳоти Азозил ҳикоясидан ибрат олиб, такаббурликдан сақлан.

Ҳа, шундай! Шайтон ким эди-ю, кибр уни қай ҳолга солди? Ҳатто олам ичра бутун малакларга пешво бўлиб, дунёдаги барча жинлар ва малойикалар устози бўлган шайтон, гарчи неча минг йил зуҳду тоат билан Худо амрига итоат айлаган бўлса ҳам ва у шундай саодатга эришиб, Ҳақ ёдидан ўзга биронта нафас олмаган бўлса ҳам, ўз хизматлари ва Аллоҳ Таолога яқинлигига суюниб кетди ҳамда бундан унда ғурур пайдо бўлди. Тангри Одам алайҳиссаломни яратмасидан илгари, унинг танасига руҳ шамини киритмасидан олдин барча малойикалар тоат ва тақвога ружу қилиб, унинг одат ва русумларини бажо келтиришар эдими? Уларнинг барчасига Азозил бошлиқ эдими? У буларнинг мушкулларини осон этувчи муршид эдими? Айнан шундай юқори мартабада эди. У

Ҳақ амрига итоат этиб, неча минг йил тоат-ибодат билан машғул бўлди. Азозилнинг бу борада қилган ишларини тавсифлашга нутқ лол қолади. Ҳатто ақл билан тасаввур қилиш ҳам амримаҳол. Нақл қилишларича, бутун ер юзаси ва коинотдаги тўққизта олий фалакда у нотавонлик билан сажда қилиб юз қўймаган биророрта бўш жой қолмаган экан.

Тангри Одамни яратди ва барча малойикалар сажда қилсин, деб буюрди. Малойикалар ҳазрати Одамга сажда қилдилар. Бироқ, неча минг йил ибодат қилиб, Унинг амри билан тақво ва ибодат айлаган Азозил ғурурланиб, Аллоҳ Таоло яратган Инсонни кўзга илмади, унга бошқа малойикалар каби сажда қилмади. Шу боисдан Тангри малойика тўдаси ичидан уни рад этди. Азозил кўнглидан ибодат завқини олиб, бўйнига лаънат тасмасини боғлади. Унинг неча минг йил қилган ибодатлари биргина кибри учун зое бўлиб, ўзи Ҳақ даргоҳидан қувилди. Яратувчининг бир амрига бўйин эгмай, таъна кўзи билан қараганидан унинг бўйнига шу он лаънат ҳалқаси осилди. Зероки, унинг кўнгли итликни ҳавас қилган эди, шу сабабли ҳам бўйнига итлар каби лаънат тасмаси боғланди. Шунинг учун ҳам у Инсон зотига доимий рақиб бўлиб, унинг иймонини йўлдан урувчи ашаддий душманга айланди. У Қиёматга қадар ана шу иснодга дучор бўлиб, дўзах олови, макр ва адоват қўзғатувчи номини олди. Хуллас, у шунчалик катта шараф билан малойикалар бошлиғи бўлса ҳам, такаббурлик қилгани учун абадий мардуд ва малъунликка гирифтор бўлди. Унинг бу қисмати бутун осмон ва ер юзидагиларга ибрат бўлиб қолди. Шайтон бош тортиш билан офатга гирифтор бўлди, Одам ўзини тупроқдек паст олиши билан эътиборга лойиқ бўлди.

Баҳор келса, тошда бир нарса унарми?

Сен тупроқ бўлки, бағрингдан гуллар униб чиқсин.

Мавлоно Румий демоқчиларки, баҳорнинг баракотидан тупроқ насибасини олади. Шунинг учун ҳам тупроқдан чечаклар униб чиқади. Тош баҳорга етишгани билан унга баракотдан насиба йўқ. Бағридан ҳеч нарса униб чиқмайди. Тавозуънинг акси бўлган кибру ҳаво ёмонлик белгисидир. Қалблари тошга айланган кишилар ҳам табиатдаги мана шундай жонсиз мавжудотдирлар. Улар учун ҳам баҳорда ёққан ёмғирдан фойда йўқдир. Нафс орзуларини енга олмаганлар учун ибодатлар ҳам нафсоний орзуларга тобе бўлади. Бундай кишилардаги нафс улар учун қибла ҳолига келади.

Ҳазрат Бедилдан:

*Афв эт халқдин келса яхши-ю ёмон,
Адоватдан қочиб, роҳат қил инсон!
Кибру ҳасад бермас кишига ором,
Одамни менсимай қувилди шайтон!*

«Шайтоннинг ов қиладиган тўр ва тузоқлари бор, – дейлади шарафли ҳадисда. – Унинг тўр ва тузоқлари – киши Аллоҳ Таолонинг берган неъматлари учун шукр қилиш ўрнига туғёнга кетиши, йўлдан озиши ва Аллоҳ Таолонинг берган мол-мулкларини ўзим топдим, деб фахрланиши ва Аллоҳ Таолонинг бандаларидан ўзини юқори ҳисоблаши ва нафснинг хоҳишига берилиб, Аллоҳ Таолонинг йўлидан бошқа йўлларга кириб кетишидир».

Ҳазрати шайх Ҳусайн Мансур Ҳалложни (қ.с.) осган вақтларида иблис ул зотнинг қаршисига келди-ю, сўради:

– Сен «Анал Ҳақ!» дединг, сенга раҳмат айлади. Мен «Анал хойр» дедим, менга лаънат ўқилди, сабаби недир?

– Сен кибр-манманлик қилдинг, мен кибрни ўзимдан йироқ қилдим, сабаби шудир, – дедилар.

Пайғамбаримиз алайҳиссалом «Уч тоифа киши борки, Қиёмат куни Аллоҳ уларга назар қилмайди, улар билан гаплашмайди ва уларни кечирмайди, уларга аламли азоб ҳам бордир», деб, шулардан бири сифатида кибр эгаларини тилга олганлар. Шу боис ҳам ақл эгалари: «Такаббурликдан илондан қочгандек қоч, сенга яқинлашган куни сени чақади. Киборлар билан дўст бўламан, дема. Киборларнинг ҳар қайсисида ўлдирувчи заҳар бор. Кибрли одам сўқир каби гапирди ва кўрларча ўлади. Бирор кишини паст кўриб, ёнингдан қувма, қувган одамнингни ёмон сўз билан ўлдирган бўласан», деб огоҳлантирганлар.

«Ер юзида кибру ҳаво билан юрма! Албатта, сен зинҳор ерни тешиб юбора олмайсан ва зинҳор бўйда тоғларга ета олмайсан» («Исро» сурасидан). Ўзининг ожиз бандалигини унутган шахсгина ер юзида кибрланиб юради. Юра-юра қайга боради?

Аллоҳнинг расули (с.а.в.): «Кимнинг қалбида хардал уруғи мисқолича кибр бор экан, Аллоҳ уни юзтубан ҳолида дўзахга улоқтиради», деб умматларини огоҳ этдилар.

«Одамлардан юз ўгирма ва ер юзида кибр-ҳаво билан юрма. Албатта, Аллоҳ ҳеч бир мутакаббир ва мақтанчоқни севмас» («Луқмон» сурасидан). Тафсирда баён этилишича, маъно таржимадаги «юз ўгирма» (айрим таржималарда «юзингни буриштирама» шаклида

берилган) ояти кариманинг асида «тусаъир» деб келган. Бу маъно арабларда туяда учрайдиган бир касалликка нисбатан ишлатилар экан. Бу касалга чалинган туя доимо бошини пастдан тепага ҳаракатлантириб, ёнбошига силтаб турар экан. Мутакаббирлик билан бурнини жийриб, юзини одамлардан ўтирадиган кишилар ўша касал туяга ўхшатишган.

Мусо алайҳиссалом Аллоҳ Таолога муножот қилдилар: «Э, Раббим, Сенинг яратган халқинг орасида ўзингга ёмонроғи қайсидир?» Аллоҳ Таоло айтди: «Э, Мусо, кимнинг қалби мутакаббир бўлса, тили қўпол бўлса, икки кўзи уятсиз бўлса ва қўли бахил бўлса, халқимнинг орасидаги ўшандайларни ёмон кўраман».

Билмоқ керакки, кибр кофирларнинг ва фиръавнларнинг ахлоқидандир. Тавозуъ эса пайғамбарлар ва солиҳларнинг ахлоқидандир.

*Мабодо гуррае тушса кўнгулга,
У гурра бошласа офатли йўлга.*

Ҳазрат Сўфи Оллоҳёр демоқчиларки, мабодо кимсанинг кўнглига ғурурлик тушса, бу ғурур кимсани фитнали йўлга бошлар. У бу йўлда ҳалок бўлиб, такаббурлар гуруҳидан бўлиб, ўкинчда қолур.

*Муяссар бўлса тилладан санга тахт,
Ўзингдин пастга зинҳор айлама сахт.*

Демоқчиларки, сенга енгиллик билан тожу тахт муяссар бўлса, зинҳор базинҳор, ўзингдан паст мартабали кишига қаттиқ сўз дема. Кўнглин ранжитма.

*Агар берса жаҳон султонлиги даст,
Киши ўз ҳолини билмак керак паст.*

Демоқчиларки, агар дунё халқи барчаси сени подшоҳ деб байъат берсалар-да, сен ўзингни тубан мартабада билмоғинг керак. Зероки, мартаба ва шоҳликка ғурур қилмоқ аҳмоқликдир.

*Агар рутбанг эрур аълоийи офоқ,
Йиқилган хасталарнинг ҳолига боқ.*

Демоқчиларки, агар сенинг мартабанг осмондан баланд бўлса-да, мартабангга алданмагин. Атрофга қараб, хасталикка

чалинганларнинг аҳволига боқиб ибрат олгин. Мен ҳам бир кун шу хасталар кунига тушиб, забун бўлурман, дея фикр қил.

*Бу рифъат бирла кўкни кўр ҳамиша,
Юзидур ер сари, э, яхши пеша.*

Байтнинг яширин маъносига диққат қилинг: кўриб турибсан-ку, осмон нақадар юксак бўлишига қарамай, юзини тубан қилиб Тавозуъ билан ер томон қаратиб турибди. Шундай экан, сен ҳам гердайиш ўрнига тавозуълик қилгин.

*Кел, э, оқил, буюрсанг ақлинг ишга,
Ўзингдин кетмагил доно демишга.*

Энди бу маънога эътиборни қаратайлик: эй, оқил инсон, сен бутун ақлингни тоату ибодат қилишга қаратган бўлсанг-да, ўзингни ўзинг олимман, деб такаббурлик қилма.

*Агар бало чиқиб кетсанг ўзингдин,
Йиқилгайсен тойиб ерга юзингдин.
Ўзин бало тутиб кибр айламасдан,
На чобуклар йиқилдилар оёқдин.*

Бу ибратни ўзимизга шиор қилиб олсак: такаббурлик қилиб, юқори чиқиб ўзингнинг ким эканингни унутсанг, мартабангдан юзтубан тушиб қолмагин тагин. Яъни такаббурлик билан ҳаддан ошиб, жаҳаннамга юзтубан тушиб қолмагин. Ўзини юқори тутиб, такаббур бўлиб, не-не зийраклар оёқларидан йиқилиб, мартабаларидан тушдилар-ку ахир.

Бир кун тароқ билан кўзгу ўзаро баҳслашиб қолдилар. Тароқ тана учун офиз очиб, деди:

– Эй, такаббурлик манбаи, эй ҳар ерда санқиб юрувчи пасткаш тошдил, мен билан одоб тутиб гаплаш, ўз сирингни ўзинг беҳуда очма. Гарчи сув каби покиза кўринсанг ҳам, аслида бир саробсан! Қаерда бўлмагин, кимки сенга бир бор боқса, ўша билан тил топишиб кетаверасан! Шунинг учун ҳам бир шоир бу байтни сенга атаб тўғри айтган:

*Қарагил, бу чинни кўзгу синди,
Ҳўл бўлди, манманлик асбоби тинди.*

Бу гаплардан кўнгли озор чеккан кўзгу тароққа деди:

– Эй, тили узун, оғзи сўкилган, эй бағри тилинган қуруқ ёғоч, ҳар кимнинг ишига беҳуда хаёл билан эмас, чуқур тафаккур билан қара! Мен бир парча темиру ойна бўлсам-да, ғоят камтар ва хокисорлигимдан маҳбуб жамолига етдим. Сен эса Заҳҳок каби ёмонлигинг учун бўйнингга иккита қора илон (соч ўрами) ўралиб олган, бахти қаро бўлганинг учун ҳам қора нарса ичида пинҳонсан! Шунинг учун ҳам маҳбубларнинг бошларига чиқиб олсанг ҳам, тўнтарилиб, оғзинг ерга қараб, оёғинг осмонда бўлиб туради. Билгинки, ким нима яхшилиқ топган бўлса, камтарликдан топган!

Абдуллоҳ ибн Амр ривоят қилдилар:

«Расулуллоҳ (с.а.в.) айтдилар: «Ҳазрати Нуҳ (алайҳиссалом) вафотларидан олдин ўғилларига хитоб қилиб: «Сени икки нарсадан, яъни Аллоҳ Таолога ширк келтиришдан ва кибрланишдан қайтараман», дедилар». Шунда Абдуллоҳ ибн Амр (р.а.) сўрадилар: «Ё Расулуллоҳ, ширк нима эканини билганмиз. Аммо кибр нимадир? Бир кишида ички-ташқи кийими бўлиб уларни кийиб юрса кибр бўладими?» Расулуллоҳ (с.а.в.) «Йўқ» дедилар. «Бўлмаса, бир кишида чиройли тасмали бир жуфт кавуши бўлиб, уни ғирчиллатиб кийиб юрса, кибр бўладими?» Расулуллоҳ (с.а.в.) «Йўқ», дедилар. Яна сўрадилар: «Бир кишининг яхши суҳбатдош дўстлари бўлиб, улар билан суҳбатлашиб ўтирса, бу кибр бўладими?» Расулуллоҳ (с.а.в.) «Йўқ, буларнинг ҳеч қайсиси кибрга қўшилмайди», дедилар. «Ё, Расулуллоҳ, унда кибр нимадан иборат?» Расулуллоҳ (с.а.в.): «Ҳақиқатни, тўғри сўзни тан олмаслик ва бошқа кишиларни ўзидан паст ҳисоблашлик кибр бўлади», дедилар.

Зикр этилган ҳадисда кийим ва кавуш кийиш масаласи айтилди. Диққат қилайликки, гап бир сидра кийим ва бир жуфт кавуш устида боряпти. Ҳаётда ҳисобсиз кийим-бошга эга бўлиб, мақтаниб юрувчилар кибр аҳлидан эканини унутмаслигимиз керак. Расули акрам (с.а.в.) дедилар: «Ким кийимини кўз-кўз қилиб, мақтанчоқлик ила судраб юрса, Аллоҳ Таоло унга назар солмайди». Бир киши: «Ё Расулуллоҳ! Албатта, кийимининг поклиги, пойабзалимнинг боғичи, қамчимнинг илгичи мени ўйлантиради, булар кибрдан эмасми?» деб сўради. Пайғамбар алайҳиссалом айтдилар: «Аллоҳ Таоло гўзалдир, чиройли кийинганларни ва чиройлиларни яхши кўради. Бандасига берган неъматни унда кўрмоқликни яхши кўради. Аллоҳ Таоло фақирликни зоҳир қилгувчини ва фақир бўлмай туриб, фақирликни рўкач қилгувчини ёмон кўради. Лекин кибр ҳақни инкор қилиш, халқни эътиборга олмасликдир».

Эътибор беряпсизми, озода ва чиройли кийиниш айб эмас, балки ўзи яسانيб, одми кийинганларни менсимаслик кибр экан.

Кўркам уй қуриб яшаш ҳам айб эмас, керагидан ортиқ дабдабали сарой қуриш, ўн хона кифоя қилган ҳолда юз хонали қаср қуриш кибр экан. Шундай кибр эгаларидан бирининг «Янги уйимнинг иккинчи қаватига ҳали чиқиб ўтирмадим», деб мақтаганини эшитган эдик.

Муҳаллаб ибн Абу Суфра Ҳажжожнинг лашкарбошиси эди. Унинг олдидан Мутриф ибн Абдуллоҳ ўтиб қолди. Муҳаллаб ҳарир кийимда керилиб юарди. Мутриф унга: «Эй, Аллоҳ Таолонинг бандаси, бу юришни Аллоҳ Таоло ва Унинг расули ёмон кўради», деди. Муҳаллаб: «Мен кимман, танимайсанми?» деб такаббурилик ила сўради. Мутриф: «Сени танийман, аввалинг ифлос ва нутфа эди, охириг сассиқ ўлаксадир. Сен кўтариб юрган нарсалар ахлатдир», дедилар. Шу гапдан кейин Муҳаллаб бу такаббуруна юришини ташлаган экан.

Кийимга ружу қилиш, товус каби товланиб юришни аёлларга хос деймиз. Не ажабки, бу соҳада аёллардан қолишмайдиган эр ҳам бор. Наҳорги ошда бир либосда, пешинда бошқа, кечки зиёфатда яна ўзга кийимда келувчиларга сизнинг ҳам кўзингиз тушгандир? Айримлари устидаги кийимнинг нархини давра аҳлига билдириб қўйишга ҳам уринади. Шундайлардан бири эгнига илган янги костюмни хорижда икки минг долларга сотиб олганини айтганда, «у ҳолда шу туришингизга баҳо берсак, нархингиз икки минг доллару бир чақа бўлар экан-да», дегимиз келди-ю... Бир тўйга бориб, куёв боланинг кийинишига назар ташлаган эдик. Эрталабки нонуштага меҳмон кутиш учун янги костюм, пешинда никоҳ ўқитгани борилганда бошқача костюм. Кечки зиёфатда янада алламбало, ялтироқ костюм... Никоҳ ўқитиш учун масжидга борилди. Масжид билан қабристон ёнма-ён... Ақлли инсон кибрга берилган тақдирда ҳам, қабристонга бир қараб олишининг ўзида ўзидаги кибрни ўлдира олади. Куёв боламиз ёшлиқ қилгандирлар, ақллари етмагандир. Аммо, шу либосларни сотиб олиб берган ота-оналари-чи? Ишончим комилки, куёв боланинг яна икки ё уч ёки ундан кўпроқ костюмлари жавонда охори тўкилмай турибди. Тўйдан кейинги тадбирларда уларни ҳам бир-бир кияди. Унинг товусдай товланишига аҳамият берганлар қойил қолишмайди, балки энсалари қотади, шундай эмасми? Либоси кўплигини биров билади, биров билмайди. Билганда нима? Билмаганда-чи? Шу оиланинг қўли калтароқ қариндоши ёки қўшнисиси бор. Костюмларнинг бир-иккитаси тўй қилишга қийналиб турганларга берилсами!.. Бу саховати учун баланд мартабага етган бўларди.

Урушдан кейинги қийинчилик йилларида қишлоқда битта янги-гироқ тўн билан битта атлас кўйлак сақланар экан. Турмуш қура-

ётганлар шу либосни тўй қуни олиб кийиб туришаркан. Шундай тўй кўрганларнинг турмуши файзли бўлди. Товусдай товланаётганларнинг турмуши бузилиб кетяпти. Нега шундай? Ёшларга қийинчиликни раво кўрмаймиз, бироқ, уларни кибрдан асрашни ҳам ўйлашимиз керакмикин? Ажабланарлиси шундаки, ҳозир ҳам келин билан куёв оқ либос билан ялтироқ тўнни бир неча соатга ижарага олишади. Авваллари йўқчилик туфайли эди, энди ортиқча дабдаба учун қилиняпти.

Бу каби воқеаларга ўзингиз тез-тез гувоҳ бўлиб турганингиз учун гапни калта қилиб, бир ажиб ҳикоятни ёдга олайлик.

Қозикалоннинг маҳкамасига муллалар ва бойлар тўпланиб, муҳим бир диний масалани муҳокама қила бошладилар. Шу онда эски кийимли бир дарвиш йиғинга кириб келиб, салом берди-да, уларнинг қаторидан жой олди. Қози унинг бу қилиғидан ғазабланди:

– Сен, беодоб, нега муллалар ва бойлар қаторига келиб ўтириб олдинг? Ўз мартабангни билмайсанми? Дарҳол ўрнингдан туриб, пойгақдан жой ол ёки чиқиб кет! – деб бақириб, хизматкорига имо қилди. Хизматчи имо билан буюрилган амрни бажо келтиришга шошилади. Дарвишнинг бўйнидан ушлаб судради:

– Сен бетавфиқ, уламо-ю бойлар мажлисида ўтиришга муносиб одам эмассан, нега ўз ҳаддингни билмай, улар қаторида ўтирибсан? Пашшанинг арслон билан олишишга кучи етмайди. Сенинг фазл-камолнинг йўқ. Камбағал дарвиш одамсан. Уламо-ю бойлар мунозараларига аралашинг учун илмий куч керак. Сенда эса бундай илму ақл йўқ. Пастга ўтир, йўқса, ҳайдаб чиқараман!

Дарвиш бу қўполликдан ранжиса-да, индамай, пастга тушиб ўтирди. Муллалар эса баҳсларини давом эттириб, бир қарорга келолмай жанжал кўтаришгача етдилар. Ёқа бўғишай деганларида дарвиш аввалига уларнинг қилиқларидан кулди, кейин жанжални тўхтатиш учун ўрнидан турди.

– Гардан томирларингизни шишириб жанжал қилишингизнинг масалани ҳал қилишга ҳеч алоқаси йўқ. Масала далилсиз, ҳужжатсиз ҳал этилмайди. Бу масала устида менинг ҳам маълумотларим бор. Илм бобида ақлим етарли даражада суҳбатлашишга тайёрман, жанжални бас қилиб, сўзларимни тингланглар.

Дарвиш шу қадар фасоҳат билан сўз бошладики, мажлис аҳли ҳайратда қолди. Дарвиш масалани аниқ далиллар билан ечиб бергач, таҳсин, офарин олқишлари эшитилди.

Ҳатто мутакаббир қози ҳам дарвишнинг илм-фазлига қойил бўлиб, ўзининг ипак тўнини, мисқоли салласини ечиб, хизматчисининг қўлига берди-да, дарвишга кийдиришни буюрди. Дарвишдан узр сўраб деди:

– Эй, дарвиш, сенинг қадр-қимматингни билмабман. Бу тўнни кийиб, саллани ўраб, юқори чиқиб ўтир.

Дарвиш бу лутфи учун қозига қуллуқ қилиб, тўн кўтарган хизматчини ёнига йўлатмади.

– Такаббурлик ва ғурурга сабаб бўладиган бу тўн билан салла менга керак эмас, – деди у. – Эски-туски либос ақл-фаросатимни камайтирмагани каби ипакли тўн, мисқоли салла оширмайди. Ақл либосда эмас, бошдадир. Шундай кишилар бор, қимматбаҳо либослар кийганлар, ўзларига оро берганлар-у, илм-маърифатдан, одоб-тарбиядан бебаҳрадилар. Шундай кишиларни бошқалардан юқори, эски-туски кийимдагиларни эса улардан тубан санаш инсофдан эмас. Ақл, идрок эгаси бўлиш учун илм, маърифат таҳсил қилиш лозимдир.

Қиссадан ҳисса: қалбингда заррача кибр бўлса, демак, сен одамийлик не эканига тушунмабсан. Шунинг учун сен биринчи бўлиб қалбингдаги кибрни ўлдиргинки, одамлар олдида азиз бўласан. Аммо, бу енгил иш эмас, игна билан тоғни қазмоқ – кибрни кўнгиллардан чиқармоқдан осондир. Қалбингда заррача кибринг бўлса, албатта, ҳалокатдасан. Ҳақиқатни кўра олмайдиган кўрсан. Кибрни ташла, ҳақиқатни кўрасан, ҳақиқий саодатга эришасан. Кўкда чакнаган чакмоқ бўлгандан кўра, ерда бир тутам олов бўлиб, бир ғарибнинг қозонини қайнатган афзалдир.

Аҳли дониш маслаҳатига кўра, такаббурга салом бермаган маъкул. Чунки такаббур алик олишга оғринади, алик олмани эса салом берувчига малол келади. Бу ўринда ҳикмат аҳлидан ўрناق олиб, кибрлиларга хитоб қилишга зарурат сезилди:

– Эй, кибр аҳли! Тугилганингиз, нимжон, заиф бўлганингиз, йиғлаган кунларингизни ўйлангиз! «Бугун мен фалончиман, фалон мартаба ёки бойлик эгасиман!» – деб ўзни мағрур тутманг. Эртага белингиз букилади. Бошқаларга муҳтож бўласиз. Сўнг... тупроққа қоришасиз. Буларни ўйлай олсангиз эди, кибрдан тезроқ қутула олармидингиз?.. Қабристонга бир он ибрат кўзи билан қараб, ўзингизга дарс олинг. Билинги, улар ҳам сиз каби эдилар. Ўйнаб-кулдилар, баъзан йиғладилар. Кимларгадир эгилиб, таъзим қилдилар, кимларнидир менсимадилар. Сўнгра... Кўринг, тупроққа қоришиб ётибдилар. Кибр билан боққан кўзларни лаҳад қуртлари еб адо қилдилар...

Эй, мағрур инсон, асли ўзинг кимсан? Кучинг нимага етади? Пашишага ҳам кучи етмайдиган қудратли подшоҳ каби эмасмисан? Ўша подшоҳ аҳволдан хабардор эмасмисан? Унда диққат қил:

Подшоҳ масжидга кириб ибодат қила бошлади. Сўнг сидқидилдан ибодатга берилган бир кишини кўрди. Унга ихлоси ортиб, вазирига: «Анави кишига саломимни етказ. Қандай устаги бўлса, айтсин, бажараман», деди. Вазир Тангри ошигининг ёнига келиб, унга подшоҳнинг саломини етказди. Тангри ошиги унга жавобан: «Подшоҳга менинг саломимни айт. Менинг қулга эҳтиёжим йўқ», деди. Бу гап подшоҳга малол келиб, газаблантирди. «Боргин-да: подшоҳ қудратлидир, унинг қўлидан ҳар нарса келадир, деб айт», деди. Вазир Тангри ошигига бу гапни айнан етказди. Тангри ошиги эса табассум билан вазирга жавоб берди: «Агар подшоҳ чиндан ҳам қудратли бўлсалар, амр этсинларки, мен тинчимни бузаётган анави паишадан қутулайин. Шу паиша мени ранжитмасин». Вазир Тангри ошигининг бу гапини подшоҳига айнан етказди. Бу гапнинг маъносини англаган подшоҳ бошини эгди. Ўтириб йиғлади. Сўнгра: «Тангри ошиги менга ҳақиқатни англади. Айни дақиқада қуллимни, ожизлимни билдим», деди.

Эй, кибр эгалари, сиз ҳам англагандирсиз, дунё матоси кимнинг қўлига ўтса, уни гурурлантиради. Бой ўзини қудратли деб билади. Ўзини ҳамма нарсанинг устидан ҳукмрон ҳисоблайди. Лекин баён этилган ҳикояда бўлгани каби, уларнинг сўзи битта паишага ҳам ўтмайди. Бугун ўлим тўшагида ётган, кеча эса ўзини қудратли ҳисоблаган ўша подшоҳ, устига қўнган паишани ҳатто нари ҳайдашга ҳам қурби етмайди. Шундай экан, бу дунё матоси кўзингизни пардаламасин. Ўзингизни ҳар нарсага қодир, деб гурурланманг. Аксинча, бир оз хокисор бўлиб, инсонларга чиройли хизмат қилинг. Бирор кишини паст кўриб, ёнингиздан қувманг. Қувган одамнингизни ёмон сўз билан ўлдирган бўласиз. Ўзини кучли ҳисоблаган ҳар қандай киши албатта бир кун оқимлик аччигини тортажагини унутманг. Унутмангки, кибр – шайтоний феълдир, аҳмоқнинг виқоридир. Огоҳ бўлингки, иймонга хатар етмасин!

Жаноза баҳонасида қабристонга кирганлар тошларни томоша қиладилар. Шунчаки томоша қилмай, фикр юритилса яхшироқ бўларми эди... Ана, ёнма-ён икки қабр. Мадфунлар бир маҳаллада яшар эдилар. Тасодифни қарангки, бунда ҳам қўшни бўлибдилар. Бирови бойроқ, мансабдорроқ эди. Кибридан от ҳуркарди. Иккинчиси камбағал эмасди, бировга муҳтожлиги йўқ эди. Ғоят тавозуъли эди. Бой ва мансабдор эса уни менсимасди. Уйидаги маросимларга таклиф етмасди. «Халққа паст назар билан қараган кимсани энг расво аҳмоқ деб ҳисоблайдилар», деган ҳикмат унга бегона эди. Унда кибрни ечадиган виждони сушт эди. Энди улар орасида қандай фарқ бор? Дарвоқе, қабр устидаги тошда фарқ мавжуд. Бири

устида қимматбаҳо мәрмартшош. Иккинчиси устида камтарона белги-лавҳа. Биринчининг фарзандлари оталаридаги кибрни мерос қилиб олдилар ва бу иллатни мәрмартшош орқали маълум қилдилар. Тепадаги тошларнинг қандай бўлиши лаҳадда ётганлар учун фарқсиз, аҳамиятсиз. Иккови бир хил кафанга ўралган, бошларида бир хил ҳажмдаги гувала... Хаёлга бир фикр келади, тавба деган ҳолда, бошқаларга ибрат бўлар, деган ниятда тилга оламан: лаҳадда ётган қўшнилардан бири ҳаётлик давридаги такаббурлиги учун қабр азобиди эмасмикин, валлоҳи аълам. Ёнма-ён қабрда ётганларнинг фарқи шунда бўлса керак...

«Ўзига қарама, сўзига қара», дейилган ҳикматга биноан одамнинг либосига, зоҳирий суратига эмас, фазл-камолига, ақл-ирфонига, сўзига, ахлоқ-тарбиясига эътибор берилади. Суқрот ҳаким: «Такаббурлик ва зулм – улуғликнинг офати, ҳилм ва Тавозуъ – инсоннинг зийнати, шарм-ҳаё унинг энг гўзал, ёқимли либосидир», деганлар. Кибру ҳаво, манманликнинг инсонга шон-шараф бахш этмаслиги ойдай равшан. Камтаринликни ўзига пеша қилиб олган одам халқ севгисига сазовор, бахт-саодат унга ёр бўлади.

*Сен агар кибру ҳавони ташладинг,
Ул замон шараф этагин ушладинг.*

Қушлар тилидан ёзилган «Латоиф ил-ишорот» асаида шундай дейилган:

Бир куни қовоқари битта донни минг машаққат билан судраб бораётган чумолини кўриб, ундан кулди:

– Ҳой чумоли, шўргинанг қурсин, биттагина донни деб шунча заҳмат чекяпсанми? Кел, менинг емишим, ичишимни томоша қил-у қойил қол. Қандай лаззатли таом бўлмасин, одамлар мендан ортганини ейишади. Агар қанотимни ёйиб осмону фалакка учсам, истаган жойимга бориб қўнаман. Еганим – олдимда, емаганим – ортимда.

Қовоқари шундай мақтаниб, керилганича учди-да, қассобнинг қанорасига осифлиқ гўштга қўнди. Қассоб қўлидаги пичоқ билан бир урган эди, бечора иккига бўлиниб ерга тушди-ю, тупроққа қорилди. Чумоли келиб қовоқарининг оёғини тортди. Ҳали жони чиқмаган қовоқари: «Мени қаерга судраяпсан?» деб сўради.

– Кимки бирор ерга кибр кўзи билан қўнса, уни ўзи истамаган бошқа ерга судраб кетишади, – деди чумоли.

«Лисонут-тайр»даги қарчиғайнинг такаббурлиги ва даъволари қовоқариникидан фарқ қилади. Қушларни саодатга элтмоқчи бўлган Худҳудга қарчиғай қарши чиқиб, бундай дейди:

– Мен бошқа қушларга ўхшамайман. Балки барча қушлар эгаси ҳисобланаман. Шу пайтгача сенга сўз айтиб, узр билдирган қушларнинг ҳаммаси менга овқат ўрнида ўтади. Мен шоҳлар қўлида ором оламан, улар ҳар кун менга овқат бериб туришади. Қайси бир қуш қасдида қанот ёзсам, у менга ўлжа бўлади. Ҳатто насри тойир – қирғий бўлса ҳам мендан қутулиши маҳолдир. Шоҳлар олдида шунчалик эътибор топдим; шавкатим амалда шубҳасиз. Симуриқидан кам эмас. Шоҳ қўли – менинг тахтиму бошимда тож, Симуриқ сари боришимга йўқ эҳтиёж!»

Навий ҳазратлари асарда Худҳуд тилидан лозим жавобни берганлар. Сиз, **умидимиз юлдузлари**, у нодон қушга нима деган бўлардингиз? Китобдан бош кўтариб, ўйлаб кўринг-а... Биз бу воқеага яна қайтамиз.

Кибр ҳақида сўз кетса, биринчи галда мансабдор ёки бой мисол тариқасида тилга олинади. Ҳолбуки, камбағалга ҳам бу касаллик юқиши мумкин. Бойларнинг кибрланиши ёмон, аммо камбағаллар кибр қилсалар, ундан-да ёмон эканини яна такрор айтаман. Бир йигит аслида эҳсон, садақа эвазига кун кўради. Камроқ тушса, атрофдагиларга серсалом бўлиб қолади. Агар унга биров янги кийим олиб берса, ё чўнтаги пулга тўлиб қолса, саломни унутади. Бу ҳолни кўрганлар «гердаишига ўлайинми, куяйинми», деб гашланадилар. Расулulloҳ (с.а.в.): «Қиёмат кунида уч кимсага Аллоҳ Таоло гапирмайди ва уларга қарамайди. Уларга қаттиқ, аламли азоб бўлади: улар – зино қилувчи кекса киши, ёлғончи подшоҳ ва кибрли фақир кишилардир», дедилар. Яна бир ўринда жаннатга биринчи кирувчилар қаторида кўп болали камбағал кишини, дўзахга биринчи кирувчилар сафида эса мутакаббир фақирни тилга олдилар. Яна дедилар: «Албатта, Аллоҳ Таоло уч тоифа кишиларга ғазаб қилади, лекин уч тоифа кишини янада қаттиқроқ ёмон кўради:

Биринчиси, фосиқни ёмон кўради, фосиқ чолни ундан ҳам ёмон кўради.

Иккинчиси, мутакаббирни ёмон кўради, ўзи фақир бўлган мутакаббирни янада қаттиқроқ ёмон кўради.

Учинчиси, бахилларни ёмон кўради, бой бўлиб бахиллик қилганни қаттиқроқ ёмон кўради.

Аллоҳ уч тоифа кишини яхши кўради ва уч тоифа кишини янада кўпроқ ёқтиради.

Биринчиси, тақводорларни яхши кўради, тақволи ёшларни кўпроқ яхши кўради.

Иккинчиси, сахийларни яхши кўради, фақир сахийларни кўпроқ яхши кўради.

Учинчиси, тавозуъли кишиларни яхши кўради. Бой бўлиб тавозуъли бўлганларни ундан ҳам яхши кўради.

Айрим иллатларини киши атрофдагилардан яширишга уринадиди ва кўп ҳолларда бунга эришади ҳам. Кибрли одамда ҳасад кучли бўлади, ғийбатга берилади... Ажабки, бу иллатларни бировга билдирмасликка ҳаракат қилади. Лекин кибрни яшира олмайди. Юриш-туришида, овозининг паст-баландлигида, гап оҳанглирида аниқ сезилиб туради. Кибрли бой билан камтарин бойнинг суҳбатига гувоҳ бўлсангиз, гаплари оҳангига эътибор беринг-а...

Аллоҳ таборак ва таоло бандаларига: «Юришингда мўътадил бўл ва овозингни пасайтир. Чунки овозларнинг энг ёмони эшакнинг овозидир» («Луқмон» сурасидан), деб буюради. Аллоҳнинг амрига кўра, одамнинг юриши ўртача ва мақсадли бўлиши керак. Бекорчи сохта ҳаракатлар билан куч-қувватни исроф қилиб, кибру ҳаво билан юриш ман этилади. Ҳаддан ташқари лапашанг бўлиб, судралиб юриш ҳам дуруст эмас. Пайғамбаримиз алайҳиссалом шахдам қадамлар билан мўътадил юрганлар ва овозларини баланд кўтармай, дона-дона гапирганлар.

Манманларга яна «Лисонут-тайр»даги ҳикматлардан эслатмоқчимиз. Қарчиғайга ўхшаб кибрга берилган Ҳумой шундай дейди:

– Эй, сарсон-саргашталар раҳнамоси! Менга иқбол шунчалик кулиб боққанки, ҳатто мен ўз соям билан кишиларга шараф тахти ато эта оламан. Агар илоҳ зотимга шунчалик шараф бахш этган бўлса, яъни менинг соям ҳатто гадони шоҳ даражасига кўтарса, мен учун яна шоҳ истамоққа не ҳожат бор?! Ўзимни машаққатга чоғламоқнинг нима кераги бор?! Ундан кўра соямдан шоҳларга паноҳ бериб, ҳавода учиб юрганим яхши эмасми?

Ҳудҳуд унга шундай деди:

– Сенинг бу сўзларинг афсонадан ўзга нарса эмас. Сен айтганларни фақат девоналаргина баён қила олади. Айтишингча, гўё зотинг баланд бўлиб, сени кўп шарафли этибди. Гўё сен ўз соянг билан кишиларни шоҳлик мартабасига эриштирар эмишсан. Ахир шунчалик ҳам гумроҳлик бўладими? Агар шоҳлар тарихини варақлаб кўрсанг, бу хил воқеа қайси бир шоҳ тақдирида кўрилган? Сенинг соянг билан шоҳ бўлиб кўтарилган бирон-бир одам борми?! Бу нотўғри афсона сени шод қилибди, шундай бузуқ эътиқодга ошно этибди. Масалан, бу даъвонг рост бўлган тақдирда ҳам, борди-ю, сенга бу сифат бехосдан келган бўлса ҳам, соянг тушган киши илоҳ қудрати билан шоҳ даражасига кўтарилса ҳам бундан сенга нима фойда? Бари бир даштларда қолган суякларни, тўғрироғи, ғажиб ташланган қоқшол суякларни ит каби еб тирикчилик қиласан-ку!

Бир оз олдин сиз, азизларни қарчиғайга жавоб айтишга даъват қилган эдим. Агар жавобни ўйлаган бўлсангиз, энди Худхуднинг гапларини баён қилай. Сиз ўз фикрингизни таққослаб кўринг.

– Эй, гурур қўлида паст бўлиб, жаҳл ва ғафлат аро тубан кетган! Шуни билки, шоҳ тугул оддий бир овчи ҳам сенинг оёғингга тушов солиб, ўз ҳузурида тугади. Очлик ва уйқусизликдан шу даражага етгансанки, ҳатто этинг суюгингга бориб ёпишган. Олдингга бир луқма эт ташлагунга қадар тоқатсизлик билан фарёд қилиб, одамлар қулоғини қоматга келтирасан. Зоти паст одамларга муҳтож бўлиб, хор-зорликда кун кечириб, Тангри ажратган насибангни еб юрасан. Сен қайси бир овни қўлга киритсанг, ўлжангни ушлаган заҳотиёқ овчи ноғора чалиб, сени қувлаб юборади. Сен ўзингдан кучсизроқ бир ўлжага ҳамла қилиб, очофатлик билан уни ов қиласан. Ушлаган овингни эгасига топшириб, унга итоат этасан. Қўшчи берганига қаноат ҳосил қилиб кун кечирасан. Шундай аянчли аҳволда бўла туриб, ёлғон сўзлар билан лоф уришдан уялмайсанми?! Агар сенда заррача виждон ёки уят бўлганида эди, бу шармандали ҳаётдан кўра ўлганим яхшироқ, деб ўйлардинг! Аммо сенда нодонлик ғолиб келиб, нафсинг сени алжирашга мойил қилиб қўйган!

Энди биргаликда ўйлайлик: тенгдошларингиз орасида ҳам кибрлар учраб туради. Ҳали бир ишни қойиллатиб қўймаган бўлсалар-да, ота-оналарининг бойлигигами ё мансабигами ишониб, кериладилар. Энди ўзингиз айтинг-чи: агар бирон бир дўстингиз ҳумой ёки қарчиғай каби кибрлана бошласа, уларга Худхуд каби ҳақиқат сўзларини айта оласизми? Уларни кибрдан қайтаришга уринасизми? Бу саволга жавоб қайтаришга қийналиб, бош эгяпсизми? Афсус, минг афсус... Ҳаёт тажрибангиз камлигини инобатга олиб, сизни кечириш мумкин. Аммо катталар-чи? Яқинларидан бири кибр туфайли қандайдир балога йўлиқса, «Ўзидан кўрсин, кеккайиб кетган эди», деб қўядилар. Дўстлари «қорним оғрияпти», деса минг хил даво усулини айта бошлайдилар. Кибр хасталиги билан оғриётганини билсалар ҳам индамайдилар.

Бир киши дўстининг мансабдор бўлганини эшитиб, табриклагани келди. Мансабдор уни менсимай, қабул қилмади. Шунда «Қаердан келяпсиз?» деб сўраганларга у киши: «Дўстим кўр бўлиб қолибди, шуни йўқлаб келяпман», деган экан.

Киши эрталаб от минса, кечга бориб, бари бир тушади. Кибр отига минганлар ҳам шундай бўлади. Мансабидан ёки бойлигидан айрилса-да, кибрдан қутулмаганларга нисбатан «Отдан тушса ҳам эгардан тушмайди-я!» деб ажабланишади. Шундай... Лекин лаҳадга эгарсиз қўйилишларини унутганлари ёмон. Кибр отидан

ёғоч отга ўтгунга қадар камтаринлик фазилатини эгаллай олмаганларни вафотларидан кейин йиғи эмас, афсус билан кузатиш керакмикин?..

Ҳаётда кибр иллатининг яна бир хунук кўринишига тез-тез гувоҳ бўлиб турамиз. Бу ўринда отасининг ёки бирон яқин қариндошининг мансаби, бойлиги билан ғурурланиб манмансировчи худбин ёшларни назарда тутяпман. Эгилиб, меҳнат қилиб, ҳали бир сўм топмаган, бир тийиннинг қадрига етиш нима эканини билмаган йигит-қизларнинг кеккайиб юришлари келажакда уларни бахтдан Мосуво қилиб қўймасмикин? Мутакаббир ва мағрурлар пок ва соф кўнгилли бўла олмайдилар. Сермева шохи эгилиб туради, мевасиз дарахт каби кеккайиб ўсиш оқибати уларни қандай бало жарига йиқитар экан? Кибрга берилганлари туфайли илм олишдан юз ўтирадилар, ҳунар эгаллашдан ҳазар қиладилар. Уларни келажакда нима кутади? Кибр эгаси зимдан қаралса, бошқаларга беҳурматлик қилаётгандай, аслида эса у ўзини ўзи ҳурмат қилмайди. Ўзини ҳурмат қилмайдиган киши бахтсиз, ортиқча манманликка берилган эса тентақдир. Ўз ўрнини билиш эса инсоннинг ўзлигини таниши демақдир. Бугун гердайиб юрган йигит ёки қиз эртага ўзлигини таний олармикин?

Мазкур сатрларни оққа кўчира туриб, баёнларимизни ўқиганлар кибрли фарзандларининг, жиянларининг тарбиясига бефарқ қараётган ота ва оналарни бу иллат келтирадиган офатлардан бохабар қилишларини истаб, ният қилдим.

Учинчи қисм

Кўнгил НИМАДАН ҚОРАЯДИ



*Ушмидимиз юлдузлари, одам боласи дунёда
бой бўлиши учун эмас, бахли бахтли бўлиши
учун яшар экан, куш парвоз учун, инсон эса
бахтийёр бўлиши учун яраман экан, мен жону
дильим билан барганмизга саодатли умр ти-
лайман.*

*Атрофда қаранг, сизга бахт фасли ўзи-
нинг янги-янги ғаройбларини очяпти. Бу
худди баҳор фасли ғизаълигидан маст бў-
лишга ўхшайди. Қўрға чиқсанмиз, лолазор
хуши қалбинмизга ажиб бир тароват беради.
Боққа борсанмиз, дарахт урғларининг ифори-
дан дильинмиз эйрайди... Умрнинг баҳор фас-
ли ҳам шу қабидир. Лекин... Бу ғизаъликдан
ҳар одам ҳар хил таъсирланади. Тўрмоғга
гавандоз қай кўз билан қарайди-ю, қассоб қай
назар билан боқади? Бахт фаслига бўлган
муносабат ҳам шу қабидир. Халонки, сиз-
га барга бахт тилгамоқда экан, сиз бу ҳайрли
дуолар қанотига ўзингизнинг ҳайратли ҳа-
ракатингиз билан икки дунё саодатига эри-
шишга интилинг!*

БИРИНЧИ БЎЛИМ

КЎНГИЛ НИМАДАН ҚОРАЯДИ?

ЗУЛМ, ЗОЛИМ ВА ЗУЛМАТ

Ёмонлик уруғи кўпроқ ёшлик даврида экилади. Ёмонликка асир бўлишнинг сабаби – нафсга асир бўлишдир. Зулм нақадар шарафсиз бўлса, унга қарши кураш шу қадар шарафлидир. Дунё саодати яхши, хайрли инсонлар билан қоимдир. Ёмонлар дунёни одамлар учун зиндон қилади.

«Золимнинг уйига яқинлашма. Ундан бирон нарса сўрашни хаёлингдан ўтказма. Шундай қилсанг, мард бўлиб яшайсан. Золимга яқинлашсанг, номард бўлиб ўласан», деган донишмандларнинг насиҳатини қулоққа олиб, ҳаёт давомида амал қилингани афзал.

Умидимиз юлдузлари! Яхшилик доирасидаги фазилатлар ҳақида суҳбатлашдик. Энди зулм ва унинг салтанатига бир назар солайлик.

Кишининг қалби ва онги, айниқса, сиз – азиз умидимиз юлдузларининг қалбингиз ва онгингиз жанг майдонига ўхшайди. Бу майдонга эга чиқиш учун яхшилик ва ёмонлик, шафқат ва зулм тинмай жанг қилади. Бу жангда иймон қуввати билан қувватланган томонгина голиб чиқади. Саҳобалардан бирининг айтишича, иймон қалбда оқ нуқта бўлиб кўринади. Иймон қуввати ошса, оқлик ҳам зиёдлашади. Агар банданинг иймони тўла комил бўлса, қалб ҳам тўла оқаради. Нифоқ қалбда қора нуқта бўлиб кўринади. Нифоқ кўпайган сари қоралик зиёдлашади. Қачонки нифоқ тўла бўлса, қалб ҳам тўла қораяди. Киши қалби қорая бошлаган кунидан эътиборан ҳар турдаги ёмонликларга банди бўлаверади. «Ёмон нарсага қарасанг – кўнглинг қораяди» дейилиши балки шундандир. Бўри оч қолдими, ҳар қандай ёвузликни қилгани каби, қалб қорайса, ҳар қандай ёмонликни қилаверади. Фоний дунё яхшилар ва ёмонлар орасидаги муҳориба майдонидир. Ёмонларнинг ғалаба қозонишига йўл қўйиб берилса, оламни фалокат босади. Балки Қиёмат ёмонлик яхшилик устидан мутлақ ғалаба қозонган куни бошланар?

Яхши ахлоқ гоҳ табиий – туғма, гоҳ яхши феълларга одатланиш туфайли, гоҳида яхши феълли кишиларни кўриб, уларга яқин бў-

лиш натижасида ҳосил бўлади. Кимки табиатан разил, пасткаш бўлса, камига ёмонлар билан ошно тутиниб, улардан ёмонликни ўрганса ва ёмонликка одатланса, одамийликдан ғоятда узоқ бўлади.

Ғаззолий ҳазратларининг фикрича, табиий, одатий ҳамда ўрганиш каби жиҳатларга кўра фарқланадиган кишилар мана шу икки даража орасидадир. Ҳар бир даража ўзи тақозо қиладиган сурат ва ҳолатга кўра комил инсонийликка яқинлашади ё узоқлашади.

Афлотун: «Агар бир кишини кўрсатиб: «Шуни ўлдирасан ёки ўзинг ўласан», десалар, «Мен ўзимнинг ўлимимни афзал биламан», дейишни маъқул кўрганлар. Киши дунёда худди соқчи каби яшайди. Ёмонликдан кўз юмса, ёмонлик вужудини эгаллаб, унинг ўзини маҳв этади. Золимлар мазлумларнинг манфаатларини ўйламайдилар. Ҳар киши золимлардан узоқ туриши, уларнинг чиройли гапларига алданмаслиги лозим.

Луқмони Ҳаким дейдиларки: «Ёмонлик ўтини ёмонлик ўчиради», деган одамлар бекор айтибдилар. Икки ўт ёқиб кўринг, улар бир-бирини сўндирадими? Ёмонлик ўтини фақат яхшилик ўчиради.

*Ким ёмонликка айласа рағбат,
Неча турли балолар кўргай».*

Ривоят. Луқмони Ҳаким бир бойга хизматга ёлландилар. Бой унга «Ерга буғдой уруғи сочгил», деб буюрди. Луқмони Ҳаким буғдой ўрнига арпа сочдилар. Буни кўрган бой ғазабланиб:

– Мен сенга буғдой сочгил, деган эдим, нега арпа сочдинг? – деди.

– Арпа сочсам, буғдой унмайдими? – дедилар Луқмони Ҳаким маънодор оҳангда.

– Эсинг борми, ҳеч вақт арпадан буғдой унадимми? – деб янада ғазабланди.

– Ундай бўлса, нега сиз доимо халққа ёмонлик қиласизу, яна Аллоҳ Таолодан яхшилик умид қиласиз. Яхшилик қилсангиз яхшилик, ёмонлик қилсангиз, албатта, ёмонлик қайтади. Арпадан буғдой унмагани каби, халққа озор бериб, яна яхшилик умид қилманг, – дедилар Луқмони Ҳаким.

Халқимиздаги: «Буғдой эксанг, буғдой ўрасан, арпа эксанг, арпа ўрасан», деган мақол шу ҳикматдан қувват олган бўлса керак.

Юсуф Хос Ҳожиб айтадилар: «Ёмонлик оғудир, бу оғуни ема, оғу еган киши тирикликдан баҳраманд бўла олмайди. Ёмон бўлма, номингни ёмонлик билан чиқарма.

*Оловким, халойиқни куйдиргуси,
Ўчирмоқдан ўзга топилмас илож».*

«Зулм», «ёмонлик» дейилганда бировлар ўлдириш ёки тепкилашни тушунади. Ҳолбуки, бир заҳарли сўз билан дўст қалбини яралаш ҳам зулмдир, ёмонликдир. Шунинг учун ҳам одамийликни касб қилган инсон дўсту биродарларини таҳқирламайди, унинг устидан қулмайди, истеҳзо этмайди. Расулulloҳ (с.а.в.) кўксиларини кўрсатиб: «Кишининг ёмонлигига мусулмон биродарини таҳқирлаши етарли далилдир», дедилар. Яна дейдилар: «Биродарига озор етказадиган назар билан ишора қилиш мўмин кишига ҳалол эмас». Умар ибн Ҳаттоб (р.а.) дейдилар: «Мўминга зулмининг учтаси уни золим дейишга кифоя қилади: одамларнинг қилган ишларини айблаб туриб, ўзи у айб ишни қилаверади; одамларнинг айбларини кўради, аммо ўзиникини кўрмайди; фойдаси йўқ нарсада суҳбатдошига азият беради».

Инсонни камбағал, мискин, кучсиз бўлгани учун ҳақоратлаш, ҳақир кўриш жуда ёмон одат ҳисобланади. Чунки ҳамма ҳам банда! Фақат бири чиройлироқ, бойроқ, иккинчиси кучсизроқ, камбағалроқ яратилган. Инсоннинг вазифаси бошқа бир кишини таҳқирлаш эмас, балки унга ёрдам бериб, дуосини олишдир. Зеро, кўнгилар нозик бўлади. «Эй, Одам фарзанди! Бирор заиф инсонга зулм ва зўравонлик қилишга нафсинг сени чорласа, ундан бурун ҳамиша ўзингдан кўра қудратлироқ Зот борлигини эсла. Ўша Зот сени ҳалиги заиф инсондан зўрроқ қилиб қўйгани каби, хоҳласа, уни ҳам сендан зўрроқ қилиб қўйиши мумкин» (Ҳадиси Қудсийдан). Фақирлар ўз тақдирларига рози бўлганларидан эл-юрт наздида уларнинг қадр-қийматлари баланд. Ёмонлар эса қудсий ҳадисдаги бу хитобни унутмасалар дуруст: «Эй, Одам фарзанди, билгинки, Мендан бошқа ёрдамчиси йўқ бечораҳол одамга зулм қилганларга нисбатан ғазабим қаттиқ», «...Ёмонлик ва ёвузликлардан ўзингни узоқ тут. Зеро, ёмонлик дўзахнинг калитидир. Бу калит ўз эгасини албатта дўзахга бошлаб боради», «...Эшитгин, кимки бир мискинга жабр қилса, мен уни Қиёматда чумоли сифатида хору зор қилиб турғизаман», «Эй, Одам фарзандлари! Мен зулмни ўзимга ҳаром қилдим, бас, бир-бирингизга зулм қилманглар!» Ҳа, айнан Одам фарзандларига қараб хитоб қилиняпти. «Эй, насоролар!» ёки «Эй, мусулмонлар!» дегани йўқ. Зулмни бани башарга ҳаром қилдики, буни бутун инсоният англаб, шу қоидага асосан яшаши шарт. Агар бу амрга амал қилинганда эди, биров-биронинг ҳақиға хиёнат қилмаган бўларди. Бир-бирининг молиға, жонига кўз олайтирмаган бўларди. «Унинг шунча мол-дунё-

си: иморатлари, уловлари, ёзги ва қишки дала ҳовлилари бўлса, бу нима деган гап?! Бизда эса ҳеч нарса йўқ. Урайлик, синдирайлик, тортиб олайлик, биз ҳам роҳат-фароғатда яшайлик», деган васвасалар хаёлга келмаган бўларди. «Эй, Одам фарзанди! Яхши эшитиб олгинки, бандаларимдан ҳеч бири, ўзининг зулми, макр-ҳийласи, чақимчилиги, тажовузкорлиги ва ғаразу ҳасадидан одамларни тинч қўймагунича, ўзи ҳам Менинг азобларимдан тинч ва омон бўлмайди». «Ёмонликларни қилиб юриб, бирларига ўлим етганда: «Энди тавба қилдим», деганларга ва кофир ҳолларида ўлганларга тавба (қайтиш) йўқ. Ана ўшаларга аламли азобларни тайёрлаб қўйганмиз» («Нисо» сурасидан).

Ривоят. Мадинаи мунавварада бир аёл ўғирлик қилиб қўлга тушади. Унинг қариндош-уруғлари бундан қаттиқ ташвишланадилар. Агар қўли кесилса, бутун уруғимизга ор бўлади, деб қайғурадилар. Маслаҳатлашиб, «Усома ибн Зайд Пайғамбаримизнинг эркаси, уни ишга солайлик, кечириб юборсалар ажаб эмас», дейишади. Усома ибн Зайд (р.а.) воситачилик қиладилар. Шунда Расулulloҳ (с.а.в.) қаттиқ ғазабланадилар ва масжидда жамоат намозидан сўнг хутба қилиб: «Сизларга нима бўлдики, Аллоҳнинг ҳаддидан бўлмиш бир ҳадда менга воситачи қўясизлар. Аллоҳга қасамки, агар Муҳаммаднинг қизи Фотима ўғирлик қилса ҳам, қўлини кесаман! Сиздан олдин ўтганларнинг ҳалок бўлишига сабаб ҳам оддий одамга ҳадни (шаръий жазони) жорий қилиб, обрўлига эса жорий этмаслик эди», дедилар.

Бир одамнинг умри ёмонлик қилиш учун жуда кўп, яхшилик қилиш учун эса жуда оз. Умр бўйи ёмон ишлар билан машғул бўлиб, халқни ранжитадиган одамнинг номи инсонийлик дафтарига ёзилмайди. Олди олинмаган ёмонлик эса қаршилик кўрсатиб бўлмас даражага етади. Уч хил одам эришиш мумкин бўлмаган уч нарсага эришишни орзу қилади: гуноҳ иш қилиб юрганлар – савобни; ёмонлик қилаётганлар – яхшилик қайтишини; умрини фосиқлик ва дилозорлик билан кечирганлар – жаннатни. Шу боис аҳли дониш деди: «Ёмонлар билан ўлтирмагинки, гарчи ўзинг пок бўлсанг-да, ёмон суҳбат сени ифлос қилар. Қуёш қанчалар буюк бўлса-да, кичкина булут парчаси ҳам уни тўсади».

«Қутадғу билиг»да ажиб маънолар бор:

Эзгунинг (яхшининг) ҳар бир иши чиройли, ҳар бир қадами гўзал. Эзгу асло қаримайди. Ёмон юзга кирса ҳам эзгу бўла олмайди. Ёши кичик ёмон ўкинч билан қарийди. Узун ёшли эзгу эса севинчда юради. Эзгу ҳар кун янгидан-янги тилак-мақсадларга эришаверади. Ёмонларнинг эса кундан кунга мунг ва алами ортади.

Ёмонлар икки тоифадир: бирлари ўжар, қайсар ва ярамас бўлиб, уларнинг қилмиш-қидирмишлари тубанликдан иборат.

*Оқ сут билан кирса қайси бир қилиқ,
Ўлим тугамагунча ўзгармас йўриқ.
Мижозга қўшилиб келаркан одат,
Уни буза олур бир ўлим фақат.
Бир удум яралса қоринда агар,
Қора ер қаърига кирганда кетар.*

Иккинчи тоифа эзгуларга қўшилгудай бўлса, ўз рафторларини ўзгартириши, тубан ва ярамас хулқ-атвордан воз кечиб, эзгуликка юз буришлари ҳам мумкин. Бунинг учун эса яхшиларнинг мадади даркор.

*Ёмонга қўшилса, кўр, эзгу билиб,
Йўлини ростлагай ёмон ҳам кўриб.*

Эзгулик – қимматбаҳо гавҳар, асил ипак ва тоза шоҳи мисоли у доимо баланд қадрланади. Доимий эъзозда бўлади. Ёмонлик эса қадрсиз нарсдай гап. У доимо оёқ остида қолиб кетаверади.

*Эзгу эзгуликдан чекмагай фигон,
Ёмон ўз феълидан бўлар пушаймон.
Ёмонлик қилганнинг улуши – ўкинч,
Ёмонга яхши бўл, майли ҳар қачон.*

Қайси эзгу ўз эзгулиги учун ўкинади? Номи чиққан ёмонлар ҳам охирида ўз ишларидан пушаймон қилади:

*Бало, машаққатлар, ўкинч ва алам,
Ёмонлар улуши бўлади, болам.*

«Ёмонлик» ва «зулм», «ёмон одам» ва «зулм қилувчи» (ёки «зулм-кор») сўзлари айри-айри бўлса-да, тилимизда маънодош сўзлар каби қўлланиб келинади. Биз «зулм» ўрнига кўпроқ «ёмон»ни ишлатамиз. Аслида «ёмон»нинг маъно жиҳатдан қамров доираси кенгроқ, «зулм»ники торроқ. Қайси сўзни ишлатмайлик, бир маънони англаймиз. Қуръони Карим ва бошқа китобларда ёмонлик «зулм» шаклида тилга олинади. Ҳар қандай адолатсизликнинг ҳар қандай кўриниши, жабр-ситам зулм доирасига киради. Бузуқ

ахлоқнинг барча кўринишлари, хусусан, фирибгарлик, ёвузлик... ёмонлик доирасининг тобеларидир.

Золим кимдир? «Золим» деганда аввал бировга азият, озор етказувчи киши тушунилади. Бировни уради, ранжитади, ноумид қилади, бўғизлайди, яралайди, қон қақшатади. «Ёвуз» ёки «ваҳший» эса зулмнинг даражаларини англатади.

«Зулм» деганда биз аввало шуларни ўйлаймиз. Ҳа, булар кишининг кишига қилган зулмлари. Золим бошқаларга изтироб берувчи, инсоний ҳуқуқларини топтовчи, бахтсизлик келтирувчи ишлар қилади: молини олади, жонига қасд этади, жароҳатлайди...

Ёмон одам бошқаларга зулм қила туриб аслида ўзига ўзи зулм қилаётганини фаҳм этмайди. Мавлоно Румий дедилар: «Киши бировга ёмонлик қилса, энг аввало ўзига ўзи ёмонлик қилибди. Унинг ёмонлигидан ўзга кишилар қанча жабр кўрдилар? Унинг ўзи бу ёмонлиги эвазига қандай жазога лойиқ топилди? Тоғ бошига қўниб учган қуш тоғнинг нимасини орттирди ва нимасини камайтирди?»

Айрим золимлар борки, ўз аҳмоқликлари билан фахрланиб ҳам кўядилар. Ҳазрати имом Ҳусайнни шаҳид этган бадбахт «Бугун мен дунёнинг энг шарафли инсонини қатл этдим», деб ўз руҳий паришонлигини ва золимлигини эътироф этган экан.

Золим ва фосиқ киши валиуллоҳдан: «Ибодатларнинг қайси бири афзалроқ?» деб сўради. Жавоб бердилар:

– Сенинг учун уйқу энг яхши ибодатдир. Чунки ухлаган пайтингда ҳеч кимга зарар бермайсан.

Ҳикоят. Хусрав замонида шоҳлар ейдиган баъзи таомларни фуқаронинг ейиши ман қилинган экан. Агар ўша таомни авомдан бирон кишининг егани маълум бўлиб қолса, жазоланаркан. Бир одам подшоҳнинг яқин ясовулини шундай тансиқ таом билан сийлабди. Ясовул, тўйиб, мамнун бўлибди-ю, аммо уйига қайтиши ҳамон қоғоз-қалам олиб, сахий одамнинг қилган ишидан подшоҳни огоҳ этибди. Подшоҳ унинг қабих хабарини ўқигач, дебдики: «Бу қилмишинг учун сенга таҳсин айтмайман. У одамни эса подшоҳ ейдиган таомни пиширгани учун эмас, балки ёмонликни раво кўрадиган кўрнамакни меҳмон қилгани учун жазолайман!»

Солиҳ яхшилиқдан қувонганидек, золим ёмонликдан завқланади. Ҳатто бировнинг ўлимидан ҳам қувонади. Золимнинг паноҳида маишатга этгунча, тупроқда оч-наҳор ётган афзал, дейдилар. Золим фақат қилич қаршисида титрайди. Бўйин эгади. Бошқа вақт ўзгаларни масхара қилаверади. Қайс ибн Соида ўғлига бу насиҳатни қилди: «Эй, ўғлим, бундай мақол бор: «Сен менга зулм

қилсанг, сенга ҳам зулм қилгувчилар бор». Бу ҳикматни англа ва ҳеч кимга зулм қилма! Могу давлатдан хазина тўпламай, илму ҳунарни хазина қил. Дўсту биродарларингни ўзингдан узоқлаштирма, ҳар бир ишни маслаҳат билан адо қил!» Усмонли давлатининг қурувчиси Усмон Ғозий вафот этиши олдидан ўғли Ўрхон Ғозийни чақириб бу васиятни қолдирди: «Эй, ўғил! Асло қўшинларинг ва бойлигинг билан мағрурланма. Ҳақиқий олим ва ориф зотларга ҳурмат кўрсатиб, саройингдан уларга жой бер. Менинг ҳолимдан ибрат олки, заиф ва кучсиз бир чумолича бўлмай туриб, бу мавқега эришдим. Доимо адолат ва инсоф тарафида бўл. Сени зулмга даъват қилганларни давлатингдан узоқлаштирки, улар сени инқирозга етаклай олмасинлар». Донишманд ҳукмдорлар шаҳзодаларга яхши тарбия бериб, уларни зулм қилмасликка даъват этганлар. Чунки улар Бедил ҳазратлари айтганларидек, золимларнинг ўрни энг сўнг мазлумларга қолажагини, олов оёқдан йиқилгач, жойини кулга қолдиражагини яхши англаганлар.

Бошқаларни ёмонликка йўлаган киши уларга энг катта хиёнат қилган бўлади. Кишининг золимга эргашгани – энг ёмон йўлга кирганидир. Ёмонлар қайсарлик билан кишиларни зулм сари етаклайди. Жаҳаннамга судрайди. Ёмонларни олқишлаганлар эса улар билан бирга лаънатланди. Одам боласи жон танасини тарк этмай туриб, ёмон одатларини тарк этишга улгуриши керак. Расули акрам (с.а.в.) дедилар: «Зулмдан тийилинг, зеро, зулм Қиёмат кунининг зулмат ва қоронғуликларидир».

Ривоят. Бағдодлик бир киши овчилик билан шуғуллангани учун ҳар тарафларни кезиб юрарди. Кунларнинг бирида шу шаҳар амалдори овга чиқди. Ов асносида чарчаб, йўл четига ўтирди ва овқатланишга киришди. Овчи ҳам юра-юра, тасодифан шу жойга келиб қолди. Амалдор унинг ҳориб-чарчаганини кўриб, дастурхонга таклиф этди. Овчи бу лутфдан қувониб, ўтирди-да, овқат ейишга киришди. Бир вақт дастурхон устига қўйилган икки каклик-кабобни кўриб, кулиб юборди. Атрофда ўтирганлар унинг бу қилиғидан ранжиб, танбеҳ бердилар:

– Эй, беадаб, улуғ кишининг дастурхонида ўтириб, овқат ейи-лаётган бир пайтда бевақт ва бемаврид кулишининг сабаби нима? Хаёлингга қандай бемаъни фикр келиб қолди?

– Бу кулгим остида ажойиб сир бор, эшитсангиз, сиз ҳам кула-вериб қотиб қоласиз, – деди овчи.

Бу гапдан дастурхон соҳиби бўлмиш амалдорнинг жаҳли чиқди:

– Қанақа сир?! Гапир тезроқ! – деб пўписа қилди.

Ўзининг ёмон иллатини яхши фазилат деб ҳисобловчи овчи гап бошлади:

– Эй, хожа, бугун эрталаб чангалзорда ов қилиб юрган эдим. Тасодифни қарангки, шу овлоқда ёлғиз келаётган савдогарга учрадим. Унинг ёнида кўпгина олтин бор экан. Тортиб олдим. Ўзини эса маҳкам боғлаб қўйдим. Турли молу мато ортилган отини ҳам ихтиёримга олдим. Сўнг уни ўлдиришга шайланган эдим, у доду фарёд қилиб:

– Мени ўлдирма, молимнинг ҳаммасини ол! Барини сенга бердим! Шаҳарда бола-чақаларим бор, уйим фалон маҳаллада. Уйим ҳам сенга бўла қолсин. Қўйиб юбор, жигаргўшаларимнинг ёнига борай, – деб ялина бошлади.

Мен унинг оҳу фарёдига парво қилмай, дедим:

– Беҳуда гапларни айтиб, ўзингни уринтирма. Бари бир фойдаси йўқ! Устодлар: «Кесилган бош гапирмайди», деганлар. Агар сенинг сўзингга учиб, тирик қўйиб юборсам, бу сир бари бир фош бўлади.

Шу пайт иккита каклик учиб келиб, яқинимиздаги тош устига қўнди. Нажот йўқ эканини сезган савдогар какликларга қараб:

– Эй, какликлар, мана бу аблаҳ одам мен бегуноҳни ўлдирмоқчи. Сизлар мен бечоранинг ҳолига гувоҳ бўлинглар! – деб бақирди.

Мен эса унга қараб: «Эй, аҳмоқ, паррандалар гувоҳ бўлганини ҳеч қачон кўрганмисан?» дедим-да, бошини танасидан жудо қилдим. Ана энди юра-юра бу ерга келиб қарасам, ўша иккита каклик кабобга айланиб, дастурхонда турибди. Нодон савдогарнинг «гувоҳ бўлинглар» деган гапи ёдимга келиб, кулиб юбордим.

Ўзининг ёмонликларини фазилат деб юрувчи бу киши дастурхон соҳиби бўлмиш амалдорни ҳам ўзи каби зулмкор деб билган эди. Барчани ўзидек тасаввур қилиб, зулмни яхши хислат деб юрувчи овчи вазият ўзгача эканини англагач, тиз чўкиб, фарёд чека бошлади:

– Эй, марҳаматли хожа, мен ҳеч кимни ўлдирганим йўқ. Мен ҳазиллашдим. Лоф гапларни айтиб, сизларни кулдирмоқчи эдим, холос.

Амалдор унга ғазаб билан деди:

– Эй, аҳмоқ, ҳозир ўзинг тилинг билан иқрор бўлиб турган эдинг. Энди нега тонасан? Сен ёмонлигингни ўзинг ошкор қилдинг ва жазо ботқоғига ўзинг ботдинг.

Байт:

*Жафо қиличини кўтарса киши,
Аниқдир ўзи ҳам ундан ўлиши...*

«Қилмиш – қидирмиш», «Нима эксанг, шуни ўрасан», деб бекорга айтишмаган. Кишини таажжубга соладигани шуки, ёмонлар қилмишларини ё яхшилик, ё одатий ҳол деб фаҳмлайдилар. Айримлар қилган зулмларини яхшилик нияти билан хаспўшлайдилар. «Боплаб урган эдим, ўшандан бери жим юрибди», деб қўядилар.

Маккаи мукаррама подшоҳи Ҳажжожнинг ғоят золим бўлгани ҳақида сўз юритиб эдик. Ул золим «дунёда қон тўкишдан лаззатли нарса йўқ», дер экан. У бағдодлик ғоят тақволи, донишманд Сулаймон ибн Мусодан: «Эй, азиз аржуманд, бизларга бир яхши дуо қилғил», деб сўради. Ҳажжожнинг илтимосини қабул қилган ул азиз дуога қўл кўтариб дедики: «Э, Худо! Бу золим шумнинг жонини олғил ва умрини оз қилғил». Ҳажжож бу дуони эшитгач, Аллоҳ Таоло йўлида юргувчи ул азизга деди: «Бундаин дуога нечун тилинг айланди? Мендан нима жафо кўрдингки, бундаин хавфли дуо қилдинг?» Яхши юриш-туришли ул валиуллоҳ жавоб бериб айтдики: «Бу дуо кўркам дуодир. У сенга ва барча мўминлар учун яхшидир». Ул азиз кимса яна Ҳажжожга дедики: «Агар сен менинг дуом сабабли тез кунларда ўлиб, охират уйига борсанг, гуноҳинг озроқ бўларди. Зероки, умринг узун бўлса, гуноҳинг кўп бўлиб, тамуғда узоқ турарсан. Тез ўлмоғингдан яна бир фойда шуки, мўминлар бошидан зулминг кетиб, роҳатда қолурлар. Сенга бундан ортиқ яхши дуо бўлурми?» Айтмишларки, ул азиз бу дуони қилганларидан сўнг йигирма кун ўтгач, Ҳажжож ҳижратнинг 126 йилида, рабиъ ул-аввал ойининг 13 кунда жума кечаси дорул бақога кетди.

Ҳикоят. Ўтакетган золим ҳукмдор овга чиқибди. Тасодиф юз бериб, аскарлардан ажраб қолибди, бу ҳам етмагандай дарёга йиқилиб тушибди. Сувда суза олмагани сабабли чўка бошлаган эди, бир киши уни қутқариб қолибди. Ҳукмдор халоскорининг кимлигини сўраб, ўзидан билиб олибди. Саройига қайтиб келгач, уни чақиртирибди-да, мукофотлаш ўрнига шундай деби:

– Сендан бир масалани сўрайман, агар тўғри жавоб берсанг, қутуласан, бўлмаса, бошингни танангдан жудо қиламан. Айт-чи, халққа доим жабр-зулм қилган киши ҳалокат чуқурига йиқилай деб турганда бир киши уни ўлимдан қутқазиб, халқнинг яна жабр-зулм остида қолишига сабабчи бўлса, у кишини нима қилиш керак? Унга жазо бериш керакми ё йўқми?

У киши кеча сувдан қутқарган одами ҳукмдор эканини англабди, бироқ довдираб қолмабди, дадил жавоб берибди:

– Халққа жуда ҳам жабр-зулм қиладиган ашаддий золимларнинг биттаси – сиздирсиз. Кеча сиз ҳалокат олдида турган эдингиз.

Сизни қутқариб, мен халқ учун фойдали иш қилдим. Чунки сиздан аввал отангиз ҳукмдор эканида халққа кўп зулм ўтказган эди. Барча нафратланиб, унга лаънат ўқирди, унинг тезроқ ўлишини тиларди. Шу билан бирга, унинг ўғли ҳукмдор бўлса, отаси каби золим бўлмайди, деб умид қиларди. Отангизнинг вафотидан кейин сиз ҳукмдор бўлдингиз. Лекин халқнинг умиди пучга чиқди. Сиз отангиздан ҳам баттар золим бўлдингиз. Зулмда отангизни йўлда қолдириб кетдингиз. Энди бари бир ўлимингиздан кейин ўғлингиз ўрнингизга ўтиради. Унинг сиздан ҳам баттарроқ золим бўлиши турган гап. Ундан кўра ҳукмдорнинг ўзи ўлмай тура турсин, ўғли тахтга ўтирса, халқ янада кўпроқ жабр-зулмга гирифтор бўлади, деб сизни ҳалокатдан қутқаришга ошиқдим.

Ажабки, ростгўй кишининг гаплари ҳукмдорга таъсир қилибди. Ҳақиқат олдида бўйин эгиб, унинг мукофотини берибди.

Байт:

*Истайсанким, етмагай сенга бало,
Бермагил ҳеч кимга озору жафо.*

Ўтган асрлар адабиёти билан танишганимизда кўп мисоллар, айниқса, одиллик ва зулмга доир ҳикматларга мисол тариқасида подшоҳлар ҳаёти тилга олинади. Бундан шоҳларнинг барчаси золим ўтган экан, деган нотўғри хулосага бормаслик керак. Шунинг баробарида одиллик ва зулм фақат подшоҳлар ҳаётига хос, деб ўйлаш ҳам нотўғри. Бу фазилат ва иллат касб, мансаб танламайди. Ўзингиз айтинг, гадонинг марҳамат қилганига ёки заргарнинг (ёки аравакашнинг) ўзгага зулм ўтказганига гувоҳ бўлмаганмисиз? Зулмга ҳам, адолатга ҳам ҳар қадамда дуч келишимиз мумкин.

Сиз яқинда бўлиб ўтган бу воқеа баёни билан танишинг-да, фикримизга қўшилиш ёки қўшилмасликни ўзингиз ҳал қилинг.

Воқеа. Бир дўстимиз ҳикоя қиладилар:

– Ёмғирли кунларнинг бирида бекатда автобус пойлаётган эдим, ёши эликлардан ошган бир аёл келиб, ёнимга турди. Аёл кун совуқ бўлишига қарамай, бир оз юпун кийингидан дилдираб турарди. Унга раҳмим келди.

– Опажон, қаерга боряпсиз, шундай ҳавода? – деб сўрадим.

– Йўлни яхши билмаганим учун гангиб қолдим. Марказий касалхонага боришим керак, – деди у синиқ овозда.

– Озгина кутсангиз, йўналишдаги такси келади, бирга кетамиз. Қаерда тушиш кераклигини ўзим кўрсатиб қўяман, – дедим.

Ниҳоят, биз кутаётган таксининг қораси кўринди. Шу онда беш-олти киши пайдо бўлиб, кутаётганлар тўдасининг олдига туриб олишди. Машина тўхташи билан, аввалдан кутаётганларни туртиб-суртиб, чиқиб ўтиришди.

– Инсоф қилинглар, навбати билан-да, биз қанча пайтдан бери кутиб турибмиз-ку! – деган норозилигимга парво ҳам қилишмади. Шунда:

– Ҳеч бўлмаса, онахонни касалхонага ташлаб қўйинг, шошиб турибдилар, – дедим ҳайдовчига қараб. Ҳайдовчи аёлга бир қараб олди-да, тўнглик билан:

– Яна озгина кутсинлар, касалхонага ўзлари олиб кетишади, – деб пичинг қилди.

Биз иложсиз аҳволда қолавердик. Салдан кейин бўшроқ таксига ўтирдик. Бироқ манзилимизнинг ярмига етмай, машина тикинга дуч келиб, тўхтаб қолди. Ҳайдовчи машинадан тушиб, турнақатор машиналар оралаб, олдинга қараб юрди. Бир маҳал ранги оқарган ҳолда қайтиб келди.

– Мендан олдин кетган такси «КамАЗ»га бориб урилибди, ўлганлар ҳам бор... – деди йиғламсираб.

Мен «ялт» этиб аёлга қарадим. У нимадир деб пичирлаб қўйди...

Сурбетлик қилган йўловчилар, ҳайдовчининг тўнглигида, эҳтимол, зулм аломатларини кўрмассиз. Ҳукмдорларнинг зулми олдида бу арзимас нарса бўлиб кўринар. «Бас, ким ҳаёти дунёдалик пайтида зарра мисқоличалик яхшилик қилса, Қиёмат куни ўшани кўрур. Ким **зарра мисқоличалик ёмонлик қилса**, уни ҳам кўрур» («Залзала» сурасидан). Ҳа, Аллоҳ Таолонинг наздида арзимас нарса бўлмайди.

Бизларга таъсир этган ҳикматлар тарих китобларида шоҳлар ҳаётидан бўлгани учун, ўзгартирмай, айнан олишни маъқул кўрдим. Шулардан бири юқоридаги ҳикоят мазмунини давом эттиради, яъни ҳаёт ҳикматини тўғри англаш энг ашаддий золимни ҳам адолатга қайтариши мумкин. Аввалги суҳбатларимизда тарихда «Ануширвони одил» деб ном қозонган Эрон шоҳи ҳақида бир неча ҳикматларни баён қилиб эдим.

Ривоят. Бу зот одилликни касб қилмасдан олдин зулми билан ном қозонган экан. Бир куни вазири донишманд Бузургмеҳр билан кетаётганида икки томонга сафланиб қўниб турган бойқушлар тўдасини кўрди. Ҳар тўдадан биттадан бойқуш олдинга чиқиб баҳслаша бошлашди. Ануширвон бу ҳолдан таажжубланиб дедик:

– Сиз комил донишманд, ҳатто ҳайвонлар кайфиятидан хабардор олимсиз. Айтинг, бу бойқушлар не учун бу ҳолда сафга тизилганлар? Ўртадаги икки бойқушнинг баҳси сабаби нима?

Бузургмеҳр жавоб берди:

– Икки томон бир-бирига қуда бўлмоқчи, ўртадаги баҳслашиб турган бойқушларнинг бири бўлажак куёвнинг, иккинчиси қизнинг отасидир. Қизнинг отаси: «Қалин ҳақи учун қирқта вайрона жой беришингиз керак, агар талабимни бажармасангиз, қизимни ўғлингизга бермайман, менга қуда бўлишни хаёлингизга ҳам келтирманг», деяпти. Йигитнинг отаси эса: «Қалин беришдан бош тортмайман. Ҳозирча тўрт вайрона тайёр, шуларни ола тулинг. Ҳозирги подшоҳ доим айшу ишратдадир. Мамлакатнинг ҳолидан хабарсиз, камбағал бечораларнинг аҳволига, доду фарёдига қулоқ солмайди. Золимларнинг зулмини даф қилмайди. У одил эмас. Агар аҳвол шу тарзда давом этаверса, бу юрт тез орада харобазорга айланади. У вақтда сизга қирқ эмас, саксон вайронани қалин учун тортиқ этаман, унгача озгина сабр қила тулинг», деяпти. Икки бойқушнинг тортишуви шу вайроналар устида бўляпти.

«Зулмдур бир балои дил озор, гар нажот истасанг балодан кеч», деганларидай, Ануширвон бу ҳикматдан яхши хулоса олди саройига қайтиб, адолат ва инсофни шундай маҳкам бунёд этдики, орадан асрлар ўтса-да, тарихда «золим» эмас, балки «одил шоҳ» деган сифати билан жой олиб турибди.

Яна бир ривоят. Султон Маҳмуд Ғазнавийда фазилатлар оз эди. Унинг хизматида Музаффар девона деган киши бор бўлиб, золимлиги, нобакорлиги ва эътиқодсизлиги билан ном қозонганди.

Султон Маҳмуд Дашт вилояти ва унинг атрофидаги қишлоқ ва ариқларни ўз мулкига қўшиб олишни ихтиёр этди. Бироқ, ер эгалари жойларини сотишдан бош тортдилар. Бундан Султон ғазабланди-да, жазо бермоқ учун Музаффар девонани уларнинг устига назоратчи қилиб юборди.

Музаффар аҳолига шундай зулмлар қилдики, тез кунларда улар жонларидан тўйиб, ўлимларига ҳам рози бўлиб қолдилар. Музаффарнинг зулмларидан бири бундай эди: у ўз мулозимлари билан яшаётган уйи томига чиқиб олиб, деҳқонлардан бирини чақиртирди. Деҳқон томга чиққач: «Уйимнинг томига нимага чиқдинг?» деб дағдаға қилди. «Ўзимча чиққаним йўқ, чақиртирганингиз учун чиқдим», деди бечора деҳқон. «Ёлғон айтасан, сени ҳеч ким чақирмади», деб у золим ҳатто қасам ҳам ичди-да, деҳқонни томдан ташлаб юборишни амр этди. Тез кунлар ичида кўпгина деҳқонлар майиб-мажруҳ бўлиб қолдилар. Аҳвол шу даражага етдики, одамлар бу кўчадан юрмай қўйдилар. Бу золим «Ким ўз қулига зулм қилиб уни ноўрин урса, Қиёмат куни, албатта, ундан қасос олинади», деган шарафли ҳадисни билмаганмикин? Ё била туриб шу ёвузликни касб қилдимикин? Буниси бизга қоронғи.

Расулуллоҳ (с.а.в.) Умми Саламанинг (р.а.) уйларида бўлганларида чўрини чақирдилар. Чўри дарров келмади. Расули акрам (с.а.в.) нинг муборак юзларида норозилик аломати кўринди. Чўрига мисвокни кўрсатиб: «Қиёмат куни ўч олиш хавфи бўлмаганида эди, мен сени шу мисвок билан урган бўлардим», дедилар. Музаффар девона бу ҳадисни ҳам эшитмаган, эшитса-да, назарга илмагандир, валлоҳу аълам!

Зулм тури эскиргач, Музаффар янги-янги турларини ўйлаб топаверди. Шулардан бири: деҳқонни ҳузурига чақиртириб, «Нечта қулинг бор?» деб сўради. «Фалонча...» деди деҳқон. «Ҳамма қулларингни шу ерга келтир», деб буюрди. Деҳқон амрни бажаргач, қуллар орасидан энг қариси, мажруҳи ва бадбашарасини танлаб: «Буни менга сот», деди. «Сизга ҳадя этдим», деди деҳқон унинг важоҳатидан қўрқиб. «Инъомингга эҳтиёжим йўқ, баҳосини ол!» деб, арзимаган чақага қулни сотиб олди ва амр қилди: «Бу қул энди султоннинг озод қули бўлди. Сен ўз қизингни бунга никоҳлаб беришинг шарт!»

Золимнинг бу қилиғи қўзичоқни емоқчи бўлиб, жонивордан айб излаган бўрини ёдга солади. Эсладингизми, бўри бечора қўзичоқни «Сен мен ичаётган сувни лойқалатдинг», деб айблади. Ҳолбуки, қўзичоқ ариқнинг қуйи қисмидан, ўзи эса юқорисидан сув ичаётган бўлади.

Музаффар девонага ўхшаш золимларнинг қисматини Шайх Саъдий бундай тасвир қиладилар: «Эшитдумким, бир олим киши султоннинг хазинасини обод этмак учун райиятнинг уйин хароб қилур эрди. Ҳақимларнинг бу сўзидин ғофил эрдиким, дебдурлар: Ҳар киши бир махлуқнинг кўнглин олмоқ учун Ҳақ Таолонинг бир бандасига озор еткурса, Ҳақ Таоло онга ҳамул бандани мусаллат қилур, то онинг рўзгоридин дамор чиқарур. Ойтурларким, ҳайвонотнинг сарвари шердур ва жониварларнинг камтари эшакдур. Ҳамма оқилларнинг иттифоқи била мардумозор шер борбардор эшакдан камроқдур.

Маснавий:

*Гар эшак хору бетамиз ўлди,
Юк кўтармак била азиз ўлди.
Гарчи ҳайвонлар ичрадур адно,
Лек золимдин афзалу аъло.*

Ул олим кишининг халойиққа зулм ва ситам қилғони подшоҳга маълум бўлуб, буюрди, то юз турлук азобу уқубат била ўлтурдилар. Ул

ҳолда ситам кўрганларнинг бири онинг устига келиб, юзига боқиб, деди:

Қитъа:

*Ҳар киши тобса қавий бозу била мансабга даст,
Салтанат бирла улус молин емак осон эмас.
Зўр ила сингон сўнгахни гар ўтурса бўғзидин,
Йиртмай қўймоқ етушгач, қорнига имкон эмас».*

Султон Маҳмуд Музаффар девонани жазолаганми-йўқми, бизга қоронғи. Эҳтимол, Дашт вилоятидаги ерларни мулкига қўшиб олгач, мукофотлагандир. Лекин Музаффар девонани Аллоҳ Таолонинг жазоси кутиб тургани аниқ.

Биз зулмни қоралаймиз, золимни лаънатлаймиз. Лекин золимни яхшилик сари даъват этганмизми? Икки маст одам бир кишини ураётганида ажратганмизми ё тескари қараб ўтиб кетаверганмизми? Икки сабоқдош дўстингиз бир-бирини сўкаётганда орага тушиб, уларни ислоҳ қиласизми ё можароларини томоша қилиб роҳатланасизми?

Молик ибн Анас ривоят қилдилар: Аллоҳнинг расули: «Золим биродарингга ҳам мазлум биродарингга ҳам ёрдам бер», дедилар. «Э, Аллоҳнинг элчиси, мазлумга-ку, ёрдам бераман, аммо золимга қандай ёрдам берай?» – деб сўрадим. Айтдилар: «Уни зулмдан қайтарсанг, ана шу сенинг унга ёрдамингдир».

Абу Майсарадан зикр қилинади: «Бир киши дафн этилганидан кейин унинг қабрига Мункар ва Накир қамчи билан келишди ва: «Биз сени юз қамчи урамиз», дейишди. Марҳум «Мен бундай-бундай киши эдим», деб фоний дунёдаги яхшиликларини баён қилди. Унинг гаплари шафоат бўлиб, ўнтасини ўчиришди. Банда яна яхшиликларини айтди. Шу тарзда ўчира-ўчира тўқсон тўққизтаси кетди, биттаси қолди. Мункар ва Накир унга бир қамчи уришди. Шунда қабр ичи ўт бўлиб ёнди. Ўша киши: «Нега мени урдигиз?» деб сўради. Айтишдики: «Бир зулм етган кишининг олдидан ўтаётган эдинг, у сендан ёрдам сўради, унга ёрдам бермадинг». Мазлумга ёрдам бермаган кишининг ҳолати шу бўлса, золимнинг ҳолати қандай бўлар экан?

Масал. Бир куни қовоқари асаларини ўлдирмоқчи бўлди. Чорасиз қолган асалари қовоқарига ялиниб, фарёд қила бошлади:

– Эй, азиз қардошим! Атрофда шунча кўп бол бор экан, уларни қўйиб нечун менга наштарингни санчиб, ўлдирмоқчисан?

– Эй, асалари, тўғри айтасан, лекин сен болнинг хазинасисан, болнинг қайноғи сенда, – деди қовоқари.

Мазкур масал орқали Мулло Жомий ҳазратлари кишиларга катта бир ҳақиқат дарси бериш билан бундай демоқчилар: «Ҳаётда асалари каби шифобахш кишиларни баъзи ёмон, ахлоқсиз кимсалар таъқиб остига олиб, йўқ қилишни истайдилар. Уларнинг энг ширин сўзлари, ҳатто ёлворилари ҳам ёвуз кимсаларнинг раҳмини келтирмайди. Раҳмсиз кимсалар доно олимларни ўлдириб билан роҳатланадилар. Шу боисдан айтдиларки, «Олимнинг ўлими – оламнинг ўлимидир. Олимни ўлдирмоқ – оламни ўлдирмоқ. Олимнинг тириклиги – оламнинг тириклигидир».

Золимларга мантиқлими ё мантиқсизми, албатта, бир баҳона керак. Таксига навбатсиз чиқиб олган сурбет йўловчилар ва тўнг ҳайдовчида баҳона йўқ, деб ўйлайсизми? Бу хусусда сўралса, албатта, баҳона топиб берадилар. Бирлари ҳеч бўлмаганда «Жуда шошиб турувдик», дер, яна бири «Чарчаган эдим, ҳаммага яхши қарашга қурбим етмайди», дер... Баҳона топиш қийин эмас, киши ўзи тўқиган баҳонага ўзи ишонар, бошқаларни ҳам ишонтирар, лекин бу баҳона охиратда инobatга олинармикин, масала шунда!

Султон Маҳмуд Ғазнавий замонидagi воқеага қайтсак, Музаффар девона зулми хожасининг изни билан ва у учун қилди. Демак, ҳукмдор ҳам унинг билан гуноҳда баравар. Айтишларича, хунук ишларга буюрувчи Султоннинг ташқи кўриниши ҳам хунук экан. Бир куни кўзгуга қараб, кўнгли чўкиб ўтирса вазири кириб қолибди. «Нимадан қайғуряпсиз?» – деб сўрабди.

– Чиройли юзга ҳамма қарайди. Мендан эса ирганишса керак, – дебди султон.

– Қайғурманг, – деб вазир тасалли берибди, – ташқи қиёфага минг кишидан биттасигина қарайди. Ҳаммани ўзига қаратиш учун эса одамнинг сурати – ташқи қиёфаси эмас, сийрати – ички олами гўзал бўлиши шарт. Халққа зулм қилманг, инсоф, адолатли, шафқат ва марҳаматли бўлинг. Очиқ юз, ширинсўз, хушмуомалаликни ўзингизга шиор қилиб олинг. Ана у чоқда халқнинг муҳаббатини жалб этасиз. Халққа сизнинг хунук юзингиз эмас, гўзал сийратингиз керак. Сийратингиз гўзал бўлса, халқнинг қалбини ўзингизга тортиб оласиз.

Чиройли насиҳат! Аммо бу чиндан бўлган воқеамикин ё ровийнинг орзусидаги баёнмикин? Ростданам бу насиҳатлар айтилган бўлса, амалга оширилганми ё йўқми, бу ҳақда ортиқча бош қо-тиришга ҳожат йўқ, бу борада тарихнинг гувоҳлиги мавжуд... Қуйидаги масал бекорга тўқилмагандир.

Масал. Бир замонлар барча ҳайвонларни зир титратган ўрмон қироли арслон қариди. Авваллари арслондан қўрққан ҳайвонлар

кунларнинг бирида унинг бошига тўпландилар. От мажолсиз арслонга яқинлашиб, уни бир неча марта тепди. Бўри эса арслоннинг бир неча жойидан тишлаб, қонга беледи. Сўнгра ҳўкиз арслоннинг заифлигидан фойдаланиб, уни суза кетди. У шохидан бу шохига олиб ўйнади. Бечора арслон жуда ғамгин ва дардманд эди. Бир замонлар унинг олдида дир-дир титраган бу хоинлар, ҳозир уни тепиб, таҳқирлар эдилар. У паришон бир ҳолда, ўлимини кутиб, овоз ҳам чиқармасди. Бир маҳал эшакнинг тепмоқчи бўлиб яқинлашаётганини кўрди. Кўрди-ю, ўрмон қироли ич-ичидан ёнди. Сўнг бақирди: «Етар, бас! Эшакнинг тепиши менга ўлимдан баттар! Буни кўргандан ўлишга минг марта розиман!»

Ҳали ақлини буткул йўқотмаган золим учун бу масалда катта сабоқ бор. Золим майдонга чиқса, авжланиб зулм қилаверади. Аммо бир куни ҳаёт чархи айланиб, қувват ва қудрати кетгач, у ҳам масалда бўлгани каби оқибат топади. Жаҳон тарихи бу каби аччиқ қисматларга тўладир. Тарихга боқиб, золимлар ҳолидан хабар олиб туришнинг тарбия учун фойдаси бор.

Одамзоднинг хаёлот дунёси (фантазияси) ниҳоятда кенг. Бир тоифа бу қувватни яхшиликка, хусусан, илмга сарфласа, бошқаси ёвузлик йўлига сочади. Ҳайвонларнинг айримларини «ваҳший» деб сифатлаймиз. Уларда ақл йўқ. Ваҳшийлигидан мақсад – қоринни тўйдириш. У фақат шу йўл билан яшайди. Йўлбарс шолғом ея олмайди.

Маълумингизки, айрим одамларни ҳам «ваҳший» деб атайдилар. Ваҳшийлик ёки ёвузлик – зулмнинг чўққиси ҳисобланади. Одам қорин тўйдириш учун ваҳшийлик қилмайди, балки ўз кўнглига ором бериш учун ўзга бир кишини қақшатади. Йўлбарс ўлжасини пойлайди, қувлайди, бўғзидан олади, ниҳоят, қоринни ёриб тўйганича ёйди. Тўйгач, нари кетади. Бизнинг назаримиздаги ваҳшийлиги бир тарзда давом этади. Бугун бир турда, эртага ўзгачароқ ваҳшийлик қилмайди. Одамзод эса онгини зулмнинг хилма-хил турларини кашф этишга сарфлайди. Тошкент ҳукмдори Азизбекнинг «Ўткан кунлар» романида тилга олинган зулмлари орасида «чаён солиғи» ҳам бор. У золим амри билан маҳалла аҳли чаён топиб, топширар экан. У эса зиндондаги айбдор устига шу чаёнларни битта-битта ташлаб, унинг азобланишидан лаззатланар экан. Буни Европа илм тилида «садист» деб атайдилар. Ана энди ҳайвоннинг ваҳшийлиги билан одамнинг ваҳшийлигини солиштириб кўринг. Мен эсам фикр доирангизнинг янада кенгайишига асқатар, деган умидда яна бир масални баён қиламан.

Яна бир масал. Бир тўрғай бир филнинг йўли устида ўзига уя қуриб, тухум босди. Фил ҳамиша шу сўқмоқдан юриб сув ичга-

ли кўл бўйига борарди. Бир гал фил тўрғайнинг уясини топтаб, тухумларини янчиб ўтиб кетди. Тўрғай бу бахтсизликдан нола чекиб, қушлар ёнига борди ва филдан шикоят қилди. Қушлар: «Биз филни нима ҳам қила олардик, биз кучсиз паррандалармиз», деб нолишди. «Илтимос қиламан, сиз мен билан бориб, филнинг кўзларини чўқилаб ташланг, – деди тўрғай. – Ана ундан кейин мен унинг бошига қанақа шўрликлар ёғдиришни ўзим биламан». Қушлар тўрғайга эргашиб бориб, филнинг кўзларини чўқиб, кўр қилдилар. Шундан кейин фил бечора на сув ичиш, на овқат топиб ейишнинг иложини қила олди. Турган жойида нима топса, шу билан кифояланиб кун кечирадиган бўлди. Тўрғай буни кўргач, аламига чидолмай, ҳовуз ёқасига келиб қурбақаларга фил устидан шикоят қилди. Улар: «Биз кучли филга қарши нима ҳам қила олардик?» дедилар. Тўрғай айтди: «Сиз фил турган жойга яқин бўлган бир чуқурнинг четига бориб, ўша ерда баланд овоз билан вақир-вуқир қилсангиз, фил сизнинг овозингизни эшитиб, у ерда сув бор экан, деб ёнингизга боради-да, чуқурга қулаб кетади». Қурбақалар бунга рози бўлдилар. Чуқур четига бориб қуриллаб бошладилар. Сувсизликдан қийналган фил қурбақаларнинг овозини эшитиб, улар томон йўл олди ва чуқурга йиқилиб ҳалок бўлди...

Бу масалдан икки маъно уқиш мумкин: биринчиси, кучга ишониб, манманликка берилганнинг ҳалокати. Бунга тўрғайнинг хитоби мисол: «Эй, ўз кучига ишониб, менга ҳақорат кўзи билан боққан зулмкор! Жуссам кичкина бўлса-да, зўр ақл эгаси эканлигимни кўрсатдим. Сенинг гавданг улкан бўлса-да, ақлинг қисқа экан...» Тўғри, ҳар қандай кучни ақл билан ишлатилган тадбир ҳалок қила олиши мумкин. Лекин масалдаги мантиққа эътибор берсак, золим фил эмас, тўрғай бўлиб чиқади. Фил унинг уяси ва тухумларини атайин босмади. Тўрғай эса ақлини зулм учун ишлатди. Ахир дейдилар-ку: «Сувда тимсоҳ билан бирга сузмоқ таҳликалидир. Лекин бу ерда гуноҳ тимсоҳда эмас, унинг яшайдиган ерига борган одамдир. Агар кимда-ким ўзи илоннинг оғзидан заҳарини олиб ичса, илон айбдор эмас. Ким шернинг ғорига кирмоқчи бўлса-ю, шер ҳужумидан эмин бўламан, деса бекор айтибди».

Баъзилар золимларнинг зулмидан безиб: «Худо бунақаларнинг жонини ола қолмайдими!» – деб зорланишади. Одамлар золимнинг тезда жазо топишини исташади. Ҳолбуки, уларга қачон ва қандай жазо беришини Аллоҳ Таолонинг ўзи билади. Таксига бенавбат ўтириб, бошқаларнинг кўнглига озор берганларни Аллоҳ Таоло бир неча дақиқа ўтгач жазолагандай туюлади. Улар фақат ўша айблари

учун жазо топдиларми? Эҳтимол, гуноҳлар тўплана-тўплана сўнг жазога мубтало бўлгандирлар. Худди қуйидаги ҳикоятдаги каби.

Ҳикоят. Қадим замонда золим, дилозор бой бор эди. Камбағалларга жабр-зулм ўтказиб, уларнинг бозорга келтирган ўтинларини арзон-гаровга сотиб олиб, қиммат баҳога пулларди. Камбағаллар бу савдогарнинг зулмидан танг аҳволга тушиб қолдилар. Бир куни золим бир бечоранинг ўтинини зўрлик билан тортиб олди. Ўтиннинг ярим баҳосини ҳам бермади. Камбағалнинг кўнгли озор чекди. Бойни қарғаб-қарғаб кетди. Бу воқеани кўриб турган бир инсоф эгаси:

– Сен кабағалларга жабру жафо қилма, ғариб кўнгиллари-ни вайрон этма, етимларнинг кўзларидан қонли ёш оқизма, бу ярамасликларингдан қайт, – деб насиҳат қилса ҳам, бой қулоққа илмади. Бу воқеадан кўп ўтмай, бойнинг уйига ўт тушди, бор мулки кулга айланди. Дунё кўзига кўриниб, «уйимга ўт қаердан тушганини билолмай ҳайронман», деб яқинларига арз қилиб ўтирганда насиҳатчи инсоф эгаси келиб қолди-да, унга жавоб берди:

– Ҳайрон бўлма, жабру зулмингдан танг ҳолга келган бечора камбағалларнинг сийналаридан чиққан фарёд ўти жамланиб, сенинг уйингни куйдириб ташлади.

Ривоят. Исфaxonлик бир йигитнинг ёнида ўн минг олтин пул бор эди. Саёҳатга чиқиб, йўлда кетаётганида кечани бир қишлоқда ўтказишга аҳд қилиб, бир уйдан бошпана сўради. Уй соҳиби марҳамат қилиб, хоналардан бирини унинг ихтиёрига берди, иззат-икром кўрсатиб, таом келтирди. Истироҳат вақти етганда уй соҳиби:

– Агар ёнингизда олтинми ёки бошқа қимматбаҳо буюмми бўлса, менга бериб қўйинг. Агар ўғрилар сизда тилла борлигини сезиб, изингиздан тушишган бўлишса, бу хонада ёлғиз топиб, яна азият етказишмасин, – деди.

Йигитга бу гап маъқул келиб, олтин тўла халтани унга берди. Бир оз ўтгач нариги хонадан эр-хотиннинг ниманидир талашиб, жанжаллаша бошлагани эшитилди. Йигит танимаган одамга бойлигини бериб қўйганидан пушаймон қилиб, уни чақирди. «Азиз биродар, мен субҳи содиқда кетаман. Сизни уйғотиб, бесаранжом қилишни истамайман. Халтамни бера қолинг», деди. Уй соҳиби унинг илтимосини дарҳол бажарди. Халтанинг ипи ечилмаган, муҳри ҳам бузилмаган эди. Шундай бўлса ҳам, халтани очиб, олтинларини санади. У одамнинг пок виждонли эканига ишониб, гумонсирагани учун ўзидан ўзи ранжиди. Ҳар он ўзини Тангрининг ҳузурида деб билган кишининг қўлидан ёмонлик келмайди. Уй соҳиби шундай кишилардан эди. Аммо...

Яна бир оздан сўнг қўшни хонадаги жанжал авжига чиқди. Йигит дарчага яқинроқ бориб қулоқ тутди. Ҳазабланган хотин эрига қараб бақира бошлади:

– Ажаб аблаҳ, нодон киши экансиз! Қўлингизга шунча бойлик тушганда, қўлдан бой бердингиз, у мусофирни йўқ қилиб, олтинларига эга бўлсак, ким ҳам биларди?!

Бу гапларин эшитиб, йигитнинг юрагига ваҳима тушди. Халтасини олди-ю, баланд дарахт тепасига чиқиб, шохлари орасига яширинди. Бу хонадоннинг йигирма ёшлар чамасидаги бевош ўғли бор эди. Ўша кеча ҳам ғирт маст бўлиб келиб, ўз хонасига эта олмай, мусофир йигит ётган хонага кириб, унинг ўрнига ётиб олди. Пок виждонли уй соҳиби «Агар ўғрилар сизда тилла борлигини сезиб, изингиздан тушишган бўлишса, бу хонада ёлғиз топиб, яна азият етказишмасин», деганда шу ўғлини назарда тутган эди.

Эри ухлаб қолгач, хотин секингина ўрnidан турди-да, катта тош олиб, меҳмонхонага кирди. Мусофирнинг ўрнида ётган ўғли бошига бир уриб, уни ўлдирди. Кейин олтин тўла халтани қидирди. Топа олмагач, чиқиб, эрини уйғотди:

– Мусофир ўлди, тонг отмай туриб, жасадини кўмайлик, халтасини топайлик, – деди.

Эр хотинига лаънатлар ўқиб, меҳмонхонага кириб, чироқни ёқди. Боши ёрилиб, ўлиб ётган ўғлини кўрган хотиннинг эси оғиб қолди.

– Ёвузликнинг жазоси шу бўлади, – деди виждон эгаси. – Бегуноҳ бир киши учун дор қурган эдинг, унга ўзинг осилдинг. Энди дод-фарёдинг фойда бермайди.

Имтиҳон дунёсида одам боласи ҳамма нарсани кўради. Муҳими, ёмонликка рўпара келиб имтиҳон қилинаётганини унутмаса бас. Ҳар қандай ёмонликни даф этиш учун ақлни ишлатиш керак. Ақлни ишлатмаган онда ёмонлик ғалаба қила бошлайди. Бу шарафли ҳадисни ҳамisha ёдда тутиш керак: «Фаразан бир тоғ иккинчи тоғқа зулм қилса, зулм қилувчи тоғ, албатта, майда-майда қилиб юборилади». Яъни, зулм шундай ёмон хулқки, у асло кечирилмайди. Бу инсонлар ва ҳайвонлар учунгина эмас, ҳатто тоғ каби жамодот (ноорганик жисмлар)лар ҳам бир-бирига таъадий (ҳужум) қилса, албатта, ўчини олиб берилади. Яхшилик билан ёмонлик, фойда билан зиённинг фарқига бормайдиган аҳмоқлардан бошқа ҳеч ким ўзгаларга зулм қилишни ўзларига раво кўрмайдилар. Ёлғиз жоҳилларгина ўз ишларининг нима билан тамом бўлишини била олмайдилар. Ақлли одам ўзига раво кўрмаганни ўзгага ҳам раво кўрмайди.

Биз сабр қилишга буюрилганмиз. Лекин бу ҳар қандай золимга тобе бўлиб, зулмига чидаб яшайвер, дегани эмас. Яъни, ноҳақ тажовуз ва зулм етганда хору зор бўлиб қолмай, иззатлари, ватанлари учун душман устидан ғолиб кела олиш керак. Бу ҳам одамийлик учун шарт бўлган сифатлардан. Зотан, золимнинг зулмидан қўрқиб, ҳақсизлик, адолатсизликка қарши тура олмаган одам комил инсон ҳисобланмайди. Лекин банда зулмга зулм билан жавоб қайтаришни қасд қилмаслик керак. Баъзилар бировдан зулм кўрганларидан сўнг гўё тақдирга тан бергандай юраверадилар-у, пайти келганда ўч оладилар.

«Ҳар қандай ёмонликнинг жазоси худди ўзига ўхшаган ёмонликдир» («Шўро» сурасидан). Бунга ҳаётда мисоллар кўп. Ҳар бир ёмонликнинг ўзига яраша жазоси мавжудлигига қуйидаги масал мисол бўла олади.

Масал. Ҳалаб вилоятидаги ўрмонда яшовчи баҳайбат шернинг қиладиган иши фақат қон тўкиш эди. Қорақулоқ деган мулозими унинг ситамкорлиги ва қонхўрлигидан қўрқиб, хизматни тарк этишга қарор қилди. Бир куни қорақулоқ ўрмон четига чиқиб, тақдирини ўйлаб ўтирган эди, бир сичқоннинг жаҳду жадал билан дарахт томирини кемираётганини кўриб қолди. Жони оғриган дарахт тилга кириб: «Эй, дилозор ва ситамкор, нима учун жоним ришталарини қирқяпсан?» деб нола қилди. Сичқон унинг нола-ю зорига эътибор бермай, ўз ишини давом эттираверди. Ногоҳ бир бурчакдан илон чиқиб, сичқонга ҳамла қилди ва ямлаб, ютиб юборди. Қорақулоқ буни кўриб, «дилозорнинг жазоси озор экан», деган хулоса чиқариб олди.

Шу вақт типратикан келиб, илоннинг думидан тишлади-ю, бошини ичига тортиб ғужанак бўлиб олди. Илон жон аччиғида унга ўзини ура бошлаган эди, аъзои баданини тиканлар тилка-пора қилиб юборди. Қорақулоқ илоннинг ўлимидан ҳам ибрат олди. Илон ўлгач, типратикан бошини чиқариб, ўлжасини еди. Қорни тўйгач, коптокдек юмалоқ бўлиб олиб, дарахт соясида роҳатланиб думалайверди. Бу он қорни оч тулки келди. Типратиканнинг найзаларини кўриб, уни ҳийла билан ўлдирмоқчи бўлди. Типратиканни юмалатиб, қорнига ёзилди. Типратикан «ёмғир ёғаяпти, шекилли», деб ўйлаб, бошини чиқарган ҳам эдики, тулки бир ҳамла билан уни чўрт узди, бўшашиб, қорни очилиб қолган типратиканни иштаҳа билан еб олди. Шу вақт бўрига ўхшаган ваҳший ит келиб, тулкини турган ерида бўғиб, унинг гўшти билан оч қорнини тўйдирди.

Ит дам олишга ҳозирлик кўраётганида бир қоплон келиб, унинг бўғзидан олди. Қоплон итни еб адо қилишга улгурмаган эди, овчи

келиб уни бир ўқ билан жо-бажо қилди. Қоплоннинг жони ҳали узилмаган эди, у ердан бир отлиқ ўтиб қолди. Қоплоннинг териси ёқиб қолиб, қиличини яланғочлади-ю, овчининг бошини узди. Қоплон терисини шилиб олиб, йўлга тушди. Юз қадам ҳам юрмаган эдики, оти қоқилиб, ўзи ерга йиқилди. Гардани синиб, шу он ўлди.

Қорақулоқ буларни кўргач, шерга келиб сафар қилмоққа ундан ижозат сўради.

– Менинг давлатим соясида осойишта ҳаёт кечиряпсан. Инъомларимдан баҳрамандсан, тагин нима учун кетмоқчи бўлиб қолдинг? – деб ажабланди шер.

– Агар кетмасам, ғамдан юрагим ёрилишга етди, дардимни айтсам, бошим хатарда. Агар омон қолдиришга онт ичсанг, айтаман, – деди қорақулоқ. Шер ваъда бергач, дилидагини баён қилди: – Қилаётган ишларинг халойиққа озор ва бегуноҳларга ситам эканлигини кўриб турибман. Унинг оқибатидан кўрққанимдан хизматингни тарк этмоқчиман. Сен туфайли бошимга ёмон кунлар келиши мумкин. Бу дунёни тоққа ўхшатадилар. Унинг орасида туриб нима деб бақирсанг, ўша сўзнинг акси садосини эшитасан... Мен бугун бировларга озор етказган кимсанинг, албатта, жазога мустаҳиқ бўлишининг гувоҳи бўлдим...

Қорақулоқ кўрганларини шерга бир-бир баён қилди. Шер мағрур ва ғазабнок бўлгани сабабли мулозимининг насиҳатларини ўзига олмади. Шундан кейин қорақулоқ унинг хизматидан чиқиб, йўлга равона бўлди. Ғазабидан тушмаган шер унга жазо бериш қасдида изидан тушди. Қорақулоқ унинг бу қора ниятини сезиб, ўзини тиконзор орасига уриб, яширинди. Шер уни кўрмай ўтиб кетди. Қаршисида оҳунинг икки боласи ўтлаб юрганини кўриб, қувонди. Болаларини кўриқлаб турган она оҳу шерни кўргач, фарёд қилди:

– Бу икки норасида гўдакни еганинг билан тўймайсан. Ялинаман, нуридийдаларим фироғида мени йиғлатма, бағримни қон қилма! Ахир сенинг ҳам фарзандларинг бордир. Уларга ҳам бало етишидан кўрқ, менга зулм қилсанг, ўзинг жазосиз қолмагайсан!

Ҳақиқатан ҳам бу урғочи шернинг икки боласи бор эди. Шер оҳу болаларига қасд қилиб турганида, овчи камон ўқи билан шерваччаларни мўлжалга олаётган эди. Бу ерда шер оҳунинг нолаи зорига парво қилмай, болаларини еди. У ерда эса овчи унинг икки боласини отиб, терисини шилиб кетди. Оҳу гўштидан роҳатланган шер масканига қайтиб келиб фарзандларининг ўлдирилганини билди-ю, зор-зор йиғлади. Ғам дарёсига чўкиб ўтирганда қўшниси шағол чиқиб, ҳол сўради. Шер бўлган ҳодисани айтиб берди. Шунда шағол деди:

– Ҳар бир нарсанинг аввали ҳам, охири ҳам бўлади. Умр ниҳоясига етиб, ажал келганда, унинг чорасини кўриб бўлмайди. Дунёнинг иши шундай. Ҳар бир ғам орқасидан шодлик, ҳар бир шодлик орқасидан кулфат келади. Оталаримиз, қазонинг ишига чидашдан бошқа чора йўқ, деганлар... Етар, қўй, оҳу фиғон кўтарма. Қилган ишларингни кўз ўнгингга келтир. Сен бошқаларга бундан ҳам оғир кулфатлар етказгансан. Ким нима қилса, ўша нарса унинг олдига келади. Агар сен бу ёвузликларингга барҳам бермасанг, бундан ҳам кўпроқ мусибатлар кўрасан. Роҳатда яшамоқчи бўлсанг, ўзингдан заифларга азият берма. Сен ўлдирган жониворларнинг ота-оналари йўқмиди? Айрилиқ ва ҳижрон дарди уларнинг қалбларига ўт ёқиб, юракларига доғ солмаганмикин? Агар қон тўкиш билан машғул бўлмаганингда, бундай мусибат сенинг бошингга тушмас эди...

Қиссадан ҳисса чиқариш унча мушкул эмас. «Одамларга зулм қиладиган ва ерда ноҳақ ҳадларидан ошадиган кимсаларни айб-лаш ва зулму зўравонликлари учун жазолашгагина йўл бордир. Ана ўшалар учун аламли азоб бордир» («Шўро» сурасидан). Яна бир ҳикмат: ҳайвон руҳли кимса йиртқич каби бўлади. Йиртқичликдан воз кеч-да, инсон руҳли бўл!

Биз зулм ҳақида сўз кетганда кўпроқ шахснинг шахсга нисбатан ёмонликларини назарда тутамиз. Чиндан ҳам одамлар орасидаги ўзаро зулм йилдан йилга кўпайиб, тобора ваҳшийлашиб боряпти. Зулмнинг янги-янги турлари пайдо бўляпти. Маълумотларга кўра, бир соатда дунё бўйича икки юз минг жиноят содир бўлади. Бир қотилнинг икки-уч ёки ундан кўп одам жонига қасд қилиши ҳисобга олинса, бир соатда ярим миллионга яқин мазлум азоб чекади. Бунинг сабаби ҳақида кўп баҳслашадилар. Бизнингча, ортиқча баҳсга ўрин йўқ. Ҳар қандай жиноят, зулмнинг асоси маънавий қашшоқлик. Бошқача бўлиши мумкин эмас. Золим яҳудий бўладими, насроний ёки бутпарастми, ё мусулмонми маънавий қашшоқлиги туфайли бу гуноҳдан ўзини тўхтата олмайди. Синагогага борувчи яҳудий, черковда ибодат қилувчи насроний, бутхонадаги бутпараст ёки масжидда беш вақт намоз ўқувчи орасида ҳам бирон-бир золимни учратиш мумкин.

Бир ҳукмдор ибодат учун бораётган эди. Мулозимлари унга йўл бўшатиш учун йўлда учраганларни қамчилар эдилар. Шунда калтак еганлардан бири ҳукмдорга қарата хитоб қилди:

– Эй, сен, золим ҳукмдор! Қилган амалингдан хабардормисан? Парвардигор сенинг яширин зулмларингдан жумлаи жаҳонни асрасин! Ибодат учун кетаётиб, яхши иш қилдим, деб ўйляпсан-

ми? Яхшилинг шу бўлса, ким билади, ёмонлигинг қандай бўлар экан?

Шахсининг шахсга ёмонлигидан ташқари фоний дунёда «халқаро зулм» деган тушунча ҳам бор. Қадим замонларда одамлар қабила-ларга бўлиниб олиб, бир-бирларига зулм қилдилар. Кейин катта-кичик давлатларга бирлашиб, зулмларини шу миқёсда давом этдилар. Бир кишидан «Нега урушга бормадинг?» деб сўрадилар. «Мен душманлардан биронтасини танимасам, улар ҳам мени танимаса, нега бориб уришайин?» деб жавоб берди у.

Дунёда яшаб турган одам болалари ватанлари, миллатлари, ирқларидан қатъи назар, оға-ини экани ҳақидаги ҳақиқатни барча идрок қилар, деб ўйлайман. Мени ўйлантирадиган нарса: асли насаблари бир эканини билганлари ҳолда одамлар ўзаро ёв-лашадилар. Катта-кичик урушларни бошлашдан чарчамайдилар. Ажабланарлиси шуки, насроний насронийни қиради, бутпараст бутпарастни, мусулмон мусулмонни... Жанг майдонининг у томонидагиси ҳам, бу томонидагиси ҳам Худога бир хилда муножот этади: ўзига омонлик, рўпарасидагиларга эса ўлим тилайди. У душман деб ҳисоблаб, ўлим тилаётган одамнинг ким эканлигини билмайди. Унинг ҳам оиласи, фарзанди тақдирини ўйлаб, руҳан азоб чекаётгани ҳам номаълум. Уруш қайси бир томон учун ғалаба билан якун топади, аммо жонини гаровга тиккан, муҳораба азобларини тотган жангчи учун ҳеч қандай манфаат йўқ. У қиёмат жанглардан омон чиққанига шукр қилади, холос.

Каминани узоқ йиллардан бери кўнглини хира қилиб турувчи бир муаммо бор: диққат қилинг-а, Одам болалари гўё ақлга суяниб ҳаёт кечираётганга ўхшайдилар. Аслида шундайми? Қаранг-а, кўп-кўп кашфиётлар қилдилар, коинотга учдилар, фазо бағрида яшашни ўргандилар. Сув ости кемалари ясадилар, сув остида яшашни ҳам ўргандилар. Ҳал бўлмаётган муаммо шуки, ер юзасида тинч, аҳил-иноқ, ҳаловат билан яшашни минг йиллардан бери ўргана олмаётирлар.

Аллоҳ Таоло «урушманглар, бир-бирларингга зулм қилманглар», деб буюргани билан урушаверадилар, уруша туриб, Яратгандан паноҳ сўрайдилар, қирадилар, қириладилар...

Йигирма йил муқаддам Маккаи мукаррамада, Байтуллоҳда, ҳажар ул-асвад қаршисида икки ҳожи ёнма-ён ибодат қилишарди. Уларнинг бирлари эронлик, иккинчиси Ироқдан эди. Бир дин, ҳатто бир мазҳабдаги бу икки одам бир неча йил аввал ўз мамлакатлари манфаати учун қўлга қурол олган эдилар. Жанг майдонининг икки томонидан жой олиб, бир-бирларини ўлдирмоқ қасдида ўқ узган эдилар. Улуғ марҳаматли Аллоҳ Таоло уларнинг

жонини сақлаб қолиб, бу муқаддас уйда ёнма-ён қўйди. Намоздан сўнг улар бир-бирларига салом бериб, туғишган биродарлар каби қучоқлашиб кўришдилар.

Одам болалари ҳамиша шундай яшасалар бўлмасми экан...

Румий ҳазратлари «Биз бу дунёга бир парча кафанлик ишлаб топиш учун келганмиз», деганлар. Топганимиз, оқибат бизга на-сиб этувчи нарса шу экан, талашмоқдан, зулм қилмоқдан, зулм кўрмоқдан қандай наф бор?

Жанжаллар, урушлар ихтилофлар туфайли пайдо бўлади. Ҳо-зирги урушларнинг икки асоси бўлса, бири – бойлик илинжи, бошқа халқлар ҳисобига янада бойиш, иккинчиси – диний ихти-лоф. Кўпинча биринчи сабаб билан иккинчиси қўшилиб кетади ёки биринчиси иккинчисини ўзига либос қилиб олади. Ёки золим давлат ўз зулмини яшириш учун иккала сабабни беркитиб, бошқа либосларда кўрсатишга уринади.

Биз «зулм» деганда кўпроқ қотиллик ёки ҳукмдорларнинг бе-раҳмлигини тушунамиз. Ҳар биримизда ёмонлик ва зулмнинг (ҳеч бўлмаганда!) зирапчаси мавжудлигини, бу зирапча билан бировга озор бериб қўйганимизни сезмаймиз. Олдинги суҳбатимизда ҳат-то жониворларга ҳам раҳм-шафқат қилиш кераклиги ҳақидаги амрлар, фикрлар баёни билан танишдингиз. Бу мавзуни давом эттирадиган бўлсак, ҳамонки, жониворларга раҳм-шафқат қи-линиши лозим экан, демак, уларга зулм қилмоқлик мумкин эмас.

Ҳазрати шайх Самадоний Боязид Бистомийдан «Шайхингиз кимдир?» деб сўрадилар. Айтдилар: «Бир хотиндир». «Не важҳ ила?» деб ажабландилар. Дедилар: «Бир куни важд ва тавҳид шавқи билан саҳродан кетар эдим. Бир хотинга дуч келдим. Бир қоп уни бор эди. «Шуни элтгин», деди. Менинг кучим етмас, деб бир арслонга ишорат қилдим, қопни унга юкладим. Аммо кароматим изҳоридан кўрқиб, хотинга дедимки: «Бозорга етгач, кимни кўр-дим дейсан?» Хотин: «Золим ва раъно Боязидни кўрдим, дегай-ман», деди. «Нега?» деб ажабландим. Дедик: «Бу арслонни Аллоҳ юк учун яратдими? Нега юк юклатурсан? Сен истайсанки, шаҳар қавми сенинг арслонга юк ортганингни кўрсинлару сени соҳиби каромат десинларми? Бу иш золимлик эмасми?» «Раъноликдир», деб йиғладим, тавба қилдим». («Раънолик»нинг «мағрурлик, ўзини чиройли кўрсатмоқ» маъноси ҳам бор.)

Расулуллоҳ (с.а.в.) аломат-белги қилиш учун юзига тамға босилган бир ҳайвон ёнидан ўтиб қолдилар. Шу вақтда у ҳайвоннинг икки бурун тешигидан тутун чиқаётган эди. Шунда Расулуллоҳ (с.а.в.): «Мана шу ишни қилган кишига Аллоҳ Таолонинг лаънати бўлсин! Ҳеч

ким бирон махлуқнинг юзига тамға босмасин ва юзига урмасин», дедилар.

Жониворларни уриб азоб беришда бу шарафли ҳадисга амал қиладиганлар оз. Молни ҳам, эшакни ҳам, ҳатто ювош ҳисобланган қўйни ҳам аямай урадиганлар кўп учрайди. Ҳолбуки, тўхтаб турган от устида ортиқча ўтиравериш ҳам зулмга киради. Бу борада чавандозларга ҳам танбеҳимиз бор. Улоқ мусобақаларида кўрамиз, қадрдон дўстдек бўлиб қолган отларни аямай савалаб қоладилар ёки от устида соатлаб ўтириб томоша қиладилар. Қараб, ачиниб кетасан киши: от бечоранинг депсиниб-депсиниб, пишқириб-пишқириб қўйишдан ўзга чораси йўқ... Жониворларга азоб берувчилар бу ҳадисни ҳам унутмасинлар: «Қиёмат куни зиммангиздаги ҳақни, албатта, ўз эгаларига топширасизлар, ҳатто шохсиз қўй учун шохли қўйдан ҳам ўч олинади» (Яъни, Қиёмат куни қасос олиниси муқаррар. Ҳатто бу дунёда бир-бирига зулм қилган ҳайвонлар ҳам қасоскордир, дейилмоқчи). Расулulloҳ (с.а.в.) дедилар: «Ким битта чумчуқни бекорга ўлдирадиган бўлса, у Қиёмат куни Аллоҳга: «Э, Раббим, фалончи мени бир манфаат юзасидан эмас, бекордан бекорга ўлдирди», деб арз қилади». Расулulloҳ (с.а.в.) чумоли уясининг куйдирилганини кўриб: «Ўт билан азоблашга ўт эгасидан бошқанинг ҳақи йўқ», дедилар.

Кўп учратамиз, арининг чақишидан қўрқиб, уясини куйдирадилар. Баъзи болалар жониворларни (масалан, мушукни) ушлаб, бензин қуйиб ёқиб, унинг азобланишидан роҳатланидилар. Тарбия борасида бунга ҳам эътибор қаратишимиз керак экан.

Тўғри, тирикчилигимиз учун жониворларнинг қонини тўкамиз. Лекин қон тўкишда ҳам зулмдан эҳтиёт бўлиш лозимлигини айрим қассоб биродарларимиз билишмайди. Уларга бу шарафли ҳадисни эслатамиз: «Аллоҳ Таоло ҳар бир нарсага яхшилиқни вожиб этгандир. Агар ўлдирсангиз, чиройли ўлдилинг. Сўйсангиз, чиройли сўйинг. Пичоқингизни ўткирланг ва сўйганингиздан кейин дам беринг». Пичоқни ўткирламай туриб ҳайвонни ётқизиш жоиз эмас. Бир киши пичоқини ўткирламай туриб, қўйни сўйиш учун ётқизганини Пайғамбаримиз (с.а.в.) кўрдилар-да: «Буни икки марта ўлдиришни хоҳлайсанми? Ётқизишдан олдин пичоқни ўткирласанг бўлмайдимми?» дедилар.

Ҳар биримиз ҳаётимиз давомида билибми ё билмайми ёмон иш қилиб қўйган эканмиз, кимнидир ранжитган эканмиз ёки кимгадир нисбатан қандайдир даражада зулм қилган эканмиз, ақл кўзи билан ўзимизга қараб, айбимизни билишимиз ва каттами кичик ёмонликлардан тийилишимиз керак.

ҚАЧОНКИ АҚЛ КЕТСА...

Зулм кўп ҳолларда ғазабнинг фарзанди ўлароқ туғилади. «Жаҳлимни чиқарган эди, ўзимни тия олмадим» деган гапларни эшитиб турамыз. Тўсатдан уйғонган ғазаб зулмни дунёга келтиради-ю, ўзи бир оздан сўнг сўнади. Лекин дунёга келтиргани зулм дарров ўла қолмайди. Аксинча, унинг болачалари ҳам туғила бошлайди.

Умидимиз юлдузлари, сиз ҳам баъзан ғазабланасиз. Дўстингизни уриб юборасиз ёки сўкасиз. Сиздаги ғазаб дарахти кўп мева бермайди. Ҳатто қуригандай бўлади. Лекин, диққат қилинг: илдизида жон қолган. Озгина шароит туғилса, шох ота бошлайди. Катталардаги ғазаб бошқачароқ, буни ўзингиз ҳам кўп кузатгансиз. Баджаҳл одам сизга ҳам ёқмайди, тўғрими? Лекин ўша одам ҳам ёшлигида ғазабноклардан нафратланган. Нафратлангани ҳолда, нима учун ўзи шундай иллатга йўлиқди? Келинг, шу саволга биргаликда жавоб топишга уринайлик, токи, сиз улғайганингизда ғазаб иллатидан фориф бўлиб, ҳилм фазилати билан зийнатланинг.

Ўзгал хулқ қаҳр-ғазаб келганида билинади. Қаҳр-ғазабига ғолиб бўлган одам ўз роҳатини таъмин этади. Мулоимлик дарахтини эккан киши саломатлик мевасини тиради. Инсон ғазабини енгмагунича, қалбидаги ёмонлик васвасаларидан қутулиб, комил инсон бўла олмайди. Ёмон қалбни тўғрилаш ният ва амалга боғлиқдир. Киши нафси хоҳиши ва эҳтиросини енгмагунича, саодатга эришмас. Ғазабини енгмаган ахлоқини йўқотади.

Воқеа. Бир фозил одам тор йўлдан ўтаётиб, ғоятда жоҳил ва мутакаббир кишининг оёғини билмасдан босиб олди. У жоҳил бирдан ғазабланиб ўшқирди:

– Қандай одамсан! Оёғимни босиб олдинг-ку! Кўзингга қараб юрсанг бўлмайдими ё кўрмисан?!

Фозил одам унинг ўшқиршига жавобан дедики:

– Азиз биродар, кўзим кўр эмас, йўл торлиги сабабли эҳтиётсизлик қилиб, билмасдан оёғингизни босиб олдим. Бунинг учун узр сўрайман, узримни қабул қилиб, гуноҳимни кечиришингиздан умидворман.

Олижаноб, тарбияли, ахлоқли одамлар мана шундай бўладилар. Ул зотлар барчага мақбул ва марғуб, жоҳиллар эса мардуд ва номақбулдирлар.

Баён этилган воқеага бозордами ё автобусдами кўп дуч келамиз, тўғрими? Бир томон ўшқирганда иккинчи томоннинг мулоимлик билан жавоб бериб, узр сўрашига эса камроқ гувоҳ бўламиз. Биринчи томон бақирганда, иккинчи томон атай қилмагани учун

ўзини мутлақо айбсиз деб билиб, у ҳам бақириб жавоб беради. Оқибат жанжалга айланади. Ҳа, зулм ва бешафқатлик айнан ғазабни енга олмасликдан бошланади. «Аччиқ бўлса-да, ўта ширин нима?» деб сўралганида: «Кучли ғазабни ичга ютиш», деб жавоб берган эканлар. Аллоҳ Таоло дейди: «Эй, Одам фарзанди, ғазаб келганда Мени ёдингга олгил, Мен ҳам сени ғазабим келганда ёдимга олурман» (Ҳадиси Қудсийдан). Бу хитобда «Ғазабингни енгганинг учун сени мукофотлайман, ҳалок қиладиган кишиларга сени ҳам қўшиб ҳалок қилмасман», деган Аллоҳ Таолонинг марҳамати бор.

Расулуллоҳ (с.а.в.) «Сизлар паҳлавон деб кимни ҳисоблайсизлар?» деб саҳобаларидан сўрадилар. Улар: «Биз курашда ҳеч кимдан йиқилмайдиган кишини паҳлавон деб биламиз», дейишди. Расулуллоҳ: «Ундай эмас, балки жаҳли чиққан вақтда ким ўзини тия олса, ўша киши паҳлавон аталади», дедилар. Яна дедилар: «Қачон жаҳлингиз чиқса, жим туришга ўрганинг».

«Ёмон қилиқли одам – бадфеъл, – деб ёзганлар ҳазрат Навоий. – Аччиғи тез бир балога гирифтор, бир офатга мубтало бадбашарадир. Булар қаён борса, балодан қутулмас. Ҳар ерга қочса ҳам офатдан халос бўлмас. Ёмон қилиқ – ғолиб душмандир ва қаҳрли ёвдир. Ёмон қилиқли киши эса доим унга мағлуб ва вужуди ундан мажруҳ». Ғазаб – бахт саройи йўлидаги шафқатсиз қароқчидир. Бу қароқчини енга олмаган кимса бахт саройига етишмоқликдан умидини узаверсин. Ғазаб – соҳибини ёндириб кул қилади, бошқаларга учқуни етади.

Ҳикоят. Бир адолатли подшоҳ узлатдаги зоҳиддан «Охиратда гуноҳ учун шафоатга нима васила бўла олади?» деб сўради. Зоҳид:

– Ғазаб чоғида мулойимлик қилишда маъно кўпдир, – деди.

– Биламанки, тоб келтиришлик – офирлик қилишнинг заҳромиз шарбати ақл комига катта завқ беради. Аммо ғазаб вақтида ҳилмни нафсониятга ҳоким қилиб бўлмайди. Ғазаб олови шуъла урган чоғда киши ўзини забт қила олмайди, – деди подшоҳ.

Зоҳид дедики:

– Мен уч мактуб битиб бераман ва сен уларни ўзинг ишонган ва ихлос қўйган одамингга топшир. У сенда ғазаб аломатини кўрганида, ғазаб ўтининг асарини фаҳмлаганида, биринчи хатни сенга кўрсатсин. Шунда шояд фойдаси тегиб, нафс таскин топса. Агар кўрсаки, ғазаб ўти ул зулол билан ўчмади, иккинчи номани назарингдан ўтказсин. Агар саркаш нафс бу билан ҳам ром бўлмаса, учинчи хатни ҳам берсин. Шунда шояд ғазаб шафқатга айланиб, ғазабноклик зулмати зойил бўлса. Ҳарқалай, ҳилм ва меҳрибонлик сенинг жонингда мавжга келишини умид қилса бўлади.

Зоҳид ёзиб берган биринчи хатнинг мазмуни: «Қудрат топган чоғда инон-ихтиёрни ёмон йўлга ундовчи нафс қўлига бермагилки, абадий ҳалокатга бошлайди». Иккинчи хатда: «Ғазаб чоғида нотавон ва тобе бўлганларга раҳм қилгил, то жазо вақтида тобелар сенга меҳрибон бўлгайлар», деб ёзилган эди. Учинчисида эса: «Ҳукм қилишда шариат чегарасидан четга чиқма ва ҳеч бир ҳолатда инсофни унутма», дейилган эди.

Расулulloҳ (с.а.в.) ўз нафслари учун сира жаҳллари чиқмас, кечиримли ва ўч олмас эдилар. Макка фатҳ қилинганида, интиқом олиш мумкин бўлганда ҳам ҳаммасини кечирган эдилар. Ислом қўшинидаги айрим саркардалар: «Агар душман устидан ғолиб келиб, қўлга туширсак, қийма-қийма қилиб ташлаймиз», дейишганди. Фаҳри олам (с.а.в.) бундай ғазабга минганларни ёмон ҳаракатлар содир қилишмасин, деб қўмондонликдан олиб, қўшин ортидаги хизматларга қўйганлар.

Рисолатпаноҳ (с.а.в.) дедилар: «Кимда уч нарса бўлмаса, мендан эмас:

1. Жоҳилнинг жаҳлини кетказадиган (рад этадиган, пасайтирадиган) ҳалимлик.

2. Одамлар билан хуш ахлоқ муносабатда бўлишлик.

3. Аллоҳнинг маъсиятларидан, гуноҳларидан сақлаб турувчи, йироқ тутувчи парҳезкорлик, эҳтиёткорлик».

Аслида бу уч нарса бир-бири билан боғлиқ. Кишига қандай ҳалимлик-салимлик керак? Шундай ҳалимлик-салимликки, унинг воситасида жоҳилнинг жаҳлини, тажовузини қаршилаймиз. Уни юмшоқ, босиқ муомала қилиб, жаҳлидан туширамиз. Соддароқ айтсак, бир киши асабимизга тегса, дарҳол тепа сочимиз тикка бўлмаслиги, портламаслигимиз лозим. Аксинча, ҳар қандай ҳолатда очиқ чеҳрали бўлишга ҳаракат қилишимиз керак. Чунки, очиқ чеҳра ҳикматдан холи эмас, жанжалли ҳолатга барҳам бера олиши мумкин, яъни ёнғин кўтарилмайд, сўнади.

Жамиятнинг саломатлиги, барқарорлиги, бахт-саодати учун ҳам ҳар биримизнинг ҳалим-салим бўлишимиз шарт! Баъзан кузатамиз: болаликдан бирга катта бўлган, «биз қиёматли ошнаимиз», «биз қирқ йиллик оғайнимиз» деб фахрланадиган дўстлар ҳам бир-бирининг гапини кўтаролмайди, ҳатто бир-бирига қўпол муомала қилади. Бундан афсусланамиз. Уларнинг бу ҳаракатлари одамийлик тарбияси, одобини дуруст эгалламаганликларини билдиради.

Бир киши келиб, Аллоҳнинг расулига (с.а.в.) дедики:

– Ё Расулulloҳ, менга насиҳат қилинг.

– Ғазабланма! – дедилар.

– Менга насиҳат қилинг, – деб яна сўради.

– Ғазабланма! – дедилар.

Насиҳат қилишни учинчи мартаба яна сўради. Яна дедиларки:

– Ғазабланма!

Мен кўриниши мулойим, лекин ичи ғазабга тўла кишиларга қараб бундай дегим келади:

– Эй, инсон! Сен ғазабингни жиловлай оласанми? Ғазаб келганда ота-онага қараб ҳам бақирадиганлардан эмасмисан? Ғазаб келганда хотини, фарзандларини урадиган жоҳиллардан эмасмисан? Ғазаб келганда дўстидан ҳам кечиб юборадиган номардлардан эмасмисан? Ўйлаб кўр: эҳтимол, бир марта бўлсин, ота ва онангга қаттиқ гапиргандирсан, хотининг, фарзандларинг, дўстларингдан қай биринидир жаҳл устида ранжитгандирсан. Энди сен бу учун ғазабингни баҳона қилма. Ғазабни енга олмаган ўзингни айбла! Айбла-да, тавба қил! Тавбанинг қабул бўлиш шартини унутма: бу ҳол энди қайтарилмаслиги керак! Тили билан тавба қилиб, феъл-одатини ўзгартирмаслик – ёлғончиликдир. Тавбаи насуҳ – жуда самимий тавбага эришмоқ қасдида бўл. Вужудингни куйдира бошлаган жаҳл ўтини чидам, бардош суви билан ўчир. Қаҳру ғазаб тиканларини сабр-тўзим ўти билан ёндир. Аҳли донишнинг: «Қилич ва найза билан ҳосил бўлмаган кўп ишлар ҳилмик ила ҳосил бўлади. Ғазаб келтирган зарар ғазабланган кишининг ўзига қайтади», деган ҳикматини унутма зинҳор.

Ҳазрати шайх Ҳаким Термизий (қ.с.)нинг аҳл аёлларидан: «Шайх ҳазратлари ҳеч қизишиб, ғазаб қилармидилар?» – деб сўрашди. Жавоб бердилар: «Шайх бизларга ҳеч ғазаб қилмасдилар, аксинча, биз ул кишига аччиқ қилиб, озорлар эдик. Биздан ул кишига озор етса, ўшал куни бизни янада яқинроқ тутар ва йиғлар эдилар. Айтар эдиларки: «Илоҳи, мен тавба қилдим! Буларни сен яхшиликка йўллагин!»

Бир донишманддан: «Хушфеъл, хушмуомалаликни ёдимизда тутиш осон бўлиши учун бир-икки жумла билан баён этинг», деб сўрадилар. Донишманд дедики:

– Қаҳру ғазабни тарк этиш – барча гўзал ахлоқни ўз ичига олади. Ғазаб зиндони энг жирканч ярамас бир ўриндир. Ғазабни тарк қилмаган киши ҳаққоний ва тақводорлар мартабасига эришмайди.

Бир жоҳилнинг жаҳли бурни устида турар экан, арзимаган нарсадан асабийлашиб, жанжал чиқаравераркан. Бундан безор бўлган уйдагилари бир донишманддан маслаҳат сўрашганида у: «Жаҳл келса – ақл кетади», деган мақолни айтган экан. Шу

мақолни мулоҳаза қилиб кўрайлик: балки ақл кетганда жаҳл келар? Қизиққонлик, аччиқланиш, ғазабланиш, шошма-шошарлик, ўйламай қилинган иш кечиримлиликка зарба беради, кишини бевурд қилиб қўяди.

Ривоят. Қадим замонда бир-бирини ниҳоятда севувчи ошиқ-маъшуклар тақдирнинг тақозоси билан анча йиллар айрилиқда яшашларига тўғри келибди. Йигит сарбозликка чақирилиб, узоқ ўлкаларда, жангу жадалларда йигирма йил юрибди. Юртига қайтиб, уйига келиб қарасаки, мўйлаби сабза урган йигит маст уйқуда ётганмиш. Ўша заҳоти қалбида уйғонган гумон ғазабини тўлқинлантириб юборибди. «Мен йигирма йил сенга талпиниб яшаган бўлсаму, сен ёш йигитлар билан ишрат қиялсанми!» деган ўйда қўшни хонада ухлаётган хотинини ҳам, бу йигитчани ҳам чопиб ташламоқчи бўлиб, шарт қиличини чиқарибди. Шу онда устозининг «Жаҳлинг чиққанида, бир ҳукмга келмай туриб, аввал қирққача сана», деган насиҳати эсига тушиб, санай бошлабди. Овоздан уйғониб кетган хотин қараса, эри дарғазаб ҳолда қилич яланғочлаб турибди. Хотин дод солганича чиқиб, йиғлаб-сиқтаб, бу ётган йигитча ўзининг ўғли эканини тушунтирибди.

«Қайси нарсалар одамга алам ва пушаймонлик келтиради?» деган саволга аҳли дониш: «Ғазаб, такаббурилик ва ножўя ҳаракат», деб жавоб берган. Баён этилган ҳикоят бу фикрни қувватлайди.

Ҳалимлик – юмшоқ муомалалик, дунё ишларида ғазабланмаслик одам фарзанди учун энг гўзал фазилатлардан бири. Одам бу фазилатдан узоқ бўлса, яъни жаҳдини жиловлай олмаса, ғазаб ақлдан устун келади ва оқибат гуноҳ ишлардан ўзини тўхтатишга ожиз бўлади. Бошқаларга, айти дамда ўзига зиён етказади. Жаҳл туфайли қалбда ғалаён кўтарилиб, васваса кучаяди. Дастлаб ичкарида бошланган ғалаён ташқи кўринишга кўчади ва инсоннинг афт-ангори кўрқинчли тус олади. Нафрат милтиғини ғазаб ўқлари билан ўқлаб, энди тепкини босаман, деб турганда ақл ҳайқирғиғига қулоқ тутиш ва бу милтиқни улоқтириш – жасоратдир. Жасорат бўлганда ҳам иймон қувватидан дарак берувчи жасоратдир. Ҳасан Басрий ҳазратлари айтганлар: «Эй, Одам фарзанди! Ҳар ғазабланишинг бир сакрашдир. Ҳар сакрашинг сени дўзах томон элтади. Яна бир сакрасанг, жаҳаннамга қулайсан».

Биз турли баёнларимизда кўпинча «ғазаб ўти» деган сифатдан фойдаланамиз. Чиндан ҳам ғазаб – ўтдир. Шайтон оловдан яраган. Яқинликни қаранг! Ғазаб ўти ўз алангаси билан баданларни тешиб ўтиб, юракларга қадар етадиган дўзахнинг оловидан бир парчадир. Ғазаб кул остидаги чўғ каби фурсат пойлаб ётади. Қотиб

кетган қалб тубидаги кибр уни пуфлаб, аланга олдиради. Вали-юллоҳлардан бири: «Инсоннинг битта томири шайтони лаъинга бориб уланган. Инсон қанчалик ғазабланса, шайтонга шунчалик яқинлашади», деган экан.

Ғазаб шундай ўтки, киши энг яқинларини ўлдиришдан ёки ўлим тилашдан ҳам қайтмайди. «Қарғиш» ёки «ёмон дуо» (дуои-бад) деб аталувчи иллат ҳақида яна сўз юритишга тўғри келади. Айрим қарғишлар дилдаги «оҳ»нинг самараси ўлароқ айтилади. Кимгадир астойдил ёмонлик тиланади. Баъзан эса тил учида ҳам айтилади. Оналарнинг астойдил қарғамасликларини яна таъкид-ласам-да, уларнинг тилидан умуман қарғиш учмаслигини хоҳлар эдим. Баъзан «афтинг қурсин», деб қўйишади. Ўзлари буни ёмон қарғиш деб ҳисоблашмайди. Ҳолбуки, бунинг замирида ҳам ўлим тилаги ётади. «Қуриб кетгин», «жувонмарг бўлгур» кабилар ҳам шундай. Эслироқ оналар «афтинг қурмагур», «қуриб кетмагур», «жувонмарг бўлмагур» дейишади. Буларни қарғиш эмас, тэргаш ўрнида қабул қилиш мумкин. Айтилмаса, яна яхши. Бир саволга сира жавоб топа олмайман: она ҳеч қачон фарзандига ёмонликни раво кўрмайди. Лекин фарзандни энг кўп уришадиган, урадиган, қарғайдиган ҳам она. Шу аёл эридан, қайнота-қайнонасида, ҳам-касбидан... ғазабланса, ғазабини ичига юта олади. Лекин ўз боласи жаҳдини чиқарса, ўзини тута олмайди! Нега? Ҳатто бошқалардан гап эшитса, аламини боласидан олади. Бу қанақаси?

Бир аёлнинг ҳасрат дафтари билан танишинг. Айтган ишини бажармагани учун иккала ўғлини уриша туриб, «ажалинг келгурлар!» деб қарғаб юборибди. (Сизга ёлғон, менга чин, шу икки сўзни ёзишга қийналдим, қўлим қалтиради. У аёл болаларини қандай қарғай олдийкин?) Бу қарғишни эшитган қайнонаси: «Ҳай-ҳай, дарров тавба қилинг, ҳар гапга фаришталар «омин» дейди-я!» деб танбех берибди. Аёл «хўп», дебди-ю, жаҳли чиққан кезлари бари бир тилини тия олмабди. Бир куни ўғилларини қўй боқишга чиқарибди. Болалар «чиқмай қўя қолайлик», деб ялинишса ҳам зўрлабди. Оқибат шу бўлибдики, кичиги эҳтиётсизлик қилиб сойга йиқилибди. «Укам оқиб кетяпти, онамга нима деб жавоб бераман?» деб қўрқувга тушган ака ҳам ўзини сувга отибди...

Жаҳли чиққан киши жим турса, бошқа бирор ишга ўзини чалғитса ёки бошқа жойга чиқиб кетса, ғазабининг пасайиши ёки мутлақо тўхтаб қолиши ҳаёт тажрибасидан маълум. «Битта гапдан қолгин», деб бежиз насиҳат қилинмайди.

*Киши тош урса боша, эй хўжаста,
Кулиб боқгил юзига мисли писта.*

Сўфи Оллоҳёр демоқчиларки, агар биров ғазабланиб, бошингга тош билан урса, унинг юзига кулиб қарагил. Пистани тош билан урганларида ёрилиб, кулиб, ичидаги мағзини беради. Сен ҳам шу пистадек бўл. Сени урсалар-да, яхши бўл.

Саҳл ибн Тустарийдан гўзал хулқ ҳақида сўрашди. «Гўзал хулқнинг энг қуйи даражаси озорларга тоқатли бўлиш, золимга раҳм этиш, унга мағфират ва шафқат тилаш», дедилар.

Ахнаф ибн Қайсдан «Ҳилми кимдан ўргандингиз?» деб сўрадилар. «Қайс ибн Осимдан», дедилар. «Унинг ҳилми қандай эди?» деб сўрадилар. Жавоб бердилар: «Қайс ҳовлида ўтирган эди. Чўриси унга бир сих қайноқ кабоб келтирди. Сих бехосдан чўрининг қўлидан сирғалиб тушди ва шу ерда ётган гўдакнинг кўкрагига қадади. Бола Қайсники эди, шу заҳоти жон берди. Чўри даҳшатдан қўрқиб кетди. Шунда Қайс чўрисига: «Қўрқма, Аллоҳ йўлида сени озод қилдим», деди».

Бир куни Иброҳим ибн Адҳам саҳрога чиқдилар. Йўлда унга бир жундий (жангчи) йўлиқди ва:

- Сен қулмисан? – деб сўради.
- Ҳа, – дедилар Иброҳим Адҳам.
- Имрон қаерда? – деб сўради жундий.

Иброҳим Адҳам қабристонга ишорат қилдилар. Шунда жундий: «Менга Имрон керак!» деб бақирди.

- У қабрда, – дедилар Иброҳим Адҳам.

Жундий ғазабланиб, қамчи туширди. Иброҳим Адҳамнинг бошлари ёрилди. Жундий у кишини орқага қайтариб, шаҳарга ҳайдаб келди. Дўстлари ундан «Қандай хабар олиб келдинг?» деб сўрашди. Жундий бўлган воқеани айтиб берди. Улар боши ёрилган кишини кўриб: «Сен урган одам Иброҳим ибн Адҳам-ку!» дейишди. Жундий отидан сакраб тушиб, Иброҳим Адҳамнинг қўли ва оёғини ўпиб, узр сўрай бошлади. Бошқалар эса Иброҳим Адҳамдан: «Нега бу жундийга «қулман» дедингиз?» деб сўрашди.

– У мендан: «Э, қул, сен кимсан?» деб сўрамади, балки «Сен қулмисан?» – деди. Мен «ҳа», деб жавоб бердим. Дарҳақиқат, барчамиз Аллоҳ Таолонинг қулимиз-ку! Лекин бошимни урган пайтида унга жаннат насиб бўлишини тиладим, – дедилар Иброҳим Адҳам.

- Нега? Ахир у сизга зулм қилди-ку! – деб ажабланишди.

– Ноҳақ етган жароҳат ажр олишимга сабаб бўлишини билдим. Аммо у жундий туфайли менинг насибам яхшилик бўлиб, мен туфайли унинг насибаси ёмонлик бўлишини хоҳламадим, – дедилар.

Ҳикоят. Бир туякаш ғоятда қадрлайдиган қизғиш туясини йўқотиб қўйди. Неча кун қидирса ҳам тополмади. Туну кунларни

уйқусиз ўтказди. Йиғлади, эзилди... Охири ғазаблана бошлади. Ҳамма айбни туянинг ўзига юклаб, ундан умидини узди, ғазаб билан, телбаларча хитоб қилди:

– Эй, туя! Агар сен аблаҳни топсам, шу одамлар гувоҳ бўлсин, Аллоҳга қасамки, бир ақчага сотиб юбораман!

Бу қасамдан сал ўтмай туя топилгач, туякаш нима қиларини билмай, боши қотди. Қасам ичганига пушаймон бўлди. Ўйлай-ўйлай бир чорасини топди: туянинг устига бир қора мушукни ўтқазиб, бозорга чиқди-да, «Туянинг нархи бир ақча, мушук минг ақча, иккови бирга сотилади», деб эълон қилди. Харидорлар: «Эсинг борми, мушук минг ақча турар эканми?» деб ажабланишса, у: «Сизларда ҳам инсоф борми? Туя ҳам ҳеч замонда бир ақчага сотиладимми?» дер эди.

Қиссадан ҳисса шуки, инсон ғазабланган пайтларида шуурсиз ҳаракатлар қилиб, сўнг қандай тузатишни билмай, аросатда қолади. Боболардан «Жаҳд чиқса – кўз қораяр, жаҳд кетса – юз қизарар», деган ҳикмат бор. Ҳикоятдаги қора мушук совуқлик рамзидир. Бозорнинг омадсизлигига, бузилишига сабабдир. Кишилар бир нарсанинг амалга ошишига қарши бўлишса, «эшагидан тушови қиммат» қабилида иш тутадилар. Хулоса шуки, жаҳд келганда тилига ва қўлига ҳоким бўлган киши ёмон оқибатдан халос бўлади.

Биров камчилик ёки хатоимиздан гап очди, дегунча ғазаблана бошлаймиз. Ҳолбуки, хатоларимизни юзимизга айтган биродаримиздан мутлақо ғазабланмаслигимиз керак. Аксинча, унга меҳр-муҳаббат билан боқиб, гуноҳимизни англаб, бу хатолардан халос бўлиш чорасини кўришимиз шарт эмасми? Жаҳд ақлни кетказса, асаб бузилиши офат келтиради.

«Ғазабланган пайтингда сўзга рўзадор бўл. Зеро, бу пайтда ҳар сўзу амалинг надоматга восита бўлади», дейдилар. Кўпинча ғийбат, ифво... ғазабни уйғотади. Ғийбат ҳам, ғазаб ҳам киши кўнглини ўлдиради. Шу боис ғийбатдан, нафсоний ғазабдан сақланмоқ керак. Ғазабни енгган ўз нафсини енга олади. Майхўрларнинг нафсни енга олмасликларини айтиб ўтириш ҳам шарт эмас. Кўп жиноятлар маст ҳолда қилинаётгани маълум. Маст одам ғазабини боса олиш қувватидан маҳрум бўлади. Ичкиликка мубтало бўлганлар кўзгуга қараб, ўзларининг туслари нақадар хунук эканини кўра олсалар эди, бу ярамас одатларини ташлармидилар...

Ғазабни биз фақат салбий маънода тушунишга ўрганиб қолганмиз. Тўғри, айнан олганда бу иллат. Лекин бу сўзнинг ижобий маъноси ҳам мавжуд.

Ғаззолий ҳазратлари дейдиларки, «Ғазаб – бамисоли овчи ит. У нафс истагидаги ҳаяжон билан эмас, балки битта ишора билан

югуриб, битта ишора билан тўхташ даражасида тарбияга муҳтож... Ғазаб қувватининг гўзал ва мўътадил ҳолатидан **шижоат** туғилади (Ғазаб қувватининг хоҳ кучайган, хоҳ пасайган ҳолатда ҳам ақл етовида бўлиши – шижоатдир). Агар Ғазаб қуввати меъёридан ошса, бемулоҳаза сўзлар, ўзни тута билмаслик каби ножўя ҳаракатлар юзага чиқади. Ғазаб қуввати меъёридан пасайса, кўрқоқлик туғилади».

Яна дедиларки: «Ғазаб туйғусидаги мўътадиллик чиройли шаклда қизгин ва жўшқин бўлиш билан сақланади. Чиройли шаклдаги қизгинлик сержаҳликдан, дарҒазабликдан ҳамда кўрқоқликнинг барча турларидан холидир. Ғазабнинг мўътадил даражасини эгаллаган одам ботинан кучли ва шу қуввати билан бирга ақлга тобе бўлади. Ҳамонки, шиддат Ғазабдан туғилар экан, агар Ғазаб бекор қилинганида кураш ҳам бекор қилинган бўларди.

«У тақводор зотлар яхши-ёмон кунларда инфоқ-эҳсон қиладиган, Ғазабларини ичларига ютадиган, одамларнинг хато-камчиликларини афв этадиган кишилардир («Оли Имрон» сурасидан). Оятда тақводор зотлар ҳақида «Ғазабларини ичларига ютадиган» деган ибора қўлланди, «Ғазабларини йўқ қиладиган», дейилмади. Ғазаб ва шаҳватни мўътадил даражада сақлаш шу даражада бўлиши керакки, на Ғазаб, на шаҳват ақлдан ғолиб келмасин, уни бўйсундириб қўймасин. Балки, ақл Ғазаб ва шаҳватни ўз ҳаддида ушлаб турсин. Хулқни ўзгартириш, дегани аслида мана шу. Ирода кучи ноўрин қўзғалган Ғазабни нечоғли боса олишига қараб ўлчанади.

*Кел, эй инсон, агар бўлсанг чин эрдек,
Оғирлик пеша қил дунёда ердек.
Агар топса, сани ҳар қайси мавжуд,
Зиён этма, тақи тегур анга суд.*

«Ер каби бўл...» – Эй, ўзини чин эр билган инсон, сени ер юзидаги жониворлар тепкиласалар-да, уларга зиён етказма. Яхшилик қил. Ер каби бўл. Ер юзида юргувчилар унинг устига ҳар турли ҳаром нарсалар ташласалар ҳам, ер уларга зиён-заҳмат етказмайин, турли-туман неъматлар ўстириб берур. (Аммо... банда гуноҳларини кўпайтираверса, Аллоҳ Таолонинг Ғазабига учраса, зилзила, ер ютиш каби офатлар борки, буни ҳам унутмаслик керак. «Ер каби бўлмоқ»ни барча ҳақоратларга чидайвер, деб англамаган маъқул. Бу ўринда шоирнинг бўртгирмаси ҳам бор). Сен буткул дунё халқига манфаатли иш қилиб фойдалар келтирсанг-да, такаббурлик қилма. Ўзингдан тупроқ исмини ва фақирликни кўтарма. Сенинг

отанг Одам алайҳиссаломдир. У тупроқдан яратилгандир. Демак, аслинг – отанг еридир...

Жалолиддин Румий ҳазратлари дейдилар: «Бир беморга ёки кўнгли синиқ бир одамга жуда мулойимлик билан муомала қилиб, унинг ҳол-аҳволини сўраш лозим. Изтиробда бўлган одамда у одамга нисбатан меҳр-муҳаббат туйғулари ҳосил бўлади. Шундан кейингина бериладиган дори ва қилинадиган тавсияларни ўз тилаги билан қабул қилади».

Ардашернинг ўғли жуда қимматбаҳо либос кийиб мақтанди. Шунда ота деди:

– Эй, ўғлим, бу либосинг қимматли эмас, бунақасини ҳар ким топиб кия олади. Сен ҳеч киши топиб кия олмаган ва подшоҳлар хазинасида бўлмаган жуда қимматбаҳо либосни кийишинг керак.

Ўғли ажабланиб: «Сиз таъриф қилаётган либос қайси?» – деб сўради.

– Хушфеъллик, мулойимлик, ювошлиқдан тўқилган либосдир, – деб жавоб берди ота.

Баҳоулҳақ вад дин – Хўжа Баҳоуддин ҳазратлари, Аллоҳ Таоло ул зотнинг қабрини то Қиёмат нурли қилсин, асл исмлари Муҳаммад эди, оталарининг исми – Маҳдий. Каъбатуллоҳга икки марта яёв бориб, тавоф қилганлар. Кўп кароматлари зоҳир бўлгани учун Баҳоуддин қўйдилар. Шу зот бир золим билан тортишиб қолдилар-да, оқибат – золим ҳазратнинг юзларига қамчи билан урди. Хўжанинг юзлари ёрилиб, қон оқди. Шунда Хўжа қонли соқолларини қўлга олиб, ул золимни яхши дуо қилдилар, дедиларки: «Эй, Худо, бу золимни яхши йўлга солгил! Ё Раб, бу банданга ёрдам айлагил, дунё-ю охират муродларини бергил». Золим бу дуонинг маъносини англади. Наъра тортди-ю, ҳушидан кетди. Хушига келгач, Хўжанинг оёқларига йиқилиб, юзини суртиб йиғлади. Сўнг Хўжани муршид деб билди. Оқибат, Хўжанинг катта халифаларидан бири бўлди.

Хулқ, юмшоқлик (ҳилм) ва илми ҳол аҳлининг ҳоли шундай. Улар ҳамиша ёвузликка қарши эзгуликни қўядилар.

Ҳилм – шижоатга хос олти хислатнинг бири бўлиб, бу хислат ҳар қанча ғазаб қўзғайверадиган иш содир бўлганда ҳам ўзини босиб мулойимлик кўрсатишдан иборат. Луғавий маъноси – мулойимлик, мулойим табиатли бўлишлик.

*Виқор гавҳари-ю ҳилм маъдани бўлакўр,
Десангки, қилгай итоат санга гадо ила шоҳ.*

Ҳазрат Навоий «ҳилм маъдани» деганда мулойимлик кони, хазинасини назарда тутганлар.

«Ҳилму ҳаё аҳли ҳар ерда аржуманддур, улуғлар назарида аржумандроқ», дейдилар (юмшоқ кўнгилли ва ҳаёли одам ҳамма жойда азиздир, катталар назарида янада қадрлироқ). «Маҳбуб ул қулуб»да бундай таъриф берилади: «Ҳилм – инсон вужудининг хушманзара мевали боғидир ва одамийлик оламининг жавоҳирга бой тоғидир. Юмшоқ кўнгиллилик – ҳодисалар тўла денгиздаги кишилик кемасининг лангари деса бўлади ва инсоният қадрини ўлчайдиган тарозининг тошига тенглаштира ҳам бўлади. Ҳилм – ахлоқли одамнинг қимматбаҳо либоси ва у кийим турларининг энг чидамли матосидир. У ёмон нафсни дайди шамол учиршидан асраувчи ва иккиюзлама мунофиқларнинг беҳуда ҳаракатидан ҳимоя қилувчи». Шафқат, юмшоқ сўзламоқ, ҳилм – бир-бирига яқин яхши сифатлардир.

Ҳазрати шайх Абу Бакр Абу Варроқ Термизий (қ.с.) дейдиларки: «Ҳақ Таоло ҳазрати Одам фарзандларидан олти нарсани истар: иккиси кўнгилда бўлиб, Аллоҳ Таоло амрларини бажармоқ ва халққа шафқат қилмоқликдир; иккиси тақдирники, Аллоҳ Таоло борлигини иқрор этмоқ ва халққа юмшоқ сўзламоқликдир; қолган иккиси эса сабр айламоқ ва ҳилм билан хокисорлик қилмоқликдир».

Ҳазрати ибн Масъуд дейдилар: «Билинги, кишининг ҳалимлиги ғазабланган пайтда, омонатдорлиги таъма юзага чиқадиган пайтда аён бўлади. Ғазабланмаган (яъни, ғазабга сабаб йўқ) пайтда унинг ҳалимлигини қаёқдан ҳам билардингиз? Таъма қилмаётган (яъни, таъма қилишга сабаб йўқ) пайтда унинг омонатдорлиги ҳақида қандай гап бўлиши мумкин?»

Ҳикоят. Олижаноб ва одил вазир ҳисобланган Низомулмулк биров ҳадя келтирса, атрофидагиларга баравар бўлиб берар эди. Бир куни деҳқон унга учта эртаки бодринг келтирди. Вазир бу неъматни атрофидагилар билан баҳам кўрмай, учаласини ҳам ўзи еб, деҳқонга ҳадя берди. Вазир ҳоли қолганида яқин мулозими ажабланиб: «Сизнинг бундай одатингиз йўқ эди-ку!» деб сўради. Вазир жавоб берди:

– Бодринглар ниҳоятда тахир экан, бошқаларга берсам, тахирлигидан аччиқланиб, деҳқонга ёмон сўз айтиб, унинг дилини ранжитмасин, дедим...

Яна бир ҳикоят. Абусаид исмли бир мўътабар одам дўстларига зиёфат берди. Ошпазини чақириб: «Мен яхши кўрадиган таомни пишириб кел», деди. Ошпаз хожаси сўраган таомни пишириб, бошқа овқатлар билан олиб келди. Абусаид ўзи буюрган таомдан бир лўқма олган эди, қил чиқди. Иккинчи ва учинчи лўқмаларда ҳам қил чиққач, бу таомдан қўл тортиб, бошқасидан эди. Дастурхон йиғиладиган пайтда ошпазини чақириб, деди:

– Мен буюрган таомни жуда тотли қилиб пиширибсан. Эртага шу таомдан ичига қил туширмаслик шарти билан яна пишириб берасан.

Зиёфатда ҳозир бўлганлар унинг латофатли сўзларига қойил қолдилар. «Ошпазга ортиқча танбеҳ беришга ҳожат қолмади», деб унга таҳсин айтдилар.

Ҳазрат Навоийдан бундай баён бор:

Ҳикоят. «Шайх Абул Аббос Омулий қассобликка мансуб бўлиб, ўз замонасининг забардаст пешволаридан бири эди. У фано водийсига қадам қўйиб, ўз вужудини унда йўқотди. Бир кун у хонақоҳда ўтирар, теварагида эса суҳбатдошлари йиғилган эдилар. Бу маҳалда бир ғалати девона беадаблик билан хонақоҳ саҳнига кириб келди. Кирган заҳотиёқ, минбарга чиқиб:

– Э, хонақоҳда турганлар! Менга қулоқ бериб, сўзларимни яхшилаб тинглангиз: мен учун ҳозир сув тўла обдастани ҳозирланг! Мен покланиб олмоқчиман! – деди.

Олий қадрли шайх бу сўзларни эшитгач, унга обдастада сув беришни буюрди. Хонақоҳдаги бир дарвиш чиройли обдастада сув келтириб берганида у эси паст, идишни тош билан уриб пачоқ қилиб, бошқасини келтиришни талаб қилди. Талаби бажарилгач, унисини ҳам тош билан урди. Дарвиш шайхга бу ҳолни маълум қилгач, шайх «Нечта идишни синдирса ҳам, бераверинг», деди. Эси паст барча обдасталарни тош билан уриб пачоқ қилди. Унга бошқа идиш йўқлигини айтдилар. Шунда у: «Агар идиш йўқ бўлса, шайхингизга айтинг, соқолини олиб келсин, токи мен буюрилган фарздан қутулайин», деди.

Шайх бу ҳаёсиз сўзларни эшитгач, ўринларидан сакраб турдилар-да, у томон қараб юрдилар. Йўл-йўлакай дедиларки:

– Эҳ, қандай хуш соату бахтиёр ҳолат! Қарангки, бир қассоб ўғлига соқол битса-ю, у йиллар давомида соқолига оро бериб, ювиб-тараса ва вақти келиб унинг бу соқоли шундай бир ишга яраб қолса! Унга бир дарвиш илтифот кўрсатиб, ўзини қайғудан қутқарса!

Шайхнинг бежирим соқоли бор эди. Уни қирқиб, ҳовучига тутамлаганича бояги кишининг оёғи остига қўйди.

Бу беҳаё одам идроки йўқ, телба эди. Шайхнинг бу ҳаракатини кўргач, ерга бош қўйганича ҳушидан кетди...»

Мисни олтинга айлантириш мумкин эмас. Лекин киши ўзининг яхши хулқини намоён этиши билан ёмон хулқини инсофга келтира олиши мумкин. Шундай экан, комил инсон нечун ўзини четга олсин?

ОФИР ЮК

Одам ҳамиша яширадиган, яширишга уринадиган иллат – ҳасаддир. Ҳасад – бирон танишининг, ҳамкасбининг ёки яқин қариндошининг муваффақияти, ютуғи учун тутилган азадир. Ҳасад иллоти билан касалланмаган одам йўқ. «Менда ҳасад йўқ», дегувчи одамнинг гапига эҳтимол, сиз ишонарсиз, бироқ мен ишонмайман. Ҳасад ҳаммада бор. Билмадим, миянинг қайси бир ҳужайрасида ё юракнинг бирон-бир томиридами, ҳар ҳолда жойлашиб олган бўлади. Ҳасад – шайтоннинг энг ишончли қуроли. Ким: «Ҳасад менда ҳам бор, аммо бош кўтаришига йўл қўймайман. Ҳар нафасда у билан олишаман, менга ҳукм ўтказмаслик чораларини кўраман», деса гапига ишонаман ва уни олқишлайман. Аммо не фожиаки, биров ҳасадга юрагининг тўридан жой бериб қўяди. Не бахтки, бошқа бировнинг вужудида писиб ётган ҳасад эркин нафас ололмайди – ақл бўғиб туради. Демак, ақл ожизланса, ҳасад кучга киради.

Ҳасад Одам Атонинг ўғли Қобилдан қолган энг разил одатдир. Биласиз, ҳасад туфайли Қобил укаси Ҳобилни ўлдирди. Одамзод тарихидаги биринчи қотиллик ҳасад туфайли бўлди.

*Дилни аввал сан ҳасаддан пок қил,
Ўзни сўнгра соҳиби идрок қил!*

Ҳасад кишининг гўдаклик чоғида туғилади. Агар киши ўзидаги ҳасад ўтини ўчира олмаса, одамлар ундан нарига қоча бошлайдилар. Ҳасадгўйлигини яширмайдиган одам хавфли эмас, балки ўта усталлик билан яширувчи кимса ҳар бир жон учун хатарлидир.

Воқеа. Бировдан эшитдим: аканинг «Матиз» автомобили бор экан. Ука акасига ҳавас қилиб худди ўша рангдаги уловдан олибди. Ўша кундан бошлаб, аканинг уйида ғалва бошланибди. Хотин «Буни сотиб, «Нексия»га ҳаракат қилинг», деб қийин-қистовга олибди. Оилаларда бунақа ғалвалар тез-тез учрайди, тўғрими? Кичик овсин катта овсини бўйнида тилла безак кўрса, ҳасад оловидан бўғила бошлайди. Қиз янгасининг бармоғида янги узукни кўрган нафасда, ўзининг ўн бармоғи учун йигирмата тилла узуги бўлса-да, ҳасаддан ёниб кетаверади.

Бир оилада тутай бошлаган ҳасад ўти вақтида ўчирилмаса, аланга олиб атрофга тарқайди. Бу ўт жабрини бир киши эмас, балки кўпчилик тортади. Ҳасад шундай ўтдирки, агар тутаса, ҳўлу қуруқ баравар ёнади. Эҳтимол, ҳасад ўти бир оилада, эр-хотин

орасидаги суҳбатдан сўнг ёнгандир? Тасаввур қилайлик: қайси бир ижодкорнинг хотини камхаржликдан сиқилиб, эрига: «Сизнинг фалончидан кам ерингиз борми? Нима учун унинг китоблари чиқаверади-ю, сизга йўл бермайдилар. Нега у жарақ-жарақ қалам ҳақи олади-ю, сиз маошга қараб кун кечирасиз?» деди. Бу ижодкор «Оғзингни юм, хотин, сен айтаётган фалончи миллатнинг фахри, ундай ёзувчи юз йилдами ё икки юз йилдами бир битади миллатнинг пешонасига. Мен ўзимнинг қобилиятимга яраша топ-япман», деганида олам гулистон эди. Ҳасад ўти ўша онда ўчарди. Лекин... тарихдан маълумки, бу ўт ўчмаган.

Бундай ўтлар ҳозир ҳам аланга олиб туради. Худога шукр, бугунги жамият ҳасад ўтларининг яхши одамларни маҳв этишига шароит яратиб бермаган. Шундай бўлса-да, бу ўт бир ёки бир неча оиладаги бахт саройини куйдиришга куч топяпти.

Ривоят. Бир-бирига ҳамроҳ бўлиб, уч киши сафарга чиққан эди. Ёши улуғроғи қолган иккисига деди:

– Сизлар нима сабабли ўз ватанларингиз роҳатидан кечиб, сафар қийинчиликларини ихтиёр этдингиз?

Бири деди: «Мен иши юришаётган одамларга ҳасад қилиб, уларни кўра олмасдим. Ўйлаб-ўйлаб, оз вақтга бўлса-да, ватандан чиқиб кетсам, кўра олмайдиган нарсаларни кўрмай қўя қолсам, деган қарорга келдим».

Иккинчиси деди: «Мен ҳам шу сабабдан мусофирликни ихтиёр этдим».

Савол сўраган сайёҳ ҳам қалбини куйдираётган ҳасад олови туфайли даштга чиқиб кетганини айтди.

Учала ҳасадчи бошлари оққан томонга қараб равона бўлдилар. Йўлда бир ҳамён олтин топиб олдилар. Олтинни теппа-тенг бўлиб олишга қарор қилдилар. Лекин ҳар бирининг юрагидаги ҳасад ўти кучга кириб, бошқасининг улушига кўз олайтира бошлади. Бир кеча-ю бир кундуз жазирама биёбонда оч, ташна ва уйқусиз ҳолда жанжал қилдилар.

Подшоҳ овга чиққан эди, эртаси куни маҳрамлари билан шу ердан ўтиб қолди. Уч ҳасадчини кўриб, аҳвол сўради. Улар бор гапни айтиб бердилар:

– Биз учовимиз ҳам ҳасад ўтида куйиб-ёнамиз. Шу сабабдан ватандан жудо бўлган эдик. Мана энди топиб олган олтинимизни тақсимлашда орамизда низо чиқди. Бу олтинларни инсоф юзасидан тақсимлаб берувчи одамга муҳтож бўлиб турганмизда марҳаматли ва одил шоҳимизнинг ўзлари келиб қолдилар. Энди умидимиз сиздан, олампаноҳ.

Подшоҳ деди: «Адолат бўлишини истасангиз, аввал ўзларингизнинг қай даражада ҳасадчи эканингизни менга сўзлаб беринг. Олтинни ҳасадингиз даражасига қараб тақсимлайман».

Подшоҳнинг бу шарти уларга маъқул келиб сўз бошладилар. Бири деди: «Менинг ҳасадим шу даражада кучлики, ҳеч вақт бировга эҳсон ҳамда шафқат қилишни ва бирон кишининг хушвақт бўлишини хоҳламайман».

Иккинчиси деди: «Шуни ҳасад деб юрибсанми?! Бу ҳасаднинг арзимас бир учқуни-ку! Биров бировга молдан эҳсон қилса ҳам, менинг жоним чиқиб кетади».

Учинчиси деди: «Икковинг ҳам ҳасаддан бебаҳра ва бенасиб экансанлар. Менга биров яхшилик қилса, ўзгаларга ҳам яхшилик қилар экан, деб куйиб кетаман».

Подшоҳ буларнинг ичи қоралигига ҳайрон қолиб, деди:

– Сўзларингизга қараганда, бу олтин учовингизга ҳам ҳаром. Сизларнинг ҳар бирингизга ҳасадингиз даражасига қараб олтин эмас, жазо бериш керак. Бировга бир нарса эҳсон беришни хоҳламаганнинг жазоси шуки, уни бадном қилиб, дунё неъматларидан маҳрум этмоқ керак. Бировга бировнинг эҳсон қилганини кўра олмайдиган одамни ўлдириб, ундан қутулган яхши. Ўзгага ҳам, ўзига ҳам ҳасад қилувчи одамни дунёдаги барча азоб турлари билан қийнаб, жонини олиш зарур.

Подшоҳ амри билан биринчи ҳасадчининг оёғидан осдилар. Иккинчисининг бошини кесдилар. Учинчисининг баданига заҳар суртиб, офтобга қўйдилар.

Ҳасад, вақтида чора кўрилмаса, давосиз дардга айланади. Ҳасадчи ҳамиша бировнинг шодлигидан ғамнок, роҳатидан аламнок бўлади. Ҳасад шундай ёмон иллатки, унинг касридан одам ўзига ҳам яхшиликни раво кўра олмай қолади. Бошқаларнинг бахти ва саодатини кўролмаган ҳасадчи доимо қайғу-алам остида бўлади.

Арасту ҳаким деганларки: «Дунёда ҳаммадан кўра ҳасадчининг юки оғирдир. Чунки у бечора бахтли одамларни кўролмай, ҳасад туфайли келадиган ҳамма қайғу-аламлар юкини ўз устига ортиб юради». Ўзгаларнинг яхши турмушлари унинг юрак-бағрини ёндиради.

Ҳасадни тарк эта олган кимса эса тинчланиб, роҳатланади. Фозил Асмаий бир юз йигирма ёшга тўлган кишидан узоқ умр кўриш сирини сўрадилар. Қария айтди: «Бунинг беркитадиган сирли ери йўқ. Мен умрим давомида ҳасад ва кинчиликдан парҳез қилдим». Агар ҳасаднинг бировни эмас, ҳасадчининг ўз танини куйдириши ва қайғусини орттиришини ҳисобга олсак, бу иллатдан парҳез қилган кекса отахоннинг ҳаётларини ўзимизга ибрат

қилиб олган бўлардик. Агар юрак сиқилишининг сабаби қалбдаги ҳасад ўти бўлса, дори-дармонга пул сарфлашнинг ҳожати йўқ. Ўша киши ҳасаддан тийилса бас, тез орада шифо топиб, юраги сиқилмайдиган бўлади.

Барчамиз учун тарбия асоси бўлган Қуръони Каримнинг, хусусан, «Нисо» сурасидаги ояти кариманинг маъно таржимасига диққат қилайлик: «Аллоҳ бирон неъмат билан бирингизни бирингиздан ортиқ қилиб қўйган бўлса, сизлар уни ҳасад ва адоват билан орзу қилманг. Эр кишилар учун ҳам қилган меҳнатларидан насиба бордир, аёллар учун ҳам қилган меҳнатларидан насиба бордир. Ҳақ Таоло ўз ҳикмати ва тадбири билан ҳар кимга лойиқ ризқни муқаддар қилган. Сизлар бировларга берилган неъматларга кўз олайтириш ўрнига Аллоҳнинг фазлу марҳаматидан файз-баракот ва ризқ-рўз сўранглар».

Демак, бир кишининг кўпроқ молини кўриб ҳасад қилмаслик барчага вазифа қилиб қўйилапти. Инсон кўп жиҳатда ўзидан афзал шахсни кўриб, унга ҳасад қилади, деймиз. Шунга кўра, гўё камбағал бойни кўролмайди, деган фикр тўғрига ўхшаб қолади. Аслида ундай эмас. Кўп ҳолларда бой бойни кўролмайди. Ҳасадгўй ҳар қанча бой бўлса-да, кўзлари бировнинг молида бўлади. Худди қуйидаги ҳикоятдаги каби.

Ҳикоят. Қадим замонда Бағдод шаҳрида хасислик ва ҳасад дардига мубтало бир бойнинг ахлоқли, тарбияли қўшниси бор эди. Унинг бойлиги кўп эмас, аммо саховати билан ном қозонган, эл қошида иззат ва ҳурматга эга эди. Ҳасадчи бой бунга асло чидолмасди. Барча ҳасадгўйлар сингари у ҳам айбсиз одамни кўрганида жаҳди чиқаверарди. Қўшнисининг хато қилиб қўйишини интиқ кутарди, фазилатларига тоқат қила олмасди. Қўшнисининг обрўсини тўкишга, халқ назаридан туширишга ҳарчанд ҳаракат қилса ҳам муддаосига етолмасди. У нодон чексиз алам ва ситамлари ўзидаги ғаразгўйликнинг меваси эканини фаҳм этмасди. Душманига азоб беролмай, ҳамма вақт ўзини ўзи азоблаб яшарди. Ҳасад ўтида ёна-ёна охири бир шумликни кўнглига тугиб, қул бозорига борди-да бир ёш йигитни сотиб олди. Икки-уч ой уни яхши еб-ичириб, лутфу карамлар кўрсатиб, меҳрибонлик кўрсатган бўлди, кейин мақсадини унга аён қилди:

– Меникида яшаётганингдан бери қандай яхши одам эканимни билиб олгандирсан. Мен сенга яна бир улуғ яхшиликни ният қилиб турибман. Айтганларимни бажариб, ҳожатимни чиқарсанг, сени озод қиламан, қўлингга олтин тангалар бераман. Шу туннинг ўзида бошқа шаҳарга жўнайсану фароғатли ҳаёт кечира бошлайсан.

Қул хожасининг хизматини сўзсиз бажаришга тайёр эканини билдирди. Бундан бой қувониб, режасини баён қилди:

– Билингки, қўшнимнинг дастидан тўйганман. Уни кўрсам ичим ёниб кетаверади. Қўшнимга нисбатан бойроқ бўлсам ҳам атрофдагилар нима учундир уни қадрлашади. Унинг ёмонлигини исботлашга, шу орқали шикаст етказишга кўп уриндим, лекин натижа чиқмади. Биргина чора қолди: шу тун иккимиз қўшнининг томига чиқамиз. Сен мени шу томда сўйиб ўлдирасан. Эрталаб жасадимни қўшнининг томида кўрганлар унинг ваҳшийлигига ишониб зиндонга ташлашади. Ундан нафратланишади. Мол-мулки эса талон-торож бўлади.

Шундай деб озодлик варағи билан олтинни қулининг қўлига тутқазди.

Қул хожасининг бу гапларини эшитиб, таажжубдан қотиб қолди. Хожасининг гаплари чинлигига аввалига ишонмади.

– Хожам, бу тадбирингиз ғалати-ку! – деди у. – Ўлганингиздан кейин қўшнингизнинг обрўси тушиши ёки тушмаслигидан сизга нима фойда? Ақлли одам бундай аҳмоқликка рози бўлмайди.

Ҳасадчи сахий бўла олмайди, хасиснинг ҳасадсиз яшай олмаслиги эса аниқ. Қул ҳар қанча насиҳат қилса ҳам бой кўнмади. Бой «Агар талабимни бажармасанг, қўшнимни ўлдираман-у сени қотил деб жазога топшираман», деб қўрқитгач, амрини бажарди – хожасининг ўлигини қўшни томига ташлаб, ўзи Исфахонга жўнаб кетди.

Эртаси куни қўшнини зиндонга ташладилар. Қотиллиги асосли далиллар билан исботланмагани учун жазо бериш кечиктирилди. Бу орада бойнинг бошқа қўшниси савдо вожидан Исфахонга бориб қолди. Хожаси берган тиллалардан фойдаланиб тижорат юритаётган қул у билан тасодифан учрашиб қолиб, Бағдоддаги янгиликлар билан қизиқди. Томдаги қотиллик ҳақидаги гапни эшитиб, деди:

– Бу ишда покиза қўшнининг ҳеч айби йўқ. Хасис ва ҳасадчи бойни ўзининг қистови билан мен ўлдирганман, – деб барча воқеаларни бирма-бир баён қилди.

Қулнинг гаплари қорозга туширилиб, икки гувоҳ имзоси билан тасдиқ этилгач, қўшни уни Бағдод ҳукмдорига етказди ва бегуноҳ одам озод этилди.

Бу ҳикоятдаги бойнинг ҳасад қурбони бўлишини рамзий маънода ҳам тушуниш мумкин: ким юрагида ёна бошлаган ҳасад ўтини ўзи ўчира олмаса, шу ўтда куйиб ўлади. Шундай разилликлардан

қайтмайдиган одамдан ниҳоятда эҳтиёт бўлишимиз керак. «Бунақа воқеаларни ҳаётда учратмаймиз», деяпсизми? Ҳа, тўғри, учратмаймиз. Лекин ҳасадгўйлиги учун элнинг назаридан қолиш – тириклайин ўлиш эмасми?

Ҳазрат Навоий дедиларки: «Ҳасадчи – бемор, балки ҳалокатли дардга гирифтор. Бидъатчи ўз динидан узоқда, ҳасадчи ўз феълидан азобда».

Инсонларнинг қўлидагига ҳасад қилмайдиган кишининг кўнгли роҳатда бўлади. Ҳасад қалбни, ахлоқни ўлдиради. Одам танаси турли сабаблар билан ўлади. Ўлимга сабаб бўлувчи касаллик турлари кўп, фалокат турлари ҳам кўп. Қалбни ўлдирадиган иллатлар ҳам турли-туман. Шулардан бири, балки асосийси, ҳасаддир.

Бир донишмандга дедилар:

– Атрофингизда ҳасадчилар кўплигини биласизми?

– Биламан, – дедилар.

– Билганингиз ҳолда уларга қарши нечун курашмайсиз? – деб ажабландилар.

– Ҳасадчилар – хастадирлар. Касал одамга қарши курашайми?

Киши астойдил истаса, вужудида гимирлаётган ҳасадни енгишга ўзида руҳий-маънавий куч топа олади. Бунинг учун ҳушини олаётган, ҳасадни уйғотмоқчи бўлаётган нарсалардан ўзини банд қўйишга ҳаракат қилса бас. Бир синглизга овсинларининг қулоғидаги олмос кўзли тилла зирак тинчлик бермаяптими? Ўйлаб кўрсинлар, шу зираксиз ҳам яшаш мумкин-ку! Нима учун шу матоҳни деб юракни сиқиш керак? Дунёда неча миллиард аёл шу матоҳсиз яшаб юрибди-ку! Бу синглизга деймизки: бошқалар сизга ҳавас қилсин. Ақлингизга, тафаккурингизнинг бойлигига ҳавас қилишсин. Тилла матоҳсиз яшаш мумкин, ақл бойлигисиз яшаш эса жуда мушкул.

Бир дўстингизни кўчада кўриб қолдингиз: янги «Шевролет»да кетаётган экан. Яна ҳасад гимирлаб қолдимиз? «Мен ундан ақлироқ эдим, яхши ўқиган эдим...» деган фикрлар юрагингизни ўртай бошладими? Олдин билинг-чи, ўша дўстингиз аслида бахтлимикин? Эҳтимол, бойликка муккасидан кетиб, оила бахтини қўлдан чиқаргандир? Сиздай ақл эгасининг ҳасад ўтида куйиши яхши эмас. Майли, агар автомашина орзуси сизни тинч қўймаётган бўлса: «Худойим, шу нарсани унга берибсан, менга ҳам насиб эт», деб сўранг. Ҳасадни ҳавасга айлангиринг. Энг яхшиси – «Раббим, мени бу нарсаларга қул қилиб қўйма, бойлик бермасанг майли, машина бермасанг майли, лекин оилам бахтини бер!» деб муножот қилинг. Яна билингки, вақти-соати

етганда киши лаҳадга тилла зираксиз, «мерседес»сиз қўйилади. Жаннат боғларига ҳам зеб-зийнатлар тақиб, қимматбаҳо «Лимузин»да кириб борилмайди.

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал (р.а.) улкан саҳобий Анас ибн Моликдан (р.а.) ривоят қиладилар:

Ривоят. «Пайғамбар алайҳиссалом билан ўтирган эдик. У киши: «Ҳозир ҳузурингизга бир жаннати одам келади», дедилар. Таҳорат суви соқолларидан оқиб турган бир ансорий кириб келди. Эртасига Пайғамбар алайҳиссалом худди шу гапни яна айтдилар. Яна кечаги киши ўша ҳолатда кириб келди. Учинчи куни ҳам бу айнан такрорланди. Мажлис тугаб, Набий муҳтарам (с.а.в.) туриб кетганларидан сўнг Абдуллоҳ ибн Амр ибн Осс ҳалиги ансорийга эргашди ва «Отам билан аразлашиб қолиб, уйга уч кун кирмасликка қасам ичган эдим, уч кун сизникида турсам майлими?» деди. Ҳалиги киши рози бўлди».

Абдуллоҳнинг ҳикояси:

«Уникида уч кун ётдим. Кечаси ҳеч ошиқча ибодат қилганини кўрмадим. Фақат у ёнбошидан бу ёнбошига ағдарилганида Аллоҳ Таолонинг зикрини қилар ва такбир айтар эди, холос. Сўнг бомдод намозига турар эди. Уч кун давомида ундан фақат яхши сўз эшитдим. Лекин ҳайрон бўлдим. «Жаннати бўлишга шу амалларнинг ўзи наҳот етса?!» деб юборишимга сал қолди. Унга қараб: «Отам билан ўртамизда ҳеч қандай гап ўтгани йўқ. Расулуллоҳ (с.а.в.) уч кун давомида уч марта «Ҳузурингизга жаннати киши келади», деганларида сен кириб келдинг. Уйингда уч кун бирга яшаб, яхши амалларингни ўрганиб, сенга эргашмоқчи эдим. Аммо ҳеч бир катга амал қилганингни кўрмадим. Расулуллоҳ айтган мартабага сени нима эриштирди?» дедим. У: «Ўзинг кўргандан бошқа ҳеч бир амалим йўқ», деди. Жўнаб кетаётганимда эса: «Ўзинг кўргандан бўлак ўзга амалим йўқ. Лекин менинг қалбимда бирорта мусулмонга нисбатан алдамчилик йўқ. Бирор кишига Аллоҳ Таоло яхшилиқ берса, ҳасад ҳам қилмайман», деди. Мен: «Сени олий мартабага эриштирган нарса шу экан, унга тоқат ила амал қилиш ҳам қийин», дедим».

Табобатдан чуқур билимга эга бўлмасангиз ҳам биларсиз, арзимаган деб ҳисоблайдиганимиз шамоллаш ҳам ўзидан жиддий асоратлар қолдиради. Ё ўпка ёки буйрак каби аъзоларни жиддий дардга рўпара қилиб қўяди. Ҳасад ҳам шунақа. Киши арзимаган нарсага ҳасад қилади-ю, жиддий иллат қулига айланганини ўзи ҳам сезмай қолади. Юқорида зикр этилган шарафли ҳадисдан маълум бўлдики, боқий дунё саодатига етишмоқликнинг асосий

омилларидан бири – ҳасадни енгмоқ экан. Такрор айтаман, ҳасадни енгдингизми, демак, бошқа иллатларни ҳам маҳв эта оласиз. Тўғрироғи, бошқа иллатларнинг бош кўтаришига йўл бермайсиз. Табобат тили билан айтганда, шамоллашни яхшилаб муолажа қилсангиз, ўпка ҳам тинч, буйрак, юрак ҳам тинч ва саломат.

Сўфи Оллоҳёр бу хусусда ёзганлар:

*Ҳасад этган киши дун-у дағалдур,
Бу сўз бир халқ аро эски масалдур.*

Дейилмоқчики: ҳасадчи киши ёвуз бир пасткашдир. Бу сўз эскидан бор бир масалдир.

*Мусулмонега ҳеч бўлма мукобир,
Борур жой бир эрур, э, нафси жобир.*

Дейилмоқчики: мусулмон кимсага такаббурлик қилма. У азиз кимса бўлса, итоат қил. Кўнгилдан ҳасадни чиқар. Зеро, азиз ва мартабали кишига бировнинг ҳасади қанчалар кучли бўлгани сари, унинг иззати ва мартабаси яна ҳам ошар. Буни уққин, эй ўзига зулм қилувчи инсон!

Дўстларнинг ҳасади душманнинг хусуматидан ёмонроқ ҳисобланади. Ким ўзгаларни қийнаётган дардга мубтало бўлишни истаса, дўсти бошига тушган кулфатдан қувонаверсин. Ҳа, ўзганинг кулфатидан қувониш ҳам ҳасаднинг бир кўринишидир.

Бунақа гуноҳкорларни узоқлардан қидирмайлик, ён-атрофимиздаги оилаларда ҳам кўп учратамиз. Кундошларни қўя турайлик, ҳатто бошқа-бошқа ҳовлида яшовчи овсинларнинг қулоқлари ҳамиша «динг» туради. Эр-хотин ўртасида ғавғо чиқса, овсин қалбида тантана бошланади. Келин эридан сўкиш эшитганда, қайнона чапак чалиб ўйнагиси келади. Буни аёлларгагина хос касаллик десак, бировнинг қамалганидан қувонадиганларни нима деймиз? Ўзингиз айтинг, қалблари ҳасад дуди билан хиралашган кишиларда бирон мисқол виждон топилармикин?! Биз катталар бу хасталигимизни яширишга уринамиз. Лекин бизга умидимиз юлдузларининг таажжуб билан боқиб турганларини нега сезмаймиз? Шу қарашлари баробарида бу касаллик юқиб қолишидан нечун чўчимаймиз?

*Қарга фароғат ила тутса чаман ичра мақом,
Қарга бўлиб қолур, аммо сира ҳам булбул бўлмас.*

Шайхул машойих Жунайд Бағдодийнинг душманлари халифага арз қилиб: «Халқни буткул ўзига эргаштириб олди, чорасини қилмасангиз гафлатда қоларсиз», деб фитна қилдилар. Тахтга меҳр қўйган халифа ҳасадчилар фитнасига учди. Бироқ халқ эъзозидаги валийни бир ҳамла билан йўқ қила олмас эди. «Уни ҳужжатсиз даф қилиб бўлмас», деган қарорга келиб, фитнани ишга солди. Унинг уч минг тиллага сотиб олган ғоят гўзал канизага бор эди. Уни ясантирдилар, кўнглини қитиқлаб, фитнага сола олувчи хушбўй атирлар сепдилар.

«Жунайднинг олдига бор, унга юзингни кўрсат ва: «Эй, Шайх! Менинг ҳеч кимим йўқ. Молим ҳам йўқ. Мен кўнглимни дунёдан уздим. Сендан тиларманки, мени хизматкорликка ва қариндошликка қабул этгин. Сенинг суҳбатингда тоат билан машғул бўлайин. Ҳаргиз бу кўнглим дунё аҳли билан қарор топмайди», деб айтгин», дедилар. Канизакнинг изидан бир хизматкорни кузатувчи қилиб юбордилар. Канизак шайхга салом берди. Ўтирди. Юзини очди. Жунайд Бағдодий беихтиёр бир қарадилар. Филҳол, бошларини қуйи эгдилар. Канизак ўргатилган гапларни тўлиқ айтди. Жунайд Бағдодий ҳазратлари бирдан бошларини кўтариб, бир «оҳ» тортдилар-да, канизакка қараб пуфладилар. Канизак шу заҳоти йиқилиб ўлди. Бу ҳодисадан хабар топган халифанинг жонига ўт тушди. Пиёда юриб, Жунайд ҳазратларининг ҳузурларига келди, узр тилади. Шайхул машойих дедилар:

– Сени «Амир ал-мўминин» дейдилар. Шафқатинг умум мусулмонларга голиб ва шомил (*умумга тегишли, кенг қамровли*) бўлмоғи лозим. Менинг қирқ йиллик тоатимни ҳадар (*бекорга чиқариш*) этмоқчи бўлдинг. Сенинг шафқатинг шу тарздамидир? Эртага Ҳақнинг ҳузуринида нима деб жавоб бергайсан?

Халифа шайх ҳазратларининг оёқларига йиқилди, кўп узрлар айтди...

Нодон ва жоҳил одамларнинг бир-бирлари билан дўст бўлиб кетишлари таажжуб эмас, аммо онгли ва фозил кишиларнинг бир-бирларини кўролмай, душманликка боришлари таажжублигина эмас, афсуслидир. «Гадонинг душмани гадо бўлади», дейилганидек, олимнинг душманини ҳам олимлар даврасида кўрамизми?

Нега ажабланамиз? Ахир бу ҳасаднинг иши-ку! Энди бир савол: Ҳасадни енга олишга кучи етмаганларни доно дея оламизми? Олимлар ўз гаразларини кўп ҳолларда «илмий баҳс» деган ниқоб билан тўсмоқчи бўладилар. Олимлар орасидаги ҳасад жамият учун офатдир. Пайғамбаримиз (с.а.в.) «Олимнинг бузилиши – оламнинг бузилиши», деб бекорга огоҳлантирмаганлар.

Оила атрофидаги ҳасадчилардан олимлар оламига ўтишим бежиз эмас. Олимлар ҳасадлари туфайли бир-бирларининг илдизларига болта уриш билан кифояланишса майли эди. Дарахтга болта урилганда аввал пайрахалар учади. Шунга ўхшаб, олимлар ўзаро гараз урушига киришсалар, ҳасад милтиқларидан отилган ўқлар шогирдларни ҳам яралайди. Қизларимиз илм билан шуғулланиш учун йигитларга қараганда кўпроқ тўсиқларни енгиб ўтишлари керак. Бир қизнинг илмий раҳбари шу соҳадаги бошқа олим билан чиқишмаса, бало булутлари ёш олима боши устига тўпланади. Ҳасадгўй олим шу ёш олиманинг илмий ишини йўққа чиқариш билан душманидан ўч олмоқчи бўлади.

Умидимиз юлдузлари, сиз ҳозирча бундай галвалардан йироқсиз, лекин орадан йиллар ўтиб дуч келишингиз мумкинлигини инобатга олиб, диққатингизни шу номаъқулчиликка тортишни лозим топдим.

«Олим» деган шарафли номга доғ туширувчи ҳасадчиларнинг бугун бўлмаса эртага инсофга келишига умид қиламиз. Агар ардоқли сингилларимиз, укаларимиздан биронталари илм йўлида шундайларга дуч келсалар, улардан ёмонлик кўрсалар, дарров чекинмасинлар. Сабр билан илм йўлида давом этсинлар. Бундай даъватни ёзишимдан мақсад: илмга меҳр қўйган азиз сингилларимизнинг иродалари бўшроқ бўлади. Кўз ёшлари тўкилиб, юраклари сиқилиб, илм оламини ташлаб чиқиб кетишни ўйлай бошлайдилар. Сингилжонлар, асло ундай қилманг. Майли, озгина йиғланг, лекин ҳасадчи ҳузурида бош эгманг. Ҳасадчи ҳеч қачон голиб бўлмаган. Гапимга ишонмасангиз, мустаҳкам иродалари ва иқтидорлари туфайли илмнинг шарафли доvonларини эгаллаган муҳтарам олималаримиздан сўранг. Улар ҳам ёшлик кезлари ҳасадчилар ўқидан қийналишган. Агар ҳасадчининг битта ҳужумидан қўрқиб чекинсангиз, илмдан юз ўтгирсангиз илмгагина хиёнат қилган бўлмайсиз. Худо берган иқтидорингизни исроф ҳам қилган бўласизки, бунинг гуноҳ эканини унутманг.

Кўп кузатганмиз: бирор яқини ёки таниши нимагадир эришганда, кишида икки ҳолдан бири рўй беради – ё қувончдан боши осмонга етади ёки хафа бўлиб, ич-этини тирнайди. Дейлик, бир одам ҳалол касб билан бойиди ёки муносиб равишда мавқе-мартаба топиб, олқиш қозонди. Унинг бу муваффақияти кимгадир ёқмайди, сиқилади, иши тезроқ орқага кетиб, бир зумда топганларидан ажраб қолса, дейди...

Бошқа бир манзара: биров дунё ва охират ишида ўзиб кетяпти. Кимдир у билан ҳар учрашганда, бир фазлига гувоҳ бўлиб, кўзи қувонади. Бу азизлик унда доимий туришини хоҳайди. Аксинча

бўлиши уни ранжитади. Айни пайтда ўзига ҳам шундай муваффақиятлар насиб этишини истайди.

Энди бир ўйлаб кўрайлик: молу давлатнинг эгаси ким? Мавқе-ю мартаба дегани – хоҳласак ундан фойдаланиб, хоҳласак хуржунга солиб қўядиган отамерос нарсами? Йўқ, албатта. Буларнинг барчаси Аллоҳ Таолонинг инъоми, бандасига ато этган неъмат. Шундай экан, Аллоҳ Таоло неъматини унга эмас, бошқага бергани учун ёқтирмаслик, у неъматнинг йўқ бўлишини хоҳлаш ақлсизлик эмасми? Агар киши дўстига берилган неъматнинг йўқолишидан эмас, бардавом бўлишидан суюнса, ўзига ҳам шундай хайр насиб этишини қўмсаса, бу ҳасад эмас, ҳавасдир. Бундай ҳавас ҳар бир динда, ҳар бир жамиятда мақталади. Бу хусусда Пайғамбаримиз (с.а.в.): «Албатта мўмин ҳавас қилади, мунофиқ эса ҳасад қилади», деганлар.

Ҳасад барча ҳолатда ҳаромдир (яъни тақиқланган). Аммо фожирлар ва Ҳақдан тойган кимсалар неъматга етишса, у билан фитна кўзгаб, фасод ёйишса, одамларга озор беришса, бу ҳолда неъматга муносабатимиз қандай бўлади? Шубҳа йўқ, уларга берилган неъматдан кўнгил ўртанади, бу кунларнинг узоқ давом этмаслигини хоҳайсиз. Қачон барчаси тугаб, адо бўлар экан, дея кутасиз. Энг муҳими, бу ўринда ўзни оқлаш учун далда бор: неъматни неъмат бўлгани учун эмас, балки фасодга қурол бўлгани учун ёқтирмаяпсиз. Ҳавас масаласига келсак, ҳаром йўллар билан топилган бойликка, пора йўли билан эгалланган мартабага ҳам ҳавас қилишимиз жоизми? Албатта, йўқ!

«Ҳасад» сўзи бир иллатни англатгани билан унинг эшиклари кўп. Ҳаззолий ҳазратлари шулардан еттитасини санаганлар: кибр, ўзига ром бўлиш, яхши кўрган нарсаларини йўқотишдан кўрқиш, мартабага муҳаббат, тубан нафс ва бахиллик. Ҳасад уйғотувчи ашаддий сабаблардан бири адоват, иккинчиси эса яхшиликни кўролмасликдир.

Оила деб аталмиш муаззам сарой мунтазам равишда ҳасад зилзиласидан титраб турибди. Қамровни кенгроқ олиб мулоҳаза қилсак, инсоният ҳасаддан озор чекапти. Аҳиллик ва тотувлик билан тикланган не-не мустаҳкам қалъалар ҳасад туфайли емирилиб кулаяпти. Қариндошлар ётга, қўни-қўшнилар бегонага, дўстлар душманга айланиб кетяпти.

«Олов ўтинни куйдириб кул қилгани каби, ҳасад савоб амалларни еб тугатади», дейилади ҳадиси шарифда. Савобли амалларнинг тугаши – Қиёматнинг кўпиши, ўлиб ҳам қутулиб бўлмайдиган абадий азобнинг бошланишидир. Ҳасад олови эса ловуллаб ёняпти.

Азиз умидимиз юлдузлари, суҳбатларимизга тоқат қилиб, баёнларимизни ўқиб, фойдаланишга уринаётганингиз учун сизга раҳмат. Биламан, насиҳат кўпайиб кетса, айрим тенгдошларингизнинг энсалари қота бошлайди. Лекин на илож, ҳаётни нурлантирувчи фазилатлар, қора дудга кўмувчи иллатларни фарқлаб олишимиз керак. «Қозонга яқин юрсанг – қораси юқади», деган мақолни яна эслайлик. Қораси юқмаслиги учун қозоннинг қаерда турганини аниқ билишимиз, ундан узоқлашишимиз шарт, тўғрими? Иллатлар ҳақидаги суҳбатларимизда покиза ҳаётимизга қора юқтирувчи ўша қозоннинг қаердалигини билиб олишга оз бўлса-да, эришдик, шекилли?

Умидворманки, бу гапларни қўлдан қўймай ўқиётгандирсиз? Лекин шошма-шошарлик билан ўқиш дуруст эмас. Ҳар бир суҳбатдан кейин бир оз ўйлаб, мулоҳаза қилиш лозим. Масалан, ҳасад ҳақида етарли маълумотга эга бўлганингизга ишонсангиз, энди ўйланг: кейинги кунлар давомида кимларга ва нима учун ҳасад қилдингиз? Ҳасад ўтини ёқишга сабаб бўлган нарса ёки воқеа юрагингизни сиқишга арзийдими ўзи? Ҳасад ўтининг алангаси қай даражада ва у неча кундан бери бағрингизни куйдирыпти? Бу ўтни ўзингизнинг идрокингиз, иродангиз билан ўчира оласизми? Фикримча, бунга қодирсиз. Фақат астойдил урининг. Биз эса дуоларимиз билан сизни қўллаб-қувватлаб турамыз, ҳасадни ва бошқа иллатларни енгишга аҳд қилган экансиз, шараф сизга!

АЁВСИЗ ИЛОН

Умидимиз юлдузлари, катталар орасидаги қарзга доир олди-бердиларни эшитгансиз. Ўзингиз қарз олганмисиз? Тўғри, сизнинг ёшингизда қарздор бўлиб қолиш ҳоллари кам учрайди. Айтайлик, катта танаффусда қорнингиз очди. Ошхонага чиқиб, чўнтакка қўл солсангиз – бўм-бўш: пулингиз уйда қолибди. Дўстингизга дейсизки, «Менга ҳам таом олгин, ҳақини эртага бераман». Эртасига пул беришни эса ёдингиздан чиқардингиз. Дўстингиз бу пулни арзимас деб санаб, сиздан сўрамади. Сиз «ҳақини эртага бераман» деб ваъда қилган эдингиз, демак, қарз бўлдингиз ва миқдоридан қатъи назар, қайтаришингиз шарт. Ёки дўстингиз бу пулдан воз кечганини билдириб қўйиши керак. Жанозаларда иштирок этган бўлсангиз, диққат қилгандирсиз: имом жаноза намозини бошламасидан илгари марҳумнинг қарзи бўлса ким тўлашини сўрайди. Бир киши бўйнига олса, марҳум у дунёга қарздан қутулиб кетяпти, деб дуо қилади.

Ошхонада таом олиб берувчи дўстингиз «Бутун мен сени меҳмон қиламан», деса, сиз қарздор бўлиб қолмайсиз. Агар лутф этсангиз, эртасига сиз уни меҳмон қиларсиз. Бу одат икковингиз орангиздаги дўстлик занжирини мустаҳкамлайди. Тенгдошларингиз билан суҳбатлашганимда қарз ҳақида сўз очиб, уларнинг бу борада кўп нарсани билмасликларини англаганим учун сўзни айна пайтда шу мавзуга буришни лозим топдим.

Қарз – кишини хомуш қилувчи аёвсиз бир илон кабидир. Унинг захридан қарздор ҳам, қарз берувчи ҳам азият чекади. Албатта, ночор одамга ёрдам бериш – улуғ савоблардан. Аммо бу савобга етишмоқнинг ҳам ўз имтиҳонлари мавжуд.

Аввало, қарз олувчилар ҳақида, бу иллат сизларда деярли учрамайди, катталар орасида эса бор.

Маълум бир харажатга етарли маблағи бўлса ҳам бошқалардан қарз сўровчилар бор. Улар ўзларини бошқаларга ночор кўрсатишни истайдилар. «Одамлар мени камбағал десин, пулим борлигини билиб қолмасин», дейдилар. Уларнинг айримлари қарзни тез қайтаради, бошқалари ўзини янада бечораҳол кўрсатиш учун қарздан қутулишни пайсалга солаверади. Пули бўлатуриб, ҳожатсиз равишда қарз олувчилар жон таслим қилиб қолсалар, гуноҳларни ортмоқлаб боришларини билармикинлар? У дунёда бечораҳоллик пул билан ўлчанмаслигини-чи? Фоний дунёда кўп савоб топдинг – боқий дунёда бойсан. Бу бойлик неъматини яширишга уринмайсан. Гуноҳлар ботқоғига ботиб бордингми – у дунёда сенга биров савоб бойлигидан қарз бериб тура олмайди.

Баъзилар эса чиндан ҳам қўмакка муҳтожлар. Минг хижолат билан бировдан қарз сўрайдилар. Вақтида беролмайдилар, балки умуман қарздан қутулолмаслар. Уларни бу дунёдаги хижолатликдан, у дунёдаги азоблардан холи қилиш – нақадар олижаноблик! Қарздан холис тарзда, миннат қилмай воз кечиш беназир фазилатлардан ҳисобланади.

Яқинда бир танишимиз кўзларида ёш билан қуйидаги воқеани ҳикоя қилиб берди.

Воқеа. «Ўн йилнинг нари-берисида топиш-тутишим яхши эди. Дўстим эса муҳтожликда қолиб мендан қарз сўради. Бердим. Аммо бошига кулфат тушиб, қарзни ваъда қилган муддатда қайтара олмади. Яқин йилларда қайтариши маҳол эди. Билардимки, дўстим кулфатда ётган чоғида ҳам қарзини қайтаролмаганидан эзилади. Шунда мен у қарздан буткул кечдим ва бу қароримни яқин қариндошлари орқали унга етказдим. Орадан йиллар ўтди. Дўстимнинг боши устидаги кулфат булутлари тарқади. Ишлари

юриша бошлади. Ўзини ўнглаб олди. Биз кўп суҳбат қурардик бироқ ўтган йиллардаги қарз воқеаси тилга олинмасди. Мен ҳатто бир ишора билан эслаб қолишдан ҳам чўчирдим. Эсласам, миннат бўлишини, дўстимни хижолат қилишимни билардим. Яқинда ўзимнинг моддий аҳволимда бир оз ночорлик сезилди. Бировдан қарз сўрашга ҳожат бўлмаса-да, қийинчилик билиниб қолганди. Менинг бу аҳволимни ҳеч ким, жумладан, ўша дўстим ҳам билмасди. Тўлов муддатига бир кун қолганда, кутилмаганда ўша дўстим келиб қолди. Мен бу ташрифдан ажабланмадим. Чунки у тез-тез келиб турарди. Суҳбатлашиб ўтирдик. Мен мушкул аҳволимни баён қилмадим. Хайрлашар чоғида у «Биз сиз билан қиёматлик дўстмиз, дўстларнинг бир-бирига ҳадя қилиб туриши лозимлигини Пайғамбаримиз алайҳиссалом айтганлар», деб қўлимга пул тутқазди. Мен ўша қарзни шу баҳонада қайтармоқчи, деган хаёлга бориб, қўлимни тортдим, олмадим. У эса пулни чўнтагимга солиб қўйди. У кетганидан кейин пулни олиб санасам, олган қарзидан икки ҳисса кўп эди».

Мавзуга қайтамиз: атрофимизда қарз сўровчи яна бир тоифа борки, уларни маккор, ҳийлагар, деб атамоқ жоиз. Қарз олиш эвазига яшашга ўрганиб қолган бу малъунларга охиратни эслатсангиз эшитармикинлар? Агар қулоқларига қўрғошин қуйилиб қолмаган бўлса эҳтимол, эшитарлар. Бундан умидвормиз ва бундайларга инсоф беришни Яратгандан сўраймиз. Бир одамни биламан: баъзан «Болаларимга шакар олишим керак, минг сўм бериб турунг», деб, баъзан эса бошқа баҳона билан сўрайди. Бу ҳол такрорланавергач, дедимки: «Биродар, «бериб турунг», деманг, чунки бари бир қайтариб бермайсиз. «Бериб турунг», деб олиб, сўнг гуноҳкор бўлиб қоласиз. Шунинг учун «Садақа қилинг ёки ҳадя қилинг», деяверинг». Гапимга тушунгандай бўлган эди. Лекин яна бир рўпарамдан чиққанида «Болаларимга пайпоқ олишим керак, икки минг сўм бериб турунг», деб ялинди. Ёши ўттиздан энди ошган, жисмонан бақувват, лекин меҳнат қилишга бўйни ёр бермайдиган, ҳалол-ҳаромни тушунтирсангиз ҳам ўзини тушунмаганга оладиган бу одамга яна нима дейиш керак, ҳайронман...

Яна бир тоифа, муҳтожликда олади, ҳожати раво бўлиб, қўлига пул тушгач, қайтаргиси келмайди. Қайтарса, худди юраги узилиб чиқадигандай. Қарз берган одам унинг уйига қатнайвериб чарчайди. Инсоф, виждон каби фазилатларни эслатиб тушунтирмақчи бўлади, ҳатто дўқ-пўписа ҳам қилади. Пайғамбаримиз (с.а.в.) имконияти бўла туриб қарзини ўз вақтида тўламасликнинг зулм эканини таъкидлаганларини, эҳтимол, у одам билмас. Майли,

ўзимизни шундай деб овута турайлик. Лекин буларни била туриб ўзини гуноҳдан тўхтатмайдиганлар ҳам бор, шундай эмасми?

Бир хонадонга уч-тўрт йигит бостириб кириб, «Ўғлингиз биздан шунча миқдорда қарз олган, агар бутун қайтармасангиз ўлдирамиз», дейишади. «Ўлдирсанглар ўлдираверларинг», дейди ота. Қарздорни ўлдиришдан нима фойда? Ўлади – кетади. Қарз берган пулига куйиб қолаверади. Демак, кутишдан, талаб қилишдан ўзга чора йўқ. «Боламни ўлдирсанглар ўлдираверларинг», дегувчи ота буни билгани учун ҳам қарзни қайтаришни ўйламайди. Ўғил-ку, ёш, қарзни қайтармаслик қанчалик гуноҳ эканини фаҳм этмас. Турмушда кўп нарсани кўрган ота-чи? Наҳотки, ўғлини гуноҳдан асраб қолишни ўйламаса? Қарз бергувчилар уни ўлдиришмас, тақдирга тан берарлар балки. Лекин қарзни қайтармай лафзига хиёнат қилгани учун Аллоҳ томонидан берилажак жазодан наҳот қўрқмаса?

Бир гиёҳванд йигит тўсатдан вафот этади. Жаноза намози ўқилишидан олдин имом-хатиб одат бўйича «Болангиз ҳаётлик чоғида қарз кўтарган бўлса, қайтаришни зиммангизга оласизми?» деб отадан сўрайди. Ўғлининг ўлиги тепасида, жамоат гувоҳлигида ота қарзни тўлашни зиммасига олади. Лекин қарз берганлар ҳақларини талаб қилиб келишганда «Қарзни ўғлимга бергансанлар, гўрига бориб талаб қилиб олаверларинг», дейди. Пул ҳамма нарсадан ширинроқ, қадрлироқ, азизроқми? Наҳот фарзандига боқий дунё азобларини раво кўрса?! Ахир фарзанднинг оёғига тикан кирса, ота-онанинг қалбига санчилгандай бўлади-ку! «Боламнинг қарзини тўлайман», деб тобут устида сўз берган ота кўпчилик ҳузурида берилган ваъданинг ўзи кифоя қилмаслигини, ваъда ижро этилгачгина боласи зиммасидаги қарздан соқит бўлган ҳолда у дунёга кетишини билмасмикин? Охират саодатини арзон-гаровга сотаётганини наҳот фаҳм этмаса бу одам?

Бир латифа бор: Анвар деган йигит Асқар деган дўстига қарз беради. Қарзни қайтариш муҳлати ўтади. Асқардан эса дарак йўқ. Анвар унинг уйига бориб, ҳақини талаб қилади. Асқар аҳволи хароблигини баён қилиб кўзига ёш олади. Унга раҳми келган Анвар қарзнинг бир қисмидан воз кечиб, янги муҳлатни белгилайди. Бу муҳлатда ҳам қарз қайтарилмагач, дўстининг уйига яна келади. Асқар яна фиғон қилади. Анвар яна қарзнинг бир қисмидан кечади. Шу тарзда қайта-қайта келиб қарзнинг учдан биридан воз кечади. Охирги қисмини талаб қилганида Асқар унга қараб ўпкалайди: «Бунча бесабрсан, бунча шошилсан! Ахир секин-секин тўлаяпман-ку, чида. Яна озгинаси қолди».

Бу-ку, ҳазил. Ўртада пул можароси бош кўтарганда ҳазилга ўрин қолмайди. Дўст дўстга, ака укага, ҳатто ота болага душман бўлиб

қолиши ҳеч гапмас. Қарзни қайтаришни истамайдиган тоифа муттаҳамликнинг турли йўларини ўзлаштирган бўлади. Бир йигит дўстига қарз беради-ю, ундира олмай қийналади. Чорасиз қолгач, отасига воқеани баён қилиб маслаҳат сўрайди. Шундан сўнг ота-бола қарздорнинг уйига бориб қатъий талаб қўядилар. Ҳатто қўрқитиш ниятида дўқ-пўписа қилиб, муҳлатни белгилайдилар. Виждон фазилатига бегона қарздор эса милицияга мурожаат этиб, уларни таъмагирликда, босқинчиликда айблади. Оқибат шундай бўладики, қарзини ундириш учун келган ота-болага милиция томонидан тайёрланган, махсус бўёқ сурилган пуллар берилади-ю, улар «жиноят устида қўлга тушган товламачи-таъмагирлар» сифатида қамоққа олинадилар. Қарздор аввалги гуноҳига энди тухмати учун яна гуноҳ ёзилганини, Қиёматда бунинг азоби янада ёмон бўлишини тасаввур ҳам қилмагандир. «Гуноҳлари учун Худонинг жазо беришини» билмас эди, дея олмаймиз. Чунки бу ҳақда кўп гапирилади. Улар охиратдаги азобни эшитганлар, фақат ишонмайдилар. Ишонганларида қўрққан бўлар эдилар.

Қарз бериб бировнинг ҳожатини чиқарган кишининг ҳиммати-га балли, деймиз. Лекин ҳиммат савобини миннат гуноҳи билан ювиб ташлайдиганлар ҳам борки, бундан огоҳлантириб қўйиш керак бўлади. Қарз берган бир одам тўйми, маъраками, қаерда бўлса ҳам қарздор дўстини маломат қилаверади. Бундан ранжиган дўст «Ҳеч бўлмаса бегона одамлар орасида гапирмагин», деса, у: «Пулимни қайтариб бермагунингча тинмайман. Ўлсанг, кўмиша-ётганда гўрингнинг тепасида туриб ҳам гапираман!» дейди. Уларнинг жанжалига гувоҳ бўлаётган учинчи дўст унга «Ўзинг ундан олдин ўлиб қолсанг-чи?» деб сўрайди. Қарз берган одам шунда ҳам бўш келмай: «Ўғлимга тайинлаб кетаман, ўғлим гапиради!» дейди. Шунда учинчи дўст уларни мурасага келтириш учун қарз берувчига дейдики: «Дўстим, биз болаликдан бирга ўсганмиз. Сен берган пулингга ҳозир муҳтож эмассан. Бу дўстимизнинг топар-тутари яхши бўлганда уйида кўп меҳмон бўлганмиз. Ҳозир қўли калталиқ қилиб турибди. Тўғри, берган пулингни талаб қилишга ҳақинг бор. Лекин инсоф билан сўра, дўстимизни бировларнинг олдида мулзам қилма. Дўстимизнинг бу аҳволга тушиб қолгани аслида бизлар учун ҳам иснод. Сен, яхшиси, берган қарзингдан Аллоҳ Таолонинг розилиги учун кечгин-у, охиратингни янада обод эт». Агар шайтон кишининг кўзи олдида пулдан парда тортиб қўйса, қийин экан. Охират боғлари ҳам кўринмай қоларкан. Қарз туфайли дўстларнинг ораси бузилди, Қиёмат азоби нақд қилиб қўйилганига эса эътибор бермадилар.

Бошқа бир ибратли воқеага ўзим гувоҳ бўлган эдим. Ёши ўттизга етмаган кишининг жанозасида имом-хатиб майитнинг акасидан қарзни адо этишни сўраб бўлгач, шу кўчада яшайдиган отахон олдинга чиқиб дедиларки: «Биродарлар, бу укамиз мендан фалон сўм қарз олган эдилар, сизлар гувоҳ бўлинглар, мен Аллоҳнинг ризоси учун бу қарздан кечдим. Мен бу хонадонга зинҳор қарзимни талаб қилиб кирмайман, хижолат бўлмасинлар». Баъзи бировлар «шу гапини марҳумнинг акасига секин айтса бўларди-ку», деб ҳам қўйишди. Лекин, бизнингча, ибрат юзасидан қаралганда, отахоннинг бу ишлари айна муддао бўлди.

Қарз олиш ва бериш қадимдан мавжуд. Шу боис ҳеч бир замонда бу масала эътибордан четда қолдирилмаган. Аниқ тартиблар жорий этилган. Афсуски, бугунга келиб бу тартибларга риоя қилинмайди. Шу тартиблардан бири – қарзни гувоҳлар иштирокида бериш. Айримлар «қариндошим-ку», дейди, бошқалар «яқин дўстим», деб ишонади, гувоҳларсиз қарз беради ва бунинг оқибатида ойлар, ҳатто йиллар давомида пулини ундиrolмай сарсон бўлади. Бировлар тилхат ёзиб бериб ишонтиради. Гувоҳлар ва нотариус тасдиқламаган бу тилхатнинг ҳеч бир қуввати йўқ. Шундай муттаҳамлар ҳам борки, қарз берувчини ишонтириш учун паспортини қолдиради ва... бир ҳафта ичида «хужжатимни йўқотдим», деб янғисини ололади.

Қарз олди-бердисига доир машмашаларнинг келиб чиқиш сабабини жоҳилликдан қидириш керак. Агар кишида илм бўлса ва бу илмига амал қилса ёки илм олишга интилувчилардан бўлса, тўғри йўлдан юради ва боши ғавғолар дўлига учрамайди.

Қуръони Каримнинг «Бақара» сурасидаги «Ояти мудояна» – «қарз олди-бердиси ояти» номини олган оятда турмушда тез-тез учраб турадиган, одамни одамга душман қилиб қўйишга, ҳатто жонига қасд қилишга қодир бу масаланинг одилona ечими кўрсатиб берилган.

Умидимиз юлдузлари, сиз бу ёшда мазкур муаммога дуч келмасангиз-да, яқин келажакда ё қарз берувчи ё қарз олувчи ёки бу жараёнда гувоҳ бўлишингиз мумкин. Демак, бу жараёнга доир тўғри тартиб-қоидаларни ҳозирдан билиб олсангиз фойдаланган холи бўлмайди. Шуни назарда тутиб, Қуръони Каримдаги энг узун оятнинг маъносини «Тафсири ҳилол»дан фойдаланган ҳолда, шошилмасдан, атрофлича ўрганишга ҳаракат қилиб кўрайлик:

Ояти кариманинг «Эй, мўминлар!» (Муҳтарам уламоларимиз «Эй, иймон келтирганлар!») деб ҳам таржима қилишганким, ҳар икки хитоб бир-бирига зид эмас, балки айна бир маънони англатади.

Яъни иймон келтирган банда мўмин бўлади) деб бошланишида ҳам ҳикмат бор.

«Эй, мўминлар! Бир-бирларингиз билан қарз беришиб муомала қилган вақтларингизда у қарзларингизни адо қилиш муайян бир вақтгача маълум бўлса, у қарзларингизни ҳужжат тариқасида ёзинглар». Бу жараёнда қарз олувчи билан қарз берувчининг номи, албатта, ёзилиши керак. Қарзнинг миқдори, қайтарилиш муддати қачон экани аниқ кўрсатилиши шарт. «Сизларнинг ўрталарингизда қайси бирларингиз котиб бўлсангиз, адолат билан ёзсин», яъни қарз миқдорини кўп ёки оз қилмасдан, тўғри ёзсин. Демак, қарз олди-бердиси ҳақидаги ҳужжатни қарз олувчи ҳам, қарз берувчи ҳам ёзмайди. Балки, бу вазифани учинчи – холис бир шахс адолат билан бажаради. Қарз олди-бердисига доир ишлар одатда кишига озми-кўпми ташвиш келтириши маълум. Шунинг учун айрим биродарлар оқибатда бош оғриғи бўладиган ишдан ўзларини четга олишни маъқул кўриб, ёзувчи сифатида иштирок этишни истамайдилар. Ана шу ҳол эътиборга олиниб, дейиладики: «Ҳеч бир котиб Аллоҳ унга билдирганидек ёзишдан бош тортмасин, албатта, ёзсин». Демак, ёзишни биладиган одам ёзишдан бош тортмаслиги керак. Чунки унга ёзмоқ илми ато қилинган экан, энди шу неъматнинг шукронасига ёзишдан ибo қилмаслиги лозим. Бу иш – савобли иш. Жамоатга керак бўладиган ишларда ҳожатмандларнинг ҳожатини чиқаришга Одам болалари доимо тарғиб қилинадилар. Шунинг учун ҳам, котибликка таклиф қилинган инсон «Бас, ёзсин ва ҳақ зиммасига тушган киши айтиб турсин, Роббига тақво қилсин ва ундан ҳеч нарсани камайтирмасин». Котиб бўйнида қарзи бор одамнинг иқрорини ёзади. У Парвардигорининг азобларидан қўрқиши ва ҳақдан озгинагина бўлса-да, ноқис қилиб ёзмаслиги зарур. Ояти каримадаги «ҳақ зиммасига тушган киши» дейилганда қарз олувчи киши назарда тутилган. Демак, ўртадаги холис киши келиб, қарз олди-бердисини ёзаётган пайтда матни қарз олувчи айтиб туради. Бу нарсаларни қарз берувчи айтиб турса, қайси бир нуқтада гапни ўз фойдасига буриб юбормасин, деган эҳтиёт чораси туфайли шундай қилинади. Қарз олувчи муҳтож бўлиб тургани учун бундай қилмаслиги аниқроқ. Чунки у муомаланинг тезроқ амалга ошишига муҳтож.

Баъзан қарз олувчи кишининг эси паст ёки кар-соқов бўлиши мумкин ёки молиявий ишлар тадбиридан беҳабардир ёки ёш боладир ёки кексадир, мақсадни баён этишга лаёқати йўқдир, балки тилида, сўзлашувида нуқсон бордир... Шу боис иқрорини аниқ баён эта олмас. Бунақа ҳолатларда ўша одамнинг валийси – ҳомий

вакили адолат билан айтиб туриши керак бўлади. Чунки валийлар бошқа ишларда ҳам ўз қарамоғидагиларнинг масъулиятини оладилар: «Агар зиммасига ҳақ тушган киши эси паст, заиф ёки айтиб тура олмайдиган бўлса, унинг валийси адолат билан айтиб турсин». «Ва сизлар рози бўладиган адолатли гувоҳлардан икки эр кишини, агар икки эр киши бўлмаса, бир эр киши ва икки аёл кишини – бири унутиб адашса, яна бири унга эслатади – гувоҳ қилинлар».

Молияга оид олди-берди чоғида орага молу пул, демакки, нафс аралашгани учун ҳам бу масалани адолат йўсинида ечиш гоят жиддий аҳамиятга эгадир. Бу ишда бир одамнинг иккинчи одам ҳақини еб кетиши йўли ҳар жиҳатдан тўсилиши лозим. Бунинг учун адолатли котибга ёздириб қўйиш кифоя эмас, бу жараёнда икки эр кишининг гувоҳ сифатида иштирок этиши шарт. Гувоҳликка ҳамиша адолатли кишилар ўтишлари зарур. Шариат ўлчо-вида адолатсиз бўлган кишининг гувоҳлиги қабул қилинмайди. Гувоҳларнинг эр киши бўлиши таъкидланишининг ҳам ҳикмати бор. Ҳақиқий исломий жамиятда юқоридаги каби серташвиш, хархашали ва масъулиятли ишлар одатда эр кишилар зиммасига юклатилади. Исломда аёл киши мол-дунё ташвишини чекишдан умуман озод этилган. Қарз олди-бердиси, ёзиб қўйиш ва шунга ўхшаш ташвишли ишлар билан муслималар безовта қилинмайди. Аммо кутилмаган ҳолда ён-атрофда гувоҳликка ўтадиган икки эр киши топилмай қолиши мумкин. Шундагина икки аёл бу ишга жалб қилинади. Ояти каримада гувоҳларнинг адолатли бўлишлари устига, яна муҳим шарт қўйилади: қарз берувчи ҳам, қарз олувчи ҳам гувоҳлардан рози бўлишлари керак. Кейинчалик бирор келиш-мовчилик чиқиб қолса, «гувоҳларга ишончим йўқ эди, бу гувоҳлар қарши томоннинг одамлари экан», деганга ўхшаш гапларга ўрин қўймаслик учун бу ишонч қарор топиши зарур.

Ояти каримадаги икки аёл кишининг гувоҳликка ўтиши масаласида баъзан тушунмовчиликлар бўлиб туради. «Ислом аёлни тўлиқ одам ўрнида кўрмайди, шунинг учун гувоҳликка ўтишда икки аёлни бир эр киши билан тенглаштирган», деган бемаъни ва асоссиз даъво ҳам учраб қолади. Аслида эса мутлақо ундай эмас. Шариатда шундай ишлар борки (мисол учун: идда, туғиш, эмизиш каби масалалар), унда мингта эр кишининг гувоҳлиги ўтмаса ҳам, битта аёлнинг гувоҳлиги ўтади. Агар шу ҳукми ушлаб олиб, «Ислом эр кишиларни одам ўрнида кўрмайди, чунки фалон-фалон ишларда уларнинг гувоҳликлари қабул эмас», дейилса кулгили-ку! Ояти

каримада мавзу серташвиш ва ўта масъулиятли ҳисобланган қарз олди-бердиси, хусусан, гувоҳлик ҳақида бораётганини унутмаслик керак. Таъкидки, аёллар бундай «бошоғриқ» ишларда қатнашиб ўзларини қийнамаганлари дуруст. Зарурат туфайли иштирок этган тақдирларида ҳам эҳтиёт чораси юзасидан бир эмас, икки аёл жалб қилинади. Ҳеч кимга сир эмаски, аёл кишининг кўнгли бўш, таъсирчан, меҳри дарё бўлади. Оналик учун зарур бўлган бу сифатлар талашиб-тортишиш ва уруш-жанжалда тескари натижа бериб қолиши ҳам мумкин. Агар икки киши бўлсалар, бирлари ниманидир унутсалар иккинчилари эслатиб, гувоҳликни адолат билан адо этадилар. Айнан мана шу эътибордан қарз олди-бердисида икки аёл гувоҳ бўлиши шарт қилинганки, ўзгача маънолар ахтариб адашмаслик керак.

Орамизда гувоҳликни ортиқча машмаша, кераксиз бош оғриғи деб ҳисобловчи ва бу савоб ишдан бўйин товлочилар ҳам топилиб туради. Шундайларга қарата ояти каримада *«кимки гувоҳлик учун чақирилса, бу вазифадан бош тортмасин»*, деб алоҳида таъкидланади. Бу Аллоҳ Таолонинг амри экани эътиборга олинса, бунга амал қилмаган инсоннинг гуноҳкор бўлиши ойдинлашади. Ҳақиқатни, адолатни ҳимоя қилиш учун гувоҳликка ўтиш улкан савоб ҳисобланади. Бу хусусда Пайғамбаримиз (с.а.в.): «Сизларга энг яхши гувоҳ кимлигини айтиб берайми? Бу вазифага таклиф этилмай туриб шаҳодат беришга рози бўладиганлар энг яхши гувоҳлардир», деганлар.

Котиблар қарзларнинг миқдори хоҳ кўп, хоҳ оз бўлса-да, то муайян вақтга қадар олинганини аниқ ёзиб қўйишдан малолланмасликлари зарур. Мана шундай муомала қилишлар Худонинг наздида адолатдир, гувоҳлик бермоққа тўғридир. Эҳтимол, қайсидир котиб пулнинг миқдори кам бўлгани учун ёзишдан эринибми ё «эслаб қолдим, кейин ёзиб қўярман», дебми ё «озгина қарзни ёзиш шарт эмас» деган хаёлда ёки бошқа баҳонани рўкач қилмаслиги лозим. Қарз миқдоридан қатъи назар, ёзиб қўйилиши шартлиги Қуръони Каримда таъкидланяптими, демак, ҳеч бир гап-сўзга, баҳонага ёки мулоҳазага ўрин йўқ – ёзиб қўйилиши шарт! Шунда шубҳага ўрин қолмайди.

Аммо юриб турган савдо ишлари бўлса, ёзиш шарт эмас. Чунки ҳамма нарса аниқ: савдо жараёни тез-тез такрор бўлиб туради, мол ҳам ўз ихтиёрида. Савдо жараёнининг ҳар бирини ёзадиган бўлса, иш қийинлашиб кетади. Шу боис ояти каримада дейиляптики: *«Магарки, олди-бердиларингиз тижорат тариқа-*

сида нақдма-нақд бўлса, ёзмасангизлар ҳам сизларга ҳеч зарари йўқдир. Аммо бир-бирларингиз билан олди-берди қилган вақтларингизда гувоҳ келтиринглар. Шаҳодат бермоқликда гувоҳларга ва котибларга зарар етказилмасин». Савдо ишларига гувоҳлик келтириш ҳақидаги ҳукмни уламолар «мандуб» деганлар. Сотувчи билан харидор ўртасида баъзи келишмовчиликлар пайдо бўлиб қолса, гувоҳлар ҳақни ўрнатишда ўз гувоҳликлари билан ёрдам берадилар. Ўрганаётганимиз ояти каримада котиб ва гувоҳларга вазифа юклатилди. Уларга бу хизматдан қочмаслик таъкидланди. Навбатдаги жумлада эса котиб ва гувоҳларнинг ҳақлари ҳимоя қилиняпти. Улар котиблик ва гувоҳлик қилаётганларида зарар кўрмасликлари керак. Одатда котиб ва гувоҳлар савоб умидида вақт сарфлаб, меҳнат қиладилар. Лекин баъзан бало ва тухматларга ҳам қоладиларки, бундай ҳол авом тилида «емаган сомсага ҳақ тўлаш» дейилур. Хайрли ишга бел боғлаганларнинг хотирини жам қиладиган, бу савобли ишга қизиқтирадиган ваъда ҳам айтилмоқда: «Агар бунинг аксини қилсангиз, яъни улардан биронтасига зарар етказсангиз бу Аллоҳга итоатсизлигингиздир». Бу демак, котиб ва гувоҳга зарар келтирган шахс, фосиқлик қилган, Аллоҳ Таолонинг амридан чиққан бўлади.

Кимса сафарда эканида қарзга муҳтож бўлиб қолса нима қиладиди? Қуръони Каримда бунга ҳам жавоб топамиз. «Бақара» сура-сининг икки юз саксон учинчи оятида бу маънони ўқиймиз: «Бас, агар сафар узрасида бўлсангизлар ва ёзувчи котибни топа олмасангизлар, бир-бирларингизга қарз ё омонат берганда бир-бирларингиздан гаров олинглар. Агар баъзиларингиз баъзиларингизга омонатдор бўлсангизлар ва гаров олмасангизлар, бас, у ҳолда омонат олган киши ё қарз олган киши Аллоҳдан қўрқсин-да, омонатни эгасига топширсин ё қарзни адо этсин. Э, шоҳидлар, шаҳодатни (гувоҳликни) яширмай адо этинглар. Ҳар кимки шаҳодатни адо этмасдан, дилида яширар экан, унинг дили гуноҳкордир. Аллоҳ Таоло амалларингизни билгувчидир».

Сафарда ўзига яраша қийинчиликлар, ҳатто кутилмаган фожиалар юз бериши мумкин. Ана шунда қарз олишга муҳтож одам, бирон кишидан умидвор бўлади. Инсоф эгаси унга ёрдам беришга тайёр, аммо аввалги ояти каримада зикр қилинган шартни бажаришга, яъни олди-бердини ёзиб қўйишга котиб йўқ. Мазкур ояти карима бундай шароитда ноқулай ҳолатдан чиқишининг йўлини кўрсатади: қарз берувчига қарз олувчи гаровга нимадир беради. Гаровга қолдирилган нарса қарзни эслатиб туради, унинг тониб кетмаслигига сабаб бўлади. Воқеа сафарда юз бераётгани учун

ўртада ёзувчи котиб бўлмаса ҳам муҳтож одамга ишониб қарз берилаверилади. Қарздор эса қарз берувчига ишониб гаровга бирон нимасини топширади. Бу ҳолатда икки тараф ҳам бир-бирига ишонади ва омонат қўяди. Таъбир жоиз бўлса, ҳар иккала томон ҳам бир-бирининг иймон эгаси, ҳалол одам эканига ишонади. Энди икковлари ҳам омонатни адо этишлари, Аллоҳга – Роббиларига тақво қилишлари керак. Бу ўринда яна бир карра тақво – Худонинг жазосидан қўрқиш лозимлиги эслатилмоқда, ҳамма ишларда тақво асос сифатида зикр қилиняпти. Ояти каримада таъкид этилган «гувоҳликни беркитмаслик» – қозининг ҳузуридаги гувоҳликдир. Яъни, қарз ёки тижорат ишларида гувоҳликдан қочиш ёки бўйин товлаш ярамайди. Мабодо, мазкур ишда келишмовчилик чиқиб қолиб, тарафлар қозига мурожаат қилишса, албатта, қози гувоҳни чақиради. Шунда гувоҳликни беркитмаслик керак. Ким гувоҳликни беркитса, унинг қалби гуноҳкордир, дейилишига сабаб – гувоҳлик ёки уни беркитиш қалбга боғлиқ ишдир.

Афсуски, бандалар орасидаги қарз олди-бердисига доир йўл-йўриқ аниқ белгилаб берилган бўлса-да, баъзи ҳолатларда айрим одамлар адашиб қоладилар. Белгилаб қўйилган тўғри йўлдан юриб саодатга етиш ўрнига, шайтон йўлидан юриб балога гирифтор бўладилар. Бошқаларни қўйиб турайлигу «мусулмонман», деб юрганлар ҳам аксар пайтларда ўзларининг айблари туфайли қарз муомаласи юзасидан турли мушкулотларга дучор бўладилар. Улар одамийлик талабларига биноан иш тутмаганлари учун бир-бирларининг молларини ейдилар, уруш-жанжалларга қўмиладилар.

Баъзилар қарз сўраётганида муҳтожлиги сабабини айтади. Айримлар «пул зарур бўлиб қолди», дейиш билан чекланади. Бизнингча, сабабини очиқ айтган маъқул. Қарз берувчи эҳтимол шунга қараб бирон чора кўрар. Масалан, қарз сўровчи тўй қилмоқчи-ю, қўли калта. Бу ўринда қарз берувчи пул сўраётган биродарига тўйни дабдаба билан эмас, камтарона ўтказишга даъват этиши керак. Агар сўровчи яқин қариндош ёки дўст бўлса, илтимос қилинаётган маблағнинг маълум бир қисмини ҳадя сифатида берса нур аланнурдир. (Масалан, беш юз минг сўм сўралаётган бўлса, шунинг юз ёки икки юз минг сўми ҳадя, қолгани – қарз). Агар банда ҳиммати баланд, саховатли бўлса, барча офирликларни зиммасига олар.

Яна бир одам ўтган марҳумларини эслаб «йигирма оши» ёки «йил оши» ўтказиш учун қарз сўраяпти. Қарз берувчи «савоб иш экан», деб дарров пул санаб бермасдан, сўровчи биродарини бу маърака-

ни қилишдан қайтариши шарт. «Худойи», «эҳсон», деб номланувчи бундай бидъат маъракалар қарз олиш эвазига қилинмаслигини тушунтириши зарур. Бундай маърака учун қарз берилмагани маъқул. Чунки худойи-эҳсон ўз тирикчилигидан орттирилганда қилинади. Аслида фазилатли амал бўлган «худойи» ёки «эҳсон» қарз эвазига қилинса, жоҳиллик кўринишини олиб, ўзининг ўша гўзал фазилатини йўқотади, қарздорнинг оиласини қийнайди, муҳтожлигини янада оширади, тирикчилиги янада оғирлашади.

Энди қарз берувчиларнинг имтиҳони ҳақида воқеа. Наманганлик бир яхши одам тошкентлик дўстига катта миқдорда қарз берган экан. Қарз бериш жараёни шариатга кўра, икки эр киши гувоҳ иштирокида бўлган. Қарзни қайтариш муддати аниқ белгиланган. Лекин қарздорнинг иши юришмай, пулни ўз вақтида қайтара олмаган. Орадан ойлар ўтавериб, қарзни қайтариш муддати бир неча марта ортга сурилган. Охири наманганлик яхши киши икки гувоҳни ёнига олиб, қатъий талаб қилиш мақсадида Тошкентга келган. Қарздорнинг уйига келиб қарасаки, у оғир хаста. Қарздан сўз очмай, беморни безовта қилмай изларига қайтадилар. Шунда одамийлик фазилатларига эга бўлган у яхши одам ҳамроҳларига дейдики: «Сизлар қарз бераётганимда гувоҳ эдинглар, яна гувоҳ бўлингларким, мен бу қарздан кечдим!» Олижанобликнинг олий намунаси шундай бўлади! Улар Наманганга қайтишгач, инсоф эгаси тўсатдан вафот этадилар. Бу хабарни эшитган қарздорнинг ўғиллари таъзияга келиб, маъюсланадилар. «Отамиз бу кишидан қарз эдилар», деб йиғлашганида гувоҳлар марҳумнинг қарздан кечганини маълум қилиб, уларни хижолатликдан қутқарадилар.

Биз-чи? Биз шундай қила оламизми?

Қарз-олди бердисида четлаб ўтиш мумкин бўлмаган яна бир муҳим масала бор. Бировга қарз бериб, ҳожатини раво қилиш савоб. Аммо берган бир сўмини икки сўм қилиб қайтариб олиш оғир гуноҳлардан ҳисобланади. Тилимизда «судхўр» деган атама мавжуд. «Суд» – «фойда», «баҳра», «наф» деган маъноларни англади. «Суд айла» дейилганда «фойда етказ», «судманд» дейилганда эса «фойдали» деган ижобий маънолар тушунилади. «Суданпеша» – фойда кетидан қувувчи, **«судхўр»** эса **фойда еювчи** деган салбий маъноларни беради. Қуръони Каримда бу маънодаги атама «рибо» деб баён қилинади. «Рибо»нинг араб тилидаги луғавий маъноси «зиёда», «ошиқча» демакдир. «Судхўр» деймизми ё «рибохўр» деймизми, бари бир, ҳар иккиси ҳам бир хил гуноҳкор, ўзганинг молини ноҳақ ейдиган кишига берилган номдир.

Расулulloҳ (с.а.в.) бу хусусда айтдилар: «Кумуш ўзига тенг кумуш билан айирбошланади, ортиқчаси судхўрликдир. Буғдой ўзига тенг буғдой билан айирбошланади, ортиқчаси судхўрликдир». Кейин донни, хурмони ва тузни ҳам зикр қилдилар. Сўнг айтдилар: «Ким зиёда қилса ёки зиёда қилишни сўраса, рибо қилибди».

Қарз берувчининг қарздордан маълум вақт муқобилига асл моли устига оладиган фойдаси ҳаром ҳисобланади. Ҳозирги «замонавий тил»да бу амал «фоиз олиш» деб таърифланяпти. Қарз сўраган одамга қарз бергувчи «устига ўн (ёки йигирма, ўттиз...) фоиз қўшиб қайтарасан», деб шарт қўяди. Яъни, юз доллар олган одам қарзини бир юз ўн доллар қилиб қайтаради. Ўша ўн долларни «рибо» деймиз ва бу фойдани ейиш ҳаром ҳисобланади. Устига фоиз қўйиб қайтариш – рибонинг энг осон усули. Бугунги олди-берди муомалада даҳшатли шартлар бор: «Икки ҳафтадан сўнг олган пулингнинг устига ўн фоиз қўшиб қайтарасан, белгиланган кунда қайтармасанг, ҳар бир кунига яна беш (балки ўн) фоиз қўшилиб бораверади!» Омма тилида «счётчикка қўйилди», деб аталувчи бу шарт қарздорни тамомила хароб қилиб ташлайди.

Қаранг, бир бечора муҳтожлик юзасидан қарз сўраяпти. У айни чоқда сўраётгани юз минг сўмни топишга ҳам ожиз. Ўн (ёки йигирма) кундан кейин шу миқдордаги қарзни қайтарса ҳам катта гап. Лекин ундан бир юз ўн минг сўм қилиб қайтаришни шарт қилиб қўйишган. Муддатида бу маблағни топа олмадими, демак, бир ҳафта-ўн кун орасида қарзи икки, ҳатто уч баробарга кўпаяди... Шу инсофданми? Бир бечорани қақшатиб топилган фойда – ҳаром луқма дўзах оловига бошлашини банда наҳот билмаса?

Сиртдан, юзаки қаралса, савдогар билан судхўрнинг касби-кори бир-бирига яқинга ўхшаб кўринади. Ҳолбуки, ундай эмас. Тўғри, «кимдан қарз кўтарсам экан?» деган муаммо юзага келганида кўпчилик савдогарга мурожаат қилади. Чунки савдо аҳлида озми-кўпми, доимо пул бўлади. Эҳтимол, савдогарлар орасида кимдир рибохўрлик ҳам қилар. Лекин шу баҳонада савдо аҳлини судхўрлар билан бир гуноҳ қайиғига ўтқазиб қўйишимиз адолатдан эмас. Мана шу ҳолатни инобатга олган савдогар тижорат қилиш учун зарур бўлган миқдордаги илмни эгаллаши лозим. Судхўрлик билан эмаслик, ҳалол ва ҳаром орасини ажратиш, молига ҳаромни аралаштирмаслик, ҳаром молдан сақланиш, тўғрилиқ ва ёлғончиликни билиб олиш, суннат ва бидъатни фарқ қилиш, куфр ва иймонни ажратиш учун илм олиш зарур бўлади. Агар бундай илмдан бебаҳра бўлса бирон киши қарз сўраб келиб «ҳожатимни чиқарсангиз, фалон сўм фойдасини ҳам бериб хурсанд қиламан», деса бу «хурсанд бўлиш» эвазига гуноҳга ботиб қолишини билмай-

ди. Пайғамбаримиз (с.а.в.) бу хусусда айтганлар: «Ким дин илмини ўрганмасдан олдин савдогарлик қилса, у рибога тушибди, рибога тушибди, рибога тушибди!» Яъни, унга чўкиб кетибди.

Нафс бандалари пул-моллари янада зиёда бўлиши учун судхўрлик қиладилар, чўнтакка тушаётган фойдани тийинма-тийин санаб, кўпаяётганидан қувонадилар. Аслида эса судхўрнинг пули ҳисоб жиҳатидан кўп бўлса ҳам, унинг баракасини кўтарилиб, эгани ўзига юқмайдиган қилиб қўйилади. Судхўр турли хасталикларга дучор қилинади, тинчлиги, хотиржамлиги олинади. Пайғамбаримиз (с.а.в.): «Рибо гарчи кўпайса ҳам, оқибати, албатта, озайишга қайтади», деб огоҳлантирганлар.

Ночор одамларнинг бойишини сабр билан кутиш аъло фазилат, бу қарзни кечиб юбориш эса ундан ҳам аълороқ. Пайғамбаримиз (с.а.в.) бу хусусда бундай деганлар: «Кимки Ўзининг ҳимоясидан бошқа ҳимоя бўлмаган кунда Аллоҳ уни Ўз ҳимоясига олишини хоҳласа, ночорга енгиллик туғдирсин ёки ундан кечиб юборсин». Яна деганларки: «Одамларга қарз берадиган бир савдогар бор эди. Агар ночор кишини кўрса, хизматкорларига ундан кечиб юборинглар, шоядки, Аллоҳ Таоло биздан ҳам кечиб юборса, дер эди. Аллоҳ Таоло унинг гуноҳларини кечди».

Исломдаги аввалги жоҳилият замонасида судхўр бойлар камбағалларга фоиз эвазига қарз берар эдилар. Ҳофиз ибн Кавсар (р.а.) ривоят қилишларича, берилган қарзнинг муддати тугаб қолганда қарз берувчи қарздордан «Ёки қарзингни тўла ёки рибони кўпайтир», деб талаб қилар экан. Тўласа тўлади, бўлмаса, қарз муддатини чўзиш эвазига рибонинг миқдорини ҳам кўпайтирар экан. Бечорани адо қилолмайдиган қарзга ботириб қўйиб, то ўлгунча фоизини олиб ер экан. Шундай нафси бузуқ инсонларга қарата Аллоҳ «Азъофан музоъафатан» – фоизни устама, зиёда қилиб олиб еманглар, дейди. Бундан «озгина ейиш ҳалол» деган маъно англашилмаслиги керак. Нафси бузуқ айрим кимсалар мазкур оятни ушлаб олиб «Аллоҳ Таоло Қуръони Каримда: «Рибони бир неча баробар қилиб еманг», деган, демак, бир неча баробар оширмай, маълум фоиз эса бўлаверади, деган даъволарни ҳам қиладилар. Бу жоҳилликдандир, Аллоҳ ҳаром этган нарсани ўзига ҳалол қилиб олиш йўлидаги гаразли ҳаракатдир. Бошқа оятларда рибонинг ҳатто сарқитини ҳам тарк этиш буюрилгани ҳолда озгина рибога ижозат берилар эканми? Бундайларга йўғон миҳнинг ҳам, қилдек ингичка игнанинг ҳам кўзни кўр қилиши мумкинлигини яна қайта эслатиб қўйсак, фойдадан холи бўлмас.

Пайғамбаримиз (с.а.в.) рибони олганни ҳам, берганни ҳам, рибо олиш–беришида гувоҳлик ва котиблик қилганни ҳам лаънатлаганлар.

Шундан кўринадики, гуноҳкор фақат судхўрнинг ўзигина эмас экан. Пора олган ва берган қандай гуноҳкор бўлса, судхўр билан бир қаторда рибо эвазига қарз олишга рози бўлган ҳам, бу жараёнга гувоҳлик қилганлар ҳам жазога лойиқ эканлар. Агар фоиз хусусиндаги аҳдлашув икки томон ўртасида оғзаки ҳамда пинҳона равишда қилиниб, гувоҳлар ва котиб бу нолайиқ аҳдлашувдан беҳабар бўлсалар уларга гуноҳ йўқдир. Агар бу аҳдлашувни эшитиб қолсалар ёки судхўр бу қарорни хатга туширишни талаб қилса, уни бу гуноҳдан қайтаришга уриниб кўришлари зарур. Қайтмаса, гувоҳлик ва котибликдан воз кечганлари дуруст. Расулulloҳ (с.а.в.) «Рибонинг етмиш икки эшиги бор. Гуноҳлиги жиҳатидан энг енгили ҳам кишининг ўз онаси билан алоқа қилгани кабидир. Ҳолбуки, чинакам фоизнинг энг оғири, кишининг ўз мусулмон биродарининг иффати ва номусига тегишидир», деб огоҳлантирганлар.

Виждонли бир кишининг номуси ва ҳурматига тажовуз қилиш... Ўз онасига никоҳланишни одам тасаввурига ҳам сиғдира олмайди. Демак, **судхўрликнинг гуноҳи ҳам тасаввурга сиғмас даражада!** Ўз онаси билан алоқа қилган малъунни дунё қонунлари жазога тортмайди. Аммо бировнинг номусига тегиш, ҳурматини поймол этишнинг жазоси бор. Ажабки, рибонинг жазоси йўқ. Жазонинг бу фоний дунёда йўқлиги жазодан бутунлай қутулиб қолиш мумкин, деган гап эмас. Ўзингиз ўйлаб кўринг: шарафли ҳадисда қайд этилганига кўра, кишининг берган қарзи эвазига бир чақа бўлса-да фоиз олиши Аллоҳ Таолонинг наздида ўттиз олти марта зино қилганнинг гуноҳидан ҳам ёмонроқ экан, жазодан қутулиб қолиши мумкинмикин?

Рибохўрлик икки кишининг орасида бўлиб ўтадиган кичик гуноҳ эмаслиги аён. Энг муҳими – бу гуноҳ амал жамиятга ҳам салбий таъсир кўрсатадики, буни ҳам унутмаслик шарт. Пайғамбаримиз (с.а.в.): «Қайси жамиятда рибо кенг тарқалса, у миллат етишмовчиликка мубтало бўлади», деб огоҳлантирганлар.

Абдурахмон ибн Собит айтадилар: «Қавм тўрт нарсани ҳалол санаса, унинг ҳалок бўлишига изн берилади: тарозидан уришни; ўлчовдан камайтиришни; зинони ошкора қилишни; рибони ейишни. Зинони ошкор қилсалар – уларга вабо етади; тарозидан уриб, ўлчовдан камайтирсалар – ёмғирдан маҳрум бўладилар. Агар рибо эсалар – уларга қилич яланғочланади».

«Қарз» атамасининг фақат моддий эмас, маънавий маъноси ҳам мавжуд. Масалан, амакингиз дадангизга ёки бир дўстингиз сиз орқали бошқа биродарига салом айтиб юборса, бу саломни эгасига етказиш зиммангиздаги қарз (баъзан буни «омонат» деб ҳам

атайдилар) ҳисобланади. Ота-онанинг фарзандни боқиши, тарбия қилишини ҳам ўзига яраша қарз деб англамоқ мумкин. Гарчи тилимизда буни «қарз» эмас, балки «ота-онанинг вазифаси» тарзида баён қилишга ўрганган бўлсак-да, маънода фарқ йўқдир. Бу ўринда қарз ота-онанинг ўзигагина қайтарилмайди. Буни қандай тушунамиз? Ота-онанинг сизни боқдилар, тарбияладилар. Яхши тарбия берганлари туфайли сиз улғайганингиздан сўнг уларга меҳрибонлик қиласиз. Шунинг баробарида ўз фарзандларингизни боқиб, тарбиялашингиз ҳам ота-она зиммангизга ортган қарздан қутулишнинг бир кўринишидир. Буни ўзига хос робита десак ҳам бўлади. Бир киши ҳар куни учта нон сотиб олар экан. Бунинг сабабини сўрашганида у: «Битта нонни қарзимга, иккинчисини қарзга бераман, учинчисини эса ўзим ейман», деган экан. Бу ҳикматнинг маъноси: нонни қарзи эвазига беришида – ота-оналари назарда тутиляпти. Қарзга бериши – ўз фарзандларини боқишидир. Албатта, бу ўринда рамзий маъно бор. Ҳеч бир ота-она фарзандига «сени қарзга боқяпман, вақти келганда қайтарарсан», деб миннат қилмайди. «Боламни умид билан тарбия қиляпман, қариганимда роҳатини кўрайин», деган хайрли нияти бўлади ва бу умидини боласини асрагандай авайлайди.

Бировдан пул олиб қайтармаган одамнинг қанчалик гуноҳқорлигини биламиз, маънавий қарздан бўйин товлаган кимсанинг гуноҳи эса янада кўпроқдир. Саломга алик олиш, яхшиликка яхшилик қайтариш ҳам маънавий қарз доирасига кирадики, бунга эътиборсизлик билан қараш кишини гуноҳ ботқоғига ботириб қўйиши мумкин. Илм олишни ҳам шу доирага киритиш мумкин. Устоздан олинган илм шогирдларга қайтарилсагина, маънавий қарз бўйиндан соқит бўлади.

Моддий қарз олди-бердисига доир барча масалаларни мухтасар тарзда қамраб олиш гоят мушкул. Айниқса, банклар фаолиятига доир жуда кўп саволларни эшитамизким, бу ва бунга ўхшаган саволларга аниқ жавоб беришга каминада мавжуд илм кифоя қилмайди. Ҳаётда қарзга доир ечими қийин масалага дуч келинганда муҳтарам уламоларимиздан, шунингдек, диний идорамиз арбобларидан жавоб олинса мақсадга мувофиқ бўлур.

Энди кундалик ҳаётимизда рўй бераётган, кўп норозиликларни, ҳатто жиноятларни туғдираётган омонатга хиёнат иллати ҳақида гаплашиб олсак. Аслида бу ҳақда аввалги суҳбатларимизда ҳам тўхталган, турли ҳикоятларни мисол тариқасида баён қилган эдим. Энди мавзуга батафсилроқ тўхталиб, аввалги баёнларни янгилари билан тўлдирсам.

*Бировнинг молини олма омонат,
Хизматинг ўзинга бўлади туҳмат.
Кишининг кийими турмас устингда,
Одамсан, одамга қилма хиёнат.*

«Омонат» сўзи «ишониб топширилган нарса» маъносини англатади. Кимсага сақлаш учун топширилган ҳар бир нарса омонат ҳисобланади. Аммо омонат фақат мол-буюмга нисбатан эмас. Шариат таклифлари ва Аллоҳ Таолонинг фарзлари ҳам омонат ҳисобланади. «Аҳзоб» сурасида «Биз омонатни осмонларга, ерга ва тоғларга таклиф этдик...» дейилганда айнан тоат-ибодатлар назарда тутилган. Пайғамбаримиз (с.а.в.) вадо хутбаларида марҳамат қилдиларки: «Сизга бир омонат қолдираман. У омонатни сақласангиз, тўғри йўлдан адашмайсиз. Бу омонат – Аллоҳнинг китоби Қуръони Каримдир!» Демак, Қуръон мусулмонларга омонатдир. Бу омонат кўз қорачиғидай асралиб, келажак авлодларга топширилиши керак. Диндан, Қуръондан ташқари жон ҳам инсонга омонатдир. Шу боис биров вафот этса, «омонатини топширди», деймиз. Яъни жонни берган Аллоҳ Таоло вақти келганда бу омонатини қайтиб олади. Ўз-ўзини ўлдирган кишилар Аллоҳ Таолонинг бу омонатига хиёнат қилган бўладилар ва қай тарзда хиёнат қилган бўлсалар, дўзахда шундай жазо оладилар. Яъни ўзини ёққан тинмай ёнади, осган ҳар кунни осилиб ўлиш азобини тотатади... Демак, жисмни турли хасталикдан ихота этиш ҳам омонатни сақлаш турларига киради.

Бандага топширилган вазифалар, бурчлар ҳам омонат саналади. Банда бу ишларни, бурчларни сидқидилдан бажариши керак. Агар лоқайдлик, эринчоқлик ёки менсимаслик билан адо этилса ҳам, омонатга хиёнат ҳисобланади.

Давлат ва халқ мулки ҳам омонатдир. Дейлик, транспорт воситасига зарар келтириш, ҳатто чизиб қўйиш ҳам омонатга хиёнатдирки, бундай шумликлардан, айниқса, болалар ва ёшлар ўзларини тийишлари керак.

Ҳадис. Ҳазрати Умар (р.а.) уйларида давлат ишлари билан машғул эканларида Абдураҳмон ибн Авф (р.а.) келиб қоладилар. Шунда ҳазрати Умар (р.а.) шамчироқни ўчириб, бошқасини ёқадилар. Меҳмон бундан ажабланганларида: «Сиз келганингизда давлатга тегишли шамни ёқиб, давлат ишларини бажараётган эдим. Сиз билан суҳбатимиз – шахсий ишим, шу боис ўзимнинг шамимни ёқдим», деганлар.

Инсонга оиласи, болалари ҳам омонат. Уларни ҳар томонлама тарбия этмоқ шу омонатга содиқликдир.

Сир сифатида айтилган сўзлар ҳам омонат. «Сақласанг – сир сенга асир, сақламасанг – сен сирга асир», «Бир оқил айтармиш, тингла қариндош, сирингни фош этма, керак бўлса бош», дейдилар. Омонатни сақламаган ва зарар етказиб хиёнат қилган кимсани «хоин» деб ҳам атайдилар. Хоинлик эса ҳаром амаллардан биридир.

Халифа ҳазрати Умар (р.а.) Мадинаи мунавварадан Маккайи мукаррамага йўлга тушдилар. Бир ерда дам олгани тўхтадилар. Чўпондан: «Қўйларингнинг битгасини бизга сот», деб сўрадилар. Чўпон: «Сотолмайман, сурувнинг эгаси мен эмасман», деб халифанинг илтимосини рад этди. «Битгасини сўй, пулини оласан», деди ҳамроҳлардан бири. «Айтдим-ку, қўйларнинг эгаси мен эмасман, мен фақат чўпонман». Шунда ҳамроҳлардан яна бири: «Сотавер, эгасига «Бўри еб кетди», дея қоларсан», деди. Шунда чўпон: «Хўп, қўйнинг эгасини алдармиз, лекин Аллоҳни алдай оламизми?» деди.

Соғлом бир эътиқодга, бутун бир иймонга соҳиб киши омонатга сира хиёнат қилмайди.

Луқмони ҳакимдан сўрадилар:

– Бировнинг қора баданли чўпони эдингиз, улуғ даражага сизни нима кўтарди?

Жавоб бердилар:

– Доимо тўғри сўзладим, омонатга хиёнат қилмадим, маъносиз беҳуда сўзлашдан чекиндим. Мана шу уч хислат мени улуғ даражага кўтарди.

Ривоят. Замоннинг улуғларидан Шамсиддин соҳиби девон бир куни беш юз динор билан бир дастор (салла)ни шайх Саъдийга совға қилиб юборди. Уни олиб бораётган Ҳусайн исмли киши омонатга хиёнат қилишдан ўзини тутолмай, пулдан бир юз элик динорни олиб қўйди. Шайх Саъдий совғани олгач, миннатдорлик сифатида бу қитъани ёзиб жўнатдилар:

*Э, менга юборган киши шунча мол,
Молинг кўпайсину, душманинг завол.
Яхши ё ёмоннинг фазлин билурсан,
Яхшилар ҳеч қачон топмагай завол.
Юборган диноринг миқдорича сен,
Уч юзу элик йил доим боқий қол.*

Орадан кунлар ўтди. Бир киши соҳиби девонни дуо қилаётганида ўша хиёнаткор Ҳусайн ҳам унинг ёнида эди. Дуо қилаётган киши соҳиби девонга қараб:

– Умринг беш юз йилга етсин, – деди.

Шунда Шамсиддин Хусайнга қараб олиб, дедики:

– Агар Хусайн юз элигини берса...

Ҳикоят. Бир савдогар ҳар кимнинг молини сақлаб берар, бунинг эвазига ҳақ олиб, рўзғор тебратар эди. Бир куни шайтон васвасасини енголмай, омонатга хиёнат қилиб қўйди. Бу ҳол барчага маълум бўлиб, ундан юз ўғирдилар. Савдогар яккаланиб, ишлари орқага кетди. Қарзга ботди.

Савдогарнинг ўғли ақлли ва доно эди. Отасининг аҳволидан хабар топди, аммо ёрдам берарга имкони йўқ эди. Ўғил подшоҳнинг лашкарбошисига қўшни эди. Иттифоқо, подшоҳ лашкарбошисини урушга жўнатадиган бўлди. Лашкарбоши сафарга жўнаш олдидан савдогарнинг ўғлини ҳузурига чақирди-да, қўлига ўн минг динор олтинни топшириб, деди:

– Бу сенга омонат. Агар омон қайтсам, сени кўп хурсанд қилурман. Жангда шикаст топиб, ўлсам, бу омонатнинг ўндан бири сенга ҳалолдир. Қолганини фарзандларим эҳтиёж сезишганда берасан.

Лашкарбоши тилхат ҳам, гувоҳ ҳам талаб қилмай, жўнаб кетди. Кўп ўтмай урушда ҳалок бўлди. Йигит унинг ўлимидан хабар топгандан кейин ҳам омонатни безарар сақлайверди. Бир куни савдогар ўғлидаги омонатдан хабар топиб, деди:

– Ўғлим, камбағалчиликдан азобдаман. Қўлимизда шунча нақд олтин бор экан, бир миқдорини олиб, қарзларимдан қутулайин, қолганини тириклик йўлида сарфлайин. Бари бир, бу олтинларни сендан талаб қилувчи бирор муайян киши йўқ-ку!

Отасининг илтижосини эшитиб, йигит бош чайқади.

– Ўзингиз омонатга хиёнат қилиб, шу аҳволга тушдингиз. Мен эса жоним кетса-да, омонатга хиёнат қилмайман.

Шу воқеадан кейин бир неча вақт ўтгач, лашкарбоши хонадонни йўқчиликни ҳис қила бошлади. Фарзандларнинг аҳволи мушкуллашди. Бир куни улар йигитнинг ҳузурига чиқишиб, подшоҳ номига ариза ёзиб беришини илтимос қилдилар. Аризада оталарининг яхши хизматлари ва садоқати эвазига ҳукмдордан ёрдам сўрадилар. Йигит ёзиб берди. Подшоҳ аризани ўқиб кўргач: «Ҳар ким ўлдирилган бўлса, у кишининг номи байтулмол дафтаридадан ўчирилади», деб, илтимосни рад этди. Фарзандлар саройдан ноумид бўлиб қайтдилар. Йигит уларнинг маъюс чеҳраларига боқиб, аҳволлари ғоят ночор эканини англагач, лашкарбошининг васитини билдирди:

– Оталарингиз менга омонат мол топшириб, ушбу молдан ўндан бири сеники, деб васият қилгандилар. Яна деган эдиларки,

«Фарзандларимнинг аҳволи ёмонлашган тақдирда бу олтинларни уларга топширурсан». Мен то шу дамгача хиёнат қилмай, молларингизни сақлаб келдим. Отангизнинг муҳри босилган ҳамён сақланиб келинмоқда. Мана энди сизларнинг оғир аҳволингиз, эҳтиёжларингиз менга маълум. Энди молни қўлларингизга топширсам бўлади. Менга васият қилинган улушни ўз қўлларингиз билан берарсиз».

Йигит шундай дегач, ҳамённи олиб чиқиб берди. Улар минг олтин санаб, улушни ризолик билан бердилар. Шундан сўнг уларнинг аҳволи яхшиланди.

Орадан бир қанча муддат ўтгач, подшоҳ марҳум лашкарбошинини эслади, фарзандларининг аҳволи билан қизиқди. Сарой аъёнлари марҳум лашкарбошининг фарзандлари турмуши анча яхшиланганини маълум қилдилар. Подшоҳ «Ахир, улар ўзларининг қашшоқ аҳволлари ҳақида арз этиб келган эдилар-ку!» деб ажабланиб, фарзандларни саройга чақиртирди. Улар келишгач, ҳол-аҳвол сўради. Фарзандлар бўлган воқеани баён қилдилар. Бу сўзларни эшитган подшоҳ:

– Омонатга хиёнат қилмай, диёнат билан сақламоқ шунчалик бўлмай. Биров каттагина маблағни бошқа бировга берса ва ўзи ўлиб кетса, молни талаб қилиб олгувчи бўлмаса-да, у киши ўзи қидириб келиб омонатини эгасига топширса! Бундай зот ҳамма соҳада етук ва мўътабар шахсдир, – деди. Савдогарнинг ўғлини саройга чақиртириб, унга шоҳона либослар инъом этди ва хазинадорлик мансабини топширди...

Қани эди, барчага бу комиллик насиб этса! Афсуски, шайтоннинг «хиёнат» деган қуроли ҳам бор. Бу қуролидан тинмай ўқ узади. Баъзи ўқлар, айрим бандаларга тегиб, қалбини жароҳатлаб қўяди. Шу учун ҳикмат аҳди Сўфи Оллоҳёр ҳазратлари айтганларидай: «Кел, эй, комил, камол этсанг диёнат, кишига қилмагил ҳаргиз хиёнат», деб ўғит берадилар.

Яна бир ривоят. Искандар Зулқарнайн Эронга ҳужум қилиб, Ҳамадон шаҳрини қамалга олди. Сўнгра Эрон шоҳи Дородан хирож талаб қилди. Доро унинг талабини қабул этмади. Шундан сўнг Искандар жангни давом эттиришни маъқул кўрди. Бироқ қанча уринса-да, Дорони мағлуб эта олмади. Ниҳоят, макр-ҳийла йўлига ўтди.

Доронинг икки энг яқин, ишончли қули бор эди. Доро уларни тарбиялаб, ўзига вазир қилиб олганди. Искандар хуфияларини юбориб, бу икки вазирни ҳузурига чорлатди. Вазирлар бу даъватни жону диллари билан қабул этиб, Искандар ҳузурига келдилар. Искандар уларни яхшилик меҳмон қилгач, муддаосини айтди:

– Агар орзуимнинг рўёбга чиқишига ёрдам берсангиз, қилган хизматларингиз учун сизларга энг юқори ўринни ҳадыя қиламан.

Вазирлар Искандарнинг вазифасини бажариб, эртасигаёқ Дорони ўлдирдилар. Шаҳарга кириб келган Искандар Дорони дафн этишни ва майдонга иккита баланд дор қуриб, икки хоин вазирни осишни буюрди.

Искандардан зўр мукофот, айниқса, баланд мартаба умидидаги хиёнаткорлар бу буйруқни эшитиб қўрқиб кетдилар.

– Буйруғингизни бажо келтирсак, бизга энг юқори ўрин беришни ваъда қилган эдингиз. Энди ваъдага вафо қилиш ўрнига ўлимга буюряпсиз, шу ишингиз виждонданми? – дедилар.

– Мен виждонсизлик қилмадим, ўзимга инсоф-адолатни раҳбар қилиб иш юритмоқчиман, – деди Искандар. – Тўғри, сизларга энг юқори ўрин беришни ваъда қилдим. Мана энди шу ваъдага вафо қиламан. Доро сизларни тарбия қилиб етиштирди, ниҳоят ўзига вазир қилиб олди, аммо сизлар унинг яхшиликлари эвазига ёмонлик қилдингиз. Ўз тарбиячисига ёмонлик қилган кўрнамак хоинлар, албатта, менга ҳам вафо қилмасликларини яхши биламан. Туз ҳақини сақламай, хиёнат кўчасига қадам қўйганларга мана шундай мукофот берилади. Менинг қўшинимда дордан юқори ўрин йўқ, марҳамат, энди ўз ўрнингизни эгалланг.

Чиндан ҳам, хиёнат мунофиқлик бўлгач, мукофоти нима бўлсин?

*Хиёнатким, келур қўлдин-у кўздин,
Аёгдин, узви пинҳондин-у сўздин.*

Хиёнат турлича бўлади:

1. Қўл хиёнати – бировнинг нарсасини ўғирламоқ ёки ҳаром аъзоларни ушламоқ каби қўл воситаси ила бўладиган ишлар билан бўлади.

2. Кўз хиёнати – номаҳрамлар юзига қараш каби кўз билан бўладиган ишларда бўлади.

3. Кўнгил хиёнати – яхшиларга ёвузлик ният қилиш ёки улардан ёвузлик гумон қилиш каби ишлар.

4. Сўз хиёнати – ёлгон сўзлаш ва ғийбат каби иллатлар киради.

Хиёнатнинг яна бир тури: агар киши олим бўла туриб, бандаларни эзгу йўлга бошламаса, ёмон йўллардан қайтармаса у хиёнат аҳлидан саналади. Бундан улуғ хиёнат бўлмас. Масалан, биров хато йўлга кириб қолса, биз эса кўра туриб уни яхши йўлга солмасак, бу қандайин инсофу, қандай диёнатдир? Агар қаршимизда бир гўдак кўриниб, унинг ёниб турган ўтга тушиб кетишини билиб турсагу бу болага

раҳму шафқат қўлини чўзмасак, биздайн киши одамийликдан бебаҳрадир. Шунга ўхшаб бир нодон билмайин ҳаром ишларга қадам қўя бошласа-ю, биз кўра-била туриб унинг йўли бузуқ эканидан хабар бермаса, бу қилганимиз улуғ хиёнат бўлади. Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин. Мухтасар қилиб айтилса, хиёнатнинг энг улуғи ва ёмони – қўзинг ёки кўнглингга тушган бирор ёмон нарсани ўзингга раво кўрмай, яқинларингдан бирининг бошига тушишини истаб, севинишингдир.

Хиёнатлар орасида «бировнинг ҳақиға хиёнат» дегани ҳам бор. Баъзан усталарнинг нолишини эшитиб қоламиз: «Фалончи бизни ишлатиб ҳақимизни бермай юрибди», «Фалончи ишни бунча пулга гаплашиб, ярмини ҳам бермади»... Шундай номардларга бир шарафли ҳадисни эслатиш керак: «Хизматкорнинг пешона териси қуримасидан хизмат ҳақини беринг», дедилар Рисолатпаноҳ (с.а.в.). Яна дедилар: «Иш ҳақини ишга олмасдан, ишлатмасдан олдин келишиб олинглар». Ишлатиб бўлгач, «Мен сенга шунча бераман, олсанг – ол, бўлмаса тошингни тер!» ёки «Яхши ишламадинг, еган овқатингни ҳам оқламадинг, жўна, кимга дод десанг деявер!» деганга ўхшаш ярамасликлар бўлмаслиги учун ҳам Набий муҳтарам умматларини огоҳантирганлар.

Азиз умидимиз юлдузлари, мазкур суҳбатлар баҳонасида комиллик саодатига етказувчи одамийлик мулки билан танишишимиз баробарида дуо қилиб, сизу бизларни шайтоннинг хиёнат ўқларидан асрашини сўраб муножот қиламиз.

ҲАЛОЛ ВА ҲАРОМ

Ҳаётда инсон баъзан ҳалол (пок) ва ҳаром (нопок) икки айри йўлга тўғри келиб қолади. Улардан қайси бирини танлаш унинг ақлига, ирода кучига, виждон амрига боғлиқ бўлади. «Ҳалоллик билан қилинмаган иш яхши бўлмас, ип калаваси ҳасса бўлмас», деганлар.

Умидимиз юлдузлари, баъзиларингиз болалигингизданоқ бозор ишларига аралашгансиз. Дадангиз ёки аянгизга бозорда ёрдам бергансиз. Ҳатто савдо ҳам қилгансиз. Тижоратга доир талабларни билмаганингиз ҳолда дадангиз ёки аянгизнинг кўрсатмаларини аниқ бажаргансиз. Одамийликка доир айрим масалаларни ечишда саёзликка йўл қўйсангиз жиддий танбеҳ берилмаса ҳам бўлади. Масалан, қарзга доир масалаларни ечишни аста-аста ўрганиб бораверасиз. Лекин ҳалол ва ҳаромнинг фарқиға бориш гўдакликдан ўрганилади, сизнинг ёшингизда эса бу борада мукамал тушун-

чага эга бўлиш шарт. Сизда шундай даражадаги билим етарли, деган ишончим бўлса-да, бу мавзуни четлаб ўтолмадим. Диққат билан ўқиб чиқинг-чи, балки баёнда сизга янгилик бўладиган фикрлар, ҳикматлар учраб қолар.

Воқеа. Бир танишим нолиб қолди:

«Бозордан икки кило ёнғоқ олдим. Сотувчи опа чақиб кўрсатган ёнғоқ мазали, мағзи тўқ эди. Уйга келиб, меҳмонларга атаб чақиб қўяй, десам, не кўз билан кўрайки, деярли барчасининг мағзи пуч, айримларига қурт тушган... Шунда сотувчи опахоннинг найрангини англадим. Бировнинг яхши ёнғоғидан олиб, харидорни алдар экан...»

Бу гапни эшитиб, болалигимни эсладим. Ўтган асрнинг олтмишинчи йили эди. Анор бозорида худди шу каби найрангни кўриб, катта одамларнинг ҳаромдан тап тортмаслигини болалик онгимга сингдиrolмаган эдим. Аслида савдодаги бу найранг қадим-қадимдан бор экан. Қадим-қадимдан айрим одамлар ҳалол-ҳаромнинг фарқига бормайди, айримлари эса ҳаромдан ҳазар қилмайди. Айтайлик, ёнғоқни алдаб сотган опа болаларини боқиш учун бошқа чора топа олмабдими? Бошқа даромад йўлини билмасмиди? Нима бўлган тақдирда ҳам топганига ҳаром аралашди. Бундан топган фойдани болалари ейди. Мен «ҳалол-ҳаромнинг фарқига бормайди», дедим. Чиндан шундайми? Йўқ! Кўп ҳолларда ҳаром ботқоғини кўра туриб, қадам босадилар, чўкиб кетиб, ҳалок бўлишларини билсалар-да, қайтмайдилар.

Атрофга қарайлик, кимнингдир боласи ўғирлик қилиб, қамалган. Кимнингдир боласи жиноят қилиб қўйиб қочиб юрибди. Яна кимнингдир қизи фаҳш кўчасига кириб кетган... Бу кўргиликларнинг илдизи қаердан сув ичади? Ёнғоқ сотувчи кабиларнинг бозордаги найранглиридан эмасми? «Қозонингга меҳнат ҳосилидан бўлак ҳаром-ҳариш нарса тушмасин, билъакс, уни истеъмол қилган фарзандларинг сенга бемеҳр, бемурувват бўладилар», деган оддий ҳақиқатни билмайдиганлар кўпми орамизда? Ҳа, сизга бу нарса арзимас бўлиб кўриняптими? Ҳаром ботқоғига ботиб ётганларга бало ҳам урмаяпти, бу ёнғоқ можароси денгиздан бир томчи-ку, демоқчимисиз? Қайси бир ошхона омбори текширилганда ҳаром ўлган мол гўшти топилибди. Бу ҳам арзимас гапми? Яна замондан, ҳаётдан нолиб қоламиз-а! Ҳалолга ҳаром аралашаверса, бировнинг ҳақидан қўрқув ҳисси танамизни бир марта ҳам жимирлатиб қўймаса, энг ёмони – бу тирикчилик воситасига айланиб улгурган бўлса, биз қандай одам бўлдик?!

Расулуллоҳ (с.а.в.) «Ким бизни алдаса, биздан эмас», деганлар. Ул муҳтарам зот бозорни кузатганлар. Бир марта савдогарнинг

қопда турган молига муборак қўлларини ботириб, аралаштириб кўрдилар. Қарасалар, усти қуруқ, таги ҳўл. Молнинг таги ёмон, усти эса чиройли. Шунда: «Бундай қилма!» дедилар.

Савдонинг, тарозининг, ўлчовнинг ҳалол бўлишига оид оятларгина эмас, ҳатто сура ҳам бор. «Мутаффифун» (бировларнинг ҳақидан уриб қолувчилар) деб номланган сура кофирларга хос ёмон хулқлардан бири – ўлчовда бировнинг ҳақидан уриб қолиш зикри билан бошланади. Сўнгра фожирлар, уларнинг ахлоқлари, Аллоҳ Таоло уларнинг қалбларини муҳрлаб қўйганлиги ҳақида сўз юритилади. Шу билан бирга аброр-мўминлар сифати ҳақида ҳам баён қилинади. Оятлар маъносининг таржимаси бу тарзда баён этилган: «Ўлчов ва тарозидан уриб қолувчи кимсаларга ҳалокат бўлмай (Сурайи каримадаги «вайл» сўзи икки хил маъно англатади: биринчиси – уларнинг аҳволига вой бўлсин, иккинчиси – «вайл» дўзахнинг номларидан бири. Яъни ўлчовдан уриб уриб қолувчиларга «вайл дўзахи» азоблари насиб бўлсин, деган маънони ҳам уқши мумкин). Улар одамлардан бирон нарсани ўлчаб олган вақтларида тўла қилиб оладиган, уларга ўлчаб ёки тортиб берган вақтларида эса кам қилиб берадиган кимсалардир. Улар ўзларининг улўф бир Кунда – барча одамлар бутун оламлар Парвардигори ҳузурида тик туриб ҳисоб-китоб берадиган Қиёмат кунинда қайта тирилгувчи эканликларини ўйламайдиларми?»

«Ўлчаган чофингизда тўлиқ ўлчанг ва тўғри тарози ила тортинг. Ана ўша яхшидир ва **оқибати гўзалдир**» («Исро» сурасидан). Бу қалб поклигининг аломатидир, ўзаро ишончга боғлиқ нарсадир, хайр-барака омилидир. «Ўлчовни тўла ўлчанглар ва камайтириб торгувчилардан бўлманглар ва тўғри тарози билан тортинглар. Одамларга нарсаларини камайтириб берманглар ва ер юзида бузғунчилик қилиб, санқиб юрманглар» («Шуаро» сурасидан). Тафсир: Ҳижоз билан Фаластин ўртасида Ақаба кўрфазида яшовчи Мадян халқига Аллоҳ Таоло Шуайб алайҳиссаломни пайғамбар этиб юборган. Мадянликлар ичида ўлчовда алдаб, бировнинг ҳақини уриб қолиш авжида экан. Уларнинг диёри савдо карвонлари ўтадиган асосий марказ бўлиб, у ерда савдо ривожланган. Бу қавм фақат тарозида эмас, бошқа соҳаларда ҳам бировнинг ҳақини уриб қолишга уста экан. Шуайб алайҳиссалом уларни инсофга чақирганларида улар ул зотни ёлғончига чиқардилар. Шунда Аллоҳ Таоло уларни азобга тортди. Ўлкани ғоят иситиб юборди. Нафас олиб бўлмайдиган даражага етганда осмонда булут кўриниб, ҳамма унинг соясида ором топмоқ истагида тўпланди. Шунда булутдан чақмоқ чақиб, ўт-олов чиқиб, барчаларини куйдириб юборди.

Ўтмишда азобга тортилган гуноҳ бугун жазосиз қоляптими? Бу воқеага диққат қилинг-а: уламоларимиздан бирига одамлар келишиб: «Ўлим тўшагида ётган бир беморимиз бор, дам солиб қўйинг», дейишибди. Тунги соат учда боришса, бемор беҳуш, ғоят оғир аҳволда экан. Устоз калимамай таҳвид, калимаи шаҳодатни айтдиришга ҳаракат қилибдилар. Бир маҳал бемор ҳушига келиб, дебди: «Нимага мени мажбур қиляпсиз? Кўрмаяпсизмики, тарозининг бош қисмидаги темирини томоғимга санчиб-санчиб олмоқдалар!» Шундай дегач, жон таслим қилибди. Устоз унинг жон талвасасидаги гапидан ажабланиб, бунинг сабабини хотинидан сўрабдилар. «Бу ҳақда сўраб, ярамга туз сепманг, устоз, – дебди бева ўкинч билан. – Эрим тижоратчи эдилар. Тарозилари иккита эди. Кам кўрсатадиганини мол сотиб олаётганларида, кўп кўрсатадиганини сотаётганларида ишлатардилар». У киши бир тарозида тортган бир кило мол иккинчисида саккиз юз грамм чиқаркан. Шу тарзда халқни алдаб яшаган одамнинг аянчли ўлиmidан хабар топдингиз, шундай экан, хулоса чиқариш ўзингизга ҳавола. Ҳар ҳолда, ўша савдогар «Ҳалол, ишончли савдогар пайғамбарлар, сиддиқлар ва шаҳидлар билан бирга бўлади», дейилган шарафли ҳадисдан ё беҳабар бўлган ё назарига илмаган.

Амир Темур ҳазратлари ҳаётлари давомида, хоҳ мамлакатда бўлсин, хоҳ сафарда, ҳалол ва ҳаром масаласига алоҳида эътибор берганлар. Ул зотнинг хотираларидан бирида Бушравия шаҳридаги ибратли воқеа акс этган, танишиб кўринг-а:

«Баққол дўкони олдида бир хотун киши савдо олиб турганига кўзум тушди. Баққол тарозуга қўлини тегузмай туруб: «Вайлул-лил мутаффифун. Аллазийна изак тал-у алан-носи яставфуна», деб оят ўқуди. Мен баққолни, Қуръон ўқушни билмаса керак, деб хаёл қилур эдим. Хотун киши, савдосини тугатиб жўнагандан кейин баққолнинг олдида бориб: «Ўқиғон оятларингнинг маънисини биласанми?» деб сўрадим. «Ҳа, биламан», деб жавоб берди. Ундоғ бўлса, «Вайлул-лил-мутаффифун»нинг маъноси нима?» деб сўрадим. «Сотувчиларга ҳалоклик бўлсун», деганидир», деди. «Аллазийна изак тал-у алан-носи яставфуна» маъноси-чи?» дедим. Баққол киши тамом истеъдоди билан жавоб берди: «Бу оятнинг маъноси аввалгининг такмилидур, Аллоҳ Таоло айтадур: «Сотувчиларга ҳалоклик бўлсунки, улар ўлчовни яхшилаб оладурлар, аммо...» деб тўхтади. Мен ундан «Аммо» демак ила тўхташдан мақсадинг нима?» деб сўрадим. Баққол: «Бу оятдан кейин яна оят бор, ҳали ўқуганим йўқ, унда мукамал маънони англатадур», деди. Мен: «Ўша оятни

ҳам ўқуғил», дедим. У бундай ўқуди: «Ва иза кал-у ҳум ав-вазану ҳум юксирун». Сўнг шарҳ қилиб: «Бу оят иккинчи оятнинг такмиласидур, маъноси: «У одамларки, ўзлари бир жинс молни олганларида вазни тамомлаб тортиб олади, сотишда эса вазн ёки ўлчовда кам бериб, олғувчига зиён беради», дейдур. Бу сурадаги уч оятни ўқувчи кишилар, бир-бирига мутгасил ўқишлари керак, токи ўқуғувчи ва эшитгувчилар унинг маъносини яхши идрок қилгайлар», деди. Мен унга: «Эй, яхши киши, менинг ёшлигимдаги устозларим ҳам сен каби Қуръонни яхши тафсир қилолмас эдилар. Сен бу мавқеда нима учун бу оятни ўқийсан?» деганимда, жавоб берди: «Эй, амирлар амири, мен ҳар вақт қўлумга тарози олсам, Аллоҳ Таолони ҳозир у нозир билиб, Аллоҳнинг махлуқларига нуқсон бериб қўймайин, деб бу оятни такрорлаб турадурман», деди».

«Мутаффифун» сурасидаги ояти кариманинг ўзбекча маъноси билан юқорида танишган эдик. Амир Темур ҳазратларининг баёнидаги воқеа бандаларнинг мазкур сурадаги вазифаларга қандай зийраклик ва виждон ила амал қилганларига аниқ мисолдир.

Бир иморатни таъмир этаётган бўёқчи усталар ишлатилган идишларни пачоқлаб ташладилар. «Нега пачоқладингиз, бирон нимага, масалан, гул тувак ўрнида ишлатса бўлар эди-ку!» деган саволга жавоб бердилар: «Бу идишлар бозордаги ноинсофлар қўлига тушса, ичига сифатсиз ва арзон бўёқ солиб, хорижники, деб қимматга сотишади». Усталарга раҳмат айтиб, ноинсофларга инсоф тилаймиз! Афсуски, бундай кўзбўямачилик бошқа соҳаларда ҳам кўп учраяпти. Маҳсулотнинг идиши хорижники, кийимнинг ёрлиғи машҳур фирмаларники, аслида эса сифатсиз бир матоҳ. Бўёқ ёки кийимга доир найрангларга одамлар чидарлар, лекин дори-дармон, озиқ-овқат соҳасидаги бу ярамасликлардан у ноинсофлар нечун қайтмайдилар? Миллион-миллион одамлар бу ҳаромхўрларни лаънатлаяптилар. Наҳот, улар қарғишдан қўрқмасалар?!

Маккаи мукаррамада меҳмонхонадаги кичик ҳаммомдан ювиниб чиққан ҳожи ҳамхоналарига: «Совун олиб киришни унутибман, кимнингдир совунидан фойдаландим, рози бўлинглар», деди. Бир қарасангиз, арзимаган нарса, аслида эса сўралмасдан олиб ишлатилган нарса ҳаром эканлигини ҳар бир одам билиши ва амал қилиши шарт.

Ҳикмат. Иброҳим бин Адҳам ҳазратлари бир куни «Байтул муқаддас ходимлари мени масжиддан чиқаришмасин», деб бўйрага ўралдилар. Ярим кечада масжид эшиги очилиб, бир пир ичкари кирдилар. Меҳробга ўтиб, икки ракаат намоз ўқидилар. Яна

қирқ киши кириб келди. Биттаси: «Бу ерда бир киши ётибдир, биздан эмасдир», деди. Пир кулимсираб, «Адҳам ўғлидир. Қирқ кундирки, ул ўқиган намозининг тотини билмас», деган эдилар, Иброҳим бин Адҳам бўйрадан чиқиб, пирнинг ҳузурига салом бериб бордилар. Бу ҳолатининг сабабини не эканини Аллоҳ Таоло ризоси учун айтмоқларини сўрадилар. Пир дедиларки: «Фалон куни хурмо олаётиб, ердаги бир хурмо сеники бўлмагани ҳолда, меники, деб олиб единг – сабаб шудир». Шу жавобни олгани ҳамон хурмофурушга бориб, ҳалоллик тиладилар. Дўкон соҳиби унинг сўзларини эшитиб, бир фарёд кўтарди. Дўконини ташлаб, тарк этиб, дарвишлардан бўлди.

Яна бир ҳикмат. Ҳазрати Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг суюкли саҳобаларидан бири Абу Дардо (р.а.) барча намозларни Масжиди набавияда, Расулulloҳ (с.а.в.)нинг ортларида туриб ўқишга ҳаракат қилардилар. Шунинг учун масжидга эрта келиб, кеч қайтардилар. Расули акрам (с.а.в.)нинг намоздан кейинги суҳбатларини диққат билан тинглардилар. Бироқ хурмо териш мавсуми бошланганида Абу Дардо (р.а.) аввалгидан кечроқ келиб, эртароқ кетадиган бўлдилар. Бу ҳол Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг диққатларини тортди. Абу Дардони (р.а.) ёнларига чақириб:

– Сенинг масжидга келиб-кетишингда бир ўзгариш кўряпман. Нима бўлди? – деб сўрадилар.

– Шу кунларда қўшнимизнинг хурмо дарахти меваларини тўка бошлади, – дедилар Абу Дардо (р.а.), узрли оҳангда. – Хурмолар бизнинг ҳовлига ҳам тушяпти. Болаларим қўшнимдан бесўроқ уларни еб қўйишмасин, деган хавотирдаман. Бомдодга келишдан олдин тўкилган хурмоларни тўплаб, қўшнимнинг боғига ўтказиб қўяман. Шу сабаб масжидга кеч келяпман. Мен масжиддалигимда ҳам дарахтлардан хурмо тўкилади. Уларни йиғиб, қўшнимникига қўйиш учун шошиламан. Шундай қилсам, болаларим ҳаром емайди, қўшнимга ҳам зарар етмайди.

Расулulloҳ (с.а.в.) Абу Дардо (р.а.)нинг бу сўзларидан мамнун бўлдилар ва унинг ҳақиқа дуо қилдилар.

Шу ривоятни ўқиган куним таъсирланиб, Жума намозига чиқдим. Ажабки, жума маърузаси ҳам шу мавзуга бағишланди. Янада ажабланарлиси намоздан қайтишда бўлди. Бир неча дақиқа илгари ҳалол луқма хусусида ваъз тинглаган биродарларимизнинг айримлари кўчадаги дарахтларнинг шохларини эгиб, мевасидан узиб, еб борардилар. Биз болалардан ранжиймиз. Аслида болалардан эмас, уларга ҳалолликдан дарс бермаётган ва ёмон ўрнак кўрсатаётган катталардан ранжишимиз керак.

Худди шу куни менга бир йигит қўнғироқ қилиб, учрашиши зарурлигини билдирди. Уйга таклиф қилдим. Нотаниш йигит ай-тилган вақтда келди. Ўзини таништириб муддаосини айтди:

– Бир дўстимизнинг таклифлари билан амакиларининг Чорвоқдаги боғига бордик. Калитни унутиб қолдирганлари учун сизнинг боғингиздаги шийпонда ҳордиқ чиқардик. Билишимизча, сизнинг эшигингиз доимо очиқ тураркан. Олхўрингиз фарқ пишган экан, мен ҳам ерга тўкилганларидан олиб едим. Келишимдан мақсад: ўша ейилган мевалар учун сиздан розилик сўраш. Уларни ейиш мен учун ҳалол эмасди.

Бу гапдан ҳайратга тушдим. Йигит мен учун замондош эмас, балки ўтмиш ривоятларидаги покиза дилли бир инсон бўлиб кўринди. Йигитни хижолатликдан чиқариш учун дедимки:

– Ризолик сўраб келмаганингиз тақдирда ҳам у мевалар сиз учун ҳалол эди. Чунки «мевалардан ким еса есин, розиман», деб аввалдан айтиб қўйганман, эшикнинг очиқ қолдиришим ҳам шундан. Боғдаги мевалар сотиш учун эмас, ейиш учун. Оиламиз учун ортиқчалик қилади. Ким еб лаззат олса, биз учун савоб-да, – дедим.

Йигит яна қайта-қайта розилик сўради. Ҳар сафар розилигимни такрорладим. Сезиб турибманки, йигитнинг кўнгли равшанлашмаяпти. Шундан сўнг ҳалол луқма ҳақидаги ривоятлардан сўзлаб бердим, унинг ота-оналари ҳақида дуо қилдим. Йигит уйига таклиф қилди. Бордим, дадалари билан танишдим.

Энди муддаога ўтсам, демоқчиманки, ҳамма ҳам кўчадаги меваларни узиб еб кетавермайди. Орамизда ҳалол-ҳаромни фарқида борадиганлар кўпки, бунинг учун ҳам шукрлар қиламиз. Фақат шукрлар қилиб қолмай, шундай ҳалол йигитлардан, аввало, ўзимиз ўртак олишимиз, фарзандларимизни, қариндошларимизни, қўшниларимизни ҳам шу йигит каби тарбия топишига ҳиссамизни қўшишимиз керак. Ҳалол луқма фақат ўзимизга фойда эмас, балки жамиятимизнинг поклигига ҳам хизмат қилади. Шуни унутмасак бас.

Умидимиз юлдузлари, суюкли укажонларингизнинг одатлари сизларга маълум: барчалари ширинликни яхши кўришади. Берки-тиб қўйилган шоколадни яширинча олиб ейиш сиз учун янгилик эмас. Бир неча йил муқаддам ўзингиз ҳам шундай бўлгансиз. Бундан олтмиш-етмиш йиллар аввал бувижонлар ширинқандларни сандиқда сақласалар-да, сандиқни тешиб олувчи азамат болакайлар топиларди. Демак, бу одат йиллар бўйи ўзгаришсиз давом этиб келяпти. Бирон-бир нарсани – у шоколад бўладими ё бананми, сўрамасдан олиш, юмшоқроқ айтилганда, одобсизлик

эканини баъзи ота-оналар тушунтиришади, баъзилари кулиб қўя қолишади. Гўдакнинг онг даражасини инобатга олиб, мен «одоб-сизлик» дедим. Аслида сўрамасдан олиш ўғирликдир. Бугун қамокда ўтирган ўғрилар, эҳтимол, бу ярамас оламга киришларида биринчи қадамларини ширинлик ўғирлашдан бошлашгандир. Болалар қамокхонасидаги ўғрилар орасида дўкон эшигини бузиб кирганлар бор. Уларнинг нон ёки гўшт, ҳатто пул учун эмас, ароқ мақсадида киришгани янада ачинарлидир.

Сиз «Шум бола» кинофильмини қайта-қайта томоша қилган бўлсангиз керак. Бир-икки лавҳани эслаб кўринг-а: Қоровойнинг қорни оч. Новвойхонага яқинлашади. Қўрқа-писа нонга қўл узатади. Нон ўғирлашга уни очлик мажбур қиляпти. Лекин ўғирлик гуноҳ эканини билгани учун журъат қила олмаяпти. Уни бу аҳволдан қутқарган Ҳожи бобо уида нонга тўйса-да, бундаги ўғирликни ва бошқа бузуқликларни кўргач, унинг берадиган нон-таомидан ҳам воз кечади. Ўғрилар даврасига қўшилиб қолганда дастурхон тўкин эди. Агар шу даврада қолса, қорин ғамидан қутуларди. Лекин шу ёшида ҳаромдан ҳазар қиладиган одоби бор эди. Бугун ўғриларга қўшилиб қоладиган кўп болаларда айнан шу тарбия етишмайди.

Меҳмонга борсангиз, мезбон «марҳамат, олинг», деб лутф қилгач, дастурхонга қўл узатилади. Чунки «олинг», дейилиши розилик аломати ҳисобланади. Розиликсиз олинган бир тишлам нон ҳам луқмаи ҳаром ҳисобланиши бизга ривоятлардан маълум.

Ривоят. Бир шаҳарнинг мешкобчиси тақводор донишмандга арз қилибди: «Ўғлингиз ҳар куни бигиз билан мешларимни тешяпти. Сиздай улуғ одамнинг фарзандига шу иш муносибми?» Донишманд мулаҳазасиз бўлиб, узр сўрабди, мешларнинг ҳақини тўлабди-да, хотинини чақириб воқеани баён қилибди. Сўнг «Биз боламизга бундай тарбия бермаган эдик. Луқмасига ҳаром аралашиб қолмадимиз экан?» деб сўрабди. Хотини пича ўйлагач: «Эй, хошам, сиз нима топиб келган бўлсангиз, биз ўшанигина еймиз. Биздан гумонингиз ноўриндир», дебди. Донишманд эса: «Мен уйга ҳаром луқма келтирганимни эслай олмаяпман. Тонгга қадар яна ўйлайлик», дебди. Тонгда хотини айбдор одамнинг синиқ овози билан дебди: «Эй, муҳтарам хошам, бир воқеани бехос ёдладим: шу болага ҳомиладор эканимда меҳмонга бориб эдим. Дастурхон ноз-неъматга тўла эди. Ундаги пўртаҳўл (апелсин) иштаҳамни қитиқлаб, нафсимни ўзимга ҳукмрон қилиб қўйди. Эшитиб эдимки, ҳомиладорлик чоғида аёл егиси келган нарсадан татиб кўра олмаса, боласи ногирон бўлиб туғилмоғи мумкин экан. Мезбон нечундир «олинг, енг» демади. Нафсим эса тинчимасди. Оқибат,

меzbон чиқиб кетгач, пўртаҳўлни қўлимга олиб, тўғнағич игнаси билан аста тешдим-да, бир томчи шарбатини симирдим. Сўраб олинмагани учун балки шу луқма ҳаром бўлгандир?» Хотинининг иқрорини эшитган тақводор донишманд: «Ҳа, баракалла. Англаб етибсиз. Сиз ўн йил аввал ризоликсиз қўлга олган кичкина пўртаҳўл бугун катта мешга, тўғнағичингизнинг кичкина игнаси эса энди ўғлингиз қўлидаги бигизга айланибди. Тезда ўша хонадонга боринг-у, воқеани баён қилиб, ўша бир томчи шарбат учун розилик олинг», деган экан.

Воқеа. Танишларимиздан бири хориждаги супермаркетдан совға-салом харид қилибди. Ҳар бир одам мол олишда ўзича ҳисоб-китоб қилади. Танишимизнинг ҳисоби билан ҳисобчиники ўртасида фарқ чиқибди. У ҳисобчига қайтиб: «Ҳисобингизда хатолик бор», дебди. Ҳисобчи хотин ундан норози бўлиб, «бўлиши мумкин эмас!» деб қўрслик қилибди. Ҳамюртимиз эса қатъий равишда «хато ҳисобланган», деб тураверибди. Шунда дўкон раҳбарларидан бири келиб, баҳсга аралашибди-да: «Сиз ноҳақсиз, машина ҳисобда адашмайди», дебди. «Машина адашмаслиги мумкин, лекин одам хато қилиши мумкин-ку! – дебди ҳамюртимиз. – Мана қаранг, мен бу моллар учун 2,45 евро тўладим. Ҳолбуки, бу молларнинг нархи 24,5 евро. Мен икки эмас, йигирма тўрт евро тўлашим керак». Хизматчи молларни қайта ҳисоб-китоб қилиб, ҳамюртимизга ҳам раҳмат айтибди, ҳам ҳайратланибди. Тўланиши керак бўлган қўшимча йигирма икки евро ни олмай, аксинча, ҳалоллиги учун совға беришибди. Афсуски... биз четга чиққан биродарларимиз ҳақида бунинг тескараси бўлган ҳикояларни ҳам эшитиб қоламиз. Билишимиз керак, бирон супермаркетдан кичкинагина молни беркитиб олиб чиқмоқчи бўлган одамни «тошкентлик фалончи ўғирлади», дейишмайди, балки «бир ўзбек ўғирлади», дейишади. Ўз номининг булғаниши бир масала, миллат шаънига ҳақорат орттириши яна бир масала.

Бир ривоятни ҳадис тариқасида айтиб беришган эди. Уламолардан бу ҳадиснинг саҳиҳлиги ҳақида сўраганимизда «Бундай ҳадисни эшитмаганмиз, аммо инсоннинг тарбияси учун фойдали экан», дейишган эди. Ҳали туғилмаган болани ҳалол луқма билан таъминлаш ҳақидаги фикримни шу ривоят билан қувватлантиришни лозим топдим. Ҳадис эканига далил бўлмагани сабабли воқеани сал ўзгача тарзда баён қилай.

Ривоят. Бир бола муршидга салом берган экан, у зот алик олиб «Ҳа, ярамас, сенмисан», деб қўйибдилар. Бу гапдан боланинг кўнгли оғриб, уйига йиғлаб борибди. Боланинг отаси воқеадан огоҳ

бўлгач, ажабланиб, муршидга учраб дебдики: «Пирим! Мени хотинимга ўзингиз никоҳлаб қўйган эдингиз. Бизнинг фарзандимиз нечун ярамас бўлсин?» Муршид отанинг норизолигига жавобан айтибдиларки: «Никоҳлаб қўйганим рост. Аммо фалон йилнинг фалон куни сен кўчадан ўтатуриб катта бир ўтинни кўрдинг-у уни уйингга олиб келдинг. Хотининг шу ўтинни ёқиб таом пиширди. Икковинг шу таомни едиларинг ва қўшилдиларинг. Бунинг оқибатида шу боланг туғилди. Ўйлаб кўр-чи, ўша ўтинни сен ҳалол йўл билан топиб, уйингга келтирганмидинг?»

Дунёни севган киши бу ҳаётни севади. Агар ҳаётдаги иймонсизлар каби елиб-югуришни, ҳаром мол тўплашни, тўс-тўполон, талон-торож қилишни истаса, хуш кўрса нима бўлади? Унда кўзни ҳирс пардаси қоплайди, ҳирсга берилиб, ҳаром ишлар қилади, ҳаром молга қўл узатади, бировни шилади, ўғрилиқ қилади ва... пора олади.

Сиз порахўрларга дуч келгандирсиз. Номи «совға» аслида эса пора бериш қандай бўлиши сизга сир эмас. Лекин порахўрликнинг оқибати-чи? Қамоқхоналарда неча мингаб порахўрлар қилган ишларига пушаймон еб ўтирганларини тасаввур қила оласизми? Бу пушаймон нима экан, охиратлари қандай бўларкин?

Расулulloҳ (с.а.в.) пора олган ҳам, пора берган ҳам дўзахий эканини таъкидлаганлар. «Пора» атамасини «рушват» шаклида ҳам учратамиз. Турклар «пул»ни «пора» дейдилар, бизнинг тушунчамиздаги «пора»ни «рушват» атайдилар. Араблар талаффузида «ришват»дир. Яъни, «роши-ришват» – пора берувчи, «мурташи-ришва» – пора оладиган киши. Поранинг тури кўп. Масалан, пора – ҳақи бўлмаган ишни бажариш учун ишнинг бошида турган раҳбарларни ҳаром йўлга, ғайри қонуний йўлга бошлаш, тўғри йўлдан кўз юмиш, ноҳақлик қилиши учун бериладиган пул ёки бошқа бирон нарса. Натижада ҳар икки томон ҳаром ишга қўл урган бўлади.

Хоҳ суд, хоҳ солиқ, хоҳ божхона, хоҳ ҳоқимият маъмурияти бўлсин, хоҳ олий ўқув юрти ёки шу каби бошқа жой бўлсин, у ерда давлат томонидан ҳар бир фуқаронинг ҳақини ҳисоб-китоб қиладиган, ишчиларга маош берадиган ходими бўлади. Бу ходим, албатта, адолатли қонунга кўра ишлаши, ҳар бир фуқаро ҳақини кўз қорачиғидек асраши керак. Лекин пора бериб, ўз ишини бажарадиган киши: «**Халқ ҳақи** билан ишинг бўлмасин, лавозимингни ҳам ўйлама, мен сенга шунча пора бераман, менинг ишимни бажар. Ноҳақ бўлсам ҳам ишим битсин. Мен сени кўрмадим, сен мени кўрмадинг, тамом-вассалом!» деб ишини бажариб кетганлар

оқибатни, дўзах оловини ўйламайдиларми? Олганлар-чи?! Гугурт чўпининг олови бармоқни куйдирса, неча кун азоб чекилади, а? Жаҳаннам олови-чи?

Пора берувчи қонунни, низомни бузган, адолатли қонун мажмуасини ўз фойдасига ишлатган, ҳақсизлик қилиб ишини бажариб кетган ҳисобланади. **Пора олувчи** виждонини еган, ноҳақликка, адолатсизликка рози бўлган, ўз манфаатини ўйлаган, халқ ҳақиға хиёнат қилган бўлади.

Мана шундай йўллар билан жамиятдаги қонунлар оёқ ости бўлади, ривожланиш оқсайди, ҳақлар топталади, мазлум ва бегуноҳ халқнинг ҳақи ҳимояланмайди. Золимлар халқ пулини, молини, давлат хазинасини талон-торож қиладилар, халқ манфаатини асло ўйламайдилар. Девор дарз кетса, уй оқибат қулайди. Тўғонда игнадек тешик пайдо бўлса, оқибат уни сув ювиб кетади. Пора туфайли оламнинг таъсис этган низом-қонунлари бузилади, даҳшатли зарарлар юзага келади.

Билим олишга хоҳиши ҳам, лаёқати ҳам йўқ бола пора туфайли ўқишга киради. Кимнинг ўрнига? Илмга ўч боланинг ўрнига! Оқибати – маълум...

Пора туфайли золимга жазо бериш ўрнига, лутф кўрсатилади... «Чораси борми?» «Иложи борми?»

Пора бергувчининг саволи шундай бўлади.

«Иложсиз нарсанинг ўзи йўқ, аммо... озгина чиқими бор...»

Бу олувчининг жавоби. Униси «пора берайинми?» демайди, буниси «бер» демайди. Чиройли ишоралар билан сўзлашадилар-а! Баъзилар бу олди-бердини «пора» деб атамайдилар, «ҳадя» ёки «қўл ҳақи» ёки «атаганим бор эди», «хурсанд қиламан», дейдилар.

Бир олий ўқув юртидаги давлат имтиҳонида котиблик вазифасини бажарган ёш мутахассисга «Сенинг хизмат ҳақинг», деб пул беришибди. Йигит: «Бу пул талабалардан олинган поралар ҳисобидан бериляпти, мен ҳаром емайман», дейишга журъат эта олмабди. Агар шундай деса, унга тазйиқ қилишарди, ишдан кетишга мажбур бўларди. «Аслида-ку, виждонли одам сифатида шундай қилиши лозим эди», демоқчимисиз? Ҳа, лозим эди. Лекин... лекин барча ҳалол одамлар четга чиқиб кетаверса нима бўлади? Хуллас, ҳалол йигит виждон азобида юриб, дўстига маслаҳат солди. У пулни бир камбағал етимга беришни лозим кўрди. Шундай қилишди. Хўш, етим учун бу пул ҳалолми ё ҳаромми? Садақа ҳалол ишлаб топилган пулдан берилади, деган қоидага кўра, ҳаром. Лекин бу садақа эмас-ку! Агар етимга бу пулнинг қаердан топилгани айтилса, эҳтимол, у ҳам олмасди.

Барча динларда пора ҳаром қилинган, барча жамяятларда жиноят ҳисобланади. Ажабки, порахўр на унисидан, на бунисидан чўчийди. Олаверади, тиқилиб ўлгунича олаверади. Русларнинг бир ёзувчиси айтган экан: «Пора – гўзал аёл кабидир, ёши ўтиброқ қолган бўлса-да, жозибаси билан ўзига тортаверади». Ўша аёл кўринишидаги шайтон жозибаси билан бандани қаёққа тортади? Ҳақни эшитмаслик ва ҳаромдан ҳазар қилмаслик ўлимни ҳали узоқ деб билишдан пайдо бўлади. Расулulloҳ (с.а.в.) дедилар: «Аллоҳ бир қавмга нимани ҳаром қилса, унинг орқасидан келадиган пулни ҳам ҳаром қилади».

Ҳазрати шайх Аҳмад Ҳарб (қуддиса сирруҳу) уйига Нишопурнинг улуғлари келдилар. Шайхнинг бир ўғиллари бор эди. Сархуш бўлиб келиб, баланд овоз бериб, эшикдан кирди. Отасидан ва бу улуғлардан уялмади. Улуғларнинг ранглари ўзгарди. Шайх:

– Нечун малул бўлдингиз? – деб сўрадилар.

– Ўғлинг учун, – дедилар.

– Ул маъзурдир. Сабаби будирки, бир кеча қўшнидан таом келди, едик. Онаси билан суҳбат қилдик. Ўша кеча бу ўғлон она раҳимига тушди. Кейин мени шундоқ уйқу босдики, вазифам фавт бўлди. Тонг отганида сўрасак, бу таом талаб, зўрлик билан олинган ош экан. Бизга ҳаром аралашган таомдан берган эканлар.

«Ҳаром» сўзининг луғавий маъноси – тақиқлашдир, яъни қилиши, фойдаланиши, истеъмол этилиши шаръан ман этилган нарсадир. Ҳеч нимадан сақланмасдан тановул қилишни «ҳаром-ҳариш емоқлик» дейилади яъни, «ҳаром-ҳариш» (ҳариш – қаттиқ, қўпол) ўта ҳаромликни англатади. «Ҳаромзода» – ҳаромдан туғилган, оқпадар бўлган кимса. «Ҳароми» – кимсанинг молига, ҳаром нарсага қўл узатувчи одам, ўғри, йўлтўсар, ғоратгар, безори ҳам шундай аталади. «Ҳаромнамаклик» эса ношукрликни билдиради. «Ҳалол» (ҳаллол) эса ечиш, яъни ҳаромни ечиб, йўлни очиш, соддароқ айтсак, ҳаромнинг акси, яъни мумкин бўлган, демакдир. Таом аслида ҳалол, аммо у ҳаром йўл билан қўлга киритилгани учун ҳам «ҳаром луқма» ҳисобланади. Аксини «луқмаи ҳалол» дейишга одатланганмиз.

Расулulloҳ (с.а.в.) дедилар: «Ҳалол аниқдир. Ҳаром ҳам аниқдир. Бу иккисининг ўртасида аксарият одам билмайдиган шубҳали нарсалар бор. Ўзини шубҳали нарсалардан узоқ тутган одам дини ва шаънини сақлаган бўлади. Шубҳали нарсаларга яқинлашган инсон ҳаромга кириб қолиши мумкин. Худди чўпон подани кўриқхона атрофида ўтлатса, унинг (кўриқхона) ичида ўтлатгандек бўлгани каби. Ҳар бир ҳукмдорнинг ўз кўриқхонаси (яъни кириш

тақиқланган жойи) бордир. Аллоҳнинг қўриқхонаси ҳаром қилган нарсаларидир. Огоҳ бўлингки, вужудда бир парча гўшт бор: у яхши бўлса, вужуд ҳам яхши бўлади. Агар у бузилса, бутун вужуд ҳам бузилади. Огоҳ бўлингки, у – қалбдир». (Ёдингиздадир, мазкур ҳадис билан аввалроқ ҳам танишган эдик. Барча фазилатлар ёки иллатлар қалбга боғлиқ бўлгани сабабли бу шарафли ҳадисни ҳар суҳбатда тилга олсак ҳам бўлади). «Вужудда бир эт парчаси борки», дейилишининг маъноси: «Ўша эт парчаси Аллоҳдан ҳаё қилса, бадан ҳам ҳаё қилади. Агар у ҳавои истак ва орзуга берилса, вужуд ҳам истак ва орзулар кетига тушади. Бузуқ ва ёмон ниятда бўлса, вужуд ҳам ёмонлашиб бузилади».

Уламои киром «ҳалол» ва «ҳаром» сўзлари хусусида турли фикр билдирганлар. Абу Ҳанифа «Ҳалол – ҳалоллигига далил бор нарса», имом Шофиъий эса: «Ҳаром – ҳаромлигига далил бор нарса», деганлар. Расулulloҳнинг (с.а.в.) «Бу иккисининг ўртасида аксарият одам билмайдиган шубҳали нарсалар бор...» деганлари ҳалол ва ҳаром нарсалар ўртасида баъзи нарсалар ҳам борки, уларнинг ҳаромлиги ёки ҳалоллиги хусусида шубҳа бўлади, демакдир. Шунинг учун шубҳа бор жойда кўнгилсиз ҳолат юзага келади. Расулulloҳ (с.а.в.) «Ўзини шубҳали нарсалардан узоқ тутган одам дини ва ҳурматини сақлаган бўлади», дейишларининг маъноси – одамийликнинг софлигини истаган инсон шубҳали нарсалардан ҳам йироқ бўлсин, демакдир. «Шаънини сақлаш» деганда, киши шубҳали нарсаларга яқин йўласа, одамлар уни «ҳаром еяпти», деб ўйлашлари эҳтимол.

*Кўнгил Ҳақ файзига бўлсун десанг чок,
Ки, аввал мартаба халқингни қил пок.*

Сўфи Оллоҳёр демоқчиларки, агар кўнглингни Аллоҳ Таолонинг илҳоми кириши учун очиқ қилай десанг, унинг биринчи шартин – томоғингни буткул ҳаромдан пок қилмоғинг кераклигидир. Чунончи:

*Ема зарра ҳаром огушта нондин,
Бўлур чоҳи нажас бир қатра қондин.*

Дейилмоқчики, бўғизни пок қилмоқлик аввал бошда ҳаром аралашган неъматларни емаслик билан бўлади. Агар еган неъматингда бир заррача ҳаром бўлса-да, ул таомни емаслик керак. Чунки, қу-

дуққа бир томчи қон ёки хамр тушса, нажас қилар. Шунга ўхшаб кўп ибодатдан ҳосил қилган савобинг бир оз ҳаром аралашган неъматдан ейиш билан йўққа чиқар. Уламолар айтурларки, биров ҳаром луқма билан тоату ибодат қилса, гарчи кечалари уйғоқ туриб, кундузлари рўза тутса-да, қабул бўлмас. Агар биров Аллоҳ Таолодан кўрқиб, шубҳали нарсалардан сақланса, юз карра Каъбага бориб ҳаж қилганликнинг савобини топар экан. «Танбеҳул рофилун»да зикр этилган ҳадисда айтилишича, агар бир кишининг кияр кийимига ҳаром аралашган бўлса, ўша тўнда ўқилган намоз қабул бўлмас экан.

*Агар ош манҳий бўлса, кўз юмиб ош,
Ва гар на, тонгла қорнингдин чиқар тош.*

Дейилмоқчики, агар емоқчи бўлганинг бир неъматда ҳаром нарсалар бўлса, кўзингни юмиб ундан ўт, унга қарама, уни ейишга майл қилма. Агар шундай қилмасанг, Қиёматда қорнингдан тош чиқар. Яъни, турли азобларга гирифтор бўлурсан.

*Эрур хардалча манҳий захри қотил,
Қилур бир қатраси хум сувни ботил.*

Дейилмоқчики, агар ҳаром нарса қалампир уруғичалик кичик ва кам бўлса-да, уни ўлдиргувчи оғу деб билгил. Яъни, оз ҳаром кўп ибодатларнинг савобини бузар. Шунга ўхшаш бир томчи май бир хум сувни нажасу ботил қилади.

Бир одам «Мен ҳалолликка тупурдим, мен бахтли яшашни истайман!» дейди. Ажаб! Ҳаромлик ботқоғига ботган ҳолда бахтли бўлиш мумкинми? Эҳтимол, у одам ҳаром йўлдан оқиб келган бойликни бахт деб ўйлар? Эҳтимол, кунда, кунора ёш фоҳишалар билан айш қилиш унга бахт бўлиб туюлар? Буниси бизга қоронғи. Бу одам ҳақиқий бахт саройига фақат ҳалол йўл орқали етиб бориш мумкинлигини қачон англаб етади? Буниси ҳам бизга номаълум. Сиз «фарқламай ўлиб кетади», демоқчимисиз? Йўқ, умрининг сўнгги дақиқасида бўлса ҳам англайди ва афсус билан кўз юмади. Бу афсуси эса охиратда асқатмайди.

Шукрларким, атрофимизда эс-ҳуши жойида бўлганлар кўп. Лекин бузуқ ошёнларнинг оҳанрабоси кучига нафси дош беролмаётганлар-чи? Қўшниларимиз орасида борми? Бор! Қариндошлар орасида борми? Бор! Ҳамкасблар орасида борми? Бор! Хонадо-

нимизда борми?.. Ресторанларни четлаб ўтишимиз яхши, лекин ҳаромдан ҳазар қилмайдиганларни ҳам холи қўйганимиз-чи?

Бир йигит қарзга ботиб, ҳаётидан нолиб юрибди. Нима мақсадда қарз кўтаргани сабабини билиб, ҳайратдан ёқа ушладик: Украинадан чўчқа гўшти олиб келиб сотмоқчи бўлган экан! Борибди, иши юришмай, хонавайрон бўлиб қайтибди. Энди нега ҳаётини лаънатлайди, ҳайронмиз... Ошхоналарда битта пичоқ билан ҳам мол гўшти, ҳам чўчқа гўшти майдалаётган қассоблар, ошпазлар қилаётган ишлари ҳақида ўйлаб кўрсалар чакки бўлмас эди. Тўнғиз терисидан тикилган пойабзалларни олиб келиб сотаётган тижорат аҳлига ҳам гапимиз шу.

Чўчқа гўштини яҳудий дини ҳам ҳаром қилган. Исроилда чўчқа боқиш тақиқланган. Исроил ҳарбийлари мина топишда фойдаланиш учун Европадан қора чўчқа сотиб олишган экан. Жамоатчилик қарши туриб, чўчқаларни йўқотишди, ҳатто ҳарбий мақсадда фойдаланишга йўл беришмади.

Ҳаром ҳақида гапирилганда бир нарсага эътибор берайлик: нима учун Аллоҳ Таоло асални ёки шолғомни ҳаром қилмади? Чунки бу неъматларнинг инсон саломатлигига зарари йўқ, жамиятга зарари йўқ. Ароқнинг киши соғлиғига, жамият осойишталигига зарари борми? Чўчқа гўштининг соғлиққа зарарлигини ҳатто насаро олимлари исбот қилиб беришди-ку! Масалага фақат диний эмас, ижтимоий, дунёвий нуқтаи назардан қарасак ҳам, қарама-қаршиликни кўрмаймиз. Фақат диний томондан ҳаромга қарши қаршилик, кураш бор, дунёвий жамият томонидан олиб борилаётган кураш эса анча суст.

Ҳаётда кўп қийинчиликларни бошидан кечирган ва уларни енгиб ўтган инсон босиб ўтган йўлга қаралса, унинг поклигига ва ички дунёси гўзаллигига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Ҳалол ютуққа эришиш қийин бўлса-да, унинг завқи тотли, ширин бўлади. Шунинг учун ҳам яхшилар дедиларки: «Ризқингни топиш учун яхши йўлларга отлан. Фойдани ҳалол йўл билан топ. Ҳаром йўллардан фойда топиш осон бўлса ҳам, охири азобдир». Ёмонлик эшиги ҳаром фойда билан очилади, яхшилик эшиги эса ҳалол фойда билан очилади. **Ҳалол ҳам, ҳаром ҳам тугайди.** Боқийлик эса шуларга қараб, ё азоб бўлади, ё роҳат! Одам ҳаром-ҳариш воситалар билан моли-дунё, ҳузур-ҳаловат топса ҳам, лекин маънавий жиҳатдан ҳалок бўлади. Ҳаромга берилган кимса ҳар одимда ҳаром еб, гуноҳ топгани каби ҳалолга интилган инсон ҳар ҳалолдан савоб топади. Одам боласи ҳалол топиб, бу топганидан муҳтожга ёрдам қилса савоби янада ортади. Нафсни қитиқловчи

шайтон ҳийлаларига зарба бера олиш, поклик ила ҳаёт кечириш, ҳалол умр саройининг калитларига эга чиқишга интилиш ҳар бир инсоннинг асосий мақсади бўлиши керак.

Ҳалол ва ҳаромга доир фикрларнинг барча суҳбатларимизда тилга олиниши бежиз эмас. Умумлаштириб айтадиган бўлсам: одам зотининг чиройи бўлган барча фазилатлар пойдевори ҳалолликдан иборат. Барча ёмонликлар – иллатларнинг асоси эса ҳаромдандир.

ҚЎШНИНГ ЁМОН БЎЛСА...

Луқмони ҳаким айтганлар:

«Оғир тош кўтардим, темир кўтардим, аммо ёмон қўшнидан оғирроқ нарса кўрмадим».

Умидимиз юлдузлари, қўшнилар билан муносабатингиз қандай? Мен кўп кузатганман: айрим болалар ён қўшнилари билан дўстлашмай, икки-уч кўча наридаги болаларга яқин бўлишади. Эҳтимол, сиз ҳам шундайдирсиз? Нега шундай?

Одам болалари ўз хонадони аҳли билан қандай яхши муомала қилса, қўшнилар билан ҳам шундай муроса қилишга буюрилган. Ота-она ва фарзанд бурчлари қандай бўлса, қўшнининг қўшни олдидаги бурчи ҳам ўшандай даражададир. «Қўшнинг ёмон бўлса кўчиб қутуласан», деган мақолни эшитгансиз. Лекин қўшним ёмон экан, деб тинмай кўчиб юрилаверилмайди. Лозим бўлганда дардни ичга ютиб, жаҳаннам азобида яшайверишдан ўзга чора қолмайди. Қандайдир ҳолатларда эса муроса қилишга ҳам тўғри келади. Мазкур мақол кимдир томонидан шунчаки тўқилмаган, у шарафли ҳадис асосида айтилган. Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг қилиб юрадиган дуоларидан бири бундай бўлган: «Эй, Аллоҳ! Мен яшайдиган ердаги ёмон қўшнининг ёмонлигидан паноҳ беришингни сўрайман. Чунки фоний дунёдаги ёмон қўшнидан кўчибгина қутулиш мумкин». Ёмон қўшнининг ёмонлиги ҳамиша бўлавермаса ҳам, ёмонлиги бўлиб қолишидан чўчиб яшашнинг ўзи ҳам катта азиятдир.

Халқимизда «Қўшнинг тинч – сен тинч», деган мақол бор. Бу ҳикматнинг мазмуни ойдек равшан, мулоҳазага ўрин йўқдек кўринади. Лекин «Қўшнинг тинч бўлмоғи учун ўзинг нима қилишинг керак?» деган савол қўйилса, ҳар бир одам ўйланиб қолади.

Қадим-қадимдан қўшничилик муаммоси донишмандлар диққат-эътиборида бўлган. Ҳозиргина эслаганим мақол бекорга вужудга келмаган: қўшнинг тинч – сен тинч! Бу демак, агар сен

осойишталигингни истасанг, аввал қўшнинггни осойишталик билан таъминла. Аввал ўзингни эмас, қўшнинггни ўйла, дейилмоқчи. Бу мақол замирида одамларни биродарликка, меҳр-оқибатли бўлишга ундаш ётади. Оилада ота-онасига, акалари-укаларига меҳрли бўлиб улғайган одам, шубҳасиз, қўшнига ҳам меҳрли бўлади. Ота ва онасини беҳурмат қилувчи одам қўшнини ҳам сариқ чақага олмайди.

Ёмон қўшнидан қутулишнинг йўлларида бири – ҳар бир одамнинг ўзи яхши қўшни бўлишга ҳаракат қилиши керак. Яъни, бировга қилинажак ёмонлик ҳам, яхшилик ҳам қўшнидан бошланади. Ҳатто Ватанни сотиш ҳам қўшнини сотишдан бошланади. Қўшнисини ёмонлаб имзосиз хатлар ёзадиган одам Ватанини сотмайди, деб ким кафолат беради? «Қўшнингга қасд этма, баст эт» (баст – қувонтириш маъносида) деган ҳикматга барча бирдай амал қилганда эди...

Набий муҳтарам (с.а.в.)дан сўрадилар: «Эй, Расулуллоҳ! Фалончи хотин кечалари туриб ибодат қилади. Кундузлари рўза тутаяди ва одамларга хайр-эҳсон улашади ва бошқа яхши ишларни ҳам қилади. Лекин қўшниларига тили билан озор беради. Бунинг оқибати қандай бўлади?» Расулуллоҳ (с.а.в) жавоб бердилар: «Бу хотинда яхшилик йўқ, у дўзах аҳлидандир». Яна сўрадилар: «Фалоний хотин фарз намозларини ўқийди ва борини, арзимас бўлса ҳам, садақа қилади. Шу билан бирга у ҳеч кимга озор бермайди». Аллоҳнинг расули (с.а.в.) жавоб бердилар: «Бу хотин жаннат аҳлидандир».

Ўзига тилаган нарсасини ўзгаларга, хусусан, қўшнисига тилайдиган, ўзига муносиб кўрмаган нарсани бошқаларга ҳам муносиб кўрмайдиган одамни виждонли, эътиқодли дейиш мумкин. Ким қўшнисига бало-қазо ёғилишини истаса – нодондир. Тасаввур қилинганки, «Қўшнимнинг уйини куйдир!» деб ният қилган одамнинг ноласи қабул этилди – қўшнининг уйи ёнди. Оқибат нима бўлди? Қўшнига офат тилаган нодоннинг уйи ҳам қўшилиб ёнди!

Набий муҳтарам (с.а.в.) дедилар: «...Қўшнисини безовта қилувчи одам мусулмон бўла олмайди». Яна дедилар: «Ким ўзи тўйиб овқат еса-ю, қўшниси оч ўтирса – иймонсиздир». (Бошқа бир ривоятда: «Қўшнисининг очлигини била туриб, ўзи тўқ ётган одам тўлиқ иймон келтирган ҳисобланмайди»). Яна дедилар: «Шўрва пиширгангизда сувини кўпроқ қилинг. Кейин қўшнилариңгиздан хабар олинг ва уларга мувофиқ равишда шўрвадан солиб беринг».

Юртимизда бу одатнинг гўзал кўринишлари бор эди. Афсуски, булар унутуляпти. Ҳозир фақат ҳайит арафасида қўшнилари бир-бирларини бир коса ош билан йўқлайдилар. Болалигимизда

ўн беш – йигирма қўшнига қувона-қувона ош тарқатиб чиқардик. Шунга яраша бизникига ҳам шунча ош қайтарди. Ҳозир кузатишимча, икки ён қўшни билан чекланиляпти. Овқат қизганилмайдди, шукрларким, йигирма-ўттиз қўшнини йўқлашга ҳар бир хонадоннинг имконияти бор. Фақат... аёлларимиз салгина эътиборсизлар, салгина ялқовлар, салгина меҳрсизлар. Эрларнинг эса бу билан ишлари йўқ!

Тарихга назар ташласак, яхши одамлар тансиқ овқатларидан, албатта, қўшниларига чиқарганлар. Агар қўшнилари муҳтож эканини билсалар-у, унга ёрдам беришга қурбилар етмаса, таомнинг ҳиди чиқиб қўшнимга озор бермасин, деган хижолатда ўз уйларида овқат пиширтирмаган одамлар ҳозир ҳам бор. Қадимда муборак ҳаж ибодатига отланган одам қариндошлари ва бола-чақалари билан бир қаторда қўни-қўшнилари ҳам моддий томондан таъминлаб, ризолигини олар экан.

Бир одамнинг уйида сичқон кўпайиб кетибди. Шунда таниши «Мушук боқа қолмайсизми?» деса, у одам: «Мушук олиб келсам, сичқонлар кўрқиб қўшнимникига қочса, уларни безовта қилди-да», деган экан.

Шарқ ривоятларидан бирида бундай ҳикоя қилинади.

Ривоят. Бир одам чоғроқ шолча устида ўтирган экан. Ёнига қўшнисини чорлабди. Қўшниси: «Эй, биродар, шолчангиз бир парчагина-ю, яна менга иззат кўрсатмоқчи бўласиз-а», деб кулибди. Шунда лутф кўрсатган қўшни дебди:

– Бир-бирига душманлик қилувчи ноаҳил қўшнилари бутун дунёга ҳам сиғишмайди. Аҳил қўшнилари бир парча шолчага сиғиб, роҳат кўраверадилар. Гап шолчанинг торлигида эмас, кўнгилининг кенглигида.

Масал. Бир бургут човут солиб ҳовлидаги қуённи кўтариб кетибди. Ўша ҳовлида яшайдиган чумчуқ қуёнга ачиниш ўрнига мазах қилиб чириллабди:

– Эй, чопағон қуён! Чопағонлигинг ёрдам бермадимми?!

Чумчуқнинг чирқиллашини эшитган бошқа бургут учиб келибди-ю, уни човутига илибди. Шунда қуён унга қараб: «Жуда тез учардинг-ку, қанотларинг фойда бермадимми?» деган экан.

Масалдан олинандиган маъно шуки, қўшни бошига келган фалокатдан кулиб, мазах қилиш ярамайди. Балки қўшни оғир аҳволга тушса, унга ёрдам бериб, бундан қутқариш керак. Қўшни бошига келган фалокатдан қувонган кишининг ўзи ҳам бирор фалокатга учраши тайин.

Қўни-қўшнилари орасидаги нохуш ҳолларга кўпинча манманлик сабаб бўлади. Нисбатан тўқроқ, бойроқ одам гердайса, керилса,

менсимаса яхши оқибатга олиб келмайди. Камбағалроқ қўшнида ҳасад, ичқоралик бўлса ундан яхши оқибат кутманг. Қўшнисини норози қилган бойроқ одам кутилмаганда бойлигидан ажралиб қолиши, қўшнисига ҳасад қилиб ифво тарқатган эса эртага эл-юрт олдидан обрўсизланиши, шарманда бўлиши мумкин.

Суқрот ҳакимдан ҳикмат: «Икки нарсани ислоҳга келтириш жуда қийин: қариндош-уруғларнинг бир-бирларига бўлган адоватларини ва қўшнилари қасадини».

Бир одам манмансираб, қўшни ҳовлига орқа қилиб баланд иморат қуради. Иморат шундай баландки, қиш ойлари қўшни ҳовлига офтоб тушмайди. Бундан қўшни ранжийди ва экин суғорганида ариқни атайин шу уйга тақаб олади. Оқибатда уй захлайверади ва жанжал бошланади. Бир қарасангиз, иккови ҳам ҳаққа ўхшайди. «Пул меники, ер меники, уни қандай қурсам қуравераман», дейди бири. «Ҳовли меники, экин меники, қандай суғорсам суғоравераман», дейди иккинчиси. Бу жанжалнинг боши – манманлик. Бироқ, унга ҳасад аралашди-ю, яра фасод боғлади.

Икки қўшни бир парча ерни «Бу меники! Йўқ, меники!» деб талашаётганида ер тилга кириб, «талашмаларинг, икковинг ҳам меникисанлар, икковинг ҳам бағримга кирасанлар», деган экан. Ҳамонки, одам вафот топгач, бир хил либосда, бир хил лаҳадда, бир хил ҳолатда ётар экан, озгинагина умрини жанжал билан ўтказмай роҳат ила яшаса бўлмас эканми, деб ўйлайман.

Кишининг бошига кулфат тушса, биринчи навбатда қўшни ярайди. Шодлигингизни ҳам энг биринчи қўшнингиз баҳам кўради. Қишлоқларда, маҳаллаларда қўни-қўшничиликнинг гўзал анъаналари шаклланган. Доно қариялар бу анъаналарнинг асралишини кузатиб туришади. Бироқ, афсуски, кўп қаватли уйларда яшовчилар яхши анъаналарга амал қилишмайди. Бу даъво, айниқса, ёш оилаларга тегишли. Бир йўлакда тўрт-беш йил мобайнида қўшни бўлиб яшаган оилалар бир-бирларини яхши танишмайди. Эрталаб ишга кетиш чоғларида ёки ишдан қайтишларида икки-уч кунда тасодифан бир кўришиб қолишлари мумкин. Сўнг уйларига кириб кетишгач, ташқарига чиқмайдилар. Қўшниникида нима гап – ишлари йўқ. Бунақа одамлар бошига бир нохуш иш тушса қўшнининг қадрига етади. Аммо кечиккан бўлишади. Аттанг, дейишади-ю, фойда бермайди.

Қўшничилик – бир чинни идиш кабидир. Дарз кетса, изи қолади. Шу сабабли яхши қўшничилик муносабатини эъзозлаган маъқул. Албатта, бу гаплар сиз учун янгилик эмас. Ҳозир айтилгандан кўра кўпроқ мақоллар, ривоятлар, ҳаётий мисоллар биларсиз. Мен

сиздан кўпроқ биладан, деб даъво қилмайман. Мақсадим оддий – билганларингизни яна бир ёдга солиш, билимни амалда татбиқ этишга даъват қилиш.

Пайғамбаримиз (с.а.в.) қўшни ҳақини аниқ ва равшан тарзда белгилаб берганлар: «Биласизми, қўшнининг ҳақи нима? – дедилар ва бу саволларига ўзлари бундай жавоб қилдилар: – Иона истаса – иона берасиз. Ёрдам сўраса – ёрдам берасиз. Қарз сўраса – қарз берасиз. Камбағаллашса – рўзғорига мадад бериб турасиз. Хасталанса – зиёратига борасиз. Вафот этса – жанозасига қўшиласиз. Омад кулиб боқса – уни қутланг. Бошига мусибат тушса – таъзиясида бирга бўлинг. Ундан рухсат бўлмаса, уйингизни унинг уйидан баланд қилиб қурманг. Чунки уйингизни баланд қилиб қурсангиз, унинг нимасигадир тўсқинлик қилган бўласиз. Унга азоб берманг. Бозордан бирон мева олган пайтингизда унга ҳам беринг. Агар бермоқчи бўлмасангиз, уйга олиб келганингизни кўрмасин. Болангизнинг қўлига бирон мева бериб ташқарига чиқариб юбормангки, қўшнининг боласи шундай нарсага эга бўлмагунча бундан ўпкаланиб юрмасин. Қозонингизда қайнатган гўшт ҳиди билан уларни нотинч қилманг. Агар келтирган гўштингиздан бир парчасини унга кесиб берган бўлсангиз, гўшт ҳиди таралишининг айби йўқ. Биласизми, қўшнининг ҳақи нима? Аллоҳга қасамки, қўшни ҳақини фақат Аллоҳ марҳаматига ноил бўлган кимсаларгина ўтай олади».

Бу ибратли сўзлардан аёнки, каттаимизми ё ёшмизми – ҳар биримизнинг зиммамизда масъулият бор. Бу масъулиятни тўғри адо этсаккина яхши хулқ эгаси бўламиз.

Мазкур сатрлар ёзилаётган кунларда Россиядаги бир воқеани эшитиб, даҳшатга тушдим.

Воқеа. Ёшга етмаган чақалоғи ва икки ёшли боласини уйда қолдириб, кўчага чиққан бир жувонни автомашина босиб ўлдиради. Ҳужжати бўлмагани учун марҳуманинг кимлигини аниқлаш қийин кечади. Бу орада уйда қолган икки гўдак йиғлай-йиғлай очдан ўлади. Қўшнилари эса уларнинг йиғиларига аҳамият бермайдилар. Болаларнинг ўликларидан ҳид чиқа бошлаганда «газнинг ҳиди чиқаётгандир», деб яна эътибор бермаганлар...

Шукрларким, бизда бу даражадаги бемехрлик, беоқибатлик йўқ, бўлмасин ҳам! Лекин бунақаси йўқ, деб хотиржам бўлишимиз ҳам дуруст эмас.

Баъзи қизларимиз, келинларимиз кўчага сув сепиб-супиришганда қўшни чегарасидан бир қарич ҳам нарига ўтмайдилар. Дарво-

залари ёнма-ён бўлса-да, қўшни дарвозаси олдини супуришдан ё эринадилар, ё бу хизматнинг савоб эканини билмайдилар.

Одамийликда қўшни ҳақиға катта аҳамият берилади. Расулulloҳ (с.а.в.) бу хусусда дейдиларки: «Ҳазрати Жаброил қўшни ҳақиға риюя этмоқ тўғрисида менга шу қадар кўп васият (топшириқ) қилдиларки, мен қўшнини ҳатто молимга ҳам меросхўр қилиб қўйсалар керак, деб ўйладим». Мазкур шарафли ҳадиснинг таъкиди ўлароқ, Мужоҳид ҳикоя қилади:

«Бир куни ҳазрати Умарнинг ўғли Абдуллоҳнинг (р.а.) уйида эдим. Ўғли қўй сўйиб, терисини шилаётган эди. Абдуллоҳ «Қўйни сўйиб бўлганингдан кейин, қўшниларга беришни ёнимиздаги яҳудий қўшнидан бошла», деб топшириғини бир неча марта такрорлади. Охири ўғли: «Неча марта айтасиз, ота?» деб ажабланди. Шунда Абдуллоҳ дедики:

– Расулulloҳ қўшничилик ҳақиға шу қадар кўп ўғит берардиларки, биз қўшнини қўшнига ворис қиладилар шекилли, деб ўйлардик».

Шарафли ҳадисларда марҳамат қилинган талабларни ҳар бир одам бажариши шарт. Бажариш учун эса бу талабларни билиши керак. Шу боис, талабларнинг асосийларини ёдимизга олиш вақти келди:

Бир куни Ойиша онамиз (р.а.) нон ёпдилар-у бир сабаб бўлиб, бу нонни қўшнининг қўйи ея бошлади. Ойиша онамиз (р.а.) қўй оғзидан нонни олмоқчи бўлганларида Расулulloҳ (с.а.в.): «Майли, ундан қолгани ҳам бизга кифоя қилади, қўйнинг бу иши тўғрисида гапириб, қўшнига озор бермагин», дедилар.

Қуръони Каримнинг «Нисо» сурасида яхшилик қилиш ҳақидаги оятда «яқин қўшниларга» ва «ён қўшниларга» дейилган. Уламолар «яқин қўшни»ни «қариндош қўшни», «ён қўшни»ни эса яқинлиги йўқ, яъни бегона қўшни, деб тафсир қиладилар. Набий муҳтарам (с.а.в.) бу борада марҳамат қилдиларки: «Қўшнилар уч хил бўлади: битта ҳақи бор қўшни – ҳақи энг кам қўшнидир; иккита ҳақи бор қўшни ва учта ҳақи бор қўшни – буниси энг кўп ҳақи бор қўшнидир. Энди, битта ҳақи бор қўшнига келсак, у мушрик қўшнидир. Унинг қўшнилик ҳақи бор, холос. Иккита ҳақи бор қўшни эса мусулмон қўшнидир. Унинг ҳам мусулмонлик ҳақи, ҳам қўшнилик ҳақи бор. Учта ҳақи бор қўшни эса – мусулмон ва қариндош қўшнидир. Унинг қўшнилик, мусулмонлик ва қариндошлик ҳақлари бор».

Ҳазрати Ойиша онамиз (р.а.) «Ҳадяни икки қўшнидан қай бирига берайин?» деб сўраганларида Аллоҳнинг расули (с.а.в.):

«Қайси бирининг эшиги сенга яқинроқ бўлса, ўшанга бер», деб марҳамат қилдилар.

Эътибор қилган бўлсангиз, қўшнилари сифатларига, яъни бой ёки камбағалликларига, чиройларига, ширин сўзларига қараб ажратилмайди. Биз ҳаётимизда айнан шу нуқтада хатоликларга йўл қўямиз. Девор-дармиён қўшнимизнинг бир қилиғи ёқмагани учун ундан узоқроқ бўлишга интиламиз. Ўн дарвоза наридаги қўшни билан апоқ-чапоқ бўлгимиз келади. Дарвоқе, дарвозаларнинг яқин ёки узоқлигига қараб нечта хонадон қўшни саналади? Ҳасан Басрий ҳазратлари шарафли ҳадисга асосланиб, ҳовлингизнинг олд томонидан қирқ ҳовли, орқа томонидан яна қирқ, ўнг томонидан яна қирқ, чап томонидан яна қирқ ҳовлининг ҳаммаси қўшни ҳисобланишини таъкидлаганлар.

Демак, кичикроқ бир қишлоқ ёки маҳалла аҳли бир-бирига яқин қўшни ҳисобланар экан. Айрим ривоятларда қўшнилари адади ўн ҳовли миқдоридан белгиланган. Яна айрим ривоятларда маҳалла чегараси, дейилган. Бу борада баҳслашмай, афзалини олавериш керак. Кимнинг қирқ хонадон билан яхши қўшничилик алоқасини ўрнатишга имконияти бўлса, қуввати етса, барака топсин! Кимнинг имконияти чегараланган экан, қўшни ҳақиқага риоя қилиши шу даражада бўлаверади.

Ҳасан Басрий ҳазратларига бир аёл келиб аҳволдан шикоят қилди. «Уйинг қаерда?» деб сўрадилар. «Сизнинг уйингиздан етти эшик нарида», деди аёл. Ҳасан Басрий ҳазратлари бор пулларини санаб кўрсалар етти танга экан. Ҳаммасини бердилар. «Ё Аллоҳ, ҳалокатга учрашимга оз қолибди-я!» дедилар. У зот етти хонадон наридаги қўшнилари оғир аҳволда эканидан беҳабарликларини ҳалокат деб билганлар.

Бир одам муҳтожликдан қийналаётган қўшнисининг уйини сотиб олди. Кечаси йиғи овозини эшитди. «Ким йиғлаяпти?» деб сўради. «Сотилган уйнинг эгалари», деб жавоб беришди. «Уларни чақириб айтишлар, қалблари эзилмасин, сотган уларини қайтардим, ўзларига буюрсин, мендан олган пуллари уларга ҳады».

Бундай саховат эгалари ҳозир ҳам борми ё ривоятларда қолиб кетганми? Балки турган жойи кўзига тор кўриниб, қўшнисининг ҳовлиси эвазига кенгайтирмоқчи бўлган юраги торлар бордир орамизда?!

Кунлардан бир куни Имом Аҳмад ибн Ҳанбалнинг (раҳматуллоҳи алайҳ) деворлари қулади. Шогирдларидан бирининг қўшни томондан бир оз тупроқ олиб, лой қорганини кўриб қолдилар-да, у шогирдни «менга ярамайсан», деб ҳузурларидан нари қидилар. Девор учун бошқа лой қордирдилар.

Қўшни ҳовлисидаги бир сиқим тупроқнинг ҳақи не эканини биладиганлар борми ҳозир сафимизда?

Баъзи бировлар яқин қўшни эканини пеш қилиб, эшикни ўзлари очиб, ичкарига индамай кириб келаверадилар. Улар балки номаҳрам назар нима эканини билмаслар? Беижозат кириб келишлари оқибатида қўшнини хижолат қилиб қўйишлари мумкинлигини ўйламаслар? Қаранг-да, агар қўшнининг индамай кириб келаверишига ижозат бўлса, эшик қуришга не ҳожат бор эди?

Набий муҳтарам (с.а.в.) дедилар: «Суҳбатдошларнинг энг яхшиси – хушфезъл ва кўнгилга маъқули ва қўшниларнинг энг яхшиси – қўшнисига муносабатда мумтозидир». Яна дедилар: «Аллоҳнинг ҳузурида қўшниларнинг яхшиси – қўшнисига яхшилик қилганидир».

Набий муҳтарам баракот ва баракотсизлик хотинда, масканда ва отда бўлишини айтдилар. Масканнинг баракоти – турар жойининг кенглиги ва қўшниларининг яхши инсонлар бўлишидир. Бебаракалиги – турар жойининг торлиги ва қўшниларининг ёмон фезъл-атворли инсонлар бўлиши билан боғлиқ.

*Ўтдайн куймас эдим, куйдирди-да, ён қўшним,
Гулдайн сўлмас эдим, сўлдирди-да, ён қўшним,
Ўғлим, қизим бахтидан айирди-да, ён қўшним...*

Қўшничилик бурчи фақат қўшнига азоб бермасликдангина иборат эмас. Қўшни учун қандайдир қийинчиликни зиммага олиш ҳам керак бўлади. Чунки қўшнига азоб бермасликнинг ўзи, ҳали бурч ўтади, деган гап эмас. Бунинг учун ҳатто маълум бир қийинчилик ё ноқулай аҳволга чидаш ҳам камлик қилади. Чунки, шу билан биргаликда қўшнига яхши (меҳр билан) ва мулойим муомала қилиш, унга хайр-садақа қўлини узатиш керакдир. Шу ўринда бир оз қайтариқдай туюлса ҳам қўшни бурчи ҳақида яна тўхталайлик. Ҳазратлари шарафли ҳадиснинг тафсири сифатида бундай баён қиладилар:

«Қўшни билан учрашганда салом билан сўз бошламоқ, гаплашганда гапни чўзмаслик, кўп савол бермаслик, касал бўлганда кўргани бориш, бошига мусибат тушганда таъзиясида унинг билан бирга сабрли бўлиш, севинчи онларида қутлаш – унинг севинчи билан севиниш, хатоларини кўрмасликка олиш, уйини жосусларча кузатмаслик, деворига бир нарсалар қўйиб ёки осиб ғашини келтирмаслик, унга тегишли жойдан сув олмаслик, уйининг олдида ахлат ва супиринди тўкмаслик, ўтиш йўллари тораитирмаслик, бирон баҳона билан уйига қарамаслик, қулоққа чалинган оилавий

сирларини ёймаслик, у йўқлигида уйини қўриқлаш, унга қарши айтилган сўзларга қулоқ солмаслик, маҳрамига оид хусусларда кўз юммоқ, хизматчисига қарамаслик, боласига ширин сўзлар айтиш, диний ва дунёвий масалаларда билмаганларини ўргатиш...»

Қўшни ҳақи – қўлдан келганича унга яхшилик қилишда экан. Шу боис ҳам Набий муҳтарам (с.а.в.) «Қўшнига яхшилик қил, тинч-саломат бўласан... Кимнинг Аллоҳга ва Қиёмат кунига иймони бўлса, қўшнисига нисбатан иззат-икромда бўлсин», деб марҳамат қилганлар. Халқимизда бу шарафли ҳадисдаги маънони давом эттирувчи мақоллар ҳам бор: «Қўшнингни янима, киноя сўз доғ этар, қурбинг етса кўмаклаш, эшигингни боғ этар». «Қўшнинг ёмон бўлса – ёмонлик келар, қўшнинг яхши бўлса – омонлик».

Ҳозир турли кўринишда, услубда, ҳажмда янги уйлар қуриляпти. Айрим уйларнинг пастки қаватида дўкон, қаҳвахона ёки ҳунармандлик устахонаси мавжуд. Дўкон, қаҳвахона ҳам, устахона ҳам қўшнига озор бермайдиган бўлиши керак. Тасаввур қилинг, магнитофондан эрта-ю кеч ашула жаранглаб турса, темирчи босқонда уриб турса, тутун бурқсиб турса... Ёки устахонадан таралаётган бўёқнинг ўткир ҳиди қўшнининг димоғини ачитиб турса. Бир қўшни болохона қургани учун иккинчисидан ранжиди. «Болохонани ўзимнинг еримга қурдим, сенинг нима ишинг бор?» дейди у қўшни. Зимдан қаралса, гапида жон бор. Лекин ўша болохонадан туриб қўшнининг ҳовлисига номаҳрам назар тушиб туриши-чи? Бу томони ўйланмайдими? Донолар деганларки: «Кўчага, қўшним томонга мағзава тўкканимдан кўра, бу мағзавани ўз устимга тўкканим афзал». Бу ҳикматни тушуниш қийин эмасдир?

Маълум бўлдики, ўзини виждонли санаган ҳар бир одам қўшничиликка доир бурчларини оғишмай адо этиши зарур экан. Бу борада эр ва аёлнинг масъулияти орасида фарқ кўрамиз. Эрлар майда-чуйда нарсаларга кўпда эътибор бермайдилар. Аксинча, қўшнилар орасининг бузилиши хотинларнинг ўзаро чиқишмаслиги, миш-мишлари, ғийбатлари туфайлидир. Қўшнининг келини аразлаб кетиб қолса ёки қизи қайтиб келса, қувонадиганлар озми ёки кўпми?

Шундай ҳикматли гап бор: «Фалончиникида қўш ноғора қизиб, тайёр туради. Қўшнисиникида бир нохуш гап бўлса ноғора қоқиб, элга ошкор қилади». Шундай одамлар ҳам ўзларини иймонли ҳисоблайдиларми? Бир хонақоҳда намоз ўқиб, ибодатдан сўнг тескари қараб кетадиган қўшнилар-чи? Агар улар «У қўшни бу қўшнининг беғуноҳлигига амин бўлмаса, бу қўшнининг иймони шубҳа остида бўлади... Қиёмат кунини биринчи бўлиб, ёвлашиб

қолган қўшнилари муҳокамага қўйилади», деган шарафли ҳадиси билганларида эҳтимол бундай қилмаган бўлардилар. Қўшнисининг уйига мўралашни яхши кўрадиганлар-чи? Агар улар «Износиз бировнинг уйига мўралаган одамнинг кўзини ўйиб олиш ҳалол бўлади», деган ҳадиси шарифни билганларида, эҳтимол, ўзларини бу гуноҳ ишдан тўхтатган бўлардилар.

Ҳа, бу борада катта-ю кичик – ҳаммамизнинг ўйлаб кўрадиган ишларимиз бор. Абдуллоҳ ибн Умар айтадилар: «Бизнинг ёшлигимизда кўрганимиз шундай эдики, у вақтда ҳеч бир киши ўз олтин-кумушини бошқа мусулмон биродаридан азизроқ ҳисобламас эди. Ҳозир эса ҳар биримиз учун олтин-кумуш ҳар қандай мусулмон биродаримиздан яхшироқ бўлиб қолди. Мен Расулуллоҳдан: «Бир қанча қўшнилари Қиёмат куни ўз қўшнисининг этагидан ушлаб: «Эй, Раббим! Мана бу қўшним бошимга иш тушган вақтда ёрдам қилиш ўрнига эшигини қулфлаб олган эди» деб даъво қилади», деган ҳадисларини эшитганман».

Расулуллоҳ (с.а.в.) саҳобаларидан сўрадилар: «Ўғрилиқ тўғрисида нима биласизлар?» Саҳобалар жавоб бердилар: «Ўғрилиқ – ҳаром. Уни Аллоҳ Таоло ва Унинг расули ҳаром деб атаганлар». Набий муҳтарам дедилар: «Ўнта хонадондан ўғрилиқ қилиш битта қўшни уйдан ўғрилиқ қилишдан енгилроқдир».

Нима учун қўшнилари билан яхши муносабатда бўлишга кўп аҳамият берилади? Сабаби: ён қўшнисига меҳрибон бўлолмаган инсондан узоқдаги нотаниш одамга меҳр-оқибат кутиш қийин. Қўшнилари яхшилиқ қилиш – жамиятдаги инсоний алоқаларни мустаҳкамлашга, жамиятни кучли-қудратли қилишга хизмат этади. «Қўшниси яхши қаримас», деган ҳикмат айти ҳақиқатдир. Ёмонга қўшни бўлган одам денгиз сайёҳига ўхшайди. У фарқ бўлишдан қутулса ҳам, қўрқувдан қутула олмайди. Ҳасан Басрий ҳазратлари айтдиларки: «Яхши қўшни сенга зиён ва ташвиш етказмайдиган қўшни эмас (аслида бундай қўшни ҳам яхши), балки сенинг ёмонлигинга чидаб яшайдиган қўшнидир». Бу ҳикмат асосида ҳар биримиз ўзимизнинг хулқимизга четдан назар ташлаб кўрсак яхши бўларди. Қўшнимиздан яхшилиқни талаб қилаверамиз ёки унинг ёмонлигидан ноийверамиз. Хўш, ўзимиз яхшимизми? Бизнинг ёмонлигимиздан қўшнимиз ўзгаларга ҳасрат қилмаётимизми? «Аввал ўзингга боқ, кейин ногора қоқ» мақоли айти бизга аталмаганмикин?

Бир одам қўшнисидан нарвон сўраганда бермаса, ё бирон баҳона қилса, у ҳам вақти келганда ўша қўшнисига кетмонини бериб турмайди. Бу ҳол қўшнилари орасидаги соғлом муносабатни бузади. Нарвон ҳам, кетмон ҳам ейилиб қолмайди. Тўғри, синиб

қолиш эҳтимоли бор. Аммо бу фожиа эмас. Тузатса бўлади ёки янгисини сотиб олиш мумкин. Синган буюм эгаси саховатли бўлса, қўшнисини хижолат қилмайди: «Ўзи синай-синай деб турувди, келган бало-қазо шунга урсин», деб қўя қолади. Иймони заиф бўлса, қўшнисига маломат тошлари ёғдириб, буюмнинг янгисини сотиб олиб беришини талаб қилади. Агар синган нарвон эгаси камхарж-роқ бўлса, тўлашни талаб қилмаса ҳам, синдирган қўшни инсоф юзасидан янгисини сотиб олиб бергани дуруст.

Қўшни бирон нарса сўраб чиққанида бериб турилса савоб. Қўшнидан бирон буюмни қизганиш яхши одамларнинг хулқидан эмас. Балки риёкор кишиларнинг ишидир. Лекин бу гўзал хулқни суистеъмол қилиш ҳам яхши эмас. Шундай хонадонлар борки, тез-тез ишлатиб туриладиган рўзфорталаб буюмларни ўзлари сотиб олмайдилар. Қўшнилardan қайта-қайта сўрайверадилар. Дазмол куйиб қолганида то тузатилгунича ёки янгиси олингунича сўрашнинг айби йўқ. Лекин бу сўраш узлуксиз давом этмаслиги керак. Айрим хонадонларда това ёки гўшт майдалагич йўқ. Ҳолбуки, шу буюмларни сотиб олишга қурбилари етади. Бир латифа бор: ота ўғлига «Қўшнидан теша олиб чиқ», деб буюради. Ўғил «қўшнимиз тешасини бермади», деб қуруқ қайтганда, ота аччиқланиб дейди: «Жуда бахил-да, булар! Бор, ертўладан ўзимизнинг янги тешани олиб чиқ!»

Эртами-индин бирон қутлуғ хонадонга келин бўлиб тушувчи қизларимиз қўшнилар масаласида, айниқса, зийрак бўлишлари шарт. Қайнона-қайноталари ёки хонадоннинг бошқа аъзоларига қандай ширин муомала қилсалар, қўшнилар билан ҳам ўшандай, балки ундан зиёда хушмуомалада бўлишлари талаб этилади. Уйдаги муомалаларида хатоликка йўл қўйсалар, бир-икки танбеҳ билан масала ҳал бўлади. Лекин қўшниларга нисбатан бирон бурчни бажармасалар, бир камчиликлари ёнига яна бештаси қўшилиб, атрофга дoston қилинади. Шундан эҳтиёт бўлсалар – марра уларники!

Қўшнилар билан аҳил-иноқ бўлиб, меҳр-оқибат қуёши остида бахтли умр кечирганимиз нур аланнурдир. Хонадонингизга бир неча соатга ёки бир неча кунга келувчи меҳмонлар ҳам бор, а? Улар билан муомалангиз қандай бўляпти? Меҳмонлар ҳақингизга дуо қилиб, оилангизни мақтаб кетяптиларми ё кўнгиллари ғашланиб қайтяптиларми? Суҳбат мавзуини бу томон бураман.

«УЙ – ФОНУС, МЕҲМОН ШАМЪ-У МЕН ЭСАМ ПАРВОНАМЕН...»

Қудсий ҳадисда айтилади: «Эй, Одам фарзанди! Агар уйингга меҳмон келмай қолса, Парвардигорга «Лаънати шайтон ёмонлигидан мени Ўзинг сақла», дея илтижо қил».

Умидимиз юлдузлари, хонадонингиз файзи шундаки, сизни-кидан меҳмон аримайди. Меҳмон кутавериб баъзан чарчаб ҳам кетасиз, тўғрими? Чарчай-чарчай, баъзан кимгадир нолигингиз ҳам келади. Лекин нолимайсиз ва тўғри қиласиз. Сиз яхши тарбия кўргансиз ва меҳмоннинг Аллоҳ Таоло томонидан юборилганини биласиз. Қайси бир хонадонга меҳмон келмай қўйган бўлса, демак, у жойга шайтон уя қурибди экан.

Энди биргаликда ўйлайлик-чи: кимнинг уйига меҳмон оёқ босмай қўяди? Дўстлари, ҳатто қариндошлари ҳам келмай қўйишади? Фақат фариштасиз уйга! Ким шайтон етовида экан, ким шайтон васвасасига банди экан, унинг уйига биров келмайди. Йўқламайди, зиёрат қилмайди. Биров-бировникига овқат илинжида, нон умидида бормайди. Доно халқимизда «Ширин нонинг бўлмаса ҳам, ширин сўзинг бўлсин», деган мақол бор. Молу мулки ҳисобсиз бўлса-да, ҳиммати бўлмаса, бу инсонда ҳилм, лутф, бағрикенглик бўлмаса – ҳаммаси бекор!

Ҳадиси қудсийда яна марҳамат қилинади: «Эй, Одам фарзанди! Сен ҳузурингга келган Менинг меҳмонларимни сийла, Мен ҳам ҳузуримга келган сенинг меҳмонларингни (*яъни сенга тегишли кишилар вафот этиб келишиганида*) сийлайман». Диққат қилайлик: бизникига келувчи одам шунчаки оддий меҳмон эмас экан. «Меҳмон атоийи Худо» дейилиши бежиз эмас экан. Демак, сизу биз Аллоҳ Таоло йўллаган меҳмонни сийлашимиз керак экан. Ана шунда Тангри Таоло ҳузурига биз томондан борган яқинларимизни азиз меҳмон мартабасида сийлар экан. Бу нима дегани? Яъни, яқинларимизни – вафот этган ота-оналаримиз, қариндошларимиз, дўстларимиз, қўшниларимизни... Аллоҳ Таоло Ўз мағфиратига олади, деганидир. Раббимиз биз – бандаларига шундай илтифот қиляпти. Қаранг, арзимас бир ҳаракатларимиз, харажатларимиз эвазига Яратган қанчалар мукофот ваъда қиляпти! Таъбир жоиз бўлса, бир меҳмонни сийлаш билан биз аслида ўтган ажодларимиз, дуо талаб яқинларимиз руҳларини сийлаяпмиз экан.

Ривоят. Бир чавандознинг тенгсиз тулпори бўлар экан. Отга кўп харидор чиқибди, ҳатто жониворнинг бўйи баравар тилла ҳам ваъда қилишибди, чавандоз тулпорини сотишга кўнмабди.

Бошқа бир шаҳардаги чавандоз отнинг шуҳратини эшитиб, бутун дунёимни бериб бўлса ҳам сотиб оламан, деган ниятда йўлга чиқибди. Бир неча кун йўл босиб, шуҳратли от эгасининг уйига келибди. Қоронғида эшик тақиллатган меҳмонни чавандоз хуштавозелик билан кутиб олибди. Баъзиларга ўхшаб «Кечаси бировни-кига келиб безовта қилишга уялмадими?!» деган маънода лабини бурмабди. Тонгга қадар зиёфат қилибди. Кундуз бўлибди. Меҳмон келиши сабабини айтмабди, мезбон сўрамабди. Меҳмондорчилик уч кун давом этибди. Меҳмон иззати битган куни муддаосини билдирибди. Буни эшитган ҳимматли мезбон бошини эгган ҳолда: «Мен отимни сизга сота олмайман», дебди. Меҳмон ҳар қанча ялинса ҳам кўнмабди. Сабабини эса айтмабди. Меҳмон чавандоз ҳам алам, ҳам афсус билан изига қайтибди. Орадан вақт ўтиб, тулпорнинг шуҳрати сўнгандан кейингина меҳмондорчилик билан ўтган ўша уч кунда нима воқеа юз берганини англабди. Чавандознинг бисотида фақат биргина бебаҳо оти бор бўлиб, ўзи ночор яшар экан. Меҳмон келганида дастурхонга қўядиган ҳеч нарсаси бўлмагани учун ҳеч кимга сотмаётгани, жонидан ортиқ кўрувчи ўша тулпорни сўйиб, меҳмонни сийлаган экан...

Қиссадан ҳисса чиқаришни ўзингизга ҳавола қилиб, яна Қудсий ҳадисга мурожаат этамиз: «Эй, Одам фарзанди! Барча мол-дунё Менинг мулкимдир. Сен қулимсан. Сенинг кулбангга тақлифингсиз келган меҳмон эса, Менинг элчимдир. Қўлингдаги ўзим берган неъматларимни қайтариб олиб қўйишимдан қўрқмайсанми?!»

Тушунгандирсиз, хонадонимизга кириб келган неъматларда меҳмонларнинг ҳам ризқу насибаси бор экан. Меҳмон бизнинг насибамизга шерик бўлмас экан. У ўз ризқининг эгаси экан. Ундан қизғансак, оғринсак, Яратганнинг қаҳри келиб, неъматларни қандай берган бўлса, шундай қайтариб олиб қўйиши мумкин. Шунисидан Ўзи асрасин!

*Кимни кўрсанг бу жаҳонда ўз ризқин терадир,
Хоҳ сенинг уйингда бўлсин, хоҳ ўз айвонида.
Сен карам хонини ёз, ҳам шукр қил, Парвардигор
Берди ошу нон дўстга дўст дастурхонида.*

Ривоят. Бир киши сафар чоғи дала-даштда йўлини йўқотиб адашди. Қош қорая бошлаганда бир уйга кўзи тушиб, нажот топганидан қувонди. Умид билан бориб, эшикни тақиллатди. Хонадон эгаси йўқ экан, хотини чиқиб: «Кимсиз?» деб сўради. У киши мусофир эканини, йўлда адашганини билдириб, агар рухсат этилса,

тонг отгунча шу уйда паноҳ топишга умиди борлигини айтди. Аёл очиқ юз билан:

– Хуш келдингиз, азиз меҳмон. Эрим бир ерга кетган эдилар, ҳозир келиб қоладилар, марҳамат қилинг, – деб ичкарига таклиф этди. Мусофир отни отхонага боғлаб, ичкари кирди. Аёл чой-нон келтирди. Мусофир овқатланиб ўтирганида хонадон соҳиби келди. Мусофирни кўриб, унинг кимлигини сўради. Хотин «Аллоҳ юборган меҳмон», дегач, унинг жаҳли чиқди.

– Нега уйга қўйдинг? Менга меҳмоннинг кераги йўқ! – деб бақирди.

Мусофир узрини айтди-ю, чаққон туриб уйдан чиқиб кетди. Тунни даштда ўтказди. Эртаси куни яна йўл юриб, қош қорайганда бир уй қаршисидан чиқди. Эшикни тақиллатган эди, бир хотин чиқди. У киши мусофирлигини билдирган эди, у аччиқланиб:

– Бизга меҳмоннинг кераги йўқ. Сизни меҳмон қила олмаймиз, боринг, кетинг! – деб эшикни ёпмоқчи бўлганида эри келиб қолди. Хотинидан бу кишининг кимлигини сўради. Хотини мусофир эканини айтгач, хонадон соҳиби очиқ юз билан:

– Хуш келдингиз, азиз меҳмон! Сизни биз томон йўллаган Аллоҳ Таолога шукр! – деб мусофирни уйига бошлади. Ичкари кириб ўтиришгач, ширин муомала билан ҳол-аҳвол сўради. Тотли таомлар билан зиёфат қилди. У Набий муҳтарамнинг: «Ким Аллоҳга ва охираат кунига иймон келтирган бўлса, меҳмонини икром этсин», деган ҳадисларига амал қилди.

Мусофир бу уйдаги ва кечаги уйдаги муомалаларни таққослаб, жилмайди. Уй эгаси бу жилмайиш боисини сўради. Мусофир айтди. Шунда уй эгаси деди:

– Меҳмон, ажабланманг. Кеча сиз тушган уйдаги аёл менинг синглим бўлади. Хотиним эса сизни уйдан қувган одамнинг синглисидир...

Бу ҳикоятдан ибрат шуки, меҳмондўст оилада улғайган ўғил-қизлар ҳар қандай меҳмонни хурсандчилик билан кутиб оладиган бўлишади. Меҳмондан безор, «меҳмон келмаса эди», деб зириллаб турувчи оиладаги фарзандлар меҳмондўст бўлиб улғайишлари мумкинмикин? «Меҳмон тезроқ тура қолса эди», деб ҳар хил ишоралар билан муддаоларини аён қилишга тиришувчи ота-оналар фарзандларига нимани ўргатар эканлар?

Энди ҳикоятда жиддий равишда эътибор қилиниши лозим нуқтага диққатингизни тортмоқчимиз: агар шарият нуқтаи назаридан қаралса, эри йўқлигида меҳмонни кутиб олиб, ичкарига бошлаган хотин ногўғри иш қилган бўлади. Эр йўқ уйга кирган меҳмонни ҳам бефаросат дейишимиз мумкин. Агар эри уйда бўл-

маса, хотин бегона мусофир у ёқда турсин, қариндошлар орасидаги номаҳрам эр киши келса ҳам, эшикни очмаслиги керак. Эшик ортидан туриб: «Хўжайиним (ёки «болаларимнинг дадалари») уйда йўқ эдилар», деса кифоя. Меҳмон хотинни гапга солмасдан дарров изига қайтиши керак. Қуръони Каримда буюриладики: «Эй, иймон келтирганлар! Ўз уйларингиздан бошқа уйларга то изн сўрамагунингизча ва уларнинг аҳлига салом бермагунингизча, кирманг. Ана шундай қилмоғингиз сиз учун яхшидир, шоядки эсласангиз» («Нур» сурасидан). Ўрни келганда бировниқига келганда чақириш одобини ҳам ёдга олайлик:

- Ҳар ким бир кишининг эшигига бориб киришни истаса, аввало у кишига ўзининг келганини эшик орқасидан оҳиста тақиллатиш ё қўнғироқ чалиш, ё йўталиш тариқасида билдиради. Эшик қаттиқ, асабий равишда қоқилмайди, қўнғироқ ҳам кетма-кет чалинмайди.

- Агар ичкаридан овоз берилса «Ичкарига кирсам бўладими?» деб сўралади. Бундай изн сўраш адади уч мартагачадир. Ҳар изн сўраганидан кейин тўрт ракат намоз ўқиш миқдорида (тахминан икки дақиқа) сабр қилиб кутилади. Қўнғироқ чалиш, тақиллатиш орасидаги фурсат ҳам шу миқдорда бўлгани яхши.

- Агар уч бора чақирганда ҳам уй эгасининг овози чиқмаса ва киришга изн берилмаса, кутиб турилмай, орқага қайтилади.

- Агар уй эгаси «Сиз ким бўласиз?» деб сўраса, жавобига исми-ни аниқ қилиб айтади. Гумонли ёки мавҳум қилиб: «менман» ёки «ўзингиз билган одам» ёки «сизнинг қариндошингизман ё дўстингизман», дейилмайди.

- Агар уй эгаси ҳамроҳлигида келинса, юқорида зикр этилган тартиблар билан эмас, шароитга қараб иш қилинади.

(Лекин, тоғли ёки чўл қишлоқларида азал-азалдан сақланиб келинаётган бошқачароқ урф-одат ҳам бор. Бу одатга кўра, эр уйда йўқ пайтида меҳмон келса, хотин томонидан иззат билан кутиб олиनावерилади).

Машҳур араб сайёҳи Ибн Баттутанинг ажиб хотираси бор. У карвонлари билан Туркиянинг Онадўли деб аталмиш Осиё қисмидаги Денизли шаҳрига яқинлашганида шоп мўйловли барваста бир одам йўлдан чиқиб, отининг жilовини маҳкам тутди-да, «юр, кетдик!» деган ишора қилади. Сайёҳ туркчани, у одам эса арабчани билмайди. Ёнига қилич осган шоп мўйловли бу одамни сайёҳ қароқчи деб ўйлаб, қўрқиб кетади. Бу ҳам етмаганидай, беш-ўн дақиқадан сўнг яна бир паҳлавон одам пайдо бўлиб, отнинг чап томонидан жilовини ушлади. Ўзаро нималардир деб гапириб,

бири отни у томонга, иккинчиси бу томонга тортқилайверади. Гап нимада эканини билмаган сайёҳнинг қўрқуви ортаверади. Тортишув сабаби эса оддий эди: аввал келган шоп мўйловли паҳлавон айтадики: «Меҳмон – атойи Худо! Биринчи бўлиб уни мен кўрдим. Шунинг учун уни биз меҳмон қиламиз». Иккинчи бўлиб жиловни ушлаган паҳлавон эса унга эътироз билдиради: «Биринчи бўлиб кўрганинг тўғри, лекин биродар, бу ерлар бизники-ку, ахир! Бизнинг меҳмонимизни сен бошлаб кетсанг бизга уят эмасми! Инсоф қил! Бу меҳмонни Аллоҳ Таоло бизга насиб этган. Биз уни едирамиз, ичирамиз, ётоғини тайин қилиб берамиз. Дуосини, савобини ҳам биз олажакмиз».

Азизлар, бу воқеа сизга эртакдай туюлгандир? Лекин бу эртак эмас, ҳақиқат!

«Ўзбеклар – меҳмондўст халқ» деб фахрланамиз. Худди шунга ўхшаган гапни, яъни «араблар меҳмондўст халқ» ёки «испанлар меҳмондўст» деган фахрни ҳам ўша жойларга бориб қолсак эшитамиз. Ҳар бир халқнинг меҳмондўстлик одати ўзи учун ёқимли, ўзи учун суюмли. Дунёда нечта қишлоқ, шаҳар, юрт мавжуд бўлса, меҳмондўстлик кўринишлари ҳам шунча. Хусусан, «ўзбекларга хос меҳмондўстлик» деганимиз билан бу меҳмондўстликнинг кўринишлари кўп. Андижонда ўзига хос, Жиззахда ёки Бухорода... хуллас, ҳар жойда ўзига хос чиройли кўринишлари бор. Бу кўринишларнинг бири иккинчисига ўхшамайди. Янада синчиклаб кузатсак, айтайлик, Сурхондарёнинг Денов шаҳридаги меҳмондўстлик билан Бойсундаги лутфнинг орасида фарқларни сезамиз. Бу одатлар ҳар бир жойнинг шарт-шароитлари, имкониятларидан келиб чиқиб, шаклланган ва қатъий урф-одатга айланиб қолган. Айрим урф-одатларга ҳозир ҳам қаттиқ амал қилинади. Баъзилари эса эътиборсизлик натижасида нутилияпти.

Одатлар, яшаш шароитлари турлича бўлгани учун «ўзбекча меҳмон кутиш фақат шундай бўлади», деган ягона ва қатъий қоида ни тавсия этиш мумкин эмас. Ҳар бир маҳалла, қишлоқ, шаҳар, вилоят азалий одатлари бўйича меҳмон кутадилар. Лекин барча учун умумий бўлган меҳмон кутиш одатлари борки, бу ҳақда улуф алломаларимиз, донишманд боболаримиз кўб ва хўб айтиб кетишган. Бу ҳақда сал кейинроқ батафсил сўз юритамиз. Ҳозир эса Ибн Баттутани қаршилаган мезбонлар ҳақидаги ҳикоятга қайтсак.

Бундай меҳмондўстлик бизда ҳам мавжуд. Айниқса, қишлоқдаги бир хонадонга меҳмон келса, уни уйига чорловчи мезбонлар кўпайиб кетади. Бир кунни мўлжаллаб келган меҳмон ўн – ўн беш кун қолиб кетиши ҳеч гап эмас. Шунинг учун ҳам халқимизни

«меҳмондўст» деб шарафлашади. Бундай меҳмондўстликни кўп кўрганман ва ҳамиша шу халқ фарзанди эканимдан фахрланганман. Бундай фахр бошқа одамларда ҳам борлиги аниқ. Лекин фақат фахр билан чекланиш кифоя эмас. Балки бу гўзал одатнинг янада гўзаллашувига ўз ҳиссасини қўшмоғи, фарзандларини шу одат бўйича тарбия этмоғи лозим.

Айтиш жоизки, жойлардаги меҳмондўстликнинг бирини иккинчисига таққослаб, бирини иккинчисидан афзал қилиб кўрсатиш ақдан эмас. Ҳар бир жойнинг одатини борича қабул қилиб, иззатлаш керак. Масалан, Фарғона водийсида меҳмон остона ҳатлаши билан қўлига сув қуядилар. Дастурхон тўрига ўтқазадилар. Фотиҳадан сўнг ўринларидан туриб, қўл қовуштириб «Хуш келибсиз, қадамингизга ҳасанот!» дейдилар. Меҳмон ҳам ҳурмат юзасидан ўрнидан туриб «Хушвақт бўлинг», деб лутф қилади. Меҳмонларга ярим пиёладан камроқ миқдорда чой қуйиб узатдилар. Чой қуйишда пиёлага шама туширмасликка уринадилар. Меҳмон кетишга изн сўраса, дарров рухсат бермайдилар, «мен ҳали сизнинг дийдорингизга тўйганим йўқ», деб яна бир оз суҳбатга тутадилар. Меҳмон кетишга рухсат сўраши билан қўлни фотиҳага очиш одобсизлик саналади. Худди меҳмоннинг тезроқ даф бўлишини истаётгандай қабул қилинади. Зиёфат мобайнида мезбон «олинг, олинг», деб баъзан меҳмонларни қийнаб ҳам қўяди.

Бир устозни шогирдлари меҳмонга таклиф қилишганида у киши: «Уч шартим бор: мени тўрга ўтқазиб олиб калтакламайсан, сўнг уруш майдонига ташламайсан, кейин қамаб қўймайсан», деган экан. Устознинг шартлари бу маънода эди: тўрга ўтқазиб калтаклаш – ҳадеб «таомдан олинг, олинг», деявериб ҳолдан тойдириш. Бу хусусда бир латифа: мезбон «сомсадан олинг», деб қистайверди. Меҳмон: «Раҳмат, сомса бағоят ширин бўлибди, тўртта эдим, Худога шукр, тўйдим», деса, мезбон яна лутф қилибди: «Бешта эдингиз, яна битта олинг, жуфт бўла қолсин».

Устознинг иккинчи шarti – жанг майдонига ташламаслик – меҳмондорчилик пайтида, айниқса, суҳбат вақтида атрофда болаларнинг шовқин қилмаслиги эди. Бола – бола-да! Меҳмон келса, катталардан кўра улар кўпроқ қувонадилар, ўйнайдилар, шўхликлари авжга чиқади. Меҳмоннинг иззати учун шовқин қилмасликни болага меҳмон келмасидан аввал тушунтириш, ўргатиш керак. Бу одобни бола битта гап билан қулоғига илмайди, бу соҳадаги тарбия узлуксиз давом этиши керак. Баъзи ҳолларда боланинг шўхлиги ортса, уни тинчйтиш учун оналари урадилар. Шунда боланинг бақириси авжга чиқиб, меҳмон ноқулай аҳволга

тушади. «Менинг ташрифим ёқмагани учун болани уриб аламдан чиқяпти», деб ўйлаши ҳам мумкин. Меҳмон ҳузурида мезбон оиланинг катта-ю кичиги газабларини ёки ташвишларини ошкор қилиб қўйишдан сақланишлари керак. «Меҳмон ҳузурида ҳатто мушугингни «пишт» демагин», мақолига амал қилмоқлик хайрлидир. Меҳмон боодоб, илмли, суҳбати ширин одам бўлса, таомдан кейин, болаларни унинг суҳбатига чорлаш ҳам яхши одат. Суҳбатдан сўнг меҳмон болалар ҳақида хос дуо қилса янада яхши.

Устознинг учинчи шарти – «қамаб қўймайсан», дейиши «кетадиган бўлсам «яна ўтиринг», деб қистайвермайсан» деган маънода эди. Келмак – иродат, кетмак – ижозат биландир. Бу «Меҳмоннинг келиш ихтиёри ўзидан, кетиш ихтиёри эса мезбондан» дегани. Лекин мезбон бу ихтиёрни ҳаддан зиёд суистеъмом қилмаслиги керак. Инглизларда меҳмон еб-ичиб, гапини гапириб, қўнгли тўлгач, индамай туриб кетавераркан. Бу одат инглизларнинг ўзларига буюрсин. Биз меҳмонни кўчагача кузатиб чиқмасак, қўнгимиз жойига тушмайди. Узоқдан келган меҳмонни бекатгача кузатамиз. Лекин кўп қаватли уйларда кузатиш одобда андак ночорлик сезилиб қолади. Мезбон уй остонасидаёқ хайрлашади, зинадан тушиб-чиқишга эринади. Агар мезбон тўққизинчи қаватда яшаса-ю, лифт ишламаётган бўлса бошқа гап.

Меҳмондорчиликда «олинг-олинг»га ўрганган киши Хоразм томонларга бориб қолса, ажабланиши мумкин. У ёқларда ҳар бир меҳмон олдида бир чойнак, бир пиёла қўйилади. Меҳмон чойни ўзи қуйиб ичади. Бу одатда меҳмонга нисбатан ҳурматсизликни кўрмаслик керак. Каминага ўхшаб кам чой ичадиганлар учун айна шу одат ёқимли. Чунки водий томонда чой қуйиб узатаверишгач, мезбоннинг қўлини қайтаришдан хижолат бўлиб, ичишга мажбур бўлаверасиз. «Олинг, энг» деб таклиф қилмоқлик мустаҳаб, яъни савоб иш. Лекин бунинг чегарасини билиш керак.

Меҳмон келса, биринчи галда дастурхон ёзамиз. Ундан ҳеч қачон «қорнингиз очми?» деб сўрамаймиз. Биласиз, русларнинг одати шунақа, биз учун эса уят. Бир одам меҳмонидан: «Очмисиз, ташнамисиз ё уйқунгиз келяптими?» деб сўрабди. Меҳмон ҳазил йўсинида жавоб берибди: «Булоқ бошида тўйиб ухлаб келдим». Бу жавобни эшитиб мезбон ўйланибди: «Демак, булоқ бошида тўйиб сув ичган, тўйиб ухлаган. Фақат... қорни оч экан...»

Меҳмондан сўраб ўтирмай, таом келтирилади. Еса – егани қадар ер. Емагани – меҳмондан қолган таом шифодир, дейдилар. Бизнинг одоб шундай. Абул Аъло ал-Мааррий дедиларки: «Уйингга келган меҳмонга тушлик овқатни берган бўлсанг, кечда унга

«Овқатланишга иштаҳангиз борми?» деб сўрама. Меҳмон оч бўлса-да, уялганидан «Иштаҳам йўқ», демоғи мумкин. Шунинг учун қандай таоминг бўлса-да, тақдим қил». Яъни: «Сўраб бергандан кўра, уриб бер». Бир хасиснинг қовурилган товуқни уч кундан бери дастурхонга қўйиб, аммо эмасдан олиб кетаётганига разм солган меҳмон: «Бу товуқнинг қовурилгандан кейинги умри тириклигидан ҳам узунроқ, шекилли?» деб ўйлаган экан.

Меҳмоннинг ҳақи баланд саналади. Подшоҳ замонида тоғ қишлоқларининг бирида ибратли воқеа содир бўлган.

Ривоят. Миршаблар таъқибдаги одам қочиб келиб, бир уйга кириб яширинади. Уй эгаси қарасаки, ўзининг душмани паноҳ излаб кирибди. Уй эгаси хунхўр эди, бу кишини ўлдириб, қасос олиши зарур эди. Лекин остонасини ҳатлаб киргани учун у одам меҳмон мартабасига чиққанди. Уни ўз уйида ўлдириши мумкин эмасди. Ҳатто меҳмонни миршаб қўлига топширишга ҳам ҳақи йўқ эди. Меҳмон мартабасидаги душманини ҳимоя қилишни халқининг меҳмондўстлик қонунини талаб этарди. Уй эгаси ёзилмаган, аммо асрлар бўйи ота-боболари итоат этиб келган бу қонунга бўйсунди. Меҳмонни миршаблардан ҳимоя қилиб, ўзи ҳалок бўлди...

Ҳикоят. Ҳимматли ва мурувватли бир одам ўз боғига ёру дўстларини чорлаб, зиёфат берди. У кишининг гўзал ва ахлоқли, тарбияли бир ўғли бор эди. У кечгача меҳмонлар хизматида бўлиб, жуда чарчади. Кечқурун дам олиш учун болохонага чиққан эди, бехос мункиб, пастга йиқилди-ю жон берди. Ота бечора бу қайғули ҳолни кўриб, юрак-бағри эзилди, кўзига ёш олиб, ўғлига келган фалокатни хотинига ва оила аъзоларига секингина хабар қилди-да:

– Ҳеч қайсингиз товуш чиқариб йиғламанг, ўғлимнинг вафот қилганини меҳмонлар сезмасин, – деб тайинлади.

Меҳмонларга сездирмасдан марҳум ўғлини ювдириб, кафанлатиб қўйди. Кейин меҳмонлар ҳузурига чиқиб, улар билан суҳбатлашиб ўтирди. Ўғлининг вафотидан меҳмонлар хабарсиз эдилар. «Ўғлингиз қаерда, нима учун кўринмай қолди?» деб сўрадилар. Ота бечора меҳмонларнинг кайфиятларини бузмаслик учун фожиани яширди: «Ўғлим сал чарчабди, ухляяпти», деган жавоб билан чекланди. Меҳмонлар мурувватли кишининг боғида тунадилар. Эрталаб бомдодни ўқиб, нонушта қилишгач, кетишга изн сўрадилар. Шунда ота кўзларига ёш олиб, деди:

– Дўстларим, ўғлим кечки пайт болохонадан йиқилиб вафот қилди... пешинга жаноза...

Бу тўқима воқеа эмас, ҳаётда учраб турадиган ҳол. Ўлим фожиаси содир бўлмаса-да, майда-чуйда ташвишли ишлар ҳам меҳмонларга билдирилмайди.

Машҳур ёзувчи Ўлмас Умарбековнинг китобларини нашрга тайёрлаш жараёнида бир ҳикоя диққатимни тортди. Ундаги баёнга кўра, шаҳарлик зиёлилар тоғдаги қишлоққа сайр қилгани борадилар. Сайр ташаббускори қишлоқдаги таниши яшайдиган уй эшигини тақиллатади. Бир аёл эшикни очиб, меҳмонларни ичкарига таклиф қилади. Уй соҳибини сўрашса, «Ҳозир келиб қоладилар», дейди. Дастурхон ёзиб, шаҳарликларни меҳмон қилади. Меҳмонлар ошни еб бўлишиб, яна уй соҳибини сўрашганда аёл уй соҳибининг ўтган йили вафот этганини айтади. Маълум бўлишича, шаҳарликлар бошқа кўчага кириб қолиб, бошқа эшикни тақиллатишган экан. Эшикни очиб, меҳмонларни кўрган аёл «сизлар излаб келган киши нариги кўчада туради», демай, уларни очиқ чехра билан қаршилашининг сабаби, унинг марҳум эри тириклик чоғларида меҳмондўстликни қадрлайдиган киши бўлган экан...

Бу ҳикояни ўқиб, «бўлган воқеага ўхшайди», деганимда ёзувчи тасдиқлаб, яна бир воқеани айтиб берган эдилар. Ёзувчининг ҳикоялари русчага таржима қилиниб, Москва нашриётига юборилгач, у ердан «асардаги воқеалар ёлғон, ҳаётий эмас», деган жавоб келади. Орадан қанчадир вақт ўтиб, Москвадан бир ёзувчи меҳмон бўлиб келади. Уни Ўзбекистон бўйлаб сайр қилдиришни Ўлмас Умарбековга топширадилар. Сайру саёҳат ниҳоясига етгач, москвалик ёзувчи Ўлмас акага узрли оҳангда бундай дебди:

– Сенинг ҳикояларингни ўқиб, рад жавобини ёзган эдим. Ундаги меҳр-мурувватга доир воқеалар менга сунъий туюлган эди. Чунки бундай инсонийликни кўрмаган эдим. Ўзбекистонда юриб, сенинг тасвирингдагидан афзалроқ меҳр-муҳаббатга гувоҳ бўлдим. Китобингни бер, олиб кетиб, рус тилида чиқараман, рус ўқувчиларига ибрат бўлсин.

Меҳмон ҳузурида мезбон қанчалик бурчли бўлса, меҳмон ҳам мезбон хонадонига нисбатан бурчлидир, унинг молига, аҳли аёлига ёки оиланинг бошқа аъзоларига ёмон назар билан қарамаслиги шартдир. Бир ўғри уйни шип-шийдон қилиб чиқиб кетаётганида айвонда бир қопни кўрибди, қоронғида унинг ичида нима борлигини билолмай, ялаб кўрибди. Билса – туз экан. «Мен бу уйдан туз тотиб, хонадоннинг меҳмонига айландим, унинг молини ўғирлаш мен учун ҳаром», деб олган нарсаларини ташлаб чиқиб кетган экан. Бошқа бир ривоятда эса бунинг акси бўлган.

Ривоят. Уқайл уруғидан бир кишининг орқасида наштар захмига ўхшаган чандиқлар бор эди. Бунинг сабаби сўралганда у бундай ҳикоя қилди:

«Амакимнинг қизига ишқим тушган эди. Унинг лаби устидаги холи мени ишқ алангасига ташлаб, сабримни тугатди. Мен қизни

никоҳимга олдим. Шундан сўнг амаким менга дедики: «Қизимнинг маҳри бир отдир. «Шабака» деб ном берилган бу от Бани Бакр қабиласи амалдорларидан бирига тегишли. Агар ўша отни олиб келиб бермасанг, маҳр машаққатидан халос бўлмайсан».

Мен мақсадимга етмоқ учун Бани Бакр қабиласига бордим. Бир мунча вақт у ерда бўлиб, отни қаерга боғлашларини кузатдим. У шундай байтал эдики, чопқирликда шамолга бас кела олар, ҳеч қандай отни олдинга ўтказмас эди. Икки яшар тойчоғи ҳам бўлиб, ўзидан ҳам хушбичимроқ ва чиройлироқ эди.

Кечаси отни ўғирлашга қарор қилдим. Ўша кеча шундай қоронғи эдики, ҳатто ўз панжангни ҳам кўролмасдинг. Мен оҳиста келардим. Уй ўртасига титилган юнг ғарам қилиб қўйилган эди. Мен юнг ғарами орасига кириб беркиндим. Бирор соатдан сўнг уй соҳиби таом сўради. Таом келтирилгач, эр-хотин ейишга машғул бўлдилар. Нима учундир чироқ ёқмадилар. Мен оч эдим. Оҳистагина сурилиб, уларга яқин келиб товоқларига қўл узатиб, бирга овқатлана бошладим. Ногоҳ қўлим уй эгасининг қўлига тегиб кетди. У қўлимни маҳкам ушлаб олди. Мен эсам хотинининг қўлини маҳкам ушладим. Хотин менинг қўлимни эрининг қўли деб гумон қилиб «Бегона қўл деб ўйладингизми?» деди.

Овқатланиб бўлишгач, хотин отнинг оёғига занжир солиб қулфлади-да, калитни ёстиғининг остига яширди. Тун яримлаганда бир қул уйга яқинлашиб, эри ёнида ухлаб ётган хотин томонга кичик бир тошчани отиб, уни уйғотди. Хотин эрининг қўйнидан чиқиб, қулга эргашди ва қўшни уйда айшу ишратни бошлаб юборди. Мен эсам фурсатни ғанимат билиб, ўрнимдан турдим. Ёстиқ остидаги калитни олиб, отнинг оёғидаги занжирни ечдим. Юнгдан эшилган арқонни отнинг бошига солиб, аста етаклаб ташқарига олиб чиқдим. Кейин миндим-у қамчи босдим. Буни кўриб қолган хотин қулнинг қучоғидан чиқди-ю, «Отни олиб қочишди!» деб дод солди. Уй эгаси, мени қува бошлади. У минган от ҳам чопағон экан, орамиздаги масофа бир найза бўйидек масофага қисқарди. У найзасининг учи билан орқамни жароҳатлади. Аммо отдан йиқитишга кучи етмади. Баногоҳ чуқур бир ўзанга етдик. Мен отга қамчи урган эдим, сакраб ўтди. Уй эгасининг журъати етмай, тўхтади-да, ортимдан: «Эй, йигит, ўн минг динорли отни ўғирладинг. Ҳаргиз арзонга сотмагин!» деб қичқирди. «Бу от менга сен айтгандан кўра қимматроққа тушди, мен жонимни гаровга қўйиб келганман бу ерга», дедим. У: «Отни қандай қилиб ўғирладинг?» деб сўради. Мен бир товоқда овқат еганимизни ва қул билан хотинининг кирдикорларини айтиб бердим. Шунда у: «Лаънатлар бўлсин сендай меҳмонгаки, таомни единг, отимни ўғир-

ладинг ва уйимни буздинг!» деб мени қарғаб, изига қайтди. Отни олиб келиб, муддаомга етдим, бироқ орқамдаги захм кетмади, уй эгасининг қарғиши эса ҳануз қулоғим остида жаранглайди. Қарғишнинг амалга ошишини кўрқув билан кутиб хавотирда яшаяпман...

Энди меҳмон кутиш бобида донишманд боболаримиз бизларга васият қилиб кетган одоблар ҳақида гапирайлик. «Манбаъ ул-маориф» асарида баён қилинади:

«Ҳар мўмин уйига меҳмон келса, уй эгасига ҳам уч нарса вожиб бўлур ва меҳмонга ҳам уч нарса вожиб бўлур. Уй эгасига вожиб бўладурғон уч нарсанинг бири шулки, ани хизматга таклиф қилмаслик, иккинчиси шулки, меҳмонга берган таомини ҳалолдин касб қилиб топиб бермоқлик, учинчиси шулки, меҳмон учун намозни муҳофаза қилмоқлик, яъни намоз вақтида меҳмонга хабар бериб, ани оби-тахоратидин хабардор бўлмоқ лозимдур. Меҳмонга вожиб бўлғон уч нарсанинг бири шулки, уй эгаси ани қайси жойга таклиф қилса, ўшал жойга ўлтурмоқ, иккинчиси шулки, ани олдиға уй эгаси нима таом қўйса, анга рози бўлмоқ, учинчиси шулки, кетар вақтида уй эгасини дуо қилиб кетмоқ вожибдур».

Муҳаммад Содиқ Қошғарийнинг «Яхши кишилар одоби» («Одоб ас-солиҳин») асаридан меҳмондорчилик одоби баёнини ўқиймиз:

«Адаби аввал – фақирлар меҳмон қилинади. Бойларни меҳмонга махсус чақирилмайдики, Пайғамбаримиз (с.а.в.): «Ёмон таом у таомки, бойларни хос чақириб берилса ва қашшоқларни чақирилмаса», деб айтибдурлар. Яна бир шарти шуки, бир уйдан отасини чақирса, боласини ҳам чақирсин ё у уйдан чақирилган кишининг яқин қариндоши бўлса, уни ҳам қўшиб чақирилсин, уни маҳрум қилинмасинки, бу иш жафодур. (*«Хусайн Воиз Кошифийдан насиҳат буки: меҳмонга ҳалол ва покиза таом тақдим этилади, меҳмон бирор гаразли мақсад ва риё учун кутилмайди.»*)

Иккинчи адаб – меҳмонни кўп икром ва эҳтиром қилинади. (*«Меҳмон қанча кўп келса ҳам ранжимай, аксинча, қувониш керак.»*) Меҳмон икромининг муддати уч кунгачадир, тўртинчи куни кўп такаллуф қилинмаса ҳам бўлади. (*«Кейинги насиҳатга кичик бир изох: мазкур адаб шарафли ҳадис асосида айтилган. Набий муҳтарам (с.а.в.) дедилар: «Ким Аллоҳга ва охиратга ишонган бўлса, меҳмонини иззат-икром қилсин. Мезбоннинг бир кеча-кундуз кўрсатган иззат-икром, қилган зиёфати меҳмон учун бир мукофот тариқасида бўлсин. Асли меҳмоннинг иззати уч кундир. Бундан ортиги меҳмон учун садақадир».* Ҳамонки, садақа экан, такаллуф ҳам давом этгани хайрли. Аммо меҳмон бу такал-

луфларни суиистеъмол қилмаслиги керакки, шарафли ҳадиснинг давомида: «меҳмон уйда то мезбон ҳайдаб чиқармагунича туриб қолмасин», деб уқтирилган. Меҳмонни иззат қилиш кутиб олишдан бошланади. «Қобуснома»да насихат қилинадики: «Меҳмонлар сенинг уйингга қадам қўйсалар, сен ҳар вақт барча одамларнинг билан уларнинг олдиларига чиққил, яхши сўз билан қарши олгил, токи улар сенга миннатдорчилик билдирсинлар». Меҳмонни кўриш билан, омонлашишга қўл узатмай туриб: «Келсинлар, келсинлар! Қадамларига ҳасанот! Остонамга яқинлашишингиз билан уйим чарогон бўлиб кетди-я!» каби лутф қилиш икромнинг бир кўриниши. Кам келадиган меҳмонга нисбатан: «Ие, бугун қуёш қаердан чиқди?» ёки «Ҳай-ҳай, келишингизга каттароқ ходани синдириб юборсам бўларкан», каби ҳазил ёки пичинг гапларни айтиш яхши эмас).

Учинчи адаб – уйнинг деворларини меҳмон учун парда ва палос билан ясатилмайдиги, макруҳдир. Лекин меҳмон остига нақшли тўшаклар ёзсалар, башарти ипак ёки йиртқич ҳайвон териси бўлмаса, жоиздир.

Тўртинчи адаб – меҳмонга таомни кўп кечиктирилмай тез келтирилади. Яна нон юмалоқлиги катта-катта қилинмайдиги, мутакаббирлар расмидир. Ва яна дастурхон устига ҳозирларга кифоя қилгудек нон қўйилади, зиёда қўйилмайдиги, исроф ва хорлаш бўлади. Синдирилган нон бўлса, яна бир нон синдирилмайди, бу ҳам исроф ва хорлашга киради (изоҳ: кўп жойларда хурсандчилик меҳмондорчилигида жуфт нон қўйилади, таъзияга доир маросимларга эса тоқ нон қўйиш одати бор. Шу йўсинда зиёфат икки турга ажратилади. Тўйда тоқ нон қўйилса, айб санашади. Аслида бунинг ёмон томони йўқ. Исломда кўп ишлар тоқ равишда амалга оширилади. Бу Аллоҳнинг ягоналигига бир ишора. Дастурхонга тоқ ёки жуфт нон қўйилиши ҳар бир жойнинг азалий одатига биноан бўлаверса зарарли эмас. Бу нарсадан муаммо ёки баҳс келтириб чиқармаслик керак. Ноннинг исрофи ҳақида эса аввал гапирган эдик, бу масала виждон эгасининг ёдидан кўтарилмаслиги шарт).

Бешинчи адаб – меҳмонга таом қўйилгандан сўнг тановулга изн берилади. Башарти меҳмон бегона бўлса, аввал уй эгаси таомга қўл узатади, яна қўлини ҳаммадан охири тортади. Агар ўз ошна ва биродарлари бўлса, аввал уларни ҳурмат қилади, улардан илгари қўл узатмайди (изоҳ: агар кичикроқ давра бўлса, мезбон кириб ўтиради. Даврада ўттиз-қирқ киши бўлса, баъзан мезбон таишқаридан туриб хизмат қилади. Бу одоб ҳар бир жойнинг ўз одатига боғлиқ.

«Қобуснома»да бу борада бундай насиҳат қилинади: «Меҳмонлар бир-икки сўрамагунларича сен ўтирма. Меҳмонлар «биз розимиз, ўтир», десалар «мени қўйинглар, сизларга хизмат қилайин», деб айтгил. Яна тақрор айтсалар, ундан кейин ўтир. Уларнинг розилигини олгил ва ҳаммадан пастда ўтиргил. «Эй, фалончи, таомни яхши е (ёки «ҳеч нима емадинг»), мен сенга лойиқ ҳеч нима қила олмадим, иншааллоҳ, кейин бунинг узрини яхшироқ қиламан», деявермагил. Бу сўз улуғлар, бообрў кишиларнинг сўзи эмасдир, балки бозорчиларнинг ва безориларнинг сўзидир (Бундай одамлар бир неча йилда бир марта меҳмон чақирадилар). Буларнинг меҳмонлари хижолат ейдилар, таом емайдилар, меҳмондорчиликдан тўймасдан туриб кетадилар. Бизларнинг Филонда яхши одатларимиз борки, меҳмон чақирсалар, дастурхон ёзиб, таомларни келтириб қўядилар ва кўзаларда сув ҳам келтириб, дастурхон четларига қўядилар ва барча меҳмонларни дастурхон атрофига ўтқазиб, ўзлари чиқиб кетадилар. Бир киши лаган ва косаларни саранжомлаш учун қолади. Меҳмон таомдан кўнгли хоҳлаганича ейди, ундан кейин мезбон ўтиришига киради. Араб халқининг дастурхони ҳам шундайдир». Азизлар, юртимизда, деярли барча жойларда меҳмон келганда болаларнинг, айниқса, келиннинг кириб ўтириши одобдан саналмайди. Улар таиқарида хизматда бўлишади. Агар меҳмонхонада номаҳрамлар ўтирган бўлишса, қизлар ёки келин ичкарига чой-нон кўтариб киришмайди, остонага қўйиб, овоз беришади. Ичкарида хизмат қилаётган киши чиқиб, бу неъматларни олади. Хонадонга яқин қариндошлар келсалар ҳам, ҳатто меҳмонлар яқин қариндош аёллардан иборат бўлишса ҳам, келин уларнинг қаторида ўтириб овқатланмайди. Меҳмондорчилик бошланишида уларнинг ҳурматлари учун бир пиёладан чой узатиб, сўнг таиқарига чиқиб, хизматини давом эттиради. Меҳмонлар суҳбатига аралашши, улар билан бир товоқдан ош ошалаш келиннинг ҳусни эмас. Чой тавозе билан узатилади).

Олтинчи адаб – меҳмон таомга ҳаддан ортиқ тарғиб қилинмайди, балки уч мартагина тарғиб қилинади, ундан зиёда зўрланмайди.

Еттинчи адаб – таом ейишда меҳмонга шерикчилик қилади. Агар нафл рўзага ният қилган бўлса ҳам. (Солмони Форсий (р.а.) Абу Дардонинг (р.а.) уйларида меҳмон бўлганларида шундай ҳолат юз берган экан. Абу Дардо меҳмоннинг ҳурмати учун нафл рўзасини очишига мажбур бўлиб, кейин Расулulloҳ (с.а.в.)га шикоят қилганларида Набий муҳтарам (с.а.в.) нафл рўзанинг очилишини маъқуллаганлар. Агар рўзадор меҳмондорчиликка чақирилса, овқатланмай ўтириши мезбонга ва бошқа меҳмонларга малол келмаса, овқат емагани маъқул. Агар малол келса, нафл рўзани

очиb, бошқа кунн тутиб беради. «Огиз очишни истамаган киши очмасин, лекин очиши афзалдир», дейилади.)

Саккизинчи адаб – лаззатли ва латиф таом меҳмонга едирилади ва бундайроғини ўзи ейди. Агар таом оз бўлса ва меҳмоннинг очлигини англаса, ўзи камроқ еб, аксар таомни меҳмонга едиради. Меҳмон таомланганидан сўнг кетмоқчи бўлса, келган вақтида олдига чиққандай ижозат бериб, то эшиккача бирга кузатади. (Айрим одоб китобларида етти қадам юриш тавсия этилган. Меҳмондорчилик давомида меҳмон ташқарига чиқишни ихтиёр этса, мезбон ҳам бирга чиқади. Бу ҳолда ҳам етти қадам бирга юришни одобдан, деганлар.) Хайрлашар вақтида «Мени ҳурмат қилибсизлар, сизларни Аллоҳ сийласин!» деб дуо қилинади.

Тўққизинчи адаб – уйда нима нарса бор бўлса, меҳмон олдига қўйилади. (Бахиллик қилинмайди, меҳмондан нарса қизганилмайди. Ясама илтифот кўрсатилмайди. «Эй, фарзанд, меҳмонга миннат қилмагил, очиқ юз билан гапиргил. Ҳар бир киши сенинг меҳмонинг бўлса, шодлик билан таомингни есин».)

Ўнинчи адаб – таомда такаллуф қилинмайди, агар яхши ният ва дуруст қасд билан такаллуф қилинса мумкин. (Миннат қилманг, балки аксинча, меҳмон дастурхонингиздан нон еганидан қувониб, Аллоҳга шукр қилиб, меҳмонга эса миннатдорчилик билдиринг.)

Мезбоннинг бурчлари бу ўн адабда белгиланган вазифалар билан чекланмайди. Шарт-шароитга қараб юзага чиқадиган масалаларда меҳмонга малол келмайдиган томонлар олинаверилади. Масалан, ҳафтада ёки ойда неча марта меҳмон чақириш ҳар бир оиланинг ўз имконияти ва шарт-шароитига боғлиқ. Шунга қарамай, донолар бу ҳақда ҳам насиҳат қилганлар: «Эй, фарзанд, ҳар кунн бегона одамларни меҳмон қилмагил, чунки ҳар кунн меҳмон чақирсанг, меҳмонга лойиқ ишларни кўнглинг тўлгунча қила олмайсан. Кўргилки, кўнглинг ҳар ойда неча марта меҳмон чақиришни тилайди. Агар уч марта чақиришни тиласа, бир марта чақиргил, уч марта қиладиган харжингни бир мартада қилгил, бу билан дастурхонинг айбсиз бўлғай, айб қилиб кетувчиларнинг **тили боғлиқ бўлғай**». Бу насиҳатда жон бор, бироқ унинг зиддига бир ҳикмат ҳам мавжуд: Иброҳим (а.с.)дан «Қайси фазилатларингиз учун Аллоҳ сизни Ўзига дўст қилиб олди?» деб сўралганида учинчи сабабни баён қилиб дедиларки: «Кундузги овқатни ҳам, кечки овқатни ҳам меҳмон билан баҳам кўрганним учун». Бу ҳикматнинг маъноси: таомни меҳмон билан **баҳам кўриш**да. Алоҳида меҳмон чақириб, алоҳида тўкин дастурхон ёзишда эмас.

Меҳмондорчилик учун дастурхон устини тўлдириб ташлашга ҳаракат қиламиз. Аммо, билиш керакки, энг гўзал дастурхон

камтарона дастурхондир. Дастурхонни тўкин қиламан, деб бировлардан қарз олиш ҳам яхши эмас. Борини баҳам кўриш керак. Бир киши хотинига: «Бўйдоқ меҳмонга келганида бутун нон қўй», деб тайинлабди. Хотини бунинг сабабини сўраганида, у дебди: «Оилали, рўзғорли одам етишмовчиликни, рўзғорда ҳамма нарса тўла-тўкис бўлмаслигини билади ва уйида ҳам шундай ҳолатлар бўлиб тургани учун сир сақлаб, қаноат қилиб бировга гапирмайди. Бўйдоқ эса оиладаги камчиликларни англамагани, билмаганидан «синиқ нон қўйди», деб маломат қилади».

Уй эгаси – мезбоннинг вазифаларини билиб олдингиз, энди **меҳмон риюя қилиши зарур бўлган одоблар** билан ҳам танишайлик. Чунки бугун сиз мезбон сифатида хизмат қилсангиз, эртага меҳмон мартабасида бўлиб, ўзгалардан иззат талаб қиласиз. Катталар орасида меҳмонлик одобини билмайдиганлар учраб турадики, улар аввало талабни ошириб юбориб, давра тўрини эгаллаб, талтайиш даражасига етадилар. Талаблари тўла-тўкис бажарилмаса, мезбондан ранжиб кетадилар.

Меҳмондорчиликка тайёрланаётган аёлларни пардозга берилишда айблаб танқид қилишга ўрганиб қолганмиз. Пардоз ҳаддан зиёд ошса, албатта, танқидга лойиқ. Лекин меҳмонга тайёргарликсиз бориш ҳам яхши эмас. Тайёргарликсиз бориш эрларда кўпроқ учрайди. Ҳовлида қайси кийимда юрган бўлсалар, ўша аҳволда кетаверадилар. Афтларига қараб қўйишни ҳам унутадилар. Бу ҳам меҳмонга жам бўлган жамоага, ҳам мезбонга, ҳам кишининг ўзига бўлган ҳурматсизлигидир. Баъзан кузатамиз: хотин бинои кийинган, пардоз қилган, ёнидаги эрнинг костюмига эса дазмол урилмаган, кўйлагининг ёқаси буралиб қолган, пойабзали чанг...

Энди донишмандларнинг меҳмонга борувчи зиммасига юклаган вазифаларига диққат қилайлик:

Адаби аввал – хусусан, яхши ва фақир киши, гарчи қўйнинг бир почасига чақирса ҳам қабул қилиб, албатта, борилади. *(Қандай овқатлар тайёрланиши сўралмайди. Баъзилар «Чақирилган жойгагина боринг» деган шарафли ҳадисга асосланиб, чақирилган жойга боришни вожиб (зарур) ҳисоблаб, уни тарк қилмасликни айтишган. Лекин аксари уламолар буни вожиб эмас, балки таъкидланган суннат дейишган.)*

Иккинчи адаб – билгилки, никоҳ учун қилинган таомга чақирсалар рўзадор бўлса ҳам қабул қилинадик, баъзи уламолар буни вожиб дейдилар ва баъзи уламолар ўзга чорловга ўхшаш мустаҳаб дейдилар. Агар ким шаръий узр билан бормаса, гуноҳкор бўлмайди.

Учинчи адаб – агар таомга золим, фосиқ, риёкор, бидъатчилар чақирсалар бормағайки, мустаҳабдур. (Фақиҳ Абу Лайс Самарқандий (раҳматуллоҳи алайҳ) айтганларки: «Агар бир меҳмондорчиликка борсанг, агар шу зиёфат моли ҳаром бўлмаса, унга фисқу фужур аралашмаган бўлса, боришингдан зарар йўқдир. Агар акси бўлса, норози эканингни билдириб бормай қўявер. Фақат чақирилган жойгагина бориш лозим. Зиёфатга борсангу бир мункаришни кўрсанг, у ердагиларни бу ишдан қайтар, агар кўнмасалар, зиёфатни тарк эт. Борди-ю сен улар билан ўтираверсанг, улар сени шу ишдан рози экан, деб ўйлайдилар ва яна шу ишни давом эттираверадилар».

«Футувватномаи султоний»да меҳмонга бориш одоб қоидалари бундай баён қилинади: «яхши, ҳалол одамлар уйига меҳмон бўлиб бориш; фосиқ, кишилар ҳақини ейдиган ҳаромхўрлар уйига қадам қўймаслик керак, улардан ҳазар қилиш керак. Шариатга хилоф ишлар содир бўладиган мажлисларга бормаслик лозим. Аммо сенинг ҳурматинг учун гайри шаръий ишлар тарк этиладиган бўлса, бориш мумкин».)

Тўртинчи адаб – чақирилмасдан бир кишининг таоми устига борилмади. Агар икки киши чақирган бўлса, қайсиниси яқинроқ қўшнилардан бўлса, аввал ўшанга борилади. Икки яқин қўшни баробар чақирган бўлса, қайсинисининг ошнолиги кўпроқ бўлса аввал шунга борилади. Яна шуки, таом эгасининг изнисиз чақирилмаган кишини қўшиб олиб бормайдик, макруҳдир, агар чақирилган кишининг орқасидан ўзи қўшилиб борса, таом эгасининг эшигига келганда, «бу киши ўзи келди, агар изн бўлса кирсин, бўлмаса қайтсин», деб айтилади. (Изоҳ: албатта, бундай дейиш оғир, лекин чақирилмаган жойга бораётган одам ақлини ишлатиши керак. Чунки мезбон таклиф этган одамлар сонига қараб тайёргарлик кўрган бўлади. Чақирилмаган меҳмонга жой етмай қолиши мумкин. Ёки даврага кўнгиллари кўнгилларига яқин кишилар чорланган бўлса-ю, чақирилмаган киши уларга ёқмаса, меҳмондорчиликка путур етади. Донолар дедиларки: «Тўй, мажлис каби йиғин жойларига чақирилмаган бўлсанг, борма. Борсанг, ўз обрў-ҳурматингни тўжкан бўласан. Бошқаларнинг таомига берухсат қўл узатма. Узатсанг, иззат ва эътиборингни йўқотасан.

*Истамас эрса киши, сен унга меҳмон бўлмагил,
Гавҳари қийматбахосан, санги дандон бўлмагил!»*

«Футувватномаи султоний»да таъкидланган адабга кўра, чақирилмаган меҳмон кўпроқ ҳурмат қилиниши керак экан. Агар

меҳмондорчиликда бунинг имкони бўлса, бу ҳам тўғри. Яна бир ҳақиқат борки, меҳмонга чорлаш вақтида айрим яқин одамлар ёддан кўтарилиб қолади. Ўша яқинлар келиб қолишса, албатта, иззатлари юқори бўлмай. Чунки уларни чорлаш дилда бўлган-у, ёдда бўлмаган.)

Бешинчи адаб – меҳмон бўлган жойида кишилар орасида ҳирс ва ёқимсизлик билан таом емаслик учун меҳмон ўз уйида бир оз таомланиб боргани яхши. (Изоҳ: «Тўйга борсанг – тўйиб бор», деган мақолнинг маъноси айти шундайдир. «Тўйиб бормасанг, тўйда оч қоласан», деган маънода эмасдир. Бу хусусда ҳам «Қобуснома»да насиҳатлар мавжуд: «Эй, фарзанд, ҳар қандай кишиникига меҳмон бўлиб бораверма, чунки ҳашамат ва шавкатингга зарар етказди. Агар бирор ерга меҳмон бўлиб борсанг, кўп оч бўлиб бормагил, қаттиқ юриб ҳам бормагилки, таом ейишдан узрли бўлиб ўтирсанг мезбон озор чекади. Агар таомни кўп есанг, халқнинг кўзига ёмон кўринасан. Мезбон уйига кирсанг, ҳатто ошнангники бўлса ҳам, ўзингга муносиб жойда ўтир ва таом устида буйруқ ҳам бермагил, яъни мезбоннинг хизматкорларига: «Эй, фалончи, бу уй ўзимнинг уйимдир, товоқни у ерга қўй, бошқаларнинг таом ва косасига қўл урма», демагил. Ўз чокарларингга бирор бурда нон олиб бермагил, дебдирларки, мезбоннинг уйдан бирор нарса олиш – уят».)

Олтинчи адаб – меҳмонга борганида мезбондан олдин юрмайди. (Меҳмон хушнудлик билан кутиб олингач, ичкарига таклиф қиламиз. Шу ўринда баъзилар янглишадилар. Меҳмонни гоёта иззат қилганлари учун ичкарига аввал уни киришга даъват этадилар. Бу даъват яхши, аммо ичкарига меҳмон олдинроқ кириб борса, ҳовлида ва уйда бирон ноқулай шароит бўлса, у ҳам ноқулай аҳволга тушиб қолиши мумкин. Мезбон олдинроқ юриб, ҳовлидагиларни, уйдагиларни меҳмоннинг таширифидан огоҳ қилиши керак. Ҳамма хонадонда шароит бир хил эмас. Баъзи уйларда алоҳида меҳмонхона бўлмаслиги мумкин. Демак, меҳмон учун шошилинч равишда жой ҳозирлаш керак. Бундай ҳолларда мезбон узрини айтиб, меҳмон билан бир оз суҳбатлашиб туриши ҳам мумкин. Жой ҳозир бўлгач, хонага ҳам аввал мезбон киради. Сўнг тавозе билан меҳмонни қаршилаб, унга жой кўрсатади.)

Меҳмон уйга аввал ўнг оёқни қўйиб киради. Уйга кирганида салом беради. Уй эгаси қаерни кўрсатса, ўша жойга ўтиради, ҳар нима келтирса тановул қилади. (Келтирилган таомнинг айбини топмасдан, балки мақтаб-тақтаб ейиш одобдандир). Кўзини ҳар қаерга қарашдан сақлайди (Айниқса, таом келтириладиган томонга ҳадеб қарайверишдан сақланиш керак. Агар ҳовлида

аёллар юрган бўлишса, дераза орқали у томон қараши ҳам яхши эмас.) На таом жиҳатидан ва на ўзга важҳдан уй эгасига ҳукм қилмайди, агар бир-бирлари билан илгаридан сирдош бўлсалар, ҳукм қилишининг айби йўқ.

Еттинчи адаб – ходимга ва ошпазга жоиз бўлса ҳам, биродарлик шундайки, меҳмонлар бир-бирларига луқма бермайдилар ва гадо, ит, мушукнинг ҳукми ҳам шундай.

Саккизинчи адаб – таом эгасининг изнисиз насиба кўтарилмайди, таом олиб кетиш учун эмас, ейиш учун қўйилади. *(Изоҳ: баъзи тўй-ҳашамларда аёллар еганларича еб, қолганларини туғунларига туғиб оладиларки, бу хунук одатдир.)*

Тўққизинчи адаб – дастурхон йиғиштирилгандан кейин мезбоннинг ҳақиғага хайрли дуо қилинади. Хайрлашув вақтида шукр қилади, шикоят қилмайди.

Ўнинчи адаб – таомдан сўнг «Овқат еб бўлдингларми, энди тарқалишинглар ҳам мумкин» ҳукмига биноан кўп сўзлашиб ўтирмай, кетишга ижозат сўралади, беижозат ва берухсат кетилмайди. Шарафли ҳадисда айтилган: «Ҳар вақт бир мажлисдан туриб кетмоқни ирода қилсангизлар, аввал мажлис аҳлига салом бериб, андин сўнг турунгизлар, чунки у суҳбатда баъзи ношоиста сўзлар сўзлағон бўлсангизлар берган саломларингиз анга каффорат бўлур ва сизлар учун фаришталар анга истиффор айтурлар ва сизларга раҳмат нозил бўлур», таъкидига амал қилинса янада яхши.

Шунингдек, меҳмондорчилик пайтида икки киши сўзлашиб ўтирганда орага суқилиш, уларнинг сўзларини бўлиб сўзга киришиш, ўз мартабаси, даражасидан юқорига чиқиб ўтириш – инсонга тубанлик келтиради, обрўсини тўкади.

Ҳикоят. Мўътабар одамниқига мухлислари меҳмон бўлиб келишди. Мезбон уларни кутиб олиб, ичкарига бошлаб киргач хизматкорига «Дастурхон олиб чиқ!» деб буюрди. Хизматкор анча ҳаяллади. Меҳмонлар буни сезмагандай ўтиришди. Хизматкор бир соатлардан кейин дастурхонни кўтариб кирганда уй соҳиби «Нега шунча қолиб кетдинг?» деб унга танбеҳ берди.

– Банда дастурхонни очиб қарасам, чумоли босиб ётган экан, – деди хизматкор узрли оҳангда. – Уни шу ҳолда меҳмон олдиға олиб чиқсам, одобдан бўлмас, дедим. Яна нонни бечора нонхўрлардан тортиб олишни мурувватсизлик деб билдим ва чумолилар дастурхонни тарк этмагунларича кутдим.

Бу гапни эшитиб, меҳмонлардан бири дуо қилди:

– Тангри Таоло дастурхонингизга барака ато этсин, устоз! Чунки У шунча чумолиға таом берибди...

«Меҳмон иззатини билсин», деган гапни ҳам эшитиб қоламиз. Ҳа, меҳмоннинг мартабаси ҳар қанча баланд бўлмасин, иззати чегарасини билиши керак. Баъзилар ҳали у, ҳали бу нарсани сўрайвериб, мезбонни хижолат қиладилар. Шундай бетаъсир одамлардан бири ошнасаникига келиб, ётиб қолибди. Мезбоннинг уйида биттагина кўрпача, битта кўрпа-ю ёстиқ бор эди, меҳмонга солиб берибди. Бир оздан сўнг меҳмон совуқдан жунжикиб, ётган жойида мезбондан: «Устимга бирон нима ташлаб қўй», деб илтимос қилибди. Мезбон ўз остига ташлаб ётган бўйрасини олиб, меҳмон устига ташлабди. Меҳмон бунга қаноат қилмай, яна сўрабди. Мезбон ташқарида турган нарвончани олиб кириб ташлабди. Меҳмон яна сўрабди. Уйда бир челақ сувдан бошқа ҳеч нарса қолмаган экан. Мезбон уни олиб нарвонча устига қўйибди. Меҳмон қимирлаган онда челақдаги сув тўкилибди. «Ҳой, устимдаги кўрпаларингни олиб қўй, уйинг исиб, жуда терлаб кетдим», деган экан меҳмон.

Меҳмонлар орасида ўз иззатини билмайдиган бетаъсирлари тез-тез учраб тургани учун ҳам улар ҳақида кўп масаллар тўқилган.

Масал. Маймун одати бўйича анжир дарахтига чиқиб овқатланаётган пайтда овчидан қочган тўнғиз пайдо бўлиб қолди. Маймуннинг анжир чайнаётганини кўриб, унинг ҳам иштаҳаси очилиб кетиб, «меҳмон қилармикин», деган таъмада салом берди.

– Агар илгарироқ одам юбориб, хабар берсалар эди, зиёфат тайёргарлигини кўриб қўяр эдик. Энди яхши кутиб ололмасак, айбга буюрмайсиз, – деди маймун истеҳзо билан.

Тўнғиз бу пичингни англамай деди:

– Мен узоқ йўлдан келяпман, нима бўлса ҳам иштаҳа билан еявераман. Такалуф қилмай, бор нарсангни беравер.

Маймун бир талай анжир қоқиб берди. Тўнғиз иштаҳа билан еб олди, лекин тўймади.

– Эй, марҳаматли мезбон, берган анжиринг қорнимга юқ ҳам бўлмади, нафсим қонмади, энди бошқа дарахтга ўтиб қоқиб бер.

Маймун оғрина-оғрина бошқа дарахтни қоқиб берди. Тўнғиз бирпасда барча анжирни еб битирди. Кейин яна бошқа дарахтга ишора қилди.

– Эй, азиз меҳмон, инсофни унутма. Бир ойлик овқатимни сенга бердим. Бундан ортиқ карам кўрсата олмайман, – деди маймун.

Бу гапни эшитиб тўнғизнинг газаби қайнади:

– Сен неча йиллардан бери бу анжирларни ейсан. Энди ўрмондаги барча мевалар менинг насибамдир!

– Бировнинг мулкани зўрлик билан олиш шумлик ҳисобланади. Зўравонликнинг оқибати яхши бўлмайди. Заифларга озор бериш,

беғуноҳларни ранжитиш яхши эмас, – деб маймун уни инсофга чақирди.

Лекин тўнғиз унинг танбеҳини эшитишни истамади. «Сени пастга тушириб, адабингни бераман!» деб дарахтга тирмашди. Битта шохга оёқ қўйган эди, шох синиб, тўнғиз йиқилиб тушди-ю ўша заҳоти ҳалок бўлди...

Масалдан олинадиган маъно шуки, иззатини билмаган меҳмон ҳалокати жисмонан эмас, балки у ўз обрўйини ўзи маҳв этган бўлади.

Бугунги меҳмондорчиликларда гуноҳ ишлар аралашиб қолганига ҳам гувоҳ бўляпмиз. «Мастликда кўп сўзлаш, ҳушёрликда йиғлаш – девоналик», дейдилар. Мастлик чоғида турфа хил девоналиклар юзага чиқади, хилма-хил қилиқлар уйғонади. Бировлар чапак чалаверадилар, депсинадилар, кулаверадилар, йиғлайдилар, ашула айтадилар... хуллас, аҳмоқдикнинг барча кўринишларига гувоҳ бўлиш мумкин.

Кўпчилик қимматбаҳо ароқ-конякларни дастурхон ҳусни деб ўйлаб янглишяпти. Ҳаром нарса ҳеч маҳал ҳусн саналмайди. Афсусли ери шундаки, аёллар иштирокидаги меҳмондорчиликларда ҳам дастурхон ман этилган ичимликлар билан тўла бўляпти. Янада афсусли ери шундаки, бу давраларда аёллар ҳам эркаклар билан барабар ичишяпти.

Ҳаёли қиз-жувонлар бундай даврага бориб қолсалар уларга жуда оғир бўлади. Бошлаб борган ота-оналари, эрлари ёки қайноналарининг нодонлиги учун улар азият чекадилар. Худо уларга сабр берсин! Билиб турибман, бу даврани тарк этиш уларга осон эмас. Ўтираверсалар янада қийин. Шундай экан, юқорироқда айтилганидай, вазиятга, шароитга қараб иш тутишдан ўзга чора йўқ. Бирон нимани баҳона қилиб чиқиб кетишга уриниб кўрганлари маъқулдир?

Сиз азиз ёшларимизга айтар гапимиз: сизни нобоп даврага бошлаб борсалар зинҳор ўчакишманг, у даврада ҳалол ва ҳаром ҳақида гапириб овора ҳам бўлманг. Буни уйга қайтганингизда ота-онангиз, эрингиз ёки қайнонангизга алоҳида тушунтиришга ҳаракат қилинг. Агар «Сизлар гуноҳга ботяпсизлар, сизлар билан гуноҳкор бўлишни истамайман!» деб даврани тарк этсангиз, энг яқин одамларингиз ҳам сизни тушунмасликлари, оқибатда оилангиз мустаҳкамлигига дарз кетиши мумкин.

Ароқхўрлик бор жойда бузуқликка ихтиёр ҳам уйғонади. Айрим эркаклар ўз дўстларининг хотинларига ҳам ишрат кўзи билан боқишдан тоймайдилар. Буни сезган аёл даврани тарк этиш

чорасини тезлаштиргани дуруст. Кейинги сафар бу даврага келмаслик баҳонасини ҳам топсин. Бироқ, эрига «фалончи менга бузуқ қараш қилди», деб айтмасин. Айтса, икки дўст ёки қариндош ораси бузилишидан ташқари, эри унга гумон билан қарай бошлайди.

Бугунги мезбон эртага қаергадир меҳмон бўлиб боради, шундайми? Демак, ҳар бир одам ҳам мезбон, ҳам меҳмон одобларини ўзида жам қилиши лозим. Шунинг баробарида, таомланиш одоби ҳам мавжудки, буни билиш зарурдир. Бу ҳақда аввалги суҳбатларда бир оз сўз юритилган эди, мавзуга яна қайтишга ҳожат сезилди.

- Илгарироқ айтилганидек, таомни кам ейиш фойдали. Агар очлик сезилмаса, таом ейилмагани дуруст. Шунингдек, ҳаддан ташқари тўйиб ейилмайдик, бунга амал қилинмаса, одамлар «бўкиб қолгунча еди», деб маломат қиладилар.

- Агар зарурат жиҳатидан шубҳали таомга рўпара бўлса, ўзини сақлаб, кўнглида пушаймон бўлиб, имкон даражасида оз ейди. Шубҳали таом шуки, фосиқникими, золимникими, зоҳирдан билиб бўлмайди.

- Ўз нафси учун ходимлари таомидан бошқа фақат ўзи учун махсус ширин таом тайёрлатмайди.

- Агар хуш ва лазиз таом бетакалуф ҳозир бўлса, суннатга мувофиқ у тановул қилинади. Лекин гўшт доим ейилмайди ва тарк ҳам қилинмайди.

- Шундай таомлар борки, тановулида бирининг устига иккинчиси ейилмайдик, зеро суннатга хилофдир ва соғлиқ учун зарарлидир: балиқ билан сутни; сут билан нордон нарсани; сут билан тухумни; сут билан гўштни; қовурилган гўшт билан қайнатилган гўштни; эски гўшт билан янги гўштни; икки иссиқлик нарсани ва икки совуқлик нарсани; икки мулойим-юмшоқ таомни ва икки қаттиқ ботувчи таомни; икки қотирувчи ва икки сурувчини; бири қотирувчи иккинчиси сурувчини; тез ҳазм бўлувчи таом билан узоқ ҳазм бўлувчини. Яна ҳидланган таом, хом пиёз ва саримсоқ ҳам ейилмайди.

- Таом ўтириб ейилади. Уч хил ўтириш суннат ҳисобланади: аввали, икки тизза букиб ўтирилади. Лекин юзтубан тушганга ўхшаш қоринни тиззага етказилмайди. Иккинчиси – ўнг тиззани кўтариб, чап оёқ букиб ўтирилади. Учтинчиси – икки тиззани кўтариб қоринга ёпиштириб ўтирилади. (Бугун кўп хонадонларда стол-стулга жой қилинади. Бунда ўтиришнинг ҳам одоби мавжуд: столга икки тирсакни тираб ўтириш ёки ёнбошлаб олиш ёки оёқларни чалиштириб олиш яхши эмас.)

• Улуғлар таомга қўл узатмагунча мажлис аҳли қўл узатмайди. Мажлисда агар ўзи улуғ киши бўлса, бошқаларни мунтазир қилмай, таомга тезроқ қўл узатади.

• Еб-ичиш ўнг қўл билан бўлиши лозим. Чойни қайтариш, узатилган чой ёки таомни олиш (ёки узатиш) ҳам ўнг қўлда амалга оширилади. Таом қошиқ ёки санчиқда эмас, қўлда ейилса, уч бармоқ: бош бармоқ, кўрсаткич бармоқ, ўрта бармоқда ейилмоғи суннатга мувофиқдир. Гоҳо тўртинчи бармоқни қўшса ҳам жоиздир. Икки бармоқ билан ейиш ман этилган (*«Беш бармоқни оғзига тикди» деган ибора фақат таом ейишга тааллуқли эмас. Бу кўпроқ «бойликка берилиб, нафсини тия олмади», деган маънони англатади.*)

• Агар таом бир товоқ (лаган)да ўртага қўйилса, ўз олдидан олади. Меваларни ҳар қайси томондан олиш мумкин. (*«Қутадағу билиг»да бу хусусда дейиладик: «Меҳмонга таклиф этилсанг, ошни одоб билан е. Бировнинг олдидаги овқатга қўл чўзма. Ўзингга яқин турган жойдан ол. Пичоқ ўйнатмагин. Қўлингга суюк олиб, кемириб ўтирма. Бошқаларнинг ош-овқатларини татиб кўришдан асралиш лозим. Ўзгаларни зўрлаб-қисташ ярамайди. Аёлларга ўхшаб бемалол емагин, аммо шошилиш ҳам зарар. Аёллардек серилтифот бўлиш ортиқча. Буларга мулоҳаза юрит. Қанчалик тўқ бўлсанг ҳам, таклиф қилингандан кейин овқатдан ейиш лозим. Бу сенинг қадрингни оширади.»*)

• Нон икки қўл билан синдирилиб, бўлаклари икром қилинади, гарчи емоқчи бўлса ҳам, қўл ёғи нонга сурилмайди. Оғиздан ёки қўлдан тушган нон ушоғи ё ўзга донлар такаббурлик ва худпарастлик билан ташланмай, дарҳол териб ейиладик, унда хосият кўпдир.

• Таомланиш пайтида, агарчи оч бўлса ҳам, тез-тез ва шитоб билан ейиш «кўнгилнинг қотиши, кўрлиги, ҳатто ўлишига боис бўлади», дейдилар.

• Луқма катта ҳам, кичик ҳам эмас, ўртача олинади ва оғиздаги луқма яхши чайнаб, оҳиста ютилади. Таомга оғиз андозадан зиёда очилмайди. Таомни ўнг тараф тишлари билан чайнаш суннатдир. Агар ўнг тарафда тиш оғриғи ва бошқа узри бўлса, чап тарафда чайнаса ҳам бўлади. Оғиздаги луқма ютилмагунича таомга қайта қўл узатилмайди. Тишланган таом яна идишга қўйилмайди. Агар таом иссиқ бўлса, бир оз кутиб турилади. Таомлик қўл косага ёки лаганга силкитилмайди. Ёғлиқ луқма ёки гўшт парчаси сирка ёки шунга ўхшашга ботириб олинмай, балки қуруқ луқма сиркага ботирилиб, гўшт ўшанинг устига қўйиб ейилади. Иликни қоқиш

учун суякни куч билан ноннинг орқасига ё юзига, ё товоқ лабига, ё дастурхонга урилмайди. Агар гўшт яхши пишган бўлса, суннат шуки, қўл билан майда-майда қилинади, пичоқ ишлатилмайди.

- Таом устида бошдан-охиригача хомуш ўтириш ман қилинган (макруҳдир). Яна ҳар хил одамлар, ҳайвонлар ҳақида даҳшатли ва ёқимсиз сўз ҳам дейилмайдик, бу каби сўзлар ҳам макруҳдир.

- Агар имкон бўлса, таом танҳо ейилмайди. Негаки, кўп қўл узатилган таом баракали таомдир, дейдилар. Яхшироқ таом ҳамкоса ва ҳамроҳига қўйиладики, буни инъому эҳсон дейилиб, савоби кўпдир. *(Ҳикоят. доно бир қария дастурхонга турфа ноз-неъматларни қўйиб, овқатланишга ўтирган онда кўча эшикдан бир меҳмон кириб келди. Мезбон уни хурсандчилик билан қарши олиб, илтифот қилди: «Келинг азиз меҳмоним, келинг, қадамингизга ҳасанот! Ҳикматда айтадилар-ку «яхши меҳмон ош устига», деб. Қаранг, бир ўзим ўтириб тановул қилишга унча рағбат-хоҳишим бўлмай тургандим, хуш келдингиз, бирга овқатланадиган бўлдик». Доно мезбоннинг ширин сўзларидан меҳмоннинг баҳри-дили яйради. Икковлари: «Олинг, олинг», «Хўп ширин бўпти», «Ош пиширганинг қўли дард кўрмасин», деб иштаҳа билан овқатланишдики, бу ҳам тирикликнинг бебаҳо лаззати эди.)*

- Суҳбат аҳлига то суҳбат тугагунча иттифоқчилик қилинади. Агар зарурат бўлмаса, дастурхон йиғилмасдан илгари жойдан турилмайди.

- Доналаб саналадиган емишларда тоқ санокқа риоя қилинади. Чунончи, хурмо, анжир, чучвара бўлса, бир ё уч ё еттита олиб ейилади – тоқ адад ихтиёр қилинади. Қошиқ билан таом ейишда ҳам тоқ адад риоя қилинса яхшироқдир. Икки киши бир товоқда шерик бўлсалар, қошиқ билан навбат-банавбат ош ичсалар, ҳар қайсилари бир қошиқдан ё уч қошиқдан ичадилар, агар танҳо бўлса, ичишни тоқ билан тугатади. Яна қошиқни тўлдириб ичилмайдик, ҳирсу очкўзлик аломатидир. Оз ҳам ичилмайдик, ўзни катта олиш ва кибр аломатидир, демек, ўртача олинади. Яна қошиқдан шўрва ва ош дастурхонга, либосга томмаслиги учун эҳтиёт қилинади. Қошиқдаги ярми ичилган ошнинг қолгани косага қайтарилмайди. Қошиқ билан ичишда тўрт оёқдиларга ўхшаб оғзини косадаги ошга кўп яқин келтирилмайди. Яна қошиқ учун оғизни кўп катта очмайди, қошиқ оғиз ичига этилмайди. Яна қошиқ билан ичишда оғиздан нохуш овоз (хўриллатиш) чиқарилмайди. Қошиқ товоққа тўнкариб қўйилмайдик, агар таом қатралари қолган бўлса, унга томмасин.

- Таом идиши ва бармоқлар яланганидан кейингина қўл ювилади. Қўлни дастурхонга артилмайдики, макруҳдир. Аввал ўрта бармоқ, ундан сўнг бош бармоқ, кейин бош бармоқ ёнидагиси яланади.

- Агар киши пўстли ва донали меваларни емоқчи бўлса, адаб шудирки, унинг пўчоқлари мевали идишга қўйилмай, балки дастурхондан узоқроқ ва четроқ ерга ташланади. Агар мажлис танг бўлса, узоқроққа ташлашга имкон топилмаса, уларни рўмолга ё бирон нарсага ўраб сақлайди. Мажлис аҳлининг кўзидан пинҳон тутади. Агар рўмолчаси бўлмаса, чап қўлида сақлайди. Фурсат топилганида чап тарафидаги холироқ ерга ташлайди. Ташлашда эҳтиёт қилинадики, оёқ кийимларининг ичига тушмасин. Зиёфат маҳалида бундай ноқулайлик вужудга келмаслиги учун пўчоқ ташлаш учун махсус идишлар қўйиб қўйилса яхши бўлади.

Бизда дастурхон усти ҳаддан ташқари неъматларга тўлдириб ташланиб, бўш идишга жой қолмайди. Баъзи жойларда чекувчиларнинг ҳурмати учун қулдон қўйилади, аммо афсуски, пўчоқ учун бўш идиш қўйиш хаёлларига келмайди. Яна айрим зиёфатларда ёнғоқ ёки бодомни бутунича қўйишадикки, уни чақиш осон бўлмайди. Дастурхон ўртасига муштдай-муштдай келадиган новвотларни ҳам қўядиларки, «кўрмоқ бору емоқ йўқ», деганлари айни шудир.

- Янги мевага етишган чоғда дуои баракат қилинади. Кейин кичик бир болани чорлаб, унинг қўлига берилади.

- Таомдан сўнг баъзиларда тишни чўп билан кавлаб, тозалашга ҳожат сезилади. Даврада оғизни баралла очиб тиш кавлаш ғоят хунук одатдир. Иложи борича давра тарқалганида, холи жойда тозалангани маъқул. Тозалашга табиий зарурат кучли бўлса, у ҳолда чап қўл кафти билан оғиз тўсиб турилади. Тишдан тил билан чиқарилган таомни ейиш макруҳ эмас, аммо тиш кавлагич билан чиқарилганини ютиш макруҳдир. Тишнинг ораси кўп кавланмайди, токи милкка зарар етмасин.

- Қўл таомдан илгари ҳам, кейин ҳам ювилади. Сув қатралари тўшак ва либосга сачрамаслиги учун ювилган қўл силкитилмайди. Таомдан сўнг мажлис аҳлидан баъзиларининг кўнглини айнитмаслик учун қўл ювилганда оғиз чайқалиб, чилобчинга қайтариб тўкилмайди. Таомдан сўнг қўл ювилганида тоза сочиққа артилиб, хизматдаги киши хайрли дуо қилинади. Одоб шуки, таомдан олдин ўнг томондан бошлаб қўлга сув қўйилади. Таомдан сўнг эса аввал даврадаги улуғлар қўлига сув қўйилади, сўнг тартиб билан ўнг томон қараб юрилади. Ҳар қайси кишига уч мартаба сув

қўйилади. Аввал озроқ, иккинчисида ундан кўпроқ ва учинчида узилмай сув қўйилади.

- Таом еб бўлингач, ҳамд айтилади, сўнг дастурхон эгаси дуо қилинади.

Таомланишдан ташқари сув ичишга хос одоблар ҳам бор:

- Сувни ўтириб ичиш керак. Агар узрли сабаб билан ноқулайлик бўлса, туриб ичиш ҳам мумкин. Замзам сувини эса туриб ичиш мумкин.

- Сувни уч навбат нафас олиб, ҳар нафасда пиёла ёки косани оғиздан жудо қилиб ичилади. Аввалида бир ҳўплам, иккинчи нафасда уч ҳўплам, учинчи нафасда беш ҳўплам ичилади. Сувни бирданига симириш макруҳдир. Тиббий нуқтаи назардан қаралса, зарарлидир. Айниқса, иссиқ кунларда чанқаб келиб муздек сув симиришнинг оқибати нима бўлишини ҳамма билса керак. Аммо, афсуски, кўпчилик билса-да, сабрсизлиги туфайли бу яхши ва фойдали одатга амал қилмай, оқибатда ўзини ўзи қийнайди.

- Сув ичилаётганда унга нафас урилмайди.

- Ичишни бошламасдан илгари хас ё ўзга нарсалар тушган бўлмасин учун идишдаги сув яхшилаб текширилиши керак. Ичаётган пайтда унинг қатралари либосга томмаслиги чоралари кўрилади. Агар қоронғи бўлса, идиш лабига юпқа матодан парда тутиб ичилади. Бир сабрсиз одам чанқаб келиб шиша идишнинг қопқоғини очибоқ кўтариб ича бошлаган экан. Яримдан кўпини ичиб қарасаки, идишда сичқоннинг ўлиги бор экан... Бесабрнинг аҳволини тасаввур қилаверинг.

- Агар оғзи ёки қўли ёғли бўлса, у билан кўза ёки обдастанинг дастаси ушланмайди, агар заруратдан ушланмоқчи бўлинса, жимжилоқ ва номсиз бармоқ билан ушланади, агар дастаси бўлмаса, аввал қўлини ва оғзини артиб тозалаб, ундан сўнг сув ичилади.

- Кўза ва косанинг дарз кетган ёки учган жойидан сув ичилмайдик, унда чирклар жам бўлади. Бошни сувга етказиб ичиш ҳам макруҳдир.

- Шарбатни ёки сувни қўйган одам ғоятда ташна бўлса ва ташналиги тўла қонмаган бўлса-да, ҳаммасини ўзи ичиб адо қилмайди, бошқаларга ҳам берадики, бу ҳам инъом-эҳсонга киради. Киши сув ичганидан сўнг гарчи чап ёнида улуғ одам ўтирган бўлса-да, косани ўнг ёнидагисига узатади.

- Сув олиб кирган киши дуо қилинади.

Умидимиз юлдузлари, уйингизга меҳмон келганда сиз хизматда бўласиз. Меҳмон кутиб олишдаги чиройли хизматларингиз ёки меҳмондорчиликка борганингизда ўзингизни боодоб тутишингиз

фақат ўзингизга эмас, ота-онангизга ҳам шараф келтиради. Аксинча, меҳмонларни кутишда эътиборсизлик ёки ялқовлик қилсангиз, тотли таом пишириб беролмасангиз, меҳмонга борганингизда эса одоб билан ўтира олмасангиз, сиздан олдин ота-онангизни маломат қиладилар. Шу боис ҳам бу суҳбат баёнини батафсилроқ қилдик. Одобларни бир ўқишда эслаб қолиш, эҳтимол, қийиндир. У ҳолда эринмай қайта-қайта ўқинг ва билганларингизни амалда қўллангки, шунда барака топасиз. Бу тўртликни ёдлаб олсангиз янада яхши:

*Хонамиз дўстлар оёғидан топар нури зиё,
Уй – фонус, меҳмон шамъ-у мен эсам парвонамен.
Меҳмон ҳар қанча турса, хизматин айлай бажо,
Кетса меҳмон мен мисоли мажнунни девонамен.*

ДОКА РЎМОЛ ҚАЧОН ҚУРИЙДИ?

Умидимиз юлдузлари, қалбингизда севги туйғуси уйғонганини ота-онангизга айтишдан уяласиз. Кўнглингизга бир қиз (ёки йигит) ёқади, бироқ уни очик айта олмайсиз. Бу ҳам яхши одоб, лекин қалбда уйғонган туйғу табиий жараён. Ота-онангизда ҳам ўсмирлик ёшларида шундай туйғулар жўш урган, демак, сизнинг аҳволингизни тўғри тушунадилар. Бизда ўғилни ўн саккиз ёшдан кейин уйлантириш одат бўлган. Агар оилангиздаги шароит кўтарса, шу ёшга етганингизда тўйга ҳаракат бошланади. Сиз ҳозир ўша саодатли кунларни орзиқиб кутяпсиз. Илоҳим, файзли чимилдикда ўтириш бахти сизга насиб этсин. Унга қадар эса «оила» деб аталувчи бахт саройи қандай бўлиши ҳақида фикрлашиб олайлик. Бу суҳбатни ота-онангиз билан бирга ўқисангиз яхши бўларди. Чунки суҳбат давомида катталар эътибор бериши шарт бўлган масалалар ҳақида кўп фикрлар билдирилади.

«Эр-хотиннинг уруши – дока рўмолнинг қуриши» деган мақолни кўпчилик билади. Эр-хотин орасида низо чиқса қисқа муддатда бартараф бўлади, деган маънодаги бу мақол айрим ҳолларда ҳақиқатга айланмай қоляпти. Ёш оилалардаги жанжал «ажралиш» деган фожиа билан якун топяпти. «Фожиа» деб баҳо беришимизни баъзи биродарлар маъқулламасликлари мумкин. «Талоқ Аллоҳ томонидан рухсат этилган, оиланинг бузилиши кўнглисиз ҳол, лекин фожиа эмас», дегувчиларга биз деймизки: «Азизим, соатингиз бузилса неча мароталаб бўлса ҳам тузатиш учун устага олиб борасиз.

Ҳеч иложи бўлмаса ташлаб юборасиз. Бу фожиа эмас, шунчаки кўнгилсиз ҳол. Лекин оила бузилса, икки ёшни яраштиришга ҳаракат қиламиз, ярашишнинг чораси қолмаса ўртага талоқ тушади. Лекин бу оилани бузилган соат сингари ташлаб юбормаймиз. Яъни жамиятдан суриб чиқармаймиз. Эр ҳам, хотин ҳам бошқа оила қуриб яшайверади. Лекин болалар-чи? Тирик етимларнинг охи фожиа эмасми? Қалбларининг парчаланиши фожиа эмасми? Оилани жамиятнинг дуру гавҳари деб улуғлайдилар. Уйимиздаги дур ва гавҳарларни ардоқлаб асраймиз. Оилани-чи?

Оилани мўъжазгина бир жамиятча деб фараз қилсак, бутун инсоният жамиятининг даҳлсизлиги айнан шу «жамиятча»нинг жипслигига боғлиқ. Демак, қайсики жамиятдаги оилалар мустаҳкам эмас экан, бу жамият ҳарбий қудрати ва бойлигидан қатъи назар, ҳалокатга маҳкумдир. Оилавий муҳаббат одамлар орасида кенг тарқалган энг мустаҳкам муҳаббатдир. Шунинг учун ҳам у кишилар ҳаётига таъсир кўрсатиш жиҳатидан одамнинг энг муҳим ва энг ҳаётбахш туйғусидир. Ўз уйида бахтли бўлган кишигина чинакам бахтлидир. Хароб уйдаги бахтсиз одамлардан ташкил топган жамиятнинг ҳалокатга маҳкумлиги шундан келиб чиқади. Ҳар бир инсоннинг оила олдида, оиланинг жамият олдида масъулияти бор. Бу икки ижтимоий тушунчани бир-биридан айириш қийин. Аввалги бобларда зикр этганимиз – ота-онага муҳаббат, силайи раҳм ва дўстга муҳаббат ҳам жамият маънавий оламига ўз таъсирини ўтказди. Аммо оила бу ўринда алоҳида аҳамият касб этади. Соддароқ қилиб айтилса, оиласида ҳаловати йўқ одамнинг хизмат жойида ҳам ҳаловати бўлмайди. Демак, ишидан барака кетади, хизматдошлари билан қўпол муомалада бўла бошлайди. Ёки аксинча, ишда омади юришмаган, хўжайинлардан сўкиш эшитган одам уйга қайтганда аламини оила аъзоларидан олади. Агар ҳаётимизнинг барча мақсад-мазмун оиладаги шахсий бахтимиздан иборат бўлганида, шахсий бахтимиз биргина оиладаги муҳаббатда ўз ифодасини топганда эди, унда ҳаёт деганлари чиндан ҳам қоп-қоронғи саҳрога айланиб қолган бўларди. Инсон учун юракнинг маънавий оламидан ташқари ҳаётнинг яна бир буюк олами – ижтимоий фаоллик олами ҳам бор. Бунинг инкор этиш ёки четлаб ўтишга уриниш мутлақо мумкин эмас. Шунинг учун ҳам аҳди китоблар Аллоҳнинг бу масаладаги буйруқларига ғоят жиддий муносабатда бўлганлар. Пайғамбарлар умматларини пок ва ҳалол оила қуришга даъват этганлар. Инсоният тарихи давомида яшаб ўтган донишманд файласуфларнинг диққат-эътиборларидан ҳам бу масала четда қолган эмас. Ўтмиш устозларнинг фикрлари

бизлар учун ҳамиша қадрли. Аммо улар ўз даврларидаги жамият талабларидан келиб чиқиб, оилага турлича талаблар қўйганлар. Масалан «Оилавий ҳаёт инқилобчининг ғайрат-шижоатини сусайтиради», деган аҳмоқона фикр йигирманчи асрда юзага чиқди ва ўзбек тилидаги ахлоққа оид китобларда қайта-қайта урғу берилди. Ўтган асрнинг йигирманчи-ўттизинчи йилларидаги бадий асарларда севишганлар тўй ҳақида сўз очишса, «Шошилма, аввал жаҳон инқилоби ғалаба қилсин!» деб инқилобга содиқликларини намоиш қилишган. Бунақа тентакларнинг қанчаси жаҳон инқилобининг ғалабасини кутиб, тўй кўрмай ўтиб кетди экан. Эсизгина умр! Шунга ўхшаган ҳолат бизда ҳам учрарди. Фақат биздаги ошиқ-маъшуқлар тўйни жаҳон инқилоби ғалабасигача чўзишмасди. Ашулалар бўларди: «Бўйларингга бўйлари, қачон бўлар тўйлари?» деб сўралса, «Аввал пахта мавсуми ўтиб олсин», деб жавоб беришарди. Йигит бечоранинг то кеч кузгача, эҳтимол, қишга қадар юлдуз санаб ётишдан ўзга чораси йўқ... Агар севган қизи сулув бўлса-ю, бирон чапдаст йигит чиқиб, пахта мавсуми охирлашини кутиб ўтирмай, уни илиб кетса-чи?! Бу ҳозир бизга кулгили туюлади, лекин оила билан жамият манфаатини бу хилда талқин этиш бефаҳмлиқнинг оддий бир кўриниши эди.

Жамият манфаати биринчи ўринда турадимиз ёки оила манфаатими, деган саволга бир хилда, қатъий жавоб бериш ҳам мумкинмас. Чунки айрим ўринларда оила, баъзан эса жамият манфаатлари биринчи даражали масала бўлиб қолади. Айрим ҳолларда жамиятнинг оиладан сўровлари бор, яна бир ҳолларда оиланинг жамиятдан талаблари бўлади. Бу масалани ҳам битта қолипга солиб тақдим этиш мумкинмас.

Оила ўз хоҳишича яшаши керакми ёки жамият талабларини бажаришга мажбурми? Агар жамият талабларига бўйсуниб яшаши шарт бўлса, оиланинг ҳеч қандай ҳақ-ҳуқуқи йўқ экан-да! Бу ўринда ҳам савол умумий тарзда эмас, аниқ масалалар бўйича ўртага қўйилиши керак. Яъни, жамият оиланинг пок бўлишини талаб этадимиз, демак, бу талабга бўйсунини шарт. Жамият оиладан оқил фарзанд тарбиясини талаб этадимиз, демак, бу талабни ҳам сўзсиз бажармоғи зарур. Лекин бу талабларни барча оилалар бир хилда бажармайдилар. Чунки барча оилаларнинг бу соҳалардаги тушунчалари, ҳаётий тажрибалари турлича. Ҳар бир халқнинг, ҳатто ҳар бир мамлакатдаги ҳар бир вилоят, шаҳарнинг ўзига хос урф-одатлари оила ва жамият орасидаги муносабатларни ўзига хос равишда белгилайди.

Русларнинг улуф ёзувчиси Лев Толстойнинг «Анна Каренина» деб номланган асари шундай сатрлар билан бошланади: «Бахтли оилаларнинг ҳаммаси бир-бирига ўхшайди, бахтсиз оилаларнинг эса ҳар бири ўзича бахтсиздир». Бу яхши фалсафий фикрга ўхшгани билан баҳслашиш мумкин. Чунки бахтни ҳам ҳар бир оила ўзича тушунади. Масалан, ҳаром йўллардан қайтмай бой яшаётган оила ҳаромдан парҳез қилиб, озига қаноат қилаётган қўшнисини бахтсиз деб ҳисоблайди. Бу қўшни эса унинг охиратини ўйлаб, бахтсизлигидан афсусланади. Демоқчиманки, оилаларнинг бахти ва бахтсизлиги ҳам фақат ўзларига хос, бир-бирига ўхшамайди. Ҳатто бир оила аъзоларининг бахт ҳақидаги тушунчасида ҳам фарқ бўлади. Эр бахтни илм олишда, деб билса, хотин билакни безовчи тилла билагузукда деб ҳисоблайди. Қани, барча тушунчаларни битта қолипга солиб кўринг-чи!

Турли халқлардаги оила ва бахт тушунчаси ҳақида сўз очдим, асосий гапларимизга ўтишдан олдин кичик бир мисолга мурожаат қилай.

Тилга олганимиз асардаги Анна Каренинанинг оиласи ва унинг ўлими билан «Ўткан кунлар»даги Кумушбибининг оиласи ва ўлими орасида қандай фарқ бор?

Икки ёзувчининг тасвирига қараганда, бу аёлларнинг иккови ҳам гоят гўзал, икковида ҳам муҳаббат бор, икковлари ҳам севги қурбони. Ҳар икки асар ҳам лобарларнинг ўлимлари билан ниҳоясига етади. Лекин уларнинг муҳаббатлари ва оилага садоқатлари бир хилми? Анна – оилали жувон, бегона эркакни севди. Оқибатда ўзини ҳалок қилди. Унинг бир гуноҳи икки бўлди. Кумушбиби – маъсума аёл. У жуфти ҳалолига содиқ. Уни ҳатто кундошидан ҳам қизганади. Балки ана шу қизғаниши, рашкининг чегарасидан чиққани учун ўлим топгандир? Бу икки аёл ўлими сабабчилари – Аннанинг севгилиси (эри эмас!) билан Кумушнинг кундоши – Зайнаб тақдирида қандай яқинлик бор? Ҳеч қандай! Кумуш-Зайнаблар тақдирини европаликлар ҳаётидан излаб тополмаймиз. Келинг, икки ўлимга доир икки баёнга диққат қилайлик:

«...Яқиндагина ҳаёт жўш уриб турган, энди эса казарма столида, ёт-у бегоналар кўзида Аннанинг жасади ибосиз бир равишда қонларга беланиб ётарди; соғ қолган чаккалари, гажакли боши, оғир кокиллари орқага ташланган; гўзал чехрасида, ярим юмуқ қизғиш лабларида ачинарли, тиниб қолган очиқ кўзларида ваҳимали бир ифода бор эди; бу ифода уришиб қолишганда Вронскийга «Шошманг, ҳали пушаймон бўласиз», деган ўша даҳшатли сўзни айтиб турганга ўхшарди...»

Бу баёндаги «Аннанинг жасади ибосиз бир равишда қонларга беланиб ётарди», деган тасвирга алоҳида эътибор қаратмоқ лозим. Муҳаббат деган баҳона билан оилага хиёнат қилган, ибосиз ҳаёт кечирган аёлнинг жасади ҳам бегоналар кўзи олдида ибосиз ҳолатда ётарди. Бу ҳам ибосиз ҳаёт учун берилган бир мукофот эмасми! Энди бу тасвирга диққатингизни тортаман:

«...Ҳожи Кумушнинг бошига келиб ўлтурди. Отабек ва онаси оёқ устида эдилар. Кумушнинг кўзи юмук, сочлари юзи устида паришон эди. Ҳожи ўз қўли билан сочларини тузатиб Кумушнинг кўкимтил товланган юзини кўрди ва манглайини босди...

– Ойим... Ойим! – деди Ҳожи. Кумуш кўзини очиб, бесаранжом унга назар ташлади ва таниб... қўзгалмоқчи бўлди.

– Қўзгалманг, ойим... қўзгалманг!

Кумушнинг кўз ёшиси чаккасидан оқиб тушди... Ҳожи ҳам ўзини тўхтатолмай, Кумушнинг ёшини артиб, бошини силади:

– Худо шифо берар, болам!

Кумуш жомга қўзгалди, Отабек келиб қўлтиқлади, Ҳожи ҳам унинг бошини тутди... Бу гал қусуқ қонга айланган эди, бурнидан ҳам бир неча томчи қон оқди... Қусуб ётгач, кўзи ярқиллаб очилиб кетди ва теварагига бетоқат қаранди:

– Ойи... дада... – сўнгра, – бегим, – деб ингранди... Эрининг юзини юзига қўйди, уялгансумон кўзини юмди...»

Устоз Абдулла Қодирий қаламларидан кўчган бу тасвирнинг ҳар бир нуқтасига диққат билан разм солаيлик. Биз истаймизми, истамаймизми, оила масаласини англашда ғарб ва шарқ тушунчалари орасида кескин фарқлар борлигини тан олишга мажбурмиз. Буни юқоридаги икки баён ҳам тасдиқлаб турибди.

Кумуш «эрининг юзини юзига қўйди, уялгансумон кўзини юмди...» Бу ҳолат оддий муҳаббат тасвири эмас, балки ўлими олдидан ҳам эрининг мартабасига риоя қилинишининг ифодасидир.

Оилангизда дадангиз қай пайтда аянгизни ёнига чақирса, аянгиз, албатта, итоат қиладилар ва ҳар қандай ишни тўхтатиб, ёнларига борадилар, тўғрими? Шарқдаги оилалар асрлар бўйи шу одат бўйича яшаганлар. Бу одат бузилган оилада ихтилоф чиққан. Ҳозирги кунимизда айрим аёлларимиз ёшлик қилибми ёки ғарбнинг таъсиридами, бу одатни рад этишга интилишади. Эр чақирганда «ҳозир» деб қўядилар-да, ишларини қилаверадилар. Бирон иш билан машғул бўлишса, узрлидир, лекин телефондаги узундан узоқ гапларини бас қилмасликлари, телевизордаги Мексиканинг беҳаё фильмларидан кўз узгилари келмай ўтиришлари айб саналади. Бу гапларни осмондан олиб ёзаётганим йўқ, ёш

оилаларнинг қўйди-чиқдиларида иштирок этганимда деярли ҳар бирида хотинга нисбатан шу айб айтилади. Бу ўринда «демак, эр хўжайин, хотин – чўри мартабасидами?» деган фикрдан узоқ бўлиш керак. Эрга хизмат қилиш чўрилиқ эмаслигини тўйдан олдин қизларимизга яхшилаб тушунтириб қўйишимиз керак. Афсуски, биз қизларимизга сеп тўплашга берилиб кетиб, одоб бойлигини беришни унутиб қўямиз. Оиладаги эр ўрнини тўрт-беш эркак ба-маслаҳат белгилаб бермаган. Бу мартаба Аллоҳнинг иродаси: «Эр-каклар хотинлари устидан (оила бошлиғи сифатида) раҳбардирлар. Бунга сабаб Аллоҳ уларнинг бировларини бировларидан (яъни, эркакларни аёллардан) ортиқ қилгани ва эркаклар (хотинлари ва оилалари учун) ўз мол-мулкларидан сарф-харажат қилганларидир. Бас, ибодат-итоатли ва (эрлари) йўқлигида Аллоҳнинг ҳифзи ҳимояти билан (эрларининг мол-мулкларини ва ўз ифбатларини) сақловчи хотинлар – яхши хотинлардир» («Нисо» сурасидан). Қарердаки, Аллоҳнинг бу иродасига қарши чиқилса ёки ислоҳ этишга уриниш бўлса, билингким, бу оилани аввало тотувлик тарк этади, оқибат эса ажралишгача бориб етади. Янги турмуш қураётган фарзандларимизнинг барчаси бу оятни билишлари керак. Чунки мазкур ояти Каримада оиладаги эр билан хотиннинг ўрни аниқ белгилаб берилган. Шариат ҳукмича, эр, аввало, оиланинг барча молиявий ва маънавий тарафларига жавобгар, уни четдан бўладиган ҳар қандай хуружлардан ҳимоя қиладиган шахсдир. Мана шулар эвазига ва эркак киши учун фазилат саналмиш оғир-босиқлик, оила тебратишдаги тадбиркорлик каби сифатлар сабабли у оиланинг бошлиғи саналади. Яхши хотин эса диёнатли, эрнинг уйини обод қиладиган ва унга бир умр садоқатли бўлган аёлдир.

Демак, оилада эрнинг аёлига нисбатан ўта жиддий ўз масъулияти бор экан. Аёлнинг еб-ичиши, кийиниши ва уй-жой билан таъминланишига масъул эканликларини унутган айрим биродарларимиз борки, уларни ғафлат уйқусидан уйғонишлари вақти келмадимикин? Такрор ва такрор эслатамиз: оилани моддий жиҳатдан таъминлаш ҳам эрнинг вазифаси. Одамийлик талабига кўра, эр куч ва қувватли деб, аёлни эр тарафидан эздирилмайди; аёлни ахлоқсиз ва беор бўлишига ҳам йўл қўйилмайди. Баъзи бир эрлар дейишсаки: «Мен хотинимнинг ҳақини билмайман. Мен хўжайинман. Икки гапнинг бирида сўкмасам, хумордан чиқмайман. Урмасам, қўлим қичиб туради». Шундайми? Яхши, истаганча хўрлайверсинлар. Аммо бу учун охиратда, албатта, жазога тортилишларини билмасмикинлар? Аллоҳнинг бу огоҳлантиришини-чи: «У кунда киши ўз оға-инисидан ҳам, онаси ва отасидан ҳам, хо-

тини-ю бола-чақасидан ҳам қочур». Ажаб! Нега охират куни эр ўз хотинидан қочар экан, ўйлаб кўрмаганмисиз? Чунки фоний дунёда уни ноҳақ урди, унга тўғри йўлни кўрсатмади, моддий таъмин этмади... Энди вақт келдики, хотин ҳақини талаб этади. Хотини ҳақига риоя қилмаган эрнинг оқибати яхши бўлмайди. **«Хотинларнинг ҳақларига риоя этингиз. Улар билан меҳр-шафқат ила муомалада бўлингиз. Уларнинг ҳақлари хусусида Аллоҳдан қўрқингиз. Хотинлар сизларга Парвардигорнинг омонатидир».** Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг Вадо хутбаларидаги бу васиятни ҳар бир эр доимо дилида сақлаши ва амал қилиши шарт. Бу Парвардигорнинг омонатларига хиёнат қилишдан ўзни сақламак керакдир, дегани бўлади.

Эшитган эдим, ростми ёлғонми, билмайман: лўлиларнинг қайси бир уруғида тўй чоғи куёв бола гулхан атрофида ўтирар экан. Келин эса бўйнига хуржун осиб олиб унинг атрофида айланиб, «Ўлгунимча сени боқаман», деб қасам ичаркан. Шу зайлда уч марта айланиб, қасам ичгач, куёв унга уйланишга розилик бераркан. Бозорларда катта-катта ва офир-офир халталарни кўтариб юрган аёлларимизни кўрганимда шу одат эсимга тушади. Бизда никоҳ чоғи эр зиммасига оила ташвиши юкланади. Агар узоқ сафарга отланса ҳам, таъминотни мукамал қилиб кетиши керак. Аёлларнинг рўзғор харажатларини кўтариб чиқишлари эр учун бир уят бўлса, тижорат мақсадида бегона юртларга бегона эрлар билан юбориши ундан баттар уятдир. Тижорат мақсадида узоққа борган аёлларимиз ҳақида турли мишмишлар юради, биз уларни маъқулламоқчи эмасмиз. Агар шундай десак, покиза опа-сингилларимизга туҳмат қилиб қўйган бўламиз. Лекин ризқ қидириб узоққа бормаслик ва ёлғиз юрмаслик ҳақидаги буйруқларга амал қилсалар, ўзларига нисбатан ортиқча иснодли гап орттириб олмайдилар. Ундан ташқари бизни ранжитадиган нарса – аёллар мусофирликда қийналиб, офир юклар кўтариб юрадилар, йўл азобини кўрадилар, ўз масъулиятига риоя қилмаётган эрлар эса чойхонада ошхўрлик қилиб ётадилар.

Ўтган асрда Европада эр-хотин ўртасида тенгҳуқуқлилик деган масала кўтарилди. Совет жамияти бунга алоҳида эътибор берди. Аммо аёлларни эрлар билан тенгҳуқуқли қиламан, деб уларни аксинча чўридан баттар ҳолатга айлантирди. Тенгҳуқуқлилик дегани эр нима иш қилса аёл ҳам бажарсин, дегани эмас. Эр қурилишда гишт терди – аёл ҳам, бетон қуйди – аёл ҳам, трактор минди – аёл ҳам. Бу ўтакетган инсофсизлик-ку! Европада кўтарилган масала бошқача эди. Ўтган асрларда заводда айнан битта ишни бажарган эрга кўпроқ, аёлга эса камроқ ҳақ тўланган. Аёлларнинг халқаро

ҳаракати ҳақ тўлашдаги тенгҳуқуқлиликини талаб қилган. Афсуски, тенгҳуқуқлиликини нотўғри тушуниш ҳозир ҳам давом этиб келяпти. Ўрни келганда айтиб кетай: штанга, кураш, бокс, футбол... каби оғир жисмоний куч талаб этадиган спорт турларида қиз-жувонларнинг қатнашишлари дуруст эмас.

Агар диққат қилиб кузатсак, бугунги жамиятларда адолатли мувозанатларнинг бузилиши кузатилмоқда. Фарбда аёллар ўта ахлоқсиз, беҳаё бўлиб кетишган. Юз йил аввал Анна Каренинага ўхшаганлар бармоқ билан санарли бўлса, энди кишининг ақли ҳисобдан адашиб кетади. Бундай ҳолатларни биз хорижга қилган сафарларимиз даврида ўз кўзимиз билан кузатдик. Фарбнинг кинофильмлари ҳам фикримизни исботлайди. Фарб аёллари ўзларини эрлар билан тенг ҳуқуқли деб билишади. Бизда бундай эмас. Оилада эр ва аёлнинг ўз ўрни мувозанат ва адолат билан белгилаб берилган. Бу мувозанат бузилган жамиятларда «эркин муҳаббат» деган аҳмоқона, айтиш мумкинки, ҳайвонларга хос тушунчалар туғилди. Яъни эр-хотин биргаликда яшайверади, аммо хотин кўнгли тусаган эркак билан, эр эса кўнглига ёққан аёл билан зино қилаверади. Агар бола туғилса, қайси эрдан туғилганини аниқлаш учун ирсият соҳасидаги мутахассисларга мурожаат қилишади. Бу ҳам етмагандай, эркакнинг эркак билан, аёлнинг аёл билан никоҳларини расмийлаштириш бошланди ва бу ҳайвоний қўшилишни ҳам муқаддас ном – «оила» деб атаяптилар. (Бу ҳақда қисман сўз юритиб эдим, эслайсизми?)

«Уйланишдан, хотин олишдан ҳамманинг мақсади бир хил эмасдир», дейилса, бу фикр дастлаб ғалати туюлиши мумкин. Баъзилар айш-ишрат қилиш, шаҳват нафсини қондириш учун уйланмайдиларми? Шу ниятда энг сулув қизларга етишмоқ учун не-не шумликлар қилмайдилар? Бу шумликнинг оқибатини биз «оила» дея олмаймиз. Баъзилар эса бой бўлиш мақсадида бой хотинга тузоқ қўядилар. Бунинг натижаси ҳам «оила» эмас. Яна бир хил одамлар фарзандталаб бўладилар ва шу мақсадда оила қурадилар. Баъзи одамлар гуноҳдан сақланиш учун уйланадилар. Яна бир қанчалари уй-рўзғор, саранжом-сарипталиклари учун уйланадилар.

Оила қуришда улуғ савоблар борлигини яна таъкид этамиз. Шундай инсонлар борки, савоб учун атайин уйланишади, савоб истагида турмушга чиқишади. Бир илми одам бир қизни сўраб совчи юборади. «Аллоҳнинг амри, ҳазрати Пайғамбаримиз (с.а.в.) суннатларига мувофиқ қизингизга уйланмоқчилар. Биз розилингизни олмоққа келдик», дейишади совчилар. «У киши жонимни

сўрасалар, жонимни берай, аммо қизим у зотга муносиб эмас. Чунки қизимнинг икки оёғи шол. У муҳтарам зотга эса хизматларини адо этувчи соғлом жуфти ҳалол керак», дейди қизнинг отаси узр билан. Совчи қўйган киши қизнинг аҳволидан хабардор эди. «Бу қиз ногирон бўлгани сабабли унга ҳеч ким уйланмайди. Мен шу бечорага уйланиб, кўнглини кўтарай», деган қароридан қайтмайди.

Улуғлик деганимиз ҳам шу, қаҳрамонлик деганимиз ҳам шу! Оиланинг муқаддас тушунча эканига ҳам мисол шу.

Тилимизда «оила қурди» ёки «оила барпо этилди» каби ибораларни кўп учратамиз. Шунинг қаторида «оила бузилди» ёки «оиласи барбод бўлди» деганлари ҳам бор. Демак, оила умр йўлидаги гўзал бир саройга ўхшатиляпти. Демак, уни қуриш керак. Қурганда ҳам пойдеворини мустаҳкам қилиб, турмушнинг зилзила-ю дўлларига бардош берадиган тарзда бино қилиш шарт. Демак, «оила» ёшлар қўлига тантана билан тутқазиладиган зарқоғозга ўралган ширинлик эмас. Афсуски, айрим бадавлат ота-оналар оилани шундай тушунадилар ва фарзандларини моддий томондан тўла-тўқис таъминлаб қўйиш билан кифояланиб, «оила қурилди», деб хотиржам бўладилар. Тўғри, оила саройини қуришда ота-онанинг вазифаси мавжуд. Аммо тўлалигича қуриб бера олмайди. Бу қурилишда эр-хотиннинг ўзи ҳам фаол иштирок этмас экан, бу сарой дастлаб шоколад каби бўлиши мумкин, аммо сал вақт ўтиб, эрий-эрий йўқ бўлиб кетади. Ўзича эриб кетса, тақдирга тан берилар, аммо бу шоколад қасрни ялашга ишқибозлар ҳам топилиб қолса-чи?

«Уйланишдан олдин иккала кўзингни катта оч, уйланганингдан кейин биттасини юм», деган тағдор бир ҳикмат борки, кўпчилик унга амал қилмайди. Аввало, йигитнинг ҳам, қизнинг ҳам кўзларини катта очишларига ота-оналари йўл қўймайдилар. Кейин эса ёш хотиннинг ҳаракатларини кузатишда битта кўзни юмиш ўрнига тўрт-бешта кўз билан қарай бошлайдилар. Аҳмад Дониш айтган эканларким: «Агар келин-куёв бировларнинг гапларига, фисқу фасодларига кирар эканлар, уларнинг ширин турмушлари бузилади, ораларига совуқлик тушади».

Йигит ва қиз ёстикдош бўлгунларига қадар бир-бирларининг одатлари, феъл-атворлари ва руҳиятларини мукамал ўрганишмаса, оилани бахтиёрлик пойдеворига қуришлари осон бўлмайди. Чунки яхши оила қуриш учун биргина муҳаббат кифоя эмас. Орада дўстлик ва ишонч ҳам бўлиши керак. Шундай оилаларни учратамизки, эр-хотин бир-бирини севади, турмуш қуришни эса билмайди. Оила қуришда маълум босқичларда биргаликдаги

кураш, машаққатларни биргаликда енгиб ўтиш талаб этилади. Дейдиларки: «Муҳаббатнинг кўзи кўр бўлади». Яъни бир-бирига кўнгил қўйган йигит ва қиз унча-мунча хато ва камчиликларни сезмайдилар, сезсалар ҳам эътибор бермайдилар. Муҳаббатнинг кўзи кўр бўлса, оиланинг кўзлари ҳамиша очиқ бўлади. У ҳатто тунлари ҳам юмилмайди. Илгари арзимас ҳисобланган камчиликлар жиддий аҳамият касб эта бошлайди. Ота-оналарнинг эса бошлари қотади: ахир бир-бирларини яхши кўришарди-ку! Йигит «шу қиздан бошқасига уйланмайман», деб қанча «номзод»ларни рад этган эди-ку! (Қиз ҳам бошқа йигитларни хушламаган эди!)

Бир-бирини билиш – бир-бири ҳақида ҳамма нарсани билиш эмас. Бу бир-бирига нисбатан ишончли ва ёқимли муносабатда бўлиш, бир-бирига ишониш демакдир. Одам бошқа шахснинг руҳий оламига бостириб киришга уринмаслиги керак. Аёл билан танишиш учун бир неча дақиқа етарли, уни яхши билиш учун эса йиллар керак. Айрим «доно»ларнинг фикрича, аёлни тўлиқ билиш учун у билан ажралиш керак экан. Албатта, биз бу фикрни ҳазил маъносида қабул қиламиз. Лекин, айрим эр-хотинлар ажралишиб кетишганларидан сўнг, айниқса, бошқа оила қурганларидан кейин бир-бирларининг қадрларига ета бошлайдилар. Аксарият яхши эрнинг қадрига етмаган хотинга Аллоҳ янада золимроқ эрни, солиҳа аёлнинг қадрига етмаган эрга эса куйдиргувчи хотинни рўпара қилиб қўяди. Чунки эр ёки хотин шайтон васвасасига кириб, Раҳмон йўлини унутганлари, азиз фарзандларини тирик етим қолдирганлари учун шундай жазони олишлари тайин. Аллоҳ буюрадики: «Хотинларингиз билан тотув турмуш кечиринглар. Агар уларни ёмон кўрсаларингиз (билиб қўйингки) балким сизлар ёмон кўрган нарсада Аллоҳ (сизлар учун) кўпгина яхшилик пайдо қилар» («Нисо» сурасидан). Демак, одамийлик шартларидан бири бўлмиш оила ҳақида риоя қилиш, тотув яшаш, бўлар-бўлмасга жанжал чиқармаслик, хотинни (ёки эрни) янгилашга ошиқмаслик зарур экан. Оилани қайта-қайта бузиш виждонсизларга хосдир.

Европаликларда «Эрлар аёллар учун биринчи бўлишни, аёллар эса эрлар учун сўнггиси бўлишни орзу қиладилар», деган гап бор. Бир қараганда ақлли гапга ўхшайди. Аммо бу ўша томон учун ақлли, уларнинг оила ҳақидаги бузуқ тушунчаларига мос келади. Дейилмоқчики: эр уйланмоқчи бўлган қизнинг аввал бошқа эркак билан бўлмаганини орзу қилади. Агар зинога аралашган бўлса, фарқи йўқ, бу ёғига ҳалол юрса бас. Хотин эса «Эрим менгача юрган бўлса юргандир, энди юрмасин», деб орзу қилади. Эътибор

беряпсизми, орзу қияпти! Бизда эса бундай бузуқ ҳолда оила қуриш ман этилади. Оила номусига гард ҳам қўнмаслиги керак.

Ҳозирги кунимизда Фарб мамлакатларида оилага муносабат ёмон томонга ўзгариб кетган. Ҳолбуки, аввалги замонларда уларда ҳам оила муқаддас деб ҳисобланган. Оилага «эркинлик» мартабасини берилиши жамиятни ҳам бора-бора издан чиқаради. Чунки «эркинлик» тушунчаси «нима истасанг қилавер», дегани эмас. Аллоҳ «Мендан **уялмасанг**, нима истасанг қилавер», деб бекорга огоҳлантирмаган. Аллоҳдан уялмادими, демак, ота-онасидан ҳам, қариндошлари, атрофидаги бошқа одамлардан ҳам уялмайди, кенгроқ маънода олсак, жамиятдан уялмайди. Уялмادими, жамият олдидаги бурчини унутади. Жамият қонунларидан юз ўтирган оилалар кўпайса, бу жамиятнинг ҳолига вой эмасми!

Фарбда бугунги кунда оила бобидаги бир қанча бузилишлар мавжуд (Фарб ҳаётига маҳлиё бўлаётган ёшлар бунга алоҳида эътибор беришлари керак):

– Одамни ҳайвондан ажратиб турувчи нарса онгли равишда покиза оила қуриш. Оила деганда биз эр ва аёлнинг қўшилиувини англаймиз. Лекин эркак билан эркакнинг, аёл билан аёлнинг қўшилиувини «оила» деб аташ одамзодни ҳайвонот олами билан теппа-тенг қилиб қўймайдими? Бу фикрни иккинчи бор қайта таъкид этишим бежиз эмас. Бу ҳолатни ҳайвонот оламига ўхшатыпман-у, аммо урғочи билан урғочининг, нар билан нарнинг қўшилиуви ҳайвонларда ҳам йўқ. Эркакнинг эркакка интилиши кўп юз йиллардан бери мавжуд, бироқ, жамият бундайлардан нафратланиб келган, кўпайишига йўл қўймаган. Лут алайҳиссалом қавмларига юборилган офатни эсласак кифоя қилар? Эндиликда эса бундай «оила» қуришга турли мамлакатларда қонун йўли билан рухсат беришга интилиш борким, бу ғоят таассуфли ҳолдир. Ишончим комилки, бу жамиятлар яқин келажакларида кўп-кўп пушаймонликларга дуч келишади. «Сўнгги пушаймон – ўзингга душман», деган мақолнинг амалдаги исботини кўришлари ҳам аниқ.

– Оила қурмай якка-ёлғиз яшашга интилиш кучли. Маълумотларга кўра, жаҳон бўйича америкаликлар бу соҳада ҳам пешқадам эканлар. Эркакнинг ёки аёлнинг оила қуришдан бўйин товлаб, ёлғиз яшаш ҳам оқибатда жамиятни жар ёқасига келтириб қўяди. Илгарилари собиқ иттифоқнинг Европа қисмида шундай одамлар рағбатлантирилди. «Мат одиночка» деганлари бўларди. Яъни боланинг онаси бору отаси йўқ. Бу хонимча мутлақо оила қурмасдан, кимдандир бола орттирганлар. Шу учун унга навбат-

дан ташқари уй беришгача борганлар. Мана энди Россияда аҳоли кескин камайиб кетяпти, деб бонг уриб ўтиришибди. Ўтмиш Фарб файласуфларидан Энгелс хотиннинг эрга бўйсунуши фақат иқтисодий қарамликка боғлиқ, яъни эр моддий таъминотчи, агар хотин ўзини ўзи таъминлай олса, эрга бўйсунмай қўяди, деган ғояни илгари сурган эди. Бу ғоя ҳозирги кунларда ўша томонларда ўз исботини топяпти. Лекин бу ғояни ҳаётий ҳақиқатга асосланган, деб бўлмайди. Қайсики оилада руҳий-маънавий тушқунлик ҳукмрон бўлса, бу ғоя ҳам яшайди. Танҳо яшовчи одамнинг (у хоҳ эркак, хоҳ аёл бўлсин) ҳаёти қанчалик яхши таъминлаганидан қатъи назар, қашшоқликдан иборатдир.

– Биз томонларда оила бузиладиган бўлса, эр талоқ қилади ёки хотинни эр ташлаб кетади. Европада эса акси: эрни хотин ташлаб кетади. Русларда «Брошенный муж» деган ибора бор. Уларда хотини ташлаб кетган эр нима қилиши керак, деган муаммо ҳам мавжуд. Хотин эрни ташлаб кетди, дегани отасининг уйига бориб турибди, дегани эмас. Хотин эрни нима учун ташлайди? Севмай қолгани учун. Уларда севиб қолиш ҳам осон, севгидан айниш ҳам осон. Хотинга бошқа эркак ёқиб қолса, эрига: «Ранжимагин, мен бошқасини севиб қолдим», деб кетаверади. Бу ўринда оила фақат бузуқлик туфайли бузилади.

Биринчи ҳолат ҳам, иккинчи, учинчиси ҳам юқумли хасталикка ўхшайди. Тез тарқалади, давоси эса ғоят мушкул. Оқибат эса миллатнинг йўқ бўлиб кетишигача олиб бориши ҳеч гап эмас. Демоқчиманки, бизда ҳам бу касаллик нишонлари кўриниб қоляпти. Зийракликни бой берсак, кечикиб қолишимиз мумкин. Қишлоқларда сезилмайди, аммо шаҳарларда эрдан ажралганидан кейин «агар эр шунақа бўлса, бети қурсин, жонимни қийнамай, эрсиз ўтаман бу дунёдан», деб бошқа турмуш қурмай яшовчи аёллар учраб турибди. Биз бу аёлларни бузуқликда айблашдан йироқмиз. Лекин оила билан яшасалар, ўзлари учун ҳам, жамият учун дурустроқ бўлади. Яширишнинг ҳожати йўқ, агар ким «фалончининг қизи эрдан ажраб кўп қаватли уйда ёлғиз яшаркан», деб эшитса, хаёлига дарров шум фикр келади. Қўшни аёллар ҳам ёлғиз яшовчи бу хотинни тинмай кузатишади. Агар бирон бегона эркакнинг меҳмон бўлганини билишса, тамом, «миш-миш достонлари» битилаверади.

Турмуш қурмай ёлғиз яшаш фарбликлар учун янгилик эмас. Насроний дини тобелари орасида таркидунёчилик одати бор. Насронийлар бунинг учун махсус дайр (роҳиблар яшайдиган монас-

тир)лар қурадилар. Роҳибларга уйланиш, роҳибаларга турмушга чиқиш ман этилади. Улар «Уйланиш ва фарзанд орттириш кишини Ҳақ хизматидан ва Худога яқин бўлишдан четлаштиради», деган ақидага асосан турмуш қурмасликни комилликдан деб биладилар. Оила қуриш, унинг ташвишлари муқобилида эркин яшаш роҳати туради. Агар одамзод ихтиёри ўзида бўлганида шу роҳатдан бошқасини истамаган бўларди. Аммо Яратган Аллоҳ ҳам эр, ҳам аёл мижозига шаҳватни қўшиб берганки, ана шу шаҳват тақозосига кўра бирга бўлишни истаб, оила қурадилар. Шу сабабли башарият насли охиратгача сақлаб қолинади. Шаҳват тақозоси дейилиши бир сабаб. Аслида оила қуришни, насл қолдиришни Аллоҳ ирода этган, бандаларга фарз қилган. Расулulloҳ (с.а.в.) «Сизларнинг энг ёмонларингиз хотин олмаган кишидир», деб марҳамат қиладилар. Уйланишни истамаганлар илоҳий қонунларга қарши иш тутганлари сабабли шундай қаттиқ ҳукм чиқарилган. Набий (с.а.в.): «Уйланинглр ва ўз нуфузларингизни зиёда қилинглрким, Қиёмат куни мен сизларнинг кўплигингиз билан фахр қиламан», деганлар. Бу бежиз эмас. Чунки миллатларнинг куч ва шавкату эътибори уларнинг нуфузига ҳам боғлиқ. Европаликлар буни яхши англаганлари учун ҳам доимий равишда аҳолиси ўсишини кузатиб борадилар. Ўсиш етарли бўлмаса, олимлари: «Ҳой ватандошлар! Кўзингизни очинг, миллатимизнинг шарафу эътибори сусаймоқда. Бу кетишда миллатимиз нест-нобуд бўлади. Шарафимизни, ватан ва миллатимизни ҳимоя қилиш учун арзанда фарзандларни кўпайтиринглр!» деб жар соладилар.

Тарихда Пол Демар исмли француз сотсиологи ва иқтисодчиси яшаган. У миллатининг ўн тўққизинчи асрдаги, яъни юз йиллик давридаги сонини тадқиқ қилган экан. Унинг ҳисобича, аҳолининг ўсиши бўйича французлар инглиз ёки олмонлардан ортда қолишибди. 1810 йилда Франция аҳолиси 28 миллион, Англияники 10 миллион, Олмон аҳолисининг сони 18 миллион экан. Йигирманчи аср бошига келиб Олмон аҳолиси 59 миллион, Англия аҳолиси 62 миллионга етибди. Франция аҳолиси эса 39 миллионга етибди. Бу дегани 80–90 йил мобайнида инглизлар 52 миллион, олмонлар 41 миллион ошганлари ҳолда французлар 11 миллионга ошибди. Олимни бу ҳисоб қониқтирмай, миллат қайғусида шундай ёзган экан: «Агар аҳвол шундай давом этаверса, биз нафақат ватан муҳофазасидан, балки ҳаёт орзусидан ҳам маҳрум бўламиз. Бугун биз – французларнинг мамлакати ва миллати жар лабига келиб қолган. Бу чуқурга тушиб кетишимизга оз қолибди. Лекин ҳали ҳам кеч эмас, миллат ва ватанни бу ҳалокатдан қутқариш учун

ҳимматимиз ва саъй-ҳаракатимиз керак». Европа олимлари миллатларининг камайишидан шу даражада қўрқадилар. Энди Пол Демарнинг тадқиқотини давом эттирсак, бу ҳолатга дуч келамиз: ўтган асрнинг етмишинчи йилларига келиб Англиядаги аҳоли сони 45,3 миллион, Германияда 76,5 миллион, Францияда эса 53 миллионни ташкил этган. Бу рақамларни солиштиришдан аввал орада икки марта жаҳон уруши бўлиб ўтганини, миллионлаб одамлар ўлдирилганини ҳисобга олишимиз керак. Демак, кейинги 60–70 йил ичида Англия аҳолиси камайибди, олмонлар ва французлар эса кўпайибди. Лекин шунга қарамай, уларнинг олимлари ҳануз ташвиш билан бонг урадилар. Чунки кўпайиш айти шу миллат вакиллари ҳисобига бўлмапти. Иккинчи жаҳон урушидан кейин бу мамлакатларга бошқа қитъалардан одамларнинг кўчиб келиши кўпайди. Гарчи миллионлаб осиеликлар, африкаликлар ҳам шу мамлакат фуқароси ҳисоблансалар-да, айти шу миллат шаънини белгиламайдилар. Фикримнинг исботи учун шу мамлакатлар футбол терма жамоаларига назар ташлайлик: асл инглизларга нисбатан келгинди халқлар вакилини кўпроқ учратамиз. Илгари бу мамлакатларнинг мустамлакачилари осиелик ва африкаликларни зўрлаб, қул қилиб ҳайдаб келган бўлсалар, эндиликда бу қитъалардан ёпирилиб келаётганларнинг йўлини тўсолмай гаранглар. Таъбир жоиз бўлса, қадим қулларнинг авлодлари бугунга келиб қулдорлар юртини забт этяптилар.

Яқинда Германияда чиқадиган «Велт» газетаси ўтказган бир тадқиқот билан танишиб қолдим. Бу тадқиқотда 35 ёшгача бўлган немис аёллари иштирок этганлар. Мухбирлар уларга биттагина савол билан мурожаат этишган: немис аёллари нима учун фарзанд кўришни мумкин қадар орқага чўзишади (пайсалга солишади)? Бу савол бекорга қун тартибига қўйилмаган. Кузатувларга қараганда, немис аёллари кейинги йилларда биринчи фарзандларини 29 ёшга етганларида кўришар экан. Ваҳоланки, ўн беш йил муқаддам бу кўрсаткич анча паст бўлган. Сўровга жавоб берганларнинг 44 фоизи эр ва аёлларнинг бир-бирига бўлган ишончсизлигини ва ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги бандлигини асосий сабаб сифатида кўрсатишган. Германия ҳукумати фарзанд кўраётган оналарнинг ижтимоий ҳимоясини йилдан-йилга кучайтириб боришига қарамай, аҳволнинг бу даражага тушиб қолиши жамиятни ташвишга соляпти. Чунки Германия демографик кўпайиш жиҳатидан дунёдаги охириги ўринлардан бирига тушиб қолибди. «Наҳотки, пул топишга бўлган қизиқиш оилавий бахтдан юқори турса?»

«Берлинер сайтунг» газетаси жамият ташвишини шу савол орқали кун тартибига қўйибди.

Юқорида Россия аҳолисининг камайиб боришидан мамлакат раҳбариятининг ташвишланаётганини баён қилиб эдим. 1982 йили Латвияда бўлганимда, шу ерлик бир ёзувчи «яқин юз йил ичида менинг миллатимдан ном-нишон қолмайди», деб афсусланган эди. Чиндан ҳам ўша пайтда латвияликлар сони бир миллионни ташкил қилар, туғилиш даражаси эса паст эди. Миллатни сақлаб қолиш учун ҳар оила камида уч фарзандни дунёга келтириши керак. Иккита фарзанд – ўринга ўрин қолди, демак. Битта фарзанд – миллатнинг кескин камайишидан дарак. Оилада фарзанд кўришни истамаслик – миллатнинг фожиаси. Европа олимлари ўз миллатларининг тақдиридан ташвишланиб, кўпайиш жиҳатдан суръати тез миллатларда туғилишни камайитириш чораларини кўришга ҳаракат қиладилар. Шу ниятда турли халқаро анжуманларга йиғилишиб, талай халқаро битимлар, қарорлар имзолайдилар.

Шулардан бири аёлларнинг ҳомиладор бўлишлари олдини олиш, абортга расмий рухсат берувчи қонунлар қабул қилишга даъват қилиш каби уринишлардир. Бу ҳаракатларга Ислом олами қатъий қаршилиқ билдирди. Рим папаси ҳам бу уринишларни Худонинг хоҳишига қарши ҳаракат сифатида баҳолади. Зотан, хотин ва фарзанд Худованди Каримнинг улуғ неъматларидан саналгани учун бу неъматларга куфр келтирмоқликдан сақланиш шарт. Хулоса чиқадики, фарзандлар балоғат ёшига етганида уларни уйлантириш (турмушга узатиш) ота-она зиммасидаги фарз, бажарилиши шарт бўлган вазифа. Агар ота-она вафот этган бўлса, бу фарз яқин қариндошлар зиммасига ўтади. Агар улар ҳам бўлмаса, бу вазифани маҳалла, қўни-қўшнилар, дўстлар бажарадилар. Ҳозир айрим ота-оналар баҳона топадиган бўлиб қолганлар. «Аввал ўқишини битириб олсин», «Бир-икки йил ишласин»... Ўқишни битириш, ишлаш орқага сурилса зарари йўқ. Лекин уйланиш – табиий зарурат, уни орқага суриш оила учун уятли ҳолатларга олиб келиши мумкин. Тўйсиз, никоҳсиз, ота-она розилигисиз уйланиб олаётганлар бошқаларга ибрат бўлмайдими?

Бир биродаримиз қизига келаётган совчиларни сабабсиз қайтараверар экан. Айтишича, қизига ҳали мебел олмабди. Шу қизи севган йигити билан мебелсиз, энг муҳими, ота-она розилигисиз никоҳдан ўтиб олса, кимни айблаш керак бўлади?

Оиланинг барпо этилиши гўзал ҳодиса: тўй-у томошалар билан нишонланади, бу кунларга йиллаб тайёргарлик кўрилади. Барбод

этилиши эса хунук манзара, бунга ҳам узоқ ойлар ёки йиллар тай-ёргарлик кўрилади. Фақат одамнинг ўзи буни сезмайди. Ҳеч ким озгина бирга яшаб, кейин ажралишиб кетайин, деган мақсадда оила қурмайди. Лекин...

Лекин нима учун оила бузилади? Бунга аниқ бир жавоб бериш қийин. Ҳар бир ҳолатда ўзига яраша сабаб ёки баҳона бўлади. Лекин алоҳида бир сабабларни умумий тарзда бирлаштириб турувчи сабаблар ҳам мавжудким, шулар ҳақида фикрлашсак.

Сир эмас, оилаларнинг бузилиши ҳоллари бизда ҳам кўпайиб борапти. Буни айримлар иқтисодий қийинчиликлар билан боғлашапти. Лекин мен бу фикрга қўшилмайман. Бу фикр бизни оилага хос бўлган асосий масалалардан чалғитиши мумкин. Яқин тарихимизда машаққати жиҳатидан гоят тенгсиз ҳисобланувчи қаҳатчилик, очарчилик, қимматчилик, уруш йиллари бўлган. Бу бало-ю офатлар машаққатларини ўз бошларидан кечирган отахонлар-онахонлар айтишсин: ўша офир йилларда оиланинг бузилиши бугунгидай кўп бўлмаган-ку! Мен буни ўз оиламиз мисолида ҳам айтишим мумкин. Дадам раҳматли Марғилондан, аям раҳматли Андижондан Тошкентга ўқишга келишиб, шу ерда турмуш қурган эканлар. Беш фарзанд кўриб, барчаларини ўқитганлар. Каминан бешинчи фарзандман. Қарийб йигирма беш йил мобайнида бизнинг ўз уйимиз бўлмаган. Ижара уйларда яшаб келганмиз. Оиланинг ягона бисоти эски сандиқ уйдан уйга кўчавериш натижасида шалағи чиқиб кетаёзган эди. Гилам деган матоҳни орзу ҳам қилмаганмиз. Мен ўша ўтмишни эсласам, «ҳаммамиз ижара уйларда туғилганмиз», деб ҳазиллашиб қўяман. Ҳолбуки, бу ҳазил эмас, ҳақиқат эди. Ҳукумат томонидан ҳовли берилиб, бир уй, бир даҳлиз қуриб, кўчиб келганимиздан кейин ҳам машаққатлар давом этган эди. Куз, қиш, баҳор чакка ўтган уйларда дийдираб яшардик. Мен бу ўринда шунчаки хотираларни баён қилаётганим йўқ. Бизга ўхшаб азобланиб яшаган оилалар жуда кўп эди. Лекин «қийинчилик важҳидан оиласи бузилибди», деган гапларни кам эшитардик. Ота-оналаримиз қурган оилани нима ушлаб турарди? Сабр-бардошми? Бир қишлоқда айтиб беришган эди: қийинчилик йиллари қишлоқ раисининг уйида битта атлас кўйлак билан битта тоза тўн сақланаркан. Турмуш қураётган келин ва куёв шу сарпони бир кунга олиб туришар экан. Шундай ҳолатда оила қурганларнинг набиралари энди никоҳга «Мерседес», «Лимузин»ларда боришни талаб қилишапти. Майли, боришса боришсин. Биз фарзандларимизга қийинчилик тиламаймиз. Бизнинг уйимизда гилам бўлмаса, уларнинг уйлари қўша-қўша гиламлар билан тўл-

син. Лекин бу моддий таъминот нима учун фарзандларимизнинг бахтли турмуш кечирришларини таъмин эта олмаяпти? Биз шу ҳақда кўпроқ ўйлашимиз шартга ўхшаб қолди. «Кимга яхши куёв учраган бўлса, у одам ўғиллик бўлибди. Кимга ярамас куёв йўлиққан бўлса, у одам қизини йўқотибди», дейдилар. Худди шуни «Кимнинг уйига яхши келин келса, қизлик бўлибди, ёмон келин келса ўғлидан ажрабди», деб изоҳласак ҳам бўлади. Келин ва куёв танлаш ҳуқуқи биз – ота-оналарда бўлатуриб, нега шошиламиз, нега ўйламай қадам босамиз? Ёшларни-ку, ҳаётни билмайди, ғўр, деймиз. Ўзимиз-чи? Ўзимиз ҳам ҳаётни билмаймизми?

Ҳар қандай қувончли тўй арафасида ота-она кўнглининг бир четида «келиннинг қадами қутлуғ келармикин, оиламизнинг чин аъзоси бўлиб кириб келармикин, меҳр-муҳаббатимизга яраша оқибат бўлармикин?» деган хавотир яшириниб ётади. Шундай экан, келажақда содир бўлиши эҳтимоли мавжуд ташвишнинг олдини олиш учун сизларнинг диққатингизни бу масалага ҳам қаратишни лозим кўряпман.

Европа мамлакатларини ҳозир учинчи жаҳон уруши муаммоси эмас, жамиятнинг ичдан емирила бошлагани кўпроқ ташвишга соляпти. Оиланинг мўртлиги, арзимас кичик бир туртки билан парчаланиб кетиши – айнан жамиятнинг ичдан емирилиши, демасдир. Ёшлар оиланинг муқаддас эканини тан олмай, енгил-елпи муносабатда бўлишяпти. Уларнинг назарида оила фақат жинсий эҳтиёжни қондириш воситасидан иборат бўлиб қоляпти. Яна такрор айтаманки, айримлар умуман оила қурмай яшашни маъқул кўришяпти. Оила қурмай туриб бола туғиш турлари ҳам кўпайди. Хуллас, ҳайвонот оламида учрамайдиган аҳмоқона қилиқлар йигирманчи биринчи асрнинг маънавий ўлатига айланиб боряпти. Оқибатда, бу мамлакатларда туғилиш камайиб, ўлим эса кўпайиб, аҳоли сони сезиларли даражада камайяпти.

Россия ахборот манбайида хабар қилинишича, ёш оилаларнинг салкам олтмиш фоизи бир йилга бормай барбод бўляпти. Айрим ҳудудларида бу кўрсаткич саксон фоизгача чиқяпти.

Бир оиланинг бузилиши бир хонадоннинг ташвиши ёки фожиаси эмас. Оилани инсон танасига ўхшатсак, танага кирган кичкинагина зирапча, иситма чиқариб, вужудни ларзага солади. Бузилаётган оилаларнинг кўпайиши содир этилаётган жиноятларнинг кўпайишига сабаб бўляпти, деб ўйлайман. Мутахассисларнинг таҳлилига кўра, қасддан одам ўлдириш ёки унга суиқасд қилиш жиноятининг оила даврасида содир этилиши кейинги

беш йилда кўпайган. Энди бу жинойтларни келтириб чиқарган сабабларга диққат қилайлик: мурасага келишолмаганлик оқибатидагиси – 73 фоиз, мол-мулк талашишдан келиб чиққан можаро сабабли – 13, рашк туфайли – 11, ўч олиш мақсадидаги жинойт – 3 фоизни ташкил этибди. Энди бу жинойтлар кимлар томонидан содир этилганига қарайлик: қариндошнинг-қариндошга суиқасд қилиши, ўлдириши – 38 фоизни, эрнинг хотинни ўлдириши ёки суиқасд қилиши – 33, ака-укаларнинг бир-бирига қотилликлари – 10, қўшнилари орасидаги гавфо туфайли рўй берган қотиллик – 10 фоизни ташкил этган. Ҳайратланарли томони шуки, хотинларнинг эрларига суиқасд қилишлари ёки ўлдиришлари бу жинойтларнинг тўққиз фоизини ташкил этапти!

Жинойт кодексига биноан нисбатан енгилроқ ҳисобланувчи, одамийлик жиҳатдан эса зулм деб баҳоланувчи баданга қасддан оғир ёки ўрта даражада шикаст етказиш ҳам, кўча тилида гапирилса, аёвсиз дўппослаб уриш ҳам кейинги беш йил ичида 1,33 дан 1,62 фоизга кўтарилган. Сабабларига келсак, аввалгиларидан ўзгача манзарани кўрмаймиз: оила даврасидаги дўппослашларнинг 68 фоизи мурасага келишолмаганлик оқибатида юз берган. Мол-мулк талашиш оқибати – 17, рашк – 11, ўч олиш мақсади 4 фоизни ташкил этган. Ким-кимни урган: эр хотинни – 35 фоиз, қариндошлар бир-бирларини – 28, қўшнилари жанжали – 18, ака-укалар муштлашуви – 12, хотиннинг эрни уриши (!) – 7 фоизни ташкил этган.

Бу рақамларга кўз югуртириш билан чекланиб қолмаслигимиз керак. Ҳар бир фоиз ортида неча-неча одамларнинг аянчли тақдирлари ётибди. Эр-хотин бир-бирини, қариндош қариндошни дўппосласа, ўлдирса?! Қотил пичоқни бир неча сонияда санчиши мумкин. Милиция ҳужжатларида «Қотиллик соат 16.11 да содир этилган», деб қайд этилади. Лекин бу жинойт содир этиш ҳаракати оилада анча ҳафтала, ойлар ҳатто йиллар аввал бошланган бўлади-ку! Оддий шамоллаш асоратига эътибор бермаслик натижасида вафот этган одамнинг ўлимига ким айбдор? Битта аксириш билан бошланган хасталик ойлар ва йиллар давом этади-ку!

Шу жинойтларнинг олдини олиш мумкинмиди? Мумкин эди!

Бизда шу кунларда икки хил никоҳ мавжуд. Бири давлат томонидан расмийлаштирилади. Никоҳнинг муқаддаслигини ўзи ҳам ҳис эта олмаган, ҳали ҳаёт тажрибасига эга бўлмаган гўзал хонимлар икки-уч дақиқанинг ичида ишларини бажарадилар. Диний никоҳимиз ҳам ундан қолишмайди. Домланинг қисқагина савол-жавоби билан хутбаси тахминан шунча вақт олади. Дуо

қилади-ю ўзига аталган тугунни қўлтиқлаб, жўнаб қолади. Никоҳ ўқиётган домламиз муқаддас ва муаззам сарой пойдеворини қўйишга восита бўлаётганларини ўзлари ҳам ҳис этмайдилар. Никоҳланган айрим ёшлар иймон калимасини ҳам билмайдилар. Исломдаги никоҳ ва оиланинг муқаддаслиги нималардан иборат эканини тасаввур ҳам қила олмайдилар. Кўпларининг фикрича, никоҳ жинсий алоқага рухсатдан иборатдир. Жинсий алоқанинг ижозат этилган ва ман қилинган жиҳатлари мавжудлигини билмайдилар, тарбия берувчи оталари ҳам бундан беҳабар бўлсалар, эҳтимол. Хабардор бўлган тақдирларида ҳам ўғил билан бу мавзуда суҳбат қуриш одати бизларда йўқким, бу афсусли ҳолдир. Ислом илмидан оз бўлса-да хабари бор домла никоҳ чоғида Қуръон оятлари асосида бу хусусда маълумот бериб қўйиши шарт, деб ўйлайман. Чунки Фарбнинг беҳаё фильмларини кўраётган ёшларнинг айримлари жуфти ҳалолларидан ўша кинода кўрганларига ўхшаш алоқани талаб қиладилар. Бундай алоқани ўзи учун шармандалик деб билган келинларнинг уйларига қайтиб кетиб қолиш ҳолатлари ҳам учраб турибди. Кетиб қолмаган тақдирларида ҳам, куёв боланинг ташқаридан нафсини қондиришга уриниши бошланиб қоляпти. Бизнинг ёш оилаларимизга Фарбдан шундай балолар даф қиляптики, биз катталар гофил бўлмайлик. Бу ўринда, отанинг ўғлига насиҳати муҳим. Шу боис, муҳтарам дадажонлар, бу мавзуда сўз очиш уят ёки одобдан эмас, деган истиҳолога борманг. Тўғри, сиз дафъатан «сен шундай беҳаёлик қилаётган эмишсан», дея олмайсиз. Бунга асосингиз йўқ. Келинингиз ҳеч қачон сизга шикоят қилмайди. Агар шундай ҳолатлар юз бераётган бўлса, у онасига айтиши ва қудалар орқали норозилик, ҳатто жанжал кўринишида маълум бўлиши мумкин. Лекин бундай ҳодиса юз беришини кутиб ўтириш шарт эмас. Ўғлингиз бундай беҳаёликдан узоқ бўлса ҳам, умумий тарзда «баъзилар кинода кўрганларини хотинидан талаб қилар экан, бу гуноҳ ҳисобланади» қабилида, эслатма тарзида айтиб қўйилса зарар қилмайди.

Никоҳ ўқиётган домламиз ёшларга талоқнинг маъносини ҳам англашиб қўйишлари керак. Никоҳ ўқишдан олдин домла «махрни тайёрлаб қўйганмисиз?» деб сўраса, куёв бола «Махрни ҳам, талоқни ҳам таппа-тайёр қилиб, қотириб қўйганман!» дебди. Бунга нима дейсиз?! Кўпчилик талоқнинг маъносини билмай яшайди ва кунларнинг бирида ғазабланиб, «уч талоқсан!» деб юборади. Шу бир оғиз ҳукм билан оила бузилади. Кейин ярашмоқчи бўлиб боришса, домламиз «уч талоқ» дебсиз, қайта никоҳланмайди, деб

қаттиқ туриб оладилар. Бу масалада озгина мулоҳазамиз бор: бу оила шаръий ҳукмлар асосида яшамади, шариат нималигини билмайди, шунинг баробарида эр ҳам, хотин ҳам талоқ тушунчасидан беҳабар. Эрнинг билгани: «уч талоқсан, уйингга жўна!» Хотин ҳам битта бўғчасини тугиб, боласини етаклаб, йиғи-сиғи билан отасиникига қайтаверади. Уларда «идда», «махр» деган тушунча ҳам йўқ.

Агар оила бузилса, биринчи гада хотинни айблашга кўникиб қолганмиз. Қайсидир биродаримизнинг ажралишганини эшитсак, «хотини ёмондир-да» деб қўямиз. Камдан-кам ҳолларда «ўзи ёмонда» деймиз. Оила бузила бошлаётганини эшитсак, «Эр-хотиннинг орасига аҳмоқ одам тушади», деб ўзимизни олиб қочамиз. Ардоқли оталар ва оналар, бу таънани ноўрин деб биласизми? Унда эслаб кўрайлик-чи, қайси оилани ўнглаб қўйишга ҳаракат қилдик? «Баттар бўлмайдими!» – баъзан шу тўхтамга ҳам келамиз. Ахлоққа доир кўп китоблар кўришга тўғри келди. Оиланинг бузилиши масаласи кўрилганда уларда ҳам асосий айб хотинлар зиммасига юкланади. Наҳотки, эркаклар фаришта каби беайб бўлсалар? Кунда маст-аласт юрса ҳам «эр яхши». Хотинини дўппосласа ҳам «эр яхши» – хотин яхши бўлса калтак ермиди! Хотини топиб келганини совурса ҳам «эр яхши». Яхши... яхши... минг марта яхши! Ҳатто оиласига хиёнат қилиб, зино устида қўлга тушса ҳам «эр яхши». «Ҳа, энди йигитчиликда шунақа шўхлик бўлиб туради-да!» деб қўя қоладилар. Ҳеч маҳал «Аллоҳ зинони ҳаром қилган эди, бу гуноҳи учун жазоланиши керак» демаймиз.

Оилага раҳбар қилиб белгиланган эркакнинг зиммасига моддий таъминот ва жисмоний ҳимоядан ташқари хотинига адолатли бўлиш, унинг ҳақиға риоя қилиш масъулияти ҳам юкланган. Хотин кечки овқатни пишириб қўйиб, эрнинг келишини кутади, эр иши кўплиги баҳона, бузуқликда юрмаса ҳам, ошналари билан чойхонада паловхонтўра билан тиллашадилар. Нима деймиз, бу адолатданми? Эр оилада ҳукмрон эканлигини яхши англайди, ҳукмрон мартабасида туриб, хотинига фақат қўпол муомала қилади. Хотиннинг ширин сўз эшитишга ҳақи йўқми? Нима бўлганда ҳам «Қарс икки қўлдан чиқади», деган гап бор. Агар оила бузилиш жари ёқасига келиб қолса, айбни ҳар икки томондан излаш керак. Шунда оилани сақлаб қолиш имкони кенгайди. Агар айб бир томонга ағдарилаверса, тарозининг бир палласи дош беролмай қолиши мумкин.

Маълумки, турли сабабларга кўра эрда хотинига нисбатан кўнгилисизлик, ҳатто нафрат пайдо бўлиши мумкин. Натижада эр хотинидан ажралмоқчи ёки ундан юз ўтириб, талоқ ҳам қилмай, муомала ҳам қилмай ташлаб қўймоқчи. Хотин эридан ажрашни

хоҳламаса, ярашишга уринади. Эрнинг нафратига ёки юз ўгиришига сабаб бўлган ишларни бартараф этиш билан уни рози қилиб, ажралмай қолишга тиришади. Эр ўз масъулиятига, хотин ўз масъулиятига тенг жавобгарлигини ҳис этиш керак. Тенг ҳуқуқлилиқ шундан иборат. Эр билан теппа-тенг гап талашини, теппа-тенг олишини – тенгҳуқуқлилиқ эмас, нодонлик. Енгил вазндаги боксчи ҳеч маҳал оғир вазндаги боксчи билан олишмайди. Оилада ҳам мана шу қоидага амал қилинса яхши.

Никоҳ эр ва хотиннинг ҳаётда шерик бўлишлари хусусидаги аҳд-паймондир. Аҳд-паймон ва шериклик турли соҳа вакилларида ҳам учрайди. Айтайлик, ҳунармандчиликда, тижоратда, зироатда... Агар шериклар аҳдларига вафо қилсалар, хайрли неъматларга эга бўладилар. Орага хиёнат, ғараз ёки таъма аралашса ишларидан барака кетади. Ҳар икки томон ҳам зарар кўради. Никоҳ билан боғланган оила ҳам шунга ўхшашдир. Эр ҳам, хотин ҳам аҳдига вафо қилса, оилада барака бўлади ва бундай оилани биз «фариштали хонадон» деб сифатлаймиз. Уруш-жанжалдан бўшамаган оилани эса «шайтон васвасасидаги хонадон», деб таърифлаймиз. Агар оиладаги нафрат ўти меҳр ва муҳаббат гулини сўндирадиган даражага етса, никоҳ – дастлабки аҳд-паймон бекор қилинади ва бу битим шариат тилида «талоқ» деб аталади. Талоқ хусусида қисман сўзлаган эдик, яна мавзуга қайтишга ҳожат сезилди. Тўғри, оиладаги жанжал тоқат қилиб бўлмас даражага етгандан сўнг орада талоқ бўлмаса, эрнинг ҳам хотиннинг ҳам бутун умри ғам ва қайғуга сарф бўлиб қолади. Ислом динида талоқ эр ва хотинни шундай балодан асраш учун қўлланилади. Баъзан шундай бўлади: хотиннинг нияти яхши. Нодонлиги ёки тажрибасизлиги, қайсарлиги ёки уқувсизлиги туфайли уй ишларидами ё бола тарбиясидами ёки эрига муносабатидами хато-камчиликларга йўл қўяди. Бундай аёлларни кечириш, уларга марҳамат кўрсатиш керак бўлади. Лекин хотин эрига адоват ва хусуматини доимий равишда кучайтириб бораверса-чи? Бу ҳолатда ҳам дарров талоқ берилмайди. Бу хусусда Аллоҳ буюрадики: «...аввало уларга панд-насиҳат қилинлар, сўнг (яъни насиҳат кор қилмаса) уларни ётоқларда тарк қилингиз (улар билан бир жойда ётманг, яқинлашманг), сўнгра (шунда ҳам сизга бўйсунмасалар) уринлар! Аммо сизга итоат этсалар, уларга қарши бошқа йўл ахтарманлар. Албатта, Аллоҳ энг Юксак ва Буюк бўлган Зотдир» («Нисо» сурасидан). Энди «Тафсири ҳилол» ёрдамида мазкур оят маъзини тушунишга уриниб кўрайлик: демак, хотин томонидан оиланинг ё эр-хотиннинг тинч-тотувлигига раҳна соладиган бирон ҳолат

содир бўлса, эрнинг вазифаси биринчи галда насиҳат қилиб, тўғри йўлга даъват этиши лозим экан. Аёлларнинг кўнгиллари табиатан юмшоқ ва эҳтиросли бўлади. Кўпинча маъқул сўзлар ва дўстона ўнгитлардан аёллар таъсирланиб, ёмон ишлардан ва амалларидан қайтадилар. Лекин насиҳатлар фойда бермаса-чи? Унда жазо сифатида ўрнини бошқа қилиб, унга икки-уч кеча яқинлашмайди ва шу ҳаракати билан қаттиқ норозилигини билдиради. Ақли бор хотин бу ҳолатни қатъий огоҳдантириш ўрнида қабул қилади. Чунки икки-уч кун ўрнини бўлак қилган эр, оқибатда бутунлай ажрашиб кетиши ҳам мумкин. Демак, бу оддий араз эмас, ажралиш эҳтимолидан огоҳдантириш. Энди дили қотиб қолган аёлга бу восита ҳам таъсир этмади. У вақтда хотинни **қаттиқ озор бермаслик шарти билан** уриш жоиздир. Ҳар ким англаши зарурки, хотин роҳатланиш учун урилмайди, балки уни тўғри йўлга солиш мақсадидагина қўл кўтаришга ижозат берилади. Лекин табиийки, эрга итоат этишни ўзи учун бурч деб билган аёл ва комил виждон эгаси бўлган эр бу охирги чорага етиб келмайдилар. «Уриб, дабдала қиламан», деган фикрдан эр нари бўлиши керак. Унга ҳеч ким хотинини дабдала қилишга ижозат бермаган. (Хотинни уриш фақат бизда эмас, тараққий этган мамлакатларда ҳам бор экан. Яқинда Европанинг бир неча мамлакатида хотинини урганлиги учун жиноий жавобгарликка тортиш ҳақида қонунлар қабул қилинди.) Пайғамбаримиз (с.а.в.): «Агарда хотинларингиз шаръий ва савоб ишларда сизларга бўйсунмасалар, уларни **мажруҳ қилмасдан ва кўкартирмасдан, қаттиқ озор бермасдан** уринглар», деганлар.

Хотин бу чоралардан кейин бемаъни ҳаракатидан тийилса, эр бошқа баҳона қидирмаслиги, ҳаддидан ошмаслиги керак бўлади. Эркак бўлганидан мағрурланиб, асоссиз гумонларга бориб, аёлига зулм ва жафо қилиши ман этилади. Асоссиз жафо қилар экан, жабр чеккан аёлнинг ўчини Аллоҳ олади. Баъзи эрлар хотинларини тез-тез урадилар ва бу ҳаракатларини оят ҳукми билан изоҳлайдилар. Ўтмишда ҳам шундай ҳолатлар учраб турган экан. Устоз Абдурауф Фитрат бу ҳақда 1914 йилда шундай ёзган эдилар:

«Нисо» сурасидаги ўттиз тўртинчи ва ўттиз бешинчи оятлар таржимаси ва изоҳи билан машғул бўлиб ўтирганимда бир дўстим мулоқот учун келди. Мен шу мавзуда мулоқот қилмоқни орзиқиб кутар эдим. Шу масалани унинг ҳузурда баён қилиб, оятни ўқиб бердим. У кулиб айтди: «Эй, Абдурауф, хотинларни уруш ва ҳақоратлаш биз бухороликларни умумий одатларимиздир. Лекин бугунгача бу ярамас ҳаракатимиз шариятга мувофиқ эканини билмасдик. Шукрим, бугун сен бунинг мумкин эканини тушун-

тирдинг. Инша Аллоҳ бундан кейин хотинларимизни кўпроқ ва яхшироқ урамиз». Дедим: «Азизим! Масалани тўғри тушунтира олмадим, шекилли!? Исломи дини аёлларни уришни ман қилади, балки эркакларга хотинларингизга марҳамат ва мураса-ю мадора қилиб, ҳурмат қилинганлар деб амр қилган. Юқорида мен бу масалани баён қилган эдим. Лекин сенга баён қилган бу масала алоҳидадир. Фараз қилайликки, бир ёмон хислатли ва бадахлоқ аёл бор. Бечора эр хотинининг унга адовати борлигини билиб, унинг ҳаловатини бузаётганини тушунтиради. Хотин қулоқ солмайди. Икки-уч кун хотинидан узоқлашади. Хотин шунда ҳам хулоса чиқара олмайди. Шунда сиз ҳам биласизки, эрнинг хотинига талоқ беришдан бошқа иложи қолмайди. Бироқ Исломи дини талоқни ман қилмоқчи бўлиб, эрга: «Талоқ беришга шошилмагин», деб амр қилади. Хотиннинг аъзоларини майиб қилмай ва лат бермай уни **озгина ургин**, зора ёмон ишдан тавба қилса ва муносабати ўзгарса. Менинг изоҳимдан билдингки, Қуръон ҳукми **маслаҳат юзасидан** бўлиб, аҳли Исломи оилалари учун, хусусан, мусулмон аёлларига буюк марҳаматдир». Мен бу шахсий суҳбатни шунинг учун ёздимки, бошқалар ҳам менинг баёнотимни шу дўстимга ўхшаб тушуниб, хотинларини уриш учун баҳона қилиб олмасинлар».

Юз йил аввал баён этилган бу фикр ҳалигача қадрини йўқотмаган ва Қуръон ҳукмини нотўғри англаб юрганларга ҳали ҳам ибратдир.

Эр оилани сақлаб қолишнинг барча чораларини кўрди, аммо фойдаси бўлмади, бирга яшашнинг сира иложи қолмади. У ҳолда, начора, ажралишсин, талоққа рухсат берилади. Аммо заруратсиз, балки нафс ҳавосининг тақозоси билан талоқ берилса, албатта, гуноҳ ва ҳаромдир, гуноҳкор эса, шубҳасиз, жазосини олади. Демак, талоққа ижозат бор. Лекин Исломи динида хуш ёқмайдиган мубоҳ (мумкин) амаллардан ҳисобланади. Бу ҳақда Ибн Умардан (р.а.) ривоят қилинган ҳадисда Набий (с.а.в.) марҳамат қиладилар: «Аллоҳ олдида энг ёмон мубоҳ – талоқдир».

Баъзан оиладаги ёмон шароит, эрнинг зулми ва бошқа қабих одатлари хотиннинг силласини қуритади ва унинг ўзи эридан талоқ талаб қилади. Бу жараён тез бўлмайди. Ҳар қандай аёл аввалига сабр қилади. Эҳтимол, йиллар бўйи бардош берар. Охири сабр-бардош тўғони ўпирилиш даражасига келгач, талоқ сўрайди. Лекин унинг талаблари ҳам асосли бўлиши керак. Бирорта миш-миш ёки гумонларга ишониб ёки бошқа эркакка кўнгил қўйгани сабабли ўз эри билан ажралишни қасд қилмаслиги керак.

Айрим сингилларимиз ота-оналарининг хоҳиши билан ўзлари кўнгила қўймаган йигитга турмушга чиқадилар. Оилада кейинроқ бошланадиган келишмовчиликлар заминида хотиннинг айнан шу кўнгила сизлиги ётади. Айрим аёллар шу кўнгила сизлик сабабли хиёнат кўчасига ҳам кириб қоладилар. Ана шундайларга солиҳа бир аёлнинг гапларини эслатмоқчимиз.

Ривоят. Ҳақимлардан бири ёш ва гўзал бир аёлни имтиҳон этиш учун бундай дебдилар:

– Сендай гўзал бир аёлнинг шундай хунук эри бўлиши яхши эмас.

Бу гўзалнинг эри чиндан ҳам хунук, бу ҳам камлик қилгандай ҳамиша кир юрадиган, нохуш одам эди. Гўзал хотин уламнинг гапига бу гўзал жавобни берди:

– Эй, Ҳақим! Сиз кўп янглиш сўзладингиз! Гапингиз тўғри эмас. Бундай сўзларни сиздай одамдан эшитиб кўп ранжидим. Чунки эримнинг Аллоҳ Таоло олдида бир савоби борлигидан бўлса керак, мени ул савобга нисбатан бир мукофот ўлароқ насиб этгандир. Балки мен бирор иш қилган бўлишим мумкин. Ҳақ Таоло бу гуноҳимнинг жазоси сифатида мени унга бергандир. Жаноби Ҳақнинг берган тақдирига рози бўлиш керак.

Бу жавобдан мамнун бўлган ул олим гўзал аёлга дебди:

– Болажоним, мен сени эътиқодли ва ақлли бир аёл эканлигингни сезган эдим. Шунинг учун имтиҳон қилиб кўрайин, деган эдим. Қизим, аёлларда жаннатга кириш учун энг буюк нишон, аломат – эрларининг ёмон феълларига сабр қилмоқдир. Бу сабр уларни жаннатга олиб боради. Жаннатий солиҳа аёлнинг нишони ва аломати эрига итоат этмоғи, эрининг хотирини хуш тутиши, эри йўқлигида хайрдуо этмоғи ва эрининг мол-мулкани сақлаб, эҳтиёт қилмоғи каби хусусиятлардан иборатдир. Менинг бу айтганларим солиҳа аёлнинг жаннатга кириши учун бир нишондир.

Эр-хотиннинг ажраши биргина оилага хос масала эмас. Оиланинг бузилишига жамият бефарқ қараб туrolмайди. Ҳар томондан оилани сақлаб қолишга уринишлар бўлади. Шу ўринда эр-хотиннинг жанжалидан ўзларини олиб қочувчиларга бу амрни эслатиб ўтишимиз жоиз: «Агар эр-хотиннинг оралари бузилиб кетишидан қўрқсангизлар, эрнинг уруғ-аймоғидан бир ҳакам, хотиннинг уруғ-аймоғидан бир ҳакам чақирингиз» («Нисо» сурасидан). Бу ояти каримада гап ҳам эр, ҳам хотин томонидан келишмовчилик чиққан пайтида кўриладиган чора ҳақида кетяпти. Шундай ҳолат юзага келдики, энди оиланинг сирини ташқарига чиқармасдан ҳал этишнинг иложи йўқ. Энди бошқаларнинг аралашуви билан оилани сақлаб қолиш чоралари кўрилиши шарт. Эр ўзи рози бўлган

қариндошларидан, хотин ҳам ўзи рози бўлган қариндошларидан ҳакам тайин этади. Агар оила ҳали ёш бўлса, бу вазифани оналар бажаришади. Муфассирлар бу ўринда «ўзи рози бўлган» деб алоҳида таъкид этишади. Бунга сабаб улар тайин этган ҳакамлар даъволарни эшитиб, шунчаки насиҳат қилиб қўйиш билан чекланишмайди. Улар ҳукм ҳам чиқарадилар ва эр ҳам, хотин ҳам уларнинг ҳукмига рози бўлишлари керак. Ҳакамлар танланганида ақллари, турмушнинг пасту баландидан ўтиб келган тажрибалари инобатга олинади. Энг муҳими, ҳар икки томоннинг ҳаками адолатли ҳукм чиқаришга ҳаракат қилишлари керак бўлади. Ҳакамларнинг асосий вазифаси эру хотин орасини ислоҳ қилишдир. Шунинг учун ҳам ояти каримада «агар улар ислоҳ қилишни истасалар», деб уларга ислоҳчилик нисбати бериларди. Айрим уламолар «Ҳакамларга фақат яраштириш – ислоҳ ҳуқуқи берилган», дейдилар. Яна айримлари «Ислоҳ қилишнинг иложи йўқдигига амин бўлишса, эру хотинни ажратиб қўйсалар ҳам ҳақлари бор, шунингдек, улар тегишли жазо чораларини, молу мулкка оид масалаларни ҳам ҳал қилишади», дейдилар. Албатта, ҳакамлар ўзларининг инсоний чекланган илмлари ва имкониятлари доирасида ҳукм чиқарадилар. Ҳакамликка номзод мўлжалланганида булар ҳам эътиборга олинмоғи шарт. Эр ёки хотин томон ҳакамликка қариндошларидан бирларини танлашгач, унга ажралишга сабаб бўлаётган ҳодиса ёки гапни баён қила бошлайдилар. Шубҳасизки, маъзава қарши томонга ағдарилади. Ҳакамларни қийин аҳволга солиб қўядиган ҳолат ҳам айнан шунда. Ҳакам донишманд бўлса, айтилганларнинг маъзини чақиб кўради, мантиқ тарозисига солиб чамалайди. Аравани қуруқ олиб қочадиганлардан бўлса, қарши томонни айблашдан бўшамайди. Баъзан бир-бирига мутлақо зид равишда фикрлайдиган ҳакамлар учрашиб қоладиларки, ярашишга умид қилиб ўтирган эр-хотин оқибатда тамоман тесқари бўлиб кетадилар. Шундай воқеалардан бирини келтирамиз.

Воқеа. Ёш оила ярим йил ичида бузилиш жари ёқасига келиб қолди. Куёв бола ажралишга асосий сабаб деб келиннинг кийиниш маданиятини кўрсатади. Яъни келин шим кияркан, эрнинг ўраниш ҳақидаги талабини рад этаркан. Бир қараганда талаб тўғри. Хотин эр хоҳлагандай кийиниб юриши лозим. Чунки хотин биринчи галда эрига чиройли ва ёқимли кўриниш ҳаракатида бўлиши керак. Бизда кўпинча тесқари ҳолат кузатилади: аёлларимиз уйда ўзларига қарамайдилар, кўчага чиқадиган бўлсалар пардоз-андозни бошлаб юборадилар. Хуллас, йигит томон унинг талабларини мутлақо ҳақ деб турибди. Келин томондан тайин-

ланган ҳакам элик ёшлардаги гапга чечан аёл замонавий тарзда кийинган. Ёшига ярашмаса ҳам шим кийган, бошда рўмол йўқ. У шубҳасизки, ўз дунёқараши асосида келинни ҳимоя қилади. Куёв томонни феодалликда айблайди. «Шу қиз биринчи учрашувга чиққанида ҳам шим кийиб олган эди, ўшанда нима учун индамадингиз?» деб куёвга савол беради. Куёв «кейинроқ тўғри йўлга солиб олишга умид қилгани»ни айтади. Дуруст, куёвнинг шундай яхши нияти бор экан. Аммо бир одамни ўзгартириш учун ярим йил кифоя қилармикин? Сўфи Оллоҳёр айтмоқчи:

*Замона хотунуни йўлга солмоқ
Эрур осон ул ишдин жанг қилмоқ...*

Дейилмоқчики, бу замонда хотинларни тўғри йўлга солмоқ бир қалъани жанг қилиб олмоқдан мушкулдир.

Бу шароитдаги икки ҳакам гўё сув билан олов каби эди. Эр-хотин четда қолиб улар ўзаро даҳанаки жангни бошлаб юборишди. Бу жангда ҳеч ким голиб келмади, оила барбод бўлди, холос. Демоқчимизки, ҳакамликка гапга чечанларни эмас, сермулоҳаза, доно одамларни танлаш керак.

Шу хусусда яна бир воқеа. Эр хотинини бузуқликда айблаб ажрашмоқчи. Ақлли одам бировнинг гапи ёки гумон билан ўз аёлини бундай айбламайди. Зино устида ушласагина, бу ҳолни гувоҳлар тасдиқ этсагина – даъвоси ўринли бўлади. Ажрашмоқчи бўлаётган эр айблайди, хотини бу айбни рад этиб, қасам ичади, айни чоқда эрини туҳматда айблайди. Ҳакамлар иштирокидаги мунозара узоқ давом этади. Шунда маҳалланинг доно оқсоқоли ҳисобланган ҳакамлардан бири эрни ташқарига имлаб чақиради-да, нимадир дейди. Эр ташқарида бир оз ўйланиб тургач, изига қайтиб, хотини билан ярашажагини маълум қилади. Бу ҳол кўпчиликини ажаблантиради, оқсоқолдан: «Йигитга нима девдингиз?» деб қизиқишади. Аммо оқсоқол орадаги сирни очмайди. Орадан кўп йиллар ўтди, оила тинч-тотув яшади, фарзандлар кўрди. Тўйлар қилишди. Ажрашмоқчи бўлган ўша эр автомашина ҳалокатида жон бергандан кейин, бир куни отахон менга сирни очдилар. Эрни фикрдан қайтарган гап бундай экан: «Ўғлим, бу хотинни қўйсанг, энди бари бир сенга бокира қиз тегмайди. Битта ёки иккита эрдан чиққан хотинга уйланасан. Эҳтимол, сен уйланадиган хотин эридан чиққанидан кейин чакки юриб, яна қанча эркакларни кўргандир. Сен «хотиним битта одам билан юради»,

деб гумон қиялсан. Гумонинг тўғри чиққанда ҳам шу хотининг кейин келадиганидан покизароқ эмасми? Ундан кўра гумонни бошингдан чиқариб ташла. Хотинингнинг чин сўзига ишон. Худо ҳам шунга буюради».

Отахоннинг донолиги шундаки, бу гапни кўпчиликнинг орасида айтганида эр қулоқ солмаган бўларди. Аксинча «Ҳали қараб турасиз, онаси ўпмаган қизга уйланаман!» деб кўкрагига урган бўларди.

Ҳар бир оилада ўзаро рашк бўлади. Аслида рашкнинг бўлгани ҳам яхши. Чунки улуғларимиздан Сўфи Оллоҳёр айтмоқчи:

*Жамиъ жонворлар тушса кўзга,
Ҳамийятлик бўлур тўнғиздин ўзга.*

Дейилмоқчики, барча ҳайвонларда ҳам рашк бор, фақат тўнғизда йўқ, модасини қизганмайди.

*Таажжуб фитналикдур бу замона
Тушубдур эрлар аҳволи ямона.*

Дейилмоқчики, ажаб фитналар кўпдир бу замонда. Эрлар ўзларини ёмон аҳволга солганлар. Яъни уларда ғайрат ва рашкдан асар ҳам қолмай, хотинларини бозорларга пардасиз юборурлар. Хотинини сира рашк қилмайдиган, била туриб бегона эркакдан қизганмайдиган эрни «даюс» дейдилар. Бошқача айтсак, ўз хотинига қўшмачилик қилувчи эркак даюсдир. Жаннатга кирмайдиган уч тоифадан бири, деб айнан шу даюс, билиб туриб хотинини ёмон йўлга киришига йўл қўйган эркак айтилган.

Агар рашк бутунлай бўлмаса, эркак тўнғизтабиатли ҳисобланаркан. Бироқ рашк ўти ҳаддан зиёд аланга олса, иллатга айланади. Эр хотиннинг ёки хотин эрнинг ҳар бир қадамини кузатаверса, орада ишонч йўқолади. Ишонч йўқолган уйдан файз кетади. Шу туфайли арзимаган нарсадан жанжал чиқаверади. «Бошқасини топганга ўхшайсиз-да, менинг ҳамма ишларим кўзингизга ёмон кўриниб кетяпти», дейди хотин. «Битта-яримта хушторинг борми, пардозларинг бошқача бўлиб кетяпти», дейди эр. Қарабсизки, яхшиликка хизмат қилиши керак бўлган рашк оилани бузишга олиб келади.

«Агар сен хотинингга рашклик қилмасанг, у сенга самимият била муносабатда бўлур. У сенга ота-онанг ва фарзандингдин

ҳам мушфиқроқ бўлур ва сенга ундин дўстроқ киши топилмас. Агар унга ғайрат кўргузсанг, сенга минг душмандин душманроқ бўлур ва бегона душмандин ҳазар қилса бўлур, лекин ундин ҳазар қилиб бўлмас». Кайковуснинг бу панди рашкни меъёрдан ошириб юборадиганларга ибрат бўлиши лозим. Агар эр хотинига рашкни ошириб, уни айблайвермаса, хотин унга ўз ота-онасидан ҳам меҳрибонроқ бўлар экан. Меъёрдан ошса, душмандан ҳам баттарроқ душманга айланар экан.

Бир оиланинг бузилишига сабаб бўлган воқеани айтиб беришган эди. Уйга эрнинг дўсти меҳмон бўлиб келган. Хотин хизматда. Эрнинг кўзи пойабзалларга тушади. Қарасаки, меҳмоннинг туфлиси ёнида хотинининг калиши турибди. Хотинини чақиради: «Нега калишинг унинг туфлиси ёнида туради?» Хотин, турган гапки, бунга эътибор бермаган. Шунда эр бошқачароқ даъво қилади: «Нима учун сенинг калишинг унинг туфлисига кулиб қараяпти!» Бу ҳолат сизга тентакнамо бўлиб туюляпти, а? Албатта, бу аҳмоқона рашкнинг кўриниши. Шунга ўхшаш воқеалар такрорланавергач, хотин икки боласини олиб ажралиб кетишга мажбур бўлди. Шундан сўнг ўша рашкчи яна бир неча марта уйланди. Охири офир касалга чалингач, сўнгги хотини уни қариялар уйига топширибди. Бундан хабар топган ўғиллари оталарини уйларига олиб келиб парвариш қилишибди. Оналари бунга монелик қилмабди. Икки дунё саодатига етувчи хотин ва фарзандлар шундай бўлишади!

Оилада дўстнинг ўрни масаласи ҳам муҳимдир. Дўстлик тарихи эр-хотин тарихидан аввалроқ бошланган, маълум синовлардан ўтган бўлади. Айрим йигитларнинг дўстлиги боғча ёшидан бошланган, баъзилариники институтдан. Йигит оила қургач, дўстлардан бир оз узоқлашиши мумкин, аммо бутунлай узилиб кетмайди. Айрим дўстларнинг тўйдан кейин ҳам аввалгидай серқатнов бўлишларини кузатамиз. Айримлари эса дўстининг аҳли аёлига номаҳрам эканликларини англаб, бу хонадонга тез-тез келишдан ўзларини тия бошлайдилар. Ақлли дўст деганда биз шундайларни тушунамиз. Тўғри, номаҳрамлик нималигини билмайдиган серқатнов дўст кўнглида шумлик йўқдир, қалби тозадир. Дўстининг хотинини ўз синглисидай кўрар. Аммо орада шайтон бор, бу бир. Яна атрофдагиларнинг турли гумонларга ёки ифволарга асосланган гап тарқатишлари бор. Ана шу ифво гаплар бир кунмас бир кун эрга таъсир қилиб, ёмон оқибатларга олиб келиши табиий. Дўстлар бирин-кетин оила қура бошлашгач, аёлларини ҳам яқинлаштириш мақсадида «улфат» ташкил қилдилар. Айримлар аёллар учун алоҳида «улфат» ташкил этсалар, баъзилар жуфт-жуфт

бўлиб ўтиришни маъқул кўрадилар. Мана шу иккинчи ҳолатда кўп фитналар туғилади. Аёллар, аввало, бир-бирларини синчковлик билан кузатадилар, шунинг баробарида йигитлар ҳам эътиборларидан четда қолмайди. Янги танишган ёш жувонлар орасида иболи, ҳаёлилари ҳам, шўх ёки одобсизлари ҳам бўлади. Йигитлар билан барабар аския айтишадиганларни ҳам учратамиз. Демак, даврада турли феъл-атворли аёллар тўпланишган экан, турли қилиқлар ҳам юзага чиқаверади. Йигитлар орасида ҳам дўстининг хотинига кўнгли сус кетувчилар топилмайди, дейсизми? Шундай «улфатлар» шарофати билан бузилган оилаларни кузатганмиз. Сўфи Оллоҳёр ёзадиларким:

*Ўшал хотунки, номаҳрам назардур
Агар шамс-у қамардур мочайи хардур.*

Дейилмоқчики: хотин бегона эрларга қарагувчи бўлса, гарчи ўзи ойдек, қуёшдек гўзал бўлса-да, уни урғочи эшак, демоқ лозим.

Яқинда нохуш воқеага гувоҳ бўлдим. Қашқадарёлик ёш олим йигитнинг оиласи барбод бўлибди. Қашқадарёдан келиб Тошкентда яшаётган бу оиланинг бузилишига олим укамизнинг оила хусусидаги тушунчаси етарли эмаслиги, эрнинг вазифаси, бурчи, масъулиятини лозим даражада ҳис қилмаслиги сабаб бўлган. Икки хонали уйда дўстининг ҳам яшашини хотини маъқулламаган. Бу оилани сақлаб қолиш учун кўпчилик – ота-оналари ҳам, йигит хизмат қиладиган институт жамоаси ҳам, Қашқадарёдаги турли ташкилотлар ҳам ғамхўрлик билан ҳаракат қилибдилар. Эр хотиннинг ҳақли талабини тушунишни истамаса, начора?!

Тилимизда ҳамонки «ёмон хотин» деган ибора мавжуд экан, демак, ҳаётда ҳам шундайлари бор экан. Лекин биз «ёмон хулқли хотин» деб изоҳ берсак тўғрироқ бўлар. Ёмон ёки яхши хотин деган тушунчалар ҳам нисбийдир. Маълум бир хотин маълум оила учун ёмон ёки яхши туюлиши мумкин. Шунинг учун узил-кесил хулоса чиқаришга шошилмаслик керак. Хотиннинг ёмонлиги кимларга нисбатан бўлиши мумкин?

- хотин эр учун ёмон;
- хотин қайнона учун ёмон;
- хотин қўшнилар учун ёмон;
- хотин эрнинг қариндошлари учун ёмон;
- хотин ҳамкасблари учун ёмон.

Нима учун?

– эрини ҳурмат қилмайди, ҳуда-беҳудага жанжал чиқаради, рашк қилади...

– қайнонасини менсимайди, айтган ишларини вақтида бажармайди, эрига ёмонлайди...

– қўшниларни гийбат қилади, бир-бирига гап ташийди, хасислик қилади...

– қариндошларининг меҳмон бўлиб келишини хоҳламайди, улар келганда терслик қилади...

– ҳамкасбларини гийбат қилади, бошлиққа кириб чақади...

Хотин эри билан чиқишмаслиги мумкин, аммо қайнона-қайнона таси, қайнсингиллари билан муносабати яхши. Бу масалани ҳал этиш унча қийин эмасдек туюлади. Қайнона-қайнона келин томон бўлиб, ўғилни тарбия этишга уринишади. Агар эрнинг кўнгли кўчадаги жононда бўлса, уни қайтариш анча қийин. Хотиндан биринчи гада сабр этиш талаб қилинади. Эр-хотин бахтли яшашлари учун бир қоидага қаттиқ амал қилсалар, олам – гулистон! Бу қоиданинг номи – **битта гапдан қолиш!** Ҳа, айнан шундай. Хўш, ким битта гапдан қолиши керак? Биринчи гада хотин. Эрига гап қайтариб, бахтли бўлган хотинни тарихда – минг йиллардан бери ҳеч ким учратмаган, бундан кейин ҳам учратмаслиги тайин. Эр ҳам битта гапдан қолишга мажбур. Эҳтимол, хотин битта гапдан қолган маҳалда эр иккита, баъзан учта гапдан қолса ўзи учун ҳам яхши. Лекин хотин жаврайверса-ю у индамай ўтираверса, яхшилик бўлмайди. Вақти келганда қайноналар ҳам битта гапдан қолганлари маъқул, деган фикримизни опа-сингилларимиз, эҳтимол, маъқулламаслар. Лекин баъзан мураса қилиб, келишмовчилик чўғини жанжал алангасига айлантириб юбормаслик учун қайноналар ҳам битта гапда қолиб турганлари дуруст.

«Онани отанга бепардоз кўрсатма», деган гап бор. Орасталик, ўзига меъёр қадар зеб бериш яхши. Биз нима учундир ўзига қараб юришни фақат аёлларга хос, деб биламиз. Айримлар хотини, қизларини чиройли кийинтириб қўядилар-у, ўзлари офтобда куйиб кетган дўппида, ёқаси буралиб кетган куйлакда юрадилар. Бу йўқчиликдан эмас, кўпроқ бефаросатликдан бўлади. Бефаросат деганда биз эрни ҳам, хотинни ҳам назарда тутамиз. Эр кийим-бошга эътиборсиз бўлса, хотин зийрак бўлиши керак, эрига қараши керак.

Ривоят. Бир куни ҳазрат Умарнинг (р.а.) ҳузурларига бир хотин эри билан бошлашиб келди-да, эрини кўрсатиб:

– Ё, Амирал мўминин! Бу киши менинг эрим бўладилар. У билан қурган турмушимизни ўйлаб кўрдим. Уч ойдирки, тотув яшаш учун кўп ҳаракатлар қилдим. Аммо эримда рағбат кўрмадим. Уч ой давомидаги турмушимиздан бир нарсага ақлим етди: биз бир-биримизни тушуна олмас эканмиз, шунинг учун ажрашамиз.

Ҳазрати Умар (р.а.) қаршисида индамай турган одамдан сўрадилар:

– Сен нима дейсан?

– Ё Амирал мўминин! Менинг ҳеч қандай шикоятим йўқ. Мен ажралишни истамайман, – деди эр.

Ҳазрати Умар эрнинг ранг-рўйи, кийим-бошига қараб аҳволни яхши тушундилар.

– Сен ҳозир уйингга кетгин-да, бир оздан кейин келгин. Унгача биз эринг билан суҳбатлашиб оламиз.

Хотин кетгач, ҳазрати Умар у одамни ҳаммомга олиб боришни, ювинтириб, тоза кийимлар кийинтиришни буюрдилар. Эркак покиза бир ҳолга келтирилди. Пича вақт ўтгач, хотин келиб башанг кийимдаги озода эрини кўриб, қувонди. У ажрашиш ҳақидаги аҳдини ҳам унутиб, эрини бошлаб уйига кетди. Мўминларнинг халифаси ҳазрати Умар (р.а.) шу ерда ҳозир бўлганларга қараб дедилар:

– Сизлар оилаларингизнинг (аёлларингизнинг) яхши ва покиза кийиниб, сизни кутиб олишларини севганингиз каби, улар ҳам сизни яхши ва покиза кийинганингиздан завқ оладилар, сизларни ясанган бир ҳолда кўришни истайдилар.

Агар хотин эри билан яхши бўлиб, қайнона билан чиқишмаса, кўпинча бу масалани уларнинг рўзгорини бўлак қилиш, баъзан эса уларни бошқа уйга кўчириш орқали ҳал қилишга уринадилар. Қайнона-келин муносабати энг чигал, айни пайтда, мавҳум масалалардан бири. Агар уларнинг даъволарини эшитсак, умумийликни кўрамиз. Қайнона дейдики: келин дангаса, ишёқмас, уйнинг тозалигига яхши қарамайди, муғомбир, онасига гап ташийди, катталарга гап қайта ради... Келин дейдики: қайнонам биринчи кундан мени чиқиштирамайдилар, ҳар қадамимни ўлчайдилар, бирпас дам олишимни ҳам кўролмайдилар, овқатга тузни ўзлари солиб, эримнинг олдида «шўр қилиб қўйибсан», деб уришадилар...

Қайнона-келин муносабатида бир нарсани унутамиз: қайнона билан келиннинг ёш жиҳатдан камида йигирма йиллик фарқи мавжуд. Баъзи қайноналар келинлари билан уришиб қолсалар «Мендан ёш-ку, ўзимни ҳурмат қилмаса ҳам ёшимни ҳурмат қилмайдим!» деб нолийдилар. Биз фарқни фақат ёшда, йилларда кўрамиз. Аслида орадаги йигирма йиллик фарқ – дунёқарашдаги фарқ дегани. 40–50 ёшдаги аёлнинг ҳаёт тажрибаси ўзига яраша дунёқарашини шакллантирган. 20 ёшли жувон замоннинг таъсирида бу дунёқарашни инкор этиши ҳам мумкин. Бундайлар орасида «қайнонамнинг фикрлари эскириб қолган», деган гапларни

эштамиз. Бу нуқтада икки шахсинг тўқнашувини шунчаки оилавий можаро эмас, ижтимоий масала сифатида ўрганишимиз ва ҳал этишимиз керак бўлади. Буларни биз бедаво дард эмас, тузатиш имкониятлари мавжуд арзимаган камчиликлар деб қабул қилишимиз керак. Бу камчиликлар туфайли оила бузилса, биринчи галда қайнонани айблашга ҳақдимиз. Баъзан келин камчиликларини тан олиб тузатишга киришса ҳам, қайнона бўш келмайди, талабларини янада кучайтираверади. Шу ўринда бир фикримиз борки, буни ҳам опа-сингилларимиз рад этишлари мумкин. Халқимизда «Қизил оёқ келиб, қизил юздан жудо қилди», деган мақол бор. Бу келин келиб, ўғлимни ўзиники қилиб олди, дегани. Айрим аёлларда ўғлини қизганиш ҳисси бўлади. Ўғил уйланиб, келин билан ётоғига кириб кетганидан кейин она қалбида бир узилиш бўлади. Яъни ҳамиша ёнида бўлган ўғил энди ўзганинг ихтиёрида. Балки шу ҳис онада келинга нисбатан норозилик уйғотар? Бу руҳият муаммоси. Фикрни бирданига рад этмайлигу ўйлаб кўрайлик. Қайнона-келин муаммосини ҳал этишда шу руҳий ҳолатни ҳам назардан четда қолдирмайлик. Айниқса, ўғил фарзандлар шу масалада эҳтиёт бўлишлари керак. Тўйдан кейин онага бўлган эътиборни зарра қадар ҳам камайтирмасликлари шарт.

«Кўча хандон, уй зиндон», деган таърифни эшитганмиз. Гарчи бу ибора кўпроқ эркакларга нисбатан қўлланилса-да, баъзан аёлларга нисбатан ҳам айтиш мумкин. Чунки айрим аёлларга уй зиндон, ишхона эса жаннатдай кўринади. Нега? Аёлнинг феъли шундайми ёки уйдаги шароит чиндан ҳам зиндон, ишхонадагиси жаннатдайми? Агар аёлнинг феъли кўчага мойил бўлса, унинг тарбияси осон кечмайди. Агар уйдаги шароит ёмон бўлса, унинг муолажасини қилиш шарт.

Ёмон хулқли хотиннинг мавжудлиги замонга, жамиятга ҳам, хонадоннинг бой ёки камбағаллигига ҳам қарамайди. Агар камбағаллик ёмон хотинларни юзага чиқарса, дунёни ёмон хотинлар босиб кетарди. Ҳолбуки, камбағал оилаларда ёмон хотинларни камроқ учратамиз. Агар оиланинг бахтини бойлик белгилаганда эди, биронта бой хонадонда оилавий жанжал кўтарилмас эди. Ҳолбуки, бой хонадонлардаги оилаларнинг бузилиши кўпроқ кузатиляпти. Бу ҳолат фақат бугунги кунимизга хос эмас.

Келинг, тарихга назар ташлайлик. Бобур ҳазратлари «Бобурнома»да Ҳусайн Бойқаронинг хотинлари ҳақида ёзадилар: «...аввал олгон хотуни Бека Султонбегим эди, Санжар мирзо Марвийнинг қизи эди. Бадиуззамон мирзо мундин туғиб эди. Кўп кажхулқ эди. Султон Ҳусайн мирзони кўп офритур эди. Кажхулқлиғидин мирзо

батанг келди, охир қўйди ва халос бўлди, не қилсун ҳақ мирзо жониби эди.

*Зани бад дар саройи накў
Ҳам дар ин олам аст дўзахи ў.*

Дейилмоқчики: яхши кишининг хонасидаги ёмон хотин шу дунёнинг ўзидаёқ унинг дўзахидир.

Тангри ҳеч бир мусулмонга бу балони солмағай. Ёмон хўйлуқ, кажхулқ хотун илоҳий оламда қолмағай».

Маликанинг нима учун ёмон бўлгани бизга маълум эмас. Бобур мирзо ҳам буни бошқалардан эшитиб ёзган бўлсалар ажаб эмас. Эҳтимол, малика эрининг кетма-кет хотин олаверишидан, бу ҳам етмагандай канизаклар билан маишат қилаверишидан безиб, жанжал қилгандир?.. Машойихлар эрларни ёмон хотин балосидан бот-бот огоҳлантириб келганлар. Мана, шулардан бири: «... Дўст бўлмагон хотиндин қочғил, нединким, дебдурлар: «Кадбон-у (ишчан уй бекаси) бўлмагон тезроқ банд бўлур, аммо у масобада (ҳолатда) эрмак. Бунингдек хотин сенинг молингни қўлингдин олиб, сўнгра сени унга молик бўлурга қўймағай, ундин сўнг сен унинг хотини бўлурсан, лекин у сенга хотин бўлмас».

Сўфи Оллоҳёрда ҳам ёмон хотинлар хусусида бир қанча байт айтилганки, танишсак зарар қилмас:

*Ямон бўлса, наъуз-у биллаҳ андин,
Зиёндин ўзга ҳеч қолмас ямондин.*

Дейилмоқчики: олган хотин ёмон чиқса, бу хотин қўлидан зиёну ёмонликдан бўлак нарса келмас. Бундайин хотинлар шумлигидан Аллоҳга сиғиниб, паноҳ тилаймиз.

*Ямон хотун шаётин қамчисидур,
Қўлинг боғлағувчи аргамчисидур.*

Дейилмоқчики: ёмон хотин гуноҳлар дарёсига чўктирувчи (мазкур байт ҳадиси шариф асосида айтилган).

*Ду олам нари бўлса, нари кетсун
Кўзинг кўрмаса шум дийдори битсун.*

Дейилмоқчики: бу ёмон хотин икки дунёнинг дўзахидир ва уни ўзингдан нари қил. Бу икки дунё тамуғи кетсин, ботсин, битсин, дея талоқ қил.

*Агар чандеки, бузургзодадир ул,
Яқин бил, тўрт оёқлиқ модадир ул.*

Дейилмоқчики: ёмон хотин гарчи пайғамбарзода бўлса ҳам, билгилки, шу ёмонлиги учун тўрт оёқли урғочи ҳайвондан бошқа нарса эмас.

Бир уйда аёлнинг овози баланд чиқса, яъни эр сўзини тингламаса, унга итоат этмай, гап қайтараверса, у уйда хайр – яхшилик бўлмайди, бу уйдан саодат кутилмайди, кутилгани билан етишиб бўлмайди.

Хўп, ёмон хулқли хотинларга шунчалик нафратимиз бор экан. Уларга нисбатан энг сўнгги чора мақолда ҳам айтилган: «Кўшнинг ёмон бўлса – кўчиб қутулсан, хотининг ёмон бўлса – қўйиб қутулсан». Бу сўнгги чорадан Аллоҳ асрасин. Ёмон хулқли аёлларга хушхулқ насиб этсин.

Шукрларким, ёнимизда ёмондан кўра яхши аёллар кўпроқ. Хўш, кимларни яхши деймиз?

- Олижаноб, покиза ва қалби гўзалларни;
- ақлли, қаноатли, иффатли, вафолиларни;
- барча ҳаракатларини ўйлаб қиладиган, эрининг борида ҳам, йўғида ҳам ҳурматлаб, ўзини ва номусини сақлайдиганларни;
- яхши ва ёмон кунларда фидокор бўлишни ўзларига шиор қилиб олганларни;
- юзидан кулги аримайдиган, тили ширин, қўли баракали, қадами қутлуғ бўлганларни...

Яхши аёлларга хос фазилатларни баён қилиб, сиз муҳтарам ота ва оналар учун ҳеч бир янгилик кашф қилганим йўқ. Бу фазилатларни ўзингиз ҳам яхши биласиз. Лекин мен диққатингизни икки нарсага қаратмоқчиман: аввало, бу фазилатлар фақат аёлларга хосми? Эркаклар учун зарур эмасми? Бизнингча, зарур. Иккинчидан, фарзандларимизни, айниқса, қизларимизни бу фазилатлар асосида тарбия қиляпмизми?

«Кимнинг хотини дўст, меҳрибон ва уйи саранжом-саришта бўлса, у киши ҳақиқатан бахтиёрдир. Агар хотининг иффатли, номусли, очиқ юзли ва ширинсўзли бўлса, у хоҳ гўзал, хоҳ хунук бўлсин, бари бир уни сев, яна ҳурмат қил. Бу сўзлар ёлғиз хотинларгагина эмас, эркакларга ҳам махсусдир. Эр ва хотин ҳамжиҳат ва ҳамфикр бўлсалар, уларнинг кўзлаган ҳамма мурод ва мақсадлари ҳосил бўлди, демакдир», дейдилар.

Эр сўзига қулоқ солган, ҳурматини адо этган хотин ўзининг яхши хулқи билан камбағални подшоҳ қилади. Кимнингки кўнгили ҳабибаси бўлган аёли, хонадонининг бекаси ўзига уйғун ва мос бўлса, ўша одам энг бахтиёр кимсадир. Ҳар куни тонг отгандан то оқшомгача ишда банд, узун тун бедорлик билан ўтса-ю, аммо ёнингда кўнглингни овловчи, сенга тасалли берувчи, қийинчилик ва машаққатингга шерик, дардингни олувчи бир аёл – беканг бўлса, бу дунё ташвишларидан сира қўрқмасанг ҳам бўлаверади. Бундай хотин эрнинг бошига бахт тожини кийдирувчидир.

Сўфи Оллоҳёр ҳазратларининг ёмон хотинлар ҳақидаги фикрлари билан танишдик, яхши хотинлар ҳақида нима деган эканлар?

*Хуш ул зан билмаса беҳуда дерни,
Сучук лафзи билан шод этса эрни.*

Дейилмоқчики: яхши хотин беҳуда сўзларни айтишни билмас. Аммо ширин сўзлари билан эрини шод қилур.

*Агар ўн йил уйида бўлмаса ун,
Уни чиқмас, ани айтурга бир кун.*

Дейилмоқчики: агар хотин яхши бўлса, эрининг уйида ўн йил давомида ун бўлмаса, бировга ҳеч вақт ун йўқ, деб ун (товуш) чиқармас, шикоят қилмас.

Ривоят. Фақир бир одам уйланиб, ўғил фарзанд кўрди. У ўғлини бағоят севар эди. Бола тиш чиқара бошлагач, ота нолиб қолди:

– Қара, тишлари чиқиб қолди. Энди овқат ейишни хоҳайди. Энди мен унга овқатни қайдан топиб келаман?

Эрининг ақлини, дидини билган солиҳа хотин уни шундай деб юпатди:

– Эй, менинг соддагинам, тушунчаси нуқсонли эргинам. Сиз кўпам васваса қилаверманг. Фарзандимизга тишни Аллоҳ берган, унга овқатни ҳам Ўзи беради. Бутун оламга ризқ берган Жаноби Ҳақ қодирдир. Гўдаклар, чақалоқларнинг ҳам ризқини беради. Сиз ташвиш қилманг!

Чиндан ҳам чақалоқларга она қорнида сурат ва шакл берган Аллоҳ уларнинг ризқларини, умрларини ҳам берадир. Агар аёл солиҳа эмас, бу ҳақиқатан узоқ бўлганида эди, шаддодлик ёки қўполлик билан «Сиз отасиз, топиб келиш бурчингиз», деб дилини хира қилиши тайин эди.

Ривоят. Бир чўпоннинг солиҳа, фаросатли хотинига ҳамма ҳавас қиларди. Ҳамма шу чўпонни «энг бахтли одам» деб таъ-

рифларди. Қишлоқда кимки хотини билан келишолмай қолса: «Бор, чўпоннинг хотинидан ибрат олиб кел», дерди. Бир куни хотини билан жанжаллашиб қолган қишлоқ оғаси ҳам шундай деди. Хотин «Мен кимману чўпоннинг хотини ким! Ундан нимани ўрганардим!» деди. Кейин «бу хотинни ҳамма мақтайди бир бориб кўрайин-чи», деб қизиқиб йўлга чиқди. Борса, чўпон хотини ҳовлидаги идишда турган сувдан олиб ичаётган экан. Қишлоқ оғасининг хотини чанқаган эди, «шу сувдан ичайин», деб сўради. «Хўп, – деди чўпон хотини, – сизга ҳозир ичкаридан муздай сув олиб чиқаман, бу илиб қолган».

– Ичкарида муздай сув бўлса, ўзингиз нима учун бу илиган сувдан ичяпсиз? – деб ажабланди оғанинг хотини.

– Хоним, эрим бу онларда далада, жазирамада юрибдилар. Мешларидagi сув қуёш нурида илиб қолгандир. Эрим у ёқда илиган сув ичсалар-у мен бу ерда муздек роҳатбаш сув ичсам, меҳрибон хотинлигим қаерда қолди!

Бундай фаросат эгасини ҳар бир эркак орзу қилади. Бу бахтиёрликдир. Бундай бахт мол-мулк, бойлик, давлатмандлик, хонлик, беклик ёки ўқиган, катта мартаба соҳиби бўлиш билан қўлга киришиладиган давлат эмас. Баъзан икки карра иккиннинг тўртлигини билмайдиган одам илми, фаросатли, оқила аёлга эр бўлади. Худди шу ҳикоядаги чўпон каби! Инсон мол-мулк топа олади. Қўлидан ҳар нарса келади. Аммо яхши аёл қўлда ясаб оладиган неъмат эмас.

Яхши хотинга эга биродарларимизнинг айримлари баъзан хотинларини бирон-бир даврада мақтаб қўядилар. Билмайдиларки, хотинни мақташ одобдан эмас, чунки одатда сотилгувчи нарса мақталади.

Яна бир ривоят. Бир янги уйланган йигит тақдиридан қувониб, мақтанибди:

– Амаки, келиннгиз шундай назокатли, фаросатлики, сиз билмайсиз.

Амакиси жиянига насиҳат қилиб ўтирмай, оқшомда меҳмон бўлиб боришни тайинлабди.

Жияни келгач, амаки хотинига тарвуз олиб келишни буюрибди. Хотин олиб келибди. Амаки тарвузни кўриб: «Буниси яхши эмас, бошқасини олиб кел», дебди. Хотин итоат билан иккинчисини олиб келибди. Шу тарзда эрнинг хоҳишига қараб ўн марта бошқа тарвузга қатнабди. Аммо лом-мим демабди. Жияннинг таклифи билан эртасига амаки меҳмонга борибди. Жиян ҳам хотинига тарвуз келтиришни буюрибди. Биринчи тарвузни кўриб: «Бу яхши чиқ-

майди, бошқасини олиб кел», дебди. Жувон итоат билан иккинчи тарвузни олиб келибди. Жиян бундан мамнун бўлиб, амакисига «кўрдингизми!» дегандай кулиб қарабди-да, «Бу ҳам бўлмайди, бошқасини олиб кел», дебди. Учинчи тарвузни ҳам бўлмайдига чиқариб қайтармоқчи бўлганида, жувон:

– Нима, бир арава тарвуз тушириб қўйганмисиз, ҳали унисини, ҳали бунисини олиб кел, деяверасиз. Бор-йўғи учта тарвуз бор уйда, ёқмаса туринг-да, яхшисини ўзингиз танлаб олинг. Мен танлашни билмайман! – деб норозилигин баён қилибди.

Шунда амаки жиянига деган экан:

– Кўрдингми, болагинам, сен кўпам мақтанавермагин. Менинг уйимда бир донагина тарвуз бор эди. Хотиним яхши феълли, фаросатли бўлгани учун менга эътироз билдирмай ўша битта тарвузни ўн марта олиб келди. Лекин бирон марта итоатсизлик билан гап қайтармади, лабини ҳам бурмади.

Сўфи Оллоҳёр ҳазратларининг битикларини ўқишни давом эттирамиз:

*Сирин фош айламас, гар гамда бўлсун,
Агар танг бўлса, айтур: «Бўлса – бўлсун».*

Дейилмоқчики: яхши хотин ўзи аламда бўлса ҳам, эрнинг сирин асло фош айламас. Агар рўзғори тангликда қолганини биров айтса, эслатса ҳам «бўлса бўлар, эртага Худо бериб қолар», деб ўзга сўз айтмас.

*Агар заннинг мунингдек бўлса хишти,
Ани дегил бу дунёнинг беҳишти.*

Дейилмоқчики: агар хотиннинг сифати юқорида баён қилинганидек бўлса, ул хотинни бу дунёнинг жаннати бил.

*Иликка тушса мундоғ нозанин гул,
Дегил бу сандадур бўсанда, ман – қул.*

Дейилмоқчики: Аллоҳ Таоло насиб айлаб, шундай хотин қўлингга тушса, нимаики сиринг бўлса, яширмай айтишинг мумкин ва уни қучиб, бўса олиб «қулингман сенинг», десанг ҳам арзийди.

Бундай фазилатли аёллар ҳар бир эркакнинг орзусидир. Айни чоқда яхши фазилатли эрлар ҳар қандай аёлнинг орзусидир.

Яъни ақлли хотинни орзу қилмиш эрнинг ўзи ҳам ақлли бўлмоғи шарт. Вафони талаб қилувчи эрнинг ўзи, аввало, вафоли бўлсин. Аллоҳ ҳар бир эркакка ўзига яраша қизни насиб этади. Диққат қилайлик: ақлли одамга камдан-кам ҳолларда аҳмоқ хотин дуч келади. Чунки ақлли йигит дуч келган қизга уйланавермайди. Фақат қош-кўзларига эмас, гап-сўзларига, одоб-ахлоқига эътибор беради. Эр-хотиннинг ақл-заковати, феъли, зеҳни-фаросати орасида кескин фарқ бўлмаса, уларнинг турмушлари яхши кечади. Бир-бирларини тушунишлари осон бўлади. Улуғлардан шундай панд-насихат бор: «Хотин олсанг улуғ салоҳлиғ (яхши) хонадондин хотин талаб қилғил. Ҳар турлик авбошнинг қизин олмағил, нединким, хотинни уйнинг кадбонлиғи учун олурлар, шаҳват учун олмаслар. Хотин камолга етфон, оқила бўлфон, онасининг кадбонлиғин (сариптали уй бекаси эканлигини), отасининг кадхудолиғин (оила хўжаси эканини) кўрфон ва билфон бўлсун. Агар бундай нозанин кўлингга тушса, уни асло кўлдин чиқармағил ва жаҳд қилиб уни олғил».

Ривоят. Қадим Арабистонда илму ҳикматда беназир Шан деган бир ҳаким «ўзимга ўхшаган бирор билимдон қиз топилмагунича уйланмайман», деб аҳд қилган экан. Қайлиқ ахтариб мамлакатни кезиб чиқса ҳамки, ўзига муносиб ёр топа олмабди. Шу ниятда сарсон-саргардон юрган кезлари бир одам унга йўлда ҳамроҳ бўлибди. Шан ундан:

– Сиз мени кўтарасизми ё мен сизни кўтарайинми? – деб сўрабди.

– Ажаб бетамиз одам экансиз, – дебди ҳамроҳи аччиқланиб, – ўзим салламни зўрға кўтариб юрибман-у, сизни қанақасига кўтараман?

Шан индамабди. Бир оз йўл юрганларидан кейин барқ уриб яшнаб турган бир буғдойзорга етибдилар. Шан экинзорга қараб:

– Бу буғдойзорнинг донини еб бўлишдимикан? – деб ҳамроҳига қарабди.

– Жиннига ўхшайсиз-а! Буғдойи пишмаган, ўриб олинмай туриб қанақасига еб бўлади!

Шан яна индамабди. Яна бир оз юришгандан сўнг тобут кўтариб кетаётганларга йўлиқишибди.

– Бу одам ўлдимикан ё ҳали ҳам тирикмикан? – деб Шан ҳамроҳидан сўрабди.

Ҳамроҳининг баттар жаҳли чиқибди:

– Умрим бино бўлиб сизга ўхшаган аҳмоқни энди кўришим. Қабристонга кўтариб олиб кетилаётган ўликни тирикми ё ўликми, деб

сўрашингиз ақлли одамнинг гапи эмас. Илтимос, энди гапирмай жим кетинг. Гапирсангиз кўнглим озиб кетяпти.

Шундай қилиб индамай юраверишибди. Манзилга етишгач, ҳалиги одам «мусофирни меҳмон қилиб ҳам савоб олай, ҳам бояги кўполлигимни кўнглидан чиқарай», деб уйига таклиф қилибди. У одамнинг ҳусну малоҳатда, ақду фаросатда тенгсиз қизи бор экан. У отасидан «Ҳамроҳингиз ким экан, йўлда нималарни гаплашиб келдингиз?» деб сўрабди.

– Эй, қизим, бу сафар қип-қизил аҳмоққа рўпара келиб қолдим, – ота шундай деб бўлиб ўтган гапларни сўзлаб берибди.

– Унинг кўнглини оғритиб чакки қилибсиз, – дебди қиз. – Сизга айтган сўзлари унинг жуда катта ҳақим ва зўр билимдон эканидан далолат берапти. Биринчи саволининг маъноси шу: «Йўлнинг заҳматини камайтириш учун сиз бирон нарса сўзлаб берасизми ё мен айтиб берайми?» «Бу ернинг ғалласини еб бўлишдимикин?» деганда, «Бу ғаллани эккан одам бирор судхўрдан қарздор бўлиши, унинг қистовидан тезроқ қутулиш мақсадида, буғдойни ўриши биланоқ тўғри бозорга бориб сотиши мумкин», деган маънони назарда тутган. Мулоҳаза қилиб кўрилса, бу ҳол экин пишишидан олдинроқ еб кетилгандай бўлади. Тобутдаги мурдани ўликми ё тирикми, деб сўраганининг маъноси шу: «Бу одам ўлганидан кейин ёдгорлик сифатида бирор фарзанд ёки шогирд қолдирдимикан, эслашга арзигулик бирор хайрли иш қилдимикин ёхуд жоҳил ва фосиқлигидан, ўлиши биланоқ ҳамманинг эсидан чиқиб кетдимикин?» Сиз дарҳол унинг ҳузурига чиқиб, узр сўранг, айтган сўзларини шарҳлаб беринг. Акс ҳолда у сизни аҳмоқ ва жоҳил деган қарорга келиши мумкин.

Шунда ота чиқиб, қизининг айтганларини билдирибди. Шан унинг шарҳини тинглаб бўлгач сўрабди:

– Бу шарҳ сизнинг табиатингизга мутлақо хилоф. Яхшиси, бу сўзларни ким ўргатганини айтинг.

Қизнинг отаси ҳақиқатни айтишга мажбур бўлгач, Шан шунча йиллардан бери қидириб юрган гавҳаримни энди топдим, деб суюниб кетибди. Отасининг розилиги билан қизни никоҳига олиб, муродига етибди.

Ривоятдан оладиган ибратимиз шуки, киши ўз ҳолига, даражасига қараб, ҳар жиҳатдан ўзига мос бўлган оиланинг қизига уйлангани маъқул. Ўзидан юқори даражадаги қизга уйланса, хотини отасининг ҳашамати ва дабдабасига мағрур бўлиб, эрни менсимай қолиши мумкин. Иффатли, ҳаё-номусли хотин марғуб ва мақбул бўлса, аччиқ тилли, ҳаёсиз хотин фақат ўз эрининг эмас, балки халқнинг нафратига сазовор бўлади.

Пайғамбаримиз (с.а.в.) «Мусулмоннинг уйи жаннат боғидан бир боғчадир», деганлар. Бундан ибрат шуки, «жаннатда ўсган» қизга уйланган эрнинг бошига бахт қуши қўнибди. Аммо бахт қуши қўниши учун унинг ўзи ҳам жаннатда ўсган бўлиши керак.

Қози Шурайк тобейинлардан Шаъбий ҳазратларига насиҳат қилибдилар:

– Эй, Шаъбий, агар уйлансанг, Бани Тамим қабиласидаги қизлардан бирига улан. Улар қизларига яхши тарбия беришади.

Шаъбий: «Қаердан биласиз?» деб сўрадилар. Қози Шурайк саволга жавобан шундай дебдилар:

– Ёшлик фаслимда Бани Тамим қабиласи томонга борган эдим. Қайтиб келаётиб, қари бир аёл билан ёш қиз ўтиришганини кўрдим. Қиз ғоятда чиройли, латофатли кўринар эди. Қизни яқинроқдан кўрмоқ учун чанқоғимни босиш баҳонасида уларнинг олдида бориб, сув сўрадим. Аёл қизга сув олиб келишни буюрди. Сувни ичгач, ул хотиндан: «Бу қиз кимнинг фарзанди, исми нима?» деб сўрадим.

– Бу қиз Худоёрнинг қизидир, исми Зайнаб, – деди кампир.

– Турмушга чиққанми? – деб сўрашга журъат этдим.

– Йўқ, ҳали турмуш қурмаган.

– Аллоҳнинг амри ила менга берасизми? – деб сўрадим.

– Аввал сўраб-суриштириб, куёвликка лойиқ бўлсанг, берамиз, – деди кампир.

Уйимга қайтганимдан кейин ҳам қизни кўргим келаверди. Унга уйланишни ихтиёр этдим. Қариндошимдан бирини олиб, қизнинг амакиси ҳузурига бордик-да, мақсадимизни айтдик. Қизни суриштирган эдик, «У сенга муносиб», дедилар. Никоҳ бўлганидан кейин Бани Тамим қабиласининг аёллари қандай эканини яхши билмайман, бошқа-бошқа муҳит, бошқа қабила одамларимиз, шошилиб, адашмадиммикин, деб пушаймон бўла бошладим. Лекин ичимдагини ҳеч кимга айтмай, охири бахайр бўлар, деб кутдим. Уйландим, келинни олиб келдик. Ёлғиз қолганимизда никоҳимга олганим қиз менга шундай деди:

– Афандим, бу оқшом куёв икки ракаат намоз ўқиши керак. Аллоҳ ризоси учун ўқиладиган бу намоздан кейин келиннинг хайрли ва бахтли бўлишини тилаши, Жаноби Ҳақдан эзгуликлар, баракот ниёз этмоғини тилаши суннатдир.

Унинг гапи маъқул келиб, икки ракаат намоз ўқидим. Саломдан кейин қарасам, у ҳам намоз ўқияпти. Намоздан сўнг у менга қараб шундай деди:

– Афандим, мен саҳройи муҳитнинг қизиман. Сиз эса бошқа муҳитда тарбия топгансиз. Тақдир бизни бирлаштирди. Сизга ўз муҳитингиздан бир қиз, менга эса ўз қабиладан бир йигит топилар эди. Аммо тақдири илоҳий шундай экан, бир-биримизнинг феъл-атворимиз ва ахлоқимизни билмаганимиз ҳолда тақдир ҳукми билан оила қурдик. Сиздан биринчи илтимосим, яхши кўрадиганингиз ва мамнун бўладиганингиз нарсаларни менга айтиб қўйсангиз. Сизнинг истагингизга мос хизмат қиламан, ёқтирмайдиган ва хуш кўрмайдиган ҳолларни ҳам айтиб қўйинг, токи мен улардан сақланай. Шундан кейин сиз менга лутф этиб, мулоим феълли бўлинг, мен ҳам сизга хотинлик вазифаларимни ўрнига қўймоқ учун астойдил ҳаракат қилай. Агар мен ўз вазифамни бажармай, танбаллик ва итоатсизлик қилсам, мени отамнинг уйига қайтариб юборишингиз мумкин. Бунинг учун ҳеч ранжимайман. «Бошга тушганни кўз кўрар», «Бошга тушса йиғламас», дейдилар. Мен сиздан шуларнигина илтимос қиламан. Жаноби Ҳақдан бир-биримиз учун хайрли ва баракотли турмуш қуришимизни тилайман.

Менга унинг сўзлари хуш ёқиб, дедимки:

– Хоним, сен менга шундай пурмаъно сўзлар айтдингки, агар айтганларингни адо этсанг, мени толеи баланд ва бахтиёр этасан. Агар сўзингда турмасанг, аҳвол бошқача бўлади. Мен мана бу нарсаларни истайман, бу нарсаларни севаман, мана буларини эса ёқтирмайман. Мен орзу қилганларни адо эт. Хуш кўрмаганларимни яшир, кўрсатма.

Сўнг у «Қариндошларимнинг келиб-кетиб туришларини хоҳлайсизми?» деб сўради. «Узоқ турмаслик шарти билан майли, лекин ҳаддан зиёд тез-тез келишларини хоҳламайман», дедим. «Қўшнилاردан кимлар кириб-чиқа олади? Хоҳламаганингиз билан кўришмайман», деди. Мен дедим:

– Фалон қўшнилар чиқиши мумкин. Улар номусли ва виждонли одамлар. Фалон кимсаларни хоҳламайман, уларнинг ҳаёти одамийликка зид. Ундайларнинг хонадонимизга қадам босишлари яхшилик келтирмайди. Бундай мезонлар билан қурилган оила қисқа вақт ичида бир жаннати хонадон бўлади.

Орадан бирор йил ўтди. Бир куни уйимга келсам, кекса аёл меҳмон бўлиб ўтирган экан. Унинг аёлимга «Қизим, бундай қил, ундай қилма», деб насиҳат қилишидан таажжубланиб: «Бу ким?» деб сўрадим. Аёлим «Қайнонангиз», деб жавоб берди. Мен қайнонамнинг ҳурматини бажо келтириб, ҳурмат ва эҳтиром кўрсатдим. Қайнонам «Хотинингиздан мамнунмисиз?» деб сўрадилар.

– Жуда мамнунман, Аллоҳ сизлардан рози бўлсин, жуда ҳам яхши фарзанд етиштирибсиз. Бундан яхшиси бўлмайди. Ниҳоятда мамнунман, – дедим.

Бунга жавобан қайнонам:

– Мен уни жаннатдай оила гўшасида ўстирганман, ўғлим. Аёлнинг бадфеълидан Аллоҳ сақласин. Қариндошларимиз сизни кўргани келишмоқчи, қачон келишсин? – деб сўрадилар.

Мен: «Истаган кунлари келишсин. Уйимнинг тўри уларники», дедим.

Қайнонам ҳар йили бир келиб, қизига насиҳатлар қилиб кетардилар. Мен хоним билан йигирма йил бирга яшаб, унинг бирорта айбини кўрмадим.

Азиз ота-оналар, мазкур ҳикояни, ундаги қизнинг гапларини яна бир қайта ўқиб чиқинг. Яқин ойларда ёки яқин йилларда келинлик либосини эгнига илувчи қизингизга ҳам ўқиб, маъносини тушунтириб беринг. Биз, ҳар биримиз уйимизда жаннат ҳузури бўлишини истаймиз, аммо бу неъмат фақат дуо билан бўлмайди. Бу неъматга эришиш учун одамнинг ўзида яхшилик сари интилиш бўлиши керак. Қизининг бахтли бўлишини истаган ота-она унга яхши тарбия бериши зарур. Мазкур ҳикояда шундай ўғитлар борки, уларга амал қилиш хонадонни жаннат мисоли ҳузур манбаи қила оладир. Қози Шурайкнинг қайнонаси «Қизимни жаннатда ўстирдим» деганига диққат қилайлик: бунда, аввало, ҳикоя аввалида зикр этилган ҳадисга ишора бор. Иккинчидан эса жаннат – тириклик чоғида кўп яхшиликлар қилган одамлар тўпланадиган жой. Қиз комил хулқ эгалари таъсирида вояга етган. Ҳар бир ҳаракатида одамийлик талабларига амал қилади. Кимки уйини жаннат боғчаси қилса, фарзандини шу боғча гули каби парваришлайди. Кўриниши гўзал бўлгани учун эмас, феъли гўзал, ахлоқи яхши бўлгани учун аёл эъзозланади. Чунки мол-дунё тугайди, гўзаллик ўтиб кетади. Шу гаплар айтилганда бировларнинг энсаси қотиб «ўтмишдаги гапларни мисол қилишнинг нима фойдаси бор?» деб қўл силташади.

Каминанинг афсуси ҳам шунда. Ажаб, ажабки, жаннат боғчалари ўтмишда қолиб кетдимикин? Йигирма биринчи аср мезони бу жаннат боғчаларини инкор этадимиз? Бўлажак келин бой, бўялган, ясанган бўлса басми? Тор шим кийиб, киндигини кўрсатиб юрувчи, ота-онасидан ҳам кўра дискотекани яхши кўрувчи қизлар қайси боғчада парвариш қилиндилар экан? Жаннат боғчасидами ё дўзахнинг қуриб қовжираган биёбонидами? Баъзан кўчада

кўрамыз: онаси биной аёл, ҳатто ҳижобда. Қизи эса шармандали кийимда. Бу қанақа оила бўлди?!

Севиқли Пайғамбаримиз (с.а.в.) саҳобаларига: «Ахлатхонада битган гулдан эҳтиёт бўлинг», деганлар. Асъҳоб: «Ахлатхонада битган гул қандай гул, ё Расулуллоҳ?» деб сўрадилар. Расулуллоҳ (с.а.в.) марҳамат қилдилар:

– Ёмон муҳитда, исломий тарбиядан узоқ, ахлоқсиз бир оилада етишган аёл.

Қиз олинаётганида оиласининг одоб-ахлоқи, яшаш тарзи яхши ўрганилиши керак. Албатта, қўни-қўшниларнинг айтганлари эътиборга олинади. Лекин қўшнининг ҳам ҳар хили бўлади. Бу ишда кўриниши чиройли қўшнилардан эмас, балки ахлоқи гўзал виждонли одамлардан сўралади. Қиз берувчи ҳам куёвнинг туриш-турмуши, ахлоқини билиши шарт. Яхши суриштирмасдан тўйдан кейин «куёв бадахлоқ экан, куёв гиёҳванд экан», деб вовайло айтишдан фойда йўқ. Суриштиришда ёлғон ишлатилмаслиги керак. «Айби бор, аммо тўйдан кейин тузатиб олар», деган умидда алдаш одамийликка зид.

Бу ўткинчи имтиҳон дунёсида бахт кишига ҳадеб кулиб боқавермайди. Бировнинг оти бўлса, араваси йўқ, араваси борнинг оти йўқ. Оила бахти ҳам шундай. Бугун эр-хотин ўзини бағоят бахтиёр ҳис этади, эртага эса акси. Оила бахтини бир дарахтга қиёс этсак, унинг икки ўқ илдизи бўлади. Бири эрнинг фазиладан, иккинчиси хотиннинг хислатларидан сув ичади. Агар бу баробарлик йўқолса, масъудлик дарахтининг умри қисқа бўлиб қолиши мумкин. Шу боис оила бахтини таъминлашда эрнинг масъулиятини яна қайта таъкидлаб, бир ривоятни эслаймиз.

Ривоят. Бир йигит гўзал ва оқила қизга ошиқ бўлиб қолди. Қизнинг ҳам унда кўнгли бор эди, унаштириб қўйилдилар. Аммо тўйдан аввал қиз хасталикка чалинди, юзларига чечакка ўхшаган нимадир тошиб кетди, табиблар унинг чорасини қила олмадилар. Оқибатда қиз аввалги гўзаллигини йўқотди ва йигитга турмушга чиқиш аҳдидан қайтди, ўзини дунёдан ёлғиз ўтишга ҳукм қилди. Иттифоқо, йигит ҳам касалликка чалиниб, бир неча кун қимирламай ётди. Кейин оёққа турди-ю, бироқ кўзлари ожиз бўлиб қолди. Йигит қизга уйланиш аҳдидан қайтмади. Қиз ҳам ноилож кўнди. Икковлари шу тарзда анча йил бахтиёр умр кўрдилар. Вақти-соати келиб, аёл вафот этди. Унинг жанозасидан кейин эрнинг кўзлари кўр эмаслиги маълум бўлди. Бу ривоятдан мурод – оила бахти учун эр ҳам фидои бўлмоғи керак.

Ҳар бир эркак номусли, ҳаёли қизга уйланишни истайди. Бу фазилатни қиз, энг аввало, ўз оиласида ўзлаштиради. Агар оиладаги ота-она тарбияли, одобли ва бир-бирларига хушмуомалали бўлишса, фарзандлари ҳам улардан ибрат олиб, шундай фазилатлар эгаси бўладилар. «Онасини кўргин-у қизини ол», деб бекорга айтмаганлар. Совчилар борган уйларининг ҳашаматига лол қолиб ўтирмасдан уй бекасининг саришталигига, муомаласига диққат қилсалар адашмайдилар. Агар ёдингизда бўлса, Абдулла Қодирий «Ўткан кунлар»нинг аввалидаёқ уйланиш машаққатидан сўз очадилар:

«– Манимча, уйланишдек нозик бир иш дунёда йўқдир, – деди Раҳмат ва Отабекка юз ўғирди. – Уйлангач, хотининг таъбингга мувофиқ келса бу жуда яхши; йўқса, мунчалик оғир гап дунёда бўлмас.

Отабек Раҳматнинг бу сўзини самимият билан қаршилади.

– Сўзингизнинг тўғрилигига шубҳа йўқ, – деди, – аммо шуни ҳам қўшмоқ керакки, оладиргон хотинингиз сизга мувофиқ бўлиши баробарида эр ҳам хотинга мувофиқуттабъ (таъбига мос) бўлсин.

– Хотинга мувофиқ бўлиш ва бўлмаслиқни унча кераги йўқ, – деди Ҳомид эътирозланиб, – хотинларга «эр» деган исмнинг ўзи кифоя... аммо жиян айткандек, хотин деган эрга мувофиқ бўлса бас.

Раҳмат кулиб, Отабекка қаради. Отабек ҳам истехзоли табассум ораси Ҳомидга кўз қирини ташлади..

– Уйланишдаги ихтиёримиз, – деди Раҳмат, – ота-оналаримизда бўлганлиқдан, оладиган келинлари ўғилларига ёқса эмас, балки унинг ота-оналари ўзларига ёқса бас. Бу тўғрида уйлангувчи йигит билан эр қилгувчи қизнинг лом-мим дейишга ҳақ ва ихтиёрлари бўлмай, бу одатимиз маъқул ва машруъ ишлардан эмасдир. Масалан, мен ота-онамнинг ёқдиришлари билан уйландим... аммо хотиним ота-онамга мувофиқ бўлса ҳам менга мувофиқ эмас. Сиз айткандек, эҳтимол мен ҳам хотинимга мувофиқ эмасдирман...»

Китобдаги бу сатрларни батафсил эслашимнинг боиси, эътибор қилган бўлсангиз, ўтмиш ва бугунги кун ҳолатида ўзгариш кам. Орамизда Ҳомидга ўхшаб чакки фикрловчилар ҳам учраб турибди. Фарзандларини уйлантиришда уларнинг хоҳиш-истакларини инобатга олмаётганлар ҳам кўп. Демак, бу хусусдаги баҳсларга чек қўйиш вақти ҳали келмабди.

Оила қурган кишини кеманинг ичига тушган одамга қиёслаш мумкин: кема денгиз ўртасига йўл олган. Денгизда эса пўртаналар мавжуд. Фарзандларнинг туғилиши бу кемани бошқаришни

янада қийинлаштиради. Энди кема дарғасидан янада кўпроқ куч ва маҳорат талаб этилади.

Фарзанд туғилиши қувонч ва бахт келтириши билан бирга айрим оилаларда кутилмаган ташвишларни ҳам юзага чиқаради. Айниқса, эр-хотин, қайнона-келин орасида келишмовчилик мавжуд оилаларда бола туғилиши билан вазият янада кескинлашади. Тўғрироғи, вазиятнинг кескинлашиши аёл ҳомиладорлигини сезган кунлардан бошланади. Маълумки, аёллардаги ҳомиладорлик жараёни бир хилда кечмайди. Айримлари бу жараёндан енгил ўтадилар, айримлари ғоятда қийналадилар, махсус муолажага ҳам муҳтож бўладилар. Ана шу пайтда оилада ҳам эр, ҳам қайнона, ҳам бошқа аъзолар томонидан ҳомиладор аёлга алоҳида меҳр ва шафқатли муносабатда бўлиш талаб этилади. Баъзи қайноналарнинг «шунга шунчами, менам ҳомиладор бўлганман, менам туққанман, бунақа талтайиб ётмас эдим», дейишларини нодонликка йўйсак ранжимасинлар. Келинларнинг барчаси ҳам айёр эмасдир. Уларнинг вужуди қақшаса, қийналишса нима қилишсин? Келиннинг бундай азобли кунларида ақлли, инсофли қайнона унга ўз онасидай меҳрибонлик билан муомала қилиши керак. Эр ҳам хўжайинлик мартабасидан тушиб, меҳрибон йўлдош мақомини олиши шарт. Бола туғилгунига қадар аёлга моддий-маънавий шароит яратиб берилиши керак. Уни айрим оғир вазифалардан озод қилиш лозим. Эр сув сепмоқчи бўлган хотини қўлидан челақни олса, бу ёқдагилар уни кулги қилмасликлари зарур. Ҳомиладор аёлни, айниқса, асабийлашишдан эҳтиёт қилиш керак. Аёл кўп асабийлашса, мажбурий қийноқларга рўпара қилинса, боланинг асабий касаллик билан туғилишини тиббиёт исбот қилиб берган. Демак, агар ҳомиладор аёлга яхши шароит яратиб берсак, аслида туғилажак фарзандимизга яхшилик қилган бўламиз. Фарзанд соғлом туғилса, ўзимизнинг бахтимиз-ку! Унинг хаста туғилишига ўзимиз сабаб бўлиб, кейин зир югуриб юришимиз бизга ўша ёмонлигимиз учун берилган жазо эмасми?

Аёл ҳомиладорлик пайтида арзимаган гапдан ҳам ранжийдиган бўлиб қолади. Қувноқ онларидан ғамгин дамлари кўпаяди. Агар бу қайғуси ҳаддан ошса, бола ташлайди. Шу боис ҳам эркаларнинг бу даврда аёлларини авайлашлари хотинни эркалатиш дегани эмас, балки туғилажак болани авайлашдир. Аёлини ғам ва камқувватликдан эҳтиётлаш эрнинг бурчи. Аёлнинг баҳаво жойларда кўпроқ юриши, тез ҳазм бўладиган кучли овқатларни тез-тез ва оз-оз тановул қилиши бизнинг оилалар учун камёб ҳо-

диса. Ҳомиладор келин қорни очса ҳам бошқаларнинг дастурхон атрофига ўтиришини кутишга мажбур. Ўзича овқатланса, уни очофатга чиқариб қўядилар. Кейин эса болани сақлаш учун ши-фохонага ётқизадилар. Агар келин кетма-кет икки марта бола ташласа, «бунинг пушти чатоқ экан, боламга бошқа хотин олиб бериш керак», деган ҳаракатга тушиб қоладилар. «Келин ҳомиладор бўлганидан кейин унинг шароитини яхшилаш учун нима қилдик?» деб ўзларини саволга тутмайдилар. Агар келин камовқат бўлиши, кўп қайғуга берилиш оқибатида бола ташласа, бунинг гуноҳи эр, қайнота-қайнона зиммасига тушади.

Никоҳнинг биринчи мақсади – одам наслини кўпайтиришдир. Шунинг учун ҳар бир одам бутун куч-қувватини авлодининг ҳимоясига қаратиши керак. Ҳеч бир ота-она боласини нобуд бўлишини истамайди. Она қорнида бола пайдо бўлганидан сўнг унинг ҳаёт-мамоти ота-онага боғлиқ. Шунинг учун ҳам улар болани нобуд бўлишига олиб келадиган ишларни қилмасликлари керак. Аёллар, айниқса, эрлар болага зарар келтириши мумкин бўлган ташқи таъсирлар нималардан иборат эканини яхши билмайдилар. Масалан, тиббиёт фани маълумотига кўра, ҳомиладорликнинг иккинчи ойдан то тўртинчи ойигача кўп оналар бола ташлайдилар. Бунинг сабаблари қўрқув, камқувватлилик, оғир жисмоний ишларни бажариш ва кўп қайғуриш бўлади. Оғироёқ аёлларни уйда ёлғиз қолдириш ҳам мумкин эмас. Ҳомиладор аёлга яхши шароит яратиб бериш ҳам ҳар бир оиланинг бурчи, ҳам жамиятнинг вазифаси. Чунки бир аёлнинг ҳомиладор бўлиши, фарзанд кўриши бир оиланинг муаммоси эмас. Бу – жамият келажагига доир муҳим масала!

Фарзанд туғилганидан кейин эр ҳам хотин ҳам бир нарсани англаб олишлари керак: фарзанди туғилганига қадар ҳар бир одам ўзи учун яшайди, туғилганидан кейин фарзанди учун яшайди. Бошқача бўлиши мумкин эмас. Яқинда бир даврада илми биродаримиздан «Бир одамнинг хотини ва қизи бор. Хотинининг оғзидан ёмон ҳид келади. Даволатай деса, давоси йўқ экан. Ажрашмоқчи, шу тўғрими?» деб сўраб қолишди. Илми биродаримиз ўйлаб ҳам ўтирмай «Тўғри, ажралиши керак, оғзидан ҳид келишини қиз тўйдан олдин айтиши керак эди», деди. Мен бу фатводан ранжидим. Агар оилада фарзанд бўлмаганда ажрашиб кетишса майлига эди. Лекин фарзанд тирик етим қоляпти-ку, наҳот бунга ўйлашмасам?! Мен уламолар билан баҳслашишга ожизман, лекин бундай фатво беришларини тўғри деб ҳисоблай олмадим. Аввало, аёлнинг оғзидан келувчи ҳид тўйдан кейин пайдо бўлгандир. Бу кўпроқ ошқозон-ичак хасталиги билан боғлиқ. Лекин аёллар

эрларидан шундай ҳид келса, ажраб кетмайдилар-ку! Ҳам ароқ, ҳам тамаки ҳиди анқиб турган эркаклар билан баъзан ёнма-ён ўтириб, беш-ўн дақиқага чидамаймиз, уларнинг аёлларига эса балли деймиз. Яна шу ўринда юзига яра тошиб, гўзаллигини йўқотган қаллиғига уйланиш учун кўзини ожиз қилиб кўрсатган инсоф эгаси ҳақидаги ривоятни эслайлик. Бизлар шундай танти, мард, олижаноб бўла олмаимизми? Бизлар ўз нафсимиз йўлида шу қадар тубанлашдикми?

Маҳалладаги қўйди-чиқдиларни ҳал қилувчи йиғинда бир эр хотинини талоқ қилганини айтиб, «У менинг менталитетимга тўғри келмайди», деб изоҳ берди. Маълум бўлишича, бу «менталитет эгаси» Америкага ишга бориб келган экан. Агар йирик олим сифатида бориб келса-ю «хотинимнинг савияси паст», деса тушунуш мумкин. Америкада икки йил бир меҳмонхона зиналарини ювиш билан машғул бўлган экан, бу жанобнинг менталитетлари қандай бўлиши мумкин? Энг муҳими, бу нодон жанобнинг уч фарзандлари бор. Бу фарзандлар туғилгунича менталитетлари қаерда эди? Ким нима деса десин, аммо жиддий сабабсиз болаларини тирик етим қилаётганларни айблашдан тоймаймиз. Фарзанд оилани бузишга сабабчи эмас, балки оилани сақлаб қолишга восита бўлиши керак. Хотинга чидай олмай қолган эр, эрига чидай олмай қолган хотин фарзандининг келажагини ўйлаб кўрса-чи? Эҳтимол, шу уларни охирги қадамдан сақлаб қолар? Судда эр ҳам хотин ҳам фарзандни талашади. Фарзандни шунчалик яхши кўрар экан, шу боланинг бахти учун ўз нафсидан кеча қолса бўлмасмикин? Ҳа, судда фарзандларини талашадилар. Кейин... янги оила қураётганларида уни болалар уйига олиб бориб берадилар. Бунга нима деймиз? Боласини тирик етим қилиб қўйганлар янги оилаларида наҳот ўзларини бахтли ҳис қила олсалар? Ота ёки она меҳрига ташна боланинг уволи уларни тутмайдими? Бу дунёда отасиз ёки онасиз ёки ота-онасиз ўсган фарзандлари билан Қиёматда юз кўришишганларида бола меҳр-шафқат ҳақини даъво қилса, нима деб жавоб берадилар?

Қиёматдаги жавобга қадар ота ва онанинг жамият олдидаги бурчи бор. Қамалиб қолган ўсмирлар ҳаёти билан қизиқиб кўрганимда улар орасида ота-онаси, буваси ва бувиси тарбиясида улғайлаганлари оз эди. Ота-онасининг ажрашиб кетиши натижасида отаси ёки онаси меҳридан бегона равишда ўсганлари эса кўпчиликини ташкил қилар эди. Болалиги ёки ўсмирлигида жиноят йўлига кириб, сўнг бу оламда умрининг охиригача қолиб кетган фарзанд ота-онасини ҳаётлик давридаёқ куйдириб кул қилади.

Бундай фарзанд ота-онаси вафотидан кейин уларни йўқлаб бирор марта дуо қилармикин? Бу ҳам бир масала. Дуоталаб руҳларнинг Қиёматга қадар азобланиб, чирқираб туришидан Аллоҳ асрасин! Бир «Меҳрибонлик уйи»даги болаларнинг ўн фоизи «фирт етим» – отаси ҳам, онаси ҳам йўқ экан. Тўқсон фоизининг отаси ҳам, онаси ҳам бор! Ота-оналаридан ташқари бобо-бувилари, тоғалари-амакилари, холалари-аммалари бор. Бу нақадар аянчли ҳолат!

Аёллар ишлашлари керакми ё йўқми, деган муаммо бугунги кун оиласи учун муҳим бўлиб турибди. «Бугунги кун» деб таъкидлашимнинг боиси, авваллари бундай муаммо бўлмаган. Аёллар уйда ўтирганлар. Бироқ, бу ишламаганлар, деган гап эмас. Аёллар уй юмушлари, фарзандлари тарбияси билан шуғулланишдан ташқари маълум бир ҳунар билан банд бўлганлар. Масалан, каштачилик, дўшпичилик каби. Ундан ташқари аёллар ишлаши керакми ё йўқми, деган масала фақат шаҳарга хос. Қишлоқларда бундай масала йўқ. Эр далада кетмон чопиб, аёл уйда пашша қўриб ўтирмайди. Эр билан барабар ишлайди. Фарзанд тарбияси ҳам шу меҳнат жараёнида олиб борилади.

Хўш, бугун шаҳар оиласида аёл ишлаши керакми ё йўқми?

Бу саволга ҳар бир оила ўз шароитидан келиб чиқиб жавоб бериши зарур. Муҳими, аёлнинг нима иш билан шуғулланишига жиддий эътибор бериш керак. Аёлларни офир ва соғлиқ учун зарарли ишлардан эҳтиёт қилишимиз керак. Бугун биз аёлларни қурилишдами ёки заводдами офир ишларни бажараётганини кўра-миз. Ҳатто далада тракторга ҳам миндириб қўйиб, уни олқишлаганмиз. Аёлларни жисмоний офир ва зарарли ишларда ишлашлари биз – эрлар учун уят эмасми?! Бухородаги сайёҳларга тарихдан ҳикоя сўзловчилар зардўзлик санъати ҳақида гапира туриб, «қадимда зардўзлик билан фақат эркаклар шуғулланганлар, аёлларни менсимаганлар, уларга ишонмаганлар», деб изоҳ беришади. Бу нодонларча изоҳга сайёҳлар, албатта, ишонадилар. Ҳолбуки, у замонларда эрлар аёлларни эҳтиёт қилганлар. Аввало, бу иш анча машаққатли. Иккинчидан, зардан турли чанг кўтарилади ва аёлнинг саломатлигига таъсир қилади.

Яқинда бир биродаримизнинг аёли вафот этди. Шунда биродаримиз «аёлимни ишлатмасам бўларкан, барвақт ўлмас эди», деб қолди. Унинг аёли босмахонада ҳарф терувчи бўлиб ишларди. У пайтлар «линотипчи» деган касб эгаси, яъни ҳарф терувчининг шундайгина ёнида қўрғошин қайнаб турарди. Ўша ишда орттирилган касаллик охири ўз кучини кўрсатди.

Бу масалада айримлар сал кескинроқ фикр ҳам билдириб, «ишлайдиган аёлларнинг бузилишлари осонроқ бўлади», дейиша-

ди. Бу фикрга қўшилиш қийин. Тарбиясиз аёл уйда ўтириб ҳам бузилаверади.

Бошқа бировлар ишламай уйда ўтирган аёлларнинг дунёқарашини тор, савияси пастлашиб кетади, дейдилар. Бу ҳам бир ёқлама тўхтама. Дейлик, бир хонада олти аёл ишлайди. Биттаси китобхон, бошқалари китоб деса, боши оғрийдиган тоифадан. Ўша китобхон аёл жаҳон адабиётидан гапирса, қолганлар эшитишадими? Эшитишмайди. Уларга бундан кўра ғийбат афзал. Ғийбатдан лаззатланишади. Оқибатда ўша китобхон аёлни ҳам ўз қаторларига қўшиб олишади. Агар уйда ўтирган аёлларнинг савияси паст бўлса, Зебунисо бегим, Нодира бегим, Увайсий бегимлар дунё адабиёти тарихига гавҳарлар тўкармидилар?

Ишлаш масаласини ҳал этишда ҳар икки томон кескин талаблардан воз кечиб, шароитдан келиб чиққан ҳолда муроса қилганлари маъқул. Бу масалада бир оила иккинчисига намуна бўла олмайди.

Оила, эр-хотиннинг ҳуқуқлари, бир-бирларига меҳр-муҳаббатлари хусусида адоқсиз равишда фикр юритиш мумкин. Чунки ҳар бир оила – ўзига хос бир олам. Бу оламнинг эса ўзига хос олам-олам қувончлари, олам-олам ташвишлари, олам-олам муаммолари мавжуд. Бу муаммоларни одилонга ҳал этиш эса барчанинг: оила бошлиқлари – ота ва онанинг, фарзандларнинг, келину куёвларнинг бурчи. Биз мазкур суҳбат баҳонасида шу муаммоларни ҳал этишда уларга холис бир маслаҳатчи бўлишга уриндик, холос.

Умидимиз юлдузлари, сиз туғилишингиз билан оилангиз яқинлари «чақалоқ униб-ўсиб, файзли хонадонга ардоқли куёв (суюкли келин) бўлсин, деб дуолар қилишган. Ҳозир ҳам шундай дуо қиладилар. Орадан бир неча йил ўтиб, тўй ҳаракати бошланганида, тўй кунлари ва ундан кейин ҳам бу дуоларни кўп эшитасиз. Сиз бир нарсани унутманг: дуолар ҳисоби минглардан, миллионлардан ошса ҳам ўзингизда бу бахтга интилиш бўлмаса, етолмайсиз. Сиз бир сарой қурмоқчисиз. Бу саройнинг номи – бахт! Пойдевори – иффат, ҳаё, гишталари – сабр ва шукр, девори иймон, томи – ақл ва ирода. Безаклари – фаросат, саховат, меҳр... Одамлар дуо қилиб сизга омад тилашади. Биров сизга битта гишт олиб узатмайди. Аксинча, ўзининг нотўғри маслаҳати ва хатти-ҳаракати билан бахт саройини қуришингизга халақит берадиганлар топилади. Агар сиз умрингизни улар билан олишишга сарфласангиз, сарой қурилиши чала қолади. Сиз бугун ҳаётингизнинг ғоят масъул паллаларида турибсиз. Сизда бахт саройини қуришга етарли тажриба ҳали етарли эмас. Таъбир жоиз бўлса, иморатда пойдевор бўли-

шини биласиз, лекин бетон қоришни билмайсиз, семент ва қум қоришмасининг миқдорини назарий жиҳатдан биласиз-у, амалда қандай ишлашдан ҳали йироқсиз. Пойдевор тепасига гишт териш, сўнг том ёпишни... барчасини назарий жиҳатдан биласиз. Лекин гишт териб кўрмагансиз. Сувоқ қилиш қўлдан келмайди... Лекин ноумид бўлманг, буларнинг ҳаммасини эплаш, ўрганиш мумкин. Бетончи, дурадгор, сувоқчиликни бир неча ойда ўрганиш мумкин. Бироқ, рамзий маънода айтаётганимиз бахт саройини қуриш тез кунларда осонлик билан бўлмайди. Бу машаққатни олдиндан ҳис қила олишингиз керак. Оилага доир масалаларнинг ечимини илмдан изланг. Бунинг учун ҳикмат китобларини ўқишдан тўхтаманг. Ота-боболаримиз сизу бизга бебаҳо мулкни – одамийлик мулкни мерос қилганлар. Бу мулкни беҳуда совурмай, ундан ақлингиз, тафаккурингизни бойитиш учун фойдаланинг. Бу борада биринчи галда ота-онангиз, қўшнилари, қариндошлари, устозлари орасидаги доноларнинг сизга ёрдам беришларини умид қиламан.

* * *

Умидимиз юлдузлари, одам боласи дунёда бой бўлиш учун эмас, балки бахтли бўлиш учун яшар экан, қуш парвоз учун, инсон эса бахтиёр бўлиш учун яралган экан, мен жону дилим билан барчангизга саодатли умр тилайман.

Азиз умидимиз юлдузлари, сизга бахт фасли ўзининг янги-янги чиройларини очяпти. Бу худда баҳор фасли гўзаллигидан маст бўлишга ўхшайди. Қирга чиқсангиз, лолазор ҳусни қалбингизга ажиб бир тароват беради. Боққа борсангиз, дарахт гулларининг ифоридан дилингиз яйрайди... Умрнинг баҳор фасли ҳам шу кабидир. Лекин... бу гўзалликдан ҳар одам ҳар хил таъсирланади. Тулпорга чавандоз қай кўз билан қарайди-ю, қассоб қай назар билан боқади? Бахт фаслига бўлган муносабат ҳам шу кабидир. Ҳамонки, сизга барча бахт тиламоқда экан, сиз бу хайрли дуолар қанотида, ўзингизнинг ғайратли ҳаракатингиз туфайли, икки дунё саодатга эришасиз, инша Аллоҳ!

ФҲЙДАЛАНИЛГАН ВА ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР

1. «Тафсири ҳилол». Муфассир: Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф.
2. «Қуръони Каримнинг маъно таржимаси». Мутаржим: Шайх Алоуддин Мансур.
3. «Қуръони Каримнинг маъно таржимаси». Мутаржим: Шайх Абдулазиз Мансур.
4. «Ҳадиси қудсий». Мутаржим – Абу Муҳаммад Маҳбубий Марғилоний.
5. «Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий». Ал жомиъ ал саҳиҳ. (Мутаржимлар жамоаси)
6. «Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий». Ал адаб ал муфрад. Мутаржим: Шамсуддин Бобоҳон.
7. «Исми аъзам» («Дуолар тўплами»). Мутаржим: Зуфаржон Шосалимов.
8. Имом Аъзам Абу Ханифа. Муснад. Мутаржим: Абдуллоҳ Мурод Холмурод ўғли.
9. «Абдусаттор Шайх». Абдуллоҳ ибн Масъуд. Мутаржим: Абдурашид Зоҳид.
10. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. «Ҳадис ва ҳаёт».
11. Ал фақиҳ Абу Лайс Ас-Самарқандий. «Танбеҳул ғофилун». Мутаржим: Дилмурод Қўшоқов.
12. Фаридиддин Аттор. Тазкират-ул Авлиё. Мутаржим: Мирзо Кенжабек.
13. Абу Ҳомид Ғаззолий. «Мукошафат-ул қулуб». Мутаржим: Миразиз Аъзам.
14. Абу Ҳомид Ғаззолий. «Риёзат ун-нафс». Мутаржим: Рашид Зоҳид.
15. Мавлоно Жалолиддин Румий. «Ичиндаги ичиндадир». Мутаржим: Улуғбек Абдуваҳоб.
16. Мавлоно Жалолиддин Румий. «Маънавий маснавий». Мутаржим: Асқар Маҳкам.
17. Амир Темур. Темур тузуклари. Нашрга тайёрловчи: Алихонтўра Соғуний.
18. Рисолайи азиза – «Саботул ожизин» шарҳи. Тузувчи: Ботирбек Ҳасан.

19. Юсуф Хос Ҳожиб. «Қутадғу билиг». Нашрга тайёрловчи: Яъқуб ҳўжа.
20. Кайковус. «Қобуснома». Мутаржим: Муҳаммад Ризо Огаҳий.
21. Шайх Саъдий Шерозий. «Гулистон». Мутаржим: Муҳаммад Ризо Огаҳий.
22. «Калила ва Димна». Мутаржим: Суйима Ғаниева.
23. Аҳмад Яссавий. «Ҳикматлар».
24. Алишер Навоий. «Маҳбуб ул-қулуб». Насрий баён муаллифи: Иноят Махсумов.
25. Алишер Навоий. «Муншаот». Нашрга тайёрловчи: Юсуф Турсунов.
26. Алишер Навоий. «Лисонут-тайр». Насрий баён муаллифи: Шарафиддин Шарипов.
27. Муҳаммад Авфий. «Нодир ҳикоялар». Мутаржимлар: Илём Низомиддинов, Турғун Ғайзиев.
28. Юсуф Товаслий. «Ҳикматлар хазинаси». Мутаржим: Урфон Отажон.
29. Мунаввар қори Абдурашидхонов. «Адиб ус-соний».
30. Абдурауф Фитрат. «Оила».
31. Абдулла Авлоний. «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ».
32. Алибек Рустамов. «Сўз ҳақида сўз».
33. Оз-оз ўрганиб доно бўлур. Мутаржим: Шорасул Зуннун.
34. Рабиндранат Тҳакур. Мақолалар. Танланган асарлар. 8-жилд.
35. Тафаккур гулшани. Тўплам.
36. Ақл ақдан қувват олади. Тўплам.
37. Номиқ Камол Зайбак. «Аҳмад Яссавий йўли ва ҳикматлари». Мутаржим: Роҳила Рўзманова.
38. Саййид Муҳаммад Ҳотамий. «Исломотафаккури тарихидан». Мутаржим: Н.Қодирзода.
39. Муҳаммад Камол. Ҳикматлар. Мутаржимлар: Санобар Турсунова, Шоира Нуриддинова.
40. Муҳаммад Камол. «Ҳикматлар ва ибратлар». Мутаржимлар: Абдулатиф Абдуллаев, Нодир Жўрақўзиев.
41. Муҳаммад Камол. «Ҳаёт томчилари». Мутаржимлар жамоаси.
42. Маҳмуд Асъад Жўшон. «Тасаввуф ва нафс тарбияси». Мутаржим: Нодирхон Ҳасан.
43. Маҳмуд Асъад Жўшон. «Рамазон ва тақво». Мутаржим: Сайфиддин Сайфуллоҳ.
44. Умар Форук Сайдо ал-Жазарий. Тасаввуф сирлари. Мутаржимлар: Баҳриддин Умрзоқ, Абдуллоҳ Мурод Тилов.
45. Усмон Нурий Тўпбош. Маснавий боғчасидан. Мутаржим: Муҳаммад Қобил.

46. Ризоуддин ибн Фахриддин. Жавомеъ ул-калим.
47. Муҳаммад Зоҳид Қўтқу ибн Иброҳим ал-Бурсавий. Мўминнинг сифатлари. Нашрга тайёрловчилар: Нодирхон Ҳасан, Абдулазиз Муборак.
48. Конфуций. Лунон. Изречения.
49. Лев Толстой. Мисли мудрих людей.
50. Забавние раскази про великомудрого и хитроумного Бир-бала.
51. Леонардо да Винчи. Сказки, легенди, притчи.
52. Сулхан-Саба Орбелиани. Мудрост вимисла.
53. Шунингдек, «Ҳидоят» журнали ва турли тақвимларда эълон қилинган кичик ҳикоя ва ҳикматлардан ҳам фойдаланилди.

ИЗОҲ: Одатда илмий-тадқиқотга доир асарлар сўнггида фойдаланилган адабиётлар рўйхати берилади. Мазкур баёним илмийликни даъво қилмайди. Фойдаланилган адабиётлар рўйхатини эътиборингизга ҳавола этишдан мурад – манбаларни маълум қилиб қўйишгина эмас, балки уларни ўқишга сиз – азизларни даъват қилишдир. Ҳаётда ёмон ҳамсуҳбатга учраб, алданиб қолиш эҳтимоли бор. Ким муборак китобларни ўзига маслаҳатгўй қилса, адашмайди. Қуръони Карим, қудсий ҳадислар, шарафли ҳадислар, тафсирлар, уламоларнинг шарҳлари ва ҳикматлари ҳар бир одамнинг холис ва вафоли дўстидир. Бу вафоли дўст сизу бизни ҳидоят йўлига бошлайдики, барчаларимизнинг йўлимиз иймон нури билан йўғрилган жаннат йўли бўлсин. Сиздан яна бир ўтинчим бор: китоб билан танишиб чиққач, номлари тилга олинган улуғлар, донишмандлар ҳақиқа, Аллоҳнинг каломини, Пайғамбаримиз (с.а.в.) кўрсатмаларини бизларга етказган уламоларимиз, зиёлиларимиз ва уларнинг ота-оналари, устозлари ҳақиқа дуолар қилсангиз нур аланнур бўлур.

МУНДАРИЖА

БИРИНЧИ ҚИСМ. САОДАТ САРОЙИНИНГ КАЛИТИ

<i>Биринчи бўлим. Ишқ-муҳаббат</i>	4
Кўнгил саломатлиги.....	5
Икки йўлнинг бири.....	15
«Ҳаёт тожи эрур оёғин гарди».....	32
Бемехр қариндошдан меҳр билган ёт яхши.....	50
Дўстлик чамани.....	64
Ватан туйғуси.....	89
<i>Иккинчи бўлим. Саодат саройининг калити</i>	102
Бахтиёрлик ичра сен.....	102
Инсонийлик тожи.....	116
Не эрур бу жаҳолат?.....	140
Ақл ва оқил.....	149
Донолик амал эрур.....	168
Нодонлигин тан олмас нодон.....	186
Ялқовлик меваси.....	197
<i>Учинчи бўлим. Тилингни авайла – омондир бошинг</i>	221
Инсонийлик гавҳари.....	221
Саломнинг хосияти.....	242
Ҳазилнинг таги зил.....	254
Тўғрилиқ ҳақида.....	262
«Қариндош» иллатлар.....	276
Тухмат тош ёради.....	290
Ғийбатнинг касофати.....	298
Дўзах ўтининг тутантириғи.....	307

ИККИНЧИ ҚИСМ. ВИЖДОН УЙҒОНУР

<i>Биринчи бўлим. Камалакка ўхшаган дунё</i>	318
Иззат ва шараф тантанаси.....	318
«Нафсим менинг балодир...».....	342
Зулмат салтанати.....	352
Ёмонликлар онаси.....	366

Искандарнинг васияти.....	379
<i>Иккинчи бўлим. «Эзгуликнинг мукофоти фақат эзгуликдир»</i>	396
Энг одил ҳакам.....	396
Нажот пойдевори.....	409
Яхшилик нима?.....	417
Қалбларнинг раҳмати.....	434
Инсоният боғининг ҳосилдор дарахти.....	453
Заҳарли тикан.....	472
«У исроф қилувчиларни севмас»..	491
...У сени кесади.....	506
<i>Учинчи бўлим. Юракнинг ҳақиқий кўзгуси</i>	521
Қимматбаҳо гавҳар.....	521
Вафо гули.....	526
Севгининг жони.....	534
Мардик ва олижаноблик.....	553
Шухрат – офат.....	562
Камтарга – камол.....	577
Манманга – завол.....	591

УЧИНЧИ ҚИСМ. КўНГИЛ НИМАДАН ҚОРАЯДИ

<i>Биринчи бўлим. Кўнгил нимадан қораяди?</i>	610
Зулм, золим ва зулмат.....	610
Қачонки ақл кетса.....	635
Оғир юк.....	647
Аёвсиз илон.....	658
Ҳалол ва ҳаром.....	679
Қўшнинг ёмон бўлса.....	694
«Уй – фонус, меҳмон шамъ-у мен эсам парвонамен...».....	705
Дока рўмол қачон қурийдиги?.....	730
Фойдаланилган ва тавсия этиладиган адабиётлар.....	780

Адабий-бадиий нашр

ТОҲИР МАЛИК

УМИДИМИЗ ЮЛДУЗЛАРИГА

“Одабийлик мулки”га доир суҳбатлар

Муҳаррир
Маъмура ҚУТЛИЕВА

Мусахҳиҳ
Мадина МАҲМУДОВА

Бадиий муҳаррир
Уйғун СОЛИҲОВ

Саҳифаловчи
Суннат МУСАМЕДОВ

Техник муҳаррир
Умидбек ЯХШИМОВ

Лицензия рақами: АИ № 252, 2014 йил 2 октябрда берилган.

Босишга 2016 йил 19 октябрда рухсат этилди.

Бичими 70x100 1\16.

Босма тобоғи 46.0. Шартли босма тобоғи 59.629.

Гарнитура «Bookman Old Style». Офсет қоғози.

Адади 10000 нусха. Буюртма № 212.

Баҳоси келишилган нарҳда.

«Янги аср авлоди» НММда тайёрланди ва чоп этилди.

100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.

Мурожаат учун телефонлар:

Нашр бўлими – 147-00-14; 129-09-71;

Маркетинг бўлими – 128-78-43; 397-10-87; факс – 273-00-14;

e-mail: yangiasravlodi@mail.ru